

АСҚАД МУХТОР

Асарлар

ТУРТ ЖИЛДЛИК

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1982

АСҚАД МУХТОР

Асарлар

ИККИНЧИ ЖИЛД

ДАВР МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Роман

БЎРОНЛАРДА БОРДЕК ҲАЛОВАТ

Қисса

Тошкент

Ғафур Гулом номидаги

Адабиёт ва санъат нашриёти

1982

Мухтор, Асқад.

Асарлар: 4 жилдлик.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—
2-жилд. Давр менинг тақдиримда: Роман; Бўронларда бордек
ҳаловот: Қисса. 648 б.

„Давр менинг тақдиримда“ ва „Бўронларда бордек ҳаловат“ — давр эътибори билан ҳам, қаҳрамонлар характери жиҳатидан ҳам бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини давом эттирадиган асарлардир. Замондошимизнинг давр ва жамият олдидаги бурч ва масъулият ҳисси бениҳоя ортди. Ёзувчи бу икки асарида замонамизнинг мана шу муҳим маънавий муаммоси устида кенг мулоҳаза юргизди.

Мухтар, Асқад. Собрание сочинений. Т. 2.

М $\frac{70303-21}{М 352(04)-82}$ 5 — 81 4702057020

ДАВР МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА



Асрининг улугвор мақсади учун,
Инсон — биродари учун бежминнат
Бугун ҳаётини бахш этганининггина
Умри боқий...

Н. Некрасов

Бахт-саодатни ўйлайман.

Кўп адиби расолаар ўз китобларини бахт тўғриси-
даги мулоҳазалардан бошлашган. Аммо уларнинг ҳат-
то энг доноси ҳам сиз билан менинг кўнглимдағини
тополмаган бўлиши мумкин.

Уйқудан сўнг обдон еб-ичиб, бир-икки соат дам ол-
гандан кейин яна ором оғушига шўнғиганида Обломов
ҳам ўзини бахтиёр деб билган. Римнинг Гуллар май-
донида вужуди жижғанақ бўлиб ёнаркан, Бруно ҳам
кўксига бахт шарпасини сезгандир балки... Ҳар давр-
нинг фарзанди ўз дарди билан, ўз бахти ва бахт ҳақи-
да ўз тушунчаси билан яшаган.

Шунча умр кўриб мен бу ҳақда астойдил ўйга
толмаган эдим. Бугун ювина туриб тошойнага кўзим
тушди-ю, ўз чехрамга узоқ тикилиб қолдим: хўш,
умр ўтиб қолибди, бахт-чи, бахтиёр бўлдикми?

Ўйласам — бу анча чигал нарса экан. Сизга мас-
лаҳат солмоқчи бўлдим, бирга ўйлашсак. Балки Сиз
ҳам, менга ўхшаш, чаккасига қиров тушиб, ўтилган
йўл ҳақида хаёл сурадиган бўлиб қолган кишидирсиз.
Ё, балки ёшдирсиз. Ундай бўлса яна ҳам яхши: қан-
доқ яшаш керак деган безовта ўйлар ҳамма авлодлар-
нинг доимий йўлдоши эмасми?!

Бироқ, Сиз менинг дostonимни тингламасангиз
мушкулумни осон қилолмассиз дейман. Бу дафтарлар

атиғи учтағина. Агар малол келмаса, варақлаб чиқиб, менинг мулоҳазаларимни салмоқлаб кўрсангиз. Бу же- муар эмас, чўчиманг. Бу ўйчан бир қисса. Баъзан ба- тафсил, баъзан яккам-дуккам ҳатлаб ўтувчи, узук- юлуқ ҳамки, ишқилиб, қисса.

Албатта, иштиёқингиз бўлса ўқийсиз. «Дилда дар- динг бўлмаса, сар дафтаримни кавлама» деган-ку Машраб ҳам. Лекин биласизки, кавланмаган чўғ кул остида қолиб кетади...



БИРИНЧИ ФАСЛ

1. ХҲРКИГАН ТУШ

Шафақ очикъ яра сингари қип-қизил. Анчадан буён бир маромда эшитилаётган алла бу безовта, нотинч оқшомга осойишталик, умидворлик, масъуд бир рух бағишлашга беҳуда уринаётгандек эди:

Даданг ҳориб келади,
Ойни олиб келади.
Дўмбоққина ўғлимга, деб,
Қўйнига солиб келади.
Алла, болам алла-ё,
Алла...

Аммо она товуши ёлғиз ва заиф. Хавотирли оқшом гира-шираси фожиали тун қоронғиси билан алмашинди. Тоғда янграган ўқ овози волиданинг алласини шамдек, сўндирди. Тойгда эса унинг ўрнига титроқ аза йиғиси ҳавони тутди. Бешикдаги гўдак жилмайди.

Мана шу гўдак мен эканман.

Жилмайганим рост бўлса, кечир ойижон. Уша туни тоғда отам балки мана шу жилмайишим учун жон бергандир.

Унинг қиёфаси гўдак хотирамда из қолдирмаган, аммо умрим бўйи ўйларимга у йўлдош бўлди. Унинг набри яшил дарага кираверишда, жилга соҳилидаги

Ўртоқлик мазорида. Қабр тепасидаги теракзорда доим ёпирилиб ётган қарғалар қачон борсак тўлғоқли, ҳаяжонли овоз билан қағиллагани-қағиллаган эди. Биз бу ерда оққуврай қир гуллари орасидан инглиз милтигининг занглаган гильзаларини топиб липпамизга қистирардик. Мен шулардан бирининг қўрғошини дадамнинг кўксига кетганини ҳали билмасдим.

Бизнинг шаҳримиз тоғ этагида, шунинг учун кун қисқа: биз ўйнаб тўймасдик.

— Офтоб қаерда ётиб қолади, ойи?— деб сўрардим мен.

Онам, назаримда, жавоб беришга жуда қийналарди. Қуёшнинг денгизлардан чиқиб, бизнинг мамлакатимиз бўйлаб тоғу ўрмонлар ошиб, узоқ-узоқ йўл юриб келишини тушунтириб кетарди. Менга аниқ жавоб шарт эмас, менга ҳамма нарса муҳим. Юлдузларнинг шабнам билан ювинишини, найкамалакнинг тоғдаги кўлдан сув ташишини, қирда лолаларнинг ҳар оқшом ўт олиб ловиллаб ёнишини қайта-қайта гапиртирардим.

Ернинг катталигига ҳайрон бўлардим. Уша зангори уфқнинг нарёғида ҳам яна ер, дарахтлар, дарёлар борлигига ишонгим келмасди. Ҳар нарсага маҳлиё бўлганимга, табиатнинг гўзалликларини севиб кузатганимга севинарди онам. Аммо мен ўтакетган синчковлигимнинг «сиёсий» томонини ҳам кўрсатиб қўярдим кутилмаганда.

— Ойи,— дердим,— муштумзўрларни ҳайдаймизми, ё улар ўзлари одамга айланишадими?

Мана шунақанги саволлардан кейин онам менга кўп жиддий гапларни ҳам ишониб гапирадиган бўлди. Унинг бу гаплари ҳамма вақт дадамнинг ҳаёти билан боғлиқ бўларди.

Онамнинг ҳикоясидан мен дадамини биз учун ҳамма мушкул ва муҳим ишларни ҳал қилиб, бизни барча бахтсизликлардан, қийинчиликлардан халос қилиб кетган афсонавий бир киши деб тасаввур этардим. Жони доим хавф-хатарда бўлса ҳам, у киши ҳеч нарсадан тап тортмас экан. Кейинги кетишида онам унинг елкасидаги милтиқнинг қўндоғига ёпишиб ёлворибди, «борманг, дадаси, кўнглим ғалати бўлиб турибди, ўлдиришади», деб йиғлабди.

Ҳикоя қиларкан, онамнинг кўзида алам ёши эмас, аллақандай ёруғ бир нуқта йилтиллаб эди.

— Кўксимда олов бор, ойиси, дерди раҳматли даданг. Ростдан ҳам, шаҳардаги тупроққўрғонга қизил байроқ тикилган куни, кўксида аланга ёнгандек, чеҳраси хушнуд, яйраб-яшнаб кириб келди уйга. Ҳовлига сизмагандек, ўртоқларига шовқин солиб гапирар, жонсарак бўлиб қолган эди ўшандан бери. Ўзи нобуд бўлса бўларки, олови ўчмас, дердим кўнглимда...

Гап дадамнинг ўлимига келиб тақалганда онам кўз ёшини тиёлмаслигини билиб, елкамга, қоқарди:

— Бор, болам, бора қол, ўйна...

Лекин янаги сафар ўша оғир, ғамгин гапларини тағин менга гапирар эди. Уйда бошқа катта одам йўқлигидан бўлса керак-да.

Мен қадди чоғроқ, бўталоқ кўз, кенг яноқли, сариқ бола бўлиб ўсдим. Ёлғиз ўзимга ҳовлимиз жуда кенг эди. Дадамга нафақа чиққандан кейин, доим кул босиб ётадиган ўчоқ бошини буздириб, ўрнига айвонча ҳам солиб олдик. Олтинчига ўтганимда ойим менга жужунча костюм қилиб берди: «Кий, болам. Отанг етолмади бу кунларга. Толеингни довлаб бериб ўлиб кетди. Даврингни сур, бари сеники!»

Бари меники! Ҳамма нарсадан билиниб турибди: менинг бахтга ҳақим бор. Бугуним яхши, аминманки, эртага ҳаёт менга ўз армуғонларидан яна анчасини тайёрлаб турибди. Жужунча костюмни кийганимдан кейин, юришимнинг ўзиданоқ билса бўлардики, мен учун турмушда ҳамма нарса ойдин, ҳамма нарса тушунарли, ҳал қилинмаган ҳеч қандай муаммо йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Вунинг устига, сламда Марзиянинг борлигини ҳам ҳисобга олсангиз, менинг осмоним нақадар тиниқлигига амин бўласиз-қўясиз.

Марзия билан етти йилдан бери бир партада ўтирамиз. О, биринчи синфдаги Марзия қаёқда-ю ҳозиргиси қаёқда! У вақтда унга ҳатто мен ҳам эътибор бермаганман: сочини сичқоннинг думидек диккайтириб, кунда навбатчи бўлишини ҳавас қилиб ҳамманинг кулгисига қолиб юрадиган чуваккина қиз эди-да.

Ҳозир тўлишиб, бўйи чўзилиб, мендан сал уяладиган бўлиб қолган. Икки ўрим сочи калтагина бўлса ҳам арқондек пишиқ, қалин. Ияги чиқиброқ туради, кулгичи бор. Жилмайганида фақат кўзи билан ҳам ўша кулгичи билангина жилмаяди.

Биз дарс тайёрлагани кўпинча Марзияларникига тўпланардик. Нега десангиз, уларнинг уйи кечгача холи. Ёлғиз ойиси бор, Раҳима хола деган. Боғ кўчадаги Давронбойнинг қўрғонида очилган дам олиш уйида ишлайди. У семиз ва жуда меҳрибон. Борганимизда ўрдакдек лапанглаб олдимизга бир чиқади-ю, ойдеккина жилмайиб, дарров хайрлашади — ишга кетади. Ҳовли ўзимизга қолади.

Марзияларникига борганимда доим ошга пашша бўладиганлар — Душан билан Фозил эди.

Бизнинг шаҳримизда чет элни кўрган, қандайдир бир чет тилини билган битта-ю битта одам бор. У ҳам бўлса Ҳожи бува — Душаннинг опоқ дадаси. Ўзи ҳеч нарсада йўқ, бўшанг, тешик чўнтагига доим бир бурда нон солиб юрадиган Душан ана шу бобоси туфайли машҳур эди. Кимсан — фалончининг невараси. Дадаси бўлса оқсоқ, институтда тўгарак машғулотлари ўтказарди. Жўжабирдай жон булар, ўн бирми-ўн икки киши, бири биридан майда мишиқи укалари жуда кўп Душаннинг.

Фозил бўлса — кожбаҳс. Сочи сийрак, хумкалла. Биз уни файласуф деймиз. Ҳеч кимга, сеники тўғри, деган эмас. Лекин ғалати: баъзан индамас бўлиб қолади, бундай пайтда уни уйдан бигиз билан чўқилаб ҳам олиб чиқиб бўлмайди.

Булари майли-ю, бу овлоқ уйда менга халақит берадиган яна бир одам бор. У — Султон. Раҳима холанинг гапи билан айтганда, «шофер бола». Бу «бола» биздан тўрт-беш ёш катта. Қўшнимиз Мадали Қосимов деган геологнинг брезент машинасини ҳайдайди, у билан неча йиллаб Қизилқумда йўқ бўлиб кетган эди, яна қайтиб келибди. Раҳима холаникида ижарага ўтираркан. Япасқи, рапидадек чирк босган кепка кийиб юрадиган бу қопқора, боши сўпоқ, суяги бузук, рангпар йигит бизларнинг ҳаммамизга «акаси» деб, Душанга бўлса «шўртумшуқ» деб муомала қилар, унча менсимай, киноя билан гапирар, панд бериб турар эди.

Бир куни «Бахтли болалик» деган мавзуда иншо ёзишга тайёрланаётган эдик, айвонда устара қайраётган Султон келиб ичимизга бош суқди.

— Тўтиқушдек бир гапни ҳижжалайвераркансанлар-да: «Бахтимиз!» «Бахтиёрмиз!» Тунов куни

«Бахтли авлод» деган қасидани ёдлаб, қулоқни битирдинлар. Бошқа гап йўқми?

Савиясини қаранг! Шоферликка қанча ўқиган дейсиз! Кўп бўлса олти ой-да. Индамай қўя қолай дедим-у, Марзия олдида аммамнинг бузоғи бўлиб ўтиргим келмади.

— Қаршимисиз? — дедим.

— Қаршимасман. Ишонмайман, акаси, — деди Султон менсиммаган оҳангда. — Элликта кўк кўйлакчининг ичида мана бу шўртумшук ҳам «Бахтиёрман!» деб қичқиради. Шунга ишонайми?

— Виз ҳақиқатан ҳам бахтиёрмиз! — дедим мен ўрнидан туриб. Марзияга қараб қўйдим. Қиз индамас эди.

— Қаёқдан била қолдингиз, акаси? — деди Султон елкамга қўлини қўйиб. — Ҳали яшамасдан туриб-а?! Ношуд — кетганда мақтанар, ботир — қайтганда. Билиб қўй, акаси, ҳа.

Ғудур, қўпол қўли жуда оғир экан — елкамни босиб тушди, лекин бўш келмадим, тикка туравердим. У давом этди:

— Бахт мана бу чиройли сопол кўза эмаски, сотиб олиб келсанг-да ёки ота-онанг олиб берса-ю маҳлиё бўлиб ўтирсанг.

— Сиз сиёсий хато қиляпсиз, — дедим.

Султон нарироққа кетиб, яна қайишини таранг тортиб туфлади.

— Ундан чиқди, бахтнинг нималигини билмасанглар ҳам, бахтлиман деб кўкракка уриб мақтаниш маслак экан-да!

Бу гапни эшитганда Фозил жонланиб қолди. Султонга ялт этиб қаради. Мен тикка турибман, гапиришим керак эди:

— Бизнинг авлодимиз, бизнинг асримиз...

— Сиз ҳали асрингизга дуч келганингизча йўқ, акаси, — деди Султон яна ўша беписандлик билан. Сўйрак, майин сочларини силаб Фозил ўрнидан қўзғалди. Бизга орқа ўгирганча, ҳовлидаги гулларга гапиргандай аста бошлади:

— Гапингизга қойил бўлдим, Султон ака. Булар шунча: ҳар қадамнингда сиёсат, маслак талаб қилинади. Бугун ҳузур қилиб ухладим, десангиз ҳам, «Асримиз, бахтиёр авлодимиз!» деб катта гапириша-

ди. Уч тийинлик қалам олмоқчи эканман, чўнтагимдан минг сўмни чиқариб нима қиламан! Минг сўмим йўқ, ҳали ёшман, вассалом!

— Маслаксияман дегин! — деди Марзия бугун илк марта баҳсга аралашиб. Лекин жуда бошлади, хумкаллани ўтқазиб қўйди, офарин!

Султоннинг устараси лунжида бўлгани учун Фозилга жавоб бермади, лекин Марзияга шундай кулиб қараб қўйдик, юрагим шув этиб кетди. Фақат бир нарсани ҳушимни жойига келтирди: Фозилнинг гапи Султонга ёқмаганлиги аниқ эди.

— Кўрдингизми, ичимиздан ҳимоячингиз чиқиб қолди, — деб маза қилиб узиб олдим. Султон шунда ҳам индамай лунжини қиртишлайверди.

Чала қолган бу баҳс иккинчи кунгек эсимдан чиқиб кетди, чунки шу кунга ҳам, эртасига ҳам кечгача Марзия мен билан бўлди. Санъат музейига бордик. Рус классикаси залидаги бир манзара олдида узоқ турдик. Қалин ўрмон ичидан ёриб ўтган бир тутам нур оқ қайинни гўё ичидан ёритгандек шаффоф қилиб кўрсатар эди. Мен япроқ тўшалган зах ернинг юмшоқлигини ҳам, новдалардаги, куртаклар ичидаги илиқ намни ҳам, яқин ўртадаги баҳорнинг нафасини ҳам сезгандай бўлдим. Ёнимда қимир этмай турган Марзия ҳам расмдан кўзини узмай, аста қўлимни ушлади. Назаримда у шу топда ўзи нима қилаётганини билмасди. Ҳалиги шуъланинг ҳарорати бутун вужудимга югургандек бўлди.

Мен болалигимни ҳам, келажакимни ҳам, бутун ҳаётимни бирдан кўз олдимга келтирдим, оймнинг мамлакат бўйлаб узоқ йўл босиб келган қуёш ҳақидаги эртагини эсладим, ҳалиги расмда Марзия ҳам, шу мўъжизани яратган фусункор рассом ҳам, барча яхши одамлар, бутун юртим менга ўз қалбини очгандек эди.

Марзияни кузатиб қўйганимдан кейин ҳам анчагача ўша дақиқанинг таъсиридан қутулолмадим. Сокин оқшом, кимсасиз боғ кўчаларда ҳалиги қуёшли ўрмоннинг чуқур оромга ўхшаган чексиз тинчлиги давом этаётгандек эди. Қирлар ортида гулхандай бўлиб шафақ ёнди, ёлқини кўксимга ургандай, юрагим ховлиқиб кетди. Ҳа, дейман ичимда, мангуликка ёнган менинг машъалим. Уни отам ёқиб кетган...

Мен энди бола эмасман. Султон «акаси-акаси» деб қанча мазах қилса қилаверсин. Мен маслакли, мақсадли киши бўлгим келади. Отам эркини, ҳуқуқни, келажакни, ҳамма ҳузур-ҳаловатни курашиб олиб бериб кетгани ростми, ахир? Рост! Мана шу — менинг бахтим. Ундан истифода этмасам, ундан фойдаланишнинг режасини тузмасам, мен кўрнамак бўлардим. Бу эртақдай гўзал режа бўлади, чунга Марзиянинг номи ҳам узукнинг кўзидек ярашиб турибди. Мен сизга айтсам, юрагимнинг ҳовлиққани шундан экан — кечаси ётиб фикрларим бир оз тиниққанида фаҳмладим буни.

Биз Марзия билан синфда доим ёнма-ён ўтирганимиз учун, бизнинг кўпинча бирга юришимиз ўртоқларимизга эриш туюлмасди. У вақтларда тез-тез шеър байрамлари бўлиб турарди: Руставелининг етти юз эллик йиллиги, «Игорь жангномаси»нинг етти юз йиллиги... Биз тўғарақларда, йиғилишларда юриб, чарчаб, қучоқ-қучоқ китоб кўтариб ҳаллослаб қайтардик. Марзияни кузатганимда бутун оқшом, боғлар ҳам, вужудимиз ҳам, осмон ҳам шеър оҳангига тўлиб кетган бўлар, бу оҳанг бизнинг руҳимизни ватанимиздаги барча гўзалликлар билан пайваст туташтириб юборгандай туюлар эди. Буюк-буюк доҳий шоирлар гўё фақат биз учун, бизнинг авлодимиз учун яшаб ижод қилгандек эди назаримда.

Илҳом учун дунёга келганмиз,

Лаззатли садолар тингламоқ учун...

Мен ўша кунлари «Бахтим» деган битта шеър ёзиб, Пушкиннинг мана шу сатрларини эпиграф қилиб қўйган эдим. Дарсда Марзиянинг қўлига шуни секин тутқаздим. Кўз қири билан ўқиди. Ўқиди-ю, индамай қайтиб берди. Дарсдан кейин ҳам шеърдан сўз очмади. Уйга бирга кетдик, у ҳамон гапирмасди.

— Сизга бағишлаган эдим, Марзия, — деб очигини айтишга мажбур бўлдим: Шунда ҳам пинагини бузмади. Жунжикиб кетдим.

— Лаззатли садолар...

У менга қарамас, тўғрига — узоққа тикилиб, қаёққадир шошгандай борар эди.

— Пушкиннинг сўзлари бу, — тушунтирдим шошиб.

— Гап Пушкинда эмас... Биз ҳаққу ҳуқуқлари-
мизни кўп гапирамаиз. Қим бўлмиз ўзимиз, нима қи-
либ қўйибмиз, ўйланг ахир! Бурчимиз йўқми? Қарзи-
миз-чи?

— Ун еттига энди кирибмизу, дарров қаёқдан
қарздор бўла қолибмиз, кимга? — дедим.

Шундагина Марзия менинг юзимга қаради.

Қараганда ҳам, межи эндигина кўриб тургандай,
ғалати, ачиниб қаради. Бу гал унинг кўзлари аллақан-
дай бегона эди.

— Мана, бахт деяпсиз, шу сўзнинг ўзи одамга би-
рон мажбурият, бирон масъулият юкламайдими?

У жавоб кутмасдан, бош эгди-да, секин уйига кириб
кетди. Кутилмаганда бундай хайрлашув мени қанг-
манг қилиб қўйди. Шунинг учун саволларининг маъ-
зини чақишга уринмадим ҳам. Тўғри гаплар албатта.
Лекин Султоннинг гаплари эканлиги аён эди. Марзия
ўшанинг сўзларини гапиряпти. Бу гапларнинг маз-
мунидан ҳам кўра, мана шуниси алам қилар эди
менга.

Ойлар ўтди. Учинчи синфнинг ташвишлари бошла-
ниб, мен орадаги совуқликни эсдан ҳам чиқараёздим.
Мактабимизга институтлардан, бошқа шаҳарлардаги
йирик-йирик ўқув юртларидан кунда вакиллар келиб,
бизни ўз институтларига таклифу тарғиб қилишар,
шарт-шароитларини мақтаб суҳбатлар ўтказишар, ажо-
йиб ихтисос, ажойиб келажак ваъда қилишар, аълочи-
ларни эса — ёлғиз учратиб ялинишар ҳам эди. Биз
бўлсак нархимизни ошириб, жавоб беришга унча
шошмай, икки қўлни чўнтакка тикардик-да, маъноли
юриш қилардик. Керак эканмизки, ялинишяпти-да,
Бизсиз қаёққа ҳам боришадими?!

Уша кунлари Марзиянинг гапи ўқтин-ўқтин эсимга
тушарди. «Ким бўлмиз» эмиш-а!

Лекин мен янгидан баҳс очиб, орани ортиқча сови-
тишни истамадим. Бир чеккаси, бозоримиз нега мунча
чаққонлигига ўзим ҳам тушунмай, баъзан ўйлаб қо-
лардим — ҳақиқатан ҳам, нима қилиб қўйибмиз? Мен
вакилларнинг рўйхатларини зимдан текшириб турар-
дим: Марзия қаерга ёзилар экан?

Марзия ҳеч қаерга ёзилмади. Мен ҳам ёзилмадим:
шунга ҳам ташвишми, ўз шаҳримизда ҳам институт-
лар кўп-ку.

Шундай қилиб, йил ўтиб кетди. Имтиҳонлардан кейин, бир куни Марзия... ажабо, одамнинг кўнглини биллиб бўлмас экан, ҳаммамизни тўйга айтиб келди. Ўз номидан, ҳам... Султон номидан.

Бу пайт менинг қандай аҳволда қолганимни тасаввур этсангиз! Шунинг учун синфдошларимнинг бу янгиликни қандай кутиб олганларини пайқаганим ҳам йўқ. Қалтак егандай бўлиб уйга қайтдим. Билардим-а! Султоннинг кибр-ҳавосидан сезиб юрардим бир шумликни!

Борармидим тўйига! Бе! Қай юрак билан?

Шуниси ажабки, кечаси ётиб унча тўлганганим йўқ. Деворга ўгирилиб ётдим, уйқуга кетдим.

Эртасига мактабга борсам, гўё ҳеч гап бўлмагандай, ҳамма ўз иши билан банд. Ҳеч ким тўйдан сўз очмайди, ўзим бошлашга андиша қиламан. Охири, синфдошларим тўпланиб турган жойга бориб, секин, бепарволик бўлишга уриниб: «Қалай бўлди?» деб сўрадим. Нимани сўраётганимни ҳаммалари тушунинди-ю, индамай елка қисиб қўя қолинди.

— Ким борибди дейсан.

— Шофёри билан қўшақарисин.

— Аравакашга тегсин эди!— деди Фозил.

Суриштириб билсам, тўйга Марзиянинг синфдошларидан қарийб ҳеч ким бормабди. Фақат Душан судралиб бориб қолган экан, менга гапириб берди. Тўй бузилиб, келин шармсор бўлибди: ноз-неъмат тўла дастурхон тепасида келин томондан ҳеч ким йўқ эмиш. Марзия бўш столларга тикилиб ўтириб, ўкраб йиғлабди...

Мен муздек бўлиб, пешонамни ушлаб қолдим. Марзиянинг нурли киприklarига алам ёши қўнишини тасаввур этиш қийин эди. Шундай қувончли кунда, умрда бир бўладиган маросимда... биз уни қаттиқ ҳақорат қилдик! Нега? Қандай қилиб юз берди бу хунук иш? Шундай, ўз-ўзидан. Буни биров уюштиргани ҳам йўқ. Ким айбдор? Нега қиз кўнглини бундай ранжитдик? Нега? Нега?

Шу кундан бошлаб менинг кўнглимда тиниқ кўзгунинг бир чеккаси дарз кетгандек нимадир синган эди. Биринчи марта ўзимдан ва яна нимадандир норозилик, ғашлик сездим.

Совуқ намгарчилик ҳали ёз хотираси билан мунгайиб турган кузги гулларнинг рангини ўчириб кетди.

Олтин кузни кўрмадик ҳам, хазон лойга қапишиб қолди. Ҳаёт бизни ҳамон ўз оқимида қалқитиб борарди. Шаҳримиздаги политехника институтининг инженерлик факультетига кириб, мен яна ёшликнинг бевоситаси суронига шўнғидим. Янги танишлар, тенгдошлар, қизлар. Синфдошларимдан Душан шу ерда эди. Иккинчи куни Фозилни ҳам кўриб қолдик. Сийрак сочини олдириб ташлабди, катта калласини ингичка бўйни зўрға тутиб тургандек эди.

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан, файласуф? — дедим унга.

— Олтинчи автобуснинг ёрдами билан инженер бўладиган бўлдим, — деди Фозил кулмасдан. — Хужжатларимни топширгани университетга кетаётганимда, адашиб, икки остановка бериқоқда тушиб қолибман.

Тутуруқсизнинг ҳазили қайси, чини қайси — фарқига етиб бўлмайди. Яшашни қандайдир чалкашлик деб билади чамамда. Дам биздан норози, дам ўзидан.

Сен умрнинг қадрини ҳеч ўйлайсанми, Фозил? Режаларинг қанақа? Инженер бўлганимиздан кейин қучоқ очиб келадиган катта, ёруғ ҳаёт юрагингни ҳовлиқтирмайдими?!

Ҳали қанча тонглар, меҳнат, кўшиқ, ижод, муҳаббат оқшомлари, баҳор сўқмоқлари, йўллар ва еллар... Бизга берилган бахтни эплаб олиш, бошқариш керак, оғайни, бу бизнинг зиммамизда. Кўксим долғаланиб кетади ўйласам...

Ана, чўлоқ муаллимимиз Мавлон ака келяпти.

Биз ҳозир бутхона ёнидаги, қор остида ҳам сарғаймайдиغان кўкалам майдонда, шабадада ўтирибмиз. Ҳарбий дарсларимиз шу ерда, очиқ ҳавода ўтади. Шовқинимиз осмонни тутган. Муаллимимизни кутиб ўтириб, ашула айтамыз:

Если завтра война,

Если завтра в поход...

Бу жуда хушчақчақ ашула эди. Бутхона кўнғирогидан акс садо қайтганига қизиқиб, тобора қаттиқ қичқирамиз, ўз овозимизга ўзимиз қулоқ солиб, ғуруримиз ошади.

Муаллимимиз аста келади-да, бизга тикилиб, маъюс, ўйчан туриб қолади. Умуман, у ғалати киши (Душаннинг дадаси эканини айтган эдим), бизни ҳам, дарсини ҳам сидқидилдан яхши кўради-ю, доим бир нимадан хит, қовоғи камдан-кам очилади.

У бизга найзабозлик жангини тушунтиради. Кейин ҳаммамизга ёғоч таёқ ушлатиб (биз жонимизга теккан бу «қурол»ни «Мавлон чўлоқнинг» ҳассаси дердик), сомон тикилган қопнинг рўпарасига олиб боради-да, команда беради:

— Врага коли!

Биз қопга таёқ санчамиз.

1891 йил нухасидан битта милтиғимиз бор, иккинчи дарсда навбат билан ўшанинг затворини бузиб қайта йиғамиз. Бир киши затвор бузганда, навбат кутиб турган қирқ бир киши шовқин солиб муаллимнинг асабини бузади. Ана шунда Мавлон чўлоқ, ҳеч кимни аямасдан, гоҳ бизни, гоҳ институт раҳбарларини солдатчасига сўкиб юборади, қовоғи осилиб, ориқ, серсуяк юзи қорайиб кетади.

Менинг раҳмим келарди унга. Чунки бу асабий, меҳнаткаш, майиб солдат аслида анча меҳрибон, ақлли, ўқимишли киши эди. Уйда нима кўп — бола билан китоб кўп. Токча-токча эски-янги уставлар, луғатлар, бюллетенлар, газета комплеклари. Ажнабий журналлар ҳам бор. Душан билан биз уларни ўқиёлмай, кўр мушук болаларидек пайпаслаб, суратини томоша қилиб ўтирардик.

— Тилини билганимда ўқир эдим шуларни, — дейди Душан бўшашиб.

Мен тушунтириб кетаман шўртумшуққа: улар бизнинг тилни ўрганишсин. Илгари эди у, дворянлар бир-бирлари билан француз тилида гаплашишарди. У вақтлар ўтиб кетган. Биз келажакмиз, энг кучли мамлакатмиз. Чириган капитализмга таъзим қиладиган жойимиз йўқ.

Душаннинг дадаси гапимизга қулоқ солиб, маъюсгина ўтиради-да, саргайиб кетган француз журналини олиб, бирон жойини ўқиб беради, таржима қилади: Парижда «мустамлакачилик кўрғазмаси» очилибди. Бенсен паркига африка қабилаларининг кулбаларини, ибодатхоналарини картон қоғоздан ясаб, негр оилаларини шу ерда яшашга, тўпланган халойиқ олдида

овқат ейишга, бит боқишга, хотинларни эса кўкракларини чиқазиб бола эмизишига мажбур қилар эканлар. Шу ойларда Париж ҳайвонот боғлари катта зиён қилди, деб тугалланган эди журналдаги хабар.

Биз муаллимнинг оғзига тикилиб қоламиз...

— Сен айтгандек, булардан ўрганадиган жойимиз йўқ, албатта, — дейди у менга қараб, — лекин дунёда мана бундай қабиҳликлар борлигини билиб қўйиш керак йигит кишига. Менга ўхшаш жанг кўрган кексаларнинг бурни дудга сезгиру, лекин сиз ёшларнинг димогингиз битган...

— Қанақа дуд?

— Рейндаги китоб гулханларининг дудини айтаман. У ерда ҳозир немислар. Муссолини Ҳабашистонда. Марокашнинг қорақурти Испанияда. Чемберлен буларга бир нарса дейиш ўрнига, Гитлер билан учрашишга дабдабали тараддуд кўряпти...

Қуббасига темир дубулга кийгизилган Рейхстаг биносининг карикатурасини мен «Правда»да болалигимдаёқ кўрган эдим. Шу эсимга тушди. Ҳа, биз билардик уфқда қора булут қўзғалганини. Айниқса, Испания фожиаси ҳамманинг оғзида эди ўша кунлари.

— Лекин у ерда интернационал бригада бор, муаллим! — дейман мен негадир муштумимни тугиб.

— Тельман батальони бор! — дейди бирдан жонланган Душан ҳам.

— Ҳатто Линкольн батальони бор. Янчиб ташлашди қорақуртни! — дейман худди ўзим янчиб ташлаётгандек.

Душаннинг отаси елкамга кафтини қўйиб юзимга қарайди-да, гудур қўлларида силлиқланиб, тутқаси ялтиллаб турган ҳассасини олиб ўз хонасига кириб кетади. Менинг қизгин ишончимни маъқулладими, йўқми, билолмайман. Ғалати одам эди. Гаплашардигу, кўпинча бир-биримизнинг фикримизни тушунмагандай, индамай ажралишардик.

Умуман, менинг кўнглимда қандайдир муҳим бир нарсани тушунмаслик, ғалати бир безовталиқнинг хира бир туйғуси бор эди. Лекин ўша кунларда бу менга ортиқча авоб бермади. Бизнинг шовқинли ёшлигимиз бунга йўл қўймас эди, дабдабали мажлислар, байрамлар, қудратимиз ва келажагимиз ҳақидаги деклама-

диялар, эстрада қўшиғидек шўх ва шошқин ҳаёт бизни банд этган эди.

Тўғри, биз оталаримизни ҳам эслардик, албатта. Мен кимнингдир дадамни эслатадиган бир шеърини кўкрагимга муштлаб туриб декламация қилардим:

Сиз ўлим кўзига тикка боқдингиз,
Шону шараф билан бўлдингиз қурбон...

Лекин ўзимиз кўпроқ қизлар кўзига тикка боқардик. Тез-тез ошиқ бўлардик, бахт тўғрисида гапирардик.

Қўшнимиз Мадали Қосимовникида яқиндан бери бир қиз пайдо бўлиб қолди. У деярли кун ора келиб, Мадали аканинг баланд тахта зинасидан ишчан қиёфада шошиб кириб кетар, анчадан кейин эса, секин, назаримда маъюсроқ бўлиб қайтиб чиқар эди. Биринчи кўрганимда, у бошини кўтармай ўтди. Иккинчи учратганимда гамгин юзида кўзлари худди кул остидан кўринган чўғдек йилтиллаб, менга диққат билан қаради. Учинчи марта дуч келганимда, у мендан бир гап кутгандай қадамни секинлатди, мен салом бердим.

— Мадали аканинг қўшнисиман.

— Биламан, — деди у.

Унинг овози танишга ўхшади. Уйга бориб ҳам нуқул шуни ўйладим: қаерда эшитганман? Одамнинг кўжудини бахмалдай майингина чулғаб оладиган бу куюқ, ширали овоз ҳеч қулоғимдан кетмас эди. Кейин билсам, бу болалигимдан қулоғимга сингиб кетган ойимнинг овозига ўхшар экан.

Эртасига институтга кетаётиб уни яна учратдим, кўксигаги бодом гулини кўрдиму, баҳор элчисини омонлик-сомонлик қилиш баҳонаси билан бирпас йўлдан тўхтатдим. У мен билан эскидан танишдай очиқ-ўшма гаплашди. Мадали акага қариндош эмас экан. Биология илмий текшириш институтининг лаборанти. Туркман қизи.

— Сўнагул... ноёб исм экан, — дедим. — Сира тополмасдим.

— Ёқмадимми?

— Жуда ёқди: ҳам сўна, ҳам гул.

У чиройли тишларини кўрсатиб жилмайди.

— Сизники-чи?
— Топа қолинг! — дедим. — Менинг исмим мусулмон дунёсининг устуни. Жуда осон. Ҳар қадамда учрайди.

— Эшмат!

— Йўқ.

— Тошмат!

— Йўқ.

— Аҳмад!

— Топдингиз!

— Иккаламиз ҳам барала, чин кўнглимиздан қаҳ-қаҳ уриб кулдик. Унинг қиёфасида баъзан сезиладиган ҳазинликдан асар ҳам қолмади, юзи гуркираб кетди.

Сўнагул қорамағиздан келган, мендан ёш, лекин бўйи тикроқ, қалин, қора сочларини гилам дўппининг тагига бостириб, жигар ранг тор юпка, жакет кийган, қомати келишган қиз эди. У ориққина бўлса ҳам қўли, болдирлари тикмачоқ, узунчоқроқ ёноқлари ҳам, япалоқроқ «8» рақамига ўхшаб кетадиган лаблари ҳам етук қизларга хос бўлиқ, тирсиллама. Вужудидан, ўсмир болалардай куч-ғайрат тўкилиб турар, гавдаси пишиқ, терилмаган қуюқ қош остида чуқур ботган юмалоқ кўзлари тим қора бўлиб кўринар эди.

Ҳа, Сўнагул Марзия эмас. Марзия бола эди, ҳар гапга тўрсайиб, баҳслашиб, зарда қилиб... Мен уни ойлаб кўрмасам ҳам юраверардим. Сўнагул бўлакча. Узи ёнимда бўлмаса ҳам, кечаги кулгиси, кўзидаги меҳр, овозининг шираси вужудимни илтиб туради. Бебош ҳаяжонларим унинг кўзларида қарор тошгандай бўлди.

Мен Сўнагулни тинмай, ширин бир азоб билан ўйлардим. Мадали Қосимовникига нима учун келади? Қўшнимиз катта ёшдаги одам, геолог, фан кандидати. Лекин уйланмаган. Мен уни камдан-кам кўраман — умри саҳрои биёбонда ўтади, қайтиб келганида эса уйдан чиқмай ётади, камгап, тунд, бадқовоқ одам. Ишқилиб, Сўнагулга ҳеч бир жиҳатдан муносиб эмас.

Қиз ҳамон қатнард, мен зимдан кузатардим. Аниқ биламан, иш билан қатнаш бундай бўлмайди; уларнинг орасида бир муносабат бор. Лекин бу нима: самимий, инсоний муносабатми, ё қалбақи, янглиш ясама бир нарсами?

Мен орқаваротдан суриштириб баъзи маълумотларни билиб олдим. Сўнагул Байрамалида нефть техникумини битирган экан, Мадали Қосимов билан Қорақум экспедициясида танишибди. Қўшнимиз уни ўша ердан олиб келиб, ўзи ишлайдиган институтда лабораторияга жойлаб қўйган эмиш.

Шундан кейин у маҳалламизга келса ҳам, баъзан келмай кетса ҳам қийналадиган бўлиб қолдим. Дарслардан совидим, ҳеч ким билан ишим йўқ. Бир куни институтимиз залида филармония артистлари концерт берадиган экан, ҳатто ўша ҳам юрагимга сизмай, уйга кетадиган бўлдим.

Кетай деб турганимда тўртинчи қаватнинг деразасидан Сўнагулни кўриб қолдим. Уша одатдаги папкасини қўлтигига қисиб, майдондан ўтиб кетяпти. Зинадан қандай пириллаб тушганимни билмайман, ҳансираб рўпарасида пайдо бўлдим.

— Институтимизда филармония концерти. Жон Сўнагул, бирга томоша қилайлик, ҳозир бошланади.

Товушимда уч-тўрт кун зориқиб кутганимнинг губори устига, яна шундай ёлвориш ҳам бор эдики, буни кейин ўзим ҳам сезиб, хижолат тортдим. Сўнагул кўнди!

Концертда оркестр билан ижро этилган най навоси мени назаримда, Сўнагулни ҳам титратиб юборди. Қизни кузатаётганимда қанча-қанча гаплар, ҳаяжонли саволлар ичимизда қолиб кетди, ўша наво гўё тунги хиёбонларни, ҳатто бутун вужудимизни тўлатиб ҳамон янграр эди. Оркестр товушида бутун улғувор табиат, тоғлар, даралар, булут, туман... Найда чалинган ожиз наво эса, улар орасида яйловларда адашган, қаерга боришини билмай, ўзини дам саҳроларга, дам ўнгириларга ураётган бир чўпон боладай чинқириб нола қилар эди. Унинг товушида аллақандай жавобсиз саволлар, бутун табиатга илтижо, баъзан эса саркаш бир қатъият янграр, оркестрдаги тоғ, булут ва туманлар унинг савол ва илтижоларига бепарво, овозини шафқатсиз ямлаб ютиб турарди...

— Найнинг ҳазин ноласи жавобсиз қолди назаримда,— дедим мен анча жойга борганда. Сўнагул қоронғида юзимга тикилди.

— Музикани ҳар ким ўзича тинглайди. Ҳар кимнинг ўз ҳаёти, ўз тажрибаси, ўз кайфияти...

— Сиз-чи? Шу музикадан нимани тушундингиз? —
деб сўрадим.

— Табиатнинг, турмушнинг мураккаблигини.
Одамлар орасидаги муносабатлар ҳам мураккаб.

— Ҳа... — дедим мен.

Яна узоқ, индамай, секин юрдик.

— Вақтингизни олганимдан хафа эмасмисиз?

— Йўқ.

— Қўлингиздаги нима китоб?

— Есенин.

— Есенин?

— Ҳа. Уқиганмисиз?

— Мактабимизда, уни ўқиш мумкин эмас, дейиш-
ган эди...

— Мен яшириб ўқийман.

Маъна унинг мен яхши кўрган жилмайиши: кўнгли-
нинг поклиги, ишонч, меҳр — ҳаммаси шу жилмайиш-
да. У қоғозга ўралган, сарғайиб титилиб кетган китоб-
ни кўксига босди.

— Биласизми, дунёда чиройли нарсалар шундай
кўпки!.. Урмон, капалак, тонг, она қалби, ўтлоқ, тун...
Есенинни ўқимаган киши буларни тушунмайди деб ўй-
лайман.

— Биз Маяковскийни ўқиганмиз, — дедим мен
«ман қилинган китобни ўқиш яхши эмас» дейишга
ботинмай.

— Уни ўқиш учун ҳам Есенинни билган яхши.
Маяковский бўлмаса, Есенин ҳам завқ бермасди.

— Бўлмаса нега ман қилишади?

— Билмадим. Лекин одам ўз кўнглига, ўз виждо-
нига қулоқ солса...

Бу пайт ўртадаги йўлқадан тўзғиган ари инидай
гув этиб студентлар югуриб ўтишди. Кимдир мени ча-
қирди.

— Отўйин очилибди! Отўйин.

Мен уларнинг жиддий гапга халақит берганига
ачиниб, юзимни буриштирдим.

— Нега, мен яхши кўраман, юринг! — деди Сўна-
гул бирдан кичкина қизалоқдай очилиб. Мени судраб
шовқин кетидан югура бошлади. Биз қўл ушлашиб
пастга қараб чопдик.

Пастликда анчадан бери қурилаётган жуда катта
карусель ҳақиқатан ҳам ишга тушган, майсазор тўла

бола-бақра, қий-чув, қаердадир патефон хириллаб ай-
данар эди. Ҳамма оту чаналарни студентлар эгаллаб
олишди.

Сўнагулнинг янги бўялган ёғоч от устида амазон-
калардай ёнламалаб ўтириши ҳозир ҳам кўз олдимда.
Қора чайир қўллари билан сим арқонни маҳкам уш-
лаб олган, кўзларини қисиб, бутун гавдаси билан олға
интилиб елмоқда. Сочлари тўзғир, дурраси ҳилпираб,
ўзи қийқириб кулар, тезликни писанд қилмас, кару-
сель яна ўн марта тезроқ чарх урса ҳам унга камлик
қиладигандек эди. Иложи бўлса-ю, бутун дунё шамол-
ларини, бўронларини ўқдай тешиб, чинқириб учса!
Менинг бошим айланди, лекин Сўнагулдан кўз узмас-
дим, унинг шаддодлиги менга ҳам ўтди, қулоғимда
ғувиллаган шамолдан кўзларимга тирқираб ёш чиқиб
кетди.

Мана, уйда ўтирибману, кўзларим ҳали ҳам нам.
Ё йиғлапманми? Ҳа, шундай қиз-билан танишганим-
дан ҳаяжонли қувончга тўлиб, йиғлаб юборгудай бир
ҳолатда эдим. Қулоғимга кулгиси эшитилар, ақлли
гаплари ёдимга тушар, ёниб турган ёноқлари, паришон
сочлари кўз олдимга келар, қорачиқлари кўмирдай
йилтиллаб кетар эди. Фозил муҳаббат ҳақида гап
очилганда: «Парво қилма, дунёда-икки миллиард хо-
тин-қиз бор, улгурасан!» дейди. Йўқ, оғайни, икки
миллиард эмас, фақат битта. Ҳа, битта! Эшитдингми?

Фозилга қолса ҳамма нарсани баъканалаштиради.
Унинг учун эзгу нарса йўқ. Бир куни ҳаммамизга қа-
раб нима дейди денг: «Тузук. Ҳамманг чиройлисан.
Қизлар сенларга ошиқ. Лекин барибир, оқибати вой:
хотин, бола-чақа, оилавий жанжал...»

Бир учрашганимда муҳаббатдан гап очиб, Сўнагул-
га мана шунни айтиб бердим.

— Зап дўстингиз бор экан, — деди Сўнагул ва юзи-
ни ўгириб хаёлга толди. Биз унинг лабораториясида
ўтирдик. Стендларда, ойна тагига қўйилган турли-
туман минераллар йилт-йилт товланар эди. Хатларни
ўқиб тушунмадим. Улар мен учун худди Сўнагулнинг
ғандек бир тилсимот эди.

Мен дўстим Фозилдек эмаслигимни айтаётган ушун
муҳаббатнинг олижаноблигидан гапирдим. Ананамнинг
новик ҳисларга шама қилдим. Нунглимда у уйғотган
безовталиқларни изҳор этишимга қароқчи бўлган

Сўнагулниг кўшига ғилт-ғилт ёш келди-ю, бирдан столга бошини қўйиб, юзини қўллари билан бекитиб, пиқиллаб йиглаб юборди.

Чўчиб кетдим. Нима бўлди? Бирон ортиқча гап гапириб қўйдимми?

— Сўнагул... Сизга нима бўлди, Сўнагул?

Ялинаман, қўлини юзидан ажратиб олмоқчи бўлман, у бўлса ҳамон ўпкасини босолмайди.

— Сўнагул, гапирсангиз-чи!

У бошини кўтарди:

— Ҳар куни бораман...— деди пиқ-пиқ энтикканча,— бир тикилиб қарамайди. Бир оғиз гапи билан... шаҳримни ташлаб келган эдим.

Кимни айтаётганини дарров тушундим, албатта. Қизнинг кўнгли бошқада эканлиги... ажабо, мени изтиробга солмади. Қайтага, Сўнагулга меҳрим яна ҳам ошди. Лекин бу меҳр энди севгидан кўра шафқатга мойилроқ эди чоғимда. Қиз йиғидан тўхтаб ёноқларини артди-ю, бошини кўтармади. У... нима десам... кўнглимдаги орзудек эди. Маъсум, осуда юзи юрагимга шундай яқин туюлдики, унинг очиқ, нозик туйғулардан иборат бўлиб кўринган қалбини ҳар қандай шикастдан ҳимоя қилишга тайёр эдим. Мадали Қосимовга ғазабим келиб кетди. Бадқовоқ. Кўркаламушдай уйига қамалиб ётаркан, қизнинг кўнглига ғулғула солиб, бегона шаҳарга бошлаб келиб нима қилади?

— Кечирасиз беадаблигимни,— деди Сўнагул ўзини ўнглаб олиб,— сизга нима ҳам зарурлиги бор эди бу гапнинг. Менинг ҳеч кимим йўқ. Бу ерда янгиман. Шунинг учун...

— Сиз жуда счиқ, жуда ақлли қизсиз,— дедим. Аммо Мадали Қосимовнинг адабини бериш режаларимни Сўнагулга айтмадим. Қиз билан бошлашиб уйига кираман, жиғига тегаман, қани, рашк ўти бормикан вужудида. Агар ғирт кесак бўлса, ўзидан кўрсин.

Иккинчи куниеъ Сўнагул билан кирдим қўшнимизникига. Қошлари офтобда куйган, юзи кул рангроқ бўлиб қорайган, суяклари қўпол, лекин юз чизиқлари майингина одам аллақандай ранги айниган китель кийиб столга мукка тушиб ўтирарди. Столда кўк, қизил ёзувли карточкалар билан тўлатилган беш-олтита узунчоқ қутича — қартотекалар. Ичкари уйдаги тартибсиз китоб тоқчалари қия очиқ эшикдан кўриниб ту-

рибди. Умуман, уйда китоб, стол ва девордаги ов милтигидан бўлак нарса кўринмайди. Мадали Қосимов биз кирганда жилмайиб ўрнидан турди: Унинг кулиши ҳам бошқа ҳаракатларидай юмшоқ ва сокин эди. Юриши ҳам товушсизгина, овози, назаримда, жаҳли чиққанда ҳам ўзгармайдиган, равон босиқ. Унинг қиёфаси ва юриш-туришига сахро сокинлиги, жонли барханларнинг сезилар-сезилмас силжиши, теран қатламлардан нам юқи топиб аста сўрадиган чайир саксовул томирларининг тўзимлилиги асар қилганга ўхшарди. У ерларда ўн-ўн беш йил юрган, дейишади, ахир. Юмшоқ брезент этиги билан кителининг рангини ҳам энди пайқадим: қум-тўзон ранги.

— Ҳа, хушчақчақ йигит, келинг, — деди у мени кўриб.

Бу гапда киноя борлигини сездим албатта. Хушчақчақ бўлишнинг нимаси ёмон экан, тавба! Рақиблигим дарров билинди.

— Мени танир экансиз-да, Мадали ака? — дедим жўрттага Сўнагулга яқинроқ ўтириб.

Уй эгаси Сўнагул келтирган папкадан қандайдир анализ натижаларини олиб, разм солди-да, қизга миннатдорлик билан майин кулиб қўйди.

— Танийман, нега танимас эканман. Суронларингиз эшитилиб туради.

Яна «сурон!» Мулойим чақадиганларданга ўхшайди-ку. Мен бўш келишим керак эканми?

— Сиз ўтирасиз, устингиздан тош бостириб қўйгандек.

Қосимов менга ажаблангандай қараб қўйди-ю, овози ўзгармади.

— Сизлар эса енгилсизлар. Русларда частушкалар бўлади-ю, ўшанга ўхшаган.

Ўхшатишнинг ноёблигидан ҳаммамиз ҳам кулиб юбордик. Кейин Қосимов юмшоқ босиб у ёқ-бу ёққа юрди ва тагин жойига келиб ўтириб, яна ўша товуши билан деди:

— Дадангиз раҳматликни эс-эс биламан, жуда оғир киши эдилар.

— Дадаларимиз худди бизнинг шўх, қувноқ бўла олишимиз учун ўлиб кетган бўлса-чи? — деб тишлатдим мен ҳам. Гапимнинг оҳанги қўполроқ эшитилди цекилли, Сўнагул пастки лабини қимтиб кўзини пастга

олди. Лекин Қосимовнинг қиёфасида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Қайтага, мен унинг кўз қарашида: «Э, сен билан гаплашса бўлар экан-кў!» — деган маънони уқдим. У қуришиқ кафтларини бир-бирига ишқалаб ўрнидан яна турди:

— Кечирасизлар, мен чой қўйиб юборай, йўқ деманглар.

— Мен қўя қолай! — деб Сўнагул ҳам сапчиб турди. Уй эгаси унинг елкасидан юмшоққина босиб ўтқизганда тупроқ рангидаги юзи бир оз ёришди. Кейин у айвондаги самоварни пуфлаб, ўтхонасига тараша ташлай бошлади. Бу вақт кўчада қайси бир институтнинг экскурсиячи студентлари саф тортиб, янгроқ қувноқ овоз билан ашула айтиб ўтишди. Шўхроқлари масхарабозлик қилиб, қўл-оёқларини баланд кўтариб ташлашар, оғизларини чўччайтириб, овозларини чўзишар эди:

Биз ёвни янчамиз ўз мако-о-нида...

Мадали ака самовар ёнида кўчага қараб жим қолди, унинг юзи асл рангига қайтган эди. Мен олдимдаги столга тикилганча, филдек оғир, юмшоқ ҳаракатли бу одамнинг ҳаётини ўйлардим. Юзлаб картотекалар, минерал бўлаклари, формулалар, ёзиб-чизиб ташланган қоғозлар, очик-ёпиқ китоблар, газета қийиқлари... Назаримда, бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ, димиқиб ётган бу узлатнишин одамга бизнинг келишимиз деразадан гуриллаб кирган баҳор шабадасидек туюлиши керак эди. Лекин у сира ўзгармаяпти. Столдаги газеталардан бирида кўк қалам билан ўраб чизилган кичкина бир хабарчага кўзим тушди. «Немис коммунистларининг фожиаси» деб сарлавҳа қўйилган эди бу хабарчага. Газеталарда катта-катта мақолалар бор, лекин бошқа ҳеч нарса чизилмаган, фақат шу хабар тўрт бурчак қилиб ўраб олинган эди. Шу кичкинагина тўрт бурчак бу одамнинг ўйчан ҳаётига очилган катта дарча эканини, ундан аччиқ, машъум изғирин кириб турганини мен у вақтда билмас эканман.

У самоварни қўйиб юбориб, қайтиб кирди. Мен, модомики гаплашгани кирган эканман, кўнглимдаги гапни айтишим керак деб, секин давом эттирдим:

— Айбга буюрмайсиз дағалроқ гапирган бўлсам... — дедим. — Лекин қувноқлик, бахтиёрликнинг

айби йўқ, деб ўйлайман. Бу бизнинг ҳуқуқимиз, қолаверса. Сизга гашим келганидан гапиряпман, очиги-да, тепангизда кўзини мўлтиллашиб турган қизга ҳам бошингизни кўтариб қарамасангиз. Бахтдан кечганингизми?

У хафа бўлмади, катта кафтини Сўнагулнинг ёниб турган ёноғига қўйиб, юзини юзига яқинроқ қилиб кўзига эркалаб қаради. Шу тариқа, қизнинг чарақлаб кетган кўзларига қараб турганча, секин гапирди:

— Бахт бир зумлик бўлмайди, шундай эмасми, Сўнагул? У бутун умрники. Чунки у бутун умри талаб қилади. Вақт келарки, биз оғиз тўлатиб айтармиз: бахтли умр кўрдик, деб! Ё аксинча бўлар. Қисқаси, ҳозир ширин гапирган билан оғиз чучимади, бу қуруқ гап бўлади.

У бу гапларни унга қараб ўзини йўқотар даражада маҳлиё бўлиб турган Сўнагулга гапирди-ю, жавобни яна мең бердим:

— Ўттизга кирибсиз, Мадали ака. Фақат келажакда бўладиган бахтни қачонга гапириш мумкин?

— Ўттизга кириб топганим шу бўлди, қўшни: бахт ҳеч вақт битта одамнинг ўзига ато қилмайди. Борди-ю ато қилса, у — бахт эмас. Бахт кўпчиликнинг ҳаққинасибаси, кўпчилик билан бирга сеники ҳам. Мана шунинг учун одам умрлик қарзи билан, бурчи билан туғилади.

— Умр суришни жуда мушкул қилиб юбордингиз, Мадали ака, — дедим бутун гавдам билан четга бурилиб. — Тагимдаги курси хунук ғирчиллаб кетди. Сиз гўдак шўрликнинг ҳам бўйнига оғир машаққатлар ортыасиз. Менинг гўдакдай қувноқ, бахтли бўлгим келади, нима дейсиз?!

— «Гўдакдек бахтли...» — у ҳамон бир оҳангда, гўё мен билан эмас, ўзи билан ўзи суҳбатлашаётгандай ади, — бундай дейиш катта инсоний бахтни мазақ қилиш эмасми, қўшни? Сиз бахтни ҳузур-ҳаловат билан чалкаштираётган бўлманг тагин!.. Ана, боягина, қувноқ ашула айтиб ўтишди. «Янчамиз!» «Ўз маконида!» Нима деяётганини ўзи билмайди. Бу қувноқликдан менинг кўнглимни оғир қайғу босади, биродар. Ҳалиги сиз айтган тош балки ўшадир... Қувноқликни ҳам лоқайдлик ёки беғамлик билан чалкаштиряпмиз, — охирида унинг товуши жуда пасайиб кетди, гўё гапини

рўпарада турган жавонга гапираётган эди, гўё мен йўқ эдим.

Нимадир менга қаттиқ ботди. «Диққатбозликни сотиб олган одам экан» дедим ичимда. Нуқул кўнгилсиз гаплар... Сўнагул жуда хушбўй чой дамлади, лекин чой ичгандай бўлмадим. Қосимов билан баб-баравар ўзимдан ҳам норози, гаш эдим негадир.

Сўнагул менинг бу ҳолатимни пайқади шекилли, қуюқ, ширали товуши билан уй эгасига жиндек эътироз билдирди:

— Сиз бутун авлодимизни тантиқ арзандага чиқардингиз, Мадали ака,— деди у кулиб, чой узатаркан.

— Асло!— Унинг кўзи катта очилди.— Узоқ шарқчилар арзандами? Челюскинчилар-чи! Ўзимизнинг Султон... арзандами?!

— Султон? Қайси Султон?— дедим кулимсираб. Мен Мадали ака ҳазиллашяпти, ёки яна киноя қиляпти деб ўйлабман. Бироқ унинг юзи жиддий ва сокин эди.

— Экспедициямизнинг шофери,— деди у.

Сўнагул шошиб изоҳ берди:

— Султон акам ҳозир Испанияда, Аҳмаджон.

— Испанияда?!

— Ҳа.

Мен нега ўрнимдан турганимни ўзим ҳам билмасдим. Марзиянинг эри, ўша япасқи кепка кийиб юрадиган, очиқ, қора йигитнинг совун кўпиртириб соқол олиши, «акаси» деб қулимсираб гапириши кўз олдимдан ўтди. Мен жуда кўп бачкана ишлар қилган, жуда кўп бачкана гаплар гапирган одамдай бўлиб қолдим.

Бу ерга Мадали аканинг жиғига тегиш, рашкини келтириш учун кирганлигимни эслаб, мулзам бўлдим. Султоннинг тўйига бормаганимни ҳам Мадали ака билан Сўнагул яхши билишса керак. Мен улар олдида бирдан яланғоч бўлиб қолгандай сездим ўзимни.

Сухбатимиз яна анча давом этди, уй эгаси мен билан гаплашиб ўтириш ўзига жуда қизиқ бўлганини, яна алланималарни гапирди шекилли. Мен бошим гувиллаб, қулогимга гап кирмаётганини сезиб турибман: хаёлим Султонда эди. Мен унга нималар деган эдим ўшанда? Марзия қаёқда экан ҳозир?

Кўп ўтмай мен Марзияни топдим. У фабрикада йиғирувчи бўлиб ишлаётган экан. Қидириб борганимга

жуда қувонди, бир вақтлар ноҳақ ранжитганим эсидан чиқиб кетибди. Мен унга Султон билан бўлган пайтларини хотирлатдим чоғи.

— Хат йўқми?

— Йўқ, — деди. У эскигина коржома кийган, анча ориқлаб, кўзи хира тортиб қолгандек эди.

Иккинчи учрашганимизда хат келганини айтди. Интернационал бригадада экан, кучлар тенг эмас, ҳеч қандай ромаңтика йўқ, дебди, минг хил одам, лекин бари содда, оқкўнгил одамлар дебди. Саккиз тилда барабар «Интернационал» айтишганини батафсил тасвирлаб ёзибди.

Уша йили, эсимда, кеч куздаёқ қор ёғиб, қиш қулин ташлаб тўйган эди. Кейин қорасовуқ дов-дарахтнинг обиятини ялаб кетди. Қаҳрли изғирин-тунлардан бирида Марзия билан кўчаларда узоқ юрдик. Совуқ ел қор учқунларини тўзғитиб ётган шаҳар майдоидаги Испания харитаси олдида одамлар тўпланган, ҳамма қорни ғирчиллатганича бир жойда жимгина топтанар эди. Бу жимликда билиниб турган машъум бир ҳаяжон ўша кечаси бизнинг ҳам кўнглимизга ўрмалаб кирди. Султоннинг хатида тасвирланган харобалар, майсалари ёниб жизғанақ бўлган сарғиш қоялар, Мадрид кўчасида кўмирга айланган симёғочлар кўз олдимга келар, мен ўзимни бирдан даҳшатнинг, ўлимнинг ёнгинасидан чиқиб қолган одамдай ҳис этар эдим.

Султоннинг сўнгги хатини Сўнагул билан бирга ўқидик: «Ўзимизда нималар бўлаётганини билгим келади, жуда ташвишдаман, — дебди, — лекин билиш қийин. Бу ерга келадиган журналларда нуқул кулиб турган қизларнинг суратларини кўрамиз».

— Ҳа, — деди бу кунларда жуда ўзгариб кетган Марзия, — кулишгани тўғри. Лекин турмуш у журналларда кўрсатилгандан кўра мураккаброқ. Ўзимиз ҳам...

Бир ойдан кейин Марзия Испаниядан яна хат олди. Султондан эмас, унинг ўртоғидан. У Султоннинг қабри қаердалигини ёзган эди.

Ушанда Мадали ажа кўзи ичига тушиб кетган, телбадек паришон, сочи тўзиган Марзияни бағрига босиб, шундай деган эди:

— Энди у ерга, синглим, фақат Берлин орқали бориш мумкин.

Нима дегани? Уруш албатта бўлади, демоқчими? Мен бу тунд одамнинг бошқа кўнгилсиз гапларидек, бу фикрини ҳам кўнглимдан нари қувишга уриндим. Ахир, агар уруш бўладиган бўлса буни аввало бизлар — аскар ёшида бўлган болалар — бутун вужудимиз билан сезмасмидик? Аксинча, дареларимиз ҳам анчадан буён тўхтаб қолган: чунки Душаннинг дадаси — чўлоқ муаллимимиз қамалиб кетибди, деб эшитдик.

Унинг нега қамалганлиги ҳақида ҳар хил гаплар тарқалган. Биров айтади — кечалари приёмникни бураб, Ҳиндистондан ҳазин куйлар эшитганмиш, деб. Биров айтади... ишқилиб, ким билади, бирор сабаби бордир-да, отаси ҳожи, ўзи чет тил биларди... Фақат Душан билан укаларига раҳмим келади. У дарсга қатнамай қўйди, уйга бориб хабар олишдан аввал Мадали акага маслаҳат солдим.

— Нега қамалди экан, билмайсизми? — деб сўрадим ундан.

У ғалати жавоб берди, мен бундай жавобни сира кутмаган эдим:

— Мақтанмагани учун. Биз мақтанишни мафкура даражасига кўтарганмиз. Сал ўйланиб қолган кечаю кундуз қарсак чалиб мақтанмаган одамни баъзилар мафкураси бузуқ, шубҳали деб ҳисоблашади. У шўрлик кўнглига бир безовталиқ тушиб ўз кафедрасида Рейхнинг ҳарбий устунликлари ҳақида гапириб қўйган экан.

Мен Мадали акага қарши жавоб беришга дарров гап тополмадим-у, лекин ич-ичимда унинг гапларини сиёсий жиҳатдан қалтис деб ҳисоблар эдим. Бизнинг маънавий устунликларимиз-чи? «Нацистлар» дегани энг тубан ҳайвоний инстинктларга асосланиб уюштирилган бир тўда экан. «Маданият деган сўзни эшитсам қўлим тўппончага югуради», дебди Геббельс. Бундай йиртқичлар йигирманчи асрда нима ҳам қилиши мумкин? Неронлар даври ўтиб кетган. Одамлар, давлат бошлиқлари йўл қўйиб қўярмиди? Йўқ уруш бўлмайди!

Душанникига борсам, у ҳам уруш ҳақида ўйлаб ўтирган экан. У қаердадир ўқиганларини гапириб кетди: Германия тиканли симларга чирмаб ташланганмиш.

— Сен неронлар даври ўтиб кетган деяпсан,— деди Душан. Шу топда у кўзимга нимаси биландир дадасига ўхшаб кетди.— Мана, фюрер! Ҳаммаси учун бир зот ўйласа, ўзи осса, ўзи кесса, халқ албатта оёқ ости бўлар экан. Ҳозир у ерда концлагерлардаги одамларнинг сони олти миллионга етибди.

— Қаёқдаги одамларни гапиравермасдан дадангни ўйласанг-чи болам,— деди Душаннинг ойиси. У уйга кириши билан мени кўриб шошиб қолди, кўзларига ишонмагандай бирпас тикилиб турди. Кейин апил-тапил дастурхонга унаб кетди.

— Э, дадам масаласи — шунчаки англашмовчилик,— деди Душан қўлини силтаб. Лекин кўзларида ўзи ҳам тушунмайдиган бир ҳасрат белгиси кўринди. У онасини юпатишга уринарди. Етти болани боқиб, сочига барвақт оқ тушган, кўзлари қизариб, киртайиб қолган чўваккина онаси бизга нон синдириб, Душаннинг учта укасини ҳовлига ҳайдади: «Боринглар, ўйнанглар». Усти юпун болаларнинг совуқ ҳовлида ўйнагиси йўқлиги билиниб турарди, шундай бўлса ҳам улар жовдираган кўзларини дастурхондан зўрға узиб чиқиб кетишди.

— Яхши келибсиз, болам, қани олинг,— деди менга Душаннинг онаси куюниб. У кўпдан бери уйларига ҳеч ким кирмай қўйганидан, менинг келганимга ўзида йўқ хурсанд эди. Онанинг ҳазин қувончидан юрагим увишиб кетди.

— Муаллимдан ўзингиз хабар олдингизми, хола?— деб сўрадим.

— Хабар олдим, болам, икки марта бордим. Ўзини кўрсатмаса ҳам ҳайтовур, суҳбат қилишди, гапимга қулоқ беришди барака топкурлар.

— Яхши муомала қилишдими?

— Яхши, яхши, болам. Хушмуомала йигитлар экан. Лекин нуқул кечаси ишлашадими бояқишлар, икки сафар ҳам ярим кечада кирдим идораларига. Кечаси, ўзингиз биласиз, болам, ҳамма нарса ваҳимали, хавфли кўринади. Ҳар кирганимда, хотин киши, юрагимни титроқ босаверди, шунинг учун улар мендан ҳам гумонсираб қолишди чамамда. Трамвайда биров орқамдан «гражданка» деса юрагим шув этиб кетибди. Уша ердагилар шунақа деб муомала қилишади. Ўзимизнинг «ўртоқ» деганимиз тузук экан-э, ўргилай. «Ўртоқ Жамолова!» — қандай яхши!

— Қўйсангиз-чи, ойи ҳозир шунақа давр ахир, ҳаммага ишониб бўлмайди. Синайди, текширади.

— Синасин, болам, синасин, майли, — деди хола. Овозида йиғи оҳанги билинганини ўзи ҳам сезди шекилли, гапни бошқа ёққа буриб: — Душанжон, бориб укаларингни олиб кел, болам, яна хат келди, — деди.

Ота-оналари бир жойда ишламагани учун Душаннинг иккита укасини боқчадан, кейжа синглисини яслидан бўшатишибди, шуларни, бориб олиб келиш керак экан. Мен Душан билан кўчага бирга чиқдим.

— Уқишга бормаё қўйдинг? — деб сўрадим сабабини билсам ҳам.

— Ишга кираман, — деди Душан. Илгари ўйлаб қўйган ўйларини давом эттирди шекилли: — Эплаб кетаман, — деди, — дадамнинг китоблари бор, сотсам.

Кейин у боқчага кириб учала укасини бошлаб чиқди. Кичиги мишигини бетига суркаб нуқул йиғлар эди. Каттаси хурсанд:

— Дадам келдиларми?

— Келади, келади, — деди Душан уни нуқиб йўлга соларкан.

Уртанчаси бўлса йиғламайди ҳам, кулмайди ҳам. Қовоғи солиқ: бугун уларга уйга кетасизлар деб ноушта беришмабди.

Буларни етаклаб йўлга тушдик. Ҳаммамиз жим, фақат кичкина ҳар замонда нафаси ичига тушиб, пиқиллаб қўярди. Бир маҳал ҳалиги каттаси қўлимиздан юлқиниб чиқиб, «Гўшт» деб ёзилган ёпиқ юк машинаси орқасидан шаталоқ отиб югуриб қолди. Мен қўрқиб кетдим, бола гизиллаб ўтаётган машиналарга, мотоциклларга ҳам қарамай, ҳамон чопар, «Дада!» «Дада!» деб чинқирар эди. Душан уч сакрашда уни кўчанинг қоқ ўртасида тутди. Тротуарга олиб чиқди-да, тарт-тарс этиб иккита шапалоқ урди бетига.

— Машина босиб кетса нима қилардинг, ярамас?!

Бола катталарга ўхшаб, ичидагина ўксиб йиғлади, кўз ёшини ютиб, «Дада, дадажоним!..» деб бир шивирлаб, тинди. Мен Душаннинг афтидан билиб турибман, боланинг бу шивирлаши юрагини эзиб юборди, уни урганига минг пушаймон еяпти. Кейин у менинг воқеага

тушунмай турганимни пайқаб, болаларга эшиттирмасдан, ерга қараб гапирди:

— Кечаси шунақа машинада олиб кетишган эди уни. Бу тирранча уйқу аралаш кўриб қолганга ўхшайди.

Мен ҳалиги юк машинаси кетган томонга қарадим, лекин у муюлишда кўздан йўқолган эди, унинг ўрнига қизил алвонлари билан кўзимга лоп этиб боқча дарвозаси кўринди. Унда ҳар бир ҳарфи мана, шу йиғлаётган боладай келадиган шиорни шамол тортқилаб, ҳилпиратиб турибди: «Бахтли болалик учун Улуғ Сталинга раҳмат!»

Мен Душан билан кўчада хайрлашдим.

Унинг ранги синиқ эди.

— Менга қара, сен... келма, комсомолсан,— деди кириб кетаётиб.

Ёшлиқда мен, ҳар ким ўзи истаган йўлни танлаб олаверади, деб ўйлардим. Жуда анойи гап чиқди бу. Бирдан йўлим қоронғилашгандай, олдинда ҳеч нарса маълум эмасдай туюлди. Султон нима учун ҳалок бўлиб кетди? Энди Душан қаёққа боради? Ўзим-чи? Мен ҳаётимда меҳр-оқибат излабми, нуқул Сўнагулнинг олдига борардим.

У ҳам Мадали аканинг қадалиб ўтираверишидан зерикар, мен билан кўчага чиқишга йўқ демас эди. Одамлар орасида бир ола-говур, тўс-тўполонга шўнгиб кетай, деб, у билан бирга кимнингдир тўйига ҳам бордим. Тўйдагилар ҳам бари камгап экан, индамай уриштириб ичаверишди. У кунларда ҳамма ўз қобиғида биқиғиб яшашга уринар, одамлар дўстлик иплари ни кўпинча ўз қўллари билан қирқишар эди.

Биз тўйнинг охиригача ўтиролмаи яна ўша ўзимизнинг болалиқдан таниш, қадрдон боғ кўчамизга қайтиб чиқдик. Бу кўчалар яланғоч ток сўриларини оралаб бориб арчали тоғ этагига тақалади. Ҳали қош қораймаган, тоғлар бинафша ранг бўлиб кўринади. Қаводами, нам тупроқ ҳидидами, қаердадир, баррадай, майин баҳор туғилиб келмоқда. Сўнагул билан ёлғиз бўлганимда ҳаёт менга ҳамиша мана шундай саний, беозор, худди мангулик баҳор арафасида тургандай туюлади. Қизнинг оқшомда бахмалдай кўринган қорасининг юмшоқ чизиқларига қарайман, оқшом тинлигида оламнинг бутун гўзалликлари кўнглимга

сингиниб киргандай бўлади: оҳанглар, ранглар, нур, муҳаббат ҳислари, шабнам салқини, шеър завқи, жон ширинлиги, эртанги навбаҳор нафаси, шаффоф кенгликлар... Йўқ, булардан ҳеч ким воз кечолмайди, буларни ҳеч ким йўқотолмайди, булар киши ҳаётида энг муҳим нарса, булар мангу, демак ҳаёт доим гўзал, одам бахтли бўла олади. Қўй азобли ўйларингни, Сўнагул!

Сўнагул ўз дунёси билан банд эди. Теракдан оқшом чумчуқлари пир этиб учди-ю, унинг хаёл и.и.и узилди шекилли, бир ёноғи билангина жилмайиб секин гапирди:

— Мадали акам жуда ғалати. Сиз уни мингаймас деб ўйламанг. Саҳрода у бутунлай бошқача. Шўх, чидамли, мерган. Махтумқули шеърларини бошдан-оёқ ёд ўқийди.

Сўнагул менинг ғашимни келтириши керак бўлган бу гапларни шундай маъсудлик, шундай соф кўнгиллик билан гапирардики, мен унинг товушига, беихтиёр маҳлиё бўлардим.

— Гапиринг, Сўнагул, бирон нарса айтиб беринг.

— Утган йили биз Қизилқумда адашиб қолганмиз, деб ҳикоя қила бошлади Сўнагул. — Сиз қум қуюнини кўрмагансиз. Куппа-кундузи пайдо бўлиб, бутун саҳрони қоронғи тунга айлантириб юборади. Биз машинада Султон, Мадали ака — учаламиз Сарихудудқдан лагерга қайтаётган эдик. Бирдан орқамизда ҳам, ёнимизда ҳам осмоннинг устунидек иккита қуюн пайдо бўлди. Уларнинг йўлига тушиб қолсангиз машина-пашинангиз билан чирпирак қилиб олиб чиқиб кетади. Султон улардан қочиб, машинани дам чапга, дам ўнга бурди, ниҳоят қутулдик, деганимизда яна биттаси рўпарамиздан осмонга ўрлаб қолди. Боягилари саҳрони қоп-қоронғи қилиб, аллақаёқларга кетиб қолган эди. Биз бунисига чап бериш учун илон изи қилиб юриб, йўлни йўқотиб қўйдик, илгариги изимизга қайтамиз деб баттар адашиб кетибмиз, қаерда эканлигимизни билмаймиз, атроф теп-текис, қоронғи. Бу энди тўзон эмас, ҳақиқий тун эди, тўхтаб тонгни кутишга тўғри келди. Лекин тонг ҳам бизга қум денгези билан кўз илғамас хира уфқдан бошқа ҳеч нарсани аён қилолмади. Бунинг устига, Султон машинани юргизолмади, аввал қум тўлганми деб, уч соат азоб чекиб тоза-

ладик, кейин билсак, бир нарсаси синган экан, ташлаб кетишга тўғри келди. Тахминлаб, тусмоллаб кечгача юрдик, лекин қум тиқилган, узоқларга тикилиб чарчаган хира кўзларимизга ҳамон ўша сахро, ўша уфқдан бошқа ҳеч нарса кўринмади. Султоннинг оёғи шишиб кетди, эрталаб машина ёнида қандайдир михни босиб олган экан, бизга айтмабди. Мадали ака, ҳозир дарров укол қилмаса қоқшол бўлиб қолади, деди-да, дори сумкасини тита бошлади. Бироқ шприцни қайнатмасдан укол қилиш мумкин эмас, қани энди шунча кенг оламда ёққани бир чўп бўлса, мен уч чақиримча барханларни айланиб қуруқ қайтиб келдим. Уколни кечиктириб бўлмасди, Султон юролмай, ҳар қадамда каловлаб қол-япти.

— Махтумқулини ёқамиз, Сўнагул,— деди Мадали ака.

Менинг халтамда шоирнинг девони бор эди, мен уни ҳамма экспедицияларда олиб юрардим. Султоннинг сўнган кўзлари ғалати бўлиб кетди: «Шеърни-я?!» Мадали ака бўлса китобни кўлимдан олди. Яна қоронғи тушмоқда эди. Биз ичадиган охирги пиёла сувимизга шприцни солиб, Махтумқули девонини тутам-тутам йиртиб, ёқиб, қайнатдик. Биласизми, шеърдан олов зарурроқ эди.

Сўнагул индамай қолди. Менинг кўнглимни бир туғён ўпириб ўтди, унда жонли туйғулар чирсиллаб ёнаётгандек эди. Айтмоқчи бўлганимни қиз ўзи тушунди шекилли.

— Илгари мен ҳам шеърни ёқиб бўлмайди деб ўйлардим,— деди ва ўзи ҳам узоқ ўйланиб қолди. Кейин жилмайди:— Ушанда менинг бош эгиб қолганимни кўриб Мадали ака: «Султонни сақлаб қолдик, шеърни бўлса тиклаб оламиз» деган эди. Чиндан ҳам, лагерни топиб борганимиздан кейин шеърни тикладик, Мадали ака брезент палатада тиришган пешанасини уқалаб-уқалаб юриб, икки кечагача айтиб турди, мен иккита дафтарни тўлатиб ёзиб олдим. «Девон» илгаригидан ҳам катта бўлди.

Мен шу кунги сайрдан жуда толиқиб қайтдим. Билдимки, энди ҳатто Сўнагул билан учрашувлар ҳам кўнгил осойишталигини сақлаб қололмаяпти. Вақт ўтмоқда. Худди Амурнинг лойқа оқимидек, юзадан қарасанг жимгина, билинар-билимас оқади, кун кун-



га, ҳафта ҳафтага ўхшайди, лекин тубига қарасанг — теранликдаги силжишни кўриб юрагинг орқага тортиб кетади. Қаердадир тўп гумбурайди, бизда кечакундуз радио гувиллайди, одамлар эса жим. Куни кеча, Чехославакияни «Ўлик калла» деган йиртқич батальонларнинг оёқ остига ташлашди. Шу муносабат билан Париж кўчаларидан бирига Мюнхен деган ном қўйилди... Воқеалар худди момақалдироқ олдидан кучли шамолда узилган япроқлардек учиб ўтмоқда, улар қаердадир, узоқларда эмас, гўё менинг ўзимда, бошимда шовуллаб туришибди, улар биз билан ҳисобланмай, тақдиримизни ўз қўлларига олишмоқчи. Наҳотки, шундай бўлиши мумкин экан?

Берлиннинг Вильгельмштрассе кўчасидан саф тортиб ўтган каламуш рангли кийимдаги штурмовиклар бизнинг ёшлигимизга бирдан чек қўйди. Энди бу безовта кунлар қаерга бориб тинади, мени қаерларга элтиб тикади? Эрталаб туриб газета варақлашга юрагим дов бермайди. Нега қўрқаман, нимага ишончим суст? Ўз эътиқодим, ўз орзуларим, қалбимга яқин барча гўзалликлар учун Султондек жон фидо қилишга қодир эмасманми? Буларни агар жон бериш билан сақлаб қолиш мумкин бўлса... Мен тайёрман, Мадали ака!

Мадали Қосимов. Мен негадир ўзимни шу киши олдидан оқлашга уринар эдим. Ундан нима қарзим бор, билмайман. Аслида кўнглимга гулгула солган шу киши. Мен аллақандай шубҳалар қаҳшатиб қўйган ёшлик орзуларимни довлаб, уларни бой бергим келмай, муҳул шу киши билан олишардим. Юзма-юз ҳам, орқаворотдан ҳам. Ҳаётнинг у айтгандай чалқаш, мушкул, шафқатсиз эмаслигини исбот қилиб, шу кишига дашном бергим келарди.

Кунлардан бир кун шунинг хонаси келди. Эрталаб газетани очиб қарасам, биринчи бетда Молотов билан фон Риббентроннинг сурати! Иккови ҳам бир-биридан мамнун, илжайиб туришибди. Германия билан тинчлик ақди имзоланган эди.

Этикни қўлантаёқ кийдиму, югурганча қўшнимнинг зинапоясидан ҳаллослаб чиқиб, Мадали ака ўтирган столга газетани тўқ этиб қўйдим: «Энди нима дейсиз!? Кўзларим чақнаб кетган. Ўзим ҳамон ҳансиардим, бутун вужудим, бутун важоҳатим каттақон ўндов аломатига ўхшарди.

— Хўш?!— дедим уни тиз чўктиргандай кибр билан.

Мадали Қосимов расмга бирпас тикилиб, индамай ўрнидан турди-да, қандайдир шўх куйни вағиллаб янграётган радиони гиппа бўққандай ўчирди. Юзи ўзгармади, газетани менга қайтиб берди.

— Сиз бундан ҳам хурсанд эмассиз!— дедим, жуда жаҳлим чиқди.— Совуқ нафас, бадқовоқ одамсиз! Сиз Сўнагулни ҳам сил қиласиз, мен бунга йўл қўймайман! У... у...

Тағин нималар ҳам дедим шекилли, эсимда йўқ, у столга бош эганича пешанасини маҳкам чангаллаб қолди, мен эшикни тарақлатиб ёпиб, чиқиб кетдим.

Ғапим пировардида Сўнагулга ўтиб кетганини ҳовуримдан тушгандан кейин пайқадим. Қўшнимга бўлган адоватимнинг боиси ҳам балки шумидийкин? Ҳар ҳолда айтадиганимни айтиб елкамдан оғир юкни улоқтиргандай енгил тортдим. Шундан кейин уни кўрмадим. Қорақумига кетиб қолди деб эшитдим. Қажратон қишда.

Ҳамма нарса ўз изига тушди, асаблар тиниб, кўнгиллар ёришди, менинг болалик йилларим қайтиб келгандек эди. Газеталарда «фашизм» сингари ваҳимали сўзлар йўқ бўлиб кетди, гузарлардаги репродукторларда музыка яна ҳам баландроқ янгради эди. Ўз ихтиёри билан аскарга кетган Душандан хат билан сурат келди. Вақти чоғ, ғарбий чегарада экан. Заставадаги ёшгина солдат ўртоқлари билан даврада қаҳқаҳ уриб, бағридаги мушук боласини силаб туриб суратга тушибди. Онаси бирам хурсанд, бирам хурсанд.

— Кўрдингизми, хола, ҳаммаси тузалиб кетади! Муаллим ҳам оқланиб келади ҳали!— дедим мен.

— Кошкийди, болам.

Мен худди ажойиб ширин тушлар кўраётгандек, лаззатли бир паришонлик билан яшардим. Одамни маст қиладиган баҳор ҳам келди. Сўнагулни қўярда қўймай қирларга олиб чиқиб эрталаб лола баргларида минг хил товланган шабнамни яланг оёқларимиз билан дув тўкиб, узоқларга кетиб қолардим. Сўнагул ҳам, сахро қизи эмасми, бундай кенгликларда қапалакдек учиб яйрайди, ҳаво ранг дуррасини қўлига

либ, этакларини хурпайтириб тир айланади-да, йиқил-
ан бўлиб менга қўлини чўзади. Мен ёнаман, долалар
ловдек кўринади кўзимга; жон ҳолатда чанқаб кел-
ан йўловчи чашма лабига кўксини бериб сув ичгани-
дек Сўнагулнинг тўладан келган қорача билакларини
лабларимни босгим келади...

Йўқ, мен уни ҳеч кимга бермайман, мен уни мана
шундай узоқларга, умрим ожирига қадар олиб кета-
ман!

Баъзан иккимиз ўйга толиб, уфқларга тикилиб ўти-
рамиз, олов шокилали булутлар орқасида қийғоч са-
валаётган бодроқ ёмғирни, узоқларда кўкиш туман
билан чўлғаниб мудраётган боғларни томоша қиламиз,
у ерлардаги ҳар бир гиёҳни, ҳар бир қумурсқанинг
ишчан ҳаракатини кўриб тургандай, ялпиз ҳидини
димоғимизда сезаётгандай бўламиз...

Вироқ, сиз ҳозир воқеаларнинг қаёққа қараб ке-
таётганини фаҳмлаб турибсиз. Ҳа, биз ўша пайт ял-
пиз ҳидидан бошқа нарсани ҳам сезишимиз керак
эди, кўнглингизга келган ўй тўғри. Тотли уйқу оғу-
шида одам ўз тушларига буткул берилади, уларни
чин деб билади, ишонади, уйғонганда эса, ўзининг та-
мом бошқа дунёда эканини бирдан пайқайди-да, кўн-
гилсиз жилмайиб қўяди, кўрган тушлари кулгили тую-
либ кетади.

Бизни 22 июнь тонги уйғотди. Мен турдим, бутун
ёшлигим, барча гўзал режалари билан, худди ширин
тушдек ҳуркиб учиб кетди. Бундан илгариги ҳамма
орзуларим, қувончу армонларим, баҳсларим, зарда-ю,
рашкларим, бирданига шундай маъносиз, шундай
бачкана кўриниб кетдики, юзимни ойимнинг кўксига
беркитиб олдим. Яхши ҳам Мадали ака бу ерда эмас,
бўлмаса унинг кўзларига қайси юз билан қарардим...

— Дафъатан-а ўғлим! Энди нима бўлади? — дер-
ди онам бошимни кўксига маҳкам босиб.

«Дафъатан!» Уйламаган бўлсак бир нав эди-я. Би-
лар эдик, ахир. Уруш ҳақида, ҳар қандай душмани
янчиб ташлаймиз, деб ҳовлиқиб қўшиқлар айтардик.
Менинг кўнглимда бир шарпа, оғир, машъум бир
шарпа доим яшириниб, пайт пўйлаб тургандек эди.
Лекин атрофдаги ҳамма нарса: бу абадий ям-яшил
олам, мевадек секин етилиб келаётган ёшликнинг чек-
сиз ғурури, тушдагидек ширин орзу-умидлар — булар

бари ҳар қандай ёвузликка шу қадар зид, шу қадар ёт эдики, мен кўнглимдаги ўша машъум шартави ҳа-миша писанд қилмасликка, пайқамасликка уринар эдим.

Ҳа, ўзидан олдин келар экан машъум соясен, у кўн-дан бери ҳавода муаллақ тургандек эди; аммо биз худди урушни сира кутмагандек бошланганида ўзи-мизни йўқотиб қўйдик. Бир қарашда ҳеч қандай ай-бимиз ҳам йўқдек, лекин ҳозир ўзимизни оғир гуноҳ-кор сезаётимиз. Ҳар ким ўз ўйлари, кўнглидаги гул-гулалар ҳақида ўзи жар солиши керак эмасмиди? Бурунги одамлар тақдирини худога топширган, биз-чи, биз кимга ишондик, одамлар орасида худо йўқ ахир!

Сўнагул уруш бошланган куниёқ Қорақумга, Ма-дали аканинг олдига кетиб қолибди. Фронга жўнаб кетса кўролмай қоламан деган бўлса керак. Мен-чи, мен билан хайрлашиш керак эмасми, ё менинг урушга даҳлим йўқми? Институтнинг юқори курсидагиларни чақирмаётганмиш, лекин энди менинг институт билан ишим йўқ. Ҳаёт иккига бўлинди — кечагиси ва эндигиси. Кечагисининг аҳамияти йўқ, эндигиси ҳам-ма нарсани ҳал қилади.

Мен Фозилникига югурдим.

У китоб жавонларининг ичини ағдариб ташлаб, му-қоваларининг чангини артаётган экан. Фозил бундай иш билан соатлаб шуғулланади. Худди ташқарининг шовқини кирмасин дегандек, деразаларини маҳкам бекитиб олиб, китобларини бекордан-бекорга жавон-дан жавонга кўчириб чангини қоққани-қоққан.

— Нима қиламиз, Фозил? — дедим киришим билан ўпкамга зўрға босиб.

У қошини чимириб, пешанасини тириштириб, фай-ласуфона ўй сурди.

— Бундай ўйлаб қарасанг, жуда ғалати, — деди у. Полни туртиб кўрсатди: — Ёрнинг нариги томонида ту-риб кимдир бизнинг тақдиримизни ўзгартиришга ҳа-ракат қилади.

— Кимдир... У меникени ўзгартириб бўлди. Фрон-га кетаман, — дедим мен; бир даста китобга омонатчи-на ўтириб нафасимни ростладим. — Эсингдами, Султон бир вақт «ўз асринга дуч келганингча йўқ ҳали, ака-си» деган эди. Дуч келганимиз шу эмасмикан?

Фозилнинг ранги синиқ, қовоғи солиқ эди, у қўлидаги очиқ китобни ҳафсаласизгина отиб юборди:

— Ҳа, ўзининг дуч келганига анча бўлди шекилли...

Унинг товуши нечундир бегона эшитилди. Султон тўғрисидаги гапи менинг аллақаримга бориб дард билан санчилди. Мен ялт этиб қараб, Фозилнинг билагидан ушладим:

— Сен нима қилмоқчисан? Юр, военкоматга бирга борамиз?

— Мен аввало ўзлимни излайман, мен аввало ўзлимни топишим керак, — деди у ҳар сўзни оғир юк кўтаргандай салмоқлаб, қижжалаб.

Ўзлигини қидирар эмиш, файласуфни қаранглар-а! Ёъни, айтмоқчики, мана мен шунақанги донишманд ва мураккаб бир шахсман! Бировлар бахт, бировлар қахрамонлик, бировлар яна алланималар излашади, мен эса ўзлимни излайман! Қойил бўлишларингиз керак менга! Атрофда ҳаёт ҳалокат ёқасида турибди, оламни мусибат босиб келяпти, мен ҳам азобдаман; ўзлимни излаяпман.

Тўғ-э!

Рўпарамда бўлак нотаниш одам тургандек эди, хайрланмасдавоқ, сочилиб ётган китобларни босиб, қоқиниб, впошганимча чиқиб кетдим.

— Ақмад! — деб чақирди у остонадан. — Қуруқ «ура» дан ёки чўлоқ муаллимимизнинг қоп тешадиган таёғидан қўрқадиган душман эмас бу! Ақалли миятиқ ушлашни биласанми? Сенинг жонинг керак эмас унга...

Яна алланималар деб қичқирди, мен қайрилиб қарамадим, ўз гуноҳимдан қочгандек, жадаллаганимча кетавердим.

Қоронғи тушган, эски латта сингари узук-юлуқ булутлар бош устида пастаккина сузиб борарди. Шаҳар майдонида, илгариги Испания харитаси ўрнига мамлакатимизнинг чўзилиб ётган ҳайбатли қизил арслон сингари катта харитаси осилган.

Тўпланиб турган одамлар бугун бомбардимон қилинган шаҳарларга — Вобруйск, Киев, Одессага индамай тикилиб, ниманидир чамалаб туришибди. Улар ўз зехнларига оғир ботиб турган шафқатсиз саволларга жавоб беришдан ожиз эдилар назаримда.

Менинг ойим ҳам шу ерда чўқиб қолди. Унинг чўчиғаң, паришон кўзлари менга тушди-ю, елиб келиб мени бағрига олди. У менинг фронтга жўнамоқчи бўлиб юрганимни билар, қаерга борсам, орқамдан пойлаб, йўлимга чиқиб турар эди. Биз одамлардан узоқлашиб Ленин ҳайкали ёнидан чиқдик. Ҳайкал ҳам узоқдан худди ҳалиги харитага тикилиб тургандек эди. Булутлар оқиб ўтиб, кўк юзи бир зумга очилганда доҳийнинг қиёфаси жонлидек кўриниб кетди. Азиз Ильич! Ахир бу қандай гап? Нега бизникилар чекинишяпти, бунга ким айбдор? Бу ёғи нима бўлади, Владимир Ильич?

У индамайди. Сиз ҳам индамайсиз, ойижон. Лекин сиз гап очишдан қўрқманг, мен ҳали борганим йўқ ҳарбий комиссарликка. Мен ўртоғим Фозилниқига бордим. У...

Ойим менинг ўйларимга қулоқ солаётгандай анчагача индамай борди-ю, бирдан ўпкаси тўлиб йиғлай бошлади.

— Ойи...

Мен уни қандай юпатишни билмай турганимда, қоронғи кўчанинг у бошида, муюлишда, қизариб ёнган чироқ тагида одамлар кўринди, қий-чув эшитилди.

— Ана,— дедим,— фронтга кетаман деб уйдан қочган болаларни вокзалдан ушлаб келишяпти. Военкоматнинг олдидаги студентларни кўрсангиз эди, ойи! Врачларни алдашган, паспортларини ўзгартиришган, бир амаллаб фронтга жўнаш пайдан бари.

— Довулда қолган полопонлар...— деди ойим йиғи товуши билан шивирлаб.— Ўзимиздан ўтди, болам, ўзимиздан ўтди. Нон бердик болаларимизга, нархини айтмадик. Дард билан ҳаловат, қувонч билан кулфат ёнма-ён юришини тушунтирмадик...

— Ойи...

Мен унга тасалли беришга сўз тополмадим.

Ойижоним... Бир вақтлар ҳали мен йўқ эканман, у мана шундай ёш тўкиб дадамни жангга кузатган. Мана энди мени кузатиши керак. Наҳотки ҳамма вақт ҳам авлоддан авлодга шундай бўлаверса?..

2. СУҚМОҚ УЗИЛГАНДА

Гапнинг маромига кўра, бошдан охир нуқул ўзини ёзади шекилли, деган ўй келди кўнглингизга. Тўғри. Нега деганда, ўйлашимча, фақат буюк одамларгина эмас, оддий бир киши ҳам ўзи ҳақида ёзса қизиқ қисса чиқиши мумкин.

Оддий? Дарвоқе, унча ҳам оддий эмасмиз сиз билан биз. Йигирманчи аср кишиларимиз! Худди мана шу оддий кишилар эътибор топган замонда яшадик. Аминманки, бизнинг ҳаётимизда ҳам буюк келажак кишиларининг кўнглига равшанлик, юрагига далда бера оладиган бирон нарса бор.

Мен ҳаётимнинг маъносини ўйлайман. Фозил айтгандек, ўша «кимдир», етти ухлаб тушимга кирмагаң бир одам қаерларда туриб, менинг йўлимни кескин буриб юборди. Йўқ, балки у эмас... балки ўзим, ўзимнинг насл-насабим, синфий табиатим буриб юборди йўлимни.

Мен шу йўлга юришим керак эди. У «номаълум» одамнинг оламда борлигини унутайзган эканман, асримиз унуттирмади, чунки унинг энг оғир тўлғоғи шу бизнинг зидлигимиз. Модомики тўқнашиш зарурат экан, мен унга қарши боришим керак, бўлмаса туриш-турмушимнинг ҳеч қандай маъноси йўқ.

Мен кетдим.

Йўл гоҳо ёниб кул бўлган қишлоқлар устидан ўтар, гоҳо юз йиллик қарағайларнинг жонли таналари тилиниб-титилиб тарашага айланган, ўнгирлардан илдиларди чиқиб ётган яланғоч ўрмонга кириб кетар, икки ёқасида эса дам йўнмаган қайин крестлар, дам танка қарши темир ғовлар узоқларгача тизилиб ётар эди. Мажақланган снаряд қутилари, ўлиб ётган отлар, лойга қоришган инжил, йиртиқ шинель, кўмилмаган ўликлар... Нималар йўқ дейсиз бу йўлларда. Бирини босиб, бирига чап бериб кеча-кундуз юравергандан кейин машинагина эмас, асабларингиз ҳам ишдан чиқарди. Бизнинг машинамиз аллақачон портлатилган бир кўприк ёқасида, қизил балчиққа ботиб қолиб кетди. Йўл ҳали узоқ, фақат уфқда аждардай тўлғаниб кўкка ўрлаётган қора тутун бу йўлнинг охири борлигини кўрсатиб турибди.

Биз, ҳарбий билим юртини битирган ёш офицерлар, госпиталдан тузалиб чиққан солдатлар — йигирмага яқин киши запасдаги полкдан тайинланган қисмларимизга, фронтни қувиб кетяпмиз.

Немисларнинг қишлоқларни ташлаб қочаётганлиги ҳақидаги хабар бу ерлардан тўп гумбури билан барабар янграб ўтган бўлса ҳам, одамлар ҳали эсларини йиғиб олганларича йўқ шекилли, ҳамма ёқ жимжит. Мен уруш йўлларида бундай жимжитлик бўлишини сира кўз олдимга келтирёлмас эдим. Наҳотки тириклик золи бутунлай қирилиб кетган бўлса!

Йўқ, бора-бора ертўлалардан, чала вайрон уйларнинг деразаларидан олазарак аёллар, чоллар, болалар аста-секин бошларини чиқариб мўралай бошлашди.

Биз кундузлари иложи бўлса ҳеч қаерда тўхтамай, манзилга шошардик. Лекин бир жойда мен бир нафасга беихтиёр тўхтаб қолдим. Вайронада қаңқайиб турган печь мўриси ёнида, лойга қоришган кул-қурум устида бир жотин бола эмизиб ўтирибди: сочи оқ, лекин кўкракларига қараганда жувонга ўхшайди. Мен бу ёш онага дориламон кунлар келгани важдан бир илиқ гап айтмоқчи бўлдим.

— Яхшимисиз, янга! Энди азаматнинг илигини маҳкамлай берасиз-да!... — дедим у томон қадам қўйиб.

Жувон яввал кулиб қаради, кейин болани ўтирган жойига тап этиб ташлаб, ёнган ходалар, фишт уюмлари оша сакраганча қочиб қолди. Шундай тез югурдики, мен унинг деҳқонча катта товонини, чирик этагининг четанга илиниб қолган бир парчасинигина кўриб қолдим. Болани қарасам — ўлик. Ваданим жимирлаб кетди. Мурдани эмизиб ўтирган жувоннинг жинни экани энди миямга келди. У энди қайтиб келмайди чамамда, узоқда қораси йўқолди, гўдакни ташлаб кетишга қўнглим бўлмади, уни ерлаш керак эди.

Шу билан бўлиб, ўртоқларимдан анча орқада қолиб кетган экинман, ҳансираб зўрға етиб бордим. Ваъзи эски фронтчилар менга хўмрайиб қарашди.

— Йўлдан қолдирдингиз, лейтенант!

Танбехни индамай қабул қилдим. Лекин менинг айбим йўқ эди...

Бечга яқин сийраккина ўрмон даҳанасида, нимсасанга бир қишлоққа етдик. Ҳавода яқинда титиб-ағдарилган

чирик хазон ҳиди куюк дуд иси аралаш анқиган. Куча оғзидаги кўрсаткич тахтага Горехово деган рус қишлоғининг оти немисча ретик ҳарфлар билан ёзилган. Уй, дарвоза, четан, оғбор, ҳатто ҳожатхона эшигида ҳам кечагина қочган немис қисмининг тамғаси — каламуш сурати арава мойи билан чаплаган эди. Эндиги йўлимиз ботқоқли ўрмон, тун босиб келяпти, дармон ҳам қуриган, шу қишлоқда тунайдиган бўлдик.

Эшиксиз, деразасиз, ҳувиллаб ётган бир уйга, эгаси йўқ экан деб, эндигина жойлашган эдик, исқирт, пучуқ, патаксоҳ, сепкилли бир болани етаклаб, соғоши кўксини тутган паканагина чол кириб келди. Саломлашиб, скамейкага ўтирди.

— Мана Васятка тирик қолди, — деди у ҳаммашига бир-бир қараб. Эгилмай қотиб қолган бармоқлари билан боланинг пакмоқ сечини таради. — Мен уни топиб олдим. Тирик қолди бу.

У болани бизга кўрсатиб суюнчи олмоқчи бўлгандай, тагин ҳар биримизга алоҳида қараб чиқди.

— Невара сизга қарашли эмасми, қария? — деди бир солдатимиз. Чол бош чайқади.

— У албатта илгаригидек эмас, тилдан қолган, исқирт... Аммо у ўша ўзимизнинг Васятка, гореховолик Васятка. Уларнинг қўраси черковнинг ёнбошида эди. Бу ўша Васятка.

У боланинг урушдан олдинги ўша Васятка эканлигини ўйлаб сира тўймас, ҳаммани шунга ишқиртиргиси келар эди чамамда, боланинг елкасини оқлаб сийпаб қўярди. Ҳозир бу қишлоқда на черков, на бирон тиккайган иморат қолган. Бобо бу ерда йигитликдан бери бошланғич мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлаган экан, оккупация даврида шу қишлоқда қолиб, тасо-диф билан жон сақлабди.

— Аммо Васятка тирик қолди, — деди у яна, — гунг бўлса ҳам майли. Ўша илгариги ўзимизнинг Васятка шу.

— Нега соқов бўлиб қолди? — деб сўрадик эҳтиёт билан.

Чол Васяткани имо билан «бор» ўйна, дегандай, чиқариб юбориб, воқеани ҳикоя қилиб берди. Васятканикида немис офицерлар турган пайтда бўлган экан бу. Боланинг онаси, ўз оиласи оч турса ҳам, ўша «меҳмонлар»ни боқишга мажбур экан. Бир куни жуда оч

қолган Васятка столдаги бир бурда нонга қўл узатибди. Немис унинг қўлини маҳкам ушлаб:

— Ҳа, ўғри! — дебди. Шерикларини кулдириш учун болани деворга тақаб қўйиб, тўппончасини олибди-да, лунжини шишириб туриб «Пақ!» дебди, Офицерлар хўп қулишибди. Васятка бўлса ўшандан бери тилсиз экан.

— Тавба... ўз уйида, ўз нонига ўғри... — деб хўрсинди бурчакда ўтирган кекса солдат.

Биз ўчоққа ўт қалаб, халталаримизни ечиб, стол тузадик. Чол билан Васяткани ҳам меҳмон қилдик. Ҳамманинг диққати болада эди. Дастурхон ёзиб овқат қилишни унутадган бола солдатча тез-тезматимизни кўриб кўзлари ёшланди, шу топда гапиролмаганига йиғлаб юборай деди чоғямда. Биз уни ҳаммамиз бир-бир тиззамизга олиб, овқатга қистадик.

— Катта бўлиб қолди, жуда эсли, — деди чол, — ўзимизникилар ким, фашист ким — қаттиқ билади.

Қош қорайганда катта кўчадан бизнинг конвойларимиз немис асирларини олиб ўтишди. Қоронғида бу тўда кимдир судраб кетаётган катта ифлос латтага ўхшарди. Ҳаммаси бир хил, усти чанг, лой, жулдур, қадди букчайган, кўзи ерда. Бири қудуқ ёнида пақирни кўриб сув ичгани тўхтади. Биз ромсиз деразадан қараб турибмиз. Бу аянч одамнинг солдатлик турқи қолмаган эди. Ичига тушиб кетган кўзлари ўликни эслатарди. Пақир қўлида қалтираб, сув ифлос соқолига, ундан бўйнидаги чурук пайтавадек рўмолига тўкилди. Шу пайт унинг рўпарасида Васятка пайдо бўлди. Бола унинг гадо башарасига қараб турди-да, қўлида еб турган бир тишлам колбасани узатди. Немис икки қўллаб олиб, колбасани аввал ҳидлади, кейин тўшига босиб, болага тикилди. Чуқур кўзларидан исқирт юзига кир ёш юмалаб тушди.

Фашист кўзида ёш... Безабон Васятка бўлса унга тетик қараб турибди.

— Бу йиртқичларнинг даҳшатли гуноҳларидан кечиш учун ҳам юрак керак, олижаноблик керак, — деди кекса солдат.

— Нон билан эмас, кулфат, мусибат билан катта бўлган бу тирмизак бунча ҳимматни қаёқдан олди, сиз шунини тушунасизми, муаллим? — деб сўради у чолдан.

Чолнинг ориқ, қорғин юзида фақат муаллимлардагина бўладиган иссиқ шуъла товланди.

— Ҳа, бу бола ҳеч қачон биринчи бўлиб бировга қўл кўтармайди, — деди у. — Мен Васяткани яхши билман. Аммо немис... икки йил ёнма-ён туриб, немиснинг табиатига тушунмадим, биродарлар. Йиртқич агар нодон бўлса — бу бир нав, тушунарли. Булар... булар туғруқхонада тўлғоқда ётган хотинларни ҳайдаб чиқиб, мана бу майдонга кўмилган миналарни яланғоч қўл билан кавлаб олишга мажбур қилишди. Ҳар мина портлаганда... узоқдан туриб хотинларнинг қандай парчаланиб ўлишини суратга олишди. Фотоаппаратлари йилт-йилт этиб турган, замонавий, қимматбаҳо аппаратлар эди... — Кекса ўқитувчи жим бўлиб қолди.

Асирлар тўдаси қора соядай судралиб дераза олтидан ўтиб кетди, тун чўккан бўлса ҳам, очиқ деразадан тикилиб турган осмон ёришиброқ кўринди. Васятка товушсизгина кириб, бобонинг тиззалари орасига тикилди. Муаллим уни бағрига тортиб, ўша оҳангда давом этди:

— Васяткадаги бу куч менда йўқ, солдатлар, қариб қолдимми — билмайман. Лекин бунда бор. Бунда кўп гап бор.

Чол индамай қолди. Ҳеч ким гап қотмади. Ҳамма ўз ўйи билан банд эди. Бирпасдан кейин қайси бир бурчакдан хуррак ҳам эпитилди. Ўз кишилари билан бундай хонаки, оилавий шароитда кўндан бери мириқиб гаплашмаган чол билан Васятка ҳам скамейкада гужанак бўлиб уйқуга кетишди.

Мен ухдай олмайман, мен душманамни, унинг қиёфасини ўйлайман. Унинг ўша кекса муаллим айтган табиатини вужудга келтирувчи бутун бир дунё рўпарамга келиб гавдаланади. Шунда атрофимда юмалаб, хуррак отиб ётган одамлар қандайдир эзгу алплар бўлиб кўриниб кетади, кўзимга. Боягина бири-зиқна, бири сергап, бири баджаҳл кўринган бу одамларнинг оёғига йиқилиб сиғинса арзийди. Мана шулар орасида мен...

Жуда тез тонг отди. Ҳаво булут, ғарб уфқда узоқдан четлаб ўтаётган чақмоқдай шафақ гоҳо бирдан ловуллаб кетади. Ҳужум ҳамма вақтдагидек тонгдан бошланган эди. Тўпларнинг гумбурлаши баъзида жуда

яқинлашиб келгандай туюлади. Лекин биз ўрмонлар, жарликлар оша юра-юра кунни яна кеч қилдик. Қоронни тушгач, бир болқонда етганимизда жамнинг нафаси кўкрагимизга урилди: сассиқ сойлидан галати чықиб келиб минилар порлар эди. Вазан сиринд чўзиқ унйидай да-ю, бирдан унга ўтади: фугас экан шеклиди, болқонда чуқур ботиб, кейин портлаш ўрнида писиллаб ўчиб қолади, ёни ер остида товучиси портлайди, ослонкиси йўр. Шунинг учун биз текис йўл қилиб, солинган кечиб кетдик. Алдангандай яшил багичкара ботиб, уст-бонимиздан чирик сованга ҳидини аңқитиб, яшим кечяда тайинланган қисмимизнинг плацдармига кириб бордин.

Мен рота командирини капитан Хмарга учрашим керак экан, унинг команда пунктини излаб юриб зўр-ра топдим. Немисдан қайган чала байрон блиндажнинг қийинайган жадаларига башини уриб, зинасидан оркам билан сириниб тушиб, заҳ ертўлада пайдо бўлдим. Шундай шароитда сира мос келмайдиган тоза, пушпа кийимдаги, аяни ёшга борган, қарамлари қатий, соқоли яхшилаб қирилган, ёрғоқ боша кийитган, бир қўлида телефон трубкаси, бир қўли билан қаёқларни-дир кўрсатиб, ёшани новча лейтенантга разаб билан тушунтирар эди:

— Сенинг у Обёрное деганинда немис фақат яшаётган учун ҳар замонда бир ақиллашти, жиддий куч йўр у ерда; унинг оёқ тираб қолмоқчи бўлган жойи темир йўл станцияси, тушундингми, Харитонов?

— Ўртоқ капитан, — деди ялингансимон лейтенант Харитонов. У пастак блиндажда икки буклангандай, чарчиган гавдасини элиб, ерга қараб гаширар, уст-бонини лой, йиртиқ, кўзлари жизил, олдинги линиядан бир зучаланган келгани биллииб турар эди. — Ўртоқ капитан, вевод кучдан қолди... — Кўриниб турибдики, у тилига келган даҳшатлироқ гапни айтишга журъат қилмапти. Унинг юзига қараб мен «кучдан қолди» ни «рон ютпти» деб тушундим. Шортлашлардан шифрда кодлар гирчешлар, артиллериянинг гувиллаши худди блиндаж тепасида муаллақ тургандай эди. Вазан юзларимиздан олов шуъласи югуриб ўтади, деворда соилар ўйнайди.

— Ҳеч кимни бероямайман, позициянгизга қайтинг, Харитонов! — деди капитан яна телефонга ёпи-

шиб.— Кейин менга кўзи тушди.— Ана лейтенантни олинг ёнингизга,— деди. У менинг кимлигимни, нега келганимни аввалдан билгандай, сўрамади ҳам, сўрашмади ҳам.

Харитонов индамай чиқиб кетди. Мен унинг кетидан юрдим.

Билим юртида биз ёш офицерлар «фронддан нари жўнамаймиз, заводдан кичинига укамаймиз» дегувчи эдик қавилганиб. Лекин мен, етиб келганим билан, ўзимнинг яна эвазимни айтишга ҳам улгурмай, жангга кириб кетдим чамамда. Тул ойдин эди. Харитонов аччи; мажорасини ёнг ичда тортиб, ойна қозинмай тикка кетяпти, бу йўллар унга ташки эвазни жўрашиб турарди. Қулалнида ерса ташка ташлайди, мен ҳам ёсман. Елим билан ўқлар қушган чалиб, ерни чизиб ўтади. Мен баъзан ўқ эвазимиб ўқадан эвайн ерга қапшамай, кўп эвазини сиврид порташми билан аданшарман, ўз ёнимдаги грамадан қўрқанин, лекин лейтенант, буни сезиб турса ҳам, индамайди, табиий, бир нарсга деб ўйлайди шеклли, бовиса нарсодан гаширади:

— Ёшдоримизми капитанимизни,— дейди менга қарамай, ҳамон тезлаб юраркан,— янги келган. Висодни ўз ротасидаги бир завод деб билади холос, мен бўлсам икки йилдан бери ўтда ҳам, сувда ҳам биргаман булар билан...

Ойдинда майда-чуйда дўншликлар, эвақдан ташан гараме, яна сивирми, ашланганининг қораси кўринди. Бу ер қабристон экан, кириб келганимиз билан бирдан ёнига скараллар гўшарини шуидай тетиб пайладикки, бундай жангарани ўйкусизликка дучор бўлган турларида Достоевскийнига ўйлаб чиваргани мумкин эди. Бу тирик одаклар тўдасини бомбарди мон қилиндан эки дашнатларок бўлар экан. Тобушлар, суяклар қаланиб кетди. Янги ўлаклар ердан ўйкулаб чиқиб, ойдинда совуқ йқилишгайди. Бу мурдашлар гўё яна бир марта ўлиб, тилка-тилка бўлиб, тинни ўлимдан қушқазиб қолганда эди. Тилки қуруқлиб, те-моримни бадбўй бир дуд ичиди. Говоннигача совуқ тер чиқиб кетди. Харитонов бўлса ётган жойида ҳам, торганида ҳам қашганини таширади:

— Билим юртида қариган-да, у жангчи биладики? Уша ерда ҳам зугум қилиндан бошқани билмишми, бу.

Инспекторлик машғулотида бир тушганман бунинг қўлига...

Биз букчайганча чопиб бориб сигир ёнига ўзимизни ташладик, димоғимга қон, яна аллақандай, қўланса ҳидлар урилди. Сигир бузоғини эмизиб турганда ёнига снаряд тушганга ўхшайди, бузоқнинг гўштлири парча-парча бўлиб тупроққа қоришиб кетибди, сигир ўрнидан силжишга уринарди. Мен молнинг маърашини билардим, инграшини эшитган эмас эдим. Бу ниҳоясиз дарднинг фарёдига ўхшар, бу фарёда тирик жоннинг чидаб бўлмайдиган аччиқ азоби эшитилар эди. Мен ойдинда қонга қоришган иссиқ қизғиш сут кўлмакларини кўрдиму расво бўлдим: кўзим бир зум тиниб нетди, бирдан кўнглим ағдарилиб, ўқчидим... Харитонов буни билдими, билмаганга олдими, яна гапирганча олға юраверди:

— Ушарда ҳам капитан эди. Нима жин урди-ю, бир куни честь бермай ўтибман. Шунда тўқсон уч марта ётқизиб-турғизган лаънати. Менинг биқинимда осколка борлигини биларди, додлаб юборади, деб ўйлади шекилли. Овора бўлади, тишимни тишимга босиб олиб, ёт деса ётиб, тур деса туравердим... Тўқсон уч марта! Ўзини чарчатдим...

Харитонов аҳволим билан иши йўқ. Гапи қаёқдандир ернинг тагидан чиққандек эшитилади қулоғимга. Атрофдаги портлаш, ўқ визиллаши узоқдаги гумбирлаш қулоғимга кирмайди, ҳамон сигирнинг инграшини эшитаман. «Бу сигир ахир, одам эмас, сигир-ку!» дейман ўзимга таскин бериб. Шивирлайман, югураман. Чаккамдаги совуқ терни артсам, енгимдан бир ҳид гупиллаб яна кўнглим ағдарилаёзди. Ҳаво зириллаб, гавдамни дам у ёққа, дам бу ёққа отарди, ётсам ердан ажралолмай қоламанми деб қўрқардим. Бунинг устига лейтенантнинг қорасини йўқотиб қўйдиму баттар гангидим. Олдинда траншея, унда қимирлаган шарпалар кўринди, лекин ҳаво бирдан ларзаланиб, ён томондан бир танк, кўкка эса қора булутдек бир тўда «Хейнкель» думма-дум кўтарилиб чиқди. Устимга тупроқ ёғилар эди. Ер худди жонли нарсасдек титрарди, тилим шишиб, бўғилиб кетаётгандайман. Окопдан берироқда ўликлар ётибди, уларнинг сариқ юзлари тонг осмонига тикилиб қолгандек, бир кўринди-ю, тупроққа кўмилиб, дўнглик бўлиб қолди.

Самолётлар тўлқин-тўлқин бўлиб ўтарди. Танк олд беги билан сапчиган отдек тиккайиб, траншея устидан ўтди-да, пичан ғарамини ағдарди, пулемётини ташлаб қочаётган, довдираб қолган немис солдатини босди, мен солдатнинг сўнгги нидосини эшитгандай бўлдим, танк ўтганда ерда унинг мажақланган каскасини кўрдим хдлос.

Тонг ёришганини билмай қолибман, тўзон, тутун ичидан қон билан ювилгандек қизғиш уфқ кўринди. Негадир тилимдан то товонларимгача музлаб, қалтираб кетдим, офтобнинг илк нурлари ҳам муздек санчилди вужудимга. Илиқ пўпанак ўтга юзимни босиб ётардим, бирдан шамоллаган одам товушидай хирқироқ товушлар эшитилди. Траншеядан Харитоновнинг эводи кўтарилган эди. Улар автоматдан ўқ отиб, ҳалиги танк орқасидан чопишди, мен уларга етиб олиш учун дарров олға интилдим. Бироқ улар окоплардан сакраб, йўл ёқасидаги катта ялангликка чиққанларидан ўнг ёндан пулемёт тариллаб қолди, харитоновчилар таппа ётишди, мен ҳам уларга ётай деганда ерга ёпишишга мажбур бўлдим, ёнимда ўтлар қирқилиб учди, инграган товуш эшитилди, бош кўтариб бўлмасди, пулемёт қимирлаган шарпага тариллаб, ерга михлаб турибди. Олдинроқда ётган қари сержант бирдан ўзини ўқ чиқаётган томонга отиб, снаряд портлашидан найдо бўлган ўнгирга шўнғиди, пулемёт ўнгир четидаги тупроқни титди-ю, тинди. Ўнгир тўла сув экан шекилли, кекса сержант бир-икки мўралаганда шопиллагани эшитилди. Энди у яна олдинроқдаги ўнгирга кўчиши, ундан граната отиб, пулемётнинг унини ўчириши керак. Мен иш шунга қараб кетаётганини тушундим. Лекин пулемётчи ҳам буни фаҳмлаган эди, у чуқурдаги сержантни қаттиқ пойлаб қолди. Бундай пайтда кимдир ўлиши керак, сержантнинг яна бир сакраши учун кимдир ўрнидан туриб, пулемётчини чалғитиши керак. Мен буни ҳам тушуниб турибман. Ҳамма жим. Харитонов қаёқдайкин? Бирдан бугун ҳали битта ҳам ўқ узмаганим эсимга тушди. Бунинг устига, ҳалиги гўристондаги аҳволим... Харитонов тирикмикан? Бу сержант, очиқ йигит бирданига кўнглимга ўрнашиб қолган эди. Жангдан сўнг у ҳалок бўлган дўстларини санайди, ўша вақтда мен унинг юзига қандай қарайман?

Қанча ўйлаганим, нима қилиб бу қарорга келганим
эсимда йўқ, бирдан қаддимни ронгладиму, қайси зо-
монгадир жон-жаҳд билан югура бошладим, абадликни
алахситсам бўлгани. Пулемёт қисрини таркиблиб, би-
гинамда бир оловли ханжар йилтиришадими, суғди, мен
гурс этиб йиқилдим. Тарикмак, ҳамма ёғни бутун, қа-
ри сержантнинг олдинги ўнгирга отилиб, унга шалван
этиб тушганини ҳам кўрдим. Ана эди пулемёт даф
бўлади.

Лекин нега мен соғинан, ваҳотки пулемётчи бўл-
жал ололмай қолди, шундай яқиндими-а? Шу ўй кўн-
лимдан ўтган ҳам эдимки, пулемёт уясида неҳа солдат-
нинг қўшаловчилаб отган пинатаси порлади. Шибда
тутунни олиб кетганда, ёлғиз қайинининг қаринлиб ку-
лагани-ю бир пой этинининг осмонга учгани кўнмади.
Кейин ҳамма ёқ жимикит бўлиб қолди. Анчадан кейин
солдатлар аста-секин туриб келиб бир жойга тўпланиш-
па бошлади, беш шийпагарини олинди. Мен қан бо-
риб қарадим — ўртада тизасини қучоқлаб гужанак
бўлиб Харитонов ётарди. Қалитини гайлашиб неҳан
одамимни ўзим кўриб, ёғинларим бўлганим кетди.

Лойга ботган шайқасини кўзига уқилган қалити
кекса сержант келиб меннинг шўлимни сизди:

— Тузук экансиз, ўртоқ лейтенант... — деди қан-
гин төвурч билан.

Шурида тушундимки, ҳали туриб юргганимда та-
риллаган ўқ меннинг ўшимга Харитоновни олиб келиб-
ди. «Тузук экансиз...» Менинг француз аяқидан, уягдан
ўлиб қутулиш учун ўзимдан турганимни билганим
эди булар. Харитоновнинг қили ажал совиқлигининг
оддий, оғиқ юзига қараб, ўзимга ўзим алаччи кўн-
ниб кетдим.

Узоқда, эргалабки кўнани туман ва тузук аяқда
Озёрное қинлогининг ёғиндан кейинги қора ожалети
кўзга ташланди. Биз уни мангисиз босиб ўтиб, тун-
га яқин станцияда ўз батальонимизга бериб кў-
шилдик.

Душманинг темир йўл станциясида мустанга-
лаиб қолган режаси барбод эдилди. Бу — бағалан
учун галабали тент эди. Қисмда одатдаги шиддалик,
хушчақчақ, ивирсиқ ҳаёт бошланди. Командирларим,
анча ўртоқларини шу тентда Озёрное гўристонига кў-
йиб келган харитоновчилар ҳам ҳеч нарса бўлмаган-

дай ҳаргин лақиллашиб, ҳазил-ҳузул қилишар, айниқса ўша пулемёт уясини даф қилган кекса сержанти — ёшлар уни Агафён тоға дейишаркан — ўзининг деҳқонча ҳазил-мутейбаси билан ҳамманинг кўнжидини олиб эди.

— Совуқ қурол ҳам анчадан бери бекор қолдида, — деди Агафён янчилиб-кетган алюмин қопиқни кўнжидини олиб тоти билан уриб текисларкан.

— Станцияда бир вагон картошка топиллибди, Агафён тоға, — деди Андрей Гладков деган ёшгина чўтир солдат. — Реса бўямис. Лекин туз йўқ экан.

— Картошка дедингми?

— Ҳа.

— Менга қара, Андриюша, пўсти оқидан бир донагина чўтирагинга солиб ол, — деди Агафён пақирдаги совуқ сувда ювина туриб. У билан гаплашиб, тирикчиликнинг турли-туман икки-чикирларини ўрганиб олишга яқин кўрадиган Андрей кўзини катта очди.

— Ўлма қилмаган уни?

— Бир жойда шундоқ қадри ўтдики! — деди Агафён, ўстаи соқолида сув томчилари ялтиллади. — Бир уйга кирсак, икки катта шишада шнапс турибди бурчакда. Бунақда дарров қуйиб ичиб бўлмайди, ошпа — текшириш керак. Картошкага шундоқ томиз: қораймаса, шнапс, мириқиб ичаверасан, лекин қорайса-чи, — заҳар. Қани энди ўшанда тирноқдаккина хом картошка бўлса! Шишани бир тепиб ағдардим. Шундоқ қолдириб бўладими, сенга ўхшаш бирон сўта-думбул ичиб қўйини бера ахир!

— Заҳар эканми-а?!

— Бўлганда қандоқ! Мана. — Агафён қўпол этигининг кўнжидаги тангадек тешикни кўрсатди, — томган жойини ўйиб кетди.

Анграйган Андрей чўккалаб этикни пайпаслаб кўрди.

Қизиқ, ҳозиргина даҳшатли ўлим билан олишиб келган солдатлар қаёқдаги аҳамиятсиз нарсалар қақида берилиб гаплашишар, кулишар эди. Мен бўлсам уларнинг хурсандчилигига қўшилмай, ҳамон тонгдаги жинни, Харитоновни, ўзимнинг шармандаларча ақолигини ўйлайман.

Кечга яқин батальон штаби жойлашган қизилвагондан рота командирлари чиқиб келишди. Мен вок-

зал вайронаси орқасидаги яланғоч хибонда туриб, улар орасидан негадир Хмарани қидирардим. Унинг мен билан ҳали тузукроқ гаплашмагани учунми, ё у ҳақда Харитоновдан эшитган гапларим таъсиридами, унга тезроқ рўпара бўлгим, юзига узокроқ тикилиб, яхшироқ таниб олгим келарди. Бироқ офицерлар орасида Хмара эмас, бошқа бир капитан диққатимни тортиб қолди. Наҳотки... Наҳотки?! Мен ўзимни беихтиёр четга олдим. Йўқ, йўқ, агар у бўлса кўринмаслигим керак! Айниқса ҳозир, шу аҳволда... Урушдан олдинги кунлар, ўша янгроқ, қуёшли кунларга сира ярашмаган энгил ҳаётим, кулгили, бачкана ўйларим, қилиқларим бирданига кўз олдимдан ўтди.

Йўқ, агар у бўлса кўришгандан кўра ерга яшириб кетганим маъқул. Мен қарағай орқасига яшириндим. Бироқ, капитан биз томонга қадам қўйди. У тез, лекин майин босиб келар, шинель ичида катта гавдаси ҳам суяксиздай, юмшоқ туюлар эди. Солдатлар туриб унга честь беришди, у эса ҳеч кимга қарамай, гўё менинг қаерга яширинганимни билгандай тез юриб келиб мени топди-да, бағрига қаттиқ босди, икки билагимдан ушлаб, бирпас юзимга-тикилиб туриб, яна кўксига тортди. Юзимда аллақандай аянч бир ифода бўлса керак, у менга далда бергандек, ҳаяжонланиб гапирар эди.

— Мен сизни фронтда эмасдирсиз деб ўйлаган эдим, очиги.

У негадир мендан жуда миннатдордек, тўлқинланиб, юзимга тўймай тикилар эди. Мен ҳам андишани унутиб, таъсирланиб кетдим:

— Мадали ака... Ўртоқ капитан! Мен бугун жангда... ўқ узолмадим, — деб ичимни таталаб турган гапни айтиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

У ҳайрон бўлмади, лекин товушим қалтираб кетганини ёқтирмади.

— Қўйинг. Буни ҳеч кимга гапирманг, лейтенант! — деди. — Ҳали жанг кўп.

Уни чақириб кетишди.

— Кечқурун сизни топаман, — деди кета туриб.

Мен унга тикилиб қолдим. Ҳарбий кийим ҳам, шиддатли жанговар ҳаёт ҳам уни ўзгартмаган эди, у ўша-ўша: қаттиқ гап гапирса ҳам овозини дағал қилмас, сўкиб туриб шу ондаёқ нима биландир меҳрибон-

чилик кўрсатар, лекин менга муносабати кескин ўзгариб кетган эди, мен билан учрашув унга катта қувонч бўлди чоғи, тунд юзида бу қадар илиқ шуълани сира кўрмаган эдим.

Батальон катта операцияга тайёрланаётган эди. Шундай бўлса ҳам, Мадали ака беш-ўн минут уйқу ўрнига кечаси менинг ёнимга келиб ўтирди, кўп гаплашмади, бошига бир нарса қўйиб шунчаки чўзилиб ётди; гўё дам олиш учун энг қулай жой шу эди. Биз «камера хранения» деб ёзилган кўрсаткич стрелка тагида, қандайдир йўлакда ётардик, солдатларнинг гап-говури тиниб, хуррак ва баъзи гўнғиллаган паст овозларгина эшитила бошлаган эди. Сал нарида ётган Агафон тоға билан чўтир Андрейнинг салмоқ билан давом ётган суҳбати қулоққа чалинади.

— Агафон тоға,— дерди Андрей одатдагидай бутун сирларини кекса ошнасига ишониб,— бир лаънати қуш бор-а, биласанми? Худди ўқдай ҳуштак чалади аблаҳ. Мен авваллари шунинг товушини эшитиб таппа ерга ёпишар эдим.

— Энди ўқнинг ўзига ҳам парво қилмайман дегин?

— Қўрқиб жонимга тегди.

— Сен қўрқоқ эмассан, биламан,— дейди кекса солдат деҳқонча салмоқлаб.— Қўрқоқ ҳаётни бошқалардан ортиқроқ севаман деб ўйлайди, лекин бу — бекор, у ўз ҳаётини йўқотишдан хавотир олади, холос. Қўрқоқлик доғини ўлим ҳам юволмайди, Андрей, билиб қўй, аммо мардлик ўлганингдан кейин ҳам яшайди. Қийин аҳволда қолсанг виждонинг билан гаплаш, энг сўнгги дамда ҳам солдатни фақат виждони ажрим қилади...

Солдатлар жангдан сўнг бекорчи гапларнигина эмас, бундай қисқа, сокин дамларда жиддий гапларга ҳам берилишар экан. Ҳозир кекса солдатнинг салмоқли гурунгига тунги тинлик ҳам қулоқ солаётгандек, ёки бу гапларни шу тинликнинг ўзи гапираётгандек эди. Булар менинг солдатларим, Харитонов взводининг эртагаёқ менга топширилиши аниқ. Мен лейтенантнинг мунгли сўзларини эслайман: «Икки йилдан бери булар билан ўтда ҳам, сувда ҳам биргаман» деган эди у. Жангда ҳам дарслигини қўйнида олиб юриб физика қонунларини ёдлайдиган, болалигида ширинчага ча-

линганини кулгили қилиб гапирадиган мана бу ёш солдат Андрей... Содда ва дона деҳқон, взводнинг жони бўлган Агафон тоға... Ҳар бири бир олам. Мен қуларга Харитоновдай бўла оламанми? Қулоғимда кинжаллардан дир эшитган гапларим жаранглайди: «Утда ҳам, сувда ҳам», «ҳали жанг кўп...» «солдат виждони». Мадали акадан бир нимани, энг муҳим нарса ни сўраб олгим келади, лекин нимани — тополмайман. У ҳам индамайди, солдатлар гурунгига қулоқ соляптимми, ёки ўйлаптимми, нимани?

— Аҳмаджов,— деди у анчадан кейин, шифтга қараб ётганча,— Сўнагул ҳам фронтда, биласизми?

Бутун вужудимга қандайдир илиқ бир нарса шуғуриб, юрагим ўйнаб кетди-ю, жойимдан қимизланиб қолдим. Ҳали мен сўраб олмоқчи бўлган муҳим нарса шу эмишми? Ҳозир бирдан, шу ерда ётган жангловар кишиларга, ҳатто капитан Қосимовга ҳам ўзини тинг сездим кўнглимда. Қуролдошларим орасида, ўз жангловар оиласида эканимни гўё ҳозиргина ҳис қилиб, янгол кучга тўлгандай бўлдим. Сўнагул... Капитан унинг номини ҳазин ва майин талаффуз этар, унинг ўз фронтимизда, ҳаво назорати хизматида экани, осмондаги самолётларнинг хилини қорасига қараб ажралиб олишни машқ қилаётгани ҳақида хаёлчангина шаст овоз билан ҳикоя қиларди, мен бўлсам, юрагимда тунча гап бўлишига қарамай, ҳамон индамай ётардим.

Кетар чоғи мен уни остонада тўхтатдим.

— Мадали ака, унинг почта номерини менга ҳам беринг.

Мадали ака кўзи билангина жуда ғамгин жўймайди-да, бир парча қоғозга номерни ёзиб берди.

Шу кеча душман полки дислокация қилинаётгани ҳақида радиogramма қўлга туширибди. Ушша жалал бериш шу ондайк бизнинг батальонга соқланди, чуқури ёнимиздаги ўрмоний кесиб ўтган дон йўли бўлиши учун жуда қўлай эди; тонг олдидан позицияга чиқиб, йўли четидаги қуроқзорга занжир-занжир бўлиб таралдик, бироқ биз кечиккан эдик, йўлдан душман артиллерияси аллақачон ўта бошлаган экан. Қурол турларини санаб ўтқазиб, пиёда қисмларни тўсиб қолиш, заҳарни ажратиб олиб ўтга тутиш ҳақида буйруқ бўлди.

Ёқимсиз, совуқ ёмғир бошланди. Автомат кўдрасна ботарди, тўш остида шилимшиқ чирик хазон; сарган-

чинг илдизларни ушлаб ўрмалар эдик. Йўлда бўғиқ мо-
тор товушлари эшитилди, ниқобланган фаралар ём-
ғирнинг қийғоч пардасини дам-бадам хира ёритар, йўл-
нинг таяк рилдирагидан тошлари ўйноқлаб ўпирилиб
кетган жойларда, снаряд ўнгириларида лойқа сувни
ёмғир савалар эди. Катта-кичик тўплар замбараклар
ёнида доҳо автомат ушлаган, лойға ботган, дилдираган
соңчишлар ўтади, мен немиснинг башарасини биринчи
марта шундай яқиндан бемалол кўриб ётибман.

Қалпоқли плаш ёпинган бир новчаси худди рўпа-
ралида йўлдан четга чиқиб, буталар орасига кирди,
ўзинча жиргойи қилиб яна ичкарироққа юрди. Нақ ус-
тига келиб қолди, қимир этсаму биримиз ўқ узсак,
жаман бошланиб кетиб, режа барбод бўлиши турган
ган. Шунинг учун нафас ҳам олмай ерга қапишганим-
ча ётибман. Новча, узоқдаги фара ёритган калинанинг
қип-қизил шокилларига қўл узатаман деб тирсагим-
нинг ёнгинасига қадам қўйди, энди бир чора кўрма-
сам сезиб қолади, ўқ чиқариш мумкин эмас. Пичоққа
юржак қаёқда, чумчуқ ҳам сўйган бўлмасам.

Ўттиз икки темир тишли немис пошnasi шундоқ-
қина кўз олдимда ерга ботиб турибди. Ўзи ҳам менга
роса иккита келади. Орқасига қайтадиганга ўхшамай-
ди, башарасини буриштириб мева еяпти, бир қўли
планы остида, бармоғи қурол тепкисиде бўлса ке-
рак.

Қимирламай ётиш бу қадар азобли бўлишини бил-
мас эканман шу маҳалгача. Кўксимни тўлатиб бир
нафас олмай ўлиб кетмасайдим. Шу нарса аниқки, ик-
киликдан биримиз бугун тонгни кўрмаймиз, лекин
ким?

Моҳор товуши яқинлашганидан фойдаланиб аста
турдим. Орқасидан темир қалпоқ ичидаги бошини мўл-
жаллаб туриб, автоматнинг қўндови билан бир тушир-
дим. Оёғи чалиниб, узун гавдасини мен томон секин
бурчанда, бир ўзчиб, бута тагига гурс этиб тушди. Бу-
ришганида юзини кўриб бир зумга бўшаниб кетдим: у
анига кетса, юзи зиёлинамо, оқ, силлиқ, чиройли одам
эди. Жим қолди, тугади шекилли.

Ёшинг улуж бўлса, мендан чиройлироқ бўлсанг, ни-
мас қилай? Ўзинг ўргатдинг ўлдиринг. Орқадан ту-
риб уринг ҳам ўзинг ўргатдинг. Ёиртич ниёт билан
бу жаҳаннам ўпқонидек замбаракларни ушадан суд-

раб келмасанг, мен одам ўлдириб юрибмидим! Зиёли башара... Тилсиз Васятканинг кекса муаллими айтган «фотограф» балки сендирсан...

У қимирлаб, оғзини очди, яна ўқчиб қўйди. Улмабди. Энгашиб қарасам, офицер экан. Бир фикр миямга келди: бунинг ўлмагани маъқул эмасми? Биз кечиқиб қолиб, душман артиллериясининг аниқ ҳисобини ололмадик. Агар ҳозир олиб бориб, ҳушига келтирилса, ундан жуда зарур маълумотлар олиш мумкин!

Қўлтиғидан қайиш ўтказиб бесўнақай гавдасини орқаладим у ичкарига олиб кириб кетдим. Бу вақт қаердадир отишма бошланди, ўрмонни рангли ракеталар ёритиб юборди, ёмғир ҳамон шивалаб уриб турганини ўшандагина пайқадим. Ёмғир томчисида ҳам аччиқ дуд иси бордек эди, миналар «виш-виш» этиб, яқин-яқинда ёш қайинларни текис қирқиб, томирларни тупроғи билан қўпориб ташлаяпти. Чала ўлик гавда зил бўлар экан, мен уни дам судраб, дам орқалаб, снарядлар титиб ташлаган бир ялангликка зўрға олиб чиқдим. Қаердандир Андрей пайдо бўлди.

— Уртоқ лейтенант! Агафон тоға... — деди у кўзларини олайтириб.

— Судра буни! — дедим.

Сал нарида Агафон ёгарди. Дарров гимнастёркасининг чокини йиртдим. Унг елкаси, қуймичи мажақланиб кетган эди, уни қимирлатиб бўлмайди. Шивель билан ёпиб қўя қолдим. Энди кекса сержант ҳеч қачон ёш солдатлар орасига кириб кўрган-кечирганларидан хушчақчақ суҳбат қура олмайди. Унинг ўлим олдидадан чекадиган азоби олдида умр бўйи кўрган уқубатлари ҳам ҳеч нарса бўлмай қолади. Ҳозир ҳуши уйғонганича йўқ, шунинг учун чидаб турибди. Лекин бирпасдан кейин у бир тугун бўлиб чирмашиб кетган яланғоч асабларнинг аччиқ фарёдига айланади. Унинг яна бир неча соат бундай азоб чекиши кимга керак! Кимга! Атрофда миналар портлайди. Биронтаси бу шўрликнинг устига туша қолсайди, деган хунук фикр ҳам ўтди кўнглимдан.

— Лейтенант... сиз уни олиб боринг, — деди сержант тилга кириб. Чўзилиб ётган новча немис гавдасини кўрсатди. — Мендан ҳозир фойда йўқ, ўка. У бўлса — зарур.

— Ҳозир Андрей олиб кетади уни, сиз гапирманг, сержант, — дедим.

— Қўй, ўртоқ лейтенант, солдат мана бу қутиларни ташисин, — тирноқлари кўкариб келаётган қонсиз бармоқлари билан нарироқда ётган ўқ-дори қутиларини кўрсатди. Узи етказолмаганга ўхшайди. — Взвод махтал бўлиб ўтирибди. Мен мана бу ўнгирда ёта турарман. Тонг ҳам ёришиб қолади. Боринглар.

— Қимирламанг! — дедим негадир чўчиб.

Андрей немисни орқалаб кетди. Йўл чеккасидаги жанг яқинлашиб келмоқда. Мен нима қилишни билмай кекса сержантнинг юзига боқаман. Кўзларида ўлим даҳшати йўқ, фақат, мендан кейин нималар бўлар экан, дегандай бир ҳасратли ўй бор. Назаримда, шу ўй унинг содда, соф юрагига шундай азоб бермоқдаки, бу азоб олдида устида қанот ёзиб турган ўлим ҳам писанд эмасдек туюлар эди.

— Лейтенант... — деб ингради у. Фикри равшанлашган сари оғриқ азоби чидаб бўлмас даражада кучаяр эди чамамда. — Мени... бир ёқлик қила қол... лейтенант, жон ука...

— Агафон тоға... — дедим ёш боладек ялиниб. Уни ташлаб кетиб ҳам бўлмайди, бу ерда ўтиришим ҳам мумкин эмас. Устидаги шинелда катта юмалоқ қора доғ пайдо бўлди, лаънати латталар унинг сўнгги томчи қонини шимиб оляптими, нима бало! Унга ортиқ қараб туролмай, юзимни четга ўтирдим. Тарс ёрилиб кетаётган пешанамни маҳкам чангаллаб бир зум турдим, икки қутини елкага олиб жанг бўлаётган томонга югурдим.

Ракеталарнинг кўзни оладиган совуқ, ўлик шуъласидан ёришган ўрмонда югуриш қийин. Дарахт таналари опшоқ оқариб, кўзга илинмай қолади, уларга бориб уриласан, сояларга эса чап берасан. Ракета сўнганда анчагача кўз тиниб, кўрдай тимирскиланиб қоласан. Ёмғирданми, терданми бутун баданим шалоббо ҳўл. «Агафон тоға... кечир, алвидо...» деб пичирлайман ҳансираб. Унинг ёлғизликда, азобда ўлиши кўз олдимга келади. Портлашлардан титраган ҳаво баданини ҳам зириллатиб, асабнинг энг нозик учларигача уйғотиб, сафарбар этар, ётганда эса, ер куч бергандек, гавдани енгил кўтариб юборар эди. Менинг келишимми, елкамдаги қутиларми, солдатларга далда берди-ю, биз

қучли шовқин билан тикка йўлга чиқиб бордик. Орқадан бизни миномётлар қўллай бошлади. Очиқ йўлда ўқлар «чувв, чувв, чувв!» этиб ер чизар, тошга чақилар эди. Бизникилар пулемётларни нариги томонга олиб ўтишди. Немис пиёда аскарлари тўсатдан ваҳимага тушиб онда-сонда тутаб ётган ўрмонга тирқираб таралган, қоронғида тахминлаб ўқ узар, ракета ёруғидан даҳшатга тушиб қочар эди. Бора-бора яккам-дуккам ўқ овозлари ҳам тинди-ю икки томондан тўп гумбури бошланди.

Биз санитар билан орқага, Агафоннинг ёнига қайтганимизда қариянинг жони узилган эди. Дафн қилиб, отини, унвонини, қаҳрамонларча халок бўлганини ёзиб, каскаси остига бостирдик-да, ўқ отиб видолашдик.

Уни кўмдигу, лекин гўрида узоқ ётишга кўзимиз етмасди, ҳали ўтиб кетган душман артиллериясини тўшга туттиш бошланганга ўхшайди, бу ерлар титилиб кетади.

Биз батальонимизни ўрмондан чиқаверишдаги сой ёқасида қувиб етдик. Кўп ўтмай ўрмон хўжалигининг босғирмаларида, тўп гумбирлашлари остида, юмалаб уйқуга кетибмиз.

Эрталаб, бирдан чўккан ғалати жимлик ҳаммамизни уйғотиб юборганда, ёмғир тинган, сой буғланиб ётар, ўрмон этакларида пастак қуюқ туман ўрмалар эди.

Кухняга чиқиб кечаги офицерни кўрдим. У энди кўзимга чиройли кўринмади. Кўкрагидаги темир крест қусуққа беланган. Тўнғак устида бўтқа еб ўтирибди. Қўлидаги баҳайбат қошиқ худди паровознинг лўкидонидек тинмай бориб-келиб турибди. Ҳалигина сўроқда тили тутилиб, лаби қалтираб, ўз артиллерия қисмини соғиб, тўшга туттирган бу жаноб, қорни тўйғач, яна ўша бир умр ёд олган гапларини минғиллар эди атрофдагиларга:

— Мен немис... — деди у, — русни яхши билган. Бобом русни картага ютқизган, ҳи-ҳи-ҳи. Отам Дон-бассда фольварк бўлганда руснинг терисини қамчи билан ўрганган. Аммо славяннинг ичи... тун, қоронғи, унга ҳеч ким етолмагад. Немис штиги етади.

— Менга қаранглар, бу жирканч, гапларим ўзим билан қора ерга кирмасин, гапириб қолай, даяшти-

ми?! — деди Андрей сакраб туриб. Унинг юзи ғазабдан кўкариб кетган эди. Мен ентидан ушлаб қолдим.

— Немис эски дунёга навқирон қон пуркайдди, — давом этди фашист, — сиз кунгабоқар бўл, қуёшга қара, немисга боқ. Лекин ғояни ташла, ғоя — худо, мен худо танимаган.

— Қани юр, таниб қоласан, — деди унинг тавоқни ялаб бўлишини кутиб турган соқчи. Асирни елдига солиб кетаркан: — Зап ашаддийсини топган экансиз, ўртоқ лейтенант, — деди менга қараб.

Мен ҳамон Андрейни маҳкам ушлаб турардим. У Агафоннинг ўлимидан кейин етимдай бўлиб қолган эди, ҳар ўлим тирикнинг ҳар бир нимасини олаб кетади, деганлари шу экан, йигитнинг уйқусиз кўзларидаги чексиз ҳасрат соясини кўрганимда ўша кимса солдатнинг жон азоби эсимга тушиб, ўзимни қаёққа қўйишимни билмай юраман.

Бизга қочаётган душмanning изидан қолмай қувиб тинкасини қуритиш вазифаси топширилган. Куну тун, ўрмон, ботқоқ, дарё кечиб, йўлсиз юрадик. Черковларнинг олтин куббалари, ўт олган қишлоқларнинг паға-паға тутунлари, ҳатто совуқ туманга чуқуриб сарғайган куз ҳам орқада қолиб кетди. Қани йўлларига кириб бордик. Баъзан бу йўлларнинг балчиғини тепиб, метиндай қотиб музлаган ерда оқиб, ташпея қазиб шундай чарчар эдикки, фикрларим чуқуллашиб, бошим кўрғошиндай оғирлашар, қизарган кўзларим қум тиқилгандай оғир, лабларим ёрилиб қон оқар, оёқларим шилиниб, суякларим зирқирар эди, нақ йиқилиб қоладиган ҳолга келардим.

Шундай кунлардан бирида емирилган оқиб деворига суяниб, манглайимни тизамга қўйиб сал мизига эканман, олдимиздаги дарёчанинг у соҳилида қора булут орасидан қисқагина яшин чақнаб, тўп зарби ҳавони зирқиллатди. Шу заҳотиёқ худди тепамиздаги тупроқ уюмида снаряд портлаб, осмонни тутун-тўзон қуюни тўсди. Бўғилиб кетаётгандай ёқамни очдим, бармоқларим кучсиз титрар эди. Тириклай кўмиб ташлайдигандай тепамизга тинмай тупроқ ёғилади. Қулоғим, гаранг, кўзимга тупроқ тўлган, дурбиндан ҳеч нарса кўролмадим. Лекин биламанки, бундан кейин танклар, кетидан тутун ичида каскалари йилтиллаб пиёда аскарлар пайдо бўлади. Чиндан ҳам бирпасдан

кейин нариги соҳилдаги чангалзор ичида узун хартумли сарғиш танк башнялари қимирлай бошлади, мотор гувиллаши худди устимизга бостириб келаётгандек эди. Олдимдаги стереотруба тўпроққа қоришиб аллақаяққа учди.

Олдинга қарасам чангалзор теп-текис қирқилиб кетибди. Чапда бизнинг артиллериячилар 57 миллиметрли замбаракларни гилдиратиб келиб «ишга» тайёрлашапти. Яна снаряд гумбурлади, нарироқда траншеянинг бир қисми кўмилиб кетди. Мен қаёқдан отишаётганини пайқаб қолдим: икки «Фердинанд», ўнг қўлдаги эманзорни пана қилиб олибди, навбатманавбат сал олдинга чиқиб отади-ю, яна панага чекинади. Агар уларга халал берилмаса, замбарак расчётларимизни ҳадемай чақиб ташлайди.

Эманзорга энг яқин турган взвод биз эдик. Бироқ танкка қарши гранатадан бошқа қуролимиз йўқ. Буйруқ кутиб ўтирсак кечикамиз, кўп ўйлаб турмай, ёнимга Андрейни, яна тўртта жангчини олдим, бруствердан шартта ошиб дарёга юмаладим. Нариги бетда қирқилиб кетган чакалакзор пана бўлолмас эди, биз портлашларга чап бериб, тўзон-тутундан фойдаланиб, бир зум югурамизу ҳўл уст-бошимиз билан шалоп этиб ерга ташлаймиз. Танк пулемётдан ура бошлади, пайқади лаънати. Ёнимдаги қуруқ новдалар ширт-ширт учиб устимга тушади. Андрей қўлини чапга чўзиб бир новдани қимирлатди-да, ўзини ўнгга ташлайди, новда шу зумдаёқ қирқилиб учади. Бу ҳўйла билан танкка яқин бориб қолган эди. Уч боғлам гранатани, взводларини яна бир текшириб, ёнига ташлаб қўйиб, танкнинг биқинидаги қора крестга тикилар, ёнилги бакини, моторини чамалар эди.

Шу пайт ўнг қўлимнинг қаеридир жиз этди, лекин оғримади. Мен силжийвердим. Бироқ бирпасдан сўнг энгим илиққина нам тўрта бошлади, орқамга қарасам — изимда қон юқи. Бундай пайтда оғриққа хурсанд бўласан киши — оғридими, демак тириксан. Мен яна ўрмалайвердим. Биз беш киши пулемётни беш томонга алаҳситардик. Танк рўпарамизда турибди — бақадек олачипор-яшил. Андрей ўзига окопча ҳам қазиб олибди, бемалол гап сотаяпти.

— Солдатга ер бамисоли она, бағрига ётсанг кўкрагингга куч беради. — бундай кексаларча мулоҳаза-

корликни у отахони Агафондан ўрганган эди.— Энди биз бу олачиפור алвастини беш томондан михладик, нима дейсиз, ўртоқ лейтенант?

Менинг мазам йўқ эди. Яра йўғу, чап қўлнинг худди йўғон кўк томирини узиб кетган экан, шариллаб қон оқяпти. Бир қўл билан билакдан қисиб бойладим ҳам, бўлмади. Томир қирқилган жойни тишлаб турсам сал тузук бўляпти, лекин бу жуда ўнғайсиз.

Бир вақт танк ёнида Андрейнинг гранаталари бирин-кетин портлади. Пайтдан фойдаланиб мен ҳам қўшалоқлаб отдим. Темир дев бир сескангандай бўлди-ю, шу зумдаёқ дарчасидан илоннинг тилидек ўт чиқди — пулемёт тариллай бошлади, ерга ёпишдик. Ҳеч нарса қилолмадик шекилли, деб аламзада бўлиб турганимда Андрейнинг овози эшитилди:

— Наригиси қочди, ўртоқ лейтенант, фаҳмладингизми!

Чиндан ҳам нариги танк дарахтларни томири билан ағдариб орқага қайрилаётган эди.

Ёнимга гурс этиб бир солдат тушди.

— Ўртоқ лейтенант, сизни ротний чақиряпти! — деди у ҳансираб ифлос юзини енги билан артаркан.

— Бошингни паст қил! — дедим. — Қаерда эканимни айтдингми?

— Айтдим, барибир келсин, деяпти. Юзингиз оппоқ, ўртоқ лейтенант!

Жиндек бошим айланиб кетди. Ҳозир орқага қайтиш танкка қарши боришдан ҳам хавфлироқ эди, чунки яқин борган сари пиёдага танк хавфи камаяди.

Бериги танкни бир ёқли қилишни Андрей бошлиқ группага топширишга тўғри келди. Гранаталаримни алоқачига узатдим, билагимни тишлаб, орқага ўрмалай бошладим.

Тиззамга ер илиқдай туюлади — ўз қоним. Тирсагим ботган жойлар қондан қорайиб қоляпти. Мунча кўп бу қон! Узоқда қолган танк олов тили билан ҳамон ерни пайпаслайди, олдинга юрмоқчи, йўл изляпти... Елкам билан юзимнинг терини артаман. Кўз ўнгим қоронғилашади. Снаряднинг қаерга тушаётганини билмасанг ҳам қийин экан. Ерга ёноғимни қўйиб бир зум ётаман. «Ер — бамисоли она...» Яхши гап. Бало бу йигит, кўнгли хазина, равшан... Бу гал ҳам омон чиқса эди.

Соҳилда ярадорларни ташиётган қайиққа дуч келдим. Наби чўччайган кичкинагина санитар қиз эшкакдан учириб, қайиқни илма-тешик қилиб кетди. Мен соғ кўзим билан ётган ярадорларнинг пилоткаларини олиб, тешикларга тиқар эканман, яна бошим айланиб, олам қоронғилашди. Кўз ўнгим сал ёришганда қарасам — қиз сувга тушиб қайиқни итариб суряпти. У кўкариб кетган эди. Бизни қирғоққа олиб чиқди-ю ўзи бирдан ғойиб бўлди, ўқ тегиб чўкиб кетдим... отини ҳам билалмадик.

Землянкада Хмаранинг силлиқ калласи иккита бўлиб кўринди кўзимга.

— Офицер олдига кирганда честь беришни ўргатмаганми сизларга, лейтенант? — деб қичқирди у. Очирин, кўзимдаги арзимаган ярани ҳеч ким билмасин деб, честь бермаган эдим, чунки билишса медресанбат, у-бу деб, Андрейларнинг олдига тезда қайтиб боришимга халал беришлари мумкин.

— Нима учун вазиятни хабар қилмайсиз?! Интизом! — деган бақирини эшитдим, оғзадаги пўлат тини ялтираганини кўрдиму, бу ёғини билмайман. Оғзимга аччиқ бир шарса тўлди, кўзим тиниб ҳамма нарса чарх уриб кетди. Бошим бир нарсага қаттиқ тегиб, бир аум ҳушим ёришганда «турган жойимда гурс этиб ағдарилдим шекилли» деб тахминладим. Бошқа ҳеч нарса эсимда йўқ...

Ҳушимга келганимда ювилган чойшабнинг қидини туйдим. Қарант, шу ҳид эсимда турган экан. Салқин оқ чойшабга иссиқ кафтимни босаман, бу дунёда ҳозир қани овода оқ чойшабнинг бўлишига ишонмагандай, сийпаб-сийпаб қўяман. Ёнимда қиз боланинг товушини эшитиб, умид билан қайриламан: йўқ, у эмас, наҳотки чўшиб ветган бўлса...

— Менинг ҳеч қаерим оғриётгани йўқ, синглим, — дедим.

— Уят эмасми, ўртоқ лейтенант, наҳотки, шуни билмасангиз! Вена узилганда билакдан қаттиқ танғиб бораётган керак. Қонсизликдан ўлиб кетишингизга икки минут қолган экан ўша куни. Қимирламай ётинг! — деб дўқ қилиб чиқиб кетди ҳамшира.

«Уша куни»... Хмаранинг товуши эшитилиб кетди қулоғимга: «Интизом!...»

Ўзи ниҳоятда интизомли бу одам. Устав қонига сингиб кетган дейсиз. Уйда ҳам устав билан яшаса керак, чунки «ойлам» дейиш ўрнига «мой тил» деб гапирар эди. Бошқаларга талабчан, ўзининг ҳам турмаси солилмаган ёки тирноғи олинмаган пайтини бир умр пойланг — учратолмайсиз. Баъзан уни кўриб, неча ойлардан бери жангда эканига ишонгингиз келмайди. Бир куни Мадали акага у ҳақда гап очсам, «батальонимизнинг фариштаси» деб, икки сўз билан суҳбатни тугата қолди у ҳам. Ҳақиқатан, фариштанинг ўзи, ароқ ичмайди, бу — фронтда қарийб учрамайдиган ҳол; ўзига тегишли тамакени ҳам бировга беради. Солдатни кўрса, худди ҳарбий мактабдагидек, интизомдан гапиргани-гапирган; силлиги, пужта насиҳатларини ўзи ҳам эшитиб маза қилади шекилли, «увош-қоқлик билан чекиниш» даврида интизом қандай роля ўйнагани ҳақида лекцияга киришиб кетганини билмай қолади. Гапига қулоқ солиб турсангиз, гўё интизом ҳаёт учун эмас, ҳаёт интизом учун яратилгандай. Бундай «интизом» одамнинг дилидаги ўтви, энг ширин ҳисларини сўндириб қўяр, энг чиройли нарсаларни поймол қилар-экан. Баъзан ротамиз олдинги линиядан олиниб, куч йиришга қўйилади. Бундай пайтда ҳолдан тойиб ётган солдатнинг кўнглида нималар бўлмайди дейсиз. Биров бу сафар ҳам тирик қолганини, биров уйга нима деб ёзишни, биров ҳозиргина ўлган дўстини, биров мириқиб ушлаб олишни ўйлайди. Шундай пайтда Хмара келади-да, солдатларнинг «бекор» қолганини кўриб, «Запевай!» деб қичқиради. Ҳозир ҳеч кимнинг ашулага ҳафсаласи йўқ, ҳафсаласи бўлса ўзи ҳам ринғиллайди у. «Запевай!» — яна такрорлайди Хмара. Шунда ҳалиги ўйлар ҳам, ашула ҳам оёқ ости бўлади...

Зулми ўтиб кетганини ўзи ҳам сезмади шекилли, баъзан ҳазиллашади ҳам. Ҳазили, албатта, ўзига яраша. Масалан, солдатларни сафта тизиб, «Кимда-ким рояль, баян, скрипка чалишни билса бир қадам олдинга чиқсин!» деб буюради. У-бу чалишни билганлар юзларига умид нури югуриб, олдинга чиқишади. Шунда Хмара уларга:

— Дарҳол кўхняга бориб картошка артишга юборилганингизни хабар қилинг! — дейди уларга. Кейин «мана биз ҳам ҳазилни биламиз» дегандай илжади.

Балки бу ёшларнинг биронтасини Чайковский, биронтасини Пушкин бир умр маҳлиё қилган, тарбиялаган, ҳис-туйғусини уйғотгандир. Рота командири эса бунинг ҳаммасини таёқ билан қоқиб ташлайди.

Уйлаб ётиб, ҳали ҳам баъзан бошим оғирлашиб, кўзим кетиб қоларди. Мана ҳозир тагин миямда қандайдир музыка оҳанглари, ўша Сўнагул билан эшитган най навоси, кейин денгиз шов-шувига ўхшаган бир нарсаси эшитилди. Мен умримда денгизни, оқчорлоқни кўрган эмасман... Мактабда бизни, мамлакатимиз қирғоқларида еттига денгиз чайқалиб ётади, деб ўқитишар эди...

Дарвоқе, мен нима деяпман? Ҳали нимани ўйлаётган эдим? Ҳа, Хмарани. Мен бу одамни негадир тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдим. У нега шунақайкин? Офицерга ҳар сафар унвон берганда бирон инсоний фазилат қўшиб берилмас эканда?..

— Сизга қон берган йигитлар келишди, улар сизни олиб кетишмоқчи, — деди ҳамшира кириб.

Йигитлар дегани Мадали ака билан Андрей экан. Улар мени ўзларига яқинроқ ўз батальонимиз жанг қйлаётган жойга олиб кетишди. Кечаси олиб бориб бир эски блиндажга жойлаштиришди. Бу ерда оғир ярадорлар ётарди. Тепада снарядлар портлар, гильзадан ясалган заиф ис чироқ ҳар ларзада пирпираб, қоронғи ер қаъридаги ҳаётни зўрға ушлаб тургандек туюлар эди.

— Шу бугун тирик кўмиламиз, худо ҳақи, қачон олиб кетишади бизни!! — дерди бурчакда хунук бир асабий товуш. Бу ранги заҳил ёшгина мўйловли ярадор эди.

— Бас қил! — деб қичқирди ёнидаги оёқсиз солдат, кейин ўзи инграй бошлади. — Товоним оғрияпти, биродарлар, товоним...

Иккала оёғи ҳам қирқилиб кетганини ўзи билмас экан назаримда.

Кечаси тепамизда найзабозлик жанги ҳам бўлиб ўтди. Ярадорлар ичида тикка туроладигани мен эдим холос, блиндажга қочиб кирган икки немис автоматчисини қоронғида штик билан санчиб ўлдирдим.

Улар остонада қони оқиб тонггача ётди. Тепадан шовуллаб тупроқ тўкиларди. Таъбим хира, кўнглим ёмон ағдариляпти. Ҳалиги оёқсиз инграйди, ҳеч ким айланиб қарамайди унга. Тишимни тишимга босаман,

кўзимни юмаман. Қаёқдаги гаплар келади миямга. «Одамлар, бир-бирингизни қадрланг, севинг!» Ким ҳам айтган эди шу гапни? Ким айтган эди? Ким?

Ҳалиги заҳил бўлса нуқул ўлимдан гапиради:

— Айтинг-чи: урушнинг охирида ўлган тузукми ё ҳозирми?

— Бемаъни навбатга турыпсан, — деди оёқсиз.

— Нима, барибир ўламиз-да, улушимга теккан кумушим дейди.

Бирпас ҳамма жим, ўз ўйи билан банд бўлади.

— Ўликнинг тирноғи ўсади дейишади, эшитганмисизлар? — яна бошлайди ҳалиги. Мен ўзимни тутолмай, бир пой этикни олиб қоронғи бурчакка, заҳил ярадорга қараб улоқтираман. Ҳамма жим бўлиб қолади. Узоқ жим ётишади. Мен дармонсиз ҳансирайман. Бу жимликдан эзилиб кетиб узр сўрагандай андишалли товуш билан бу нотаниш одамларга юрагимни ёра бошлайман:

— Ҳиссиз, дағал бўлиб қоляпман, оғайнилар. Ҳаёт-мамот чегарасида ҳаётингнинг ўзи жўнгина бир нарсасадан, отиш ё санчиқдан иборат бўлиб қоларкан. Чунки у пайтда энг муҳими шу, қолган ҳамма нозик ҳислар гафлатда бўлади... Урушда ўтган ҳар кун юракда тошдай ўрнашиб қоляпти. Борди-ю, тирик қолиб қайтиб борсак, нима бўламиз-да, билмадим... Ўн тўққиз яшар эдик, ахир. Одамларни энди таниб, энди севишга ўргана бошлаган пайтимиз эди. Агар ўшанда, улут бир давлат менга ҳомий, мен фақат қизлар туфайлигина ташвиш тортишим мумкин, деб юрган пайтларимда, олдимга биров келиб: «Сенга ўқ отишади, ҳаётингда ҳеч бир ёмонлик қилмаган бўлсанг ҳам, автоматдан; пулемётдан, замбаракдан худди кўксингни мўлжаллаб ўқ отишади, балчиққа қапишиб ётасан, қонга беланасан» деса, мен унга: «Жинни бўпсан!» дердим. Ҳозир бўлса бутун вужудим атрофимиздаги ердек титилиб кетганга ўхшайди. Энди кунлар, ойлар мана шу хилда ўтаверса, менинг йўқотадиган нарсам қолмади чамамда. Бу урушда биринчи отилган снаряд биз ёшларнинг юрагида портлади, оғалар,

— Ҳай-ҳай-ҳай! Бу нима деган гап? — деб шовқин билан Мадали ака кириб келди. Унинг ёнида қошиқўзи қоп-қора, немис солдати кийимида қуролсиз, камарсиз бир одам бор эди.

— Жиндаа фалсафага уриб кетдик, ўртоқ капитан! — деди оёқсиз.

— Бекорчиликдан бу, ўртоқ радист! Мана бу кўхлик йигитга қараб туринглар бекор ётмай. Ўзи асир тушди, жуда ювош.

Мадали ака кейин менинг бошимга энгашди.

— Рангингиз кириб қолибди, Аҳмаджон, — деди кўнгил кўтариш учун, — лекин камроқ гапириш керак. — У ёнимга ўтирди, кулганида қуруқшаб ёрилган лаби қонаб, соқолига қизил тер томди. — Ёшлар ҳақидаги гапингизни эшитдим. Қўшилмайман.

— Нега, Мадали ака... мен айтмоқчиманки, сизлар, каттароқ ёшдаги одамлар урушдан олдинги турмуш билан қаттиқ боғлангансизлар, заминда илдизингиз бор. Бирингизнинг хотинингиз, бола-чақангиз, бирингизнинг касби-корингиз, ҳеч бўлмаганда хотираларингиз бор. Бу ипларни уруш ҳам узиб ташлай олмайди. Биз ёшлар-чи? Фақат ота-онамиз, баъзиларимизнинг севган қизларимиз бор. Бу ёшда ота-онадан анча ажраб қолади, киши қизлар бўлса, ҳали ҳаётда муҳим ўрин эгалламаган бўлади. Мактабда олган унча-мунча билим... У ҳам учиб кетди. Энди бизнинг ҳаётда нима илинжимиз қолди? Уруш бизни баргдай узиб учирди...

— Оббо файласуф-эй! — деди Мадали ака. — Ёшлар эмиш, ўзингиз чол бўлиб қолибсиз-кў! Мана, мени ҳаётга боғлайдиган орзуларни ҳеч нарса, ҳатто ўлим ҳам узолмайди.

— Ҳатто ўлим ҳам-а?! — деди ҳалиги ёш, асабий ярадор.

— Ҳа, ўлим ҳам!

— Улим бўлмасайди... — ўйчан гапирди йигит. — Минг йиллардан бери уруш бўлиб келади-а, ўртоқ капитан, нега ўлмасликнинг бирон чорасини толишмайдийкин?

— Тунов куни Нью-Йоркдан олиб эшитдим, — деб гапга аралашди оёқсиз радист. — Русча ҳам гапираркан хумпарлар, гапининг мазмуни шуки, русларга урушда ҳам осон эмиш. Дарров кўникади, ҳар қандай шароитга ўрганиб кетади, дейди.

— Олифтагарчилик! — деди Мадали ака ғазаб билан сапчиб туриб. — Турмушда ҳам, фикрда ҳам оқсуякларча олифтагарчилик! Ҳозир бизга енгилу, азиз иттифоқдошларимизга қўл қовуштириб туриш оғир

эмишми?! Бизнинг муҳаббатимиз, ғазабимиз кучли, фарқ шунда. Муҳаббат коинотда сайёраларни ҳаракатга келтиради, деган экан Данте. Биз камтарроқ қилиб айтишимиз мумкин: у темир девларни кулга айлантиради! — У соатига қараб шошиб қолди. — Хўш, оғир ярадорлар ҳозир госпиталга олиб кетилади, тайёрланинлар. Аҳмаджон, сиз мана бу «жангари»га кўз-қулоқ бўлиб турунг, — деб, чиқиб кетмоқчи эди, мен тўхтатдим.

— Уртоқ капитан, ҳали орзуларингиз ҳақида гап бошловдингиз. Нима у?

Мадали ака остонадан қайтиб, менинг ёнимга келди-да, оғзига икки кафтини карнай қилиб қулоғимга:

— Сахро! Улуғ Қорақум! Қизилқум! — деди кулиб. Кулганида шамолда қоқланган ёноқларига қизил югурди. Кейин чиқиб кетди.

Бирпасдан кейин ярадорлар кетиб, блиндаж ҳувиллаб қолди. Мен асирга қарайман. У тақдиридан мамнунга ўхшайди. Чуваккина, қорача, немис эмас чамамда; мен тамаки ўраб чекдим. У тамакининг чўғига, буралиб чиқаётган хушбўй тутунига тикиларкан, соқол босиб кетган юзида катта-катта юмалоқ кўзлари норасида бола кўзидай соддалик билан йилтилар эди. Бирпасдан кейин кўзини ердан олиб менга қаради, кўзининг қорачиғида тамакининг чўғини кўрдим. Сўнгра бу кўзлар ҳадиксирабгина жилмайди. Бу жилмайишда шундай маъсум бир ёлвориш бор эдики, мен ҳам унга жавобан жилмайиб қўйганимни билмай қолибман. Чекиб турган тамакининг қолганини қўлига тутқаздим.

У дадилроқ жилмайди.

Балки бир неча соатгина олдин бу одам мендан жуда узоқ, қадимий йиртқичдай узоқ, ярамас бир маҳлуқ, ифлос, жирканч бир ҳашарот эди мен учун. Энди у менга таниш инсоний ҳаётга қайтгандай бўлди. У — ерда, у инсон... Мендек.

Бир неча соатгина олдин у отилишга тайёр турган даҳшатли қурол эди, менинг кўксимга ўқталиб турган, ўлим кўзи билан тикилиб турган автомат эди. Ҳозир эса жилмаяди, ҳатто ийманиб, ҳайиқиброқ узр сўрагандай, инсонча қарашга ижозат сўрагандай жилмаяди.

Биз бошқатдан чекдик. Мен тамаки халтамни олиб столга қўйдим, ҳар ким ўзига ўраб чекди. Орада ҳеч

гап бўлгани йўқ, бир марта жилмайиб қарадик холос. Лекин энди биз иккимиз ҳам мана шу жилмайишни химоя қилиш учун жангга киришга тайёрдек эдик. Қанча миллион йиллардан бери қудратини аямай, сурункасига меҳнат қилиб, ҳозир мана шундай ўринли бир жилмайишда мужассамлашган қуёш тепа туйнукдан мўралаб, иккалангга ҳам баробарман, деяётгандек эди.

Қуёш меҳрибонлик, эзгулик нурини таратар эди. Унинг илиқ, қадрдон шуъласи атрофимиздаги ўрмонларда ҳар бир қайинни, ҳар бир ўланни ювмоқда. Доим шундай бўламан, деб ваъда бермоқда. Тепамиздаги жимлик бузилмасликка, қаердандир томиб оқаётган сув доим шундай чуриллаб оқишга ваъда бермоқда. Тамаки тутуни ҳам шунақа роҳат берар экан одамга, неча йил чекиб шуни билмабман.

Мен бир хайрли иш қилгандек, ўзимни олижаноб ҳис этдим, виждоним пок, руҳим енгил, гўё вужудим тўла нур эди. Назаримда, ёнимдаги асир ҳам шундай эди.

Орада қандай ҳақиқат бирдан ойдинлашди — биз буни икковимиз ҳам айта олмасдик. Аммо икковимизда ҳам аниқ бир ҳис бор эди. Одамлар эзгу ниятини тасдиқлаб олаётгандек эди биз орқали.


Ёнимдаги дўст эмас, шунчаки одам. Балки яхши одам ҳам бўлмагандир. Лекин ҳозир бир-биримизга маъқул эдик. Нимамиз маъқул бир-биримизга? Илжайишимизми? Тамакими? Ё кўнглимиз бирми? Биз буни ҳам билмасдик. Лекин бир-биримизга маъқул эдик, шу кифоя эди бизнинг яшашимиз учун.

Афсуски, мен унинг отини билолмай қолдим.

Бир куни кечаси кичкина бир номсиз тепаликни олиш ҳақида буйруқ келди. Разведкачилар у ерда бир взводга яқин алоқачилару сапёрлар, кейин иккитагина пулемёт борлигини хабар қилишди. Шундай осон операцияларда ўргансин, пишисин дедими, синамоқчи бўлдими, Хмара бу ишни менга топширди:

— Иложи бўлса ортиқча шовқинсиз бажаринг, токи эрталаб нонуштага фрицни тепаликда ўз пулемётининг олови билан меҳмон қилайлик.

Тепалик биздан ярим чақиримча нарида бўлиб, ўнг ёни чуқур сойлик эди. Взводга вазифани тушунтирдиму, ўша сойлик бўйлаб ўрмалаб кетдик. Тун қоронғи



эди, олдинда Андрей билан иккаламиз, унинг кўзи ўткир, йўлни илгаридан билгандай юради, худди мушук дейсиз. Орқада пишиллашлар эшитилади, йўл тикка, фақат қирқ минутдан кейингина осмон фонида чўққайган тепаликнинг қораси кўринди.

Андрей орқага қайтиб шивирлади:

— Чатоқ, фрицлар мина кўмпати. Эшитяпсизми?

Чиндан ҳам, немисларнинг гўнғир-гўнғир овозлари эшитилар, «у қатор, бу қатор», «эхтиёт бўл» деган гаплари қулоққа чалинар эди. Айланиб ўтиб, орқа томондан уришга тўғри келади. Пастроқ тушиб қирнинг қия ён бағри бўйлаб ўрмалай бошладик. Анча юргандан кейин қарасак — буталар орасида сап-сарик, ёшгина немис бемалол ҳуштак чалиб, тепаликка сим тортяпти. Андрей иккита шериги билан уни таппа босиб, өззини, оёқ-қўлини маҳкам боғлади-да, менга қаради:

— Гапга солинг-чи, ўртоқ лейтенат.

Суриштирсак сим нариги тепаликдан тортилаётган экан. У ерда бир рота эрталаб етиб келиши керак бўлган полк учун истеҳкомлар тайёрлаётган экан. Ўйлаб турсам — номсиз тепаликни олишнинг аҳамияти қолмади, полк етиб келмасдан туриб наригисини босиш керак, шунда бутун батальонимиз душман мудофаасига ёриб кириб, уни шөл қилиб қўяди. Ортда қолган номсиз тепалик бўлса, эрталаб қарабсизки, кесилган илон думидай типирчилаб ерда ётган бўлади.

Мен рота командирига дарров алоқачи юбордим.

— Чакки қиляпсиз, ўртоқ лейтенант, ўлса унамайди ротний, — деди Андрей.

Ҳақиқатан ҳам, алоқачи мулзам бўлиб қайтиб келди. «Менга маслаҳат эмас, тепалик керак, қани тепалик?! — дебди Хмара. — Буюк саркардани қаранг-а! Марҳамат қилиб буйруқни бажарсин!» деб қайтариб юборибди.

Лекин йўл-йўлакай туғилган бу ажойиб режа калламга жуда қаттиқ жойлашиб олган эди. Истеҳком қураётган рота ҳозир ҳеч қандай хавф кутаётгани йўқ, орқадан бир-икки взвод қарашиб юборса, тонггача ҳаммасини саранжом қилсак бўлади. Ҳозир бериги тепаликни олганимиз билан, эрталаб уни яна қайтиб бериш керак, душман полки истеҳкомга келиб ўрнашиб олади.

Мен шуларни етказишни тайинлаб алоқачини яна юбордим, взводни нариги тепаликка бошладим. Нима бўлса бўлар, вазиятга қараб планни ўзгартиришга ҳаққим бор-ку. Лекин, биламан, Хмара учун энг муҳим нарса, албатта, унинг буйруғини бажариш, у ҳозир алоқачини яна рўпарасида кўриб, албатта интизом ҳақида гапиряпти, мен унинг газабдан кўкара бошлаган ёргоқ бошини, титраб кенгайиб кетган бурун катакларини кўз олдимга келтириб турибман, лекин негадир қайтмадим.

Биз тепаликнинг этагида ётибмиз. Ёнимда ётган жангчиларнинг нафасини, ҳатто ўйлаётган ўйларини ҳам эшитаётгандайман. Осонгина буйруқни бажармай, донолик қилиб, бу ерга бошлаб келганим, балки баъзиларга ёқмаётгандир. Лекин Андрей ва яна кўплар биладики, жангда энг қийин иш — бир қарорга келиб, жавобгарликни зимманга олиш. Мен эса бу ётганларнинг тақдири менга боғлиқ эканини ўйлаб, негадир чўчиётганим йўқ, қайтага ўзимни дадил сезяпман. Балки уларнинг баъзилари бу майдондан қайтиб чиқмас, буни ҳамма билади. Лекин улар менинг ишорамга қараб ётишибди, демак биз биргамиз.

Атака солдатнинг онгида, вужудида олдинроқ бошланади. Ҳатто кўп жанг кўрган солдат ҳам ҳар сафар биринчи атакага кираётгандай чакка томирлари гуп-гуп уради. Энг оғири — ердан узилиб кетиш, қадингни кўтариб олиш. Кейин атаканинг ўзидан ҳам кўра мана шу дақиқа эсда қолади.

Алоқачи етиб келиб фикримни сочиб юборди. У рота командири чақираётганини айтди. Лекин энди менга барибир. Мен, балки, шундай бўлишини, Хмара ўзи келиб режамни бекор қилишини кутган эдим ҳам. Лекин алоқачининг гапи қулогимга кирмади. Бир зумдан сўнг атакага кўтариламыз.

— Сизни қўрқоқ деб сўқди, номсиз тепаликни ололмайман, деб очиқ айтишдан қўрққанмишсиз, командирликдан четлаштирмоқчи, — дерди алоқачи ёнимда пичирлаб.

«Қўрқоқ» деган сўз ўқдай келиб аллақаеримга ботди-ю, газаб ўти мени ердан кўтариб юборди. Тепаликда санқиб юрган сояларга қараб, автоматларни тарилатганча олға ташландик. Ўрталикқа ёриб кириб кетган эканмиз, икки ёндан чиқиб қолишди, аралашиб

кетдик, қўндоқ жанги бошланди. Қути учган башаралар кўзимга кўринар, қаердадир граната портлар, хунук товушлар эшитилар эди. Андрей бир дот оғзида пулемёт учун жанг қиларди. Мен унинг бир новча немис билан траншеяга қулаганини кўрдим. Қарасам, энг қонли жанг траншеяларда бўлаётган экан. Сакраб тушишим билан блиндаж эшигида доврираб турган иккита кўйлакчан офицерга дуч келдим. Автомат билан одамни бундай яқиндан туриб отмаган эдим, оёқлари чопилгандай бир-бирининг устига ағдарилди. Шу вақт бир ўқ синчалогимни учуриб кетди, оғриқдан тишимни тишимга қўйганимда бирдан шовқин икки баравар кучайди. Йўқ, бошимда эмас экан. Теналикка бизни қўллаш учун келган икки взвод чиқиб олган эди. Биз «ура» хитоблари билан траншеядан чиқиб уларга қўшилдик. Йўл-йўлакай бармоғимни боғлаб югурарканман, ҳалиги офицерлар чиққан блиндаждан пулемёт ўт сочиб қолди. Ўт тилини чиқазиши билан қандайдир бесўнақай узун шинель кийган бир солдат менинг кўксимга бир сапчиди-ю, қўлимга шилқ этиб тушди.

— Лойтнант... — деди у инграб. Бу унинг сўнгги сўзи эканини пайқадим.

Титраб кетдим: бу ўша мен билан тамаки чекишган бароқ қошли асир экан.

— Берлингача бораман деган эди-я, бояқиш, атиги икки кун жанг қилди, — деди ёнимда бир солдат.

Мен уни қўлимдан қўймасдан, ҳолсизланиб, ёнида ўтириб қолдим. Қўлим қон эди. Унинг қоними, ўзимникими? «Унинг қоними, ўзимникими?» деб такрорлардим пичирлаб. Гўё ҳозир энг муҳим нарса шу эди.

Жангдан сўнг уни ўз қўлим билан дафн этдим. Бутун жанг ҳам бир бўлди-ю, шунинг ўлими ҳам бир бўлди менинг учун. Дам олиш пайтида ҳам ухлай олмадим, ўша одам кўз ўнгимдан кетмасди. У нега мен учун жон берди? Ўша бир чеким тамаки, учунми?.. Оти нима эдийкин?

Землянкамга Мадали ака келди, операциямиз ҳақида, душман мудофаасини бузиб, немис пиёда полкининг перегруппировкасини барбод қилиб, батальонимизнинг анча олдинга силжишига сабаб бўлган бизнинг операциямиз ҳақида гапирди. Штабда офицерлар аввал Хмаранинг қўлини қисиб табриклашиб-

ди. Лекин батальон командири унинг қўлига менга ташаккур эълон қилиш тўғрисидаги буйруқни тутқазибди, бунинг чўнтагида эса мени четлатиш ҳақидаги буйруқ тайёр экан. Қисқаси, масала ойдинлашибди. Тепаликда бизга ёрдамга етиб келган икки взводни юборишга батальон командирининг ўзи аралашган экан.

— Капитанга мен туфайли гап тегмасайди... — дедим мен чиндан хавотир олиб.

— Рота командирлигидан четлатилди. Албатта сиз туфайли эмас... Лекин сизни тайинлашса керак ўрнига, — деди-ю Мадали ака менга узоқ тикилиб турди. Шундай тикилдiki, агар йигитлик ғурури халақит бермаса, қучоқлаб бағрига босадигандек эди. Мен ҳалиги асир солдат ҳақида ҳикоя қилдим. У ўша юмшоққина кулиб қараганича тинглади-да, деди:

— Биз ўз кучимизни баъзан ўзимиз билмаймиз.

— Мен ҳайрон бўламан, — деб унинг гапини бўлдим, — взводда бари йигирма-йигирма уч ёшлардаги, қир лоласидек энди барқ урган болалар, бу ёшда одамнинг кўнгли сулув қизларда бўлади. Қаёқдан ўрганди булар урушни, ҳайрон бўламан.

— Ўзингизни олинг, Аҳмаджон. Тўғри, урушга тайёр эмас эдик, лекин ҳаётимиз, тузумимиз тарбиялаган эди бизни. Мана! — деди у қўйнидан гижимланиб кетган немисча газетани олиб. — Окопдан топдим. — Бармоғи билан туртиб кўрсатди. Мен ичимда ўқидим: «Уларнинг алоҳида хусусиятини ҳисобга олмай иложимиз йўқ: ҳар бир айрим кишига тузумнинг мураси-сиз қайсарлиги сингдирилган, улар ўлимни писанд қилмайдилар».

— Бизнинг тўғримизда ёзипти, фаҳмладингизми? — деди Мадали ака у ёқ-бу ёққа юриб. — Бизнинг табиатимиз жаллод учун тилсимлигича қолади, албатта. Лекин уни тушунадиган бутун бир кишилик бор.

Мадали ака билан суҳбатлашиш юрагимда ҳамма вақт ҳам шафқатсиз оғир из, ҳам қандайдир ёрқин бир қувонч қолдирар эди. Мана ҳозир ҳам... Ҳалиги менга тегадиган ўқни кўксида олиб кетган асир солдатнинг руҳи энди мени эзмасди, кафтимдаги қон юқи — унинг қони — мени гўё бутун кишилик билан қондош қилиб қўйган. Зиммамда шундай вазмин юк,

масъулият сездимки, гўё ҳаётим ўзимга қарашли эмас. Ҳайлаб турсам, менинг ёлғизоёқ сўқмоқ йўлим аллақачон тугабди. Ким мени асримнинг катта йўлига олиб чиқди, ким кишилик билан топиштирди?

Мен буни ҳозир Мадали акадан сўрай олмадим. Вақти келиб, албатта сўраб оламан.

Бугун эса ҳаяжонлантирмайдиган, майда-чуйда, аҳамиятсиз гаплардан гаплашгимиз келади. Землянкадан чиқдик. Шундай тиниқ зангори ойдин кеча эдики, Мадали аканинг қора кўзлари ҳам кўм-кўк бўлиб кўринди. Маза қилиб керишдик, землянкада букилиб, ивишиб қолган бўғинларимиз роҳат қилиб ёзилди, фронтда фақат кечасигина қаддингни шундай бемалол ростлаб юрасан киши. Биз аввал синчалоқнинг қандай қилса тез тузалиб кетиши ҳақида узундан-узоқ гаплашдик. Кейин мен онамдан келган хатни кўрсатдим, у Сўнагулдан келган хатни ўқиди.

— Қийналаётгани йўқмикан? — дедим мен.

— Йўқ, мана, ҳазил ҳам қилибди. ВНОС да ишлапти-да, яъни «служба воздушного наблюдения, оповещения и связи» деган гап. Сўнагул бўлса хатида буни шарҳлаб «ВНОС — дегани — война нас обходит стороной дегани бўлади» дебди.

Биз роса кулдик. Мен Мадали аканинг бу қадар яйраб кулишини биринчи кўришим эди. Юрагим бир нарсани сезгандай шув этиб кетди. Фронтда одам баъзи иримларга мойил бўлиб, масалан, тушга, кўнгил сезишга ишонадиган бўлиб қолар экан, очиги. Нега десаңгиз, ўлим билан ҳаёт бу ерда доим ёнма-ён. Кеча мен бир ўлик солдатнинг оғзида папирос тутаб турганини кўрдим...

Келинг, қўя қолайлик кўнгил ҳадикларини. Мен сизга яна бир жангни ҳикоя қилиб берай. Ҳар жангчи ўз жангини гапиради, чунки унинг фронти шу, шу жангда иш жойида бўлса, демек бутун фронтда ҳам иш ёмон эмас. Келгусида тарихчилар уруш ҳақида гапирганда буюк бурилиш жангларинигина эсласалар керак, уруш ҳамма вақт шундай катта жанглар туфайли хотирада қолади. Улар орасида бизнинг кундалик тўқнашувларимизга ўрин бўлмас, улар миллионлар қаторидаги бир солдатнинг тақдиридай гап. Лекин бу кичик, қонли тўқнашувлар, бу айрим солдатлар бизнинг хотирамиздан ўчмайди.

Немисдан қолган сассиқ блиндажни тозалаб, амбразура очиб, алоқа симларини тортиб бўлгандан кейин, ротанинг позициясини айлангани чиқдим. Қуёш чарақлаб турса ҳам, ер тошдай музлаган, траншея қазиётган жангчилар қўлида курак, метин жаранглаб сапчир эди. Биринчи взвод командири, кўкрагига дурбин тақиб олган старшина Андрей Гладков чаккаси қўлини куйдиргандай чаққон честь бериб, ишларнинг боришини энди гапира бошлаган эди, еру осмонни дириллатган таниш гувиллаш унинг товушини кўмиб кетди. Ҳаммамиз бирдан кўрдик: танклар! Чакалакзор тепасида узун хартумларини аста қимирлатиб айланган яшил-чипор башнялар кўринди. Бир эмас, беш эмас, ўн ҳам эмас, ўн учта танк темир девордай тикка бостириб келяпти. Ўнгда жарлик, чапда тик тепа, бу даҳшатли деворнинг бизни янчиб ўтишдан бўлак йўли ҳам йўқ. Мен телефонга югурдим.

— Кўриб турибмиз, биламиз, — дейишди КП дан. — Маҳкам туринг, старший лейтенант, орқада поляк биродарларимиз бор, чала қуролланган партизанлар. Уларни ҳалокатда қолдириб бўлмайди.

— Уртоқ Иккинчи! — деб гап қайтардим, вазиятни тушунтиролмадим шекилли, деб ўйлаб. — Кучли танк ҳужумини гапиряпман...

— Биламан. Саросима бўлманг, олдингиздаги майдон миналанган, танклар сизни босолмайди, сиз уларнинг сапёрларини териб турсангиз бўлгани. Бизнинг артиллериямиз ёрдамга етиб келгунча! Хўпми, ротангизга тушунтиринг.

Қайтиб борсам ротага бириктирилган батарея билан пулемётчилар икки қанотга жойлашиб, ўқчиларим траншеяда танклардан кўз олмай туришибди, ҳавони қизиган темир ҳиди қоплаган. Бўксасидан мойи оқиб тушган қурбақа ранг «Пантера»лар ўрмалаганда ичида ёнган газайлнинг иссиқ қўланса нафаси ўзидан олдин юради. Ғилдиракнинг учи-учига уланган тугалмас зил занжири айланаверар-айланаверар, сира тугамас экан... Худди урушнинг ўзидай. Ҳиссиз, йиртқич, темир махлуқларга тикилаверсангиз билакларингиз ингичка, кучсиз, қўлингиздаги граната гугурт чўпидай туюлиб кетади баъзан. Мен бу хаёлимдан ўзим чўчиб, уни қувиш учунми, команда бериб юбордим. Бизнинг ўқларимиз башня устида гугурт чаққандай кўк ўт

чақнатиб сирганиб учди. Танклар пулемётларнинг олов тили билан ерни пайпаслаб силжимоқда. Броня тешувчи снаряд бирининг танасига вишиллаб санчилди, темир тобутда қовуриллаётганларнинг даҳшатли ўлимини ўйламасликка уринаман. Танк сескангандай бўлди-ю, бирдан лов этиб ўтга чулғанди, кейин ичидаги чала ўлик экипажни ўқчиб ташлади.

Устимиздан увиллаб ўтган снарядлар дам олдимизда, дам орқамизда портларди. Тўп расчётимизнинг бошлиғи букироқ сержант келиб мени шошилтиради, мен бўлсам, «Индама, мина майдонига кирсин!» дейман. Шу гапни айтишим билан олдинги «Пантера»нинг замбараги, худди бармоқ билан кўрсатгандек, амбразурамизни мўлжаллаб гумбурлатди. Пулемётчиларни қизил ғишт тўзони кўмиб ташлади, шу вақт яна бир кучли портлаш қулоқни тиндирди, ҳалиги олдинги танк портлаган эди. Қолганлари оралиқда мина майдони борлигини пайқаб, сал орқага тисарилишди. Бирини люкни очиб аланглаган эди, худди белидан сингандай ярим гавдаси ташқарига қайрилиб тушди, уни оёғидан тортиб ичкарига олишди.

Шундан кейин анча жим бўлишди. Ўйлаб қолишди шекилли.

Кўп ўтмай, қадимий найзабозларга ўхшаб узун таёқ тутган солдатлар пайдо бўлишди, булар сапёрлар эди. Улар танклар панасидан ўрмалаб чиқиб, миналарни зарарсизлантиришга, мина майдонининг чегарасини аниқлашга уриндилар. Лекин биз қимир этганини териб туравердик. Шундан кейин танклар сал чекиниб, узоқроқдан туриб аввало бизни даф этишга қасд қилишди.

— Маҳкам бўлинг, маҳкам бўлинг! — дерди телефонда батальон командиримиз, овозига қараганда унинг ташвишларидан энг каттаси бизнинг участкамиз эмас эди. Танклар бизни кўз очирмай қўйишди. Андрей ярадор бўлиб сафдан чиқди, амбразурага снаряд тушиб бир пулемётни ва расётнинг иккинчи номерини ҳалок қилди. Энг ёмони — тўп батареямиз нуқул ўт остида эди.

КПга вазиятни хабар қилдим, позицияни ўзгартмасак душманнынги битта ўқи ҳам хато кетмаётганини, биз уни ҳеч нарса билан ололмаётганимизни айтдим.

— Позицияни ўзгартир, лекин орқага эмас, мина майдонини тозалашга йўл қўйманг.

— Флангларимиз миналанган! Орқага...

— Мумкин эмас. Шу ҳолда ушлаб туришга ҳаракат...

Алоқа узилиб қолди. Энди иш расво. Ҳамма менга тикилар, бир янги фикр, янги буйруқ кутар эди. Мен бўлсам яна ўша эски буйруқни такрорладим:

— Мина майдонидан кўз узманг!

Траншеядан бош чиқариб бўлмайти, оёқ остида ярадорлар, тепадан тупроқ ёғилади, кўпларнинг қулоғи битган, бировнинг чаккасидан қон оққан, бировнинг лаби кўкариб, кўзи даҳшатдан жовдираган. Тупроқдан порохнинг аччиқ ҳиди бурқиб турибди.

Шу пайтда орқадан сапёрлар группасини бошлаб Мадали ака келиб қолди. Мен уни кўриб айна вақтда қувондим ҳам, қўрқиб ҳам кетдим.

— Ҳозир чапдан йўлак очамиз, кўчасизлар! — деди ҳаммамизга қараб. Дарров сапёрларига бир нималар буюрди. — Биз бошқа участкада эдик, — деди у тетик бўлишга, менга ҳам далда беришга уриниб. — Вазиятни эшитиб, ўзим бораман, дедим. Зўрға кўнди комбат.

Мен билардим: сапёрлар ротасининг командири бундай ҳалокатли ишга ўзи бормаса, бошқаларни юборишга ҳақи йўқ.

— Мадали ака! Ут остида мина қазиш... Менга қаранг, менинг учун ўлимга боришингизга рози эмасман. Бошқа йўл топамиз!

— Сизнинг учун эмас. Ўлимга ҳам эмас. Бошқа йўл йўқ.

— Биз артиллерия етиб келгунча бардош берамиз!

Мадали ака «менга вазифа юкланган» деди-да, юпатгандай елкамга қоқиб, жўнаб қолди. Мен маскхалат кийган йигитлар орқасидан анчагача югуриб бориб, мина майдонининг чегарасида тўхтаб қолдим. Улар асбобларини олиб ер бағирлаб, эҳтиёт билан ўрмалай бошлашди. Эҳтиёти борми! Ўзларига боғлиқ бўлсайди! Бир снаряд тушса, бир неча мина бирдан портлаб майдонни титиб юбориши мумкин. Бизнинг траншеяни мўлжал олиб отаётган немис танкларий сал адашиб чапга, ё ошириброқ отса — тамом.

Дурбиндан боқаман: Мадали ака ҳар замонда оғзига қор солиб, тирсаги билан «одимлаб» олға силжимоқда. Усти йилтиллаб турган семиз қузғун унинг шарпасидан ҳуркиб сал кўтарилди, лапанглаб учди-ю бир неча қадам нарига яна қўнди, мурдани кўзи қиймагандай, тирикка олайиб қўярди, худди билиб тургандай: бу ерда қузғуннинг ризқи ошса ошадики, ўзига ажал тегмайди.

Бу майдонда юзлаб хил мина бор, ўзимизники ҳам, немисники ҳам, янгиси ҳам, занг босгани ҳам, соатга ўхшаган, этикка ўхшаган, портсигарга, товуққа ўхшаган, тизза бўйи ирғиб портлайдиган миналар. Тиккайган ҳар бир чакалак, ҳар сўқмоқ, сув тўлган ўнгир, ҳатто кўмилмай қолган ўликлар ҳам миналанган бўлиши мумкин. Ана Мадали ака худди ажалдай одам пойлаб ётган уч мўйловли немис минасининг жонини аста суғуриб, бир четга қўйди... Ишқилиб, танкдагилар пайқаб қолмаса бас. Мен аскарларим олдига қайтдим. Тинимсиз ўт остида вақт имиллаб ўтарди. Ҳозир сапёрлар бизга «йўлак» очаётганини яна айтдим, танкларнинг кўп ҳам гашига тегмасликни, фақат душман сапёрлари пайдо бўлганда ўт очишни буюрдим. Лекин ротанинг ўт очадиган мажоли қолмаганини билардим. Танклар узоқдан туриб ҳамон бизнинг траншеяларимизни титкиламоқда, ярадорларни қўядиган жой йўқ, қорда кимнингдир қонли излари...

Мадали ака қайтиб келди, кўкариб тарашадай қотган бармоқлари қалтирар, пешанасида катта-катта совуқ тер томчилари йилтиллаб эди. У, чеккани келдим, деб баҳона қилди, аслида эса сабри чидамай биздан хабар олгани келганлиги билиниб турарди.

— Немис миналаб кетган экан, на формуляр бор, на контур... Бирпас чидайсизлар, — деди у узр сўрагандай. Яна эгилиб югурмоқчи эди, сапёрлар ишлаётган томонда портлаш эшитилди. Майдонда ҳеч ким кўринмасди.

— Ҳеч нима бўлмайди бу йигитларга! — деди Мадали ака саросиманинг олдини олиб. — Булар билмаган мина тури йўқ, ҳозир улар «мисрча уч бурчак» услубини фаҳмлаб, ҳадисини олиб қолишди. Фақат, мана бу портлаш танкларнинг диққатини тортиб қўйди, шуниси чатоқ. Ярим соатда йўлак очиб бера-

миз. — У тамакисининг қолганини менга узатиб, худди чуқур дарё камарига шўнғигандай югуриб бориб ўзини қорга ташлади, ер бағирлаб кетди.

— Ўртоқ капитанни қайтариш керак эди, — деди боши ҳам кўкраги бинт билан ўраб ташланган Андрей. У бўлиб-бўлиб, тез-тез нафас олиб, қийналиб гапирарди, — Ранги ёмон, асаби бузуқ, қўли қалтираяпти. Сапёрларни бундай ишга тиниқиб дам олгандан кейингина чиқаришади.

— Старший сержант мен ўйлаб турган гапни айтди. Мадали ака югурганда ўзимнинг ҳам юрагим сесканиб, орқасидан бутун вужудим билан интилиб қолдим. Лекин Андрейга, тўғрироғи, ўзимга тасалли берардим:

— Хотиржам бўл... Унинг асаби мустаҳкам... Ҳозир чиқиб кетамиз бу жаҳаннамдан...

«Жаҳаннам» дейишим билан бутун осмон ловуллаб, тепамиздан худди тошқин олов дарёси оқа бошлади. Бу «катюша» эди, демак артиллериямиз етиб келди. Гўё яқин орада азим бир олов вулқони отилди. Ер гувиллар, ҳаво бўлса худди қуюқ нарсадай силкинар, дарахтларни, одамларни силкиб-силкиб ташлар эди.

— Ур! Абжағини чиқар! — деб қичқирарди кар бўлиб қолган Андрей окоп тагида дармонсиз ётганича, ўзининг ўт остида қолаётганини ўйламай: — Ур, азамат!

Мен ёқамни ечдим, қизиб кетган ҳаводан кўксимни тўлатиб нафас олдим. Демак, вазифа бажарилди! Мен солдатларга қарадим, ҳамаси фақат шуни ўйлапти: «Бажарилди! Чидадик!» Даҳшатли олов уларнинг ҳорғин юзларини ёритган эди.

Бу вақт иккита йигити билан Мадали ака югуриб келди, унинг уст-боши йиртилган, юзини тиканли сим тирнаган, бош яланг, очиқ кўкрагига балчиқ аралаш ёпишган қор эриб ичига оқар эди.

— Қани, олинг ярадорларни, тез! — деди ўзи Андрейни қўлтиқлаб. — Сапёрлар орқасидан юринг, йўл тор, четга чиқилмасин! — деб қичқирди.

Бизнинг қимирлаганимизни кўриб танклар ҳам ота бошлади, «катюша» ўти уларнинг орқага чекиниш йўлини тўсган эди, уларга ҳозир мина майдонига кириб келишдан бошқа йўл йўқ.

— Тезроқ! Четга чиқма! Эгил! — деб қичқирардим мен овозимни ўзим эшитмасам ҳам. Биров-бировни орқалаган, биров ярадор сафдошининг қўлтиғига кирган, биров ўзи эмаклаган — биз сапёрлар очган «нажот сўқмоғи» бўйлаб, ўт остидан чиқиб кетмоқда эдик.

Қоронғи тушмоқда, сафимиз илон изи бўлиб чўзилиб кетган, икки ёнда, баъзан сафнинг аллақайси бир бўғинида снаряд, мина портлайди...

— Четга чиқма! Тўхтама!

Қир орқасига ўтиб мина майдонидан чиқиб олдик. Қоронғида бизни санитарлар, яна аллакимлар кутиб олишди. Мен оёғим қаттиқ лат еганини энди пайқадим, оқсоқлаб орқароққа қайтдим: Мадали ака ҳеч қаерда йўқ эди.

— Мени чиқариб қўйиб орқага қайтиб кетди! — деди замбилда ўтиб кетаётган Андрей.

Мен яна орқароққа қайтдим. «Катюша»нинг ўти оқшом қоронғисида яна ҳам даҳшатлироқ ўкирар, осмонни эритиб юборгандай ҳамон ғарбга оқар эди. Унинг оташи ҳамма ёқни ёритган, узук-юлуқ, титроқ қора соялар қочинга жой топмагандай, дарахтлар орқасига бекинар, гўё тупроқ қатламларининг ичида қутурган лава қайнаб, ерни туртиб-туртиб қўяр эди. Тириклар «йўлак» дан ўтиб бўлди. Мадали ака йўқ. Мен ўзимни қаёққа қўйишни билмайман, ётиб йиғлагим келади. Санитарлар взводининг палаталарини айланиб чиқиб, қирга яна қайтдим. Жанг тинган, қоронғи тушган эди. Ҳалигина ҳаёт ё мамот, деб ётган жойларимизга узоқ тикилиб турдим, пешанамдан ҳовур чиқмоқда эди.

Шамол ёнаётган танкларнинг қип-қизил алангасини қора тун қўйнида анчагача судраб юрди, унинг хира яллиғи дам қорли тепаликларга, дам қовжираган дарахт кундаларига, гоҳо эса ўликларнинг юзларига тушар эди. Чўғ бўлиб қизиган темирлар атрофида қор эриб, буғ кўтарилмоқда. Изғириннинг хунук куйини тинглаб мангу уйқуга кетган солдатлар юзида эса энди қор эримайди. Қишнинг ҳазин, совуқ ярим ойи аллақаёқдан сузиб чиқиб, қор кўмаётган дўнгликларни жонсиз шуъла билан оқартирди...

Шу кечасиёқ яна олға юришга буйруқ бўлди. Қисмларни йўл-йўлакай тўлатдик, уларнинг состави бо-

ра-бора деярли бутунлай янгиланди. Қаҳратон совуқлар бошланган эди, қулоқ-бўрнимни ушик уриб госпиталда ҳам ётиб чиқдим. Мадали акани суриштирмаган одамим, ёзмаган штабим қолмади. Ҳеч ким аниқ жавоб бермайди, у ҳеч хаёлимдан чиқмас эди, энг оғир пайтларда ҳалок бўлганини ўз кўзим билан кўрсам ҳам майли эди, деб совуқ хаёлларга бораман эзилиб кетганимдан. Яримта одам бўлиб қолгандай ҳис этардим ўзимни. Сўнагул бечора қай аҳволда экан? Хат узилиб қолганидан фалокатни сезгандир ахир. У қаердадир шу атрофда, узоқ эмас.

Бир куни, госпиталдан чиққан вақтим эди, бир ҳарбий мухбирнинг машинаси тўғри келиб қолди-ю, уч тўрт кунга жавоб олиб Сўнагулни қидириб кетдим.

— Қизлар ёнига кетаётган экансиз-да, — деди мухбир бир қўлида папирос тутатиб, бир қўли билан рулни бошқараркан. Бу юзидаги тиртиғи ўзига ярашган, калта пўстинли, сергап йигит эди. — Мен ёзганман уларни, «само океанининг посбонлари» деб. Қалай? Ажойиб, мард қизлар. Танишизми борми?

— Бор.

— Ҳали кўзга кўринмаган самолётни шабадасидан танишади азаматлар — бизникими, немисникими. Очиқ ҳавода ҳам йигирма-ўттиз чақиримдаги нўхатдек қора нуқтани зўрға кўрасиз, булар унинг турини, системасини, баландлигини айтиб беришади. Айтиб бериш ҳам гапми, дарров хабар қилиб зенитчиларни оёққа турғизишади, шу ондаёқ аэродромлардан қирувчи самолётлар кўтарилади. Жавобгарлиғи айтинг! Қиз болалар денг тагин.

Кечга яқин мен пропуск олиб дарахтзор бир ҳовлига кириб бордим. Бу ерда курортдагидай тинч, дарахтлар панасида бир нечагина кичик иморату нарироқда емирилган элеватор кўринар эди. ВП деб ёзилган батальон постининг хонасига кирдим, бу ертўла эди, деворда назорат постларининг дислокация схемаси, телефонлар. Навбатчи офицер харита олдида ҳаводаги аҳволни кузатмоқда.

Сўнагулни биринчи рота линиясида, дейишди. У ерга борсам, менга ҳеч ким қарамайди. Хона тўла қизлар, ҳаммаси ҳарбий кийимда. Телефонларда, пердатчикларда чинқирӣқ, шовқин:

— Фронт линиясини кесиб ўтди! Юнкерс!
— «Сокол!» Квадрат А-17... «Аэрокобра!» «Мус-танг!»

— «Берёза»га хабар қилинг! Қирғоқ бўйлаб кетди. Квадрат...

— Яна ўша ерда... Аэродром борга ўхшайди!

Мен бу тушуниб бўлмайдиган тартибсиз бақириқлардан қулоғим батанг бўлиб, ертўладан чиқиб кетдим. Чиқишим билан совуқ бир шуъладан кўзим тинди. Душман самолёти парашютда ёритувчи бомба ташлаб ўтди. Кундузидай «ёруғ бўлиб кетган ҳовлида мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳавода прожектор нурлари дам қайчидай бир-бирини кесиб ўтар, дам осмоннинг зим-зиё бурчагидан кичкинагина, қора бутдай кўринган самолётни тартиб чиқарар, дам бирдан ўчиб, кўзни кўр қилиб қўяр эди. Айниқса ана шундай кўролмай қолганинда ҳавода ажал аччиқ чинқириб ҳуштак чалиб қолса тилинггача тер чиқиб кетади. Дарахт соясига биқиниб турганимда элеваторнинг чалавайрон томида фонарь йилтиллади, мен унда бир солдат соясини кўрдим. Бу шубҳасиз қиз бола эди, ҳалиги қизлардан бири.

Фронтда бомбардимончи самолёт учса ҳамма тупроққа кириб кетгудай бўлиб ерга ёпишарди. Бу ерда бўлса елкасига оддий винтовка-ю белига телефон қутиси осган қиз бола бомба, пулемёт, ҳатто замбарак билан қурулланган самолётларнинг ҳайқириғи остида элеватор томига чиқиб, телефон трубкасига ҳаво жангининг манзарасини шошиб-пишиб айтиб бериб турибди. Осмонда зенит ўқига учраган самолётлар ўтли дум қолдириб ерга шўнғир, баъзилари ўзининг ажал юкени ташлаб, прожектор қайчисига чап бериб қочар эди.

Бир самолёт қоронғиликдан ўқдай чиқиб, худди элеваторнинг тепасидан вағиллаб ўтди, ҳовлидаги дарахтзорда бомба портлади. Мен, қизни учуриб кетди, деб ўйлаб ўша томон югурдим, ҳеч нарса кўрмадим. Бир замон кимдир мени елкамдан ушлаганча бир силкиб панага тортди ва шу зумдаёқ сал наридаги ёғоч будка портлаб ёниб кетди.

Мана шунда мен ёнимда, ёнғин яллиғида Сўнагулнинг юзини кўрдим. Юзинигина эмас, бутун қалбини, ўйларини, ҳаётини, бутун борлигини кўрдим.

— Аҳмаджон?! — деди у қурум теккан манглайни тириштириб, кейин қаҳ-қаҳ уриб кулиб, қучоқлаб олди. Унинг шинели, милтиғи, телефон сумкаси халақит берарди, ўзим қучоқлашга эса ботинмадим.

Учрашдик. Урушнинг гирдобини қаранг, олиб келиб тўқнаштирди-я! Сўнагул! У бир оз ориқлаб, юзи дағалроқ бўлиб кетган бўлса ҳам, бу илиқ, таниш, қадрдон чехра юрагимни тўлқинлантириб юборди.

— Томда сиз эдингиз-а? Хатингиздаги ҳазилингиз ҳақиқатга тўғри келмайди... — дедим мен.

— Ўқиганмидингиз? Сизларнинг шароитингизга нисбатан... Ҳа, айтгандай, Мадали акадан хафаман — хат ёзмай қўйди.

Юрагим орқага тортиб кетди: демак, беҳабар. Энди мен унга бу гапни қандай қилиб айтишим керак.

— Қани, юринг, жанг тинди чамамда, юринг ётоғимизга олиб кираман. Қизлар билан танишасиз. Вой Аҳмаджон-эй, соғу саломатман денг!

— Йўқ, шу ерда гаплаша қолайлик, — дедим. Унинг қувончли товуши худди кўксимга бориб санчилмоқда эди. Нега ҳам келдим. Бу азиз жонни шум хабар билан изтиробга солиш менинг ҳиссамга тушишини билибманми. — Хат ёзмаяпти денг? — дедим мавзуга аста яқинлашиб.

— Ёзмаса ёзмасин! Биламан нима билан бандлигини! — деди Сўнагул намланиб турган қорамтир лабларини тўрсайтириб.

— Нима билан банд экан? — дедим.

— Қизилқум! — кулиб юборди қиз. — Нима билан бўларди: фронт госпиталида ҳам Қизилқум!

— Госпиталда?! — Сўнагулни бирдан қучоқлаб ёноғидан ўпиб олдим. Қувонганимдан вужудим ловиллаб, кўзим чақнаб кетди.

— Вой, Аҳмаджон, сизга нима бўлди? Қўпол бўлиб кетибсиз фронтда...

Мен узр сўрамадим, ҳаллослаганча, воқеани, ўзининг хавотиримни айтиб бердим, қушдай енгил тортидим, дилим ёришди.

— Қачондан бери ёзмайди?

— Вой, госпиталдаги одам ҳар куни ёзса ҳам бўлади-ку, мен бир ҳафтадан бери хат олмайман.

Мен хахолаб кулиб юбордим: «Бир ҳафта!» Биз бомба ўйиб тўзгитиб ташлаган қоронғи ҳовлида қўл

ушлашиб, болалардай ирғишлаганча айланиб кулишдик. Сўнагулнинг тўрт кун дам олиши бор экан, шу вақт ичида Мадали акани бориб кўрмоқчи бўлдик.

Госпитални уч кун қидириб, тахминий йўлга чиққанзимизга пушаймонлар едик. Оёқларимиз шилинди, изгирин туриб қор остида қолиб кетай дедик, тўртинчи куни ўрмон четида қизил крестли кўрсаткич тахтани кўриб қолдик.

Бироқ ўрмон тепасини қуюқ қора тутун қоплаган эди. Тутун худди дарахтлар учига илашиб қолгандай қимир этмай муаллақ турибди. Қарағайзордан югуриб ўтиб, кенг ялангликда қуббаси емирилган кичкина тош черков, унинг ёнида ловуллаб ёнаётган бир неча ёғоч уйларни кўрдик. Пастлаб учаётган юнкерс «юки» ни ташлаб бўлганга ўхшайди, бемалол бурилиб ўрмон орқасига ўтиб кетди. Майдонга чиққанзимизда дуд иси билан аллақандай дори ҳидлари димоғимизга урилди, черков олдида мажақланган санитар машинаси, атрофида ўликлар, чил-чил бўлиб кетган дори шишалари, медицина асбоблари қорда сочилиб ётарди. Очиқ юк машинасида ярадорлар ўтиб кетди, оқ халат кийиб милтиқ осган ҳамширалар замбил кўтариб югурар, қўлтиқтаёқ тутган касаллар ҳақкалаб ҳар томонга қочар, аянчли товушлар эшитилар эди. «Юнкерс» яна ваҳима билан қайтиб келиб, ёнаётган госпиталь устида айлана бошлади, ўз «иши»ни томоша қилмоқда эди шекилли. Оғир ярадорни замбилда олиб кетаётган қизлардан бири, ўзи ҳам ярадор экан чамаси, қаловлаб йиқилиб қолди, мен дарров замбилни олиб, ўрмон ичига югурдим. Қайтиб чиқсам, Сўнагул шинелини ечиб ташлаб, қизнинг ярасини боғлаяпти.

— Аҳмаджон! Бери келинг, Мадали ака шу ерда экан, ҳозир яна яраланибди... — деди Сўнагул ҳовлиққанидан қўли қовушмай.

— Ҳа, ҳа, — деди ҳамшира; у кампир даҳанли, кўк кўз, ёшгина қиз эди. — Капитан Қосимов биринчи машинада! Тўғрига, катта йўлдан югурингла!

Биз ўпкамиз оғзимизга тиқилиб етиб борганимизда, машинада узоқ олиб юриб бўлмайдиган оғир ярадорлар бир қайинзорга туширилаётган экан. Бизга замбилда ётган капитан Қосимовни кўрсатишди. Унинг атрофини врачлар, ҳамширалар қуршаган эди. Биз келгач, негадир, улар аста тарқалишди.

Сўнагул дод деб йиглаб юбормаслик учун, ғалати, хунук бўлиб кетган юзини дарров бағримга бекитди, мен ўксик товушингни чиқарма дегандай, унинг бошини кўксимга қаттиқ босдим. Мадали аканинг боши, юз-кўзи аралаш бинт билан танғиб ташланган, фақат ияги очиқ, у ҳам йоддан сап-сариқ эди. Госпиталь пиймасини кийган оёқлари узун, замбилдан чиқиб турарди. Биз икки ёнига чўккалаб ўтирдик.

— Мадали ака... биз келдик, сизни топиб келдик, мана Сўнагул... ёнимда турибди, — дедим.

Мадали ака титроқ бармоқлари билан икковимизнинг ҳам қўлларимизни пайпаслаб топиб, бор кучи билан қисиб ушлади. Ички титроқ кўксини тўлқинлатиб ўтди.

— Қадрдонларим!.. — деди шивирлаб, энди менга... ўлиш қийин бўлмайди. Сизларни кўрдим...

«Кўрдим...»

Ёнимизда биров увлаб йиглаб юборди.

— Митна, йиғламанг, — деди Мадали ака уни нимасидандир таниб.

Бу ўша кампир даҳан қиз эди. «Митна», нега Митна? Дмитриевна бўлса керак. Лекин истараси иссиқ, кўнгилчан бу қизга бу ҳазиломиз соф русча, қишлоқчи исм жуда ярашган эди.

Тўхта, мен нималарни ўйлаяпман ўзим шундай маҳалда. Энди нима қилиш керак? Тасалли берувчи сўзлар айтиш керакми? Сўнагулнинг ўкириб юборишидан қўрқаман.

— Ўша танк жангидан кейин сизни тополмадим, Мадали ака. Кейин... — деб қаёқдаги гапларни бошладим.

— Ҳалиги чўтир йигит... Андрей омон чиқди-ми? — деб гапимни бўлди у.

— Ҳа, ҳа, — дедим мен ҳовлиқиб. Андрейнинг, ҳаммамизнинг миннатдорлигимизни, ўша пайтдаги воқеаларни гапиришга тушган эдим, у дармони тугаб қолаётганини сезибми, гапни бошқа ёққа бурди:

— Оёқ учимда бир тугунча бор, шуни олиб беринг, — деди. Сўнагулнинг қўлини қўйиб юборгиси келмай менга буюрди. Чарм сумкани олиб бердим. У шуни кўксига қўйиб, оқ дока остидан нафасини бўлиб-бўлиб гапирди.

— Сўнагул, жонгинам, мен сени ҳаммаша зориқтирдим, эркалаб суя олмадим...

Сўнагул устки лабини қаттиқ қимтиб, ўпкасини босиб турарди.

— Нега ундай дейсиз... — дейди-ю, тинади. Ўзининг изтиробли товушидан қўрқади.

— Қизилқум барханлари эсингдами? — деб, кўчарган лабларини зўрға қимирлатиб аста давом этди Мадали ака. — Менинг шундоққина кўз ўнгимда турибди. Ҳаётимда кўрган энг гўзал жойлар ўша... Нега десанглар, унинг тағида дунёнинг бебаҳо бойлиги ётибди. Бутун Россиянинг... қалбига ҳарорат бера олади Қизилқум...

Назаримда у бу гапларни, бутун ҳаётининг ёрқин орзусини айтиб қолишга шошилар, уларни ўзи билан тупроққа олиб кетиш хавфи унинг учун ўлимдан ҳам қўрқинчлироқ эди.

— Сўнагул... бу дафтарни... Уни кўксингга босиб, урушдан омон олиб чиқсанг...

Бу вақт полковник кийимидаги, кўзойнакли, кекса, баджаҳл врач келиб бизни четга сурди. Сўнагул қўлидаги жигар ранг муқовали қалин дафтарни кўкрагига босиб, ёшдан қизарган кўзларини жовдиратиб қолди. Мадали ака яна нималардир деди, лекин биз эшитолмадик, Митна яна хўнграб йиғлаб юборди. Полковник бош кийимини олди...

Мен кўп одамларнинг, танишларимнинг, қадрдонларимнинг ўлимларини кўрганман. Лекин бунга кўникиш мумкин эмас эди. Мадали аканинг қабри тепасида ўзимни йўқотаёздим. Йиғлаб қарагайга пешанамни ура бошлаган эканман, Сўнагул етаклаб олиб кетди. Ёлғиз кўтариб бўлмайдиган кулфат эди, яхшики ўша куни икков эканмиз, бир-биримизни суядик. Митна бўлмаса ҳам Сўнагулга тасалли беришим мушкул бўларди, у аллақандай уన్నిқиб, кўзлари бирдан сўнгандай, ғалати бўлиб кетди, тикилган нарсасини кўрмаётгандай қадамлар эди. Митна унинг шинелини зўрға кийгизди, ўрмондаги палатасига олиб кириб спирт лампасини ёқди, колбада чой қайнатиб ичирди, тинмай гапирар, ўзича Сўнагулни мусибатли ўйлардан чалғитмоқчи бўларди:

— Капитан Қосимов зап қизиқчи эди, бир куни палатага кирсам касалларнинг яралари сўкилиб

кетибди. «Ҳа?» десам, «Капитан кулдирди» дейишади.

Чой қуйиб, чақмоқ қанд солиб беради, бирпас жим туради-да, кемшик даҳанини кампирларча ушлаб яна бошлайди:

— Капитан Қосимов зап мерган эди. Бир куни госпиталь ҳовлисининг йўлкасида бир санитаримиз ўлиб қолди, худди чаккасидан тегибди ўқ. Кечга яқин бир врачимиз ҳам худди ўша йўлкада ўқ еди. «Снайпер бу! Ҳовлига чиқманглар!» деди капитан Қосимов. Ҳовлига чиқиб бўлмай қолди, нариги палатада огир ярадорлар бор, врачларни чақириб қичқиришади. «Йўқ, чиқманглар!» деди капитан, у деразага бориб йўлкага қаради, бу деразага келиб ҳовлини чамалади. У анча тузалиб қолган эди. Унинг кўкрак қафасидан осколка олганмиз, биласизлар. Хўш. Кейин капитан Қосимов ҳалиги ўлган санитарнинг ҳам, ярадор бўлган врачнинг ҳам ўқ еган жойларини текшириб кўриб, ўйлаб турди-да, милтиқ олиб бутхонанинг қўнғироқхонасига чиқди. У ерда анча ўтирди, кейин бир замон вангиллаб ўқ чиқди. Деразадан қарасак, ҳовлининг ўрмонга туташган чеккасида, кекса қарағай тагида қузгундай қоп-қора кийинган немис снайпери чалқанча ётибди. Отиб ўлдирган одамларини, буниси офицер, буниси фалон, деб бир қоғозга рўйхат қилиб ўтирган экан қарағай тепасида. Зап алла бўлиб тушди... Жу-да мерган эди капитан.

Сўнагул кўз ёшлари қуриб қолгандек, жигар ранг дафтарга маъносиз тикилиб, чўян ҳайкалдай бўлиб ўтирарди.

У негадир шу ўтиришича ёдимда қолибди. Шунинг учун, бир неча ойлардан кейин кўришганимизда уни зўрға танидим.

Боғлари, четанлари ҳали ҳам бурқсиб тутаб ётган бир қишлоқда тўхтаган эдик. Солдатлар милтиқларини ҳар қаер-ҳар қаерга сепоя қилиб қўйишган, тозалаш олдидан қурол совуқда бир оз «герлаши» керак. Уватлар, марзалар парча-парча қилиб ташлаган олақуроқ поляк қирлари қор билан қопланган, кимсиз. Мен капитан унвонини олиб батальон командирлигига энди тайинланган ойларим, лекин кўнглим ниҳоятда хира эди. Кейинги кунлари ҳар жангда танкларимиз қатор гулхан бўлиб ёняпти. Фашист янги ҳунар

чиқарди: танкка қарши бетон уялар ясаб, ҳар бирига фаус-патрон билан қуролланган биттадан солдатни ўт-қазиб қўяпти. Қоронги қудуқда ўтирган солдат атрофдаги саросимани кўрмайди, қочадиган жойи ҳам йўқ, у ўлимга маҳкум, лекин танк билан бирга портлайди. Ҳисоб-китоб ёмон эмас — битта солдатга битта танк. Одамни снаряд ўрнида ишлата бошлади аблаҳ.

Бунинг бир чорасини кўрмасак иложи бўлмай қолди. Батальонни тўлатиш учун янги кучлар кутиб ётиб, мен бир нарсани ўйлаб қўйдим. Батальонни артиллериямизнинг ўти босилмасдан бир неча минут аввал, одатдагича танклар кетидан эмас, танклардан олдин ердан кўтариш керак. Бу пайтда душман солдатлари ҳали ўт очиш нуқтасига чиқмаган, бекиниб ётган бўлади. Шу бир неча минут ичида лаънати қудуқларни ишдан чиқариб, танкларга йўл очиш мумкин. Бу режанинг қалтис жойи бор албатта — солдатларни ўз артиллериямизнинг ўти остига бошлаб кириш керак. Узоқ ёниб гапирганимдан кейингина катталаримиз буни бир участкада синаб кўришга рози бўлишди. Артиллериячиларга менинг батальоним рўпарасида ўтни бир неча минут олдин ўчириб, дарвоза очиб бериш топирилди.

Табийки, мен ниҳоятда ҳаяжонда эдим. Сўнагул билан навбатдаги учрашувимиз худди мана шу пайтга тўғри келди.

У, кутилмаганда, батальонни тўлатиш учун юборилган кучлар билан бирга келиб қолди. Лейтенантлик погонлари йўқ, жуда ҳам ориқлаб кетган, қандайдир бесабр, лекин катта-катта кўзлари ҳам, ҳатто бутун вужуди ҳам қоп-қора чўғдай ёниб турар, ҳозир ўлимга ҳам тайёр эди назаримда.

— Сўнагул! Нега келдингиз?!

— Олдинги маррага нега келади одам? — деб жавоб берди.

— Нима бўлди, Сўнагул, гапиринг, — дедим мен. Унинг кайфияти менга негадир сира ёқмади. Шубҳасиз, бир гап бор эди.

— Бошидан гапирайми? — деди у анча ўтирганимиздан кейин ўзини босиб олиб.

— Бошидан гапиринг.

— Линияда навбатчи эдим. Булут орасида бир самолётни тутдим. Бизники ҳам эмас, немисники ҳам

эмас. Лекин заявкасиз келяпти. Яқинда озод бўлган қўшни мамлакатнинг металлургия комбинатини мўлжаллаб келяпти. Бунақа вақтда дарров бир қарорга келмасанг, кейин кеч бўлади. Бизнинг назорат участкамиздаги йирик комбинатнинг тақдири бир зумда ҳал бўлиб кетиши мумкин. Шартта телефонни олдимизга зенитчиларга хабар бердим...

Уриб туширгандан кейин қарашса — америка самолёти экан. Уша куниеқ қуролимни, камаримни ечиб олишди. «Заявкасиз учган самолётни уриб туширишга ҳаққим бор! — дедим терговчига. — Иттифоқчи бўлса ҳам душмандан бўшаган жойда нима қилади? Нега учади объект устига?» «Америкаликларнинг қачон, қерда учишга ҳаққи бор — буни каттаконларимиз биледи, биз эса ҳозир иттифоқчиларимизнинг норозилик баёнотини кутиб турибмиз. Катта жанжал бўлади», — дейишди. Ҳеч нарса бўлмади, мен бўлсам маҳбуслигимча юравердим. Кейин, ўша самолётдан яқинда немислар билан қочиб кетган иккита маҳаллий фашист ва бир неча америкалик жентльмен парашютада тушиб, халқ ичида: «русларга ишонманглар, улар сизларни қул қилишади» деб юрганмиш, деган гап ҳам тарқалди.

— Астағфирулло! Ҳали биз қон тўкиб ётибмизу, булар нима гамда. Боплаган экансиз, уриб тушириб! Энди нега ўкиняпсиз?

— Бу жосуслар ҳақидаги миш-миш асос бўлолмасди-да, терговчи иттифоқдошларнинг расмий баёнотини кутарди. Маҳбус бўлиб юриш жонимга тегди. Энди мени барибир линияга қўйишмас эди. Шунинг учун олдинги маррадаги қисмларни тўлатиш учун ихтиёрий кучлар тўплаётган пунктга бордим-да, сафга турдим. Мансабидан маҳрум қилинган старшиналар қаторига... Ким бўлса бўлар! Менга энди ҳеч нарса керак эмас... Жангда бўлсам бас.

Унга юрагим ачишиб кетди, дунёда кимсасиз қолгандек мунглиқ эди.

— Дафтар-чи, Сўнагул?! — дедим.

— Дафтар ёнимда. Нима эди? — деб ғалати қаради менга. — Сиз ўйламанг, мен ўлмоқчи эмасман.

Бу вақт артиллериямизнинг тайёргарлиги бошланган, осмон гумбази азим бир қўнғироқдек гувиллар эди.

— Сўнагул, сиз ҳозир кирмайсиз жангга, — дедим. — Аввало, кайфиятингиз ёмон, иккинчидан... — Мен батальонимиз олдида турган катта, хатарли жанг планини айтиб бердим.

— Хўп, мен фақат ярадорларга қарайман. Лекин сизнинг батальонингиз билан бирга бўламан, — деди қиз. Уни раъйдан қайтариш қийин эди.

У тушган жойини куйдирадиган кичкинагина оташ бўлиб туюлди менга. Жанг олдидан (бундай пайтда доим «эртага бормизми-йўқми» деган фикр келади кўнгилга) уни бир қучишни ўйладиму жазм қилолмадим. Мадали ака тиригида мен дадилроқ эдим, у ҳалок бўлгач Сўнагулга юрагимни ёролмай қолдим. Мадали аканинг руҳи мени ҳайиқтирар эди.

Жангга Сўнагулни деярли кўрмадим. Чунки биз ҳалиги режа билан ердан кўтарилганимизда кўп кутилмаган ҳолларга дуч келдик. Ҳалиги бетон қудуқларни блокировка қилганимиздан кейин, олдинда яна ва яна мудофаа марралари борлиги аниқланди, бир зум ҳам тўхташ мумкин эмас эди. Жуда ичкарига кириб кетибмиз, душман икки қанотдан қиса бошлади, ўзим бошлаб бораётган зарбдор ротани узиб олади шекилли, деб хавфсираб турганимда миямда бир нима чарақлаб кетди. Бутун баданим худди суяксиз, асабсиз, сезгисиз, хамирдек эди. Кейин ҳамма нарса гир айланди-ю, аллақандай қоронғи бўшлиққа шўнгидим. Худди учиб кетишдан қўрқиб, тупроқни чангаллаганимни биламан, аммо бармоқларда мадор йўқ эди. Шу вақт бошимда бир ўтқир оғриқ сездим, кўз олдимда Сўнагулнинг юзини кўргандай бўлдим. Ҳақиқатан умиди, ё кўзимга кўриндими — билмайман. Лекин ўйлардим, эшитардим. Энди портлашлар узоқда, орқада қолган, тепамиздан ошиб ўтаётган снарядларнинг ҳуштаги эшитиларди холос. Қуршов... Наҳотки, қуршов? Лекин эндиги қуршовлардан қўрқмасам ҳам бўлади, деб ўйлайман ўзимча, қирқ биринчи йил эмас...

Хушим дам қайтиб, дам кетиб турарди. Бир вақт узоқдан икки қора шарпа қимирлади, улар даланинг ўртасидан, қандайдир яшил сим тортилган таёқлар ёнидан лапанглаб, шошмай келишарди. Яшил сим... Немисники. Лекин бундай сим ўлжа тушса ўзимизникилар ҳам ишлатишади баъзан...

Бироқ, қанчадан кейин — билмайман, кўз олдим-да қоқ манглайимга мўлжалланган автомат мийнининг қоп-қора оғзини кўрдим. Қора нуқта борган сари катталашиб келарди. Ҳалиги йилт этган умид сўнди. Ҳозир немис автоматининг жонга теккан таниш овози охириги марта тариллайди, кейин... тамом.

Қулоқларим эшитяптими? Ё тариллаб бўлдимикан? Бундай пайтда одам нимани ўйлайди? Нимани ҳам ўйлаб улгуриш мумкин?..

Йўқ, автомат товуши ўрнига аллақандай бегона гаплар эшитилди. Немисча. Немисча...

Мен уруш давомида «мана энди энг даҳшатлиси орқада қолди» деб минг марта ўйлагандирман, лекин ҳар сафар «энг даҳшатлиси» ҳамон олдинда бўлиб чиқар эди.

3. ЙЎЛ ТУГАГАНИ ЙЎҚ

— Менга суянинг, амаки, мен бақувватман... Эшитяпсизми, йиқилиб қолганларни отишяпти...

Ҳа, мен эшитяпман, немис автомати; неча кундан бери изимизни босиб келяпти бу товуш. Кўзим дам очик, дам юмуқ бўлса ҳам, ҳамма нарсани билиб, тушуниб, кўриб кетяпман: олдимизда уфққача илон изи бўлиб қора тасмадек чўзилган колонна, ёнларимизда ит эргаширган конвойлар, биз ғарбга кетяпмиз. Фақат неча кун юрганимизни ҳисоблаб ололмаяман, бошим боғланган, ечганим йўқ, ечай десам терисини шилиб олаётгандек оғрийди, латтаси билан қўшилиб битиб кетмасайди. Латтаси майли эди, лекин бу чанг... Бу ерларда нега қор эриб кетди экан? Қиш бўлиб қиш эмас... Йўллариининг нафасни бўғадиган оғир чанги колонна тепасида боғлаб қўйгандек осилиб турибди, тер билан қоришиб, этни ўйиб кираётгандек ачиштиради.

— Елкангиздаги ярани газак олдирибсиз, йиринг оқяпти, — яна эшитилди ҳалиги овоз. Бу ўн олти-ўн еттиларга кирган, юзини сепкил босиб кетган ўсмир эди. Неча кундан бери менинг ёнимда, каловлаганимда суяйди, йиқилай деганимда қўлтиғимга киради, гапиради, нуқул «амаки» дейди — соч-соқолим ўсиб кетган бўлса керак.

— Қуртлаб кетса ёмон бўлади, амаки, — деди у кўйлагимнинг йиртигидан танамга қараб, — бунга баргизуб босиш керак. Дориси шу.

Кейин у мени суяб юаркан узундан-узоқ қилиб баргизубнинг фазилатини тушунтиради. Қишлоқи бола бўлса керак, деҳқонча эзиб, салмоқлаб гапиради тирикчиликни. Мен баъзан эшитмай қоламан, неча кундан бери олдимда чанг тўзгитиб судралган, латта ўралган оёқлар кўзимни тиндиради.

— Менга суянинг, амаки, — дейди ўсмир, — баргизуб қўйиш керак, қуртлатмайди. Йўл бўйида ўсади баргизуб. Қор тагида ҳам кўм-кўк тураверади ўтган йилгиси. Мен сизга топиб бераман, йўл бўйида ўсади.— У у ёқ-бу ёққа аламлигайди.— Манави найнов. ёнимиздан нарироқ кетсин-чи, топиб бераман,— дейди.

Новча унтерни ҳамма таниб қолган эди: узун қўллари тиззасидан пастга тушиб турган, кекирдаги туртиб чиққан, сичқон кўзли киши. Овози чиқмайди, ҳар замонда бир русчалаб «нитшево» деб қўяди «меҳрибончилик» қилиб. Бошқа гапирмайди. Лекин нуқул отади. Ортада қолганни, чарчаб йиқилганни, касалларни, четга чиққанларни. Кундалик оддий вазифасини бажаргандек, ишчанлик билан, пинак бузмай отади. Бошқаси бор — одам ўлдиргач папирос чекиб қўяди, буниси бўлса папирос ҳам чекмайди.

— Менга қара, — дедим ҳамроҳимга, — сенинг отинг нима?

— Вася, — деди ўсмир. Юрагим дукуллаб кетди.

Бошимни зўрга буриб, юзига қарадим. Наҳотки ўша Васятка бўлса. Йўқ, у соқов эди. Ундай десам, тузалган бўлиши мумкин, ахир. Қанча вақт ўтди, шунақа катта йигит бўлиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Лекин у эмас. Ушанга ўхшагану, у эмас. Аммо мен ўша Васяткани кўргандай бўлдим, вужудимга иссиқ югурди.

— Менга қара, — дедим, — сен билан биз қадрдон бўлиб қолдик. Бир-биримизга қулоқ солишимиз керак. Айтиб қўяй: агар сен баргизуб деб колоннадан четга қадам қўядиган бўлсанг... мен рози эмасман.

Вася жим бўлди, бошқа гапдан бошлади. У партизанларда уч йилдан бери «полк ўғли» бўлиб, алоқачилик қилган экан. Ота-онаси йўқ. Менга меҳрибонлиги

ҳам шундан бўлса керак: бундай болалар катталарга жуда «ёпишқоқ» бўлади, меҳр, дўстлик қидиради.

— Сен қаердан бизга қўшилдинг?

— Лагердан...

Бизга йўл-йўлакай аллақандай лагерларни, скелетга айланган чала жон одамлари, касали, қўланса ҳидлари билан қўшиб ҳайдамоқда эдилар. Кечалари дала-ларда ётиб қоламиз, куни билан чанг ютиб келиб, жонҳолатда ўзини музлаган тупроққа ташлаган касаллар ўпкалари узилиб кетгудай бўлиб йўталишади. Ётган жойимизда тепамиздан тариллатиб ўқ узилади, «бош кўтарган отилади» деб огоҳлантиришган, қоронғида бу буйруқнинг бажарилишини бўлакча текшириш малол келса керак конвойларга. Аммо эрталаб қўзғалганимизда, буйруқсиз ҳам абадий бош кўтармайдиган бўлиб ерда қолиб кетганлар кўп бўлади. Неча-неча тонглар орқамга қайрилиб қараб, гираширада шундайларнинг ерда сочилиб ётган қораларини кўрдим!

— Қараманг, — дейди иккинчи ҳамроҳим энгимдан тортиб. У бўйи пастаккина кекса одам. Нуқул бировни газабдан туширишга уринар, бепарвороқ бўлишга ундар, юпатар эди.

— Жаҳл келса ақл қочади, ўғлим, газаб ҳаммада ҳам бор, юракларни тўлдириб қайнаб ётибди. Лекин ҳозир уни ихтиёрига қўйиб берсангиз нобуд бўласиз. Ичингизда нима бўлаётганини билиб турибман, ўзингизни босинг.

Мен уни аввал ёқтирмадим. Мактабда ўқиганимиз Максим Горький китобидаги Лукага ўхшар эди. Оти ҳам Матвей Лукич. Аммо кейин билсам, Матвей Лукич ундай одам эмас экан, у мени ўлимдан сақлаб қолди.

Бир кечаси қандайдир эски омборда тунадик. Омборнинг ёғоч деворлари тешик, ёриқ, ямоқ, чурук эди. Атрофдаги соқчиларнинг маст-аласт, говур-гувурини эшитиб ётибман, тиш ораларида йўл чанги ғирчиллайди, елкам зирқираб, дард суякларимга ўтиб, кўз ўнгимни қизил туман қошлайди, бошимни бурсам елкамдан аллақандай ҳид келадиган бўлди.

— Амаки, амаки, — деди девор тагида ётган Вася, — баргизуб! Уни қаранг! Топдим!

Ходаларнинг тирқишидан ташқарига боқсам, ой ёруғида бир нарса кўм-кўк кўринди. Деворнинг шундоқ ёнгинасида ҳалигина кунгайда эриган қорнинг тагидан энди бош чиқарган, гардсиз, йилтироқ, шапалоқдек-шапалоқдек кўм-кўк барглари. Кўнглим ғалати бўлиб кетди. Усмирнинг кўнгли шунча қўланса ҳид, инграшлар, тунги ўлим шарпалари орасида шу беғубор яшил япроқларни излаб топибди.

Бирдан автомат тариллаб, ўйларим чўчиб учди. Шу зумдаёқ юракка ўтиб кетадиган аччиқ чинқириқ эшитилди. Васянинг тирқишдан баргга узатган ингичка қўлини шартта тирсагидан қирқиб кетибди. У қонини сачратганча, юмалай бошлади. Кекса қўшним иккимиз уни маҳкам ушлаб, менинг кўйлагим билан қўлтиғидан қисиб боғладик. Кўйлак бирпасда қип-қизил бўлди. Бола кулчадай бўлиб ётар, тишини ғичирлатиб, соғ панжаси билан тупроқни чангаллар, қон тўлган кўзлари баъзан олайиб кетар, оғриқ азобида тўлганар, ҳаво етмагандай хириллаб, оғизлари кўпикланар эди. Кўплар буни кўришга чидай олмай нарироқ кетишди; қария бўлса мендан хавотир эди: у менинг қандай азоб чекаётганимни пайқаб турибди, бари мен учун, мен туфайли бўлди ахир!

Бола чинқириб, инграб соқчиларни безовта қилди шекилли, биттаси кириб уни соғ қўлидан ушлаб судраб қолди. Шу вақт Матвей Лукич менинг қулоқ-чакамга тарс-тарс тушириб қолди. Мен нима бўлганини билмасдим, шафқатсиз тарсаки тушаверди, кўзларимдан ўт чақнаб кетди.

Болани олиб чиқиб кетишган эди. Бирпасдан кейин тун қўйнида қисқагина ўқ овози эшитилди.

Шунда чол ёнимга келиб, ўзининг тарсакисидан бошимдан сирғаниб чиқиб чувалиб кетган қонли бинтнинг қўлига ўрай бошлади.

— Мана, оғриғидан қўрқиб юрган эдинг, ечилиб ҳам кетибди, — деди у илгариги меҳрибон товуши билан. Шунда тушундимки, у мени, болани олгани кирган конвойга човт солиб ўзини ҳалок қилмасин, деб урган экан. Ушанда вазоҳатим шундайроқ бўлган бўлса ажаб эмас...

— Уни отишдими? — дедим лунжимни артиб.

— Азобдан қутулди шўрлик... — деди чол, кейин мендан узр сўради: — Кампир билан етти бола, ўн ол-

ти неварани катта қи^тганмиз, биронтасини чертган эмасман, ўғлим, — деди товуши товланиб.

— Эрта билан омбордан чиқиб кетаётиб, тахта девор тагида Васянинг ўлигини кўрдик, у қон сачраган баргизу^б япроқлари орасида, бир қўли билан ер^кя қучгандай ётар эди.

Шундан кейин мен, вужудимнинг бир бўлаги ўша ўсмир билан кетгандай баттар дармонсизландим. Бу машъум йўлларга мурдалари тўшалган минглаб, ўн минглаб номсиз кишилар сингари қолиб кетишим ҳеч гап эмас эди. Толеимга (шундай десам бўлармикан...), бир жойга келиб колоннамизни вагонларга ортишди.

Ўша куни... — нимага севиниш керак, нимага ҳасрат чекиш керак, фарқига ҳам етмай қолдим, шекилли, ақлдан озмасам бўлгани, — ўша куни бир вагон эшиги олдида, хотинлар ичида Сўнагулни кўриб қолдим. Агар эс-ҳушим жойида бўлса, бу худди ўша эди. Устида жулдур кийим, сочлари чалакам-чатти қирқилган. Уларни ҳам қий-чув билан, туртиб-силтаб, сўкиб-бақириб қизил вагонга босишяпти.

Мен уни дарров йўқотиб қўйдим. «Анқайма!» деб қўндоқ билан бир туртиб ўзимни ичкарига киритиб юборишди. Лекин Сўнагул кўз олдимдан кетмас эди. Энди хаёлимга келди: ўша сўнгги жангдан сўнг тепамда унинг юзини кўрганим алаҳлаш эмас, ўнгим экан, эҳтимол немислар келаётганини кўриб офицерлик погонларимни юлиб ерга кўмган ҳам ўшадир. Йиртқичлар азоб бермасин, дегандир бояқиш.

Бахтинг қора экан сенинг ҳам. Чехрангга яна бир боқсам... Йўқ боқмаганим, уни кўрмаганим маъқул эди. Энди менинг бу ердаги қора кунларим икки баравар оғир кечади. Кўз олдим зим-зиё бўлса ҳам уни кўраман. Бу ердаги хотин-қизларнинг шўрлик аҳволи...

Иккинчи куни бир станцияда хотин-қизлар вагонни бошларига кўтариб сув талаб қилишди. Ҳар хил азобларни кечиршида биз эркаклар босиқроқмиз. Бўлмаса бир қултум тоза сувга жонимни беришга тайёр турган пайтларим бўлади, чидайман. Хотинлар ундай эмас. Улар эшик, дераза панжараларидан қўлларини чиқариб, бир нарсаларни тарақлатиб, тинмай чинқиришади, конвой автомат ўқталса ҳам ҳамон бақиринишади.

Охири бўлмагандан кейин бадбашара букри соқчи

илжайиб вагоннинг эшигига яқинлашди. Ичкарига бармоғи билан туртиб кўрсатиб:

— Фройлейн ваъда берсин... менга, менга, — деб, ўзининг ботиб кетган кўкрагига туртди, — ўшанда ҳаммангларга сув бўлади.

Ичкарида бир дам жимликдан сўнг қаттиқ тўполон бошланди. Соқчи уларнинг қий-чувига қараб илжайиб турибди.

Мен тиқинда ҳаво етмагандай бўғила бошлайман, деразага интиламан. Ўша вагонмиди бу, Сўнагул ўтирган вагонмиди, ё бошқами? Ҳамма ҳавога яқинроқ тургиси келади, ҳамма ташқарини, зангори осмонни кўриб боргиси келади. Мен туйнукка етолмайман, дармоним тугаб, оёқлар орасида чўккалаб қоламан. Йўқ, у бошқа вагон, у бошқа, деб шивирлайман юрагимни ушлаб.

Поезд юриб кетганда ҳам, ғилдирак оҳанглари менга таскин бериб, гўё шунга такрорлар эди: «Йўқ, у бошқа!.. Йўқ, у бошқа!..»

Лагерга кечаси ҳайдаб келишди. Изгиринда симлар хунук ҳуштак чалар, узоқларда калта-калта автомат товушлари оралаб соқчиларнинг бақариқлари, итларнинг ҳуришлари эшитилар эди. Қаердан-дир, тепадан тушган прожекторнинг совуқ нури тун қоронғилигини тилка-пора қилиб, дам солдатларнинг каскаларини йилтиллатар, дам узоқларга чирмашиб кетган тиканли симлар орасидан бизга тикилган сариқ юзларни ёритиб ўтар, гоҳо баланд қоровулхоналарга, боши эгик қатор бетон устунларга ўрмалар эди.

Хотирамда, боғ ҳовлиларнинг ток сўрилари шундай боши эгик устунлардан қилинар эди. Саратон кунлари баланд сўри тагида танга-танга соя... Тўхта, нима деяпман? Тушунчаларим шундай телба-тескари, болалик таассуротларим шундай хунук, майиб-маймоқ бўлиб қолдимми? Бу тикилган катта-катта кўзлар биздан нимани умид қиляпти экан? Уларнинг ёшларини ҳам билиб бўлмайди. Суяк қўллари билан тиканли симга тармашиб, бизга эргашиб келган дала, ўрмон нафасининг аянч зарраларидан ўпкаларига малҳам излайдилар. Ажабо, шу иккита кичкина қора нуқта — инсон кўзлари шу қадар ҳасрату, шу қадар илтижони ўзига сиғдира олишини билмас эканман. Булар бизда

ейдиган бирон нарса бор, деб ўйласалар керак. Майдон вижир-вижир қимирлайди, заиф, дармонсиз одамлар бир-бирларини босиб, тиканли симга интиладилар, қалбни тилиб кетадиган фарёд эшитилади. Назаримда бу аччиқ фарёд бизга эмас, бутун кишилик оламига қаратилган эди. Олам эса эшитмайди, у ҳозир кар. У даҳшатли портлашлардан кар бўлган, экинзорларнинг аччиқ тутунларидан кўзини очолмайди.

Фақат автоматларгина сезгир. Уларнинг совуқ темир қорачиқлари бу мадорсиз одамларнинг аянчли қаддига эмас, нақ жонига тикилиб турибди.

Кечаси билан бизни танадаги яра-чақани оловдай ёндириб шилиб тушадиган ишқорли сувда ювинтириб, лагерь кийимлари бердилар. Эртасига ҳалиги аянч тўдадагилардан ҳеч қандай фарқим қолмади: номсиз, киёфасиз, тилсиз...

Уч қатор тиканли сим билан тўсилган хотинлар блокнинг дарвозасидан аёлларни қаёққадир санаб чиқазилганда узоқдан Сўнагулни кўрдим. Биз бир-биримизга тикилдигу, худди ҳеч қандай гапимиз йўқдек индамадик, бир-бирларимизнинг номерларимизга қарадик, янги «ном»ларимизни билиб олишимиз кераклигини ички бир ҳис билан икковимиз ҳам сездик шекилли.

Янги келган колоннанинг эркакларини аввал лагерьдан узоқ эмас, қир орқасидаги бир фольваркка — немис помешчигининг ерларига гўнг ташигани қўйишди. Биз концлагернинг бир неча йиллик нажосатини титиб, ҳавони бурқсатиб, бочкаларга солардик, кейин, аравага, ўзимиз қўшилиб, олти чақиримлик балчиқ йўлдан қирга тортиб чиқардик. Қора тунда лойга ботиб, кўзларимиз очликдан ялтираб баракка қайтганимизда одамлар биздан нари қочар, биздан анқиган ҳидга чидай олмас эдилар. Йўқ, кейин ўрганиб кетишди, ўлик ташувчилар сешиб кетган оҳакли хлорнинг нафасни бўғувчи ҳиди баракда бошқа ҳар қандай исни кесиб юборарди.

Бизнинг меҳнатимиз эвазига, тўғрироғи, биз ташиган нажосат эвазига помешчик лагерга олабўта уруғинъом қилар экан, бизга шундан кунига икки марта — эрталабу кечқурун атала қилиб беришади. Бу кўкимтир суюқлик қоринни шиширади-ю тўйдирмайди, аксинча, ичакларни ялаб кетади.

Овқат еб'бўлгандан кейин ҳамма ўз ўрнида мудраб қолади, фақат Матвей Лукич секин гўнғиллаб қўяди:

— Олабўтани ерга солса ўғит бўлмайди-да. Биз уни ўғит қилиб эгасига қайтиб берамиз. Фабрика... нақ жонли фабрика...

— Шундоқ экан, кўпроқ берса бўлмайдими хомаш-ёсини... — дейди кимдир аччиқ ҳазил қилиб. Шу билан гап тугайди.

Бу ерда одамлар кам гапиради, куни билан фақат овқат ҳақидагина бир-икки оғиз гап эшитиш мумкин. Ҳамма ўзига алоҳида дунё, худди одамлар ўз фикрларини, ўз туйғуларини ўлдиришга қасд қилгандай.

Ҳамма нарсани ўлдириш мумкин. Фақат кўрқув ҳиссини ўлдириб бўлмас экан. Мен кечаси каламушдан кўрқаман. Улар туни билан тинмай полда, пол тагида қутуриб, изғиб чиқишади. Ўлакса ейдиган, катта семиз каламушлар. Мўйловсиз тумшуклари бирам чиркин. Қамчидай, тақир думини кўрганимда кўнглим ағдарилади. Улар кечаси қон ҳидига келиб, одамнинг қўлини, бурнини кемириб кетади, дейишади. Қандала бўлса ётишимиз билан ёпирилиб, қон ҳидини анқитади. Бу ернинг қандаласи ҳам чаққан жойини нақ ёндиради экан, тунлар узундан-узоқ оғир қийноққа айланади. Сал тинчирми деб, кечаси билан полга сув сепиб чиқамиз.

Кунда янги колонналар келади, лекин биз кўпаймас эдик, лагерь худди одамхўр девдек, ортиқчаларни, касалларни, кучсиз-дармонсизларни тегирмонда тортгандай ямлаб ютиб туради. Бундайлар аввал карантин блокаига олинади, у ерда ўлганларни оёғига ўз номерини боғлаб, аввал ҳовлига ўтиндай тахлашади, кейин пастдаги жарликка ташиб бориб ёндиришади. У жарликнинг тинмай биқсиб тутаб ётганини биз ишлаган жойимиздан, олти чақирим наридан кўриб турамыз. Жарнинг этаги биз қатнайдиган қирнинг орқасида тугайди, биз у ерда билқиллаб ётган мойли оқовани кўрмаслик учун кескин бурилиб, аравамызни тикка қирга судраймыз.

Хотинлар блокада болалар ҳам бор. Асирлар кўпайганда ўша болалар ҳисобига жой бўшатилади. Уларни оналари ишга кетганда бир соқчи оғзида гармошка чалиб дарвозадан эргаштириб чиқади-да, эллик-тачасини бир ёпиқ машинага қамайди. Машина жар

томонга қараб кетади, солдат бўлса гармошкасини артиб чўнтагига солиб, орқасидан қараб қолади.

Мен бу қизил крестли санитар машиналарининг оддий темир тобут — газваген эканини кейин билдим: юрганда мотори ишлай бошлаши билан, ичидаги болалар ҳаммаси газ билан бўғилиб жарга етгунча азобда жон берар экан.

Шундай машина келиб кетган кунлардан бири кеч-қурун хотинлар блокада бир она жинни бўлиб қолди. У фашистларни очиқдан-очиқ лаънатлаб нуқул бақирарди:

— Кушандалар, одамхўрлар! Яқинда ҳамманг қора ер қаърида чирийсан, бегуноҳ болаларнинг арвоҳи судрайди ҳаммангни қора ерга! Қасос яқин! Қасос...

У чиндан ҳам жиннимиди, ёки ўзини қурбон қилиб бўлса ҳам, қачондан бери ичида зардоб бўлиб қайнаб ётган ғазабли гапларни айтиб олишга қасд қилганмиди, билмадик. Иккинчи кун икки кечаси уни осиб ўлдиришди. Худди ғазабдан сарғайгандек заъфарон юзи шамдай ялтираганча, хотинлар барагининг деразаси олдида неча кунгача осилиб турди ўлиги.

Баракда бир қўшним Матвей Лукич, иккинчиси — соч-соқоли жингалак, қоп-қора, чайир, новча, юзида пичоқдай тиртиғи бор, кўзлари ўйнаб турадиган одам эди. Уни ҳамма Лўли деб чақирарди. Учаламиз ётган жойда дарчанинг ойнаси синиқ, кечалари дилдираб кетсак ҳам бошимизни шу дарчага яқинроқ қўйиб, баракдаги оҳак, хлор, тер ҳиди аралаш сассиқ ҳаводан камроқ ютишга уринардик. Баъзан, ҳаво очиқ пайтларда дарчадан кўм-кўк осмон парчаси кўришиб, узоқларда эркин, соф кенгликлар борлигини ёдимизга солар, юлдузлар чарақлаган шу кўк парчаси бу даҳшатлар, азоблар, ўлимлар дунёсининг бирдан-бир туйнугидай туюлар, дардли нигоҳларимизга жиндек ором бергандай бўлар эди.

Аммо соқчилар шу нигоҳимизни ҳам пайқашди шекилли бир кун икки келиб, дарчанинг устидан ифлос тахта қоқиб кетишди.

Бу ерда ҳамма нарса инсондаги инсонликни ўлдиришга, инсондан оддий бир махлуқ ясашга, очлик даҳшат, ўлим ёрдамида ҳисларни яланғоч инстинкт билан алмаштиришга, одамнинг иродасини синдириб,

итоатчан қулга айлантиришга қаратилган. Бунинг ўткир мутахассислари бор, одамларнинг энтиккан кўнглида қимир этган инсонлик ҳиссини пайқашса, уни шу зумдаёқ янчиб нажосга қориштириш пайдан бўлишади. Айниқса бир эсэсчи офицер бор. Зуммер деган. Баъшараси ҳалиги ўлакса ейдиган каламушникидай кўса, юзининг пайлари дирк-дирк этиб ўйнаб туради, киприклари оқ, кўзлари битдек ғивирлайди. У бекор қолганда соқчи солдатлар ёнига келиб, одеколони, итини мақтайди, бақириб баҳслашади. Қўшним Лўли уни яхши таниркан, бу каламушга шу билан учинчи лагерда дуч келишим, дейди.

— Мен бу ердан ҳам аллақачон қочган бўлардим, лекин мана шу биткўзни чавақламай кетмасликка қасам ичдим, — дейди Лўли дарчага қоқилган тахта тирқишидан Зуммерга қараб. — Итини одамнинг кўкрагига чанг солишга ўргатган эди. Бир куни мана шундай, шериклари билан баҳслашиб ўтириб, битта фельдфебель билан гаров ўйнаб қолди: «ҳозир сенинг кўнглингдаги нарсани олиб чиқмаса, бир шиша бургунд виноси мендан, олиб чиқса сендан» деб итни хотинлар блокига киргизиб юборди. Анчадан кейин ит оғзида латта аралаш бир парча қонли гўшт тишлаб қайтиб чиқди. Гаров боғлашган фельдфебелнинг лагерда бир кўз остига олиб қўйган қизи бор эди, ёшигина. Зуммер буни пайқаб юрган экан.

— Ит оғзидаги гўшт...

— Ит оғзидаги гўшт ўша қизнинг кўкраги эди, — деди Лўли. — Буни аниқлагач, «Қойилмисан, Ганс, кўнглингдаги худди шумиди, топибдими?» деб қаҳ-қаҳ урди Зуммер. Кейин чўнтагидан бир парча хом гўшт олиб итининг оғзига солди-да, фельдфебелни қучоқлаб бургунд виносини ичгани кириб кетди.

Лўли қоронғида кўзларини чақмоқдай ялтилатди-ю, юзини тахтага қўйиб жим ётиб қолди. Матвей Лукич унинг ҳолидан хавотир олиб, «Оғир бўл» дегандай елкасига қўлини қўйди. Чиндан шу совуқда Лўлининг устидан қайноқ ҳовур чиқиб кетганини мен ҳам сездим.

— Чавақлайману қочаман, қараб турасанлар! — деди Лўли тахтага юзини босиб, тишини ғичирлатганча.

Кўп ўтмай Зуммернинг қанчалик ваҳшийлигини мен ҳам ўз кўзим билан кўрдим.

Карантин блокадаги ўликларни жарликда ёндириш учун ташийдиганлар штрафга йўлиққан ёки отишга ҳукм қилинган немис солдатларидан бўларди. Уларни яхши боқишар, ароқ беришар, лекин ҳеч ким икки ҳафтадан ортиққа чидамас эди. Янги келганлари муддатини ўтаганларни ўша жарга элтиб ташлашдан иш бошлар, кейин ўзларининг саноқли кунларини ароқ, қўланса ҳидли тутун гирдобида, даҳшатли босинқираш билан кечирар эдилар. Лекин кейинги вақтда бундайлар фронтнинг ўзидан ортмай қолди шекилли, Зуммер лагердаги асирларнинг ўзидан мурдакашлар командаси тузишга киришди. Ҳаммамизни сафга тизиб, «Кимда-ким ҳар кун аталага қўшимча етмиш беш грамм нон ейишни истаса, бир қадам олдинга чиқсин!» деб буюрди. Етмиш беш грамм! Бу очликдан — бу ердаги кўп ўлимларнинг энг даҳшатли туридан қутулиш деган сўз эди. Лекин лагерда бундай мурувватнинг яхшиликка олиб келмаслигини ҳамма биларди. Ўзни тийиб қолиш жуда қийин бўлса ҳам, ҳеч ким олдинга чиқмади.

Офицернинг кўса башарасидаги пайлар ирғишлаб кетди. Кейин у очигини тушунтирди, бўлмаса ўзи танлаб олишини айтди. Биринчи бўлиб Матвей Лукични бармоғи билан туртди:

— Мана, сен! — деди соф рус тилида. — Барибир беш кунлик умринг қолган, нон еб қолсанг-чи. Э-ҳа, бўйинг кичкина, кучинг йўқ... — деб кулиб юборди у, ёнидаги солдатлар ҳам отдай кишнаб кулишди. — Зиёни йўқ, кўтарасан, у ерда кичкина ўликлар ҳам бор, болалар, инга-инга. — У икки қўлини бола кўтаргандай қилиб тебратди. Ёнидаги солдатлар яна қаттиқ хахолашди.

Менинг оёқ бўғинларим бўшашиб кетди. Фақат Зуммерга тикилар эдим: наҳотки чолнинг кўп болали, кўп неварали эканини, бола-чақа деса жонини берадиган одам эканлигини пайқаган бўлса?

— Бир қадам олға! — деб бақирди Зуммер чолнинг жағига бир мушт уриб.

Матвей Лукич бир қадам олдинга чиқди-ю оғзидаги қонли сўлагини лунжига тўплаб туриб, офицернинг башарасига тупурди.

Қарор қилди бечора, ўлишга қарор қилди. Бизга ҳамма вақт босиқлик, чидам тилаб юрарди, шу ерга келиб ўзининг чидами етмай қолди.

Кўкариб кетган офицер юзидаги қонли тупукни оқ шойи рўмолча билан артиб ёнидагиларга бир нима деди, солдатлар югуриб келиб Матвей Лукични судраб олиб кетишди. Уни дарвоза ёнидаги тиканли симлар орасидаги тор йўлакка, ўша ерга боғланган соқчи итлар олдига элтиб ташлашди. Итлар лунжларини кериб, одамга ташланишди. Лекин занжирлари қисқа эди, тумшуқлари танага сал теғарди-ю, тишлашга етмасди, шундай яқин, иссиқ баданга тишини ғарчча ботиropolмаганига баттар қутурган итлар, кўзлари қонга тўлиб, лагерни бошларига кўтариб узоқ ириллашди. Биттаси узилса ҳам бурда-бурда қилиб ғажиб ташлайди. Тавба, нима ўчи бор экан одамда буларнинг!.. Мен агар тирик қолсам, урушдан кейин ит деган махлуқни кўрарга кўзим бўлмаса керак...

Ўликдай оқарган кекса, тиканли симга ёпишганча, кечга қадар чидади-ю, кейин итлар олиб кетилгач, шилқ этиб лойга юзи билан йиқилди.

— Бу одамни эсингда тут, ўғлим, — деди у ўлаётиб, — урушдан кейин уларни суд қилишади. Сен ёшсан, омон қолишинг мумкин. Гувоҳ бўласан...

Бу менга жуда жўн гап, соддалик бўлиб туюлди. Аввало бу ердан омон чиқиш ҳақида ўйлаш ўзи соддалик. Борди-ю уруш тугаб, биз омон қолсак ҳам, бу ёиртқичларни суд-сўроқ қилиб ўтириш керакми?..

Мана, Матвей Лукичнинг ўрни бўш. Тунлари мен шу бўш ўринга қарашга қўрқаман. Бир кунмас бир кун менинг ҳам ўрним бўшаб, тахталари мана шундай совиб, намиқиб қолиши ҳеч гап эмас.

Одамлар кўк аталани ичиб бўлгандан кейин бит боқиб ўтириб мудраб қолишди. Тун қоронғи. Олдинда — суякка ёпишиб қолган кучсиз, қонсиз жисмининг азоби, чексиз мусибат, янги ўлимлар, очкўзлик билан яшил атала кутишдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Эрталаб кўз очиб, яна шу ерда эканингни ҳис қилиш... Ҳар кун эрталабки шу ҳис менинг илигимни қуритмоқда эди. Бир одамнинг жони бундай азобларнинг қанчасига чидаши мумкин? Агар мен бир вақт ёлғизликдан, ожизликдан нолиган бўлсам — унутинг, у хато эди. Энг даҳшатли ёлғизликни мен мана шу ер-

даги тунлар билан юзма-юз қолгандагина сездим. Атрофимда ётган одамларми? Тўғри, улар бор. Лекин уларнинг тошдек, жонсиз юзларида нурсиз кўзларигина заиф милтиллаб турибди. Булар энди одамлар эмас, кўзи билан овқат ва шафқат сўрайдиган таналар, холос.

Мен шу кунгача ўзимни ўйламас эдим. Сўнагул шу ердан чиқиб кетса, Сўнагул омон қолса деган бир умид билан сургалиб юрардим. Бу умид ҳам энди нурсиз шамдай пирпираб қолди. Кунни кеча бир соқчи хотинлар блокидан чиқиб шеригига бир нимани гапириб турганини эшитдим. Қулоқ солмас эдим, у 941-номери тилга олиб қолди. Бу Сўнагулнинг номери. Қулогим динг бўлди. Соқчи бармоғини чаккасига тақаб пармадай бураб кўрсатди-да, кула-кула шеригини етаклаб кетди.

Мен қоққан қоziқдай туриб қолдим. Сўнагул.. нахотки? Хотинлар барагининг деразаси олдида уч кун осилиб ётган жинни хотиннинг шамдай йилтиллаган сариқ юзи кўзимга кўриниб кетди. Бошим ёрилай даяпти. Йўқ-йўқ, йўқ-йўқ, деб қадам босаман, ҳеч нарса ни ўйлай олмайдиган бўлиб қолдим. Ўша кунни ишда йиқилиб қолай дедим. Бу жуда хавфли эди, энди ёнимда Матвей Лукич йўқ, касалсан деб карантинга олишлари мумкин. Йўқ, мен у ерга бормаيمان, бормаيمان, ўлимдан қўрқмайману, лекин карантин блокига бормаيمان. Ўзим ўламан, ўзим... Фақат Сўнагулни аниқ билай-чи.

Кечқурун лагерь ҳовлисида оҳак ташиётган бир тишсиз хотиндан «941»ни сўрадим. Хотин аввал «Танийсизми?» дегандай юзимга қаради, кейин аланглади.

— Йўқ, жинни эмас... назаримда, — деди дудмал қилиб, — фақат ўзи билан ўзи гаплашади. Кечалари ҳам пичирлагани-пичирлаган... Пойма-пой гаплар.

Ҳа, бу ерда ақлдан озиш ҳеч гап эмас. Одамлар ўзидан бошқани ўйлашмайди, юпатувчи, насихат берувчи йўқ. Изтиробда бирон нарса қилиб қўймасайди. Қани энди уни учратиб икки оғиз тасалли сўзи айтсам, сўлгин кўзларига қарасам, шўрлик манглайини силасам. Йўқ, бу ерда танишлик, хайрихоҳлик, умуман ҳар қандай туйғу дарров оёқ ости қилинади. Юрагимдагини пайқаб қолишса, инсонлик ҳиссини

тахқир этиш учун қизни эрмакка ҳам нобуд қилишлари мумкин.

Бир кун дарвоза олдида колончаларимиз учрашиб қолиб, Сўнагулдан соғлигини сўрашга журъат қилдим. Лекин у саволимга ёпишмайдиган гап билан жавоб берди:

— Дафтар ёнимда... — деб шивирлади. Унинг ёноқ суяклари туртиб чиқиб, юзи мумдай қорайиб кетган, сочига оҳак суркалаверганидан, бошининг баъзи жойларида териси шилиниб тушган эди, кўзи ҳам ғалати кўринди. «Дафтар...» Дафтарга нима бор! Бу ўша кечалари шивирлайдиган пойма-пой гаплардан бўлса керак. Сўнагул, шўрлик.

Шу кечадан бошлаб мен ўзимни ўйлай бошладим. Сўнагул ҳам нобуд бўладиган бўлса, энди мен ўзимни ўйлашим керак эди. Нажот йўқ, йўл йўқ, йўл тугади. Мен бир вақт сўқмоғим тугаб, катта йўлга чиққан эдим — бу йўлда ҳатто ўлиш ҳам шарафли эди. Бироқ бирдан қудуққа тушиб кетдим. Бу ерда чор атроф қора девор, ҳашаротдай ўлиб кетишдан бошқа нажот йўқ.

Мен Матвей Лукичдан қолган игнани ҳўл латтага санчиб қўйганман. У бир-икки кунда сап-сариқ бўлиб занглайди. Шунини қон томиримга санчсам... Осонгина...

Лўли ҳамон Зуммерни чавақлаб қочишини гапирди. У йирқичдан ўч олиш одамнинг кўнглига ўлим олдидан бўлса ҳам жиндек таскин бериши мумкин, лекин улар қийнаб ўлдиришади. Йўқ, бас, мен энди азобга қарши тикка қараб боролмайман. Улаётиб ҳам азоб чекким йўқ, етар, бир одамга етарлигини кўрдим...

Занглаган игнани Сўнагулга ҳам ўргатиб қўйиш керак эди... Карантинга олишмасдан бурун... Йўқ, мен нима деяпман? Бу — қора тундаги машъум ёлғизликнинг васвасаси, толиққан, ожиз миянинг алаҳлаши эмасми?

Сўнагул... Мен Сўнагулни яхши кўрармидим, ёки бизни олижаноб бир одамга — Мадали акага бўлган ихлосимизгина бир-биримизга боғлаб турармиди — ҳанузгача билмайман. Бизни боғлаган бу ҳис муҳаббатдан каммиди — ортиқмиди, буни севиб кўрган одам билади. Мен эса...

— Қоронғида калима келтиряпсанми, мусулмон?
Лўли мени мусулмон деб атарди. Бу шафқатсиз,
деярли хиссиз, шиддатли одамда ҳазил-мазах туйғуси
ўлмаганига ҳайрон эдим мен.

— Лўли, сен ростдан ҳам лўлимисан? — дедим.

— Қонимда бор.

— Кўз юмсам босинқираб қоляпман. Гапир.

— Нимани гапирай?

— Севганмисан? Муҳаббатдан гапир, — дедим
ўзим ҳам дафъатан.

— Иситманг борми дейман. Нойхауз лагеридан
қочганимни гапираман, қулоқ сол.

Лўли бирпас жим ётди, пешанасига тепиб чиққан
реза терни артди, кейин қўлини бош остига қўйиб
ётиб, секин бошлади:

— Ҳозир қаердалигимизни билмайман. Бунга қи-
зиқмай ҳам қўйдим. Лекин у вақт Қуйи Саксонияда
эдик. Трансатлантика истеҳкоми деган бир қурилишга
қўйишди. Иш ернинг тагида. Бир кечаю кундузда фа-
кат икки соат дам олинади. Одамлар тупроқ ичида
бир неча ойлаб ёруғликни, кўк юзини кўрмай кўр бў-
либ қолишади, кейин уларни тўда-тўда қилиб олиб,
ўликларини денгизга элиб ташлашади. Бир куни
кечқурун тахта омбор орқасида шундай олтига шўр-
ликни олишди-ю, кўп лагерлардан қочган «эски ка-
торжник» бўлганим учун йиғиштир ўликларни, деб
менга буюришди. Хўп, дедим. Ўликларни қопга солиб,
ё брезентга ўраб машинага ортиш керак эди. Бештаси-
ни шундай қилиб ордим. Шофер билан навбатчи унтер
машинанинг олд томонида сигарет чекишяпти. Қош
қорайиб қолган. Омборнинг тахтасини секин қайириб
олтинчи ўликни ичкарига тикдим-да, қонли қопга
ўзим кириб олиб, машинадаги ўликлар ёнига чўзи-
либ ётдим.

— Мана, бўлди, мен кетдим, гер офицер! — деб
қичқирдим.

— Боравер, — деди.

Навбатчи келиб қопларни санади. Машина жўнаб
кетди. Ун беш-йигирма минутдан кейин машина кузо-
вини тўнтариб, жар тепасидан мени ўликлар билан
бирга «шувв» этиб денгизга ағдаришди. Беш-олти метр
теранликда қондан зўрға қутулдим. Бу ерга кўп ўлик-
лар ташланишини билиб, ўрганиб қолган акулалар

оёқ учимдаги қонли қопни дарров илиб олиб, титиб кетишди. Яранг бўлмаса, қон ҳидидан холи бўлсанг бу йиртқичлар қувламайди. Фашистни алдаган, буларни алдай олмайманми! Нафасим битди деганда сув юзидан лип этиб бошимни чиқарсам, олам қоронғи, ҳеч ким йўқ, денгиз уфқи салгина қизариб турибди, ҳамма ёқ ҳаво, ҳаво, ҳаво тиниқ, соф.. Э, мусулмон, оғайни, сен бундай дамнинг баҳосини билмайсан! Мен у билан яна бир марта учрашаман, албатта учрашаман, кейин ўлсам майли.

Ўрнимдан туриб ўтириб Лўлига тикилиб қолдим. Мен бу ёвуз қиёфали, аламдаг куйгандай қоп-қора юзли, шиддатли одамнинг юрагида бу қадар туйғулар, бу қадар софлик, бу қадар куч борлигини билмас эдим. Ундан менга бир нима юққандай бўлди. Иш вақтида унинг ёнида бўлгим келар, кечаси у билан ёнма-ён ётганим учун дармонсиз баданимнинг зирқирашини сезмас эдим.

— Гапир оғайни, — дердим.

— «Гапир», — гапириш осон, — дерди у. — Ҳар ким ўзи билиши керак. Кўпчилик билан қиладиган иш эмас. Ўзинг бил. Ўлсанг ҳам ўзинг, қолсанг ҳам ўзинг. Худонинг олдида бўйнингда бировнинг тово-ни йўқ.

Лўли айтган ўша бебаҳо дам менинг учун ҳам жуда узоқларда милтиллаган чироқдай бўлиб қолди. Гўё бутун олам, бутун ҳаёт ўша чироқнинг хира шуъласида мужассам эди. Тўғри, мен энди ҳеч кимга керак эмасман. Қудуққа тушиб кетган одамман. Мени ҳеч қаерда, ҳатто ўз юртимда ҳам биров кутаётгани йўқ. Фронтдагиларни кутишади, ҳатто ўлганларни ҳам кутишади. Лекин бизни...

Шундай бўлса ҳам, ақалли ўлганлар олдида ўзимни оқлашим, ёруғ дунёда бирон ишга ярашим мумкин, ахир. Ҳозир тирик эканман, бу фақат ўша ҳалок бўлган танишларим, дўстларим туфайли-ку.

Лўлининг қочиб пайти кўз олдимдан кетмай қолди. Игнани ҳўл латта ичидан олиб синдириб ташладим. Қочиб ҳақида ўйлаш менга асабий бир дард бўлиб қолди, тушимда алаҳлаб бир нарса гапириб қўймасам бўлгани. Ҳеч ким билан, ҳатто Лўли билан ҳам гаплашмай қўйдим. Ишда ёмғирда қоламиз, одамлар лойга ботиб кўкариб дилдирашади, мен бўлсам

теш бўлиб қотгандай, сезмайман, фақат ўйлайман. Кечаси одамлар ўликдай ухлашади, баъзилар эрталабгача шамдай ўчиб ҳам қолади, уларни кўз олдимизда судраб чиқиб, ўрнига оҳак сепиб кетишади, мен бўлсам, кўрдай бефарқман буларга, фақат ўз ўйим қийнайди. Одамлар бит боқади, каламуш қувади, қандалага сув сепиши, мен бўлсам, худди қоним йўқдай, ҳеч нарса сезмайман.

Режа пиша бошлади. Бу унчалик ноёб режа эмас, Лўлиникидан кўчирмароқ бўлса ҳам, мени тамом қамраб олган эди. Биров билан ишим йўқ, асабий ўй билан бандман. «Ўзим, фақат ўзим...» деб пичирлайман кечалари ётган еримда.

Режам бундай эди: карантин блокадаги касалхонада елкамдаги ярага қорамой суркайдиган бир кампир бор. Дастлабки кунлари очиқ ярага суркаган «малҳам»идан додлаб юборардим. Ушанда айтган бир гапи ёдимда: «Биз қариялар ўлсак ҳам, сизлар яшашларингиз керак» деган эди кампир. Нима демоқчилигини билмайману, ўша гапининг оҳангидан «кампирга ишонса бўлар экан» деб қўйган эдим. Касалхона койкасида ҳар кун одам ўлади. Касал бўлиб карантинга тушсаму, кампир ўша ўлганларнинг биронтасининг ўрнига мени замбилга солиб кечаси ўликхонага чиқартириб ташлатса. Уликлар карантин блоканинг орқа ҳовлисида, уларга қоровул қўйилмайди... У ёғи тун, жарлик.

Энди фақат кампирни кўндириш, касалхонада карточкаларни, номерларни қандай чалкаштириш кераклигини тушунтириш қолди, холос.

Режам мана шундай пишиб қолган эди. Бир куни кечқурун ёнимдаги Матвей Лукичнинг жойига латтапуттасини қўлтиқлаб бир одам келиб ётди.

— Ҳа? — дедим.

— Назоратчи билан келишдим, у ёқда чакка ўтяти, — деди.

«Назоратчи билан келишдим...» Айғоқчи бўлмаса. Уйқумда босинқириб бир нарса гапириб қўймадиммикан? Босинқирасам Лўли айтарди, унинг уйқуси сергак. Лўлининг ўзи-чи? Борди-ю унинг ўзи... қочиш ҳақида ҳикоялар тўқиб мени синаш учун қўйилган бўлса? «Лагерда айғоқчи кўп, босиқ бўл!» дегувчи эди марҳум Матвей Лукич. Мен бўлсам... Асаб ёмон,

асаб қақшаган. Мана ҳозир ҳам манави келиб ётди-ю, ҳамма ёғимни тер босиб кетди.

Биринчи куни у шифтга қараб ётиб беозоргина пишиллаб ухлади. Юзи силлиқ. Лагерда тунука-пункани тошга чархлаб соқол қириб юрадиганлар ҳам учрайди-ю, улар жуда оз. Бу ўшандайлардан экан. Анча ёшга борган, юзининг териси суягига ёпишиб кетган бўлса ҳам, асаби жойида кўринади.

Иккинчи куни анчагача ухламай, ўсиқ қошини мўйловга ўхшатиб бураб ётди-да:

— Отинг нима? — деб сўради.

— Номерим бор, биласан, — дедим яқин йўлатмай.

— Менинг отим Семён, — деди. Шу билан шу куни бошқа индамади.

«Семён» — ўзимизнинг соф рус исми. Бу ерга келганимдан бери одамларнинг исми борлигини унутмаётган эканман. «Семён» — қандай илиқ. Қани энди ўзи ҳам яхши одам бўлиб чиқса. Ҳисларимни уйғотиб, кўнглимга қўл солишга уринаётган аблаҳ бўлса-чи?

Қирда аравамиз лойга ботиб қолиб, ахлат бочкасини елкамиз билан итараётганимизда Лўлидан сўрадим:

— Янги қўшнимизга нима дейсан?

Лўли қўл силтади:

— Бунақаларни кўп кўрганман. Ўзингни бил дедим-ку.

Ўша куни, нима ҳам бўлди-ю, фольваркда бир бочкани бўшатиш Семён иккаламизга қолди. Шунда менинги ҳам, соқоли қирилгани билан, тирикчилиги худди меникидай аччиқ азобдан иборат эканини пайқадим. Оёғининг териси шилиниб кетган, пайтаваси музлаб қизил гўштига ёпишар, туманли эрталари эса уни шундай йўтал тутардики, қараб турган одамнинг ҳам ўпкаси тилкаланиб кетаётгандай бўлар эди.

— Офицермисиз? — деди у якка қолганимизда бирдан сизлаб.

Мен, эҳтиётдан, индамадим. Билармикин, ё тахминан қармоқ ташлаётими? Назаримда биларди. Биларди-ю менга ишонинқирамасди. Биз икковимиз ҳам бир-биримизга ишонмасдик.

— Ер зап билқиллаб тўлищади-да, буни ўзига сингдиргандан кейин, — деди у сассиқ ахлатни ағдараркан.

— Хурсандмисиз дейман бу ҳақирликдан? — дедим мен ҳам сизлаб.

— Нега? Ҳар ҳолда, кучимизни ерга тўқяпмиз... Ер инсонга ризқ туғади.

Мен унинг гапини қандай баҳолашни билмадим. Бир оз жимликдан кейин ўзи давом этди:

— Яқинда орамиздан қурилишга одам олади дейишади, ана у бошқа гап,

Қандай «бошқа гап», нима демоқчи?

— Қанақа қурилиш?

— Қанақа қурилиш бўларди! Колхоз маданият саройи эмас албатта. Хурсандмисан, дедингиз! Ҳозирча қўлимиз б... бўлса ҳам, виждонимиз пок. Қурилишга олса-чи?

Шу гап билан Семён менинг фикри-зикримни бошқа бир чигал муаммага банд қилиб қўйди. Ҳақиқатан фашист ҳарбий аэродроми қурилишида ишлаётган бир команда ўзимизнинг лагерда ҳозир ҳам бор. Шундай бевосита ўзимизникиларга қарши ишлаш хавфи тўғрисида гапирди Семён. Чиндан ҳам, унда ҳозирги азоблардан ҳам оғир виждон азобига чидаш керак бўлади. Чидаш... Яна чидаш! Йўқ, Семён билан яна гаплашиш керак, у юрагимга гулгула солиб қўйди. Лекин нима ўйи бор, нимага ишонмоқда? Албатта хатарсиз йўл йўқ. Шундай бўлса ҳам...

Мен аввалги режаларимни ўйламай қўйдим. Улар Семённинг гаплари олдида аллақандай бачкана кўрина бошлади.

— «Ўлсам ҳам ўзим, қолсам ҳам ўзим» дегин? — деб Лўлига гап қотди Семён кечаси ўрнига ётаркан.

— Менга қара, — деди Лўли кўзи ўйнаб, — сен одамнинг кўнглига чўп суқма. Сендақаларни кўрганман, Дахауда бир «Амаки» дегани шунақа пичирлашиб юриб қўлга тушиб, эликта одамнинг уволига қолди, ўзи балки ўшаларнинг соясида қочиб қутулгандир, лекин эликта одамни ит билан тутиб келиб отиб ташлашганини ўз кўзим билан кўрганман.

Семён индамай қолди. Нега индамай қолди экан? Лўлининг гапи тўғри, албатта. Лекин мен Семённинг қарши гапиришини истардим. Бунга қарши гапириш учун унда гап борга ўхшарди назаримда. Лекин у индамади.

Шундан кейин у кечалари фақат менга қараб гаширадиған бўлди, Лўлидан яширмайди-ю, ўзига бир нарса демайди. Наҳотки ундан кўнгли тўқ бўлса?

Бир куни иш вақтида ўзимни унга яқин олиб, огоҳлантирдим:

— Лўлидан эҳтиёт бўлишингиз керак.

— Эҳтиёт яхши,— деди Семён рўмолчасига туфлаб. Унинг тупуги қизғиш эди.— Лекин Лўлига ишонмасам, сизга ишонмасам... унда нима бўлади?— Кейин у ортиқчароқ гапириб қўйганини пайқагандек, гапни дарров бурди.— Қизиқ йигит у. Яхши лекин. Мард.

«Унда нима бўлади?» дерди. Ҳозир-чи, ҳозир нима бўляпти? Наҳотки Семён Лўли айтган даҳшатли ишга таваккал қилган бўлса? Ундай бўлса менга ёндашиб овора бўлади.

— Фронтдан хабарингиз борми?— деди у бир куни далада.

— Уч ой олдингисини билардим,— дедим.

У бўғинлари қизариб қотган бармоқлари билан қороз йиртиб, дарахт пўстлоғидан туюлган «тамаки»дан ўрай бошлади. Кейин қоғозни менга бериб «тамаки» тутди.

— Четидан йиртинг, қолганини чўнтакка солинг,— деди чирик ўпкасига тутун тортиб.

Бу исқирт, гижим қоғозга ёзилган немисча сўзларга кўзим тушди.

— Нима бу?— дедим кўз қирим билан чет-четга қараб.

— Зуммернинг хотинига ёзган хати. Немисча тушунасизми?

— Озроқ.

— Ўқинг. Ишонган одамингизга кўрсатиб тушунтиринг.

Бошим қотди. Шошиб қолдим. Биткўзнинг хатида нима бўлиши мумкин? Ишонган одамим ким?

— Ишонган одамим йўқ,— дедим.

— Лўли-чи?

Тушда ҳожатхонага кириб хатни ўқидим: «Жонинам, сен уларнинг қўлида қолмаслигинг керак,— деб ёзар эди Зуммер.— Шу ҳафтанинг ичидаёқ ғарбга кўч. Адресни Куртларга айтиб қўйсанг бўлади, мен уларнинг биронтасини албатта топаман. Жиласни қолдирма, унга янги бурундиқ нўхта ол...»

Демак, бизникилар Германия тупроғига кириш олдыда. Лагерь ихотасига кирар эканман, ўзимнинг қиёфамдан қўрқардим, жуда ўзгариб кетган бўлсам керак, бунга битта-яримтаси эътибор қилиши мумкин. Калламга аллақандай ўйлар келади: ётиб қолмасайдим, касал бўлмасайдим. Энди бирон бемаъни тасодиф, бирон эҳтиётсизлик қурбони бўлиб кетиш жуда алам қиларди. Атрофимдаги одамларга қарайман. Семён у хатни менгагина кўрсатган бўлиши мумкин эмас. У балки бундан каттароқ иш ҳам қилаётган бўлиши мумкин бу одамлар билан. Мен чала ўлик соялар деб ўйлаган бу одамлар энди кўзимга бошқача кўриниб кетди. Ҳар бирининг юрагида бомба бордай...

Семёни баъзан кундузлари кўрмас эдим. Аллақайларда юради шилинган оёғини судраб.

Кечаси очигини сўрадим:

— Шундай пайтда таваккал қилиш... Нобуд бўлиб кетсанг алам қилади,— дедим.

— Таваккал эмас. Кураш. Кураш хавфсиз бўлади-ми? Фронтда хавф йўқмиди?

— Фронт бошқа гап. Бу ерда кўпчиликни хавф остида қолдириш...

— Назаримда мен Лўлини сизга топшириб чакки қилибман. Сиз ўзингиз унинг таъсирида экансиз.

«Топшириб» деди у. Демак, бошлигимиз шу. Демак, бизни, яна кимларнидир бир тақдир ипи боғлапти. Кимлар? Кўпми? Ҳам қўрқаман, ҳам билгим келади. Семён билан гаплашгим келади. У кўп гапни билади, кўриниб турибди. Менинг офицерлигим, Зуммернинг хати... Кураш дейди-ю, унинг ишидан даҳшатли хавфга қарши тик бориш каби фидойи бир таваккал ҳам йўқ эмас.

— Лўлининг режаси — мана буни таваккал деса бўлади,— деди Семён.— Якка қочиш ҳатто шу ерда ҳам қўрқоқликка киради, оғайни. Бизнинг йўлимиз қирқилган эмас, йўл давом этади. Улар бизни нега таҳқирлашади, нега ўлдиришади? Таҳликадан. Интиқом даҳшати таҳликага соляпти уларни. Улар биздан қўрқишади! Ҳа! Қўрққанидан қутуради, қўрққанидан ўлдиради! Биз дармонсизмиз, биз чалажонмиз, лекин улар биздан қўрқишади. Чунки биз шу ерда ҳам совет кишиси бўлиб қолдик, биз ўлмоқчи эмасмиз, улар бизнинг ҳаётга бўлган иродамиздан даҳшатга келишади.

Биз ҳали уюшганимиз йўқ, лекин улар бизнинг уюшишимиз эҳтимоли борлигидан аллақачондан бери титроқда.— Семён бошини кўтариб менга қаради.— Лекин ухлаш керак. Сиз бир неча кечадан бери ухламаяпсиз. Ҳозир айниқса яхши ухлаш керак, Ахмед.

Мен ўз отимни неча ойлardan бери биринчи эшитишим. Бу илиқ инсонча сўзлардан ажабланиб қолдим. Одамлар бундай муомалани тамом унутгандир, деб ўйлар эдим. Семённинг ҳамма гапи ўз кўнглимда бор фикрлар, бор туйғуларга ўхшаб кетди, фақат улар ҳаммаси тинимсиз азоб ва таҳқирлар, даҳшат ва уқубатлар музи остида ерга қориштирилган, кўмилиб кетган экан.

Энди мен ҳамма нарсага, биринчи кўраётгандек, тикилиб қарайдиган бўлдим. Учраган ориқ, заиф аянч одамларга тикиламан: Семённи билармикан булар! Буниси-чи, Семённи танирмикан?

Бараклардан далага чиқиш танага, ўпкаларга бир оз ором берадиган бўлиб қолди. Ҳаво илиқ, мўл. Дилдираб сассиқ кўрпанинг хаёлини сурмай, тиниқ осмонга истаганимизча тикиламиз, узоқларда баҳор нафаси кезади. Кунгайроқ жойларда заиф ва сийраккина бўлса ҳам ўтлар кўкариб, кўзни аллалайди, юракни талпинтиради. Ҳатто ўлик ёндириладиган жарнинг қиялигида ҳам ўт кўкарибди. Энди бу кўк шарпа баҳор тошқинидек босиб келаверади. Биткўз уни тўхта-толмайди, осмонга тахта ҳам қоқилмайди, майсани ҳам юлиб тугатолмайди...

Шунинг учун у баттар қутурмоқда, кун сайин қонли жиноятлар ўйлаб чиқармоқда. Яқиндан бери янги офицерлик унвонини олиб, штурмбанфюрер бўлиб қолди. У лагерда одамни камайтиришга шошаётгани биллиниб турар, бекордан-бекорга отар, осар эди. Немисларни «озод» қилиб, лагерь, дарвозаси олдидаёқ СС формасини кийгизиб фронтга жўнатишди. Бундай «озодлик»ка кўнмаган ватандошларини биткўзнинг ўзи отиб ташлади. Энди ишга чиқишга унча аҳамият берилмас, ҳамма механизм «ҳушёрлик»ка сафарбар этилган, тахланган ўликларни тезроқ ёндириб битиришга шошилар эдилар. Бу талвасалардан, биз ҳам фронт яқинлашиб қолганини сезардик. Семён немиснинг табиатини билади, сиёсатга ҳам ўткир. У, менингча, тўғри тахмин қилди: штурмбанфюрер бизникилар келгун-

ча лагердагиларни тамом қириб, жинойт изларини супуриб қўйиш ҳақида буйруқ олган бўлиши мумкин.

— Бир нарса қиладиган бўлсак шошишимиз керак! — дейман Семёнга. Менинг ундан умидим жуда катта, тўғриси — бирдан-бир умидим ундан эди. — Сизда бирон аниқ режа борми ўзи?

Семён жилмайди. У мени топганидан, менинг эътиқодимдан хурсанд эди.

— Неча киши билан гаплашдингиз? — деди.

— Ўн бир киши.

— Номерларини биласизми?

— Биладман.

— Демак ҳаммаси бўлиб... етмиш олти киши бўлди рўйхатда.

— Рўйхат ҳам борми?

Семён яна жилмайди. Сезиб турибман: у ўзининг хатарли ишида бутун вужуди билан ёнмоқда эди. Шошиш кераклигини ҳам биледи. Бироқ ҳали нимадир пишмаган, нимадир уни қийнайди: уйқусиз, чарчаган кўзларида баъзан шундай чўғ ёнадики, мен ундан қўрқиб кетаман.

У бир неча ойдан бери жуда эҳтиёт билан синчиклаб одам танлар, туну кун хатарда асаблари таранг, толиққан эди.

— Камида юз киши бўлиши керак. Лекин яна йигирма-ўттиз киши топиш жуда хавфли. Лўли нима дейди?

— Тилдан қолгандек, индамайди... Лекин кўп ишингиздан хабардор.

Мен пайтдан фойдаланиб, Семёндан Сўнагулни ҳам уюшмамизга қўшиб олиш учун яна рухсат сўрадим.

— Соғлиғи қалай? — деди.

— Уша-ўша. Ўзи билан ўзи гаплашармиш...

Семён ўйлаб турди-ю, бу сафар ҳам аниқ жавоб бермади.

Вазият чиндан ҳам жуда хатарли эди. Ахир бу етмиш олти кишининг биронтаси тушидами, ўнгидами бир оғиз ўринсиз гап айтиб қўйса, бу йиртқичларга калаванинг учи бўлади. Биткўз ҳозир бутун лагерни қириб ташлашга жиндек баҳона тополмай жазаваси тутиб юрибди.

Бир куни кечаси Лўли ётган сўрасининг тагидаги

тупроқни тирноқлари билан кавлаб, ундан бир шиша-ча олди-да, Семёнга узатди.

— Бу нима? — деди Семён.

— Сирка.

Семён ҳидлади, чайқади. Уйлаб ётди.

— Ҳа, астойдил ўйлаган экансан, — деди у шишага ўйчан тикилиб.

Мен уларнинг гапини кейин тушундим: тажрибали қочоқлар искович итларни чалғитиш учун, изларига сирка сепар эканлар. Лўли сиркани қаердан топган, бу тинтувлардан қандоқ олиб ўтган — билолмадим.

Семён шишани қайтариб бермоқчи эди, Лўли олмади.

— Илтимос — фойдаланинглар, — деди ғамгин товуш билан.

Семён тирсағига таянди, менинг устимдан Лўлига эгилиб:

— Ўзингиз-чи? — деб сўради.

— Манави биткўзнинг шарпаси кўз ўнгимда ликиллагани-ликиллаган. Нуқул одам ўлдиришни ўйлайман. Кўпдан бери бировга яхшилик қилганим йўқ. Балки охириги яхшилигимдир — олинглар, илтимос.

— Савоб истайсиз?

— Йўқ, виждондан бўлак худони, бир зум озодликдан бўлак жаннатни тан олмайман.

Унинг ғамгин товуши Семённи ҳам юмшатиб юборди.

— Бизга бу шиша эмас, ўзингиз керак эдингиз, биродар, — деди у. — Истасангиз бирданига юзлаб одамга яхшилик қилишингиз мумкин эди.

— Юзлаб?

— Юзлаб!

Отхонадек узун баракда бировнинг гапини биров эшитмас эди: туни билан одамлар ғимирсиган, қанда-ла ўлдирган, тинимсиз йўтал, инграш, хуррак, сўкиш. Қўшниларим бир соатча жимликдан кейин, ярим кечада яна гап бошлашди:

— Биткўзни йўлдан олиб ташлаш бизнинг ҳам режамизда бор. У бор жойда қимирлаш қийин бўлиб қолди, — деди Семён.

Лўли ялт этиб бошини кўтарди.

— Менга топширинг! — деди у қатъий талаб оҳангида.

Мен Семённинг усталигига қойил бўлиб ётибман: бошқа ҳеч нарсага ишонмаганда ҳам, Лўлининг биткўзга бўлган ғазабига аниқ ишониш мумкин эди. Семён Лўлини ўзимизга яқинлаштиришни худди шундан бошлади.

— Бизнинг фикримизга қўшилмайсиз, сизга қандай қилиб иш топширамыз?— деди Семён ўсмоқчилаб.

— Охирги марта, шу аблаҳни бўғизлай деган эдим,— Лўли ҳамон ғамгин гапирар, кейинги кунларда у анча ўзгарган эди.— Кейин ўзим ўлсам ҳам одам ўлдирмайман. Жонга тегди...

— Одамнинг одами бор, дўстим. Балки ўлдиришга ҳам тўғри келар,— деди Семён,— лекин бу жаллодни ўзимиз эмас, ўзига ўхшаганларнинг қўли билан йўқ қиламыз.

Лўлининг кўзлари ёниб кетди, энди у Семёндан кўпроқ фикр эшитгиси келар, ҳар сафар унинг гапини тинглаб тўймагандай бўлар эди.

Лекин Семён қалтис ва оғир тадбир ўйлаган эди. Мен бунини ҳам кейин билдим: ўша кунларда немис офицерлари ичида умидсизлик, талваса, ўз-ўзини ўлдириш, хизматдан қочиш. Гитлернинг ўзига қарши фитна уюштириш, русларга ўтиб кетиш сингари ҳоллар авж олган. Шунинг учун фашист қўмондонлиги ҳамма офицерларини «қасам варақаси»ни имзолашга мажбур этган. Бу варақада тахминан бундай дейилган экан: «Қўмондонликнинг қуйидаги огоҳлантиришидан хабардорман: агар душман томонга ўтсам ёхуд шу ҳақда ният қилсам бутун уруғ-аймоғим — ота-онам, хотиним, болаларим, қариндошларим ҳаммаси отиб ташланади. Қасам ичаманки...» Бу қасамдан сўнг отилиб кетиш осон, қиттак шама бўлса бас эди. Ўша кезлари қирқ минглаб немис офицерлари трибунал ҳукми билан қатл этилибди.

Семён биткўз штурмбанфюрернинг ҳам шундай варақага қўл қўйганидан хабардор экан.

— Аввал мана бу хатни комендатура йўлагига ташлайсиз,— деди у Лўлига.— Бундан иш чиқмаса, бошқа чора кўрамыз.

— Бўлгани шуми?— деди Лўли.

— Ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Юзлаб дўстларингизнинг тақдири сизнинг қўлингизда.

Лўлининг юзида бундай олижаноб ҳаяжонни сира кўрмаган эдим. У немис тилида штурмбанфюрер Зуммер имзоси билан бошқа бир немис офицери номига ёзилган хатни қўлқоп билан тутиб, жулдур кийимининг қайси бир жойига яширди. Хатда «руслар томонига ўтиб кетиш ҳозир бирдан-бир нажот йўли» эканлиги ҳақида фикр юритилар эди.

Лўли вазифани жуда ўрнига қўйиб бажарди. Ҳақиқатан ҳам, уч-тўрт кун ўтмай, лагерда биткўзнинг машъум қораси кўринмай қолди. Биз анча эркин нафас олдик. Одамлар очликдан ҳолдан тойганларга, яраси очилиб ўрнидан қўзғалолмай ётганларга ёрдам қилардилар, очиқ инсоний муносабатлар, аянч юзларда жиндак илиғлик сезила бошлади. Биз бир иш қилаётганимизни ҳис этиб, анча тетиклашган эдик. Энди ҳамма ишни Семён, Лўли, учаламиз маслаҳатлашиб қиламиз.

У Семёнга катта таянч бўлди. Хотираси, зеҳни, кўзи ўткир, қотма, ориқ, серсуяк бўлса ҳам, чарчамайдиган, ажойиб чидамли бу одам Семён олдида ўзини негадир ўтмишидаги бебош, фойдасиз, лекин хатарли таваккалчиликлари учунми, айбдордек ҳис қилар, у буюрса ҳатто ўлимга ҳам тайёр эди.

Бир куни у тиртиғи кўкариб, ҳовлиқиб келди-да, Семённинг билагидан маҳкам ушлади. Биз офтобда исиниб ўтирган эдик. Кундузи бирга юрмаслик ҳақида қаттиқ оғоҳлантирилган бўлса ҳам, Лўли телбадек маҳкам ёпишди.

— 303-борми рўйхатингизда? — деди бировга эшитирмасдан.

— Кечаси гаплашамиз,— деди Семён. Биз тарқалдик.

303-бор эди рўйхатда. Бу унча қари бўлмаса ҳам букчайганроқ, бурни катта, муомаласи яхши, ўзи доим йўталиб юрадиган, касалманд бир асир эди. Лўлнинг нима дард чалди? Ҳовлиқиб нима демоқчи? Асабий бир саросима билан кунни зўрга кеч қилдик.

— Тамом, ҳаммамизни тутиб беради! — деди Лўли кечқурун сочини юлгудай бўлиб.

— Ҳовлиқмасдан гапир,— деди Семён. У ҳам фалокатни сезар, вужудини совуқ титратгани биллиниб турарди-ю, бор кучини йиғиб оғир бўлишга уринарди.

— Мен уни қўтир итдек танийман!— давом этди Лўли.— Лагердан лагерга ташлашади буни. Тирик экан-а, қаранг! Дахауга власовчилар келганда биринчи бўлиб «рус озодлик армияси»га ёзилган бу аблаҳ. «Россияни нима қилдинг большевик сотқинлар!» деб нутқ сўзлаган. Мен сизга айтган...— Лўли юзини четга олди, овози чўкиб кетди,— ўша «Амаки»ни элликта одами билан бирга шу тутиб берган эди.

— Хў-ўп...— деб қўйди Семён ўзини босиш, ёниб кетаётган калласида фикрини бир жойга тўплаш учун. Лўли бўлса давом этарди:

— Тирик экан-а қаранг! Улдирадиган бўлишган эди буни.

Биз жим қолдик. Семёндан бирор гап кутардик. У ҳам индамади. Тагимизда тахта ёниб кетаётгандек эди. Нега индамайди Семён? Тепамизда ўлим соя солиб турганини наҳот билмаса! Бутун лагерь қонга беланади. Балки ҳамма ишимиздан аллақачон хабардордир улар. Балки у газанда эртага... балки ҳозироқ...

— Семён!..

Мен қаттиқроқ гапирдим шекилли, Семён уйқусирагандек «жим» деди. Унинг овози бепарво эди. Бу яхши. Семён бепарво бўлса мен қўрқмайман.

Бироқ эртасига тушга бориб, лагернинг қоқ ўртасида муштлашиш бошланди. Кўзларимга ишонмадим: муштлашаётганлар ичида Семён ҳам бор эди. «Демак, тамом бўлибмиз...» дедим пешонамдаги совуқ терни артгани мажолим етмай. Қаёқдандир Лўли пайдо бўлиб, у ҳам аралашиб кетди муштлашишга. Семён кимнингдир тепкисидан букчайиб қолди, азобли йўтали тутди. Қандай қилиб бориб қолганимни билмайман. Семёни тепган асирга бориб ёпишдим, кучсиз қўлларим билан башарасига тармашдим. Қарасам, бу ўша... 303-нчи! Лўли келиб иккаламизни бараварига савалаб кетди.

Энди менга барибир эди. Хоинни бу йўл билан йўқ қилиш мумкин эмаслигини, мумкин бўлса ҳам маъносиз, ўзимизни тутиб беришдан иборат эканини Семён биларди албатта, лекин унинг бардоши етмаган, каса т нарса ўзини тиёлмаган. Соқчилар, соддатлар етиб келди. Мен яраси шилиниб кетган бошимни ушлаганга серрайиб туравердим. Энди менга барибир эди. Одам ўлимни бўйнига олса ҳиссиз бўлиб қолар экан.

Бизни, муштлашганларни, карцерга олиб кетишди. Бошим зингиллайди, кўз олдим қоронғи. Орқадан темир эшик ғирчиллаб ёпилди, пўпанак иси келган заҳ ҳаво димоққа урилди. Бетон деворга қоқилган темир каравотлардан бирига зўрға етиб олдим. Тепамда итнинг бурундигидек сим тўр кийгизилган қизғиш лампа ёнар эди. Анчадан кейин кўзим қоронғига ўрганди. Карцерда беш киши эдик. Семён, Лўли, 303-нчи, яна бирини танимадим. Шунинг учун Семён билан Лўлига бир нарса демай, бетон деворга суяниб кечгача ўтирдим. Ҳамма жим, кўкарган, қонаган жойларини ушлаб, артиб, нафас ростлаб, бир нарсага қулоқ солаётгандек бурчақ-бурчақда турар эди. Балки ажал шарпасига қулоқ солишаётгандир. Бизни энди нима қилишади, қачон...

Ярим кечага бориб, ҳалиги юзини соқол босиб кетган чуваккина нотаниш одам, мажлисдагидек томоқ қириб:

— Уртоқлар, — деди.

Мен галати бўлиб кетдим, бу сўз, унутилаёзган бу ажойиб илиқ, таниш, пўлатдек қаттиқ, соф сўз бу бетон қудуқни ёритиб юборгандай, ўлим шарпасини узоқларга қувлагандай бўлди. Мен ўрнимдан турдим.

— Биз ҳозир хоинни суд қилишимиз керак, — деди нотаниш.

Нариги бурчақда тиззасини қучоқлаб ўтирган «303-нчи» бирдан ўликдай оқариб, ҳаво етмай бўғилиб кетаётгандек оғзини очди.

— Ўлим газандага! — деди Лўли.

— Ўлим! — деди Семён.

«303-нчи» тутқаноғи тутгандай, оғзи кўпикланиб, титроқ қўлларини чўзди:

— Биродарлар! Мен... ўзим билиб ҳеч иш қилган эмасман... биродарлар.

Лўли уни елкасидан босиб ўз бурчагига ўтқазди-да, ўзининг катта, суяк қўлларини ёнбошига ишқаб, артиб қўйди. Мен кечага муштлашишнинг атайлаб уюштирилганини, лагерда Семёндан ҳам каттароғимиз борлигини энди пайқаяпман.

Бу одам қонун-қондасини келтириб, уч кишидан иборат суд составини сайлатди, кейин Лўлига гувоҳ сифатида сўз бериб, хоиннинг ҳамма жиноятларини бўйнига қўйди. 303-нчи, фамилияси Лиходеев экан,

маргимуш еган каламушдек икки букилиб қолди, кўзларини бақрайтириб дам биримизга, дам иккинчимизга қарар, титроқ бармоқлари ниқоб учун кийилган йўл-йўл лагерь кўйлагининг ёқа тугмаларини тимирскилар эди.

Жиноятларини бўйнига олгани учун, хоинни қатл этишни унинг ўз ихтиёрига топширишга ҳукм қилдик. Ҳукмни нотаниш ўртоғимиз — суд раиси — Ватан номидан эълон қилди. Лиходеев полда ҳар биримизнинг олдимизга эмаклаб келиб, бўғилган овози билан: «Биродарлар, мен сизларга ҳеч нарса қилганим йўқ, раҳм қилинглар, жон биродарлар, ватандошлар!» деб хириллар эди.

— Ол заҳарингни, Лиходеев! — деди Семён. — Хўжайинларинг сендайларни ёллаганда ҳар эҳтимолга қарши албатта заҳар шишаси беришини яхши билемиз.

Семённинг тажрибасига, оғир вазиятларда тезда бир қарорга кела билишига мен ҳар қадамда қойил қолардим. Чиндан ҳам, Лўли хоиннинг ёқаларини пайпаслаб, заҳар ампуласини топди.

— Мана, ҳеч бўлмаса инсонча ўла билишингни кўрсат, хоин! Буни бекорга олиб юрибсанми?! — деди заҳарни унга узатиб.

Лиходеев бурчакка тиқилиб, қалт-қалт титрар, телба кўзлари билан Лўлига тикилар эди.

— Ол дейман!

Эртасига навбатчи фельдфебель заҳар ичиб ўлган Лиходеевнинг жасадини икки ағдашиб кўрди-да, олдириб чиқиб кетди. Уша кунларда бундай ампула синигини чангаллаб ўлганлар ёлланган хоинлар ичидагина эмас, немис офицерлари орасида ҳам янгилик бўлмай қолган эди.

Биз «муштлашганимиз учун» тўрт кун карцерда ётиб, очимиздан ўласи бўлиб чиқдик.

Биткўз тирик бўлганда бизнинг қайтиб чиқишимиз амри маҳол эди албатта, уни ўз вақтида йўқ қилган Семёнга яна қойил бўламан.

Мана бу газандадан ҳам қутулдик. Энди нимани кутаётган эканмиз? «Кўпчиликни ҳарбий заводга олиб кетар экан», деган миш-миш ҳам тарқалди. Шундай безовта кунларнинг бирида Семён ниҳоят бизга режани эълон қилди. У соддагина эди. Тунлардан бирида

хотинлар блокининг орқа томонидаги симларни қирқиб, бир юз етмиш икки кишини тоққа қочириш мўлжалланади. Тоғда чех партизанлари огоҳлантирилган. Одамларни қочириш олдидан қопқа томонда саросима қўзғаб, соқчиларнинг асосий қисмини ҳам итларни шу ёққа тортиш керак.

— Бунинг учун менга беш кишилик бир группа тузиш топширилди. Ҳозир ҳамма гап шунда, — деди Семён.

— Беш киши... Булар кўра-била туриб ўлимга бориши керак-ку? — деб сўрадим мен.

— Шундай, — деди Семён. Кейин қўлимни ушлаб, галати гамгин бир жасорат билан ёнган кўзларини юзимга тикди, — бир юз етмиш икки киши эвазига! Арзимайдими?

Арзийди! Бу шафқатсиз, мард одам бундай фидокор кишиларнинг топилишига амин эди шекилли. Шунча азоблардан кейин, муқаддас озодликнинг, тирик қолишнинг бирдан-бир йўли эндигина очилган пайтда...

Менинг миям говлаб кетди, уйқу тамом қочди, икки кундан бери нуқул ўша «бешлар» ҳақида ўйлайман, улар кимлар бўлади, борми ўлимга тикка борадиганлар?..

Эрталаб хотинлар блоки томонда бир безовта тўлганиш сезилди. У ерда бир фельдшер, нотаниш офицер, соқчилар баракларни оралаб юрганмиш. Бу нима ҳодиса бўлса экан? Яхшиликка бўлиши қийин-ов...

Анчадан кейин конвой саккизта хотинни олдига солиб блокдан чиқди. Булар ориқ, дармонсиз, юзини яра-чақа босган бўлса ҳам, лагерда энг ёш, энг тетик аёллар эди. Уларни катта дарвозадан олиб чиқиб, пастга, узоқдаги пастак гиштин бино томон ҳайдаб кетишди. Бинодан нарироқда усти ёниқ машина ҳам турибди. Йўқ, газ билан одам ўлдирадиган эмас, оддий машина. Биз тиканли сим деворларга яқинроқ бориб нима бўлишини кузатардик. Лўли қаёқдандир ҳаллослаб келиб ёнимизга турди.

— Биласизларми нима бўлаётганини? — деди у.

— Э, ҳар ким минг хил тахмин қиляпти.

— Йўқ, тахмин эмас, бир солдат гапирганмиш: гарбий фронтда америкалик офицерларнинг кўнгил очишлари учун фоҳишахоналар очишаётган экан.

— Немисларми?

— Ҳа.

— Меҳмондўст душманлар...

— Ана шунга...

Бу вақт йўл буриладиган жойда саккизта аёлнинг бири соқчи билан ниманидир жанжал қила бошлади. Гаплари бизга эшитилмайди, узоқ. Шундай бўлса ҳам қулоқ солгандай жим бўлдик. Олдинги икки аёл машина томонга кетди, учинчиси — жанжал қилгани — четга чиқиб, бино девори томон юрди. Соқчилар бошлиги унга бир нима деб бақирди. Аёл лагерь кийимини еча бошлади. Бутунлай яланғоч бўлиб девор тагига турди.

Аёллар сафидан яна бири жанжалсизроқ четга чиқиб, ечинди-да, девор тагига кетди. Яна бири ечина бошлади.

— Нима бўляпти! — деди ёнимда биров сукунатни бузиб.

— Фоҳишахонага бориш ихтиёрий бўлсин, дейишибди.

— Бу ҳам тўғри, — деди кимдир, — мажбур қилиб олиб борилса, биронта азиз иттифоқчимизни бехосдан бўғиб ўлдириши бор.

— Шунинг учун, истамаганлар...

— Истамаганлар, девор тагига...

— Ҳа, тўғриси, фақат ўлимга бориш ихтиёрий бўляпти.

Мен узоқдан қизил ғишт деворда оппоқ бўлиб турган учта шўрликнинг шумшайган гавдасига тикиламан. Йўқ, булар «шўрлик» эмас, булар учта ёлқин эди! Шунча таҳқир, шунча азобларда ўчмаган ёлқин. Демак ёлқин ҳали бор! У ҳали ловиллайди!

Семён билан Лўли келиб мени қаёққадир судрай бошлашди.

— Кўрайлик ахир! — дейман.

— Қўйсанг-чи, — дейишади.

Шу вақт дарвоза томонга кўзим тушиб, яхлагандай қотиб қолдим. Семён билан Лўли энди мени судрашмади-ю, икки билагимдан маҳкам ушлашди. Дарвозадан икки соқчи ўртасида Сўнагул чиқиб келаётган эди. Икки ўртоғим мени ўзини тутолмас, бир нарса деб бақириб юборар ёки бир ножўя ҳаракат қилиб қўяр деб, бекорга хавотир олишяпти. Мен бирдан дармоним қуриб, на қимирлашга, на бир нарса дейишга

мажолим қолган эди. Тилдан қолдим. Кўзим кўряпти, холос.

Ана, Сўнагул йўл буриладиган жойда қадамни секинлатди. Биз томонга қаради. Видолашяптими? Наҳотки менинг қараб турганимни кўрган бўлса? Мен ожиз вужудим билан бир интилдим шекилли, шерикларим яна ваҳкамроқ ушлашди. Сўнагул! Жонгинам! Сен қайси йўлга юрасан? Виждонингга қулоқ сол, мен сенга ҳеч нарса демайман, нима қилсанг ҳам айблашга ҳаққим йўқ. Ўзинг танла, жонгинам, мен розиман, сен мендан ақллироқсан, қандай жон бериш афзалроқ эканини ўзинг биласан.

Шундай дейману, Сўнагулнинг ҳар қадами бутун жисмимни қалқитади — девор тагига юрадими, машинагами? Кўзим хиралашяпти, шу зумда тиниб кетмаса бўлгани. Икки ёнимда ҳансираб турган ўртоқларимнинг ҳам нафаси ичига тушиб кетди. Ақлимни оғдирәзган бу азобли дақиқа бир умр ёдимдан чиқмаса керак.

Узоқдан офицернинг ит ҳургандай икки бўлак кескин командаси янгради. Шу зумдаёқ конвой айрилишда секинлаб қолган Сўнагулни қўндоқ билан қаттиқ туртиб юборди. Қиз учиб кетди-ю, йиқилмади. Машина томон юрди...

Шерикларим мени қўлтиқлаб олиб кетишди. Барак деворининг тагига, кунгайга ўтқазишди, ўзлари ҳам ўтиришди. Улар менга тасалли берадиган сўз айтишмади. Мен Сўнагул учун ўлимга ҳам боришга тайёр эмасмидим? Тайёр эдим! Ҳозир-чи? Мана уни олиб кетишяпти, мен бўлсам ҳеч нарса қилолмаяман. Ожизман. Кучсизман. Наҳотки мендаги инсонлиқни ўлдиришган бўлса?..

Машина моторининг овози эшитилди. Биз узоқ жим ўтирдик. Балки шерикларим бир нима гапиришган бўлса ҳам, мен эшитмагандирман. Қулоғим битгандай, ҳаёт тўхтаб қолгандай, менга нуқул мотор товуши эшитилар эди, холос. Анчадан кейин гумбурлаган ўқ овозларидан ҳушимга келдим. Ҳалиги уч аёлни отишган эди.

— Мен сизларга айтсам, у уялди.— деди Лўли сўз бошлаб,— ечингани уялди.

Семён унга хўмрайиб қўйди.

— Йўқ, сен хўмрайма, ҳазиллашаётганим йўқ.

Шундай бўлади ҳаётда, — у қўл ҳаракатлари билан худди бошидан ўтгандай жиддий ўйчан гапирарди, — мана, бир кишини ҳақиқатан қаттиқ севиб қолдингми — ундан ўлим олдида ҳам уяласан киши. У сенинг тикилиб турганингни кўрди, мусулмон. Уят ўлимдан қаттиқ деб бекорга айтмаган, ҳа!

— Уни нега иккита соқчи билан ўзини якка олиб чиқишди? Мен мана шуни ўйлаяпман, — деди Семён Лўлининг нозик мавзуга бирдан чек қўйиб. Семён шундай бўлиб қолган, ўзининг яширин ишига алоқадор бўлмаган бошқа ҳеч нарсага бош қотирмайди. Миясининг бошқа ҳамма катаклари битиб қолгандек, фақат шуни ўйлай олади. Ҳамма нарсани шунга олиб келиб боғлайди.

Менинг хаёлим бошқа ёқда: Сўнагул машина томон юриши билан менинг энг даҳшатли гумонимни исбот қилди. «Унинг эси жойида эмас» деган миш-мишлар бежиз эмас экан. У соғ бўлса, ўлимдан қўрқадиган қизмиди! Бу жаҳаннам уқубатлари, ваҳшийлар шу ҳолга келтирди уни, нобуд қилди.

Кечаси Семёнга яқинроқ силжиб ётиб гапни узоқроқдан занглаган игнани синдирган кунимдан бошладим:

— Уша шарафсиз ўлимдан мени сақлаб қолдингиз. Шу тубанликда, шу ифлос, хатарли, азобли кунларимда ўзимни тетик сезяпман. Кўз ўнгимда бир юз етмиш икки иссиқ жон, бир юз етмиш икки тақдир... Сиз ўйламанг, мусибатимнинг зўридан ёки изтироб билан гапирётганим йўқ: қўшинг мени «бешлар» қаторига.

— Ёшсиз. Ёшлар тақдирини ҳал қилишни биз кексаларга қўйиб беринглар.

— Қўшинг бизни, Семён! — деди Лўли. Афтидан, у бу ҳақда Семён билан биринчи марта гаплашаётган бўлмаса керак. — Ўзимиз бошладик, бизнинг ҳаққимиз бор.

— Тўрт марта лагердан қочишнинг нима эканини яхши биламан! — деди Семён Лўлига қараб, — эртага ўлиб кетиш учунмиди буларнинг ҳаммаси? Йўқ, бу алам қилади. Сизнинг ҳақингизда гап бўлиши мумкин эмас. Сиз ҳали чех партизанларини жангга бошлайсиз, худо хоҳласа. Тоғда. Қор. Гулхан. Арчалар... Сиз, негадир, шундай жасур командир қиёфасида кўз олдимга келасиз, — деди у Лўлининг билагини маҳкам

сиқиб. Қоронги бўлса ҳам, унинг ёшсиз кўзлари мўлдираб кетганини пайқадим. У икковимизнинг ҳам қўлимизни қисди.

— Икковингиздан ҳам шундай гапни кутган эдим. Раҳмат... Раҳмат!

— Семён, сиз-чи? Узингиз «бешлар» биландирсиз ҳойнаҳой?

— Мен... гап шундаки, биродарлар, мен ўлмайман. Ўлмайдиганларданман, — деб ҳазин жилмайди у. Унинг рангсиз, тоза қирилган, кенг ёноқли юзи, касаллик ҳарорати билан доим йилтиллаб турган кўзлари мана шу ҳазин жилмайиш ҳолатида ёдимда қолган.

Семён бош кўтарганимизнинг биринчи соатидаёқ ҳалок бўлди. Сўнгги кунгина «бешлар»га қўшилган мен бу фожияли соатда унинг ёнида эдим. Биз қоронги тушиши билан катта дарвоза томонда соқчиларни ўлдириб, электр токи юборилган, сиреналарга, қўнғироқларга уланган симларни қирқиб, ваҳимали тревога кўтардик. Барча прожекторларнинг бир-бирини кесган совуқ қиличлари итларнинг тун осмонини бошига кўтарган вовиллашлари, автоматларнинг тариллашлари — ҳаммаси бизнинг бошимизга ағдарилди. Вазифа — бу ваҳиманинг ҳаммасини мумкин қадар узоқроққа эргаштириб кетиш эди. Шунинг учун ҳар томонга сочила бошладик. Шу пайт мен прожектор нуруни кесиб югураётган Семённинг автомат ўқиға учганини аниқ кўрдим. Назаримда, у одамлар худди шу томонга қочяпти, деб чалғитиш учун ёриққа чиқиб, атайлаб кирди ўт остига.

Мен Семённинг фамилиясини, қаерлик ва ким эканини билолмадим, билишим мумкин эмас эди. Лекин у ҳақиқатан ҳам «ўлмайдиганлардан» эди, менинг хотирамда, юрагимда абадий тирик бўлиб қолди.

Ўша куни бизни кечга яқин тутиб, ярадор, итга талланган, қонли гавдаларимизни машинага ортиб лагерга қайтиб олиб келишди. Йўлда яна биттамиз ўлди. Бу ўша, хоинни суд қилган нотаниш ўртоғимиз эди.

Лагерга келсак, ари уясидек тўзғиган, саросима, қоровулхоналар ёнида соқчиларнинг ўликлари, қирқилган симлар чувалиб ётибди, қути учган офицерлар талвасада югурган, бақирган, баракларда дармонсиз ётган хотин-халаж билан кексаларгина қолган, бизнинг режамиз тўла амалга ошган эди.

Лагерда қолган-қутган тирик жонни икки кун боқишди-да, ўз оёғи билан юра оладиган юзтача одамни яна қаёққадир ҳайдаб кетишди. Заводга бўлса керак. Агар завод одам сўрамаса бизни тирик қўярмиди?

Шундай қилиб, яна йўлдамиз. Яна икки ёнимизда конвой. Менинг аҳволим илгаригидан анча оғир бўлса ҳам, кўнглим равшан. Илиқ баҳор ҳавоси менга ҳам татий бошлади, олдинда худди ниманидир сезаётгандай эдим.

Дарҳақиқат, йўлимиз узоққа бормади. Бир ўрмон этагида, ҳужумдан қайтаётган ўзимизнинг икки қирувчи самолёт колоннамизни пайқаб қолиб, тепамизда пастлаб айлана бошлади.

— Ёт!— деб қичқиришди соқчилар, ўзлари йўл четига таппа ташлашди. Асирлар толиққан, чанг босган юзларини кўтариб осмонга қарашар, буйруқни эшитмагандай кетиб боришар эди.

— Ёт! Ёт!— деб бақирлиқларни мотор овози ўчириб кетди. Бу самолётларда ўзимизнинг кишилар— жонажон совет кишилари бор эди. Юрагим сезиб турибдики, улар бизни ташлаб кетгиси келмай, айланишяпти. Менинг эндиги умрим текинга қолган эмасми, кўксим бирдан кучга тўлиб кетиб, қичқириб юбордим:

— Ётма! Бу ўзимизникилар! Юравер! Колонна, олға!

Бош кўтаролмай қапишиб ётган соқчилар дам ўз тилида, дам русчалаб: «Ёт! Отаман!» деб бўғилиб бақиршарди. Заиф, дармонсиз асирлар автомат ўқталиб турган йиртқишларнинг буйругидан биринчи марта бош тортиб, ўрмон томонга интилдилар.

Бу кучли, тўқ, қуролли давангилар шабадага йиқилай деб турган, заиф, қуролсиз асирлар олдида ҳашаротдай ерга ёпишиб ётганига алам қилиб, бўғилиб бақиршар, ерни титкилаб ўқ отишар эди.

— Буюролмайсан, одамхўрлар!— деб қичқирардим мен болдиримни тилиб кетган ўққа ҳам эътибор қилмай. Биз бирпасда сочилиб конвойдан узилиб кетган эдик, қирувчилар осмонни вағиллатганча бир жойда гир айланиб, уларни тупроққа михлаб қўйган эди.

Мен қанча юрганимни билмайман, қаергадир бориб йиқилдим. Узоқда мотор товуши эшитилар, пулемёт тариллар, онда-сонда автомат ўқлари зингиллар эди.

Тагимда ўтган йилги баргларнинг юмшоқ тўшаги.

Қўлим етган новдани ушлаб, тўлишган куртагининг талх ҳидини кўксимга тортаман, кўзимни юмиб, нордон пўстлоғини чайнайман. Мен яна тирикман. Улим шарпаси неча марта вужудимни музлатиб ўтди. Лекин мен яна тирикман. Энди мен ўлимни енгганимга, бундан кейин ҳам енгишимга ишонар эдим.

«Йўл тугагани йўқ, йўл давом этади!» — Семённинг гаплари...

4. ЮЗМА-ЮЗ

Иттифоқчи қўшинларга қарашли бу госпиталь Берлин яқинида, бир вақтлар қочиб кетган қандайдир бранденбург графларнинг ёзлик қасрига жойлашган эди. Ҳовлисида арғувон дарахтлари, ўй суриб тургандай тинч, тиниқ ҳовузларда кўкдаги оқ булутларнинг акси оққушдай сузиб юради. Бир вақт бу ҳовузларда чинакам оққушлар ҳам сузган бўлса керак. Нарироқда, баҳорни кутаётган яланғоч дарахтлар орасида қизил черепицали томлар, қадимий тош кирха — ибодатхонанинг осмонга санчиб қўйилган найзадай шпиллари кўринади. Жимжит.

Мен деразадан боқиб тинчликка қулоқ соламан, унинг тақдирини ўйлайман. Унинг туғилганига ҳали икки ҳафта ҳам бўлгани йўқ. У ҳуркиб учиб кетадигандай, нафасимни тияман, юрагимнинг дук-дуки эшитилади. Урушдан сўнг биринчи марта бош кўтариб осойишта табиат билан биринчи учрашувим. Бодроқ-бодроқ бўлиб гуллаган дарахт олдида турганида одамнинг юзига ҳеч боққанмисиз? Нигоҳи майин, сахий бўлиб кетади, юзида меҳр, нозик ҳислар барқ уради. Худди севгилиси билан биринчи марта рўбарў келган ёш йигит сингари...

Уруш тамом. Тамом деган сўз ҳамма вақт ниманингдир бошланганини билдиради. Қандай бўлар экан у, тинч давр? Одамнинг ишонгиси ҳам келмайди. Бутун умрим урушда ўтгандек.

Тинчликка қулоқ соламан. У туғилган куни мен йўқ эдим. Таниш, нотаниш одамлар кўча-кўйда худди туғишган жигарбандлардек қучоқлашиб ўпишган, дейишади. Бўлмаса-чи! Илгарилар мен ҳам, ўша кунга етсам, шодликдан юрагим ёрилиб ўлсам ҳам майли,

дердим. Лекин мана энди ўлгим келмаяпти. Бутун олам қувончи билан бирдан янграб кетган ўша кунлари ҳушсиз ётганим ҳам тузук экан. Заиф юрагим балки чиндан ҳам кўтаролмасди, оддий, осойишта манзара олдида ҳам қандай дукиллаяпти ахир, эшит-япсизми?

— Эшитяпман! Кўп ўйлайсиз, ҳаяжонланасиз! — дейди доктор қовоғини солиб. Мен узр сўрайман. Деразани ёпмаса бўлгани...

Жуда баланд, деразалари катта, баҳаво хона экан. Фақат шифтидаги ҳаво ранг қанотли малаклари ортиқча. Баъзан уларга қараб, бу жимлик, бу соф ҳаво, бу крахмал ҳиди келиб турган оқ жилдли юмшоқ ёстиқлар — бари туш бўлса-я, деб қўрқиб кетаман.

Мени узоққа олиб юриш мумкин бўлмагани учун ётқизишган бу ерга. Докторлар ҳам, атрофимдаги касаллар ҳам ўзимизникилар эмас.

Эрталаб туриб бегона тилдаги гапларни эшитаман. Шунинг учун дарров тинчликка қулоқ соламан. Тинчлик ҳар кимнинг ўз тилида гапиради — шуни била-сизми? Тўғри, тинчлик гапирмайди албатта, бу — одамнинг ўз ўйлари.

Ҳали, хайрият, терговчидан омадим келди. Ёшгина кўзлари туманлироқ, камгап йигит экан. Асирликдан бўшаб келганларнинг меникига ўхшаш дардли ҳикояларини кўп эшитган бўлса керак, аввал эснаб, худди мен уни уйдирма гаплар билан лақиллатаётгандек, ҳафсаласиз керишиб, у ёқ-бу ёққа юриб турди. «Ҳа биламиз, сўқ, сўқавер ёлғонни!» дегандай, мени қилқизил хоин деб олдиндан ҳукм чиқариб, гапимни шунчаки тинглаб, аслида эса қулоғига кирмай, ижиргангансимон илжайиб ўтирди. Билиб турибманки, юраги яхлаганроқ, ўзининг қуруқлигини ҳушёрлик ниқобига яширишга ўргана бошлаган йигит. Мен ҳам гапир-авердим, бир соат, бир ярим соат...

Бироқ Семённи тилга олдимۇ йигитни танимай қолдим, у бирдан ўзгара бошлади. Гапим энди унга шундай таъсир қилардики, худди ўз бошидан кечираётгандай. Юрагидаги ях эриди. Юзидан ниқоб тушиб, истараси иссиққина, мусибатли, хаёлчан кўзли йигит пайдо бўлди рўпарамда. Сўроқ суҳбатга айланди. У Семённинг одатларини, қиёфасини, бўй-басти, қош-кўзини суриштириб олди мендан.

— Акам...— деди юзини панжалари билан тўсиб бошини столга қўяркан.— Мен у ҳақда ўйлаган аввалги ёмон ўйларимга пушаймон едим. Семённинг ҳалок бўлган жойини тахминлаб тасвирлаб бердим. Йигит мени чиқариб юбориш ўрнига, ўзи чиқиб кетди кабинетдан. Жуда ғалати бўлиб чиқиб кетди.

Терговчи чиқиб кетиб нима қилди — билмадим, лекин мен бир неча кундан кейин яна сафда қасамёд этиб, погонларимни тақиб, қуроолларимни олдим, тагин бир кундан сўнг Берлин остонасидаги қисмларимизга бориб қўшилдим.

Семён... Семён мени, шундай қилиб, яна бир марта қутқазди. Бу сафар ўзи эмас, хотираси жонга оро кирди. Назаримда, яна бир муҳим нарса, у менигина эмас, укасини ҳам кулфатдан сақлаб қолди. Яхлаб, кесак қалб бўлиб қолишдан... Чунки бу ҳам ўлишдек гап. Тирик мурда бўлгандан баъзан ўлиш ҳам нақадар афзал эканини мен кўп кўрдим. Семённинг ҳалокати бир умр кўз ўнгимда турар дейман. У фақат ўзини қутқазолмади. Бир юз етмиш икки киши эдик. Мана бир юз етмиш уч, бир юз етмиш тўрт бўлди... Балки бундан ҳам кўпдир, балки яна ҳам кўпаяр. Чунки, масалан, агар укаси бундан кейин ҳам терговчи бўлиб қолса, балки одамларни илгаригидай бекордан-бекор нобуд қилмас. Семённинг ғамгин чўғ ёнган кўзлари чақнаб айтган бир сўзи қулоғимда янграйди: «Арзимайдими?!» Шу сўзни айтганда назаримда у бахтли эди. Мен болалигимдан бери бахт ҳақида кўп ўйлаганман. Лекин унинг шундай оғир пайтда келиб одамнинг кўзига жойлашиши мумкинлигини сира хаёлимга келтирмаган эканман.

Баъзан Семёни, Мадали акани, ўсмир Васяткани, кекса Матвей Лукич билан Агафонни ҳаммасини бир қиёфада, бир солдат қиёфасида кўз олдимга келтираман, 1941 йил қуршовларида музлаган, 1942 йилда эса снарядлар титиб ташлаган буғдойзорларда қонга беланиб, ёвни ўзи қуршаган, кейин бўрибосар ит ғажиган оёқлари билан концлагердан қочиб, хуллас, Берлингача борган ва охири ярим Европани тиканли симлардан халос қилган ўша солдат тўғрисида биронтасига мириқиб ҳикоя қилиб бергим келади...

Мен Берлиннинг ер ости йўлларини эгаллаш учун бўлган жангларда кўкрагимдан ўқ едим. Бу сўнги

жангимни сизга гапириб бермоқчи эдим, тинчликнинг шу биринчи тансиқ кунларида яна жангни эслагим келмаяпти. Умуман, уруш эсдалик учунгина гапириладиган нарса эмас. Хирург ҳам кўкрак қафасидан олган қўргошинни идишга солиб, эсдаликка сақланг, деб берувди, олмадим. Шу ҳам эсдаликми! Кўксимда эсдаликнинг шундайлари борки, доктор, сиз уни скалпелингиз билан кавлаб ололмайсиз. «Бу эсдаликлар» бутун авлодимнинг қалбида қат-қат бўлиб ётибди. Улар ўтмишни унутгани қўймайди, улар ўтмиш билан ҳозирги кунимизни бир-бирига маҳкам боғлаб, дўстликнинг ҳам, душманликнинг ҳам жуда катта, кескин, оламшумул нарсалар эканини эслатиб, бизни доим ҳушёр қилиб туради.

Бироқ мен ҳозир бу ҳаяжонли нарсаларни ўйламаслигим керак экан. Буларни ўйламасликни мендан талаб қилишга ҳақли бўлган бирдан-бир одам — доктор мени бекорчи гаплар билан бир оз овутишни ўзининг ординатори фрау Аннага тошширган. Аммо бу немис аёлининг ўз юрагида ҳам оғир дардлар борга ўхшайди, унинг кўзига боқсам овуниш у ёқда турсин, баттар ўйга ботаман. Фақат палатада мен билан бирга ётган америкалик ҳарбий ниҳоясиз ўйларимдан бир оз чалғитиб хушмуомалалиги ва қизиқ-қизиқ гаплари билан мени анча овутириб ётади. У ҳам капитан экан. Биз бир-биримизга «кэптен» деб муомала қиламиз. Русчани талаффузини бопполмасам ҳам, жуда яхши билади. Пенсильваниядаги Осиёни ўрганиш институтида ўқиган экан. Жуда маданиятли, ўзи ҳам бўй-баста ўртача, бақувват, кўркам одам. Кўнрақкишиларнинг ё бурни катта, ё кўзи қисик, ё ёноғи чиққан, ё жағи кемтик бўлади. Капитаннинг эса ҳамма ёғи келишган, мутаносиб, кўз қарашлари ҳам майин. Доимо сал жилмайиб турадиган, ҳозиржавоб, билимдон киши.

Мен уни ғалабадан икки-уч кун олдин Берлин кўчасида кўрган эдим шекилли. Ярадор бўлганимда шерикларим медсанбатга элтиш учун танк устига олиб чиқиб, тиззаларига бошимни қўйишди-да, Берлин кўчаларидан олиб ўтишди: ана, кўр, бу кўчалар ҳозир бизнинг қўлимизда!

Ушанда мен қандайдир қаср вайронасида ҳассаси билан тупроқни титиб юрган ажнабий офицерни аниқ кўрган эдим. Шерикларим: «Гитлернинг изларини қи-

диряпти!» деб кулишган эди ҳам. Ушанга жуда ўхшайди. Мен капитандан, ўша сизмидингиз деб сўрамадим, албатта, лекин тахминладим: у ғиштга тийганиб йиқилган экан, тўпиқ суюги чатнабди, балки ўшадир.

Ким бўлса ҳам, жуда гаплашадиган одам экан. Унинг аҳволи меникидан оғир эмас, бир оёғи гипсда холос. Овозини барала қўйиб китоб ўқийди. Граф қасрининг ертўласида жуда катта кутубхона топилибди, фрау Анна бизга ўша ердан аломат-антиқа китоблар топиб олиб келади. Капитан итальян тилини ҳам биларкан, бир куни қадим бир нашрдан Петрарканинг шеърларини шундай ўқидики, тил тушунмаган мен ҳам таъсирланиб кетдим.

— Наҳотки масхарабоз Муссолини ҳам шу нафис, гўзал тилда гаплашган бўлса! — дедим мен завқланиб.

Шеригим кулди.

— Сизга сиёсатни ўйлаш мумкин эмас, кэптен, сиз мажруҳсиз, — деди у.

— Ҳозир бутун дунё мажруҳ, капитан, — дедим, — аммо сиёсатни ўйлашга мажбур.

— Наполеоннинг айтгани ҳақ чиқибди-да?

— Нодонлигимни айбга қўшмайсиз, ошна. Наполеоннинг бу борада нима деганини билмайман, — дедим.

Шеригим ўзининг билимдонлигини бехос кўрсатиб қўйиб, кейин ўзи бундан андиша қилар, менинг хафа бўлишимдан қўрққандай, гуноҳкорона жилмайиб қарар эди.

— «Бизнинг давримизда сиёсат — тақдир» — деб башорат қилган экан бир вақт буюк саркарда.

— Тақдир... Мен ҳам бир маҳал биринчи, иккинчи жаҳон урушларини ўйлаганимда 14 ҳам 41 рақамларининг ўхшашлигида қандайдир тақдир ёвузлигини қидирардим. Энди ўзимнинг соддалигимдан куламан. Фашизм билан юзма-юз келиб, билдимки, мени катта аср йўлига тақдир эмас, бурч етаклаган экан. Инсонлик бурчи, инсонни ҳимоя қилиш бурчи, Наполеон тақдир тўғрисида гапириб, буни бахтсизлик деб билган чоғи. Менинг учун эса бу — давр фарзанди бўлиш, ҳаётимнинг мундарижаси. Балки бахт ҳам шудир.

— Ундай бўлса, сиз ўзингизни бахтиёр ҳисобласангиз бўларкан, — деди капитан.

— Бахтиёрлик ҳақида гапиришга барвақтроқ деб ўйлайман, — дедим, — ҳали биографиям тугалланмаган.

— Бунинг учун умрининг охирини кутиш керакми? — Капитан тирсагига таяниб ўтириб, чиройли қошларини чимирди.

— Билмадим, — дедим мен, — ҳар ҳолда, бир яқун керак, деб ўйлайман. Мана кечадан бери фрау Анна топиб келган мана бу китобни варақлаяпман. Гюго. Ўйлаб ётибманки, борди-ю, фараз қилайлик, Гюго йигирма беш ёшида ўлиб кетган бўлса, келгуси авлодлар учун у ҳозирги буюк Гюго эмас, балки бачкана бир монархист шоир бўлиб қоларди...

Капитан мени авваллари бекор қолганда энгилелни гаилар билан овутиб ётиш керак бўлган оддий бир ярадор деб ўйлаган экан шекилли, кейинроқ, гап-лашса бўладиган жиддий кишилигимни пайқаб, жуда яқин бўлиб қолди. Баъзан офтобли кунлари фрау Аннанинг ёрдами билан менинг ёнимдаги дераза рафига келиб ўтиради, ҳовлига қарайди. Мен ҳам бош кўтараман. Кекса арғувонларнинг занг уртилгандай, қизғиш, бултурги барглари ҳуркак қушчалар сингари, ҳуштакка ҳам узилиб учишга тайёр бўлиб, базўр осилиб турибди.

— Одам озгина вақтга дунёга келади-ю, шу вақтини ҳам жиққамушт билан ўтказди, — деди шеригим уларга қараб.

— «Жиққамушт» эмас, капитан, ўзимиз қатнашган эзгу иш ҳурмати, уни «кураш» деб атайлик, — дейман.

— Майли «кураш» дейлик, лекин гап уни нима деб аташда эмас.

— Балки одам худди мана шу курашни деб дунёга келар. Балки бу — мақсаддир. Сиз мақсадсиз яшаб ўтиб кетишни кўз олдингизга келтириб кўринг-чи? Модомики, тугилиш билан ўлиш сизу бизга боғлиқ эмас экан, ақалли яшашни ўз бийлигимизга олишимиз керак, — дедим мен кулиб ва тизгин ушлаб от чуқлагандай қилиб ҳазиллашдим.

— Бу қандай бўлади?

— Буми? Масалан, жўн қилиб айтганда, уни дўстларга, кўпчиликка бағишлаш керак. Ҳа? Янги гап эмас-а?

— Йўқ, нега анча ноёб фикр. Лекин биз, ўйлайманки, сиз ҳам, жуда оддий кишилармиз, доҳийлар ё донишмандлар эмасмиз. Ана улар ҳаётини жамиятга берса ярашади.

— Лекин сиз билан биз учун жон берганлар бор, — дедим, мен, — ақалли ўшалар олдида...

— Ҳар ким ўзи ёлғиз жон беради.

— Йўқ, ҳар ким ўлганда ҳам ўзи севган одамлар билан бирга бўлади, капитан.

— Барибир, — деди у, чеҳрасига нимадир соя солди, — менинг тирик қолганим учун миннатдор бўладиган одамим йўқ. Яшаш ҳаққим ҳамма вақт ўзимда. Мен одамман.

— Кечирасиз, сэр, — дедим мен уни биринчи марта бегонасираб, — сиз ҳозир барҳаёт одамларни, жумладан, ўзингизни ўлимдан сақлаб қолган дўстларимизнинг хоки-покини... таҳқир этиясиз.

Капитан менга тикилиб, қолди, у мени очиқданочиқ ўрганаётгандек кузата бошлади.

— Сиз россияликлар жуда шиддатли кишиларсиз, — деди у анчадан сўнг. — Ғазаб, нафрат! Сиз ҳам, кэптен, мени ёмон кўриб қолмасангиз дейман, — деб мулоҳим кулди.

— Ғазабу нафрат осонлик билан илашмайди одамга. Бу ҳислар одамга ҳусн ҳам эмас, улар билан фахрланиш тўғри келмайди. Лекин биз забардаст, тўқ, чиройли, билимли йигитлар ҳам ёппасига одам қиришга киришган бир даврда ўсдик, капитан.

— Одам ўзини кучли сезса, ғазабсиз ҳам урушиш мумкин, — деди у яна менга тикилиб қараб. Мен аввал русчани эплотмаяптими, ё ўзим тушунмадимми, деб, унинг сўнги гапини ичимда такрорлаб кўрдим. Қизиқ...

— Урушда одам ўлдириш керак, капитан, лекин ғазабсиз ўлдириш... билмадим, — мен бир нарса деёлмай қолдим, бу ҳақда сира ўйлаб кўрмаган эканман.

— Ғазаб одамни қаритади, коллега, мана, сиз нечага кирдингиз? — деди у.

— Тўғри, мен ўз ёшимга нисбатан кексароқ кўринаман. Бунинг соддалик билан рўйи рост айтганингиз учун сизни айблагим йўқ. Мен ҳақиқатан ҳам ҳозир ўзимдан тўрт ёш каттаман.

— Нега тўрт ёш? Ҳа, уруш...

Капитанга энди мен ҳам тикилиб қолдим. Ҳақиқатан, у мендан анча катта бўлса ҳам, навқирон кўринар, бошини орқага ташлаброқ тийрак зангор кўзлари билан деразадан ташқарига қараб ўтирганида ёноқларида офтоб ўйнар эди.

— Биласизми, капитан, — дедим мен, — уруш тўрт йил эмас, икки йилгина бўлиши ҳам мумкин эди.

— Жуда ноёб фикр. Қандай қилиб? Ахир бу қимматли таклифни илгарироқ билдирмайсизми, қаерда юрибсиз?

Унинг кинояси мени тутоқтириб юборди.

— Менинг қаерда юрганимни бутун инсоният билади, капитан, — дедим, — менинг қаерда юрганлигим тарих саҳифасига ёзилган, менинг қаерда юрганлигимни авлодлар гапиражак! Мана мен сиздан сўрамоқчи эдим; сиз қаерда юрувдингиз кишилик ҳалокат ёқасида турганда?

Мен олов бўлиб кетдим, у бўлса, касалхонанинг оқ мушугини бағрида ўйнаб, илжайиб турибди. Уни кўриб, ўзимнинг жаҳл билан анча баландпарвоз гаплар гапириб қўйганимга андиша ҳам қилдим.

— Асабингиз қақшаган, кэптен. Ҳаяжон соғлигингизга зиён қилади, — деди у осойишта, — сиз иккинчи фронтни айтмоқчисиз, биламан. Мен учратган биронта рус йўқки, шу ҳақда гапирмаган бўлса. Мен ҳамма вақт шундай жавоб бераман: аввало, бу қўмондонликнинг иши. Иккинчидан, агар менга қолса, иккинчи фронт жуда ўз вақтида очилди, кеч ҳам эмас, барвақт ҳам эмас. Худди ўз вақтида, кэптен. — У гапга мумкин қадар енгил руҳ беришга интилар, мушукнинг юмшоқ юнги орасига бармоқларини суқиб, унинг бўйнини қитиқларкан бундан ўзи роҳат қилгандай, мулоим кулиб гапирар эди: — Хотирлайсизми, Гоголда: жононлар декольте тикканда тўшларини шундай меъёри билан очадиларки, ёқа бир энликкина паст олинганда ҳам ёки бир энликкина юқори олинганда ҳам бўлмасди. Одамнинг ҳирсини қитиқлайдиган чизиқнинг нақ ўзгинасини топишаркан қурмагурлар! Меъёрини топиш ҳам жўн иш эмас, кэптен.

— Нимасини айтасиз, фронт очиш иттифоқчиларимиз учун хотинларнинг ёқасини очиб мўралашдек бир ҳавас эди, чоғи. Ҳавас билан Римнинг му-

зейлари талаб кетилди, ҳавас билан Дрезден ер юзидан супуриб ташланди... Мен ҳам бир ривоят айтай бўлмаса: Н. деган бир шаҳар бўлган экан, фавқулодда қулоғингизга чалинган эмасми? Бизнинг шонли иттифоқчиларимиз жанговар саф тортиб, ўйнаб-кулиб, шу шаҳар кўчаларини эгаллаб келишаётган экан, бир жингалак сочли бола югуриб чиқиб, ўйинчоқ автоматини уларга ўқталибди. Иттифоқчиларимиз шу заҳотиёқ орқага чекиниб, бу даҳшатли исёнкор шаҳарни тўпга тутинибди. Ҳозир бу шаҳар йўқ эмиш.

— Бўлган ҳам эмас ундай шаҳар.

— Бироқ у ҳақда шундай ривоят бор.

Капитан мушукни полга ташлаб, соатига қарадида, икки гилдиракли аравачасини ўзига тортди: унинг перевязкага чиқиш вақти бўлган эди.

— Қиссадан ҳисса, — деди у аравачага ўтириб, — демак Россияни фақат сизнинг ажинларингиз қутқазган экан-да?

— Йўқ, — дедим, — Россияни Октябрь қутқазди. Иккинчи марта. Аммо бу гал у Россиянинг ўзинигина эмас, ярим Европани ҳам қутқазди.

— Октябрь-а? Европани? — деди у эшикка гилдираб кетаётган аравачасида орқасига қайрилиб қараб. Бу сафар унинг кўзлари қандайдир юм-юмалоқ бўлиб кўринди.

— Ҳа. Буни ўйлаб кўришингиз керак, — дедим, — меъёрда балки бир оз адашгандирсизлар.

У менга елкасини ўгирганча бирпас индамай турди-ю кейин аравачани гилдиратиб чиқиб кетди.

Худди театрдагидай: у чиқиши билан, иккинчи эшикдан фрау Анна кирди. У ҳаяжонда, қўлидаги китобчани ҳам, қўлларини ҳам қаерга қўйишини билмагандай, безовта бир ҳолда остонада менга қараб қолди.

— Фрау Анна! Сизга нима бўлди?

У индамай тикилиб турибди. Бу камгап, тиниб-тинчимай ишлайдиган аёл билан мен ҳалигача тузукроқ гаплашган эмасман. Аммо унинг ғамгин қиёфаси хотирамга қаттиқ ўрнашиб қолса керак. Госпиталь койкасида ҳушимга келиб аввал унинг овозини эшитган эдим. Охири йўқдай кўринган уруш, даҳшатли лагерь ойлари, ярадорлик, операция, ҳуш-

сизликнинг тубсиз зулматидан кейин унинг товуши заиф баданимни титратиб юборди:

— Уйда кимингиз бор? Ким кутяпти? — деди у ўшанда.

— Онам! — дедим мен ва худди ёнимда онам тургандай фрау Аннанинг қўлларини маҳкам ушлаб яна кўзимни юмдим. Мен одатдагидай яна ҳушдан кетишимни кутган эдим, йўқ, шундан кейин ҳушимдан кетмадим, ёруғ дунёга бутунлай қайтдим.

Мана ҳозир тетикман.

— Келинг ахир, фрау Анна.

У барвақт қариган, лекин чуқур кўзларида, қирра бурнининг нозик чизиқларида, калта, қуюқ, қора сочларидан соя тушиб турган ориқ юзининг аллақарида бир вақтлардаги гўзаллик нишонлари сақланиб қолган зебо хотин эди. Оқ халатининг боричларини титроқ бармоқлари билан тимискилаб, ёнимга келди. Кўз ёшсиз йиғлагандай бирпас тикилиб қолди. Кейин каравотим ёнига бирдан тиз чўкиб, қўлимни қўлига олди-да, юзларига маҳкам босиб, немисча аралаш чала рус тилида пичирлаб йиғлай бошлади:

— Сизга ҳавас қиламан, капитан! — деди. — Гапларингиздаги осойишта қувват, ишонч... қандай бахт! Сизнинг ўз халқингиз бор, ўз юртингиз... Сиз унинг номидан гапира оласиз!

— Менга қаранг, фрау Анна, мен тиз чўккан одам билан гаплаша олмайман.

— Афв этинг, иним... Сизни шундай десам хафа бўлмайсизми? — у бошини кўтариб, четга қараб, халат энгини бурнининг четларига тегизди.

— Ўтиринг, — дедим ёнимдаги курсидан дориларни олиб. — Сиз аввало капитан билан гаплашганимизда эшик орқасида қулоқ солиб турганингиз учун уэр сўрашингиз керак, — дедим ҳазиллашиб.

— Афв этинг, мен шу ёшга кириб ҳеч ким олдида тиз чўккан эмасман.

— Бугун бехосдан...

— Йўқ, бехосдан эмас. Лекин ҳеч кимга, ҳеч қачон, эшитяпсизми, йигирма йилдан бери! Эримни олдилар — тиз чўкмадим. Болаларимни олдилар — мен тиз чўкмадим. Номимни, қадримни, инсонлигимни тортиб олдилар — тиз чўкмадим! Эшитяпсизми?!

Унинг чуқур ботган кўзлари учқун сөчаётгандай, қаёққадир, эшик томонга тикилган, лекин ҳеч нарсани кўрмаётгандек эди.

— Фрау Анна... — дедим мен бошқа сўз тополмай.

— Ҳеч қачон! Эшитяпсизми? — деди у яна, кейин товуши бир оз юмшади. — Фақат мана шу ерга келиб... Кечирасиз, руслар тиз чўкканни ёмон кўради, биламан.

— Шунча курашган одам бундай изтиробга берилмаслиги керак. Сизнинг ҳам халқингиз, юртингиз бор, фрау Анна. Бўлади... менингча...

— Сиз Германияни кўрмабсиз! Сиз бу култепани, фалокат ёнғинида юрагига қадар қовжираб кетган аянч, майиб халқни кўрмабсиз!

— Кўрганман, фрау Анна. Мен ёшлигимдан биламан уни, Фейербахни, Гейнени, Марксни ўқиганман. Юртни ёндириш, халқни қириш мумкин, лекин унинг руҳини ўлдириб бўлмайди.

— Мен русларнинг шундай деб ўйлашини билардим, — деди Анна. Унинг ҳасратли юзида ажинлар камайгандай бўлди. — Билмас эдим, кўнглим сезгандай бўларди. Балки сизга исбот қилишимнинг кераги йўқдир, лекин ўзимни яна бир ишонтириш учун гапираман: биз ҳам курашдик, капитан, биз ҳам умид қилдик. Тўғри, кўчада гитлерчилар қутурганда дераза пардасини тушириб ўтирганлар, ёки эртаиндин Москвани оламиз деб черков қўнғироғининг арқонини янгилаб, кафтини кафтига ишқаб тантана кутганлар, ёинки уруш вақтида гадойлардан донорлар йиғиб, фронтга суюқ қон сотиб бойиган, сизлар келганда эса «Марселъеза» айтиб кўчага чиққанлар кўп бўлди. Улар эҳтимол кўпчилик эди. Лекин биз ҳам бор эдик, капитан, ишонинг.

— Мен буни биламан, фрау Анна.

— Сиздек, онасини соғинган одамга жуда ҳам даҳшатли туюлиши мумкин менинг ҳикоям, — деди у яна товуши товланиб. — Мен ҳам она эдим, капитан. Кечалари туриб юзига тикилардим ўғлимнинг, эрталабгача соғиниб қолардим уни. Биз Эрихни муаллим қилмоқчи эдик, Германияга ҳозир муаллим керак, дерди дадаси. Бизнинг шаҳарчамиз жуда серманзара кўлнинг бўйида, хаёлларга толдирадиган

жой эди, қадимий липа дарахтлари, аччиқ ёввойи олча, берет кийган чоллар. Биз Рудольф билан шу кўл соҳилида севишганмиз, Эрихнинг тақдирини ҳам шу соҳилларда юриб ўйлардик. Рудольф заводда ишларди, Эрих тенгдошларининг йиғинларига қатнаб юрарди, мен уларни ширин хаёлларга толиб ёлғиз кутардим, менинг учун фақат шу икки азиз жон бор эди дунёда. Йиллар ўтди, Эрих қўлимиздан қачон чиқиб кетди — билолмай қолдим. У бир куни «Гитлерюгенд»га аъзо бўлганини айтди, кейин эса, кўп ўтмай, мундир кийиб қайтди. Рудольф бунга норозилик билдирганда, «Коммунистмисиз?» деб сўради ўғли. Йўқ, Рудольф коммунист эмас эди, ўртоқлари кўп қистаганда ҳам кирган эмас ҳеч қандай партияга. Лекин уруш бошланганда заводдаги қандайдир яширин ишга бош қўшди. Бу кунларда газеталар башорат қилар эди: Гитлер Россиядан кейин қаёққа юради — Ироққа, Ҳиндистонга. Шаҳарчамизнинг меҳмонхона хўжайини зондерфюрерлар курсига ёзилди, ярмаркадаги балиқ дўконининг хўжайини бўлса, Астрахань балиқ заводларини ўзига сўраб ариза берди. Рудольфнинг заводда коммунистларни тутиб кетишди. Кўча ва майдонлар мундир кийган ўсмирлар, штурмовиклар сурони билан тўла эди. Одамларнинг муносабатлари бирдан ўзгариб кетди. Рудольф шу кунлари бирдан букчайиб, сочи оқариб, қариб қолди. Бир куни мен унинг Эрих билан суҳбатини эшитиб қолдим. «Йўқ, мен буюк Рейх олдидаги бурчимни ўташим керак!» дерди Эрих. «Юзлаб кишининг беғуноҳ қонига бўяласан, ўғлим, — дерди эрим, — қолаверса ўз отангнинг хуни...» «Сиз мен билан юрасиз, ҳаммасини гапириб бериб жиноятингизни ювасиз, сизга тил тегиздирмайман», деди ўғлим. «Мен ўйлаб кўрай...» деб отасининг товуши заифлашиб чўкиб кетди. Рудольф менга кечаси гапириб берди: Эрих заводдаги ишчиларнинг яширин ташкилотидан хабар топиб, уни ўзи тутиб беришга қасд қилибди. Ҳозирча бунга фақат Эрихнинг ўзи биларкан. Рудольфнинг дўстлари бунга сезиб, «ўғлинг билан гаплаш» дейишибди. Бу «гаплашиш» шу тарзда тўрт кундан бери давом этарди. Бу кунларда Эрих биз учун етти ёт беғонадай бўлиб қолди, мен уни энди илгаригидай ширин хаёл билан эмас, ич-ичимдан қал-

тираб кутардим, у билан учрашишдан қўрқардим. Уйқусиз, хатарли тунлар оғир қийноқ эди мен учун. Рудольф учун бундан ҳам даҳшатлироқ: Эрих ёвуз ниятини ҳар соатда, ҳар минутда амалга ошириши мумкин. «Камида уч юз киши, Анна! Нима қиламан, уларнинг тақдири менинг қўлимда, улар менинг оғзимга қараб туришибди. Уғил... ўгил эмас, даҳшатли махлуқ туғибсан, Анна!» деди эрим. О, қулоқларим нега кар эмас эди! Дунёда ҳеч бир она эшитмасин бу гапларни, капитан... Мен ҳеч қандай эзгуликка ишонмай қолдим. Бизнинг илк бўсаларимиз, қулоқларимизга шивирлаган — мастона сир тўла сўзларимиз, кўл соҳилидаги орзиқишларимиз ҳаммаси ҳаром, ҳаммаси ифлос, ҳаммаси машъуммиди, Рудольф?!

— Фрау Анна, сиз оёсийишта гапираверинг, ҳозир кечираётганингиз йўқ-ку, ўтиб кетган гап... Бу ёғи нима бўлади? — дедим мен мумкин қадар парвосизроқ.

— Ҳар гапирганимда, ҳар эслаганимда, кунда, соат сайин қайтадан бошимдан кечираман буларнинг ҳаммасини, капитан. Бу ҳеч вақт ўтиб кетмайди... Ишчилар, бошқа иложи бўлмагандан кейин, Эрихни йўқ қилиш фикрига келишибди. Рудольфнинг рухсатини сўрашибди. Рудольф кечаси мендан розилик олгани келди... Кутилмаганда, қалбимда ғурур ҳисси тўлқинланиб кетди. Улар мендан розилик сўрашяпти. Мен Рудольфнинг дўстларини билардим. Германиянинг гули эди улар, ростгўй, хушчақчақ, ҳалол, кучли йигитлар эди? Уғил? Уғлим йўқ, Эрих — фашист! Эрих — жаллод! Уғлим йўқ менинг! Буларнинг ҳаммаси бир зумлик туйғу эди. Кейин мен тонггача ёстиқни тишлаб юзимни каравотнинг совуқ темирига босиб йиғладим...

Лекин ҳозир фрау Аннанинг кўзлари қуруқ эди. Унинг бу гаплари менинг учунгина бутун даҳшати билан янги эди, унинг кўнглида эса анчадан бери қайнайвериб совиб қолган бўлса керак. У бирпас жим қолиб, менинг таралмаган сочларимга қўл узатиб, икки мартагина аста силаб қўйди.

— Мен розилик бердим, капитан, — деди. — У сиздан ёш эди... Рудольфни барибир қамашди, қийнашди, у концлагерда ўлди. Мен фамилиямни бошқа қилиб, шаҳарма-шаҳар яшириниб юрдим...

— Фрау Анна...

— Анна ўз исмим.

— Анна — бизнинг юртимизда энг севимли исм. Сиз уни йўқотмабсиз. Жуда яхши бўлибди, фрау Анна.

Мен уни юпатиш учун бошқа сўз тополмадим. Дарвоқе, уни шу гап ҳам жуда қувонтирди, назаримда у елкасидаги алам юкининг анчасини улоқтириб ташлагандек, тетикроқ бўлиб ўрнидан турди. Йўлакда аравача ғирчиллаб, капитаннинг қувноқ шовқини эшитилганда ғамгин хотираларимиз ҳуркиб, сокин суҳбатимиз узилди, фрау Анна чиқиб кетди.

— Мен яна уч кунда оёққа турарканман, қўшни, нима дейсиз?

— Табриклайман, капитан! — дедим.

Лекин у табригимга парво қилмай, ёнимдаги курсига, унда ординатор эсидан чиқариб қолдириб кетган китобчага қаради:

* — Ажабо! — деди, — голиб ила мағлубнинг ҳангамаси қуюқ бўлибди шекилли?

Мен курсидаги китобчани олиб варақладим. Иоганнес Бехер. У титилиб кетган, дори ҳидлари келиб турар, бир чети куйган, ёнғиндан омон чиққанга ўж-шар, нимаси биландир фрау Аннанинг ўзини эслатар эди.

— Ҳарфлари бутун, қайта нашр қилса бўлади... — дедим ўзимча.

— Бир нима дедингизми, кэптен?

— Ҳа. Ахборотингиз, учун, капитан, фрау Анна шундай мағлубки, бу мағлубият унинг учун кўп ғалабалардан қиммат.

— Бу ўз гапингизми, ҳалиги хотиннинг гапими — билмадиму, ҳар ҳолда тутилмаган гапларни тонасиз, кэптен, шунисига қойилман.

— Йўқ, бу тутилмаган гап эмас, эеки гап, мана китобда ҳам ёзилган экан, — дедим китобни узатиб, — фрау Анна эсидан чиқариб қолдирибди.

Капитан китобни варақлаб, чиройли немис тилида, жарангли овози билан ўқий бошлади:

Мағлубият

биз учун нажот...

Унинг товуши бирдан қирқилди.

— Давом этинг, капитан, — дедим мен.

Капитан индамади. Индамади-ю, айтадиган гапи бўғзига тиқилиб қолгандай бўлди. Негадир эшикка қараб қўйди. Кейин Бехерни ўқишда давом этди, лекин энди унинг овози янгроқ эмас эди.

Яна бир неча кун ўтгач, иккаламиз ҳам сал юрадиган бўлганимиздан кейин Берлинга тушиб чиқадиган бўлдик. Ҳар қайсимиз ўз комендатураларимизда рўйхатдан ўтиб қўйишимиз керак эди.

Бизга эскигина санитар машина беришди. Мен бир оз пиёда юришни таклиф этдим. Кўпдан бери очиқ ҳавога чиққан эмасман. Бошим сал айланиб, ўпкамнинг губори кетгандай, роҳат қилдим. Тинчликнинг баҳор билан бирга келганини қаранг, ҳар ўйлаганимда кўзларимдан ёш чиқиб кетади.

Аллақандай томорқаларни айланиб ўт босган, кам қатнов сўқмоқ йўллардан юрдик. Мана четан... наҳотки четан! Қалдирғоч туллаган эчкининг чивикқа илашган юнгини тумшугида олиб учди. Рус қишлоқларига ўхшайди. Ошқовоқ палаклари чирмапган қопқа ортида говтиқаннинг қирмизи салласи, бурган говлаб ётибди. Қаердандир дуб бочканинг талх ҳиди келди. Ана бостирма тагида темирчилик. Тинч ҳаёт. Тинч ҳаёт бошланиб кетибди. Бизда қанақа экан? Фарғонада-чи? Тупроғидан ҳали ҳам қуёш ҳиди келиб турармикан?

Катта йўлда машина бизни дарров қишлоқдан олиб чиқиб кетди. Шаҳар этагига яқинлашишимиз билан ҳали совимаган култепалар, ҳали қони қотмаган даҳшатли жароҳатлар кўзга чалинди. Икки марта кишилик бахтига зомин бўлган Германия — гүристонлар, солдат крестлари, қўлтиқтаёқ ва шалвираган енглар мамлакати. Ҳар бир гишт йўловчини сескантиради, ҳар бир дўнглик шивирлаб жавоб талаб қилади. Снаряд белидан чала қирқиб, бошини ботқоққа ботириб кетган тоғлар онда-сонда барг чиқарибди. Улар бош кўтаролмай қийналиб, инграётгандай туюлади. Вайрона ичида омон қолган девор парчасида меъмор қўлининг тафтини сезгандай, бир оёқсиз солдат суяниб ўтирибди. Ёнида ориқ ўғли унинг қўлтиқ таёғини миниб от-от ўйнайди: ҳоп-ҳоп-ҳоп!

Майиб бизни тўхтатиб тамаки сўради.

— Уйга қайтасизлар...— деди ифлос бармоқларига туфлаб тамаки ўраркан. — Уруш тугади... Лекин ҳамма учун эмас. Мана мен ҳам қайтдим, хотиним билан кўришдим, бузилиб кетибди. Чайқовчи. Катта ўғлим билан қучоқлашдим. У ўғри ҳозир. Мен аламларимни, кўрган жангларимни гапирсам кулишади, ҳеч ким қулоқ солмайди. Билсам — менинг тўрт йиллик азобларим ҳеч кимга керак эмас экан. Ундай десам ҳар кимнинг ўз мусибати ўзига етиб-ортади. Ишқилиб, менинг гапимга ҳеч ким тушунмади.

Ҳа, бу вайроналардаги одамларнинг ўзигина эмас, дили майиб. Энг даҳшатлиси шу. Бу одамлар мана шу қабрлар, шу тутунлар оша эртаги янги кунни кўра олармикан? Кечаги қон қизиллигидан қутулиб оғир тўлғоқларда оқараётган тонгни шом қоронғиси деб янглишмаслиги учун уларга ким далда беради?

Мен фрау Аннани кўз олдимга келтирдим. Унинг қалбидаги қўр етармикан?

— Баҳор авжига чиқяпти. Бир қутуриб кайф-сафо қилмаймизми, кэптен? Ўзимиз тиз чўктирган шаҳар бирон воқеа билан ёдда қолсин-да!— деди капитан керишиб.

Мен, хаёлларим бўлиниб, бирдан бошқа дунёга қайтгандай, кўзларимни пирпиратиб шеригимга қарадим.

— Бу ерда ажойиб кварталлар бор, мен... баъзи уйларни биламан,— деди у маъноли қараб.

— Уруш вақтида билиб олганмисиз?

У қошини учуриб, пешанасини тириштириб, елкасини қисди.

— Солдатга мумкин эмас албатта, ҳатто уруш вақтида ҳам. Аммо сиз билан биз офицермиз! Гўзалликка бепарво бўлса, офицер офицер бўлиб қаёққа борди?

— Гўзаллик... Танишган кунларимиз Европа санъат музейлари ҳақида гапирган эдингиз. Уларга ҳам шундай гўзаллик излаб кирганмидингиз?

— О, сиз ҳазиллашяпсиз, кэптен! Лекин мен айтган «муассасалар» ҳазил эмас. У «уйлар»да қанча-қанча немис аёллари очликдан, ўлимдан, қувгиндан жон сақлаган. Кўнглим сезишича, сизнинг ошнангиз фрау Анна ҳам...

Мен ялт этиб қарадим. Кўзимда учқун чақнаган бўлса керак, у жим бўлиб қолди.

— Фрау Анна сиз билан бизга она тенги одам, капитан!

Ғазабдан вужудим ўт олиб кетаётган бўлса ҳам, шу гап билан қолдим. Ҳозирча мен бу одам билан бир машинада юришга мажбур эдим.

Вильгельмштрассега келиб тушгач, деворларига олақуроқ фанерлардан ямоқ солинган бир қовоқхонани кўриб, икки кружкагина пиво ичадиган бўлдик.

Офтоб тиккага келган, йўл чанги, ёнғин, қуюқ, дуд исси томоқларимизни қақратган эди. Дераза ёнига ўтирдик. Ташқарида шаҳарнинг азамат скелети, булутдек булутдек вайрона тепаликлар, кўмирга айланган хиёбонлар орасида заифгина кўкариб келаётган яккам-дуккам дарахтлар кўзга ғариб кўринар эди. Қовоқхона атрофини гадойлар, чайқовчилар қуршаган. Деразадан «Лебенсмителъ! Лебенсмителъ!» деб, егани бирон нарса сўраб қўл чўзишар, чайқовчилар кекиришга қарши доғларини, орден тасмалари билан безатишган қорғоз гулларини қичқириб мажтар эдилар. Снаряд ўпириб кетган зинаюйда жулдур кийимли бир қизча консерва қутисини қоқиштириб иккита каптарни чақиритти. Уларнинг ҳафсаласи пир бўлиб учиб кетиб қолганидан кўрқадди шекилли, қутидан ҳеч нарса тушмаганини кўриб, ўзича бир нималар гапириб авра-масқчи бўлади қушларни.

Бизни икки букилиб кутиб олган қовоқхона кўжайини — клеёнкадан фарғуқ тутиб, бошига латта қалпоқ кийган, лабининг четлари бичилган, сосискадай қизил, жуда сергап, ёпишқоқ, юмалоқ одам бизга шароит яратиш учун дераза ёнидаги тиланчиларга бир нималар деб пўписа қилди, улар пашшадек ёпирилганча тураверинди-ю, қизчанинг каптарлари чўчиб учиб кетди. Улар Бранденбург қопқаси ёнидаги бронза Бисмаркнинг қиличига бориб қўнишди.

— Германияда оддий граждани кийимидаги биронта ҳайкални кўрмадим, — дедим мен, — ҳамма нарса вайрону, мана бу турибди, аслида аввало шунини қўпориб ташлаш керак эди.

— Шаҳримизда шундоқ ҳам вайрона кўп, жаноб сфицер, рухсатингиз билан, — деди хўжайин илжайганча таъзим қилиб. — Германиянинг тарихи тутаган

эмас, рухсатингиз билан. Бахтимизга, ўтмишдан кўра, келажак муҳимроқ эканини, мана, нажотчиларимиз яхши тушунмоқдалар, — у шеригимга таъзим қилди, — рухсатингиз билан.

— Кельнер, пивонгиз суяқ! — деди капитан унинг гапани бўлиб.

Қовоқхоначининг юз ифодаси шундай тез ўзгариб турардики, бирини пайқаб олгунингча иккинчисига кўз улгуролмай қоларди. Ҳатто бир жумлани гапириб бўлгунича унинг юзида бир неча қарама-қарши ҳисларни ўқиш мумкин эди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, сэр, рухсатингиз билан. Ахир сизлар бизни яқиндагина озод қилдинглар. Нафасни ростлаб олайлик, ҳаммаси яхши бўлади!

Мен унинг қандай озодлик ҳақида гапираётганини тушунмадим. У юзига минг хил ифода бериб, давом этарди:

— Биз қаддимизни ростлаб оламиз, албатта ростлаб оламиз! Мана булар ўша вақтда ҳам бундан фарқи кам эди, — у дераза тагидаги гадойларга боши билан имо қилди, — енгиб чиқишга қобилияти бўлганлар енгиб чиқади, рухсатингиз билан. Мана бу майиб, оқсоқ, букри жулдурвақалар: «Сен ҳам яша, биз ҳам яшайлик» дейишади. Бу қанақа фалсафа? Булар мен туфайли яшар эмишу, эвазига мен бир умр буларнинг майиб, ифлос башарасини томоша қилишим керак эмиш! Бу қанақа тартиб, рухсатингиз билан! Табиатнинг нуқсонни ҳали кўп. Уни ўз ҳолига қўйиб бериб бўлмайди, жаноблар! Немисларнинг фожиаси ҳам шунда: заиф новдаларни бутаб ташламадик — мана энди шунинг жазосини тортяпмиз. Майли, куч яна юзага чиқади, рухсатингиз билан. — У столдаги бўшаган кружкаларга қўл узатганда вужудидан ачиган арпа, хамиртуруш ҳиди димоғимга урилди. Терлаб кўпчиган башарасидан юзимни четга бурдим. Унинг ўзи ҳам мана бу сассиқ қовоқхонаси билан бирга янги фашизмнинг ачитқисига ўхшаб кетди назаримда. У кружкаларни олиб кетгандан кейин, нафасим бўғилиб, капитанни бу ердан тезроқ чиқиб кетишга қистадим.

— Бундайларга Бисмарк соясида яшаш жуда бемалол албатта, — дедим ўрнимдан туриб.

— Сабр қилинг, яна биттадан ичайлик. Бекор жаҳл қиляпсиз унга, — деди шеригим. — Булар ўша сиз ша-

раф билан қарши курашган эски немислар эмас, булар бутунлай бошқа, шунчаки фаол, йўқдан бор қиладиган, ҳақиқий немислар. Куч ҳақидаги гапига эса изоҳнинг ҳожати йўқ: сиз билан биз ҳам куч билан енгдик, шундай эмасми? Бундайлар ҳақиқатан ҳам юзага чиқади.

— Рухсатингиз билан,— дедим мен.

Капитан менинг аччиқ киноямни шунчаки ҳазилга йўйди-да, хоҳолаб кулиб қовоқхоначини чақирди.

— Ҳисоб қилинг. Айтгандай хом ашёни қаердан оляпсиз?— деди унга.

— Нажотчиларимиздан оламиз. Бизнинг бўлак манбаимиз ҳам йўқ, умидимиз ҳам,— деди хўжайин пулни тупуклаб санаркан.— Яқинда заводимни қайтариб беришадиган бўлди, бир ойдан кейин келинглар, жаноблар! Бу атрофда тенги йўқ завод, ажойиб винолар чиқарардим бир вақт, рухсатингиз билан! Бургунд виносини татиганмисиз?

— Кўрганман,— дедим,— «Фақат СС офицерлари учун» деб зарҳал билан ёзилган бўларди шишасига.

Хўжайин ўғирлик пулни санаётганда қўлга тушиб қолгандай оқаринқираб, дудулаб, саноқдан адашиб кетди. Кейин капитанга кўзи тушиб, яна ўша мароқ билан давом этди:

— Бизнинг ғарбда Германия ўзининг олижаноб халоскорига сўзсиз итоат билан бош эгиб, тақдирга тан берган қиздай, бутун борлигини унинг ихтиёрига топширди. Бу — муҳаббатсиз бўлса ҳам, икки тарафлама манфаатли никоҳ, жаноблар, рухсатингиз билан!

— Ҳар қандай никоҳ сингари, бу ҳам маълум оқибатларга олиб келади, албатта. Майиб бола, ёки яна бирор йиртқич махлуқ туғиб қўймасангиз деб қўрқаман,— дедим мен, заводчининг фартук боғичидан бўғилиб кўпчиган қизил башарасига қараб.

У юзига ювинди сепилгандай, кўзларини пирпиратганча анқайиб қолди. Капитан ҳам бу сафар хоҳолаб кулмади. Биз ҳассаларимизни олиб кўчага чиқдик. Ортиқча гапсиз, машинани топиб, Тиргартенда учрашадиган бўлдик-да, ҳар қайсимиз ўз комендатурамизга кетдик.

Мен ишимни тез битириб чиқдим. Илиқ баҳор ёмғири қуймоқда эди. Вайроналарнинг чанги босилган кўчаларда, деразалари ёмғирда ювилиб худди аквариумга ўхшаган автобуслар ўтар, одамлар зонт тутиб узун-

дан-узоқ навбатларда турар, вайроналарни кавлаб секин қимирлаб ғишт ташишар, егулик нарса излашар эди. Тиргартен паркига келиб машинамизни топдим-да, капитанни кутиб ўтирдим.

Паркнинг марказий майдонида бошига эски картуз, қўлига катта брезент қўлқоп кийган одамлар жуда тиниқ қора мрамар плиталарини йўл бўйидаги майсага чиройли қилиб тахламоқда эдилар. Улар афтидан, сўнги дармонларини сарфлаб, секин, эҳтиёт билан, кўпдан бери ишламоқдалар. Плиталар жуда кўп, уйдек-уйдек қилиб тахлаб ташланган. Йўллар тайғоқ бўлиб кетгач, ишчилар қадимий панжарали шийпончага кириб ёмғир тинишини кутишди. Мен ёлғиз чеколмайман, кўпчилик бўлиб, у ёқдан-бу ёқдан гап-сўз аралаштириб, ишчан бир қиёфада астойдил ўраб чексангиз, хумор-ғуборингиз чиқиб кетади. Машинадан тушиб улар ёнига бордим. Менинг тамаки халтачамни бирпасда қоқиб қўлимга бериб, роса кулишди. Содда, ишчи одамлар экан. Бу қанақа мрамар, уни нима қиляпсизлар, деб суриштирдим. Уларнинг гапича, бу қимматбаҳо Швеция мрамари экан. Шахсан Гитлернинг буйруғи билан келтирилган. У мана шу катта тарихий паркнинг марказий майдонида Россия устидан ғалаба симболи қилиб ўзига ҳайкал ўрнатмоқчи бўлган экан.

— Қаёққа ташиб кетяпсизлар?

— Совет жангчиси шарафига ҳайкал ўрнатиляпти, шунинг пойдеворига ишлатилади, — деди мўйлови махоркадан сарғайган, ориқ, кекса ишчи. Бу одам менга жуда таниш кўринди. Лекин уни қаерда кўрганлигимни суриштирмадим, негадир шулар орасида бирпас ўтиргим, гапирмасдан, шунчаки ўтиргим келиб кетди. Ёмғир эзиб ёғарди, шинелимдан жиндек зах ўтиб, кўкрагимнинг аллақаери ивишиб оғрий бошлади. Лекин асабларим кўпдан бери бундай осойишта ором олмаган эди. Ёмғирнинг шовуллашига қулоқ солиб, ерга тикилиб ўтирганимда ҳалиги ишчи қўнжидан пичоқ олиб, қўлбола ҳассамнинг тутқисидан бутоқ кўзини йўниб, сайқаллаб ҳам берди. Улар мени жуда касал деб ўйлашди шекилли. Мен бўлсам нимадандир роҳат қилиб ўтирар эдим.

Шу маҳал металл жарангидай қаттиқ товуш ҳаловатимни бузиб, вужудимни сескантириб юборди. Капитан чақираётган эди. Мен уни унутаёзган эканман. Ши-

ракайф илжайиши кўнглимни хира қилса ҳам, машинага, ёнига чиқиб ўтиришга мажбур бўлдим. У ўртоқлари билан жиндак хурсандчилик қилгани, қаёқдандир ажойиб хатлар олгани, яқинда госпиталдан чиқиб кетиши, яна алланималар ҳақида гапирди. Мен кўкрагимнинг зирқираб оғришидан, яна алланимадан эзилиб, гапга аралашолмай борардим.

— Бизнинг чол мерос ваъда қилибди, кэптен, — деди у қўлидаги хатни ҳавода силкитиб, — жуда пишиқ эди, агар уки нариги дунёга отланган бўлса, демак биз ҳам қарибмиз. Йигитликнинг айшидан кечиб чолнинг чурчи қолган мол-дунёсига муккамдан кетмасам деб қўрқаман. Қариликнинг ёмон томони шуки, кэптен, у ҳам ўтиб кетади. Кейин, кичкинагина дўнглик, мрамар төн ва эпитафия: «Бу ерда Қўшма Штатларнинг содиқ солдати, орденлар кавалери, кэптен... йўқ, эҳтимол «миллионер», ёки «конгрессмен», ёхуд ҳатто «президенти» фалон-фалон...». Менга қаранг, кэптен, буларнинг ҳаммаси бўлиши мумкин бизда, лекин буларнинг бир вақт келиб мрамарга қайд қилиниши жуда кўнгилсиз...

— Сэр, сиз Англияда турилгансиз-а, ҳозир бу ердан чиқиб қаерга борасиз, Америкагами?

— Америкага. Ёки Африкага. Эҳтимол Осиёга. Айтяпман-ку, қариб қолиб мол-дунёнинг панжасига тушмасам деб қўрқаяпман. У истаган жойига улоқтиради сени, ватанингни тошиб беради! — капитан негадир сунъий хохолаб кулди. У хурсанд бўлиб гапиряптими, тақдиридан нолияптими — тушунолмасдим. Уринсиз кулгиси аллақаримни тилиб кетгандай бўлди, кўкрагим астойдил оғрий бошлади.

Зах ҳаво ёқмади менга. Госпиталга етишимиз билан ётиб қолдим. Бунинг устига мени ёмон хабар кутиб турган экан: фрау Аннани тўсатдан бўшатиб юборишибди. Ёстигим остидан унинг бир неча сўздангина иборат хатини топдим: «Онангиз билан эбн-омон кўришинг. Унутмайман. Хайр».

Унинг ўрнига катта кўзойнакли, баланд бўйли, сариқ хотин ишга тушибди. Капитан бу ўзгаришни аллақачон билгандай гўё пайқамади ҳам, янги орденаторнинг отини сўраб олиб, ўз тилида гаплашиб кетаверди.

Оғриқ, гашлик, шу хабар, бу хатда онамнинг эсга олиниши — ҳаммаси бир бўлиб эзиб қўйди мени, беихтиёр инграб юбордим. Сариқ хотин спортчи эркаклар

дай катта, бақувват гавдасини эгмасдан, бошимда тик-ка туриб дори берди. У менга безабон жонивордек муомала қилар, гапирмас, бирон сўз айтса ҳам, менинг тушунмаслигимни била туриб, инглизча гапирар эди. Аннани ундан сўрай олмадим. Хатни онамдан келган катлар ёнига буклаб солиб, бош остимга қўйдим. Мен онамни, шаҳримизни кўпроқ кечқурун ўйлайман, тушимга кирса эди деган умидда. Тушимга бўлса нуқул яна уруш, концлагерь даҳшатлари киради. Соғлигим ёмонлашгандан бери баттар бўлдим — қаёқдаги даҳшатларни кўриб, босинқираб қоламан. Бир куни тушимда капитан юзлари қоп-қора қақшаган фрау Аннани сочидан ушлаб фоҳишахонага судраётганмиш. Узтовушимдан уйғониб кетдим. Кейин билсам алақлаб капитанни ҳақорат қилибман. У эрталаб туриб буни юзимга солди.

Мен уэр сўрамадим. Таъбим жуда хира эди.

— Биз ўнгимизда ҳам бир-биримизга маъқул бўлолмадик, капитан, — дедим шартта.

У бир қаради-ю, унча ажабланмади, чамадонини йиғиштиришда давом этди.

— Бир мақсадда жанг қилиб, шунча бирга ётиб, шунча гаплашиб-а? Орада девор бор денг? — деди у хотиржам.

— У девор... бизнинг мана бу еримизда, — дедим дока билан чирмаб ташланган кўксимни кўрсатиб. — Вужудимизда. Виждонимизда. Онгимизда. Мен жуда ақлли бир китоб ўқиган эдим, капитан, сизга айтиб берай. Унда воқеа шундай бўлади: бир оқ танли билан бир негр турма машинаси ҳалокатга учраган пайтда сургундан қочадилар. Улар кишан билан бир-бирларига маҳкам боғланган эдилар, занжир халақит берарди, қочаётиб уни узишнинг сира иложини тополмайдилар. Уларни соқчилар қувади, итлар қувади. Оқ танлиси ёнидаги негрдан жирканади. Лекин улар кунлар, тунлар, ҳафталар бирга бўлишга, ҳамма азобларни, ҳамма синовларни бирга кечиришга мажбурлар. Охири бир жойга бориб, кишанни тош билан янчиб узишга муваффақ бўладилар. Аммо шу пайт иккаласи ҳам бирдан англаб қоладики, улар бир-бирларига кишан занжири билан эмас, бўлак бир кўзга кўринмас ип билан боғланган эканлар. Қачонлардир бир-бирларига нафрат билан қарайдиган одамлар энди бири иккинчисисиз

яшай олмайдиган бўлиб, ажралолмай қоладилар... Аммо сиз билан мени, капитан, минг йил боғлаб қўйишса ҳам, қозонга солиб қайнатишса ҳам қонимиз қўшилмайди, бунга аминман. Мен кўрдимки, сизга Берлин қовоқхонасида қолган мараз юқи мендан кўра маъқулроқ.

Бу гап ҳам уни хотиржамликдан чиқаролмади. Аммо энди у ҳам очиқчасига ўтишга шайланди шекилли, чамадонини четга суриб қўйди-да, креслога ўтиб ҳассасини иягига тираб ўтирди.

— Менга қаранг, кэптен, — деди, — одамлар дунёда ҳис-туйғу билан яшайди, ҳис-туйғу учун эса ким ҳақ, ким ноҳақ — барибир. Бизнесинг замон кишисига фақат бир туйғу, ўзидаги кучни ҳис этинг қиммат. Кишилик иккига бўлинган: кучлилар, заифлар. Замонамиз бошқа ҳеч қандай бўлинишларни тан олмайди — на яхши-ю ёмон, на оқу қора, на бою камбағал... Ҳақиқатан ҳам, ўйлаб қаранг, кэптен, инсонда бу манфур заифлик ортиқ даражада кўп. Сип-силлик, мулойим, ҳақгўй, тор кўкраги ичига ботган, кафти нам, ёпишқоқ — оз дейсизми шундай оддий, жуда оддий майда одамлар. Ундан ташқари, ҳатто Шекспир ҳам, масалан, ўз Гамлетига нисбатан анча тубан одам бўлган. Мюссе, Достоевский сингарилар бўлса асосан шу жиҳатдан диққатга лойиқки, улар ўз асарлари билан ўзларининг руҳий тубанликлари учун, заифликлари учун қасос олганлар.

— Инсон табиати азалдан пасткашликка мойил демоқчисиз?

— Ҳа. Бу заифликни фақат куч, устунлик ҳисси йўқота олади. Мана сиз билан биз жангда бўлганмиз. Кўпгина сафдошларимиз ўлиб кетди. Ўз ҳаётимизга ўзимиз ҳукмрон эмасмиз. Аммо сиз ҳам, мен ҳам кўп одам отдик. Ўзингни бировнинг ҳаётига ҳукмрон деб ҳис қилган пайтингда, масалан, «Отиб ташлансин!» деб буйруқ берганингда, — бу туйғу сизга ҳам танишдир, эсингиздадир, — одам ўз назарида бирдан юксалиб кетади. Сиз... бошқа бирон нарса ўйламанг тагин, мен сиз билан офицерча гаплашяпман.

Гапи қулоғимга кирмай қолди. У кўз олдимда бирдан яланғоч бўлиб қолгандай, бутунлай янги қиёфаси билан мени ҳайратга солган эди. Наҳотки мен уни шу пайтгача танимаган бўлсам!

Янги танишган кунларимиздаги баъзи гаплари, га-

Урнимдан туриб кетдим. Мен энди у билан гаплашолмас эдим. Бундай мудҳиш махлуқни рўпарангда одам қиёфасида кўриб туришинг ғалати. Йўқ, у эндигина пайдо бўлган эмас, у азалдан бор, у мен туғилмасданоқ пешанамга битган душман. Мен шу билан юзма-юз келиш учун чиққан эдим бу катта йўлга.

Бу одам дунёда бор экан, мен ҳаловат топмасам керак. Лекин мен у билан яшашим керак. Ҳозир бир хонада. Умуман — бир планетада.

У менинг гаплашмоқчи эмаслигимни кўриб ишида давом этди — чамадонларига нарсаларини тахлади, болдирига ялтироқ чарм қўнжини боғлаб, тишли ботинкаларини кийди.

Америка офицерининг ҳарбий кийимида у яна ҳам қомати расо ва шу қадар соғлом кўриндики, ҳарбий кишидан кўра кўпроқ ўзидан мамнун, кибор бир корчалонга ўхшарди. Силлиқ, қизил юзи, олтин тишлари, баднафс йилтироқ кўз қорачиги, мағзи тўқ, қуюқ, майин товуши, нуқра сингари совуқ ва ясамароқ жилмайиши хотирамга ўрнашиб қолди. Мен уни оқ ёқа, қора смокингда, банкирлар, майк мани — пул ясовчи ишчан женгльменлар орасида тасаввур этдим. Яна бир марта амин бўлдимки, бу мени ҳам, урушни ҳам, қон, ўлим ва вайроналарни ҳам дарров унутади. Унинг шошқин хаёллари ҳозирданоқ аллақайда. Ана, ҳасасини олиб қаергадир чиқиб кетди.

Лекин мен енгил тортмадим. Узи чиқиб кетса ҳам шарҳи енимда тургандек эди. У руҳимга шундай таъсир қилдики, машъум сояси доим изимдан юрмаса деб қўрқаман. Наҳотки, бир умр шундай бўлса? Ёки ҳозир кўксимни дард эзгилаётганидан шунақа туюл-яптимиқан? Ичимда нимадир ёнади, иситма енгмаса бўлгани. Йўқ, енголмайди. Энди енголмайди!

Ёшлигимда мен бахт ҳақида ўйлардим. Завқ билан, жуда кўп ўйлардим. Борди-ю, уруш бўлмаганда, ўша хаёлларим амалга ошармидийкан? Йўқ, назаримда, амалга ошмасди. Мен бахт деб ҳаловатни ўйлаган эканман шекилли, у хаёллар энди жуда майда, хонаки хаёллар бўлиб кўринапти.

Сўнги йилларда бахт ҳақидаги ўй энг оғир пайтларда тушарди кўнглимга: «Бахт нима, борми у ўзи?» дердим. Мана ҳозир ҳам оғриқдан тўлганиб ётибману, негадир хаёлимга яна шу ўй келди. Бахт нима? Ё ма-

на шуми? Шу азоблар, шу ғазабли ҳаяжонларми? Ахир мен булар ҳақида сира ўйлаган эмасдим болалигимда.

Мадали ака билан бир суҳбатим ёдимга тушади. Усмирлигимда у билан кўп чираниб баҳслашар эдим. Унинг гапларини ўша пайтларда кўп ҳам тушунмас эканман, кейин чақдим бир-бир уларнинг мағзини. Бу сокин одамнинг ажойиб қиёфаси ҳам кўз олдимда тобора улуғворроқ кўринаверди.

Ҳа, ўша суҳбатни айтай. Бир куни гапдан гап чиқиб, ўша маҳалдаги ҳовлиқма гапларимдан бирини яна такрорладим унга: «Оталаримиз бахтсиз ўтган. Виз Октябрь болалари — бахтли наслмиз!» «Бу — тўғри эмас» деди Мадали ака бирдан. Киприklarим пирпираб, кўзларим катта-катта очилиб кетди: нимаси тўғри эмас? У бўлса, одати бўйича салмоқлаб, юмшоққина тушунтирди: «Оталаримиз бахтсиз ўтган деясиз. Октябрни қўлга киритиш бахтларнинг энг улуғи эмасми? Уни сақлаб қола олсак биз ҳам бахтлимиз. Бўлмаса йўқ. Шундай қилиб бахт дегани, укам яна курашда».

«Яхши одамнинг умрида шундай бир пайт албатта бўлади, шундай бир пайт келадик, ўз ҳаётингни бахтга айирбош қилганингни бирдан сезиб қоласан». Бу ҳам Мадали ака айтган сўз. Лекин ўзиники бўлмаса керак. Китобдан ўқигандай, ҳар бир сўзни ўйланиброқ айтганидан билардим. Бировдан, кексароқ одамдан эшитган. Эшитгану, ёқиб қолиб, доим такрорлайдиган бўлган. У ҳам менинг сингари, бахт ҳақида кўп ўйлайдиган киши эди.

Шуларни эслаб, ҳозир қаноат ҳосил қиляпманки, ҳали бахт ҳақида оғиз тўлатиб астойдил гапириш пайтим ҳам келар. Шу оғир йўл, унда йиқилмай, ҳалок бўлмай енгилмай юриб келганим, бу азоблар, бу ҳаяжонлар, мана бу аблаҳга юзма-юз келишим, унга ғазабим, шу ғазаб ўтида юрагим гардлардан соф бўлиб, руҳим юксалганлари, дўстларимнинг пок хотираси, тушларим, умидларим — ҳаммаси-ҳаммаси бир бўлиб қандайдир улуғ якунга уланар, ана ўшанда.

Ташқарида шамол бўляпти шекилли, кекса аргувонларнинг гавдаси билан силкиниб гирчиллагани, шохларининг болохона панжараларини тирнагани эшитилади, баланд шифтнинг локланган кўзгусида барг-

ларнинг хирагина шарпалари ўйнайди. Қаердадир бир оҳангда говур-гувур гурунг, бўғотдаги мусичанинг кукуси, йўлакдаги овозлар қулоққа чалинади, ҳаммаси худди туман ичида. Ҳаяжонлар, ўйлар чарчатди...

— Аҳмаджон...

Мени биров чақиряпти. Ўз тилимда, ўз отим билан. Буларни эшитмаганимга қанча бўлди? Туш бу. Албатта туш. Уни чўчитиб юбормасам бўлгани. Уйни, ойимни, ҳеч бўлмаса бирон танишимни туш кўрсайдим, деб қачондан бери орзу қиламан. Мана, ниҳоят...

— Аҳмаджон!

Қизиқ, худди ўзим истагандай бўляпти. Ё кўзимни очиб қарасаммикан? Йўқ, чўчитиб юбораман. Қандай яхши туш! Лекин ким? Ким чақиряпти? Нега ўзи кўринмайди?

Биров қўлимни ушлади. Ёнимга ўтирди. Ҳаммасини, ҳатто нафасигача сезиб турибман, лекин кўз очгани қўрқаман: бу туш менга шу қадар азиз эди. Шу маҳал кўзим очилиб кетди-ю, шифтдаги яшил фаришталарни кўриб жуда хафа бўлдим, мен ўша илгариги жойимда ётган эдим.

Лекин ҳалиги говуш яна эшитилди:

— Аҳмаджон!..

Рўпарамда бир аёлни кўрдим. Кўзимни ишқалаб бошимни кўтардим. Шу хилда узоқ, жуда узоқ тикилиб турдим: қаршимдаги аёл, худди суратдек, дам узоқларда туман ичида кўришиб, дам яна ёнгинамда пайдо бўлар эди. Менга нима бўлди, тилдан қолдимми? Унинг қўлимни ушлаб ўтирганини сезиб турибман, ўзим ҳам ушладим, унинг ғалати кичик, совуқ қина қўлини.

— Сўнагул...— деб шивирладиму, ўзим қўрқиб кетдим: алаҳлаётган бўлсам-чи?

— Топдим, сизни, топдим, — деди у.

Мен туриб ўтирдим, ён-веримга қарадим, ҳамма нарса жой-жойида, ўша-ўша, лекин бу аёл... қаёқдан келиб қолди? Сўнагул? Сўнагул... Сўнагул!

Мен унинг қўлларини пайпасладим, билақларига ёпишдим, негадир силкидим ҳам шекилли.

— Ростданми? Тушим эмасми?

— Сизни иситмаси бор дейишди, соппа-соғ экансиз.

— Сўнагул!— мен бу сафар жўрттага қаттиқ қич-

қирдим, қийналиб ўтиргандан кўра уйғонсам уйғониб кета қолай деб. Лекин Сўнагул рўпарамда ҳаяжондан кўзлари ёниб ўтирар эди.

— Сўнагул! Жонгинам! Тирикмисиз!— деб олдида бошимни шилқ этиб эгдим-да, йиғлаб юбордим. Муздаккина бармоқларининг учини бошимда, сочларим орасида сездим, бағридаги қадрдон, тотли, илиқ ҳаводан нафас олиб, бир нималар деб пичирладим, қандайдир айбларим учунми, ҳозир йиғлаганим учунми, кечирим сўрадим.

— Тирикмисиз, жонгинам?!— дедим яна. Ҳали ҳам ишонмай, бош кўтариб юзига қарадим. Сўнагул! У жуда ўзгариб кетган эди. Сочлари қоп-қора бўлиб қайта ўсиб чиққан, лекин калта қилиб қирқилган, тиниқ қора, узунчоқ юзига озроқ эт битган, бироқ ҳали ҳам ориқ, қувонганидан бўлса керак, кўзлари юм-юмалоқ, чўғдай ёниб турибди. Устида эскироқ жигар ранг жикет. У илгари ҳам шундай кўйлак-костюм кийишни яхши кўрар эди. У ўз ёшидан каттароқ, жуссаси эса илгаригидан чоғроқ кўринар эди. Бир қарашда илгариги Сўнагулдан асар ҳам йўқ, лекин бир қарашда яна ўша Сўнагул — кўмирдек қорайиб, тўлишиб турган лаблари, кўзининг теран бир ерида сирли қизлик гурури, ўша-ўша...

Биз худди гапимиз йўқдай, яна узоқ тикилишиб, кўзларимиздан ўзимизгагина тушунарли бўлган бир нималарни ўқишиб ўтирдик.

— Одам тирик бўлса топишар экан,— деди у ҳам мени омон кўриб турганига ҳамон ишонмаётгандай.— Комендатурада тахминан, шунчаки суриштирган эдим, уч-тўрт кун бўлди регистрациядан ўтиб кетганига, дейишди. Шунгача чидаган юрагим шу ерга келиб тўхтаб қолдим, деб жуда чўчидим. Ярим соат ўтириб қолсам бўладими, зўрға ўзимга келибман... Ҳой, мен ҳолаҳвол сўрамай ўзимни гапириб кетибман, қаранг. Операция... кўкракданми?

— Кўкракдан.

— Энди тузукмисиз?

— Бўлмаса-чи, Сўнагул!— Мен ҳали ҳам ўзимни босиб ололмаган эдим. Мен у билан кўришолганим учунгина эмас, яна қандайдир бир катта нарсадан ўзимда йўқ қувончда эдим. Бу нарса балки унинг мислсиз азобларни енгиб омон чиққанлиги, уларнинг Сў-

нагулга ўхшаганларнинг бу жаҳаннам қийноқларини енгиб омон чиққанлигидир. Шу қувонч билан тўлқинланиб турганимда, қандайдир совуқлик ҳам кўнглимни изғириндек ялаб ўтди.

— Сўнагул, ўзингиз... соғ-саломатмисиз, ҳозир қалай тетикмисиз?— дедим. Маъносизроқ, ғалати, ўта жўн чиқди саволим. Мен унинг лагердаги руҳий ҳолатини ўзим эсладим, унга эслатишдан қўрқдим. «Жинни бўлиб қолди, дейишган эди, ўз-ўзингиз билан гаплашар эдингиз» деб бўладими одамнинг юзига! Сўраб ҳам нима қилардим, ҳар қалай омон экан-ку. Тириккина эмас, тетик, соғлом кўринарди. Тузалиб кетган бўлиши мумкин. Дардан тўла мусаффо бўлиб кетмаган бўлса ҳам, энди даволанишга ҳаққи ҳам, имкони ҳам бор. Шунча даҳшатларни енгган, касални енголмаймиами!

— Менинг соғлигим яхши, ўзингиз қачон тузаласиз?— деди у.

— Яна икки ҳафтача ётишим керак экан. Раҳмат, Сўнахон, йўқлаб, топиб келганингиз учун минг раҳмат.

— Мен сизни албатта топишим керак эди, Аҳмаджон. Сизга бир неча узрларим бор. Бу узрларимни сиздан ўтиниб олмасам, мен жуда оғир юк билан, доим қийналиб яшар эдим. Ўз виждоним олдида умримнинг доғи йўқ, сизнинг олдингизда ҳам ўзимни шундай сезишни истардим. Чунки сиз ҳам... бу оғир йўлларда ўз виждонимдай бўлиб қолгансиз.

«Узр» деганида мен дарров унинг лагердан кетиш пайтини кўз олдимга келтирдим. Қани энди ўша кунларни мутлақо унутиб, хотирадан ўчириб, қириштириб ташлашнинг иложи бўлса! Шундай учрашув пайтида эслайдиган дамларми? Наҳотки у дамлар бизнинг ҳар бир учрашувимизда орамизга мана шундай шум кўланкадай ястанаверса! Бир умр-а?

— Сиз билан бизнинг бир-биримиздан узр сўрайдиган жойимиз йўқ, Сўнагул. Сизга бутун миннатдорликларимни айтмасам, юрагим орзиқиб кетяпти: сизга яна раҳмат, келганингиз учун раҳмат, омон қолганингиз учун, қиз бола бўлиб шундай оғир йўлларимни, мушкул тақдиримни ўртоқлашганингиз учун раҳмат. Дунёда борлигингиз учун раҳмат, Сўнагул! Ундан кўра, гапиринг: қаёқдан келяпсиз, қаёққа кетяпсиз, қандай қилиб...

— Ҳаммаси бир бошдан, Аҳмаджон,— деди у қўл ҳаракати билан гапимни тўхтатиб. Мен унинг қўлини ҳаводан ушлаб олиб, бўгин суяклари тугун-тугун бўлиб турган узун, қора, ингичка бармоқларини бир-бир ушлаб, янгидан топиб олган эски қадрдон бир буюмимдек ҳар бирига алоҳида тикилдим. Сўнагулнинг ўша маҳалдаги қиёфасини, лагердан кетишини, қаёққа кетганлиги ҳақидаги хунук миш-мишларни сира эслагим келмас эди.

— Аввало, сизни сўнгги марта кўрган куним, сиздан ажралиб кетишим...— деди у худди мен кўрққан пайтни эслаб.

Юрагим яхлай бошлади. Сўнагулдан биринчи марта кўзимни четга олдим.

— Ушанда,— деб давом этди у,— дарвозадан чиққандан кейин орқамга қайрилиб, симлар ортида сизнинг юзингизни кўрдим. Сиз мендан рози бўлиб видолашаётгандай кўриндингиз. Мени ўлимга бораётган хотинлар изидан юради, деб ишонган эдингиз — мен буни дарров пайқадим.

— Сўнагул...

— Сабр қилинг. Мен улар изидан юра олмадим. Ўлимдан кўрққанымдан эмас. Биласизми... менинг ёнимда, ҳаётимдан қимматлироқ нарса — Мадали аканинг дафтари бор эди.

— Ўша пайтда-я!— мен унинг қўлларини шундай маҳкам ушладимки, ингичка бармоқлари қирсиллаб кетди. Лекин у оғриқни сезмади.

— Ҳа, ўша пайтда агар ҳаётимнинг бирон қиммати, жиндак салмоғи бўлса, у фақат ўша кичик дафтар тугайлигина эди. Уни менга топширганида Мадали аканинг нималар дегани эсингиздадир... Мен уни неча марта ўлимнинг совуқ ўпқонларидан олиб чиқдим. У мени қутқаздим, мен уни қутқаздимми — кўпинча ўйлаб фарқига боролмайман. Мен ўлсам у йўқолади, у йўқолса, менинг тирик қолишимдан маъно йўқ эди.

— Уша пайтда...

— Уша пайтда у ёнимда эди,— деди Сўнагул ва қўлини беихтиёр кўтариб ўзининг кўксини пайпаслагандай бўлди,— мен машинага қараб юрдим. У ёнимдаки, менинг ҳали ўлиш пайтим етмаган эди. Уша пайтда сизнинг нималар ўйлаётганингизни, елкамга тикилган назарингизни сезиб туришдан кўра, менинг учун ўша

олижаноб хотинлар изидан ўлимга бориш осон эди, Аҳмадҷон, шунга ишонинг.

Мен бу мурғак жоннинг ўшандан кейин яна қандай азобларга қарши борганлигини тахминлар эдим. Бу ёғини гапирмасайди, уни қандай қилиб тўхтатиш керак? Сўнагул, бу ёғи...

— Бу ёғини эшитинг. Бу ёғи жуда ҳам ғалати. Шармандали бир комедия! — деди у. Бу ёғини гапириш унга чиндан ҳам анча енгил эди назаримда. Мен шафқатсиз фожей ҳақиқатни эшитишдан қўрқиб турган жойимда беихтиёр қизиқиб қулоқ солдим.

— Немислар бизни иттифоқчиларимизга топширишди, — деди Сўнагул, — аввал жуда хунук гаплар эшитдик. Хотинлар ўзларича тахмин қилишарди: иттифоқчиларимиз энди немислар томонга ўтишганмиш, Америкадан бир дунё аскарлар, офицерлар келиб, зерикиб ётишганмиш, немислар уларнинг кўнгил очишлари учун ичимликлар, қизиқ-қизиқ китоблар, тўда-тўда... қизлар юборишаётганмиш... Кейин бу гапларнинг қайси бири тўғри чиқди — мен билмадим, чунки мени бошқа хотинлардан ажратиб олиб кетишди. Менга бошқалардан кўра кўпроқ эътибор беришаётганини, кўпроқ соқчи қўйишаётганини, доим негадир бошқалардан ажратиброқ сақлашларини олдиндан ҳам сезардим, энди эса ёлғиз қолиб жуда қаттиқ хавотирга тушдим. Иттифоқчиларимиз унча қоровул қўйишмади, яхши муомала қилишди, лекин ёлғиз ўзимни ажратиб олишганидан ҳайиқардим. Бориб-бориб хавотирларим тўғри чиқди. Қандайдир бир идорага ҳам, мактабга ҳам ўхшаб кетадиган жойга олиб бориб, овқат едириб, дам бериб, сўроқ қила бошлашди. Тахминларим ҳаммаси тўғри чиқди. Мени лагердами, ундан олдинми қаердадир кўз тагига олишган экан, ўша пайтгача кўздан қочирмай юришганми, бир йўқотиб яна топишганми — билмайман, ишқилиб, «Мадали Қосимовнинг қўл ёзмаси»ни суриштира бошладилар. Тахминладимки, улар мени немислардан сотиб олишган. Иттифоқчилар...

Беихтиёр капитаннинг каравотига кўзим тушди.

— Бу ерда ҳам бор биттаси, — дедим каравотга имо қилиб. Сўнагул ёнига қайрилиб, бўш каравотга узоқ қараб турди.

— Бирга ётибсиз. Инглизми?

— Америкалик инглиз.

— Жуда маданий одамлар. Яхили шароит туғдириб беришди. Икки офицер, бир паҳлавон қоматли хотин мен билан банд. Қаердалигимни айтишни талаб қиламан — айтишмайди. Кунда сўроқ. Менинг тўғримда шунча маълумотни қаердан олишганига бошим қотади. Дафтар йўқ, дедим, ёндирганман, дедим. Ахир... ечинтириб тинтишди. «Дафтар йўқ ёндирганман», — дедим яна ҳар кунги гапимни такрорлаб. Ростдан ҳам, ёндириб улгурган эдим дафтарни.

— Айтганингиздай, ҳақиқатан ҳам шармандали комедия! Кейин, кейин нима бўлди?

— Нима бўларди, газетага ёзаман, дедим, оламга гапга соламан, радиога чиқаман, дедим. Лекин, назаримда, улар ҳайиқадаган хилдан эмас, ҳозирги тўполон пайтдан фойдаланиб ошқора, ашаддий жосусликни авж олдиришган. Улар Мадали акани госпиталдаёқ пойлашган бўлиши мумкин. Менингча, булар шарқдаги қандайдир нефть-газ корпорациясининг ёллаган одамлари. Бунақалар кам дейсизми? Мен уриб туширган «иттифоқчи» самолёт эсингиздами?

— Бўлмаса-чи. Ўшандан бошланган эди-да бу заҳматли йўлингиз.

— Эҳтимол булар ҳам ўшандан бошланган бўлса, Мадали аканинг госпитали ҳам ўша самолёт тушган районда эди. Лекин булар ҳаммаси тахмин, албатта. Лагерда нималарни ўйламайди одам.

— Лагерда? — бу машъум сўз аллақаримни тилиб ўтди.

— Ҳа, лагерда, — деди Сўнагул. — Иш чиқмагандан кейин улар мендан воз кечишди. «Кўчириб кетилган шахслар» деган бир тоифа халқ бўлар экан, ўшаларнинг казармаларига олиб бориб ташлашди. Урушнинг тугаганини ўша ерда эшитдим. Бизни немис ҳарбий жиноятчилари билан аралаштириб юборишди. Уларга ҳам, бизга ҳам бир хилда дўқ қилишарди: «Полякларга тутиб берамиз! Ўзингнинг русларингга тутиб берамиз!». Мен аввал буни тушунмадим, кейин, йгво, деб ўйладим. Сўнгра очикдан-очик: «Жиноятчилар чапга, хиёнатчилар ўнгга!» деб команда берадиган бўлишди. Жиноятчилар — немислар, гестапочилар, хиёнатчилар эса биз, яъни бир вақт душманга асир тушганлар эдик.

Америкаликларни «халоскорларимиз» деб «сиёсий бошпана» сўраб ариза ёзганлар бизникилардан ҳам, немис ҳарбий жиноятчиларидан ҳам кўп бўлди. Лагерда бутун иш шундайларни кўпайтиришга қаратилган эди, Россияда асирдан қайтганларнинг тақдири ҳақидаги даҳшатли гаплар ҳам шу мақсадда тарқатилган эди. Лекин мен ғалабадан кейин ҳеч нарсадан қўрқмай қолганман.

— Демак, ҳозир репатритансиз?

— Ҳа!— деди Сўнагул гапдан юраги бўшагандай енгил тортиб.

Унга ҳавасим келиб кетди. Жони қаттиқ, боши тош, яна қаёққадир интилади. Гўё яна бундан ҳам қаттиқ азобларни бошидан кечиришга тайёр эди.

Девор соатининг жарангидан чўчиб тушиб, бошини кўтарди.

— Вақтим тугаяпти, Аҳмаджон. Кечикишим мумкин эмас, шундоқ ҳам шубҳаланишади бизлардан. Гапларимга тушунганингиз учун мен сиздан умрбод миннатдорман.

— Сиз... кетяпсизми!— дедим юрагим толпиниб.— Қачон кўришамиз қаерда?!

У ғамгин жилмайди. Анчадан кейин жавоб берди:

— Қаердан келаётганимни билдингиз-ку, Аҳмаджон. Мендайларнинг тақдири чиндан ҳам ҳавас қиладиган эмасга ўхшайди, кўплардан эшитдим. Лекин яна такрорлайман, ғалабадан кейин мен ҳеч нарсадан қўрқмай қолдим. Пешанамда нима бўлса ҳам шу пайтгача кўрганимдан ортиқ бўлмас. Ўз юртимга кетяпман-ку ҳар қалай. Ўз одамларимиз, нима қилса ҳам... Ўз тупроғимиз, ўз сувимиз, ўз ўтларимиз...

Сўнагул мени ёш боладай йиғлатиб, кичкинагина серсуяк мушти билан кўз ёшларимни артиб кетди. Хайрлашиш вақтида бошим гувиллаб, ҳамма ҳаракатларимиз, ҳамма сўзларимиз худди тушдаги сингари, туман ичида қолгандек туюлди. «Қаерда бўлсангиз ҳам...», «адресимни биласиз», «ойингизни ўйиб қўйинг», «терговчиларнинг ҳар хили бор», «аввало соғлиққа эҳтиёт бўлинг» сингари узук-юлуқ гапларимиз аралашиб кетди. Сўнагулнинг чаққон туриб, сочларимни ҳидлагандай бошимни қучиб ўпгани, тез юриб чиқиб кетгани, ҳатто торгина кўйлак-костюмига қўпол солдат этигининг ярашмаганини ўйлаб қўйганим ҳам

ёдимда. Кейин ҳаяжондан толиқиб ётиб қолибман, деразага бориб уни узоқдан яна бир кўриш, қўл силкиб яна бир хайрлашишга дармоним етмади.

Кечаси билан уйқу олмади, кўзимни юмиб, Сўнагулни кўз олдимга келтириб, тушим-ўнгим аралаш азонгача гаплашиб чиқдим. У, шунча кўргиликларга қарамай, тетик, дадил олға интилиши, яна оғир имтиҳонларга қараб тикка бориши, битмас-туганмас бардош ва иродаси билан юрагимга қувончли гўлғула солиб кетди. У келиб кетгандан кейин менинг соғинч ҳисларим безовта бир дардга айланди. Ўз юртимнинг, ўз уйимнинг ҳавосини кўксимга уфуриб кетган эди у.

Эртасига капитан кетди. Кетиш олдидан врачлар, ординаторлар, ҳамширалар унинг атрофида икки соатча парвона бўлишди. Чамадонларини олиб чиқиб ортишди, шинелини чўткалаб беришди. Капитан ўзи эса уларга нималарнидир бақириб — ҳикоя қилар, кулди-рар, Берлин ресторанларидан бирида «Европа билан брудершафт қилиб» хайрлашиш нияти борлигини гапирар эди.

У мен билан хайрлашмади. Лекин остонада бир гап эсига тушиб, орқасига қайтди-да, менга:

— Европада-чи, кэптен, ҳеч қандай Октябрь йўқ. Мен буни биламан. Яқинда кезиб қайтганман,— деб, шинелини билагига солиб чиқиб кетди.

Бир вақтлардаги «Европани Октябрь қутқарди» деган гапим суяк-суягидан ўтиб кетган экан шекилли-да, унутмабди шу маҳалгача. Лекин «яқинда кезиб қайтганман» дегани нимаси? Уруш вақтидами? Сўнагулнинг гаплари эсимга тушди. Халатимнинг боғичини танғиб ўрнимдан турдим-да, дераза олдига бордим, бир қанотини очиб бошимни чиқардим. Пастда капитаннинг чамадон ортилган машинаси атрофида паҳлавон гавдали, кўзойнакли ординатимиз, яна кимлардир ўралашиб юрибди.

— Капитан!— деб қичқирдим мен. Рулга ўтирган капитан тепага қаради, «эшитмаяпман» деган имони қилди. Мен аввал учаётган самолётни, кейин унинг уриб туширилишини қўл ҳаракатлари билан тасвирлаб, «Европада! Сизмидингиз?!» деб қичқирдим, савол назари билан тикилиб, қулоғимга қўлимни карнай қилдим. У қўлини силтаб, жўнаб қолди.

Мен Сўнагул уриб туширган самолётдан парашют-

да тушиб, фашизмдан озод қилинган мамлакатларда: «Русларга ишонманглар, большевиклар сизларни қўл қилади», деб иғво тарқатиб юрганлардан бири шу, деб айтолмайман албатта. Лекин бу одамнинг ҳеч қандай пасткашлиқдан тоймаслигига ишонаман. Сўнагулни талвасада қолган фашистлардан сотиб олиб, ечинтириб тинтиган жосус ҳам бу эмас албатта. Лекин бу иш ҳам унинг қўлидан келишига аминман, агар бу ишни унинг ўзи қилмаган бўлса, шунга ўхшаш бошқа бирови қилган.

Шунинг учун мен сизга капитаннинг отини ҳам атамадим. Узимнинг ҳам ёдимда йўқ оти. Лекин бу зот эсдан чиқмайди. Унинг билан асрнинг қоқ ўртасида юзма-юз келганим бежиз эмас. Бу ёт одам менинг биографиямга чирмашиб кетди. Энди назаримда, унинг борлигини ҳисобга олмай яшашим мумкин эмас...



ИККИНЧИ ФАСЛ

5. ҲАР КИМНИНГ ОЛДИДА ИККИ ЙЎЛ

Икки ҳафталик сафаримнинг деярли ҳар минути бетоқат ҳаёллар билан ўтди. Мен уйга тезроқ қайтиб, урушдан олдинги ажойиб ҳаётнинг илиқ руҳини ҳис этишга шошилар эдим. Ахир урушнинг шум қадами етмаган, унинг машъум товушидан тинкаси қуримаган, осмонида порох ва қон ҳиди анқимаган жойлар... мен ундай жойларни неча йиллардан буён кўрганим йўқ, ҳатто ундай жойларнинг оламда борлигига ишончимни йўқотган пайтларим ҳам бўлган эди. Мана энди эса ақлим мутлақо равшан, биламанки ундай жойлар боргина эмас, ундай жойлар менинг ўз юртим, ўз шаҳрим, ўз уйим. У ерда даҳшатли тундай дилга ваҳима соладиган қора деразалар йўқ, деворларда юракка бориб санчиладиган «бомбоубежище» стрелкалари тортилган эмас, гўристонни эслатувчи ўпқонлар, вайроналар йўлингни тўсиб чиқмайди...

Шундай деб ўйлардим мен йўлда. Мана қайтганимга анча вақт бўлди, бу ерда ҳақиқатан ҳам ҳамма нарса илгаригидай экан, ўша шаҳрим, ўша ҳовлим, ўша одамлар...

Лекин илгариги руҳ йўқ. Илгариги таниш, осойишта, илиқ ҳаётнинг тафти ҳам сезилмайди. Кўзларнинг юмшоқ шуъласини, чеҳраларнинг сезгир меҳрини, товушларнинг майин товланиши-ю, суҳбатларнинг файзини урушнинг ялмоғиз яллиғи ялаб, кўнгилларга

қора парда тортиб кетгандек эди. Қўшниллар, танишлар мендан ҳол-аҳвол сўрагани келишди. Ойим кўп-ларига дастурхон ҳам тузагани йўқ. Одамлар камгап, ҳар кўнғилнинг ўз мусибати бор, мусибат ҳақидаги гап-сўз эса ҳеч кимнинг қулоғига ёқмайди; яқиндагина эри, ўғли ҳалок бўлган аёллар озуқа карточкаси ё бозор тўғрисида гапиришади.

Фақат Душаннинг онаси мени кўргач, юрагидаги дардни айтмай чиқиб қетолмади. Мен уни Душандан гап очгандагина танидим. Алам ютган юрагининг зардоби юзларига тепиб чиққанди. Душан дадасининг отилиб кетганини билмай ҳалок бўлибди.

— Ўртоғингизнинг фронтдан келган хатини дадасига бир амаллаб киргизган эдим, — деди она, қўйнидан гумордай букланиб рўмолчага ўралган, ғижимланиб латтадай қилвираб кетган қоғозни олиб менга узатди. — Муаллимингизнинг... — деди ёшсиз кўзларини пастга олиб. «Отилишидан» деган сўзни айтолмади, — бир ойча олдин эди. Устига хат ёзиб чиқаздилар раҳматлик.

Солдатнинг землянкадами, окопдами, қалам учини лабида ҳўллаб шошиб ёзган хати. Унинг устига худди резолюция сингари қия тушган бир нечагина сатрни қайта-қайта ўқидим: «Раҳмат, жон ўғлим, раҳмат, жангда экансан. Хатингда мени эсламаган бўлсанг ҳам, олижаноб халқимиз ҳақидаги сўзларингни ўзимга олдим: халқ рози — ота рози. Шундай пайтда бошқа оталардек ёнгинанда бўлолмаганим — менга бир умрлик алам, ўғлим. Лекин ўша ерда, бир солдат вужудида менинг ҳам бир томчи қоним бор, сенинг вужудингда, азиз ўғлим. Шундан тасалли топаман. Раҳмат еенга, яна минг раҳмат!»

Мен ғалати бўлиб кетдим. Ҳушдан кетиш олдида шундай бўшашиб, баданим намиқиб кўз олдимда аллақандай қора кўланкалар кўрадиган одатим бор эди. Лекин ҳозир соғман, эски шинель кийиб юрадиган оқсоқ муаллимимизни кўз олдимга келтириб турибман. У ҳам ўғлидек солдат эди.

Солдат? Лекин унинг кўксига санчилган ўқ... қанақа ўқ эди? Кимнинг ўқи?

— Буни ўртоғингизга жўнатай деб турганимда қорахат келди болагинамдан, — деди она хатни бағрига солиб. Мен унинг дард билан буришиб кетган кекса

юзида Душанни эслатадиган таниш чизиқларни излардим. Урушдан тирик қайтганим учун бирдан ўзимни айбдордай сездим шу бева аёл олдида. Тиз чўкиб кечирим сўрагим келиб кетди.

Тиз чўксам арзир эди. Лекин ўша вақтда мени нимадир тўхтатиб қолди. Солдат фақат душман ўқидан ўлиши керак деб билардим. Тўғри, бу аёлнинг балки айби йўқдир, лекин менинг-чи, менинг айбим нима? Ўз онам олдида тиз чўккан эмасман. Бўлмаса у ҳам, тул, у ҳам аламзада. Икки марта азамни тутган. Отам душман ўқидан, келгинди инглиз ўқидан ҳалок бўлган. «Кэптен» Макуэллнинг (танишимнинг оти эсимга тушди) ойдеқ тиниқ, мағзи тўқ, юмалоқ бети, давангидек гавдаси кўз олдимга келади. Ажабо, илгарилари ойимни ўйлаганимда шу жаноб эсга тушар деб сира хаёлимга келтирибманми!

Ойим. Бечора ойим. Неча минг чақирим узоқларда бўлган урушнинг барча машъум изларини унинг юзида кўрдим мен. Унинг кўркам, мағрур, дуркун қиёфаси ёшлик хотирамга маҳкам ўрнашиб қолгани учун, элликка бормаё қариган, ориқ юзи, бирданига кулранг тусга кирган сийрак сочлари аввал дилимда қизганиш ҳисси уйғотиб, ҳатто кўзимга бегонароқ бўлиб кўринди. Келганимдан бери ўчоқ бошидан бери чиқмай ивирсиб йўқдан бор қилиб, менинг кўнглимни овлаш пайдидан. Фронтида хатларини ўқиганимда қанча қанча онт ичган эдим омон борсам қўлини совуқ сувга урдирмайман деб. Мана тагин кечаю кундуз атрофимда парвона, мен бўлсам унинг учун ҳамон бирор нарса қилолмаяпман. Ҳатто ҳамманинг қўлидан келадиган оддий бир ишга ҳам ярамадим: келинли қилиб ҳам қўёлганим йўқ.

Рўзғорда югуриб-елиб хизмат қилаётган сеvimли келинига жилмайганча разм солиб тўрда ўтириш қандоқ ярашар эди унга! Қўл-оёғим бутун ҳолда қайтиб келишим унинг ҳорғин чеҳрасига қандайдир эзгулик бахш этди, қайтган куним кечаси «толеимдан ўргилай, толеимдан ўргилай...» деб пичирлаб йиғлаганини эшитган эдим, ёлғиз қолганида ўша сўзларни ҳали ҳам такрорлайди, нимадир излайди, омон қайтиб бағрига ташланганимга қандайдир илоҳий сабаб қидиради шекилли, бир маҳал намоз ўқишга ҳам уриниб кўрди, лекин мен қаттиқ норозилик билдириб, уни бу

йўлдан дарров қайтардим, албатта. Ишқилиб, кимга шукрона қилишини билмай безовта. Мен унинг дилини ёритиб, рози қилгим, ёрқин бир қувонч билан кўнгидаги жами губорини ювиб мамнун ва бахтиёрликда, нуроний кексалик фароғатида чарақлаб яшашини кўргим келади. Ойим, ойижоним.

— Аҳмаджон, болам, — деди у бир куни ботинмайроқ, негадир ердан кўзини олмай, — Ҳурихонни кўрдингми тунов куни?

Қувончданми, аллақандай хавотирданми — юрагим дукиллаб кетди. Менинг кўнглимда гоҳо мавжланадиган илиқ, ширин, лекин ҳали хира, ноаниқ ҳисларни пайқаб гапиряптими онам, ёки ўзининг илгаридан нияти борми? Ҳар ҳолда, баъзан қорачиғимда пайдо бўладиган бесабр жовдираш она қалбидаги яширин тўлқинлар билан сирлашганга ўхшаб қолди.

— Қайси Ҳури? — деб сўрадим билмаган кишидек.

«Кўрдингми?» эмиш. Кўрганда қандай, билганда қандай! Қайтган кунларим амма-хोलаларига эргашиб ҳовлимизга келган қизлар, маҳаллада, қўни-қўшнида кўзга ташланиб қолган ёш-ёш гўзаллар мени довдира тиб қўйган эди ростини айтсам. Урушдан олдин уларнинг биттасини ҳам кўрган эмасман, оёқ яланг юрадиган сержамалак қизалоқлар бўлишса керак-да у пайтда ҳали. Мен йўғимда бодроқ-бодроқ бўлиб очилиб кетишибди. Ушалар орасидан Ҳурихонни биринчи куниеқ кўз тагига олиб қўйганман.

— Аммасининг тугунини кўтаришиб келувди-ку, эсингдан чиқдим, болам, боғ кўчалик Мадраим рабчикнинг қизи-чи?

Эсимдан чиқиб бўпти. Мен унинг ипидан игнасиғача билиб олганман аллақачон.

Ҳурихон пастроқ бўйли, лўппигина, камзули чокидан кетгудай, гавдаси тирсиллаб турадиган, қарашлари тиниқ, упа-элик кўрмаган юмалоқ юзли, сочини майда ўриб юрадиган, вужудидан соддалик ёғилиб тургандай очиқ, зийрак қиз. Билишимча, тўққизни битиргач, онаси ўлиб, ёлғиз дадаси — кекса ишчи Мадраим отанинг рўзгоридан бўшай олмай, уйда ўтириб қолган экан. Лекин уй-рўзгорни саранжому саришта тутиб гулдай қилиб ўтирармиш, кексалар икки гапнинг бирида: «Варака топгур Ҳурихон, қиз эмас, бир

сандиқ тилла, қўли тез, қўлидан зеҳни тез» дейишаркан.

Мен ҳам шундай бўлса керак деб ўйлайман. Назаримда, у кириб келган уй бирдан ёришиб файзга тўлади. Меҳнат деса кулгичидан нур ёғилиб ишга киришиб кетади, лекин бу итоатчанлик эмас, табиий бир шавқ. Қизил чувақлари билан юмшоқ босиб, чаққон елиб хизмат қилмаса, ўзини қаёққа қўйишни билмай қолади.

— Ҳа, ўшам, энди эсимга тушди, — дедим ойимга, иложи борича бепарво бўлишга уриниб.

Лекин ойим кўнглимдаги хира туйғуларни пайқайди шеккилли, унинг жиндек имоси билан Ҳурихон гоҳо келиб ойимнинг кир-чирига қарашадиган бўлди. Ҳовлида унинг мусичанинг гув-гувидек беозор, тиниқ товушини эшитганимда, қимир этмай деразага суяниб қоламан. Ойим эса, бечора, мендан баттар бўлади. Ҳурихон келган куни уйга бекор кириб, қуруқ қайтиб чиқади, ниманидир унутади, ниманидир қўлидан тушириб синдиради, шошиб ивирсийди, қувонганидан, ёл боладек, ўзини йўқотади. Қисқаси, Ҳурихон иккимизни ҳам гўё сеҳрлаб қўяр эди ҳар келганида.

Бориб-бориб иккимиз ҳам уни орзиқиб кутадиган бўлдик. У келмаган кунлари ҳовлимиз ҳувиллаб қоларди. Кўча эшиги ғирчиллаганда дарпардани кўтариб қарашимга кўзи тушса, ойим юзини четга ўгириб, кўзига ёш олар эди қувонганидан.

Уйқусиз тунлар ўзимни ҳам безор қилди. Мунча ўйлайман? Нимасини ўйлайман? Юзидан меҳр ёғилиб турган шу ажойиб, содда, беғубор қизга шартта уйланиб, ойимни бахтиёр қилишимга нима ҳалақит беради? Шунча ёшга кириб, шунча азобларни бешдан кечириб, синовлардан ўтиб, ўлимлардан қутулиб, бурчимни бажариб, энгиб қайтганимдан кейин камтаргина оила қуриб, рўзғор тебратишга, ўз ҳаловатим билан яшашга ҳаққим йўқми? Ҳаққим ҳам бор, имконим ҳам бор. Мен бу орзуни айтаётганимда йўлдаёқ кўнглимга тугиб қўйган эдим. «Уйга қайтаману, биринчи ишим шу бўлади: шинелни, погонларни улоқтириб ташлайман, — деган эди вагонда бир сергапроқ ҳамроҳим. — Кейин-чи? Кейин оддий, тинч ҳаёт кечираман. Унақа ҳаёт борми? Ҳа, нега бўлмас экан? Дунёга ке-

либсанми — яша, қаёқдаги чигал саволларни кавлаш-тирмасдан».

Ҳақиқатан ҳам, бахтли, тотув оила қуриб, севгли-линг билан бир-бирингнинг меҳрингга қониб яшаш ҳам керакми дунёда, ё йўқми! Уруш бўлса тугади, бу фожиали сабоқдан сўнг одамлар унинг қайта ўт олишига йўл қўймайди. Демак, уруш мустасно. Яна нима халал бериши мумкин менинг осойишта турмуш қуришимга! Шундоқ ҳам уруш айна йигитлик йилларимизни қовжиратиб кетди. Бу ойдин тунларда, бу сутдек тонгларда, боғ оқшомининг сокин оромида, қизлар кулгиси-ю, гўзал куйларда, муҳаббат оғуши-ю, сирли шивирлашларда қанча-қанча ҳаққимиз кетди! Ҳаёт-мамонт жангу жадалларида биз ёшликнинг бу ҳуқуқларидан воз кечишимиз зарур эди. Энди-чи?

— Йўқ, энди мен ҳаётдан ўз тегишимни — ўз қувончимни, ўз чароғон кунларимни довлаб оламан. Мен Ҳурини ҳам бахтли қиламан. У ўзгариб кетади, жуда ҳам гўзал бўлади. У сочини иккита қилиб ўриб баланд пошнаги туфли кийиши керак назаримда, мен уни шундай тасаввур этаман. Биз у билан албатта курортга борамиз, иложи бўлса — Кавказга. Сарву хурмо хиёбонларида қўлтиқлашиб юрамиз, заррин кумлоқ соҳилларда қувлашиб, чопқиллаб, қийқиришиб, бароқ тўлқинларда сузамиз. Буларнинг ҳаммаси ярашади Ҳурига. У ҳали буларни кўрмаган, қалби қувонч билан тўлади.

Иккимиз ҳам ўқиймиз албатта. Балки кечқурун ўқиб, кундузи бирон жойда ишлаш имкони бўлар. Ойимни сира уринтирмаймиз. Мадраим акани ҳам. Пенсиясини олиб ётаверсин.

— Ойи, эртага бозорга тушиб, кишиликка битта шиму бир пиджак олсам дейман.

Онам, бу гапимни ўзича тушуниб, жуда севиниб кетди:

— Бор, ўғлим, вой бора қол. Битта пишиқроқ кўйлак ҳам олсанг бўларди ўзингга, — кейин у сал жилмайиб қўйди: — Анов ювилган кўйлагингнинг елкалари сузилиб қопти, Ҳурихон тушмагур кеча чокидан бармоғини чىқариб пиқ этиб кулиб юборди.

Ойимдан уялмас эдим, бу сафар қулоғимгача қизариб кетганини ўзим ҳам сезиб, тескари қарадим...

Гузарлар кам қатнов вақтида бориб кела қолай деб

эртасига барвақт отландим. Бозор илгаригидек шаҳарнинг узоқ бир четида эмас, пастқам тор кўчалардан аста ўрмалаб эски шаҳарнинг марказигача етиб келган, ён-атрофдаги гузарларни, қадим майдонларни, қинғир-қийшиқ кўчаларни, ҳатто масжид ҳовлисини ҳам босган, ҳамма ёқни ўзига хос хирқироқ суронга тўлдирган эди. Бозор деганда мен шу вақтгача шинам чойхоналар, нишолдафурушларнинг оқ халатлари, тансиқ меваларнинг, мурч-зираларнинг ўткир ҳидига тўлган эрталабки соф ҳаво, колхоз дўкончаларининг яшил фанер соябонларини кўз олдимга келтирар эдим. Бугун бу манзара ўрнига бутунлай бошқа нарсани кўрдим. Деворлари нураб кетган тор кўчаларни лиқ тўлдириб ғимир-ғимир этиб ётган ола-қуроқ оломон тепасида тугаб қолган қишнинг оғир чанги булутдай муаллақ турибди. Тиқинда тер ҳидидан нафас бўғилади, бақириқ-чақириқ, ғала-ғовур, сўкишлардан қулоқ қоматга келади. Кўзи бежо чайқовчилар, соқоли ўсиб кетган маст-аласт инвалидлар, башараси қип-қизил пихини ёрган юлғичлар, жулдур фолбинлар, эрининг эски шинелини кийиб олиб жияк сотаётган бева хотинлар, аланг-жаланг боққан ўғри болалар — ҳаммаси бир-бирини туртиб-суриб қаёққадир силжигани-силжиган, бир ўринда турган биронта жон йўқ. Шунисига ҳайрон бўламанки, бошларга кўтариб бақириб мақтаб сотилаётган буюмларнинг биронтаси зарурат эмас: фашистан ўлжа олинган ханжар, чўнтак фонарининг эски батареялари, қаёқдаги шубҳали дори-дармон, солдат камари, немис зажигалкаси... Зарур нарсалар эса бурчак-бурчакда, ахлат яшиқларининг панасида енг ичида сотилади: латтага ўралган бир буханка нон, аптекадан ўғирланган спирт, қанд карточкаси, амёркача бичимдаги сунъий жун кўйлак. Қизил этик кийган олибсотар хотинлар пайпоқ қўнжидан червонларни чиқариб, ифлос бармоқларини тупуклаб, хириллоқ товушлари билан шивирлашиб, пул санашади.

Бадбўй ҳовур аралаш чанг оғиз-бурнимга кириб, кийимимга, вужудимга сингиб кетаётгандай, кўнглим хира бўла бошлади, оғзимдаги тупукни ютгани табиатим тортмайди, туплаб ташлай десам жой йўқ — тиқинда сурилиб кетяпман, оёғим баъзан ерга тегмайди, баъзан эса кимдир этик билан, ёки ёғочоёқ ғирчиллатиб оёғимни босиб олади.

Тезроқ четга чиқиб олай деб жон-жаҳд билан бир интилган эканман, баланд бўйли бир хотинга елкам тегиб кетиб, паранжисининг ичидан уч шиша ароқ оёқ остимга жаранглаб тушиб чил-чил бўлди. Товонига қолдим деб қўрққан эдим, шукур, эгасининг ўзи қочиб қолди.

— Ё аёл эмас, ё ароқ ҳалол эмас, иккисидан бири — деди ёнимда бир хушчақчақ мўсафид. Лекин бу хушчақчақликни шу ондаёқ фожиали бир товуш босиб кетди.

— Сен ўзинг чайқовчи! Сен ўзинг текинхўр! — деб қичқирарди бир оёқсиз солдат милиционерга таёқ ўқталиб. — Мен Воронежда қон тўкканимда сен қаёқда эдинг, қани гапир-чи, каламуш!

Инвалид ҳамон асабий товуш билан бақирар, унга ҳеч ким эътибор бермас эди, милиционер ҳам оломон ичида йўқолиб кетди.

Солдатнинг изтиробли товуши шу зумдаёқ унутилди, бу ерда ҳукмрон бўлган бошқа товушлар кўмиб кетди:

— Кеп қолинг, солдат этиги! Этикни олинг, брат, етти йил киясиз! Кафилман!

— Кимга исириқ! Исириқ — радди бало!

— Арзон бўп кетди, донаси бир сўм!

«Беломор»ни доналаб сотаётган ҳам солдат эди. Эгнида ёғи чиқиб кетган беқасам тўн. Қўлтиқтаёғини боласига ушлатиб қўйиб, ерга газета ёйиб ўтириб олган.

— Чекинг, капитан, сизга текин, — деди у.

— Текин чекмайман, — дедим бир сўм ташлаб. — Неча пул тушяпти кунига?

У дарров жавоб бермади, пулни, секин олиб газета тагига қистирди-да, ёш бўлса ҳам соқол босган, ичкиликдан салқиган юзини кўтариб мунгли қаради.

— Биламан, кўзингизга ёмон кўриняпман, капитан... — деди жавоб ўрнига.

— Сен мендан эмас, мана бу норастадан андиша қил, солдат, унинг кўзидан қўрқ, — дедим, ёнида кўзларини мўлдиратиб, ўзидан катта қўлтиқтаёқни қучоқлаб, дилдираб турган боласини кўрсатдим. Папиросни гижимлаб ташлаб, жўнаб қолдим. Нега бундай қилдим, бечорани нега ранжитдим — ўзим ҳам билмайман. Умуман, бу бозорда мен, қандайдир, руҳан

чўкиб, эзилиб кетдим, бу маънисиз говур-гувурда қайнаб ётган оломон мени ҳам ўз қаърига тортиб кетадигандай, оладиган пиджагимни ҳам унутиб, четроққа шошилдим.

— Ҳой, куёв бола мана сизбопи! — деди бир йигит галифе шимни қулочлаб.

Мен қарамадим. «Куёв бола...» Нима учун бу сўз мазахдай эшитилади қулоққа? Нима учун кечагина ўйлаган ширин ўйларимдан уялиб кетдим? Куёв бўлиш орзуси шундай кулгилими? Йўқ, мен айтганимни қилишим керак. Бу бозор аҳлига, бу ердаги софу нософ икир-чикир бандаларига менинг нима дахлим бор, нима учун улар менинг кайфимни, ўйларимни бузиши керак?! Мен бозоримни қиламан, шим оламан, пиджак оламану кетаман.

Яна бир аёл паранжи ичидан қандайдир тугун кўрсатиб имо-ишора қиляпти. Ҳа, худди мен қидирган нарса экан — янги шевиот костюм. Бу паранжилик албатта олибсотарлардан-ку. Ҳалиги чил-чил бўлиб оёқ остида ётган ароқ шишаларини, димоққа гуп этиб урилган ароқ қидини эслаб, паранжидан шубҳаланиб қолдим. Бу газандалар билан пачакилашиб ўтирмай, магазин баҳосини бериб, олиб кетавериш керак.

— Бунинг ҳукумат баҳоси минг сўм, кампир! — дедим қўполлик билан. Костюмнинг размерини қараб, барини эзгиладим — саз экан, рижим бўлмади, жигар ранг, янги, пухта.

— Баҳоси шу бўлса бера қолинг, болам... — деди аёл секин. Ана шунақа, қаттиқроқ гапириб ҳукуматни эсга солсанг, думини қисади бу чайқовчилар.

Пулни юз сўм-юз сўм қилиб қўлига тутқиза бошладим.

— Санаб олинг.

Аёл костюмни аста тахлади-да, буришган қўллари билан устини сийпаб қўйиб, худди кўзи қиймагандай-рўқ узатди. Салдан кейин юзини четга буриб, бирдан пиқ этиб йиглаб юборди. Мен беихтиёр сачвонини кўтардим. Лим-лим ёш тўла нурсиз кўзлар бир нимани ёлвориб сўрагандай менга тикиларди. Бу кўзларда, бу азоб чеккан кекса юзда шу қадар оғир русса, шу қадар дард бор эдики, қўлимдаги костюм кафтимни куйдириб юборгандай бўлди.

— Буюрсин, ўргилай... — деди кампир қалтираган

йиғи товуши билан. — Бир марта ҳам киймаган эди болагинам. Уч йил сийпаб-пуфлаб сақладим... кўнгил экан, лоп этиб кириб келарми деб. Тўйга атаб, ўз бўйига ўлчатиб тиктирган эди шўрлик. Сизга насиб қилган экан... кийинг, тенгдош экансизлар. Илоё омон бўлинг, ўғлим.

— Эна! — мен унинг суяк қўлларини костюм аралаш маҳкам ушладим. У сачвонини туширди, лекин ўксиб йиғлагани титроқ қўлларидан билиниб турарди. Шартта бурилиб жўнаганимни биламан. Костюм ҳам, аллақанча пул ҳам кампирнинг қўлида қолиб кетди.

Уйга қайтганимдан кейин ўйлаб даҳшатта келаман денг, кўз олдингизга келтиринг ахир: тенгдошимнинг шундай орзу-ҳавас билан тиктирган костюмини кийиб мен тўйда ўтирсаму, у қора ерда... Худо кўрсатмасин, тасодиф қутқазиб қолди. Мен шундай ҳодисани ҳам эшитганман: ўша мен бозорда кўрган кампирга ўхшаш шўрлик бир она қайси маҳаллада ҳам тўй бўлаётган жойда куёвнинг эғнида ўз ўғлининг беқасамини таниб қолиб, юракни тилиб кетадиган аччиқ товуш билан йиглаб юбориб, тўйни азага айлантираёзган экан. Мен балки бундай аҳволга тушмас ҳам эдим, лекин костюмни киймасдан олдин билиб қолганим ҳар ҳолда дуруст бўлди...

Шундай бўлса ҳам оғир. Кампирнинг йиғисидангина эмас, бугун кўрган ҳамма нарсаларимдан кўнглимга темир зангидек оғир бир гард ўрнашиб қолди. Наҳотки одамлар шу қадар майдаллашиб кетишган бўлса? Мадали ака бир вақт менга: «Урушдан одамларимиз пўлатдек мустаҳкам бўлиб чиқишади» деган эди. Янглишганмидийкин? Мадали аканинг йўқлигини биринчи марта шундай ваҳм билан ҳис қилишим. У бўлганда менинг бу ўйларимни маъқуллармиди? Кечаги орзу-хаёлларимни-чи? Йўқ, наздимда, маъқулламасди. Енгилроқ ўйлаганга ўхшайман.

Шундай қилиб, кўнглим хира. Эски шинелимни кийиб институтга қатнаб турибман. Уқиш ҳам жиддий эмас — йил ўртасида борганим учун, учинчи семестрдан бошлаб тўртинчи курс лекцияларига қатнашга рухсат беришди холос, ўтганларни эсга олиб туриш деб. Янги ўқув йилидан ўзимнинг бешинчи курсимда машғулот бошлайман. Ҳозирча эса, йўқламасиз, имтиҳонсиз, тўғриси ҳеч қандай талаб ва масъулиятсиз

машғулотларга ўрганмаганим учунми, лекцияларга шунчаки қатнаб юрибман. Жуда зерикаман. Институтда танишлардан ҳеч ким қолмаган, ҳаммаси мендан етти-саккиз ёш кичик йигитчалар, эндигина сирли қарашни ўрганиб олган қизлар. Дастлабки куни лекция пайти орқадаги столда ўтирганимда биттаси шивирлаб, мендан: «Амаки: комиссиямисиз?» деб сўради. Кейин, икки кундан сўнг уэр сўраган бўлди. «Амаки» деганимга хафа бўлди, деб ўйлаган бўлса керак. Лекин менинг дилим ёришмаганлиги бундан эмас эди. Бунинг сабабини бу қизча қаёқдан билсин. Бунинг сабабини ойим ҳам, Хури ҳам билолмай қийналишди, очигини айтсам ўзим ҳам аниқ билмайман.

Баъзан, ўзим ҳам билиб-билмай, тўртинчи қаватга чиқиб кетаман — у ерда геология лабораторияси, кираверишда Сўнагул ўтирадиган ёзув столи ҳали ҳам бор, фақат у ерда ҳозир Сўнагул эмас, қорачагина бир новча йигит ўтиради.

Мен бу ерга кейинги пайтда кўп чиқардим. Гоҳо танаффусда чиқиб, лекцияга қайтиб тушмас, йил-йилт этиб турган маъдан бўлақларига, менинг учун оддий балчиқдан ҳеч қандай фарқи бўлмаган ҳовуч-ҳовуч тупроқ намуналарига тикилиб, шу хонада узоқ-узоқ қолиб кетардим.

— Геологияга қизиқасизми дейман?— дер эди қорача йигит. У менинг ёшларимда, мулоимгина кулиб қарайдиган, соч қўймаган, ориқ, новча эди.

— Ҳа,— дедим. Бу хонада Сўнагулнинг нафасини сезгандай, ажойиб дамларнинг файзини қидиргандай, мўъжизага инонмасам ҳам, ўша қадрдон товушни эшитгим келиб, бу ерга қатнаганимни тушунтириб ўтирармидим танимаган одамга. У Сўнагулнинг курсисиди ўтирибди-ю, ҳеч нарсадан хабари йўқ: на унинг ушалмаган орзуларидан, на ажойиб бир одам билан бирга бегона ўрмонга кўмилган эзгу муҳаббатидан, на босиб ўтган даҳшатли йўлларида, на ҳозирги номаълум тақдиридан...

Кейингиси менга ҳам туманли. Уруш қуюнларида, бегона ерларда, жаҳаннам қийноқларида учратолган кишининг изини ўз юртингда тополмаганинг, ҳатто қидириш имконидан маҳрум бўлганинг алам қилади. Бир куни мен шу йигитга дилимдаги кўнгилсиз ғалаёнларни, намхуш куз ҳавосидай инжиқ кайфиятимни,

бу хонага нега келиб юрганларимни, ҳаммасини бир ўтиришда тўкиб солдим. У ажойиб йигит чиқди, ҳикоямни, худди ўзига алоқадор муҳим гапдай диққат билан тинглади-да, менга тасалли бериб ҳам, кексалардай ўгит-насиҳат қилиб ҳам ўтирмасдан, аввал ўзини яхшилаб танитди. У ҳозир менга яхши бир таниш, бемалол гаплашадиган дўст зарурлигини пайқади шекилли, орада тенглик, самимийлик бўлсин учун, менга ўхшаб у ҳам ўзи ҳақида, ўз ишлари, ўз ўйлари ҳақида гапира бошлади.

Менинг учун энг муҳими шу бўлдики, у Сўнагул деганини эшитмаган бўлса ҳам, Мадали Қосимовнинг экспедицияларини билар экан. Мадали аканинг номи мени бу йигит билан маҳкам боғлаб қўйди. Биз тезда дўстлашиб олдик. У мени кўпинча кинога таклиф қилади, лекторийларга қатнаймиз, институтда мўйлови сабза урмаган болалар орасида бир ўзим эски шинель кийиб ғўдайиб юришга илгари ҳам тобим йўқ эди, энди лекцияларга қатнамаёқ қўйдим: кунда Ваҳобжоннинг олдига кирардим.

Янги дўстимнинг оти шунақа, Ваҳобжон. Бу дўстлик ўзимни ҳам, фикрларимни ҳам бирдан жонлантириб юборди, мени уйдаги гоҳ азобли, ҳазин, гоҳ ўлгудек ширин, лекин ҳамма вақт икир-чикир, бачкана туюлган ўйлардан узоқлаштириб, кўнглимда катта дунёга интилиш, безовталиқ пайдо қилди.

— Биласизми, Аҳмаджон,— деди дўстим бир куни,— ўша вақтлар Мадали Қосимов текширган Туяқудуқ ҳавзасида ўтган йили газ фонтани отилиб чиқди. Ҳозир у ерда разведкачилар запасни аниқлаш, ҳавзанинг чегараларини, газ горизонтларини белгилаш бўйича тўққиз ойдан бери катта иш олиб боришяпти.

Ваҳобжон бундай катта масалалар ҳақида ўйчан товуши билан оддийгина қилиб гапира билар, катта гапларни шунчаки хонаки суҳбатга ҳам билинтирмасдан аралаштириб юбориш одати бор эди. Менга номаълум бўлган ўша Туяқудуқдаги ишлар негадир вужудимни тўлқинлантириб юборди. Мадали аканинг қандай одам эканлигини узундан-узоқ қилиб, ҳатто бир оз ҳовлиқиброқ гапириб бердим. Ваҳобжон жуда қизиқиб тинглади. Туяқудуққа унинг ҳам бевосита алоқаси бор. Ўтган йили разведкачилар базасида тўрт ой лаборант бўлиб ишлаган, ҳозир трестнинг марказий лаборато-

риясидаги, ўзининг айтишича, «катта жанжалли ишлар»да иштирок этиш учун шаҳарга қайтган. Уни экспедицияга геолог қилиб тайинлаб, қайтариб юборишмоқчи экан.

— Саҳрода иш осонроқ, очигини айтсам,— дейди Ваҳобжон,— бу ерда бўлса узундан-узоқ баҳслар, мажлисбозлик! Обру талашишу гуруҳбозликлар ҳам йўқ эмас. Казо-казолар, машҳур олимлар фикр талашиб, бир-бирларини суд билан кўрқитишади. Давлатнинг миллионлари устида кетяпти-да гап!

— Бу жуда қизиқ!— дедим мен кўзларим ёниб.

— Лекин Туяқудуқнинг тарафдорлари камайиб қолди, пармаловчи партиялардан олинган кўнгилсиз хабарлар эҳтирссларни сув сепгандай совитиб қўйяпти,— деди Ваҳобжон. Кейин яна бирдан жонланиб кетиб, хитоб қилди.— Агар Туяқудуқда саноатбоп запас борлиги исбот қилинсами, саҳронинг зим-зиё қаъри чарақлаб кетади, бу жуда катта масала, Аҳмаджон. Биласизми, Турон пасттекислигида қандай куч яшириниб ётган бўлиши мумкин?! Бутун Ўрта Осиёни, бутун Қозоғистонни ёритадиган, иситадиган, мутлақо янги саноат тармоқларини келтириб чиқарадиган, ҳавони завод мўриларининг дудқурумидан тамом софлаб, кўмирни платмасса химияси учун бутунлай бўшатиб берадиган, ҳатто Урал домналарида пўлат эритадиган азим, мўъжизакор девни ер қаъридан чиқариб, тизгинлаб олиш ҳақида гап кетяпти.

Бир вақтлар Мадали ака ҳам шунга ўхшаш гапларни кўп гапирар эди, лекин улар узоқ келажак ҳақидаги чиройли хаёллар бўлиб туюларди менга. Ваҳобжоннинг эса, бу ишларнинг қайноқ қозонига тушиб, бутун вужуди шу билан банд эканлиги кўзларидаги ёлқиндан билиниб турибди.

Мен унга ҳавас қиламан. Ҳар куни азонда уйғонаману, ўрнимдан турмай, тенгсиз-чексиз ўйлар билан тўлганиб узоқ ётаман. Ҳовлида ўрик гуллаган, аввало оқ кўпикдай боғлар қўйнидан тонг балқийди, кейин ойим билан она-боладай бўлиб қолган Ҳурихоннинг ширали овози эшитилади. Мен буни эшитмаслик учун радиони баланд қўйиб қўяман. Баъзан ўзимга ўзим ҳайрон бўламан: наҳотки гуркираган баҳор ҳам, оппоқ тонг ҳам; атрофимда парвона бўлган қиз товуши ҳам кес қилмайдиган, қоқ-қуруқ, ҳиссиз киши бўлиб қол-

ган бўлсам? Ваҳодон билан дўстлигим менга нима берди? У кўнглимга аллақандай гулгула солди-ю, ўзи саҳросига жўнаб қолади шекилли. Кейин мен нима қиламан? Уқишлардан ҳам совидим.

Радио тинмай вағиллайди. Музыка, об-ҳаво, рақамлар... Ҳозир чет элга бориб келган ураллик бир металлург интервью берапти. Темирдай жаранглаган товушига қараганда, бақувват, келишган йигитга ўхшайди, фикрлари аниқ, қатъий; у менга ўхшаб, минг хил хаёлга бориб дилида аллақандай туманли ғашлик билан каравотда чўзилиб ётмаса керак. Бир сенатор билан тенгма-тенг, юзма-юз гаплашганини ҳикоя қиляпти. «Русларнинг ғалабаси буюк, лекин бир ёқлама,— дебди сенатор,— диалектика унга ниманидир қарама-қарши қўйишини, яъни мувозанат барпо этишни талаб қилади: биз унга атом бомбасини қарши қўямиз!»

Ажабо, бу ўша менинг ошнам кэптен Макуэллнинг сафсатаси-ку! Диалектикадан кўп гапирарди у ҳам. Чет ерлар, дили қовжираб, тутаб ётган Европа эсга тушди, кўксимдаги эски ярам ачишиб оғригандай, кўкрагимни ушлаб ўрнимдан туриб кетдим. Мен ўз уйимда ҳам ўша одамнинг номини эслаб, тинч хаёл суриб ётган жойимдан ирғиб туриб кетарман, деб ўйламаган эдим сира.

Қани, бизнинг металлург нима деб жавоб бераркин унга? Қани, қани.

Ҳа, пўписасиз беллашишни таклиф қиляпти. Рақамларни ёд билганини қаранг. Ҳозир Америка 80 миллион тонна пўлат чиқаряпти. Биз 1960 йилга бориб 65 миллион тонна пўлат тоблаимиз. Ҳақиқатан ҳам беллашса бўладиган; металлург йигит рақамлар билан сиқиб келяпти суҳбатдошини. «Сиз нима қиласиз мунча пўлатни?»— деб сўраб қолди сенатор. «Пўлат бизга урушни даф этиш учун керак!— деди йигит.— Биз Крупннинг пўлатини ўз кўксимизда синаб кўрганмиз, тинчликнинг пўлати эса ундан қалинроқ, ундан пишикроқ бўлиши керак, деб ўйлайман, сэр!»

Боплади азамат. Боплади-ю, бир нима етишмаганга ўхшайди унинг жавобида. Мен негадир асабийлашаман, тинч хонамда у ёқдан-бу ёққа юраман. Ўзим бўлсам нима деб жавоб берардим? Ўзим нима қиляпман? Нима қилиб, нима кутиб ўтирибман уйда ёлғиз?

Қаёққадир бориш керак. Кимгадир учрашиш керак! Мен этигимни мойлаб кийдим. Ойимнинг пенсия олган куни экан — қўшнидан бир пиёла қаймоқ олиб чиқди.

— Кела қол, болам, — деди қувониб.

«Болам!..» Ойижон, сизнинг бағрингиз иссиқ, лекин унда мен чиндан ҳам бола бўлиб қолишим ҳеч гап эмас. Онадан йироқда улғаяр экан одам.

Шундай деб ўйладиму, кўчага чиққандан кейин ойимни эслаб ачиндим. Кўнгли учун қаймоғини тотиб ҳам кўрмадим. Нега индамай чиқиб кетдим — билмайман, ёнгинасида ўтириб нонушта қилсам бўлар эди-ку? Ҳозир унинг чехрасидаги қувонч ҳам ўчган бўлса керак. Ўзи ҳам ичимдаги безовталиқни сезиб, кейинги кунларда камдан-кам очилади...

Бехосдан хаёлимга бир савол келди: ким мени ўрнимдан турғизиб, уйдан чиқариб юборди? Узоқдаги тоғларни яшил туманга, боғларни хушбўй кўпикка чулғаган баҳор эмас мени чорловчи — буни биламан.

Ким, бўлмаса — кэптен Макуэллими? У мунча аралашади менинг ўйларимга? Ё ҳалиги металлург йигит чорладими? Йўқ, у нотаниш йигит узоқда — буни ҳам биламан. Лекин одатдаги йўл билан Ваҳобжонниқига кетаётганимни пайқаб, яна бир тасодифий фикр келди бошимга: Ваҳобжонлар қилаётган ишдан, Ваҳобжон айтган «дەв»дан, унинг Урал пўлатини тоблаш мумкинлигидан хабари бормикан ўша металлург йигитнинг? Хабари бўлмаса керак ҳали. Бу фарзгина шеклли-ку ҳозирча. Шундай бўлса ҳам, ўша нотаниш йигит билан Ваҳобжон ўртасида қандайдир боғланиш, ҳатто бир қондошлик бордай туюлиб кетди. Борди-ю улар учрашиб қолишса, «Ҳа, брат!» деб гаплашиб кетаверишлари мумкин эди назаримда. Мени ҳам яқиндагина кимдир «брат» деб чақирган эди, ким эди дейман, неча кундан бери эслолмайман. Ҳозир ёдимга тушди: бозорда зажигалка сотувчи, соқоли ўсган, маст инвалид, ҳа, ўша эди...

Шундай хаёллар билан Ваҳобжоннинг ҳовлисига етиб келдим, эшик тақиллатишга бирданига юрагим бетламай қолди. Мен унга жуда ҳам елим бўлиб ёпишиб олаётганим йўқмикан? Бизнинг на иш, на манфаат, на турмушдаги салмоғимиз жиҳатидан бирон яқинлигимиз йўқ-ку?

Ваҳобжон ўзи кўриб қолиб ичкарига қистади. У ҳовлида резинка қайиш тортиб, зарядка қилаётган экан. Мён бу ингичкагина, новча йигитнинг бу қадар бақувватлигини, унинг шалвираброқ турган, ранги айниган эски гимнастёркаси ичида бундай пишиқ гиштдай қизғиш, қаттиқ мускуллар, офтобда роса пишиб қорайган кенг елкалар, кўркам қомат яширинганлигини ўз кўзим билан кўрмасам, фараз ҳам қилолмас эдим.

— Сахрога қачон кетасиз? — деб сўраб қолдим бирдан.

— Ие, олдин ўтиринг ахир мундай, — деди у, турник ёнида оёқлари ерга қоқиб қўйилган пастак ёғоч скамейкадан кийимларини олди. — Тўрт-беш кундан кейин жўнайман, нима эди!

— Мени олиб кетасиз! — дедим ўзим ҳам кутмаган ҳолда. У аввал ишонмайроқ тикилди-ю, кейин жилмайди.

— Каллайи саҳарлаб келганингиздан, айтувдим-а бир гап бордир деб. Нега бундай қарорга тўхтадингиз, ўқиш-чи?

— Сиз аввал айтинг, борсам у ерда менга бирон иш топиладими?

— Иш-ку топилади-я...

— Қўлимда ҳеч қанақа ҳунарим йўқ, биласиз. Лекин ҳар қандай ишни ўрганиб оламан.

— Менга қаранг, Аҳмаджон, у ерда сизникига ўхшаш қўллар — тилла баробарида.

— Нега бўлмаса дудмал қиляпсиз? — дедим.

У яқинроқ келиб иккала қўлимни ушлади, юзимга қаради.

— Очигини айтайми: қувонганимдан! Сизни шунга ўхшаш бирор қарорга келарсиз деб кўпдан ўйлаб юрардим. Бу гапингиз кутганимдан ҳам зиёда бўлди. Чунки сиз... Саҳрода ишлашнинг нима эканлигини билиб туриб гапиряпсиз, албатта.

— Ҳаммасини биламан, олиб кетасизми? — ёш боладай қичқириб юборганимдан ўзим ҳам ўнғайсизланиб қолдим. Ваҳобжон узун қўллари билан мени қучоқлаб уйга етаклади. Узининг саҳрода, очиқ ҳавода ичига кириб ётадиган иссиқ қопини, эски кирза этиги, қумбўронда тақиладиган кўзойнагини беришга ваъда қилди.

Мен сиртқи бўлимга ўтиб олиш тўғрисида гаплашиш учун тўғри институт дирекциясига жўнадим. Ваҳобжон ҳам мен билан юрди, у менга подъяёмний олиш имконларини суриштириш учун трестга бормоқчи.

— Фронтга бешинчи курсдан кетгансиз-а? Электромеханикадан хабарингиз бор! Дизелни биласиз!— деб далда берарди у менга йўл-йўлакай. Мен ўз тақдиримнинг бу очиқ, ишчан, тиниқ мақсадли тенгдошимга, у орқали катта, қийин чигал бир ишга боғланиб қолаётганидан ҳаяжонда эдим.

Икки ҳафтадан кейин «Як-12»нинг яшил қаноти бизни буюк саҳро осмонига кўтарди. Қадим шаҳарларнинг офтобда ялтираган банорас гумбазлари, сўник ой вулқонларининг каттерига ўхшаш кўҳна қўрғонлар, қадим равотлару сардобаларнинг, мозорларнинг вайроналари орқада қолиб, ўркакч-ўркакч заррин тўлқин урган поёнсиз океан кўзга ташланди.

Океан деганим Ваҳобжонга ёқиб тушди.

— Ҳақиқатан ҳам, геологлар бу ерда худди океаншунослар сингари нуқул триллионлардан гапиришадди!— деди у саҳрони энди кўраётгандек доира иллюминатордан кўз олмай, — агар газ запаси бир триллион бўлса, унинг юз минг кубометри давлатга фақат бир тийинга тушади, кўз олдингизга келтиринг! Газификация! Агар Ленин тирик бўлганда-чи, Аҳмаджон, яна битта ГОЭЛРОни албатта ихтиро қиларди, мутлақо аминман!

Бир оз ҳовлиқиброқ, лекин жуда чиройли хаёл сурарди бу йигит! Мен унга тўла ишонмасам ҳам, лекин гапирганида оғзимни очиб қолардим. У доим аниқ бир нарсага, аниқ бир маррага етакларди назаримда. У билан бўлсанг, бугунинг қийин бўлса ҳам, эртангдан доим кўнглинг тўқ. Шунинг учун дабдурустан унга эргашиб, бу нотаниш йўлга чиққаним мени сира ҳадиксиратаётгани йўқ. Аввал кўнглимга ваҳима солган мана бу саҳро ҳам у гапира бошлагандан кейин эскидан кўзимга танишдай туюлиб кетди.

Саҳронинг бағрига санчилган ўқдай тикка, оқариб кўринган йўлларда чанг этагини судраб аста силжиётган қора нуқта — занжирли трактор кўзга чалнади. Бу чексиз кенгликнинг қаеридадир бир тўп тирик жон унинг таниш гувуллашини — катта оламнинг қадрдон садосини сабрсизлик билан кутаётган бўлса керак.

Ана бизнинг қанотли соямиз ер бағирлаб сузмоқда. Биз бурилганимизда у азим қора бургут сингари баъзан салмоқ билан ерга шўнғийди. Ваҳобжон нималарнидир эслаб жилмаяди, кийикларнинг самолёт сояси-дан ҳуркиб, чарчаб йиқилгунча югуришини, юмронларнинг мотор товушига қоққан қоziқдай қотиб қулоқ солишини ҳикоя қилади. Унинг саҳро ҳаётидан билмаган нарсаси, эпламаган ҳунари йўқ. Базада бир йилча йўл кўрсатувчи бўлиб ҳам ишлаган, тياгач ҳам ҳайдаган экан.

Самолёт бизни саҳро этагидаги «перевалочний пункт» деб аталадиган маъзилга элтиб ташлагани ҳамон, Ваҳобжон рацияга югурди. Узоқ «ту-ту-ту» қилиб база билан, кейин пармаловчилар контораси, сейсмографлар партияси билан гаплашди.

— Бир-икки кун курорт қиладиганга ўхшаймиз, шерик, — деб, пешанасини қашиганча чиқиб келди у рация хонасидан. — Машина фақат душанба куни бўлиши мумкин.

— Шу ерда кутамизми ҳали?

— Шу ерда.

Перевалочний пункт дегани — қайси бир совхознинг чўлда ташлаб кетган эски кўтони экан. Қўрғон ичи турли шаҳару станцияларнинг номлари ёзилган катта-кичик яшиқлар, юмалаб ётган бочналар, бензин баклари, қум босган эски покришка, қоп уюмлари, эски насос, иккита дизель, тиши синган парма, яна аллақандай темир-терсақ билан тўлиб ётар эди. Бу ернинг бирдан-бир хўжайини — туркманча қилиб иягининг тағидан соқол қўйган кекса қорақалпоқ — Ажнийёз оға бизга чой қайнатиб берди. Икки қумғон шўртак чойни ичгандан кейин пахталик кийимлар, брезент палаталар тахлаб ташланган омборга кириб уйқуга кетдик.

Ажнийёз оға жуда сиёсатчи чиқди. Нуқул халқаро аҳволни суриштиради.

— Сизга қийин экан, оға, — дедим, — кекса одам, саҳрода ёлғиз.

— Сендерге асанба? — деди у. — Сўғис бўлмаса бўлди-ғўй, ширақ, сендай еки улим ўлиб кетди сўғиста. Жене бўлмасин, жети немерем бар. Бул ўзимиздинг далағўй, қийинига шидаймиз.

Ҳа, қийинига чидашга тўғри келади шекилли. Эртасига қуёш тиккага келмасданоқ саҳронинг ловул-

лаган нафаси Ҳансиратиб қўйди мени. Одамни балога дучор қилса қилсин, бекорчиликка маҳкум этмасин экан. Ваҳобжон омборнинг салқин бурчагига суқилиб олиб, қоғозларига, ер структураси схемалари, геологик хариталари, ҳисоб-китобларига муккасидан кетиб кунни кеч қилади, мен бўлсам қаёққа боришни, зерикканимдан бошимни қайси деворга уришни билмай, қўрада тентирайман; чор атрофга боқаман, теварак яйдоқ, чексиз уфқда на бирор қора нуқта кўринади, на бир қимирлаган жон.

Тўртинчи кун деганда мана шу ловиллаб турган жонсиз бўшлиқда кўзга ниҳоятда таниш, иссиқ кўринган ўзимизнинг «Газ 69» худди уфқдан шўнғиб чиқиб келгандай бирдан пайдо бўлди. Шофери пилдираб юрадиган паканагина армани йигит экан. У Ваҳобжон билан қучоқлашиб кўришди-ю, йўлдан келиб бирпас ором ҳам олмасдан, машинаси ёнида икки соатча ивирсигандан кейин, «жўнаймиз!» деб қолди.

Чақирими ўлчанмаган, манзили кўринмаган, атрофида биронта белгиси бўлмаган, билинар-билинемас йўл билан чексиз қум денгизининг қаърига шўнғиб кетдик. Бу йўлнинг бир соатиёқ чарчатиб қўйди. Адашиб-нетиб қолинса, самолётдан кўришга осон бўлсин, деб, машинанинг капотини қизил рангга бўяшар экан, ловуллаб жимирлаган ҳавода ўтдай ланғиллаб рўпарамда липиллай берган бу ранг кўзимни толдириб, гашимга тегади. Кўзимни четга олсам, икки ёнда жонли барханлар сувдай сизиб оқмоқда, бош устидаги брезент мияни қайнатиб юборгудай бўлиб қизиган. Ҳозирдан томоқ қақрай бошлади.

— Тўй қачон, Ашот? — деди Ваҳобжон.

Ашот дудуқроқ эди. Узи қора, қошу киприклари куйиб сарғайган, пакана жуссаси темирдек пишиқ.

— Ча-ча-чатоқ! — деди у, ҳазинроқ жилмайиб қўл силтар экан. Таъби хира бўлди; тўй масаласи ҳақиқатан ҳам чатоққа ўхшайди. Мен унинг тердан йилтиллаган юзига, билакларига қарайман: саҳро қуёшининг қирқ даражали яллиғи устига, моторнинг оловли нафаси радиаторни икки марта шарқиратиб қайнатиб юборди, лекин ҳали Ашотга таъсир қилганича йўқ.

— Ашот, қўлингизга нима бўлган? — деб сўрадим унинг оқариб буришган иккита калта бармоғини кўр-

сатиб. У түмтоқ, майиб құлини баранкадан кўтариб, у ёқ-бу ёғини айлантириб қаради.

— Совуқ ур-урган.

— Совуқ?

— Ҳа-ҳа. Декабрь эди. Худ-худди мана ш-шу ерда.

Узоқларга тикиламан. Олов дарёсидай жимирлаб ётган чексиз барханлар ҳар қандай қутб музларини эритиб юборадигандай бўлиб ёнмоқда. Ёнимда ўтирган кичкинагина Ашот аллақандай эртақ қаҳрамонидай бўлиб кўринди кўзимга.

— Сиз ўтган йили ҳам шу ердамидингиз?

— Ҳа. Ёзда қ-қирқ даража иссиқ, қиш-шда қирқ дар-ража совуқ бўлади бу ерлар. Шунисиға тоб беролмай ке-кетди-да Марожон.

— Гап бу ёқда денг... Лекин қиз болани бундай қийноққа солиш — муҳаббатдан эмас, қаерга кетган бўлса, орқасидан боришингиз керак эди,— деди Ваҳобжон.

— Бошқа ишда бўлсам кет-кетардим. Лекин бу ишни ора йўлда та-ташлаб кетиб бўлмайди. Иккинчи йил ж-жон чекапмиз, натижасини к-кўрмасдан кетсам ҳеч қандай б-бахт татимайди менга. Марожонга ш-шундай деб ёз-ёз-ёздим...

Виз беш соатдан бери йўл юряпмиз, лекин атрофда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ, худди бир жойда тургандай-миз: ўша чексиз кенглик, ўша-ўша ясси уфқлар. Фақат қуёш оловини яна кўпроқ тўка бошлади. Ашот эса ўзигина кўрадиган аллақандай белгиларни чамалаб ҳамон дадил ҳайдайди, орқамизда ҳурпайган чанг булутини ҳам, ҳансираган моторимиз товушини ҳам саҳронинг мангулик тинлиги ютиб кетмоқда.

Ниҳоят қуёш тандирнинг оғзидай қизариб уфққа оғди. Қош қорайганда ёлғиз қабр тепасида мунғайиб ўсган пастаккина сада ёнида тунагани тўхтадик. Бу, қачонлардир ташналикдан ҳалок бўлган бир геологнинг қабри экан. Ашот эски камерадан елимлаб ясалган челақка радиатордаги қимматбаҳо сувдан тўлатиб олди-да, уни қўлида салмоқлаб, сада томон юрди.

— Ашот! — деди Ваҳобжон ва юзида қўрқув билан у томон югурди, бориб челақ тутган қўлини маҳкам ушлади. — Нима қилиясан, эртага куни билан йўл юрамин!

— Бу ердаги о-о-дамлар учун бу русумни б-бузиш

бир т-томчи сувга з-зор бўлиб ўлишдан оғирроқ гу-гуноҳ, Ваҳоб ака,— деди Ашот унинг юзига ғалати қараб. Ваҳоб ҳеч нарса деёлмай жойида туриб қолди. Ашот сажда қилаётгандай, тиз чўкди-да, челақдаги сувни сада тубига томчилаб санагандай секин, авайлаб қуйди. Сада илдизларининг бу эзгу томчиларни ташналик билан шимиргани қулоғимга эшитилгандай бўлиб кетди.

Ҳеч қайсимиз бир нима деёлмадик. Ашот ҳам аста келиб фараларни ёқиб қўйди-да, тунда бўрон қўзғалса кабинага қум-тўлмасин деб, машинани брезент ёпинчиққа ўрай бошлади.

Тунги саҳро тинлигидан қулоқ зингилларди. Бу ўлик океан устига тўнкарилган осмонгина гўё барҳаёт: тубсиз қоронғилик тепасида сомон йўли нуқрадай жимирлайди. На узоқда бир гулхан ёлқини, на чигиртка товуши. Одамни оламдан узиб олган саҳро туни ўзининг даҳшатли жимлиги билан асабларни чарчатар экан. Фаранинг совуқ нури семиз бўрсиқ сингари силлиқ барханларнинг қия сиртини, қум остидан чиқиб турган яккам-дуккам қийровуқнинг ғариб навдаларини ёритади-да, узоқларда гўё қумга сингиб кетгандай йўқолади.

Номаълум геологнинг қабри тепасидаги ёлғиз сада тунда қоп-қора бўлиб, шабадани, қуюқ барглар шивирини қумсагандай бош эгиб турибди. Саҳро заҳматкашларининг меҳр томчиларидан кўкарган, неча юз қақирим теваракда якка-ю ягона бу ҳаёт нишонаси баъзи йўловчилар кўзига она чеҳрасидай иссиқ кўринса, бировларга бу мангу жимликда ёлғиз ухлаётган қадрдон касбдошларининг сўнмас хотираси бўлиб, баъзиларига эса чанқоқ йўловчининг сўнги қатра сувини тилаб ичувчи гадо бўлиб кўринса керак. Менга у жонлидек туюлди. Назаримда у ҳар бир ўткинчига: «Тўхта, дам ол, ўйла йўловчи, дунёда ёлғизлик — нақадар оғир мусибат!» деб шивирлайдигандай.

Саҳро кишилари бу ҳақиқатни яхши билишади. Улар йўлга чиққанларида кечгача албатта шу ерга етиб келиб, шу ерда тунайдилар. Бу ерда одам бор, бу ерда уларнинг нотаниш дўстлари ётибди қабрда бўлса ҳам.

Эртасига йўлимиз оғир бўлди. Ер бағирлаб қум бўралай бошлади, машина ичи нафасни бўғадиган қуюқ

тўзонга тўлди, қум чирсиллаб кузовнинг бўёғини кўчириб юборди. Юзга қум зарралари санчила бериб, этни ўлдириб, оғриқни сезмайдиган қилиб қўйган эди. Саҳрога жон кириб, азим гавдасини бир силкитгандай, этакларидан чанг тўзғиди, эрталабданоқ қоронғи тушгандай бўлди.

Бунинг устига, Ашот «чапга буриламиз, айланиб борамиз» деб қолди.

— Кўряпсизми, виш-шканинг чироқлари хир-хира, — деди у қоронғи уфқни кўрсатиб, — бир нима ҳуштак чал-чалаяпти. Бу яхшиликдан эмас. Ё дизель қизиган, ё... Хаб-бар олмасак бўлмай-йди.

Биз Туяқудуқдаги қидирув ишлари зонасига аллақачон кириб борган эканмиз. Уфқдаги чаёғ булути ичида панжара вишканинг қорасини, унинг учида хира ёнган чироқни анча юргандан кейин биз ҳам кўрдик. Худди бир эскадрилья реактив самолёт ҳавога кўтарилгандек, кучли овоз саҳро осмонини янгратар эди. Парма ускуналари ташувчи «С-80» трактори судраган оғир чаналар йўлни ўйдим-чуқур қилиб ағдариб ташлаган. Барханларга чап бериб тўзон ичидан чиқиб келганимизда, юз-қўллари кир, қорғин пармачилар хизир кўргандай қувониб, ўзларини йўқотиб қўйишди. Бу ерда киши товушини эшитиб бўлмасди. Имо билан тушунтиришди: улар ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтож эканлар — кечаси кутилмаганда олти юзинчи метрдан сув аралаш кучлигина газ фонтани отилибди. Сквжинани оғир балчиқ қоришмаси билан гиппа бўғадиган заливочний агрегатлар ҳозир узоқда, бўлак қудуқларда экан. Бригада бошлиғи — қирра бурунли, қоп-қора озарбайжон йигити вишканинг бузуқ эстакадасида туриб, узун қўлларини ҳадеб силтаб, буйруқ бермоқда. Улар фонтанни ўз кучлари билан бўғишга аҳд қилганлар, ўн тўрт соатдан бери ишлашмоқда, учта насос мембранасини ёришибди, лекин бир зум тинишгани йўқ. Жазирама ҳаво газ оқимидан жимирлаб кўнгилни оздиради, саҳрони жаҳаннамга айлантирган бу товуш тинмаганча бу атрофда инсоннинг бир зум ором олиши ҳақиқатан ҳам мушкул.

Привентер кеч буралганидан, қувурнинг атрофлари бўшашиб, билқиллаб қолган, вишканинг чўкиб кетиш хавфи ҳам туғилган эди.

Бизни дарров сафарбар қилишди. Мени дизелчи

Ниёзмат ёнига, манометрларни кузатишга қўйишди. Ниёзмат, хоразмлик, чўтир йигит, иккита эски дизелнинг бутун кучини сиқиб олмоқчи бўлгандай, бўйин томирлари бўртиб, менга тикилар, мен бўлсам қудуқдаги ҳам насос қувуридаги босимни кўрсатувчи икки манометрдан кўз олмай «120—150, 123—150, 127—150!» деб тинмай бақириб турибман. 13—15 атмосфера етмай қоляпти. 127!— бундай куч билан келган оқим пишиқ гиштни тешиб ўтади, лекин ер қаъридан отилиб чиқаётган газнинг йўлини тўсолмаяпти. Тўртинчи мембрана портлаб, насос сариқ балчиққа кўмилди.

Фонтан ҳамон кўкка найзадек отилиб, даҳшатли ҳуштагини чалар эди. Асаби қақшаб, ҳолдан тояёзган Ниёзматнинг бардоши тугаб кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди, мастдай гандираклаб бригадир ёнига борди-да, қулоғига бир нималар деб қичқирди. У биронта хатарли тадбирни таклиф қилди шекилли, бригадир қўлларини тез-тез силтаб, аввал анчагача унамади. Кейин рози бўлди.

Мен хурсанд эдим. 13 атмосфера қолганда орқага қайтиш ҳақиқатан ҳам алам қилади. Бригадир вишка тагидаги пультада турибди, Ниёзмат, газабдан чўтирлари кўкариб, насосларга янги мембрана қўйди-да дизелга турди. Назаримда бу сафар ҳамма ўз ишига жуда қалтис бир қасд билан, чексиз қаҳру жаҳд билан киришган эди, бутун агрегат босим зўридан парчалашиб титилиб кетмаса деган қўрқув муздек бўлиб ботди кўксимга.

— Бошладик!

Манометрларнинг қора стрелкалари диркиллаб ҳаракатга келди. Лабларимни тишлаб тикиламан. Бирдан кўнглим ағдарилиб, бошим айлана бошлади. Наҳотки шундай чексиз саҳрода ҳаво етмай қолса кишига! Мен стрелкаларни кўздан қочириб қўйишдан қўрқаман. Ниёзматнинг бутун вужуди билан менга тикилиб турганини сезиб, сўнгги куч билан ўзимни ўнглаб олдим. Бирдан фонтан ҳуштаги орасидан дизелларнинг ғувиллаши юзага ёриб чиқа бошлади. Вишка айвончасида бурнини катта қўлқопи билан тўсиб фонтанга тикилиб турган кекса пармачининг юзида газаб ифодаси сўниб, илиқлик пайдо бўлди.

— 150—150!— деб бақирардим мен. Биз гаплари-

мизни эшитмасак ҳам, юз ифодаларимиздан бир-биримизни яхши тушунардик. Фонтан ҳуштаги пасайиб, пишиллай бошлади. Насослар қувурдаги қоримани тобора зичлаб, газ оқимини бўғиздан чангаллаб олди. Қора, чуқур кўзларида қувонч ёлқинлаган бригадир югуриб келиб, ранги оқариб кетган Ниёзматни қучоқлади.

— Яна жиндек зўр келса иккала дизель ҳам, ўзимиз ҳам осмонга учган эдик, ёшулли!— деди Ниёзмат ва ўзини шилқ этиб бригадирнинг қучоғига ташлади. Уни четга олиб чиқиб, елпий бошладилар. Ҳаво бир оз тозаланиб, нафас олиш ҳузурли туюлиб кетди.

Фонтан бўғилган эди. Бўрон ҳам тинган экан, пайқамай қолибмиз. Қулоқлар битган. Мен одам товущини эшитгим келади. Лекин ҳамма жим, атроф жимжит ва аллақандай даҳшатли эди. Қудуқ қаъридан ҳали ҳам газ пуфаклари кўтарилиб, яшил сув юзида пилқпилқ этиб ёрилар, таслим бўлган дев ҳамон нафас олаётгандай туюлар эди. Гўё мен билан иш кўриш «хавфли» деб огоҳлантирарди саҳро, мен унинг норози ҳансирашини эшитгандай эдим.

— Мана шунақа,— деди ёнимда Ваҳоб, у ҳам саҳрони ўйлаётган экан,— эҳтимол Ҳисордан Оролгача, Каспийдан Амуғача мана шунақадир!

...Туяқудуқнинг ўзига эртасига куннинг энг қизиган пайтида етиб бордик. Бу ерда янги пармалаш ускунаси монтаж қилинаётган экан. Қуёш тиккада бўлганидан тепадаги монтажчиларга қараб бўлмайди. 44 метрли вишканинг энг учида электрпайванднинг кўкиш шуъласи қуёшга чақилгандай чирсиллаб кўзни қамаштиради. Дизель ёнида қорамойга бўялиб, терга пишган яланғоч кекса мастер энг тепадаги пайвандчига бақариб дўқ қиларди:

— Бас қил дейман, кўзсиз қоласан, ярамас!

Тепада маймундай осилиб ишлаётган ёшгина пайвандчи бу ҳақоратга эътибор қилмади. Юзидаги ажинлардан реза тер оққан кекса мастер қўлини қошига соябон қилиб тепага қараганича бизга тушунтира кетди:

— Ниқобини юзидан олиб ташлаб ишлайди бу эси паст, минг марта гапирдим, сўкдим, урдим ҳам... очиги. Бир ойдан кейин кўздан ажраласан дедим. Йўқ, унамайди, яна билганини қилади.

— Нега тутмайди ниқобни? — деб сўради Ваҳобжон.

— Тутса, ишлаб бўлмайди, очиги. Темир ниқоб қуёшда шундай қизийдики, миям варақлаб қайнаб кетяпти дейсан киши, чакагингни куйдиради.

— Кечаси ишласа бўларкан-да, — деб аралашдим мен ҳам.

— Кечаси ишлаб улгуриб бўладими, бутун базада битта пайвандчи! — деди мастер. — Бу бола кўр бўлса бўлиб бўлди, парво қилмайди. Кўздан қолсам касбимни бошқа қиламан, дейди, кечалари рацияни, морзе алифбесини ўрганапти.

— Генка! — деб қичқирди Ашот тепага қараб, темир билан вишканинг оёғига урди.

Пайвандчи йигит қувонганча қўл силкиб, белидаги занжирни шошиб ечди-да, ўрмалаб туша бошлади.

— Овозимдан таниди... — Ашот менга сир айтгандек, қандайдир ҳазин товуш билан гапирди.

Геннадий югуриб келиб Ашот билан қучоқлашиб кўришди. Менга қўл узатганида беихтиёр кўзларига қарадим: манглайига тушган жингалак қўнғир сочлар соясида қиз болаларникидай теран зангор кўзлари йилт этиб кетди. Геннадий йигирмага ҳам бормаган, чиройли, хилча йигит эди.

У Ашот олиб келган конвертни қувониб очди-да, четроққа чиқиб ўқий бошлади. Хатга тикилиб узоқ турди, кейин биз томонга ўгирилиб ғалатироқ товуш билан Ашотни қақирди.

Биз уларни холи қолдириб нарироққа кетдик. Ваҳоб менга атрофни «томоша» қилдирди. Бу ер Туяқудуқ деб аталса-да, ҳеч қанақа қудуқ йўқ экан, ернинг қайси бир қатламидадир сув бор холос. Бир кун сув ичиш учун ўн кеча-ю ўн кундуз қум кавланади. Лекин қудуқ иккинчи куниеқ ўзидан-ўзи йўқ бўлади.

— Бир куни қудуқнинг кўмилиш пайтини ўз кўзим билан кўрдим, — деди Ваҳобжон ўтган кузни эслаб. — Худди қумнинг ҳар бир заррасига жон киради, қудуқнинг зах деворлари секин ўпирила бошлайди. Бу ҳалокатни ҳеч нарса билан тўхтатиш мумкин эмас. Қудуқ кўз ўнгимизда кўмилиб, ўрни теп-текис бўлди-қолди. Қараб туриб, кўзларимиздан ёш чиқиб кетди: саккиз кеча-ю саккиз кундуз кавлаган эдик ўзини ҳам.

— Ҳозир-чи? — дедим.

— Станок келгандан кейин сувни пармалаб олишади. Лекин унгача аҳвол ўша. Азоб билан бир кунлик қудуқ кавлаб, сув ғамлаб олишади.

— Келишимиз билан монтажчилар бизнинг машинани ўраб олишди, ғамлаган сувлари тугаб қолганми дейман?

— Йўқ,— деди Ваҳобжон,— сув сероб, ана чўмилишяпти, кўрдингизми?

Нарироқда Ашот билан Геннадий бир-бирининг устидан пақирлаб сув қуйишаётган эди. Жазирама сакронинг қоқ ўртасида сув зарраларининг кумушдай сачраши, йигитларнинг қувноқ қийқирити кўнглимни кўтариб юборди.

— Шуниси борки, бу сув совунсиз кир ювишга, бўғин касалларини даволашга ярайди-ю, ичишга ярамайди. Ишқордек аччиқ,— деди Ваҳобжон, ерда турган пақирдан стаканга сув тўлатиб, офтобга тутди. Пақирда қорайиб турган сув стаканда қип-қизил бўлиб кўринди. Шунинг учун машинани қуршаб олишга экан-да. Чучук сувни соғиниш туйғуси ҳали менга таниш эмас, лекин шу дақиқадан уни мен ҳам сеза бошладим.

Геннадийнинг қорайиб пишган елкасида ишқорли сув томчилари йилт-йилт сўнарди.

— Башарам қанақалиги ҳам ёдимдан чиқиб кетибди,— деди у кулиб, машина кабинасидаги юмалоқ кўзгуни юзига буриб астойдил тикиларкан. Бу пайт мен Ашотни холи топиб секин сўрадим:

— Хатни кўрсатдимми, кимдан экан?

— Н-нега кўрсатмас экан, ўз-ўзим ўқиб б-бердим.

Юрагим шув этиб кетди. Демак бу кўҳлик йигит қарийб кўздан қолган экан-да, хат ўқий олмаса...

— Хат қизиданми?— деб сўрадим аллақандай фожиани сезгандай қўрқиб. Ашот кулди.

— Йўқ. Фи-фи-филатовдан. Пр-профессор Филатов билан ёзишиб туради.

— Кўз ҳақидами?!

— К-кўз ҳақида. Пайвандчининг кўз нур-рини тикласа бўладими деб сўраганга ўхша-айди. Жавоби жумалроқ профессорнинг. Лекин Гена хур-рсанд. Кўрдингизми?

Геннадий ҳамон ёш боладек сув сачратиб ювинар эди. Лекин энди бу манзарадан менинг кўнглимни од-

дий завқ эмас, бошқача ваҳимали бир ҳис чулғамоқда. Тинч шароитда мен ҳали бундай одамларни кўрмаган эдим. Қўққисдан булар орасига кириб келишим кўнглимга қўрқув сола бошлади: эл бўла оламанми?

— Ишлар қалай, Геннадий?— дедим ўзимни яқин тутиб. У билан узоқроқ гаплашгим келиб кетди.

— Емон эмас, тепада ҳаво яхши. Фақат графикни бажаролмаяпмиз!— деди у брезент қўлқопини олиб вишка томон югураркан.

— Кейин кўришамиз!— деди яна узоқдан қўл силкиб. Мен четга бурилдим, то бу ердан кетгунча тепага қарай олмадим. Қарасам қуёш юзида ловуллаган кўкимтир ўт кўзимни ямлаб оладигандек туюлар эди.

Ногоҳ миямга бир фикр келиб, пешанамдан ҳовур чиқиб кетди: пайвандчи йўқ экан, Геннадийнинг ёнига ишга қўйишса нима қиламан?! Бу йигит яқинда сафдан чиқади. Урнига мен қолишим керак бўлади. Йўқ, йўқ... унамайман. Кўра-била туриб ўз бошимга яна тилаб олайми! Чеккан азобларим ўзи бир кишига етиб ошади. Мен дизелчи Ниёзматга шогирд тушишим мумкин. Ёки Ашот билан машина ҳайдасам ҳам бўлади. Пармачига ёрдамчи... Ҳамма жойда ҳам одам керак-ку. Кечқурунлар дарсим ҳам бор...

«Кейин кўришамиз!» деган товуши қулоғимда жангларга турибди. У ҳозир ниқобини тутдимикан? Ёки яна... Унга ҳозир қайрилиб боққани қўрқяпману, бошқа енгилроқ ишга кирсам, иккинчи учрашганимда юзига қандай қарайман?

Бекорчи хаёллар. Бу ерда осон иш йўқ. Бу ерга ишлайман деб келишнинг ўзи ҳам осон иш эмас...

Шундай деб ўйладиму ҳалиги ёшгина йигитнинг барча ўйларимга, барча туйғуларимга ҳукмрон бўлиб, мени кутилмаганда бир оз довдиратиб қўйганини алам билан ҳис этдим.

Ваҳобжон мени базага бошлаб кетди. Бу аста оқиб турган барҳанлар орасида биринчи марта пиёда юришим, вужудим ғалаёнга келганиданми, ярим чақирим юрмай дармондан қолаёздим. Ҳар қадам қўйганда оёқ тўпиқдан қумга ботади, товонимга эндиги қадимимда бирон қаттиқроқ нарса дуч келсайди деган пуч бир умид илашиб жонингни қийнайди.

Хайрият, база узоқ эмас экан. Оқшом қоронғисида қизғиш чироқлар, ертўлаларнинг қорайиб турган оғиз

лари, брезент палаталарнинг чўққайган шарпалари кўринди. Вағиллаган патефон товуши, овқатгами, мажлисгами чақириб жаранглаган занг, лайчанинг гингшиб улигани, қаердадир дизелнинг бўғиқ гуп-гупи эшитиларди. Лекин атрофдаги поёнсиз бўшлиқ ўзини унутдирмас, сахро доим бутун вужудингни босиб тургандек туюлар эди.

Ваҳобжон менга йигитлар ертўласини кўрсатди-да, ўзи вагон-лабораторияга қараб жўнади. Гира-ширада остонани тахминлаб ҳатлаб, кириб бордим. Ишдан кейин ҳамма ўз юмуши билан банд эди: биров пастак шифтдаги михга омонатгина илиниб турган қизғиш чироққа солиб хат ўқимоқда, кимдир ердаги тўшакка чалқанча ётиб писта чақади, бурчакда биров тумбочка устига қўшимча газчироқ ёқиб, қандайдир дарсликларни титади, ўртадаги стол атрофида яланғоч елкалари чироқда йилтиллаб турган иккита йигит билан кучларини синашмоқда, столда қарталар, китоблар сочилган, чойнинг шамаси тўкилиб ётибди, кираверишда бир кўса қария болғасини тўқ-тўқ уриб, этигига пошна қоқяпти. Ертўланинг шифтидаги кичкинагина тўрт бурчак деразадан тубсиз сахро осмони тикилиб турибди.

Янги одам келяпти деб аллақачон эшитишган экан, ўтқазиб роса саволга тутишди: «Катта ерда нима гап?» «Заборний бекор бўлиб ҳамма хурсандми?» «Перевалочнийда Ажнийёз оғанинг қизини кўрдингми?» «Черчилль нима учун Парижга келибди?» «Шаҳарда ҳозир қанақа кепка кийишяпти?..»

— Қандай ишга жойлашмоқчисиз? — деди эшик тагидан қария.

— Бизнинг буровойга юравер, газ чиқмаса ҳам ойлик чиқиб турибди, — деди чалқанча ётган, писта пўчоғини шифтга туфлаб. Бу ёшгина бўлса ҳам, беўхшов мўйлов қўйган, ўзи йўғон, овози ингичка йигит эди.

— Менинг тракторимни ола қолинг, ука, — деди қария болға чақиб олган бармоғини оғзига солиб, — мени сув ташишга ўтказишди, қариллик ҳаллослатиб қўйяпти.

— Сув ташиш ҳам чакки ҳунар эмас, — деди мўйлов, — цистернанг шилқ-шилқ, қорнинг ҳам шилқ-шилқ. Ўзинг оч бўлсанг ҳам чанқовинг босиқ.

— Кўп гап сотмай, сен уборшицани пулини чўзиб

қўй, мўйлов!— деди қария фартуғини қоқиб ўрнидан тураркан,— ўтган сафар ҳам бермагансан, қани ҳамманглар беш сўмдан-беш сўмдан чиқаринглар.

У айланиб юриб беш сўмдан йиға бошлади.

— Бермайман,— деди мўйлов йўгон гавдасини тўшакдан базўр кўтариб.— Мана, ўринни ҳам қоқиб қўймабди,— у тўшагидан ҳовуч-ҳовуч қумни сидириб полга сочди. Ҳамма ўринлар ҳам шунақа эди, бу қум куни билан тепа туйнукдан учиб киради шекилли.

— Қумда ётсанг қайтага яхши!— деди дарс тайёрлаётган сариқ йигит. Унинг сочлари хира чироқ нурида жездек йилтиллар эди.— Тунов куни тушимда қор кўрибман. Юмшоқ лайлакқор юзимга тушиб эриб кетаётган эмиш. Уйғониб қарасам — юзларимга ботиб кетган қумни икки қўллаб ҳадеб сидириб ташлаяпман. Икки йилдан бери кўрганим йўқ-да қорни. Қумда ётмасам шундай тансиқ-туш кўраримдим.

— Мен нима деяпману бу тушини гапирди,— деди мўйлов,— пул бермайман, вассалом! Ким ўзи у, нега биз боқинимиз керак экан уни? Хўш?!— у қўлларини пахса қилиб гапираркан, бизга яқинлашиб келарди,— девонага худойи қиладиган жойми бу биёбон! Ишга кирса кирсин, бўлмаса — жўнасин, саҳронинг тўққиз томони қибла. Полни бўлса ўзимиз супуриб оламиз!

Қария унинг чинқираб вайсашига эътибор қилмай, айланиб юриб пул йиғар эди. Менинг рўпарамга келгач, қўл сылтаб ўтиб кетди:

— Сиздан бу гал олмаймиз.

— Нима учун ўзи, кимга? Пулим бор,— дедим мен шошиб.

— Келаси сафар!

— Қанақа девонани гапиряпсизлар?— деб сўрадим, сариқ йигитдан, қария нари кетгач.

— Девона эмас. Бир хотин. Келган экан, ишга киролмабди. Ётоқларда уборшица штати йўқ. Ўша хотин тентираб юраверганидан кейин, раҳмимиз келиб, ўз ҳисобимиздан уборшица қилиб олган эдик. Энди мана бу мўйлов тирриқлик қиляпти.

Эртага ариза ёзиб иш сўраш ташвиши менинг зимамда ҳам бор. Шунинг учун яна суриштирдим:

— Нега ишга киролмабди?

— Хужжати йўқми, ҳунари йўқми, телбароқми,

ишқилиб... Юрибди-да. Ишдан келишимизга жойларимизни саранжом қилиб қўяди, ётоқларга файз кириб қолди. Бизга яна нима керак.

Шу пайт эшик тақиллади: «Ана ўзи келди!» деди кимдир. Ҳамма жим бўлди. Қоронғида, эшик тагида рўмол ёпинган, қизил кўйлагининг этаги тўпиғига тушган, ориқ ва сал букчайганроқ хотин соядек пайдо бўлди. Мен уни, бир кампир экан-да, деб бепарвороқ кузатдим-да, этигимни еча бошладим. Ётиш керак, жазирама роса ҳолдан тойдирди.

Лекин ҳалиги аёлнинг овози эшитилганда сесканиб кетдим: кампир товуши эмас, ёш, тетик овоз эди бу.

— Мен узр сўрагани келдим, болалар, бугун ётоқларингга қараёлмадим, иш чиқиб қолди, эртага гулдек қилиб қўяман, хўпми?

— Иши чиқиб қолганмиш! Ҳали сизнинг бошқа ишингиз ҳам борми, ойимча? — деди мўйлов. — Эртага келмай қўя қолинг, ортиқча пулимиз йўқ, чиқдим бу худойичилар артелидан.

Бу пайт қулоғимнинг тагидан бир пой этик визилтаб ўтиб кетди. Уни қоронғи бурчакдан жаҳл билан ҳалиги қария улоқтирган эди. Мўйлов чаккасини ушлаб жим бўлди. Аёл остонага қараб бурилди, у баттар йукчайиб, назаримда қомати ҳам чўкиброқ қолган эди.

— Тўхтанг! — дедим мен. Чўнтагимни кавлаб у тоюн тез юрдим. «Артелдан бу чиқса, мен аъзо бўлим» деб, қизиқчиликка олиб аёлни юпатиб, вазиятни эмшатмоқчи эдим, бўлмади. Қоронғида аёлнинг юзига кўзим тушди. Саҳрода қоқланиб қорайган бу ориқ эда чуқур қора кўзлар чўгдай йилтиллаб мени жойимда тўхтатиб қўйди. Қоққан қозиқ сингари лол бўиб, узоқ туриб қолдим.

Кейин аччиқ, ёввойи бир товуш эшитдим:

— Аҳмаджон!!!

Аёлнинг кичкина, енгил, серсуяк гавдаси қўлимга тилиб қолди, бағримда бутун вужуди билан титраб йғлаётганини сезиб, ҳушимга келдим. Лекин нима алишимни, нима сўз айтишни билмасдим.

У бошини кўксимдан олмасдан юзини менга қаратди-да, шивирлаб:

— Аҳмаджон... — деди.

Икки қўллаб маҳкам қучганимни билмай қолиб-ин, боладек кичкина, ориқ, заиф гавдасини бўшатиш-

га уринди. Қоронғида мен унинг ёрилиб кетган лабларини, туртиб чиққан ёноқ суяқларини кўрдим.

— Уша... ўша кўзлар, — деб шивирлар эдим овоз чиқариб ўйлагандек. — Сўнагул...

У, нимадир эсига тушгандек, дарров четланиб ерга қараб қолди. Йиғлади:

— Биз бошқача учрашишимиз керак эди... — деди пичирлаб, — майли, шундай учрашсак ҳам... учрашдик. Учрашдик! — деб қаттиқ ҳўнграб юборди. Икки туйғу унинг кўксини титратарди: бири — учрашганимиз қувончи, бири — менга шундай аянч аҳволда дуч келгани учун ор-номус, аламли андиша.

Сўнагул! Мен уни яна топдим. Бошидан нималар кечди? Қандоқ бу ерга келиб қолди? Нега бу аҳволда? Уни ажойиб ғайратига муносиб катта йўлдан бу кўримсиз сўқмоққа итариб юборган ким? Ким? Уйда нималар, дилида қандай дардлар бор?

Бирдан уймаланиб келган минг хил савол бошимда ғувиллаб, чакка томиримни лўқиллатса ҳам, ҳозирча бир туйғу, бир фикр барини босиб турибди: мен уни топдим!

Ётоқда ҳамманинг дами ичига тушиб, ҳамма ўз жойида тикка туриб, бизга тикилиб қолганди. Мен Сўнагулни ўз каравотимга олиб келиб ўтқиздим. У ҳамон юзини ердан олмасди. Туркманча узун қизил кўйлаги эскиб, этакларига ямоқ тушган, тиззасининг кўзи қалқиб турар, узун ориқ бармоқлари яра-чақа...

— Бошингизни кўтаринг, Сўнагул! — дедим.

Чанг қўнган киприкларини аста кўтарди. Ёш ҳусини тилкалаган бевақт ажинларини яширишга урингандай, узоқ хотиралар дарди яширинган ҳорғин кўзларини юминқираб, аста сўради:

— Ойингиз омонмилар?

— Ҳа, — деб бош ирғадим, кўзларимдан алланимани пайқаб, сал нари силжиб ўтирди. Кўзларимда қизганиш ҳисси билинмаса бас, шу топда уни чўчитмаслик, дилига озор етадиган бирон ножўя ҳаракат қилиб, ноўрин бир сўз айтиб қўймаслик ҳақида ўйлар эдим мен. Унинг рўпарамда ўтирганига ишонгани ҳали ҳам қўрқяпман. Бирданига хазина топиб олган одам дастлабки дақиқаларда шундай ҳолга тушса керак. Мен Сўнагулни учратиб ҳақида ҳеч хаёл қилганмидим? Ҳа, ҳамма вақт; қатто ҳовлида Ҳурихоннинг ку-

кусини эшитиб ётганимда ҳам. Лекин буни сизга гапирмаганимки, бу хаёлларни мен ўзимдан ҳам яширишга уринган бўлсам керак. Бу, назаримда, қарийб ушалмайдиган, ниҳоятда журъатсиз бир орзу эди, журъатсиз ва эзгу...

— Бу ерларга келиб қолибсиз, Сўнагул?

— Ишга келиб эдим...

— Қийин бу ерда,— дедим. Дедиму, шошиб қолдим: «қийин» деганимни ўз аҳволи ҳақида деб ўйлаб, дилига озор етмасайди.

— Қийинини кўрмапмизми сиз билан биз,— деди у.

Йўқ, бу ўша Сўнагул! Лекин бунчалик қайсар бардошни қаёқдан оларкин бу заифгина бу вужуд? У, бошидан ўтган энг аянч пайтларини кинояли қилиб гапириб берди. Бу ерга келиб ишлаш илгаридан хаёлида бор экан. Узоқ тергов ва сўроқлардан кейин, туғишган жойимда сал ўзимни ўнглаб олай, деб Байрамалига қайтибди. Катта шаҳарларга бориш ҳуқуқи чегараланган экан, ўқишини ҳам, касбини ҳам давом эттиролмабди. Иш тополмай узоқ сарсон бўлибди. Қари онасининг қабрига бориб хайрлашибди-да, пулсиз, кийим-бошсиз, йўлланмасиз шартта сахрога қараб жўнабди. Лекин бу ерда ҳам ишга олишмабди уни.

— Кетмайман...— деди товуши товланиб.— Бу ерда Мадали акам ўйлаган иш амалга ошяпти. Менинг жўйим фақат шу ерда. Шу ишга заррача фойдам тегса бас...

Биз Сўнагул билан неча бор видолашиб, неча бор дийдор кўришдик. Ҳар учрашганимизда, энг оғир пайтларда ҳам, мен унинг кўзидаги, қалбидаги ўчмас, ўжар бир оловдан ҳушёр тортиб, босган йўлларимни ўйлайман. Ҳар учрашганда у менинг иродамни тиклаб, қувват, далда бериб, ҳаётимни йўлга солади. У менга ҳар сафар ҳақиқий ҳаётдай дуч келар ва ҳаёт ҳақидаги енгил-елпи хаёллардан қутқазар эди. Ҳозир мен сўнгги ойларимни эслаб барча ўйларимни гапириб бердим. Ҳар кимсанинг рўпарасида иккита йўл бўлар экан: бири тикка, бири — четга. Уй, оғим, Ҳурихон, бозор... Ҳаёт, шу урушдан кейинги одамларимиз шу деб, тикка йўлдан четга тойишимга сал қолибди. Геолог Ваҳобжон, шофер Ашот, дизелчи Ниёзмат, пайвандчи Геннадий, ниҳоят Сўнагул — мана булар экан урушдан кейинги одамларимиз. Мен уларни топдим.

Худо ҳам, инсон ҳам лаънатлаган, асрлардан бери ҳувиллаб ётган мана шу саҳро шаънига бир ёмон гап айтиб кўринг — бу одамларнинг газабига дучор бўласиз. Саҳро уларга чексиз азоб беради, улар эса унга муҳаббат қўйишган, меҳнатларини, ҳаётларининг энг гўзал фаслини унга бағишлаган. Улар учун бу — саҳро эмас, улуг хазина. Энди билиб турибманки, Мадали ака бир вақтлар менга мана шулар тўғрисида гапирган экан. Мен буларнинг қаторидан четда қолсам нима деган одам бўлардим.

Шунинг учун ўйлайманки, мен ҳозир Сўнагулнинггина эмас, ундан каттароқ бир нарсани, ўз дунёمنى, ўз туйғуларим, ўз бойликларим дунёсини топдим. Ёнгинамда букчайиб ўтирган кичкина гавда ўз вужудининг бир бўлагидай туюлиб кетди.

— Кетмаймиз, Сўнагул! — дедим мен ҳам.

Тун ярмидан оғиб, ташқарида дизель товуши тинди, чироқлар чўгдай қизариб ўчиб қолди. Тумбочка устидаги газ чироқнинг яшил шуъласида бизнинг суҳбатимиз давом этарди. Ҳамма ётган, лекин мен билан, ҳеч ким ухлаётгани йўқ: Сўнагул билан бизнинг учрашувимиз, бизнинг осойишта, лекин ҳаммага эшитилиб турган очиқ суҳбатимиз ётоқдагиларга қаттиқ таъсир қилган, уйқуни узоққа қувлаган эди. Биров қўлини бош остига қўйиб индамай шифтга тикилиб ётибди, кимдир уҳ тортиб ҳадеб ағдарилади, биров ўз умрини ўйлаб, хотираларга берилган. Қария эса биздан сал нарироқда ҳали ҳам тўшагида чордона қуриб ўтирибди, у гап қотмаса ҳам, бизнинг тунги, узоқ, оғир суҳбатимизга шерик. «Дунёнинг ишлари шунақа экан!» дегандай, ҳар замонда бош чайқаб қўяди.

Деразадан саҳро тонгининг шуъласи тушди. Мен илгариги, хаёлимдаги Сўнагул билан ўтирган эканман, ҳозиргисини энди кўрдим. Унинг йигирма тўрт яшар қиз эканига бировни ишонтириш қийин эди. Унинг қорачадан келган, бахмалдай майин, лўппигина қўллари қани, юзларига қалбидан қалқиб турадиган нурли ҳарорат қани?! Кичкинагина қадрдон қоматни бағримга босгим келади-ю, уни уялтиришдан қўрқаман, ўзи ҳам кўзларини, чақа қўлларини қаёққа қўйишни билмай ўтирибди. Нега унинг тақдири бу қадар аччиқ, ҳаёти алғов-далғов? Бу ақлли, журъатли, садоқатли, бегуноҳ қизнинг одамлар олдида нима гуноҳи бор?

Шунчалик даҳшату ваҳшатларни енгиб, азобли йўл босиб келган қиз бола бундан афзалроқ тақдирга лойиқ эмасмиди? Мадали акага бўлган эзгу муҳаббати, унинг орауларига садоқати учунгина тиз чўкса бўлади-ку оёқларига!

Бу муҳаббат, бу садоқат ҳужжатларга ёзилмайди-да, ҳужжатларда одам юрагининг тавсифи ҳам йўқ. Аммо бу юракни мен биламан ахир! Нима қилсам экан азиз жон учун? Нима қила олар эканман?

Авалло, дастлабки саҳро тонги менга ёрқин бир фикр тақдим этди. Сутдай шуъла тушиб турган оқ қозга ариза ёздим: «Менга маълум бўлишича, монтажчи бригадаларда пайвандчилар йўқ экан. Бир пайвандчи кечаси ҳам, кундузи ҳам ишлашга мажбур бўлмоқда. Шунини ҳисобга олиб, илтимос қиламанки...»

Сўнагул тепамда қараб турибди. Аризамда Геннадийнинг отини кўриб, аввал менга хавотирли ўйчанлик билан қаради.

— Танийсизми? — дедим.

— Танийман. Еш бўлса ҳам... шогирд тушсангиз бўлади унга, — деди Сўнагул.

У мени эндигина таниб олаётгандек, юз-кўзимга тикилиб қаради-да, қароримни маъқуллагандек биринчи марта сал жилмайди. Тонг ёруғида унинг кўзларидан нурдай таралган ажинларни кўрдим. Бу менинг кўнглимдаги ҳар фикрни бир қарашда тушуниб оладиган ўша-ўша Сўнагул эди...

6. УНГА ЯНА ДУЧ КЕЛДИММИ?

Юқорида ҳаво соф, деб тўғри айтган экан Геннадий. Биз доим ўттиз-қирқ метр баландликдамиз. Пастда гармсел эсади, қумнинг устки қатлами тинмай оққани оққан, шамолда сал учқунланиб, барханлардан ошаркан, худди тошқин сувдай тўлқин уради. Биз эса нафасни бўғадиган қум тафтидан узоқмиз, ҳаво тиниқ, қуёш тиғи ўткир, уфқлар ниҳоясиз...

Геннадий билан иккаламизнинг ўртамизда галати бир муносабат ўрнашди. Ҳунарни у ўргатади-ю, буйруқни мен бераман. Ўзидан етти-саккиз ёш катта эканлигимни, суҳбатларимни, саргузаштларимни, бу ишга ўзим ариза бериб келганимни билгандан кейин, навқирон устозим менга пайвандчиликни астойдил ўргата

бошлади-ю, лекин ўзи нуқул менинг оғзимга қараб турарди. Хуллас, мен ҳам унга қай жиҳатдандир устоз эканлигимни сездим, бу иккаламизга ҳам ўнғайлик, тенглик, эркинлик ҳиссини берди, иккаламизнинг ҳам кўнглимиз нақ кафтимизда эди.

Мен аввало Геннадийга қуёш тигида темир ниқобсиз ишлашни тақиқладим. Бу кунларда пармалар бири-бирига яқин жойларда солинаётганидан вишкалар кўпроқ бутунлигича кўчирилар, пайвандчиларга иш камайиб қолган эди. Шунинг учун биз қуёш тигида ишлашни умуман камайтирдик, Геннадий ҳам менинг гапимга кўна қолди. Кўнди-ю, менинг бу насихатимда акалик-биродарлик меҳрини сезиб, ўспиринларга хос бир ёпишқоқлик билан ихлос қўйди менга, сергапроқ бўлиб қолди, қулфи-дили очилиб кетиб, кўнглида борини тўкиб солди. Ҳатто ҳеч кимга айтмаган сирларини ҳам очди: севган қизи — ленинградлик Лариса рассомликка ўқир экан, таъриф қилишига кўра, ўзи ҳам суратдеккина, жажжи эмиш, Геннадийнинг мовий кўзларига мафтун, ҳар хатида шуни ёзади, дейди. Лекин Ларисадан хат келганда Геннадий Ашотнинг сарфардан қайтишини кутишга мажбур...

— Энди сизга ҳам ишонаман унинг хатларини... — деди Геннадий куйган кафти билан сап-сариқ сочларини пешанасидан суриб. Офтобда чўғдай қизиган темир қувурларга тармашаверганидан унинг кафтлари яхлит-яхлит куйиб ҳеч нарсани сезмайдиган бўлиб қотиб кетган эди.

— Мен сенга хат ўқиб бермайман, — дедим қўрслик билан, — умуман, ҳуда-беҳудага фидойиликни ёмон кўраман.

Геннадий жим бўлиб қолди. Насихатгўйлигим баъзан ҳаддан ошиб кетганини ўзим ҳам пайқайман, кўпол гап билан уни хафа қилиб қўйдим шекилли. Бундай пайтларда у «ортиқча» гапни тўхтатиб, ишга берилади.

— Мана бу жойни аввал пўлат қирғич билан тозаламабсиз-да, — деб танбеҳ берди у, ҳалидан бери пайвандлаган жойимни бўр билан ўраб чизиб қўйди «чокки бўш, омонат» деган маънода. Кейин пастдаги мотористка қичқирди: — Кўтара туш! Кўтар деяпман!

Қувват бирдан ошиб кетиб, электроднинг оғир тутқичи қўлимни қалтиратиб юборди, эриган металл зар-

ралари, электродуганинг кўзни оладиган яшил шуъла-
си чирсиллаб кўзойнакка урилар эди.

— Пайванд қилинган жой ипак тасмадай қорайиб,
йилтиллаб туриши керак, — деди Геннадий — стержен-
ни яқинроқ тутинг.

Пастда, қумга кўмилган хумдаги илиқ-милиқ,
шўртак сувдан ичиб, вишка тагидаги сояга ўтир-
ганимиздан кейин Геннадий яна аста очила бош-
лади.

— Биласизми, Аҳмаджон ака, — деди узоқни хо-
тирлаб, — Ленинградда қамал вақтида мен қари бувам
билан бувимнинг қўлида қолганман. Ун тўрт ёшларда
эдим тахминан. Даҳлизга кираверишда, эшик ёнида-
ги каравотда ётардим. «Ухла, кўпроқ ухласанг очлик
билинмайди», дер эди бувим. Узи бўлса ярим кечада
ўрнидан туриб, оёқ учида юриб кухняга чиқарди. Бу-
ни сезиб қолиб бувам ҳам ўрнидан турар, у ҳам секин
чиқарди кухняга. Иккаласи ҳам тунги-кўйлақда, ик-
каласи ҳам яланг оёқ, букчайганича кухнянинг ўрта-
сида туриб, бир-бирларига қараб қолишарди. «Нима
бўлди, оппоқ дадаси!?» дерди кампир. «Бир нима ши-
тирлагандай бўлдими, бувиси? Сен нега турдинг?»
дерди бувам. «Менга ҳам эшитилди, бир нарса шитир-
лади чамамда...»

Шундоқ дейишарди-ю, иккаласи ҳам жавоннинг
қулфига кўз қирини ташлаб қўярди. Жавонда эса уча-
ламизнинг эрталаб ейдиган бир юз йигирма грамм
нонимиз бор... «Ҳеч гап йўққа ўхшайди», дерди чол.
«Ҳа, ҳеч гап йўқ экан». «Ёта қолайлик, бувиси». «Ҳа,
ёта қолайлик».

Улар иккаласи ҳам бир-бирини, ҳам ҳар қайсиси
ўз-ўзини алдаётганини била туриб, шундай қалбаки
гаплашишар, лекин кухнядан ҳамон чиқиб кетолмай,
цемент полда яланг оёқ, сийрак оқ сочлари тўзгиган
қолда, букчайиб туришар эди. Иккаласининг шу тури-
ши кўз ўнгимдан сира кетмайди. Шунча умр кўрган,
сочлари оппоқ оқарган одамлар, Аҳмаджон ака, бир
бурда... йўқ, бир бурда эмас бир неча увоқ нон туфай-
ли шу қадар... — Геннадий кўзимга тикилиб қараб,
овозини пасайтди, пичирлаб тугатди гапини: — шу қа-
дар тубанликка боришга мажбур эдилар, мен уларга
ачинганимдан лабларимни қаттиқ тишлаб зўрға ётар-
дим ўрнимда. Мана, Аҳмаджон ака, мана шу такрор-

ланмасин дейман... Фидойи эмасман, қасам ичайми сизга?!

Мен ғалати бўлиб кетдим. Ўсмирдек кўринган бу хипча йигитга насиҳатгўйлик қилиб юрганимга изза бўлдим, у ўсмир эмас, катта киши эди. Фикримни бир жойга тўплотмай жим ўтирганимдан, ҳали ҳам хафа деб ўйлади шекилли, болаларча, ялинганроқ овоз билан давом этди:

— Улай агар, сиз ҳам уларни кўрганингизда, яна қайтиб кўргандан кўр бўлганим афзал, дер эдингиз! Менинг дадам... ҳа, айтгандай, мен буларни сизга нима учун гапиряпман, ўзингиз ҳам бу ерга шунчаки ҳавас билан келмагансиз-ку, пайвандчиликка ҳам шунчаки ҳавас билан ёзилган эмассиз, биламан. Лекин буни беҳуда фидойилик десалар ўзингиз ҳам хафа бўлардингиз.

— У гапни сени хафа қилиш учун айтган эмасдим...— дедим бўлак сўз тополмай,— сен даданг тўғрисида бир нима демоқчи эдинг,— деб эсига солдим.

— Ҳа. Дадам ярадор ҳолича фронт линиясидан ўтиб келиб, мени очлик ўлиmidан қутқазди. Очиғи — у ўшангача дадам эмас эди, фақат ўша кундан бошлаб дада деганман. У асли даданинг қалин ўртоғи бўлган. Асли дадам бўлса, оғим билан бирга чегарада урушнинг биринчи куниёқ ҳалок бўлган. Тутинган отам ҳозир инвалид, узоқда бўлса ҳам икки кўзи менда. «Қани, сен нима бераркинсан?» дегандай тикилади. Бу саҳрода нима иш бўлаётганини ҳам билади у. Узим тушунтирганман. Мен бу иш учун арзийдиган нимаики нарсам бўлса, барини берардим. Лекин шу ҳунаримдан, билак кучимдан бошқа ҳеч нарсам йўқ...

— Ундай эмас, Геннадий ёшлигининг энг ширин йилларини, юрагининг бўтун бойлигини, муҳаббатингни беряпсан...

У боладай қувонади. «Ажойиб ака топдим, келганингизга жуда хурсандман!» дейди чин кўнгилдан. Мен бўлсам ўйлайман: «Ўзинг-чи, насиҳатгўй, ўзинг нима берасан? Юрагингда нима бойликларинг бор? Ақалли ҳунаринг бўлса-чи!»

Эртасига вишкага келсам, кечагина мени мақтаган устозим бир кун қилган ҳамма ишларимни чок-чокидан сўкиб, бошқатдан пайванд қилиб қўйибди. Илжайиб турибди яна. Жуда хафа бўлиб кетдим. Ундан

эмас. Үзимдан. Бунинг устига, пармаловчи бригада-ларга қандайдир фавқулодда кўрсатма келар экан деб кутиб, кечгача тузукроқ иш ҳам бўлмади. Бундай диққинафас пайтларда Сўнагул ёдимга тушади. Уни топганимга ҳамон ишонамагандайман. Ёнига боргим келади.

Мен Сўнагулни худди ўзимни билгандай, миридан-сиригача биламан деб ўйлардим. Лекин бу сафар борганимда у мени яна бир марта ҳайратда қолдирди.

Оқшом, шабада тиниб, ғира-шира уфқда вишкаларнинг найзадек қораси кўринди. Ҳаво дим. Куни билан қизиган қумнинг оловли тафти юзга уради. Тупроқ рангидаги, пастак, чўққайма палаталар, қумшувоқ бостирмалар шахри ҳали кундузги мудроқ уйқусидан уйғонмаган, бурчакларига шом салқинини йиғиб, ҳорғин ва сершовқин аҳолисини ишдан кутмоқда. Фақат пармачиларнинг қамиш қўрасидан (бундай қамиш ихоталар палаталарни кўчма-қумдан сақлаш учун қурилган) осмонга паға-паға тутун ўрлаб, қандайдир тарақ-туруқ, пақирларнинг бир-бирига урилгани, шапиллаб ерга сув сепилгани эшитилади.

Сув шапиллашига вужудим толпиниб қўрага кирдим. Қарасам, худди ўйлаганимдек, Сўнагул атрофига чойшаб, гимнастёрка, ички кийим-бошларни уйиб ташлаб, билагигача кўпикка ботиб кир юваётган экан. Нарироқда биқсиб гулхан ёнар, буғ чиқиб турган бак атрофида қорамой сингиб кетган, трактор ғилдираги ғажиб ташлаган ходалар, қумда пармаловчи станок судратадиган ёғоч чананинг синиқлари сочилиб ётарди. Сўна иссиқда қансираб терга пишган, ориқ бўлса ҳам биринчи кўрган кунимдагидай эмас, қандайдир очилиб, чеҳрасига нур югуриб қолган эди. Мени кўргач этагини липпасидан тушириб, совунди ориқ қўллари билан тўзғиган сочини тузатди.

— Кела қолинг, Аҳмаджон. Барвақт қайтибсиз? — деди.

— Қарашворайми?

— Ҳа, мана бу икки пақирдаги мағзавани тўкиб, анов бакдан қайноқ сув олиб беринг, — ўзи чайилган кирни сиқиб, саксовул таёққа тортилган арқонларга ёя бошлади. Мен сув олиб келдим. Сўнагул бир эски галифени қарсиллатиб силкиб, арқонга тортаркан, ниманидир эслаб жилмайди:

— Самарқандлик Самсақтўра деган пармачиники. Узи ювиб рапгини ўнгитиб қўйибди. Фронтдан олиб келган жуда чиройли хотини бор экан: Самарқандга газ боради, ўтин-кўмир ташвишидан қутуламиз, хотинимнинг қўлини совуқ сувга урдирмайман, дейди. Мана бу гимнастёрка Шотурсун полвон деган дизелчи боланики. Яна тугмаси йўқ. Тугма чидайдами бунга, кучини қаёққа қўйишини билмайди, қумга юмалаб кураш тушгани-тушган... Ҳаммаси ҳам яхши болалар. Кечқурун ҳолдан тойиб ишдан келганда, мени кўриб кўзлари қувониб кетади.

— Онахон бўлиб қолибсиз буларга, — дедим мен бўш пақирни тўнтариб ўтириб. Ҳақиқатан ҳам, унинг энг шимариб, совун кўпиртириб, сув сачратиб кир ювишини томоша қилиш-кўзни қувонтирар, аёл кишининг борлиги бу ёввойи саҳродаги қамиш бостирмаларга оилавий файз киритар эди. Аммо юрагимнинг бир чеккаси гаш. Сўнагулнинг ориқ тирсакларига, реза тер оққан ажинли пешанасига, ингичка қора бармоқлари орасидан тирсиллаб чиққан кўпикка, ҳансираб, бедармон тебранган юфқа кўкракларига қарайману, унинг ёшликдаги олов кўзларини, тикмачоқ гавдасининг, осмондаги фашист самолётларига зенит ўти билан даҳшат солган шинелли йилларини, бўлиқ кўксини тўлқинлантирган чексиз, катта орзуларини эслайман. Наҳотки тугаган бўлса буларнинг бари? Наҳотки ўша Сўнагул энди йўқ? Наҳотки у мана шу тирикчилигидан рози бўлса! Мен бунга ишонмайман. Сезиб турибманки, бу унга муносиб эмас.

— Сўнагул, сиз бирон арзийдиган ишга киришингиз керак, — дедим бугун ҳам. «Биласиз-ку» дегандек қаради. — Бу ерда бўлмаса, бошқа ерда! — дедим. — Наҳотки ишлайман деган одамга иш бермасалар, бу мумкин эмас, қаерда, қанақа замонда яшаб турибмиз ахир!

Мен кўпинча шундай тажанг бўлиб кетаману, Сўнагул ҳамон босиқ. У гўё ҳамма жойда бўлган, ҳамма жавобларни эшитган, синаган, кўниккан, тинчиган.

Бироқ ундай эмас эди. Жомашовдан қаддини кўтариб қутилмаганда жиддий ва қатъий товуш билан деди:

— Бошқа ерда — менга тўғри келмайди. Менинг

Ўриним, менинг талабим, ниҳоят, менинг ҳаққим шу ер!
Фақат шу ер!

У қизарган қўлларини фартуғига сидириб артиб, қандайдир тантанали тараддуд билан сочларини тузатди-да, қўранинг чекка бурчагидаги кичик палатага кириб, туркманча қизил рўмолга тугилган бир нарса-ни кўтариб чиқди. Совунли сувда буришган бармоқлари билан тугунни узоқ ечди, ундан коленкор жилдли қалин дафтарни олиб, икки қўли билан менга узатди.

— Мана...

— Нима бу?

— Кўринг-чи, танирмиқансиз.

Мен ҳам дафтарни икки қўллаб ушлаганча гулханга яқинлашдим. Ҳеч нарса тушунмадим — оддий, кўк дафтар, янги, унча уринмаган. Ёруққа солиб варақладим, ҳамма бетлари тўла ёзилган, сиёҳда, пухта чиройли хат. Аввал ўртасидан очган эканман, дастлабки саҳифасига қайтиб разм солсам... гулхан лов этиб юзимга урилгандай, кўзим тиниб, баданим ўтдай қизиб кетди. Сўнагул қоронғида туркман рўмолининг бир учини юзига босиб, менга тикилганча, соядек тек турар, қизил рўмол гулхан яллиғида товланиб, қизни ёлқин чирмаётгандек кўринар эди. Мен унинг ёнига бориб, ҳайратли савол назари билан тикилдим. Жавобан, у ўйчан бахтиёрлик билан жилмайди.

— Сиз бу дафтарни ёндириб юбордим деган эдингиз...

— Ҳа, бир марта ёндирганман, — деди Сўнагул хотиржам. — Феникс деган қуш ҳақидаги эртақни эшитганмисиз? Ушанга ўхшаб, бу дафтар ҳам бир ёниб, ўз кулидан яна қад кўтарди.

— Ҳазиллашманг, — Сўна, — мен чиндан титраб кетдим, — бу Мадали аканинг... ўша дафтарими?

— Ўша.

Мен қўлим қалтираганча варақлар эканман, аввал саҳифаларда гулхан яллиғидан бошқа ҳеч нарса кўролмадим, кейин геологияга, Қизилқумга хос сўзлар, рақамлар, формулалар кўзимга ташланди. Баъзан ярим, баъзан бутун-бутун саҳифалар бўш, оппоқ қолдирилган, кўп ўринлар қизил қалам билан ўраб савол аломати қўйилган эди.

— Бу сизнинг хатингиз-ку? — деб сўрадим.

Сўнагул менга яна ҳам яқин келиб, енгимдан ушлади-да, ерга қараб жиддий гапирди:

— Мадали аканинг васият қилган дафтарини ростдан ҳам ёндирганман. Бунинг қандай шароитда бўлганини сизга айтган эдим. Лекин ўша пайтдаёқ мен уни қайта тиклашга урина бошладим. Ёндиришдан аввал олти ой давомида дафтарни бутунлай ёд олган эдим. Концлагерда...

Узоқда қолган ўша даҳшатли кунлар бирдан кўз ўнгимга келди. Оқшом қоронғисига ҳаммаси шарпадек жонланган эди: ана, суваракдай мўйлови қимирлаб турадиган соқчи Сўнагулнинг номерини тилга олиб, бармоғини чаккасига тақаб пармадай бураб кўрсатди-да, кула-кула кетди шеригининг елкасига қўлини солиб. Аёллар барагининг деразаси олдида осилган жинни хотиннинг кўм-кўк гавдаси кўз олдимда тебранади. Оҳак ташувчи тишсиз хотиннинг дардманд товуши эшитилади, қулоғимга: «941-нчи ўз-ўзи билан гаплашади. Кечалари пичирлагани пичирлаган... пойма-пой гаплар». Ана лагерь дарвозаси олдида Сўнагулнинг ўзи. «Соғмисиз?» деб сўрайман ундан, «Дафтар ёнимда» деб жавоб беради пойма-пой. Ёноқ суяклари туртиб чиққан, юзи мумдай қорайиб кетган, сочига оҳак суркайверганидан манглайи шилинган, кўзи ғалати, тинмай пичирлайди...

Мен беихтиёр бошимни эгиб, қизнинг совун ҳиди келиб турган қип-қизил қўлини икки кафтимга олдимда, юзимга босдим. Эгилган ҳолимча кўз ёшимни тийиб, қўлига пичирлар эдим:

— Биз сени ўз яширин группамизга қўшишга қўрққанмиз, мен сени жинни бўлди деб ўйлаганман... Сенга занглаган игна бериш ҳам хаёлимга келган... Сени... девор ёнидаги хотинлар қаторига турсайди, ўлимга бора қолсайди деб чин кўнглимдан тилаганман, Сўнагул... Сен бўлсанг...

— Аҳмаджон!— деб қўлини тортиб олди қиз.— Кўз ёшига нима бор? Бари ўтиб кетди ахир!

«Ўтиб кетди...» Ўтиб кетармикан?

— Кечирасиз, Сўнагул, «сенлаб» юборибман...

— Қайтага яхши,— деди у кулиб ва дарров гапни бурди.— Мен сизга бу дафтарни кўрсатганимки, бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман, мен фақат шу ерда, лабораторияда ишлашим керак.

«Ишлашим керак». Қачон? Қандай қилиб? Ким олади уни? Нимага ишонади?

Мен ҳамон дафтарни ушлаб, унга тикилиб турардим.

— Бунда... бунда нима бор, Сўна? Ўзингиз тушунасизми? Унда бирон қимматли фикр, маълумот, ихтиро борми ўзи?

— Мадали ака уни менга топширганида нима деганини эшитгансиз-ку?

— Эшитганман, — дедим. Мен ҳали ҳам нимадан-дир гаранг эдим. — Сен... сиз буни тўғри тиклаганингизга аминмисиз?

— Мен Мадали аканинг ўзини ҳам, бутун ўй-фикрларини ҳам, қалбини, қиёфасини, ҳар бир соч толасигача тиклашга қодирман. У барча хаёллари, энг яширин туйғулари, товушининг ҳар бир товланиши, бутун дунёси билан кўз олдимда. Фақат, фақат ўзи йўқ, Аҳмаджон...

— Ана холос, ҳозиргина ўзинг айтмадингми кўз ёшига нима бор деб?

— Мен йиғлаётганим йўқ, мен йиғламайман. Мен унинг орзусини юзага чиқараман!

Бу маҳал Сўнагул гулхан яллиғида ёшлик йилларидагидек гўзал, олов қиз бўлиб кўриниб кетди.

Беихтиёр бағримга олдим. У ҳам кўкрагимга бош қўйди.

— Мен сизга ёрдам бераман, Сўнагул! Бўптими?

• Шу куни мен у билан бамисоли бошқатдан танишган эдим. Унинг бутун умр йўли, қалбининг яширин саховати, бир мақсадга бўйсунган метин иродаси тасаввуримга келиб, унинг ёнида гўё бир қарич ўсиб, ўзим ҳам ўзимга яхшироқ кўриниб кетдим, кўксимда олижаноб бир ҳис тўлқинланди.

Қуёш аллақачон ботиб кетган бўлса ҳам, осмоннинг чексиз туби унинг узоқлардаги сўнгги шуъласидан ҳали ҳам сутдек равшан тортиб турарди. Палаталарнинг эгалари қайтиб, қўра ғовур-ғувур шовқинга тўлди. Ҳуштак, хиргойи, бақриқ, кулги кўтарилди, газ чироқлар, чўнтак фонарлари ёнди, «кўча»да мотоцикл тариллади, палатада тунука чойнак қопқоғи тарақлади, кимдир мулойим товуш билан Сўнагулни чақирди. Афтидан у бугун посылка олибди, баъзи ше-

риклари «оч!» деб қисташади, баъзилари бўлса, «Сўнагулсиз очмаймиз!» деб туриб олишади.

Сўнагул билан биз қоронғи бурчакда турибмиз, у ўзини ҳеч ким кўрмаётганига «пиқ» этиб кулиб юборди, мени яна ҳам қоронғироққа судради: «Бекининг». Мен ҳам бекинмачоқ ўйнаётган боладек, кўнглимда шўхлик сезиб, қизнинг қўлини ушлаганча оёқ учида нарироқ жилдим. Қамиш қўрада очиқ дарчани кўриб, «қочамиз!» дедим шивирлаб. Иккаламизни ҳам аллақандай бевош бир қувонч етаклаган эди, «дарча»дан эгилиб ташқарига чиқдик-да, қўл ушлашиб югурганча сахро тунига шўнғидик.

— Ўзбекларда қиз олиб қочиш борми? — деди Сўнагул, хансираганча кулиб.

— Илгари бўлган экан, ҳикоя қилишади... — дедим ўзимни худди ўша сирли ривоятларнинг қаҳрамонидек ҳис этиб. Лекин у қиз ўтирловчи романтикларнинг юрагини ғулғулалди қувонч билан бирга даҳшатли бир дағ-даға титратса керак. Менинг кўнглим бўлса бу хушчақчақ ҳазилдан равшанлашиб, енгил тортиб кетди. Бу ерда зангор кўл соҳиллари-ю, кул ранг қоя тошлар, серчечак сўқмоғу, яшил хиёбонлар, қушлар нағмаси-ю, барглarning сирли шивирлашлари йўқ. Аммо ҳаммасининг ўрнини босувчи бир ҳис бор кўнглимда. Сахро тун қоронғи, чексиз, улуғвор. Осмоннинг зим-зиё қаърида хира юлдузлар милтиллай бошлади. Бу ниҳоясиз сахро, ниҳоясиз тун, бу ниҳоясиз тинчлик бутун олам узра ҳукмрондек, ўзининг таъалли мусаффолиги билан киши руҳини толқинтирар эди.

Биз ҳамон олға юрмоқдамиз, йўлсиз, мақсадсиз, кўрқувсиз. Биз ёлғизмиз, кўкда ой ҳам йўқки, бизга кўз тикса; оёғимиз тагида юмшоқ, илиқ қум; бутун тун, бутун тонг бизники! Бундай пайтда йигит қизни бағрига босиши, эҳтирос билан титроқ лабларидан ўпиши керак. Кўпчилик шундай деб билади. Мен ҳам ўзгача бўлишини кўз олдимга келтиролмас эдим. Лекин ҳозир Сўнагул билан иккаламизга ҳеч нарса керак эмас, шунчаки тун, шунчаки саҳронинг ўзи гўзал, шунинг ўзи етарли эди бизга. Мен кафтимда иссиққина қўлнинг нозик суякларини, бармоқларидаги гудур қадоқларни сезаман. Юрагим толпинишини босиб, ўйлашга, ўйлашга, жиддий ўйлашга уринаман. Мен

унинг тақдирига кўпдан аралашиб, киришиб, сингишиб кетган эканман, баъзан фарқ қилолмай қоламан: ўзимни ўйлаяпманми, уними...

— Фақат лабораторияда ишлашим керак деганингиздан...

— ...деганимдан мақсад: Мадали аканинг дафтари тўла тиклашим, рақамларини, формулаларини текширишим керак. Унинг ҳамма маълумотлари мана шу Туяқудуқ ҳавзасига доир...

— Хўп, тикладингиз, текширдингиз. Кейин-чи?

— Кейин — асарни эълон қилдираман.

— Бирон мутахассисга кўрсатиш керак эди...

— Мен кўрсатдим, — деди Сўнагул. — Хоназаровнинг ўзига кўрсатдим.

Туяқудуқ газ разведка экспедициясининг бошлиғи, геология фаълари кандидати Хоназаровни яхши мутахассис, тадбирли киши деб эшитар эдим. Пайвандчиликка ариза бериб кирганимни эшитиб идорага атайлаб чақиртирган экан, «Сиз билан танишмоқчи эдим, ишга кириб яхши қилибсиз, муваффақият тилайман» деб қўлимни сиқди. Бошлиғимиз кўнглимда жуда яхши таассурот қолдирган эди ўшанда. Шунинг учун:

— Хўш? — дедим Сўнагулга, шошиб.

— Кадрлар бўлимида аризамни қайтариб беришгандан кейин, иш масаласида Хоназаровнинг ўзига учрашдим. Хужжатларимни кўргандан кейин, қаттиқ ачинган бўлди-ю, ишга жойлаш тўғрисида бирон чора кўрмади. Айтишича, бу ернинг кадрлар бўлими бевоқифа трестга бўйсунар эмиш. Ушанда кўрсатдим дафтари. Дам бепарво, дам мукка тушиб, ярим соатча варақлади. Утирибману юрагим дук-дук уради...

Сўнагул ҳозир ҳам юрагига қулоқ солгандек жим бўлиб қолди. Биз қўл ушлашиб, юмшоқ қумни аста босиб, қайси томонгадир секин юрмоқдамиз. Дизель тўхтаб, базанинг чироқлари ҳам кўринмай қолди, палаталарни қандай топиб бориш ҳақида ўйлаётганим ҳам йўқ, Сўнагулнинг кўксидан чиққан ширали, майин товуш бутун борлиғимни чулғаган эди.

— Дафтардан бошини кўтариб, рўпарасида мени кўрди-ю ғалати бўлиб кетди, — деди Сўнагул Хоназаров ҳақидаги гапини давом эттириб. — Мен аввал унинг нимадан қўрқганини билмай гаранг бўлдим, кейин ўйласам, дафтарга беихтиёр берилиб кетганидан

чўчиган экан... Ишга олиб бўлмайдиган одамнинг қўлидаги дафтарга бу қадар эътибор бериш атрофдагиларга шубҳали туюлиши мумкин.

— Хоназаровни шундай ўта эътиёткор одам деб ўйлайсизми?

— Соясидан чўчийдиган аянч қўрқоқ! — деди Сўнагул.

— Унда... унда, мана сиз анча идораларга, жуда кўп одамларга мурожаат қилгансиз, биттаси ҳам сизни ишга қабул қиламан демабди, шундайми? Уларнинг ҳаммасини ҳам аянч, қўрқоқ деб аташ керакми?

— Билмадим, Аҳмаджон... кечирасиз.

Унинг товуши аллақасеримни тилиб кетди. «Кечирасиз...» Йўқ, ундан мен узр сўрашим керак эди. Уни мен, ёлғиз мен ҳужжатларига қараб эмас, босган қадамига, ўйлари, ҳислари, қалби, бардоший садоқати, интилишларига қараб биламан. Мендан лозиммиди унга бундай қўпол танбеҳ бериш? Негадир урчиб кетган қоғоз бандаларини ҳимоя қилиш мендан лозиммиди? «Билмадим, кечирасиз...» — бундай гангиб, беҳол бош эгиш Сўнагулнинг табиатига ёт эди, мен уни бундай ҳолатда биринчи кўришим. У доим шаддод, доим курашчан; ўтдай чақнаб турадиган қиз эди. «Билмадим» деди у ҳозир бош эгиб. Ҳақиқатан ҳам «эътиёткор»лар битта-иккита бўлса экан, борингки ўнта бўлса экан, уларга қарши курашсанг! Ҳамма шахарлардаги ҳамма кадрлар бўлимларига қарши, муҳрли ҳужжатга ишониши керак бўлган ҳамма мудирларга, ҳамма директорларга, ҳамма жавобгар бошлиқларга қарши кураш очиб бўладими? Жавобгар ахир улар. Нимага жавобгар? Ишга жавобгар, ўзига жавобгар. Қонун олдида жавобгар. Ҳа, қонун олдида ўзига ҳам жавобгар. Қонун!

— Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, Сўнагул, — дедим мен. Хоназаровни негадир ҳимоя қилгим келарди.

— Ҳеч кимнинг-а?! Сталин ҳам бузолмайдими? У ҳар қандайини буза олади, унинг ҳар сўзи қонун!

— Нима демоқчисиз?

— Мен унга хат ёзаман, у ўзгартириб беради бунақа нотўғри қонунни! Мана ўзингиз биласиз, менинг юрагим соф, лекин ҳужжатларимда қора чизик бор.

Ҳамма амалдорлар ҳужжатга ишонади, юрагимга эса ҳеч қайсиси.

— Ҳужжатга ишонмаса қандоқ бўлади, ўзингиз ўйланг.

— Ҳужжатга ҳам ишонишсин, юракка ҳам. Шундай деган қонун чиқазиб беради Сталин! Мен бунга аминман, чунки менинг юрагимга ишонган одамлар ҳозир ҳам бор.

— Ким?

— Сиз...

Мен унинг кафтини беихтиёр қаттиқ сиқдим. У қўлини тортиб ишоша-пиша қўшиб қўйди:

— Пайвандчи Геннадий, Шотурсун полвон, самарқандлик Самсоқтўра, шофер Ашот, дизелчи Ниёзмат, ана у қўрадаги пармачилар...

Мен қўранинг қамиш четани орасида аранг милтиллаган гулхан чўғини, вагон-лаборатория деразасида қизариб ётган чироқни энди кўрдим, унча узоқ кетмаган эканмиз. Деразадаги чироқ кўнглимга бир фикр солди.

— Сўна!.. Айтгандай, экспедиция бошлиғи нима деди шундай қилиб? Қайтариб бердими дафтарни?

— Ҳа. Бу ёзувларнинг бизга алоқаси йўқ, гидрогеологларга кўрсатинг, деди.

— Виласизми, Сўнагул, менинг бир ажойиб ўртоғим бор, геолог, Ваҳобжон деган! Ушанга кўрсатамиз.

— У қаерда?

— Шу ерда. Фақат ҳозир сейсмографлар партиясин билан саҳрога, Саридол ҳавзасига кетган, бирон ҳафтада қайтади.

Мен унга Ваҳобжонни тавсифлаб, унинг Мадали акани эшитиб биламан деганини, Сўнагул ўтирган столда ўтириб ишлаганини, иккаламизнинг қандай танишганимизни, мени қандай қилиб бу ерга бошлаб келганини — бирма-бир ҳикоя қилиб бердим. Сўнагул бундай дўстнинг, бундай мутахассиснинг топилганиданми, ёки «ўша» даврларни эслатганиданми — тўхтаб, энгимдан аста ушлади-да, менга енгил суянди. Гавдаси эриб кетаётгандек бўшаётган, иссиқ, юмшоқ эди. Қайноқ кафтимни ориқ елкасига қўйдим.

— Аҳмаджон... — деди қиз секин. — Сизнинг борлигингизни ўйласам енгил тортаман. Баъзан Мадали акани ўйлаб-ўйлаб, асабларим чарчагандан кейин, жинни

бўлиб қолдимми деб қўрқиб кетаман. Мадали ака бор-миди, у чиндан ҳам шундай тенгсиз одаммиди, уни ўзим ўйлаб чиқармадимми, деб чўчийман. Кейин сиз эсимга тушасиз. «Аҳмаджон гувоҳ, уни Аҳмаджон ҳам худди мендай билади» дейман ичимда. Сиз ҳам уни менинг кўзим билан кўргандайсиз. Таскин топаман, сизнинг борлигингиздан қувониб кетаман.

Сўнагул бутун ўйларини, иродасини, кучини, бутун борлигини Мадали аканинг орзуларини амалга ошириш учун бағишлаган эди. Жойсиз, ишсиз, кийимсиз, пулсиз, заиф, ориқ бу қизнинг мақсадга эришувиге энди мен ҳам астойдил ишона бошладим. Унинг нимага ишонганини англаб қолдим. Ярим кечада қум кечиб қўрага қайтиб келганимизда у менга бундай деди:

— Мана, бир қиз, бир йигит, иккаламиз кечаси, ёлғиз, узоқларга бориб айланиб келдик. Сиз билан менинг бир-биримизга муомаламиз қандай соф бўлса, мана бу қўрадаги, палата, ертўла-ю бостирмалардаги одамларнинг ўйлари ҳам шундай соф. Мен аминманки, биронтаси бизнинг бу юришимиз тўғрисида ёмон ўй ўйламайди. Сахро тунини маза қилиб томоша қилишибди деб, ух тортиб ҳавас қилиб қўйишади ҳолос. Яхши одамлар! Шу саҳройи-биёбонни шунчалик яхши кўришса, ўзларининг обод юртларини қанчалик севишаркин?! Мадали акани ҳадеб эслайверганим ҳам шу ерда, шулар орасида яшаганимданми дейман. Хотирлайсизми: «Қизилқум барханлари эсингдадир, — деган эди кўкарган лабларини зўрага қимирлатиб Мадали ака, — менинг шундоққина кўз ўнгимда турибди. Умримда кўрган энг чиройли жойларим ўша... нега десанглар, унинг тагида дунёнинг бебаҳо бойлиги ётибди. Бутун Россиянинг... юрагига олов беради Қизилқум...»

Ҳа, хотиримда. Мадали ака бу гапни бутун ҳаётининг энг ёрқин орзусини айтиб қолишга шошилгандек, уни ўзи билан тупроққа олиб кетиш хавфини сезгандек, дардли бир ҳаяжон билан гапирган эди. Бари хотиримда. Лекин Сўнагул у гапларни сўзма-сўз билар экан. Унинг шинель кийиб, кўк дафтарни кўксига босиб, кўкарган лабларини қаттиқ тишлаб, ёшли кўзлари билан замбилдаги жонсиз гавдага тикилиб тургани кўз олдимга келади. У вақтда ёш, кучли, соғлом,

қалбида ғазаб ва муҳаббат сљеви довуллар эди. Ҳозир...

Ҳа, ҳозиргисини айтмоқчиман. Гап шундаки, ҳозир ҳам шундай экан! Мен уни Қизилқумда биринчи учратган кунларим хато ўйлаган эканман.

Йўқ, бу ҳали ҳам ўша кучли, оташин қалб! Мусибат шамоллари учиродмабди узи, қайсана тучлароқ довуллашкбди.

Мен ўша отир, отобди йўлларда ўзи ҳам кўн жорсамни, баъзан оза ҳамма нарсамни йўқотдим, деб ўйлар эдим. Бирдан маълум бўлдики, энг қимматли бойликларимизни — ёшликни, умидни сақлаб қолган эканмиз. Яна нималардир, орттирган ҳам эканмиз. Бугун ётоққа қайтгач шу фикр бошимга келди: нимаки талафот берган бўлсам, барини шу бугунги саҳро кечаси учун берган эканман. Ҳамма кўрган оғир кунларим у қадар қора кун эмас экан: улар мени бу кечага олиб келишди! Туним шу қадар гўзал туюлса, янги туғилаётган кунимни қўй берасиз!

Саҳрода тонг салқини ажойиб бўлади. Ухлаганлар буни сезмайди-ю, лекин эртасига куни билан ҳормай меҳнат қилиш учун куч-қувватни шу тонг палласи берса керак одамга. Мен ўй билан бўлиб мижжа қоққанам йўқ, шундай бўлса ҳам тиниқиб ухлаган ўртоқларим қатори кучга тўлиб турдим ўрнимдан.

Уфққа саҳронинг ўзидай катта, қип-қизил офтоб юмалаб чиқди, ҳозир бу қум дунёсини ғазабимга оламан дегандай довуллаб, шу топданок қизита бошлади. Узоқдаги барханларнинг сирти эриган мисдай саргайиб кўринар эди. Палаталардан, вагонлардан тирқираб чиққан ярим яланғоч йигитлар «кўча» ўртасидаги цистернанинг тепасига тармашиб, атрофини қуршаб, Туяқудуқнинг қорамтир шишадек, шўр сувини пақирлаб, чўмичлаб бир-бирларининг устларидан сепишар, «ёмғир ёғалоқ!» деб осмонга отиб-чинқирганча тагига киришар, тонг салқинини сақлаган тиниқ томчилар қизил қуёш юзида чўғ парчасидай бир ёниб, кейин пишиқ фишт сингари қизғиш баданлардан сирганиб тушибоқ қумга сингиб кетар эди.

Биз Геннадий билан саҳронинг дам у ерида, дам бу ерида ҳар куни янги вишка пойдеворларига темир сеполяр монтаж қилардик. Вишкада ҳам, ерда ҳам ўзимни қандайдир юксакликда сезаман шу кунларда.

Геннадийнинг «баъзи» катти ҳаракатларини яхшироқ тушуна бошладим, баъзан, шошилинч кунлари, бошим кизиб, миям қайнаб, кетганда Геннадийдан яшириб ўзим ҳам бирпас ниқобни олиб ишлайман.

Мустақил ишлай бошлаганимдан кейин бизни ажраттиди, мени «31-нчи километр» деган номсиз бир жойга юборинди. Бу ерда ҳамма районлар бир-бирига ўхшайди, уларни фақат ғалати-ғалати номлари ажратилади, биз борган жойининг асноми ҳам йўқ...

Геннадийдан ажралгандан кейин мен Сўнагулни соғина бошладим. Кутилмаганда мени қаттиқ банд қилиб эсанкиратиб қўйган бу ҳис ҳам оғир, ҳам ширин эди. Кечалари туриб, саҳро осмонига боқаман, базага жўнаб қолгим келади. Кафтимни юзимга босаман, ундан Сўнагул қўлининг тафти кетмагандай туюлади. «Аҳмаджон!» деган товуши эшитилади қулоғимга. Ажабо, менинг ўлгидай сийқа деб юрган отим шунақа чиройли эканми! Билмас эканман-да шу маҳалгача. Кўп нарсани билмас эканман. Сўнагулнинг ўзим учун бу қадар азиз эканлигини билармидим? Ҳурихон ҳам чиройли қиз, агар ойимнинг гапига кўнганимда мен Ҳурихонга уйланган ҳам бўлардим. Лекин бу — бутунлай бошқа. Мен Сўнагулга уйланишни хаёлимга ҳам келтирган эмасман. Аммо уни кўрмасам туролмаслигимга амин бўлдим кейинги пайтда. Ёнимда олиб юрадиган дарсликларим сабил қолди. Баъзан бўш қолганимда соя жой топиб ўтириб, дарсликларни қўлга оламан, варақлай бошлайману, бирдан Сўнагулни кўрганимда айтиш учун ичимда жумлалар тузаётганимни пайқаб қоламан. Нимани ўйласам ҳам фикримнинг бир учи Сўнагулга бориб уланади.

Бир куни офтоб жуда қаҳрига олганда тягачнинг соясига чалқанча ётдим-да, «Ленинизм масалалари» га астойдил берилдим. Ер юзалаб эсган иссиқ шабада моторнинг бензин ҳидини ҳайдаб турарди, жуда роҳат қилдим. Лекин кўп ўтмай кичкинагина пучуқ «газик» брезент соябонини қанотдай шاپиллатиб уфқдан чиқиб қолди. Чангга ботган Хоназаров ҳансираганча кабинадан тушди-ю, аввало ҳеч нарсага қарамай, тикланаётган вишка пойдеворига чиқиб, монтажчиларга қандайдир буйруқ берди. Кейин зўрға юриб келиб менинг ёнимга, сояга ўзини ташлади. Унинг авзойи бузуқ эди: кўчирилаётган вишка, пармалаш ускуна-

лари, парма қувурлари ҳали йўлда, бугун-эрта етиб келиши маҳол, чунки вишкани 9-нчи қудуқдан бутунча олиб келишмоқчи деган гап тарқалган эди. Ҳаво эса дим бўлиб турибди — бу яхшиликка эмас. Мен ачиган сузмага совуқ сув қуйиб, бир кружка чалоб аталаб қўлига тутқаздим. Бошлиқ охиригача шимириб мўйловини артди-да, мени энди таниди шекилли, саломлашиб ҳол-аҳво сўради.

— Иккаламиз ҳам барвақтроқ келиб қолибмиз-да, Раҳим Хоназарович, — дедим. У китобимни қўлига олиб, маъқуллагандай жилмайди-да, жойига қўйди.

— Сиртқи бўлимдаман, Раҳим ака, охирги курс.

У ёнбошлаб ётганча елкамга қоқиб қўйди. Экспедиция бошлиғи кичкина мош-гуруч мўйлови қуюққина бўлса ҳам тепа сочи тўкилган, ўрта бўйли, қадди эгилганроқ, истараси иссиқ, аммо ранги хаста, элликларга борган, кўзлари чиройли киши эди. Соддагина, лекин сал киноялироқ жилмайини «қани сизни ҳам кўрайлик-чи, ким экансиз» дегандай маъно бериб, баъзан қарашлари юрагингизга қадалгандай туюлади. «Қизилқумни илма-тешиқ қилиб юборган» Хоназаров шу эди.

У иссиққа чидамай қолган юрагидан зорланиб бирпас ёнбошлагач, жазирамада ҳафталаб юрадиган зарбдаст йигитлик пайтларидан гапириб, кителини ечди, соядаги пақирни кўтариб ювингани чиқди, мен унинг бақувват елкасига сув қуя туриб, гапнинг хонаси келганда пайтдан фойдаланиб қолишга қарор қилдим:

— Сўнагул Башимқулиевани ишга олмай сарсон қилибсизлар, Раҳим Хоназарович. — дедим шартта.

— Қайси, ҳалиги ўзидан-ўзи уборшица бўлиб олган хотинми? — деди қизариб кетган кўкракларини сочиқ билан узоқ ишқалаб. — Ҳали ҳам шу ерда юрган эканми?

— У ҳеч қаяққа кетмоқчи эмас! — дедим мен. Овозим дағалроқ чиқди шекилли, бошлиқ ялт этиб қайрилиб қаради.

Мен унинг ёнида анча пачоқ эдим, бўйим пастак, малла сочларим офтобда куйиб жездай бўлиб кетган, мендан бундай гапни кутмаган бўлса керак, ҳайрон бўлди.

— Сизники қизиқ бўлди-ю: «Сарсон қилибсизлар». Уни бизга трест юборибдими, ё ўзимиз контракт билан олиб келибмизми, ҳужжатлари бу аҳволда бўлса... тагин даъвоси ҳам бор: «Фақат лабораторияда ишлайман!» эмиш.

— Мен уни яхши биламан, Раҳим ака.

— Мен ҳам яхши биламан, антиқа ҳужжатларини астойдил кўриб чиқдим: аввал салкам трибунал, кейин асирлик, ундан кейингиси умуман қоронғи, қаердадир «азиз» иттифоқчиларимиз қўлида...— Хоназаров сояга ўтириб этигини ечди, пайтавасининг қатламларидаги ҳовуч-ҳовуч қумни қоқиб, оёрига қайта ўрай бошлади.— Кадрлар бўлими қайтариб берибди аризасини, энди нима демоқчисиз?

— Ҳаммаси ўзингизнинг қўлингизда, сиз бошлиқсиз, сиз ҳал қиласиз...

— Йўқ, кадрлар бўлими ҳал қилади, бошлиқнинг кадрлар бўлимига ўзини қарши қўядиган пайти эмас. Ўйлаш керак, ука.

— Сиз ҳужжатларини билсангиз, мен унинг ўзини, юрагидагини биламан, ўртоқ Хоназаров,— дедим гапни яна бошдан бошлаб. Бошлиқ пайтавадан бошини кўтариб, қошини чимириб қаради:

— Айтгандай, нега бу ишга аралашиб қолдингиз, у сизга ким бўлади?

— Хотиним,— дедим жаҳл билан, кескин. Бу ёлгон гап қаёқдан тилимга келди, нега бундай деб юбордим — ўзим ҳам билмайман. Лекин ўқинганим йўқ, қайтага бу менга Сўнагулни ҳимоя қилишга дадиллик берди. Мен «хотиним» деганимда Хоназаровнинг ранги ўчганини кўриб, яна очиқроқ ҳужумга ўтдим:

— Нега чўчидингиз? Мен ўзим ҳам асирликда бўлганман, лекин ҳеч кимга хавф солаётганим йўқ, туппа тузук ишлаб юрибман-ку!

— Қандоқ... Сиз? — деди бармоғи билан мени туртиб кўрсатиб.

— Ҳа. Лекин мен концлагердан қочиб келиб, яна жангга кирганим учун, ҳужжатимда асирлик тўғрисида ҳеч нарса қайд қилинмаган.

— Ундай денг-да! Қайд қилинмаган!— Хоназаров ранги ўзига келиб, анча енгил тортди, кейин насиҳатомиз хотиржам давом этди:— Ҳужжат — ойна, ука. У одамнинг қиёфасини шундоққина кўрсатиб туради, у

билан ҳеч ким баҳслашолмайди, у изоҳингга ҳам қарамайди. Ҳужжат масъулиятли одамнинг суянган тоғи. Мана ўқишни битириб бир жойга бошлиқ бўлганингизда биласиз: биров ундоқ деб келади, биров мундоқ деб келади — қайси брига қараб иш тутасан? Ҳужжат бўлса, мисоли қалқон, ҳамма хатолардан сени асрайди.

— Гап одамда эмас, қоғозда экан-да?

— Гап замонда, ука. Замон шундоқки, ҳар кимга ҳам ишонаверса бўлмайди. Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Эҳтиётсизроқ экансиз, ўзингизнинг тўғрингизда ҳалигидай гапни ҳар ерда гапирманг, бу билан мақтаниб бўлмайди-я. Асир тушган одам сотқин бўлмаса, сўнги ўқй билан ўзини ўзи отиши керак, биласизми шуни!

— Йўқ, — дедим мен коржомамни елкамга ташлаб, — жангга кирмаган доноларнинг уйда ўтириб ўйлаб чиқарган назарияси бу. Мен бу ҳақда ўз вақтида қаттиқ ўйлаганман. Сўнги ўқ билан ҳам фақат душманни отиш керак. Мен ўлсам душман ўқидан ўламан, чунки ҳеч бўлмаса кўксимда унинг битта ўқини олиб кетаман!

Хоназаровнинг касалманд юзида аллақайси пайлар сакраб-сакраб кетди. Негадир портфелига қўл узатди.

— Тушунмадим, — деди елкасини қисиб.

— Мен ҳам тушунмайман, — дедим китобимни қўлтиқлаб кетишга отланарканман, — фашизмдай офатни енгибмизу энди ўзимизникилардан қўрққанимизга тушунолмайман.

— Тўғри фашизмни енгдик. Лекин билиб қўйингки, ука, ғалабамиз қанчалик улуг бўлса, ичимиздаги ёт унсурлар шунчалик қутуради, улардан шунчалик эҳтиёт бўлиш керак; кураш энди кучаяди, ҳа! Қўлтигингиздагини босим ўқинг. Биз ўз вақтида, — Хоназаров ўз гапидан ўзи анча осойиш топиб, мўйловини тутамлаб қўйди, — ўз вақтида хўп ўқиб, уқиб олганмиз буни. Уқинг ука.

Жавоб бермаганимдан, ҳамма гапни тушуниб хотиржам бўлди деб ўйлади.

Индамай кета бошлаганимда, у мени яна ҳам юмшатиш, яна ҳам хотиржам қилиб йўлга солиш учун тақрор насихат қилди:

— Эҳтиёт керак, йигит. Замона шундай, ҳа.

— Мен қўрқиб бўлганман, ака!— дедим қаттиқ, кескин. Сўнгги марта қайрилиб бошлиқнинг юзига тенг тенгига боққандай бемалол, тикка қарадим. Хоназаров аввал саросимада қолди-ю, кейин мендан тамом ихлоси қайтгандай, ўтириб портфелини тита бошлади. Мен жўнаб қолдим, у бўлса менга қарамай, гўё портфелининг ичига гапирар эди:

— Сендек мардлар кўп ўтган. Бир умр мардликдан дарс берганларми кўрганман. Бир кун келиб, қараб-санки, камари ечиқ, икки ёнида иккита аскар, милтиқчалари билан... мана сенга мардлик...

Гапининг охири оёғим остида шитирлаган қумга кўмилиб кетгандай, эшитилмай қолди.

Хоназаров билан мана шундай танишдим. Танишдим, бир йўл топийш ўрнига, баттар саросимада қолдим. Унинг гаплари бир томондан тўғрига ўхшарди. Жаҳонда ҳаёт-мамот жанги тугагани йўқ: Черчилль, Фултон, совуқ уруш, атом... Бундай даврда гафлатда қолиш, ҳушёрликни йўқотиш — жиноят. Лекин бу ҳаммадан гумонсираш керак деган гапми? Мен ўзимни виждонли, ҳушёр одам деб ҳисоблашим учун Сўнагулдан ҳам гумонсирашим керакми? Ахир бу менинг табиатимга, ҳис-туйғуларимга, виждонимга, бутун борлигимга зид-ку!

Хоназаровнинг гапига қараганда унинг мендан ҳам шубҳаланишга ҳаққи бор. Гапининг охирида шунга шамма қилди. Лекин мен ўша ҳаёт-мамот жангида замондошларимнинг энг ашаддий душмани билан юзма-юз туриб олишганларданман. Энди мени ўша курашдан четга суриб ташлаш ҳеч гап бўлмай қолибдимми?

Балки катта курашда Сўнагулга ўхшаган баъзилар қурбон бўлиши табиийдир. Кураш қурбонсиз бўлмайди, дейдилар. Лекин Сўнагул... у қурбон эмас ахир, у ҳамма вақт курашчи эди, у ҳозир ҳам курашчи, у ажойиб бир солдатнинг ҳаётини, орзусини, ишини давом эттирмоқчи.

Йўқ, мен унинг ёнида туриб, жон-жаҳдим билан курашаман. Кураш... Кураш? Кимга қарши? Нимага қарши? Капитан Макуэлл билан юзма-юз турганимда бу менга аён эди, ҳамма нарса аниқ, душман рўпарамда эди. Бу ерда-чи? Ё бу ерда ҳам унинг сояси санқиб қолдимми, ё унинг дунёсидан қолган бирон сассиқ алаф томир ёйдими?

Хоназаров. Йигирма чақиримча наридаги қўшни қудуққа ўтиб кетди: вишкани майдаламай кўчиришайётган бўлса, об-ҳаво прогнозини суриштириш керак — у ерда рация бор. Биз эса ҳали бу ерда энди ўрнашяпмиз. Цемент қориш узели, устанинг асбоблар дўкони, битта йиғма уй билан офтобда қайнаб ётган сув цистернасидан бўлак ҳеч нарсамиз йўқ. Бугун-эрта карвон етиб келса, ўз қудуғимиз, шўр бўлса ҳам ўз сувимиз, қамиш тўсиқларимиз, маъраб турган қўйларимиз (бизга гўштни тирик вазнда олиб келишади), ҳатто волейбол тўпи билан чилдирмагача — ҳамма нарсамиз бўлади.

Жазирамада кечгача қум билан олишиб, бўлғуси вишканинг пойдеворига темир сепоя қоқиб, ғишт қалаб, цемент қориб чарчаган эканмиз, шом салқини тушиши билан бўшашиб, ҳар жой-ҳар жойда тўп-тўп бўлиб юмалаб қолдик.

Мен шерикларимга ҳавас қиламан, улар саҳронинг тиниқ тунини шимириб-шимириб ухлашяпти. Юлдузлар чарақлаб турган қорамтир осмон ҳам бугун пастроқ тушгандай, у ҳам одамларнинг чуқур оромига суқлангандай, бутун улугвор осойиши, бутун гўзаллиги билан тинмай жимирлар эди.

Мен ҳам шундай қаттиқ чарчаб, хотиржам бўлиб, губорим чиқиб ухласам эди. Лекин ҳамон кўзим очиқ, чарақлаган осмонга тикиламан. Сўнагул безовта қиляпти мени. Уни ёқимга олмасам, ўзимни бу азамат шерикларим қаторида сезолмайман. Мен у билан гаплашишим керак, биз унинг бу аҳволига чек қўйишимиз керак. Мен уни кўндираман, қайтсин конторага, кадрлар бўлимига яна кирсин, ҳаракат қилсин, тушунтирсин...

Шундай дердиму, лекин ич-ичимдан сезиб турардимки, ҳозир унга бу сўзларни айтишдан ҳам кўра, шунчаки ўзини бир кўриш, қўлларини ушлаш, кўзига яна бир тикилиб қараш учун толпинмоқда эди вужудим.

Карвон эрталаб етиб келса, монтажчилар эртага куни билан вишкани чанадан туширишади, кранларни ўрнатиб, сим арқон тортишади. Пайванд, монтаж ишларига тушсак фақат индинга саҳарда тушишимиз мумкин...

Мен қандайдир ички туртки билан ўрнимдан турдим, кийиндим. Ўттиз бир чақирим йўл. Тун. Сахро. Яёв, ёлғиз. Буларни ўйлаганим ҳам йўқ, гўё ҳамма нарса олдиндан ҳал қилинган, гўё бу қарордан қайтиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Дарвоқе, бу қароримнинг қачон пишганини ҳам билмайман, ундан қайтиш ҳақида бир дақиқа иккиланганим ҳам йўқ. Кичкина хат ёзиб бригадирнинг бош остига қистирдим-да, мешимга сув олиб, ўчоқ бошидаги саксовулдан таёқ синдириб, жўнаб қолдим.

Одий одам назарида бу ақлсизлик эди албатта. Лекин мен ўша вақтдаги ҳолатимни ҳалигача ўйлаб тушунолмайман. Кечагидай бўрон турса борми.. Бўронни қўйинг, сал булут чиқиб, ё чапг кўтарилиб осмонни қопласа — тамом, сахро ютади-кетади ёлғиз одамни. Бундай воқеалар кўп бўлган. Лекин булар ҳозир менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Темирқозиқ — менинг нажотим, қадрдон йўлдошим. Ундан кўз олмайман, ўйимча, унга қараб тикка бораверсам — ҳамма вақт шимолга юриб, ўттиз чақиримдан сўнг тўппа-тўғри базанинг устидан чиқишим керак.

Катта, ёруғ шимол юлдузи менга баъзан жонлидек туюлади, жимирлайди, мен унга шивирлаб қандайдир ширин гаплар айтаман. Оёқ қумга чуқур ботади, юраману, худди тушдаги сингари, ҳамон бир жойда тургандайман. Атроф сахро, тун ҳам сахродек, осмон ҳам сахродек бир хил, чексиз, тинч. Лекин бу тинчлик қандайдир шовуллаб тургандай. Ё ўз қонимнинг томирларда оқиши шундай эпитилияптимикан?

Йўқ, сахро тун қўрқинчли эмас. Ёки менинг бу ҳақда ўйламаганимдандир. Тиззаларим қалтираяпти. Бу ҳаяжондан. «Мен Сўнагул ёнига кетяпман, Темирқозиқ! Бораману қайтаман. Бориб, кўриб гапимни айтаману дарров орқамга қайтаман. Ўттиз чақирим у ёққа, ўттиз чақирим бу ёққа. Ҳали қарийб бир кечаю бир кундуз вақтим бор. Чарчамайман, тун садқини менга куч-қувват беряпти. Темирқозиқ, маъқулми?»

Темирқозиқ маъқуллагандай жимирлаб кўз қисади. У менга жуда қадрдон бўлиб қолди. Гўё тун, бутун сахро фақат иккаламизники.

Лекин дармон қуригани дам-бадам билинмоқда. Барханлар қатор келганда тўхтаб нафас ростлашга мажбур бўламан, буни ўзимдан яшириш учун фик-

римни чалғитишга уриниб, Темирқозиқ билан суҳбатлашаман. «Сен менинг юлдузимсан. Мен сенга интиламан. Сең бўлмасанг мен бу йўлни босолмас эдим...»

Баъзан Темирқозиққа қараб, Сўнагул билан гаплашаётганимни сезиб қоламан. Ҳа, агар у шу қутб юлдузидай узоқ бўлса ҳам мен йўлдан қайтмас эдим. Тобора тез-тез тўхташга мажбур бўлсам ҳам, вужудим ҳамон интилар, агар кечаги бўрон ва уйқусизлик асар қилиб йиқилиб қоладиган бўлсам, тармашиб, судралиб бўлса ҳам олдинга юриш учун етадиган слов бор кўксимда. Мен ҳали-бери қаддимни букмайман, тиз чўкмайман, йигирма қақиримлардан кейин эски йўлга чиқаман, бу тонготарларда бўлса керак тахминан.

Тонготарда менинг тирсақларим қумга ботган, юриш эмас, қаддимни ростлашга ҳам мажолим қолмаган эди. Тез-тез томоқ қуриб, сувнинг тобора камайиши кўнглимга ваҳима солмоқда. Яқинда офтоб чиқиб, саҳрони ўзидай оловли шарга айлаптиради. Бир оз чалқанча ётиб тонг салқинини кўксимга шимиб олмасам, хароб бўлишим мумкин.

Юлдузлар сўнмоқда. Осмон сутдай майин тусга кирди. Уйқуга кетиш хатарли эди. Кўз ўнгим хира тортиб, қовоғим қўрғошиндай оғирлашса ҳам бошимни кўтардим. Қарасам...

Қарасам, олдимда, ярим қақирим нарида — машина турибди. Росмана автомобиль. Юраётгани йўқ, шундоқ турибди. Наҳотки сароб бўлса! Саҳрода одам кўзига сароб кўриниши ҳақида кўп гапиришади. Ҳолдан тойган одам хаёлида нима бўлса ўшани кўради, кўл, дарё, ўрмон, шаҳар бутун ҳусни билан бирдан йўловчининг рўпарасида пайдо бўлади дейишади. Менинг ҳам ҳозир хаёлимга машина келган бўлиши мумкин. Бу аҳволда мен ҳозир қадрдон «газик»дан бўлак нимани хаёл қилишим мумкин эди.

Агар бу сароб бўлса, демак менинг аҳволим чатоқ. Тетик одамга сароб кўринмайди. Шундай бўлса ҳам қизиқ, қани, секин юрай-чи.

Машина ҳамон турарди.

— Э-ҳе-ей!.. — қичқирдим.

Қимир этган жон кўринмади, ё менинг товушим чиқаётгани йўқми! Бор кучим билан, қоқила-сурила олға интилдим. Машина ҳамон турарди. Мен кўзларимни ишқалайман, ҳансираб, суришиб югураман. Етиб

бериб гилдирагини қучоқлаб йиқилмагунча ишонмадим. Димоғимга резинка, бензин ҳиди гуп этиб урилганда нашъа қилиб кулиб юбордим: ҳақиқатан ҳам, тонгда сароб кўринармиди, у куннинг энг қизиган пайтида қуёш одамнинг миясига ўтиб, руҳий ҳолатига таъсир қилган пайтда кўзга кўринади. Бу эса... Бу, бу экспедиция бошлигининг «газиги»-ку! Бу ўша, кечаги...

— Ким бор!— дедим, сакраб туриб кабина эшигига ўзимни отдим. Аввал ғира-ширада ҳеч нима кўрмадим. Эшик очилганда тонг шуъласида оқариб турган чехра кўзимга ташланди. Очиқ оғзи туйнукдай қорайиб турар, лаблари ёрилиб, кўкариб кетган эди.

— Уртоқ Хоназаров!— дедим юрагим орқага тортиб. Дарров нариги эшикдан ўтиб юрагига қулоқ солмақчи бўлиб эгилсам, унинг шивирлаб гапиргани эшитилди:

— Ваҳима қилманг, мен шундай бирпас ётишим керак, сувингиз янгими?

Мен дарров қолган сувимни оғзига тутдим. Хоназаров шофер ўтирғичида чўзилиб, чалқанча ётарди. Шабада томонни очиб, тоза сув ичирганимдан кейин қовоғини кўтарди, юрагини ушлади:

— Ҳа, сизмисиз? Ўзим ҳам ўйловдим биронта эси пастдир деб. Ким саҳрода ёлғиз йўлга чиқади! Хотинингизнинг олдигадир?

— Ҳа. Юрагингизми?

— Менинг юрагимга раҳмат денг. Шу ерга келиб тутиб қолмаса, сиз мени учратмас эдингиз. Хотинингизни ҳам кўролмас эдингиз. Бу аниқ.

— Кўпдан бери ётибсизми?

— Юклар етиб боргани йўқдир?

У нариги бригададан тонгда чиқиб, биздан хабар олиш учун келаётганида кеча шомдаёқ ётиб қолган экан.

— Дам-бадам тутиб қоляпти. Қимирлагани қўрқиб ётувдим. Яхши келиб қолдингиз. Бир чеккаси, мени... қутқаздингиз, ука, раҳмат.

Мен унга орқа ўриндиққа ўтиб ётишига ёрдамлашдим, елпиб, сув бериб, сочиқ хўллаб кўкрагига ёпғач, рулга ўтирдим. Бир вақтлар Мадали аканинг шофери Султондан ўрганган чала-чулпа ҳунарни зўрға эслаб ишга солишга тўғри келди. Мотор жуда равон, кучли,

машина енгил экан, итоатчангина ўрнидан кўчди. Яхши йўл келганда касалнинг юзига қараб қўяман. Унинг аҳволи яхши, менга очиқ юз билан қараб, жилмайиб қўярди.

— Шофер билан юрсангиз тузук экан,— дедим.

— Бор эди, сув ташияпти 9-буравойда. Жуда қийналишган экан, ташлаб келдим.

— Саҳрода ёлғиз йўлга чиқиб бўладими...— дедиму, бу унинг ҳалигина айтган ўз гапи эканини пайқаб қолдим.

— Бўлар экан-да...— деди у.

— Юрагингиз бундай бўлса ахир. Яхши эмас.

— Сен, ука, бу учрашувимизни бировга гапириб юрма,— деди негадир сенлаб. Мен унинг товушида қандайдир дард сездим. Тунов кунни қўпол гаплашганимни эслаб, пушаймон қила бошладим. У мен ўйлаганчалик ёмон одамга ўхшамайди. Шундай дарди билан жазирамада жон куйдириб қудуқма-қудуқ юриш учун ҳам энг камида ўз ишини севган одам бўлиш керак.

— Юраккина эмас, ука, умуман иш чаккига кетяпти, мен сенга айтсам,— деб давом этди у секин.

— Қандоқ?

— Айтмоқчиманки, юракнинг қақшагани иссиқдангина эмас. Аҳвол оғир Туяқудуқда. Трест ўн бир ойдан бери кўзи тўрт бўлиб биздан бирон яхши хабар кутади. Биз бўлсак,— у ҳаво етмагандек оғзини очиб, бошини орқага ташлаб ўтирганча, тўхтаб-тўхтаб сўзлар эди.— Қудуқлардан умидли дарак йўқ. Бу ерга келсам уйқу йўқ, кечаларим селектор ёнида ўтади...

— Баъзи қудуқлардан газ отилиб ётибди-ку!— дедим мен келган куним ўзимиз бўққан фонтанни эслаб.

— Ҳа, отилиб ётибди, ўша алдаб олиб кирди-да бизни бу ботқоққа,— деди Хоназаров беҳол овоз билан.

— Ботқоқ?

— Тобора ботқоққа ботиб кетаётган одамдай сезман ўзимни. Ўз вақтида орқага қайта билиш ҳам муҳим экан, ука. Виласизми, ҳар бир қудуққа қанча пул сарфланади? Пул борган сари оқиб кетяпти. Оқибат кўринмайди. Саноатбоп запас йўқ Туяқудуқда, тушуняписизми? Газнинг ҳиди бор холос. Биз қидираётган бойликка нисбатан ҳозир чиқаётган газни шундай деб

атаса бўлади: ҳид! Лекин трестга ҳид керак эмас, газ керак!

— Газни топамиз, топишимиз керак, Раҳим Хоназарович!— дедим мен қандайдир ваҳима ҳам ишончсизлик билан. Бу гаплар ҳаммаси мен учун жуда хунук бир янгилик эди. Қўлларим бараңкани эплолмай қолди. Тезликни пасайтдим.

— Топишимиз керак — биз ҳам шундай деяпмиз, ҳамма шундай деяпти. Бош геолог марказда, институтда, академияда, трестда, бошқармада изғиб юрибди. Ундан ҳам дарак йўқ. Баҳслашишяпти. Катта пул — катта баҳс.

— Туяқудуқнинг тақдири ўша ёқда ҳал бўлади денг?

— Пул сўрасак беради албатта, лекин пулнинг жавобгарлиги бор, ука. Бу аҳволда бизга пул бераверса, бундан кейин яна қанча маблағ кетиши ҳам маълум эмас. Яна сўрашга юрак ҳам йўқ. Тўхта дейишга эса ҳеч ким журъат қилмайди. Мен бўлсам ботяпман, ботяпман...

— Тўхта дейишга?— ялт этиб орқага қараб гапни бўлдим. Унинг нурсиз кўзларини сал юмиб, инграгандай «ботяпман...» деганида беихтиёр машинани тўхтатдим. Кўз олдимда гўё яна бутунлай бошқа бир одам пайдо бўлган эди. «Ботяпман», «Вақтида орқага қайтолмадим». Унга қолса, назаримда, биронта одам жиндак қўллаб юборса, Туяқудуқни эртагаёқ йиғиштириб кетадиган. Инга ишончини, иродасини йўқотган бу одам менга қўрқинчли кўриниб кетди. Лекин кўзини юмиб, оғзини очиб, тез-тез нафас олиб ётганида унинг заҳил юзига узоқ қараб туриб ўзимча шундай хулосага келдим: ҳасталик чоғи, руҳи синиқ пайтида бир оз тушкунлик билан айтган гаплари бўлса эҳтимол, бу гап албатта шу ерда қолиши, Геннадийларга, Ашот ҳам Ниёзматларнинг қулоғига етиб бормаслиги керак.

Бошқа вақтда бу ваҳимали янгиликлар юрагимга тошдай ўрнашиб, эзиб қўйиши мумкин эди. Лекин ҳозир худди қанот чиқаргандай, шошқин, бесабр эдим: мен Сўнагул ёнига кетяпман. Бошлиқни машинасида авайлаб базага олиб бориб медсестрага топширдим-да, пармачилар қўрасига югурдим. Бироқ Сўнагул йўлимда вагон-лабораториянинг эшигидан чиқиб қолди. Шу

топта кўзимга шундай кўриндими, ё мен йўғимда ўзи шундай очилиб кетганмиди — дуркун бўй-басти, тўлишган чехраси худди тушдагидай, худди эртақдагидай сўлим кўриниб, салобати босди мени. Узоқда тўхтаб қолдим. У ҳам кўрди-ю, баланд зинада тўхтаб, қоп-қора қўлини кўзига соябон қилди. У эскироқ, жуда тор камзул (биронта дугонасиники бўлса керак), оёғига эркакча, арзон брезент туфли кийган, қисқартиб қайта тикилган ўша туркманча қизил кўйлагининг этаклари ҳурпайиб турар, қора сочи қуюқ ўсиб, тўлқин уриб елкасига тушган эди.

Зинадан тезлаб тушди, мен ҳам югуриб бордим, икки билагидан ушлаганча, юзига қараб лол қолдим: мана менинг кечиккан, оғир, жафокаш муҳаббатим! Олтин тасодифим! Тақдирим! -

Бу сўзлар юрагимда бир умр улғайиб, кўп қийноқларда пишиб-егилиб, эндигина тошиб чиқмоқда эди. Мен бу сўзларни ўйлаганим йўқ, айтганим ҳам йўқ, аммо улар тўлқинланиб кўнглимга келди.

— Вой ўлай, афтингизни! Қаёқдан келяпсиз? — деди Сўнагул. Ҳақиқатан, менинг кўзларим киртайган, уст-бошим, қош-киприкларим чанг, рангим сўягин бўлса керак, шу топда бу ҳақда ўйлаганим йўқ. Мен Сўнагулга бошлиқ билан бўлган тунов кунги, бугунги суҳбатларимни ҳам гапирмадим, булар бари қаёққадир, орқага чекинган эди. Нега келганимни айтишга эса сўз тополмайман.

— 31-нчидан келдим, ҳозир қайтиб кетаман, — дедим. Дедиму ўзим қўрқиб кетдим: қайтиб кетаман? Наҳотки ҳеч сўз айтолмай қайтсам! Нега келдим ўзи?

Сўнагул ҳувиллаб ётган қизлар кўрасига етаклаб бориб, дарров бошимга совуқ сув қуйди, кўйлақларимни қоқиб кийдим.

— Қани, энди менга қаранг-чи! — деди Сўнагул кулиб. Мен худди боладек, у нима деса шуни қилардим. — Бугун ғалатисиз, — деди у, — кўзларингизда ғалати туман бор... — у шундай деди-ю, кўнглимдагини сөзгандай, сал қизариб, ўнғайсизланди, гапни бурди: — Лабораториядаги Лида антиқа қиз экан, ҳамма ишларимга қарашапти, кечалари лабораторияни менга бўшатиб беради. Дафтарни тўла тиклаб, рақамларни, формулаларни текшириб олдим... Сиз нега келдингиз, айтинг.

— Сўна...

— Чарчабсиз, ухламабсиз...

— Сўна, сиз вужудимнинг бир бўлагидай бўлиб қолгансиз. Кўзимдай... мана қўлимдай, масалан. Одам кўзига чўп тушса, ёки қўлига зирапча кирса, олиб ташламагунча тинчиёлмайди. Ишга киришингиз нима бўлди? Қандай қиламиз?

Сўнагул бир юзимга қаради-ю, кўзини ерга олди.

— Сиз бу гал бу нарсаларни галати гапиряпсиз, Аҳмаджон! Сиз мени қўрқитаядсиз...

Иккаламиз ҳам жим қолдик. Жим қолдигу, биз кўнгилдан гаплашмоқда эдик, икковимиз ҳам тушунмоқда эдик бир-биримизни.

— Нега келдингиз шунча жойдан, ростини айтинг?

Сўнагул буни ҳам тушуниб турибди. Тушуниб турибди-ю, яна сўрайди.

Офтоб бизни сояга қувди, қизлар палатасига кирдик. Бу ерда уч йиғма койка бир-бирига тақаб қўйилган эди, тўртинчи кишини — ошиёнсиз Сўнагулни ўртага олиш учун жипслаштирилган бўлса керак жойлар. Сўнагул мени каравот четига ўтқазиб, тахта тумбочка устига чой-нон қўйди. Ўзи ҳам ўтирди. Менинг нонга қарамай ўтирганимни кўриб:

— Аҳмаджон, — деди кўзини ердан узмай, — сиз ҳам менга жуда азизсиз. Лекин ҳалигидай гапирманг менга, бундай қараманг... — кейин у чойшабнинг попугини гижимлаб, тугунча қилиб, яна ечиб, анчагача индамай ўтирди. Мен оғзимга кичкина бурда нон солиб, аста чайнадим, оғзим қуруқ, нон матрасиз эди.

— Йўлларимизнинг дам ажралиб, дам тўқнашуви, энг оғир пайтларда тасодифан дуч келиб, қувонганларимиз — буларнинг ҳаммаси... Бир илоҳий куч аралашаётганга ўхшайди баъзан ўйласам. Муҳаббат илоҳдан деб айтган экан бурунги бир шоир. Мен ўйлаб чиқараётганим йўқ, Сўнагул...

Бу вақтда у ёстиқ остидан ўша қадрдон дафтарни олиб, икки қўли билан кўксига босган, сал четга бурилиб товушсиз йиғламоқда эди.

— Илоҳдан... илоҳдан, — деди у паст овоз билан, кўз ёшларини ичига ютиб, — шунинг учун у ўлган эмас. Ўлган эмас! Ўлган эмас! Ўлган эмас! — деб юзини ёстиққа босиб ўкириб юборди. Мен ўрнимдан туриб кетдим, нима қилишимни билмадим. Тасалли берай деб

бошига аста кафтмни қўйсам, қаддини кескин кўтарди, ёшли кўзларида қоп-қора чўғ ёнар эди:

— У тирик, биласизми, у тирик!— деди мени жеркигандай,— мен бу ерда нима қилиб юрибман! Бутун Қизилқум, мана бу дафтар, ўша сиз ишлаётган жойдаги ҳамма одамлар, уларнинг ўйлари — ҳаммаси, ҳаммаси мен учун ўша кишининг ўзи. Сизнинг севгингизга ишонаман, биламан... лекин мен сизнинг гапингизга кўнсам, ўзимни ўзга бировга бағишласам, у кишини юрагимдан сиқиб чиқаришим керак. Уни унутишим...

— Сўнагул, зинҳор, мен сизга буни таклиф қилаётганим йўқ, худо ҳақи. Мен ҳам ахир Мадали акамни...

— Йўқ! Йўқ! Йўқ!— деб қичқирди у телбадай, кейин юзини болишга босиб, иккинчи ёстиқ билан бошини бекитиб олди.

— Сўнагул, бўлди, мен гапирмайман, сира гапирмайман бу ҳақда, бўптими?

У ёстиқ тагидан бошини кўтармади. Мен гарангсиб у ёқ-бу ёққа юрдим, нон едим, чой ҳўплладим.

— Сўнагул...

У бош кўтармади.

— Ваҳобжон келмадими? У келиши билан дафтарни албатта кўрсатинг. Мен кетдим. Кечгача ўша ерда бўлишим керак.

У ўрнидан турди.

— Ваъда беринг иккинчи бундай гапни гапирмасликка.

— Ваъда бераман.

Унинг кўзлари ғамгин қувонч билан нурланган эди.

— Раҳмат, Аҳмаджон. Келганингиз учун раҳмат,— деди икки қўли билан мен томон интилиб.— Ҳамма айтганингизни қиламан. Фақат сиз ҳам мен айтгани қилинг: ўзингизни бундай чарчатманг, ёлғиз йўлга чиқманг... яна: Мадали акамни унутмаслигимга ёрдам беринг...

Мен кетдим. Гаранг бўлиб, ҳатто хайрлашмасдан, нимага, қаёққа кетаётганимни ҳам билмай, қўрадан чиқиб жўнадим. У менинг илтижомга нима деб жавоб берди асли: яхши кўрганингиз учун раҳмат, бора қолинг, яхши йигитсиз...

Йўқ, мен унга юрагимдагини тушунтира билмадим. Тузукроқ гапиролмадим ҳам. Буни тушунтириб бўладими ўзи. Буни фақат бутун умринг билан исбот қилишинг мумкин.

Наҳотки марҳумнинг руҳи ўртага тушса! Мадали аканинг ўзи бўлганда бундай қилмас эди. У ўзи бўлса менинг ҳам бундай ўртанишимни, Сўнагулнинг ҳам бундай муносабатда ўтишини асло истамас эди.

Мен бу гапларни айтишим керак эди Сўнагулга. Сиз Мадали аканинг руҳини қақшатыпсиз, дейишим керак эди.

Йўқ, бу қўпол гап. Сўнагулга нисбатан бундай гапларни ўйлашимнинг ўзи ҳам қўпол. Унинг туйғулар дунёси шу қадар соф, шу қадар юксак, шу қадар назикки, унга етиш учун сўз керак эмас, унга етиш учун балки ҳаёт керакдир...

Майли. Шундай бўлса, майли. Мен ўйларимни, ишларимни, бирон дақиқамни, ҳаётни Сўнагулсиз тасаввур қилишга қўрқаман. Мен балки умр бўйи уни излагандирман, бундан кейин ҳам излайман, тунлар ҳам, ойлар ҳам, узоқда, яқинда, оғир пайтлар, кўнглим севинчга тўлган дамлар, ўртоқларим орасида ҳам, ёлғиз чоғимда ҳам хаёлим унинг изида бўлади. Бир ҳаётнинг мазмуни бўлса шунчалик бўлар...

Гилмоя ортган самосвалнинг шофери мени йўлдан олиб, 9-нчи қудуққа олиб бориб қўйди. У ердан пиёда, ўзимизникилар олдига мана шу хаёллар билан бўлиб кечқурун етиб бордим.

Тракторлар поезди ҳам, ускуналар, қувурлар ҳам, вишка ҳам ҳалигача етиб келмаган эди. Ҳаво дим. Оёғимни ечиб, шабадада ўтирдим. Одамлар камгап, мендан тузукроқ ҳол-аҳвол ҳам сўрагувчи бўлмади. Қош қорайганда уфқда кўтарилган сарғиш тўзон булути ҳамманинг кайфини бузган эди, чунки бу — қумбўрон элчиси. Бирпасдан кейин бу шум булут тепага кўтарилиб, шафақнинг сўнгги заиф нурларида сал оқариб турган осмонни бутунлай қоплаб олди. Орада саросима сезила бошлади. Баъзилар вишка пойдеворига чиқиб, узоқларга тикилар, бир-бирларига безовта савол назари билан қарар эдилар.

Ускуналар, вишка ҳам парма қувурларнинг етиб келиш муддати аллақачон ўтиб кетган. Агар бўрон қутурса, йўлда одамларнинг ҳоли нима кечади! Уста-

нинг буйруғи билан дарров қулоқчинларни кийиб, қора кўзойнакларни тақиб, белкуракларга югурдик, машинани, дизелларни, битта-ю битта йиғма уйимизни қум селидан сақлаш учун қамиш тўсиқлар ўрната бошладик. Кўзимиз уфқда эди. Унда ваҳимали қоронғиликдан бўлак ҳеч нарса кўринмайди. Бўғиқ ҳавода губор ортиб бормоқда.

Қизиқ, жиндак шабадага шундай енгил кўчадиган қумни белкуракда кураш шу қадар оғир! Бўронларнинг минг йиллик меҳнати билан яралган қум олами фақат шамолга итоат қилади. Оддий шамол барханни жуда секин, йилига атиги бир неча юз қадам силжитса силжитади, лекин бўрон турса, бу ишни бир соатдаёқ бажариб қўяди.

Кўп ўтмай ер билан кўкни фарқ қилиш мушкул бўлиб қолди. Биз шерикларимизга пешвоз чиқайлик деб, бир неча киши бўлиб йўлга тушдик. Барханлар дарё тўлқинидай кўчар, шамол қумни ҳовучлаб юзга урар, оёқ кўчганда тўзон булутдай кўтарилиб, чуқур изларимиз бирпасда текисланиб қолар эди. Шамол брезент этакларимизни юлқиб-тортиб шапиллатади, оғиз-бурунга чанг тўлиб, нафасни бўғади, тишда қум ғирчиллаб асабларни чарчатади.

Ярим кечага яқин рўпарамизда чанг булутига найзадай санчилиб хатарли лапанглаб турган азамат вишканинг қорасини пайқадик. Югуриб, қоқиниб-суришиб етиб бордик. Монтаж бригадасининг вишкани силжитиб келаётган тракторлари унинг чор атрофида қумга тиқилиб ётибди. Этаклари билан бошларини буркаб олган одамлар шамолга орқаларини ўгириб, қўлларини оғизларига карнай қилиб бақиривар, лекин шамолнинг даҳшатли қуштагидан бошқа ҳеч нарса эшитилмас эди. Платформасига парма қувурлари тахлаган беш тонналик таяғач ҳам, яна бир неча юк машиналари ҳам шу ерга келиб тўхтаган эди. Чанг булутини қизартириб турган фараларни биз узоқдан кўрмаган эканмиз, энди пайқадик. Вишкани судраб келган еттига трактор ҳозир уни ҳар томонга трос билан тортиб, тикка тутиб турар, вишканинг найзаси қаёрдадир чанг булuti ичида, бўронга ўчакишгандай гувиллаб тебранаётган эди.

Биз боришимиз билан, қумга ботганча мункиб, бақириб, кезиб юрган одамларга қўшилиб кетдик. Дам

у трактор ёнига, дам бу машина ёнига югуриб, тросларнинг ҳар бир гижирлашига қулоқ солиб, қум тўлган кўзларимизни тепамизда ваҳима солиб турган вишкадан олмай, оёқ устида тонг оттирдик. Кун ёришиб шамол тина бошлаганда одамлар бир-бирларини танимас, қулоқлар битган, чармдай қотган юзларда оғир, оппоқ киприклару туйнукдай қорайиб турган оғизлар қимирлар эди, холос.

Бир соатдан кейин темир карвон устидаги қумни силкиб ташлаб, оғир силжиб кетди. Еттита занжирли трактор бирдан юриб кетганда ер зириллаб, осмоннинг аллақаяёқларида тариллаган акс садо янгради. Соатига уч-тўрт километр. Йигирма соатдан бери шу хилда судралишни кўз олдимга келтираман. Қайноқ мотор устида ўтирган тракторчиларнинг елкасидан таралиб лой оқмоқда. Иссиқда бензин ҳиди кўнгилни ағдаради, трослар узилади, вишка ваҳима солиб бир ёнга чўка бошлайди. Ҳай-ҳай, югур-югур билан ҳолдан тойган кузатиб борувчилар навбатлаб орқада қолиб йўл-йўлаккай ухлаб оладилар, яллигланган оғир қовоқларини кўтарганларида яна осмону, яна бархан, яна бақирӣқ, яна хатар. Бўрон йўлни кўмиб кетган. Аммо қумдан учи чиқиб ётган симлар, ейилиб кетган эски шиналар, шиша синиқлари — шоферлар азобининг барча нишонлари карвоннинг йўлдан адашмай кетаётганини кўрсатиб турарди.

Манзилга етиб боргач, кечагина ўзимиз тиклаган пойдеворнинг қум тагидан туртиб турган бурчакларини зўрға топдик. Насос блоки ҳам, қоришма узели ҳам, мастернинг будкаси ҳам — бари қум остида қолиб кетган, энди кечгача буларни кавлаб юзага чиқариш керак эди.

Иш кўп, иш энди бошланади, майдон тайёрлаш, қудуқ пармалаб сув чиқариш, ускуналарни, юкларни тушириш, кранларни ўрнатиш, вишкани монтаж қилиш, қум йўлини тўсиш... Лекин одамлар хотиржам эди, офат чекинди. Қумга ботган оёқларини кенг қўйиб, қулоқчинлари билан кунни тўсиб, азамат вишканинг учига тикиларканлар, ниҳоятда ҳолдан тойганликлари бялиниб турар, лекин улар ғолиб эдилар. Оқиб бораётган оқ булутлар фонида вишка сузиб кетаётган океан кемасининг мачтасидай туюлар эди.

Мағрур сукутни бизнинг қувноқ товушимиз бузди: мен эски танишим — хоразмлик дизелчи Ниёзматни топиб олдим. Вишка уларнинг қудуғидан кўчириб келтирилган экан. У дарров Ашот билан Геннадийни ҳам топиб келди. Кечаси бўронда бир-биримизни танимаган эканмиз, роса кулишиб, қучоқлашиб кўришдик, юз-кўзимиз, уст-бошимиз кир, ҳаммамиз алвастидай бадбашара бўлиб кетганмиз, фақат тишларимизгина оқариб кўринар эди.

Қуёш ғазабга минганда уч-тўрт соат дам олишга қарор қилинди.

— Палатани учаламизга бир қиламиз, ёшулли! — деди Ниёзмат қувониб. Биз аҳиллик билан ишга тушдик. Биров қозық қоққан, биров шланг тортган, биров брезент, бордон кўтарган, машиналардан йиғма уйлар, катта қозонлар туширилган, сув талаш, қум ўчоққа ўт қаланган, соябон тутилган — қий-чув, худди катта маъраканинг тараддуди эди...

Бундай пайтда одам уйдагидай ҳис этади ўзини: чирсиллаб ўт ёнади, сув сачрайди, одамлар енг шимарган, илмоқли ҳазиллар. Лекин маърака кўпга бормади.

Энди бир ниёладан чой ичиб, тайёрланган соя-салқинга таппа-таппа ташлаш хонаси келганда лагерни хунук миш-миш оралаб қолди.

Радист бола рацияни ўрнатиб, «темир карвон»нинг етиб келганини хабар қилиш учун базани чақирган экан, у ердаги ўртоғи бир шум кабарнинг учини чиқарибди. Радист бола — уятчан, итоаткор, ориққина одобли ўсмир эди — оқаринқираб палатадан чиқди. Атрофдагиларнинг авзойини кўриб қути учган, нуқул елкасини қисар, аниқроқ тушунтиролмас эди.

— Нима деди ахир, забон борми!

— Туяқудуқни ёпишармиш. Консервация, — деди бола, ғалаённинг ўртасига тушиб қолганидан ўзини йўқотиб. Ҳар томондан бақириб тортқилашарди уни.

— Ёпилармиш? Бутунлай-а?

— Эсингни едингми?

— Қим айтди сенга бу гапни!

— Оғзингга қараб гапир, бола!

— Менга қара, расмий гапми, ё миш-миш тарқатиб юрибсанми?

Бола ўзи ҳам пушаймон эди, қани энди қочиб қутулса бу одамлардан.

— Расмий эмас, шунақа гап бор деяпти, аниқ бўлганда хабар беришармиш,— деди у айбдордай, оёғи билан ер чизиб. У палатасига зўрга кириб қутулди.

— Бўлмаган гап!— деди кимдир.— Боланинг гапига саросима қилиб ўтирибсизлар.

Одамлар тарқалишди. Лекин ҳаловат қочган эди. Миш-мишнинг таъсири сувга томган заҳардай тарқай бошлади. Қувонч, иноқлик йўқлиб, одамларнинг юзида эрталабки ҳорғинлик яна пайдо бўлди. Бригадир дам олиш соатини эсга солиб такрор қичқирса ҳам ҳеч ким бемалол ёнбошлай олмади, ҳамма жой-жойига тўпланган, мулоҳаза, гап-сўз. Биров ғазабланар, биров тасалли қидирар эди. Мен ҳам эсанкираб қолдим, кечаги тун, бўрон, одамларнинг кўрган азоблари кўз олдимдан кетмайди. Мен-ку бир кечани эслаяпман, бу одамлар ўн етти ойдан буён бундай тунларнинг нечта-нечтасини енгиб келяпти.

Разведканинг дастлабки ойларида пармалаш ускуналарини туяларга ортиб ташишлар, жазирамада шўр сув, бензин ҳиди келадиган қаттиқ нон, кузда бўладиган қуюнлар, адашиш, сувсизлик, ақлдан озиш, домдараксиз йўқолиш ҳоллари... Наҳотки буларнинг ҳаммаси беҳуда кетса! Наҳотки буларнинг ҳаммаси мана шу лаънати аламли кунга етиб келиш учунгина босиб ўтилган бўлса!

— Менга қара, мунча ич-этларингни еявермасанглар, мунақанги воқеа кам бўлган дейсанми бу саҳрода. Кавлайди-кавлайди-да, оқибати пуч бўлгандан кейин ташлайди-кетади. Нима бўпти, осмон узилиб ерга тушибдими! Қовоғингни кўтар!— деди ёш тракторчи этагини қоқиб тўпдан четга чиқаркан.

— Ҳой, хушчақчақ одам!— деди бир кекса унга бармоғи билан туртиб.— Мен ўн бир ойдан бери қанча-қанча устама мукофотлар олганман! Нега берди менга бу пулларни, ҳаром бўлди бу сийлагани менга, ука, жиғилдонимга миҳ қадалгандай бўлиб ўтирибман! Сен бўлсанг: «Қовоғингни кўтар!» эмиш. Сен кўтаришинг мумкин, ҳеч вақо йўққа ўхшайди қовоғингда!

— Ҳой, бас қил, ҳеч гап бўлгани йўқ-ку ҳали!— дер эди кимдир.

Лекин хунук хабар ёмон дилларни тилган эди, гап тўхтамади. Геннадий кўз олдида ҳеч нарсани кўрма-

андай, тизасини қучоқлаганча ўрқач-ўрқач баркан-
ларга тикилиб ўтирарди. Мен унинг ҳасрат тўла хира
кўзларига қарагани қўрқдим. Тягачнинг орқасидан ху-
нук товуш эшитилди. Ўтиб қарасам, Ашот. Кузовга
суянганча билагига пешанасини қўйиб йиғлапти.

— Марожонга ни-нима дейман, Ма-марожонга... —
керди у, — м-мен уни қанча қийноққа со-олдим. Иста-
дсанг эрга чиқ, мен шу ишимнинг на-натижасини кўр-
май қайтмайман деб ё-оозган эдим Марожонга... — У
офтоб тигида турар, саҳронинг қайнаб кетаётганини
сезмас, ушук урган бармоқлари билан пешана терини
сидирар эди.

Мен ҳам ўксиб кетдим, одамларга бақириб бир нар-
са дегим келарди. Ахир бу нима деган гап, юзлаб ки-
шининг бир ярим йиллик авобли меҳнатига, бир ярим
йиллик ҳалол умрига, умидига бирдан қора чизиқ
тортиш мумкинми! Ким қиляпти буни, нега?

Кўнлар ҳали бунинг миш-мишлигича қолишига
умид қилар, одамларнинг руҳини туширмасликка, ла-
герда нормал сафарбар ҳолатни сақлашга ҳаракат қи-
лар эди. Лекин мен бу хабарни эшитишим билан Хо-
назаровнинг касалманд юзини, ўша тунги тушкун ру-
ҳини кўз олдимга келтириб, фожианинг чинлигига
ишонганман.

Шунинг учун, бригадиримиз уста Болимонни қур-
шаб ўтирган кексалар билан маслаҳатлашиб, базага
одам юборадиган бўлдик, токи анигини айтишсин, ё
бу лаънати миш-мишга чек қўйишсин, бўлмаса иш
барбод бўлади. Ҳозирча кимнинг қўли бўш — пайванд-
чиларнинг. Бориб келишсин.

Геннадий иккаламиз Ашотнинг баллонига дам бе-
ришдик-да, кузовга брезент соябон ўрнатиб, тушдан
кейин базага жўнаб кетдик.

...Геннадий билан биз эрталаб Хоназаровни участ-
ка бошлигининг идорасида учратдик. Селектор, рация,
бошлиқ билан участка геологининг столлари, парма-
лаш ҳужжатлари билан тўлиб кетган шкафлар, Хона-
заров учун қўйиб берилган каравот — ҳаммаси шу бир
конага тикилган эди. Деворда Туяқудуқнинг эски-янги
геологик хариталари, янги ғилофда ов милтиғи. Раҳим
Хоназарович соғайиб кетган, кайфи чоғ эди, мени кў-
риши билан икки қўлини кўтариб, столлар орасидан
чиқиб келди:

— О-о! Менинг нажоткорим! Келинг, келинг, қани, қалайсиз, қайси шамол...— у йўлакай Геннадийга ҳам бош ирғаб салом бергач, билагимдан ушлаб тўрга ундаркан, яна бутун диққатини менга қаратиб гапирверди:— Зап келибсиз-да, юзта-юзтага қалайсиз, мен сиздан қарздорман ахир,— у менинг жавобимни ҳам кутмасдан шкафни очди-да, ҳужжатлар ёнидан оқ шишани олиб пластмасса рюмкаларга қуйди. Қуруқ кафтарини ишқалаб:

— Қани!— деди.

— Ўртоқ Хоназаров, биз бир хунук миш-миш жўнидан...

— Қанақа миш-миш? Миш-мишингиз нимаси?— деди у елкасини қисиб.— Ким тарқатган экан миш-мишни?

Геннадий билан биз бир-биримизга қараб, иккимиз ҳам бир-биримизнинг кўларимизда қувонч чақнаганини кўрдик. Қўлларимиз беихтиёр рюмкага интилди.

— Саломат бўлинг, Раҳим Хоназарович! Айтгандай, касални кўрмагандай бўлиб кетибсиз, саломат бўлинг!— ичдик.

Чарчаган баданларимизга роҳат бахш этиб ғалати иссиқ югурди. Хурсандчиликнинг устига заб мос тушди-да, бу «жонивор».

— Ростми, Раҳим ака, ҳеч қанақа миш-миш йўқ денг? Қаранг-а! Халқни жуда эзиб юборди-да бу гап, қаранг-а!

— Миш-миш нимаси?— деди яна Хоназаров.— Миш-миш эмиш-а, бутун бошли бир мақола! Мана!

У стол тортмасидан бир журнални олиб, букланган жойидан очиб қўлимга тутқазди. Бу уч ойда бир чиқадиган илмий журнал эди. Мен очилган жойдан сарлавҳани ўқидим: «Туяқудуқнинг келажаги йўқ». Профессор Ғ. Фаёзов.

Ўқидиму, худди ҳалиги ароқ юзимдан ёлқин бўлиб чиқиб, қоним музлагандай баданим бирдан совуб қолди.

— Уқинг,— деди Хоназаров журнал саҳифасини туртиб кўрсатиб,— ўқинг: «Бутун трестнинг қўл-оёғини боғлаб, орқага судраб келган Туяқудуқ тарихи тугади, унда соноат запаси йўқ, бир ярим йиллик разведка ишларининг натижаси шуни кўрсатдики...»

Уқинг: «Бу ҳавзанинг перспек-ти-васи мутлақо умидсиз!» Уқдингизми? Сиз бўлсангиз «миш-миш» дейсиз.

— Демак...— дедим мен бўшашиб. Хоназаровнинг чиройли, негадир мамнун кўзларига маъносиз тикилиб қолдим.

— Мана шунақа ишлар, биродар. Дов-дастгоҳни йиғиштириш керак. Консервация сўраб трестга рапорт ёзамиз. Энди мана — асос бор.

Журнални мендан олиб, авайлабгина тортмага солди-да, устини босиб силаб қўйди.

— Демак, сиз билан биз миллионларнинг жанозасига ичибмиз-да буни,— дедим ўзимни зўрға босиб, кўзимга исқирт кўриниб кетган пластмасса рюмкаларни ижирғаниб олдимдан нари суриб қўйдим.

— Ҳа, кўп миллионлар сарфланди, албатта. Бу ёғи баттар қалтис эди. Энди...

— Нажот бўлди, денг. Мақоладан хурсандга ўхшайсиз,— дедим заҳарханда билан. Кеча халқнинг оғир кайфияти таъсир қилганиданми, «дов-дастгоҳ», «консервация» деган сўзлар оғзидан осонгина чиқиб кетаётган, бу одам кўзимга бирдан ёмон кўриниб қолди.

— Илмий исбот, ука! Сигнал. Чакана одам ёзган эмас бу мақолани,— деди Хоназаров.

— Ташлаб кетган миллионларингиз учун сизни суд қилишмайдими?

— Сигналдан кейин ҳам давом эттирсам, албатта суд қилади.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир? Трест таклиф қилган структураларда ишладим. Пармалаш метражи бажарилган. Ҳужжатлар жойида, илмий хулоса бор. Нимамга тархашлик қилиш мумкин? Ким суд қилади?

— Халқ суд қилади!— дедим, кетишга отланиб.

— Халқ, қайси халқ?

— Саҳрода ўн етти ойдан бери ишлаётган халқ?

— «Халқ!» Халқ ким? Сизми? Йўқ. Буми? Йўқ.

Халқ бу — умум,— деди Хоназаров негадир икки қўли билан ҳавода доира қилиб.— Унинг ушлаб оладиган жойи йўқ. Халқни жавобгарликка тортиб бўлмайди. Меҳнати учун бўлса ҳақини олган. Ишла деса ишлайди, ишлама деса кетаверади этагини қоқиб...

Бу гапдан кейин мен Геннадийни имладим-да, шартта чиқиб кетдим. Гапим йўқлигидан эмас. Гапим қайнаб-тошиб турган эди. Халқ тўғрисида бундай тубан фикр! Ҳақини бошқа жойда ололмасмиди халқ, бу азобли саҳрога фақат ҳақ оламан деб келибдими?! Олижаноб фидокорлик, соф орзулар-чи?!

Йўқ, менинг айтадиган гапим кўп эди, фақат бу хонада бўғилиб кетганимдан отилиб ташқарига чиқдим.

Ғазабимни шу йўл билан босганим учунми — дилим ниҳоятда ғаш эди. Нимагадир, қаёқдандир яна капитан Макуэллнинг олифтагарчилик билан керилиб туриши, гўдакнинг думбачасидек лўппи, беғубор башараси кўз олдимга келди. У халқ ҳақида гапириб шундай чиройли илжаяр эди. «Оломонга ишониб бўладими!» «Пода».

Ҳақиқатдан ҳам мен унга яна дуч келдим чоғи.

Унинг дунёсидан қолган шалтоқ менинг авлодимга етиб ортадимми дейман. Ҳа, афсуски, биз соф келажакдан келаятганимиз йўқ, ўтмишдан келяпмиз. Орқадаги йўлни шартта қирқиб ташлаб бўлмас экан. Мараз баъзан оёқларга илашиб, баъзан юракларнинг тирқишидан сирқиб кириб келяпти.

Геннадий иккаламиз идорадан чиққанча индамай юриб, бостирма соясига бориб тўхтадик. Бир-биримизга сўзсиз тикилишдик. Геннадийнинг қош-киприги куйган ҳаво ранг кўзларида чексиз алам, ҳасрат чўғи бор эди. Бир вақт у «шу саҳрога ёшлигини, юрагининг бутун бойлигини, гўзал муҳаббатингни бағишлайсан» деганимда жуда хурсанд бўлган эди. Энди нима билан кўнглини оча оламан?

Оёғимиз тагида, бостирма соясида ўт парчасидек ёлғиз бир лола ажалига пешвоз чиқиб гулбарг ёзибди. Қаёқдан келиб қолдйкин, икки соатдан кейин қовжираб тўкилишини билармикин? Билса керак. Саҳрода киши кўзига бир лаҳзалик қувонч бағишлашини билиб очилган бўлса керак. Кишининг бир лаҳзалик қувончи, айниқса бу ерда, нақадар қиммат!

Геннадий чўккалаб ўтириб, лолани икки кафти орасига олди, узмади, майин нафас билан гул барглари аста тебратди.

Лабига шу лоланинг заиф аксидай билинар-билимас ол кулгу қўнди...

7. САҲРО ТУНИ, ЮЛДУЗЛИ ТУН

Базада ҳамма нарса бояги-бояги, кичкинагина движок саҳронинг юрагидай тинмай гуп-гуп уриб турибди, ҳаммиш тўсиқлар чўққайма палаталарнинг жиндек салқини омонсиз жазирама ва гармсел билан ҳамон олишмоқда. Лекин ҳаёт сўлғин эди. Бўш қолганлар кўпроқ ухлашади, волейбол майдонини ҳам қум босиб кетди. Эрталабки салқинда етиб келган тўрт кишилик «Як» ҳам диққатни тортмади, бу гал уни қий-чув билан қарши олувчи, шим кийган нозиккина кассир қиз билан шўхлик қилиб ҳазиллашувчилар ҳам бўлмади. Бригада бошлиқлари маош ведомостини самолёт қанотига қўйиб, ҳаромга қўл ураётгандай, тескари қарабгина имзо чекдилар-да, пулни санамасдан олиб, аста қўраларига кириб кетдилар. Кечагина перевалочнийдай янги ускуналар, пармалар етиб келди, катакли яшиқларда мойи оқиб ётган «уфимец» станоклари, «Андижон» насослари, болаларнинг уясига ўхшатиб тахланган янги парма қувурлари барханлар орасида океанга чўкиб кетаётган қимматбаҳо юклардай кўришиб, кўнгилга оғир ғашлик солар эди.

Буровйда иш давом этарди. Уста Болимон вишка монтажини бир ойда тугатиб, пармалашга ҳам ўзи киришди. Мен бу одамга ҳавас қилардим, бу ерда у ҳақда кўп ривоятлар гапиришарди. Туя сўқмоғида туғилган эмиш. Йигитлигидаёқ шу ерлардан ўтадиган карвонларга йўл кўрсатиб, қудуқдан-қудуққа бошлаб юрар экан. Кейин неча йил карвонбоши бўлиб, Эрону Бағдодгача етган дейишади. Жунайдохоннинг карвонига йўл кўрсатишдан бош тортгани учун етмиш дарра еб, ўлар ҳолида саҳрога қочиб қутулган эмиш. Саҳрода ҳар сўқмоқни, ҳар ёвшанзору ҳар қудуқни ёд билади. Бу ерларнинг тагида нима борикин — энди мана шуни билгим келади, дерди.

Кекса мастер туркманча бўркини бостириб кийиб, лебедка ричагига қўл ташлаб тураркан, бутун бригаданинг кўзи унда бўларди. Дизелларнинг, насосларнинг гувиллаши, роторнинг айланиши, тросларнинг дам пастга, дам юқорига ғизиллаб ўтиб туриши, триллометр ва индикатор стрелкалари — ҳаммаси унинг диққатида, ҳаммасини бирдан бошқаради, боши айланмаганига ҳайрон бўлардим.

Монтаж ишлари тугагандан кейин у мени пармачиликка ўргатди, верховой помбур бўласан деди. Пармачининг вишка тепасида ишлайдиган ёрдамчиси қувурлар алмаштирилганда «свеча»ларнинг юқориги учини бошқаради. Баландда ишлаб юрганимга қарамай, бу касб менга осон келмади. Ҳар сменада тепага чиқарканман баландликнинг ваҳимаси босарди, эллик метрли вишканинг темир панжалари, тикка қўйилган парма қувурлари шамолдан, дизеллар, насослар ҳаракатидан доим гувиллаб туради. «Свеча»ларнинг учини тросга илиб тортганимда пастда вишка тагидаги ботқоқ ялтираб, баъзан бошимни айлантириб юборади. Баъзан тушларимда шу ботқоққа йиқиламан, тиззам қалтираб тураман ўрнимдан.

Тўрт ҳафтадан буён қудуқма-қудуқ юриб, соч-соқоли ўсиб, Ваҳобжон қайтди. У офтобда куйиб, лаблари ёрилиб, қоп-қора билакларининг пайлари яна ҳам чайир бўлиб кетган эди. Таъбир хира, ўйчан бўлганиданми — у менга шу бир неча ой ичида улғайгандек туюлди. Келган куни кечқурун у билан посёлкамизнинг у бошидан бу бошига, анчагина индамай кезиб юрдик. Оқшом тинч, на аския, на хиргойи, ҳатто ошпазнинг зина тагида боқадиغان лайчаси ҳам вангилламас эди.

— Бир вақт шу ерлардан карвон йўли ўтган дейди-а? — деб жимликни буздим мен. Ваҳобжон бош ирғади, холос. Мен бўлсам худди унинг ҳикоясини эшитаяётгандай кўз ўнгимдан ўтказар эдим: узоқда қўнғироқ овози, карвонсаройда чироқ ёнади, мана бу бархан ўрнида бухоролик савдогарлар духоба, атлас, гилам, ипакларини ёзиб шамоллатишади, улар бу ерда Қашмирдан келаётган карвон билан учрашганлар, кечаси билан хуш исли чилим тутайди, ўчоқлар ёнади, туякашлар қимор ўйнайди...

Энди бўлса бу ерда мана минг йиллардан бери қум ҳукмрон. Гоҳо бу саҳро неча минг йиллардан бери қуёш нурининг, қуёш ҳароратининг қоқ ярмини бекорга ютиб ётгандай туюлади назаримда. Кеча қумда кулча бўлиб ётган илонни кўриб, сесканиб кетдим. Илонни мангу совуқ танаеси ҳам қуёш нурини эмиб ётибди. Нурни қизганиман, қуёшни қизганиман баъзан.

— Гарлашдим денг у билан? — деди Ваҳобжон. Дарров фаҳмладимки, Хоназаров ҳақида ўйлаётган экан.

— Ҳа, гаплашдим. Мен унга ҳайронман, қанақа одамлигини тушунмадим,— дедим,— консервация, Туяқудуқни ташлаб кетамиз, дов-дастгоҳни йиғиштириш деган гаплар оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетади-я! Наҳотки бу унга шунчалик осон бўлса?

— Биласизми, Аҳмаджон,— деди дўстим бирпас индамай юрганидан кейин,— геологлар орасида бундай кишилар кўп; узоқ йиллар бетиним ишлайди-ю, бирон марта ўз меҳнатининг амалий натижасини кўрмаса ҳам, виждонан қийналмай, хотиржам пенсияга чиқиб кетаверади.— Ваҳобжон ўзи ҳам менга ўхшаб Хоназаровдан қаттиқ норози эди чамаси, коллективнинг бошига тушган кўнгилсиз аҳволни ўйлаб азобда. Лекин ноиложликдан ўзича буни оқлаш учун қандайдир сабаб, ўзига ҳам, менга ҳам тасалли қидирар эди. Мен буни сезиб турибман.— Менингча, шу хилда яшаб ўтиб кетиш ҳам жиноят эмас. Айниқса бизнинг соҳада. Хоназаров шундайлардан бўлса бордир,— деди у хулоса қилиб.

— Геологиянинг ўзига хос хусусиятига тўнкаяпсиз дейман-да ҳамма айбни? Лекин, ўйлашимча, бизнинг ҳозирги аҳволимизга бу спецификанинг дахли йўқ. Бу ерда бўлак нарса бор. Ундан ташқари, менга қолса, геология ҳам бундай бўлмаслиги керак. Бу — одамнинг бахтини ўғирлаш бўлади-ку ахир! Бизнинг давримизда одамлар меҳнат сарфлашини халққа бирон наф етказиш деб биледи, биров умрини шунга бағишлайди, бахтини шундан кўради. Уни умрининг мазмунидан маҳрум қилишни ҳеч қандай специфика билан оқлаб бўладими?

Ваҳобжон бош қимирлатиб гапимни маъқуллади-ю, бир оздан кейин яна нимадир излаб, эътироз билдирди:

— Айтмоқчиманки, бизнинг ишда баъзан ҳеч нарса йўқлигини исботлаш учун ҳам меҳнат сарфлаш керак бўлади.

— Йўқлигини исботлаш нима ҳожат? Қизиқсиз. Бир нарса борлигини исботлаш керак-да,— дедим.

— Гоҳо ерни пармалаб кўриш оқибатлари катта-катта олимларнинг назарий хулосаларидан зўр чиқади... Лекин пармалашда пармалаш бор. Туяқудуқда пармалаш кўпинча пайпаслаб, тахминлаб олиб борилган, кўп сарфга кириб кетилган. Бу ҳолда яна давом эттириш...

Мен ялт этиб қараб, гапани бўлдим:

— Бундан чиқди, сиз ҳам Туяқудуқни ёпиш тўғрисидаги рапортга қўл қўйишга тайёрсиз?

Ваҳобжон «ҳа» ҳам демади, «йўқ» ҳам демади, оёгининг учига қараганча, юмшоқ қумни аста босиб анча юрди.

— Ишни якунлаб кўришга тўғри келади,— деди кейин мужмалроқ қилиб ва бирдан ўз гапани ўзи бўлди:— Ҳали «бу ерда геология хусусиятининг дахли йўқ, бўлак нарса бор» дегандай бўлдингиз. Нима демоқчи эдингиз, қанақа «бўлак нарса»?

— Халқни менсимасдик! Унинг иззат-нафсини оёқ ости қилиш!— дедим шартта. Дўстимнинг мужмалроқ гапларига жаҳлим чиқиб турган эди, яна қўшиб қўйдим:— Кўпчиликнинг қадрини ерга уриб бўлса ҳам ўз шахсини эҳтиёт қилиш!

Ваҳобжон кўксимдаги тугмани ушлаб рўпарамда тўхтаб қолди. Назаримда мен унинг кўнглидаги гапни топиб айтган эдим, лекин у яна нимадир қидирав, гўё мен билан гаплашиб туриб ўз мулоҳазаларини текшириб, синаб ҳар тарафлама пишитиб олмоқда эди. Яна эътироз билдирди.

— Сўнагулни ишга олишмагани учун Хоназаров ҳақида қаттиқроқ ўйлаётганингиз йўқмикин?

— Ҳай, одам эмасми! У...

Шу жойда мен Ваҳобга биринчи марта Сўнагулни бунинг тарихини, қисқача қилиб гапириб бердим. У кўзларига дам ҳасрат, дам қувонч тўлиб, жуда таъсирланиб тинглади.

— Сўнагул яхшироқ муомалага муносиб, Ваҳобжон,— дедим мен ҳам бўшашиб,— Ашот-чи? Бу хунук хабар тарқалганида мен унинг одамлардан яшириниб йиғлаганини кўрдим. Геннадий-чи? Ун тўққизга кирган. Севган қизидан келган хатни ўқишга кўзи ўтмайди. Уша куни кўзига боқишга юрагим дов бермади. Уларни бу ерда ишлашга ҳеч ким мажбур қилаётгани йўқ. Ниёзмат деган йигит бор...

— Ҳаммасини биламан, ўша ёқдан келяпман,— деди Ваҳобжон.

— Шулар ҳаммаси йиғилиб халқ бўлади. Хоназаров мана шуларнинг дилидагидан қиттак хабардор бўлса эди...

— Менга қаранг, мен ҳаммасини биламан,— деб яна такрорлади Ваҳобжон ҳовуримни босиш учун,— халқнинг кайфиятини кўриб келяпман, лекин афтидан, Хоназаровнинг бўлак чораси йўқ. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида ҳам ҳозир бу аҳволда Туяқудуқни ёпишни талаб қиларди.

Менинг охирги умидим Ваҳобжонда эди, у ҳам со-вун пуфагидай ёрилди. Ваҳобжоннинг ҳам ранги-рўйи, худди жанозадан қайтган одамникидай; сўлгин эди. У ҳам ич-этини еяпти, азобда. Шунинг учун гапига жа-воб қайтармадим.

Қизлар чодиридан Сўнагулни чақириб, дафтарни олиб чиқиб беришни сўрадим. Ваҳобжон «хўп, тани-шиб чиқаман» деб, дафтарни қўлтиғига қистирди. Туя-қудуқ ҳақида у ҳам кўп хаёл сурар, орзиқиб гапирар эди. Ҳозир жуда эзилиб кетибди, унинг устига қаёқда-ги бу дафтар; дафтар сиғармиди, ҳозир юрагига!

У бизни холи қўйиб кетди. Бу бақувват, новча, ёш одам бугун аллақандай чўкканроқ кўринар, оёғини судраб босар, секин юрар эди, узоқда тебранган қора-си анчагача кўз ўнгимизда турди.

Осмоннинг бир томони ёруғ, иккинчи ярни эса сурмадек қора. Ҳозир тунлар қисқарган, бу ёқдан қуёш ботди дегунча у ёқдан сутдек тонг ёриша бөн-лайди.

— Одамлар ухлашяпти, ўчакишгандай ухлашяпти. Мен бўлсам ўзимни қаёққа қўйишни билмайман.— Овозим қумга сингиб кетаётгандай жарангсиз эшити-ларди. Сўнагул бўлса жим.— Кечалари сизнинг шу ердалигингизни ўйлайману, енгил тортаман,— Сўнагул ҳамон индамайди, мен давом этаман,— эртага Хоназа-ров конторасига қайтиб кетади, трестга рапорт ёзади... Бу ерларни яна қум босади, гармсел ялайди, қорақурт ўрмалаб чиқади, ўша минг йиллардан бери қандай бўлган бўлса...

— Мен бунга ишонмайман,— деди Сўнагул аста. У ҳам четга қараб, гўё ўзича гапирар эди.— Туяқу-дуқ, Туяқудуқ... техникумни энди битирган қизалоқ эдим, бу ном ўша ўсмирлик хотирамга ўрнашиб қол-ган. Мадали акамнинг ўйчан қиёфаси билан, хаёллари билан бирга... Ушандан бери, назаримда, бу сахро одам-га яқин, унда одамнинг манфаати кўп, бағрида ҳаёт сўнмайди.

Қалбимга иссиқ югурди. Мен миннатдорлигимдан беихтиёр унинг майин қўлига кафтимни қўйдим. У қамиш қўранинг саксовул новдасидан ўрилган четан эшигини ушлаб турарди. Қўлини тортиб олмади. Қўлларимиз шу ҳолда узоқ туриб қолди.

«Мадали ака тирикдай, тирикдай», дерди Сўнагул кўпинча. Энди менга ҳам баъзан шундай туюла бошлади. У бизни гоҳо бир-биримиздан узоқлаштирар, гоҳо мана ҳозиргидай яқинлаштирар, баъзан йўлимда кўндаланг тургандай бўлар, баъзан эса дилларимизни бир-бирига боғлар эди.

Уйлаб қарасам, бу сахро ҳам, дўстларимнинг у ҳақдаги орзулари ҳам, Мадали ака ҳам умримга, тақдиримга чатишиб кетганга ўхшаб қолди. Булардан узоқлашсам Сўнагулдан ҳам маҳрум бўладиганман. Қиз боланинг бир ният йўлидаги ўжарлиги мана шунга олиб келди мени. «Менинг дунём мана шу, мен керак бўлсам, бутун дунём билан қабул қиласан мени» дегандек эди бу шафқатсиз муҳаббат. Уни мана шу «дунё»дан ажратиб олиш мумкин эмаслигига энди тамом амин бўлганимда бу «дунё»нинг ўзи фавқулодда хавф остида қолди. Унга ҳозир бир Сўнагулнинг ўзигина астойдил ишониб турибди.

Икки кундан бери, ҳар учрашувга атай тайёрланиб, очиқчасига гаплашмоқчи, «бундан кейин қаёққа борасиз? Қаёққа борсангиз бирга кетайлик» демоқчи бўлман. Лекин ҳар сафар гапим ичимда қолади; унинг кўзлари шундай ёнар эдики, бу ердан кетиш ҳақидаги хаёлни яқинига ҳам келтирмайдиганга ўхшайди.

Учинчи куни тонг отарда биров каравотим билан бирга қаттиқ силкиб уйғотди. Кўзларимни ишқалаб, ғира-шира Ваҳобжонни зўрға танидим. Унинг юзи ғалати, оғзи очиқ, тез-тез нафас олар, уйқусизликдан қизарган кўзларида сирли тун, ваҳима, ҳаяжон, яна алланималар бор эди. Шу ҳолда лол бўлиб анча турди.

— Туринг, туринг... — деди кейин шивирлаб.

Мен шошиб этигимни кийдим, пиджакни елкамга ташладим-да, у билан ташқарига чиқдим.

— Нима гап Ваҳобжон?

У мени яна четроққа бошлади. Нарироқда тўхтагач, новча гавдасини мен томон сал букчайтирди-да, қўлидаги чарм шапкани кўксига қўйиб, ўқкинчи қўли билан уни аста шапатилади:

— Менингча, хазина...— деди ўпкасини босиб паст овоз билан,— Туяқудуқнинг хазинаси!

— Нима бу?

— Мадали Қосимовнинг ёзувлари.

— Сўнагулнинг дафтарими?

— Ҳа.

— Бирон қимматли гап бор эканми?— дедим юрагим дук-дук уриб. Ваҳобжоннинг сирли ҳаяжони менга ҳам ўтди.

— Ҳозирги аҳволимизда нажот бўлиши мумкин,— деди Ваҳобжон,— адашмасам, Туяқудуқни шу сақлаб қолади.

— Менга қаранг,— дедим мен ёш боладай атрофга аланглаб,— нима қиламиз?

— Хоназаровга кўрсатиш керак.

— Кўрсатган. Фойдаси йўқ.

— Кўрсатган?

— Ҳа.

— Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас, ўқимагандир.

— Хоназаров барибир кетиб қолган,— дедим штабнинг тўрт бурчак деразасига қараб. Дераза кўзи тонг нуридай сал қизариб келаётган эди.

— У қудуқларни, баъзи отрядларни айланиб кетмоқчи эди, қувиб етамиз,— деди Ваҳобжон, шу ердаёқ ўтириб, этигини ечиб, пайтавасини қайта ўрай бошлади,— югуринг, кўйлак кийиб, мешингизни сувга тўлатиб чиқинг.

Мен сал гарангроқ бўлиб, фикримни бир жойга тўпловмай турдим, унинг айтганини қилдим. Омбор ёнида Перевалочнийга кетадиган енгил артиллерия тягачига ўтирдигу жўнадик.

Икки соатдан кейин рўпарамиздан қуёш қизариб пешвоз чиқди. «Сўнагулга айтмадик-а?» дердим ичимда. Шундан бошқа ҳеч тузукроқ фикр келмасди бошимга. Тягачнинг япасқи занжири олдиндан ҳам, орқадан ҳам устимизга пақир-пақир қум ағдаради. Лекин бу ерда бунга етадиган машина йўқ, унга йўл ҳам керак эмас, яланг оёқ ўрмалаб чиқиб бўлмайдиган тикка қумтепаларга қаноти синган қўнғиздай «ғуввв-ғуввв» қилиб чиқиб олади. Қуёшга тикилиб кетаётган дўстимнинг ёлқиндай товланган юзига қарайман, нимани ўйлаяпти экан?

— Бургут! — деди у олдинга қўл чўзиб.

Бургут куёш доирасини кесиб ўтаркан, бир аум ёниб кетгандай олтинланиб кўринди. Кейин қора нуқта бўлиб бир жойда тинди-да, ерга тошдай отилди, сўнгра бўгин-бўгин тирноқларида катта тошбақани чангаллаб яна кўтарилди.

— Ҳозир тақирга олиб бориб ташлаб юборади-да, косаси ёрилгандан кейин бемалол ейди, — деди шофер. Кекса бўлса ҳам пишиқ гавдали бу одам бургут парвозига худди ёш боладай ҳавас билан, кўзлари ёниб тикилмоқда эди. У айтгандай бўлдим, йўқми — биз кўролмаё қолдик, радиатордан қайнаб чиққан буғ кўз олдимизда осмонни тўсиб қўйди. Лекин шу пайт қаёқдандир вангиллаб ўқ отилганини эшитдик.

— Аблаҳ, — деди шофер деразадан ерга туфлаб.

— Ким?

— Бургутни ким отган бўлса жуда ярамас одам, — деди у ғазаби қайнаб. — Бунақаларни саҳрога йўлатиш керак эмас.

Биз шу ердан бир неча чақирим нарида, Жақинқудуқ деган жойда шофер билан хайрлашиб тушиб қолдик. Ваҳобжоннинг фикрича, бу ерда бошлиқнинг йўлини тўсиш мумкин эди.

Бу ер жуда обод экан. Аввало — икки баланд бархан орасида ярим чақиримча чўзилиб кетган ёш саксовулзорни кўриб кўзимиз қувонди. Дунёда энг чидамли шу ўсимликни яхши кўриб қолар экан саҳрода одам. Боғ кезган киши гулни бунчалик яхши кўрмайди. Унинг эгри-бугри шохларида деярли барг ҳам йўқ, соясига ҳам ёлчимаёди одам, лекин қизиб ётган, жонсиз, сап-сариқ қумдан бош кўтариб, бўгин-бўгин, қинғир-қийшиқ новдалари билан жазирама осмонга интилаётганини кўрганингда ҳаёт кучига яна ҳам қаттиқроқ ишонасан киши, саҳро кўнглингга яқинроқ, ваҳимасяроқ кўрина бошлайди.

Жақинқудуқ узоқдан кўринар, ундан ҳар томонга туясўқмоқлар таралган, атрофида пода нэи — чўтир қўмлоқ кичкина тақир майдонда бир сўри ўрнидек яшил қовузча, ёлғиз ўтов. Қудуқнинг деворлари учтўрт қават четан билан маҳкамланган, тепасида ёғоч чиғириқ худди жонли нарсасек инграб ғирчиллайди.

Биз борганимизда пода сувга келган экан. Узоқ

Йўл босган уюр ҳовуз атрофидаги барханларнинг қия ёнбошида тўзон булутидай бўлиб ётибди, жазирамада тили осилган пахмоқ қўйларнинг аянч ноласи тўрт бурчак тумшукли бўрибосарларнинг эринчоқ вовиллаши билан бўлиниб турар, онда-сонда чўпонларнинг узун гавронлари ўқдек янграб чарсиллар эди.

Сўқир туя чиғириқни айлантирадиган арқонни судраб узоқларга бориб қайтади. Уни ҳеч ким қистамайди, етакламайди ҳам, худди машинадай ўз ишини ўзи билади: ўркакларини диркиллашиб лўкиллаганча, бир йўлдан тинмай бориб-келиб туради. Қудуқ тепасида етти пақир сув сиғадиган мешнинг йилтироқ сирти кўриниши билан кекса чўпон унинг муздек қорнини маҳкам қучоқлаб сиқади-да, пажмурда қилиб, яна тубсиз қудуқнинг зим-зиё қаърига улоқтиради. Новдан ҳовузга сув шилдираб оқади.

Чўпон жуда нуроний чол экан. Саҳронинг асл хўжайинидек, қарашлари тетик, серажин, содда юзида доно бир хотиржамлик, қисиқ кўзларида кексаларга хос меҳрибонлик билиниб турибди. Биз бошимиздан совуқ сув қуйиб, нафас ростлагандан кейин Хоназаров деган одамни шу ерда кутмоқчи эканимизни айтдик.

— Ўтағасими? — деб сўради чол. Биз қувониб кетдик, бошлиғимизни «ўтағаси» деб улуғласа, демак биз ҳам бегона эмасмиз. — Ўтағаси ўси жерде-ғўй!

Ўтовнинг соясида турган вездеходни кўрмаган эканмиз — омадни қаранг! Хоназаров қуёшнинг қаҳри қайтганда жиларман деб, эндигина ўтовга кириб ёнбошлаган экан.

Эшикка тutilган шолчани кўтариб киришимиз билан кўзига қуёш тушиб уйғониб кетди. Бизни дафъатан танимадими, ё бехос пайдо бўлганимизга ишонинқирамай туриб қолдими — овози чиқмади. Биз қоронғига кўзимиз кўниккандан кейингина ўртада йиғиштирилмаган дастурхон, бир-иккита бўшаган қовоқ коса, кигизда ўтирган Хоназаровнинг бизга тикилиб турганини кўрдик.

— Осмондан тушдингларми? Одамни чўчитиб юбординглар-э! — деди у. Биз кулдик.

— Сал мизгиган экансиз шекилли, уйғотиб қўйдик, Раҳимжон ака, биздан ўтди, — деди Ваҳобжон салқинроқ бурчакни танлаб чордона қуаркан.

Зап ухлайдиган салқин жой экан ўзи ҳам. Кекса

чўпон қуллуқ қилиб кириб, пойгакка чўккалаб соқолини тутамлади-да, дастурхонни янгилади, косаларга қимиз қўйиб олдимизга қўйиб чиқиб кетди.

— Сизни қувиб келдик, Раҳимжон ака, гапнинг очиги, — деб бошлади Ваҳоб. — Топганимизга қувонганимиздан ўпкамизни босолмай турибмиз.

— Хўш, мунча зарур бўлиб қолган эканмиз?

— Зарур бўлганда қандай, жуда ажойиб иш чиқиб қолди, — деди Ваҳоб шошиб-пишиб Сўнагулнинг қизил тугунини ўртага қўйиб ечаркан. — Энди трестга ўша кўнгилсиз рапортни ёзмай турасиз. Раҳимжон ака, мана!

Хоназаров таниш дафтарни қўлига олиб секин ва-рақлади, қошини чимириб унга қайта-қайта тикилиб турди-да:

— Бу ҳалиги уборшица хотиннинг... — деганида кўзи менга тушиб, гапи оғзига тикилиб қолди; «кечирасиз» деди секин, кейин саволнинг охирини менга қаратди: — Бу ўша қўл ёзмами?

— Ўша, ўша, — деб бунга ҳам Ваҳобжон жавоб берди, — ёш олим Мадали Қосимовнинг ўн беш йиллик кузатишлари. Худди бизнинг Туяқудуқ ҳавзаси, муни қаранг... — Ваҳобжон дафтарга интилди, бир бетини очиб яна қайтиб берди: у ҳамон эрталабкидай жонланиб, тўлқинланиб гапирарди, — янглишмасам, бизнинг бутун ишимизни ўнглаб юборадиган, очиги — экспедициямизни! оғир аҳволдан қутқазадиган ноёб маълумотлар сақланган. Ниҳоятда оғир шариқтда сақлаб қолинган...

— «Янглишмасам», денг! — деди Хоназаров дафтарни қўлида ҳозир иргитмоқчи бўлган тошдай салмоқлаб. — Профессор Фаёзовни ўқидингизми? Санот запаси йўқ, перспектива йўқ Туяқудуқда. Бу исботланди, у ёқда олимларнинг назарий хулосаси, бу ерда бизнинг амалий хулосаларимиз...

— Бизнинг маълумотларимизга қараб хулоса чиқарадиганлар Туяқудуқни кўрган эмас, — деб мен ҳам аралашдим: қўполроқ, адолатсизроқ гапириб қўйганимни ўзим ҳам пайқадим, Ваҳобжон менинг дағал овозимни қувватламади.

— Перспектива йўқ деяпсиз, — деди у босиқлик билан, — пайпаслаб пармалайверган билан перспективани топиб бўлмайди-да.

— Пайпаслаб деганингиз нимаси? Биз трест таклиф қилган структураларда ишладик. Ундан ташқари, иним, энг янги илмий хулосалар мана бундай, — деди бошлиқ ҳам салмоқ билан, — бу район магматизм, метаморфизм процессларида титилиб, яна шиб-баланиб кетган. Бу зичликда газ турмайди. Туяқудуқда бўлса структура мураккаб, ер ости сувлари биз кўзлаган қаватларни ювиб кетган, қатламлар яхлит эмас, газнинг ҳиди бор холос.

— Сиз домла Фаёзовни роса ихлос билан ўқибсиз, Раҳимжон ака. — деди Ваҳобжон қимизни шопириб, лекин ичмай четга суриб қўйди, — ўша ўқиганингиздан бир қадам ҳам четга чиққингиз келмаяпти. Ернинг магматик фаолияти, метаморфизм сингари фактлар газ ҳавзаларининг емирилишига ҳамма вақт сабаб бўлавермайди, буни Мадали Қосимов ўша маҳалдаёқ исбот қилиб кетган. Туяқудуқнинг ўзига келсак, Қосимов қатламлардаги сувнинг манбаи, йўналиши, миқёси, босими ҳақида жуда кўп аниқ маълумотлар тўплаган. Маҳсулдор қатламларнинг сув босим режими; қадимий денгизлардан қолган хлорид-кальций-натрий сувлари; мана бу регионал гидрология бўйича рақамлар, мана бу қатламлардаги сув босимлари ўзгаришининг асосий йўналишлари. Қидирув методикаси, перспектив хариталар, структура элементлари. Мана бу формула орқали у газ билан сув, газ билан нефть контактларининг энг юқори нуқтасини белгилайди. Бу унга газли қатлам контурларини, озгина миқдордаги разведка пармалари солиш билан бутун запасни аниқ белгилашга имкон беради. Структура, қидирув, разведка, контурлаш пармаларини кескин суратда қисқартган ҳолда запасни аниқ белгилаш йўлини таклиф қиляпти. Қанча қанча миллионларнинг калити қўлимизда турибди, ўртёқ Хоназаров!

— Менга қаранг, ука, — Хоназаров ҳам қимизни суриб қўйиб, Ваҳобга яқинроқ силжиб ўтирди. — Янги одамсиз, ёшсиз. Сизни аралаштирмай қўя қолайлик деган эдим бу чалкаш, қалтис ишга. Қосимов йўқ... ўлиб кетган. Шунинг учун у жавобгар ҳам эмас бу рақамларига. Фаёзов бўлса, ўзингиз биласиз, эътиборли олим! Ҳар тарафлама ўйлаб кўриш керак. — «Эҳтиёт бўлиш керак» демоқчи эди, мен кутган

эдим шу гапни, лекин у айтмади, ундан ҳафсаламиз пир бўлаётганини юзимиздан пайқаб, гапини ўзгартирди, дафтарни қўлига олди. — Ўйлаб кўринг ахир, бунинг бизга қанчалик алоқаси бор? У гидрогеолог... Бу дафтарнинг ҳаммаси гидрогеология! Қатлам сувларининг кучи — харита, формула. Мана рақамлар, маълумотлар — бисульфат сувлар, контур сувлари, пастки сувлар, устки сувлар — ҳаммаси сув. Биз бўлсак газ разведкачиларимиз. Сув шундоқ ҳам безор қилган бизларни, сув кўп, газ йўқ!

— Хўп, бўлмаса бўлак бобни очинг: газ запасини тажриба эксплуатацияси орқали, яъни биринчи разведка қудуқларида газнинг қатлам босимини кузатиш йўли билан аниқлаш. Бу ҳам ҳар хил параметрларни белгилаш учун парма сояишларни кескин қисқартиш имконини беради, бу ҳам миллионлар! Бунинг формуласи мана!

— Мана буниси яна ҳам қизиқ, — давом этди Ваҳожон бирпас жим тургандан кейин. У структура хариталарини, формулаларни худди нота ўқигандек ўқир эди. — Газни катта босимли гумбаздан кам босимли гумбазга ўтказиш йўли билан — бирининг босими ортишидан, бирининг босими камайишидан — иккаласининг ҳам запасини аниқлаш! Ҳатто, саҳро жойда газни ҳавога чиқазиб, босимнинг камайишини кузатиш йўли билан бутун запасни аниқлаш. Кўряписми, Қосимов қатъият ва ўжарлик билан нуқул бир нуқтага уряпти: парма солишни камайтириш, иқтисод!

— Сиз энди бу масалаларни мана шу қора ўтовда ҳал қилмоқчимисиз!? — деди Хоназаров энсаси қоғиб, у ҳам сал қизиша бошлади. — Геологнинг ҳар бир хулосаси нима эканини биласизми? Бизнинг запас ҳақидаги хулосаларимизга таяниб, бу саҳрода водопровод, газопровод магистраллари, йўллар, тақсимот пунктлари, резервуар, азот-тук заводлари, қурум комбинатлари, шаҳар қурилади. Шунинг ҳаммаси бизнинг бир оғиз гапимиз билан бошланади. Кўз олдингизга келтиринг, таваккал қилиб бўладими?!

Бошлиқнинг шу гапидан кейин бир фикр келди миямга: борди-ю разведкамиз Туяқудуқда саноат занаси борлигини аниқлаганида ҳам, хулосани тасдиқлашга барибир бу одамнинг юраги дов бермас экан. Бундан кўра унинг учун «йўқ» дейиш минг марта осон.

— Биз фақат Туяқудуқдан воз кечиш ҳақида рапорт беришга шошмайлик деган талаб билан келдик, Ҳтоқ Хоназаров, — дедим.

— Талаб билан денг? — деб аввал пичинг қилди. Кейин: — Талаб сиздан, жавоб бериш биздан, шундайми? — деб ошкора кулди.

Мен бу илмий гапларга аралашинишга ҳаққим йўқлигини билиб жим ўтирган эдим. Лекин энди тилимга келганини қайтаролмадим:

— Аммо ҳозирча сиз жавоб беришга эмас, тезроқ рапорт беришга, жавобгарликни ўзингиздан соқит қилишга шошпасиз, очиги...

Ваҳобжон суҳбатнинг жанжалга айланишини истамасди, бу гал ҳам қўпол гапимга кескин жавобнинг олдини олиб, яна диққатни дафтарга тортди:

— Бу одамнинг қалбини гўзаллигига, хаёлларининг дадиллигига қойил қолиш керак! — деди у дафтарни икки қўлига олиб. — Уша йиллари, туя ўркачида, мешда сув олиб юриб, қуюнларда адашиб, ўтган асрдан қолган хариталар билан ўн беш йил йўлсиз кезиб, шу ёввойи саҳрони келажакда Бутун Иттифоқ кочегаркаси бўлади дейиш учун ҳам юрак керак эди. Бундан ташқари, у денгиз участкалари, Челекан қатламлари ҳақида кўп маълумот қолдирган. Миёнқалада иккинчи Боқу борлигини айтган. Урта ҳам Яқин шарқ газли қатламларнинг палеотектоник, палеографик қиёсий анализларини ишлаб бошлаган! Қорақум ва Арабистон платформаларининг структура жиҳатидан яқинлиги ҳақида кўп назарий фикрлар айтган. Дунёнинг бу районлари учун ягона қидирув методикаси ишлаб чиқиш проблемасига катта умид боғлаган.

— Биладан... — деди Хоназаров зериккансимон қўлини кўтариб, — сизлар бунинг романтикасига қизиқасизлар. Менда романтика йўқ акаси. Мен мутахассисман холос. Қизилқум менинг учун аввало геология объекти. Геология бўлса — аниқ фан, ҳисобкитоби бор, ҳисоботга қизиқ саргузаштларни ёзиб бўлмайди. Баъзилар бўлади, мана сизларга ўхшаган. Романтик геологлар ҳақидаги қиссаларни роса ўқиб олган, бу ерга келиб амалий иш ўрнига саргузаштлар, оламшумул ихтиролар ҳақида ўй суради, соф бир мутахассиснинг шаъни ҳақида ўйлаш эса хаёлига ҳам

келмайди. Ваҳоланки одам бизда энг қимматли капитал. Мен умримда биронта танбеҳ олган эмасман, таржимаи ҳолимда зигирча доғ йўқ, тушуняпсизларми шуни! — Унинг товушида беихтиёр ялиниш оҳанги пайдо бўлди, буни ўзи ҳам сезиб, дарров тузатишга шошилди, — мен сизлар билан гаплашиб, кенгашиб ўтирибман, маслаҳатлашяпман, лекин буюришим ҳам мумкин эди, биласизлар, менга шундай ҳуқуқ ҳам берилган!

— Ҳа, афсуски, — дедим мен.

Ваҳобжон энгимдан тортди. Хоназаров менинг гапимни эшитмаганга олди. Орага зил-замбил жимлик чўкди. Томоғи ўчган кекса чўпон кириб яна таъзим қилди.

— Вой-бўёв, қўнақтар, ишенгши қимизди! Жас биенинг сути-ғўй, жўлинг ўнгеди, боурим, иш.

Ваҳобжон чолга миннатдорлик билан жилмайиб, бир коса қимизни шимирди, томоғидан ўтганига қайронман.

— Бешотар сизникими, Раҳимжон ака? — деди у, қоронғи бурчакни кўрсатиб. Деворда осиглиқ турган ов милтиғини кўрмаган эканман.

— Ҳа, шусиз юрмайман саҳрога чиқсам, — деди Хоназаров гапнинг бошқа ёққа оққанидан сал энгил тортиб.

Лекин менинг фикримда гап бошқа ёққа оққани йўқ, мен ҳамон Хоназаровни ўйлар эдим. Ҳали бизни олиб келган шофернинг бургутни отган одам ҳақидаги гапи қулоғимда жаранглаб кетди. Ушанда бургутни кўрмай қолган эдим, у ҳозир келди кўз олдимга: ана у, саҳро осмонининг ҳукмрони, тиниқ юксақларга, учаётган жойида бақувват қанотлари бирдан шалвираб, ўткир кўзларини хира парда қошлаб, мағрур боши тўшига эгилганча, чархпалак бўлиб кимсасиз барханлар орасига тошдай тап этиб тушди...

Экспедиция бошлиғи Ваҳобжонга ҳамма қудуқлар бўйича ҳужжатлар, таҳлиллар, ҳисоботлар тайёрлашни тезлатишни топшириб, кечга яқин Тўрамозорга жўнаб кетди. Уфқда қум ранг вездеходнинг қораси ўчгунча Жақинқудуқ лабида иккаламиз индамай туриб қолдик. Ваҳобжоннинг босиқлигига қойил бўлиб турганимда:

— Энди конторасига бориб рапорт ёзади, — деди бирдан тарашадек ловуллаб. Хоназаров кетиб бўлгандан кейин жаҳлга мингани қизиқ бўлди дўстимнинг.

— «Соф мутахассиснинг шаъни», «мен романтик эмасман», «таржимаи ҳолимда доғ йўқ». Гапларини қаранг! — деди тобора жиғи-бийрони чиқиб, — юрак йўқ, орзу йўқ, қанотсизман, ўрмалаб юрибман демайди! Мен у билан гаплашса бўлади, деб ўйлардим. Қўппа-қуруқ экан-а!

— Одамни орқаворатдан ёмонлаш яхши эмас, — дедим мен.

— Тўғри айтасиз... — деди Ваҳобжон тахта новдан юзига сув уриб, — лекин, йўқ энди олишаман мен у билан! Сиз эртагаёқ Тошкентга жўнайсиз, Тўғри Сафар Мажидовичнинг олдига.

— У ким?

— Тошкентда Қизилқумнинг икки соҳиби бўлса, бири — профессор Фаёзов, иккинчиси Сафар Мажидович Мажидов, менинг домлам; трест ҳам, институт ҳам, бошқарма ҳам шу икковининг оғзига қарайди. Таваккал, шундоқ бориб дафтарни қўлига тутқазасиз. Нима деса шу!

Ваҳобжон шунга қарор қилган бўлса, бунга катта обрўли олимлар аралашуви мумкин деб билса, демак иш жиддий. Менинг ҳам юрагим ҳовлиқиб кетди. Деқанам ҳам бир ҳафтадан бери чақириб, диплом чертёжларини талаб қилаётган эди, буни ҳам топшириб келаман. Тошкент! Онам!

— Айтгандай, Сўнагул-чи?

— Уни албатта ўзингиз билан бирга ола кетинг. Ҳамма воқеани бафуржа гапириб беринглар. Мен икки энлик хат ҳам ёзиб бераман. Узим борар эдим, эшитдингиз — бу ерда топшириқни бажариш керак, — деб жилмайиб қўйди Ваҳобжон.

Сўнагул билан! Сўнагул билан йўлга чиқишни орзу ҳам қилган эмас эдим. Ваҳобжон ақлли йигит. Ахир Сўнагулсиз бўлиши мумкинми бу иш! Кўксида, хотирасида яшириб, ўтдан, хатардан, исковчилардан, йиртқичлардан асраб қолган бу бебаҳо дафтарини чарм портфелга авайлаб солиб, академияга, профессорлар ҳузурига кириб бориш Сўнагул учун эзгу орзу эмасмиди ахир!

— Менга қаранг, Ваҳобжон, сиз ҳали Мадали Қосимовнинг Урта ҳам Яқин шарқ структураларининг қиёсий анализига, улар учун умумий қидирув методикаси яратишга қизиққанини гапирдингиз.

— Ҳа.

Бирдан хаёлларим узоққа кетиб қолди.

— Нима эди? — деди Ваҳобжон.

Мен Сўнагулнинг кутилмаганда концлагерда иттифоқчилар зонасига сотилгани, у ерда номаълум одамлар ундан мана шу дафтарни суриштиргани, кейин Макуэлл деган таниш бир америка офицерининг шу ишга алоқаси борлигини гумон қилганим ҳақида гапириб бердим.

— Улар Мадали Қосимовнинг, кейин эса мана бу дафтарнинг кетидан тушган бўлишлари жуда мумкин. Урта ҳам Яқин шарқ ва Араб саҳроларининг гази, нефти уларни кўпдан бери нотинч қилади... Лекин улар бу ихтирони ўғирлашолмасди. Чунки уни ҳаёт чоғидаёқ Мадали ақанинг ўзи билан бирга нобуд қилган эди фашистлар, — деди дўстим ўйчанлик билан.

Мен қўйнимга қўл солиб дафтарни бағримга маҳкамроқ босдим. У жонли нарсасдек туюлди бир зум. Қудуқ лабида Ваҳобжон билан тўлқинланиб узоқ хайрлашдим.

Шундай қилиб, эрта куз кунларидан бирида, Сўнагул иккаламиз Тошкентга келиб тушдик. Аэропортдан тўғри геология илмий текшириш институтини топиб бордик. Институт илгаригидай, бизнинг қурилиш факультетининг тўртинчи қаватида эмас, алоҳида янги бинога кўчган, зинапоясининг икки томонида чўкич ва китоб тутган икки ёш геологнинг скульптураси икки одам бўйи қад кўтариб, рўпарадаги майдонга тикилиб турарди. Коридорлар салқин, жимжит. Эшикларга «Мумкин бўлса, соат 2 гача безовта қилмасангиз», «Соат 3 дан кейин келинг» сингари ёзувлар михланган. Бу ишчан сукунатнинг салобати босаркан, биз оёқ учида юриб дарров қайтиб чиқдик: «Академик Мажидов касал эди, эртага хабар олинглар» дейишди.

Чиққунимизча шаҳарга ёмғир шивалаб ўтибди. Боғлар ювилган, ранглар тиниқ, барглар баҳордагидек покиза, нафаслар енгил. Бизга, айниқса Сўнагул-

га, бир неча ойлик сап-сариқ димиққан жазирамадан кейин бусалқин, мусаффо ям-яшил олам худди хаёлдагидай фусункор туюлди. Сўнагул неча йилдан бери умуман шаҳар кўрмаган, ўзининг ёшлик ва муҳаббат шаҳрини кўз олдида кўриб тургани унинг учун худди мўъжиза эди. Шу пайтгача унинг хаёли академик билан бўладиган учрашувда бўлиб, энди бугунча ундан юраги тинчигач, бутун борлигини азиз хотиралар ихтиёрига берди шекилли, таниш кўчаларда кўзларига ишонмагандай узоқ-узоқ тўхтаб қоларди. Бу кўчаларда кўп нарса ўзгарган, янги гулзорлар, даста фонтанлар пайдо бўлган, сердераза, юксак бинолар тушган, аммо юракка жиз этиб тегадиган хотиралар ҳар муюшдан, ҳар хиёбондан чиқиб, Сўнагулни топиб келишди, уни чулғаб олишди, енгил кўтариб кетишди. Сўнагул гўё ёнимда эмас, узоқларда, хаёл қанотида сузмоқда эди.

Мана ўша институт бульвари, кенг ёйилиб кетган зинапоя, пухта асфальт йўлкалар. Мадали аканинг қумга босгандек юмшоққина оёқ товуши қулоққа чалинади. Унинг камдан-кам жилмаядиган мардона юзи, юмшоқ кўз қараш, қўл сиқиши...

— Мана боғ кўчалар, эсингиздами...

— Ҳа...— деди қиз хотираларни чўчитиб юборишдан қўрққандай шивирлаб, Менинг қўлимни маҳкам ушлади. Мен унга ҳозир ўша хотираларнинг бир бўлагига сифатида қадрли эдим. Балки ўша концертимизни ҳам, най навосини, момақалдироқли баҳор оқшомини ҳам эслагандир. Эсладимикин?

— Мадали аканинг ёзувлари академикка ёқса-ю, китоб қилиб чиқаришга рухсат берса,— деб қолди мен кутмаганда Сўнагул. Худди китобни қўлида ушлаб тургандай, кафтига қараб қўйди:— Китоб! Шу йўлкалардан югуриб-елиб уйига қатнаганимда қўлтигимдаги папкада балки шу китобнинг рақамлари бўлгандир. У менга ёзувларини ҳам, ўйларини ҳам, ҳамма нарсасини ишонар эди. Ҳозир ҳам ишонади, биласизми...

Биз шаҳарни, ҳамма юрган йўлларимизни тўйиб айландик. Сўнагул қаерда ётиб қолишини ҳалигача сира ўйламаган экан афтидан. Менинг уйга таклиф қилишим унинг учун кутилмаган гап бўлди. У узоқ ўйлади... Уст-бошига қаради. Иккимизнинг ҳам эгнимизда

сақро тўзони сингиб, қуёшда куйиб кетган эски кийимлар.

— Бўлмаса, ақалли арзонгина бир туфли олиб кий, — деди Сўнагул менга савол назари билан қараб. Дўконда қимматбаҳо туфлилар ҳам бор экан. Чўнтагимда пулим етарли. Ҳаддим сизга, биттасини олиб берардим деган орзу кўнглимга келди. Лекин журъат этмадим. Сўнагул арзон бўлса ҳам, шинамгина, паст пошнанали бир туфли олиб кийди. Шунинг ўзи ҳам уни жуда ўзгартириб юборди. Яна бир амин бўлдимки, Сўнагулнинг ҳали очилмаган гўзалликлари, файзу фазилатлари битмас-туганмас эди.

Ойимга бир гижим рўмол олиб уйга жўнадик. Ёўчамизда Мадали аканинг ҳувуллаб қолган уйи Сўнагулнинг яна кўнглини бузар деб қўрққан эдим, йўқ, у уйлар ўрнига бутун квартални тўлатиб турган беш қаватли бино тушибди. Бизнинг ҳовлимиз ҳам унинг соясида кўримсизгина бўлиб қолибди.

Ойим Сўнагулни илгари бир-иккигина кўрган бўлса ҳам, қучоқлашиб йиғлаб кўришди. Мен хатларимда Сўнагул тўғрисида ойимга кўп ёзганман, у бизнинг орамиздаги муносабатларни билади. Шундай бўлса ҳам худди келинидай қучиб, бўй-бастига қараб тўймай, рўмол остидан тўзғиб чиққан оқ сочларини тузатишни ҳам унутиб атрофида гиргиттон бўлар эди.

— Заб келибсиз, болам, ажаб қибсиз...

Товуши қалтираб кетди. Онагинамнинг мушфиқ, мунгли товуши. Мен унинг ёлғизликдан нақадар эзилганини шу зум юрагимда қаттиқ дард билан сездим. Уйда кўп нарса ўзгарган, файзли, озода, янги ипак дарпардалар, электр чойнак, тошойна... Лекин ёлғизликнинг киши руҳини эзувчи шарпаси ҳукмрондек эди.

— Қоммунал уйга кўчишингиз керак экан, ойи; — дедим.

— Қисташди, мана бу беш қаватли уйга кўчинг-чи кўчинг деб. Уч хона экан, деразалари осмондек. Нима қиламан сўққа бошимга, болам. Менга нима керак? Ана юборган пулинг ҳам шундоққина турибди.

Ойимнинг аччиқ гиналарини тушунар эдим. Дастурхон устида Ҳурихоннинг Мирзаҷўлга кетиб қолганини гапирди, бу гапиди ҳам «у шўрликни сен ноумид қилдинг» деган қудрат сезилди. Буни англадим, ўзимнинг кўнглимдагини англатишга ожизман. Мен ўзим

ҳам англаб етмайман қалбимдаги ҳисни. У баҳорги баргдай майин шивирлаб менинг дилимда қачон тилга кирди? Уша узоқ йиллардан бери томир ёйиб келмоқдами ёки гунчадек бирдан очилдими? Сўнагулнинг рад жавобидан кейин у ҳисни яна аллалаш керакмиди — билмайман; лекин уни бўғиш тўғрисида ўйлаганим йўқ, у ўсмоқда, у менга нафас олишдай зарурат бўлиб қолди. Саҳрода ҳам Сўнагулни доим кўргим келарди, юрагимнинг бутун кучи билан севгим келарди, ҳеч вақт бундай бўлган эмасман, кўтариб узоқларга олиб кетардим дейман хаёлимда. Ёнимда юрганида эса мен унинг бидагини ушлолмайман. Қўлларим маймуннинг қўлидай бесўнақай, узун кўринади ўзимга. Бир вақтлар — у севгимнинг гўдак чоқлари бўлса керак — мен Сўнагулни қучганман ҳам. Ҳозир эса журъат қилолмайман. Биламанки, бу ўринда қатъиятнинг ўзи, қайта-қайта изҳори ҳол ёки ялиниш-ёлворишларнинг ўзигина кор қилмайди. Муҳаббат — соф муҳаббатнинг ўзигина эмас экан шекилли. Бутун умр, барча ишларинг, йўлларинг, ниятларинг, ўтмишинг, келажакнинг — ҳаммаси шунинг ичида экан. Ўзигина бўлса бунга истаган вақтингда эришиш мумкин бўлар эди. Эскилар уни умр-савдоси деб бежиз айтмаган. Ҳозирги шоирлардан ҳам кимдир: у ҳаётнинг йўлчи юлдузи, унда гўзалликлар яратади, у, деб ёзган эди. Уни кўпинча бахт билан тенг қўйишади. Шунинг учун ҳам у чинакам бахт сингари шундай серзаҳмат бўлса керак...

Қизиқки, мен ўзим ҳам сезмаган ҳолда, Сўнагулнинг ҳаёти, унинг ўй-ташвишлари билан яшай бошладим. Танаси бошқа дард билмас, деган гап хато экан. Кўчада юрсам шаҳарни унинг кўзи билан кўраман. Кечаси ухлолмасам биламанки, у ҳам ухламаяпти, чунки иккаламизнинг бошимизда бир ўй. Ваҳобжондан қўл ёзмани олган кунидан буён жуда ўзгариб кетди. Ишга киролмай, саҳрода бошпанасиз, бировларнинг кирини ювиб юрган қиз гўё у эмас. Қандайдир масъул синов олдида турган сингари ҳаяжонда, кўзлари жонли, қорача юзи ичидан ловуллаб тургандай. Бу ҳолат менга ҳам ўтди. Яхши ухлолмаган бўлсам ҳам, эрталаб ичкаридан Сўнагул сочларини атир совун билан ювиб, чамадончасида авайлаб юрган кўк кофтасини дазмоллаб кийиб чиққанида мен ҳам ўзимни руҳан тенг ҳавосидай соф ва енгил сездим.

Институтга борсак профессор Мажидов бугун ҳам йўқ экан, уни институтга камдан-кам келади дейишди — Уйига борсак бўлмайдами? — деди Сўнагул менга қараб. Ҳурпайган қора сочларига кўмилиб кетган кичкинагина юзли секретарь қиз бу гапни эшитганида:

— Академик Мажидовнинг уйига-я? — деб, бизни оёғимиздан бошимизгача кузатиб чиқди. Шундай бўлса ҳам, биз ундан адресини сўраб ёзиб олдик.

Чиндан ҳам, Мажидовнинг уйини тошганимизда ўша секретарь қизнинг ҳайратли кўзлари эсимизга тушиб, зинада бир дам тўхтаб, бир-биримизга тикилишиб қолдик. Биз мамлакатда донг таратган, том-том китоблар ёзган, таржимаи ҳоли энциклопедияларга тушган бир олимнинг эшигини тақиллатмоқчимиз. Бироқ шундай салобат босган жойда Ваҳобжоннинг хати бизга далда берди. Ўттизтача газета-журналнинг номи ёзилган почта қутиси ёнидаги садаф тугмачани секин босдим.

Очиқ ёқали оқ кўйлак кийган, қуюқ қошларига оқ тушган, қирғий бурунли, ияклари сергўшт ва бақувват, лекин жуда кекса бир одам эшик очди. Кўзини қисиб қаради-да, адашиб эшик қоққанлар деб ўйладими, совуққина сўради: «Хизмат?» Сизда ишимиз бор эди, деганимизда ҳам уйига таклиф қилмади. Унинг кексаларга хос, букчайган гавдаси ҳам, заиф, синиқ товуши ҳам, оёғидаги юмшоқ чуваги ҳам тоби йўқлигини кўрсатиб турарди.

— Мен ҳамма шогирдларимни танийман... — деди у, — шундай танийманки, хасталигимда безовта қилишмайди, келишса ҳам «иш» билан эмас, гул билан келишади.

Тамом, иш расво бўлди, энди орқага қайтишдан бўлак чора қолмади шекилли.

— Биз... биз шогирдларингиз эмасмиз, биз мана шу қўл ёзмани... мана бу хатни... — деди Сўнагул охириги умид билан.

Профессор кўкрак чўнтагидан кўзойнак олиб тақди. Хатни очаркан, ўзимизни энди кўргандай юз-кўзимизга, уст-бошимизга тикилиб қолди.

— Сизлар... даладансизлар?! — деди бошини қия қилиб, бармоғи билан бизни туртиб кўрсатаркан.

— Саҳродан, Қизилқумдан келдик.

У бирдан эшикни очиб, иккаламизнинг орамизга

кирди-да, билакларимиздан ушлаб ичкарига тортиб қолди. Биз кираверишдаги диванга омонатгина ўтирдик. У Ваҳобжоннинг кичкинагина хатини ўқиб, бошини кўтаргандан кейин бизни кўрди-да:

— Йўқ, йўқ, йўқ!— деди, яна бўлларимиздан ушлаб, ичкарига, катта ёруғ хонага бошлади, ялтироқ тўгарак-стол атрофидаги юмшоқ курсиларга олиб бориб ўтказди. Профессор бир зумда бутунлай бошқа одам бўлиб қолган эди. Қадди тикланди, овози тетиклашди, оқ тушган бароқ қошлари остидаги кўзларига жон кирди, буфет ойнасига қараб орқасида озгина қолган сочларини текислаб қўйди:

— Туяқудуқ денглар? Ҳа-а, Туяқудуқ... Туяқудуқ...— дер эди у ўзича шошиб-пишиб буфетда бир нималарни жиринглатар экан. Кейин ивирсиганча столга вино ҳам қадаҳлар келтириб қўйди.

— Ўзим ичмасам ҳам, даладан келган ҳар бир одамга жиндак қуйиб бермасам кўнглим ўрнига тушмайди,— қўллари сал қалтираб, алвон винони икки қадаҳга лим-лим қуйди, демак, Туяқудуқнинг ўзидан? Сиз ким бўлиб ишлайсиз? Верховой. Жуда соз. Сиз-чи?

Сўнагулни бундай ўзини йўқотганини сира кўрмаган эдим. У қадаҳдаги винодай қип-қизил бўлиб нима жавоб беришни билмай ўтирганида ҳозир сергаплиги тутган профессорнинг ўзи кулгига олиб ора кирди.

— Ким бўлсангиз ҳам мана шу саҳройи йигитга муносибсиз, олинг!— деди у. Сўнагул яна ҳам гул-гул бўлиб кетди.

— Сўнагул лаборант... эди...— дедим мен «эди»ни ичимга ютиброқ. Профессор бизни қистаб ичирди, ўзи ошкора ҳавас қилиб лабларини ялаб қўйди.

— Мутлақо ман қилишган, мутлақо...— деди у кўкрагига қўлини қўйиб, гўё биз ичинг деб қистаётгандай.— Қон босими, падарига лаънат, гипиртон, Болимоннинг тили билан айтганда, гипиртон.

— Устани танийсизми?— дедим ҳовлиқиб.

— О, уста Болимон қирқ йиллик ошнам, ўн беш йил олиб юрган мени саҳро йўлларида. Лекин у ҳамон ўша йўлларида-ю, мен қолиб кетдим.— Кекса олим ўрнидан оғир туриб, китоб тоқчаси устидан кичкина рамкадаги суратни олди. Суратда отасидай бароқ қошли ҳарбий йигит кулимсираб турарди.— Мана у ҳалок бўлганидан буён далага чиққаним йўқ... Докторлар

рухсат беришмайди, — унинг овози яна синиқроқ эшитила бошлади. — Ҳозир сиздек бўларди. Нечага кирдингиз?

— Йигирма тўққизга.

— У ўша узоқ йилларни кўрмоқчи бўлгандай қаради менга. Чол чиндан хаста, зайф эди, кекса кўзларида аллақандай ушалмаган армоннинг ҳасратли белгиси сезилди.

— Болимон қалай, тетикми ҳали?

Мен устамнинг ғайратини, ишларини, бўрон кечасидаги қаҳрамонлигини гапириб бердим. Уйда, ичкариги хоналарда ҳам — столда, токчада, диванларда, шкафлар тепасида, деразада, бурчакда, полда — ҳамма жойда, китоб, гул, яна китоб, яна гул; ям-яшил ним соя ҳукмрон эди. Профессор бундан димиққандек ўрнидан туриб, қуёш чарақлаб уриб турган катта деразанинг пардасини очиб юборди.

— Қани, далада нима гап, Туяқудуқдан гапиринг! — деди орзиқиб. Назаримда, ҳозир у хаёлан бутунлай ўша жазирама бўшлиқларга кетиб қолган эди. — Ҳаммасини гапиринг! — деди икки қўли билан нягига таянганича менга тикилиб ўтириб.

Мен Туяқудуқдаги бутун аҳволни, саҳрода ўн етти ой ишлаб, энди ўша заҳматли пешана терини ҳам, сарфланган миллионлаб пулни ҳам, қудуқларни, орзуларни — ҳамма нарсани қум тўлқинларига топшириб кетишга мажбур бўлаётган одамларнинг оғир кайфиятини гапириб бердим. Экспедиция бошлиғи Хоназаровни тилга олганимда профессор ўрнидан туриб кетди. Фаёзовнинг мақоласини эслганимда у ёқдан-бу ёққа тез-тез, асабий юра бошлади.

— Шундай бўлишини билган эдим, — деди у кекса, титроқ қўли билан юзига қалққан намни артиб. — Ахир мен ўзим ҳам туппа-тузук бўлиб қолган эдим, врачлар институтга боришга рухсат беришган эди, аста-секин ишга киришиб кетган эдим. Мана шу мақола чиқди-ю йиқилдим. Яна кеча-ю кундуз докторлар қатнайдиغان бўлди. Кўзимни очсам — оқ халат. Қимирлатмай қўйишди.

Ажабо, дейман ичимда, битта мақола билан экспедицияларни тўхтатиш, манбаларни консервация қилиш, бировларни ораудан маҳрум этиш, бировларни оёқдан йиқитиш мумкин экан.

— Оғайнимнинг номи улуг, — деди Сафар Мажидович профессор Фаёзов тўғрисида гапириб, — чунки ёшлигидан шунақа эди, минглаб, ўн минглаб мақола ёзган, оқибати қаёққа олиб боришини ўйламайди, шундоқ тепасида номи чиқса бўлгани. — Бирдан Сўнагулга қаради, — маъзур тутинг, қизим, бу орқаворатдан гапирилаётган ғаразли гап эмас, мен бундай гапларни ҳар мажлисда юзига қараб айтаман ҳамкасабамнинг. Шухратпарастсиз дейман. Мана оқибати! — Унинг товуши яна заифлашди, асабий юриб бўриб диванга ўтирди, ранги ўчинқираган эди. — Геолог... Геолог ер қатламини худди ўз танам деб билиши керак. Агар уни бекордан-бекор, ёки ноўрин тешса, тилса, ёхуд кўричакни оламан деб жигарни очса... оғрийди, болаларим, жуда ёмон оғрийди. — Унинг чиндан ҳам аллақаери қаттиқ оғригандай юзига азоб ажинлари қалқди. Мен пушаймон қила бошладим, балки унга бу гапларни айтиш керак эмас эди. Асосий ишимиз бу ёқда қолиб кетди, келибоқ дафтарни кўрсатиб фикр сўрамаймизми ёки қўлига бериб кета қолмаймизми! Энди нима бўлади? Юпатиб бўлмаса бу катта одамни...

— Қассоб бу Хоназаровларингиз, қассоб! Кўркаламуш ҳам ерни илма-тешик қилиб ташлайди. Унинг ишларига асосланиб фанний хулоса чиқариб бўладими? — деди профессор, кейин узоқ ўйлаб қолди, — энди бундай, ёшлар... ҳозир доктор келса сизларни бу ердан ҳайдаб солиши турган гап. Шунинг учун... қани бу Ваҳобжоннинг хатида айтилган қўл ёзма... нимади у ўзи, қани менга беринглар-да, иннай...

Сўнагул қўл ёзмани аллақачон тахт қилиб стол тагида, тиззасида ушлаб турган эди, профессор бу ҳақда гап очиши билан қўлига тутқазди. Сафар Мажидович дафтарни айлангириб боқди-да:

— Нега ёлгон гапирасизлар? — деди бизга қараб. Ҳайрон бўлдик. — Буни Ваҳоб юборган бўлиши мумкин эмас. Менинг шогирдларим ҳаммаси биладикки, қўлда ёзилган нарсани ўқимайман. Ваҳоб буни билмаслиги мумкин эмас.

— Саҳрода машинка йўқ, Сафар Мажидович.

— Геологнинг ҳамма иши дала-даштда, саҳрода битади. Аммо фаннинг ҳурмати бор. Бу аҳволида ўқимайман. Кимники ўзи бу?

Сўнагул умидсиз кўзларини менга бир тикди-да, ҳафсаласизлик билан энди дафтарга қўл узатган эди, профессор қўл ёзгани икки қўллаб ушлаб, бирдан ўрнидан туриб кетди, муқовасига узоқ қараб қолди. Кейин бошини кўтариб, кўзойнагини манглайига қўндириб, бизга тикилди:

— Мадали Қосимов?!

Биз ҳам ўрнимиздан туриб кетган эдик, баробар жавоб бердик:

— Ҳа, Мадали Қосимов.

Сафар Мажидович дафтарга яна тикилди, кучсиз бармоқларининг учи билан пешанасини силаб қўйди, дафтарни яна икки қўллаб маҳкам ушлади, ҳайрат, ҳаяжон, қайғу-алам, хотиралар, қувонч бирданига бошиб келди шекилли:

— Бу... қаёқдан?— деди ўзини йўқотган ҳолда,— у янглишмасам — 1943 йилда...

— Ҳа,— деди Сўнагул ва воқеани ярим-ёрти қилиб қисқа гапириб берди. Сўнагулнинг қўл ёзгани олгандан кейин қандай қилиб сақлагани, бир ёндириб бир тиклагани ҳақида ҳикоянинг сўнгини мен давом эттирдим. Бу вақт ичида кекса олим анча ўзини ўнглаб олди, кўзларига нурли ёш келди. У бирдан ёшариб кетгандай кўринди кўзимга. Сўнагулга яқинлашди-да, унинг бошини кўксига олиб:

— Балли, қизим...— деб шивирлади узоқларга тикилганча.— Балли, қизим...— такрорлади, икки кафти билан Сўнагулнинг бошини силаб. Кейин хонанинг дам у бурчагига, дам бу бурчагига бориб келди. Сўнагул чўғдай ёнганча бошини эгиб турар, назаримда шундай бахтиёр эдики, уй торлик қилаётгандай, ҳовир гўё Қизилқумга ҳам сиғмайдигандай эди. Кекса профессор иккинчи марта келиб бағрига босганида қиз энгидан рўмолчасини олиб ёноғини артди. Мен бахтиёр эдим. Сўнагулнинг гўзаллигидан бахтиёр эдим, унинг ёноқларини ёритиб турган олижаноб бир алабга менинг ҳам кўксимда лов этиб ёнди.

— У ҳалок бўлгандан кейин мен бамисоли қўлоёқсиз одамдай ногирон бўлиб қолдим...— деди Сафар Мажидович. У гўё Сўнагулнинг фақат ўзи учун сокин бир ҳикоя бошлади.

Мадали Қосимов профессор Мажидовнинг энг қобилиятли, энг ихлосманд шогирдларидан эди. У аспирант

вақтидаёқ сахролардан ҳар қайтганида профессорни кўп янгиликлар, тутилмаган фикрлар билан хурсанд қиларди. Сафар Мажидовичнинг оталиги билан, унинг иши ўша вақтдаёқ ўзининг аниқ йўналишини топган, унинг амалий маълумотлари, топган материаллари устозига катта назарий хулосалар чиқаришга асос бўлган. Мадали акам ўз навбатида профессорнинг ҳар бир тахминини, ҳатто шубҳали хулосаларини ҳам ёзиб юрар экан.

— Мана шундай бўғжомда тўла блокнот олиб юрар эди,— деди Сафар Мажидович намланган кўзларида кулги чақнаб.— Кейинги йилларда Туяқудуқ районида тўплаган кўп қимматли амалий материаллари тартибга солилмаган, таҳлил қилилмаган эди. Кетиб қолибди. Мен экспедициядалигимда урушга кетиб қолибди. Ҳалок бўлганини эшитганимда... Тамом, дедим, менинг назарий хулосаларим пойдеворсиз қолди, нуради, йиқилди; ўғлим ҳам ўлгандан кейин, касалга чалиниб, ўзим далага чиқолмадим. Қанотим синган эди, қизим, тушуняпсизми. Ўшандан кейин Туяқудуққа шуҳратпарастлар, қўрқоқлар, ношудлар ёпирилди. Умримнинг муддаоси...— Унинг дам қуюқ, дам кексаларга хос ингичка бўлиб товланиб турган овози бирдан тинди, рангсиз бармоқлари дафтарни варақлай бошлади.— Азизларим, келибоқ гапни шундан бошласанглар бўлмасмиди, азизларим... Бу ўшамикан-а? Ушамикан?— У фикрини бир жойга тўплаёлмай, бошини бир силкиб, кўзини пирпиратди-да, бизга оталарча жиддий қаради:— Менга қаранглар, энди доктор келса сизларни албатта таёқ билан ҳайдаб солади. Пайқашимча, Паша хола аллақачон кетди докторга мени чаққани... Боринглар, боринглар, уч-тўрт кундан кейин келинглар. Сизнинг отингиз... Сўнагул-а, қизим?

— Сўнагул.

Профессор эгилиб қўлини ўпди.

Шаҳар кўчасидан акас дарахтининг титроқ соясини босиб, иккимиз ҳам шошиб, гап-сўзсиз, ҳаяжонда уйга қайтарканмиз, Сўнагул ҳамон ўша қўлини кўксига босиб, иккинчи қўли билан маҳкам тутганича кетиб борар эди.

«Уч-тўрт кун...» Бу уч-тўрт кун ичида мен диплом чертёжларим билан шуғулландим, институтга бориб ҳамма ишларимни битирдим, давлат имтиҳонларининг

саволларини, жадвалларини, қўлланмалар рўйхатини олдим. Сўнагул учун эса бу уч-тўрт кун бир неча йилдай туюлиб кетди. «Нима бўларкин, Аҳмаджон? Ўқи-яптимикан?» дерди ҳар куни; ўзи уйда яшашга ҳамон кўниколмасди, сув ичганида пиёлада қолганини ерга тўкмай, пақирга элтиб солар, кейин эсига тушиб қаҳ-қаҳ отиб кулар эди. Мен унинг бундай кулишини фақат урушдан олдин кўрганман. Унинг доим ҳаяжондан ним ранг бўлиб, ойимнинг парваришидан сал тўлишиб қолган юзлари ҳам ўша даврдагидай баъзан балқиб кетар, бундай пайтларда мен дарров ўз хонамга кириб, муздек деворга суянганча алламаҳалгача туриб қолардим. Унга «бундай гап»ни гапирмасликка сўз берганман. Наҳотки ваъдамда туролмасам. Унга яна беихтиёр бирор нарса деб чўчитиб қўймасайдим. Уйда қийин экан: ёнма-ён туриб, ҳар зум кўриб, доим шунини ўйлаб қийналиш... Одамлар орасида тузук, диққатинг ёзилади, ишга алақсийсан. Тезроқ жўнаш керак саҳрога. Профессорнинг фикрини элиш керак-да, жўнаш керак. Ваҳобжоннинг ёнига. У ерда нималар бўляпти экан? Хоназаров одамларни тарқатиб юбордим, қудуқларни қум босдим...

Тўрт кундан кейин Сўнагул билан Мажидовникига яна бордик. Эшикни сочлари оппоқ бўлса ҳам лорсиллаб турган юм-юмалоқ кампир Паша хола очди.

— Профессор йўқ.

— Қаердалар?

— Кетди.

— Касалхонагами?— деб юборибман. Миямга биринчи келган фикр шу эди.

— Қошқийди касалхонага бўлса,— деди Паша хола. Фартугини юзига тутиб йиғлаб юборди. Сўнагул билан биз тикилишиб гангил қолдик: наҳотки касалхонадан ҳам ёмон жойга...

— Қаёққа кетди, ахир, Паша хола?— деди Сўнагул.

— Ўша ёққа... Ҳеч кимга қулоқ солмади, докторлардан яширинча... Ҳаҳ, ҳалиги, нима эди... йигитлигидан буён гапирадиган бир жойи бор-ку.

— Туяқудуқ?

— Ҳа, Туяқудуққа.

Сўнагул қулоқларига ишонмагандай, кўзларини пирпиратиб бирпас турди-да, Паша холанинг йиғидан

қивариб кўпчиган юмалоқ юзидан чўпиллатиб ўпиб, зинадан югуриб тушиб кетди. Зўрға етиб олдим.

Мен уни маврудидан бурун қувонишдан эҳтиёт қилгим келарди. Бунинг охири хайрли бўлармикан? Профессорнинг соғлиги саҳрога дош берадиган эмас эди.

— Ўйланг ахир, бир гап бўлмаса шартта туриб саҳрога жўнармиди?— деди Сўнагул.

— Тўғри-ку... йиқилиб қолса-чи?

Уйда бизнинг бугуноқ саҳрога жўнашга отланганимизни кўриб, оймнинг юзига ажинларнинг тамгин пардаси тушди.

— Умрингни ўйла, болам, ахир токай...— деди у хафақол.

— Эсимни танигандан бери ўйлайман, ойи, умримни,— дедим.

У энди кекса эди. Кўнгилсиз гапларни ҳам ҳайиқмай тилга оларди.

— Умринг ўтиб кетяпти, болам. Пойга чопган отдек йўлда йиқилиб қолмасайдинг...— деб йиғлади.

Кекса профессор кўз олдимга келди. «Йўлда... Йўлда йиқилган тузук, ойи. Тўшакда ўлиш ёмон...» дедим ичимда. Бу фикр тасодифан миямга келиб, негадир кўнглимга маҳкам ўрнашиб қолди. Тамом ҳал этилган, бундан кейин мунозара қилинмайдиган қатъий фикрлар баъзида шундай бирдан туғилиб, бир умрга ёдда қолади.

Жўнайдиган кунимиз ўчакишгандай кузнинг зериктирадиган совуқ ёғингарчилиги бошланди. Кеча-ю кундуз эзиб ёққан ёмғир чолдеворларни нуратиб кетди, жилғаларга сел бўлиб келди, осмон очиладиган эмас, кундузлари ҳам худди шомдагидай қоронғи, кўнгиллар хира эди. Биз аввал аэропортда икки кун қолиб кетдик, кейин Тўрамазорда бир кеча дилдирадик. Базага на самолёт, на машина бўлишига ҳеч қандай умид йўқ эди: одатда «Як» қўнадиган шўрхок тақирлар ҳозир ботқоққа айланган, машина йўллари эса ювилиб кетган.

Разведка экспедициясига бордик. Қоронғи, лой, совуқ коридорлар ҳувиллаб ётибди. Бошлиқнинг кабинети қулфлоглиқ. Кадрлар бўлимнинг остонасида билагига қора энглик боғлаб олган бир хотиндан Хоназаровни сўрасак, икки бармоғини лабига босиб «тсс!»

деди, кўзини қия қилиб, коридорнинг нариги бошига сирли назар ташлаб қўйди.

Биз ўша томонга қарадик. Бухгалтерия эшигидан Хоназаров чиқиб келаётган эди. Мен унинг букчайганроқ гавдасидан танидим. Бўлмаса уни таниш қийин эди: оёқлари лой, соқоли ўсиб кетган, бирдан ориқлаб, қариб қолган, юзига яра тошган, ичига ботиб кетган кўзларини ердан олмас эди. У қўлидаги бир парча қозга тикилганча чиқиб кетди. Унинг бу аҳволига ҳайрон бўлганимиздан тўхтатишга ҳам журъат қилмадик.

— Шўрликка ачинади одам...— деди ҳалиги хотин.— Иши судга оширилармиш, олган ойлиги тўғрисида справкага келган экан.

— Ҳозир у бошлиқ эмасми?— дедик.

— Бее, мен сизларга нима деяпман! Бу Туяқудуқ ҳали кўп одамларнинг бошини ейди...

— Ким бошлиқ ахир? Экспедициянинг бошлиғи борми?

— Янги одам тайинланган, дейишади, ҳали рухсорини кўрганимизча йўқ.

Бу хотин бор гапни айтаётган бўлса ҳам, кекли, алақандай гаразли оҳанги менга ёқмади. Лекин гап ҳозир бунда эмас. Гап шундаки, демак — рапорт берилибди. Туяқудуқ ёпилибди, самарасиз миллионлар ҳисобланибди, иш судга яқинлашиб қолибди... Лекин одамлар нима бўлди, Ваҳобжон қаерда, профессор Мажидов қаёққа кетди? Энди орқага қайтиш керакми, базага бориш керакми, бориб у ерда нимани кўрамиз?

Аммо Сўнагул орқага қайтиш ҳақидаги фикрни яқинига ҳам йўлатмади. Уч кундан кейин перевалочнийдан машина келади дейишди, ўшанга қараб жўнадик. Перевалочнийга машина келса, демак ҳали Туяқудуқда жон бор...

Сўнагулнинг чйдамига, ўжарлигига яна бир марта қойил қолдим. Суяк-суягимизга нам ўтиб, йўлда ботиб, овқатсиз қалтираб қолганимизда ҳам Туяқудуқни, кекса профессорни гапирар, узоқларга тикилиб олдинга интилар эди.

— Туяқудуқ ёмонотлиқ бўлди,— дедим мен,— назардан қолди, бу аламли чекиниш, сарф, суд... шу хилда ёпилса, бир кун бориб, уни яна тиклаш ҳақида гапирадиган дов юрак топилармикан...

— Уша куни профессорнинг кўзларини кўрдингизми? — деди Сўнагул узоқларга тикилганча.

Ҳа, эсимда у кўзлар. Уларни кўрганимда Геннадий, Ашот, уста Болимон, Ваҳобжону Ниёзматлар кўнглимга келди. Бу чуқур, кекса кўзлар ўша дўстларимнинг қалбидаги, ер қатламларидаги хазиналаримизнинг сирли шуъласидан нурлангандек эди...

Лекин ҳозир қаерда у нуроний одам? Бу оғир йўлларда дармондан қолмадимикан?

Биз Тошкентдан чиққанзимизга саккиз кун бўлди деганда манзилга етиб бордик. Базанинг доираси жуда торайиб қолганини ҳисобга олмаганда, бу ерда ҳеч нарса ўзгармаган эди, ёмғирдан сўнг қорайиб кўринган кичкинагина палаталар шаҳарчаси тинч, ҳеч ким кўринмайди. Атрофга боқдим. Мен саҳро кузини кўрган эмасдим. Бу чексиз қум олами кузги захнинг захрини ютиб, ҳавони шундай мусаффо, сарин, енгил қилар эканки, машинадан тушиб кўксимни тўлатиб бир нафас олишим билан бутун йўл азоби-ю, гарди-ғуборларим чиқиб кетди.

Сўнагул ҳеч нарсага қарамай, тўғри вагон-лабораторияга югурди. «Кўча»нинг этагидан оғир ўрмалаб чиқаётган юк машинасини кўриб, мен ўша томонга қараб шондим... Биронта одамни учратиб тезроқ гап-лашгимиз, аҳволни билгимиз келарди.

Машинанинг кузовига босиб-босиб брезент палаталар ортилган эди. «Шаҳарчамизнинг ярми бу ёқда экан» дедим ичимда, юрагим орқага тортиб кетди.

— Нима бўлди? Нима қилиясизлар? — деб ҳансираганча югуриб борсам, кабинадан бошини чиқариб, илжайиб Ашот ўтирибди рулда: У ўзгариб кетибди, ёгинли куз ҳавоси манглайдаги қуёш доғларини ўчирибди, икки бети чиннидай тиниқ бўлганидан қошлари, устара тегмаган мўйлови қоп-қора бўлиб кўринарди.

— Нима бўлди? Туяқудуқ тугатилдими? — дедим мен кабина деразасидан қўл узатиб.

— Нега тугаркан, энди б-бошланади Туяқудуқнинг т-тарихи! — деди Ашот. — Қани, тез чиқинг бу ёққа. — У нариги томондан эшикни очиб газ берди. Уйлаб ўтиришга вақт йўқ эди, югуриб айланиб ўтдим-да машина зинасига бир сакраб, Ашотнинг ёнига чиқиб ўтириб олдим.

— Қаёққа?

— Уч марта сўради б-бошлиқ, қаёқда юрибсиз?

— Бошлиқ? Экспедициянинг янги бошлиғи-я? Шу ердами? Мени қаёқдан билар экан?— деб саволга кўмдим Ашотни.

— Ие, нега т-танимас экан! Ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми д-дейман?— Ашот ғайрати ичига сигмай, худди роҳат қилиб айлантирар эди баранкасини. Юк юмшоқ, тарақ-туруқ ҳам йўқ, чанг ҳам йўқ, қум ёмғирда шиббаланиб қотган, кабинада салқин шабада гувиллаб ўйнайди,— янги базага ҳар борганимда сўрайди: «Келмабдими?» «Келишмабдими? деб. Ўша сиз билан бирга келган г-геолог йигит-да, ах-хир!

«Ваҳобжон!» дарров келди миямга. Ваҳобжон — экспедиция бошлиғи. Бу бежиз эмас... Катта ўзгаришлар борга ўхшайди.

Мен тоқатсизланиб, дам орқага, дам Ашотга аланглай бошладим. Ашот ғириллатиб ҳайдамоқда, тепамизда палата брезентларнинг боғичли бурчаклари шамолда кўпчиб кузовга шалоп-шалоп уриларди. Сўнагулга бир нарса демай жўнаб қолганимга энди пушаймон бўла бошладим. Янги хабарларни эшитдимикан? Хурсандмикан? Унинг қувонганини кўргим келарди.

— Профессор Мажидов келдими?— дедим бирдан эсимга тушиб.

— Келди-да! Гап ш-шунда-да!

«Гап шунда» деганики, бошлиқнинг ўзгариши ҳам, Ваҳобнинг тайинланиши ҳам, базанинг янги жойга кўчиши ҳам, Ашотнинг кайфияти ҳам, умуман Туяқудуқнинг қайта туғилиши — Сафар Мажидовининг иши албатта. «Трестлар, бошқарма, министрлик — бари шу кишининг айтганини қилади» деган эди Ваҳобжон.

— Ажойиб чол экан!— деди Ашот профессорни кўз ўнгига кўриб тургандай завқланиб.— Уста Болимонни ёнидан қўймайди, ёшлигида оғайни тутинишган экан. Касал эдим, дейди далани кўриб, ёшликдаги из-изларимни топиб тузалиб кетдим дейди. Дала дер экан саҳрони, ғ-ғалати чол.

— Ҳукумат пул берарканми Туяқудуқни, давом эттиришга? Ахир илгари кўп пул соврилиб... Хоназаров ҳам судга тушганмиш... энди...

— Илгаригиси тамом,— деди Ашот, ҳавога крест тортди,— эндигиси бутунлай бошқа.— Унинг айтишича, профессор келибоқ ҳаммага илмий қилиб тушунтирибди. Илм бор жойда кўп пул ёнга қолади дебди. Газ билан сув контактининг энг юқори нуқтасини топиш формулалари, қатламлардаги босимни ўрганиш маълумотлари — бари пул, чунки энди шуларга асосланиб, қидириш, контурлаш, разведка пармалари солиш камайтириларкан. Биратўласи эксплуатация қудуқлари кавлаймиз, илгаригидай тахминлаб, пайпаслаб юриб, кўркаламушдай ерни илма-тешик қилавермасдан, жойини топиб бир неча парма солсанг — шунинг ўзи бас, дебди чол!

— Ҳозир кўч кўтараётганимизки...

— Ўтлаб кетиб қолган эканмиз-да, ҳи-ҳидига алаҳсиб,— деб кулди Ашот,— бутунлай бошқа т-томонда экан газнинг ҳавзаси! Ҳозир бораётган жойимиздаги д-дастлабки разведка қудуқларида тажриба эксплуатациясини бошлаб, қат-қатламлардаги газ босимини ўрганиш билан ҳавзанинг контурларини ҳам, запаснинг ўзини аниқ б-баҳолашга киришилади.

— Оббо Ашот-эй, олим бўлиб кетибсан-ку ўзинг ҳам!

— Профессор билан б-бошлиқни қудуқма-қудуқ олиб юравериб, ҳамма гаплари қулогимга қ-қуйилиб қолибди,— деди у бир оз ўнгайсизланиб.

Янги базанинг бир четидаги қадимий сардобалар ёнида гулхан ёнарди. Мен у ерда ёмғирда намиқиб қолган электрод пачкаларини қўрда қуритаётган Геннадийни узоқдан танидим.

— Кириг, дарров наряд олинг, жўнаймиз!— деди у мени қучоқлаб. Мовий кўзларида безовта қувонч ялтиларди. У ҳам жуда ўзгарган, илгариги ўсмирлик турқи йўқолиб, анча улғайган, ўзига ишонган жиддий йигит бўлиб қолган эди. Мен наряд олиб чиққанымдан кейин, бирга овқатландик; қавариб, ёрилиб кетган қўллари билан электрод пачкаларини бир лахтак брезентга авайлаб ўради-да, мени гаражга етаклади. Фургон машина тайёр турган экан, монтажчиларни олиб, тунга қарши йўлга чиқдик. Шундай қилиб бу ерда ҳам на Ваҳобжонни, на Сафар Мажидовични учратолдим. Сўнагул ҳам қолиб кетди.

Назаримда, бу ерда ҳаёт шундай бўлиб қолган эдики, бир жойда тўхтаб бўлмас, қандайдир бир бесабрлик кайфияти ўз домига тортар, одамлар ўзи билмас бир ғайрат ҳукмида, худди катта бир маърака арафасида тургандек, ҳамма тараддудда эди. Бу оқим мени ҳам бағрига олди...

Фақат уч ҳафта деганда, янги эксплуатацион қудуқ вишкасини монтаж қилиб бўлганимиздан кейингина базага бир қайтиш имконини топдим. Қайтмай иложим йўқ — Сўнагулни кўришим керак эди: у қайси аҳволда, кайфияти, иши, режалари қанақа. Ахир энди ҳаммаси ўзгариши, ҳаммаси бўлакча бўлиши керак...

Қайтиб келсам, база эски жойидан бутунлай кўчириб келтирилибди. Марказдаги иккита катта йиғма уй — идора билан лаборатория бўлса керак — томида антенна, пештоқлари байроқча ҳам алвон билан безатилган, узоқлардан кўриниб турар эди. У ерга яқинлашишим билан очиқ деразадан Сафар Мажидовичнинг чолларга хос хирқироқ овозини эшитдим. У рацияда уста Болимон билан бақириб гаплашмоқда эди.

— Ҳа, ҳавога учади, биродар, ҳавога учади! Қурумсоқлик қилманг, токи мен тўхтатмагунимча учаверади ҳавога! Босим ҳақида кунига тўрт марта маълумот берасиз. Тўрт марта! Эшитдингизми, уста? Приём.

Бирпас жимликдан кейин яна бошлади:

— Учинчи қудуқда перфорацияни ўзингиз ўтказасиз, шунга тайёрланинг, одамларингизни танланг. Приём.

Мен ичкарига кирдим. Ваҳобжон ҳам, Сўнагул ҳам шу ерда экан. Шовқин билан қучоқлашиб кўришишга бўлмади: иккаласининг ҳам жон қулоғи тахта тўсиқнинг нарёгида бўлаётган суҳбатда эди. Ҳаяжонли кўз қарашлари билан кўришдик-да, ҳаммамиз ҳам иккала чолнинг суҳбатига берилдик. Афтидан, узоқдаги бир қудуқда эксплуатация имкони бўлмаганидан, газни ҳавога чиқариб, босим ўзгариши ўрганилмоқда эди. Рацияда баҳс анчага чўзилди. Мен бу гапга унча туншунмай, беихтиёр Сўнагулга кўз қиримни солиб қўярдим. Лов-лов ёнар эди унинг юзлари. Енги шимариглик, клеёнкадан фартук тутиб олган, девор ёнидаги ёғоч скамейкада гилмоёга буланган ореометр, вискозиметр асбоблари сочилиб ётарди.

— Оббо Болимон тушмагур-эй, оббо Болимон-эй, — деб гўнгилаганча, қўлидаги қоғоздан кўз узмай, тўсиқ орқасидан Сафар Мажидович чиқиб келди. — Ҳамма чоллар ҳам шунақа қурумсоқ бўладими-а?! Худонинг бериб қўйган текин неъматини бўлса ҳам осмонга совургани кўзим қиймайди дейди. Увол эмиш, — профессор қари дўстининг соддалигидан ўзича қиҳқиҳлаб кулди. У сариқ нимча пўстин кийиб олган, орада гавдаси ҳаммамиздан кичик, букчайганроқ, лекин тетик. Лаблари қуруқ, юзининг териси юпқа, рангсиз, чаккасида тер томчилари йилтирар эди. Оқ тушган бароқ қошини кўтариб, Ваҳобжонга қараганда мен унинг ҳорғин кўзларини кўриб, тўшакда ётган касал одамнинг бу ерларда қандай юрганига ҳайратда қолдим.

— Менга қаранг, бошлиқ, — деди у Ваҳобга бармоғини кўтариб, — илгари планлаштирилган тафсиллий разведка, пармалаш, бу йўлсиз районга юк, ускуна ташиниш, транспорт, иш ҳақи, одам кучи — ҳаммасининг ҳисоб-китобини тайёрлаш керак. Бунинг ҳозир ҳавога учаётган газдан кўра ўн баробар қиммат эканлигини хали Болимонгагина эмас, яна кўпларга тушунтиришга тўғри келади. Тажриба эксплуатациясининг бу тури биринчи марта қўлланиляпти.

Профессор стол ёнига ўтиб ўтириб, кўзойнагини қаншарига қўндирди-да, рацияда ёзиб олган рақамларига узоқ тикилди, таққослади, ҳисоб қилди, қандайдир справочникларни титди. Китобларни унга столдан, жавондан Сўнагул олиб бериб турарди. У нима кераклигини Сафар Мажидовичнинг кўз қарашидан билар, гўё унинг ўнг қўлидай бўлиб қолган эди. Кейин кекса олим ғайрат билан ўрнидан туриб столга бир мушт урди:

— Ҳаммаси ўйлаганимизча кетяпти! Ҳаммаси...

Ғафат шу ўринда менга кўзи тушди. Гапини тўхта-тиб, пешанасини тириштириб, кўзойнагини кўзига тўғри-лаб тутди-да, стол ортидан чиқиб келди.

— Сен нимага индамай турибсан? — Ўнг қўлини менга узатиб, чап қўли билан Сўнагулни берироқ тортди: — Ушанда тўсатдан жўнаб қолганимни, мана, қизим кечирди. Сен-чи?

— Раҳмат, профессор... — дедим юрагим ҳаяжондан ҳовлиқиб. Мен унга, унинг мана шундай содда, ажойиб одам, улуғ ниятига фидокор, ғайратли, доно

одам бўлгани учун миннатдорлигимни нечукдир бошқачароқ билдиргим келади-ю, буни қандай қилиш кераклигини билмасдим. «Раҳмат» деган сўз буни изҳор этиш учун арзимас, кичик туюлди. Шунинг учун қўшиб қўйдим: — ...мени эсингиздан чиқармаганингиз учун.

— Эсимдан чиқмайди икковларингизнинг кириб боришларингиз... — икковимизнинг билагимиздан ушлаганча, юзларимизга қараб маънос жилмайди. — Сизлар менинг ажойиб шогирдимни топиб бердинглар. У ўлиб кетган эди, сизлар уни топиб келдинглар. У мени самарасиз ўтиб кетишдан сақлаб қолди. Муроди-мақсадимга етолмадим деб умидни узиб қўйган эдим. Йўқ, у мени оёққа турғизди. — Кекса олимнинг товуши пасайиб кетди. Кўзларининг таги қорайди. Унинг нақадар касал, қари, нақадар чарчаганлигини энди пайқадим. Лекин унинг касалга ҳам, қарилликка ҳам ён бергиси келмаганлиги сезилиб турарди. Чол давом этди. — У мени оёққа турғизди. Ҳа, айтгандай, биласизларми, — у ивирсиб стол тортмаларини тита бошлади, — биласизми, қизим, начальник, сиз ҳам беҳабарсиз. Мадалининг ўзи ҳам тирик! Мана! — у қутидан журнал олиб Сўнагулга узатди. Бу ўша профессор Фаёвнинг «Туяқудуқнинг истиқболи йўқ» деган мақоласи чиққан журналнинг бошқа янги сони эди. Биринчи бетни очиб билан «Туяқудуқнинг истиқболи порлоқ» деган сарлавҳага кўзимиз тушди. Авторнинг номи қора рамкага олинган эди: Мадали Қосимов.

Сўнагул титроқ бармоқлари билан варақлади. Ававал икки бетча профессор С. Мажидовнинг кириш сўзи майда қора ҳарф билан терилган, кейин мақоланинг ўзи журналнинг ярмигача давом этади.

«Бир мўъжиза билан омон сақлаб қолинган бу хазинанинг тарихи узун...» деб бошланарди кириш сўзи. Лекин ҳозир буни ўқишга ҳеч биримизда қурб йўқ, ҳаммамиз ҳаяжонда эдик. Профессор ҳам буни пайқадди.

— Мана шундай... — деди бизни сал босиш учун хотиржам товуш билан. — Шу нусхаси сизларга, олинглар, ёдгорлик учун. Сизларга жавоб. — Ясамароқ ишчанлик билан соатига боқди. — Биз бўлсак, мана, начальник иккаламиз ҳозир бригадаларни рацияга чақирамиз.

— Бўпти, Сафар Мажидович! — деди Ваҳобжон ва менга қараб эшик томонга кўз қисиб қўйди.

Сўнагул отилиб чиқиб кетган эди. Гира-ширада унинг соясини узоқдан кўриб, югуриб етиб олдим. У журнални кўксига босганча бошини балад кўтариб кетиб борар, гўё осмонни қўнғироқ товушига тўлдириб, бутун вужуди билан ашула айтаётгандек эди.

— Аҳмаджон... Аҳмаджон, — деб шивирлади у мен етиб олганимни пайқаб, ҳамон мен томонга эмас, олдинга қараганча. — Мен бу нуроний одамга нима дейишим керак эди? Нима дейишни билмай, югуриб чиқиб кетибман. Яхши бўлмади. Маҳкам қучоқлаб, «отажон!» дегим келди-ю, негадир чиқиб кетдим, ёлғиз бўлгим, мана шу китоб билан ёлғиз қолгим келди...

— Тушунаман. Катта қувонч билан баъзан бирпас ёлғиз бўлгиси келади одам. Мен халақит бердим сизга. Сўнагул... табриклайман. Бу қувонч ҳақиқатан ҳам сизники. Бу дамнинг сиз учун қанчалик азиз эканини ҳаммадан кўра мен яхши тушунаман, Сўнагул.

У катта саҳро йўлида тўхтаб мен томон ўтирилди. База палаталарида чироқлар ёнган: қуюқ тун қоронғиси поёнсиз, уфққа ястаниб, узоқдан эшитилган ҳар бир товушни, машина гудоги, ашула, ит вовиллаши, ёшларнинг қий-чувларини сезгирлик билан юмшоқ, бағрига сингдириб турар эди. Юлдузлар йўқ.

Лекин менинг рўпарамда Сўнагулнинг бахтиёр кўзлари минг юлдуздай чарақлар эди.

— Тўғри айтасиз, — Аҳмаджон, жуда азиз... — деди у беҳосдан кўксимга бошини қўйиб. — Кейин бирдан ўзини тортди. Кулди. — Ғалаба куни шундай бўлган эдим. Таниш-нотаниш — ҳаммани қучиб олгим келаверди...

— Мени бўлса ўшанда ҳам қучмас эдингиз...

— Нега... нега ундай дейсиз, Аҳмаджон, — Сўнагул бошини кўтариб менга тикилиб қолди. Мен юмалоққина юмшоқ елкаларидан икки қўлим билан ушлаб бағримга яқинлаштирдим. У ўзини худди шодлик ҳисларига ишонгандай менга тўла ишониб топширган эди, назаримда. Пешанаси юзимга словдек тегди. Сал бошим айланди, узоқдаги кимнингдир майин ашуласи қулогимга аста тинди. Маҳкам ушламасам Сўна ҳам йиқиладигандай, гавдаси оғир, юмшоқ, иссиқ эди. Лаб-



ларини қандай топганимни билмайман, йиллар орзу қилган узоқ, оловли ўпичимни олдим... Қиз бўсасигина эмас эди бу. Бу — муҳаббат, ҳаётга муҳаббат, онаминг эзгу меҳри, ҳозир булут ортига беркинган юлдузлар, улуғ саҳронинг чексиз сарин ҳавоси, йўлларим, хотираларим, тилакларим — ҳаммаси бор эди шу бир бўсада...

— Сўнагул...

Қиз эгик бошини кўтариб, икки бармоғини лабимга босди. Чиндан ҳам ҳозир ҳеч қандай сўз шу зумдаги жимликдай чексиз мазмунни ифодалай олмас эди. Сўз бу нозик, бахтиёр жимликни чўчитиши мумкин эди холос. Биз узоқ вақт шу хилда, бир вужуддай бир-биримизнинг ҳароратимизни сезиб, жимликка қулоқ солиб, бир жойдан силжимамай турдик.

Унинг тўлқинланган кўксини мендан тўсиб турган журнал муқоваси шитирлаб, бир совуқ ўйни кўнглимга солди: борди-ю бу бўса бугунги қувончнинг бир ифодасигина бўлса-чи? Эртага бу қувонч одатдаги, ўтган воқеалардан бири бўлиб қолади. Севги эса йўқ...

Йўқ, бу даҳшат бўлар эди: мен бу хунук фикрни дарров қувдим кўнглимдан. Муздек пешанамни кафтим билан артдим.

— Сиздан саҳронинг ҳиди келади-я... — деди Сўнагул секин, бошини кўтармай.

Унинг товушида бундай сирли яқинлик, юракка юмшоқ тегувчи, ғалати илиқ оҳангини биринчи эшитишим эди.

Сендан-чи, жонгинам! Баҳор нафаси, бахт, қувонч эпкинни келади сендан. Сенинг нурунг билан тўлиқман. Узоқларни, саодатли йилларни, сенинг меҳринг билан файзиёб, равшан умр йўлларини кўрмоқда кўзларим!

Кўнглимдаги бу сўзларни англагандай, беш кўтариб, кўзларимга уятчан боқиб жилмайди. Сал титраган лабларида ширин, тўйиқ бўсанинг эҳтироси ҳамон ёнарди.

— Бир кун эмас бир кун... шундай бўлишини билардим, — деди у қўлимдан ушлаб йўл бошлар экан. Мен унинг елкасидан қучиб ёнма-ён юрдим. — Бу ерда биринчи учрашган кунимиз жуда қўрққан эдим... йигитлар ётоғида оқшом, эсингиздами?

— Нимадан қўрққан эдингиз?

— Қучиб оларсиз деб...

— Биласизми, Сўнагул, мен сизни хаёлимда бари-бир кучганман. Кўп марта.

— Ушанда ҳам?

— Ушанда ҳам, кейин ҳам...

У яйраб кулиб юборди. Мен ҳам кулдим. Сахро туни янграб кетди. Сахро туни, тим қора тун бу қадар соф, бу қадар майин!

Биз фақат менинг яхши кўрганимни гапиряпмиз, Сўна. Сиз-чи?

Сўнагул индамай, ёш боладай қўлини силтаб-силтаб қадам ташларди. Қат-қат қилиб тахланган қамиш нарамига етганимизда тўхтади. Саволимга шивирлаб жавоб берди:

— Мен ҳам... сизни демай, кимни дердим, Аҳмаджон...

Шу оқишомдан бошлаб мен ҳаловатимни йўқотдим, ихтиёрим ўзимда эмас эди. Узоқ қудуқларда ишлаганимизда ҳам кечасига бир баҳона топиб базага келаман. Ваҳобжон Сўнагулни лабораторияга ишга тайинлаган, у ҳам чирогини ўчирмай ҳар кечаси мени кутади, болалардай, қўл ушлашиб ўтираман, тонггача сахро кезамиз. Бир-биримизга ишимиз ҳам, ортиқ зарур гапимиз ҳам йўқ, бирга бўлсак, ёнма-ён юрсаж бўлгани. Қизиқ, шунча йўл юриш, шунча уйқусизлик бизни чарчатмас эди. Мен, кундузлари қайтага тоғни талқон қилгудек ғайратга тўлиб ишлардим, кечаси эса яна йўл, яна кезиш. Шу вақтгача қанча тунларни ухлаб ўтказганимга, Сўнагулсиз нафас олганимга ҳайрон бўламан. Сўнагул бор эди-ку ўшанда ҳам?.. Ҳа, бор эди, лекин энди у боргина эмас, энди у меники, ўзимники... Менинг Сўнагулим!

У билан ўспиринликдан буён бирга бўлган, шунча йўлни бирга босиб ўтган гўё мен эмас. Уни эндигина топиб олгандай юзларига, бўйларига қараб сира тўймасдим.

Шундай кунлардан бирида профессор Сафар Мажидов Сўнагулни олиб кетаман, деб қолди. Ҳа, бутунлай. Тошкентта, институтдаги ўз лабораториясида ишлаш учун олиб кетмоқчи. Дастлаб менга бундай бўлиши сира мумкин эмасдай туюлди, Сўнагул билан бошқа-бошқа яшашимизни тасаввур этолмас эдим. «Сизнинг йўлингиз бўлак, Сўнагул эса геолог бўлиши керак, ўқиши керак, лабораторияда, худди менинг

лабораториямда ишлаши керак, тушундингизми?» деди профессор. Мен унга турли важлар пеш қилиб кўрдим. Сўнагулнинг ҳужжати йўқ дедим, паспорти...

— Менга ҳужжат эмас, лаборант керак, шу қиз керак, Сўнагул керак, тушундингизми? — деди чол. Бу сафар «тушундингизми» деганида унинг товуши юмшаб сал ёлвориш оҳангига ўтиб кетди. Кекса кўларарида ҳам ўтинч аломати бор эди. Ёлғиз ўғлидан ҳам, энг яқин шогирди Мадали акадан ҳам жудо бўлган бу кекса одам Сўнагулдан оталик меҳрини уайб кетолмаяпти — мен буни тушундим. Сўнагулга ҳам у отадай бўлиб қолган эди, у ҳам измидан чиқолмади. Бир томони — катта илмий лаборатория, бундай олимнинг оталиғи — ахир булар Сўнагулнинг дилида ғамгин аллалаб, тилга олишга ҳайқиқиб юрган орзулари эмасмиди?

Сўнагулнинг кетишга кўнганлигида мантиқ бөр албатта. Фақат, бу мантиқдан яна севгига жабр. Севгили қалбга осон эмас. Яхши ҳам у оддий қалбдан икки баробар кучли бўлар экан. Бўлмаса, бундай жудоликка дош берадиган пайгим эмас эди...

8. АТРОФИНГДА БИРОВ НОЛА ЧЕКМАСА

Кекса саксовул танасини илдиридан қирсиллатиб қирқадиган саҳронинг изғиринли қорасовуқлари ўтиб, қум ранг эчкемар болалари чўтир сирти билан баҳор илиғини сезиб кунгайда кесакдай қотадиган пайтлар келди.

Такасоқол, ёвшан, саланг, каррак кўкариб, юлғунлар қип-қизил гуллади, оқмия ҳам заррин қўнғироқчаларини тақиб, офтобда товланиб тебранмоқда. Шундай пайтда мени институт давлат имтиҳонларига чақириб қолди. Бу маҳалгача Туяқудуқ саҳро қаъридаги жуда катта сирли газ денгизининг бир дарчаси эканлиги аниқланиб, бутун мамлакатнинг диққатини тортган, бу ерда ҳаёт янғидан гувиллаб, қадям сардобалар вайронаси ўрнига чиройли посёлкалар туша бошлаган, шаҳардан ўқдай тикка келадиган катта серқатнов йўл беҳисоб қувурлар, бетон блоklar, насослар, кранлар ортган платформалар ва юк машиналари билан неча-ю кундуз банд, газ жамғариш резервуарлари, ГЭС қурила бошлаган посёлкада

ҳовуз кавланган, клуб очилган, кўчат экилган, сан-монтаж лойиҳа конторалари очилган, ишқилиб жуда ажойиб даврлар келган эди-ю, барини ташлаб кетишга тўғри келди.

Агар Сўнагул ёнимда бўлганда ҳар қандай ўқишу имтиҳонлардан ҳам воз кечиб, шу ерда бутунлай қолгим бор эди. Лекин ортиқ чидамим қолмади. Уни ўйлайвериб ориқлаб, қорайиб кетдим, силлани қури-тадиган оғир соғиниш ҳисси гўё вужудимни куйдирган эди.

Авжи баҳор палласи бир совуқ тун адашиб келиб, тонгда ғайри табиий даражада оппоқ, энгил, юққа қор тушган эди. Тошкент аэропортида энди лаб очган атиргул гунчалари садафдай оқ омонатгина қор пардаси остида сўлмай, берубор, сарин, соф рангда тебранарди. Энг сўнгги тасодифий қор совуғини енгаётган бу нозик, чўғдай-чўғдай гунчалар, уларнинг баҳор кучига ишончи, соф ҳавога энгил таралган сезилар-сезилмас хушбўй атри кўнглимдаги бутун ғуборни бирдан кўтариб юборди. Бирдан шундай туюлдики, нимаики бўлиб ўтган бўлса — ҳаммаси яхши кўриниб кетди: кутилмаганда Қизилқумга жўнашим ҳам, у ердаги пасту баланд воқеалар ҳам, Сўнагулни учратишим, Туяқудуқнинг бир хазинадай очилиши, севгимни топишим, мана ҳозир қайтиб келишим, имтиҳонлар, онамнинг орзиқиб кутиши — ҳаммаси-ҳаммаси яхши, мантиқли, хайрли. Менга қолса биронтасининг бошқача бўлишини истамас эдим ҳам. Ҳаммасининг тожи — албатта, Сўнагулни яна бағримда кўришим. Ҳозир у ҳам ўзини қаёққа қўйишни билмай мени кутаётгандир. Имтиҳонлар қачон бошланишини, кўкламда менинг албатта қайтиб боришимни биледи, фақат бугун келаётганимдан беҳабар.

Аэропортдан чиқаверишда совғалар дўконига дуч келдим. Капалак қанотидек шойи дуррачалар, тилла буюмлар, шода-шода қаҳрабо маржонлар, фируза кўзли узуклар. Барини кўк чироққа солиб қўйибди, кўзларим қамашиб кетди. Ойимга, узоқ ўйламай, бир кийимлик атлас олдим. Сўнага-чи, Сўнага нима олсам экан? Унга биринчи совғам. Энг қимматли, энг чиройли нарсани олишим керак, деб ўйлардим. Ёқут тошли исирғага кўзим тушди. Унинг Сўнагулнинг қулоқларида ўтли томчидай ёниб туриши кўз олдимга келиб кет-

ди-ю, юрагим дук-дук ура бошлади, аллақанча пулни қандай санаб берганимни ҳам билмайман.

Эски ҳовлимиз бузилиб, ойим куздаёқ ўзимизнинг боғ кўчага тушган тўрт қаватли янги бинога кўчиб чиққан эди. Учинчи қаватга югуриб чиқишим билан очиқ эшикдан кўм-кўк дарпардаларга дазмол босаётган ойимни кўриб тўхтаб қолдим.

Эғнида ўша эски кўкрак бурма кўйлаги, этагини липпасига қистириб, енгини шимариб олган.

— Болагинам! Йўлингда қолди-ку кўзларим... — деб бағримда йиғлаб юборди. Назаримда ойим бу данғиллама уйда яна ҳам кичкинароқ бўлиб қолган, сочининг оқи яна ҳам кўпайган, лекин юз-кўзида дил шуъласи балқиб турарди.

• — Ойи! Нега йиғлайсиз-а, нега йиғлайсиз! Мана мен бўлсам бутунлай келдим. Энди ҳамиша бирга бўламиз,

У ёшларини артиб, ўша таниш, ажойиб нурли кулгиси билан юзимга қаради-ю, кўз ёшлари ҳамон тинмас эди.

— Уйлар муборак, ойижон!

— Сенга буюрсин, болам.

Уч хонали, шифтлари баланд, катта-катта деразалар ланг очиқ. Пастда, хиёбондаги қайрағочларнинг учлари эндигина барра бўлиб кўкарган. Мен ўзимни чексиз тиниқ, баҳаво осмон қўйнида ҳис этдим. Тунги тасодифий қордан қолган кичкинагина бир тўда оқ булут уфққа чўкмоқда, зангори кўк гумбази шуўлага тўлди, кун исий бошлади.

Худди шу осмон сингари тиниқ ваннада чўмилиб, негадир шошиб-пишиб соқол қирдим-да, очиқ ёқали оқ кўйлагимни кийдим. Ойим бўй-бастимга боқиб тўйма, мен бўлсам хонама-хона юриб янги уйимизни томоша қилган бўлардим, ўзим бир нима етишмагандай, безовта, бетоқат аланглар эдим.

— Келишингни Сўнага ҳам хабар қилмагандирсан?

— Йўқ, ойижон.

— Бирдан билса, болагинанинг юраги ёрилади-я. Кўзлари киртайиб қолди. Кунда келади, гиргиттон бўлади, ишингизга қарашай дейди, нимамага ҳам қарашади, ҳувиллаб ётган уй... Утирамиз она-бола сен бағри тошни тилга ололмай.

— Қаерда турибди, ойн?

— Бир отахоним бор дейди, ўшаникида. У ҳам сўққабаш экан, уйлари куни билан қулфлоглиқ туради, дейди. Гоҳо ўзини қаёққа қўйишни билмай қолади бола шўрлик.

— Унчалик эмасдир, Сўнагулга ўхшамайди бу айтганларингиз.

— Ўзи ҳам шунақа дейди, бундай эмасдим, зерикишу зориқиш нима, сира билмас эдим дейди.

— Ўзгарибдими?

— Ўзгарибди, болам, ҳа жуда ўзгарибди.

Шу гапдан кейин бутун вужудим билан толпиниб кетдим, сабрим тугади. Пиджагимни елкамга олди-му эшикка отилдим:

— Чойингиз қайнагунча топиб келаман!

Ойим индамасдан, бахтиёр жилмайиб, қувонч ёшларини фартугига артганча, плита ёнида тик туриб қолди.

Пиллапоядан югуриб тушарканман, иккинчи қаватнинг зина майдончасида Сўнагулнинг ўзига дуч келдим. Биз гап-сўзсиз бир-биримизнинг қучоғимизга отилдик. Унинг бағридаги ҳарорат ҳам, кўксини тебратган энтикиш ҳам, сочларининг ҳиди, бўйинининг майинлиги, қулоқларининг муздаклиги, нафаси — ҳаммаси менга азалдан танишдек, юракни ориқтирадиган даражада қадрдон, азиз эди.

Сўнагул нафасини ростлагунча ўзини четга олмади. Мен унинг нам кўзларидан ўпдим.

Оёғимиз тагида уч-тўрт яшар жажжигина бир қизча ҳалидан бери бизга тикилиб турган экан. Сўнагул уни икки қўллаб кўтариб, лўппи юзларидан чўлп-чўлп ўнди-да, жойига қўйиб қўйди. Қизча биздан ҳамон кўзини олмасди. Сўнагул хушчақчақ кулиб юборди. Биз етаклашиб зинапоядан югуриб чиқиб кетдик.

Сўнагул онам билан «ойижон!» деб кўришганида юрагим жиз этиб кетди. Дунёда менинг шулардан яқин, шулардан азиз кишим йўқ. Шу икки қадрдонимга қиттак қувонч етказолган бўлсам менга яна нима керак!

Сўнагулга тикиламан. Ойимнинг ёнида у ёш қизалоқдек. Кўзи киртайган эмас, юзи сал ориқлаб, қайтага ёшариб кетибди. Қоп-қора сочлари жұрпайган. Кўкси баланд. Узунчоқдан келган қорамтир юз-

лари тиниққан. Қорайиб пишган гилос рангидаги лаб-лари намдан йилтиллайди, ёнади. Унга ҳар қанақа кийим ҳам ярашавераркан. Сахрода туркманча тикилган узун, қизил кўйлак ярашар эди, энди бўлса бели ингичка, шапалоқ гулли кенг бар юбка ярашибди.

— Сўна, — дедим нариги хонага имлаб. Эски тошойнанинг ғаладонидан яшил қутичани олиб совғамни қўлига тутқаздим. У кўзларимга ўтли меҳр билан қараб, икки қўли билан эҳтиётлаб очди. Синчалогини гажак қилиб, ёқут «томган» яшил барг шаклидаги исирғани бармоқлари учида олди. Шу кичкина ёқут тош қизлик қалбини ёритиб юборгандек, юзлари шуълаланди, юмалоқ қора кўзлари катта очилди.

— Вой ўлай-ай!.. — деди аввал ҳайратда шивирлаб, кейин қичқириб юборди: — Ойижон, муни қаранг!

Иккаласи дам у қўлга, дам бу қўлга олиб, дам кўзгуга, дам ёруққа солиб, сўқланиб томоша қилишди, баргдаги ёқут «шабнам» худди ҳозир ерга томиб тушадигандай милтирар эди.

Сўнагул ёш боладай яна қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Вой, Аҳмаджон, энди нима қиламан? — деди у ҳам кулгили, ҳам ваҳимали овоз билан қичқириб.

— Ҳа, нима қилди?

— Ахир менинг қулоғим тешилмаган-ку, ойи!

— Вой ўлай, қулоғи тешилмаган қиз ҳам бўларканми? — деди ойим ишонмай.

Сўнагул исирғани қулоғига тутиб, ойнага солар, лекин энди кулмас, ўзига ўзи қандайдир маънос бoқар эди.

— Бўлар экан-да, ойи...

Шундай деди-ю, бу оддийгина гап юзига жиндек соя солиб ўтди. Мен билиб турибман, у оғир болалигини, сахро йўлларини, жанг йилларини ҳаёти қил учида турган даҳшатли кунларни, аламли, ҳаяжонли дамларни эслади. У бундай исирға тақийш, қизлик ҳуснини мағрур намоийш қилиш ҳақида ҳеч қачон ўйлаган ҳам эмас.

Ҳалиги қаҳқаҳа балки ёқут исирғанинг қувончи эмас, ўша йўлларнинг тўғри босиб ўтилганини ҳис

этиш қувончидир. Уша ҳис бўлмаса, исирганинг қувончи қаёққа борарди. У Сўнагулга ўз тақдиридан миннатдор эканлигини изҳор этиш учун бир баҳона бўлди холос.

— Раҳмат, Аҳмаджон, совғангиз учун, — деди у, кейин ойимга қараб кўзини пастга олди, — сизга ҳам раҳмат, ойи... Аҳмаджонингиз учун, — деди секин.

— Шу кунларга етказганига шукур, болам, — деб ойим меҳмонхонага чиқиб дастурхон тузашга банд бўлиб кетди.

Мен беихтиёр яна Сўнагулга интилдим. У икки кафтини кўксимга қўйиб, ерга қараганча ўйчан гапирди:

— Мен ўша вақтларда... ўша вақтларда сизни яхши кўришимни сира ўйламас эдим... Сиз ёнимда азалдан бордек эдингиз, бу табиийдек, худди шундай бўлиши керакдай эди. Одам қўлсиз қолиши мумкинлигини хаёлига келтирмагандек, мен сиздан ажралиб қолишимни ҳам сира ўйламас эканман ўша маҳаллар. Энди ўйлаб танам жимираб кетади: борди-ю сиз бўлмасангиз мен нима қилардим? Борди-ю, сиз бўлмасангиз, мен йўлимдаги азобларни енгиб ўта олармидим?!

— Сўнагул, жуда соғиндим, сиз билан узоқ-узоқ ёлғиз қолгим келади, — дедим мен унинг гапини эшитмагандай.

Жилмайган юзида бахтиёр ўй кезиб, бирпас турди-да, енгимдан тутиб меҳмонхона томон судради.

— Ойингизчалик зориқсангиз эди, ўшанда билардингиз!

Оқ дастурхонда бир даста иссиқ нон буғланиб турар, курсидаги гишт устида электр чойнак шарақлаб қайнамоқда, ойим паришонроқ бир ҳолда чинни пиёлаларни чайиб артар эди.

Нонуштада Сўнагул чойнак-пиёлани олдига олиб, кекса отахони — профессор Мажидовдан гапирди.

— Уйда чой қуйдирмайди, отам, ўчоқ бошига йўлатмайди. Сен лабораториянда хўжайинсан, бу ерда Паша холанг хўжайин, дейди. Лекин лабораторияда аямайди, иш билан кўмиб ташлайди, гоҳо кечалари ҳам ўша ерда қолиб кетаман. Шундай режалар тузадиларки, худди у кишини олтмиш саккизда эмас, ўн саккизда дейсиз! Баъзан ўз хаёлларидан ўзи

ҳам чўчигандек шивирлаб гапиради: «Москвага, Ленинградга олов берамиз, қизим! Ловуллаб ётган саҳроларимиз оловини. Тушуңдингми? Бу жуда эзгу иш, ҳа! Чунки биз бу шаҳарларга кўп қарздормиз». Мен унинг бу хаёлларига унча ишонмайман. Лекин у гапирганида тилим лол бўлади, эътироз билдиришга журъат тополмайман ўзимда. Баъзан мени кечаси уйғотиб, уйнинг у бошидан бу бошига юриб гапиради, шундай гапирадик... авваллари мен «наҳотки шу гаплар ҳавога учса» деб ҳайратда қолардим, ачинардим. Кейин билсам, йўқ, бу гаплар қоғозга тушар экан, баъзан столидаги қоғозларида худди ўша кечалари гапирган гапларини ўқиб қоламан. Китоб ёзиптилар! Илгари фақат Ваҳоб акадан келар эди ҳужжатлар, энди Қорақум, Қизилқум экспедицияларининг ҳаммасидан, ҳамма партиялардан, отрядлардан тинмай маълумот, материал келади лабораториямизга. Отам ўнлаб олимларни, трестларни, бошқармани паққос ташвишга солиб қўйди.

Сўнагул меҳмонхонамизни тўлдириб, дастурхон устида кичик оиламизга файз бўлиб, худди ич-ичидан нурга тўлиб ўтирар эди. Унинг кекса профессор тўғрисидаги гаплари мен учун ҳаётда зарур ва маҳкам ўрин эгаллаган Сўнагулнинг ўзи ҳақидаги ҳикоя эди. Ойим ҳам унинг қорача, ширин қўлларидан чой олар экан, «ўргилай, қизим», «камол топ, болам» дерди ҳар сафар юраги тошиб.

Ойим учун Сўнагул худди ҳаётининг бир бўлагидай бўлиб қолган, у ўрнидан қўзғалиб, кетишга отланса, ойимнинг ранги сўлғинроқ бир тусга кирарди. У Сўнагулни кунда келишга қистар, бутунлай кўчиб келишини таклиф этар, хонаси келганда ҳар сафар тўйимизни шама қилар эди.

Лекин ҳали иккаламизнинг ҳам ишларимиз шу қадар кўпки, бир-биримизга тўйдан оғиз очишга юрак қилолганимиз йўқ. Мен ҳар куни институтдан, давлат имтиҳонларига тайёргарлик қизгин, коридорлардан ҳар ўтганда юракни така-пука қиладиган жадваллар осиб қўйилган, қатнаб ўқувчиларнинг обзор лекцияларига кириб ўтиришга тўғри келади, консультациялар, зачётлар. Бир яхши иш бўлди — диплом лойиҳамнинг раҳбари билан яхшилаб танишиб олдим.

Борис Максимович ёшгина, баланд бўйли, юзи ошпоқ, юмшоққина малла сочли, хушмуомала киши экан. Ҳар қандай саволингиз бўлса уйимга келаверинг, деб адрес берди. Уйи бўлса ўзимиз турадиган корпусдан чиқиб қолди, фақат нариги томондаги энг охириги подъездан кирилар экан.

Институтимиз ҳам ўзгариб кетибди, ёнига, рўпарадаги майдоннинг нариги томонига тўрт қаватли янги корпуслар тушиб, эски бинонинг ҳаммаси фақат бизнинг қурилиш факультетининг ўзига қолибди. Студентларимиз орасида қоп-қора баданли араблар, ҳиндлар пайдо бўлибди. Баъзилари ўсмир боладек чуваккина, баъзилари катта ёшда, соқол қўйган, сочлари жингалак. Мен уларни биринчи кўришим эди, аввал ғалати туюлди, кейин қарасам — студентларимиз уларга жуда ўрганиб кетишган экан — ҳуда-беҳудага баҳслашиб, кураш тушиб, қизларимиз бўлса, бемалол қўлтиқлашиб юришибди.

Болалигимда шахримизда чет элни кўрган битта-ю битта киши — Ҳожи бувани зиёрат қилгани борганимиз эсимга тушиб, у даврлар жуда узоқ ўтмишдай туюлиб кетди. Биринчи кунлари мен бу ажнабийлар билан қовушолмай, беихтиёр ўзимни четга олиб юрдим. Ҳар ҳолда, чет эл, бошқа олам, капиталистик дунё одамлари...

Бироқ, замона экан, бир куни биттаси билан беихтиёр қаттиқ ошна бўлиб қолдим. Инглиз тилидан зачёт эди, жавобим сустроқ бўлиб, кўнглим тўлмайдан чиқиб келаётсам, вестибюлда болалар орасида турган қоп-қора, чайир бир ҳинди йигит менга қараб, хайрихоҳлик билан бошини чайқади:

— The comparative degree is formed with 'the help to-g', — деди у узоқдан жуда бурро инглиз тилида. Кейин ризиллаб менинг ёнимга келди-да, қўлтигимдан олди, чалароқ рус тилида менга тасалли бера бошлади. — Инглиз тилини дарсликдан ўқиб ўрганиш қийин, амалда, гаплашиб юриб ўрганиш осон дейишди. Шу тўғри бўлса керак. Мен бу тилдан дарслик борлигини яқинда, шу ерга келиб билдим. Инглизчани болалигимдан биламан, қандай ўрганиб кетганим

* Грамматика қондаси (инг.)

эсимда йўқ.— Бу йигит тилни чала билса ҳам, жуда сергап чиқди, — сиз ўрганиб кетасиз, фақат кам гаплашгансиз, билиниб турибди, талаффуз... Шундай дейдими?.. Талаффузингиз ёмон, қондани биласиз. Иштихонгача яхши бўлиб кетади, ҳар куни гаплашинг.

— Ким билан? — дедим кулиб.

У ўйланиб қолди: «О! Ким билан? Бу муҳим масала»... Кейин бирдан жонланиб кетиб:

— Мен билан! О, мен билан! — деди қўлини кўкрагига босиб. У новчароқ эди, мени қўлтиқлаб олиб сал эгилганча гапириб келяпти, йўлкада ўйнаётган болалар тўхтаб, бизга анқайиб-аграйиб қолишади.

— Йўқ, мен сизга қандай қилиб таклиф қилишим мумкин бундай... бундай ортиқча ташвишни? — дедим.

— Сиз эмас, мен таклиф қиламан, — деди у яна қўлини кўксига босиб, — мен. Бу менга қаноат, осойиш беради. Чунки бу ерда бизга ўн олти фанни ўргатишяпти, биз бўлсак... қарздор бўлиш, бировга бу қадар кўп қарздор бўлиш — ҳар кимга ҳам оғир, биласизми? Озгина бўлса ҳам хайрли иш қилгим келади. Йўқ деманг, мен сизга инглиз тилини яхшилаб ўргатиб қўяман.

У жуда самимий эди. Қўл беришдик, танишдик.

Мўтиллалнинг бармоқлари узун, қора, кафти қизил эди, аввал қисқичбақанинг панжаларидай хунук кўринган бу қўл энди менга эскидан танишдай илиқ туюлди. У менинг отимни биринчи бўғинига урғу бериб бир неча марта такрорлади: Аҳмад, Аҳмад...

Таклифини қабул қилганимдан Мўтиллал жуда қувониб кетди. Мен билан бирга магазинга кириб, янги олган чизмакашлик асбобларимни, қия столу ватман қоғозларимни кўтаришиб уйимизга кузатиб қўйди.

— Well, so long. Get ready. We'll speak only English.

— I agree. Good bye!*

Дастлабки икки ой ичида мен диплом лойиҳамни жуда берилиб ишладим. Ичкаридаги катта хонамизда бир неча стол даста-даста китоблар, чертёжлар, асбоблар билан тўлиб ётар, кундузи катта дераза ланг очиқ,

* Демак, кўришгунча. Тайёрланинг. Фақат инглизча гаплашамиз.

— Хўп бўлади. Хайр.

кечалари ўртада уч юз шамли чироқ катта қоғоз қалпоқ тагида столга тегай-тегай деб тебраниб турар, ўртоқларим келганда папирос тутунидан шифт кўринмай кетар эди. Баъзан ёлғиз қолганимда, айниқса кечалари, оғир масалалар, чигал жумбоқлар асабимни чарчатиб, иродамни енгиб қўяди, асбобларимни ташлаб қўйиб соатлаб бекор қоламан, бурчакдан бурчакка юраман, миям ишламайди. Юрагим сиқилади, нимадир етишмайди. Гоҳо беихтиёр ўйлаб кетаман! борди-ю агар шундоққина ёнма-ён хонада Сўнагул бўлса, унинг эҳтиёт билан шипиллаб юрганини эшитсам, аминманки, ҳар қандай чигал масала икки баробар енгил кўчарди. Уйда Сўнагулнинг йўқлигидан ойим бечора мендан баттар қийналади. Борис Максимович келса, унга ҳам шу дардини айтади, инглизча саломлашиб Мўтилал кириб келса, унга ҳам шуни гапирди. Бир куни лекциядан келсам, ойим уйда сандиқларини очиб, тўйга деб тўплаган қават-қават кўрпаларини ёйиб, келинга атаган тақинчоқларини кўз-кўз қилиб, профессор Мажидовга зорланяпти. Чол ҳам илгариги нокаста қуда-андалардай, жиддий қиёфада, бу сепларни оралаб юрибди, шойи сўзаналарни қўли билан ушлаб-ушлаб кўради денг.

Лекин бизнинг тўйимизда ойим ҳавас қилган карнай-сурнаю, маҳалла қозон, сеп ёйишу, ёр-ёр айтишлар бўлмади. Буни ҳар ким ҳар хил тушунтирарди. Биров: «Иккаласи ҳам етим нарса экан, бўлади-да», деса, биров: «Ҳа, энди бу янги уйларга эски гаплар ярашмайдиам, тўртинчи қаватнинг деразасидан карнай бўкириб турса ғалати бўлмайдими»? деб кулди. Ўзимиздан сўраганларга дам вақт зиқлигини, дам ортиқча пулимиз йўқлигини важ қилдик. Ишқилиб, катта дабдаба бўлгани йўқ. Сўнагул чамадонини кўтариб кўчиб келди-ю, иккинчи куни ўн-ўн беш қадрдонни чақириб хушчақчақ ўтириш қилдик. Лекин ўша ёз оқшоми бутун тафсилотлари билан ҳалигача кўз олдимда турибди.

Сўнагул этаклари ҳурпайган узун оқ шойи кўйлак кийиб, эрталабки тумандеккина оқ ҳарир шарфини бошига ташлаб олган, очиқ деразадан тўлқин уриб кирай деб турган чексиз, тиниқ, зангори осмон қўйнида худди оққуш сузгандай эди. «Менинг Сўнагулим! Менинг узоқ йўл босиб келган серазоб муҳаб-

батим!» дер эдим ичимда, унинг ҳаяжонли кўзлари-ни ердан олишини сабрсизлик билан кутардим. Столдаги қизил гулнинг шуъласи тушиб турган қадаҳни лабига тегизиб яна столга қўяркан, унинг техникумни битириб келгандаги ёшгина қизалоқ пайтлари ёдимга тушди. Кейин хаёл олиб кетиб, кўз олдимни аллақандай туман қоплади-да, шу лабларнинг қуруқшаб, ёрилиб, қон томиб тургани, оҳадан сочлари тўкилган, боши яра, ёноқ суяклари туртиб чиққан Сўнагул тиканли симлар орасидан кўриниб кетди. У кунларни эслашдан доим қўрқиб юрардим, борди-ю, ўша хўрликлар бор бўйи билан кўз олдимда бирдан жонланса, вужудимни титроқ босиб, анчагача ўзимни ўнглолмай қолишим мумкин эди. Ҳозир бу даҳшатли манзараларни дарров хаёлимдан ҳайдадим.

Бир маҳал қулоқ солсам, столнинг нариги бошида профессор Мажидов тикка туриб Сўнагул тўғрисида гапиряпти. Вазадаги катта гулдасталар орқасида унинг оппоқ боши зўрға кўриниб турарди. Бу талантли, зийрак қизнинг унга бир қимматбаҳо хазинадай дуч келиб қолгани, ҳозир катта илмий ишда ўзининг ўнг қўли бўлиб қолганини, геологияда унинг ажойиб келажаги борлигини узоқ гапирди кекса олим. Кейин новча Мўтирал ўрнидан туриб, бизга бахт тилаб қадаҳ кўтарди. Бу бегона одамнинг астойдил юракдан гапирганига таъсирланиб кетиб ойим Мўтиралнинг бошига янги чуст дўппи кийгизиб қўйди.

Мўтирал ўзининг қайиқ шаклидаги қора ҳинду дўпписини буклаб қўйнига соларкан, қоп-қора ёноғида, қирра бурнининг ёнларида нам йилтиллади. Унинг юзиде аллақандай оғир ўйларнинг сояси ёлқинланиб ўтганини ҳамма пайқайди. Йигит бир зум аллақасерини ўт олгандай безовталаниб, галати бўлиб қолди. Бош кийимини қўйнидан яна олди, узун титроқ бармоқлари билан жиягини чўзгилади.

— Мўтирал, нима бўлди сизга?

Мўтирал қайта ўрнидан турди, ҳамма унинг оғзинга қараб қолган эди.

— Ойи... — деди у оймга ўгирилиб, — бахтли она, мен сизнинг қўлингиздан дўппи кийдим. Мана бу ҳинду дўппи... — у чўғдай ёниб турган қора кўзлари билан ўзининг қора дўпписига тикилди, — бу менга жуда қимматга тушган. Бу бизнинг миллий нафсонияти-

мизнинг кичик белгиси. Инглизлар бизга буни кийишни тақиқлаган эдилар... — Мўтирал бирпас жим қолиб, давом этди. — Бундан икки йил аввал туғишган шаҳримнинг катта кўчасида китоб қўлтиқлаб коллежга кетаётган эдим, тўсатдан икки патруль чиқиб, мени тўхтатди. Елкаларида автомат, бошларида пўкак шлём, баланд бўйли англиз солдатлари. Рўпарамда индамай туришди. Мен бошимдаги ҳинду дўппини ечиб уларнинг оёқ остига ташлашим, кейин тиз чўкиб дўппининг ичига туфлашим керак, шундагина буларнинг ёнидан ўтиб кетишим мумкин, ҳинду дўппи кийганларга жазо шу, бутун Ҳиндистонда қоида шундай эди. Лекин мен ўша куни негадир индамай туравердим: «Хўш!» деди солдат. Индамадим, танам қизиб кетаётганини сездим. Ғазаб ўт олмоқда эди. «Хўш!!!» деб яна қичқирди солдат. Қоидага нечун амал қилмаяпсан, дегани эди бу. Мен яна индамай, зўр билан ўзимни босиб турдим. Солдат тарсаки урди, ерни туртиб кўрсатди. Мен «қоида»ни бажармадим. Бошимдаги янги дўппини етмиш яшар онам ўз қўли билан тикиб, бошимга кийгизиб қўйган эди. Мен унга туфлай олмадим. Ғазабимни тиёлмай, ҳалиги тарсаки урган солдатнинг юзига қараб туфладим. Шундан кейин нима бўлганини билмайман, қамоқда ҳушимга келдим. Сочларим қонга қоришиб қотган, билакларим кўкариб кетган, гавдамни бўйрадан кўтаролмас эдим...

Сўроқсиз, судсиз, қамоқда бир ярим йил ётиб чиқдим. Чиқсам онам бозорма-бозор бахшиш тилаб юриб, кўчада ўлиб қолибди... — Мўтирал яна жим бўлди, бошқаларнинг ҳам жим бўлиб қолганини кўриб, ўнгайсизланиб узр сўради, — мен бу дўппини ҳеч қачон, ҳеч нарса эвазига, ҳеч кимга бермайман, деб қўйган эдим. Аммо шундай соф туйғулар бор эканки, мен бу қароримдан қайтдим. Уни дўстлик эвазига тақдим этаман, — деди-да, менинг ёнимга келиб, ҳинду дўппини бошимга кийгизиб қўйди.

— Thanks friend, — дедим кучоқлаб.

— Wear it to your health.* — деди Мўтирал.

Тўй тўйлигини қилиб, Мўтиралнинг гамгин хотираси ҳам хушчақчақ кулгиларга кўмилиб кетди.

* — Раҳмат, дўстим.

— Омонликка кий.

Бу оқшомнинг унутилмас ҳодисаларидан яна бири шу бўлдики, мен Борис Максимович билан янада яқиндан танишиб олдим. У қадаҳни кўтарди-да, кутилмаганда ёрилиб, менинг диплом лойиҳамда жуда оригинал техник фикр борлигини айтиб қолди, катта умиднинг ушалиши учун ичдик. Кейин у менинг ёнимга ўтиб, катта, юмшоқ қўлларини елкамга ташлаб, дўстона гаплашиб ўтирди. У фан кандидати, кўп лойиҳалар тузган таниқли қурувчи инженер бўлса ҳам, ёши мен билан тенг экан, менинг лойиҳамга раҳбар сифатида эмас, касбдош сифатида қизиқиб қолганини, унинг ҳозир ишлаётган масъулиятли бир лойиҳасига менинг диплом ишим қандайдир ёрдам берганини гапирди. Мен унинг сал ошириб гапирётганини сезиб турардим, лекин сāmимийлиги руҳимни қалқитиб, қанотлантириб юборди. У билан «сенлашиб» гаплашишга келишдик. Кейин Борис Сўнагулни вальсга таклиф қилди.

Сўнагул хонани тўлатиб гир айланганида, оппоқ кўйлаги сувда ўсадиган нилуфар гулидай бўлиб ҳурпаяр, жиндак ичилган майнинг оромижон кайфи билан бошим ширингина айланиб, баъзан кўз олдим нуқул шундай нафис гулларга тўлиб кетгандай туюлар эди...

Шу лаззатли кайф, оламни шундай тасаввур этиш тўйдан кейин ҳам аримади, менинг кўнглимдан. Кундуз куни Сўнагул билан доим ёлғиз, доим бирга бўлишнинг вожини топардик. Кечалари лаззатли ҳарфинлик уйқуси бизни жудо қилса, мен ёнимда ётган Сўнагулимни туш кўрар эдим. У тушимда ҳам ўша нилуфар гул қиёфасида пайдо бўлиб, гўё ҳусни, атри, гуркираши билан бутун оламни тўлдирар эди.

Дам олиш кунлари энгил кийиниб болалардай қўл ушлашиб, шаҳардан четга, боғлар оралаб оққан анҳорни ёқалаб, тизза бўйи ўт босиб, узоқларга кетиб қоламиз. Мавж уриб ётган яйловларда ер бағирлаб кезган шабада бол тотли ҳавога қуёшда ҳансираган ўтларнинг талх ҳидини таратади. Тоғ этагида, гул ҳидига тўлган ялангликда варрак учираётган болаларга қўшилиб кетамиз. Ниёз деган ошнағизнинг жийда шожига чувалаб қолган ғалтак ипини олиб берамиз, юзимизни шохлар тимдалаб қонатиб юборади, биз куламиз.

— Ниёз — аччиқ пиёз! Ниёз — аччиқ пиёз! — деб

қичқиришади ошнамининг аламзада ўртоқлари. Биз яна куламиз. Ёмғирдан ҳам, болаларнинг гуппаклашишидан ҳам, тоғлардан, одамлардан, осмондан, ҳар манзарадан, ҳар нарсадан чексиз қувонч топар эдик. Биз қувончни бир-биримиздан топардик, ҳар кунимиз катта бир воқеанинг арафасидек, яна қандайдир катта қувончларни кутардик. Гўё ҳаётимиз доим шундай бўлган, бундан кейин ҳам фақат шундай бўладигандек эди.

Мен Сўнагулнинг олдида ўзимни ҳамон ибодатдагидай ҳис этаман, унинг бўсаларини эзгу биламан, институтдан қайтганимда гулдаста ола келсам, уни топширганда худди муаллимаси олдида турган ўқувчи боладай ҳаяжонланаман.

Биз ҳам энди катта рўзғоримиз. Қўшнилариимиз, оналаримиз, борди-келдимиз кўп. Лекин ойим Сўнагулни рўзғор ишига аралаштирмайди.

— Печка ёқмасам, сув қайнатмасам, киримни ювса машина, чангимни артса машина, нимамага қарашсан, болам, — дейди, — бора қол, китобингдан қолма, бу ишлар энди менга бир ҳавас.

Нонуштадан кейин почта келади. Мен газетани ёзиб, юмшоқ курсида бирпас ўтираман. Сўнагул келиб орқамдан қучоқлайди, мен унинг таниш ҳароратини, юмшоқ нафасини сезаман, соч толалари юзимни қитиқлайди. Газетадаги сарлавҳаларга кўз ташлаймиз, уйимизга Ватан, давр шабадаси кириб келади. «Болтиқ докида янги океан теплоходи сувга туширилди», «Самарқанд осори-атиқалари тикланади», «Курорт мавсуми авжида».

— Менга қаранг, Сўнажон, бир курортга ҳам бормадик-а? Нима кўрдик дунёга келиб? — деб гап сота бошлайман бекорчиликдан. — Макинтошингизни билгимга солиб денгиз бўйи хиёбонларида сизни бир қўлтиқлаб юрдимми? Йўқ. На сайлу томоша, на гўзал соҳиллар, на улуг шаҳарлар, на саёҳат... — Бўйнимда, елкамда Сўнанинг илиқ бармоқларини сезаман, қўлини маҳкам ушлайман. — Шундай бўлса ҳам-чи, барибир яхши. Мен шундоқ ҳам розиман. Сиз-чи?

— Мана буни қаранг! — дейди Сўна жавоб ўрнига газетанинг бир жойини туртиб кўрсатиб. — «Тунис ўз мустақиллигини қўлга олади». Қизиқ, бутун бир давлат, кеча йўқ эди — эртага бор, ҳозир улар нима қи-

лишяптикин? Ўз давлатларининг гербини ўйлаб чиқаришгаётган бўлса керак...

— Ҳаммаси хурсанд, ҳамма ёқ тантана!

— Ҳа, бугунги кунлари учунгина эмас, ҳойнаҳой, қонли кураш йилларини, баррикадалар ёнидаги ҳаёт-мамот дамларини ўйлаб, қувончга тўлишса керак. Одам энг оғир дамнинг энг бахтли дам эканини ўша пайтнинг ўзида ҳаёлига ҳам келтирмайди; кейин, оддий бир кунда ўйлаб-эслаб, бахтли бир ҳис сезади дилида.

— Сиз-чи, Сўнагул, сиз, мана ҳозир шу топда бахтли-мисиз? — сўрадим мен газетани йиғиштириб. Хотиним мени елкамдан қучганича оғирлигини гарданимга ташлаб орқамда тикка турар, мен ўтирган жойимда уни билагидан икки қўллаб ушлаган эдим. — Хўш?

Сўнагул ўйлар эди. Мен яна қисталанг қилиб:

— Хўш? — дедим. — Мана ёруғ уйларимиз, хўш... қаноат ҳисси, муҳаббатимиз, иш, ўқиш, диплом, ўз ўрнимиз, оила... Ҳаммаси бор...

— Уйни, дипломни гапирасиз... — деди Сўнагул паст, ўйчан товуш билан, — яқинда мен... кимсасиз, бир ўзим эдим, Аҳмаджон, ёлғиз! Эшитяпсизми, ёлғиз эдим! Энди бўлса, онам бор, отам, дўстларим, сиз, яна...

— Яна? Ким яна?

Мен ўрнимдан туриб кетдим. Сўнагул кўзини пастга олиб, кўксимга суянди. Унинг гавдаси оғир, юмшқоқ, иссиқ эди. Умуман, у тўйдан кейинги икки ой ичидаёқ тез ўзгариб, тўлишиб, бирдан савлатли, келбатли, дуркун жувон бўлиб қолди. Буни бошқалардан эшитиб юрар эдим, ҳозир бехосдан ўзим ҳам сездим.

— Сўнагул... — дедим шивирлаб, савол оҳангида. У кўзини ердан олмай, «ҳа» деб бошини силкиди. Юрагим ҳовлиқиб кетиб, унинг маъсум юзларидан такрор-такрор ўпиб олдим. Бундай пайтда хотинга нима дейиш керак — билмайман. Лекин унинг қувончли хабари менинг саволимга жавоб бўлди, унинг ловуллаган юзидан, нурли ёш билан йилтиллаган кўзларидан кўриб турибман. У бахтли! Сўнагул бахтиёр!

Шундай бўлса ҳам, бу лаҳзада шу қадар тўлқинланган эдимки, унинг ўз оғзидан эшитгим келди.

— Сўна, саволимга жавоб бермадинг, — дедим биринчи марта «сен»лаб. Бу билан унга гўё оналик ун-

вонини тақдим этдим. Лекин Сўна саволимга яна тез-да жавоб бермади.

— Биласизми, Аҳмаджон, — деди у энди кўзини ердан узиб, — одамнинг ўзига ўзи бахтлиман дейиши бир оз ўнғайсиз туюлар экан. Худди ҳамма иш бажарилиб бўлгандай, қиладиган иш қолмагандай... ноқулай бўлиб кетади.

Яна нимагадир Мадали Қосимов ёдимга тушди. Унинг брошюраси китоб тоқчамизда турарди, ёлғиз қолганимизда Сўнагул уни тилга олмасликка ҳаракат қиларди. Аммо Мадали акани кўпинча мен ўзим беихтиёр эсга тушираман. «Мен бахтлиман, қиладиган ишларим аниқ, менга ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди» деган эдим мен унга ёшлигимда. Шунда у бундай ўғит қилган эди: «Аввал ўша қиладиган ишларингизни қилинг, бахтлиман деб айтиш қочмас!»

Ҳозир Сўнагулнинг жавоби ҳам мени, худди ўша вақтдагидай, булутлар ёнидан ногоҳ ерга тушириб қўйди.

— Кечир, Сўна, шу топда жуда гулдек яшнаб турганинг учун шундай жўн савол тилимга келиб қолди, — дедим.

— Гул... — деди у, кулди, деразада очилиб турган гулнинг ёнига бориб, гул баргларига бармоғини тегизди, — гулнинг яшнаб очилиши учун ёруғ, иссиқ жой бўлса бўлгани. Лекин одамнинг тўла очилиши учун...

Шунда бир фикр биринчи марта кўнглимга тошдай келиб урилди: бизнинг ҳаётимиз бу хилда осойишта давом этиши мумкин эмас. Тўғриси, бундан аввал ҳам мен кўнглимда оғир бир нарса сезардим, бунинг нима эканини билмасдим. Сўнагул буни аввалдан билиб юраркан, ҳозирги гапидан сезилиб қолди. Ҳозир пайқадим — у ҳаётимизнинг ўзгаришини, ҳижронни, олдиндан сезиб, бунинг муқаррарлигини бир карра тан олиб қўйган бўлса ҳам, бундан доимо хавотир олиб юрар экан. Энди ёдимга тушяпти: ҳар имтиҳон топшириб келганимда табриклаб, бир қарашда қувониб, бўйнимга осилар, бирпасдан кейин эса аллақандай осуда, маънос бўлиб қолар, ниманидир яширишга урингандай туюлар эди. Ҳар имтиҳон ҳижронимизни яқинлаштиришини ўйлаб юрар экан назаримда.

Институтда қатнаб ўқийдиганларнинг давлат имтиҳонлари тугаб, ҳар куни тўп-тўп ёш инженерлар узоқ

қурилишларга жўнашмоқда, мен уйга келганда буларни гапирмасликка ҳаракат қиламан. Мўтиллал ҳам диплом олиб ватанига жўнаб кетди. Кейинги вақтда мен уни тез-тез эслайдиган бўлдим, тўйимизда айтган ҳикояси ёдимга тушади, келгинди солдатларнинг тепкисини еган, қора, ориқ баданлари кўкариб кетган, дўпписини кўксига босган, кўзларига ғазаб тўлган ўсмир, унинг кекса, тиланчи онаси кўз ўнгимда гавдаланади. Мен бундай хўрликни ўз бошимдан кечирганиман, бир паст махлуқнинг инсонлик қадрингни топтаганини кўриб туришдан ҳам кўра оғир қийноқ йўқ. Лекин мен буни бегона ерда, концлагерда кўрганман. Мўтиллал бўлса — ўз юртида. Бутун мамлакат — концлагерь... Уйласам сочим тикка бўлиб кетади. Қанча-қанча халқлар ҳали ўз юртида шундай кунга мубтало!

Ҳаммасини ўйлайверсам, оиламдаги осойишта ҳаловат ўзимга эришдай туюлади, қандайдир ғашлик чулғайди кўнгилни. Атрофингда инсон боласи бекорга хўрланмаса, ён-верингда биров нола чекмаса, шундагина тинч ётиб, тинч туради шекилли-да одам.

Сўнагулнинг отахони яна Қизилқумга жўнаб қолибди. Олтмиш тўққиз ёшида. Ойим буни эшитиб, менга хавотир билан қараб-қараб қўядиган бўлди. Уйга телиб қолганимда нариги хонада Сўнагулга шипшиганини эшитиб қоламан:

— Сафарни қўмсаепти бунингиз, қизим...

Бундай пайтда Сўнагул нима деб жавоб беради — билолмайман. Кўнглидаги бу ғашликни менга унча ҳам билдиргиси келмайди.

Диплом ёқлайдиган куним, менинг ҳаяжонимни бир оз босиш, фикримни чалғитиб бир оз дам бериш учун бўлса керак, Борис келди. У бугун ортиқча сергап эди.

— Фақат шу ўртоғинг доим хушчақчақ! — дерди. Ойим унинг ҳар келганида хурсанд бўлиб. — Бир бошини солиб ўтирганини кўрмайман.

Борис тўғри тўрга ўтиб, магнитофонни қўйиб юборди. Қилли асбоблар квартети ижросида байрам увертюраси очиқ деразадан чиқиб эрталабки сокин бульварларни янгратаиб юборди. Борис ҳуштак чалиб юриб, сочилиб ётган китоб-журналларимизни тартибга солар, деворда осиглиқ пейзажларга узоқдан бошини қийшайтириб туриб тикилар, дераза тагида очиқ ётган «Фа-

устдан бир неча сатрни баланд овоз билан ўқиб кўяр эди.

Кухняга, ойм билан Сўнагул ёнига чиқиб, қўйнидаги шампань виносини буфетга яширди. — Кечқурунга! — деди кўзини қисиб.

— Менга қара, Борис Максимович! — деб қичқирдим мен ичкаридан, — сен нима учун менинг ҳали ёқланмаган лойиҳамни кафедра мажлисларида тилга олиб юрибсан? Бугун шартта «йиқилиб», бутун кафедрангни шарманда қилайми?

— Оҳо, хотин плюс бутун кухняни электрлаштириш... — деди у ҳамон ўчоқ бошида ивирсиб, менинг гапимни эшитмагандай, — электроплита, холодильник, кир ювиш машинаси, соч қуритиш машинаси, шарбат сиқиш машинаси, идиш ювиш машинаси...

— Ҳаммасини ўзим олдим! — деди Сўнагул ёш боладай мақтаниб. — Энг сўнгги техника ютуқларидан тўла фойдаланиш керак-да.

Мен Сўнани кўрмасам ҳам тасаввур этиб турибман. У уйга файз бера олганидан жуда мамнун, сочлари чамбарак, устида оддий чит кўйлак, олачипор фартуқ, лабига сал қизил теккизган... Мен биламан ҳозир Борис унга қараб анқайиб турибди. Маҳлиё. У, назаримда, Сўнагулга худди менинг кўзим билан қарайди. Бу менга ёқади ҳам, рашкимни келтиради ҳам.

— Гапимга жавоб бермадинг-ку, Борис Максимович, — дедим мен яна қичқириб, — агар илмий раҳбар деган мансабингдан фойдаланиб илмий кенгашда ишимни мақташдан мақсадинг мени кафедрада олиб қолиш бўлса — овора бўласан!

Борис менга қулоқ солмай, Сўнагулга хушомад қилишини давом эттирди:

— Менга қаранг, Сонечка, икки жўжадан бундай мўъжиза ижод этишни қаёқдан ўргандингиз-а! — дерди у ниманидир чапиллатиб чайнаб. Сўнагул бўлса, ҳамма ёш келинлардек, мақтаган сари очиларди.

— Ҳеч гап эмас бу, Борис Максимович, жиндак мурч, жиндек сирка, иннайкейин...

— О рецепт биланми?

— Йўқ илҳом билан!

Иккаласининг хушчақчақ кулгиси эшитилади. Хиёбонда байрам увертюраси кезиб юрибди. Мен бўлсам хиёл маъюсман. Бугун институтда охириги куним, дип-

ломимни ёқлайман. Кейин нима бўлади? Қаерда, қандай ҳаёт бошланади?.. Борис буни ақалли тахминан бўлса ҳам билса керагу, индамайди. Бугунги сергаллигида бир ҳикмат йўқмикан? Лекин йўқ, йўқ, нима бўлса ҳам мен Сўнагулни ташлаб узоққа кетмайман! Бу сира, сира мумкин эмас...

Диплом лойиҳани ёқлаганда ҳам фикри-ёдим шунда бўлди. «Йўқ, сира, сира мумкин эмас!» деган хитоб ўйларимга келиб аралашар эди. Диплом ёқлашим аллақандай сирлироқ вазиятда ўтди. Комиссия столида мен танимаган одамлар бор эди. Улар лойиҳамга алоқаси бўлмаган ғалати саволлар беришди: «Болаларингиз борми?», «Қизилқумда қанча вақт ишладингиз?»

Уйга Борис яна мен билан бирга келди. Менинг шаштим наст, кайфим сустлиги билан гўё иши йўқ, бепарво эди. Сўнагул билан ойим мени остонада кутиб, табриклашди. Мен комиссия аъзоларининг лойиҳамга тариқчалик ҳам қизиқмаганини айтиб нимадир гўнғилладим.

— Ёқладингизми ишқилиб? — деди Сўнагул.

— Ҳа, ёқладим.

— Бўпти-да.

— Энди инженер бўлдингми, болам? — деди ойим.

Гўё мен бошқа одам бўлиб қайтиб келгандай, гўё танимаётгандай юзимга тикилиб турарди.

— Ҳа, инженер бўлдим, ойи, — дедим мен келганимдан бери биринчи марта чин кўнглимдан жилмайиб.

Борис шампань виносини очиб, тўрга ўтди-да, вишиллашиб рюмкаларга қуйди.

— Аҳмаджон, биласанми давлат комиссиясидаги ҳалиги одамлар ким эди? — деб сўради у қадаҳни кўтариб,

— Йўқ, билмайман.

— Олдин ичайлик! Инженерлик унвонингни қутлуғлаб! Қани, она, қани, Сонечка!

Мен ўзимнинг авзойимдан хафаман. Нега кўнглим ёришмайди, нега хўмрайяпман — шундай ўзим ҳам сиқилиб ўтирибман. Ажойиб дўст — Борис Максимович. Кейинги вақтда кўнглимда бир ғашлик борлигини билибми, ишқилиб, ҳамма ишларимни ўнглаб юрибди. Мана бугунги маросим. Мен диплом ёқлаб, инженерлик унвонини олиб келдим. Уйдагилар хурсанлигидан нима қилишни билишмайди, мен бўлсам қовоғимни

кўтаролмайман. Борис бўлмаганда ҳатто бугунги хурсандчилик ҳам намозшомдай хира бўларди.

— Раҳмат, Борис Максимович, мен сенинг соғлигингга ичаман!— дедим кўнглим бир оз кўтарилиб.

Жаранглатиб уриштириб ичдик.

— Ҳани энди айт, ким эди у хўмрайганлар?— дедим.

— Хўмрайган, аввало, сен. Улар бўлса, ахборинг учун, менинг кейинги бир муҳим лойиҳамни қабул қилишда қатнашган чет эл ва Совет қўшма экспертнинг аъзолари.

— А?

— Ҳа, ҳа.

— Уларни...

— Уларни мен таклиф қилган эдим. Сенинг диплом лойиҳанг уларга жуда ҳам ёқди.

— Улар дипломидан ҳам кўра... ўзимни суриштиришди.

— Яқиндан танишмоқчи бўлишган.

— Мен нимага керак эканман уларга?

— Яна битта ичайлик,— деди Борис кулиб ва ҳаммага қуйиб, ўзи ичиб юборди. Мен томоғимдан бир нарса ўтадиган ҳолатда эмас эдим.

— Сен уларга эмас, Аҳмаджон, менга кераксан. Гап шундаки,— деди у, билинтирмай, зимдан ойим билан Сўнагулга ҳам қараб олиб,— гап шундаки, мен шу лойиҳам бўйича қуриладиган объектга автор сифатида назоратчи бўлиб ўзим кетяпман. Ёрдамчиликка бир ёш инженер керак эди. Танлашни ўз ихтиёримга қўйишди. Мен кимни танлашим керак эди, қани ўзинг айт!

— Сен... чет элга кетяпсанми?!

— Йўқ демасанг, сен билан бирга.

Мен жуда довдираб қолдим. Сўнагулга қарадим, ойимга қарадим, улар ҳам менга тикилиб туришарди. Бир томондан, гурур ҳисси кўнглимни ўстириб юборди: демак, мен кўпдан бери Бориснинг, яна кўпгина жиддий кишиларнинг диққат марказида бўлган эканман. Улар мени ҳар тарафлама кўришибди, оғир масъулиятли ишга муносиб топшибди. Борисни кучоқлаб олгим келди-ю, ўзимни босиб, ўпкалаган бўлдим:

— Демак, мени маймундай олиб бориб кўрсатибсан-да? Ўзимга олдиндан айтсанг бўлмасмиди — шун-

доқ-шундоқ деб. Мен ўзимни студент боладай эмас, сипороқ қилиб кўрсатардим.

— Ҳали ҳам жуда сипосан. Бўлмаса, мана, кечагина битирган ёш инженерлар жуда кўп, бўйдоқ болалар, қаёққа десанг учади. Лекин менга сен кераксан, ўзим билан тенг, сирдош, дунё кўрган, пишиқ солдат. Оғир, мураккаб шароит, ўзинг биласан, кечагина мустамлака бўлган хароба жойлар, бизни биринчи кўраётган мазлум, жоҳил халқ. Ҳам табиий, ҳам ҳаётий, ҳам сиёсий жумбоқлар фавқулодда кўп. Буларнинг нима эканини, у ерга бизнинг боришимиз нимадан иборатлигини сен яхшироқ тушунасан. Ёшлар ҳам билади албатта, билмаса тушунтириш мумкин. Лекин сен, ўйлашимча, буни юрагинг билан, бутун борлигинг билан англайсан, экзотика эмас, бурч эканлигини фаҳмлайсан.

Бурч. У мени бу гал ҳам узоқ ўз ҳолимга қўймади. У мени яна топди. У мени асримнинг катта йўлидан қолмасликка тагин ундаяпти. Дарвоқе, у мени ғойибдан келиб топдими? У менинг ўзимда, ўз вужудимда эмасмиди? Фароғатли, осойишта кунларда баъзан дилга ғашлик, безовталиқ солган шу эмасмиди?

Давр бу, жоним Сўнагул. Даврнинг шамоли яна деразамиздан кириб келди. Давр бизнинг тақдиримизда. Ишимизда, шаънимизда, қалб уришимизда. Қалб бўлса дам муҳаббат билан, дам нафрату жудолик дарди билан, дам шодлигу, дам қайғу билан тепиб туради. Сенинг ўйгинангда типирчилаётган ўғлимиз ё қизимиз, балки ҳеч бир жиҳатдан бизга ўшамас, лекин унинг ҳам юрагида, тақдирида давр, унинг ўз даври тирик нарсадай толпиниб турса эди дейман. Бу жуда улғ нарса, Сўнагул.

Кўзларинг мўлтилламасин, жонгинам. Сен шундай бўлишини зимдан билар эдинг, кутган эдинг-ку. Агар ҳозир мен бормайман десам ризо бўлмайсан, биламан, нега энди нафасинг мунча тезлашиб, кўксинг мунча қалқимоқда.

«Аҳмаджон, мен сени севаман ахир!» деяпти сенинг кўзларинг. Биламан. Аммо катта муҳаббат учун тўрт девор торлик қилади, Сўнагул. Оромбахш ҳаётни ортиқча қадрловчилар бўлади, осойишта, беозор яшай берсак, тақдир бизнинг борлигимизни пайқамай ҳам қолса, дейишади улар. Бундай ҳаёт ҳатто жуда ҳалол

бўлганда ҳам, кўп навқирон кучларни нобуд қилади...

«Биз бахтлимиз-ку ахир!» деяпти кўзларинг. Биламан. Аммо бахтлироқ бўлган сари бахтни менсимай қолади киши. Севгимиз қадрламаса ҳам бўладиган шунчаки бир нарсага айланиб қолиши мумкин. Биз атрофимизни қуршаган, ўзимиз нафас олаётган ҳавони қадрламаймиз, у ҳақда ҳеч вақт эсимиз кетиб гапирмаймиз.

Мен кетаман, жоним. Сен билан ўтган тўрт ой тўрт ширин бўсадай ўтиб кетди...

Бу вақт мен орқамда ойимнинг йирғисини эшитдим. Қайрилиб қарашим билан у кўксимга бошини қўйди.

— Ойижон, Мўтилар эсингиздами... унинг кекса онаси-чи? — дедим секин.

Ойим юзимга қаради, унинг кўз ёши бирдан қуриган эди.

— Эсимда, болам. Сен унинг юртига борасанми?

— Йўқ. Лекин... ундай юртлар ҳали кўп-да, ойи...

Ташқарида, хиёбон тепасида кечки осмон шундай тиниқ зангори тусга кирган эдики, Борис ҳам, Сўна ҳам, ҳаммамиз беихтиёр дераза олдида бориб тикка туриб қолдик. Фируза, забаржад каби асл тошларда ҳам бундай ранг бўлмаса керак. Шу тиниқ рангга жуда катта бойликларми ёки аллақандай муқаддас бир нарса бордек, индамай, суқланиб тикилар эдик. Бошқалар ҳам шундай бўлдими, билмадим, ғалати бир туйғудан менинг вужудим сал титраб кетди. Кафтимда Сўнагулнинг иссиқ қўли типирчилар эди...



У Ч И Н Ч И Ф А С Л

9. ҮЗ АСРИНИ ҚУВГАНЛАР

Ҳозиргина юксак тоғ тизмаларини исканжага олган абадий музликларнинг совуқ оламини бутун вужудимиз билан ҳис қилиб келаётган эдик, аэродромга тушган заҳоти бетон плиталарнинг оташ нафаси кўксимизга гуп этиб урилди. Бу ернинг офтоби гўё кўк гумбазини эритиб ўзига қўшиб олган, бутун осмон офтобдан иборатдай бўлиб кўринар экан. Узоқ ва нотаниш юрнинг шафқатсиз офтоби.

Самолётда келаётганимизда ёнимизда ўтирган тилла кўзойнакли чўққи соқол, сипо бир қария:

— Дипломатмисизлар?— деб сўраб қолди русча-лаб. У муҳожир бўлса керак, чақчайган кўзларини нуқул бизга тикиб келаётган эди.

— Йўқ, биз ишчилармиз, биродар,— дедик.

Чол яна тикилиб турди-да:

— Инонмайман, муҳтарам жаноблар,— деди,— инонмайман.

— Биламиз, инонмайсиз. Дарвоқе, ҳамма гап шундаки, бизда «муҳтарам жаноблар»нинг ўзи йўқ кўп вақтлардан бери,— деди Борис.

Мана энди аэродромга қўнганимизда бизни элчихона ходимлари кутиб олганини кўриб, чол илжайди:

— Айтмадимми элчисизлар деб...

Биз эътироз билдирмадик. Чунки аслини суриштирганда биз ҳақиқатан ҳам элчилармиз, бутунлай бошқа бир катта дунёнинг элчилари!

Элчихонада узоқ турмадик. Завод қурилиши бошқармасининг генерал-директори инженер Шукри Дмашқий бизни ўша куниёқ жипга ўтқазиб Боб-бахрга олиб кетди. Инженер Дмашқий европача, пухта кийинган, баланд бўйли, келишган, ўрта ёшлардаги, жингалак сочли қора киши эди. Бизнинг келишимиз унинг учун катта қувончли воқеа эканини биз дарров пайқадик. У бировни сидқидилдан ҳурмат қиладиган, ўз қадрини ҳам биладиган, маданиятли киши кўринади. Айниқса Борисга ихлос билан тикилар, унинг ҳар сўзига бутун эътиборини бериб, соф китобий инглиз тилида батафсил жавоб қайтарар, охирида «тушунтиролдимми?» деб сўраб қўяр эди. Аввал у Борисга нима деб мурожаат қилишни билмай бир оз қийналди шекилли, кейин Борис қулай сўз топиб берди: коллега. Бир-бирларини шундай деб атай бошладилар, бу Дмашқийга жуда маъқул тушди. Улар Бориснинг лойиҳаси тўғрисида гаплашишар эди. Дмашқий бундай катта, мураккаб лойиҳа билан биринчи марта иш кўраётганини, Борисга меҳру ихлос билан тикилганча тушунтириб борар эди.

Биз Боб-бахр деган жойда нефтни қайта ишловчи катта завод қуришимиз керак. Мустахлак зулмидан кечагина қутулган бу мамлакатда дастлабки йирик қурилиш, давлат секторининг марказий ҳукумат қўл остида қурилаётган дастлабки катта корхонаси эди.

Мен бу нотаниш ерларда бир ажойибот кўрмоқчи бўлгандай, сабрсизлик билан атрофга тикилиб бораман. Атроф чўл эмас, дашт эмас, аммо бўм-бўш, қақраб ётибди, йўл атрофида баъзан базальт қоялар тиккайиб кўринади; онда-сонда аравага қўшилган қопқора ҳўкизлар учрайди, уларнинг сирти кўпикланиб йилтиллайди; чала қуриган тиканли акациялар ўт олиб кетгудай қовжираб ётибди. Туғишган юртимдан неча минглаб километр узоқ, болаликнинг эртақдай гўзал хаёлларидан неча минглаб километр узоқ, бегона ерлар...

Боб-бахрга шомга яқин етиб бордик. Шу ерга келганда қақроқ саваннанинг этаги бирдан қирқилгандай, тропик жазирамада ҳансираб ётган, океанга қараб ке-

нгайиб пастга тушиб кетган кўм-кўк дара кўринди. Даранинг чап томони ясси тоғлар, унда ўчиб қолган ёнар тоғларнинг кратерлари товадай қизиб ётибди. Унг ёнбағрида яхлит зайтунзор, дара тубидан эса ҳамиша кўк эман ва азамат лианалар булутдай қалқиб чиққан, дим ҳавода эвкалиптнинг талх ҳиди анқиган. Узоқларга ёйилиб кетган дара шом қоронғисида тубсиздай кўринади. Унинг яшил қаърида дилга қўрқув соладиган мангулик зулмат яшириниб ётса керак.

Биз бу воҳага яқинлашган сари нефть қудуқлари, насослар, резервуар парклари, нефтни сувдан ажратувчи ускуналарга дуч кела бошладик. Бир жойда осмонни қизил булут қоплагандай бўлиб кўринди.

Бутун дарани, нефть ускуналари ва қизил осмонни — ҳаммасини қамраб оладиган ишора билан кўрсатиб:

— Боб-бахр!— деди Дмашқий, унинг ёш, қоп-қора кўзларида ҳаяжонли гурур ва қандайдир ташвиш бор эди. Машинадан тушганимизда ҳалиги қизил булут худди тепамизда муаллақ тургандай яқин кўринди: бу қурилиш майдонидан кўтарилаётган чанг экан. Қарасак, текис майдонда мўр-малахдай тумонат одам, бошларда тупроқ тўлатилган юзлаб сават худди лойқа жилга сингари оқиб бормоқда, бетон қориш, шағал майдалаш, қояларни, тўнкаларни қўпориб, пойдевор учун майдон текислаш — ҳаммаси қўлда қилиняпти. Шовқин, тарақ-туруқ, тўзон, ярим яланғоч оломон... қиёмат бўлиб кетган эди. Мен бундай манзарани сира кўрган эмасман.

— Бобил қалъасини қурганда ҳам бундай бўлмагандир!— деди Борис. Дмашқий маъқуллаб, илжайиб турарди. Мен унинг юзида фахр, завқ нишонасини кўриб аввал ҳайрон бўлдим: одамларнинг бу аҳволдан такаббурлик билан кулишга ўхшаб кўринди бу. Лекин бирпасдан кейин англадимки, бу ҳақиқий гурур экан, меҳнатга уйғотган ватандошларининг ғайрат ва ташаббусини бизга кўрсатиб чин кўнгилдан қувонаётган экан коллегамиз.

Яқинроқда ишлаётганлар бошларини кўтариб бизга қараб қолишди. Улар ориқ, чайир, қора; қайбирлари узун оқ яктак, оқ иштон кийган, оёқ яланг, лекин саллали, баъзилари белигача яланғоч, фақат қуймичиға латта тутиб олган; қора болдирлари, пишган елкалари

тердан йилтилар эди. Орада тор елкаларининг суяги туртиб чиққан ўсмирлар, соқоли кўксини тутган кексалар, хушқомат йигитлар, букчайиб қолган, ёши номаълум пачоқлар, новчалар, паканалар бор, лекин ҳаммасининг бир-бирига ўхшашлиги — мумдай қоралиги-ю, ориқлиги эди. Бир нечалари яқинроқ келишди, дадилроқлари бўлса икки қўлини манглайга кўтариб саломлашди ҳам. Билаклар шундай ингичка эдики, болаларникидай. Ажабо, дедим ичимда, шу қўллар билан қура-мизми ҳали заводни? Ғалати бўлиб кетдим, кўнглимни биринчи марта қандайдир ғашлик, шубҳа оралади.

Бизни кимлар биландир таништиришарди, «соҳиб», «шериф» дейишарди Борисга қўл бериб. Булар инженерлар, қурилишдан контракт олган фирма вакиллари, дирекция ходимлари экан. Мен биттасини ҳам эслаб қололмадим. Бориснинг «соҳиб», «шериф» бўлганига кулгим қистарди. Кейин, ишлаётган одамларнинг ўзини биздан тортibroқ тутиши, уларнинг синчков назарида совуқ бир бепарволик борлиги диққатимни тортиб қўйган эди.

Нарироқда ётган катта яшиқларда «не кантовать» деган русча сўзни кўриб қолиб, беихтиёр ўша томонга юрдим. Борис ҳалигилар орасида гапдан, савол-жавоб, дастлабки танишиш суҳбатларидан бўшамас эди. Яшиқларга яқин борганимда биров мени «ҳой, бери кел» деб чақирди. Қарасам, икки-учта ишчи, елкаларидаги кир рўмолга бўйнилари-нинг терини артиб, мени четроққа имлашяпти. Соҳиб демай, сенлаб гапиришганига севиниб, бордим.

— Менга қара,— деди бири; у кичкинагина жингалак қора соқолли, манглайи тиртиқ, тирсаги учли, жиккак одам эди, чала англиз тилида гапирди: — сен хўжайинингдан сўраб бер бизга: бу завод давлатники бўладими?

— Ҳа.

— Нефть ҳам давлатга ўтар эмиш, шунақами?

Мен ҳали нефть давлатники эмаслигини билмас эдим. Нима дейишни билмай, мужмалроқ қилиб:

— Эҳтимол,— дедим.

— Ҳамма ишни машина қиладими?

— Ҳа-да, шунақа бўлиши керак... — дедим қувониб.

Бирдан қарасам буларнинг юзида қувончдан асар йўқ, бир-бирларига қараб ўз тилларида ниманидир асабий-

лик билан гапира бошлашди. Бири қўл силтаб жўнаб қолди. Ҳеч нимани тушунмай уларга қараб турганимда бир фикр келди ёдимга:

— Менга қаранглар, сизлар мени... қанақа «хўжайин»дан сўрагин деяпсизлар?

— Оқ хўжайинингдан-да?— деди тиртиқ ва жаҳл билан қўл силтаб, шерикларини ҳам имлаб жўнаб кетди.

Мен бир жойда қотиб қолдим. «Оқ хўжайиним»... Беихтиёр гўё ўз рангимни билмоқчи бўлгандай, негадир кафтим билан юзимни силаб қўйдим. Ўзимни бир зумга занжий қулнинг қора терисида ҳис қилгандай, вужудим сесканиб кетди. Кейин кулгим қистаб, хохолаб юборишдан ўзимни зўрга тутиб қолдим.

Шу пайт яшикдаги «Ленинград» сўзига кўзим тушди-ю, ҳамма нарсани унутгандай, югуриб бориб устки қопқоғини қайириб оча бошладим. Бўёқ ҳиди келиб турган янги, ялтироқ пайванд машиналари! Қопқоқ тагига икки қават толь солинган, машиналар қалин пластик қопга ўралиб, ораларига кулга ўхшаш порошок тўлатилган кичкина-кичкина халтачалар осиб қўйилган эди. Бу захни, намни шимиб оладиган модда. «Электрик» заводининг ишчилари упаковкадан нам ўтиб-нетиб, совғамизнинг бирон жойига занг, доғ тушмасин деб эҳтиёт чорасини кўришибди. Ёзга иссиқ кийимларни нафталин сепиб саранжомлаб қўйган, пухта, ишчан келин қўлидай меҳрибон қўллар, ленинградликларнинг чеҳралари кўз олдимга келиб кетди-ю, юрагим тошиб:

— Борис! Борис!— деб қичқириб юбордим. Менинг бехосдан ҳовлиқиб қолганимга ҳамма эътибор қилди, бошлиқлар ҳам, ишчилар ҳам қайрилиб қарашди. Борис тезлаб ёнимга келди-ю, ғамхўр қўллар билан ўралган ватан совғаси унинг ҳам кўзига оловдай кўринди шекилли, юзида шуъла акс этди. Қувонганимдан кўкрагига, бир туртдим, у ҳам туртди, мен яна қаттиқроқ нўқидим, у жавобига астойдил туширди, атрофдагиларни унутиб, қучоқлашиб кураш тушиб кетибмиз. Роса юмалашгандан кейингина эсимизни йиғиб ердан турсак, атрофимизда ғуж-ғуж одам! Ишчилар. Бирининг орзи қулоғида, бири — ҳайрон, бири уст-бошимиздаги тупроқни қоқишган. Ҳаммаси билан қўшилишиб, роса кулишдик.

Ҳали машинадан тушганимиздан кейинги бегонаси-
раш, гумонли қия қарашлар энди унча сезилмас эди.
Баъзилари Борисга гап қотиб, уни-буни сўраб олишга
ҳам ботина бошлади. Лекин кўпчилик бизга қандай
қарашни билмай иккиланиб қолди, бир-иккитаси биз-
га жуда яқин келганларни имо-ишора билан четроққа
тортишга ҳам уринди.

Кейин ҳаммалари иккаламизга йўл очиб беришди,
биз бошлиқларнинг олдига бордик. Қуноқ, алланечук
юмшоқ, тропик оқшом қоронғиси бирдан босиб тушди,
мен устимизда қора тун кўрпасини сезгандек бўлдим.
Дмашқий бизни ўзимизга белгиланган ётоқ жойга бош-
лаб кетди. Борис ўз чамадонини ўзи кўтарганда баъзи
ишчиларнинг уни бармоқ билан туртиб кўрсатганини,
кетимиздан қараб, бир-бирларига гал бермай, қўл ҳа-
ракатлари ва жанубликларга хос қизгинлик билан
баҳслашиб қолганларини пайқадим.

Қурилишнинг ишчилари инглиз аскарларидан қол-
ган казармаларда туришар экан. Бу пастак иморатлар-
нинг иморат дейдиган жойи ҳам қолмаган, очиги —
узоқларга чўзилиб кетган, ёввойи ток ва лиана новда-
лари чирмаб ташлаган вайроналардан иборат эди. Бу
ерда турар жойнинг ташландиқ ёки томсиз бўлиши-
нинг унча аҳамияти йўқ экан чоғи, ҳамма очиқ ҳавода
ётибди.

Бизга собиқ казарманинг штабини ажратибди.
Бу ҳам ғовлаган чирмовиққа кўмилиб ётган, пиро-
нигача сири кўчиб кетган гишт иморат эди. Пештоқи-
нинг оҳак шuvoғи тушиб тагидан эски, кўм-кўк жило-
ли миллий нақш юзага чиқиб қолибди. Бунинг меҳ-
монларга ажратилганики, тепасида бамбукдан қилин-
ган баҳаво болохонаси бор экан.

Биз Дмашқийнинг ўзи, яна Яздон деган бир муло-
зим билан бирга болохонага чиқиб, кимсасизликдан
бу ерга кириб қолган кўршапалакларни қувиб чиқар-
дик-да, қоронғида икки бурчакка гамаklarимизни
осиб, пашшахона тутдик. Деразадан, бамбук тирқишла-
дан кўм-кўк осмон фонида аллақандай гигант да-
рахтларнинг, узоқдаги букри тоғларнинг силуэти кў-
риниб турар эди.

Дмашқий Яздонга бир нималарни тайинлаб, бизга
яхши тушлар тилаб, азонда кўришгунча деб хайрла-
шиб чиқиб кетди.

— Чироқ ёқсак бўлармикин?

Яздон индамади-ю, кескин-кескин бош силкиб қўйди. Чироқ ёқилса чивин-чиркай ёпирилиб, кейин ундан қутулиш мушкул бўлиб қолса керак. Биз буни тахминлаб тушундигу, лекин Яздоннинг индамаслигига тушунолмадик. У сира гапирмас эди. Кўзига назла тушиб, юзини соқол босиб, кексаликнинг нуқси урган, ёшини аниқлаб бўлмайдиган бу ушоққина киши жағи кўчган бедана кавуши билан жиякли кўйлагига қараганда курд элатидан бўлса эҳтимол. Унга дастлаб «ота» деб мурожаат қилганимизда бизга гавҳари лойқаланган кўзлари билан қўрқув ва ҳайрат аралаш бир қараб қўйди-да, шипиллаб юриб хизматимизни қилаверди. Кўзини ердан узиб юзимизга қарамас, ишини худди жунглидаги йиртқичдек сас-шарпасиз бажарар эди.

Яздон бизга ер ёнғоқнинг талқони билан ҳалқа-ҳалқа қилиб тилинган ширин таррак келтирди. Икки стакан жигар ранг манго шарбатига бир чақмоқдан муз солиб берди. Шарбатданми, талқондами, скипидар иси димоққа урарди. Сават стол ёнига Борис билан ёнма-ён ўтирдик, Яздон билагига сочиқ тутиб орқамизда типпа-тик турарди. Бу ўрганилмаган таомларни ҳадик билан татиб, тилимизни чапиллатиб, бир-биримизга қараб-қараб қўйиб, овқатлана бошладик. Бамбук девор тирқишидан тушган ой шуъласи дастурхонни ёритиб турарди. Биз кўзларимиз билан гаплашар эдик: «Мазаси қалай?», «Қайдам», «Ўрганиш керак, ол», «Доим шундай бўлармикин?..»

Борис бир маҳал орқасига қайрилиб қараган эди, мис тоғорада сув тутиб турган Яздонни кўриб оғзи очилиб қолди. Биз уни кетиб қолди деб ўйлаб, унутиб ҳам қўйган эканмиз. Унғайсизроқ жилмайиб, бу ернинг одатича тоғорада бармоқларни чайиб силкиб ташладик-да, яна овқатга қўл урдик. Чанқов босарми деб, шарбат ичдик. Бу чучмал сувнинг ҳар қултуми ўша замониёқ танадан шаррос тер бўлиб чиқарди. Иккаламиз ҳам сезяпмизки, шарпасиз Яздон орқамизда ҳамон тик турибди. Овқат еганда биров ёнингда тикка турса томоқдан ўтадими.

— Ота, сиз бораверинг, дамингизни олинг, — деди Борис ўрнидан туриб. Яздон бир қаради-ю, бош эгиб ёнимизда яна тураверди. Бир оздан кейин мен уни биз

билан ўтириб овқатланишга таклиф қилдим. У ўзини йўқотиб дам бизга, дам атрофга аланглаб қаради-ю, яна ориқ қўлларини қовуштириб, букчайганча орқамизда тик тураверди. Хуллас, биздан овқат ўтмади. Охири Борис туриб, қарияни икки билагидан ушлади:

— Менга қаранг, Яздон, биз овқатланганда бирга ўтирмасангиз хафа бўламиз. Биз...

Бу маҳал қария Бориснинг оёғи остига ўзини таппа ташлаб, ориқ қалтироқ қўллари билан этагига ёпишди. Борис нима қилишини билмас, четланай деса қария оёгига тирмашиб олган, қўрқиб кетиб кўзлари билан менга ёлворди. Мен тезлаб бориб Яздоннинг серсуяк гавдасини ердан кўтардим, кўтардим у яна тиз чўкиб Бориснинг қўлини ўпа бошлади.

Хўрлиги келибми, аччиғи чиқибми, Борис «Бас!» деб қичқирди-да, қўлини бир нарса куйдирадигандай, орқасига яшириб, ўзини четга отди.

Мен чолга яна такрор тушунтира кетдим:

— Агар сиз иккинчи бундай қилсангиз...— Бу гапим қаттиқ тегадиганга ўхшайди, сўз тополмай қолдим: нима десам экан энди бу одамга?— Ота, сиз бизларга хизматкор эмас, ёрдамчисиз. Тушундингизми, ёрдам-чи! Муовин!

— Йўқ, у тушунмади албатта. Бизнинг хушмуома-ла одамлар эканимизни пайқади-ю, ўзининг бизга қул эмаслигини тушунишга қурби келмади.

Бу биз учун оғир, азобли ҳис эди. Яздон товушсиз юриб чиқиб кетганида унинг орқасидан қараб қоларкан, Бориснинг юзи ой ёруғида шундай оқариб, буришиб кўриндики, гўё елкасида чиркин бир юк бору, у уни ирғитиб юборолмай, гарданига ёпишиб қолгандай, кўтариб туришга мажбур эди.

Иссиқ, ўрганилмаган нам ҳаво, йўл, ола-қуроқ таасуротлар асабини ўлгудай чарчатган бўлса ҳам, уйқу келмас эди. Гамаклар ноқулай — одамнинг гавдасини гужанак қилиб буклаб қўяди, фирчиллайди. Ташқарида ой ботиб тун қоронғилашди, қаердадир гулханлар тутарди, девор сояларидан супурги ўсиб чиққан, бефайз, чалавайрон қўрғонларда ётадиган қурувчилар тунги ҳашаротлардан сақланиш учун кечаси билан хашак тутатиб чиқишади шекилли. Ёмғир тилаб вақиллаган қурбақаларнинг овози эшитилади. Бизнинг

болохонага келадиган сўқмоқда аллақандай чўғлар йилтиллайди.

— Ухлаяпсанми, Аҳмад?— деди Борис.

Бу бегона, сирли тун унинг ҳам юрагига совуқ ваҳима солиб, безовта қиляпти чамамда.

— Йўқ. Гаплашиб ётайлик,— дедим ўраниб.— Нимани ўйлаяпсан?

— Қаерга тушиб қолганимни ўйлаяпман.

— Биласанми, мени туркистонлик коммивояжер деб, сенинг қулинг деб ўйлашибди.

— Йўғ-е!..— деди Борис ва бирпас жим қолгандан кейин давом этди:— унда... унда мен қип-қизил колонизатор эканман-да?

— Худди шундай деб ўйлашяпти назаримда. Қора халқ. Жуда абгор, бечора халқ. Қани энди ўзимизда бўлса-ю, тўртта-бешта азамат комсомол болаларни агитатор қилиб қўйиб, ҳаммасининг қулоғига қуйсанг: «э, унақа эмас, мунақа, такасалтанглар, азиз биродарлар!»

— Лекин бу ерда «агитаторлар» йўқ эмасга ўхшайди,— деди Борис ўйчан. Яна тун қўйнида бир нимага қулоқ солгандай анча жим ётгандан кейин давом этди:— Бўлмаса мен колонизатор, сен қул — бу тушунчалар қаёқдан чиқибди дейсан.

— Наҳотки бизнинг келишимиз олдидан кимдир одамлар орасида шундай иғво қилган бўлса?

— Бизнинг келишимиз олдидан эмас. Ҳамма жойда шунақа. Бўлмаса бу ерда думи тугилаётган жентльменлар совет халқи мазлумларга холис ёрдам берапти деб тушунтирармиди.

Ажойиб, олижаноб қадам олдида тургандай сездим ўзимни. Улуғвор, гигант, гўзал заводни таппа-тайёр қилиб, қўлига топширганимизда билади бизнинг ким эканлигимизни.

— Менга қара, қаерга тушиб қолганимни ўйлаяпман, дедингми?

— Ҳа.

— Айтайми қаерга тушиб қолганимизни?

— Қани, гапир-чи?

— Шундай жойга тушдиқки, ҳар сўзимиз, ҳар қадамимиз, ҳар ҳаракатимиз, кўз қарашимиз, муомаламиз, бир-биримизга айтган сўзимиз ҳам аҳамиятга эга.

— Нима учун?

— Юртимиз учун. Сиёсат учун. Икки дунёнинг кураши учун.

— Гапинг тўғри, лекин жуда баландпарвоз,— деди Борис ўраниб ётиб. У ухламоқчи эди. Эртага иш бошлайдиган биринчи кун. Бу иш ва бу кун қандай бўлади, ҳали иккаламизнинг ҳам ақлимиз етгани йўқ. Лекин мен ўз ўйларимдан жуда ҳаяжонланиб кетган эдим.

— Менингча, биз бу ерда фақат икки киши бўлсак ҳам-чи... жуда катта... нима десамикин, жуда катта фактормиз.

— Менга қара, фактор!— деди Борис кўрпа остидан.— Қани ухла.

Ухлаб бўлар эканми! Кўршапалаклар қамиш дарпардага келиб ўзини уради. Сўқмоқдаги чўғлар ерга тушган юлдуздай лип-лип ёнади. Кейин мен буни сўраб олдим: тунда овга чиққан кушанда ўргимчақларнинг кўзлари шундай ёнар экан. Бу йиртқиш чўғлар юлдузга ўхшаса ҳам юракка совуқ ваҳм солади. Биринчи кеча шулардан кўзимни олмай тонг оттирдим.

Эрталаб тўрдаги деразани очиб, ажойиб манзара кўрдим. Деразанинг қоронғи тубидан азим дарахтларнинг учлари қуюқ, қорамтир булутдек қалқиб турибди, агава бамбукларининг нуқра шокиллари шабада бўлмаса ҳам безовта тебранади, чумчуқдай-чумчуқдай келадиган капалаклар япроқ орасидан тўкилган тонг шўъласида минг рангда жилоланади, қуёш ҳали чиққан эмас, жимжитлик ҳамма нарсанинг устидан оғир боеиб тургандай.

Тошбақа тухуми билан нонушта қилиб бўлганимизда Дмашқийнинг ўзи кириб келди. У тор почали, одмигина шим, енғи шимариқлик оқ кўйлак кийиб, тўлқинли қора сочига йилтиратадиган ёғ суркаб тараган эди. Юзида бир оз чўтири борлигини кеча пайқаманган эканман, бақувват энгаги, мардона ёноқларига чўтирлик ҳам ярашиб турар эди. У бугун бизга «хўжалигимизни», агар вақт етса бутун Боб-бахрни томоша қилдирмоқчи эканини айтди. Болохонанинг тагида генерал-директорнинг жипи турарди. Биз пиёда юрайлик деб илтимос қилдик.

Борис билан Дмашқий, бири сап-сарик, бири қолқора бўлса ҳам, нимаси биландир бир-бирига ўхшаш, иккаласи ҳам бақувват, баланд бўйли. Улар тупроқ

— Камбағаллик айб эмас, генерал-директор. Бизда шундай мақол бор.

— Мақол? Мен буни бир асарнинг оти деб билардим,— деди Дмашқий кўнгилсиз мавзудан чиққанимизга енгил тортиб.

— Тўғри, асар ҳам бор. Островский ёзган.

— О, Островский! Пўлат одам!

— Лекин у бўлак Островский, илгари ўтган. Сиз айтган пўлат одам бўлса — комсомол Островский.

Дмашқий рус ҳаётини, рус характерини ўрганишга уринган, лекин бу йўлда китобий маълумотлардан нарига ўтолмаган, умуман анча кенг билимли одам кўринар эди. У биздан Россия ҳақида уни-буни сўраб олиш учун ҳар бир қулай пайтдан фойдаланарди.

Тепаликдан тушиб ўзимизнинг қурилиш майдони томон юрдик. Майдон чакалақлар, ботқоқ, тўнка, қоялардан тозаланган, бунда заҳматли, сербардош қўл меҳнатининг оғир излари билиниб турарди. Дмашқий қурилиш бошланган куни халқ имомдан фотиҳа олиб, кокос ёнғоғининг сутини томизган муқаддас жойни кўрсатди, ҳозирча пальма япроқлари билан ўраб қўйилган бу жойда келгусида асосий объект — крекинг иншоотлари тикланади.

Иш ҳозирча ёрдамчи объектларда давом этар эди. Ер ости коммуникациялари қазилаётган ерда биз уч юзга яқин одамнинг бирваракай ишлаётганини кўрдик: ҳамманинг бошида тупроқ, шағал, цемент, тош тўлатилган сават ёки мис тоғора, на иссиқда, на тепага чиқишда бир нафас тинишади, соқоли кўксига тушганлар ҳам, ўсмирлар ҳам баб-баравар, танлари тердан йилтиллаб йўрғалагани-йўрғалаган.

— Халқимиз бечора халқ, лекин филдай чидамли,— деди Дмашқий тўдага маъюс бир ғурур билан боқиб,— мен Раҳметовни биламан, Мересьевни биламан, лекин бизнинг халқимиз ҳам чидамли...— деб такрорлади у.

Борис коммуникациянинг бир узелида бетон қуйиётган блокни кўриб, бизни ўша ерга ундади. Қуйиётган бетонни офтобдан бордон билан тўсиб, устидан мешларда сув қуйиб туришибди. Бориснинг қоши чимирилиб, безовталаниб қолганини юзидан пайқаган Дмашқий дарров бу ерда ишлаётган фирманинг вакилини чақиртирди.

Борис у билан танишгач, бир неча саволлар берди. Маълум бўлишича, ҳозир қурилишда иш бошлаган бу бирдан-бир фирманинг битта скрепер билан, битта бето-намешалкадан бўлак ҳеч қандай техникаси ҳам, тех-ник кадрлари ҳам йўқ, фирма ҳеч қачон бундай йирик объект қурган эмас экан. Вакил қизил тўзон ичидаги ишчиларига ишора қилиб, уларнинг тиришқоқлигини, техника бўлса жон деб ўрганажагини, яна қандайдир таскин берадиган сўзлар айтди. Бориснинг ичидагини мен билиб турибман: аҳволнинг бу қадар умидсизли-гини энди пайқаб, борган сари ваҳимаси ошяпти — нима бўлади, наҳотки шу шароитда завод қуриб бўл-са?! Наҳотки бу нажотсиз аҳволни эътироф этиб, воз кечиб кетишга тўғри келса?! Бу ерда обком, ёки сов-нархоз йўқки, ўзимиздагидай бир қўнғироқ қилиб ҳаммасини тўғрилаб олсанг. Бизнинг миссиямиз нима бўлади?

Ҳар қалай, ҳозир Борис сирни бой бермай, бир-иккита енгил танбеҳ қилди:

— Кун қизиганда қоришма порцияларини катта-роқ қилиш керак, мистер Жавоҳир. Иссиқда майда порциялар монолит ҳосил қилмайди.

Мистер Жавоҳир қўлини кўксига қўйиб ташаккур билдирди-да, биз кетдик. Чангалзорда кабель ётқиза-ётганлар томонга юрдик, йўл усти ёпилмаган темир конструкциялар, ускуналар, йиғилмаган кранлар ёни-дан ўтдик — ҳаммаси мутахассисларга, ишчи қўлларга муҳтож. Ҳали водопровод билан темир йўл изи ётқи-зиш бошланмаган, умуман қурилишнинг ўзи бошлан-маган деса бўлади.

Кечқурун генерал-директорнинг кабинетиде барча инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш маъмурла-ри, фирма вакиллари билан бирликда кенгаш бўлди.

Кенгашда Борис масалани ниҳоятда кескин қилиб қўйди. У ўтирганларга аввало иш миқёсини тасаввур этиришга уринди: бу йирик, ҳозирги замон корхона-си! Юксак даражада аниқ механика ускуналари, му-раккаб автоматика асбоблари, контроль-ўлчов аппа-ратураси, кучли насос станциялари, конденсаторлар, совитиш ускуналари, вакуумфилтрлар, компрессорлар келади... юз минг тоннадан ошиқ конструкция ва уску-на ўрнатиш керак, қарийб икки юз минг кубометр бе-тон ва темирбетон қуйиш, юзлаб километр темир йўл

ва трубопровод, эллик минг огнеупор, саксон километр сим ва кабель ётқизиш керак. Ҳали биронта кран монтаж қилинмаган. Бу ишларни бирваракай бошлаб юбориш учун ҳозиргидан икки барабар кўп ишчи кучи, мутахассислар ва механизм керак. Борис қурилишнинг муддатини қатъий эслатиб, яқинлашиб келаётган муссон фаслида ишни тўхтатмаслик чораларини таклиф қилди. —

У гапирганда мен одамларнинг юзига қараб турибман: унинг гапи деярли ҳаммани очиқдан-очиқ саросимага солиб қўйди. Яна тўрт минг одам топиш! Муссон фаслида ишлаш! Бир-икки ой ичида техника мутахассислари тайёрлаш! Муддат! Муддатнинг бу қадар қатъий нарса эканини бу ердагилар биринчи эшитиши бўлса керак.

Файз деган ёш инженер Борисга қарши чиқди. У қундуз мўйловли, тропик ўрмонлар, маймунлар сурати солинган, ярқироқ, сербезак, енгсиз кўйлакни шим устидан тушириб олган, чиройликкина, лекин қилиқ ва кўз қарашлари орсизроқ йигит эди. Киборларга хос инглиз тилида гапирди. Унинг фикрича, Бориснинг айтганлари хом хаёл, муддат деган гапга бу қадар аҳамият бериш бу ердагиларга тушунарли эмас, («юрини ўрганмай туриб югуриб бўлмайди, азизлар!») муссон фаслида ишлаш ҳам на халқ психологиясига, на бу ернинг табиатига тўғри келади, бу ерда ҳаёт ва халқ аср даражасидан бир неча юз йил орқада қолган, унга европа темпини олиб келиб тақиштириш сунъий бўлади, умуман биз (Борис билан мен) бу ернинг шароитини билмаймиз ва бу «дўстона рўй-рост гап учун уни афв этишимиз керак» экан.

Бу гап, кутилмаганда, вазиятни бизнинг фойдамизга ўзгартириб юборди. Одамларнинг юзида Бориснинг гапидан кейинги саросима қандайдир бесабр норозилик, деярли ғазаб ҳиссига айланди. Файзнинг гапи кўпларнинг иззат-нафсига тегди. Дмашқий ўрnidан турди.

— Сиз ўз халқингизни ўзингиз билмайсиз, инженер Файз! — деди у қоп-қора юзидан шаррос терни артишни ҳам унутиб, — сиз унинг шаънига туҳмат ёғдиряпсиз. Лондоннинг кафешантанларида эшитган гапларингизни сиз ҳам бизга тақиштирманг. Биз йигирманчи асрни қувиб етмоқчимиз ва қисқа муддатда қувиб

етмоқчимиз, билиб қўйинг! Шунинг учун муддат деган гапни ҳам жуда яхши тушунамиз.

Дмашқий аниқ таклифларга ўтиб, Бориснинг фикрларини миннатдорлик билан қувватлади, тез муддатда яна тўрт минг ишчи кучи топиш, янги контракторларни, ихтисосли фирмаларни жалб қилиш учун мамлакат бўйлаб тез орада шахсан ўзи чиқиб кетажагини билдирди. Бир ойда икки кранни монтаж қилиш, Ленинграддан келган янги пайванд машиналарни ўзлаштириш, умуман қисқа муддатли техника курслари бош инженер ёрдамчиси Эдгар Билл билан менга топширилди.

Билл америкалик эди. У ўрнидан турганида бир оёғи протез эканини пайқадим. У гапирганда Борис негадир безовталаниб, тагидаги бамбук курси бесаранжом гирчиллаб қолди. Шундоқ тоқатсиз ўтирди-ю, мажлис тугар-тугамас ўриндан туриб курсилар оралаб Билл томон юрди. У ҳам ўша турганича ўтиргани йўқ, узоқдан Борисга тикилганича турарди.

Борис ҳам унинг олдига етиб борди-ю, кўзига қараб, узоқ индамай турди. Кейин бирдан:

— Эдгар! — деди шивирлаб.

Униси шошганидан ёғоч оёғини эпполмай қолди, олға интилганида протез гирчиллади-ю ўрнидан жилмади.

— Майор Богдановф! Борис Максимович!

Улар қучоқлашиб кетишди. Эдгар Билл касалмандроқ, елкаси пуч, барвақт қариган, қандайдир оғриқ азоби юзида қотиб қолгандай рангпар, кемшик, пака-нароқ одам эди. Мажлис вақтида ҳам, у гапирган пайтда ҳам, ҳамма муомалалардан бу ердагиларнинг бу одамга зўр ҳурмати борлигини сезган эдим. Ҳозир ҳам улар, икки таниш қучоқлашиб турганда, дўстликнинг эзгу ҳурматидан юзлари ёришиб, ҳайратли жўлмайтиш билан ерга қараб турардилар. Борис бу қучоқлашувнинг маъносини атрофдагиларга бир сўз билан аңлатди:

— Эльба!

Икки дўст бир-бирининг елкасига қўл тақмашиб, бизнинг болохонамиз томон юриб кетганда мажлисдан чиққанлар юзларида мамнун маъқуллаш туйғуси билан бош силкиб изларидан қараб қолишди.

Хонамизнинг қамиш пардалари туширилиб, ботаётган куннинг тири тўсилган, лекин ҳавоси дим эди. Эдгар ёғоч оёғини бирчиллатиб зинапоядан чиққунча юзларига совуқ тер томчилари қалқди. Яздон жез тоғорани тутиб, аввал ҳаммамизнинг бошимиздан муздек сув қуйди, кейин катта стаканларга бунич деган ичимлик қуйиб берди. Бунич лойқаланиб тургандай, сарғиш, ялпиз ҳиди келадиган гулоб, ичганда тилни, милкларни буриштиради.

Сават стол атрофида ўтирардик.

— Қани, майор, гапир,— деди янги ошнамиз Бориснинг тиззасига шалатилаб.

— Ўзинг гапир, Эдгар— деди Борис. У негадир, бу учрашувдан маъюсроқ бўлиб қолган эди, кўп хотиралар кўнглига келиб кетди шекилли.

Яздон атрофимизда парвона бўлар, баъзан қилган хизмати учун биздан узр сўрагандай ёлворган назар билан қараб қўяр, бўш курсига ўхшовсиз ва омонатгина бир муддат ўтириб ҳам олар, гулоб ҳўплар, бизни ичишга қистар эди. Унинг Эдгарни яхши танигани, унга ихлоси, унинг бизнинг ёнимизга келганидан фахрлангани кўриниб турарди. Индамас Яздоннинг тили ҳам чиқиб, бунични мақтаб қолди:

— Дори гулоб. Иссиқда тенги йўқ. Ичинг-а, сэр, чанқамайсиз.

Назаримда, шу оддий сўзларданми, бошқа нарсданми, у ниҳоятда бахтиёр эди, катталар қаторига ўтириб қолиб ўз қадрига етишган ёш боладай кулимсираар эди кекса кўзлари билан.

— Сени соғ-омон кўриб хурсандман, дўстим!— деди Эдгар.

Борис «мен ҳам» демоқчи эди шекилли, дўстининг букилмас оёғига кўзи тушиб, индай олмади.

— Урушдан анча осон қутулибсан, бахтинг бор. Мен бўлсам...— деб оёғига қараб тўхтаб қолди меҳмон.

— Очиғини айтсам, Эдгар,— деди бир нафас жимликдан кейин Борис,— сен осон қутулибсан.

— Қандай? Нега?

— Юрак яраси кўринмас... ғирчилламас экан. Болаларинг йўқ-а?

Эдгар «йўқ» деб бош силкиди.

— Менинг болам, хотиним, ёнам, синглим... Селга кўрсатган суратим эсингдами?

— Эсимда, эсимда!— деди шериги жонланиб,— ёнингдами, яна бир кўрсат.

— Йўқ, ёнимда эмас...— деди Борис ерга қараб, салмоқлаб,— мен у суратни ёнимда олиб юришга ури-ниб ҳам кўрдиму, бўлмас экан, оғир. Сандиққа берки-тиб келганман.

Эдгар сапчиб, қўрқувли савол назари билан ти-килди:

— Улар?..

Борис оиласининг урушда нобуд бўлганини шу пайтгача менга ҳам гапирмаган эди. Бу ҳақда гапи-ришни ёмон кўрар экан афтидан. Ҳозир ҳам хотиралар зўри билан мажбур бўлиб эсга олди. Лекин унинг ўзи-дан ҳам Эдгар кўпроқ гангиди бу хабардан. Унинг рангпар юзига яна тер чиқиб кетди. «Ҳаммаси?!» «Бир-дан?!» деб сўрагандай эди унинг даҳшатли, катта очил-ган кўзлари. Борис туйғуларини кўпам юзига чиқар-мас, унинг ичидагини фақат мен билардим. Шунақа деб ўйлардим, лекин юрагидаги бу оғир фожиани мен ҳам билмаган эканман ҳозиргача.

— Менга қара,— деди охири Эдгар,— сен хафа бўл-ма. Дўстларинг бор,— у менга қараб қўйди,— Ватанинг бор.

Сўнги икки сўзни у эзгу бир дуони шивирлаган-дай, паст, ўксик товуш билан айтди.

Борис дўстига қараб ўзгариб кетди. Унинг то-вуши ҳақиқатан ҳам бирдан синиқ аянчли эшитилган эди.

— Сенинг-чи!— деди Борис унинг елкасидан уш-лаб.— Сенинг-чи, Эдгар?

— Менинг ватаним йўқ, Богданофф. Сен халқинг-нинг шон-шавкати, обрўси бўлиб келгансан бу ерга, мен бўлсам юртимнинг шаънидаги доғман...

Эдгар Билл Оклахома штатидан. Европада қайтга-нидан сўнг «Иккинчи жаҳон уруши ветеранлари» де-ган ташкилотга аъзо бўлади. Штат губернатори бу ташкилотни ғайри қонуний деб эълон қилганидан ке-йин ветеранлар таъқиб остига олинади. Билл қамалиб кетишдан қўрқиб, юртини ташлаб, бошини олиб чиқиб кетишга мажбур бўлади.

— Ватанимда бармоқларимнинг изидан бўлак ҳеч нарсам қолмади, биродар, энди унда шундан бошқа «илинж»им йўқ...

— Бас қил, Билл!— деб Борис ўрнидан туриб кетди.— Мен сени танймай қолдим-ку, биродар. Боя жаноб Дмашкийнинг сўзини эшитмадингми? «Биз йигирманчи асрни қувиб етамиз!» деди у. Бу халқнинг шундай эзгу ниятга етишида сидқидилдан кўмаклашиш менинг халқимнинг ҳам, сенинг халқингнинг ҳам кўнгилидаги истак эмасми! Бу шу ердаги ҳар бир виждонли одамнинг миссияси эмасми, Эдгар?! Сени халқинг билан боғлаб турган олижаноб туйғу мана шу. Қолаверса, фашизмга қарши жанг қилгансан, оғайничалиш!— Борис шўхлик билан дўстининг кўксига мушт урди.— Юртининг шаънидаги доғ эмиш, сен билан фахрланиши керак ўша «Янги олам!» Бошингни кўтар!

Борис бу гапларни бошдан-оёқ ҳаяжон билан гапирди. Шериги ҳам уни ўрнидан туриб, кўзларимизга термилиб туриб тингларкан:

— Шундай... шундай, Богданофф...— дер эди ёлғиз оёғининг тиззаси сал қалтираб.

Оғзида чайнаётган қора маврак илдизини остонага туфлаб, лапанглаганча гапириб, Файз кириб келди. У мендек паканароқ, лекин қоп-қора, қўли ҳам, бармоқлари ҳам калтабақай, овози йўғон, қийғоч кўзлари доим қисик товушсиз шипиллаб юрадиган, бақувват юмалоқ йигит. Орқасидан салобатли Дмашкий ҳам кўринди. Файз унинг олдида худди юмалаб келаётган коптокдай кўринар эди.

— Мени афв этасизлар, меҳмонлар, — деди Файз шалфейни туфлаб, — мен сизларни хафа қилмоқчи эмас эдим. Шеф менинг гапимни дарров сиёсатга буриб юборди... Емон кўраман сиёсатни. Мажлисда сиёсат, қурилишда сиёсат, уйда сиёсат... Мана ҳозир ҳам сиёсатдан гапираяпсизлар чоғимда. Икки дўст учрашганда мундоқ ажойиб-ажойиб хотиралар билан кўнгил очиб ўтирмайдими киши?

— Кўнгилли хотиралар бўлмаса-чи, коллега? — деди Эдгар Билл. Унинг совуқ товуши устимиздан босиб тушган оғир нарасдай ҳаммани жим қилиб қўйди. Сергап Файзнинг юзи ҳам илжайганча қотди, сербезак қўйлак кийган, қўнғиз мўйловли бу киши орамизда ётдек эди.

— Мен айтмоқчи эдимки, бизнинг халқимиз неча юз йиллардан бери мустақил бир иш қилган эмас, қи-

долмайди ҳам... — деди Файз нозик жимликни беандишароқ бузиб. — Мен қайтага сизларни улуғламоқчи эдим. Мен мустамлакачиликни ёқламайман, лекин цивилизация оламининг оталигидан воз кечишимиз нотўғри. Биз қолақмиз, ожизмиз, ўз бахтимизни ўзимиз яратолмаймиз. Меҳмонларимиз буни келган кунлари ёқ сезган бўлишлари мумкин... — у қисиқ кўзлари билан аввал Борисга, кейин менга тикилди.

— Менга қаранг, инженер Файз, — деди Дмашқий яна қора юзига ўтдай қон тепиб, — сиз Хогарт Стенлига қариндош бўлиш йўли билангина бахтга эришиш мумкин деган ўз эътиқодингизни халққа тақиштирманг!

«Стенлига қариндош бўлиш» — Файзнинг нозик жойи экан шекилли, мен орсиз деб ўйлаган башараси қизариб-бўзариб, ўзи ўнғайсиз типирчилаб қолди. Стенлининг кими борикин, қизими, синглисими, ё хизматчисими...

— Ва умуман камроқ гапиринг, хўпми?

— Хўп бўлади, шеф, — деди Файз.

Дмашқий «жиловсиз гапларга чек қўйилди» дегандай қўлини кўтариб қўйди-да, гапнинг нишабини бошқа ёққа буриб юборди. У азонда шимоллий районларга янги ишчи кучларини контрактация қилиш учун кетар экан, хайрлашгани кирибди.

— Мен ҳам индинига Совет элчихонасига бораман, жаноб генерал-директор, — деди Борис. — Лекин мажлисда бир муҳим нарсани эсдан чиқарибмиз: техминимум ва техника хавфсизлиги. Бу иш ҳозир биринчи ўринда туриши керак, ускуна келяпти, кран монтажлари бошланади...

— Менга топширинг, шеф!

Ҳаммамиз ялт этиб Файзга қарадик.

— Сизнинг вазифангиз бор-ку.

— Уни ҳам қиламан, буни ҳам. Мана, коллегам ҳам бир неча вазифани устига олди, — деди у мени кўрсатиб. Розилик олгандан кейин хурсанд бўлиб, хайрлашиб чиқиб кетди.

Дмашқий бизнинг болохонамизни кўздан кечириб, қўлини орқасига қилганча у ёқ-бу ёққа юрди.

— Мистер Файз авваллари Британия цивилизациини ўз элатига тақиштиришга уриниб юрди, аммо халқимизнинг ўз табиати, ўз моҳияти бор, уни қадр-

лаш керак, бусиз у — жонсиз. Файз — маслаксив одам — деди у негадир биздан узр сўрагандай, — лекин яхши инженер. Унинг гапларини кўнгилга олмай-сизлар. Стенлининг сингиси эса унинг шахсий иши албатта, мен беҳудага қаттиқ гапириб қўйдим.

Шундан кейин директор Яздонни чақириб бизнинг хонамизга эртагаёқ чертёж столлари, темир сандиқ, китоб шкафи топтириб келишни буюриб, Эдгар Билл билан бирга хайрлашиб чиқиб кетди.

Ташқарида кечки салқин тушган эди. Қамиш дарпарда, бамбук девор тирқишларидан кирган енгилгина намхуш шабада узоқдаги созлиқлар, чирик япроқ қатламлари, димиққан тропик ўрмон ҳидини нафисгина нефть ҳиди аралаш анқитар эди.

Бугун биз кечгача китоб тугунларимизни ечиб бурчак-бурчакка тахлаш билан шуғулландик.

Ҳали қош қорайганича йўқ эди, ташқарида қуюқ, беозор машина гудоги эшитилди. «Роллс-ройс» деб аталадиган қора лимузин шағал йўлакдан товушсиз, юмшоққина юриб келиб, деразамиз тагида бир-икки тебраниб аста тўхтади. Қамиш дарпарданинг икки чеккасидаги тирқишдан қараб турибмиз. Қаёқдандир гайдо бўлган Файз оёқ учида югуриб бориб, машинанинг эшигини очди. Нариги эшикдан кул ранг форма кийган шофёр, Файз очган бу эшикдан эса ўрта ёшлардан ўтган, салобатли жентельмен чиқиб келди. Файз кўксига қўлини қўйиб, унга бизнинг зинавоёни кўрсатди. Бир дақиқадан кейин бу киши бизнинг эшигимизни қоқиб, ғойибдан тушгандек, остонамизда пайдо бўлди.

Унинг эғнида ўртача мавқедаги жентельменлар киядиган шинам қора смокинг, кўкрак чўнтагидан садафдай оқ рўмолчанинг учи чиқиб турибди, крахмалланган оқ ёқа, йўл-йўл галстугида монограммалик тилла тўғнағич, оёғида тумшуги ялтироқ ботинка. Уст-бошида бирон кам-кўст йўқ, ҳаммаси ўзининг новча, тик қоматига ярашган, юзи астойдил парвариш қилинган бўлиб, эркакча стандарт ҳусни совуқроқ туюлар эди.

— Жаноб Стенли? — деди Борис қучоғидаги китобларни деразага омонат қўйиб. Бу одамни таниб гапиряптими, қаёқдан таниди — мен тушунмадим. Пешвоз бориб кутиб олди, курси таклиф қилди. Одатда

йўлдан қелган кишига бериладиган муз солинган шарбатни олдига суриб қўйди.

Стенли айланма курсига эгарга минган жокей сингари чаққон миниб ўтирди, юзида тавозе, эзгулик, илтифот нур сочиб турар эди. Сигаранинг хушбўй оқиш тутуни оша иккаламизга ҳам кулиб боқар, бизни учратганидан ҳам, ўзидан ҳам гоят мамнун эди чамаси.

Стенли. Хогарт М. Стенли III шу экан-да?

«Компаниянинг тож киймаган қироли, — деган эди Дмашқий унинг тўғрисида гапирганда, — Экстерни ҳатм қилган, кейин Гарвардда маъмурий ишни, бухгалтерияни, юриспруденцияни ўрганган, типик корчалон». Мана, у рўпарамизда ўтирибди. Эллик йил тарихли «мустақил» нефть компанияси акцияларининг олтидан беш қисмини ўз қўлига жамгарган империалист қўшнимиз.

У бегардиш, қизғиш кўзойнагини қаншаридан олиб, склеротик кўк томирчалар тўрлаб кетган энганини оқ рўмолча билан артиб қўйди.

— Бу ерда сизлар билан саломлашиш қандай саодатли он! — деди у оқ оралаган сийрак сочларини силаб. — Бу юртнинг бу кимсасиз бурчагида оддий бир зиёли зотни кўриб гаплашиш ҳам амри-маҳол. Цивилизациянинг сизлардек муҳтарам вакиллари учратиш эса — мўъжизадир! Келганларингни ўтган куни эшитган эдим, қутлаш ташрифига эса, хуллас, шу оқшом муяссар бўлдим.

— Раҳмат, сэр, — деди Борис бўлак гап тополмай.

— Ниҳоятда зерикарли бу жойлар, ақлдан озиши мумкин одам, — деди меҳмон, — бундан буён сизлар билан мулоқотда бўлиб, гаплашиб туриш имконидан чексиз мамнунман, жаноблар.

— Сиз билан танишганимизга биз ҳам хурсандмиз. — деди Борис. Улар яна нималарнидир гаплашишди-ю, менинг қулоғимга кирмади, мен ўз ҳайратим, ўз азобли ўйларим билан банд эдим: бу одам эшикдан кириб келиши билан мен ғалати бўлиб кетдим — нимасидир кўзимга таниш кўриниб кетди. Бу беками-кўст қомат, совуқроқ ҳусн, бу ўз-ўзидан мамнун бўлиб кибрли илжайишни қаерда кўрган эдим?

Туриб кетаётганида у ҳассасини чап билагига илиб, менга ҳам қўл берди, кўзи юзимда бир зум тўхтади-ю, бир нима демади, танимади шекилли, Мен эса йўқ, мен ҳам танидим деб- айтолмайман, аммо...

— Якшанба куни тушки овқатни меникида қиламиз, жаноблар! — деди у чин кўнгилдан қувониб, йўқ демайсизлар, ўз тенгим билан гаплашмаганимга икки йил бўлди, ёввойи бўлиб кетдим, худо ҳаққи! Бир гаплашайлик, хўпми, мистер Богданов!

Мен Бориснинг нима дейишини кутардим. Наҳотки «йўқ» деб кесиб айтишга гурури етмаса? Наҳотки бу ашаддий мустамлакачи билан бир дастурхон атрофида ўтириш учун розилик берса?

— Илтифотингизни ерда қолдирмасликка ҳаркат қиламиз, мистер Стенли, — деди Борис уни кузата туриб. Мен оғзимни очиб қолдим. Борис меҳмонни кузатиб қайтиб кирганида ҳам турган еримда ҳангманг бўлиб, оқаринқираб турардим.

— Ҳа? — деди Борис. — Ё тирик империалистни биринчи кўриб туришингми?

Мен индамадим. «Роллс-Ройс» шипиллаб жўнаб кетди.

— Менга қара, сен унинг таклифини ростдан қабул қилдингми? — дедим мен.

— Сенингча, рад қилиш керакмиди?

— Ахир бу...

Бу ким? Кимлигини билганга ўхшайману хаёлимга келтиролмайман. Тўғриси ўз хотирамга ишолмайман. Агар бу ўша...

— Биз у билан тинч-тотув яшашимиз керак. Борди-келди, визит... — деб кулиб тушунтира кетди Борис.

Менинг миямда хотиралар ўралашар эди.

— Тинч-тотув...

— Ҳа, ҳа — деб илиб кетди Борис. — Бу ерда у билан қўшнимиз, у ҳам қурапти, биз ҳам қурапмиз. Унга биз «қурма, кет, ҳаққинг йўқ!» деб дўқ қилолмаймиз. Бирдан-бир йўл — тинч-тотув мусобақада елкасини ерга ишқалаш. Шунинг учун биз унга орқамизни ўтириб, бойқот эълон қилмай, балки учрашиб, ошкора гаплашиб, бир-биримизга қарама-қарши рўй рост тикка тура берамиз.

Хуллас, Борис узоқ гапириб менга тушунтирди: Стенли бу шўрлик мамлакатни талаш, қонини сўриш учун қуряпти, биз эса уни бойитиш, оёққа турғизиш учун. Халқ буни тушуниши керак, биз енгамиз. Биров шунча ҳиммат қилиб чақирди, бориб нонушта қилсак нима бўпти. Агар у душман бўлса, ўнги-астарини билиб қўйганимиз ҳам чакки бўлмайди...

«Агар душман бўлса» эмиш. Борис ҳали менинг хотирамга нималар келганини билмайди. Мен бу хушқомат, чиройли, серилтифот одамни эски ошнам капитан Макуэллга ўхшатиб турибман. Ўхшатаймани ўзим шубҳаланаман, яна нималарнидир эшлашга зўр бераман, шунинг учун Бориснинг гаплари унча қулгимга кирмайди, гира-ширада у менга тикилиб-тикилиб қўяди — гангиб қолган одамга ўхшасам керак шу топда.

Ўшами, ўша эмасми? Қанча бўлди ўзи уни кўрганимга? Саккиз-тўққиз йил... Одам шунчалик ҳам ўзгарар экан-да? Қани у тўлқинланиб турган қуюқ сариқ сочлару тиниқ зангор кўзлар? Ўзига ортиқча ишонган такаббур товушу ҳарбийча пухта, тетик қаракатлар ҳам йўқ. Осон бўлмаганга ўхшайди унга ҳам бу йиллар... Лекин илгариги Макулэллдан нимадир бор. Мени сескантирган туманли кўз қарашим, мустаҳкам садаф тишларинигина тиржайтириб тунгроқ кулишими — нимасидир ғоят таниш, нимасидир ўша капитанни кўз ўнгимга келтирар эди.

Агар бу ўша Макуэлл бўлса, у мени танимадимикин? Эки таниса ҳам сир бермадимми? Кўзи юзимда бир нафас тўхтади-ю, лекин туси ўзгармади, танимаган бўлиши ҳам мумкин.

Дарвоқе, нега унинг оти Стенли? Хогарт М. Стенли III. Эки бу мутлақо бўлак одаму, мен эски хотираларимни беҳудага кавлаштиряпманми? Эҳтимол. Лекин барибир, худди ўшами, ўша эмасми — аҳамияти йўқ. Чунки бу барибир яна ўша куч ва мен унга яна дуч келдим.

Қаерда ҳам ўқиган эдим: тореадорлар ҳўкиз қутурганда уни ювошроқ буқанинг катагига киритиб юборар эканлар. Қутурган ҳўкизни бошвоқлашнинг ўзга йўли йўқ. У тек турган бегуноҳ буқанинг ичакчаванини ағдаргандан кейингина кўпикдан тушиб, бошвоққа бўй берар экан.

Бизни урушда ана ўша буқа ўрнида кўришни истанлар ҳам, урушдан кейин «Европада октябрь шарпаси» деган гапдан титроққа тушган Макуэлл ҳам, ҳозир мустамлакачиликнинг бу шўрлик юрт танасига ботган тирноғи Стенли ҳам — ҳаммаси бир куч. Асримизнинг бош қора кучи.

Қизиқ, мен унга дуч келмай яшай олар эдиммикин?

Бу гапларнинг барини Борисга айтиб, фикрини сўрасам, у савол берди:

— Нима бўпти, мунча ўйга толдинг, ё у билан учрашмасанг дуруст бўлармиди?

— Йўқ, Борис Максимович, — дедим, — пешанамга битгани шу шекилли. Ўйлаб турибманки, авлодимизнинг шу кучга рўпара туриши тақдир экан, умримизнинг маъниси ҳам балки шудир.

Борис одатдагича кўзи билангина кулиб қўйди, унинг ақлли назарида меннинг «фалсафага берилган-им»дан беззоргина кулиш ҳам, кўнглимдагини чуқур тушуниш ва маъқуллаш ҳам, «ҳа, майли бас қил» деган сабрсизлик ҳам бор эди.

Биз яна китобларимизни тахлашга тушиб кетдик. Ташқарида нам оқшом узоқдаги жунглининг димиққан нафасини, ҳашоратлар оламнинг безовта жонланиши, ғувуллаши ва бутун хаосини юзага чиқариб ўзи ер юзига зил босиб тушмоқда. Олдинда нотинч, сирли, бўғиқ, қоронғи тропик тун...

10. МУТАБ ТҲЙМАҒАН МУЖИБ ТҲЯРМИ...

Азамат эвкалиптлар хазбонидан ўтгач, аллаловчи шаршара товуши эшитилди. Кумуш сув тўзонида ғовлаб ўсган арундо номли гигант қамишлар орасида шаршаранинг ўзи кўринмас эди. Арундонинг ўн метр баландликдаги майин попилтириғи сув шабадаси билан тебраниб олтинланиб турибди. Асфальт йўл кириб кетган темир дарвоза орқасида араб услубидаги, жуда кўп ранг-баранг ва пасту баланд ойнавонли мансардалар, айвонлар билан безанган, кўк тунука томли қадимий коттежлар кўзга ташланди.

Офтоб шуъласи тушмайдиган мрамар ҳовли, тош ҳовузлар, деворларни бахмалдай қоплаган қуюқ кўк чирмовуқ, катта тош тувакларда гул, хурмо. Қуёшсиз

чивинсиз, узоқ шаршаранинг бир маромдаги шовуллаши ва оғир сукут билан тўлган алоҳида кичик дунё. Уйларнинг пойдеворлари сайқалланган базальт тошидан, ораларига юпқа оқ тош плиталар ҳам қистирилиб, римча безатилган. Ҳовуз томондаги деворларни қоплаган чирмовуқдан зах ва олтингугурт ҳиди анқийди, нарироқда кичкина парк, узоқдаги шифоли ва иссиқ булоқлардан тортилган қувурлар, бири яшил, бири қизил рангда, отилган ўқдай бўлиб ертўлаларни тикка тешиб кириб кетган.

Баланд, енгил мансарда тепасида заррин тўқачали флагшток; шамол йўл-йўл ола байроқни юлиб-юлқиб, ҳилпиратиб турибди. Катта боғнинг этагида бутхона гумбази кўринади.

Барваста негр хизматчи, бизни катта деразалар тагидаги япасқи зинадан бошлаб чиқди. Конденсацион аппаратлар товушсиз ишлаб турган салқин, бўм-бўш катта залга кириб бердик. Бу ҳашаматли, кимсасиз, ним қоронғи бўшлиқ, беҳос қулаган дарахтдек устимдан босиб тушди...

Ҳар томонда эшиклар; бундай хоналар кўп бўлса керак, лекин одам зоти кўринмайди. Негр ҳам индамайди, ақалли йўталмайди ҳам, шипиллаб юради. Унга эргашиб биз яна шундай бир залга кирганимизда узоқда жаноб Стенлининг ўзи кўринди. У бўлса бизни яна бошқа хонага бошлади, бу ҳам катта, бу ҳам бўм-бўш, шифтида паррак-елпиғич чарх уриб турган салқин зал эди. Дераза ўрнида ганчдан гулдор панжара, бурчаклар ним қоронғи. Сариқ гиламнинг у бошида, қоронғи тўрда икки гилдиракли баланд креслода ўтирган одамга кўзимиз тушганда сесканиб кетдик — у тирик эмасдек эди.

Мезбон бизни ўша томон бошлади.

Бу юзлардан ошиб кетган кампир бўлиб, бизнинг келаётганимизни сира кўрмаётгандай, қимир этмай ўтирар, қариган калтакесакдай қоқланиб буришган юзида жон йўқ, фақат энгаги тинмай силкиниб, тириклигини билдириб турарди.

— Барча Стенлиларнинг волидаи аввали, — деди уй эгаси аввал кампирга ўзи таъзим қилиб, — бу менинг азиз дўстларим, муҳтарама, янги танишларим, россиялик инженерлар, қўшнилариимиз, меҳмонлариимиз, — деб илтифот билан бизни танитди. Биз кампир-

га бош силкидик. Кампирни қуриган банан рангидаги юзида ўзгариш бўлмади. Менинг бу бурчакдан тезроқ ўтиб кетгим келарди, чунки дилимга аллақандай совуқ бир шарпа оралагандай бўлди. Хайрият, бу ерда узоқ турмадик. Бу бурчакка таъзим қилиб ўтиш шунчаки кўнгилсиз бир расмий маросим экан, шекилли, меҳмонхонага ўтганимизда Стенли дарров ўзгариб бир дилхиралик бўйнидан соқит бўлгандай, бирдан хушчақчақ бўлиб қолди.

— Кампир юз йилдан буён шу ерда, — деди Стенли замонавий кишига жуда патриархал туюладиган ҳалиги маросимни тушунтириб. У бундай узр оҳангидаги изоҳни бошқаларга ҳам берса керак, кўриниб турибди. — Бу ернинг матриархи, руҳи, «Шарқнинг онаси» дейишарди илгари. Боб-баҳрга келган ҳар бир кимса аввал шу кишига таъзим қилади. Узим ҳам канда қилмайман бу эзгу удумни. Чунки, азизлар, пайқагандирсиз, бу ерда юз йил эмас, бир кун яшашнинг ўзи ҳам қаҳрамонлик, — Стенли фавқулодда сергап бўлиб кетиб, гапни гапга улаб борарди: — Эпикур чолнинг ўзи айтган «таом инсоннинг туғма ҳаловати» деб. Қани, тўрга ўтинлар! — деди у хонаки фаввора сапчиб турган салқин бурчакдаги шарқча юмшоқ катларни кўрсатиб.

Меҳмонхона ҳам кенг зал эди. Леопард ёғочидан қилинган сарғиш доғли жигар ранг курсилар ёнида оёқ қўйиш учун маймун териси тўшалган, бамбук пардалар негадир туканнинг олачипор патлари билан безатилган. Катта, ёруғ, лекин офтоб тушмайдиган деразаларнинг рўпарасидаги зангори деворда бир-бирига ўхшаш, лекин турли асрларнинг кийимини кийган ота-бола стенлиларнинг портретлари осилиб турибди. Улар бизнинг суҳбатдошимиз — учинчи Стенлига ҳеч қайси жиҳатдан ўхшамас эдилар. Хогартнинг бобоси пўпак қалпоқ кийган, серсоқол, белида энли қайиш, катта тўппонча таққан, оддий шим, чарм қўнжли катта ботинка кийган, қўлига йўнмаган таёқ ушлаган, баланд бўйли, ҳозиргина жунглини кезиб келгандек, қиёфаси, гавдаси шиддатли одам эди. Отаси эса жингалак малла парик кийган, жиккак, ишчан зиёлига ўхшайди. Хогартнинг ўзи бўлса биздай оддий инженердан сира фарқи йўқ.

У ширинтомоқ Эпикур ва таомлар тўғрисида ҳа-

зиломуз гапириб, тўрдаги узун столнинг четидаги кнопокани босди — дастурхон буюрди.

Биз юмшоқ катга ўтириб, духоба болишларни тир-сакка тортдик. Катнинг суянчиқларида, бурчакдаги ялтироқ сепоячаларда китоблар сочилиб ётар эди. Баъзиларига кўзим тушди: Киплинг, Уильям Хенли, Сесиль Родс, Чемберлен... Карл Маркс.

Доҳийнинг томига Бориснинг ҳам назари тушди ва «ажабо?!» деб қўйди унинг ҳам кўзлари. Чиндан ҳам бу жингоизм маддоҳлари орасига қандай кириб қолди бу улур китоб? Наҳотки Стенли уни ўқиса?

Шу маҳал дилбар бир хоним кириб фикримизни бўлди. Мисс Стенли юпқагина, оппоқ юзли, худди ҳозиргина рангли журнал саҳифасидан тушиб келгандай — кийимларининг биронта тахи бузилмаган, тўлқинланиб елкасига тушган олтин сочлари ҳам ялтироқ; акасига ўхшаш бунинг ҳам ҳусни бир оз совуқ ва сунъийроқ эди. Унинг узун болдирларини очиб яхта палубасидаги шезлонгда ўтиришларини, кенг соябонли шляпа кийиб пальма хиёбонида қора лимузинни ҳайдаб кетаётганини, ёки сонигача қийилган узун оқ кўйлак кийиб, ҳашаматли балда танца тушишларини тасаввур этиш қийин эмас эди.

— Маргрет, — деди Стенли синглисини бизга таништириб. Қиз биз билан бош эгиб саломлашди-да, қимматбаҳо атир ҳидларини бурқитиб рўпарамиздан ўтиб кетди, очиқ-сочиқ китобларни йиғиштира бошладди.

— Уят эмасми, Хогарт! — деди акасига ясама аччиғ қилиб. — Меҳмонларни шундай ивирсиган хонага бошлаб кирибсан.

Унинг нимасидир акасига ўхшаб кетарди — бепи-санд қарашими, кибрли ҳаракатларими — билолмадим. Мен инженер Файзни ўйлардим: наҳотки булар ўртасида бирон олижаноб ҳис-туйғу бўлса? Файз тўтиқушдай сербезак кийинган, қилиғи, ўй-фикри ҳам шундайроқ, ўзи калтабақай, қоп-қора... Бу бўлса садафдек нафис, нозу эркаликнинг чегарасини билмайдиган, Файздекларни пашшадек босиб ўтиши мумкин бўлган, отамерос миллиардларнинг бирдан-бир маликаси...

У Бориснинг рўпарасидаги баланд суянчиқли чарм курсига ўтириб, бизнинг келганимизга хушнудлик бил-

дирди, столдаги хушбўй сандал ёғочидан қилинган бе-
жирим қутичадан сигарет олиб узун қаҳрабо муштук-
ка ўрнатиб, чекди, қутини биз томон суриб мулойим
жилмайиш билан илтифот қилди.

Хизматчилар пастак столга ичимликлар қўйиб,
қадаҳларга муз парчалари солиб кетишди. Кич-
кинагина ялтироқ мис ўчоқни ичида чўғи билан ара-
вачада гилдиратиб келишди, кабоб ва ананас ҳиди
анқиди.

— Акам африка джини билан мана шу жайрон ка-
бобига ўч, — деди мисс Маргрет. — Сиз-чи, мистер
Богданов?

— Бизлар шунчаки метрополия таоми билан улғай-
ган кишилармиз, мисс, — деди Борис.

Стенли бу илмоқлироқ жавобни эшитмаган бўлиб,
джин қуяётган хизматқорга қадаҳларни тутиш билан
овора бўлди. Афсонавий қуш тумшугидек қилиб иш-
ланган фаянс идиш оғзидан арпабодиён мойи томи-
зилган муздек шароб вишиллаб қадаҳларга қуйилар
эди.

Стенли ичимликни қўлига олиб, бизга қаради.
Бармоғидаги оддийгина олтин узук акси ёқут қадаҳда
чўғдай ёнар эди.

— Жаноблар! — деди у. — Сизларнинг қаҳрамо-
нона қадамларингизга тан бердим. Дунёнинг қоронғи
бурчакларига рўшнолик етказиш, мискин ва фақир
элатларга эзгу кўмак ҳисси, цивилизация уругини са-
хий ҳиммат ила таратиш ҳамма замонларнинг талаби
бўлиб келган. Сиз билан биз бир дақиқа ҳам бўшаш-
маслигимиз керак — жафокаш инсоният қиёфаси ҳа-
миша кўз ўнгимизда бизнинг бурчимизни эслатиб тур-
син!

У қадаҳни бир ҳўплаганда кўрдикки, биз бу гапга
ичмоқчи эмасмиз. Маргрет синчалогини гажак қилиб
қадаҳни икки бармоғида ушлаганича, ёниб турган
синчков кўзлари билан Борисга тикилиб қолди; ундан
антиқа гап кутар эди шекилли.

— Мистер Стенли, рухсатингиз билан биз ўз юрти-
миз учун ичамиз, жуда соғиндик! — деди Борис ку-
лимсираб. Иккаламиз ҳам ичиб юбордик, уй эгаси ҳам
ўйлаб туриб, қолганини отиб юборди, кўзлари ҳамон
ёнганча Маргрет қолди холос. У қимир этмай Борисга
тикилар эди.

— Сизнинг дастлабки туйғунгиз менга тушунарли, мистер Богданов, аммо менинг тажрибамга инонинг, бундан буён шу фақир тупроқ ҳам ўз ватанингиз бўлиб қолади.

— Инсоннинг жони ва ўлими битта бўлганидай, ватани ҳам битта бўлиши керак, сэр,— деди Борис қўлида ўйнаб ўтирган чиройли қадаҳга ғамгинроқ тикилиб.

Мен Борисга қойил бўлдим, дадилланиб кетиб, Макуэллга (унинг ўша капитан Макуэлл эканига энди астойдил ишона бошлаган эдим) ўзимча қаттиқ тишла-тиб олдим:

— Одамнинг оти ҳам битта бўлиши керак.

— Bravo! — деди Маргрет кўзлари баттар ёниб. — Бу фалсафа менга ёқяпти. Менингча, инсоннинг муҳаббати ҳам ягона бўлиши керак, нима дедингиз мистер Богданов?

Бу хоним, албатта, баҳсинг мағзига етолмаган, буни шунчаки чиройли сафсата сўқиб ўтириш деб англаган эди. Борис унинг саволини ҳам, оташин қарашларини ҳам очиқдан-очиқ эътиборсиз қолдирди.

— Менинг тостимни бекорга рад қиляпсиз, — деб давом этди Стенли. — Бу ерларда оқ одамнинг шарафли миссияси энди сизнинг фаолиятингизда ҳам давом этади, мистер Богданов. Учмас машғал бу. Табиатнинг қонуни шундай. Бу ерларга маърифат қуёшини чарақлатиш сиз билан биз учун бамисоли амри илоҳдир.

— Индамай ўтирсак, дейман, мистер Стенли, сиз бизни қаҳрамон готтентотларнинг бош суякларига, Ашонтий харобаларига, Дагомея, Самори қирғинларига ҳам шерик қиласиз чамамда, — деб кулди Борис. — Мустамлакачиликнинг қонли йўлини ҳам, шармандали тақдирини ҳам ўртоқлашгимиз йўқ, очигини айтсам.

Стенли мийғида кулиб ўзи ичимлик қўйди, овқатга қистади. Кейин аста давом этди.

— Сиз русларда эски тушунчалар кўп яшовчан бўлади-да. Мустамлака тугатилди, ахир, мистер Богданов, мустамлака йўқ, миллатлар ҳамжиҳатлиги бор.

— Ҳар-ҳолда, нимадир бор денг?

— Биз бу ожиз элатларни цивилизациянинг маълум босқичига кўтариб қўйдигу, лекин уларни ҳали бутунлай ўз ҳолига ташлаб кетишга ҳаққимиз йўқ.

— Агар мустамлакачиларники қувган бўлса, демак унча сиз айтгандек ожиз эмас экан-да бу элатлар ҳам? — деб гап қўшдим мен.

Стенли менинг луқмаларимга эътибор бермас эди, бу гап ҳам четлаб ўтиб кетди. Назаримда, шундай тасаввур туғдирмоқчики, гўё мен. Борисга хизматкордай, шунчаки эргашиб келганману, соҳиби хонадон фақат менинг хўжайиним билангина суҳбатлашиши керак, менинг эса хўжайинлар гапига аралашувим одобсизликдан бўлак нарса эмас...

Аламинни ичимга ютиб зўрға ўтирибман.

— Инонинг, мистер Богданов, — дерди Стенли, — бу бечора халққа ҳурматим сизникидан асло кам эмас. Меҳнат ҳақини икки баробар ошириб тўлаяпман, хабарингиз бордир...

— Мурувватли, либерал колонизализм денг?

«Либерал»... эҳтимол. Ишқилиб...

— Ишқилиб, — илиб олиб давом этди Борис, — «миллатлар, ҳамжиҳатлиги»ми, «либерал колонизализм»ми, ҳар хил янги ном қўйганингиз билан, ишқилиб...

— Оқ ит, қора ит — барибир ит, деган мақол бор ўзбекларда, — деб яқунлай қолдим мен, оғзимга келганини қайтармай. Гапим ерда қолаётганига жуда жаҳлим чиқиб турган эди. Дастурхон устида бўлса ҳам ёрила қўйдим. Унинг дастурхонимиди бу, тагини суриштирганда бу ердаги ҳашаматларнинг бирон заррасида унинг ҳаққи йўқ.

Мен ичимда шундай деб ўз қўполлигимни ўзим оқлаб ўтирдиму Стенли бу луқмамга ҳам эътибор бермади. Ҳамон Борис билан осойишта, оғир гаплашиб ўтирар эди. Аммо мен юзининг аллақандай томирлари тортишиб-тортишиб қўйганини фаҳмлаб қолдим, у босиқ бўлишига уринса ҳам, асабийлашиброқ қолган эди. Энди бир-биримизнинг қўйнимизга қўл солиб кўриш учун учрашганимизни у ҳам, биз ҳам яширмас эдик. Гап очиқчасига кўчди.

Борис бизнинг миссиямиз мустамлакачиларникидан қандай фарқ қилишини, ҳозир жунгли ботқоқларида қувур ётқизаётган қора қулларнинг ҳаёти жаноб

Стенли учун қора нефтдан бир неча бор арзон эканлигини, мустамлакачилар бу ерда қамоқхоналар, казармалар қуриб қўйиб, бунинг отини цивилизация деб атаганликларини гапириб, «Биз эса...» деб эндигина бизнинг вазифамизга ўтган эди.

— Сиз эса... — деб Стенли унинг гапини бўлди. У ҳамон нозик қадаҳларга ичимлик қуяр, галстугини бўшатиб олиб, ёғоч сихли жайрон кабоби билан бизларни меҳмон қилар эди.— Сиз эса гўрковлар етиштиргани келдингиз, шундайми?

— Нима деганингиз?

— Мана, завод, кейин — ишчилар синфи...

Борис нарироқда диванда ётган Маркс томига кўз ташлаб, «тушунарли» деган маънода:

— Ҳа-а... — деб қўйди.

— Лекин «жаҳоний қишлоқ»нинг пойдевори мустаҳкам, уни осонликча қимирлатиб бўлмайди, — деди уй эгаси, — сўнгра, битта қарга қиш эмас, дейдилар мистер Богданов.

— Мақолни бузиш ярамайди, сэр: қишу қарга ҳақида эмас, янглишмасам, қалдирғочу баҳор ҳақида нақл бор, хотирангизда борми, мисс? — деб Борис негадир Маргретга мурожаат қилди. Хоним дарров ажойиб ноз билан бош силкиб маъқуллади. — Қалдирғоч келдими, баҳор ҳам келади, — деди Борис. — Айтгандай нечага кирдингиз, мистер Стенли?

— Қирқ саккизга. Нима эди?

— Марксизмнинг оламга келганига юз йилдан ошди. Элликка яқинлашганингизда қўлга олибсиз (у дохийнинг китобини кўз билан имлаб кўрсатди). Демак, жуда зарур бўлиб қолибди-да?

— Ҳа, ниҳоятда зўр авлиё ўтган бу қария. Унинг башорат қилиб айтишича, Россияда Византия руҳи кучли, токи ўзгалар унга қарши бирлашмагунча у экспансияга зўр бериб интилажак.

— Бу чор Россияси ҳақида, сэр.

— Ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Маркс таълимоти ҳамма замоналар учун баробар.

— О, сиз Маркснинг ўзидан ҳам марксистроқ экансиз, мистер Стенли, — деб кулди Борис. Мен унинг сабр-тоқатига қойил қолиб ўтирар эдим. Назаримда, Маргрет ҳам Бориснинг ўзига ишончига, босиқлигигами, ёхуд гапларининг мантиқигами (лекин мантиққа

етиб бораётганлигига гумоним бор), ишқилиб Борисга маҳлиё эди.

— Ҳа, ҳамма нарса Маркс айтгандай бўляпти, — деб давом этди Стенли, — мана сиз, мистер Богданов, чор Россиясидан эмас, ҳозирги Россиядан келгансиз, шундайми? Нега? Жаҳон ҳукмронлигига интилаётган коммунистик империализмни сизлар тан олмайсизлар албатта. Лекин бу объектив қонун. Бу экспанцияга қарши тузилган блоклар ҳам объектив қонун. Маркс объектив қонунни тан олган.

— Марксни нега қўлга олганлигингиз ана энди билинди, мистер Стенли. Ажабо, мустамлакачиликнигина эмас, агрессив блокларни ҳам Маркс ёрдамида ҳимоя қилиш — бу кўз бойловчи ҳуққабозларнинггина қўлидан келиши мумкин. Циркда ишламаганмисиз, сэр?

— Найрангбоз ўтда ёнаётиб, шу оловни сувга айлантириб бўлмасмикин, деб хаёлга толган экан, — дедим мен. Бу сафар қўпол луқмамга Бориснинг ҳам жаҳли чиқмади. У чўнтагидан ўз папиросини олиб тутатди. Ҳаммамиз чекмоқда эдик, шифтдаги катта паррак тутунни қаёққадир олиб кетмоқда, сигаранинг хушбўй ҳиди хонада айланиб юрарди. Қора қаҳва, муз солинган мимитити, яна алланималар ичиб юбордик, лекин суҳбат давом этар эди.

— Йўқ, сэр, сиз Маркс таълимининг асл маъноси-ни яхши биласиз, — деди Борис. — Колониализм билан империализм ҳалокати муқаррарлигини ҳам яхши биласиз. Лекин яна озгина, бир-икки йил бўлса ҳам жон сақлаб қолиш дарди билан тўлганасиз. Бунинг учун ўзингизнинг хонаки «марксизм»ингизни ўйлаб чиқаришдан ҳам, ҳатто ҳалокатли урушга ҳозирликни оқлашдан ҳам тоймайсиз.

— Мен баднафс денгиз алвастиси ҳақида эшитган эдим, — дедим мен, — чавоқ балиқ билан бирга тўрга тушиб қолганида, ўлим олдида турганини билса ҳам, сўнгги нафасида тўрдаги чавоқни очкўзлик билан ютавериб, сувдан чиққунча бўкиб ўлар экан.

Қизиқки, бу дағал ўхшатишим ҳам Стенлининг жаҳлини чиқармади. У ичган сари ҳушёр тортиб, тинмай гапир берди, жуда кўп кўчаларга кириб чиқди, баъзан фикрлари чувалашиб, ўзининг айтганини рад қилар, оқ ва қораларнинг ягона йўли ҳақида, сингли-

си билан бирга ерли халқ тилини ўрганаётгани ҳақида гапирар, уйғонган элатларнинг буюк безовталигини камситиб кўрсатишга уринар, гоҳо ўзини маърифат ташувчигина эмас, ҳатто ерлиларнинг «миллатчилик» гоъясини қўлловчи қилиб ҳам кўрсатар, лекин айни вақтда бу «миллатчилик»ни коммунизмга қарши қўяр эди. Гоҳо эса ерлиларга нафрати очиқ билиниб қолар, уларни ҳовлиққан, бесабр ўсмирга ўхшатар (автомобиль ҳайдашни ўрганиб олиб, тенг бўлдим деб ўйлайди) ва йўқотиб қўйган тезисига яна қайтиб:

— Йўқ, сэр, бўлар ҳали оқ «мўъжизакор»нинг ёрдамига муҳтож! — дерди, — сиз айтган тенглар ҳам, озодлар ҳам, мустақиллар ҳам йўқ, — булар бари бемаъни гап. Хўш, нима бор? Кучли ва заиф миллатлар бор. Ҳа. Биринчиси — мана сиз билан биз! Кучли изоҳлаб ўтириш ёки уни ахлоқий сафсаталарга ўраб кўрсатиш ҳожат эмас. Куч кучдир, шунинг ўзи тушунарли! Бусиз на цивилизация, на прогресс. Кучлилар ҳамиша ҳақ, кучлининг миссияси оғир, лекин қиёфаси нақадар гўзал ва олижаноб! Ичинг, сэр!

У баъзан у ёқ-бу ёққа қилпиллашни ташлаб шундай очиқ ва баландпарвоз гапириб қўяр, биз билан иноқликка интилар, кўнгилчанлик қилар эди:

— Ичинг, сэр, бир хушчақчақлик қилайлик, — давом этди у, — ҳеч бўлмаса сиз бир кулиб қаранг, бу ерда икки йилдан бери илжайган бир башара кўрганим йўқ, худо ҳаққи. Бу ерда одамлар кулишмайди. Қани Осиёнинг кулгиси, мистер... мистер... — у менинг отимни эслашга уринди, эслолмади.

— Осиё сизга кулмайди, сэр, — дедим мен ҳамон олишиб. Мен ҳар сўзимда кўнглимдагини айтмай қолмасдим. Назаримда, энди олишмаса ҳам бўлардию, чунки фойдаси йўқ, бу одам барибир сиртига юқтирмаяпти, лекин Борис ҳамон жавобини бўшаштирмагач, мен ҳам чўрт кеса бердим. — Сизга кулмайди у, мистер, кулолмайди, асрлик ғазаби йўл қўймайди кулишга.

— Биз кетишимиз мумкин, — деди Стенли қўллари йиби. У ширакайф бўлиб қолган эди. — Биз йўлларимизни, портларимизни... барини ташлаб кетишимиз мумкин. Лекин бу оми халқ, бу ожиз қора қўллар бу механизмни қандай қилиб бошқаради, айтингни!

— Аввало бу коналарни, магистралларни, бу портларни шу қора қўллар қурган, мистер Стенли, иккинчидан, уларнинг авомлиги, жоҳиллиги — ўзингизнинг машъум кўланкангиз, — деди Борис.

— Бу қора қўллар ер қазишга яратилган, менинг бераётган пулимдан аввало уларнинг ўзлари воз кечолмайди... — деди яна Стенли. Энди у йиртқич тирногини тез-тез ва бемалол яланғочламоқда эди.

— Оқ қўлқоп кийиб олиб ифлос сиёсат қўллагандан кўра қора қўл билан ер қазиш минг марта афзал, сэр, — деди Борис ҳам унинг юзига қараб. Ва шундаёқ, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, Маргретга мурожаат қилди. Унинг ҳадеб тикилаётган ёниқ кўзларига бир нима деб жавоб бериш керак эди чоғи.

— Сизни зериктериб қўйдик шекилли, мисс, авф этинг. Хўш, малол келмаса, айтинг-чи, сиз бу ерда нималар билан шуғулланасиз?

— О, сэр, менинг машғулотларим кўп. Қайси бирини айтай: акамнинг хоҳиши билан ерлиларнинг тилини ўрганияпман, акамнинг буйруғи билан муҳтожларга хайри-эҳсон жамияти тузаяпман. Акамнинг ихтиёри билан...

— О, ўз ихтиёрингиз билан қиладиган ишларингиздан ҳам гапирсангиз, мисс.

— Ўз ихтиёрим билан ёш умримни хазон қиляпман, сэр...

Шу маҳал ҳалиги барзанги негр остонада пайдо бўлди-да, «Мисс, сизни чақиритишяпти» деди таъзим қилиб. Маргрет ҳафсаласиз қўл силтаб, «жўнатиб юбор!» деган ишорани қилиб гапини давом эттирмоқчи бўлди:

— Ўз ихтиёрим билан...

— Маргрет! — деб акаси унинг гапини дағаллик билан бўлди.

Қиз, гапи оғзида қолиб, елкасини қисганча, биздан узр сўраб, хизматчининг кетидан аста чиқиб кетди.

Ажабо, бунинг ҳам қандайдир ҳасрати бор, ўзини ниманингдир қурбони деб ҳис қиляпти. Бу уйда шундоқ ҳам муносабатлар чигал ва мушкул шекилли, бунинг устига биз келиб дастурхон устида анча гуфтигу қилиб олдик. Борис ҳам шуни ўйладими, кайфдан, баҳсдан сал букчайиб, таъби хирароқ бўлиб қолган Стенлига қараб туриб, майин оҳангда гапирди:

— Қитмирлик, худбинлик қилмасдан, оламни гулатиб-яшнатиб, ажойиб ҳаёт кечириш мумкин эди, сэр. Биз бир-биримизга ҳалол ҳамкорлик таклиф этишимиз керак эди. Сиз ўз ақидангиз билан яцанг, биз ўзимизники билан. Шахсан менга, масалан, америкаликларнинг ўтирганда столга оёқ узатиш одатлари ҳайвонлик бўлиб туюлади, лекин агар сизга ёқса узатверинг, майли. Ўз столингизга, албатта. Бировникига эмас. Сизда баъзилар дунёдаги ҳамма столларга оёқ узатиб ўтириш мумкин деб чакки ўйлашади. Ҳар ким ўз юртида истаганича яшасин, лекин инсонларга инсонча тотувлик керак. Бизнинг газеталар ҳозир рус инженерни Бернштейн билан француз олими Робер Жирбаннинг «Ла-Манш — Мезень — Обь» лойиҳаси ҳақида, Беринг плотинаси проблемалари ҳақида ёзишяпти. Виласизми, бу лойиҳалар тўғрисида Ленин ҳам орзу қилган.

— Нима деяпсиз, мистер Богданов, Беринг, Ла-Манш... қанақанги Везувий этагида турганимизни наҳотки билмасангиз?!

— Урушни айтасиз?

— Ҳа. Тўғри, сиз ҳам, биз ҳам урушни истамаймиз. Бизнинг бурчимиз — нажотга умид йўқлигини кўра-била туриб муттасил соқчиликда туриш; қовжирса жасади Помпей дарвозаси ёнидан топилган ўша рим солдатидай тураверамиз. Ёдингиздами: Везувий вулқони отилишидан олдин у солдатни постдан чиқариб олишни эсдан чиқаришган экан... Бизнинг ҳам тақдиримиз шундай. Лекин бу сиз билан бизнинг айбимиз эмас. Одам яшаш учун даврни ўзи танлаб олмайди. Жаҳонни икки душман лагерга коммунистлар бўлди. Жаҳон энди тинчлана олмайди. Бу урушсиз гугайдиган дард эмас. Уруш бўлади, сэр. Ё сиз бўлак фикрдамисиз?

Борис тиниқ кўзлари билан жилмайди:

— Бизнинг мамлакатимизда бу хилда урушни тарғиб қилувчиларни олий жазога тортиш ҳақида қонун бор, мистер Стенли.

— Бизда фикр эркинлигига қарши қонун йўқ.

— Эркинлик агар жаҳон ҳалокатини тарғиб қилишдан иборат бўлса, биз эркин эмасмиз, сэр. Дунёнинг иккига бўлинганлигига келсак, бундай синфий бўлиниш, мистер, бундан минг йиллар муқаддам бўл-

ган. Маркс китобини қўлга олгандан кейин, ҳалиги цитатадан бўлак жойларини ҳам ўқиш керак. Дарвоқе, сизга нима зарур...

— Урушнинг муқаррарлигини рўй рост тан олиш ўрнига, унга қарши ҳар хил олижаноб қонунлар ўйлаб чиқариш билан замондан тасалли қидириш — қўрқоқлик деб ўйлайман, сэр.

— Айни замонда биласизки, биз қўрқоқ эмасмиз: биз кучимизни тантанали парадда намойиш қилганимиз йўқ. — Бориснинг қаергадир узоқларга тикилган кўзларида шиддат бор эди, — биз ўз ғояларимизнинг ҳаётийлигига аминмиз, шунинг учун уларни қурол кучи билан исботлашга муҳтож эмасмиз. Лекин огоҳлантириб қўйишимиз керак. Нюренбергда қора курсидагилардан бири ўзини оқламоқчи бўлиб: «Биз ишнинг бундай тугашини билмабмиз» деган экан. Кейин мана шундай пушаймонлар бўлмаслиги учун биз огоҳлантириб қўйишни фойдали деб биламиз, сэр.

— Бизни огоҳлантиришингиз ортиқча, биз республика демократияси анъаналарида тарбияланган, Озодлик ҳайкалига мағрур тикилиб ўсган авлодмиз.

— Гитлер Веймар республикасини нима билан портлатди? Антисоциализм бомбаси билан, сэр! Уша сизнинг пинжингизда ҳам бор. Антисоциализм догмати сизда расмий эълон қилинган. Аввало антисоциалистик полиция ҳокимияти, сўнгра фашист ҳокимияти. Чувак кийган чала жинни манжалақилар, антисоциалистик пропаганда билан асаби қақшатирилган қари миллионерлар қўрққанидан ҳозир оддий демократияни ҳам қарғаяпти. Фашистлар бўлса «кампири» ни, яъни Американи оёғидан ушлаб қоқиштиришмоқчи, XX асрни бекор қилиш керак дейишяпти.

— Коммунизмга муҳаббат изҳор этолмайман, аммо биз урушни истамаймиз, мистер Богданов. Лекин, мана, масалан, ўтган сафар урушишга мажбур бўлдик.

— Сизми? — деди Борис. Уни мана шу ерда биринчи марта ўзини тутолмай қолади шекилли деб ўйладим мен. Чунки бирдан ғалати бўлиб кўкариб кетди, беихтиёр ўрнидан туришга интилиб қўйди. Биз «Стенли II ва биродарлари»нинг уруш вақтида немис химия концернлари билан алоқада бўлиб, фашист танк дивизияларини бензин билан таъминлаб тургани-

ни кеча Дмашқийдан эшитган эдик. Бориснинг Гомелдаги уйини хотину бола-чақаси билан бирга мажақлаб, ер билан яксон қилиб кетган немис «Пантера»лари ҳам балки шунинг бензинидан ичгандир... Дўстим ҳозир шу тўғрида ўйладими ёки умрининг энги оғир фожиали кунлари ёдига тушдими, ишқилиб, ўзини базўр босиб, фақат шивирлаб қўйди:

— У ерда сиз йўқ эдингиз, сэр.

«Йўқ бор эди, бор эди!» деб юборишимга сал қолди. Анча эсанкираб қолган жаноб Стенли фронтда бўлганини гурур билан эълон қилиши керак бўлган шу ўринда ғиқ этмай ўтирди — мендан ҳайиқди шекилли, у мени танимаяпти деб ўйлар, таниб қолишимдан хавотир олар эди назаримда. Бир кўнглим, ўзимни танитиб, у ҳақда ўйлаган-билганларимни шартта айтиб солайми ҳам дедим. Лекин бундан нима фойда? Биз бу одамнинг инсофга келишидан умидвор эмасмиз. У билан биз шахс сифатида олишаётганимиз йўқ, биз ўз юртимизнинг вакилларимиз, суҳбатнинг дипломатик руҳига путур етмай қўя қолсин. Шунинг учун мен Борисга тақлид қилиб, гапга босиқлик билан, беозоргина аралашдим:

— Урушнинг охириги кунларида ватандошларингиздан бири билан ошна бўлдим. Капитан Макуэлл деган киши эди, — дедим. Стенли тоқатсизлик билан сигарага қўл узатди. Тутатганда унинг кўк томири бўртиб чиққан оппоқ қўли сал қалтираб, устки лабида совуқ тер доналари пайдо бўлди. Мен унга қарамасликка ҳаракат қилардим, лекин қарамасдан ҳам аҳволини зимдан билиб турибман. — Совет қўшинлари Берлин остоналарида қон тўкаётган кунлари бу йттифоқдош ошнамнинг фашизмдан озод бўлган элларга бориб, «большевикларга лаққа тушманглар, руслар сизларни қул қилади» деб игво тарқатиб юрганини, яна бошқа кўпгина «қаҳрамонона» ишларини билиб олдим. Унинг фикрлари фашистларнинг фалсафасидан унча фарқ қилмас эди. Уша вақтда кўпроқ Ницшени ўқир эди ошнам... — Мен четда сочилиб ётган китобларга кўз ташлаб қўйдим. — Унинг энг қўрққан нарсаси Европанинг келажаги эди...

— Келажак, келажак! Уша вақтда ҳам нуқул келажакдан доф урардингиз, кэптен! — деб ўрнидан туриб кетди Стенли. «Иш мана мундоқ бўпти-да, бекин-

мачоқ ўйнаб нима қиламиз!» дегандай унга кулиб боқдим. Лекин у калтак егандай, эзилиб кетган, асабий эди.

— Сиз эса, капитан Макуэлл, келажакдан яна ҳам қаттиқроқ қўрқадиган бўлибсиз! — дедим устига устак қилиб.

— Нима деганингиз? — деди у.

— Урушдан ҳимоя қидириб қолибсиз.

— Келажак — уруш! — деди сигарани асабийлик билан кулдонга босиб.

Борис билан биз бу сафар бир нима демадик. Бу билан бундай дағал оҳангга норозилик билдирганимизни жаноб Стенли ҳам англади. У оғир бўлишга ваъда бергандай, аста ўрнига ўтириб, қадаҳларга шароб қуя бошлади. Шунда мен ҳалиги оҳангимда яна давом этдим.

— Биласизми, сэр, яна бир нарса эсимга тушди. Бурун-бурун замонда...

— Яна ривоятми?

— Ҳа, яна. Бурун замонда донишманд бир қозининг ҳузурига йўрғақда бир гўдакни кўтариб икки аёл келибди. Иккаласи ҳам бола меники деб даъво қилармиш. Донишманд ўйлаб қараса, бола иккаласиники бўлиши мумкин эмас, биттасиники албатта. Бири эса ёлғондан даъво қиляпти. Лекин қайси бири? «Бўлмаса, болани қоқ ўртасидан бўлиб ола қолинглар», дебди донишманд уларга болта узатиб. Шунда аёлларнинг бири — асл она дод солиб йиғлаб юборибди. Иккинчиси бўлса, болани ўртасидан бўлишга рози бўла қолганмиш. Чунки бола уники эмас-да...

Шунга ўхшаб, сэр, сиз ҳам кишиликнинг келажакига болта солишга тайёрсиз, негаки, у сизники эмас... Сизнинг келажакингиз йўқ.

Стенли ўзини илжайишга мажбур этди.

— Ривоят шарқча-ю, лекин сиз ҳам русча фикр қилар экансиз, мистер Аҳмад, — деди у менинг исмининг биринчи бўғинига урғу бериб, — русларнинг фикрлаш тарзи ғоят консерватив. Улар учун ҳар бир хусусий мулк эгаси империалист, колонизатор. Мен оддий бир коргузар иш кишисиман ахир, жаноблар! Сиз айтган илгариги текинхўр капитализм йўқ ҳозир. У асосан мендек ишчан, шахсий ташаббус соҳибларидан иборат. У ниҳоятда халқчил бир қиёфага кирди.

Менинг қилаётган ишимдан ҳозир ўзимга нима манфаат бор? Бари мана шу қора халқнинг ўзи учун. Мен унинг учун ўз маблағимга нефть қувурининг янги траассасини қурыпман, мен ишчиларга икки баравар ҳақ тўлаятман, емайман, ичмайман, қураман, мен иш одамиман, жаноблар, халқ капитализми мана шундай ғайрат, ташаббус манбаи бўлиб қолди...

Бу вақт тўрдаги ойнавонли, катта, баланд эшикнинг иккала табақаси ҳам бирдан ланг очилиб, икки томонида иккита хизматкор пайдо бўлди. Нариги залдан аравасининг резинка гилдиракларини товушсиз гилдирашиб кампир кириб келди. Унинг араваси фил суяғидан қилинган, кўйлаги ҳам, қалпоғи ҳам оппоқ; кичкинагина сариқ юзида ҳамон ҳеч қандай ҳис-туйғу аломати сезилмас эди. Бироқ вужуди газабга тўлганини биринчи сўзидаёқ товушидан дарров билиб олди.

— Ҳа, энди ўзингга келдинг: сендан бир манфаат кутиш қийин! — деди у неварасига бақариб. — Тўғри айтдинг — иш одамисан, гадосан. Стенлилар авлодининг икки юз йил мобайнида топганини сен совурадиган бўлдинг, гадо қиласан бу хонадонни! Ҳа!

Ним қоронғи бўш хоналар кампирнинг кутилмаганда темирдай жаранлаган қарғишига тўлиб, худди шу овозни кутиб тургандай, машъум янграб кетди. Тикка туриб, букчайиб қолган Стенлининг «она» деб ялинган товуши аллақандай акс-садолар ичида йўқ бўлди.

— Замонанг ҳам бачкана, ўзинг ҳам паст келдинг! — деб давом этди кампир даҳани тинмай қилтиллаб. — Қулларга икки баробар ҳақ бериб, қора элат билан қўл тутишган, ерли муҳофизга солиқ тўлаб, ўз хазинасини, ўз ватанининг куч-қувватини елга со-вурган Стенлини эшитганмисизлар?! Йўқ, жаноблар, Стенли аждодлари бундай латта эмас, қўрқув билмас баҳодирлар эди! Сенинг ота-боболаринг империянинг қудратини мустаҳкамлашда на ўзининг, на бу чиркин элатларнинг жонини аяган эмас. Улар христиан цивилизациясининг шиддатли рицарлари эдилар. Қиролича марҳума, илоё жойи жаннатда бўлсин, сенинг мана шу бобонгни «Жунглининг олижаноб йиртқичи» деб ҳазиллашар эди. Сен-чи! Сен кимсан, Хогарт! Замона дейсан, демократия дейсан. Ота-бобонг кашф этган бу

юртда сўзинг ўтмаса, ота-бобонг қон тўкиб тўплаган бойлик қўлингда омонат бўлиб қолса! Мунча қўрқоқ, мунча ожизсан, болам?! Наҳотки одамлар шу қадар бачканалашиб кетди, жаноблар?!

Биз индамадик. Нима ҳам дейишимиз мумкин? Гўрдан товуш эшитгансиз, жавоб қилармидингиз, ўзингиз ўйлаб кўринг.

— Она... — деб қўйди яна Стенли. У бирдан кичкина, қари, ожиз бир одамга ўхшаб қолган эди: кампирнинг дашномлари ўлганнинг устиган тепган бўлиб тушган эди.

— Бу замоннинг машмашаларига аралашмайман деб ўз-ўзимга неча марталаб сўз бердим. Лекин яна бўлмади. Бу боланинг подонлиги тоқатимни тоқ қилди. Йўқ, мен булар билан олишишдек пастлиққа бормайман албатта. Фақат айтмоқчиманки, бизнинг қадимий олижаноб хонадонимиз қадрдон Британияга икки епископ, бир вице-министр, Қўшма Штатларга эса уч генерал тақдим этган хонадондир. О, у замонлар-а! — деб йиғи оҳангига ўтди «шарқнинг онаси», — қироличамнинг бир жилмайшига бағишлаб, бутун-бутун элатларни икки кунда христианликка ўтказган шафқатсиз баҳодирлар бўларди. Бобонг мана шундай юришларнинг биридан қайтиб сенга тирик негр совға қилганида бирам қувонгансан, бирам қувонгансан. Ёдингда йўқ, сен эси пастнинг. Бола эдинг. Лекин бирам қувонгансан, ҳаммани хурсанд қилгансан ўшанда. Бобонг ҳам, отанг ҳам, меҳмонлар ҳам, жами бир оғиздан: «Қувноқ соҳибқирон бўлади!» дейишган эди раҳматликлар, — кампир этагида ётган оқ рўмолча билан ёшини артди. Кейин: — Жеймс! Жеймс! — деб кичқирди. Остонада ҳали бизни кутиб олган гўлабирдай негр пайдо бўлди. — Сен бола эдинг, — деди кампир Хогартга, — сенинг ёдингда йўқ, мана Жеймс билди бобонгнинг нима деганини. Негаки, у сенга совға қилган тирик негр мана шу Жеймснинг ўзи эди... Сен бўлсанг оқламадинг бобонгнинг ишончини. Сен лапашанг ўта кўнгилчан бир нареа бўлиб чиқдинг...

Кампир тинмай, ҳеч кимни оғиз очирмай шанғиллар эди. Стенли хандаққа тушган бўридай, ўзини қайси деворга уришни билмай қолди: эътироз билдириб, зарда қилиб кўрди, «меҳмонлар бор»лигини айтиб ялиниб ҳам боқди — қани энди «волидаи аввал»нинг ча-

каги тина колса! Бизнинг борлигимизни гўё кўрмаётгандай, асло писанд қилмас эди.

Охири Стенли унга тескари қараб, бизни кузатиб қўйиш тараддудига тушди: «Ниҳоятда жентельменча гаплашдик, хафа бўлмайсизлар» деди елкамизга қўл ташлаб. Кампир билан хайрлашмадик ҳам, у ним қоронғи меҳмонхонада шангиллаганча қолди.

Агар тез-тез шундай жазаваси тутиб турса, уни эшитиш Стенлига жуда оғир бўлса керак. Аммо у меҳмонхонадан чиқиши билан яна енгил тортиб, боягидек сергап бўлиб, ўша қалбакироқ хушчақчақлигига ўтиб олди. Бизнинг гапларимиз ҳам, кампирнинг гаплари ҳам янгилик бўлмаса керак унинг учун Стенли ўзини биз ёки яна бошқа биров эмас, замон сиқаётганини ўзининг йиртқичлик инстинкти билан фаҳмлаб турса керак, замонга қарши кураш чораларини бўлса илгаридан белгилаб қўйганга ўхшайди — шунинг учун зоҳиран хотиржам, сипо жентельменлик ролини бошлаб бажаряпти.

Сўнги залдан чиқаверишда, ўнгдаги хонанинг рангдор ойнали эшиги орқасида мисс Маргретнинг ким биландир ошиқона қиқирлашиб тургани, дам-бадам қаттиқ ширакайф қаҳқаҳа эшитилар эди; бизнинг кетаётганимизни пайқади шекилли, эшикни очиб «хайр» дегандай кўзни юмиб гўзал жилмайди. Шу пайт мен ичкарида инженер Файзнинг бақалоқ гавдасини кўриб қолдим...

Унинг ийланган теридай кўпчиган, гўштдор юзи ичучуқдир уятли, яланғоч нарсасдек кўринди кўзимга.

— Ўз қобилиятлари ва имкониятларини тўла идрок эта олган одамга шавқу ҳавас билан қарайман, мистер Богданов, — деди Стенли ҳам Файзни кўриб.

— Яна келинлар... — деб фикрни бўлди мисс ноз билан. Лекин бизга, бу кинояга ўхшаб эшитилди. «Биз гаплашиб бўлдик, — дедим ичимда. — Энди амалда, ишда беллашиш қолди».

Ич-ичимдан сезиб турибманки беллашиш қаттиқ бўлади. Бир умр мутаб тўёлмаган мистер Стенли ўлим олдидан мужиб тўймоқчига ўхшайди...

11. СЕЛЛАР ФАСЛИ ЯҚИН

Бу ерда биздаги сингари навбатма-навбат соғинтириб келадиган, бир-бирига ўхшамаган, бир-биридан асл, серфазилат йил фасллари йўқ. Қаҳратонда гўзал баҳорни, сўнгра хушбўй, серқуёш ёзни, кейин эса шигил олтин кузни орзиқиб кутишнинг қанчалик ширинлигини мен энди билдим. Бу ерда ундай тўйғу йўқ, табиат ҳамisha бир хил, йил фақат-икки фаслдан иборат: жазирама фаслю, ёмғирли фасл.

Ҳозир жазирама авжи тобида. Тақир саҳродан ер бағирлаб келиб, базальт қояларни кемирадиган гармсел ҳам тинган; океан томондан эсиб, дарадаги қоронғи ўрмонга жон бағишлайдиган шабада бўлса, энди жониворларнинг тушига киради холос. Дарахтлар куни бўйи шамдай қотиб тик туради, бирон барги қилт этса-чи.

Боб-баҳрнинг осмонида қизил булут. Қурилишимиздан кўтарилган чанг мана шундай ҳафталаб қимир этмай тепамизда осилиб туради. Ҳамма объектларда иш бошланган бўлса ҳам, ҳали бари чала. Уннинг тонналаб металл конструкцияни монтаж қилиш керак, лекин биз ҳали пайванд машиналарини ўзлаштирганимиз йўқ. Икки жойда кран йўға бошлаган эдик, бироқ бу ишни одамларга назарий жиҳатдан ўргатишдан нарига ўтолмаяпмиз: офтобда ҳарорат қирқ саккиз даражадан ошиб, темирга яқинлашиб бўлмай қоляпти. Темир йўл, трубопровод ётқизиш, ер ости коммуникациялари қозишда одам етишмайди.

Ҳар куни кечаси терга ботиб; қолдан тойиб, пашшага таланиб, қош-қовоғимиз шишган қолда бамбук болохонамизга қайтамузу ухлай олмаймиз — ҳаво ҳаммомдагидек рутубатли, дим. Мен ўзимизнинг кеч саратонда кўсак чаноқларини чирсиллатиб очадиган салқин тунларни эслаб, ўшандай тунда қовун полизидами, шийпондами бирор соатгина ғуборим чиқиб ухлаб олсаму, шудрингдан оғир бўлиб қолган муздек кўрпани отиб ташлаб ишга тушсам, тоғни талқон қилардим, деган хаёллар билан айланиб-тўлғониб тонг оттираман. Дастлабки кунлари тропик терламага чалиндим. Бу касалнинг нима эканлигини сиз билмайсиз, билманг ҳам. Одамнинг танасида юзлаб мошдек-мошдек пўрсилдоқлар пайдо бўлади, шундай қичиша-

дики гулхан ёқиб ўтга кириб ётгинг келади; кейин одамнинг териси шилиниб тушади, эс-ҳушинг жойида, иситманг йўқ, лекин тиззангда дармон битиб, шалайим бўлиб қоласан киши. Бу лаънати пўрсилдоқни қуруқ тутиш керак экан, лекин бадан доим шалаббо ҳўл.

Шундай бўлса ҳам мен ишга чиқиб турдим. Яздон билан Борисдан бўлак ҳеч ким билгани йўқ аҳволимни. Қурилишдаги мушкулликлар олдида бу ҳеч гап эмас эди.

Икки ҳафтадан кейин Дмашқий келди. У бутун вилоятни кезиб қайтган эди. Ранг-рўйи синиқ, чаккалари баттар қорайган, чиройли тик қомати бир оз букчайган, кўйлагининг елкалари оппоқ — тернинг шўри тепи чиққан эди. У сафардан қайтиб, оёгининг чангини ҳам қоқмай аввал бизнинг болохонага чиқиб келди. Яздон тутган музли шарбатни шимириб ичгач, қора кўзойнагини қаншаридан олди-да, йўл гарди қўнган қовоқларини икки бармоғи билан босиб, кейин сўниқ кўзларини бизга қадади, бизнинг ундан тоқатсизлик билан хабар кутаётганимизни билар эди.

— Мушкул... — деди у ўтириб. Кейин қўлларини тиззасига тираб, ерга тикилди.

Дмашқий бизга керак бўлган ишчи кучининг ярмини ҳам сафарбар қилолмай қайтиб-келган эди. Уни йўл азобидан ҳам кўра мана шу чўктириб қўйганга ўхшайди.

— Нега ахир бундай? Наҳотки бутун бир вилоятда... — деб гап бошлади Борис Максимович. Лекин Дмашқийнинг қаёққадир тикилган чуқур кўзларида алам, газаб аралаш бир маъюсликни кўриб тўхтади.

— Озми-кўпми қуввати бўлган қурилиш фирмаларининг ҳаммасига бордим, — деди Дмашқий, — деярли ҳаммаси, ишчиларимиз Стенлининг трассасида, деб жавоб беришди... Виласизми, коллега, у бутун ишчи кучини ёллаганми-йўқми — буни билмайман, лекин ҳамма контракторларни сотиб олганлиги аниқ!

— Яъни... қандай?

— Шундай. Фирмаларнинг бошлиқларини тўғридан-тўғри сотиб олган. Уларга пора бериб, бизнинг қурилишга ишчи кучи бердирмай қўйган.

— Ҳукумат-чи, ахир давлат...

— Ҳукумат бизникидай катта объектни ҳеч қачон кўрмаган. Ишчи кучи етишмайди, десам илжайишадди. Мамлакатимиз тарихида ишсизлик фалокати доимо бўлган, аммо бундай муаммо сира юз берган эмас...

Борис билан Дмашқий уюшмаган аҳолидан ҳукумат ёрдами билан ишчи кучи тўплаш чоралари ҳақида гапга тушиб кетишди. Мен бўлсам Стенлини ўйлардим.

Бошига мустамлакачининг пўкак қалпоғини киймаган қўнжига қамчи солиб ҳам юрмайдиган, дам Киплинг, дам Маркс томларини қўлтиқлаб оладиган бу зиёдинамо одамнинг кимлигини мен ўша кунги ошкора баҳсда ҳам охиригача билиб ололмаган эканман. Бўлмаса, унинг мана бу жирканч шантажи ҳақида ҳозир эшитиб турган хабарим мени бу қадар гаранг қилармиди. Қурилишимиз у билан олишишдан иборат бўлишини ўша кунги очиқ англаган эдим албатта, лекин унинг пасткашлиги бу қадар тез, бу қадар беор ва яланғоч бир тарзда юз беришини тасаввур этмаган эдим.

Бизнинг қисқача кенгашимиз ҳозирча шу қарорга келди: атрофдаги тоғли ва саҳройи қабилаларнинг эзгу одат ва анъаналари бор, уларда ҳашар ва ўзаро кўмаклашув туйғуси кучли. Мана шу яхши, қадимий урфлардан фойдаланиш йўллари излаш Дмашқийнинг ўзига юклатилди. Борис бўлса яна Совет элчи-хонасига жўнайдиган бўлди: юз берган аҳвол муносабати билан, техника ва ускуналарнинг келишини тезлатишни талаб қилиш керак. Етишмаган ишчи кучининг ўрнини ўша келадиган техника босадиган бўлса, менинг ҳам зиммамда катта масъулият бор, ўша катта техникани қисқа муддатда ўзлаштира оладиган одамлар тайёрлашни кенг миқёсда йўлга қўйиш лозим. Буни таъкидлаб айтишди.

Шундай қилиб, учовимиз уч томонга жўнаб кетдик. Мен бу ерга автор-назоратчининг муовини бўлиб келганману, лекин бевосита ўз вазифамдан бўлак ҳамма ишни қилишга тўғри келди. Прораб ҳам бўлдим, дипломатлик ҳам қилдим, ҳисоб-китобга ҳам кириб чиқдим, техминимум ҳам ўқитдим, бульдозер моторларини ремонт қилишда ҳам тўрт кун ишладим, бир захча кўз ўсмирга проекцияни тушунтиргунча киномеханиклик қилишга ҳам тўғри келди... Лекин бу

хилма-хил ишларнинг бир ўхшашлиги, бир жозибали, завқли томони бор — ҳамма вақт кимгадир бир нима ўргатасан. Янги топширилган вазифа оғир бўлса ҳам, мана шунинг учун ғайратим тошиб, касаллигимга қарамай, ишга чиқардим.

Менинг тингловчиларим энди тиклана бошлаган кран соясидаги бир парча майсада, шағал уюми устида ўтириб, одатдагидек, мени кутар эдилар. Мен билан инглиз тилига жуда кам ўхшайдиган, ўзларига ҳам ярашмайдиган бир ғалати, камбағал тилда гаплашувчи бу ярим яланғоч, қоп-қора, ўзларига яраша бир оз муғамбир кишилар назаримда, боладек содда, синчков, лекин ниҳоятда соф кўнгилли эдилар.

— Teacher, Teacher! — деб мени кран рельсига ўтқазишади. Бу одамларга қачон, қандай қилиб, қайси жиҳатдан муаллим бўлиб қолганимни билмайман. Бир неча дафъадан бери уларга крандан фойдаланишдаги техника хавфсизлиги қоидаларини тушунтиряпман, холос. Лекин улар ўзларининг баъзан телба-тескари, содда саволлари билан мени шундай чалғитадиларки, кран ҳам, қоидалари ҳам бир четда қолиб, суҳбатнинг нишаби бошқа ёққа бурилиб кетганини кейинчалик пайқаб қоламан. Бу саводсиз одамларнинг сиёсатчи бўлгани-чи! Уларга қолса, мен «техника хавфсизлиги»ни йиғиштириб қўйиб, нуқул бошқа халқларнинг, русларнинг, чехларнинг, америкаликларнинг тирикчилигидан гапираверсаму, улар эртадан кечгача қулоқ солиб ўтираверишса. Менинг бу ерда кўпам сиёсатга киришиб кетишим ўз юртимиз, ўз тузумимиз афзалликларини тарғиб қилаверишим тўғри эмас. Лекин улар буни тушунишмайди.

Бугун ҳам «қоида»нинг икки пунктини тушунтиргунимча тоқат қилиб ўтиришди-ю, кейин томдан тараshadeк савол тушди:

— Шериф... — деб қўл кўтарди қора соқолли жиккак, чайир бир киши. Бу менинг эски танишим эди: биринчи келган куним мени Бориснинг қули деб ўйлаб, бир тўда ўртоқлари билан бирга мени холи топиб: «Оқ хўжайинингдан билиб бер, бу завод кимники бўлади?» деб сўраган, важоҳати хунук, кўзи қизил, пешанаси тиртиқ бадавий шу эди.

— Нима дейсиз, Абу Диб? — мен унинг отини ҳам билиб олганман.

— Саволим бор, шериф.

— Марҳамат,— дедим ноилождан. Бошланди. Дарсинг бугун ҳам шу жойда тўхтаб чала қолиши аниқ эди.

— Мана бу петролеум заводини қуриб битирсак, унинг, чунончи шахсан мана менга бир нафи тегадими?

— Бу завод битгандан кейин мамлакатингиз бензин, керосин, легроин, эфир, газойл, қорамой, қатрон, битум, парафин, вазелин — ҳаммаси бўлиб икки юз эллик хил қиматбаҳо маҳсулотга эга бўлади. Агар юртингизнинг бой, фаровон бўлишини истасангиз, демак, бунинг сизга ҳам нафи бор, Абу Диб,— дедим. Чин ихлос умид билан, юрагида нималардир уйғониб, оғзимга тикилиб ўтирган бу одамларга яна бирор рағбатлантирувчи гап айтгим келди:

— Бу завод ишга тушгандан кейин ўз ҳукумати-нгиз бу ердаги ҳамма нефть конларини, портларни, қувур трассаларини, насос станциялари ҳамда барча катта резервуарларни халқ ихтиёрига олиш имконига эга бўлади.

— Мистер Стенли нима бўлади?

— Стенли ўз юртига жўнаб кетиши керак.

— Қўппа-қуруқ-а?

Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. «Қўппа-қуруқ!», «Икки қўлини бурнига тикиб!» деган кулгили хитоблар эшитилган сари шовқин яна баландлашар эди. Энди буларни қандай тинчитаман, «Техника хавфсизлиги қойдалари»га қандай қайтиб, суҳбатни қандай давом эттираман, деб турганимда яна савол тушди:

— Сиз-чи, мистер Аҳмад, сиз ҳам қайтиб кетасизми?— деб қичқирди яна ўша Диб.

Бирдан шовқин босилиб, ҳамма жим бўлиб қолди. Бу осойишталикдан фойдаланиб, техника уқувини давом эттиришим мумкин эди, аммо ўзимга тикилган кўзларда тоқатсиз бир сўроқни, безовталиқни пайқадим. Бу савол улар учун жуда муҳим эди назаримда.

— Менинг ўз юртим, онам, оилам бор, Абу Диб. Қайтмай қаёққа борардим,— дедим. Овозимда беихтиёр ҳазинлик, соғинч оҳанги сезилди. Шу таъсир қилибми, тингловчиларим ҳам жим, маъюс, ўйчан бўлиб қолдилар. Мен уларни тетиклантириш учун қў-

пиб қўйдим: — Бу ерда ҳамма нарса сизларники, юртингиз даҳлсиз, унда ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Кунда бўладиган бундай суҳбатлардан кейин одамлар дадилроқ, муомалаларимиз бемалол ва содда бўлиб қолди. Тингловчиларим кран соясидаги ялангликка сиғишмай қолди. Борис билан Дмашқий одамларнинг «техникага бу қадар қизиққани»га ҳайрон эдилар.

Тингловчиларимнинг мамлакатимиздаги турмуш тўғрисида сўрамаган бирон икир-чикири қолмади. Бу хилдаги савол тушганда мен бутун халқ ҳақида гапирмасдан, фақат ўз турмушимдан мисол олиб жавоб берардим. Шу баҳонада улар менинг ўзим ёки Бориснинг таржимаи ҳоли билангина эмас, ойим, Сўнагул билан ҳам обдан танишиб олдилар, оиламиз ҳаётини миридан-сиригача билишар эди.

Сўнагулдан хат келган куни афти-ангоримдан пайқашди-да, ҳар хил аврашлар, саволлар, муомалалар билан ахир қувончимни айтишга мажбур қилишди. Буни айтганимдан кейин эса, яна ҳаддилари сиғиб, хатни ўқиб беришни ҳам илтимос қилиша бошлади.

— Бугун дарс бўлмайди, биродарлар, — дедим мен қўл силтаб, — усқуналар келибди, ҳаммамиз платформалардан юк туширгани борамиз.

Улар бунга шовқин-сурон билан рози бўлишди, мен айтган ҳар бир ишни қилишга тайёр эдилар, лекин «дарс»ни кечаси бўлса ҳам ўтказамиз деб ёлвориб туриб олишди. Сўнагул билан яна бир марта суҳбатлашиш, энг яқин кишиларим бўлиб қолган шу самимий, соддадил одамлар билан бирга унинг хатини яна бир марта ўқиш менга ҳам ёқимли эди, йўқ демадим, шомда тўпланадиган бўлиб ишга кетдик.

Тўрт платформада пухта упаковка қилинган контрол-ўлчов асбоблари, вакуумфилтр, конденсаторлар, газомотор компрессорлари, удрон насослари, кристаллизаторлар, крекинг аппаратлари келган эди. Бошқа участкалардан ҳам ёрдамчилар етиб келишди. Яшикларнинг бирида «Ленинград», бирида «Андижон», бирида «Урал» сўзини кўриб, ўша жойини эҳтиётлаб энглари билан артиб қўйишар, менга кўзлари тушса дўстона қош сакратиб жилмайишар эди.

Биз куни билан юк туширдик. Бу оғир, нозик аппаратурани асосан қўл кучи билан тушириб панага олиш осон иш эмас эди. Жазирамада терга ботиб, мойга буланиб, бармоғу тиззаларимиз чақа бўлиб, кечгача ишлагач, ошналаримнинг ҳансирашига қараб, «энди кечки машмашани йиғиштира қолармиз» деса-сам қаёқда! — унашмади, шовқин солиб юборишди.

Одатдаги жойимизда, бир парча майса устида тўп-ланганимизда ошналаримнинг юзига боқсам, куни бўйи ишлаб чарчаган одамларга сира ўхшамас эдилар. Худди ўз танишлари Сўнагул билан висол кўришгани келгандай, бари ювиниб-таранган, кўзлари ёниқ; шомда ўчакишадиган чивиннинг талаганини ҳам сезмай, гоҳо-гоҳо манглайларига, бўйниларига тарс-тарс шапати уриб, хатни эшитишга шай бўлиб ўтиришар эди.

Хатни жиндек ўқишим биланоқ савол ёғила бошлади:

— Қизилқум қанақа мамлакат? Туяқудуқ қанақа шаҳар?

— Қизилқум буюк саҳро, биродарлар. Сўнагул ўзининг меҳнати синган жой бўлгани учун уни шундай гўзал хазинадай қилиб тасвирлаган, — деб тушунтираман. Туяқудуқдаги янгиликларни англатишим осон бўлди, илгари у ерда ишлаганларимни ҳикоя қилган эдим.

Сўнагул профессор Мажидов билан Мадали Қосимовнинг китоби Ленин мукофоти тақдим этилганини хабар қилган экан. Мана шу ўринга келганда суҳбатимиз анчагача бир жойдан жилмай қолди.

— Биз Ленинни биламиз, — деди орқада биров, — камбағалдан чиққан забардаст донишманд у. Лекин, мистер Аҳмад, устозингизга шундай улуғ зот ўз қўли билан сийлов берса, сиз ҳам энди қутлуғ одам бўласиз, шундай эмасми?

Мен уларга энг тўғри, энг қисқа ва содда жавоблар беришга ҳаракат қилардим. Бу гал унақасини дарров тополмай қолдим, мен ўйлагунча гапга бошқа бирови аралашди.

— Ўз қўли билан берармиди, Ленин ўлган ахир, — деди у шеригига.

— Йўқ, ўлмаган, — деди униси.

— Ўлган.

— Улмаган.

— Йўқ...

Булар жуда қизишиб, анча баҳслашгандан кейин, албатта мени гувоҳ тутишди. Ленин вафот этган, аммо у биз учун ҳаммаша тирик, деб тушунтирдим мен.

— Ана, айтмадимми!— деди баҳсни бошлаган гурурланиб.

— Ҳа, мен нима деяпман!— деди униси ҳам тантана билан.

Бизнинг бахтимиз ҳам, ҳаётимиз, курашимиз ҳам, тақдиримиз ҳам унинг номи билан чамбарчас эканини тушунтирдим, шу сабабли у биз учун ҳаммаша тирик, дедим такрорлаб.

— Биз учун-чи?— деб сўраб қолбди Абу Диб.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Бу оғир, бесабр жимлик менинг ҳозир айтадиган ҳар бир сўзимнинг салмоғини ошириб юборган эди назаримда.

— Сизлар учун ҳам,— дедим секин, юзларига тикилиб. Юракларини кўриб тургандай эдим. Ҳар бир сўзни эшитганда тўлқинланишга тайёр эди бу юраклар. Худди уруғ кутган баҳорги бўлиқ тупроқдай...

Сухбат ярим кечагача узилмади. Мен бۇ гуруннга четдан туриб кўз солишга уриниб кўраман. Бахмалдек юмшоқ, қора, тропик тун. Ёнимизда қора чойжўш шарақлаб қайнамоқда. Гулханнынг олов тили зангор тун осмонига интилади. Бу гулхан қадим юртнинг сирли тарихи, қонли фожиаларини сўзлагандай туюлади. Азамат темир краннинг бир биқинида омонатгина бўлиб ёлғиз қолган абадий кўк каштаннинг намчил япроқлари сирли шивирлайди. Нарироқдаги ёлғиз чироқ ва қўл фонарларининг нурида чивин-чиркай, тунги ҳашаротлар гужгон ўйнайди. Гурунннинг дам ўйчан, дам аламли, дам умидли говур-гувури эшитилади, орада «Ленин», «Ленин» деган қадрдон исм қулоққа чалинади. «Ер куррасининг қайси бурчагида, қайси бир нуқтасида ўтирибман» деб қўяман кўнглимда. Шу ерда ҳам одамлар қалбининг ҳароратини, туйғуларининг ҳар бир нозик қалқинини сезиш қобилиятини берган шу азиз ном эмасми?..

Назаримда, бу одамлар билан ўртаимизда ҳеч қандай сир қолмаган эди. Чиндан ҳам, улар кўнгилларида сақлаб юрган, катта-кичик, гўзал-хунук, аччиқ

чучук армонларини менга айтишга интилишар, айтсалар ҳадлари сизга эди.

Бир куни, муҳим иш билан базальт карьерига шошиб кетаётсам, орқамдан Абу Диб қувиб етиб келди. Шошиб келганидан, бир гапи борлигини англадим.

— Йўл бўлсин?

— Шундоқ...— деди у яланг оёқлари билан чақир тошу тиканакларни бемалол босиб, мендан қолмай юраркан. Биринчи келган куним мени четга чақириб газабли савол назари билан беписанд тикилгани эсимга тушди. Ушанда ҳам пешанасидаги тиртиги қорайиб, юзи совуқ ҳовурдан йилтиллаб кўринган эди.

— Абу Диб, кўпдан бери сўрамоқчи бўламан сиздан, ҳов бирдаги шерикларинг қаёқда қолди, сира кўрмайман?

— У эси пастларни қўйинг, шериф, Стенлининг трассасига ишга кетишган,— деди у.

— Нега «эси паст» дейсан шерикларингни?

— Уз еридаги петролеумни бир аблаҳга бериб юбориш учун ўзи қувур қуриб берадими эси паст нодон бўлмаса!— деди Абу Диб.

Унинг менда жиддий гапи борлиги аниқ эди, қаёққа борсам ҳам, қулай пайт топмагунча орқамдан қолмай эргашиб юрадиган.

— Шу ерда бирпас дам олайлик,— дедим қоя тошнинг соясини кўрсатиб. Туннинг салқинидан бир парчасини бағрида сақлаб қолган қояга суяниб ўтирдик, рўпарамизда яккам-дуккам чакалак, ундан нарида крекинг ускуналари ўрнатиладиган участка, икки платформага қувур ортиб ўтаётган кукушканинг кабинасида машинист бола билан инженер Файзнинг бақалоқ гавдаси кўринди. Бизга қўл ҳам силкиди шекилли, тутун тўсиб қолди.

— Менга қара, Диб, шерикларингдан ноҳақ ранжиясан. Стенлининг трассасида беш-олти минг одам ишлаяпти, ҳаммасини эси паст, нодон деб ҳақорат қилиш тўғри бўладими?— дедим дўстона маслаҳат оҳангида.— Улар оилали, камбағал одамлар, Стенли бўлса, яхши ҳақ тўлаяпти...

— Аввал мен ҳам кетмоқчи эдим, очигини айтсам,— деди Диб.— Стенлининг одамлари бизга бундай деб тушунтиришган: компания сизнинг авлод-ав-

лодларингизни юз йиллардан бери боқиб келди. Завод қурилса нефть давлатга ўтади — ҳамма ишни машина қилади, ишсиз, оч қоласизлар. Бу завод большевик колонизаторларнинг режаси билан қуриляпти, дейишди.

— Нега кетмадинг бўлмаса трассага?

— Кетмадим, — деди Диб. Юзи тунроқ рангига кириб, сал қалтираган чайир қўллари билан белини пайпаслаб қўйди. Липпасида, жулдур белбоғлар орасида «жамбия» деб аталадиган қайрилма дудамаси бор эди. — Кетмадим. Қасдим бор, — деди аллақандай ер тагидан чиққандай бўғиқ товуш билан.

— Кимда, Абу Диб?!

Унинг қўли жамбияда, ўзи негадир ерга қараб паст овоз билан гапирар эди.

— Қасос олмасам, дадам билан акамнинг арвоғи бир умр изимдан юриб, мендан хун талаб қилиши турган гап. Улар дадам билан биродаримни азоб бериб ўлдиришган.

— Кимлар? Кимни гапиряпсан, Диб?

— Стенлилар! Ким бўлар эди. Бобоси отамни ўлдирган, отаси акамни. Сизлар келиб қолмаганларингизда ҳозиргиси мени ҳам гумдон қилар эди. У мендан қўрқади, кўнглимда қасос кеки борлигини билади. Ишга жуда қистади, бошқа илож бўлмагандан кейин, борадиган ҳам бўлган эдим. Борсам у мени албатта йўқ қилиб юборар эди.

— Қандай қилиб?

— Мен у ерларни биламан. Биринчи-иккинчи қувурни акамлар ётқизган, кўрганман. Жунгли, ботқоқ, безгак, чивин, илон, қанотли қумурсқа. Кунда одам ўлади, белбоғида пули билан ўлиб кетади шўрликлар. Бу заводдагига ўхшаган машиналар йўқ, ҳаммаси қўл билан қилинади. Одам ҳам йўқ, алоқа ҳам, турар жой ҳам...

— Катта пул олишади.

— Пул... Ярим пулини чегириб қолиб, ўрнига қуруқ қоғоз беради.

— Қанақа қоғоз?

— «Бон» деган қоғоз, кейин уни тухум порошоғига, қоқланган балиққа айирбош қилиб беради. Балиғидан ҳам қанча одам заҳарланиб ўлади. Ярми қайтиб келмайди кетган бахти қораларнинг. Лекин Стенли

мени ўлдиролмайди. Мен қасос оламан. Энди мен ундан қўрқмайман...

— Тўхта, сен буни нега менга гапиряпсан?

— Менинг ҳеч кимим йўқ, мистер Аҳмад, — деди Диб ёлворгандай кўзларимга боқиб. — Кимдан маслаҳат сўрайман?

— Отанг билан акангни қасддан ўлдиришганми?

— Ҳа-да! Онам айтиб берган. Онам Боб-бахр халифларига лиана илдизидан тахтиравон тўқиб сотаркан. Стенли I дадамни ёллаб каучук излагани олиб кетибди. Дадам шериклари билан қоронги, хатарли жунглида ҳафталаб йўқолиб кетиб, каучукни орқасида қатлам-қатлам қилиб қотириб олиб қайтар экан. Иссиқ, оғир, шилимшиқ каучук яланғоч танасига қайноқ мумдай ёпишиб қотар экан, келганида тошюрак назоратчи уни додлатганча териси билан сидириб олarkan-да, сув ичгани ҳам қўймай, қамчи билан яна жунглига ҳайдаркан. Каучукчилар ўлимга маҳкум сдамлар ҳисобланаркан. Қочганлар тугилса, бир қўлини кесиш ҳақида қонун бўлган дейди. Кейин-кейин бу қонли қонун ишдан қочганларгагина эмас, жунглидан ўз вақтида қайтиб келолмаганларга ҳам қўлланиладиган бўлибди. Дадам бир йил ишлагач, икки қўлсиз қайтиб келиб, ҳужрамизнинг остонасида жон берган...

Мен уни эслолмайман. Лекин акамни яхши биларман. Унинг ҳам ўнг қўли йўқ эди. Шунинг учун Стенли II нинг қувур трассасида уни хавфлилар қатори энг мушкул ишларга қўйишар эди. Унинг ўлимини ўз кўзим билан кўрганман. Гапиролмайман, мистер Аҳмад... — Абу Диб ўтирган ерида терга ботган, ловуллаб ёниб кетадигандай йилтиллер эди. — Акамнинг чала ўлик танасини қувурнинг ичидан бўлак-бўлак қилиб, темир чангак билан тортиб олишган...

Бу қонли фожиа кўз олдимга келиб кетди. Беихтиёр қўлимни Абу Дибнинг елкасига қўйдим, унинг бўйнидан қайноқ тер оқар, бутун вужуди баргдай титрар эди. Мен унинг важоҳатидан қўрқиб кетдим. Маслаҳат ва тасалли билан уни ғазабдан тушириш, бу хатарли йўлдан қайтариш мушкул бўладигандай кўриниб кетди.

— Агар мени ҳурмат қилсанг, агар мард бўлсанг, бу фикрни миянгдан чиқариб ташла, Абу Диб, — дидим мен шундай бўлса ҳам, насиҳатдан бўлак чора

тополмасдан. У юзимга бир қарадио, яна ерга тикилди. «Сен мустақил давлатингнинг солдати, қурувчиси, шундай мароқли иш турганда дилисиёҳликка не ҳожат, Абу Диб? Сен ўйлаган якка, қонли ўч бачканаликдан бўлак нарса эмас, Стендиларга қарши кураш бундай бўлмайди, уни синдиришнинг бирдан-бир йўли — мана шу ўз заводингни қуриб ишга солишинг...» Шу руҳда майдалаб, узоқ гапирдим. У ҳам тинглаб ўтириб анча ҳовуридан тушди. Ўрнидан туриб этагини қоқди. Кетаётганида мен уни тўхтатиб яна тайинладим:

— Абу Диб! Шайтонга ҳай бер, биродар. Менинг дўстлигимга инонсанг, ҳалиги қалтис ниятни мутлақо унут, эшитдингми?!

У қайрилиб қаради-ю, жилмайишга уринди. Аяч ва маъюс чиқди бу жилмайиш; мен ўзимча анча қаноат ҳосил қилиб, унинг изидан қараб қолдим. У худди пружина устида юргандай, катта-катта, товушсиз қадам ташлаб, бир оз букчайibroқ кетиб бормоқда эди.

Қурилишнинг энг оғир кунлари, йиқилгудай бўлиб толиқиб қайтган кечаларим, тушимдами-ўнгимдами, Абу Дибнинг даҳшатли важоҳати кўз ўнгимда гавдаланар, «Дадам билан акамнинг арвоҳи бир умр изидан юриб, хун талаб қилади» деган бўғиқ овози қулғимга эшитилар эди. Мен ундан қўрқиб, ҳамиша бевозта бўлиб юрдим: бир ножўя иш қилиб қўймаса...

Тропик селлар фасли ҳам яқинлашяпти. Муссон олдидан бўладиган иссиқларда ҳўкиз ўрнидан туролмай ётган жойида жавдираб жон беради, дейишади. Одамлар бўлса кўршапалак сингари кечасигина қимирлашар экан. Биз нима бўларкинмиз? Унгача тупроқ ишларини бир ёқли қилинмаса, ярим йиллик меҳнат селга оқиб кетади дейишади ерли мутахассислар. Шунинг учун иш ҳам, техника ўқуви ҳам кечаю кундуз узлўксиз давом этмоқда. Борис баъзан тонгда қайтади, дармонсизлигидан чивиннинг офатдай ёпирилганини ҳам сезмай ухлайди, эртасига қопдай шишиб, бадани бераҳм тирноқнинг қонли изларидан мўматалоқ бўлиб ўрнидан туради. Эллик даража иссиқда ишлаш мумкин, темир ушлаганда жаз этиб куйган кафтларимиз ҳам сезгисиз қотиб қолди, сувсизлик, бош оғриғи, терлама — ҳаммасига чидаш

мумкин, аммо уйқусиз тунлари баъзан бардош етмай қоляпти — нақ жаҳаннам азобининг ўзи! Тун узун, камфора мойи анқиган ҳаво худди ҳаммомнинг иссиқ хонасидагидай дим, чивин булутдай муаллақ туради, бу «булут»нинг бир хилдаги жаранглаган товуши асабларини титиб ташлайди. Тирналган жойингда бармоқларинг илиқ, шилимшиқ нарсага бўялади, бу ўзингнинг қонинг. Шаррос тердан тўшагинг ҳам, баданинг ҳам жиққа ҳўл. Ухламаганингдан кейин дам бойўғлининг хунук товушига сакраб турасан, дам девор қавагида илон вишиллаганини пайқаб ҳаловатинг қочади. Ишқилиб, сал тонг ёриши билан кўзларинг қизариб, азобдан қутулганингга хурсанд бўлиб, гандираклаб ўрнингдан турасан.

Биз қурилишга яна бир неча минг одам етишмаслигига қарамай, Стенлининг ғаламислигига ўчакишиб, ҳамма муддатларни, графикларни ўз ҳолича сақлашга аҳд қилганмиз. Дмашқий ҳам идора ишларини инженер Биллга топшириб, ўзи биз билан дам тупроқ ишида, дам кран мачтасининг тепасида пайдо бўлади, гулхан ёнида тунаб қолади, бизнинг иссиққа ҳам, касалга ҳам, чивин азобига ҳам ён бермаганимизни кўриб, энг қийин участкаларга ўзи югуради.

Яқинда қурилишда кутилмаган бир офат маълум бўлиб қолди: икки ҳафтадан бери термит деган бало билан олишяпмиз. Ҳозир Дмашқий ҳам, мен ҳам ҳар куни ўша ердамиз. Электриклар, химиклар шу ерда. Узим ўргатган тўртта скреперчи — бошига салла ўраган қоп-қора яланғоч йигитлар — қизил тўзон булут ичида ерни қўпориб, янгигина кўмилган кабелларни тупроқдан азамат лиана илдизларидай суғуриб чиқаришмоқда. Унлаб километр масофада яп-янги кабеллар тилка-тилка бўлиб кетган эди. Термит дегани худди битга ўхшаш жирканч ҳашаротгина эмас, даҳшатли офат экан. Кунига миллиардлаб кўшайиб, кабелнинг изоляциясига ёпирилиб, ҳатто қўрғошинигача кемириб, титкилаб ташлар экан. Бунинг олдини олишни кечиктириш мумкин эмас, бир соатда бир неча километр кабелни ишдан чиқаради. Шунинг учун тун демай, жазирама демай, кўзга кўринмайдиган бу ёвуз қўшиннинг йўлини тўсиш, кабелни кавлаб олиб, ерни ағдариб, қурт тушган участкаларни қаттиқ заҳарлаш керак.

Баъзан заҳарли химикат ҳидиданми, эллик даражали қуёш тигиданми ҳушсиз бўлиб тишларимда ғирчиллаган тупроқни туфлаб ташлашга ҳам дармоним етмай, ётоққа қайтаману, болохонадаги гамакка ўзимни ташлаб кечаси билан босинқирайман. Бугун ётиб кўзимни юмишим билан ҳалиги термит деган чиркин ҳашарот устимга бостириб келаверди. Сон-саноғи йўқ, ғимирлаб турганмиш. Мени неча минутда ғажиб еб тугатиши мумкин деб, ўз гавдамни чоғлаб кўрармишман. Термитларнинг бадани қонсиз, тукли, бўгин-бўгин. Кейин қарасам вижир-вижир бўлиб ётган ҳашаротнинг ҳаммаси қўшилиб, битта даҳшатли катта термитга айланди. У мендан ҳам катта, туссиз гавдаси билқиллаб турармиш, кабелдан қилинган мўйловларини, қимирлатиб устимга бостириб келаверди. Қочай десам қочолмайман, бақирай десам овозим чиқмайди. Энди тугадим деб, умидни узганимда, қарасам, ҳалиги ҳашарот эмас, мистер Стенли экан. Аёл кишининг товуши билан гапирармиш. «Ҳа, сизмидингиз» деб, мен тетиклана бошладим, бирдан овозим ҳам чиқиб кетди:

— Химикат! Химикат олиб келинглар!— деб қичқириб юбориб, ўз овозимдан уйғониб кетибман. Пайпасласам, терга ботиб ётибман, бамбук тўсиқларнинг тирқишидан тонг шафағи қондай қизариб кўриниб турибди. Қулоқ солсам, бир овоз эшитилади. Яна ҳалиги тушимдаги овоз, аёл овози! Нима бало, ўнгимда ҳам босинқираяпманми деб юз-қўлимни уқалаб, яна қулоқ солсам — ўша инграгандай қуюқ, хотинча овоз. Сирли ёлвориш оҳанги билан гапиряпти.

— Қўл узатсангиз банорас осмонга текқудай,— дейди эшилиб.— Одамни телба қиладиган тонг бу, Богданов. Сиз тонг юлдузининг чарақлаганини пайқамаяпсиз. Наҳотки русларнинг ҳаммаси шундай тошюрак бўлса?.. Менга қаранг...

— Юлдузга ҳам камтарлик ярашади, мисс.

Бориснинг овозини эшитгач, мен бунинг тушим эмаслигига астойдил ишондим. Гап ичкаридан, бизнинг хонамиздан эшитиляпти, болохонанинг эшиги қия очиқ эди. Гамакдан яланг оёқ сакраб тушганимча бир жойда қотиб қолдим. Ҳалиги овоз бир меъёрдаги ширали, паст оҳангда давом этарди:

— Мен ўша кунги ҳамма гапларингизнинг темир

мантиқига қойил қолдим. Ич-ичимдан сизнинг тарафингизни олиб ўтирдим. Акамни бўридан ҳуркиб эсанкираган қўйда қилиб қўйдингиз.

— Акангизни бунчалик камситишингиз яхши эмас. Мен у кишини гарчи акам бўлмаса ҳам, қўйга ўхшатолмайман. Балки-аксинча...

— Менга қаранг, Борис... Онт ичайми, қандай бўл десангиз шундай бўламан, нима қил десангиз қиламан, қаёққа бор десангиз... фақат... фақат...

Мисс Маргретнинг товуши чўкиб кетди. Бу шубҳасиз ўша эди. Мен унинг Борисни пойлаб, у билан дуч келишга уриниб юрганини кўпдан пайқаган эдим. Мисс гоҳо сариқ қайишдан ўрилган қаламдеккина қамчисини шим чўнтагига тиқиб, арабий от устида, гоҳо қора лимузинда, гоҳо эса бошини гулчамбарлар билан безаган ҳолда пиёда юриб, қурилишимизнинг узоқ участкаларида пайдо бўлиб қоларди. Борис билан иккаласини бир неча марта бирга ҳам кўрганман. Бу қандай муносабат бўлиши мумкин? Бориснинг бунга қандай қараши мени жуда қизиқтирар эди. Синчковлигим тутиб кетиб, зимдан қулоқ солиб тураверибман, бунинг инсофдан эмаслиги ҳозир хаёлимга ҳам келмасди.

— Мисс Стенли!— деди Борис суҳбатдошини нимадандир огоҳлантиргандай. Бир нарсалар тарақлаб кетди. Маргретнинг ярим йиғи оҳангдаги товуши шивирлаб эшитилди:

— Истайсизми — Стенли компаниясининг миллиардларини ҳам, назоратини ҳам бир ойда ўз қўлимга ўтказиб, сизни тантана билан келиб олиб кетаман! Истайсизми — барча акцияларига, барча резервуарларига ўт қўйиб, битта мана шу кўйлақда олдингизга келаман!

— Унисини ҳам қилманг, бунисини ҳам қилманг, мисс. Худо сақласин!— Қизиққи, Бориснинг товушида ҳесатиш оҳанги йўқ эди.— Яхшиси айтинг-чи, мана менга мундоқ сўзларни айтяпсиз, айни замонда... инженер Файз билан муносабатларингизчи, уларни қандай тушунсам бўлади?

Ажаб, наҳотки бу рашк бўлса, рашк бор жойда севги бор, ахир!

— Акамнинг режаси!— деди Маргрет бир оз жонланиб.— Акамдан чиққан ақл!

— Яъни?

— Яъни ерлилар билан энг интим алоқалар ўрна-тиш. Мушкул вазият юз берган тақдирда Файзни куёв қилмоқчи эди акам. Мен ундан жирканаман.

Шу жойда мисс йиғлаб юборди. Мен бу ҳолатни жуда кўргим келарди: қандай йиғлаяпти, чин кўн-гилданми ёки «хўжа кўрсин»гами, юзини Бориснинг кўкрагига босибми, ёки шунчаки ўз кўксига бош эгиб йиғлаяптими, Бориснинг бунга муносабати қалай, улар қандай ўтирибдилар...

Эшикка яқинроқ жилдим, Бориснинг товуши мени яна тўхтатди.

— Ҳа...— деди у. Овози дераза томондан чиқди. Йиғи овози эса остонадан эшитиляпти.— Бажаради-ган ролингиз, ҳақиқатан ҳам аянч экан, мисс.— Бо-риснинг товушида киноя йўғу, лекин чинакам қизға-ниш ҳисси ҳам сезилмайди. У жиддий, ўйчан гапи-рарди, охирроғида эса товуши шафқатсиз жаранглаб эшитилди: — Мушкул вазият юз берса — Файз. Ундан ҳам мушкулроқ вазият юз берган тақдирда — мени мўлжаллаганлар денг. Фахрлансам бўларкан.

Бу гап мўлжалга бориб тегдими, билмадим, ҳали-ги аянч йиғи товуши асабий, газабли шивирлашга айланди:

— Биласизми, Богданов, мен шу топда, ёки бош-қа бир шундай тонгда, сизни ёлғиз топиб, бу мени зўрламоқчи бўлди, деб дод солишим мумкин. Бу жуда катта жанжал бўлади. Биласизми шуни?!

Менинг ичим музлаб кетди. Шартга кириб бориб, эшикни ланг очиб зинадан улоқтириб юборсамми де-ган ўй ҳам келиб кетди. Борис не ҳолатда экан, нима қиляпти. Унинг овозини кутардим. Овоз чиқмади.

Анчадан кейин, босиқ, ҳафсаласиз, совуқ товуш билан яна мисснинг ўзи гапирди:

— Мен энди амин бўлдим, Богданов, ҳаммаси рост экан. Большевиклар ҳусн, гўзаллик, ишқ-муҳаббат ҳиссидан ҳам, хотин-қиз, оила, бола-чақа меҳридан ҳам маҳрум, совуқ вужуд бўладилар деб эшитар эдим. Ҳаммаси рост экан. Синфий курашдан бошқасини бил-майдиган ҳиссиз уртўқмоқ! Робот! Машина! Гоявий машиналар!

Шундан кейин яна бир нима тарақлади-ю, хонага зил-замбил сукут чўкди. Анча кутдим, ҳеч бирининг

товуши чиқмади. У ёқ-бу ёғимни тузатиб, томоқ қириб кириб бордим. Эшик ланг очиқ, зинапояда ҳам ҳеч ким йўқ, узоқларда кўм-кўк осмон парчаси кўри-ниб турарди.

Борис ёлғиз, тўрдаги дераза олдида ташқарига тикилиб тикка турибди. Мен унинг тонг ёруғини тўсиб турган катта гавдаси, кенг елкасига разм солиб, яна йўталдим, у индамади. Ёнига ўтиб чехрасига разм солсам, юрагим орқамга тортиб кетди. Мен ҳеч қачон уни бу ҳолатда кўрган эмас эдим. Бир нуқтада қотиб қолган, уйқусиз, сўниқ кўзларида ҳазин бир изтироб туманланиб турар, ҳорғин, салқи юзларига юрагининг чексиз азоби ҳислари қалқиб чиққан эди.

Унинг дардли нигоҳи йироқ-йироқларда кезмоқда. Тароватсиз иссиқ шабада тунги гулханларнинг аччиқ тутунини кул ранг қоялар, чакалаклар орасига тара-таётган, оппоқ пуфаклардай шишиб турган пашша-хоналар бирин-кетин йиғиштирилиб, олатароқ тоғ этаклари жонланган бу пайтда Борис ҳеч вақт бундай бўшашмас, ўрнидан ирғиб туриб, бўғинларини қарсиллатиб энг оғир гимнастика ҳаракатларини бошлаб юборар эди. Ҳозир бўлса, унинг вужуди гўё бу ерда эмас, оғир хаёллари билан бирга жуда узоқларга кетиб қолганди...

Анчадан кейин у деразадан ўзини зўра узгандай, шартта бурилиб менинг ёнимга келди-да, икки елкамдан ушлаб кўзимга тикилди:

— Йўқ, Аҳмаджон, мен уларни ҳеч қачон ёдимдан чиқарганим йўқ,— деди негадир менга ялингандай, ҳаяжонли овоз билан. У гўё мени нимагадир гувоҳ тутмоқчи эди.— Тўғри, баъзан иш билан алаҳсиб кетамиз, лекин мен... Мен ҳеч қачон, эшитяпсизми, ҳеч қачон ёдимдан чиқарганим йўқ уларни!

Худди ўйлаганимдай бўлиб чиқди. Бориснинг ҳалок бўлиб кетган хотини, гўзал синглиси, жажжигина қизчаси ҳақидаги чексиз алам ва мусибатли хаёлларга бош эгган пайти экан. Баъзан энг оғир пайтларда, шу шафқатсиз хотираларга бир зум таслим бўлиб, бутун ҳисларимни ўшаларнинг измига топшириб, кўнглимни бир оз бўлса ҳам бўшатиб оламан, дегувчи эди у. Шунинг учун ҳозир мен унинг ўз оиласи ҳақида гапираётганини дарров пайқадим. Пайқадимки, мисс Маргретнинг кейинги сўзлари, «ишқ-муҳаббат-

дан, ҳис-туйғудан маҳрум уртўқмоқ» деган гаплари Бориснинг дардли юрагига пичоқдай қадалган эди. Кўнглининг бир чеккасида «Чиндан ҳам ҳиссиз бўлиб қолмадимми?» деган жиндек шубҳа бор экан шекилли, ўша эски воқеаларни, душман орқасига десантга тушган маҳалида оиласидан хабар олишга пайт тополмаганини яна эслади, қандайдир гуноҳи учун менинг олдимда ўзини оқлашга урингандай узоқ гапирди.

— Қишлоғимиз биз тушган жойдан қирқ километр нарида эди, холос. Хўш, пайт топиб, бир амаллаб бордим ҳам дейлик. Ўзинг ўйлаб кўр, қаёққа яшираман уларни, қаёққа олиб кетаман? Фақат юз кўришмоқ учун боринг десанг, бу — десант группасини хавф-хатарда қолдиришга арзимас эди. Бормадим мен, Аҳмаджон, боролмадим. Видолашолмадим улар билан, сўнгги сўзимни айтолмадим. Наташанинг кўнғироқ товушини эшитолмадим. — У бир нима қидиргандай, баҳона билан юзини четга бурди, — арагинг йўқми?

Мен унинг кўзига ёш келганини товушининг товланишидан фаҳмладим. У ҳеч қачон арақ сўраб ёки атайлаб сотиб олиб ичган эмас эди. Шундай бўлса ҳам, гап бошқа томонга бурилди деб хурсанд бўлганимдан:

— Зайтун мусалласи бор, — дея салқин бурчақда турган қовоқ хумнинг латта тиқинини суғуриб олдим. Борис қўл силтади.

— Қўй, жуда бадхўр.

Бу вақт пастда хом теридан тикилган кавушини шипиллатиб Яздон пайдо бўлди.

У зинапоянинг остида чилвир тўқилган ёғоч катга ҳидли япроқ тўшаб ётарди.

— Мистер Аҳмад, мистер Аҳмад! — деб зинапояданоқ қичқириб, ҳовлиқиб чиқди у. Илгарилар товуш чиқармай, қаерга борсак, нимаики қилсак ёнимизда соядай пусиб турадиган Яздон энди бизнинг феълимизни тушуниб олиб, афтидан биз билан бағри тўлиб, сергап, хушчақчақ бўлиб қолган эди. Шунинг учун унинг бемаҳал бақириб-чақиришига эътибор бермадик.

Лекин у ҳамон бир нималар деб қичқирганча отилиб келиб, қўлимга бир парча қоғоз тутқизди ва менга жавдираб туриб, «илоҳо, хушхабар бўлсин, омин» деб серсоқол юзига фотиҳа тортди.

Бу — телеграмма эди. Аввал кўз олдим сал қоронгилашиб, бошим ширингина айланиб кетди, менгровсиб қолдим.

«Уғил муборак бўлсин. Иккаласи ҳам соғ-саломат. Онанг».

Уқидим. Уқидиму, тўрт букланиб турган қоғозни, худди синадиган нарсадай авайлаб, ўртадаги столга қўйдим. Учаламиз уч томондан шу қоғозга тикилиб турардик.

Сўнагулим, қувончим! Раҳмат. Бу олис юртда бирдан-бир юпанчим шуки, бир кун эмас бир кун майин кафтингга бошимни қўйиб, юрагимдаги ҳамма ҳисларимни айтиб соларман, кўксингда бир зум ором олсам, кўнглимдаги барча гарду ғуборим кўтарилиб кетар...

Мен мана шу соғинч ҳиссини, мана шу орзиқишни яхши кўраман. Бу туйғуни билмаган одамларга раҳмим келади.

Кўпгина покиза, ҳалол, тинч оилаларнинг турмушини кузатганман. Болалари ёнида, одобли, соғлом. Улар ҳам ота-оналарининг ҳеч қандай кудурат билан хираланмаган ҳаётининг осойишта оқимини давом эттиришга тайёрланадилар. Бу одамлар кексалик ёшигача шундай бир меъёрда ҳаловат билан яшаб, ўз болаларининг улғайганини кўрадилар, ўзларича беармон ва оҳиста кўз юмиб, невараларининг йиғлаб-сиқташлари ичида абадийлик оламига ўтиб кетадилар.

Бундай тарихли оилалар кўпгина ва, ўлай агар, бундай ҳаётнинг ўзига хос лаззати ҳам йўқ эмас. У токи бениҳоя денгизларга етиб боргунча яшил ўтлоқлар, соя-салқин ўрмонлар оша туғёнсиз ва сокин оққан сойга ўхшайди. Аммо денгизга қараб турсангиз, у шу қадар тинч, шу қадар бепарвоки, одамнинг кўнглини ноаниқ бир ҳазин туйғу оралай бошлайди.

Шундай пайтда чидай олмайман. Танда қоним бўлак нотинч тақдирни қўмсаб оловланади. Осон бахтдан, ҳаловатдан доим чўчиброқ яшадим мен. Умримда хавфлар, айрилиқлар, кутилмаган қувонч, ўтилмаган йўллар учрашини болалигимдаёқ билгандай эдим, ҳаяжонли ва сирли бир орзиқиш яшар эди юрагимда. Ҳозир шу ҳис бирдан вужудимни қамраб мени ердан узиб олиб кетгандай бўлди...

Бир вақт рўпарамда турган Бориснинг кўзига кўзим тушди. Зангор, теран, илиқ эди унинг ёнган қорачиқлари. Шаҳримиз, боғ кўчамиз, тепаси ток билан қопланган чингилин ҳовлилар, ўрикзорга ботаётган қуёш баркашининг яллиғи, шомдаги салқин шабада-нинг шивирлашлари ёдимга тушди, чакка сочлари оппоқ оқарган ойим, хосият нусха кўйлак кийган озғингина Сўнагул кўз ўнгимга келди. Ўғлим-чи, у қанақа экан. Уни негадир кўз олдимда гавдалантиролмадим.

— Яшаш яхши, Борис, ўлай агар! — деб юбордим. — Уни албатта давом эттириш, янада узоқроққа чўзиш керак. Мана мен уни чўздим! Ўғил!

Борис мени қучоқлаб олди. Йўқотган нарсасини топиб олгандек бирдан ўзгариб, яшнаб кетди у. Ҳозиргина ҳувиллаб қолгандай кўринган юраги бировнинг қувончи билан бирпасда лим-лим тўлган эди.

Яздон бўлса шу бир парча қоғозни деб ёш бола сингари қучоқлашган иккала мистерга ҳайрон бўлганча қараб турибди. Юртимиздан келган қувончининг бир лахча шуъласи унинг кекса юзига ҳам қўнган ва жуда ярашган эди...

12. ЙИГИРМАНЧИ АСР УЧМАЙДИ

Дирекция мени бир неча ҳафтага узоқ участкалардан биридаги мўрисозлар ёнига юборди. 87 метрли мўри — уникал иншоотнинг техника назоратини амалга оширишим керак эди.

Иш ошиқча тигиз бўлмади, қайтага бу ерда анча ҳордиғим чиқиб, табиат қўйнида асабларимни жойига келтириб олдим. Ерли халқ усталари эски минорасоخت чоллар бу жойларда сира кўрилмаган бу оғир ва хатарли ишда тенги йўқ соҳибкор эканлар. Ўтга чидамли, юпқа пишиқ ғиштдан тикланаётган гигант мўри тобора осмонга интилар, тепасидаги қора чайир усталар булутлар орасида сузаётгандек кўринар эди. Усталар мўри ичида бир-бирининг кафилини олган тўрт қават тахта кўприк устида ишлашади, пастдан ғишт, қоришма кўтарадиган чиғирнинг жиловини фақат Абу Дибга ишонишади. Ғайратли, ҳалол, тажрибали, ақлли Абу Дибнинг обрўйи, мавқеи менинг кўз олдимда ортиб борар, қурилишдаги ўнлаб коллектив-

лар ичида уни танимаган киши кам эди. Кекса мино-
расоз усталарни топиб келган ҳам шу.

Мўримиз адл қарагай ёғочидек тик, баланд, чи-
ройли бўлиб юксалмоқда. Биқинидаги юзлаб темир
тақа зиналардан баъзан 60—70 метр тепага чиқиб,
бошни айлантирадиган мусаффо юксакликнинг ҳая-
жонли ҳисларига қонаман. Бу ердан Боб-баҳрнинг
бутун улугвор манзараси худди кафтдагидай кўриниб
туради. Шимолда чақир базальт қоялари сийрак сар-
ғиш тикандек санчилиб турган, шафқатсиз қуёшда
ёниб ётган бийдек саҳролар; унда бир-бирини қувлаб,
қора қуюнлар кезади. Жанубда эса пастга томон кен-
гайиб кетган каттакон дара. Ундаги чуқур ўзанларни
ҳам, икки ёнидаги тоғ бағирларини ҳам қуюқ ўрмон
қоплаган, у томондан ботқоқларнинг зах, бўғиқ ҳиди,
мангу яшил гигант япроқларнинг димиққан ҳовури
келиб туради.

Боб-баҳр — денгиз дарвозаси деган сўз. Даранинг
ичкарироғида икки ёққа айрилиб океан томон кетган
иккита катта чуқур сойликни дарвозанинг икки та-
вақасига ўхшатишади. Чап тавақа кўримсизроқ,
ёнидаги тоғлардан қачонлардир лава отилиб, ўрмон-
ларни жизғинак қилиб ёндириб кетган, чашмалар
кўзини бекитган. Сойлик тепасидаги тоғ тизмаларида
қизғиш кратерлар ҳали ҳам мудҳиш оғзини очиб
ётибди.

Ўнгдаги сойликка эса мангу яшил ўрмонзорлар
чирмашиб кетган. Гигант лианаларнинг тим қоронғи
соясига одам ботиб кетадиган даражада қалин япроқ
тўшалган, у ерда жилгалар, дарёлар, ўтиб бўлмайдиган
ботқоқлар, киши оёқ босмаган чангалзорлар бор.
Стенли компаниясининг нефть қувурлари океан то-
монга «дарвоза»нинг мана шу тавақасидан «илондай
буралиб» ўтиб кетади. Ўнгдаги тоғлар бағрида сер-
қуёш кунлари магистралнинг ялтираб-турган линия
иншоотлари, назорат пунктлари, насос станциялари-
ни кўриш мумкин.

Лекин энди серқуёш кунлар камайиб қолди. Ҳар
куни кечга яқин океан томондан пастак қора булут-
лар сузиб келиб, даранинг устини қоплайди. Тоғлар,
ўрмонлар ҳам шу булут рангига кириб, ҳаво бўғилади,
баданлардан шаррос тер оқа бошлайди. Дока салла
ўраб, узун жиякли кўйлак кийиб олган кекса усталаб

дам-бадам кўкка хавотир билан қараб қўйишади. Ёмгир фаслига ҳали бор, лекин бу бемаҳал қора булутлар хайру файздан дарак бермас эди. Чақмоқ, момақалди роқ бошланса, 80 метр баландликда биз мўрининг сўнгги, масъулиятли ҳалқасини битиролмай қоламиз.

Аммо ҳали муссоннинг нафаси сезилганча йўқ, биз мўрининг пўлат қалпоғини кийгизиб комиссияга топширишга улгурамиз. Бу фикрни айтганимда:

— Иншоолло,— дейишади усталар. Бу хатарли ишда уларга суръатни тезлатиш ҳақида мен ҳам оғиз очолмасдим.

Бир куни осмон денгизда тебраниб турган гигант мўримизнинг тагида ер бағирлаган, пак-паканагина Файз пайдо бўлди.

— Келинг, коллега!— дедим мен эстакададан тушиб. Шошмасдан, этигимга ёпишган қоришмани қириб тозалай бошладим. Ўйлашимча, Файзни Дмашқий билан Борис юборган эди: «Бориб хабар ол-чи, булутли, чақмоқли кунлари тепадаги ишларни тўхтатишсин, қуёшли кунлари эса суръатни тезлатишсин» дейишган бўлса керак. Албатта шундай дейишган.

— Яхши келдингизми, мистер Файз, дўстлар омонми? Хизмат?— дедим юзига қараб. Инженернинг биққи юзини соқол босган, ипак кўйлаги жиққа ҳўл, кир, шимининг бир чўнтаги йиртиқ, ботинкалари чанг, ўзи ҳорғин, нурсиз кўзида бир ваҳима бор эди. У ғалати тикилди-ю, индамади. Мен ўйлаганча бўлиб чиқмади шекилли. Бориснинг, Дмашқийнинг топшириғи бўлса, дарров айтарди. Лекин билиб турибман: айтадиган муҳим гапи бор, шундан шу ёққа бекорга келган эмас, аммо етиб келганда айниб қолгандай, жавдираб тура берди.

— Тинчликми, Файз?— дедим яна.

— Мистер Аҳмад, бирон жойга кирайлик...— деди у энди нафас ростлагандай, атрофга аланглаб.

Яқиндаги ҳар кун эрталаб нонушта қиладиган жойимиз, томига папоротник тўшалган бостирма мизга кирдик. Ўртага палос ёзилган эди. Абу Диб югуриб келиб иккита ёғоч қутини тўнкариб олдимизга қўйди-да, ўзи пойгакка чўкка тушди. Биз қутиларга ўтирдик. Файз анча жимликдан кейин кўзини ердан зўрға узиб:

— Хогарт Стенли радиограмма олди, мистер Аҳмад,— деди,— олди-ю, йиртиб ташлади.

Кимдан, нима ҳақда, нега йиртади? Мунча ваҳима қилиб гапирмаса!

Бу саволлар бизнинг юзимиздан аён бўлса керак, Файз жавоб берди:

— Метеорология бошқармасидан. Боб-бахрда кучли сел бўларкан.

— Қачон?

— Шу ҳафтанинг охирида.

— Тўрт кун бор экан...— дедим мен енгил тортиб.— Ҳар қандай селни кутиб олишга улгурамиз. Бизникилар ҳам радиограмма олгандир ахир?

— Олишган албатта,— деди Файз. У ҳамон қандайдир ваҳимада, ўзини нимагадир айбдордай сезар, ичидан тўлғанар эди.— Лекин Стенли йиртиб ташлади. Қувур магистралидаги ўз назорат пунктларига хабар берди-ю, йиртиб ташлади. Менинг кўз олдимда. «Одамлар-чи?» дедим, «Қанақа одамлар?» дейди...— Файзнинг товуши қалтираб кетди.

— Менинг эси паст ошналарим!— деб қичқириб юборди ўрнидан туриб кетган Абу Диб.

— Дарадаги трассада беш ярим минг одам бор, мистер Аҳмад!

Очиғини айтсам, аввал мен Файзнинг бу қадар ваҳима қилганига унча тушунмадим. Сел бўлса нима? Беш ярим минг одам бўлса нима? Ўзини сойлиқдан четга ололмайдими?

— Стенли уларга хабарчи юбормади,— деди Файз,— «Огоҳлантининг одамларни», дедим. Илжаяди. Узимни зўрға тутиб турардим. «Огоҳлантининг!» деб шундоқ кўзига тикилдим. Нописанд жавоб берди: «Ваҳима қилманг. Об-ҳаво маълумоти ҳамиша тахминий гап бўлади. Ундан ташқари, бу оломоннинг бир кунлиги менга фалон долларга тушяпти,— дейди,— нима учун мен бир ҳафта олдин хабар бериб ишни тўхтатарканман? Сизда корчалонликнинг қимматли фазилатлари йўқ, мистер Файз!» дейди. Мен унга яна ҳам яқинлашиб бориб, қичқириб юбордим: «Одамлар ҳалок бўлади, сэр, илгарилар бу дарада сел келганда бирон тирик жон қайтиб чиққан эмас!»— дедим.

— Қайтиб чиққан эмас!— деб ҳовлиқиб қичқирди

Абу Диб. У бизнинг атрофимизда гир айланарди.— Қиёмат-қойим бўлади бу дарага сел келса! У ерда менинг эси паст ошналарим бор...

Файз ожиз, ваҳимали йиғи товуши билан давом этди:

— «Булари ҳалок бўлса, бошқалари келади» деди Стенли. Хабар бермади.

Мен энди аҳволнинг жиддийлигига тушунган бўлсам ҳам, бундай бўлишини ақлимга сиғдиролмай қийналардим, ўрнимдан туриб кетдим. Файз бошини ушлаб, ерга қараб ўтирганича, ўзини эзгилаб ташламоқчи бўлгандай, алам билан гўнгиллар эди:

— Мен унинг даҳшатли йиртқичилигини билардим. Лекин бу сурбетлиги вужудимни титратиб юборди. Бу гап ўтган кун бўлиб ўтган эди, икки кунгача тўлганиб юрдим. Ахири ичимга сиғдиролмай, сизга келдим, коллега!

Мен ҳали гаранг эдим. Тўрт кун... тўрт кун, деган гап тилимга чирмашади. Мен дарадаги тропик сел манзарасини кўз олдимга келтиролмайман. Лекин Абу Диб буни талвасага айлантириб юборди. У ёқасини чок қилиб бақирар, асабийлашар, кимнидир қаттиқ сўкар, атрофимда айланиб бир нималар деб менга ялинар эди. Овозага усталар етиб келишди, одам тўпланди. Ҳамма ғазабда, дарадаги танишларини тилга олишар, минглаб ватандошларининг, ўзларига ўхшаш қашшоқ элатларининг тақдири учун изтироб чекишар эди.

Мен нимадир маслаҳат беришим, йўл топишим керак, улар мендан кескин тадбир кутар эдилар. Лекин нима чора топиш мумкин? Стенли компаниясининг штаб-квартираси узоқ, у ерга қайтиб бориш — яна бир кунни йўқотиш деган сўз. Бундан ташқари, Стенлини тилга олишим билан Абу Диб билан шериклари бирдан қичқиришди:

— Йўқ, қайтиб ялинмаймиз!

Бу жуда қатъий қарор эди. Стенлига қайта мурожаат қилиш, унинг рацияси ва паролидан фойдаланиш деган фикр ўзўзидан йўққа чиқди.

Дарадаги халқ билан телефон, телеграф алоқаси йўқ.

— Дарров, бугун кечаси бўлса ҳам қурилишга қайтиб, азонда машинада хабарчи юбориш керак.

— Йўқ!— деди Абу Диб қўлини кўтариб.— Унинг товуши қатъий, юзи қизариб кўпчиб қетган эди. Ҳамма жим бўлди.— Машина тоғ орқасидан, асфальт йўлдан юради, бу роппа-роса уч кунлик йўл, бугун билан тўрт кун! Улгурмаймиз. Мен биламан, мистер Аҳмад. Тўғри бориш керак одамлар олдига, тикка бориш керак, бугун жўнаш керак, ҳозир!

— Бориб бўлмайди!— деди кимдир.

— Урмон, ботқоқ, йўл йўқ!

— Мен бораман!— деб ўрнидан турди Файз.

Юзи қорайиб кетган, кўзлари бежо, уни бу йўлдан қайтариб бўлмайдиганга ўхшарди.

— Йўқ, бир киши боролмайди,— деди Абу Диб.— Уч киши керак. Бири ҳалок бўлса иккинчиси, иккинчиси йўлда қолса, учинчиси етиб боради.

Мен энди англадимки, Дибнинг фикри дадил таклифгина эмас, чинакам мардлик ва ҳатто омонсиз бир фидойилик ҳақида экан. Сочимнинг ораларига бир оз совуқ тер чиқди-ю, лекин энг тўғри, энг кескин чора шу эканига дарров амин бўлдим. Ҳозир бу одамларни бу қарордан қайтариб ҳам бўлмас эди чамамда. Бу қарорда шу соддадил адолатли кишиларнинг иззат-нафси ҳам, ғурури ҳам, ёвузликка қарши норозилиги ҳам бор эди.

Абу Диб атрофимда парвона бўлиб, кўзлари ёнганча, кўкрагига урарди.

— Мен бораман, мистер Аҳмад! Мен биламан тикка кесиб чиқишни.

Файз ҳам кўзи билан ялиниб, менга тикилиб турарди.

Шундан билдимки, борадиганларни мен аниқлаб беришим керак эди.

— Сўқмоқни, кечимни мен биламан, мистер Аҳмад! Мен бораман, мистер Аҳмад!— дер эди ҳамон Абу Диб.

Олижаноб бир ғазаб ҳам ватандошликнинг ҳаяжонли ҳисларидан туғилган бу қатъият мени ҳам ўзининг сирли ва хатарли, лекин мардона романтикасига чирмаб олиб кетди. Ҳали бу йўлнинг нимадан иборатлигини билмасдим, аммо атрофдагиларнинг таъсирида менинг ҳам кўксимга ўт ёқилгандек, кўзларим ёнар эди.

Йўлга чиқадиган уч киши ўз-ўзидан маълум бўлиб қолди: Файз, Абу Диб ва мен. Кекса минорасоخت усталар бизга фотиҳа беришди. Диб қаёқдандир милтиқ, Файзга этик, яна паранг деган узун чопқи топиб келди. Ўз жамбиясини белига тақиб олган, оёқ яланг эди. Мен Борисга кичкина хат ёзиб, устага топширдим-да, селни кутиш тадбирлари ҳақида буйруқлар бериб, сафарга шайландим.

Шомдан кейин, тикка тун қўйнига қараб йўлга чиқдик. Бир соатча юришимиз билан шундоқ қора тун босиб тушдики, кўзга бармоқ тиқса кўринмас эди. Биз Абу Дибнинг шарпасига эргашиб юрамиз. Дибнинг бу ердаги сўқмоқларни ёд биламан деганича ҳам бор экан, тинмай гапириб, йўталиб худди бутун атрофни кўриб тургандай бошлаб юраверди. Тобора пастликка тушиб кетаётганимизни сезаман, тушган сари бўғиқ, зах ҳаво дам иссиқ, дам салқин тўлқинлар билан юзга урилмоқда. Қоронғилик қаърида қандайдир овозлар эшитилади, нимадир чийиллайди, кимдир йиғлагандай. Мен баданни жунжиктирадиган бу товушларни эшитмаслик учун Диб билан Файзнинг гапига бутун диққатимни бераман.

— Бекор қилибсан ниятингдан қайтиб,— дейди Файз,— чавақлаб ташласанг, ҳақнинг кетмасди.

Гап Стенли ҳақида. Файзнинг уни бирдан бу қадар ёмон кўриб қолганига ҳайрон бўламан.

— Йўқ, мистер Файз,— дейди Абу Диб,— мен ўшанда шайтонга ҳай бериб зап тўғри иш қилган эканман, энди уни ўлгандан баттар қиламиз. Айланиб ўтинг, тошни кўчириб юборманглр,— дейди у йўл-йўлакай бизни огоҳлантириб.

— Сизни-чи, мистер Файз, мен сизни ёмон одам деб билардим,— дейди яна Диб. Файз индамайди. Гапни бошқа ёққа буради:

— Бу йўлларни яхши билар экансан. Мистер Аҳмад билан биз фақат сенга ишониб кетяпмиз.

— Шу йўлдан акамнинг бурда-бурда жасадини қопда орқалаб қайтганман. Мистер Аҳмад чарчамадингизми?

— Йўқ.

Овозим ўзимга ғалати эшитилди. Шу Дибнинг сергаплиги алаҳситмаганда аллақачон юрагим ёрилди, дейман ичимда. Бойўғли худди ўтин ёргандай

«ух!», «ух!» қилади. Дам дарахтда, дам ерда паррандахўр ўргимчакнинг кўзи ёнади. Нам ҳавоми, қора тунми елкадан босиб тушаётгандай.

Тонг олдидан, бу йилнинг биринчи момақалди роғи тепамиздан юмалаб ўтди. Қора тун қаъри узоқ-узоқларгача янграб кетди. Нафас ўтмай, пастак осмонни яна тилиб кетган чақмоқ бир зумга атрофни ёритиб юборди, ўнгда баланд тоғларнинг букри ўрқачлари кўриниб кетди. Шунда билдимки, дарадаги ўнг сойлик бўйлаб анча пастга тушиб кетибмиз.

Тонг ёришганда девордай тикка, қуюқ, ғовлаб-чирмашиб кетган ўрмон этагидан чиқдик. Ним қоронғи. Дарахтларнинг учи қора булут билан тутшиб кетгандай кўринар эди. Узоқларда момақалди роғнинг акс садоси эшитилади. Абу Диб нонуштани ҳам, қўнимни ҳам бекор қилди. Биз, негадир ўз-ўзидан, инонихтиёримизни унга топшириб қўйган эдик.

Абу Диб парангни қўлига олиб, йўлсиз, сўқмоқсиз ўрмоннинг бир еридан «дарча» очди-да, қулочкашлаб силтанганича ичкарига бошлаб кириб кетди. Бутоқларни, чакалакларни, этакдай-этакдай келадиган япроқларни чопиб ташлаганида, олдимизда ўрмон ёришиб кетгандай бўлар, лекин борган сари қоронғи, тубсиз ўрмон ичига кириб кетаётганимизни кўнгил ваҳима билан сезиб турарди. Файз тез-тез сув ича бошлади. Бир ялангликка чиққанимизда унинг юзи, бўйни тирналиб кетганини кўрдим, у баданининг ачишганига эътибор бермас эди.

Ялангликда гул, ўлан ҳиди нафасни бўғар эди. Кеч қолган тўлин ойнинг билинар-билинимас, рангсиз палласи паға булутлар орасидан сузиб ўтди. Гоҳо кўринган қуёш нурлари қуюқ туман пардасини кўтариб кетолмас, илиқ, нам туман азим дарахтларга маҳкам чирмашиб олгандай турар эди.

Абу Диб ялтираб кетган парангини силтаб, баланд яшил деворга яна ўзини урди. Биз унинг орқасидан эргашдик. Унинг чарчамаслигига, бу ерларни ўз уйидай билганлигига энди астойдил ишонган эдик.

Чирмовуқлар билан чирмашиб кетган азим дарахтлар тагида кундузи ҳам ним қоронғи, чириган япроқ ва ботқоқ ҳиди келиб турган ҳаво чивин булутларининг тинимсиз ғув-ғувига тўла. Чивин булутлари чексиз-ҳисобсиз, оддий чивин, безгак пашшаси, хавф-

ли, хавфсиз, майда, йирик, тишлайдиган, санчадиган, рангли, беор чивинлар.

— Бу жойларни худо одамни тиз чўктириш учун яратган, коллега, — дейди Файз бўйинини бари билан артиб. — Биз Ёраб деган ўрмонзорга кириб кетяпмиз. Бунинг маъноси шуки, бу ерлардан ўтган одам, тинкаси қуригандан, эс-хушидан айниб, тилига «Ёраб», «ё тангри!» деган сўздан бошқа нарса келмай қолади.

Файз, агар шу йўлда ўлмай, трассадаги одамлар олдига етиб борса, қайтиб келгандан кейин бутун ҳаётини қайта қуражаги, қандайдир бошқача яшай бошлаши ҳақида ўзича қасам ичиб ҳансирар, унинг товушида умидсиз бир изтироб тасвири бор эди. Мен унинг минғиллаганини эшитмасликка тиришаман. Тинмай чивин қувлаб, баданларимни тирнаб, кўзқовоғим, қўл-оёғим шишиб, энка-тинкам қуриганда ўзимизнинг беозор чўл чивинларини соғиниб эслайман.

Тушга борганда қулоқ-мияни ачитиб одамни гаранг қиладиган маймун ўйини бошланди. Тинмай чинқириб шохлардан шохларга сакрайдиган тинаму деган ўнлаб майда сариқ маймунчалар; булар одамни кўрса кетидан қолмай тўдалашиб эргашаверар экан. Атрофимиздаги дарахтларга чигирткадай ёпирилишди. Шохлар бирпасда сарғайиб, жонлидай тебрана бошлади, булардан қутулишнинг сира иложи йўқ. Товушига бошларим айланиб, асабларим қақшаб кетди. Буни пайқаган Абу Диб мени гап билан алахситмоқчи бўлади, қаёқдаги афсоналарни эслайди:

— Парво қилманг бу бачкана махлуқларга. Булар беозор, лекин орангутанг дегани бўлар экан. Ўзим кўрмаганману, эшитганман. Бир неча йиллар аввал қишлоғимизда орангутанг бир аёлни ўғирлаб кетган дейишарди. Ҳамма уни ҳалок бўлди деб ўйларди. Лекин маймун уни ўлдирмабди экан. Аёл маймундан жуда гўзал бир қиз кўрганмиш. Қиз қиёфасида ёвуз рух дунёга келибди дейишади. У ҳозир ҳам ўша атрофда кезиб юрганмиш. Уни кўрган одам балога гирифтор эмиш: ақли-ҳуши оғиб, ҳеч нарсага қарамай, ўша сулув қизнинг орқасидан эргашиб кетаверар экан...

Абу Дибнинг гапларидан ичинг музлаб кетса ҳам, ҳушёр тортасан, чивин булутлари, маймун чинқириғи

унутила ёзади. Шундай қилиб, у бизни бу ўрмондан ҳам олиб ўтди.

Яна ойдинга чиқдик. Олам бирдан ёришиб, қовоқлар оғриб кетди. Бирдан кўз олдимда чексиз, садафдек оппоқ гул денгизини кўрдим. Бу худди тушга ўхшарди. Унда на пашша, на маймун товуши. Ҳолдан тойганимга қарамай, ўша томонга югурдим.

— Мистер Аҳмад! Қайтинг!— деб қичқирди Диб. Тўхтадим. Диб оёқ остидан катта бир кесак олиб одам бўйи ғовлаб ётган ҳалиги оқ гулзор ичига отди. Кесак шалоп этиб, чор атрофга сарғиш лой сачради, садафдек гул барглар сассиқ балчиққа буланиб аввал бош эгди, кейин аста чўкиб кетди. Уларни гўё ер ютган эди.

— Бу жунглининг катта қопқони. Тубсиз ботқоқ! Унинг тубсиз қаърида юз йиллардан бери тўпланган сон-саноқсиз жон эгалари: йўлбарслар, тўнғизлар, одамлар ётибди. Мана буни боғлаб қўйинг энди, мистер Аҳмад,— деди Абу Диб, менга белидаги қайишни ечиб бериб, билагини тутди. Эгилиб кесак олганда қўлини аллақандай ёввойи ўт тилиб кетган эди. Билагини маҳкам қисиб боғлаттирди.— Бу қиёқнинг захри қонга таралса одам кўздан қолади.— Абу Дибнинг боғланган қўли бирпасда шишиб кетди.— Сиз бизга техника хавфсизлигини ўргатардингиз, мистер Аҳмад. Шунга ўхшаб мен ҳам сизга жунглида юриш қоидасини ўргатсам дейман. Биринчи қоида шуки, эҳтиёт бўл, лекин қўрқма. Иккинчи қоида: бу ерда ўсиб турган, юриб ё ўрмалаб кетаётган, учиб ўтаётган ё йўлда ётган бирон нарсага қўл урма. Учинчи қоида: ўзингга тегмаган нарсага тегма. Тўртинчи қоида: ҳеч қачон югурма...

Мен Дибнинг одатини пайқаб қолган эдим: оғир, хатарли жой келганда, ёки биронтамиз бўшашиб дармондан қола бошлаганда унинг жағи очилади. Мана ҳозир ҳам у бизни созлиққа бошляпти. Афтидан у ботқоқнинг одам ўтса бўладиган жойини биларди. Дастлаб ўзи белидан ботди. Ортидан биз. Учаламиз арқондай узун бир лиана томирини ушлаб олганмиз. Чидаб бўлмайдиган қўланса ҳид, ботқоқнинг захарли нафаси димоққа урди, дам тиззадан, дам белдан ботардик. Қора терга тушиб балчиққа беландик, нафас олиш оғир. Мен сувимни шу ярим соатда ичиб тугат-

дим, энди ботқоқ лойининг қўланса шўри оғзимни қуритяпти, туфлаб ташлагани туфугим йўқ, бошим қўрғошиндай оғир, қулоғим гувиллайди. Файзга қайрилиб қарасам, унинг аҳволи меникидан ҳам баттар шекилли: оёғи калта, гавдаси оғир эмасми. Кўзлари жонсиз, бақалоқ юзини лой аралаш тирнаб ташляпти, тиззалари қалтирайди.

Олдимизда яна тун. Ёмғир тома бошлади. Бу захарли, бўғиқ ҳаво, бу ботқоқнинг охири бормийўқми!..

Кечга яқин қаттиқ ерга қадам қўямиз деганда олдимизни илон тўсди. Диб илонга теккизмади, уни бир нарса қилишга дармонимиз ҳам йўқ эди. Совуқ гавдаси эшилиб, судралиб, йўлимизни кесиб ўтгунча кўксимиздан ботқоққа ботиб, қимир этмай турдик. Файз, рангида қони йўқ, бошини ушлаб қолган эди.

— Иложи бўлса ўлдирмаслик керак. Жунгли ҳар бир ўлик жон учун одамдан қасос олади,— деди Абу Диб жиддий қиёфада; у бизнинг шу сўнгги дамда яна ҳам кучсизланганимизни пайқади шекилли, илонларнинг турлари, илонни ёмон кўргани ҳақида тинмай гапириб, яна афсонага ўтди. У афсонани бўлган воқеа деб биларди чоғи, унинг ростлигига астойдил ишониб гапирарди:

— Болалигимда бўлган экан. Кечаси қўшнимизнинг ҳужрасига илон кирибди. Ухлаб ётган аёлнинг кўкрагига ёпишибди-да, бутун сутини эмиб, эмчагини тахтадай қуритиб кетибди... Ушандан бери илон деса кўнглим ағдарилади.

Ботқоқдан чиққанимизда қош қорайиб қолган экан, намроқ жойга гулхан биқситиб қўйиб, ёввойи узумнинг эгри-бугри зангига чиқиб ётиб, шу ерда тунашга қарор қилдик, Гулхан ёқишу, узум зангига чиқиш қаёқда, емай-ичмай, устимизда сассиқ кийимлар билан тўғри келган жойга таппа ташлаб ухлаб қолдимиз. Бунини мен кейин билдим-ку. Ҳатто кечаси шивалай бошлаган ёмғирни ҳам сезмай, ўликдай қотиб ётаверган эканмиз бир замон Абу Диб бизни юмлатиб юриб уйғотди.

— Ҳозир жўнамасак бўлмайди,— деди у,— бу тинадиган ёмғир эмас. Олдинда дарё бор, икки соатдан кейин уни кечиб ўтиб бўлмайди, ҳамма тоғ жилғалари кўпириб келиб, дарёни қирғоқдан тоширади.

— Шунча азоб чекиб келиб, орқага қайтадиган аҳмоқ йўқ!— деди уйқудан сўнг анча тетикланиб қолган Файз ҳам. Ёмғир менинг ҳам губоримни ювиб кетган эди. Биз жўнадик.

Ўрмон ва тоғ жилғалари шовиллар, узоқда момақалдироқ эшитилар, бу бегона тонгда табиат аллақандай суронларга тўла эди. Дибнинг айтишича, бу ёмғир фаслининг бошланиши, лекин сел эмас, бу ёмғирдан дарага сел келмайди, дарёлар тошади холос.

Аммо бу фаслда ёмғирнинг ҳар дамда селга айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Биз трассага бугун албатта етишга аҳд қилдик. Акс ҳолда кечикиш мумкин. Ўзимизнинг ҳам, минглаб одамларнинг ҳам ҳаёти бизнинг қўлимизда. Шу ҳис, шу ўй дилимизда бўлмаса, биз балки аллақачон йиқилиб қолган бўлардик. Стенлининг штаб-квартирасида ҳалоқатли сел дарагини ўз қулоғи билан эшитган Файз ҳар чақмоқ ялтиллаганда пастак қора осмонга ваҳима билан қараб, оқарган, ҳансираган ҳолда олдинга интилар эди. Унинг қадами майда, қўллари калта, елкасидаги юки, миғири калақит берар, ўзи бўлса ҳамон чарчаганини кўрсатмасликка тиришар эди.

Биз кетма-кет юрардик. Оёқ остида дам тебраниб турган япроқ, дам қизил тупроқ, дам сариқ қум. Дибнинг оёқ парпаси эшитилмайди, у худди жунглида ўсгандек, гавдасини сал тебратиб, юмшоқ босади. Мен баъзида товушларни ажратолмай қоламан: узоқдаги тошқинми, ёмғир шовиллашими, ўзимнинг нафас олишимми... Бу товушлар қаердан чиқиб қаерда йўқоляпти, деб ўйлайман. Бундай бекорчи ўйларнинг ҳафзлилигини тушуниб қолдим: улар ўй эмас, уйқу, чала туш экан, уларни қувлаш керак. Кўзимга қум тўлгандай, қовоқларим оғрийди, лабимдаги ёмғир сувини ялайман, тилим шишиб кетяпти.

Дарёнинг шовиллаши узоқдан эшитилди. Тонг отган эди, лекин қушлар товушини эшитмадик. Дарахтлар ёмғирдан эгилган. Сув катта эмас, лекин тез, тоғни ювиб, тупроқ ағдариб тушаётган ирмоқлар, жилғалар уни лойқалатган, кўпиклатган эди, сув юзи тўла шох-шабба, хазон, чувалган томирлар, ходалар оқмоқда, Диб зинапоядай тошлоқдан тушиб тикка кечимга бошлади. Шу ондаёқ бўғзимиздан сувга чўкдик. Мен ўртадаман, Диб олдинга кетиб қолди, Файз

бўлса секинлаб орқада қоляпти. Хас-хашак, ифлос кўпик кўзни, оғизни тўсиб, аллақандай томирлар, шилимшиқ тошлар баданни чиркантиради. Абу Диб нариги қирғоққа яқинлашганда бирдан ваҳшат билан бақириб юборди:

— Тўхтаманг!

Қайрилиб қарасам Файз борган сари секинляпти. Лабини ялаб, хира кўзлари билан менга ғалати қарайди.

— Тўхтаманг! — яна бақирди Диб. — Дарё тўла илонбалиқ. Тоғдан сел ювиб тушаётганга ўхшайди уларни. Тўдасига учрасангиз титиб ташлайди!

Дибнинг товушига қараганда бу жуда даҳшатли эди. Ҳақиқатан ҳам, Файзга ёрдам берай деб интилсам қўлим вижир-вижир этган чиркин бир нарсага тегди; тўлқин урдими, бошқа нарсами — беш қадам нарига учиб тушдим. Бу вақт Файз ҳам қаёққадир оқимга қараб сакради. Биз электрли илон балиқ тўдасига тушиб қолган эдик. Бу қамиш япроғидай юпқа, рангсиз, бир газликкина илонларнинг сон-саногии йўқ. Мен тошга оёқ тираб Файз томон бир сакраб, бу чиркин қуршовдан чиқиб олдим. Лекин Файз йўқ эди. Кучли тўлқин ичидан унинг пуфақдай шишган кўйлаги кўринди. Тошлар ёнидан ўтиб, яна ўзимни тўлқинга ташладим. Қайтиб чиққанимда шаршара шовиллашидай овоз қулоғимни тиндирди, мени қутурган оқим олиб кетиб борарди. Файзнинг дам қўлини, дам оёғини ушлайман, лекин илиб олишга дармон йўқ. У жуда оғир эди. Тирикми, йўқми — билмайман. Қирғоқдаги қоялар, дарахтлар, тепадаги булутлар бошни айлантирадиган тезликда чарх уриб, орқага қараб ўтиб бормоқда. Сувда лиананинг майда узун томирлари, фарқ бўлган хотиннинг сочларидай, бўйинга, юзга чирмашади.

Қандайдир шилимшиқ қоя ёнида Файзни сочидан маҳкам ушладим. Уни судраб сузиш ўрнига, у билан анча курашишга тўғри келди: тутган жойини қўймай мени пастга тортар эди. Ахири бошини сувдан чиқариб, ўлим даҳшати билан олайган жонсиз кўзларини кўрдим. Тириклигига ишонгандан кейин менда куч пайдо бўлди, оёқларимни тираганча бир интилиб камар ўпқонидан чиқиб олдим. Бу вақт ёнимда Диб пайдо бўлди. Файзни қирғоққа олиб чиқдик.

Биз унинг брезент шимини, ётган ерини қорайтириб ёйилаётган қонни энди кўрдик. Файзнинг ўнг сони лахта-лахта гўшт эди. Абу Диб уни бутунлай титкилаб еб кетишмаганига ҳайрон бўлади: электрли илон балиқ тўдаси дуч келган тирик жонни аввал ток билан уриб сулайтади-да, бир дақиқада илма-тешик қилиб еб тугатади экан.

— Сиз азамат экансиз, мистер Аҳмад!— деди у Файзнинг сонига қандайдир барглар ёпиб, салласи билан қисиб боғларкан,— бу ердаги одамлар мана шу йиртқич балиқ бор жойга туққан онаси ғарқ бўлганда ҳам ўзини ташламайди.

Файзнинг оғиз-бурнидан сариқ сув келди, қарийб суягигача гўшти ғажилиб кетган сонидан силқиб қон оқар, билқиллаб турган қип-қизил жонли гўштга қараш оғир эди. У ҳали ҳушига келгани йўқ. Биз уни шу хилда замбилга солиб кўтариб кетишга мажбур бўлдик: кутиш мумкин эмас эди.

Ёмғир бирдан кучая бошлади. Булут қалин, кун қоронғи, чақмоқ осмонни тинмай тилкалар, момақалди роқ гумбуридан бошлар чатнаб оғир эди. Соҳил тойғаноқ, тез юриб бўлмайди, ҳар одимда қизғиш балчиқ қўпорилиб оёққа ёпишади. Мен ваҳима билан дарёга қарайман: яхши ҳам тўхтамай ўтиб олган эканмиз. Ярим соат ичида сув хамирдай кўпириб, икки-уч баробар ошиб кетди. Сув йўлидаги тошу тўнкаларни, яшин уриб куйдирган дарахтларни, ўрмоннинг бутун шох-шабба-ю, хас-хашагини супуриб олиб келмоқда эди. Тиззам қалтирайди, замбилнинг йўнилмаган дастаси, елкамни босиб тушяпти. «Хайрият, хайрият, ўтиб олган эканмиз» деб пичирлайман, оғзимдаги тёр аралаш шўртак ёмғир сувини туфлаб. Лекин Файзнинг мундоқ бўлгани ёмон бўлди. Уни бу қолда узоққа элтиб бўлмаслигига кўзим етиб турибди. Оёқ судралиб қоляпти, бутун кучимни, бутун иродамни тиззамга йиғаман...

Файз оғир ингради. Қуяётган ёмғир суви уни охири ҳушига келтирди. У ўзининг замбилда кетаётганини дарров пайқади шекилли, бошини кўтармоқчи бўлди:

— Мени қолдиринглар... халққа хабар бериш керак... Сел келяпти. Айтган вақти бўлди... А-а-а!— деб хунук бақириб, шилқ этиб замбилга ташлади. Озгина

жим юргандан кейин яна ингради: — Нега индамай-сизлар? Мистер Аҳмад... Абу Диб?!

Диб индамасди. Мен ҳам бир нима деёлмадим.

— Мени ҳамма... ёмон кўради... — деб яна бошлади Файз. Унинг гапириши азоб эканлигини билиб, индамай шошиб, тойиб-туртиниб олға борардик. Замбилдан инграган овоз ёмғир шовиллаштида зўрға эшитилади: — Сен ҳам Абу Диб, сиз ҳам мистер Аҳмад... ҳамма мени нафратлайди.

— Гапирманг, коллега, ҳолингиз оғир, чарчаб қоласиз.

— Лондонда ўқиганимга... Стенлилар хонадонига қатнаб юрганимга ёмон кўришади... Лондоннинг нима эканини билсангиз эди, мистер Аҳмад... Мен у ерда «ранглилар» учун қурилган баракларда, ҳақоратли полиция назоратида, опиумфурушлар, фоҳишалар макони бўлган ифлос қаҳвахоналарда ўтган йилларимдан ўзим ҳам нафратланаман. Мен бу сирларимни ҳеч кимга айтган эмасман. Гурурим йўл қўймасди. Эсиз ёшлигим... Унинг нақадар аянчлилигини билишса мени бунчалик ёмон кўришмас эди. Стенли хонадонига қатнаб юрган йилларимни эсласам, энди хўрлигим келади, мистер Аҳмад... Мен кажбахт, омадсиз одамман, мистер Аҳмад, лекин бировлар ўйлаганчалик ёмон одам эмасдим.

— Сиз буни исбот этдингиз, мистер Файз. Сиз ватандошларингиз олдида ўзингизни оқладингиз, — дедим мен унинг гапидан таъсирланиб.

— Фақат сизнинг... сизнинг олдингизда ўзимни оқлолмадим, мистер... сиз мени ўлимдан... мени ерга қўйинг... сизга узрим.. васиятим бор...

У яна ҳушини йўқотди. Ёмғир ювган сап-сариқ юсида хунук шарпа кўриб, тўхтадим. Замбилни чирмашган дарахтлар остига қўйдик. Ёмғир бу ерда яна ҳам қаттиқ шовиллаб, худди пақирлаб қуймоқда эди. Бир-бирига улашиб кетган қаттиқ момақалдироқ Файзни бир оз ҳушига келтирди, у ярим юмуқ, жонсиз кўзлари билан мени топди. Чақмоқ ўрмон тепасида ҳамон илдиз отарди. Қаердадир яшин теккан гигант дарахтлар қарсиллаб ағдарилар эди.

— Мистер Аҳмад... — деди Файз оғир инграб, — Стенли сизни тинч қўймайди. Устингиздан кўп маълумот тўплаб... тўхмат, ёлгон-яшиқ қўшиб ёзиб

юборди. Ҳукуматга... элчихонангизга... журналистларга.

— Қанақа маълумот? — деди Абу Диб.

Файз охирги дармонини тўплаб, давом этди:

— Кечалари авом халқни йиғиб, Россиядан келган большевистик варақаларни ўқиб беради, деб ёзди. Яна... яна, қотил ва шубҳали унсурларни атрофига тўплаб, террорчи фитна тайёрлапти, деб ёзди... Яна мистер Богданов устидан...

Файз гапиролмай қолди. Абу Дибнинг менга тикилган кўзлари соққадай бўлиб, ғазаб билан ёнар эди.

— Сиз буларни қаердан биласиз? — деди хушсиз ётган Файзга дўқ қилиб. Файзнинг кўкарган лаблари зўрға қимирлади-ю, овоз чиқмади.

— Файз! Файз! — дедим мен, негадир қаттиқ қўрқиб, унинг елкасидан ушлаб силкидим. У олайган жонсиз кўзларини очди.

— Мен... мен етказдим унга. Мен бўлган гапни... хат ўқиганингизни... Абу Дибни ёмон ниятдан қайтарганингизни айтдим унга. У бузиб ёзди...

— Аблаҳ! — деди Абу Диб.

— Мен... мен аблаҳман... — деди Файз заиф товуш билан. — Мен гапимни айтиб бўлдим, мистер Аҳмад... Энди боринглар, одамларни қутқазинглар... Жон биродарлар, мени қолдиринглар, у ерда беш... беш минг...

— Файз!.. — дедим мен унга интилиб. Юзига ўлим шарпаси тортилган эди. Замбил тагидан ёмғир суви қизариб оқмоқда. Диб билан бир-биримизга жавдираб тикилишдик. Биз ожизмиз. Унинг жони узил-япти. Биз ожизмиз.

Бирдан Абу Дибнинг ақлига бир фикр келиб, Файзни силкий бошлади:

— Мистер Файз, мистер Файз! Мисс Маргретга... мисс Маргретга айтадиган гапингиз йўқми? Сиз уни севардингиз ахир!..

Шу вақт ҳамроҳимиз оламдан кўз юмди. У гўё Абу Дибнинг сўнгги сўроғини кўтаролмай жон берди. Файзнинг ажал олдидан айтган юрак арзлари, изтиробли тавбаси, кутилмаган маълумотлари, ниҳоят, азобли ўлими мени ҳам сўнгги дармонимдан маҳрум қилди.

Мен Файзни ўлганидан кейин танидим. Айниқса шунинг учун ҳам юрак-бағрим эзилиб кетди. Бир умр дилида оғир юк билан юрган одам экан. Ундан қутулиб, енгиллашиб ўлди бечора. Ўлим билан бирга ҳамма нарса тугайди. Лекин энг даҳшатлиси бу эмас. Энг даҳшатлиси шуки, ўлимдан сўнг ҳеч нарса бошланмайди. Файз ҳамиша ниманидир излаган, бўлак, хато йўллардан излаган. Мана, истаганини эндигина топай деганида, бир нарсани тушуна бошлаганида, одам таниганида ўлиб кетди. Стенли ўлдирди уни.

Стенли... Шу одам тақдиримда кўндаланг тургандай. Нима қилсам, қаерга борсам шунга дуч келаман. Бутун умрим шу одамга, унинг ўйларига, қилган ишларига қарши юришдан иборатдай бўляпти.

Унинг ҳам бутун кирдикори менга қарши қаратилган экан чамамда. Марҳум Файзнинг маълумотларига қараганда, агар бу сафардан қурилишга омон қайтиб борсам, у ерда яна шум машмашаларга рўпара бўламан шекилли. Стенли буни халқаро жанжал тусига киритиш учун зўр беради албатта. Мени қайтариб юборишлари ҳам мумкин.

Лекин завод бари бир қурилади. Уни тўхтатишга энди Стенлининг қўли калталиқ қилади.

— Ҳеч нарсани ўйламанг, мистер Аҳмад, фақат йўлни ўйланг! — деди Абу Диб. Хаёлларимни учириб юборди.

Файзнинг ўлими Дибга унча таъсир этмаган эди назаримда. Худди шундай бўлишини илгаридан билгандай аста-секин, урфу қоидасини ўрнига келтириб, япроқ аралаш лой билан дафн этди. Чарчагани ҳам билинмайди. Мана тагин олдинга интиляпти, мен рўпарамда унинг лўкиллаб кетаётган қорамтир, шалаббо гавдасини, ёрилган товонларини кўряпман холос. Шу топда у менга ҳиссиз, шафқатсиз одамдай туюлиб кетди. Ҳозир йўлда йиқилиб қолсам, у мени ҳам совуққонлик билан дафн этиб, ёмғир деворини пешанаси билан ёрганча, тинмай олға интилажак. Манзилга етса, элатларини ҳалокатдан қутқазса бас.

Лекин, ҳақиқатда, ҳаммамизнинг мақсадимиз ҳам шу эмасми? Абу Диб бошдаёқ айтган эди ахир: биримиз етмасак, биримиз етишимиз керак деб... Бироқ Файзнинг ўлим соя солган юзи хаёлимдан кетмайди.

Кўз ўнгимда қизил доғлар, гир айланади, ёмғир пардаси қизил тумандай бўлиб кўриняпти...

Бари мажолсизликдан. Йиқилиб қолмасам бас. Оғзимда шўр, шилимшиқ нарса тилимни айлантирмай кўйяпти. Ёмғир шовиллаши, момақалдироқ гумбури бир зум тинса-ю, асабларим сал ором олса дейман. Чақмоқ ўрмонда азим дарахтларни қарсиллатиб қулатарди, тоғдан бир нима даҳшат билан шовиллаб келаётгандай. Дарё қирғоғидан чиқиб, ёйилиб кетган. Ҳали яна тошқин кечишга тўғри келса, менинг ишим мушкул...

— Ҳозир қоронғи тушади, — деди Диб. У қоп-қора юзидан, соқолидан ёмғир сувини сидирди, ҳорғин қорачиги булоқ кўзидек ялтираб кўринди. — Бу тошқин кўп одамларни комига тортган. Ҳар хил одам бор бунинг тагида, яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам... Қоронғи тушганда ҳаммаси бирдан чуввос солиб баҳслашишади. Эшит-япсизми, овози кучайяпти. Яқин юрманг, камарига тортади, бу дунё доим хун талаб.

Шу куни қош қорайганда биз ҳўкиз аравага хурмо барги кесиб ортаётган одамларга дуч келдик. Улар трассадан экан. Абу Диб япроқни ағдариб ташлатиб, аравага мени, яна бир чолни олди-да, ҳўкизларни шафқатсиз савалаб, трасса томон йўлга тушди. Қолганлари ҳам орқамиздан қолмай югуришар, араванинг ғилдираги япроқ аралаш қизғиш балчиққа ботиб қолганда ҳаҳалаб итаришар, менинг юзимга ачиниб тикилишар эди. Мен, баданим ҳеч нарсани сезмай, аравада ағанаб ётибман, кўринишим жуда аянч бўлса керак...

Кўп юрмай япроқ билан ёпилган пастак-пастак чайлаларни кўрдик, уларнинг эшигида мазутга буланган латтадан машғаллар ёнарди. Боришимиз билан бир зумда одам тўпланди, шовқин-сурон бўлиб кетди. Мен бу ерда хотинлар, шунча бола-чақа, бутун-бутун оилалар борлигини бидмас эдим. Бўйдор аёллар оғиз-бурнигача ўраниб олган узун ҳўл кўйлак ичида кўкраклари селкиллар; қип-яланғоч болалар ёмғирни писанд қилмай, оналарига биқинганча бизларни томоша қилишар эди. Кексалар, болаларнинг кўплари касал, латтага ўралганча ётар, сув босган ертўлалардан чиқиб, хурмо баргини ёпиниб олган эдилар. Лекин ердан ҳам сирқиб оққан, тепадан ҳам челақлаб қуяётган сувдан қутулишнинг иложи йўқ, одамлар бунга кўник-

кан, уларнинг бирдан-бир ғами: тезроқ ёмғир тинса-ю, иш бошланса. Бу ишсиз кунларнинг ҳар бири кейинроқ, ёмғир фаслининг охири — «илик узилди» да билинади. Бу бевақт ёмғирни ана тинар, мана тинар деб, ҳали ҳам тўрт кун бекор ўтди:

— Ёмғир тинмайди, азизлар, даҳшатли сел қеляпти, дарров кўтарилиш керак бу ердан. Жон сақлаш керак, тепага, қирга, тоққа чиқиш керак! Ҳозироқ! Халойик!

Трасса бўйлаб хабарчилар югурди, машъаллар чайлаларнинг эшигидан суғуриб қўлга олинди.

— Лаш-лушни ташла!

— Касалларни, болаларни араваларга орт!

Трассанинг узунлиги ўн беш чақиримча эди. Ундаги минглаб одамларни ўрнидан қўзғагунча тун қоронгилашиб қолди. Йўл тикка, тоғдан тушаётган сув тошшағални, балчиқни ювиб, босган ҳар қадамимизни орқага суради. Юз, баданлар ёмғирга кўникиб, кўкариб қотган, қулоқлар тинган. Машъаллар намиқиб биринкетин сўнди. Узлуксиз чақмоқ ваҳимага тушган, лойга беланган, дармонсиз оломоннинг бутун аянч юпунлигини ёритиб турибди. Биз балчиққа ботган ғилдиракларни итариб, ҳўкизларни савалаб, шовқин-сурон, қий-чув билан қиялаб чиқиб бормоқдамиз.

Ярим тунда дарада кучли сел шовқини эшитилди. Бу ерда дара жуда кенг эди. Тонг отганда яшил чакалакзорлар, кўм-кўк жилғалар, ўтлоқлар ва ботқоқлар ўрнида кул тусидаги, бир хил, жонсиз кенгликларни кўрдик — ҳамма ёқ тўлганиб ётган лойқа сув, ҳавода даҳшатли шовқин ҳар нафас кучайиб бормоқда. Тоғларнинг сланец қатламлари нураб, тўлқин-тўлқин лавалар пастга силжиб, йўлидаги дарахтларни, қояларни дарадаги сел тўлқинларига юмалатарди.

Орқамизда илон изи бўлиб судралиб чиқаётган оломоннинг думи сув ўртасида қолган тепаликка энди етди. Улар билан бизнинг ўртамизда сув занжирнинг бир жойини узиб, ора анча очилиб қолган эди... Абу Диб менга даҳшатли тикилди, кейин кимларнидир бақириб-чақириб, орқага қайтди, лойда юмалаганча пастга тушиб кетди. Унлаб киши унинг орқасидан эргашдик. Зум ўтмай кўкракдан лойқа сувга чўкдик. Қизиган баданимни, бутун вужудимни аллақандай чиркин совуқлик чирмаб олди, атрофда чексиз, ифлос сув тўлганиб оқар, кўпик, латта, илон, тошбақа, чувал-

ган томирлар орасида тирик гавдалар сузар, одамлар дам-бадам сувдан бош чиқариб кўзлари билан ёлворар эдилар. Ҳамма жон талвасасида бир-бирини маҳкам ушлаган, биронта одамни ажратиб олиб қутқазиб мумкин эмас. Кучимиз борича бирини оёққа турғизиб, бирини олдинга итариб бирини хомага тутинтириб, катта бир сафни саёзроқ жойга чиқариб олдик. Улимдан қутулган ярим яланғоч одамлар қалтираганча орқага, занжирнинг узилган ерига, тўлганиб, бепарво оқаятган оқиш тўлқинларга тикилар, йиғлай олмас эдилар. Бу тўлқинлар қанча одамни ютиб кетди — ҳали ҳеч ким билмасди...

Бир маҳал оқиб келаётган дарахт бутоғи биқинимга шундай санчилдики, ўзим қўлтиқлаб келаётган бир чолнинг оёғига шилқ этиб йиқилдим. Абу Диб қандайдир аёлнинг этагини йиртиб белимни маҳкам қисиб боғлади. Мен тикка туролмас эдим, қовурғам синди шекилли. Ҳалиги мен қутқазган чол бечора афтимга қараб туриб йиғлаб юборди. Кекса одамнинг мўлтиллаб йиғлаши таъсир қилдими, билагимни маҳкам тишлаб, оғриқни енгдим-да, Дибнинг ёрдамида аравага этиб олдим.

Аравадаги ҳўл пўстакда эски латтага ўхшаб гуж бўлиб ётган болалар орасида юз тубан ётибману, атрофдаги ваҳимани сезиб турибман. Хатардан қутулиб, тоғ ён бағрига ёпирилиб кетган оломоннинг кўзи сел тошқини ўртасидаги тепаликда узилиб қолган одамларда эди. У ерда юзтача киши дармонсиз ётиб қолди. Сел тобора кучаймоқда. Бу хилда қутураверса беш-олти соатдан кейин тепани кўмади, одамларни юшиб кетади. Абу Диб қаерда, нима чора кўрмоқчи? Унинг товушини эшитяпману ўзини кўрмайман. Унга қўйиб берса яна ўзини тўлқинга ташлайди, ўзига ўхшаганлар унинг кетидан эргашиб, фарқ бўлишади. Абу Диб! Абу Диб! Чақиринг уни!

— Абу Дибни чақиринг!

Мен инградимми, қичқирдимми — билмайман. Лабимни тишлаб қонатиб юбордим. Ҳушдан кетмасам бўлгани. Хайриятки, Дибнинг ўзи пайдо бўлди, қансираб, арава ёнига келди.

— Тепалик кўриняптими? — дедим.

— Ҳа, — деди Диб. Унинг юзи кўринмас, лой чапанган қовоқлари остида ваҳимали кўзларигина ёнар эди.

- Одамлар-чи?
- Кўринаяпти.
- Қимир этмай туришсин! Ишора қил, тушунтир, кутишсин, сел қайтади.
- А?!
- Сел қайтади!— дедим мен қаттиқроқ, ҳамма эшитсин деб.
- Мистер Аҳмад! Сел кучайяпти.
- Сел қайтади, Абу Диб! Халққа айт, тепаликдагиларга ишора қил, қимирлашмасин,— такрорладим мен.

Абу Диб ҳам, ёнидагилар ҳам менинг гапимни қандай тушунишни билмай гаранг бўлиб, олдимдан кетишди. Селнинг қайтишига мен ўзим ҳам тўла ишонмайман. Лекин ҳозир бўлак чора йўқ, одамларни бу ёққа кечиб ўтишга ундаш уларни очиқдан-очиқ ҳалокатга итариш бўларди. Тошқин тонгдагига қараганда анча кучайди. Тонгда ғарқ бўлганларни ҳеч ким кўрмади. Энди тепаликдагиларнинг ғарқ бўлишини кўриб туриш уларнинг ўзларидан ташқари, ёнимиздаги минглаб одамлар, чоллар, аёллар, болалар учун ҳам даҳшатли фожа бўларди. Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Абу Диб менинг илтимосимни халққа етказди. Одамлар тепаликка тикилганча бир оз тинчиб қолишди. Ҳавони фақат сел шовқини тутган эди. Мен ҳовурим чиқиб ётибман, вазият, асабий ўйлар билан оғриқни ҳам сезмай қолдим. Биламан — халқ сув ўртасида қолганларга тикиляпти-ю ўзи мени ўйлаяпти: бу бегона сел қайтишини қаёқдан билади, унга ишонмиш керакми? У авлиё бўлмаса ахир!

Менинг авлиё бўлишим сенга боғлиқ, Борис, жон дўстим! Агар хатимни олган бўлсанг, жонингни аяма, шу чорасиз, содда одамларнинг сўнгги умидини сўндирма, қутқаз! Сен уларнинг узоққа тикилган кўзларидаги ҳасратни кўрсайдинг ҳозир! Сен уларнинг аянч ҳолатини кўрсайдинг!

Борис, Борис... агар у менинг хатимни олиш билан қурилишдаги ҳамма бульдозерларни, скреперларни, карвон-карвон қилиб дарага бошлаб чиққан бўлса... ҳозир бунга уч кун бўлди. Уч кунда селнинг тарновини чапдаги жилғага очиб юбориши мумкинми? Қисман бўлса ҳам мумкин... Мумкин! Бундай техника билан уч кунда катта селхона очиш мумкин... Аттанг, «ҳар

эхтимолга қарши... борди-ю биз етиб боролмасак» деган хуржун гапларни ёзмасам бўлар экан хатга. Буналигини, ўйлаб ўтиришга вақт бўлмади-да ўша куни.

Лекин, йўқ, Борис жонга оро кириши керак. Мен унга доим ишонар эдим, ҳозир эса диндор бир одам худога ишонгандай, бутун умидим фақат унда. Юзлаб одамларнинг ҳаёти унинг қўлида. Фақат билсайди... Билсайди!..

Шу пайт қирсиллаб белим сингандай, бутун вужудимни чидаб бўлмайдиган оғриқ тутди. Ҳаводанми, бошимдами қаттиқ шовқин кўтарилди. Бирдан илиқ, тубсиз бир зулмат қаърига шўнғиб кетдим. Шундан кейин нима бўлганини билмайман...

— Авлиё... Авлиё...— деган товушлардан ҳушимга келдим. Бу сўзни худди эзгу дуодай шивирлашарди. Мен кўзимни очиб, ҳамон аравада ётганимни, афрофимни эса соқолларидан сув томиб тушаётган ўнлаб нуроний чоллар қуршаб турганини кўрдим. Ҳали қаердалигимни билмайман, оломон шовқини бояги-боягидай, лекин саросемасиз, салобатлироқ. Нарироқда Стенли штаб-квартирасига кирадиган катта темир дарвозани, тинаётган ёмғирда ойнадай ялтиллаб турган кенг асфальт йўлни танидим. Ажабо! Бу ерга қандай келиб қолдик? Неча кун юрдик? Одамлар омон қолдими? Ҳозир нима бўляпти? Мунча одам кўп? Булар ким?

Биз қутқазиб келган одамларнинг ҳаммаси шу ерда эди чамамда. Мен уларнинг юзларига қараб ҳайратда қолдим. Бу қонсиз, қорғин, лой, тирналган, муздай совуқ юзларда даҳшатли ғазаб шарпасидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Оломон дарвоза олдида ярим доира шаклида тирбанд бўлиб турибди. Мен бирдан пайқадимки, ҳалиги шовқин ўша кунги селнинг қулоғимда ҳамон шовиллаган акс садоси экан, бу чексиз, қорғин, юпун оломон эса чурқ этмай жим турибди. Шунини ўйлаганимда қулоғимдаги шовқин ҳам бирдан тинди. Кўзларимга ҳамма нарса аниқ кўрина бошлади. Дарвоза қаватида икки-учта энгил машина, уларнинг ёнида оқ ёқали, зоннга таянган, яхши кийинган кўпгина одамлар алоҳида тўп бўлиб туришибди. Буларнинг кўпи ерликлар, ҳукумат амалдорларига ўхшарди. Тўпнинг четроғида мен Стенлини, мисс Маргретни танидим. Улардан ҳам садо чиқмас, оломон эса ҳамон жим эди. Аммо бу жимлик менга даҳшатли ғазаб нидоси бўлиб эши-

тилди. Сабрим тугаб бошимни кўтараман, танишларни, Борисни қидираман. Шу пайт Абу Диб пайдо бўлиб, менга шивирлади:

— Кўрдингизми, ҳов қора лимузин муҳофизники. Ҳзи келганга ўхшайди. Ёнида анча-мунча амалдорлар. Комиссия. Яширин полициядан ҳам одам бор. Мен танийман уларни, фуқаро кийими ярашмай турганидан танийман. Булар сизни текширгани келишган. Индемай ётаверинг, овора бўлади, халқнинг авзойини кўрдингизми!

Менинг иситмам бор шекилли, ёниб кетяпман. Қўрқаётганим йўқ, дўстим Абу Диб, халқ мени ҳимоя қилмаса ҳам бўлади, аминманки, бу мамлакат қонунларига хилоф бирор иш қилган эмасман. Лекин негадир ёниб кетяпман, ҳаяжондаман, титроқ тутяпти. Бу оломон қачондан бери хўжайинларнинг кўзига бундай дадил тикиладиган, ўз туғишган тупроғида оёқларини бундай кенг кериб, девордай тик турадиган бўлиб қолди? Умримда бундай воқеани биринчи кўришим эди. Ваҳимали бир ҳодисани кутиб, саросимага тушиш ўрнига ўзимни қандайдир мамнун сездим.

Шу пайт бирдан ер ларзага келиб, оломоннинг орқа томонида бульдозер, скрепер, экскаваторлар карвони занжирдай тўлғониб узоқдан кўринди. Ҳамма ўша томонга қайрилиб қаради, темир карвон узоқда тўхтаб, моторлар гувиллаши тинганда, қайси бир экскаваторнинг кабинасидан сакраб, оломонни иккига ёрганча чопиб келаётган Борисни кўрдим. У бир зумда менинг ёнимда пайдо бўлди. Эгнида комбензон, катта этик кийган, сариқ сочлари пешанасига тушиб, тер билан ёпишиб кетган, ўзи ҳансирар, юзи бир оз оқарган эди.

— Аҳмад!.. — деди у юзимга эгилиб. Мен уни тинчитиш учун жилмайдим, аммо у жилмайишимга ишонмади, атрофга аланглаб, кимлардандир бир нималарни сўради, «Доктор! Доктор!» деди, кейин қаёққадир ғойиб бўлди.

Мени аравадан туширдилар. Кимлардир қўлтиғимга кириб суяди. Жуда ноқулай ҳолатда эдим: шунча одам, оломон ҳам, марказдан келганлар ҳам, Стенли ёнида турганлар ҳам — бари менга тикилган эди, беихтиёр ҳамманинг диққат марказига тушиб қолган эдим. Буларнинг ўз ишлари, ажрим қилиб оладиган масалалари бор ахир. Мен тезроқ четга чиқишим ке-

рак. Шундай мулоҳаза билан ёнимдагиларнинг ёрдами ради қилдим-да, нарироқда кўринган оқ халатли ҳамшира томон тезлаб юрдим. Гандираклаганимни сезаман, лекин бор кучимни йиғиб, тўғри ва тез юриб четта чиқишга тиришар эдим. Ҳамшира мени Стенли компанияси штаб-квартирасига кирадиган катта дарвозага бошлади. У ерда лазарет бор. Мен тушундим: биринчи ёрдам кўрсатиш учун энг яқин пункт ўша эди. Ҳамширанинг кетидан юравердим.

Марказдан келганлар тўпидан бир-иккитаси йўлга пешвоз чиқиб, мен томон интилди. Ҳол сўрамоқчи бўлдими, ёрдамлашмоқчимиз — билмадим, ишқилиб, интилди. Бироқ шу маҳал орқамдан оломоннинг бир қимирлаб қўйгани, пастгина, оғир, лекин шундай шиддатли нафаси эшитилдики, ҳалиги икки киши дарров жойига чекинди. Содда оломон уларни менга дахл қилади деб ўйлади шекилли, мени ноқулай аҳволда қолдираётганини билмай, «қўлингизни торт!» дегандай тўлганиб қўйди. Ҳукумат одамлари олдига ўзим бордим, муҳофизга қўл бердим, у мени нима биландир табрикларидими, раҳмат айтдимиз, аҳволимизни сўрадимиз — билмадим, зўра оёқда турардим. Кейин ҳалиги мен томон интилганларга ҳам қўл узатдим, бошқалар билан бош қимирлатиб саломлашдим. Бу тотувликдан қувонибми, ўзини қувонган қилиб кўрсатиш учунми, оғзининг таноби қочган Хогарт Стенли мураса оҳангида томоқ қириб, олдироққа чиқди-да, қўлини кўтарди: оломонга мурожаат қилмоқчи бўлди.

Бироқ шу маҳал оломоннинг ўртасидан чинқирган овоз эшитилди:

— Стенли ўз юртига жўнасин!

Қимир этмай турган оломонга бир нима бўлди: у қайнай бошлади, ерни зириллатиб бир қадам олдинга силжиди, оловли нафаси сезилгандай бўлди. Қудратли, ғазабли овоз кўтарилди.

— Жўнасин!

— Стенли кетсин!

— Ҳозир йўқолсин!

— Стенли ўз юртига жўнаб қолсин!

Ёноқлари тирналган, соқоллари лой, юзига совуқ ғазаб пардаси тортилган дармонсиз бу оломоннинг жимгина тикилиб туриши қуролли қасоскор қўшиннинг босиб келишидан ҳам даҳшатлироқ кўриниб кет-

ди. Уликдай оқарган Стенли чекинмас, сурбетлик билан халққа тикилиб турарди, лекин тобора кичкина бўлиб кетаётгандай кўринар эди кўзимга. Марказдан келганлар ҳам на орқага чекинишни, на оломонни қўллашни билмай, саросимада қолишди. Муҳофиз — юмалашни билмай, қоп-қора, бошдан-оёқ оқ кийинган, ҳаво ранг саллали киши — аввал бирор тадбир кўришга тараддуд қилди-ю, атрофда гапига қулоқ соладиган одам кўринмагач, қора лимузини ёнига бориб турди. Оломон дарвоза олдидаги майдонни қуршаб ҳамон силжиб келарди.

— Жўнасин! Инглизлар ҳаммаси кетсин!

— ...Син!.. син! — деган акси садо, якка овозлардан ташқари оломоннинг гувиллаган қудратли нафаси эшитилиб турарди.

Стенлининг нарироғида докадай оқариб, бурун тешиклари катта-катта бўлиб кетган мисс Маргрет ҳам оқ кўйлақда ёлғиз оқариб турар, у мен тушиб келган аравадан кўз олмас, ундан ҳозир Файзнинг ўлигини олишади деб ўйлар эди шекилли. Шу топда у кўзимга совуқ уриб кетган баргдай бўлиб кўринди. Кўзларида фожиали бир умидсизлик бор эди.

— Бир нима десанг-чи буларга, Маргрет, тилини биласан ахир буларнинг! — дер эди акаси оломондан чекинишга бўйни ёр бермай.

Маргрет индамади. У лол, юпқа гавдаси қалтирар эди.

Бу вақт Борис етиб келиб, ҳамшира билан бирга мени етаклаб, дарвозадан ичкарига олиб кириб кетишди. Кираверишда ўнг қўлдаёқ кенг ёруғ айвон бор эди, ўша ерда мени врачлар кутиб олишди. Борис бу ерда анча ваҳима қилиб қўйган экан шекилли, ҳамма нарса тайёр эди, дарров уколлар, иссиқ сувлар, асбоб тўла столлар, наркозлар... Врачлар мени ярим соат қийнашди, қулоғим ҳамон ташқарида. Оломоннинг овозаси дам етиб келар, дам йўқолиб кетар эди.

— Халойиқ! Биродарлар! Бу менинг оғайним, бу менинг жанговар дўстим бўлади! Халойиқ... — деган товуш эшитдим дарвозанинг нари ёғида. Бу Бориснинг овози эди. Бирпасдан кейин у оқсоқ Эдгар Биллини қўлтиқлаб олиб келиб, айвондаги курсига ўтқизди. Бу ерда ҳеч ким йўқ эди. Билл дарров почасини кўтариб, протезининг аллақасерини тузата бошлади. Мен дераза-

дан унинг совуқ тер босган ориқ юзини кўриб турибман. Протезининг аллақаери гирчиллаган сари ранги ўчар, кўзида оғир дард сезилар эди. Борис уни бу ерга қўйиб, ўзи қаёққа кетдийкин?

Ташқарида овоз пасайди. Темир дарвоза жаранглаб ёпилди. Бир оздан кейин эса овоз ҳам бутунлай тиниб, жимжит бўлиб қолди. Аллақаёқдан шаршара шовуллаши кўтарилиб чиқди. Оломон товуши уни босиб турган экан.

Менинг қовурғамни нима қилишди — сўрамадим ҳам. Оғриқ босилиб, бутун вужудим роҳатбахш бир илиқликка шўнғиб, катта пастак деразага қараб ётибман.

Анчадан кейин, эквалиптлар хиёбонига кириб кетадиган асфальт йўлкада Стенли пайдо бўлди. У дарвоза ёпилгандан кейин, ичкарида, девор тагида анчагача қимир этолмай турганга ўхшайди, ҳозир секин силжиб, ўша ердан чиқиб келди. Хиёбонга кираверишда, сайҳонда тўхтади. У қора фракда кичкинагина, захчадеккина бўлиб қолган эди. Юзини ҳам яхши кўриб турибман — сарғиш, ияклари қорамтир; наҳотки мистер бугун соқол ололмаган бўлса... ё чаккалари ичига ботиб кетганиданмикан?

У ёлғиз эди, қотиб турди-турди-да, қалтироқ қўлини шимининг чўнтагига солиб, қора револьвер олди. Тропик ёмғирдан сўнг тиниқ зангори тусга кирган, энди ўзига бегона бўлиб қолган тубсиз осмонга қараб бир неча ўқ узди. Бу унинг ҳалиги оломонга қараб отолмаган ўқлари бўлса керак. Уқдонни ҳам, ичини ҳам бўшатиб олди чамамда. Бир чеккаси, бундай пайтда энди ўқ бўлиши ҳам хавфли...

Уққа ҳеч ким ўқ билан жавоб бермади. Лекин штаб-квартира боғ-ўрмонларининг узоқ четида кечки осмонни йиғидек титроқ овозга тўлдириб, бутхона қўнғироғи ваҳимали жаранглай бошлади. Бу бутхона стендилар хонадонидан биронтаси ҳаётдан кўз юмганда шундай қўнғироқ чалар эди. Дарҳақиқат, штаб-квартирадан югуриб келган ҳамшира стендиларнинг «волидан аввал» и кўчадаги шовқинга дош беролмай креслода ўтирганича жон берганини врачларга хабар қилди.

«Шарқнинг онаси»ни кўз олдимга келтирдим. Унинг шамдай қотган юзида ўлмасидан аввал ҳам ҳаёт асари йўқ эди...

Табиатдаги барча овозларни босиб тушган, бир меъ-
ёрдаги, кучли ва мунгли мис жарангидан Стенли яшин
ургандай бир жойда қотиб қолди. Гўё қўнғироқ унинг
ўз ўлимига чалинаётган эди. Анчадан кейингина
оёғини зўрага судраб, букчайиб икки қадам юрди-да,
йўл четидаги тош скамейкага чўкди. Бошини ерга эг-
ди. Ёқа ичига чўккан сариқ юзи кичкинагина бўлиб
кўринар эди. Кўнглимда унга нисбатан ачиниш ҳисси
ҳам, нафрат туйғуси ҳам уйғонмади...

Ажабо, дердим ичимда, биринчи марта Берлин яқи-
нидаги госпиталда учратганим чиройли, ўзига ишон-
ган хушчақчақ капитан Хогарт Макуэлл Стенли агар
шу бўлса, биз тарихни анчагина олдинга силжитиб-
миз-да?

Онамнинг дадам ҳақидаги ҳикояси эсимга тушади.

— Кўксимда олов бор, ойиси, — дер экан раҳматлик
дадам. Ростдан ҳам, шаҳардаги тупроққўрғонга қизил
байроқ тикилган куни, кўксида аланга ёнгандек, юзи
гуркираб, ўзи лорсиллаб кириб келган экан уйга. Ўзи
нобуд бўлса бўларки, олови ўчмас, дер экан ойим кўн-
гида...

Бу — улуг кунларда ёнган ғазаб, муҳаббат оташи;
агар инсон юрагида шу олов ўчса, кишилик яна ўтган
асрларга қайтади, дер экан дадам.

Менинг ўйларим жуда узоқларга кетиб қолди... Таш-
қарида нима бўляптийкин? Шовқин аллақачон тинган.
Борис қаерда, Дмашқий қаерда? Қачон келишаркин
мени олгани? Ҳеч қаеримда оғриқ сезилмаяпти. Оппоқ
ёстиқ жилдидан крахмал иси келади. Чойшаб муздек,
баданга хуш ёқади. Рўпарамдаги катта деразадан ём-
ғир ювган тропик ўрмонлар кўринади. Илиқ оқшом қо-
ронғиси қуюқлашиб боряпти. Қўнғироқ жаранги узоқ-
узоқларга кетиб йўқолди. Тиниқ, тубсиз жануб осмони-
нинг жиндек очиқ жойида қуёш парчасидай катта-
катта юлдузлар липиллаб ёнди. Уфқларда эса қора
булут. Муссон ёмғирлари ҳали тинмаган. Хас-хашакни
супуриб ҳали селлар келади, ҳозир тошқинлар фасли
ахир...



Бахт-саодатни ўйлайман.

Ёзганимни ўқиб чиқсам, ҳаётимга лупадан қарагандай бўламан. Босиб ўтган йўлларимни кинолентадай монтаж қилиб, уни баъзан тез, баъзан секин айланттириб, энг керакли дақиқаларини батафсил кўриб чиқаман, бахтли онларимни қидираман.

Мен уларни топдим: улар умримдаги энг оғир дамлар экан, чунки улардан ўкинчсиз бир қаноатим бор. Бундай дамлар эса оз эмас эди. Ким бахтсиз — бахтсизликни енгмаган бахтсиз! — деган экан буюк рус кишиси Пётр Биринчи.

«Сиздан саҳро иси келади-я!» эсингиздами, Сўнагул! Саҳро иси... Бундай дамларнинг ҳам бахт эканини ўйлабмизми ўша вақтда?!

Аммо бутун ҳаётимнинг бахти ҳақида оғиз тўлатиб гапиришга ҳали ҳам журъат қилмайман. Наҳотки фақат шу ишлар учунгина туғилган бўлсам?!

Шунда менга ҳаётимнинг тўртинчи фасли тасалли беради; у фасл ҳали ёзилмаган, лупага солилмаган — мен унда яшаб турибман.

Уни ҳисобга олмай бўладими?! Менинг ҳали Сўнагулни яна бағримга босишим, яна кўпгина ишларим, ажойиб бахтли онларим бор. Бахт бутун умр учун бериладиган мукофот ахир...

Бу йўлда биз албатта кўп кучдан қолдик, аммо бир ҳис билан юрагимиз таскин топади: йўқолган кучимизнинг нимага сарфланганини биламиз.

Бировнинг умри бировга андоза бўлолмайди, албатта. Сиз ўзингизча яшашингиз, янада бахтлироқ яшашингиз мумкин. Лекин ҳамма бахтли умрлар учун бир шарт шуки, асрининг бош йўлида бўл экан. Бу йўлдан кўплар юрган, улар ҳам «кэптен»ларини учратганлар ва энг яхши кишилар уларга муҳтож бўлишган. Кимки ҳаётида энг яхши кишиларга асқатган бўлса, у ҳамма замонлар учун яшайди.

Биз асримизга бердик йилларимизни. Умримиз оташини авлодларга тутдик. Бу оташ ёниқни, йигирманчи асрни бекор қилиш мумкин эмас.

Йўқ, йигирманчи аср ўчмайди!

БЎРОНЛАРДА БОРДЕК ҲАЛОВАТ.



ҚАҲРАМОННИНГ СЎЗ БОШИСИ

Қаҳрамон ҳам китобга сўз боши ёзадими, деб ҳайрон бўлманг. Асар тугагандан кейин қўлёзманинг бир нусхасини энг аввал танишиш учун қаҳрамонимга юборган эдим. У менга анча ибратли хат ёзибди. Шунинг бир қисмини сўз боши ўрнида келтиряпман:

«Ўша йиллари қурилишимизга келиб юрганингизда доим ўйчан кўринардингиз, сира чиройингиз очилмаганини кўриб, бир-биримизга ёқмадик шекилли, иш чиқмаса керак, деб ўйлаган эдик. Ёзувчи Пришвиннинг: «Ёзаяпман — демак, яхши кўраман», деган сўзи ёдингиздадир. Бизнинг ҳақимизда, қисқача бўлса ҳам, анча катта китоб ёзибсиз, раҳмат. Демак, бир-биримизга ёққан эканмиз, хайрият.

Аслида ўзи бизнинг ҳаётимизда ҳеч бир қизиқ нарса йўқ. Иш, чарчоқ, шошилиш, жанжал, яна иш, иш, иш... Аммо, билишимча, ёзувчининг вазифаси — қизиқ бир нарсани ҳикоя қилиб беришгина эмас, бир нарсани қизиқ ҳикоя қилиб беришдан иборат. Шунинг учун, ўйлайманки, бизнинг ҳақимизда ҳам ёзса бўларкан, жуда тўғри қилибсиз.

Ўша қиш, биргина ўша қишимизда шунча маъно бор экану кундалик икир-чикирга ўралиб ётганидан, биз буни пайқамаган эканмиз-да. Сиз адабиётчилар китобга тушган ҳар қандай одамни ҳам қаҳрамон деб атайсизлар. Мана, мен ҳам «қаҳрамон» бўлибман. Аслида, менга қолса, ҳаётда қаҳрамон йўқ, ҳаётда одамлар, оддий одамлар бор. Фақат сизлар воқеаларни икир-чикирдан тозалаб, қуюқлаштириб, уларнинг маъносини қидирар-

кансизлар. У ҳолда биздаги ҳар бир ишчини қаҳрамонга айлантиришларингиз мумкин. Очигини айтсам, мен ўзимни аранг таъдидим. Баъзи жойларда жуда ошириб юборибсиз, айрим сифатларни бошқа ҳамкасбларимдан олибсиз... Майли, буларга эътирозим йўқ, чунки нимаики яхшилик булса, ҳақиқатан ҳам ҳамиша ўртамизда. Ахир мenden ўша ҳамкасбларимиз ҳам бирон нарса ўрганишгандир.

«Тузукми?»— деб сўрабсиз. Биров сенинг ҳақингда китоб ёзади-ю, ёмон деб бўладими? Назаримда, ҳар қандай китоб вақтнинг бир қисмини таққа тўхтатиб тургандай туюлади: китоб ҳаракатдаги турмушнинг тутиб олинган бир парчасига ўшайди. Сиз бизнинг ҳаётимиздаги анча қизиқ лаҳзаларни тутибсиз.

Билмадим, бу балки ноўғри тушунчадир. Чунки вақт тўхтамайди, у доим ўтиб туради-ю, одамлар ҳаётида ифодалансагина кўзга ташланади. Сиз ифодаланган кунларни мен ўтган замон ҳисобламайман, ҳозирги ҳаётимизда ҳам шундай ҳислар қайнаб-тошиб ётибди. Агар у фақат ўтган замон бўлса, ўз ҳақимизда ўқиганда гоҳо кўнглимизни бундай ғашлик чулғамас эди. Одам, агар таъбир жоиз бўлса, ўз ўтмишининг жамулжами экан. Шу билан бирга, ҳар киши кимдир давом эттиради.

Биз даърининг хулосаси, оддий кишиларимиз... Дарвоқе, ҳа, давр кишилари... Балки шунинг ўзида бир гап бордир. Бизнинг кунларда яшаб туриб, даврга ёт бўлиб қолган одамлар ҳам учраб қолади-ку, нима дедингиз?..

Салом билан

Мардонқул Заргаров».

1

Кабинанинг олдинги эгик ойнасида мовий шуъла оқиб киради. Пайваст бир сокилик одамнинг руҳини қамраб, ўйлар мангулик билан тутатиб кетгандек бўлади. Ҳар учганида вужудини шундай илиқ шуълага тўлдирадиган осмон бу сафар алланечук тубсиздек, эртаги кунлари сингари мавҳум туюларди.

Уни тўсатдан қақиртирдилар: «Ишни топширингу зудлик билан етиб келинг!» Бир муҳим гап бўлмаса, тўрт йилдан бери қураётган катта объектини тугаллаб топширишига бир неча ой қолганда бундай қилишмас

эди, нима бўлганда ҳам қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидаш мум..ин-ку!

Ишига ишқал йўқ эди, буниси аниқ Ё бошқа бирор вазифага тайинлашмоқчимиз? Ҳар қалай, катта Ўзгариш бўладиганга ўхшайди, кўнгли сезиб турибди. Ишқилиб, қадрдон саҳродан суришмаса бўлгани. Агар саҳродан бошқа жойга кетса, умрлик курашида енгилган одамдек, ўзига ишончини йўқотишдан қўрқади.

Загаров саҳрога ўч эди. Ўзи кўм-кўк воҳада туғилган бўлса-да, нима ҳам бўлиб тақдири шунга боғланиб қолди — умри саҳрода ўтмоқда. Баъзиларнинг тахминича, бир вақтлар ўтинчи отасини тақирда бўри ғажиб кетган экан, шунинг учун саҳрода қасди бормиш. Лекин ап бунда эмас шекилли, чунки Загаровнинг саҳрога муносабати жуда бошқача, аломат бир муносабат.

Бир қарашда у, чиндан ҳам, саҳро билан қасдлашиб қолгандек: «Ё сен енгасан, ё мен!» Лекин бу ғазаб эмас. Шу билан бирга, меҳр ҳам эмас. Саҳро унинг тиич яшашига халақит берар, оромини ўғирлагандек эди. Жаҳонда шундай қутсиз жойларнинг борлиги ғажига тегарди, ўзи эса ҳамон саҳрога интилгани интилган. Қизиқ-да: шундай баҳаво яланг майдонлар инсонга беғона! Қўшнинг ёвғон ичиб ўтирганда, ёғли палов сётгандексан... Йўқ, Загаровнинг егани ичига тушмайди, худди томоғида тургандек. Ош эмас, гўё саҳро томоғига тиқилгандек: саҳро... саҳр... ҳр, ҳр-ҳр... Бу сўзнинг ўзи ғажига тегарди.

У пастлаб учаётган самолётнинг хочга ўхшаш соясини кузатиб боради. Соя тошдек қотган калтакесакларни, қоққан қозикдек тикка юмронларни чўчитиб, барханларда чайқалиб сузади. Йўқ, яқиндан қарасанг, ҳаёт бор саҳрода. Офтоб ёлқин сочиб турганда юлғун қизариб гуллайди. Шувоқ тагида булдуруқ бола очади. Қасмоқдек кўпчиган шўр оёқ остида қирсиллаб, рутубатли тўзонни ўпкага ўтиради. Эҳ-ҳе, қанча йўл босмади Загаров бу ерларда! Самолётдан узоқларга тикилганида саҳро манзараларининг қандайдир ўзга сайёралар манзарасига ўхшаш жонсиз, файзсиз эканлиги неча марта дилидан ўтган. Шундай бўлса ҳам у ковлайверган, портлатаверган, уч-қирсиз котлованлар қазиган, қудратли кранлар келтирган... Баъзан шундай қум-тўзон кўтариладикки, замона охир бўлиб, оламни тўфон босгандек, чарақлаган кун юзини қора булут тўсар, кеңами-кун-

дузми, фарқига бормай қолар эди. Бундай пайтларда у саҳрони зер-забун қилиб титиб ташлагандек сезарди ўзини, лекин тўзон босилганда юз-кўзини артиб қарагач, билардики, ана шу қум уммонини жиндек безовта қилган экан, холос.

Москвада бир олим ошнаси Ой тупроғини кўрсатди. Ойна тагида бир кафтгина тупроқ. Қулдек, жонсиз. Заргаров унга узоқ тикилиб турди, юраги увушиб кетганини сезди...

Саҳро жонли ахир. Мана, оёқ остида. Одамни калака қилаётгандек ястаниб ётаверадими?..

Йўқ, Заргаров саҳродан кетмайди. Қандайдир тийиқсиз бир иштиёқ етаклайди уни. Саҳрони бўйсундириш, уни забт этиш... Дарвоқе, Заргаров она табиат шаънига номуносиб бундай кескин ибораларни ҳеч қачон ишлатмасди. Лекин саҳро билан топишиб кетиш, унга илиқ нафас, файз бахш этиш истаги уни худди озодлик руҳидек ўзига чорлар эди. Заргаров келажак умрининг қум бўронларида ўтишини қарийб аниқ биларди...

Чап ёнида ўтирган дўсти Алексейга кўзи тушди. Штурвални тутганича саҳронинг ғуборли, сарғиш уфқи:га тикилиб кетаётган қирра бурун, қотма юзли пилот шу туришида кўм-кўк осмон фонида тунж ҳайкални эслатарди.

—Энди мендан қутулиб, чиндан ҳам ниятингга етасан, чамамда, Алексей Иванович,— деди Заргаров.

Пилот уфқдан кўз узмади.

— Сиз ундан кўра ўзингизни ўйланг, начальник. Қитъада бирон каттакон ишга қўйиб қўйишса нима қиласиз? Тамом бўласиз-ку?

Улар саҳродан бошқа жойни «қитъа» дейишарди. Саҳро ҳақиқатан ҳам денгиз. Айниқса, булар биринчи қадам қўйган йиллари дунёда ҳувиллаб ётган бўшлиқ— саҳро эди, унда ҳатто кушанда дегудай бирор жон зооти ҳам йўқ эди.

Заргаров дўстининг бугунги жиддийлигидан маъюсгина жилмайиб қўйди: у ҳам бошлиғининг тақдирини ўйлаётган экан. Заргаров бундай софдил, вафодор дўстини учратган эмас. Фақат ўзи дўстликнинг шартини адо этолмади, Алексейнинг олдида гуноҳкорлигини биллади.

Алексей, саҳродаги йирик қурилиш бошлиғининг шахсий пилоти. «Бу шалди роқ аравангизда умрим зое кет-

япти», деб зорланар, катта лайнерларда, узоқ ҳаво йўллариди учишни орзу қилар, Заргаров эса, «Кукурузник»-ни ўзим эгаллаб олганимдан кейин сенга жавоб берман», деб ишонтирар эди. Қурилиш изига тушиб олгунча бунга фурсат бўлмади, ҳашпаш дегунча йиллар ўтиб кетди. Ниҳоят, мана, ўтган қиш Заргаров эски «Як» нинг штурвалини ўзи қўлга олган эди, лекин Алексейнинг негадир иши юришмади. Саҳрода юриб катта авиация техникасидан орқада қолган эканми, ёши ўтинқираганми, хуллас, «катта ҳаво йўллари»га илашолмади. Орзу қилган ишига етишолмай, кичикроқ ишларга бўйни ёр бермай, анча вақт бекор қолди. Заргаров бундан виждонал қийналар, хижолат чекар, ҳавога кўтарилганда ҳар гал дўсти ёдига тушиб, штурвал тутган қафтлари терлаб кетар, кўнгли ғаш бўлаверар эди.

Заргаровнинг объектдан «бутунлай» кетаётганини эшитган Алексей кеча ўзи етиб келди. Ўзим олиб борман шаҳарга, ечинг пилоткани, деди. Кўриниб турардики, у бошлиқнинг аҳволидан безовта. Улар бир-бирларининг руҳидаги ўзгаришни сезгирлик билан пайқашар эди.

— Тамом бўлсам бўлавераман-да, қайтага Фотима хурсанд бўлади,— деди Заргаров анча жимликдан кейин.

— Фотима хонимнинг жони киради-ку...

Заргаров Фотиманинг зинапояга лорсиллаб чиқиб, қулоч ёзишини ва шу ондаёқ зарда, таъналар бошланишини кўз олдига келтириб жилмайди. Унинг иссиқ бағрини, хархаша, зардаларини қўмсаган эди. Эрининг саҳройнилигидан куйган хотин уйда ойлаб интизор. «Тирик бева»лигидан нолигани нолиган. У Заргаровнинг касбини бошданоқ ёқтирмади, лекин ҳали ёш экан, орзиқиб кутар, эри саҳродан қайтганида, «водопроводчигинам», деб эркалар эди. Заргаровга эса соғинтириб учрашишлар жуда ёқар, бу доим шундай давом этаверади, деб ўйлар эди. Бироқ илгари фахрланиб айтилгандек туюлган «водопроводчигинам» кейинги вақтларда... гоҳо яхши сўзлар ҳам такрорланаверса, калакадек эшитиладиган бўлиб қоларкан. Фотима Заргаровдан саҳрони тарк этишни қатъий талаб қила бошлади.

— Хотинимнинг гаплари ўринли,— деди Заргаров,— қариганда бундоқ қуйилиб, тинчроқ ухлаши ҳам керак-да одам...

Тиниқ осмонга бутун вужуди билан интильгандек олдинга тикилиб кетаётган пилот бошлиқ томонга кескин қайрилиб қараб қўйди. «Қариганда» деган сўз ёқмади шекилли. «Узоқ маршрутларга учиш учун ёшинг ўтиб қолибди», дейишгани рост экан-ов.

— Энди нима қиладиган бўлдинг, Алексей Иванович?

— Олдин сизнинг қисматингизни билайлик-чи...

Ҳа, ҳақиқатан ҳам қисмат. Бугунги ўйлардан, айниқса, Фотимани эслаб, унинг кўнглида қандайдир ингичка бир тор чирс этиб узилгандек бўлди. Энди осмон ҳам кўзига боягидек нилий тиниқликда товланиб кўринмас эди. Шу кунларда у ўзлигини сақлаб, ҳаётда фақат ўзига аталган ўринни ардоқлаб қола оладими-йўқми? Гап мана шунда эди...

Заргаров аэропортдан соат ўн бирларда этиб келди. Фотима тошойна олдида кечки пардоз билан банд экан, отонада катта чамадон кўтариб турган эрини кўриши билан ўзини йўқотиб қўйди. Заргаров одатда бунлай келмас эди. Аввал хабар қилиб, муюшда этикларини ялтиллатиб, кичкина саквояж билан кириб келар, келиши байрамга айланиб кетар эди.

Фотима, ўттиз етиларга кирган тўлагина сулув жувон, хонаки кўкракбурма кўйлақда, бўлиқ елкасига юмшоқ тивит рўмол ташлаб ўрнидан турди, юмшоқ, илиқ гавдасини эрининг қучоғига отди. Новча, қўпол Заргаров ёдидан чиқаёзган кадрдон ҳидларга маст бўлгандек, ҳамма нарсани унутиб, уни бағрига босганча узоқ туриб қолди. Кейин хотинининг йиғламсираб, титраган лабларидан ўпди-да:

— Нима гап?— деб сўради.

— Ўзингизда нима гап?!— деди Фотима тўзғиган сочини юзидан сидириб. Чехрасида қувонч чақнади.— Катта чамадон кўтариб олибсиз? Тинчликми? Нима гап?

— Нима гаплигини эртага айтишади.

Фотима нимага уннашини билмай шошиб қолди. Бу катта чамадон... Наҳотки бутунлай? Наҳотки бутунлай? Эри келганда бундай довдирамас эди. Гоҳ бутун вужуди билинар-билинимас титрайди. Идиш-товоқ қўлидан тушиб кетгудек. Заргаров унга кўз қирини солиб, раҳми келди. Қийнаб қўйди Фотимани. Уч хонали уй ҳувиллаб ётибди, тошойна олдида грим, парик, очиқ китоблар устида пьесалардан кўчирилган диалоглар.

— Соқолингизни ола турнинг, мен ваннага сув қуяман,— дея хотини ичкаридан янги сочиқ олиб чиқиб, эрининг елкасига ташлади.

— Саодатдан хат борми?— Заргаров қизининг деворга осиглиқ катта расми олдида тўхтади.

— Ўтган куни телефон қилган эди.

— Нима дейди?

— Нима бўлар эди — яна «икки». «Ўқимайман, дадамнинг олдига ишга кетаман», дейди.

Деворда Саодат чарақлаб кулиб турарди. Кўзлари катта-катта, юзи тиниқ, чиройли қиз. Худди ойисининг ёшлигига ўхшайди, бўлали, ўн еттига кирмай етилиб қолибди.

— Тирмизак,— деб кулди Заргаров.— Дадагинангнинг ўзи «иккилик» бўлиб турибди-ю...

Заргаров кабицетига кириб кетди. Фотима унинг ҳукумат телефонида Тошкентни чақирганини, Марказкомнинг тунги навбатчиси билан гаплашганини эшитди. Заргаров саноат бўйича секретарнинг қабулига ёзилмоқчи эди, навбатчи секретарнинг уни бугун кутганини, эрталаб етиб келиб ҳеч қандай навбатсиз кириши мумкинлигини айтди. Заргаров трубкани қўйиб, ўйчан чиқиб келди. Қўйлак-шимини ечиб, юмшоқ халат кийди. Хотини зимдан кузатарди. Заргаров ундан уч-тўрт ёш катта бўлса ҳам, ҳали йиғитлик кучига тўла, қоп-қора жун босган кўкраги бақувват, пайлари пишиқ, энли энгаги бир оз чиққан, оғзи катта, бароқ қош одам эди. Соқолинги қиргандан кейин узунчоқ юзи тиниқиб, сал оқ тушган чакка сочлари нурланиб кетди. Негадир ҳаяжонланган Фотима эшик кесакисига бошини қўйганча унинг ювишишини жимгина кутди. Бўйдор Заргаров йўл-йўл кул ранг халатга ўраниб, иссиқ ваннадан ҳансираб, бўғриқиб чиқиб келганида хотин ўзини босолмади:

— Вой, Мардонқул ака, ўт билан ўйнашяпсиз... Мен ҳам одам боласиман-а!— деди йўлини тўсиб ерга қараганча. У бамисоли ловиллаб турган чўғ эди. Заргаров унинг гапига эътибор ҳам бермасдан бағрига тортиб, бўйнидан, кўзидан, қулоқларидан ўпа бошлади.

— Кетманг... энди кетманг...— дерди бўшашган жувон кўзларини юмиб,— эртага Тошкентда айтинг, шаҳарда қолдиришсин...

Заргаровнинг чайир қўллари бирдан бўшашиб, хотинини аста қўйиб юборди.

— Бўпти, бўпти, айтаман. Лекин ҳали ҳеч қаёққа жўнатишаётгани йўқ-ку...

Дастурхон ёзиғлиқ, чой тайёр эди, улар ёруғ қандил тагига келиб ўтирдилар.

— Театрда ишларинг қандай?

— Қандай бўларди?.. Пьеса йўқ, алмисоқдан қолган роллар... Сизни деб шундай каттакон театрни ташлаб келдим. Спектаклимизни кўриш у ёқда турсин, шаҳарга ойда-йилда бир келасиз...

— Гап унда эмас, ахир, Фотима...

— Сиз менинг нимадан кечиб фидойилик қилганимни ҳали ҳам тушунганингиз йўқ.

Заргаров жавоб тополмади.

— Чойдан қуй,— деди пешонасини ишқаб. Бирдан ўйлаб қолди: хотини бу сафар унинг келганига хурсанд бўлдими, йўқми? Илгарини бунақа ўйлар хаёлига ҳам келмас эди. Хурсандми, йўқми? Йўқ, деса ўтқизгани жой тополмай, ёниб турибди... Хурсанд бўлди, деса — яна ғалати, қарашлари илгаригидек тиниқ эмас. Негадир ёт-сирагандек, юраги нимадандир така-пука...

Фотима шаҳар зиёлиларининг, раҳбар ходимларнинг театрга қизиқишини ҳикоя қиларкан, область ижроия комитетининг раиси Шоаҳмад Аббосовни мақтади:

— Биронта премьерадан қолмайди, театрда ўзининг махсус ложаси бор, режиссёрлар билан таниш...

Бу гап Заргаровга суҳбатни енгилроқ йўлга буриб юбориш учун баҳона бўлди. Шоаҳмад Аббосов ёшликдаги синфдоши бўлиб, уни Шоаҳмад Табассум деб аташар эди.

— Оббо, Табассум-эй, театр мухлиси бўлиб кетган дегин? У билан дўст эдик-а бир маҳаллар, энди ўйлаб ўзим ҳайрон бўламан.

— Энди шаҳарда сизнинг дўстингиз қолмаган. Сизнинг дўстларингиз... Қалтакесак, эчкемар...

Заргаров кулиб юборди.

— Ҳали ҳам ўша-ўша юм-юмалоқ, қип-қизилми Шоаҳмад?

— Ҳа, гапим мунча нашъа қилди? Эртангизни ўйланг, нима қиласиз?

— Айтгандай, эртага... Биринчи рейсга чиқаман, ётиш керак.

...Уйқу қаёқда! Улар бир-бирларини қаттиқ соғинган эдилар. Сахро қурсин, одамни ўзидек чанқоқ, ўзидек бе-дов қилиб қўяди. Хотинининг бутун ҳарорати вужудини тўлдирди. У одатдагидан ортиқ қайноқ, шошқалоқ эди.

— Тақдир кечаси...— деб пичирлади Фотима.

— А?

— Бу ун ҳам келмаганингизда-чи!..

— Нима-нима?

— Жонимга ора кирдингиз... Яқинроқ келинг...

— Эсингни едингми?!

Уларнинг гапи узилиб қолди.

...Фотима эрининг бағридан сирғалиб чиқиб, тизза-ларини икки қўли билан қучоқлаганча тескари қараб ўтирди. У қалт-қалт титрар, елкасига, оқ кўйлаги устига таралиб тушган сочлари ғира-ширада сеҳрли кўринар эди. Заргаров тирсагига таяниб, бошини кўтарди.

— Мендан кулманг...— деди Фотима,—...бевадан харобман...— кейин пиқ этиб йиғлаб юборди.

— Фотима!..

Хотин юзини тиззасига ташлаб, баттар ҳўнграй бош-лади.

«Ҳизларга эрк берганидан уялиб йиғлапти», деб ўйлади Заргаров. Юпатмоқчи бўлди, билагига қўл узатди. Фотиманинг бадани совуқ, вужуди қалтирар эди. Заргаровнинг ҳам аъзойи баданига совуқ югурди.

— Ҳали бир нима дедингми?— деб сўради у хотини-нинг ярим тундаги пойма-пой гапларини эслаб.

Фотима индамади.

— «Тақдир...», «Жонимга ора кирдингиз...» Яна бир нималар дединг-ку?

— Упкалаб айтган гапларимни қўяверинг...

Чалқанча ётган Заргаров тонг ёруғидан кул ранг тусга кирган шифтга тикилди. Бу тунги бўронда нималар бўлиб ўтганини аниқламоқчидек манглайини тириш-тирди. Лекин хотини ҳамма нарсани чалкаштириб юборди: аллақандай кўрқув, одатдан ташқари эҳтирос, кутилмаган йиғи, ғалати гаплар... Нима бўляпти ўзи? Нима бўларди, уйқусизлик, чарчоқ.

Ана, йиғидан толиққан Фотима ҳам ёнига чўзилди. Унинг қўлини ушлади. Полапондеккина юмшоқ, мурғак қўл. Энди у қайноқ эмас, анча совиған.

— Мардонқул ака...

— Лаббай?

— Мен бошқа бировни яхши кўриб қолсам нима дердингиз?

— Қайдам. Буни ўйлаган эмасман.

— Ўйлаб кўринг.

«Ўзига бино қўйяпти,— дея кулиб қўйди Заргаров.— Яна шўхлиги тутяпти...»

Шундай деди-ю, хотинини яна бағрига тортди. «Ўйлаб кўринг бугун шуни...»— дея такрорлаб, яна нималардир айтмоқчи бўлган лабларга эрк бермади. Лекин бу сафар ортиқча эҳтиросли жавоб сезмади...

Саҳарда Тошкентга отланаркан, беозор ухлаб ётган хотинининг ҳорғин юзига узоқ тикилиб қолди. Уйқуда бу қадрдон чиройли юз ҳиссиз, ифодасиз эди, бирдан бегонадек кўриниб, тундаги жумбоқ гапларнинг ҳаммасини бирдан ёдига солди. Заргаров Фотиманинг бугунги феъл-атвори, ҳамма гапларини англаб етолмаса ҳам, энди ундан узоқлашмаслиги кераклигини биларди. Мана шу чалкаш ҳисларнинг оғир юки остида чиқиб кетди.

Ҳали барвақт бўлишига қарамай, секретарнинг қабулхонасида одам кўп — қандайдир муаммо билан боши қотган паришон директорлар, чўл-биёбондан келган қурилиш партия ташкилотчилари, сочига оқ тушган генерал, серташвиш молия ходимлари ўтирар эди. Заргаров кириб келиши билан секретарь қиз уни тирсагидан тутиб ичкарига бошлади. Бировлар ўрнидан туриб, бировлар бош ирғаб саломлашаркан, Заргаров ўзини ўнғайсиз сезиб, узр сўрагандек маънос назар билан алиқ олар эди. Эшик ёпилганда Заргаров келиши билан бошланган жонланиш, олаговур бирдан аллақаяёқда, узоқда қолиб, рўпарасида секретарнинг жимжит, шифти баланд, ёруғ кабинети намоён бўлди. Қора, жингалак сочли, юмалоқ юзли ёш секретарь телефондаги, афтидан, анча кўнгилсиз гапини бўлиб, ўрнидан турди.

Партия ходими сифатида ёш бўлса ҳам, ўзига ишончи мустаҳкам, саноатни яхши биладиган бу йигитни халқ орасида «Салим темирчининг ўғли» деб ҳурмат қилишар эди. Заргаровга ҳам унинг очиқ, содда, ишчан ва хушчақчақ табиати жуда ёқар эди.

— Ноқулайроқ бўлди-да, бенавбат киришим. Молия министри ҳам ўтирган экан, кекса одам...— деди Заргаров унга қўл бераркан.

— Зиёни йўқ, аяқинда бутун дунёнинг молиячилари, миллиардерлари сизга таъзим бажо келтирадиган бўлади,— деди секретарь.— Марҳамат, ўтиринг.

Заргаров ҳазилга кулди-ю, гапнинг тагига етолмаганини билдириб, секретарга тикилганча аста ўтирди.

— Тўсатдан чақирганимиз учун койинманг, суҳбат қилиб розилигингизни олмасдан бир нарсани очиқ айтишим қийин эди.

Секретарнинг ҳазил билан гапни узоқдан айлантириб келиши Заргаровга маъқул тушди: жиддий гапга ўхшайди, ўзини бамайлихотир тутиб олиши керак.

— Олтинни биласиз-а, Мардон Заргарович?— деб сўради секретарь

— Биламан, сариқ бўлади,— деди Заргаров .

Секретарь кулиб юборди. Кўнгилли суҳбатга чоғланган Заргаровнинг ўзи эса бирдан жиддий бўлиб қолди. У гапнинг қаёққа қараб кетаётганини сезган эди: Қумтов! Ҳойнаҳой Қумтов! Бу ном кейинги ярим йил ичида ҳамманинг оғзида, бутун мамлакатга овоза бўлиб қолган эди. Қумтов. Албатта ўша. Жуда катта кон. «Янги олтин провинцияси», «Йигирманчи аср мўъжизаси», деган иборалар ҳам пайдо бўлди матбуотда.

Худди айтганидай, секретарь узоқ даромад қилиб ўтирмасдан, шартта шу янги гигант объектни олишни таклиф этди.

— Марказий Комитетнинг бутун умиди сиздан, Мардон Заргарович,— деди у сўзини якунлаб.

Заргаров бу гап давомида негадир бирдан оғирлашган калласини аста кўтарди.

— Объект қандай аҳволда, нима бор?— деб сўради у.

— Саҳро бор, пул бор, ният бор. Ҳозирча нақди шу. Бор нарсалар унча кўп эмас, кўриб турибсиз. Энди, нималар йўқ, деб сўранг. Коллектив йўқ, шаҳар йўқ, сув йўқ, йўл йўқ... Жуда сизбоп иш.

Кеча уйда бўлиб ўтган гапларни билгандек ҳазиллашди секретарь: «Сизбоп иш...» Заргаров лабининг бир чети билан кулиб қўйди. Бу аллақандай ҳазин кулги эди. Фотима кўз олдига келди. Келгусидаги беш йиллик, ўн йиллик саҳро тўзонлари, уйқусиз бўронли тунлар, беҳаловат, очин-тўқин, оромсиз айрилиқ ойлари, парваришсиз, асабий ҳаёт, хотинининг шамали таъналари, хархаша ва йиғилари билан қоришиб кетди миясида, бо-

шини яна пастга босиб тушди. У ўзиға эмас, Фотимага ачинар эди. Улар ҳали тузукроқ ҳаёт қуришгани ҳам йўқ, эр-хотинликлари ўн етти йиллик азоб, айрилиқдан иборат бўлди, холос. Яна саккиз-ўн йилга кетса — ёшлари ҳам бир жойга бориб... ҳаваслари тугаганда тинчишадими?..

Йўқ. Ундан фақат розилик сўрашяпти. Бир оғиз «йўқ» деса ҳаммасидан қутулади, бутунлай бошқача ҳаёт, бутунлай бошқача, одамларча...

— Ундан олиб, сувга соляпсиз-да...— деди Заргаров мужмалроқ қилиб.

Секретарь яна кулиб юборди:

— Ота касбимиз темирчилик бўлгандан кейин нима қилайлик?..

Заргаров ҳалиги гапни пайровга буриб юборилганини энди пайқаб, ўзи ҳам жилмайган бўлди. Секретарь унинг қандайдир оғир аҳволга тушиб қолганини сезди шекилли, ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кабинет жим эди. Икковлари ҳам узоқ ўйга толдилар.

— Объект саҳронинг тақдирини батамом ҳал қилди,— деди ниҳоят секретарь,— бу ўринда сиздан бошқа ҳеч кимни тасаввур қилиб бўлмайди.

— Менга фурсат беринг.

— Нима учун?

— Ҳар ҳолда, ўйлаб кўрай...

«Нимани ўйлайсиз?» деб қолса, тайинли жавоби йўқ эди. Уйдаги аҳволни гапириб ўтириш уят.

— Ўйлаш ҳозир қимматга тушади, Мардонқул ака. Ўйлашингизнинг бир куни, ҳозир айтаман...— секретарь олдидаги қоғозларни титиб, бирига кўз югуртирди,— ўйлашингизнинг ҳар бир куни ноль бутун юздан олти тоннага тушади.

— Ниманинг юздан олти тоннасига?

— Олтиннинг.

Заргаровнинг бароқ қошлари остидаги ҳорғин кўзлари бақрайиб, секретарга тикилиб қолди. Кейин у яна ерга қаради. Яна жимлик бошланди. Кимдир эшик очди, қабулхона янада гавжум бўлиб қолган эди.

— Ҳар қалай, ўйдагилар билан бир маслаҳатлашиб кўрай.

— Албатта, албатта,— деди секретарь хайрлашгани кўл узатиб.— Фотима хонимнинг маслаҳати ҳар қандай олтиндан қиммат. У кишининг Жамиласини кўрганман.

Уйласам, ҳали ҳам таъсирланаман. Мендан салом деб қўйинг. Шунақа бир томошабинингиз бор экан, денг...

Сўнги гаплар Заргаровнинг қулоғига киргани ҳам йўқ, у қабулхонада ҳам ҳеч кимни танимай ўтиб кетди, йўлакда кимлар биландир саломлашди — эслолмайди. Хиёбондаги синиқ бир скамейкада ўтирганида ўзига келди.

Эрта куз ҳавоси — хиёбонда ўтирадиган эмас эди. Осмонда олатароқ булутлар кўчиб, ёқимсиз шамол юлқинди, дарахтларга қўнган гардгача кўтариб, ҳавони димиқтириб юборди. Буни Заргаровдек саҳройи одамгина сезмаслиги мумкин эди. У бирпас юриб, совуқ тош скамейкага чўкди. Тўзон кетидан хазон ҳиди анқитиб, шовул ёмғир қуйди. Кўча-кўйда одам кам. Заргаров ҳамма иши тугагандек, тентираб юриб, шифердан қилинган кўримсизгина бир кабобхонага кирди. Маза-матрасиз совуқ кабобдан бир-икки сих чайнаб, табиати тирриқ бўлиб чиқди. Бунинг устига таксичи бола ўлғудай қўрс экан:

— Уст-бошингизни қоқсангиз бўлмайдимини, филофянги эди, кир қилдингиз, — дея тундлик билан танбеҳ берди. Заргаров беихтиёр елкаларини қоқа бошлади. Чанг устига ёққан ёмғир лой бўлиб костюмига шувалганда, кафтларига қараб, ўзига-ўзи ачиниб кетди. Қаёққа кетяпти ўзи? Нима қилиб юрибди? Хотини билан маслаҳатлашиш бир баҳона эканини ўзи яхши билади. Аслида таклифни рад қилиб чиқди. Чунки Фотима ҳеч вақт яхшиликча розилик бермайди.

Ҳа, энди ҳаёти ўзгаради шекилли. Майли-да, кўз кўрар, ахир. Йшсиз қолмайди. Ҳар ҳолда, Заргаров-ку. Кам деганда область миқёсидаги масъул ходим бўлади. Мана бу таксичидек галстукли, озода йиғитча ҳар куни машинада ишга олиб бориб, олиб келиб қўяди. Ясаниб юради. Кечқурун спектакль. Ёнида севимли, сулув хотини. Манаман деган актриса. Ҳамма зимдан ҳавас билан, гоҳ ҳатто ҳасад билан қарайди. Кимсан, Заргаровлар!

Ҳа, Заргаров. Собиқ Заргаров... бир иложини қилар.

Лекин иложини қилиш бошқа, яшаш бошқа...

Машина кўлмак сувларни чилпиллатиб елиб борар, Заргаров худди юзига лой сачраётгандек ижирғанарди. Бехосдан Мардонқул Заргаров эмас, бошқа одам бўлиб

қолгандек туюлди ўзига. Гўё қайдадир бор-йўғидан ажралган, вужуди ҳувиллаб қолган, енгил, майда, жўнгина одам ўтирар эди. Салмоқсиз, ўринсиз...

— Келдик,— деди таксичи.

Заргаров қаердалигини унутгандек ўтирар эди.

Елкасига сафар юки, рюкзак, тагин алланималар ортган альпинистларми, геологларми, бир тўда ёшлар, соқол қўйган йигиту шим кийган қизлар машинанинг олдидан шовқин-сурон билан ўтиб кетишди.

— Келдик,— деди таксичи яна.

— Қаерга келдик?

— Аэропортга...— деди бола, «эси жойидами» дегандай қия қараб.

Заргаров соатига боқди.

— Қайтаринг.

— Қаёққа?— Шофёрнинг авзойи бузилди.

— Бўлинг, қайтара қолинг, акаси, Марказий Комитетга,— деди Заргаров юмшоққина қилиб.

Таксичи елкасини қисиб, қошини учирди-ю, гулзорни айланиб, келган йўлига тушди. Унинг нималардир деб гудрангани эшитилмади — аэропорт диктори атрофни янгратиб қандайдир рейсни эълон қилаётган эди...

Кечагидай қош қорайган пайт. Заргаров остонада пайдо бўлиши билан Фотима унинг кўзларидан ўз тақдирини ўқигандек, рўпарасида қотиб қолди. Уларнинг бир-бирларига тикилишларида жуда кўп гап бор эди: ўн етти йил турдик, ҳаёт, негадир, бизни батамом қовуштирамади, бир-биримиздан, доим беҳабармиз, сенинг дунёнг бошқа, менинг дунём бошқа, ўйларимиз ҳам мос келмади, доим пойма-пой. Мана энди туйқусдан орага тушган тўсиқ...

Заргаров югуриб бориб хотинининг икки тирсагидан ушлади, кўзига қаради: «Менинг табиатимни тушунишга ҳаракат қилиб кўрсанг-чи!» Кўзлари шундай деб турсада, ўзи бошқа гап айтди:

— Қумтов, Фотима! Ҳал бўлди. Кечир, сендан бемаслаҳат розилик бериб юбордим.

— Шундай бўлишини билардим.

Фотиманинг нафаси ичига тушиб кетди. У эрини кутган, орзиққан, тайёрланган эди. Эғнида юмшоқ, кенг бурмали кўйлак. Қимматбаҳо атир ҳиди...

— Розилик бермай иложим йўқ эди, бу...— Заргаров осмонни қучмоқчи бўлгандек қулоч ёзиб, қаёққадир, шифтга интилди,— бу—катта, жуда катта масала, Фотима, сен билан бизнинг кайфиятларимиздан катта...

— Бўлар иш бўпти, мен эмас, ўзингиз бошляпсиз жарликка...— Фотима орқасини ўгириб креслога ўтириб олди.

— Нима деяпсан, Фотий бирга кетамиз, у ерда ҳам бориб-бориб театр бўлади.

— Бориб-бориб... Қариб-чуриб, фақат ялмоғиз кампирни ўйнайдиган бўлганимда...

— Театрни тезроқ ташкил этишга ўзинг бошчилик қилишинг мумкин.

— Мен ташкилотчи эмасман, саҳрода театр очишга қобилиятим йўқ. Мен оддий актрисаман...— Фотима тутақиб кетаётганини сезиб индамай қолди. У бугун босиқроқ гаплашиб, ўзининг ҳақлигини бамайлихотир тушунтирмоқчи эди.— Уйлаб кўринг, мен сизнинг соянгизга айланиб қоляпман. Аввал, бир-икки йилда қайтамыз, деб, Тошкентдан бу ерга олиб келдингиз. Мен кўндим, ярим жаҳонимни йўқотсам ҳам, кўндим, неча йилдан бери оламдан беҳабар шу ерда ўтирибман. Мана энди қайтиш ўрнига, саҳронинг у чеккасига сургаяпсиз...

— Ахир, мен-чи, нима, мен ўз дунёмдан, ўз феъли табиатимдан, ўзлигимдан воз кечишим керакми?! Нима туфайли кечишим керак?— деди Заргаров ҳам тескари қараб, лекин шу ойдаёқ ноўрин гапириб қўйганини сездди.

— Мен туфайли! Мен-чи? Хотинлар туфайли бирон истагидан кеча оладиган эркаклар бўлар эди-ку! Ё унақа даврлар ўтиб кетганми?

— Кўп замонларда хотинлар ҳам фидойилик кўрсатишган...

— Тушунарли, ўртоқ декабрист. Мен ўзлигимдан кечишим керак экан-да, сиз кечмаслигингиз керак экан. Шундайми?..— Фотима овози баландлашиб кетаётганини пайқаб яна индамай қолди. Негадир қўл силтаб, оппоқ, ингичка бармоқлари билан чаккасини ушлади.— Нима бало, фалсафага ўтиб кетдик...

— Фалсафа ҳам эмас, схоластика,— деди Заргаров. У баҳсинг тўхташини, самимий, аҳил бир суҳбатда жиндак ором олишни истар эди.

— Рост айтасиз,— деди Фотима ерга қараб,— ҳар

кимнинг ўз дунёси... Ҳеч ким унинг баҳридан ўтгиси келмайди. Муҳаббат бўлса, буюк санъат, у жондан кечишни талаб қилади.

— Бу қайси пьесадан?— дея ҳазилга бурмоқчи бўлди Заргаров.

— Инонсангиз, маҳаллий бир авторники,— деди Фотима.— Ун олти йилдан бери орамизда мужмал диалог. Саҳнадагидан баттар...— У ўрнидан турди.— Катта чамадонингизни тайёрлайми? Чой плитада, қайнаган, ўзингиз дамлай қолинг...

Заргаровнинг боши чўяндек оғир, қулоқлари гувиллар эди. Тошкентда министрликлар, бошқарма ва трестларда шу бугуннинг ўзида дуч келган чигал муаммоларнинг ўзиёқ уни гангитган эди; уйдагиси тубсиз ўйларни баттар чувалтирди. У ўзини қўйгани жой тополмагандек, дам у ёқдан-бу ёққа юриб, дам нягини чангаллаганча ўтириб, негадир, бирдан белоналашиб қолган хотинининг хушбичим қоматини, асабий ҳаракатларини зимдан кузатарди. Кўзида совуқлик пайдо бўлган бу ажойиб хотинга айтадиган гаплари кўнглида ғалаён қиларди.

— Фотимаой...— деди секин. Хотини ичидан сесканиб, кифти титраб кетди. Ёшликда Заргаров уни энг ширин лаҳзаларда шундай деб атарди.

— Ой... Ҳа, сизнинг нурунгишни акс эттирадиган ой,— деди хотин синиқ товуш билан.

— Менинг дайдилигимни ўзинг билардинг...— Заргаров чамадонга кийим-кечак тахлаётган хотинининг ёнига борди. Фотима елкасида унинг нафасини сезса ҳам, қайрилиб қарамади.— Изғиб, ниманидир излаш билан ўтади шекилли умр. Излаш — топилган нарсанинг ўзидан кўра мароқлироқ туюлади, ҳайронман. Тўхтасам, фарқ бўлаётганга ўхшайман. Сувдагидек... Шундай одамни кўз олдинга келтира олмайсанми?

— Сиз билан биз ҳамма нарсани ўзимизча — бошқа-бошқа тушунамиз, Мардонқул ака,— деди Фотима ёнидаги курсига яна ўтириб.— Сиз овбош кучларингизга жой тополмайсиз, ерни ағдариб, сахро чангини кўкка совурмасангиз кўнглингиз тинчмайди. Мен бўлсам... Мен одамнинг чиройли муносабатларини, нафис қалбларини ўйлайман. Санъат деганман болагимдан. Ҳамма нарса тотли, гўзал бўлса, дейман. Одам ўзи муҳаббат меваси...

— Меҳнат, ҳаёт — алоҳида; муҳаббат, гўзалик —

алоҳида. Ҳар қайсиси — ўз ҳолича! Шундайми? Унақаси бўлмайди, Фотима!— Заргаров шартта қайрилиб, дераза томон кетди.— Унақаси бўлмайди!— деди яна қатъийроқ такрорлаб, қоронғи кўчага тикиқтар экан.— Ишу тирикчилик алоҳида, санъату нафосат алоҳида бўлса, актриса билан «водопроводчи» ҳам алоҳида бўлиши керак. Гапни шунга олиб келяпсанми?

— Иш, тирикчилик, қувур, водопровод... буни кўп эшитганман. Лекин, шулар қатори, инсон деган нарса ҳам бор, билмоқчи бўлсангиз. Масалан, мана мен!— Фотима энди ўзини босолмади, унинг товушидан йиғи тавсири кела бошлади.— Саҳроларнинг келажагини кўрасиз, хотинингизнинг кўнглида нималар бўлаётганидан беҳабарсиз! Қийинчиликлардан қўрқмайдиган фидокорман, деб ўйлайсиз. Аслида-чи? Аслида — елкаси яғир бўлиб кетган ҳаммолсиз! Ҳа!

Ранги қув ўчган Фотима эшикни тарақлатиб ётоққа кириб кетганда, бўйдор Заргаров дераза оша кирган тун қоронғисида яшин уриб кўмирга айланган кекса дарахтдек қаққайиб қолган эди. Бу оқшом унинг қандайдир эзгу ўйларига заҳар томди. Саҳрога жўнашдан олдин, сўнгги кунлари пойтахтда, область марказида идорама-идора юраркан, коллегияларда, молиявий баҳсларда, лойиҳа институтларида, буюртмачи ва пудратчиларнинг тортишувларида ўтираркан, Фотиманинг тобора узоқлашиб бораётган қадрдон чеҳраси кўз ўнгидан кетмас эди...

2

Заргаров кутгани чиққан муовинларига, қандайдир марказий ташкилотларнинг вакиллари, олимлар ва трест бошлиқларига бу ерда «аэродром» деб аталадиган шўрхок тақирдаёқ жавоб бериб юборди. У раҳбар «элита» қуршовида юришни ёқтирмасди, фақат қурилиш партия ташкилотчиси Дмитрий Қазимировични ёнига олди-да, усти оинқ «Газик»да кўз базўр илғайдиган гилдирак изларининг биридан бўлажак объектлар томон тикка йўл солди.

— Отингиз нима?— одати бўйича биринчи саволини берди Заргаров, энг аввал шофёрнинг отини билиб олмаса, йўл юролмасди.

— Бобош,— деди ёноқлари туртиб чиққан, суяги бу-

зуқ барваста йигит. Аф-идан, қорақалпоқ бўлса керак. Унинг бу билинар-билимас ғилдирак изидан қандай йўл топиб кетаётганини тушуниб бўлмайди. Чунки поёнсиз саҳрода бундай тартибсиз излар сон мингта, худди калавадек чувалиб ётарди.

Пастлаб учган мезон уқалари Заргаровнинг ўсиқ қошларига илашади. Қовжираган туятовоннинг нимта-тир ҳиди шошқалоқ кузнинг омонатлигини эслатади.

Заргаровни синашта, безовта бир ҳиссиёт батамом банд этди. Ҳар гал «бўлажак объект»га кириб бораётганида у ўзини мана шундай, худди бутун ҳаётининг рўпарасида, қандайдир бўронлар арафасида, долгаланган денгиз ёқасида тургандек ҳис этарди.

Кекса Дмитрий Казимирович ўнгиб кетган эски кепкасини шамол учириб кетмаслиги учун икки бармоғи билан маҳкам ушлаганча, қурилишнинг аҳволидан бошлиққа ахборот бериб боради: бу ерларнинг қишда қирқ даражага етадиган шиддатли совуғида бетон ишлари қандай бўлади, буни биладиган тажрибади одам ҳали йўқ экан, саратонда ярим метр қум қатламини осмонга учирадиган қайноқ қуюнлардан коммуникацияларни, котлованларни, карьерларни қандай асраш керак — буни ҳам билишмасмиш. Бу шароитда ҳали ҳеч ким бундай катта иншоот қурган эмас... Сувсизлик, йўлсизлик...

Дмитрий Казимирович гаплари бошлиққа негадир ҳеч қанақа таъсир кўрсатмаётганидан ажабланарди.

— Ҳамма қурилишлар жумбоқлардан, йўлсизликдан бошланади,— деди Заргаров.

Ҳалиги шўрхок тақирдан даста-даста бўлиб таралган йўллар бирдан занжирли ғилдирак, скрепер излари билан кесилди. Саҳро узоқ-узоқларгача дабдала бўлиб ётар, кўкка ўрлаган чанг-тўзондан ацетон, бензин ҳиди, дуд-тутун анқир эди. Бобош бу ерлардан усталик билан йўл топиб ўтиб кетди. Уйдим-чуқур йўл ёқасида катта контейнерлар, қорамоёга беланган яшиқлар ағанаб ётарди. Қумтепа орқасидаги тахта баракдан иккита болакай яланг оёқ югуриб чиқиб, ҳали ерда бўлак-бўлак бўлиб ётган қран, насослар, қувур ва тахта уюмлари тепасига чиқиб, «Виллис»ни узоққача кузатиб қолди. Заргаров саҳрода мана шундай, энди жон кираётган беҳисоб оролларни кўз олдига келтирди. Тошкентда олган маълумотига кўра, қурилишда етти министрлик, тўққиз бошқарма, ўн олти трест қатнашади. Дмитрий Казими-

ровни ҳар замонда чанг- тўзондан димоғ қоқиб, ҳиноя-сини давом эттирарди: лойиҳа институтининг бўлимлари, топография отрядлари кўчиб келиб, чўпонлар қишлайдиган овулни эгаллабди. Техникани ташиб келиш бошланган. Лекин бульдозер, вертолёт билан иш битадиган эмас экан. Йўл керак. Тор изли темир йўл, тош йўл...

— Биринчи муовин қаерда?— деб сўради Заргаров.

— Свердловскда ётибди. Дизелчиларни ниқтагани кетган... Одам келяпти, чироқ йўқ, бутун энергия буровийда.

— Ниқтовчиликни йўқотамиз. Биринчи муовин «тол-кач» бўлиб юрса, уят эмасми? Мен гаплашиб келдим қурилишнинг бошиданоқ давлат таъминот вакили шу ерда ўтиради!

— Буниси яхши бўлибди.

Ҳамма қурилишларнинг нозик жойи — техника таъминоти. Янги бошлиқнинг биринчи кунларданоқ шу жойга қўл урганлиги Дмитрий Казимировичга маъқул тушди. Бу одамда, ҳар қалай, бир гап борга ўхшайди. Лекин қийинчиликларни эшитган сари чеҳраси ёришиб кетяпти. Бу қандай бўлди?

Улар ер ости сувларини изловчи отряднинг «25-шо-хобча» деган участкасига дуч келдилар. Бобош бошлиқ-нинг кўзидан буйруқни уқиб, машинани оқ балчиқ кўл-макнинг бир четида тўхтатди. Пармалаш ҳавзасида вахта алмашиниш вақти эканми, ишқилиб, помбурлар қувурларни бураб олиб, тарновдан пастга узатмоқда, ишчилар уларни илиб олиб, стеллажга тахламоқда эди-лар. Иш майдони тартибсиз, не-не мазгилларни босиб келган қоғоз қопдаги «оқ лой», даста-даста элетродлар сочилиб ётибди. Четдаги вагончада кимдир рацияга ба-қирарди.

— Нима гап, мастер қани?— деди Дмитрий Казими-рович машинадан тушиб саломлашгач. «Мостик»да ух-лаб ётган мастер сакраб турди-да, боши остидаги эски пахталигини елкасига ташлаб, пастга тушди. Салқинган қовоқларини кир панжаси билан тўсиб аҳволни гапириб берди.

Қидирувчи гидрогеологлар группасидан 25-шо-хобча-да пармалашни номаълум вақтгача тўхтатиш ҳақида кўрсатма келибди. Қурилишга техника суви олиб келиш учун қадимий суғориш йўлларининг изига тушган қиди-

рувчилар тўсатдан жуда катта чуқурликка дуч келишибди. Канални унинг ёнидан айлантириб ўтиш кўп вақт, катта меҳнат, маблағ талаб қилар экан. Чуқурни тўлдирилса сувни ундан нариги ёққа осонгина ошириб юбориш мумкин, лекин ўпқон жуда чуқур. Уни сув билан тўлдиришнинг ўзи учун ярим йил керак.

— Яна фильтрацияни, буғланишни ҳисобга олинса, сув фалон пулга тушяпти...— деди соқоли ўсиқ мастер шишган қовоқларини яшириб.— Бошимиз қотиб, кўрсатма кутиб ўтирибмиз...

Дмитрий Қазимирович бошлиқ томон қараб яна ҳайрон бўлди: чигал муаммони эшитганда ҳам Заргаров пинагини бузмади. Гўё ҳар бир мушкул масала уни хурсанд қилар эди.

— Қурилишга ичиладиган сувни албатта қувур билан келтириш керак,— деди у машина йўлга тушгач, бутунлай бошқа мавзуга ўтиб.

Дмитрий Қазимирович у томон қайрилиб, қошлари қуёшда жизгинак бўлиб кетган кекса кўзлари билан қия боқди: бошлиқ бундан кўра каттароқ муаммолар билан банд экан. Ҳар бир кичик жумбоқ ўзга бир катта тугунни ёдига солмоқда.

— Шундай қудратли экскаваторларимиз бўла туриб-а?— деди Дмитрий Қазимирович.

— Бу ерда туб қатламлар узоқ. Фильтрация шу даражадаки, тўрт юз километрли каналнинг этагига сувнинг юздан бири аранг етиб боради. Саҳрода сувнинг қанақа нозик қилиқлари борлигини яхши биламан, хотиним бекорга айтмасди «водопроводчи», деб...

Ўз ҳазилига ўзи жилмаёлмади ҳам: хотинини гапирганда, негадир, ўтган замон феълени қўллаганини пайқаб қолиб, фикри чувалашди.

— Ҳа, айтгандай, каналчилар ҳалиги чуқурни айланиб ўтишаверсин,— деди бирпасдан кейин.— Сассиқ ботқоқни сувга тўлғазаман деб, ярим йил кутишнинг кимга кераги бор?

— Бу — минг километрнинг нари-берисида яккаю ягона кўл, ўртоқ Заргаров. Уни қоракўлчилар яхши билишади.

Заргаров бирдан яна ҳам чақнаган кўзларини узоқларга тикди: «Ҳали қоракўлчилар дунёси билан ҳам боғлиқ эканмиз-да?» деб ўйлади чоғи. Кўзи пишган қария аста-секин тушуниб келяптики, бу одам нуқул миқёс-

ларни ўйлар экан. Биринчи кунданоқ кўзи бутун саҳрони илғаб олаётгандек. Қадами, товуши дадил. Ҳар қандай мушкулдан тап тортмай, тикка қарши борадиган ўтюрак одам кўринади. Чол унга ҳавас билан қараб қўйди.

— Қоракўлчиларни сувга қондирамиз, Дмитрий Казимирович. Ваъда бераман,— деди Заргаров партия ташкилотчисининг қарашини сезиб.

Дмитрий Казимирович Губанов не-не саҳроларни эни-бўйига қадамлаб чиққан кекса геолог. Умрини бағишлаган саҳрода катта саноат маркази пайдо бўлишига қаноат ҳосил қилгач, шу ерда қолдиришларини сўради. Геологияни ҳаваскорликдан бошлаб, ўттиз йил «дала»да қолиб кетган бу собиқ «романтик» энди геологликка илми ҳам, кучи ҳам етмаслигини тан олиб, ҳозирги ишига ўтишга рози бўлди. Заргаров уни орқаваротдан биларди, унинг дастлабки ишончли қарашларининг қадрига етди. Денгиз тўфонларидек гулдураги қулоғига етиб турган янги, катта ҳаётининг илк кунларида бундай нуроний одамга дуч келганини ўзи учун омад деб ҳисоблади.

Бошлиқнинг ҳали на идораси, на бошпанаси бор эди. Шунинг учун, шунинг учунгина ҳам эмас, Заргаров бугунча унинг кулбасида тунашга рози бўлди.

Қуёш қумтепалар орқасига ёнбошлаб, ғуборли уфқни алангалатганда, барги тўкилган қумранг саксовул буталари орасида геологлар отрядидан қолган эски шаҳарча кўринди.

Шимол томони қамиш билан ихоталанган қумлоқ майдонда тўхтадилар. Узунасига тушган, қамиш томли, пастаккина лойшувоқ иморатнинг олдида ёнбошига таппи ёпилган тандир; саксовул уюми соясида эришчоқ кўппак ўтган-кетганга зимдан кўз солиб бепарво ётар эди. Дмитрий Казимирович кепкасини қоқиб, эшиклардан бирига таклиф қилди. Уй айвонсиз, даҳлизсиз, ёлғиз бир хонаниннг ўзидангина иборат бўлса ҳам, ичи яхши оқланган, ҳамма нарса бор, ўртадаги катта рус печкасининг плитасида ёпиқ қора қозонча беозор бир оҳангда қайнаб, гўё бутун баракка илиқ файз бахш этиб турар эди. Тўрда, кўрпача тўшалган сандиқ устида ўтирган кекса аёл игна-ипини пешбандига тўғнаб ўрнидан турди.

— Маша, биз биз,— деди Губанов шифтдаги чироқнинг пилигини кўтариб.

Хотини ҳам тахминан ўзининг ёшида, ошпоққина, кул

ча юзли, нуроний кампир эди. Эгнидаги юпқагина нимчасини ростлаб, саломлашди.

— Мария Власовна.

У кичкинагина хужрасига бирдан учта эркак кириб келганидан сира ажабланмади, бу унинг учун одатдаги ҳол бўлса керак. Дмитрий Қазимирович зил-замбил этиги билан гурс-гурс босиб, самоварни олиб чиқиб кетди, ташқаридаги ўчоқдан чўғ солиб, қўйиб келди. Мария Власовна енгини шимариб, Бобошининг бошига сув қуяётган эди. Заргаров плашини қозиққа илиб, курсига бемалол ўтирди-да, уларнинг шўх ҳазилларини томоша қила бошлади. Совун кўпирганда Бобошнинг қовоқдек боши яна ҳам катта бўлиб жомашовдаги сувни тошириб юборди, Мария Власовна, тирсагигача кўпик босган, унинг итоатсиз қаттиқ сочларини чангаллаб тортар, сув қуяр, у бўлса чинқирар эди.

— Мана шу супургининг нима кераги бор-а, айтинг, меҳмон, ҳар ювганда жоврайман...

— Кўчма қумларни тўсиш учун керакдир-да,— деб кулди Заргаров.

Мария Власовна сочидан қаттиқроқ тортди шекилли, Бобош бақириб юборди:

— Нима қляпсиз, мама!

Бу шўх чинқариқдан эр-хотин иккаласининг ҳам дили равшан бўлиб кетганини Заргаров пайқади.

— Бобош бизга ўғил бўлиб қолган, Мардонқул Заргарович,— деди мезбон, дастурхон тузаётган хотинига қарашаркан.— Энди сизга хизмат қилади. Тарбия бера-сиз,— эти — сизники, суяги — бизники.

— Майли, агар Бобошнинг ўзи рози бўлса,— деди Заргаров.

— Бизга барибир,— деди Бобош ғишдай қизариб кетган бўйинларини сочиқ билан ишқаб артаркан.— Лекин мажлисга қалайсиз, ўртоқ начальник?

— Мажлисга! Нима эди?

— Мажлисбоз хўжайинларга ҳушим йўқроқ. «Пяти-минутка» деб кириб кетади-да, беш соат баранкани қучоқлаб ўтираман. Умр бекорга ўтади.

— Бобош...— деди қовоғини солиб Марча Власовна.

— Бўпти, бирга ишласак, вақтнинг қадри ҳақида ҳам ўйлашамиз,— деди Заргаров. Йигитчанинг қўпол гапидан хафа бўлиш ўрнига, унга меҳр билан зеҳн солиб,

ақлли гап айтган янги бошлиқ Мария Власовнада илиқ бир ҳис уйғотди. Овқат вақтида у ўтирмади, сирка-қалампирли яхна қалла-поча, димлама жўжа, хуллас, топган-тутганини қўйиб, жон-дили билан хизмат қилди. Бу унинг энг яхши кўрган машғулоти эди, афтидан.

— Айтинг-чи, Мария Власовна,— деди Заргаров. У очикиб овқат егани учун бирдан бўшашдими, ўзи чарчаганмиди — паришонроқ бўлиб қолди.— Сиз Дмитрий Казимирович билан ҳамиша биргамисиз?

— Ҳамиша биргаман, начальник. Умуман, эркак зотининг хизматини қилиб умрим ўтди, ука.— Мария Власовна бу шикоятимиз гапларини бахтиёр бир мамнунлик билан гапирарди.— Мен госпиталда энага эдим. Аввал уруш деб буларнинг хизматини қилдим. Кейин, мана, ўттиз йилдан бери Диманинг кўйида юрибман.

— Норозимисиз?

— Нега энди? Диманинг катта мақсади бор эди.

— Сизнинг-чи?

— Нима?

— Сизнинг ўз мақсадингиз йўқмиди?— негадир жуда қизиқиб сўради Заргаров.

— Нега? Менинг ҳам мақсадим ўша эди. У шундай катта мақсад эдики, икковимизгагина эмас, жуда кўп одамларга татирди.

— Демак, ҳеч қандай пушаймонингиз йўқ?— яна тикилиб сўради Заргаров. Унинг чойи совиб қолган, жимлик чўкканда тепадаги керосин чироқнинг чирсиллаб ёнгани эшитилар, бу гаплардан уй эгасининг ўзи ҳам негадир ўйчан бўлиб қолган эди.

— Ҳали журъатли хаёлдан бошқа ҳеч нарса йўқ вақтда, экспедициядан экспедицияга, саратон демай, қаҳратон демай рюкзак кўтариб Диманинг изидан эргашиб юрганымда, баъзан унинг бутун излагани сароб бўлиб чиқиб, сўнгги умид узилган энг аламли пайтларда, йўлсиз, бошпанасиз, саргардонлик йилларида пушаймон қилмаган, энди, олтин сандиқнинг жаранглаб очилиши эшитилганда, саҳронинг эртаси чарақлаб кўринганда пушаймон қиламанми, ука?!

— Ҳа.. Бу ерда ҳамма нарса дарров кўзга ташланади,— деди Дмитрий Казимирович гапни қандайдир ўз ўйларига мослаб,— қозик қоқсанг, қозигинг, қадам боссанг изинг кўзга ташланади. Биз келажакда бутун жаҳоннинг кўзига кўриниб турадиган ишни қиляпмиз...

— Сизлар, бир кишидай бўлиб, қўшилиб кетибсизлар,— деди Заргаров ҳам ўз ўйини давом эттириб.

— Ҳа, ўхшатмагунча учратмас, юлдузимиз тўғри келиб қолган,— деди Мария Власовна.

Заргаров жойида ўнғайсизланиб, курсини гирчиллатди.

Бу пайтда унинг ёнбошида ўтирган Бобош қорни тўйиб, лунжлари селкиллаб қолган эди. Пиёласини суриб ўрнидан турди-да, янги бошлиқнинг қулоғига:

— Мария Власовна... Ленинни кўрган!—деб шивирлади ва чой учун раҳмат айтгач, шапкасини олиб чиқиб кетди.

— Эрталаб қуймоқ егани кир!—деб талпиниб қолди Мария Власовна. Заргаров кекса аёлнинг содда юзида бировга бағишланган катта ҳаётнинг бутун эзулигини кўргандек бўлди.

— Лекин ҳар ким, шахс сифатида, ўзлигини йўқотмаслиги...—Заргаров бу гапни таъкидлаб айтдим, мулоҳаза тарзидами, билиб бўлмасди, мужмалроқ оҳангда гапириб, охирини ямлаб қўйди.

— Ундай дейдиганлар ҳам бор,— деди бошлиқнинг қиёфасидан бир нимани пайқаган уй бекаси,— лекин ҳаёт биттагина қондага сиғмас экан.

— Сизнинг фикрингизча, қайси бири маъқул?— сўради Заргаров.

— Билмасам... Ўзингиз келинни қачон олиб келасиз?

— Сизни Дмитрий Қазимирович олиб келганми ё ўзингиз...

— Сендан қолмайман, деб туриб олганман!— Мария Власовна кулганида чехрасида шўх ёшлик чиройи бир чақнаб ўтгандек бўлди.

— Бу бошқа гап...— деди Заргаров.

Дмитрий Қазимирович пайқадик, суҳбат унча пайровида эмас ва негадир Заргаровни ҳам қийнаб қўйяпти. Қариялар масаланинг мураккаблигини аллақачон пайқаб, ҳозир уни ечиш мумкин эмаслигини фаҳмлашди. Шунинг учун чойдан кейин Дмитрий Қазимирович кўпроқ ўзининг қизиқ саргузаштларидан гапиришга уринди.

У буюк саҳрода юрган беҳисоб йўлларни, олтин ҳақида эшитган қадимий ривоятларини, адашишлари, ташналик, сароб, қум бўронларини эслади. Ўзи келтир-

ган тупроқ намуналари билан областда жанжал кўтарганлари, молия ходимларининг тортишувлари; перспективали районларни баҳолашда хато қилган махсус геологик трестнинг тарқатиб юборилганлиги, тушкунлик йиллари... Кейин романтика даври тугаб индустриал асосдаги геологик разведка даври бошланганда, яна бахти очилганлиги, бу буюк саҳрода асрлардан буён бекор ётган туганмас бойликлар борлигини катта одамлар кўнгилдан сезгани, ўзининг ҳам, оддий бир пнеда, амалий қидирувчи бўлишига қарамай, доим умид билан яшаганлиги, уларни «ашаддий ташаббускорлар», деб атаганликларини ошиб-тошиб гапирди. Бу хотиралар эндиликда унга ҳузур бағишлаётгани билиниб турарди. Ҳикоя қиларкан, девордаги ёшлигидан сақланиб қолган эски харитадан Қумтов районларини туртиб-туртиб кўрсатар, хаританинг у туртган жойлари қорайиб кетган эди: бу гапларни бошқаларга ҳам кўп гапириб берган бўлса керак.

— Бир районнинг перспективасини баҳоладигу Давлат геология комитетига хабар қилишдан олдин масала обкомда кўрилди,— дея хотирлади у жилмайиб.— Олимлар бор, экспорт комиссиясининг аъзолари бор, бўлди баҳс, бўлди жанжал... Бошларимиз оғриб кетди. Ўшанда, денг, обком секретарининг хонасида мамлакатнинг катта харитаси осиглиқ экан, кўпчилик орасида ўша харитадан мана шу кичик нуқтани тополмай қолсам бўладими...— Губанов кичик харитасидаги қорайиб кетган нуқтани нўқиб кулди:— Кўз олдингизга келтироласизми бу шармандаликни? Ҳамма урнишларимиз йўққа чиққан ўшанда. Пул беришмади. Энди ўйлаб кўрсам, ўша ҳодиса бир рамзий маънога эга бўлиб кўринади: мен ўзимнинг мана шу кичик харитага ёпишиб олиб, катта мамлакат манфаатларини кўздан қочирган эканман, шуни ўйламаган эканман...

Бу ҳикоялар Заргаровни ҳалиги кўнгилсиз чигал ўйлардан бир оз чалғитди. У тинглар экан, партия ташкилотчисининг аксар юпқа журналлардан иборат бўлган кутубхонасини томоша қиларди.

Мария Власовна уларга мана шу китоб жавонлари ёнига йиғма каравотларга жой солиб, ўзи печь орқасида жойлашди. Заргаров мезбоннинг сўнги сўзларини эслаб жилмайди. Қоронғида бугунги куннинг бутун таасуротлари босиб келарди. Ҳа, бутун мамлакат... бу саҳ-

рога ҳозир бутун мамлакат кўз тикиб турибди. Заргаров бугун унинг бир чеккасинигина кўрди. Шаҳар қуриш, карьерларни очиш, комбинат солиш ҳақида ҳали ўйлаган ҳам эмас. Сув керак, электр қуввати керак, йўл керак... Юз минглаб одам, миллиардлаб пул билан битадиган кўп йиллик бу улуғвор ишлар маъзараси олдида хотинининг хархашанамо можароси кичик бир жароҳат, холос. Кичик жароҳату, лекин ачитиб оғрийди. Ана шу оғриқ ҳозир яна уйқусини қочирди.

— Биринчи концентратни қўлим билан ушлаб кўрмай туриб, уйга бормаيمان, Дмитрий Казимирович, қасд қилдим.

Губанов қоронғида эшитилган бу овоздан бошлиқнинг бутун аҳволини англади: у шунча гаплардан кейин ҳам хотини ҳақидаги ўйларида чикиб кетолмаяптими, демак, иш жиддий. Биринчи концентрат... унга ҳали олти йил бор!

— Директив муддат олти йиллигича тасдиқландими?— деб сўради Губанов яна бошқа гапга ўтиш умидида. Лекин Заргаров жавоб бермади.

Йиғма каравот фирчиллар, печка остида чигиртка чирчиллар, уйқудан дарак йўқ, Дмитрий Казимирович меҳмонини қийнаётган ўйларга қандай ёндашишни чамалар эди. Бироқ аста суриштириб қараса, ҳатто партия ташкилотчиси ҳам ожизлик қиладиган чигал масала экан. Шунинг учун ноилож насиҳатга ўтди:

— Аёл кишининг ҳамма дардига даво — муҳаббат, мен сизга айтсам,— деди у шивирлаб.— Ич-этингизни еяверманг... Одамзод эришган энг доно ишлардан бири — аёл кишининг кўнглини ола билиш. Севар экансиз — севгидан қайтманг. Одам қариганда қадрига етар экан, мен муҳаббатнинг одамлар учун имон сингари бир эзгу нарсага айланишини истар эдим...

— «Худо изловчилар»данман денг?..

Тун ярим бўлиб, чигирткалар ҳам тинди. Заргаров атрофдаги буюк саҳрони, шу саҳродек чексиз сукунатни севар, ўзининг беҳаловат руҳи шу бўшлиқларни бус-бутун тўлдириб тургандек туюларди.

Губанов узуқ-юлуқ фикрларини давом эттирди:

— Ҳамма вақт бирга бўлишнинг ҳам ўз машаққатлари бор. Машага осон тутманг. Мен гоҳо унга жуда ачиниб кетаман...— Анчадан кейин ўзининг айтолмаган фикрларига яқун ясади.— Биласизми, ҳамиша бахтли бў-

лиш ҳам... бахтсизлик. Одамга дард ҳам керак. Мен мана бу биқинимга ўқ текканда бақираверган эканман, ҳамширалар оғриққа қарши эмлашибди. Хирург келиб ўқни излайдики, қани топса — чунки оғриқ йўқ. Бу вақт ичида қорин бўшлиғига қон ёйилиб, аҳволим мушкуллашди. Тасодифан қутқазиб қолишди... Оғриқ ҳам жуда керак нарса экан. Оғриқ бўлмаса, касални қаёқдан билардик!

— Чиндан ҳам, кўп касалларимни энди биялпман: асабий эканман, иродасиз эканман... — деди Заргаров.

— Зарари йўқ, муҳаббат дегани шунақа бўлади — умр бўйи синалади.

— Биринчи кунгиз сиз билан шу ҳақда гаплашимнинг ўзи... лапашанглик. — Заргаров қандайдир ички курашдан чарчагани билиниб турар, овозида тонгги оғир уйқунинг илашқоқ шираси сезилар эди. — Ишни ниҳадан бошлашим керак, қандай маслаҳат берасиз?

— Одамлардан. Бўлғуси коллектив моясидан бошлайсиз. Сахро шундай оламки, ишчи қўллар бўлса — ҳамма нарса бор, ишчи қўллар бўлмаса. — ҳеч нарса йўқ.

Уйқу зўрлик қилиб тамом босдимни ё бутунлай қочдим, хуллас, шу гапдан сўнг тонг оқаргунча уларнинг овози бошқа эшитилмади.

Кадрлар бўлиmidан икки киши чиқиб келаётган эди. Бири ёш, новча, сочлари ўсиқ, пошнаси кўчган ботинкасидан йўлакка қум тўкилиб борарди. Кексароғининг афти гижимлангандек, оғзидаги чайналиб, шилта бўлиб кетган папиросни туфлаб ташлади-да, ёнларидан ўтган Заргаров билан Губановга ишора қилди:

— Мана бу олифталарни сўзсиз олади, — деди, — сен ким бўлибсан, галстугинг йўқ — ватанпарвар эмассан!..

Заргаров гапни эшитди-ю, маъносини кейинроқ тушуниб, нарироқдан орқасига қайрилиб қаради.

— Ҳой, йигитлар, бери келинлар-чи, — деб имлади. Ҳалигилар тўхтаб, бир-бирларига қараб олдилар.

— Келаверинглар, келинлар, — деди яна Заргаров уларни имлаб.

Улар келишди. Ёшроғи, ҳалиги гапим учун ҳозир айлангириб солади, деб ўйладими, Заргаровнинг са-лобатли гавдасига ер тагидан қараб, қимтиниbroқ турди.

— Ишга келганмидинглар?

— Ҳа.

- Олишмадими?
- Нима эди?
- Қани ўтира туринглар-чи.

Заргаров иккаласини скамейкага ўтқазиб, Губанов билан шошиб ичкарига кирди. Гишт ётқизилган катта хонада одам минди-минди, шифт остида қуюқ тамаки тутуни муаллақ осилиб турарди, ҳаво бузуқ, тер ҳиди, гала-говур. Девор бўйлаб қўйилган олти столнинг биронтасига яқинлашиш амримаҳол, юз хил қлёфадаги одамлар бир-бирларининг гапларига қулоқ солмай, ғижимлаган қоғозларини юқори кўтариб, столга интилар. Эдилар.

Губанов бўлим мудирининг эшигини толиб, бошлиқни ўша томон етаклади. Бирпасда терлаб, бўғилиб кетган Заргаров ичкарига кириши билан ёқасини бўшатиб, деразани ланг очиб юборди.

— Отингиз нима?— деб сўради тўрдаги столда ўтирган кишидан. Бўлим бошлиғи паст бўйли, боши ялтироқ, миқти киши эди.

— Каримов,— деди ўрнидан туриб. У Заргаровнинг ким эканини эшик очилиши билан пайқаган эди, лекин шошиб қолмади, босиқ, ишчан одамга ўхшарди.

— Биз Саратовда, Нальчикда, Петропавловскда, бутун мамлакатда ишчи кучларни сафарбар қилувчи ўнлаб пунктлар очиб қўйибмиз,— деб ҳеч қандай даромадсиз, жиддий гап бошлади Заргаров,— подъяемний учун ўн минглаб пул сарф қиляпмиз. Сиз бўлсангиз, ўртоқ Каримов, шунча жойга ўз оёғи билан келган девқомат йигитларни қайтариб ўтирибсиз!

— Бугун фақат олти кишини қайтардик, ўртоқ Заргаров, мен сизга умуман ишга олиш тартиби ҳақида махсус ахборот бермоқчи эдим,— деди Каримов, танишмасдан олдинроқ бошланган бундай «тикка» гапдан хафа бўлганини яширмай.

— Ахборот керак эмас, одам керак. Ҳалигиларни нега қайтардингиз? Оёғи чўлоқ эканми ё қўли шолми?— оҳангни сира ўзгартирмасдан савол устига савол берди Заргаров.

— Дордан қочган ҳар бир қаланғи-қасанғини ололмайман-ку, ахир, иккитаси ҳатто уч мартадан судланган экан.

— Сизга тайёр қаҳрамонлар керакми?— деди Заргаров.— Балки тайёр коллектив таклиф қиларсиз? Қўл қо-

вуштириб турсак, балки коммунизмнинг ҳам тайёри осмондан тушар?!
— Қолаверса, бу ерда бизнинг ишимиз олтин билан боғлиқ...

— Бу ерда олтин — олтин эмас, одам — олтин, ўртоқ Каримов. Топиб келинг ўша қайтарганларингизни. Ундан кейин... бу бижиб-сасиб кетган хонани шамоллагинг, тозаланг! Қогозбозликни йўқотинг! Ишга келганларни оддий рўйхатдан ўтказинг-да, ёруғ, озода бир хонада ҳар бири билан инсонча суҳбат қилинг! Вассалом! Биз саксон минглик коллектив тузишимиз керак! Ҳар бир келган одам буюк бир ишга бош қўшганини сезсин...

Каримов шахсий дело, анкета, рақамлар билан иш кўриб, бошлиқларга аниқ ёзма ахборотлар бериб ўрганган ходим эди. Бундай умумий, катта, снёсий вазифалар юкланаётганини эшитиб, сал эсанкиради, бу ғалати, тўнғ одамнинг салобати боса бошлади.

— Ҳаммаси тушунарли, Мардонқул Заргарович. Лекин... лекин менинг ишимни кенкрет кўз олдингизга келтиринг... Ахир ишга олиш — умрининг ярми қамоқда ўтган бу ярамасларнинг гуноҳини кечиш деган гап. «Меҳнат — шон-шараф», деймиз... Тўғри, меҳнат тарбиялайди. Мен ҳам ишчи кучининг қадрига етадиганларданман. Одам олтиндан қиммат...

Гапни чўзиб юборган Каримов пайқадки, бошлиқ қулоқ солаётгани йўқ, унинг кўзларида бошқа ўй. Бирдан Каримовга Свердловск, Минск, Туладаги пунктлардан маълумот сўрашни, ишчи кучини ҳар қандай шартсиз қабул қилиш ҳақида кўрсатма бериб, телеграмма юборишни буюрди.

Каримов чиқиб кетгандан кейин дераза олдида жимгина ўтирган Губановга қаради:

— Дмитрий Казимирович, Ички ишлар министрлигида менинг жуда яхши бир ошнам бор. Полковник. Ажойиб одам — Иван Иванович.

— Нима демоқчисиз? — деб сўради Губанов.

— Трестлар бизга атиги ўн икки минг одам билан келяпти. Марказий шаҳарлардаги пунктлар икки юз-уч юздан ортиқ рақамни айтаётгани йўқ. Каримовнинг қозғозлари — мана... — У бўлим бошлиғининг столидаги тайёр маърузаномасини олиб узатди.

— Ҳақиқатан ҳам жуда оз, — деди Губанов хатни

ўқигач, уни қайтариб бераркан яна такрорлади:— Нима демоқчисиз?

— Ишга олиш — ярамасларнинг гуноҳидан кечиш, деган гап... Каримовнинг бу сўзлари полковник ошнамни эсга солди... Тушунмадингизми?

— Аллақачон тушунганман. Полковнигингиз шартли равишда бўшатишларни жўнатиши мумкин. Улар қанча бўлади деб ўйлайсиз?

— Ошнам бошқаларини ҳам бера олади.

Дмитрий Казимирович қуюқ қошларини учириб, елкасини қисди:

— Сиз бу ерни илгари ишлаган объектларингиз билан тенглаштирманг,— деди у.— Одам тўплаган билан ўзидан-ўзи коллективга айланавермайди. Бунинг масъулияти бор. Меҳнат ҳам ўзидан-ўзи тарбияламайди, биласиз.

— Бу ёғи сизнинг ишингиз.

Партия ташкилотчиси мийиғида кулиб қўйди. Заргаров давом этди:

— Бу ернинг илгари мен ишлаган жойлардан фарқи шуки...

— Бу ерда олтин чиқади.

— Йўқ, фарқи шуки, бу ерда сиз борсиз, Дмитрий Казимирович.

Бошлиқ шундай деб ўрнидан турди. Бўшаб қолган катта хонадан Каримовни ҳам бошлаб чиқиб, машинага таклиф қилди. Каримов бошлиқнинг бугун бўрондай келиб, ҳамма тартибни бирдан ўзгартириб, энди ўзини ҳам қаёққадир жадал етаклаб кетаётганини ўйлаб ўйинга етолмас, кутилмаган бу суръатдан энтикиб, ранги оқаринқираган эди. Кўкрагини ушлаб машинага чиқар экан, кадрлар бўлимининг эшиги олдида бошлиқларга қараб илжайиб турган ҳалиги новча билан қарияни кўриб, ўзича тўнғиллади:

— Сен ярамасларнинг одам бўлишларинг учун нахотки кимдир юрагидан ажраши керак бўлса?!

Бобош барханларга усталик билан чап бериб, фақат ўзи билган излардан уларни физиллатиб бошқармага олиб жўнади. Қурилиш бошқармаси — саҳрода бирдан-бир ғиштин бино ҳувиллаб ётарди.

— Бу ер доим шунақами?— деб сўради Заргаров навбатчи хотиндан. Бошлиқни дарров таниб олган дуркунгина бу аёл шошиб қолди, ҳар бир муовиннинг, бош

инженер ҳам бошқа масъул ходимларнинг қайси бири қайси объектда эканини айтиб бўлгунча терлаб-пишиб кетди. Заргаров бунга эътибор бермади, хаёли бошқа ёқда эди: ҳар бир қамиш қапа, ҳар бир ертўла ҳисобга олинаётган пайтда шундай пишиқ бино куни билан бўш ётса!.. Шу пайт эшиклари очиқ катта хонада телефон жириглади. Хушрўйгина навбатчи аёл ҳаяжонли безовталик билан эшикни кўрсатди.

— Сизни эрталабдан буён сўрашади, ўртоқ Заргаров.

Заргаров кириб трубкани олди. Кимгадир раҳмат айтди ва шу ондаёқ овози ўзгариб, буюрди:

— Йўқ, айтинг уларга: биз ёғоч опалубкалардан кечганмиз, катта кўламли металл тиргақлар буюринг, муллавааччаларга ҳужра қураётганимиз йўқ. Тамом!

Янги бошлиқ, айниқса унинг қатъиятли «тамом»и Бобошга жуда ёқиб қолган эди, у катталарга эргашиб, ичкарига кириб қолганини ҳам пайқамай, пойгакда илжайиб ўтирибди.

— Бизга доимий, ихтисосли қурувчилар коллективи керак. Бу ерга ўн минглаб одам келади. Биринчи галда улар учун турар жой, шаҳар қурамиз. Бу катта, обод, чиройли шаҳар бўлиши керак, токи одамлар унга кўнгил қўйиб саҳрода муқим қоладиган бўлсин. Энди савол туғилади: кимлар қуриши керак бу шаҳарни? Ҳозир уларнинг ким эканлиги эмас, топилиши муқим масала!

Заргаров буни Губанов билан Қаримовга қараб гапирди-да, яна трубкани олди. Полковникни чақирди. Уларнинг эскидан қадрдонлиги ҳазиломуз сўрашишларидан сезилиб турарди. Заргаров Иван Иванович билан чақчақлашгани сари Қаримовнинг тақир бошига совуқ тер томчилари қалқиб чиқарди: нима қиляпти бу одам, чиндан ҳам олтин конига дордан қочганлар тўдасини олиб келмоқчимиз?!

— Қозонга тушгандан кейин бари пишади, Иван Иванович,— дерди Заргаров трубкага.— Менда Братскда ишлаган бригадалар, Тошкент заводларидан келган шундай комсомоллар борки, улар билан ёнма-ён яшашнинг ўзи ҳар ким учун шараф. Лекин улар ҳозирча жуда оз, Иван Иванович. А? Нима бор, дейсанми? Ҳаво бор, битмас-туганмас соф ҳаво! Сенинг димиқиб ётган болаларинг учун бу катта бойлик, айтиб қўяй! Қулинг ўргил-

син бараклар ҳам биздан. Қамиш тўшаб бераман, баҳор ҳиди анқиб ётади.

Заргаров мамнун бўлиб трубкани қўйиши билан, ўйчан ўтирган Дмитрий Қазимировичга кўзи тушди.

— Шошмасанг бўларди,— деди Губанов. У Заргаровни тунги суҳбатдан кейинми, қачон «сен»лай бошлаганини ўзи ҳам эсламайди. Бу ўз-ўзидан юз берди, ҳатто пайқаман ҳам эди.— Кекса коммунистларимиз бор, бафуржа маслаҳатлашардик... Кейин: улар нима қилди? Кўпларининг ўғрилиқдан бўлак ҳунари йўқ.

— Урганеди, Дмитрий Қазимирович. Коллектив ўргатади,— деди Заргаров Каримов чекаётган қутидан папирос олиб. У бир иш унганда, ҳаяжонланганда ёки хафа бўлганидагина чекиб юборарди. Лекин бундай ҳолатлар таомилга кириб кетганидан ҳеч бир кашандадан қолишмас эди.

Партия ташкилотчисининг гапидан сал дадилланган Каримов ҳам тўнғиллади:

— Зап ишчи синфига муносиб резервни топдингиз-да, ўртоқ Заргаров. Коллектив... Коллективга буларнинг касофати уриб, ўзи «ўргатиб» кетса-чи? Биз бўлсак, ахлоқ кодексини осиб қўйибмиз.

Пойгакроқда ўтирган Бобош жонланиб қолди:

— Ҳа, қизил бурчакка олиб бориб, ўша кодексга бурнини ишқаш керак буларнинг!— деди у.— Чидасанг, бизнинг қонун шу, бўлмаса — туёғингни шиқиллат!

— Ҳе, сендақа тарбиячини!— деб тескари қаради Каримов.

— Ҳа? Улар билан пачакилашиб ўтирармидик?

— Бирданига одам қиламиз-қўямиз дегин?— дея кулди Губанов.

— Нимага бирдан бўларкан, Дмитрий Қазимирович? Улар нима, одамларни, турмушни энди кўряптими? Биз улардан бир оғир иш талаб қилаётганимиз йўқ, одам бўлгин, инсонча яшагин, демоқчимиз, холос — Бобош ўрнидан туриб кетган эди.— Нима, раҳмингиз келяптими ўшаларга?

— Инсон бўлиш — энг оғир иш, билмоқчи бўлсанг, Бобош,— деди Губанов.— Улар ҳаётни идрок этишда сен билан биз қатори одамлар эмас-да. Уларнинг одамларга ўхшаб яшаб кетишлари — сен билан бизнинг космосга учушимиздек мушкул гап. Узоқ машқсиз бўлмайди.

— Майли, ҳунар ўрганиши бирдан бўлмасин,— бош-

диқ столига яқинроқ келди Бобош. Бу унинг учун жуда қизиқ масала эканлиги кўриниб турарди. Шу масалани кўтарган янги бошлиқни у ўзига яна ҳам яқинроқ ҳис этди.— Ҳунар ўрганиш вақт талаб қилади. Лекин аблаҳликни ташлаш учун вақт керак эканми? Бунга вақт эмас, фаросат керак. Фаросатинг бўлса ташла-қўй-да! Нима учун келгансан дунёга? Ифлослигингча ўтиб кетганими? Адабиёт ўқитувчимиз бир вақтлар Навоийнинг мана бу сўзларини ёд олдирган эди:

Камол эт касбким, олам уйидан
Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ,
Жаҳондин нотамом ўтмоқ баайни
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ!

Шунақа сўз Бердахда ҳам бор.

— Мана, Каримов, сиз «Беломорканал»ни тутатиб юрибсизу бу номнинг асил маъносини билмайсиз!— деб кулди Заргаров. У Бобошнинг самимий соддалигига ҳаваси келиб, жилмайиб турар эди. Губанов пайқадик, бу масалани ҳал бўлган ҳисоблаб, хаёли яна бутунлай бошқа нарсаларга кетган эди. Бошлиқнинг ўйлари бир жойда тинмас, эртаги кунни пармалагани пармалаган, улар бир муаммога бориб тақалгандагина кўзлари чақнай бошлар эди.

— Иш чизмаларини олганмисизлар?— деб сўради у идорадан чиққандан кейин.

— Олтишган,— деди Губанов.

Кейин Заргаров бошқа нарсани сўзлай бошлади:

— Қизиқ,— деди у ниманидир эслаб,— Тошкентда, зонал экспериментал лойиҳалар институтида «Мир» деган электрон ҳисоблаш машинасининг ишини кўрдим. Лойиҳаларнинг комплекс таҳлилида форпроектдан тортиб, техник лойиҳа, ишчи чизмалар ҳам привязкага кетадиган икки йиллик ишни ўн соатда бажариб бераркан. Биз бўлсак, бу ерда шундай лойиҳани олиб, жиноятчилар билан шаҳар қурамыз.

— Нимасини айтасан,— деди Дмитрий Казмирович ҳам,— саҳрога фан келди, олтин запасларини гравиразведка, геохимия, электроспектрометрия усуллари билан инвентаризация қилдик. Энди уни қазиб олиш учун нопок, эҳтимолки, қонли қўлларни чақиряпмиз.

Губановнинг суҳбатни қўллаб-қувватлаши Заргаров-

га ёқди. «Давр диалектикаси», деб қутулармикин, деган эди, йўқ, у билан жиддий масалаларда суҳбатлашиш ҳам ўнғай, мароқли экан.

— Олтинга-ку, ҳеч нарса бўлмайди. Нодир маъдан учун жанг балки ўша одамларга яхши таъсир ҳам кўрсатар,— деди Заргаров.— Лекин мени қизиқтирган нарса бошқа: ҳамма вақт жонли куч сероб бўлса, биз нималар қила олар эдик? Биз ихтисосли ишчи коллективлар яратиш билан махсус шуғулланмаймиз. Мен, мана шу объектда фалон миқдор олтингина эмас, фалон мингли онгли коллектив ҳам етиштирилсин, деб план беришларини истардим. Ҳали Бобош тарбия ҳақида гапирганда менинг хаёлим шунга кетиб қолди. Ажойиб, қизиқ, улуғвор иш. Биз бу нарса билан фақат йўл-йўлакай шуғулланамиз. Бизда бу ишнинг катта тарихий тажрибаси ҳам бор. Лекин уни илмий, ташкилий жиҳатдан умумлаштириб, махсус вазифалар қўйиш... Мана, Дмитрий Казимирович, сизнинг ишингиз, очигини айтсам, қандайдир стихияли ҳолда давом этади.

— Боплайверинг, Мардонқул ака!— деди Бобош қизил уфққа тикилганча чанг кўтариб бораркан.

— Тўғри, иш планингиз бор,— дея давом этди Заргаров,— айрим одамларни тарбиялайсиз, айрим ҳодисаларга аралашасиз, шахсий делолар кўрасиз, мажлисларингиз катта мактаб. Лекин саксон минглик меҳнат коллективини вужудга келтириш йўллари, унинг келгусидаги қиёфаси, бу ишнинг социал-психологик томонлари, умуман, бу буюк вазифани бир план сифатида бажаришнинг умумий мўлжаллари борми?

Каримовни ўз бўлимида қолдириб, уйга бордилар. Овқатлана бошладилар, шунда ҳам мураккаб ва анча мавҳум бу мавзу давом этди. Улар сиёсатгача кириб чиқдилар, хорижгача «бориб келдилар» одамни бузадиган факторларни санаб ўтдилар, лекин одамни тарбия қилиш фандан ҳам, техникадан ҳам, ишлаб чиқаришдан ва ҳатто замондан ҳам орқада қолаётган бир соҳа эканини кўрдилар. Мария Власовна бўлса, уларга иссиқ нон билан бир коса бети бузилмаган қаймоқдан қуйиб, ўзи бармоғини лунжига тираганча, янги бошлиқ ҳақида ўйларди: «Севгилисидан учун курашиш ўрнига ишчи кучи учун курашиб юрибди, бояқиш...»

Тунги суҳбатдан беҳабар Бобош бўлса бўлакчароқ ўйда эди. Унинг назарида, Заргаров бугунни ҳам, эртани

ҳам, бутун дунёни ҳам калласида олиб юрадиган одам бўлиб кўринди...

3

Заргаров ҳали асосий, катта ўйларининг этагини ушлаш олган эмас, кундалик ишлар билан банд. «Ўз ерлари»ни, ҳеч бўлмаса, самолётда айланиб чиқишга фурсати бўлмапти. Бугун яна тахта ҳужраларидан бирида ушланиб қолди. Унинг бундай пастаккина, кенг дарчали ёғоч ҳужралари ўнлаб, ҳар объектда биттадан. Ҳозир уни бу ерда дарё портидан келган телефонограмма тугиб қолди: икки баржага энергопоезд ортилибди, уни монтаж қилишга тайёрланиш керак.

Телефонда ҳали унинг овозини танишмас эди.

— Заргаровман, Давлат таъминот вакилини чақиринг, — деди у трубкага. Топилмади шекилли:—14-трестда телефон борми? Уланг, — деди телефонисткага. Кейин жуда бир инжиқ одам билан узоқ қийналиб гаплашди:— Айтяпман-ку, биз омонат ҳеч нарса қурмаймиз. Йўқ, вақтинча йўл ҳам қурмаймиз. Ҳа, пул ажратилган бўлса ҳам. У пуллар тор изли темир йўлга сарфланади. Энергопоездни монтаж қилиш керак. Тамом!

Бу нотаниш одамлар ҳали Заргаровнинг «тамом»ини билишмас, шўнинг учун икки оғиз сўз билан битадиган ишни узоқ тушунтириб, тинкаси қурир эди.

Очиқ дарчанинг юпқа ромига икки тирсаги билан таяниб ташқарига кўз солди. Кузнинг биринчи қирови баданига инган ковул новдаларидан Заргаровга таниш, аллақандай қадимий, ҳазин бир ҳид келар эди. Қум тепалар сиртини ялаб, ўқтин-ўқтин тўлқинланиб келган ел энди ернинг тунги захини бутунлай кўтариб юборолмас, булут парчаларининг соялари аллақачон кетган туннинг оёқ изларидек, заҳ қумда қорайиб ётар эди.

Елғизликнинг ўксик бир они юрагига совуқ томчидек томди. Катта гавдасини дарча ромидан олиб, ичкарига қайрилганда ҳужра қоронғи кўринди кўзига. Хаёл калавасини чувалтирадиган бундай лаҳзалар ўқтин-ўқтин бошиб кела бошлади сўнгги кунларда. Қаёқдан пайдо бўлади — ҳайрон.

Шу пайт ташқарида бирдан шошқин дупур эшитилди. Шу зумдаёқ эшик очилиб, плаш кийган дуркунгина жувон кириб келди. Қачон отдан тушди, қачон тизгинни

боғлади.— Заргаров таажжубда, кўз очиб юмгунча бўлмай, чарм дастали қамчисини этик қўнжигга аста-аста уриб, остонада турарди.

— Омонмисиз, сизни зап топдим-да, нашальник,— деди у қийғоч кўзлари чарақлаб. Заргаровнинг назарида, у кириши билан хона тўлиб, ёришиброқ кетган эди.

— Нима бало, қирқ қизларданмисиз?

— Тўмарис!— деди жувон қўл узатиб.

Заргаров кўришаркан, қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Ҳов ўша Тўмарисми?— дея яна кулди Заргаров.

— Ўша, ўша. Тўмарис Жалпақова,— деди жувон.

Плашини ечиб қозикқа илганида янтоқ ҳиди афқиди.

— Қани ўтиринг, нима гап?— деди Заргаров ҳали ҳам кулгисини аранг тийиб,— мен, ўша машҳур тарихий Тўмарисмикансиз, деб...

— Мен ҳам анчагина машҳурман, нашальник,— деди жувон қамчисини қўнжигга тикиб, курсигга ўтираркан.

Заргаровнинг ўсиқ қошлари уюлиб тушди.

— Мен сизни армани экан, деб ўйлаган эдим сессияда кўрганимда...— деди меҳмон.

Тўмарис!.. Заргаров ҳамон индаёлмай турарди. Жусаси чоғроққина, қош-кўзи қийғоч бу саҳро қизи рўпарасида чўғдек ёниб ўтирарди. Жигар ранг камзули таранг тортиб турган кичкина кўксидаги Олтин Юлдузни у энди пайқади. Сочи чамбарак, лаблари... лаблари эҳтиросли.

Заргаров шуларни ўйлади-ю, ерга қаради.

— Хуш келибсиз!..

— Ўзингиз хуш келибсиз бизнинг саҳрога,— деди Тўмарис Жалпақова,— мен Ленин орденли «Қоракўл» совхозининг директориман. Сизга қўшничилик гапларим бор эди.

— Жуда яхши бўпти-да, танишганимдан хурсандман сиз билан... Тўмарис,— Заргаров негадир бачканалашиб кетаётганини ўзи ҳам сезди.— Хизмат?

— Танишганимиздан хурсанд бўласизми, йўқми, бу кейинроқ маълум бўлади,— деди Жалпақова, гап оҳангида жаранг пайдо бўлди.— Аввало, йўллар масаласи.

— Хўш?

— Объектингизнинг ҳар бирдан ўргимчак уясидай таралган йўлу сўқмоқларнинг ҳаммасини ҳисобласам, тахминан олти минг гектар яйловни нобуд қилибсизлар. Юк ташувчи машиналарингиз, трактор, бульдозер, скре-

пер, кранларингиз, қисқаси, ҳар бир эринмаган ялқов истаган жойидан йўл солиб кетяпти. Эсизгина саҳро буларингизга!

— Қизиқ...— Заргаров овози дўриллаб турган сулув чавандознинг бирдан бундай кескин расмий гапларга ўтганига ҳайронмиди ёки саҳрони худди гулистонга ўхшатиб хайфсинаётганигами, ўзи ҳам пайқолмай қолди.— Ахир бу шипшийдам саҳро-ку...

— Шипшийдам бўлса сиз нима қилиб юрибсиз?

— Биз... биз олтин оламиз,— деди Заргаров.

— Биз ҳам олтин оляпмиз, биз қоракўлчилар янтоқдан олтин оламиз. Сизлар бўлса, уни оёқ ости қиляпсизлар!..

— Заргаров бу чўрткесар қозоқ қизига борган сари қизиқиб, унинг чечанлигига ҳаваси ортар, гапга солгиси келар эди.

— Унда касбдош эканмиз... Лекин мен ҳайронман, касбдош. Йўл дейсиз, сўқмоқ дейсиз...

— Нега ҳайрон бўласиз? Саҳрога келдимۇ энди бу ерлар бемалол, эгаси йўқ, кенг жой, босиб-янчиб тилкапора қилавераман, деб ўйлайсизми? Йўқ, ўртоқ Заргаров, саҳро тор. Унинг сиз билан бизга ўхшаш хўжайинлари кўп. Шунинг учун келишиб олайлик: истаган жойдан сўқмоқ солмайсиз, асосий йўлингизни тезроқ қуриб олинг.

— Мен ишни шундан бошламоқчиман, Тўмарис.— Заргаров унга жисмига монанд чиройли исмини айтиб мурожаат қилгиси келди,— лекин бунинг сизга ҳам боғлиқ эканини билмас эдим.

— Бу ерда биз ҳаммамиз бир-биримизга боғлиқмиз, ўртоқ Заргаров.— Тўмариснинг овози яна майинлашди, бу қирра бурун, бароқ қош, хўмрайганроқ басавлат одам энди унга ҳам ёқа тушди.— Масалан, мана пармалаш техникангиз, усталарингиз бор, йўлда кўрдим, карвон-карвон бўлиб насосу қувурлар келяпти. Наҳотки мендай қўшнингизга учта қудуқ қазитиб бериб, бир тегирмонгина на шўртак сувга ёлчитмасангиз?

«О, айёр экан-ку! Тили тангани тешади-я. Епиштириб олиб келаётганини қара. Кўксидаги ўт кўзидан кўриняпти, ҳусни камолига ишончи ҳам йўқ эмас, чоғи».

— Сиздай қўшним борлигидан мамнунман, лекин... лекин сизнинг совхозингиз бундан камида беш юз километр нарида менимча?

— Бўлса-чи! Бу жойлар — менинг ерларим. Биз чорвадормиз. Газетачиларнинг таъбирига кўра, менинг совхозим территориясига Бельгия, Нидерландия, Люксембург — ҳаммаси сиғиб кетар экан...

— Ҳақиқатан ҳам Бенилюкс қироличасига ўхшайсиз: «Менинг ерим, менинг совхозим...»

— Гапни чалғитманг, нашальник. Мен бош эгиб келдим,— Тўмарис икки нозик бармоғини кўрсатди: «Қорача бармоқлари мунча бежирим!»— Иккитагина қудуқ...

Тузук, учта эди, иккитага тушди. Иккита қудуқ Заргаров учун оғзининг ели. Лекин сачраб-ловиллаб турган бу қизқозини гапга солгиси келарди:

— Сув берамиз. Лекин бизнинг бу ерга келганимиздан унча хурсанд эмасга ўхшайсиз, қиролича?

— Аксинча!— деди Тўмарис, чамаси дилидаги талаблари битта-битта унаётганидан мамнун эди. «Нашальник»нинг соясига кўрпача солиб қолди:— Биз билан ёнма-ён қад кўтарадиган бу баҳодир, сизнинг шаҳрингизни айтяпман, оғир пайтлар бақувват елкасига таянишимиз учун ҳамиша изн берса керак?

— Таянинг, қироличам, таянинг, маликам...

— Йўқ, ҳазилни қўяйлик. Масалан, саксон минглик коллективингизга гўшт керакми?

— Керак бўлганда қандай?

— Область марказидан олиб келасиз.

— Йўқ, сиздан ола қоламиз.

— Бизда йўқ. Биз қўйни марказдаги кушхонага ҳайдаймиз.

— Оҳ-ҳо, шу ердаги нарсани ўшандан шу ёққа айлантириб олиб келамизми?!

— Айлантирмай, тўғри биздан олишингиз ҳам мумкин. Бунинг учун бизга холодильник қуриб берасиз, холос.

Чиндан ҳам яхши гап-ку бу. Холодильник нари борса уч юз мингга тушади. Заргаров учун бу ҳам муаммо эмас.

— Таклифингиз учун раҳмат, буни ҳам ўйлаб кўрамиз. Лекин сиз нима ютасиз бундан?

— Менми?— Тўмарис тирсиллаган лабини тишлаб, ер тагидан қаради,— мен ўттиз процент вазн ютаман. Подани шаҳарга ҳайдаганда йўқоладиган вазн ёнимга қолади.

— Оббо, уддабурон-эй,— деди Заргаров ҳақиқатан ҳам қойил қолиб,— менинг фойдамни кўзлаяпсиз десам... Оббо, маликаи айёр-эй!

Улар эски танишлардай қўшилишиб кулишар экан, Заргаров бирдан хўмрайиб боқди:

— Менга қаранг, сиз мендан нуқул ваъда оляпсиз, ўзингнинг аҳволинг қалай, демайсиз, қўшни ҳам шунақа бўладими? Менда одам йўқ. Одам берасизми?

— Одам йўқ,— деди директор ҳам дарҳол жиддийлашиб.— Одамларни қопқон солиб ё алдаб ўзингизга оғдириб олишингизга ҳам йўл қўймайман. Еримизни оляпсиз, бас.

— Ундай бўлса, руслар айтганидек, денгиздаги кемалардек, иккимиз икки томонга қараб ўз йўлимиздан кетаверамиз,— Заргаров гапи оғир ботишидан, бу барно аргумоғига миниб, учиб кетишидан қўрқди. Гапни бир оз юмшатиш мақсадида ҳазил қўшиб қўйди:— Қум денгизи ҳақида гап кетяпти, албатта.

— Аттанг...— деди Тўмарис Жалпақова ўрнidan туриб. Лекин у кетмоқчи эмас эди. Кетгиси ҳам йўқ, суҳбат унга ҳам ёққан, кўнглини яйратиб юборган эди. Лекин аччиғи келганини билдиришга уриниб, қошини чимирди:— Сиз ҳам мени, бир нарса юлгани келган, деб ўйляпсиз. Катта ташвиш билан юргангани тушунармикансиз, деган эдим...

— Кечирасиз, Тўмарис...— Заргаров — кап-катта одам бу жиддийликдан шошиб, безовта тикилиб қолди.

— Сиз қураётган гигант ёнида иқтисодий заиф совхозлар таралиб ётса, бу номутаносибликни биздан кейинги авлодлар кечирармикан? Шаҳрингизга келгусида барибир яшил зоналар керак; ишчиларни сут, сабзавот билан таъминлайдиган хўжаликлар, чорвачи посёлкалар, боғлар, иссиқхоналар керак бўлади. Биз қоракўл қўйларни учун, янги яйловлар изляяпмиз — тупроқни ўрганиб, эски қудуқларнинг кўзини очиб, янги шурфлар қазиб, бўлажак маданий ўтлоқларнинг чегараларини белгиляяпмиз. Геоботаниклар етишмайди, тупроқшунослар, гидротехниклар йўқ... Мен сизни қора тортиб, маслаҳат сўрагани келдим. Сизнинг бу баҳайбат қурилишингиз суғориладиган маданий яйловлар ўзлаштириш режаларимизга қандай таъсир қилади? Министрликларимиз ҳеч нарса билмайди. Улар жуда кўп. Совхозлар министрлиги, Мелиорация ҳам Сув хўжалиги министрлиги, Қишлоқ хўжа-

лиги министрлиги... Буларнинг ҳар бири ўзича ўйлайди, ўзича кўрсатма беради. Ҳар бири ўз томонига тортади, иш бу тариқа кетавериши яхши эмас... Агар сиз билан ўйимиз бир жойдан чиқса... деган эдим...

Ажабо, шу кичкинагина жуссада наҳотки шунча каттакон қудрат бўлса?! Заргаров унга маҳлиё бўлганча тикилиб, яна алланималар ваъда қилди. Унинг ўйлари Заргаровнинг учини тополмай юрган ўйларига ўхшаб кетар, гапига сира йўқ деёлмас, худди сеҳрлаб олган эди.

— Жуда катта гаплар қўзғадингиз,— деди суҳбат охирида,— астойдил муҳокама қилишимиз керак, келиб турасизми?

Заргаров унинг қачон плашини кийиб, қачон ташқарига чиққанини пайқамай ҳам қолди, эркакларга хос мулозамат билан отига ҳам миндириб юборолмади, қиз қамчисини ўйнаганча лип этди-ю, эгарга қўниб олди. Совхоз директорининг оддийгина афзалли жийрони эгасини бегонадан қизғангандек Заргаровга қия қараб қўйди.

— Мен сизни яхши кўриб қолдим,— деди Заргаров отнинг титроқ сағрисига кафтини қўйиб. Сўлиқ чайнаб турган жийрон зулукдай улоқчи бўлиб кўринди кўзига.

— Ажабмас...— деди Тўмарис ловиллаб.— Мени кўп-лар яхши кўради. Лекин одатим: муҳаббатни жуда қаттиқ синайман!— Шу билан қамчини отнинг човиға аста босган эди, жийрон унинг енгил гавдасини учуриб кетди. Юмшоқ сўқмоқлар туёқ товушини ютар эди. Кўп ўтмай, Заргаровга ажойиб тушдек кўринган меҳмоннинг қораси ўркач-ўркач қум тўлқинлари орасида йўқолиб кетди.

Заргаров ўша томонга, олис уфқларгача ястаниб ётган кенгликларга тикилганча қолди. Бу аёл унинг димиққан ҳислари учун, чувалиб ётган ўйлари учун мана шундай кенгликларга дарча очиб кетгандай эди.

Етоғига қайтганида ҳам кўнгли тинчимасди. Нимасинидир йўқотгандек, айна замонда, нимадир топиб олгандек безовта эди. Бобош қайнатган чойни биргалашиб индамай ичдилар. Аллақайдаги портлашлар баракнинг тахта деворини зириллатиб, тирқишлардаги кўндузи шамол олиб келиб жойлаган қумлар шитирлаб тўкилар эди. Бобош Губановнинг кутубхонасидан багажнигида олиб келган бир қучоқ китоб-журнални кўтариб кириб,

каравот ёнига ташлади-да, чироғини ёқиб қўйиб, ётоғига жўнади. Уйга чўмган бошлиқни ўз ҳолига қўйиш кераклигини у ҳам сезган эди.

Заргаров пижама кийиб, кимдир топиб келган сим каравотга чўзилди. Портлашлар тинган, тунги сукут атрофдан қуршаб келаётгандек эди. Заргаров юрагининг гуп-гупига қулоқ солди. Мана... мана, унинг ёлғизлиги. У буюк саҳронинг қоқ ўртасидами, аллақайси бир узоқ нуқтасидами липиллаб турган заиф чироқ нурига тикилиб танҳо ётибди. Бу ёлғизликни у анчадан буён тасаввур этар, ундан, очиги, бир оз ҳадиксирар эди. Бугун сезяптики, у асло қўрқинчли эмас экан. Кундузги ҳислар ғалаёни ҳали ҳам вужудида, одамлар, чигал ишлар, суҳбатлар бош устида гужғон уриб айланади. Саҳродаги катта ҳаёти фақат шу бугун бошлангандек. Узуқ-юлуқ гаплар хаёлига келади, қулоғи остида Тўмариснинг овози янграйди: «Бу ерда биз ҳаммамиз бир-биримизга боғлиқмиз», «Саҳро тор!» «Ҳар ким ўз томонига тортади...»

Катта ташвишлар билан юрган қирғийдаккина бу саҳро қизи Заргаровнинг кўз ўнгидан кетмай қолди. У Заргаровни қаёққадир чақириб кетгандек эди. Заргаров унинг кетидан жон деб борар эди-ю, лекин қаёққа, бунини у аёлнинг ўзи биладими? У чорлаган уфқлар, катта миқёслар, катта ўйлар Заргаровнинг ўзига ҳам танишдек. Танишдегу, аммо уларнинг нимадан иборатлигини аниқ билиш, йўлларини, нимадан бошлаш кераклигини топиш зарур... Булар ҳали Заргаровнинг хаёлида чувалиб, Тўмариснинг жарангли овози, қийғоч кўзнинг айёр қарашлари, бўртиб, тирсиллаб турган лаблари билан аралаш-қуралаш ўтиб турарди.

Бирдан Заргаровнинг ваҳмаси келди. Бу аёлни ҳаддан зиёда ўйлаётгани йўқми?..

У сочилиб ётган журналларни олиб варақлай бошлади. Бу шўх чавандозни хаёлидан чиқариши керак. Унинг гаплари ҳақида, иш ҳақида эса эрталаб ўйлагани яхши — эрталаб мия тиниқади, зеҳн ўткирлашади.

Чет эл журналлари... Дмитрий Казимирович билан Мария Власовна икковлари ҳам инглиз тилига муккадан кетишган. Тавба, бу саҳрода нимага керак экан? Журналлари ҳам сербўёқ — олачалпоқ реклама билан тўла. Корпорацияларнинг эълонлари. Пул жанги, корчалонлар дунёси... Заргаров Марказий Комитет секретарининг ҳазилини эслади: «Манман деган миллиардерлар

сизга бош эгадиган бўлади...» Саҳродаги бу ишларнинг миқёсини кўз олдинга келтирсанг, ҳа... Заргаровнинг қўшнилари ҳам чакана иш қилаётгани йўқ. Бу ёқда етти юз километрли машина канали, сув кўтариш станциялари, пастда совхозлар, мрамар кони, газ компрессорлари, Жанубда кимё гиганти... Айтгандек, ким эди унда? Заргаров у ерга бир таниш одам тайинланганини эшитган эди-ю, кимлигини сира эслолмади.

Ҳа... ола-була, бақироқ рекламалар... У жойларда бизнинг саҳродагидек ишлар бошланса борми, мана шундай бақироқ-чақириқлар, рақобатчиларнинг суронлари; билимдон корчалонларнинг фитналари билан кўмиб ташлашар эди...

Заргаров яна Тўмарисни кўз олдига келтирди. Қўшниси!.. Жилмайиб қўйди, лекин шу ондаёқ уни яна хаёлидан қувди-да, ўйлаб қолди: бошқа қўшнилари қанақа экан? Кимё комбинати қурилишидагиси-чи?.. Ҳаҳ, ким эди-я...

Заргаров эслолмагач, яна бир журнални қўлига олди. Қимдир бир хабарни қизил қалам билан ўраб, чизиб қўйибди. Губанов бўлиши керак, қани, нимани чизди экан?

Хўш... Саҳро олтини ҳақидаги ривоятлар... Петр I нинг Ўрта Осиё экспедицияси... Экспедициянинг ҳалокаати. Ҳа, мана: «Қумтов олтини ҳақидаги хабар ғарб доираларига етиб борганда бу нодир маъдан конларининг эгалари бўлган йирик шеркатларда улушларнинг қадри бирдан тушиб кетди. Лекин саросима тезда босилди. Чунки билагон мутахассислар буюк саҳро харитасини қунт билан ўрганиб, шундай қарорга келдилар: руслар Қумтов олтинини ҳали-бери ололмайдилар. Улар бу ўлик барханларни, қуюн ва қум бўронларини, йўлсизлик ва сувсизликни енгиб, ёввойи саҳрони эгаллагунарча камида ярим аср ўтиши аниқ».

«Ҳа,— деди Заргаров, журнал тутган қўли каравотдан осилиб тушаркан,— бир тузлаш керак эди-да бу билагонларни! Чакки бўлмас эди... Эллик йил-а! Директив муддатимиз олти йил эканини эшитса, яна саросима экан-да? Баттар бўлсин! Айтгандай, нега олти йил? Буни кимлардир ҳисоблаган, лекин мен, комбинатни қурадиган мен ҳали ҳисоблаганим йўқ-ку? Борди-ю, олти эмас, беш бўлса, тўрт ярим йил бўлса-чи? Ҳар бир қисқарган ой фалон тонна олтин. Осмондан тушган олтин, оёқ ости-

дан топилган нақд хазина... Комбинат қурилишини текинга тушириш мумкин-ку?!»

«Уйқусизликда хаёл ёмон олиб қочади-да, кетишини қара. Хаёлпараст!» деди Заргаров, лекин ўзидан кулиб хотиржам бўлиш ўрнига, жойидан туриб кетди. Хомхаёл бўлса ҳам барибир ҳисоблаб кўриши керак, Губановга айтиши керак, нима деркан? Йўқ, унга ҳозирча айтиши шарт эмас. Салмоқлаб, чамалаб, аниқ таклиф билан бориши керак партия ташкилотчисига. Бу ерда ташаббус билангина иш битмайди...

Заргаров пахмоқ сочини икки қўли билан чангаллаб, ичига ўт тушгандек бетоқат, эшик билан дераза ўртасидаги пояндозда яланг оёқ бориб келмоқда.

Э-эҳ, Тўмарис Тўмарис... Нима ғалаён солиб кетдинг унинг кўнглига! Ҳозирги аҳволини кўрса нима деркан? Роса кулармиди?.. Шайтони зўр экан-да лекин!

Заргаров ўзидан-ўзи тинчиб, чироқни ўчириб ётди. Бироқ чарчаганидан эмас. Аксинча, у ҳозир ўзида ғайритабiiий бир куч сезарди.

Ишга киришганида ҳамма вақт катта бир ўйи, асосий йўналиши бўларди. Бу ерда эса мана шу ҳадеганда топилавермади. Парокандалик, дуч келган ишга киришиб кетавериб, оддий иш кунлари ҳам уни толиқтирар, қийнайверар эди. Ҳозир эса мана, нимадир топилди чоғи. Қалаванинг учи чиқди. Энди уни чарчатиш қийин. Саҳарда кимё комбинати қурилишига учади. Қўшнилар билан танишиши керак.

Шу зумдаёқ ёнбошига ағдарилди. Уйқуга кетиш учун фикрларини бир оз бўлса ҳам тиндириб, албатта бир қарорга келиши керак эди.

Эрталаб уйғониши қизиқ бўлди. Кўзини очиб қараса, ғира-шира бурчакдаги эски ўриндиқда калласини қия ташлаб бир одам ўтирибди. Заргаров дафъатан қаерда ётганлигини ҳам эслолмай қолди. Ҳа, айтгандай, бу ўзининг ётоғи эди-ку... Лекин мана бу одам ким, қачон келди, нима қилиб ўтирибди?

У одам ҳам ўриндиқда пинакка кетган экан, сим каравотнинг ғирчиллашидан уйғониб, сапчиб ўрнидан турди.

— Алексей?..— дея қичқириб юборди Заргаров.

Улар бир-бирларига қараб отилдилар.

— Алексей! Лаънати! Нима қилиб юрибсан одамнинг ўтакасини ёриб!— Заргаров қувонганидан товуши тов-

ланиб кетди. Бирин тунги пижамада, иссиққина, бирин намтоб плашда, бир оз дийдираган, иккови ҳам новча, деразадан тушган тонг ёруғида узоқ қучоқлашиб турдилар. Бу учрашув иккаласига ҳам, айниқса, ёлғизликда эзилиб ётган Заргаров учун чинакам байрам бўлди.

— О, жин урган-эй, осмондан тушдингми?

— Йўқ, ерда юрадиган бўлганмиз,— деди Алексей,— қарасам, саҳронинг қоқ ўртасида чўзилиб ётибсиз...

Қадрдонлар гапдан тинмай, эски одатларин бўйича ярим яланғоч бўлиб, қора терга ботгунча узоқ зарядка қилишди, ювинишди. Кейинроқ етиб келган Бобош ҳам қўшилиб, «эркакча нонушта» қилишди. Ҳар кунин бешда кўзинин йира-йирта тўзон ичида объектларга жўнайдиган Заргаров учун бундай қувноқ тонг жуда тансиқ, гаштли эди.

— Хўш, гапир, нима қилиб юрибсан, ишинг нима бўлди, нега келдинг?— Саволларин тиза бошлади у. Қувноқ учрашувдан, зарядка, совуқ сув, иссиқ чойдан кейин руҳи тетик тортган, димоғи чоғ, серҳаракат эди.

Алексей гапириб берди. Унинг катта ҳаво йўлларида учини орзуси ушалмабди. Яна тўрт йилгина «учувчилик умри» қолган экан. «Қачон ўқийсану қачон учасан?» дейишибди танишлари. Чиндан ҳам бир йилми, икки йил иккинчи пилот бўлиб юриш учун шунча ҳаракат... арзимайди. Ундан ташқари, учувчилар қондасига биноан қирқ ёшида пенсияга чиқариб юборишса, нима қилади, қаёққа боради?

— Касбни ўзгартирдим, Мардонқул Заргарович,— деди Алексей ишчан қиёфада.

— Ҳай... Қанақа касб экан?

— Сиз билан бирга бўлгандан кейин қанақа касб бўлса барибир эмасми?

— Қани, даромад қилмасдан, очинини айтавер.

— Омад келиб қолди, Мардонқул Заргарович, шу ерда ишлайман. Комитетда таниш йиғитлар бор эди, бекор юрганимин билиб, топиб олишди. Сизга мени қўймай кимни қўяди, дарров кўна қолдим.

— Нима иш қиласан менда?

— ...Ёрдамчингиз бўламан,— деди Алексей.

— Қизиқ, мен ёрдамчиларимни ўзим танлар эдим-ку?

— Мени барибир танламайсиз, шунинг учун ўзим келдим,— деб кулди Алексей.

Унинг махсус миссияси Заргаровга тушунарли эди.

Объектнинг ўзига хос хусусияти, келажакдаги нодир маҳсулот, камёб мутахассислар... булар ҳаммаси махсус бўлимга давлат олдида катта масъулият юклайди.

— Ҳай... Ҳали ёнимга тўппончали пойлоқчи ҳам қўйсан?

— Ёлғиз қўймаймиз вақти келганда, Мардонқул Заргарович.

— Ол-а, топилмас матоҳ!— Заргаров чамадон қопқоғидаги кўзгуга назар ташлаб, ўсиб кетган соқолини сийпаб кўрди-да, совун кўпиртиришга тушди.— Майли, билганингни қил, халақит бермасанг бўлгани.

Алексей унинг овозида ўзгариш сезди, сал қорайган кўз тубларига назар солиб, бу беҳаловат, бесўнақай одамга бир оз ачинди. Ўзи билан иши йўқ, ёлғиз. «Ёлғиз қўймаймиз», дегани: «Ўз ҳолинига ташлаб қўймаймиз. Гоҳида бўладиган мунгли ёлғизлигингни ҳам тортиб оламиз», дегандек туюлди шекилли. Шунинг учун Заргаров «халақит бериш» ҳақида гап очди...

— «Ёнимда ғўдайиб ўтирсанг, ўзимни дадил сезман», дердингиз-ку?..— деб бошлиқни самолёт ҳайдашга ўргатган вақтларини эслатди Алексей. Урганувчи пилот: «Бошқаришни ўзимга қўйиб берасан», деганида, ўргатувчининг олдидаги траверс автоматик равишда бориб-келиб, унинг ҳаракатини айнан такрорлайди. Ургатувчи шогирдининг ҳаракатига истаган пайтда тузатиш киргизиши мумкин. Шунинг учун Заргаров самолётини ўзи бошқара бошлаганида авваллари Алексейни доим ёнида олиб юрди. Ушанда Алексей ҳақиқатан ҳам кўпинча «ёш пилот»нинг дадил бўлиши учунгина ёнида бекор «ғўдайиб» ўтирар эди.

Буларни эслаб, Заргаров яна очилди, «Шипр» одеколонини анқитиб, Алексейни яна қучди, кафти билан елкасига қаттиқ туртиб қўйди.

— Келганинг яхши бўлибди, хурсандман. Фотимани кўрмадингми шаҳарда?

— Кўрдим. Аббосов билан театр майдонида гаплашиб туришган экан. Ушандан бери борганингиз йўқми?

— Йўқ. Узинг олиб келасанми Светланаани?

— Бўлмаса-чи. Эртагаёқ етиб келади физиллаганча. Сизларга ўхшаган оғир карвон эмасмиз биз. Қаерга борсак — битбилдиқ, дегандай... Бизники осон.

Заргаров этик кияркан, пайпоғидан қуйилган қумни оёғи билан каравот остига супуришга уринар, товонини кафти билан сидирар, кафтини эса каравотнинг темирига ишқар эди. «Бу одамни бутун республика билади-ю,— деб ўйлади Алексей қараб туриб;— фақат хотини тушунмайди...»

— Бориб келсангиз бўлар эди...— деди яна салмоқлаб.— Мен уларни икки марта кўрдим. Аббосов силлиқ одам...—«Силлиқ» деганда нима демоқчи бўлди — ўзи ҳам билмайди.

Заргаров этигини зўр билан кийгач, қизариб ўрнидан турди.

— Аббосов, Аббосов!.. Нима демоқчисан шу билаң?! Вақтим бўлганда борарман, ишинг бўлмасин.

— Нега жаҳлингиз чиқади? Миллиард пулнинг муомаласи қўлингизда, неча-ўн минглик коллективларни бошқарасизу битта хотинни раўйингизга юргизолмайсиз.

Рўйирост гап малол келмайдиган Заргаров ҳазилга олди:

— Бу қийинроқ-да, ўзинг биласан-ку. Лекин эплаб оламиз, худо хоҳласа.

Бироқ бу ҳазили астойдил эмас эди. Шоаҳмад Табасумнинг фамилиясини эшитиши билан дилига ғашлик тушган эди. Бир кўнгли — ҳозир шартта шаҳарга қараб йўл солсамми, деб ҳам ўйлади. Лекин борган билан, барибир, хотинининг айтганини қиллолмайди-ку, дилхираликдан бўлак гап йўқ.

Ташқарига чиққач, қора туннинг намини тортиб, тоннинг заиф нурида кул ранг тусга кириб, уфққача ястаниб ётган буюк саҳрога кўз ташлади-да кечасидаги ўйлари ёдига тушди. У ўйлар олдида дилидаги ҳалиги бемаъни ғашлик арзимас васваса бўлиб туюлди...

Ҳаво сархуш. Халқоблар кўкимтир кўринар, биринчи совуқдан оёқ осгида юпқа муз қирсиллар эди. Заргаровнинг эти увушди...

4

Комбинат қурилишининг бошлиғи Сангинов бўйи пастроқ, ёш бўлса ҳам бўйни қат-қат, гавдаси пишнқ, қоп-қора одам эди. У Заргаровни самарқандча талаффуз билан узоқ қутлаб; «Қўшнижон, қўшнижон», дея иссиқ кутиб олди. Заргаров унинг баланд, ҳашаматли кабине-

тини томоша қиларди: бекники бежоғлик, дегандек, ҳашам катта; остин-устин бўлиб ётган биёбоннинг гарди ҳам юкмаган лов-лов гилам, деворда саҳронинг катта сарғиш харитаси, улкан деразадан бўлғуси корпусларнинг арматура чакалакларини, тиккайиб келаётган қандайдир мўри (ТЭЦ қурилаётган бўлса керак), қумга чўкиб ётган бетон қурилмалар кўриниб турарди.

Ҳали Заргаровга бундай кабинету бундай манзаралар қаёқда! Шунга қарамай, Сангинов унинг олдида ўзини ожиз ҳис қилар; «Бирор ташвишни бошлаб келмадимми?» деб хавотирда эди.

Қўшни қурилишларнинг раҳбарлари ўртасида Заргаров келмасданоқ у ҳақда ҳар хил гаплар тарқалган эди. «Заргаров келармиш, саҳронинг ороми тугади, энди бўрон туради», дейишарди. Сангинов кечагина областда яна биттасидан эшитди: ўз ҳаддини билмайдиган, бори-га қаноатланмайдиган, хархаша одам, беш қўлини бирдан оғзига тикиди!

Ҳозир меҳмон зил-замбил этигининг чангини қоқмасданоқ гурсиллаб кириб келганида: «Бир балони бошлайди, ҳушёр бўлиш керак», деган фикрдан Сангиновнинг асаблари таранг тортилди.

— Сувни нима қиляпсиз, қўшни?— деб гапни шартта ишдан бошлади Заргаров. У Сангиновнинг фамилиясини эшитган эди-ю, отини ҳамон эслолмасди.

— Сувни нима қилардик, сув бизга яқин, ҳадемай олиб келамиз,— деди Сангинов. У бир ғулувни сезиб, яккаш меҳмоннинг кўзига тикиларди. Заргаров ўрнидан туриб, тўрдаги деворни энлаган катта сарғиш харита тагига борди. Чиндан ҳам комбинат дарёдан узоқ эмас эди.

— Етмиш беш километр келадими?

— Олтмиш тўққиз, Мардонқул Заргарович.

Меҳмон оёқларини кериб, ҳамон харитага қараганча, Сангиновга орқасини ўгириб турар, бутун саҳрони кўзларига жойлаб олмоқчидек тикилар эди.

— Қувурингиз қанақа?— деб сўради у ўша турганича.

— Иккию икки диаметри. Нима эди?— хавотирланди Сангинов. «Бунча тафтиш қилади бу?— деб ўйларди ичидан саросима билан.— Ўзини министр деб ўйлайдими, нима бало?!»

Заргаров ниҳоят жойига келиб ўтирди, қиёфаси ҳали

кириб келган пайтидагидан кўра осойиштароқ эди. Кабинет эгасига илиқ, ишончли назар билан боқди:

— Учу олти диаметрли қилиш керак қувурни, ўртоқ Сангинов.

Сангинов қошини чимириб узоқ қараб турди-да, кейин ҳайратини яққолроқ кўрсатиш учун йўғон бўйнини сал қийшайтириб, сўради:

— Нима дедингиз?

— Бу участкага учу олти диаметрли сув қувури ётқишиш керак, деяпман.

— Нима учун?

— Нима учунлигини тушунмаяпсизми? Сиздан нарироқда нималар бўлаётганидан хабардорсиз-ку?!

Сангинов зил кетди. «Айтганини қилдирадиган одам», дейишарди, нима бўлади энди?

— Қизиқсиз, ўртоқ Заргаров,— деди у сир бой бермай,— мен кўп нарсалардан хабардорман. Лекин бунинг қувурга нима дахли бор?

— Ўзингизни гўлликка солманг, ҳамкасаба, сахрони бирга ўзлаштирамиз, нима учун сувга сиз алоҳида бориб келишингиз керагу мен алоҳида бориб келишим керак?

Сангинов унинг бу гапи ўзинга жуда кулгили туюлганини билдиргисин келди.

— Сизнинг сувингизни мен ташиб берайми? Сизга сув олиб келсам, Сайрамовга йўл олиб келсам, Жалпақовага газ олиб бориб берсам — менинг комбинатимни тоғам қуриб берадимми? Сиз кулгили масала қўйяпсиз, Заргаров.

— Гапни латифага айланторманг, ҳамкасаба. Мен давлат манфаатини кўзлаб, фикр таклиф этипман. Лойиҳа мендан, улушимни қўшаман, сиз ҳам фарқ, менинг ҳам сувим муддатидан аввал йўлнинг чорагига келиб қолади. Наҳотки буни тушуниш қийин бўлса?— Заргаров галстугини бўшатиб, креслони тарақлатганча орқароққа суриб ўтирди-да, Сангиновнинг учини найзадек чиқариб қўйган ўнлаб қаламларидан бирини олди, нималарнидир соблай бошлади.

— Тушуниб турибман,— деди киноялироқ оҳангда Сангинов,— лекин, аввало, бу объект бошқа муассасадан ўтади, бир-икки ой юриб бошқатдан тўрт-бешта министрликнинг эшигини қоқишимиз керак бўлади, муддатлар ўзгаради; қувур ётқизишнинг лойиҳа варақалари бўлса сув хўжалиги мутасаддиларида...

— Унатамиз.

— Улар унаган билан мен унамайман. Чунки лойиха ишга тушиб кетган, қазиш ишлари бошланган, қувур буюртмалари қабул қилинган. Биласизми қаерда?— Сангинов қоп-қора бақалоқ бармоғини кўтарди.— ГФР-да! Капиталистлар билан бошқатдан гаплашишга кимнинг тоқати бор?

— Гаплашаверамиз.

— Амалга ошмайдиган ишни гапиряпсиз, қўшнижон.

— Амалга оширадиган — ўзимиз.

— Мен орқага қайтолмайман. Менинг ўз ишим, ўз планим бор.

— Сиз масалага тор қараяпсиз, Сангинов. Маҳаллийчилик дейилади буни. Фақат ўзингизни ўйлайсиз, ҳа.

— Сиз-чи? Сиз ўзингизни ўйламаяпсизми?— Сангиновнинг кўкиш тусдаги қиртишланган ияклари йилтиллаб кетди.— Мени бир бўлимингиздек билиб, ўзингизга тобе қилишга уриняпсиз. Нима ҳақингиз бор? Ишингизни битириб олмоқчисиз! Узини ўйламас эмиш бу киши!..

— Саҳрони комплекс ўзлаштириш, давлат миқёси деган гаплар бор...

— Мени ҳам давлат қўйган, объект учун давлат олдида жавоб бераман.

Бу гапларни тасдиқлагандек бош ирғаб ўтирган Заргаров индамай қолди. Ҳа, бу одам унинг таклифини ўйлаб ҳам кўргани йўқ, гапни эшитиши билан уни янги ташвишларнинг ваҳимаси босди, фикрни мулоҳаза қилиб кўриш ўрнига яқинига ҳам йўлатмай, терлаб-пишиб қийинчиликларни пеш қила бошлади.

Заргаров, «шу билан гап тамом!» дегандек столидаги қалам-қоғозларни йиғиштираётган суҳбатдошини зимдан кузатиб турди-да, яна харита олдига борди. Анчадан кейин яна жойига қайтди.

— Сангинов, одам билан унинг иши ҳақида ҳеч хаёл сурганмисиз?— деди дабдурустан.

— Гап одам ҳақида эмас, имкониятлар ҳақида,— деди Сангинов тундлик билан.

— Йўқ, гап одам ҳақида. Уйлаб кўрганмисиз, одам ўзи қилиши керак бўлган ишдан кўра майдароқ чиқиб қолса, биласизми иш нима бўлади-ю, одам нима бўлади?

— Тагдор кинояларингизга ақлим етмай турибди. Оддий халқ орасидан чиққан хизматчилармиз...

— Яна қайтиб кириш керак ўша оддий халқ орасига,

Ўртоқ Сангинов,— деди Заргаров шартта эшикка йўналиб.

— А?

— Эски буюртмаларингизни орттирмай тулинг, мас-лаҳат,— Заргаров эшикни аста ёпиб чиқиб кетди.

Пастаккина Сангинов катта столи орқасида серрай-ганча қолди, кабинетда Заргаровнинг тўнг овози ҳамон янграётгандек эди.

Бу тўнглик ҳақида Заргаровнинг ўзи ҳам кета-кетгун-ча ўйлади. Ниятининг пучга чиққани-ку ўзи бир хуноб-лик, буинг устига ўринсиз қўполлиги кўнглида ҳам ёқимсиз асорат қолдирди. Нима зарур эди! Кўриниб ту-рибдики, кичкинагина бўлса ҳам, тош ёнғоқ, тиш ўтади-ган эмас.

Аслида, гап Сангиновда ҳам эмас. Бу ўртача бир ва-зифадаги одамни маҳаллийчиликда айблаш ҳам қийин. У шуни биладики, сув ҳозир унинг учун — ҳаёт. Саҳрода ўзи-шунақа: сув — ҳаёт, йўл — ҳаёт, энергия — ҳаёт, газ — ҳаёт... Лекин айрим-айрим олганда биттаси ҳам ҳаёт эмас. Саҳронинг ўз фалсафаси, ўз қонунлари бор. Уларни топиш, яна нимадир қилиш керак. Буни Зарга-ров аниқ сезиб юрибди. Аммо нима? Саҳрода бир объект-ни қуриб, кейин кетиб қоладиган одамлардан бутун саҳро миқёсида, бутун давлат миқёсида ўйлашни талаб қилиб бўладими? Буни кимдан талаб қилиш керак?

Заргаров ўйига етолмай эзилиб, ўтирган жойида худди чўкиб кетди. Бобош унинг бундай пайтлардаги ҳо-латидан хабардор бўлиб қолган, ортиқча гап-сўз билан халақит бермасликка уринар эди. Лекин бу сафар унинг узок йўл ғуборидан бўзарган юзига қараб, ачинди.

— Дарё, Мардонқул ака!— деди қувонч билан олдинга қараб. Улар ўпирилиб ётган соҳилга чиққан эдилар.

Дарё. Саҳронинг азалий сирдоши. У ҳам қум рангида тўлганани, у ҳам саҳродек чексиз ва қадимий. Аммо Заргаровга уларнинг иккиси ҳам келгусида кўп нарсани ўрганиши, билиши, кўп эзгу ишлар қилиши керак бўлган сабий, ҳали бебош бир гўдакдек туюлар эди. Кеч кузда дарё сал ёришган, унда парча булутларнинг акси пайдо бўлган эди. Упирилган қум қирғоқларда саксовулнинг бесўнақай томирлари чиқиб ётарди. Саҳронинг руҳидек, абадий жонидек улўғвор қўзғалиб оққан бўтана тўлқин-

дар, соҳил манзаралари Заргаровнинг ҳам юзини ёритиб юборди.

— Кечувга қўниб ўтамизми?— деб сўради Бобош жонланиб.

— Албатта,— деди Заргаров.

Кўп ўтмай, сахронинг бутун йўллари келиб туташадиган, нураб, ўйдим-чуқур бўлиб кетган қумлоқ соҳилида қандайдир вагонлар, кўчма уйлар, уюм-уюм техника, бетон плита, қувур, тўсинлар, вариллаб юрган скрепёрлар кўринди. Дарёнинг у соҳилида қандайдир қора дуд осмонга ўрлар, сувда эса паромлар салмоқлаб сузар, юкчи баржалар изғир эди. Заргаров ярим чақирим ерни эгаллаб ётган гигант кабель-кран қисмлари ёнида тўхтатди.

Венгрия Халқ Республикасидан келтирилган бу фили маҳмуд техника ва юк ташишда ўнлаб паромларнинг ўрнини босиши керак. Заргаровни безовта қилган нарса шуки, бу азамат барвақтроқ келиб қолган, қурилишнинг унга арзигулик юки яна ярим йилдан кейингина кела бошлайди. Кранни монтаж қилдириб қўяй деса, одам йўқ, бу аҳволда ётса, занглаб қолиши бор. Хуллас, қурилишнинг юзлаб кундалик чалкашликларидан бири Заргаровни бугун бу ерга олиб келган эди.

У нам қумда этигини судраганча тепалар ошиб, қўлмак сувларни айланиб ўтиб, бир қанча вагонларга кириб чиқди, кимлар биландир асабий гаплашиб, ҳаллослаганча қайтиб келди. Бобош гоҳо унинг бундай аҳволини кўриб, кабинада эснаб ўтирганидан уялиб кетар эди.

— Қаерда телефон бор?— сўради ундан Заргаров.

— Нарироқда,— деди Бобош дарров газ бериб.— Машина канали қурилишининг бош узелида.

Беш минут ўтмай, улар чўққайиб-чўққайиб турган оқ қум терриконлари орасидан чиқдилар. Пастда ушоққина земснарядлар дарё ўзанини тозалар, улар пайдо қилган қум чўққилар тагидан оққан сувлар яна ерга сингиб, нарироқда тик қирғоқни ўпирар, яна дарёни саёзлаштирар эди. Заргаров, «эсизгина меҳнат» дегандек бошини чайқаб қўйди-да, телефонга югурди.

Бу — узелнинг прораблар хонаси эди. Унда Заргаров машина канали қурилишининг бошлиғи Сайрамовга дуч келди.

— Телефонингиздан фойдалансам майлими?— деб сўради саломлашгач.

— Машинадамисиз, қўшни?— жавоб ўрнига савол берди Сайрамов. Ундан «ҳа», деган жавобни эшитгачгина рухсат берди:— Бемалол, фойдаланинг, бемалол. Лекин кейин мени 107-пикетга ташлаб ўтасиз-да.

Заргаров рози бўлиб, шошганча трубкани олди. Рангсиз, оқиш юзида аллақандай кўк нуқталар қотиб қолган чуваккина Сайрамов айёр кўзларини қисиб; «Унинг бу ерларда юришида бир гап бор», дегандек чеккароқда қўлларини қовуштириб, индамай турди. Заргаров бўғилиб қичқирарди:

— Волгоградми? Волгоград! Институт директорини чақиринг!

«Қўли етмаган жойи, безовта қилмаган одами йўқ», деб қўйди ичида Сайрамов, Заргаров ҳамон қичқирарди:

— Нерозин керак, нерозин, профессор! Қум кўчяпти, нерозинсиз меҳнат зое кетяпти, қувур ҳам, асфальт ҳам заминсиз. Нима қиламиз? Нерозин керак. А? Кейин саксовул экиб оламиз. Келди, келди, Эстониядан ҳам оламиз. Лекин сизникига кўпроқ ишқибозмиз, Гурьевда кўрганман... Чатоқки, қўяверасиз. Баъзи участкаларда шатакчи трактор ҳам соатига уч километрдан ортиқ юролмаяпти. «Ураган» вездеходида чанг ютиб юрибман, қирқ сўмлик керосиннинг тоннаси уч юз сўмга тушяпти!..

Заргаров профессорнинг жавобидан мамнун бўлиб, раҳмат айтиб трубкани қўяркан, Сайрамовнинг ҳамон ўша ҳолатда турганини кўриб қолди. Қувноқ кайфиятда уни қўлтиғидан олиб, машинага чиқди.

— Қаранг, эстон олимларига ҳайронман, кўчма қумни ухлаб тушида кўрмаган одамлар саҳрода бизга йўл топиб беришяпти. Нерозин ажойиб нарса, қумни таққа тўхтатади.

— Йўл ташвишида юрган экансиз-да?— деди Сайрамов орқага жойлашиб ўтириб. Бобош газ бергач, давом этди:— Бизга мана шу машинадан бўлса, йўлнинг ҳам кераги йўқ эди-да.

— Сиз йўлни қачон бошлайсиз?— сўради Заргаров.

— Бу йил режада йўқ. Бу йилча газ олиб бориб олсак бас.

— Пул борми ахир?

— Нега бўлмас экан!

Бу ерларда қора йўл ўйдим-чуқур бўлса ҳам, Бобошнинг жонига теккан, гилдиракни орқага тортадиган қум қатлами юпқа эди. Машина қаттиқ тебранса ҳам

тез юради. Ҳамма жим. Бобош «хўжайин»нинг ҳаёли яна аллақаяқларга кетганини пайқади. Заргаровнинг юзига нимадир соя солган, қуюқ қоши остида қўй кўзлари ҳаракатсиз бўлиб қолган эди. Анча юртдан кейин у суянчиққа қўлини ташлаб, орқада ўтирган Сайрамовга қайрилди.

— Менга қаранг,— деди у,— одатда ҳар қандай қурилиш йўл солишдан бошланади. Сиз бўлсангиз...

— Ундай қоида йўқ шекилли. Шароитга боғлиқ,— деди Сайрамов қизарган кўзларини пирпиратиб.— Менинг шароитим шундайки, ўзани тозалатмай туриб йўлга эҳтиёж йўқ.

— Кўрдим... тозалаётган экансиз...— Заргаров қовоғини солиб яна анчагача индамай қолди. Кейин яна бирдан орқага қайрилди:— Шундай бўлса ҳам, йўл қурилишини перспективадан бу йилга кўчиролмай сизми?

Сайрамов бир нарсани тушунгандек, кўзларини қисиб қаради.

— Қандай кўчираман? Газ-чи?

— Газ янаги йилга. Барибир эмасми?

— Барибирку-я. Қайтага кўпроқ пул ўзлашади.

Сайрамов бу операциядан Заргаровнинг манфаатдор эканини сезиб, гапни айлантира бошлади. Бу ерда нимадир ютиш мумкин эди.

— Трасса аниқланган, қувурлар бу соҳилда, қандай бўлар экан,— дея мижговланди у. Топография, геодезия ишларини текинга тушириш имкони борлигини пайқади.

— Сизга ҳеч гап эмас, лекин бу билан бизнинг катта мушкулимизни осон қиласиз,— дея илтимос қилди Заргаров.

— Хўп, бундан мен нима манфаат топаман?

— Манфаат шарт эканми, бизга катта яхшилик қилган бўласиз.

— Яхшилик... яхшиликнинг ҳам баҳоси бор, ўртоқ Заргаров, уни ҳам ўз нархига олиш керак...

— Сўтаман денг?!

— Ҳа энди... Яхшилик учунгина эмас, иш деб юриб-миз ахир, қўшни.

Заргаров уни бировдан ҳеч нарсасини аямайдиган қўли очиқ одам, деб эшитган эди. Совхозга олмос парма совға қилганмиш, геологларга ўттизта палата бериб

юборганмиш... Яхшиликни пуллар экан шекилли-да бу хотамтой.

— Ишингизни кўрдим,— деди Заргаров ичидан қайнаб. У дарёдан қумни қирғоққа, қирғоқни эса яна дарёга ағдараётган яроқсиз эски земснарядларнинг ишини хотирлади:— Криловнинг масалидаги Тришканинг ишини қилиясиз; этагидан олиб ёқасига, ёқасидан олиб этагига... Бундай соҳилга Ростов снарядлари керак. Қумни эмас, пулни совуряписиз-ку, тагин манфаатдан гапирасиз-а!

• Эҳтиёткор Сайрамов бундай гапнинг тафсилотига тоқати йўқ, дарров олдини олиб зорлана бошлади. Ростов земснарядлари ҳақидаги талаби Сув хўжалиги министрлигидан қолиб кетгани, йўл ишларини бу йилга кўчириш учун Газ санаот 1 министрлигига, йўллар бош қармасига қатнаш кераклигини гапира кетди. Заргаров ана шунақа «оби дийда»ни ёмон кўради. Бу одамлар ўзларининг ортиқча ташвишга товлари йўқлигини гапирмайдилар-да, худди саҳродаги бу шиддатли оғир ишлар, азим қурилишлар фақат министрлар учун бўлаётгандек, гўё министрликлар фақат ишга халақит бериш учун қўйиб қўйилгандек қилиб кўрсатишни яхши кўрадилар.

— Сиз дадил бўлинг, Сайрамов,— деди Заргаров уни 107-пикетга олиб келиб қўйганидан кейин.— Министрликлар билан мен гаплашаман. Шундай қиламиз: сиз земснарядларингизни йиғиштирасиз. Мен катта кабелькранни монтаж қилишга буйруқ бераман. У ярим йилгача дарёдан барча юкларингизни ўтказиб беради. Сиз эса шу бу йилиёқ шаҳардан то сув кўтариш станциясигача асфальт йўл соласиз. Сизга ҳам фойда, бизга ҳам. Келишдикми?

Сайрамов айёр кўзларини қисиб узоқ ўйлади. У Заргаровдан бундай катта саховатни кутмаган эди, қувончини яширишга зўр бериб, яна чайналди:

— Топографлар топиш керак. Маркшейдерлар йўқ... Йўл... йўл — мураккаб масала.

— Бу саҳронинг бош магистрали бўлади, Сайрамов, унинг энг осон участкаси сизда!— Заргаров букчайиброқ турган қўшнисининг елкасига туртди.— Катта гап бу! Саҳрога одам, техника, маданият, ҳаёт келади бу йўлдан. Тарихий йўл бўлиб авлодларга қолади, Сайрамов! Бу яхшилигингизнинг нархини суриштирмасиз, деб ўйлайман.

Бу кўтаринки, шўх гапдан Сайрамовнинг заҳил юзига ҳам табассум ёйилди. Улар қўл сиқишиб хайрлашдилар.

Олдинда йўлсиз, поёнсиз кенгликлар ётарди.

— Чангит, Бобош!— деди Заргаров машинага сакраб чиқиб.

Унинг ғайратидан руҳланган Бобош ҳам машинани шунақа тезлатдики, орқаларидан осмон баравар тўзон кўтарилди. Бўлмаса, бугун кечгача қайтиб бориш ҳам амримаҳол эди.

— Роса бопладингиз-да!— деди Бобош рулни ўйинчоқдай ўйнатиб.— Ўзи ҳам, қичиган жойини олдиндан қашиб қўядиган эҳтиёткор одамга ўхшайди. Яхшиликни пуллаб юрар экан-а! Оббо хумпар-эй! Сиз ҳам, лекин, сотиб олдингиз яхшилигини.

— 160 километр йўл! Арзимайдими?— деди Заргаров ўзи ҳам ўйга толиб.— Бу — вақт деган гап. Биз вақтни мана шундай мисқоллаб йиғиб, бир жойга жамлаймиз, тигизлаймиз, олтинга айлантирамиз... Имкониётларимизнинг энг охириги чегараларини синовдан ўтказиб...

Заргаров ўзига таъкидлаётгандек ҳамон гапирар, Бобош унинг ҳамма фикрларини тушунмаса ҳам, 160 километр йўлни заёмдан ютгандек қўлга киритиб келишаётганидан мағрур, машинасини учириб борар эди.

Бу саҳрода энг холи, энг тинч, энг файзли жой — Мария Власовнанинг уйидаги рус печкасининг орқаси. Нимқоронғи, иссиқ, ҳеч ким халақит ҳам бермайди. Сафар азоби шалайим қилиб юборган Заргаров бу гўшада ҳузур қилишни йўлдаёқ ўйлаб қўйган эди. Ярим кечада етиб келишлари билан бир пиёла чойни ичар-ичмас ўша ерга кириб чўзилди. Губанов ҳали хизматдан қайтмаган, Мария Власовна, иш қутиси ёнбошида, чироқни пастлатиб қўйиб, чийратма ипакдан оқ сурпга гул тикар, плитада чойдиш аста гингиллар эди. Заргаров чала уйку аралаш хаёлга чўмди, шаҳардаги ёруғ, озода уйини, Фотима ни эслади, унинг кечки спектаклдан қайтгач, юмшоқ халат кийиб, сочларини ёзиб ваннадан чиқишини кўз олдига келтирди... Шу ҳолатда бир тушига кирса эди.

Кечқурунлари атайлаб ўйлаб ётса ҳам, бирон марта тушига инмабди-я. Унинг ўрнига нуқул «қумчена»да

судраб келинаётган вагонлар, қандайдир идорадаги жанжал, котлован ўпқонлари, карьердаги портлашлар билан босинқираб чиқади...

Фотима ҳам ўйлармикан, тўш кўрармикан ўзининг «водопроводчи»сини? Тентак, Алексейдан бир энлик хат бериб юбормабди. Ўзи қилгиликни қилиб қўйиб, эрининг бош эгиб боришини кутяпти. Шошма, соғиниб, оҳ деганда ўпканг кўринсин, ана ўшанда тавба қиласан...

Заргаров Фотиманинг мана шунақа жингиртоб бўлган пайтларини яхши кўрар эди. Ўзининг бардоши зўрлигидан фойдаланиб, уни аввал ҳижронда қовураб, кейин жазиллатиб бағрига босар, бундай пайтларда иккаласи ҳам эҳтирос ва муҳаббатнинг чегараси борлигига ишончларини йўқотар эдилар...

Заргаров Фотиманинг овозини эшитгандек бўлиб, сапчиб тушди. Кимдир келди шекилли. Худди ўшандай ширали овоз, лекин Фотима эмас. Заргаров ўзидан кулиб қўйди: Фотима нима қилсин? Яна тағин ярим кеча бўлса...

Лекин ким бўлди бу аёл?! Мария Власовна уни айланиб-ўргилиб қаршилади, қувонганидан кўз ёш ҳам қилиб олди чамаси. Яна бирон тутунганларидандир-да. Учраган бир беошённи фарзанд қилиб олишади бу саҳройи чол билан кампир.

Улар ҳақиқатан ҳам она-боладек кукулашар, «очилбсан», «ўша-ўшасиз», дея бир-бирларига хушомад қилиб, қайта-қайта ўпишишар эди.

— Оёқларингни ювиб ол, Азочка, ҳозир иссиқ сув бераман,— деди Мария Власовна ивирсиб. «Аза», қаёқдаги лўлича от... Озодамикин? Ё Зиёдами?

— Вой ўлай!— деб юборди Аза. Шу ондаёқ кафтини лабига босиб индамай қолди. Печка ёнида Заргаровнинг қўпол этиги, аврасиз калта пўстинини кўрди чоғи.— Биров борми?— деб шивирлади.

— Парво қилма, начальнигимиз... Заргаров,— деди Мария Власовна.

Гапни қаранг: бу ерда Заргаров ётармишу улар парво қилишмас эмиш!

— Вой, шўрим, нега айтмадингиз?!— дея ўнғайсизланди меҳмон.— Уйғотвормадикмикан?

— Уйғониб бўпти, тоиндай қотиб ётибди, узоқ йўлдан келган,— деди Мария Власовна барала.— Диванга чиқ, оёғингни йиғиб ўтир, чойга қара...

Тошдай қотганмиш-а! Сахро магистралининг учдан

бирини қуриб келади-ю, ухлаб ётар эмишми! Буннинг устига, Фотиманикига ўхшаган бу ширали овоз...

Улар қанд тишлаб, ликопчадан чой ичишар, бир-бирларига сира тўймай шивирлашар эди. Мария Власовна «жужуқлар»ни сўради. О, боласи ҳам бор экан, товушидан ёшга ўхшаган эди... Тагин битта ҳам эмас... «Жужуқлар!»

— Билмадим, ойижон, нима бўлади-да буларингиз... Мен тарбия қилишни билмайман, боқчага ишониб...— деди Зиёда.

Заргаров негадир ўзинча унга «Зиёда» деб от қўйиб олди. Чиндан ҳам оти Зиёда бўлиб чиқишини жуда истарди.

Уйқусизликдан бу меҳмон унга жумбоқ бўлди: ким у, қаёқдан, нега келди? Ўзи қандайроқ? Овозидай ўзи ҳам ёқимтойми? Эрталабгача кетиб қолмаса тузук эди...

Бир вақт тун тинчлигини бузиб Дмитрий Казимирович кириб келди.

— О-о! Алхимик!— деб қучоқлади Зиёдани, серганлик билан узундан-узоқ сўрашиб кетдилар. Заргаров энди ухлашни хаёлига ҳам келтиролмаб ётарди. «Алхимик» дегани нимаси? Лақабими? Ё кимёгарларданми-кан?.. Химкомбинатда иш битмади-да; Сангинов тўнини терс кийиб олди, фамилиясига яраша ҳақиқатан ҳам тош экан. Тош дегандан... Харсанг карьерига, мрамар конига ҳам бориш керак. Анча заиф ташкилотмиш. Лекин у ҳам қўшиллардан бири. У ҳам Заргаровнинг режасига кирган. Саҳродаги ҳамма соҳаларни ягона вужудга, яхлит бир циклга айлантириб, ягона мушт каби жипслаштириб бўлса эди... Бу фикрини ҳали Губановга айтгани йўқ. Айтса, у ҳаммасига илмий тус киргизиб, от қўйиб беради, худо хоҳласа. Губанов уста... Айтгандай, унинг овози эшитилмай қолди? Уй негадир жимжит, қоронғи...

Заргаров ўйларини майин уйқу чулғаб олганини ўзи ҳам билмай қолган эди...

У одати бўйича, уйқунинг энг ширин палласини ўмариб, илк тонг нури билан уйғонди. Бу субҳи содиқда Зиёда деган ном билан кўз очганини ўзи ҳам қайд этиб, қоронғида жилмайиб қўйди.

Ташқарида, бошига совуқ сув қуяётган Мария Власовнадан секин сўради:

— Ҳалиги қизалоғингиз ким?

— Қизалоқ эмас, фан кандидати!— деди у ғурур билан ва Заргаровнинг қўл бошига чўмич билан тўқ эгиб уриб, кириб келди.

Меҳмоннинг оти ҳақиқатан ҳам Зиёда эди. Нонушта ғира-ширада бўлганидан бир-бирларини яхши кўриб ололмасалар ҳам, лекин суҳбатда кўп нарса маълум бўлди: Зиёда Ташкентдан, Фанлар академиясидан экан. Бўлғуси Олтин саралаш комбинатининг лабораториясини барпо этиш учун бир гуруҳ илмий ходимларни бошлаб келибди. Шуларни жойлаб, тинчитиб, шу бугун кеч қуруноқ қайтиб кетиши керак экан.

— Группангизга жой тайёр, ҳозир мен сизни у ерга кузатиб қўяман,— деди Заргаров нонуштадан кейин кийиниб чиқиб кетаётган меҳмонга. Зиёда останада тўхтади, бошлиқнинг қоронғида галстук тақимишини, боссунақайроқ, лекин тиришқоқлик билан уришини зимдан кузатиб турди.

Улар пиёда кетишди. Бундай пайтда саҳро тонги саксовул танасининг талх ҳидини ҳавода муаллақ сақлайди. Кун сал кўтарилгач, у бошқа ҳидларга аралашиб йўқолиб кетади. Лекин Заргаров ҳозир ёнида бошқа бир ҳидни, қимматбаҳо атирнинг билинар-билинемас асл хуш бўйини ҳам сизди. Зиёда шаҳарлик бўлса ҳам юзи қуёшда қорайган, Заргаров ўйлаганчалик чиройли эмас, чиндан ҳам лўлидеккина қора, узунчоқ юзли, лекин соғлом, дуркун қиз эди. Жигар ранг сунъий чармдан тикилган юбкаси калтароқ, юганда бақувват оёқларига йиғилиб янада баландроқ кўтарилар, бу эса Зиёдани ёш қизчалардек кўрсатар эди. Қирғиз телпак тагидан кўринган қорача манглай, кўз ёнларидаги яккам-дуккам чиқиқлардан Заргаров тахминладики, ёши ўттизларга яқин...

— Сизни орқаворатдан эшитганман, Мардонқул Заргарович,— деди Зиёда бошини сал қийшайтириб қараб.

— Ҳазимни кўриб ҳафсалангиз пир бўлди, шундайми? Биламан, бунга кўплар айтган. Лекин ходимларингизга ажойиб жой қилиб берман, кўрасиз.

Зиёда хижолат тортди, катта-катта қадам ташлаётган Заргаровга етиб юришга интиларкан, этагини пастга тортиб-тортиб қўяр эди.

— Мен ундай демоқчи эмасдим,— деди у.— Айтмоқ-

чиманки, кечаси сизнинг ухлаётганингизни билмай... беодоблик бўлди, кечирасиз.

— Овозингиз... таниш туюлди. Қим экан, дейман, бизнинг саҳромизда бемаҳалда юрган...

— Саҳрони бизнинг қўлимиздан олгансиз, ахборотингиз учун,— деди Зиёда. Келиб-кетадиган бир қиз экан-да, деб енгил ҳазил билан гап бошлаган Заргаров бу сўзлардан кейин анча ҳушёр тортди. Автоскрепер ағдариб ташлаган майдонни узоқдан айланиб ўтдилар. Чипта ёпилган тахта дўконнинг орқасида сомсапаз тандирга ўт ёққан, кечаги пиво ҳиди айқир эди.

— Губановларни кўпдан биласизми?— деб сўради Заргаров анчадан кейин.

— Дадам Дмитрий Казимировичнинг қўлида жон берган,— деди Зиёда,— шу ерда, саҳрода...

Урушдан кейинги йиллар эди. Саҳро ҳамон бекорчи «сариф доғ» ҳисобланар, лекин геолог-олимларнинг кўпчилиги унда бениҳоя катта сир яшириниб ётганини тахминлар эди. У пайтлар бу ерда техника жиҳатидан заиф айрим отрядларгина иш олиб борарди. Ана шундай отрядлардан бирига Зиёданинг отаси, атоқли геолог-олим Давронов бошчилик қиларди. Губанов билан улар роса олти мавсум бирга бўлиб, саҳрода минг километрлаб йўл босдилар, тонна-тонна тупроқни ғалвирдан ўтказдилар, қудуқлар, шурфлар қазиб, тақирларни тилкалаб ташладилар, лабораториялардан, илмий баҳслардан ҳориб-толиб қайтар эдилар. Зиёда буни эс-эс биледи. Бир йили ёзда, саратон кези, Чалақудуқ деган жойда Давроновни офтоб уради.

— Офтоб урганда, биласиз, сув керак. Касалнинг бошини, юзини, кўрагини тўхтовсиз намлаб туриш керак. Ичадиган сувлари сарфланиб кетади...— деб ҳикоя қиларди Зиёда,— дадам бўлса, ўзининг бутун вужудини гармсел қақратиб, жазирамада ёниб ётган бўлишига қарамай, Чалақудуқни аниқламасдан кетишга рухсат бермайди. Чунки улар шу куни ўша ерда кварц қатламига дуч келишган экан. Кварц... кўрганмисиз— билмайман, олтин зарралари сепилгандай йилтиллаб туради. Бу — саҳронинг биринчи олтини эди... Биласизми, ўн йиллар давомида изланган хазинадан дарак.

Воқеанинг давоми даҳшатли экани тушунарли эди. Зиёда у ёғини айтолмади. Заргаров унинг товуши товла-

на бошлаганини сезиб, далда бериш учун қўлини қисиб қўйди.

— Дмитрий Қазимирович отам учун менинг олдимда негадир ўзини айбдор сезарди. «Улик саҳрога жон киргизиб, уни бошқатдан кашф этиб, одамларга ҳадыя қилган киши — сенинг даданг... Саҳро — сеники!» дерди. Мени ҳамиша бирга олиб юрадиган бўлди. Чалақудуқ учун жон чекарди. Унинг перспектив район эканини исботлашни дўстининг хотираси олдида эзгу бурч деб биларди, бунинг учун ҳаётини бағишлашга ҳам тайёр эди. Лекин унинг билими етмасди, айниқса, минералогиядан... Мен минералогман. Институтнинг охириги курсидан бошлаб, энг узоқ, олис. экспедицияларда ҳам нуқул у киши билан бирга бўлдим. Дмитрий Қазимирович менга саҳронинг олтини ҳақида ажойиб эртақлар айтиб берарди. Бу ерда кўчиб юрган ерли халқ бир замонлар отининг тушовигача олтиндан қилганлиги, олтинни гўё буғдой сингари шопириб олганликлари, саробни дарё деб қирқ кечаю қирқ кундуз лўкиллаган туюқолдан тойиб-йиқилганда бирдан олтинга айланиб қолгани ҳақидаги ривоятларни ҳали ҳам эслайман. Кейин билсам, булар Геродотнинг эллинлардан эшитган афсоналари экан. Дмитрий Қазимирович Искандар Зулқарнайн топган қандайдир қуш шаклидаги олтин ҳақида ҳам худди ўзи кўргандай гапириб берарди.

— Дарбадар, романтик қидирувчилар эдик, денг?

— Йўқ, энди дадамлар давридаги дарбадар геологлар романтикаси тугаган эди.

— Гапиринг, Зиёда, мени бу ерга олиб келиб қўйишди-ю, олтиннинг қимматбаҳо йилтироқ нарса эканидан бошқа ҳеч нимани билмайман.— Заргаровнинг олима қизга бўлган ҳурмати борган сари ошарди. Уфқда қуёш кўриниб қолганига қарамай у ошиқмади, қадамини секинлатди.

— Нимасини гапирай... Перспектив район аниқлангандан кейин съёмкачилар келади, хариталар тузишади. Яна қудуқлар ковлаб, намуналар олинади, керн анализ қилинади. Районнинг тахминий баҳоси аниқлангунча яна юзлаб тонна тупроқ саноат синовидан ўтади. Лекин бизга энди геохимия, геофизика ёрдамга келган эди. Спектрограмма йўли билан биз бу ерда яна маргимуш ҳам топдик. Маргимушни биласиз, учувчи унсур, у олтинли қатламлар тепасида нурдай таралиб, ҳовурдай жи-

мирлаб ётади, катта олтин концентрациясини шу атрофдан излаш кераклиги аниқ эди. Иш катта бўлиб кетди. Дмитрий Қазимировичнинг ҳаракати билан Самарқандда махсус геотрест очилди. Унинг илмий экспедициялари бизнинг тўғри йўлдан бораётганимизни кўрсатди. Саҳронинг хазинасига дарча очилган эди. Дмитрий Қазимирович... биласизми, у киши ўша йиллари ёш, ғайратли, жанжалкаш эди. Фақат амалий тажрибаси бўлган оддий қидирувчидан катта обрўли ташкилотчига айланди. Қоннинг ҳамма бойликлари аниқланмасдан туриб саҳро шароитида олтин саралаш корхонасини лойиҳалай бошлаш ҳақида ҳукумат қарорлари Губановнинг ташаббуси билан чиққан. Бу жуда дадил қадам эди. Одатдаги қидириш ишлари билан ишлаб чиқаришнинг бошланиши ўртасида бўладиган катта жарлик йўқолди, эффектсиз масофа бир неча йилга қисқарди. Биласизми, бу давлатга қанчадан-қанча нақд олтин деган сўз?!

Ажабо, бу қиз Заргаровнинг энг эзгу ўйлари устидан чиқди. Бу аслида Губановнинг ҳам ўз ўйлари экан-ку, Заргаров унга очилишдан ҳайиқиб юрибди!

— Менга қаранг, у киши сизни нима учун «алхимик» дейди?

— Ҳамма гапни эшитиб ётган экансиз-да,— деб кулди Зиёда.

Заргаров узр сўради ва тўсатдан англадики, бу аёлда бирдан пайқаб бўлмайдиган оҳанрабо дилбарлик бор, айниқса, кўзлари билангина кулганида, ич-ичидан нурлангандек чехраси балқиб кетади, упу-элик тегмаган қорамағиз юзларида кулдиргичи шуъладай кўчиб ўйнайди.

— Ҳазиллашадилар...— деди ерга қараб. Кейин тунтирдди:— Бизнинг профессоримиз олтин рудасини сунъий таркиб қилиш мумкинлигини назарий жиҳатдан исбот этган. Лабораториямиз ҳозир шу фаразни амалга ошириш устида ишляпти. Мен... минералоглар группасининг раҳбариман.

— Чиндан ҳам «алхимик» деганча бор экансизлар-ку!..

Зиёда Заргаровнинг кўз ўнгида гўё улғайиб борар, унинг тимсоли шу сирли саҳро билан, унинг афсоналари билан тутшиб кетаётгандек эди.

Бу сарин эрта, бу кутилмаган суҳбат, Зиёданинг

эскидан таниш туюлган ширали товуши Заргаровнинг кўнглидаги аллақандай ғуборларни кўтариб юборди. Одамнинг асрий орзуларига уланган бу дунёда ишнинг кўплиги, армон, дард, чигалликларнинг кўплиги қандай яхши!.. Гоҳо ҳаётнинг эндигина бошланаётганга ўхшайди.

Заргаров Зиёданнинг юзига биринчи марта очиқ, тикка қаради:

— Иксири аъзам, денг! Бундай руданинг лабораторияда таркиб топишига ишонасизми?

— Ҳа.

— Унда юз йиллардан бери масхара қилиб келинган бечора алхимикларни оқлайсизлар-ку!

Зиёда кулди.

— Ҳамма шундай дейди. Лекин ундай эмас...

Афсуски, гаплари бўлинди. Улар қурилиш бошқармасига етиб келган эдилар. Заргаров бўлғуси лабораторияга шу ердан жой бермоқчи эди. Амалда бу кўп қийин бўлди. Қуни билан ҳувиллаб ётгандек кўринган ҳар бир хона, ҳар бир эшик ва йўлакнинг ҳақини таниган қонуний эгаси бор эди. Заргаров муовинлари эгаллаган жойларни, қабулхоналарни сиқиштириб, уч хонани бўшатгунча кун тикка бўлди. Лабораториянинг жиҳозларигина уч-тўрт хонани талаб қилар эди. Заргаров Зиёда билан хайрлашар экан: «Ҳаммаси жойида бўлади, шахсан ўзим шуғулланаман», деб ваъда берди. У хушмуомала, сал паришон эди: Зиёданнинг суҳбатига тўймади, кўп қизиқ мавзулар чала қолган эди.

— Ходимларингизни ўз ҳолига ташлаб кетавермасиз... Сахро сизники, бу ерда нималар қилаётганимиздан хабар олиб тулинг,— деди Заргаров.

Зиёда тийрак қора кўзлари билан кулди ва шу қиёфада Заргаровнинг хотирасига ўрнашиб қолди.

5

Заргаровнинг ўн беш йил аввал ҳарбий ҳисобдан ўчилган алоқачи ЯК-12 самолёти узоқдан оппоқ оқариб ётган харсанг тош карьерлари яқинига қўнди. Саҳрода бу уруш ветерани, унинг кекса моторининг вағиллаши кўпларга синашта бўлиб қолган эди. Заргаров атрофларни кўриб бўлмасиданоқ мрамар конининг директори бир-иккита одамлари билан етиб келди. Директор, Маткаримов деган, сергапроқ, нуқул зорланадиган, афтидан,

ўз ишидан жуда қийналиб кетган нотавонгина бир одам экан. Ориқ елкасида зўрға илиниб турган пиджаги гн-жим, шимида оҳак юқи, Заргаровни хокисорлик билан кутиб олиб, дарров дардларини айтишга тушди.

— Хайрият, ўзингиз келмасангиз ҳам, бизлардан хабар оладиган одам йўқ, дунёнинг бир чеккасида ўз ёғимизга ўзимиз қоврилиб ётибмиз...

Заргаров чой-пойга унамади, карьерлар томон бошлади. Кон бир неча километрлаб жойда зина-зина бўлиб оқариб ётар, текис қирқилган тош қатламларининг ўзи табиатан шундай эканлигига ишониш қийин эди. Заргаров бу бебаҳо бойликларга суқланиб узоқ қараб турди. Лекин Маткаримовнинг чеҳраси очилмаганча ҳам бор экан. Текисланмаган тупроқ устидан қалқиб-қалқиб, буралиб кетган омонатгина тор изли темир йўл кўп жойларда бузилиб, ёнида супадек келадиган мрамар тошлар балчиққа ботиб ётибди. Қонғ тузукроқ машина йўли ҳам тушмаган эди — яхлит харсанг ортган шалақ самосваллар пасту баланд, бузуқ йўллардан ғийт-ғийтлаганча эгилиб-букилиб тепаликлар орқасига ўтиб кетишар, пона-парма ишларидаги одамлар тартибсиз имиллашар, меҳнат мароми йўқ, тошкесар арраларнинг ёқимсиз овози бу манзаралар фонид асабга тегар эди. Бунинг устига, Заргаровнинг қулоғи тагида Маткаримовнинг зорланиши тинмасди:

— Ҳалқа аррали тошкесар машиналаримиз етишмайди, ромли станоклар йўқ, олмос тишли арралар сўрадик — қаёқда!.. Дардим айтсам, на ҳабибим, на табибим бор.

— Мрамардан бошқа материаллар ҳам аниқланганми?— деб сўради Заргаров; тошдан тошга сакрар экан, оппоқ, текис тош зиналарда этгидан қумли из қолар эди.

— Доломит бор, чала мрамар, оҳактош бор...— деб тиза кетди Маткаримов.— Оқ, кул ранг, қизғиш мрамар. Агар арралаш усулини такомиллаштиролсак, яна бир неча ажойиб ранг ҳам безаклар олиш мумкин бўларди..

Тошлар ҳақида гапирганда Маткаримовнинг овози ўзгарди, юзига мулойим бир ифода қалқди. Кўриниб турибдики, бу одам тошни жуда севаркан, узоқдаги баҳайбат харсангларга қараб, кон ҳақида, тошчақарликнинг ҳадисини олган усталар ҳақида меҳр билан узоқ гапирди. Заргаровнинг ҳам унга муносабати ўзгара бош-

лади. Бир фазилати бўлмаса ўзи ҳам шу жойларда тошчангини ютиб юрмасди, хўжалик шу аҳволда экан, бошқалар ҳам унинг барига ёпишиб олгандек бу ерда тутиб туришмасди.

— Мармар — баҳоси йўқ асил тош,— давом этарди Маткаримов,— лекин узоқ шаҳарларга етгунча баҳоси ошиб, қадри тушиб кетяпти. Планни гапирмаёқ қўяй. Кўрмайсизми, ярим кубали монолит блоклар хор бўлиб ётибди. Замоनावий конлар ноль бир кубалисини бошига кўтаради, кўз-кўзлаб сотади...

— Кимга қарайсиз? Маъмурий жиҳатдан.

— Мана бу Қиятогдаги сурма конлари трестига.

— Нима учун?

— Нима учун дейсиз! Қаёқдан билай? Трестдагилар ўзлари ҳам билишмайди уларга нима алоқамиз борлигини. Хабар ҳам олишмайди, ойда-йилда ҳисобот сўраб туришади. Икки йилдан бери узкоколейка қуриб беришга ярашмади. Нима қилайлик, тошкесарларимиз эски мақолни ўзларига мослаб олишган: марказ узоқ, тош қаттиқ, дейишади.

Заргаров конда узоқ юрди. Тошкесарлар билан Чирчиқнинг қаттиқ металлари ҳақида гаплашди, ишчилар посёлкасини айланиб, нуқул мармардан қурилган кичкина музей биносини, унда ҳаваскорлар тўплаган тошлар коллекциясини томоша қилди. Посёлкада аҳоли сийрак, тузук-тузук бинолар бўш ётарди. Ишчилар ошхонасида Маткаримов билан кофени ўзлари қайнатиб ичишди. Заргаровга бу ернинг артезиан суви ёқмади, доломит таъми ортиқроқ экан.

Заргаров кон директорининг гапини зерикмай тинглар, ўзи кам гапирар, нималарнидир қийналиб ўйлар эди. Унинг кон тақдири ҳақида ҳеч нима демаганлиги Маткаримовни тоқатсизланттирарди.

Фақат тушга яқин, самолёт ёнида чарм пилоткасини кияётиб, Заргаров маслаҳат солди:

— Менимча, конни жавоҳирнинг қадрига етмайдиган ношунослар қўлидан тортиб олиш керак,— деди у. Унинг ҳукмига маҳтал бўлиб турган Маткаримов ҳаяжонланиб нимадир айтмоқчи бўлди. Лекин шошиб турган Заргаров бу эзма одамга яна гап бергиси келмади:— Истасангиз, конни мен ўз қарамоғимга оламан. Биз ажойиб шаҳар, посёлкалар, қасрлар, комбинатлар қурамиз, Келгусидаги катта саноат провинцияси барибир конни

гизни ютиб кетади! Мәрмарингиз шу ернинг ўзида санъатга айланади, ушоғигача увол қилмаймиз. Кейинроқ бориб эса, индустриал асосда...

— Барака топинг, қўшни! Мен сизнинг буюк одам эканлигингизни билардим! Сахрога сиз керак эдингиз. Ҳозирги шаҳар мәрмарсиз бўладими; жавоҳир дедингиз, раҳмат, бутун авлодлар олдида савобга қоласиз!— қувончини ичига сигдиrolмай жавраб кетди Маткаримов.

Заргаров уни дўстона жилмайиб қараш билан зўрға тўхтатди, «Тош жиннис», деб қўйди ичида.

— Сиз ҳужжатларингизни тайёрланг, далилларингизни иқтисодий жиҳатдан асосланг. Марказда мен ўзим ҳал қиламан бу ишларни.

Самолёт парраги гулдираганда Маткаримов қум тўзони ичида маза қилгандек бир жойда турар, қўнишган елкасидаги эски пиджаги, ғижим шимининг почалари шамолда ҳилпирар эди...

Юзлаб километр жойда сочилиб ётган тахта бараклару кўчма вагонларда, экспедиция базаларидан, чорва қишловларидан қолган қумшувоқ ҳужраларда, қамш томли ертўлаю яккам-дуккам ғиштин биноларнинг деразаларида қизгиш хира чироқлар ёнди, движокларнинг таниш овози ҳувиллаб тинчиб қолган сахро оқшомини бир маромда аллалай бошлади. Ҳали изга тушмаган саросимали оғир иш кундан кейин ёшу қари ўз ётоғида иссиқ чой, кўрпа-тўшак, бекорчи суҳбат, жиз-биз, иштаҳа очадиган таом иси, бир-бирини синаш, танишиш, жойлашиш маънамашалари билан банд эди. Ҳар бурчакда кўч-кўрн, транзисторлар вағиллаган, янги жойда бу сурону ғивир-ғивирларнинг ўз нашъаси бор. Инсон зоти бир-бирнга нақадар ўхшаш, айна пайтда нақадар ранг-баранг... фикри зикри, хулқи, ўйи, руҳи, нияти, ўтмиши, қиёфаси — биронтаси бир-бирини такрорламайди-я!

Дмитрий Қазимирович сершовқин бир баракда, одамлар қуршовида ўтирар экан, мана шуларни ўйлар эди.

Кимдир шўхлик билан «Гранд отель» деб ном қўйган бу ётоқ узун, катта, бесўнақай эди. Уни ҳар ким ўзича бўлиб, бир ерда тахта, яшиқлар билан, бир жойда чойшаб, бўйра билан ажратиб олган. Булар оилалилар ёки болали аёллар. Сўққабослар эса икки қаватли ёғоч суриларга жойлашишган. Бу ерда асосан бўлғуси шаҳар котлованларида, қарьерда ишлайдиган экскаваторчи,

скреперчи, самосвалчи, бетончи, гиштчи бригадалар турарди.

Аввал гап навбати Ҳожимат деган бир бақалоқ самосвалчидан сира нарига ўтмади. Боши елкасига туташиб кетган, билакларигача қоп-қора жун босган бу йигит гапга уста, қизиқ-қизиқ саргузаштлари билан ҳамани оғзига қаратган эди.

— Гўристонда ит уриштирардик,— деб яна бошлади Ҳожимат.— Ёмон жазавали бўлади-да ит уриштириш. Карта, қимор деганлари бунинг олдида чепуха. Учинчими, гўртинчида ўқийман, денглар, мактабдан тўғри гўристонга қараб кетамиз... Лекин пул йўқ. Бу лавнати ўша вақтдаёқ танқис эди. Бир куни худо ярлақаб қўшнимизнинг қизи кириб, «оповси-оповси» қилиб қолди. Бели хипчагина, эшилиб юрадиган қулинг ўргилсин нарса эди ўзи ҳам. Нозик эди оти, Ноз дер эдик, нозингдан аканг. Бунинг ҳозир айтяпман-да, у вақтда мишиқни бола эдик. Бола эдигу саводхон эди аканг қарағай! Ноз бўлса, нима учун, билмадим, хат-патга уқуви йўқроқ эди. «Битта хат ёзиб бергин, оповси», деб гиргиттон бўлиб қолди. Гапга ўша вақтдаям бурро эдим-да, шунга ёздирсам боплайди, деган-ов. Биттаси жигаридан урган экан, ишқий хат ёзишим керак бўлиб қолди. Бунинг баҳоси бўлак, фаросатимиз етади. Какраз пулга зориққан пайтим. «Уч танга берсангиз, ёзаман», дедим. Қўзи олайиб кетди Нозикнинг. «Унча пулим йўқ, бошқаси топилар», деб чиқиб кетяпти. «Бошқаси сирингизни маҳаллага ёяди», дедим. Қўрқди. Қўнди уч тангага. Ошиқ бўлсанг, чидайсан-да, қаёққа борасан, лаббай?!

Йўталишга мискарлик яхши, мақтанишга — мусофирлик, дегандай, оғзининг таноби қочганча гапида давом этди Ҳожимат:

— Хатни шундай бийронун гирён қилвордимки, бола бечоранинг кўксига тегирмон тоши бўлса ҳам эриб кетган бўлса керак. Янаги ҳафта Нозик яна келди. Ёқмай ўлсин! Лекин ҳар парча хатга нақд уч танга бизга ҳам ёқиб қолди. Постоянний маъшдай гап денг, гўристонга қатнашни йиғиштириб, пулни пахталикнинг астарига жойлайдиган бўлдим, дўмпайган сари кўнглим ўсади. Бир замон нима ҳам бўлди-ю, Нозик кирмай қўйди. Йигит силтаб ташлаганми, ишқилиб, бир кори ҳол бўлганда. Энди нима қиламан? Мўмайгина пулнинг оқиши тўхтаб қолаверадими? Одатдаги ўрганган хатларимдан

яна биттасини ўзим ёзиб, Нозикка олиб кириб сўрадим. «Энди хат керак эмас», дейди. «Ҳо-о, қизиқ бўпти-да!» дедим. «Пулни беринг, бўлмаса сиригизни очаман», дедим. Титраб-қақшаб берди шўрлик уч тангани. Хатни йиртиб ташлади. Шу-шу бўлди, пулга сал зориксам, бир парча хат ёзаману Нозикка чиқамаң. Кейинроқ хат ёзмасдан ҳам чиқаверадиган бўлдим. «Сиригизни очаман», десам, уч тангани қуртдай санаб беради бояқиш. Пахталикнинг астарини анча дўмпайтириб олдим. Нозик эрга тегди-ю, қутулди-да мендан!

— Йиғиштир, ишкамба, мемуарингни!— деди йўлакда катта кески билан карам тўғраётган ошпаз йигитча. Катта қозон учун бўлса керак, хонтахтада кўпикдек уюлиб ётган карамнинг куз даласини эслатадиган ҳиди бутун ётоқни тутган эди.— Шу билан мақтаняпсанми?!— пўнғиллади у қўлида қолган карам мағзини гарч этиб чайнаб. Кейин чўян ҳовончада қайроқ даста билан қора мурч туя бошлади. Саттор деган бу йигитча нимжонгина бўлса ҳам, жуда дадил, мутоибаси ўткир эди.

— Густоҳлик!— деди унинг ёнини олиб кекса экскаваторчи Исмоил ака.

— Бу ерда ҳам топганини туфлаб тугяпти бу, оғир-оёқ хотини бечоранинг топганини ҳам тортиб оларкан,— деди Губановнинг ёнида тикка турган сўлимгина жувон. Унинг майин сочлари қарийб оқ рангда, оти Гита, қаёқдандир Болтиқ бўйидан, дейишади. Губановнинг тиззасида ўйнаб ўтирган ўзидай малла сочли уч яшар боласидан кўз узмайди.

Ҳожиматга гап таъсир қилмасди:

— Тугаман! Нима, мачитга ишлагани келибманми? Хотиним ишлайди, ўзим ишлайман, ниятимиз бор. Бу ерда топмасак қаерда топамиз? Сен, Гита, меннинг хотинимга тил тегизма. Мана, сенинг эринг келаётган экан, шундан шу ёққа нима деб келяпти, айт-чи?

— Мени деб келяпти! Мени деб, эшитдингми!— негандир йиғлагудек бўлиб қичқирди Гита. Уни ташлаб тўрт йилдан бери бедарак кетган эри топиб келаётганмиш. Шаҳарда қидирмаган, пойтахтда хабар олмаган, саҳродан излаб топиб келаётганига кўплар шубҳаланиб қарарди.

— Яхши кўради! Шунинг учун келяпти!— деб такрорлади Гита.

Болани суйиб ўтирган Дмитрий Казимирович эри ке-

лишига шунча қувонган аёлнинг соф туйғусини таҳқирлатиб қўёлмади:

— Пулни ҳамма ҳам яхши кўради, Ҳожимат,— деди у,— лекин энг гўзал ҳисларни ҳам пулга чақиш яхши эмас.

— Гўзал ҳис... Улик саҳрода, бадбўй ертўлаларда, кундузи молдай ишлаб, кечаси тош қотиб ухлайдиган одамларда гўзал ҳисга бало борми? Бу ерда биз пул ишлаймиз, ўртоқ Губанов, яширишнинг нима кераги бор?— сўрининг иккинчи қаватида оёғини осилтириб ўтирган Ҳожимат жойидан тушиб ўртага, шифтда липиллаб турган қизил чироқ тагига келди: «Мана мени кўринглар!» дегандек.

— Ҳалол ишлаб пул топишнинг айби йўқ, лекин сиз...

— Мен билан буларнинг фарқимиз шуки,— деб гапни бўлди Ҳожимат,— мен бу ерга нима учун келганимни очиқ айтяпман. Булар бўлса,— у Исмоил ака билан Сатторни нуқиб кўрсатди,— буларга ўхшаганлар бўлса ўзини-ўзи алдаб, чиройли гапларни гапиришади. Аслида, пул бермай кўринг-чи! Сиз партия ходими, ғоявий одамсиз, тагин ўзингиз биласиз, лекин бизнинг ишимиз — тирикчилик.

— Демак, сизнингча, ғоявийлик фақат партиявий одамларнинг имтиёзи экан-да?— босиққина сўради Губанов.— Ғоявийлик — байрамда киядиган либосдай гап экан-да! Бутун революция, мана бу қурилишлар биров ўйлаб чиқарган нарсалар эмас, биродар. Бу бизнинг борлигимиз, туриш-турмушимиз. Ғоявийлик бизнинг мағизмағзимизда, ҳаётимизда, ишимизда. Бу одамларнинг ҳар бири — саҳрога мағрур бир хитоб, мен сизга айтсам. Ана шу оғир шароитдаги кундалик оғир ишларимизнинг буюк революцион ғояси бор. Сиз эса унда тирикчиликдан бўлак ҳеч нарсани кўрмабсиз.

— Мана, Гита, бу жужуқнинг отасини кутиб ҳаяжонланяпти, чеҳрасига боқ, унинг юрагини айтиб турибди!— деди Исмоил ака.

У гапирганда Саттор қўлламасдан қолмасди. Улар бир-бирлари билан чиқишиб қолган, ота-боладек иноқ, ҳазилкаш эдилар.

— Биз саҳрони ўзгартиряпмиз, сўхтаси совуқ! Одам дунёни гўзаллик қонунлари билан ҳам ўзгартиради. Марксни ўқиш керак, нодон,— деди Саттор. Бу гап кар-

тошка артишга қарашаётган Губановга ҳам нашъа қилди. У ҳам ерга қараб, кулиб қўйди.

— Мана, умрининг маъносини ол, уни нима билан ўлчайсан?— деди Исмоил ака, тамакидан сарғайган бармоқларини боланинг олтин сочлари орасида ўйнатиб.— Хўш, пул биланми?

— Умр мазмунли бўлиши учун нимадир қуриш керак. Мен мана шу қоидани биламан.— Бу гапни ҳозиргача китоб ўқиб ўтирган Вайнштейн деган кўзойнакли, жингалак соч йиғит айтди. Уни бу ерда Эйнштейн дер эдилар, ўзи салкам гнженер, негадир, тўртинчи курсдан ўқишни ташлаб келган; нуқул физика дарсликларини ўқиб ётар; «Физика — фанларнинг подшоси, унинг тарихи — гоълар драмасидан иборат», дер эди.

— Бир китоб ўқиганман,— давом этди у,— жуда яхши, беозор, мулойим бир одам ўлиб қолади. Танишлари ўйлаб-ўйлаб, уни нима билан хотирлашни билмайдилар. Кейин биттаси девордан марҳум қоққан михни топади. Ундан шу битта мих қолган экан...

— Мих... Биз бўлсак йўл қурамиз, сув келтирамиз, карьер очамиз, комбинат қурамиз, шаҳар яратамиз...— бармоқларини битта-битта эгиб санади Исмоил ака. Гитанинг малла сочли жажжи боласи ҳам бу гапларга тушунаётгандек, қариянинг қорайиб қотган бармоқларига тикиларди.

— Шундай шаҳар курсак эдики,— Саттор тепасидаги қизғиш чироққа қараб хаёл сурди,— унда ёмон одам ҳам, касалликлар ҳам бўлмаса, ҳамма ёш, бахтли бўлса...

— Ҳой, утопист, сен Кампанеллани биласанми?— деб сўради Вайнштейн Саттордан.

— Йўқ.

— Қаранг-а! Ваҳоланки, у буюк философ. Бу ерда бўлса, бир ошпаз бола хаёлида «Қуёш шаҳри»ни яратиб ўтирибди.

— Кулма! Сен Эйнштейн бўлганда, мен Кампанелла бўлсам ёмонми?— Саттор катта тоғорада артилган картошкани бошига кўтариб ташқаридаги ўчоқбошига чиқиб кетди.— Мен ўзим, шунақа, яхши, камтарин одамман...— дея ҳазиллашди остонада, одати бўйича. У доим шунақа деб ҳазиллашар, лекин аслида тўғриси ҳам шу эди. Ҳамма уни оққўнгил, камтаринлиги учун яхши кўриб қолган. Қайтиб кириб гуруннга яна қалов ташла-

ди. Яхши суҳбатга қўшилмай, тепада тамаки тутатиб ётган Ҳожиматга кўзи тушди.

— Саҳрони обод қилармиз, шаҳар ҳам барпо этармиз, лекин баъзиларни одам қилолмаймиз шекилли-да.

— Нега?— деди Исмоил ака,— шаҳар тушсин-чи. Шароитни ўзгартираман, деб юриб одам ўзи ҳам ўзгариб қолади, ҳа!— Мўйсафид бирдан сакраб ўрнидан турди.— Ҳой, банди ғофил! Сен картошкани карамдан олдин солвордингми?

— Ҳа, нима эди?

— Эзилиб кетади, ношуд жиян!

— Эзилмайди.

— Эзилади, тирранча.

— «Тирранча» деманг, мунча бақирасиз, битта карам шўрва бўлса пишади-да, шунга ҳам шунча оҳу вовайло, ота гўри қозихонами?!

— Карам шўрванинг аҳамияти зўр,— деди Вайнштейн, нарироқдан гапга аралашиб,— карам шўрва туйфайли «Потёмкин»да қўзғолон кўтарилган.

Узун ётоқнинг нариги бошигача кулги янгради:

— Бор, қара, эзилиб кетмасин,— деди Исмоил ака қотиб куларкан.

— Ҳа, мана шундай бақирмай гапиринг-да, бир оғиз яхши гапингиз бизга амри вожиб.— Саттор тўғралган карамни чойшабда кўтариб яна чиқиб кетди.

— Бизнинг мастураи даврон қелсин-чи, худо хоҳласа сен тирранчани кранга ҳайдайман.

— Хотинингизни олиб келмоқчимисиз?— деб сўради Дмитрий Казимирович.

— Ҳа. Дарвоқе, бизнинг кампир ҳам, худонинг амри билан, православнийлардан, булғор қизи. Истра Дмитриевна. Ана унинг карам шўрвасини ичсангиз! Урушнинг охирги йили эди. Мен буни қўлга туширдим, десам, у мени асир қилган экан, биргалашиб қайтиб келдик.

— Чиройлимиди?— деб сўради Губанов.

— Ўзимизга яраша эди-да!— деб мўйловини бураб қўйди Исмоил ака.— Лекин фарзанд турмади, Дмитрий Казимирович. Шунинг учун мана бунақа ўсмир болаларни кўрсам, тенгқуридай бачкана бўламан-қоламан.

— Бачкана эмас, иноқ денг. Омон бўлсангиз, балки шуларнинг орасидан ўғил ҳам топиб оларсиз.

— Шукр, юрибмиз...— негадир гапга чап берди Исмоил ака.— Бу дунёда йўқдан бор бўлмас экан, бор-

дан йўқ бўлмас экан. Бормиз-ку, ишқилиб, йўқолмасмиз ахир.— Исмоил ака ўзини юпатиш учун доим шу гапни ишлатарди: «Бордан йўқ бўлмайди, йўқолмасмиз ахир».— Хўш, Дмитрий Қазимирович, ўзингиз нечага кирдингиз?

Губанов икки қариянинг шунчаки суҳбатига ҳорғингина қулоқ солиб ўтирган ёшларга қаради. Улар ундан бирон нарса кутар эдилар чоғи:

— Нима десам экан?— деди Дмитрий Қазимирович.— Ёшни агар йиллар билан ҳисобласак, сиз билан биз ҳали ёшмиз. Ернинг бир айланиб келиши — бир йил. У ҳамма учун бир хил айланади. Лекин одамлар унда ҳар хил яшайди. Уруш давридаги ҳар йил — икки йилга ҳисобланади. Агар саҳрода ўтган йил ҳам иккитага ўтса, мен ҳозир тахминан бир юз йигирмага кирдим.

Ёшлар кулиб юборишди-ю, дарров жим бўлишди.

— Дмитрий Қазимирович,— деди Саттор остонада ўтирган жойидан,— бу саҳрода биринчи олтин топган сиз экансиз, шу тўғрими?

— Нима десам экан?— Губанов ҳар вақт гапини мана шундай деб бошларди-ю, лекин аслида нима дейиш кераклигини жуда яхши билар эди.— Олтинни биров қумга кўмиб кетган бўлса эканки, уни қидириб юриб топиб олсанг. Йўқ. Аввал олимлар унинг қаерда қандай пайдо бўлиш қонуниятларини очишади. Олтин борлиги назарий жиҳатдан аниқлангандан кейингина иш бошланганиз.

— Қандай топгансизлар, айтиб беринг, Дмитрий Қазимирович?

— Битта мен эмас, биз кўпчилик эдик. Кўп йиллар давомида минглаб одамлар кезиб чиққан бу саҳрони,— деди Дмитрий Қазимирович,— мен сизларга биргина оқшом ҳақида ҳикоя қилиб берай. Давронов деган ўртоғим бўларди, олимлардан. Шундай ўжар, шундай шаддод эдики, олишиш, тишлашиш бўлса, сотиб оларди, қум бўронми, очлпк-ташналикми — нима билан эканлигининг аҳамияти йўқ, жиққамушт бўлиб олишса бўлгани. Қаерда даҳшат, ўт-олов, ўлим бўлса, ўша ерга бош суқар эди. Бир гал, мана шунақа куз пайти эди, группамиз қумда адашиб саккиз кун юрди. Ейдиган нарсадан фақат қанд қолган. Ҳар кун эртадан кечгача нуқул қанд еймиз. Қўзимизга заҳардек кўриниб қолди. Ушандан бери ҳали-ҳали қандни кўрсам, кўнглим озади. Биров қирс этиб

қанд тишласа, миямгача зириллаб кетади... Сув йўқ, ҳолдан тойдик. Давронов бўлса, йўл қидириш ўрнига, тобора жаҳаннамнинг ичкарасига бошлайди. «Қанд энглар, бунақанги ширин ҳаёт ҳамма вақт ҳам бўлавермайди», дейди. Уласи бўлиб, тилимиз танглаймизга ёпишиб зўрга судраляпмизу ҳазилнинг вақтини топганини қаранг! Йўқ, кейин ўйласам, қисматнинг зайли билан мана шу саркаш ўжарлиги бизни буюк хазинага бошлаб келган экан.

Қош қорайганда узоқда гулхан кўринди. Шунинг севинчи биланоқ баъзиларимиз йиқилиб қолдик. Бир-биримизни судрашиб, ўша ерга бир амаллаб етиб бордик. Бу кичкина ўчоғи билан буюк саҳрога жон киргизиб, биз каби адашганларга нажот бериб ўтирадиган бир кекса қўйчивон ўтови экан, чўпон ёнида куюнчак кампири-ю, сўпоқ бошли чўлиқ невараси. Биздақаларни кўп кўрган шекилли, дарров гўштни яшириб (оч одам бирдан ютқиқиб еса, ўлиб қолиши мумкин), ҳаммамизга икки қошиқдан шўрва ичирди-да, ётқизди. Чол сеҳрлаб қўйдими — билмадим, шундай қотибмизки, эртасига қуёш тиккага келганда чўлиқ бола итини вовиллатиб, осмонга милтиқ отиб иккитамизни аранг уйғотибди.

Саҳронинг шўр сувига қўй сутидан томизиб, ширчой ичганмисиз? Унинг олдида қайнатма шўрвангиз ўтаверсин, Сатторвой. Кампир меҳмон қиларди. Чол суҳбатини аямас эди. У бизга энди худди ўзи ясаб олган одамлардай қарар, чалажонларни тирилтирди-да. Қумтовдан олтин қидирганларнинг қисматидан бир оз киноя билан кулиб ҳикоя қиларди. «Бу эски гап, яхши одамлар экансизлару, лекин бари бир тополмайсизлар», дегандек. Худди кутганимиздек, чол афсона бошлаб юборди. Баъзилар мудрашга тушди, биз бу саҳрода афсонани кўп эшитганмиз, мен ўзим юздан ортигини ёзиб олганман, ҳаммаси олтин ҳақида...

Лекин чолнинг гапи Давроновни ҳушёр торттирди. Қўйчивондан сўраб чеккан сероҳак носни пуркаб ташлаб, ёнбошлаб олди. Чол ўзининг бобосидан эшитган қадимги бир воқеани гапириб кетди.

Бобоси ҳам мана шу Қумтов атрофида қўйчивон бўлган экану ўзига тўқ — ўтовлик, қудуқли, туяли экан. Қунлардан бир кун унинг ўтовини қора тортиб, ҳоли хароб бир одам саҳродан чиқиб келибди. Қарийб яланғоч, соч-соқоли ўсиб, қоқсуяк бўлиб кетган, дармонсиз бўлса

ҳам, туянинг калласидай катта қора тошни елкасида кўтарганча гандираклар кириб келганмиш. «Девона дарвиш экан, ақлдан озибди», деб ўйлабди қўйчивон. Лекин тикилиб қараса, мусулмон эмас, тил билмайди. Нима қилиш керак? Саҳронинг эзгу бурчи — ким бўлса ҳам адашганга сув бериб, йўл кўрсатиш. Қудуқ томонга бошлабди. Аттанг, хато қилган экан, шўрлик сув тўла пақирга ёпишибди, ҳай-ҳайлаганига қарамай, тортганга, сўкканга, тепганга қарамай, ютақиб ичармиш. Ичиб тутатибди-ю, йиқилибди. Кейин сургалиб бориб, қумда ётган қора тошнинг қучоқлаганча жон берибди бечора...

Чол шўрлик нима ҳам қилсин, қудуқдан нарироққа бориб қабр қазибди-да, ерлабди телба меҳмонини. Марҳумнинг на отини, на зотини биларди, бирдан-бир билган нарсаси шуки, кўтариб келган, у қучоқлаб ўлган қора тош бояқиш учун жуда ҳам ардоқли. Шунинг учун ўша қора тошни марҳумнинг сағанасига қўйибди...

Замонлар ўтади, кекса қўйчивон ўрнига унинг наваралари қолади, саҳрога қулоқ эшитмаган хабарлар, гоҳо харобали бўронлар, гоҳ хайрли муждалар келади, лекин қора тош қабр устида қаққайганча ҳамон тураверади.

Бир пайт қудуқ ёнига катта қарвон келиб тўхтади. Қарвонбоши чақмоқ саллалди, назари совуқ одам, жуда шошарди, мешларга сув тўлатаётган туякашларни қамчиларди. У мусулмон бўлса ҳам қудуқнинг эгасига куни бўйи бир оғиз сўз айтмайди. Лекин шомдан олдин айланиб юриб, қабрни кўриб қолади. Сағана тошнинг қайириб олиб, у ёқ-бу ёғини айлантиради, тирнаб қарайди-ю, югуриб қўйчивоннинг олдига келади. Тошни қаердан олганини сўраб бақира бошлайди, таҳдид солиб, айтишни талаб қилади. Қарвон аҳлида дув гап, шивир-шивир тарқалади: «Олтин! Олтин!» Қўйчивон бу тошни мана шу жойга кўмилган номаълум одам олиб келганини ортичиб айтиб, омон қолади. Қарвонбоши бир неча кунгача одамларни зир югуртириб, атрофни остин-устин қилган билан ҳеч нарсга тополмайди. Нимадандир хавотирда, талвасада бўлган қарвонбоши ҳеч нарсга тополмай, охири қуруқ жўнаб кетади.

Ҳикояга берилган одамлар кўп чекишиб, баракни тутунга тўлғазишган эди. Дмитрий Казимирович бош устида муаллақ турган қуюқ тутунни қўли билан ҳайдаб, давом этди:

— Халоскоримиз айтган афсона Давроновни оёққа

тургизиб юборди. У атрофин тоза текширтирди: жой, рельеф ҳикоядагига мос келарди. Лекин на қабр, на сағана тошидан ном-нишон бор. «Тошни қарвонбоши зар ҳошияли хуржунига солиб кетган», деди қўйчивон.

— Кейин нима бўлди, Дмитрий Қазимирович, кейин?

— Кейин нима бўларди? Давронов билан биз икки йилгача ўша ердан кетмадик. Чунки ҳалиги қора тош захда қолган кварц парчаси эканини фаҳмлаган эдик. У албатта, узоқдан келмаган. Чиндан ҳам, Қумтовни айлапиб, икки чақиримча келадиган бир жарликда туб қатламлар — гранит, унинг устида бақувват кварц томирларга дуч келдик. Аввал бу томирни яна йўқотдик. Ўша йили саратонда офтоб уриб дўстим Давронов ҳалок бўлди... Лекин бир неча километрлар нарида томир яна қалқиб чиқди. Унда ҳар хил хол-хол сариқ зарралар йилтиллаб турарди. Уткирроқ йилтиллагани — пирит, оралигидагилари — олтин.

Ҳазинага олиб борадиган сўқмоқни мана шундай қилиб топганмиз. Ўшандан кейин ҳам қанча мушкул воқеалар бўлди. Бу Давроновга ўхшаган неча-неча ажойиб юдамларнинг ҳаётингина эмас, иниларим, неча-неча йиллар, қанча-қанча эҳтирослар, неча-неча тирик жонлар, азиз умрлар...

— Неча йил бўлди шу воқеага?

— Ун икки йил.

— Вой-бў! Ун икки йилдан бери олтин ерда ётибдими?!— дея кўзларини катта очди Саттор.

— Пандавақи-ей,— деди ётган жойидан Ҳожимат,— миллион йилдан бери ётибди, нима ҳам қилар эдинг?

— Гап мана шунда, йигитлар, нимадир қилишимиз керак,— деди Губанов.— У оёқ остида узоқ ётмасин, десак...

— Нима қилиш мумкин?

— Нима қилиш мумкинлигини қурилишимизнинг бошлиғи Мардонқул Заргаров биладиганга ўхшайди. Мен кўриб-сезиб турибман. У ҳозир шу ўй билан уйқудан воз кечиб юрибди. Мен у билан маслаҳатлашиб, оқиба-тини кейин сизларга албатта айтаман.

— Йўл топиш керак, нима десангиз, биз тайёرمىз!

— Гап шундаки: бизга давлат олти йил муддат берган. Агар бу ишни бир ой олдин битирсак ҳам, анча-мунча яхлит олтин деган сўз. Биласизми, биз — олтин яратувчилармиз!

Бу гап давомида ҳамма Губановнинг атрофига йиғилиб келган, ҳатто Ҳожиматнинг ҳам катта ёввойи кўзлари пирпираб, манглайида тер доналари қалқиб қолган эди.

— Бир ой эмас... шунча норғул йигитлар туриб-а? Бир йил олдин тугатиш керак,— деди Гита.

— Йўқ, гап билан бўлмайди бу, биродарлар,— деди Исмоил қария,— ўйлаш керак. Менга қаранг, парторг, бу гапни халойиқ билиши керак. Бунга қизиқмаган одам бўлмайди, ҳа. Еш бола эмасмиз. Ҳар кимнинг, ҳар бригада, ҳар участканинг ўз ўйи бўлмаслиги мумкин эмас. Экскаваторчиларнинг фикрини мен сизга ўзим айтаман.

Губанов овқатга турмади.

— Йўқ, мен борай. Маша холанг ҳам бугун борш қилмоқчи эди, яна хафа бўлиб ўтирмасин,— деди ўрнидан туриб. Уни ўраб олишди: «Бизнинг борш бошқача бўлади!» деб қисташди. Бу юмшоқ, мулоҳазали одамга ётоқдагиларнинг меҳри ошиб қолган эди. Губанов ҳам зинани пайпаслаб ташқарига чиқар экан, ана шу одамлар билан танишганидан мамнун эди. Бу оқшом катта хамирга ачитқи тушди. Эртага шу ғулув шабадаси йўлчиларга, карьердагиларга, ЛЭПчиларнинг дала базаларига, газ қузури трассасига, бетончиларга, уй-жой қурилиши комбинатининг котлованларига, топографларнинг лагерларига, автогаражларга, саҳро бағрида мўр-малахдек ўрмадаган одамларнинг ҳаммасига етиб боради. Губанов азамат бир вужуднинг эзгу бир ўй билан салмоқли тўлғанишини кўз олдига келтираркан, ҳали бу ўйнинг нимадаң иборат бўлишини билмаса ҳам, кўкси кўтарилиб, ўзида қудратли бир куч сезди.

Жонажон саҳро туни. Яйдоқ аёз, изғирин. Юлдузлари ёт бўлиб қетган пастак осмон. Оёқ остидан учган қум яккам-дуккам қовжираган гиёҳларга урилиб шитирлайди, узоқ шимолдан келган кеч куз шамоли иссиқ манглайига намхуш қоқилиб, асабларга ором беради.

Саҳро ҳам оромда. Эртага бу чексиз қоронғилик узра яна қуёш кўтарилади. Каттакон қуёш...

6

Бошқарма тонгданоқ арининг инидай гувиллаб қолган эди. Заргаровнинг ҳам бугунги эртаси катта қувонч билан бошланди. Телефонда у Свердловскдан илгари

бирга ишлаган ўртоғини топиб олди. Монтажчи инженер Сандро Мкртчян Заргаровнинг ўзига ўхшаш беҳаловат, зеҳни ўткир рационализатор, монтаж ишларининг тенги йўқ устаси эди. Заргаровнинг ундан умиди катта, саҳро шароитида мураккаб монтаж ишлари муддатини қисқартириш учун фақат Сандро керак эди унга. Лекин ошнаси ҳадеганда унайвермади.

— Дайдиликни ташлаб, ўтроқ бўлиб қолдим, еттига болам билан сенинг саҳронгда нима қиламан,— деб терс туриб олди, кейин трубкани ҳовучига қамаб:— Маро иккиқат,— деб шивирлагани эшитилди.

— Саша, Саша,— деди Заргаров ялиниб,— катта гап бор, келганинда айтаман, мактабдагиларни қолдириб, ичкиналарингни етаклаб келавер, оғайни, мен борманку, қачондан бери саҳродан қўрқадиган бўлиб қолдинг?

— Нима ўзи, арзийдиган нарсами?— сал ён бергандай сўради Сандро.

— Олтин саралаш комбинати. Мана, макети рўпа-рамда турибди. Оламда кўрилмаган ноёб нарса,— деди Заргаров севиниб.— Назаримда, сенсиз бўладиган иш эмас.

Қисқаси, инженер Мкртчяннинг ўжарлиги синди. Синмаса ҳам, ҳар қалай, нозик жойидан дарз кетди. Хотини Маро билан маслаҳатлашиб кўришини айтди-ю, лекин Заргаров биледи — бу унинг розилиги эди. Чунки Мароси ўзидан ҳам яхши, хуллас, дўстнинг илтимосини ерда қолдирадиган одамлар эмас. Заргаров катта бир ишни битиргандек, кафтларини бир-бирита ишқаб, ташқарига чиқди-да, машинага ўтирди.

У яқинда саҳрода пайдо бўлган меҳнат колонияларидан хабар олмоқчи эди. Бу колониялар, Заргаровнинг илтимосига биноан, бошданок асосий объектларга яқинроқ ерларга жойлаштирилди, маҳбусларнинг кўпчилиги, айниқса, шартли озод қилинганлар қаттароқ коллективларга яқин жойларда, сал-пал аралашиб ишласа, бу уларнинг келгусидаги тақдирига яхши таъсир қилади, деб ўйларди Заргаров. Уларга бошдаёқ «инсон» деб қараш, ишонч билдириш, саҳронинг қайта туғилаётганини кўзларига рўйност кўрсатиш — ўзларининг ҳам қайта туғилишига сабаб бўлади, деб қаттиқ ишонарди.

Соқчилар унга честь бериб, ичкарига ўтказишди. Ҳозир ҳамма ишда эди. Лейтенант формасидаги ёшгина

комендант унга чўзилиб кетган тахта сўриларни кўрсатди. Хувиллаб ётган ётоқлар руҳга аллақандай таъсир қиладиган; бефайз, уларнинг бу қадар кўплигини, бу қадар бир ҳиллигини кўриб, шундай кенг саҳрода ҳам одамнинг юраги сиқиларди. Қиличини яланғочлаб қиш келяпти, тахта деворларнинг тирқишидан қаҳратонда гуриллаб совуқ кирса керак... Заргаров пешонасини тириштириб, бир оз айланди-ю, ҳозирча бир нарса деёлмай, печкалар қурдириб беришга ваъда қилиб, тезда қайтиб чиқди. Бундай бекордан-бекорга табиати хира бўлишини ўйламаган эди у. Одам боласига ҳайрон бўласан. Дунёда шунча беҳисоб хайрли ишлар, шунча чексиз кенгликлар, чорлагувчи йўллар туриб, бирдан-бир азиз умрини руҳий зулматга дучор этади. Энди кўпчилиги тавбасига таянган-ку... Лекин инсонлик қадрига ачинасан.

Мана, улар уй-жой қуриш комбинатининг арматураларига бетон қабул қилишяпти, гишт ташишяпти. Бир қарашда оддий ишчилардан фарқлари йўқ. Аммо дилларини зил бир мусибат тимдалаётгани юз-кўзларидан барибир билиниб туради. Бу мусибат бардошга айланадими, пушаймонгами, аламзадаликками — кимга боғлиқ?..

Заргаров тор изли терим йўл қурилишида ишлаётган маҳбуслар орасидан ўтди. Булар касб-корига қарамай, ёппасига оғир қўл ишларига қўйилган эди. Кузнинг шамолли кунни, чанг кўтарилган, гоҳо трасса бўйлаб ёғоч оёқда ёзғи эслатиб югургандек кучсиз гирдибод буралиб ўтади. Заргаров дилидаги чиркин гашликни гоҳо қўпол ҳазил билан, гоҳо беҳаё сўкинмиш билан хаспўшлашга уринган бу одамларнинг кир юзларига зимдан қараб қўяр, уларнинг ўйларини билгиси келар, баъзан эса улар, у ўйлагандек, шунчаки «тавбасига таянган нотавао шўрликлар» эмас, тақдири чигал, табиати мураккаб, ҳатто «хатарли шахслар» бўлиб кўринар эди.

Заргаров қумда этигини сўдраб, чанг-губор ичида нафаси тикилиб, трассанинг охирироғига етганида, нақ қулоғининг тагида қаттиқ занг чалинди. Устунга осилган рельс бўлаги хунук титраб янграр эди. Шу пайт соқоли ўсиқ, қулоғи чиноқ бир маҳбус елкасидаги бетон шпални гурс этиб ташларкан, Заргаров унинг кўзларини алланечук йилтиллаб, чақмоқдек чақнаб кетганини пайқади. Яна бир қараса, у ерга тикилганча ёни билан

турар, қотиб қолгандек эди. Заргаровнинг юраги «шув» этиб кетди. Қандайдир мойга беланган қўли билан пешонасини сидириб, ўша томон бир интилди-ю, у ҳам тўхтади. Манглайда кир бармоқнинг изи, жойидан силжиёлмай тикилиб тураркан, ҳалиги одам кескин қайрилиб, жўнаб қолди. Заргаровни ҳам ўша томон юришга нимадир мажбур этди. Баданига совуқ тер қалқиб чиққан, кўнгли алағда эди. Ҳалиги одам нарироқ бориб, жазирама қумга қоқилган ёғоч столлардан бирида, шериклари қатори тушлик кута бошлади. Заргаров ўша томондан айланиб ўтди. Маҳбуслар: «Хой галстук, бизнинг ёвфондан татиб кет!»— дея хахолаб кулишар, Заргаров эса ҳалиги одамнинг кўзини излар эди. У одам ҳам буни сезди, лекин алюмин товоғидан бошини кўтармади, Заргаров унинг кўзидаги сирли йилтиллашнинг нима эканини билолмади, жўнаб кетди.

Бу йилтиллаш унинг кўнглида ёқимсиз бир ғашлик қўзғаган эди. Агар ўша ўйлаган одами бўлса, бу ялтиллаган совуқ қасос тиги бўлиши ҳам мумкин. Наҳотки ўша бўлса? Қотил...

Заргаров ҳеч қачон бунақа довдирамас эди. Қадами тезлашиб бораётганини сезиб, ўзини босишга уринди, галстугини ечиб, бўйинларини сидириб артди. Тусмоли ўринсиз, ўшанинг ўзи! Заргаров уни таниди. Қулоғи чиноқ, юзи тунд, қошлари туташиб кетган... Айбдор... «Айбдор Мамат Яҳёев!» Лоп этиб номи ҳам ёдига тушди. Заргаров уч кунлик суд давомида бу номни эшитавериб, юраги безиллаб қолган эди ўшанда.

Ажабо, қисматнинг ўйинини қаранг. Ўзи шафқатсизлик билан етти йилга кестириб юборган одам энди ҳар куни ёнгинасида юрадими? Унинг хаёлида нималар бор? Танидимми?

Бошлиғининг бугунги аҳволига Бобош ҳам ҳайрон. Маслаҳатли гаплари бор эди, айтолмади. Ишдан кейин ётоғига олиб бориб қўйди ҳам, ундан бир оғиз гап чиқмади.

Заргаров бугунги чиройи ҳеч кимга ёқмаслигини ўзи ҳам биларди. Лекин нима қилсин, Мамат унинг хаёлидан нари кетавермади. Унда ёлғиз қолганида, айниқса, хунук хаёллар ёпирилиб келиши турган гап. Бошқа кечалари Фотима, бугун эса — бу...

Ҳамма хаёлларни қувишга қарор қилди. Совуқ сувда ювинди, чироқнинг пилигини кўтарди. Электр линиялари

трассасининг схемасини қўлига олди. «ЛЭП» деб ёзилган эди унинг тепасида. ЛЭП... зап беўхшов сўзлар ўйлаб чиқаришади-да. Кеча бу схемани бош инженер қўлидан олган эди. Биринчи қарашдаёқ унда бир иллат бордек кўринди кўзига. Кечадан бери дам қўлига олади, дам қўяди, нимасини ўйлаш керак эди — сира тополмайди.

Яна фикрини бир жойга тўпловмай, кўнгилсиз жилмайиб қўйди ўзича. Қизиқ. Ўзининг бу аҳволи ўзига нашъа қилиб кетди. Шунча катта, масъул ишлар, ўйлар бодидан ошиб ётса-ю, қаёқдаги бачкана ваҳималардан кутулолмасал..

Дарҳақиқат, нима учун у бу ишлар билан шуғулланиб юрибди? У қурувчи бўлса! Нега ҳар нарсадан ташвишга тушавериши керак? Унинг ҳам ўз руҳий лимити бор, уни бениҳоя кенгайтира олмайди-ку...

Лекин ҳалиги Мамат чиноқ ҳақидаги хира хаёл яна ёпишиб келаверди. «Айбдор Мамат Яҳёев!» деган хитоб янгради қулоғида. Бу ҳукм эълон қилган суд раисининг овози эди. У кунларни эслаш ўзи даҳшатли. Заргаров қаттиқ туриб қотилни шафқатсиз жазолатишга эришди-ю, охириги кунни суд залининг йўлагига унга тасодифан рўпара келиб ғалати бўлиб кетди. Икки соқчи орасида ўтиб кетаётган сочлари қирилган ёшгина йигит, ўша Мамат Яҳёев, орқасига қайрилиб қичқирди: «Ёш умрни хазон қиляпсиз. Севган қизим бор... Қўрқмайсизми? Мен тирик қайтаман-ку! Сизни бир кўриш учун жонимни жабборга бериб бўлса ҳам тирик қайтаман-ку!»

Заргаров бу сўзларни эслаб, назарида, сочларининг томирларигача музлаб кетгандек бўлди. Қотил у пайтларда ёш эди, ҳозир етилиб, давангидай бўлибди, суяклари бузуқ, қошлари туташ... Суд вақтида нимадандир умидвор, ҳар замонда истехзоли жилмайиб қўйгувчи эди. Ҳозир бунни ҳам унутганга ўхшайди, хира кўзи совуқ чақнайди...

Одамзодга хотира нега керак экан-а? У бўлмаса нима бўларди? Хотира бўлмаса, ўтмиш бўлмаса, фақат келажак, келажакка интилиш бўлса! Бунга рози бўладиганлар кўп топилар эди. Мана, масалан, ўша Мамат... Унга у ўтмишнинг нима ҳожати бор? Хотиралар уни ёмон йўлга бошлаши мумкин, холос.

Заргаровнинг ўзи учун-чи? Йўқ, унга ҳаммаси ҳам керак. Ўтмиш ҳам, келажак ҳам. Ундан ташқари ҳам

яна нимадир керак унга. Одамлар белгилаб берган рамкага барибир сиғмайди. Негадир ҳамма нарса тор. Ҳатто саҳро ҳам... Бу ерда ҳам унинг ҳаёти негадир жўшмай турибди. Ниманидир ёриб чиқолмай бўғилиб ётибди. Мана бу бемаъни ёлғизлик кечалари, бачкана ўйлар...

— Бас қилиш керак... Бас қилиш керак!— дерди у қоронғида тўлғаниб.

Уч ярим ойдан бери биринчи марта ўз уйи атрофида пайдо бўлди. Панжара орқасидаги печак гуллар тонг қировидан ерга қапишган, деразаларда чироқ йўқ эди. Заргаров чарм курткасининг чўнтагидан калитни чиқариб, эшик олдида бирпас тўхтаб қолди. Юзида ширин хаёлнинг майин жилваси бор эди: у эски гапларни эсига солмайди, юракни кенг қилади. Ҳозир уйқуда ётган бўлса керак, иссиққиналигича шундоқ қўлига кўтариб олади-да, бағрига босиб, ўпиб, чақчақ билан ҳамма ғуборини кўнглидан кўтариб юборади. Ешлигида шундай бўларди. «Нега мунча бедарак кетдингиз», деб хотини зарда қилар, уришар, юзига шапатилар, у бўлса ҳамон тўймай билакларидан, елкаларидан ўпар, қизартириб юборар эди. Буни унутиб бўладими? Бунинг учун жаҳл устида айтилган унча-мунча гапни эшитмасликка олиши ҳам мумкин-ку?

Заргаров эшикни шовқинсиз очди. Уй қоронғи, пардалар туширилган, катта тошойна, стол, китоб жавонларида қалин чанг. Заргаров хонадан хонага югурди. Ётоқда ҳам ҳеч ким йўқ, сербар каравотда жойнинг тахи бузилмаган. Заргаров оҳор ҳиди келиб турган чойшабларнинг тонгги оқиш совуқ рангига қараб, юраги ҳам бир зумда ҳувиллаб қолгандек туюлди.

Қаёққа кетган бўлиши мумкин каллаи саҳарлаб? Театрда тунамайди-ку?.. Қанғиллаган қўрадек қаровсиз ётган уйда Фотиманинг овози янграб кетгандек бўлди: «Мен тирик беваман...», «Соянгизга айланиб қолдим...», «Елкаси яғир ҳаммолсиз!..»

Заргаров икки қўли билан қулоқларини беркитди. Уша — кўнглида нимадир қаттиқ дарз кетган хосиятсиз оқшом бутун қутсизлиги билан кўз олдида гавдаланди. Тавба, бу қандай азоб бўлди! Ҳақорат, кечириш, сўғиниш, изтироб, алам, ҳижрон, қўмсаш, бардош... ҳаммаси жиндаккина шодлик учунми? Қани ўша, ўша ҳам йўқ-ку? Ким айбдор? Ҳаммасига ўзи! Ўзи айбдор! Хотин

олдингми — ҳароратинг билан ардоқлагин-да, Бу бемехрликка ким чидайди, хотин шўрликда нима гуноҳ... «Ут билан ўйнашяпсиз, мен ҳам тирик жонман...» Бу гал шивирлаш эшитилди қулоғига, Бу ҳам Фотима, унинг оловли нафаси қулоғига тегиб ўтгандек бўлди.

Заргаров саҳро чанги сингган этиги билан ғира-шира, бўм-бўш хоналарда қизил гилам устида у ёқдан-бу ёққа юрарди.

«Хотин олдингизми — иссиқ қучоғингизда ардоқланг».

«Унда хотин бўлиш жуда осон, жўн иш бўлиб қолади-ку, Фотима?»

«Осон, қийин деган сўзларга нима бор? Муҳаббат бу. Муҳаббат осойиш, фароғат, севинч бағишлаши керак эмасми?»

«Осойиш, фароғат!.. Ҳа, агар хотин фақат хотин бўлса. Лекин у бунинг устига дўст ҳам, маслакдош ҳам, қанот ҳам бўлса-чи?»

«Бировнинг қанот-қуйруғи бўлиб юришда бахт борлигига шубҳа қиламан».

«Бировнинг... Қисқаси, менга хотин бўлиш мушкул ишга ўхшайди...»

Заргаров кейинги ўйини барала-овоз чиқариб айтди. Қараса, девонага ўхшаб, сал бўлмаса ўзи билан ўзи гап-лашяпти. Шартта эшикка қараб юрди. Жиндак ором илинжи билан келган уйдан ҳориб-чарчаб кўчага чиқди.

Совуқ, туманли эрта. Асфальтга ҳам хазон ёпишган, йўлкаларда қатнов энди бошланаётган эди. Этик, плаш кийгаң, қовоғи солиқ одамга лаблари кўкарган мактаб болалари салом бериб ўтди. Бу ер саҳро эмас, ўйингми ҳам ўйлаб улгуролмайсан — кўча тугаб қолади. Йўлка-ма-йўлка юриб, бир жойда бошини кўтариб қараса, Шоаҳмад Аббосовнинг эшигида турибди. Қайси бир шайтони-лаъйн бошлаб келди бу ерга? У ўйига ҳам келмаган эди-ку? Тўғри, туманда сал жунжикиб қаёққадир қадам ташларкан, миясининг аллақасеридан Алексейнинг қиёфаси йилт этди, унда унинг Фотимани қаердадир Шоаҳмад билан кўрганлиги ҳақидаги гапи ҳам кўнглининг бир чеккасида ғимирлаб қўйган эди. Лекин Заргаров зинҳор бу ерга келишни ўйлаган эмас, Фотимани шундай пайтда ана шу даргоҳда топниш ҳақида ўйлаш чиркин, пасткашлик бўларди...

Заргаров шундай деб ўйлади-ю, ё ўйлаганча бўлмадими, хуллас, подъездга кириб кнопкани босганини ўзм

ҳам билмай қолди. Энди фурсат ўтган эди. Дарвоқе, қайтишнинг нима кераги бор? Узоқдан келганида уйи берк бўлган одам бир собиқ мактабдошининг эшигини қоқолмайдими? Ёки йирик қурилиш бошлигининг область ижроия комитети раисидан зарур юмуши бўлмайдими?

Эшикни Шоаҳмад Аббосовнинг ўзи очди. Очди-ю, кутилмаган меҳмонга сира ҳайрон бўлмасдан, қучоқлашиб кетди. У пижамада, режими бўйича тонгда туриб ювинган, кийинган, «Шипр» ҳиди анқиб турар эди. Аббосов жуда режими, батариб одам: кунига тўрт маҳал овқат, тан-соғлик учун кундуз ҳам бирпас мизғиб олиш... Шу одатларини ҳеч қанда қилмайди.

— Фотима уйда йўқ экан, ҳозир қайтиб кетадиган эдим, баъзи маслаҳатли ишлар эсга тушиб...— дея, келишига дарров расмий тус беришга уринди Заргаров.

— Ҳа, улар гастролда, кечагина кетишди. Қани, ечининг, зап келиб қолибсиз,— деди Аббосов ивирсиб. Хизматкор кампирни чақириб нималардир буюриб юборди.

Заргаров ўзидан-ўзи мулзам бўлиб, ўтириб қолди. Ҳар йили шу ойда гастролга кетишини билар эди-ку! Бу қандай эси пастлик бўлди? Бекордан-бекор изтироб... Яна бу ерга кириб келиш? Айниқса, кирганида остонадаёқ беихтиёр у ёқ-бу ёққа кўз югуртирганни эслаб, ўзига нафрати келди.

— Сиз овора бўлманг, Шоаҳмад Аббосович, икки оғиз гапим бор, холос...— У ўз аҳволини яширишга, хижолатдан қутулиб олишга ошиқарди. Лекин қутулолмас, бунинг устига шайтон унинг кўнглига яна номуносиб ўйларни солар эди; дарвоқе, намунча ҳамма нарасадан хабардор? «Кечагина кетишди...», «Ундоғ-мундоғ...», хотиним ҳақида менга изоҳ беради...

— Шошманг энди, озиб-ёзиб бир келибсиз, нима десаңгиз, ҳаммасини гаплашамиз...— деди Аббосов ичкари хонадан. Хоналар ёруғ ҳам эмас, қоронғи ҳам. Шафтоли гулли дарпардалар орқали тушиб турган эрталабки қуёш нуриданми, қандайдир бурчаксиз, бахмал ғилофли мебелларданми, ҳамма нарса мулоим, юшоқ туюлар эди. Уй ёғисининг ўзи ҳам, оқ ёқага галстук тақиб, янги костюмда юм-юмалоқ бўлиб чиқиб келди. У ўрта бўйли, капалак мўйлов, сочи топ-тоза қирилган, юзи қизил,

юмалоқ, оғзи тўла тилла тиш, чехрасида ўша-ўша табас-сум. Заргаров унинг болалигидан бери бировга қаттиқ гапирганини билмайди. Ҳеч қачон ҳаяжонга ҳам эрк бермас эди. Ёшлик чоғлари ишқу муҳаббат билан дард чекканини ҳам эшитмаган. Қизлар уни яхши кўришарди-ю, у парво қилмасди. Заргаровнинг назарида, у ёшликни, худди ширин шарбат ичгандек, шавқ билан, шошмасдан ичиб юборди. Камдан-кам иккиланди, баҳсларга эса бош қўшмасди. Кейинги йиллар саҳрода юриб, улар кўп ҳам кўришмай кетишган эди, ҳали ҳам ўша-ўша экан. Шоаҳмад Табассум...

Заргаров ичида кулиб қўйди. Бу кўнглини ҳам бир оз очди.

Собиқ мактабдошини охири марта у бундан икки йил аввал кўрган эди. Ушанда дўсти пул-буюм лотереясида гиламми, хлодильникми, ишқилиб, нима ҳам ютган, димоғи чоғ, чехраси худди чақнаб тургандек кўринган эди. Ҳозир ҳам шу. У ўзи бир умр шундай яшади, қачон қарасангиз, худди ҳозиргина заёмдан бир нима ютгандек, юзида табассум порлаб туради.

Аббосов ҳамма нарсаи ўртача, ҳар жиҳатдан мўтадил, ҳар томонлама омади келган одам эди. Бирор нарсаи кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас. Болалари ҳам учтагина, улар ҳам оталаридек қип-қизил, соғлом, ҳозир катта бўлишиб, ҳаммаси ўз бахтини топиб кетган. Хоналари ҳам учтагина, шинам. Маоши ҳам кўп эмас, оз ҳам эмас— баракали.

Икки-уч йил аввал узоқ касал бўлиб ўлиб кетган хотинининг хотираси ҳам уни унча қийнамади. Тақдир ҳамиша унинг вақтичоғлигининг гамини еб юргандай эди.

— Бирпас ўтирайлик, қиттак-қиттак қилайлик, ахир?!

— Йўқ, жуда барвақт.

— Ахир бирга ўқиганмиз, бир партада ўтирардик. Мени бўшанг топиб, баъзан дўппослаб ҳам қолардингиз, ёдингиздами?

— Ҳа, анча тузук дўппослаган эканман, кўрдингизми, қандай катта амалдор бўлиб кетдингиз!

Икковлашиб кулдилар.

— Масала бундай,— деди Заргаров бирдан муддаога кўчиб,— бир жойда мўмайгина олтин ўмаришнинг хонаси келиб қолди, Шоаҳмад Аббосович.

— А?— Аббосов терилган қошларини учириб, бир қизиқиб қаради-ю, гапнинг ишдан бошланганини пайқагач, меҳмонни дастурхонга етаклади.— Хўш, хўш?— чой қуяркан, диққат билан қулоқ сола бошлади.

• Заргаров ўз режаларини батафсил гапириб берди. Сахродаги ҳамма йирик қурилишларнинг бошини қўшиб, ақлу тадбир билан иш кўрилса, баъзи лойиҳаларни, муддатларни, объект навбатларини бошқатдан кўриб чиқиб, бошқармалар, министрликлар билан келишиб, параллел ишларни, ортиқча сарфларни камайтирилса...

Аббосов худди ўз жонажон фикрларини таниб роҳат қилаётгандек, мастона тебраниб тинглар, «Жуда соз», «Албатта-албатта», деб маъқуллаб қўяр эди. Унинг бир одати бор: биров гапирганда жуда таъсирланиб, аллақандай имо-ишоралар билан гапга жўр бўлади. Масалан, борди-ю, уруш даҳшатлари ҳақида гап кетса, панжалари билан юзини тўсиб, муҳаббат ҳақида гап кетса, кўрсаткич бармоғини лабига босиб, ширин жилмайиб қулоқ солади.

— Жуда ажойиб экан-да бу режаларингиз, дўстим!— деди у зарҳал нозик пиёлаларда чойни янгилаб.— Дарҳақиқат, кўп ишлар қилса бўлади. Қаранг-а.

Бу Аббосовнинг одатдаги тайёр, шавқли-завқли гаплари эди. Лекин ҳозирги вазиятда Заргаров шундан ҳам хурсанд бўлди. У давом этиб, баъзи бошлиқлар билан учрашганини, аввало Сангиновнинг қаршиликлари, кўрсатган далилларини ҳикоя қила бошлади.

— Сангинов денг?! О, худбин-эй! Лекин у ҳам ҳақли, мен сизга айтсам, унга ҳам қийин,— деди Аббосов.

Заргаров Сайрамов билан бўлган гапларга ўтди. Мармар конидаги директор билан тил топганини ҳам тавсифлаб берди. Бу шартлашувлар ҳар томонлама фойда келтириши, айниқса, вақтдан ютишга имкон беришини мамнуният билан таъкидлади.

— Ҳа, ҳа, вақтдан ютиш айниқса муҳим: бунинг аҳамияти катта,— дерди Аббосов. Таниш исмларни эшитганда ёқимли жилмайиб қўйишни ҳам унутмасди.

— Лекин булар ҳаммаси, маълумки, ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, Шоаҳмад Аббосович,— деди Заргаров,— бу йўл билан боришга қарор қилсак, жуда кўп ташкилотларни, анчагина одамларни безовта қилишга, баъзи одатий кўрсатмаларни, лойиҳаларни бузишга, дурустгина баҳсларга аралашиб тўғри келади. Таъвишли иш.

— Ташвишли, ташвишли,— деди Аббосов,— сергалва иш бошлабсиз...

— Шу туйфайли область ижроия комитетидан баъзи илтимосларимиз бор. Энди ўзингиз ҳам қўллаб-қарашиб юборсангиз.

— Албатта, албатта,— деди Аббосов. Унинг ҳузурига илтимос билан келган ҳар бир кимса хурсанд бўлиб кетиши керак. Бу — қонун.— Мен бугуноқ муовинларимга эслатаман, қани, дастурхонга қаранг.

Дастурхонда ҳолва, новвот, мураббо... нуқул ширинлик. Заргаровнинг буларга унча ҳуши йўқ, шундай бўлса ҳам чимчиб ўтирар, таомгагина эмас, гапга ҳам ҳафсаласи совий бошлаган эди. Аббосов у қўйган масаланинг бутун миқёсини тушунмади шекилли. Тарозининг шайинидек, нуқул оғир томонга босади. «Муовинларимга эслатаман...» Муовинлар қуршовида яшашнинг ҳадисини олган раҳбарлар бўлади-да. Бу уларнинг ўзларига ҳам қулай, муовинларига ҳам. Юмшоқ шляпаларининг сербар соявони остида доим соя-салқин...

Заргаров гапни давом эттиришдан наф тополмай, диван тепасига қоқилган расмли гиламга — кўлда сузаётган оққушларга тикилиб қолди.

— Зўр-ку!

— Тушунарли,— деди Аббосов,— одам қийналиб ўтирмайди. Ё сиз ҳозирги учбурчак-тўртбурчакларни яхши кўрасизми? Мен кўрдим Пикассо деганини ҳам, бош қотиришга арзимамайди...

Заргаров индамади.

— Кўзингиз киртайиб қолибди, ўзингизни қийнаб қўйибсиз, Мардонқул,— деди Аббосов меҳмоннинг озиб, унниқиб кетган юзига астойдил ачиниб тикиларкан.— Дам олиш керак, бу дунёнинг гами деб ўлиб кетамизми энди, барибир ҳамма ишни ўзингиз қилолмайсиз.

— Биз қилмасак, ким қилади?..— ҳорғин сўради Заргаров. Асосий мавзудан чалғиб кетган бекорчи гап уни яна ҳам чарчатмоқда эди.

— Жамоатчилик қилади, халқ қилади!— деди Аббосов қулочини ёзиб.— Ажойиб халқимиз бор! Мен доим халққа таянганман. Унинг қудрати олдида сиз билан биз нима эканмиз? Биз унда бир заррамиз, мен сизга айтсам.

— Зарра...— Заргаровнинг товуши пастлашиб кет-

ди.— Шамол учирган томонга қараб учаверишимиз керак, денг?

— Нега энди?— юмшоқ табассум билан аллалаб гапирди Аббосов.— Учиш эмас, яшаш керак. Яшаш учун туғилади инсон боласи.— У ўрнидан туриб, гиламни юмшоққина босиб буфет олдига борди.— Эллик граммдангина қуяман. Яхши коньягим бор, чарчоғингиз чиқиб кетади.

Ичдилар. Ҳақиқатан ҳам ютуми яхши экан, Заргаров тетик тортгандек бўлди.

— Яшаш яхши, ҳеч ким қарши эмас,— деди у,— лекин ишни ким қилади?

— Э, Мардонқул оғайни,— уй эгасининг ҳамма тишлари ялтиради,— сиз билан бизнинг даражамизда ишни одам эмас, амал қилади.

— А?

— Ҳа, ҳа, мартабамиз қилади. Мана, ўзингиз шундай дабдабали ишларни қўзғаб, ҳаммаёқни алғов-далғов қилиб юрибсиз. Бошлиқ деган номингиз, мартабангиз бўлмаса, бунинг қайси бирини қила олардингиз?

Заргаров тансиқ коньякдан сал гангиган калласи билан ўйлаб қараса, тўғри гап, катта ишга — катта ҳуқуқ керак. Лекин Аббосовнинг гапига негадир ғашин келди.

— Амалга миндик — ағанаб ётаверамиз, денг?

— Қизиқсиз...— хафа бўлмади Аббосов.— Менинг ишим шу мартабамнинг зил-замбил юқини кўтариб юриш, бу — оғир иш.

— Ҳа, Мономахнинг шапкаси оғир, дейишади руслар.

— Ҳа-да! Оғир бўлмаса, уни ҳамма ҳам кўтариб юрар эди. Бинобарин, жиндак ёнбошлашга ҳам ҳаддим сиғади. Чунки менинг мартабам номи билан у ёқда қанча ишлар битяпти!

Заргаров столга эгилиб ўтирган жойида патак қошини уйиб, ичига чўккан кўзларини сузганча Аббосовга пастдан қаради.

— Неча йилдан бери шунақа?..

— Қанақа?

Заргаров унинг ҳайрон бўлганини сезмагандек, коньяк қўйди, яна эллик грамм ичиб қўйди.

— Кечирасиз,— деди кейин,— мен фалсафангизни тушунмадим. Сиз билан биз нима бўлдик энди шундай

қилиб? Амал дўпписи қўнқайтириб қўйиладиган кетмон дастами? Ё полиздаги қўриқчими?

Аббосов яйраб кўлди. Унинг очиқ табассуми худди қалқондек, баҳсга астойдил кириб, гапини қайириб ташлашга сира йўл қўймас эди.

— Мен, масалан, ўзимни кичкина одам демайман, — беозор давом этди у. — Баъзилар бор, жавобгарлик талаб қилсангиз, «Мен кичкина одамман», деб қутулиб кетади.

— Жуда тўғри.

— «Катта одам» ким? Одамни амал «катта» қилади. Одамни табиат яратади-ю, лекин шахс бўлиб етишиш ўзимиздан.

— Жуда ҳам тўғри, — такрорлади Заргаров. У ширакайф эди.

— Сиз билан биз шахс бўлиб етилгунча, обрў орттиргунча қанча заҳмат чекдик, энди обрўйимиз бизга хизмат қилсин. Бизнинг номимиз билан катта ишлар битади.

— Тўғри айтдингиз, келинг ичайлик! — Заргаров суҳбатдошига маъносиз қаради. — Бизнинг номимиз билан ҳамма иш битади, ғам еманг, — у охириги рюмжани ичиб юборди-ю, гўё иши битгандек, гўё бу ерга фақат нонушта қилгани келган кишидек, плашини кия бошлади. «Менинг дўстим жуда кўп турли амалларда юриб кўрди, фақат инсонлик мартабаси насиб қилмади унга!» — дея ўзича тўнғиллаб декламация қилди.

— Нима дедингиз?

— Йўқ, сиз бугун — амал ҳақида гапирдингиз. Ёзувчи Александр Герцен ҳам бу ҳақда яхши айтган. Шу эсимга тушиб кетди, — деди Заргаров чиқаётиб. Улар хайрлашдилар. Заргаров нотаниш одамга қўл бергандек, кўзини пирпиратиб юзига тикка қаради. Шоаҳмад Аббосовнинг табассуми қандайдир бениҳоя, орада ҳеч гап ўтмагандек, беғубор эди.

Дарҳақиқат, нима гап ўтди? Ҳеч нима. Нега бўлмаса, бу беозор суҳбатдан, бу аъло коньякдан, бу илиқ табассумдан кейин Заргаровнинг кўнглини шу қадар оғир гашлик чулғаб олди? Сангинов билан уршиб чиққанида ҳам бундай бўлмаган, қайтага енгил тортган эди.

Заргаров ичкиликдан кўрди. Бўшаштириб, дилни хири қилган ўша. Ойлаб оғзига олмаган нарсани нима қиларди ичиб...

Дмитрий Казимирович Заргаровнинг эски ЯК-12 самолётини рус эртақларидаги жодугар миниб учадиган ўзиучар «супурги»га қиёслаб, «кампирнинг супургиси», деб куларди. Бошлиқ «супурги»да учганда Бобош пақ-қос бейш қолади. «Газик»ни идоранинг соя томонига қўйдиди-да, қизлар ётоғига жўнайди ёки самосвалчилар атрофда ўралашади.

Заргаров бугун ҳам кетди. Совхозга. Жалпақова билан холодильник қуришмоқчи. У Тўмарис дегани худди саҳро қирғийи, ўтдек ёпишадиган жувон экан, бошини айлантириб қўймаса-да бошлиқнинг. Бобош шу хавотирини айтганида, Мария Власовна уни ўқлов билан туширишига сал қолди.

Огзингга қараб гапир, у сенга ўхшаган енгилтак эмаски, бўш қолди дегунча қизлар ётоғига ғизилласа!

«Бўш қолди дегунча» эмиш... Бўш қолиш ҳам гапми? Мана бугун куни билан тентирайди...

Лекин ҳалиги гапдан кейин қизлар ётоғига эмас, карьер очаётган самосвалчиларнинг олдига борди. Бобош бу азамат машиналарнинг қудратига қойил қолар, уларнинг чанг тўзғитиб гувиллашини, темир кузовларнинг ўнлаб тонна юк остида салмоқ билан тебраниб келиб ағдарилишини, одам бўйи бақувват филдиракларининг худди танк сингари саксовул буталарини босиб, ўр демай, қир демай, тикка ошиб ўтишини завқ билан томоша қилар эди. Афсоналардаги ҳўкизсимон ҳайвонларга ўхшаш бу темир махлуқлар бир жойда тепаликни олиб ташлаган, бир жойда жарликдан йўл очган, карьер бўладиган жойда эса экскаваторлар, скрепер ҳам бульдозерлар билан бирлашиб, еру осмонни баб-баравар тўзонга фарқ этган эди.

Бобош қудратли нарсаларни, мана шундай жаҳаннам тўполонини, одамларнинг «буюк сариқ дев» билан (бу ҳам Дмитрий Казимировичнинг гапи. У саҳрони шундай деб атайди) олишувини яхши кўради. Шу ерга келса, ўзининг «Газик»и ўйинчоқдек кўриниб кетади кўзига. Заргаров ҳам унинг бу ерларда кўп тентирашини яхши билади, шунинг учун отини Бебош қўйган. «Газик»ни титиб юборгудек учириб кетса:

— Ҳай, Бебош, яна ўша ёққа бориб келдинг дейман-а?— деб қўяди.

Бобош бугун самосвалчи Ҳожиматнинг ишига ағра-йиб қолди. Бу бақувват одамнинг ишда-ўзига ҳам, бошқаларга ҳам шафқатсизлиги мана шу қудратли машинада ишловчилар учун энг ярашадиган сифатлар бўлиб кўринарди назарида. Ҳожимат жонида қасди бордек, ҳолдан тойгунча ишлар, гапирса ҳам, фақат пул ҳақида гапирар эди. Унинг машинасига хизмат қиладиган экскаваторчилар ёки курак тутган бир-иккита маҳбус тамом безор бўлган, Ҳожимат ҳаммасини бир нафас дам бермай, бурини ерга ишқаб ишлатар, ўзи бўлса сира чарчамас, ортиқча гаплашиб ўтиришга ёки бевақт чекиш, айронпайрон ичишга йўл қўймас эди. Иш вақтида унга гап қотгани безиллаб туришарди. Фақат Қултой деган маҳбус ундан кўрқмасди.

— Червонни қаёққа босяпсан, Ҳожимат, ростингни айтавер, тегмайман,— дерди Қултой.— Умримда пул ўғирлаган эмасман, ерда ётса ҳам олмайман, менга юқмайди.— Сочлари кирпи тикандек, кўзи олазарак, оёғи калта бу кўса йигит ҳам кўпроқ пул ҳақида гапиргани учунми, Ҳожиматга ёқиб қолган, бўш вақт топганда фақат шу билан гурунглашар эди.

— Айтсанг-айтмасанг пулни босамаң, Қултой, шундан шу ёққа бекорга келибманми, яхши тўлайди бу ерда,— деди у тушликдан кейин арзон махоркани катта қилиб ўраб. Улар иккаласи ҳам овқатга унча ўч эмас, махоркага зўр берар эдилар, ёнларига яқин бориб бўлмас — буруқсиб турарди. Бу бадбўй ҳидга Ҳожиматнинг хотини бечора қандоқ чидайди, Бобош ҳайрон.

— Илғари қаерда ишлардинг?— сўради Қултой.

— Автобусда.

— Тўқсон сўмгами? Туф!— Қултой сарғайиб кетган тамаки қолдигини туфлаб ташлади. Улар машина соясида ёнбошлаб ётар эдилар.

— Уша ерда ҳам топардик, кўп эмас, лекин тирикчилик қилса бўларди,— деди Ҳожимат тамакисини буруқсатиб.

— Қанақа қилиб?

— Одамда эс деган нарса бўлиши керак. Аҳмоқ ҳам-аҳмоқдан кўпи йўқ эди,— деб ҳикоя қила бошлади Ҳожимат.— Шофёрнинг аҳмоғига илиқ гап керак, йўловчидан — раҳматнома, маъмуриятдан — ёрлиқ... Уни илиқ гап иситади. Мени бўлса, оғайни, ўзинг биласан, фақат

червон иситади, ҳа.— У чўнтагига уриб қўйди.— Эрталаб саккизу ноль-нолда ҳамма аравалар бекатда бўлиши керак, хўш... Мен ҳам паркдан чиқаман керилиб. Диспетчер илжайиб қолади: «Саломат бўлсинлар». Чиқаверишда кодекслар осиглиқ — «Энг яхши контроль — шофёрнинг виждони!» Албатта! Контроль ёнимда, қаяққа ҳам шошаман? Ўт кетибдими! Графикдан икки минутгина кечикиб, шошиб етиб бораман бекатга. Йўловчи хурсанд — унинг ғамини еб шошпман-да. Энди бу ёнига мундоқ бўлади, ака: графикдан чиқдингми — билет сотиб ўтиришга вақт йўқ. Вақт ғанимат, вақт бизнинг бойлигимиз, бинобарин, йўловчини ўтқизу жўна. Йўловчи бўлса ҳалол, унга билет керак. Йўловчи ҳозир шунақа, билети бўлмаса, қийналиб кетади. Мана билет, сумкада қаппайиб ётибди. Лекин ҳозир билет йиртишга вақтим борми, график бузиляпти ахир! Тушадиганлар чақани ликопчага ташлаб тушиб кетаверади. Ҳалол одам сенинг ҳам ҳалоллигингга ишонади.

Ҳожимат яна махорка ўради.

— «Яшасин, ҳалол аҳмоқлар», дерди бизнинг бир бошчимиз, — деди Қултой. — Лекин ликопчангдан ўргилдим, бундан гадойлик яхши-ку?!

— Тўғри, танга-чақа, лекин тирикчиликка яраса бўлди-да.

— Бу ерда ўша ҳам йўқ.

— Бу ерда керак эмас. Бу ерда елканинг яғири билан топамиз. Мен тегирмон тошидек чидамлиман.

— Тўнгакдайман дегин! — Қултой калта оёғи билан тамакисини эзгилаб ўрнидан турди.

Бобош бу бақувват одамларнинг назари пастлиги, ибтидоий тушунчаларидан таажжубланиб, гапларига ағрайиб қулоқ соларди. Уларнинг маънавий дунёси бу азамат машина билан қилаётган ишларига сира ҳам мос келмаслигига боши қотиб, атрофларида ўралашаверди. Тушликдан кейин кабинага чиқиб, бирпас ўтиришга ижозат сўради. Уйдек келадиган баланд кабина, кузовни ағдариш механизми, ҳар замонда вағиллаб, дам чиқарадиган пневматик тормозлар, оғир бошқариш системаси уни жуда қизиқтирар эди. Ҳаммасига дарров зеҳни етиб, туппа-тузук уларга қараша бошлади. Текин шерик Ҳожиматга ҳам маъқул эди.

Бу юришда Бобош кўп нарса ўрганди-ю, ҳалиги Қултойнинг мудҳиш одам эканлигини ҳам билиб олди. Ўзи-

нинг айтишича, у туғма ўғри, онаси қамоқда туққан экан... Угай отаси уни: «Туйнукдан тушадиган ўғри қиламан», деб, болалигида симоб ичирганмиш, лекин бу Қултойнинг ўсишини тўхтатмабди, сал пакана қилиб қўйибди, холос.

Қултой уйдан қочиб, Сибирда геологлар отрядида юкчи бўлиб юрганни мақтаниб гапирди. Лекин отряддагиларнинг ҳар бирини номуносиб гапларга булғаб таърифлади.

— Уша сен айтган ҳалол махлуқлардан эди ҳаммаси,— деди Ҳожиматга қараб,— бир кампирни деб мени отряддан ҳайдашди, хумпарлар.

— Кампирга осиладимми одам...

— Кампир деб, жудаям кампир эмас эди-ю, лекин каттароқ хотин, бир жонсўхта эди... Таҳқир қилган эмишман. Хотин зотига нима кераклигини мен билмайдигандек...— Эслаб кетди Қултой.— Топадиган олтининг билан оч бўрига ем бўлларинг, дедиму жўнаб қолдим. Ҳемири йўқ, йўл билмайман, Сибирь катта, қаёққа бораман? Ун олти кун деганда чивинга таланиб, ўлар ҳолатда ётсам, бир қари овчи устимдан чиқиб қолди. Чайласи одам оёқ босмаган бир жилғанинг лабида экан, тўнғиз мойи, ов гўшти еб ётавердим... Чол: «Бўлди энди, иззатингни бил, кет», деса ҳам, кетмайман, ҳалиги отряддагиларни ўйлайман: улардан қандай ўч олсамикан, деб...

Қултой бу гапларни кечқурун, овқатга кетаётганида гапириб қолди. Гап қизиқ эди, Бобош ҳам эргашди. Қуёш уфққа чўккан, Қултойнинг беўхшов сояси калта оёқлари ортидан тушовдек эргашиб сургалар эди. Унинг саргузашти овқат ейдиган тахта бостирма остида ҳам давом этди. Сахро уфқига ёйилган шафақ пачоқ алюмин товоқларни ҳам қизилга бўяган эди.

— Чол хўмраяди-ю, лекин овқатимни беради. Сибирликларнинг одати шунақа — меҳмон ашаддий душмани бўлса ҳам оч қўймайди. Семириб кетдим. Ётаверсам бўларди-ю, бир уни жилға бўйида юриб, узоқдан бир дарвешми, девонага кўзим тушиб қолди. Бошида катта соявонли қалпоқ, юзига чивиндан тўр тутган, найнову нимжонгнна. Жарликдан ўтиб кетди, узоқдан кузатиб қолдим. Бир саргаштаи сарсари экан-да, десам, иккинчи кунни яна ўша. Яна ёлғиз юрибди. Ерга қарайди, қўлидаги дафтарга бир нималарни ёзади, тўнгакка ўтириб, илжайганча дарёга тикилиб туради. Беш кунгача кузат-

дим. Ҳалиги отрядимизнинг бошлиғи ҳам шунақа телба эди: куни билан юрарди, дафтарига бир нималарни ёзарди, лекин илжаймасди, чунки ўн ой мобайнида олтиннинг заррасини ҳам тополмаган эди. Тополмайди ҳам, менинг қарғишимга қолиб баттар бўлади ҳали... Лекин мана бу нимжон хунаса бир нарсанинг устидан чиққани аниқ эди. Унинг яккаш бир жойда айланиб, дафтарга алланималарни ёзиши, ёлғиз ўтириб илжайишлари бежиз эмас. Омади келган қурумсоқ бўлмаса, инсон зоти оёқ босмаган бу жойларда ёлғиз яшириниб юрармиди? Олтин топган бу бадбахт. Мен бир нарсанинг устида узоқ бош қотириб ўтирмайман. Режам жўн бўлади, лекин тез пишади. Билдимки, бу ҳезимкаш нима топган бўлса — ҳаммаси дафтарига ёзилган. Уни қўлга туширсам, бутун хазинанинг номаи аъмоли меники, бунинг устига, ҳалиги аблаҳлардан қасдимни ҳам олган бўламан. Бир куни кечқурун жилға ёқасидан тошга бориб ўтиришини кутдиму яланг оёқ бўлиб, орқа томонидан секин яқинлашдим. Қимир этмай ўтирибди, хумпар, сойга тикилиб. Одам боласи қизиқ-да, сойда нима бор, жонингни ўйламайсанми! Қалпоғи устидан қўрғошин каскет билан бир «сўйпасам», шилқ этиб тушди. Мен ўйлагандан ҳам нимжонроқ нарса экан, занғар. Тавба, шу ҳолинг билан тайгада нима қиласан-а?! Қош қорайиб қолган, эгилиб қарасам, ҳамон йилтиллаб ётибди баччағарнинг кўз қорачиғи, ўчмабди лаънати! Майли, дедим, азонгача барибир тугайсан. Дафтарни олдим у жўнадим. Чолнинг чайласига келгунча ўпкам оғзимга тиқилиб кетди. Бадбахтнинг дафтари қўйнимда оловдай ёнади дегин. Тезроқ чироққа солиб қарасам...

Косалардаги қизиллик энди қотилнинг бармоқларига тушган эди. Бобош туриб кетишини ҳам билмади, ўтиришини ҳам. Қултой назарида бирдан қари одам бўлиб кўринди, кўса юзида ажнлари чуқурлашган, боши катта, бежо кўзи қонга тўлгандек эди. Нима биландир мақтаниб, аянч заифлигини яширишга уринадиган, қутсиз қисматини тан олган маҳкум, қўрқинчли одам ўтирар эди Бобошнинг рўпарасида.

— Чироққа солиб қарасам...— деб давом этди у, — кўзларим қамашиб кетди. Қаёқдаги бир қўнғизнинг сураги... Рақамлар. «Оёғи ўттиз икки миллиметр», «мўйлаби...» уҳ...— Қултой ичидан қалтираб сўкинди.— Ҳозир тепасида бўлсам яна бир туширардим хунасани! Табиат-

шунос эканлар махсумча! Шундан шунча жойга қўнғиз қидириб борибдилар! Э...— у яна болохонадор қилиб сўкинди.

Кейин ўша кечасиёқ чолнинг чайласидан ғойиб бўлгани, қайсидир шаҳарларда дайдиб юргани, сохта олтин безаклар билан чайқов қилгани, қайси қизни қандай қилиб қўлга туширгани ҳақида узоқ гапирди. Энди буларнинг Бобошга қизиги йўқ эди. Фақат, сеҳрлангандек унинг кўзларига қараб ўтирган Ҳожиматгина бир оз ўзгарган овоз билан, сизлаб, одатдагидан мулойимроқ сўради:

— Қ-қамоққа-чи, бу ерга қандай тушиб қолдингиз?

— Э, чепуха!— деди Қултой қўл силтаб.— Ҳа, айтгандай, қулоқ сол, бу ҳам қизиқ бўлган,— дея Ҳожиматнинг халтасидан тамакни ўрай туриб яна бошлади.— Бир куни жуда пулга зориқиб қолдим. Кечқурун хиёбонда битта олифтадан, пул бер, десам, йўқ, дейди. Пальтони еч, дедим. Тахи бузилмагангина жерси пальто экан. Лекин қарасам... пальтонинг тагида кўкраги тўла калодка. Жавдираб турибман, дегин, кўзим ола-кула бўлиб кетди, қўлимда пальтосини бир латтадай ушлаб қолибман, нима қилишимни билмайман. У бўлса қалтирайди... Одам боласи қизиқ. Фронтда жонини аямабди-ю, бу ерда...

Шунча гапга оғзини очиб қулоқ солган Бобош шу ерга келганда чидамади. Четроқда, тўнқарилган курси устида оёқлари орасидан ерга қараб ўтирганча, босиқ товуш билан Қултойнинг сўзини бўлди:

— Сен махлуқ буни тушунармидинг? У ерда одам жонини аямаган бўлса, у — Ватан учун! Бу ерда бўлса сен бу жонни бир... латта туфайли...

Урндан туриб кетган Бобош алюмин косада қолган совуқ ёвғонни Қултойнинг башарасига шартта сениб юбормоқчи бўлди-ю, яна ўзини босди. Секин қайрилиб, бостирмадан чиқиб кетди.

Шундан кейин у ўша атрофга қадам босмайдиган бўлди. Бир воқеа юз бермаганда пулпараст Ҳожиматни ҳам, ўша пасткашни ҳам зинҳор кўрмоқчи эмас эди.

Ун беш-йигирма кунлардан кейин, қор аралаш ёмғир эзиб турган расво бир рутубатли ёқшомда Заргаровни жанжалли объектлардан олиб қайтаётган эди, шу ерда тўхташга тўғри келди. Заргаров комендант вагонига кириб кетди-ю, одатдагидек анча ҳаяллаб қолди. Куни

билан рулда аъзойи бадани увушиб кетган Бобош ўша бостирмага кирди. Энди бу бостирма эмас, ёнлари бордон билан тўсилган узунроқ ошхона, атрофлари қамиш билан ихота қилинган, нарироқдаги қурилишларнинг чироғидан хирагина ёришиб ҳам турар эди. Ошхона совуқ, бўм-бўш, чириган карам иси анқиётган ўчоқбошисидан идиш-товоқларнинг тарақ-туруғи эшитиларди. Бобош «хўжайин»и қайтиб чиққан-чиқмаганини билиш учун ташқарига юрди. Заргаров кўринмасди, шундан кейин ошхонанинг муюлишига биқниб, кута бошлади.

Қамиш бўғотдан шариллаб сув оқар, ғира-шира ёруғликда ёмғир томчилари муз доналардек совуқ туюлар эди. Бобош ошхона деворининг у бошида бир шарпа илғади. Заргаров эмас, унинг сал букчайган новча гавдасини Бобош бир чақиримдан танийди. Бу қандайдир кичкина, бесаранжом кўланка эди. Бобош кўнглига аллақандай хаёллар келиб, муюлишда қимир этмай турди. Соя яқинлашиб келаверган сари яна ҳам кичик, жонсарақ кўринди, юзига қизғиш нур тушди. Ажаб, қиз болаку! Ошхонанинг хизматчиларидан бўлса керак-да. Бобошнинг таранг асаблари бўшашиб, енгил тортди-да, бекордан-бекор хавотир олганига ўзидан-ўзи маъюсгўна кулиб қўйди. Энди у ҳалиги жонсарақ қизга эрмак таллаб томошабиндек қараб турарди. Қиз жажжигина, толма бел, юпқароқ кийинган, жунжикиб, орқа олдига аланглаб келар эди. Бобош ҳазиллашгиси келиб, бир қур сўз отмоқчи ҳам бўлди. Лекин қиз овчидан қутулган қуёндек олазарак, дам орқасига, дам қамиш тўсиқлар томонга аланглаганча шошиб келарди. Қалтирагандек кўринди Бобошга. Юзи ғира-ширада яхши кўринмас, калта сочи ҳам кўзини тўсиб тушган эди. Совқотибди шекилли, бечора. Тўрт-беш қадам нарида бир тўхтади, кейин орқасига қараб қочмоқчи ҳам бўлди. Лекин яна келаверди. Аланглаб келиб бирдан Бобошга ўзини ташлаб, уни қучоқлаб ўпа бошлади. Эси чиқиб кетган Бобош аввал қучоғидаги бу жажжигина гавдани нима қилишини билмай, бўйнига ташланган билакларидан ушлади. Юзида қизнинг юмшоқ совуқ лабларини сезгач, беихтиёр қимирлаёлмай қолди. Қиз бағридан аллақандай атир аралаш хонаки ҳидлар келди. Бобош унинг юзини кўрмас, лекин оёқ учидан турган нозиккина қоматини вужуди билан сезар эди. Қиз нам сочлари аралаш ёноғини унинг юзига қўйиб, яна қаёққадир аланглади. Гангиб

қолган Бобош ҳеч нарса англамай, бўшашганча турарди, қанча вақт ўтди — билмайди; эсини йиғиб, худо етказган бу ғаниматни таваккалига бағрига босиш хаёлига келгунича бўлмай, қиз уни бирдан тарк этди-ю, жўнаб қолди.

— Кечирасиз... — деди нарироқдан пичирлаб.

Бобош оғзидагини олдиргандек анқайиб қолди. Қиз узоқлашиб, қоронғида бояғидай безовта шарпага айланди. Епирай, тикка туриб туш кўряптимми?! Лекин бунинг туш эмаслигини у аниқ биларди. Ловиллаб кетган вужудини совутиш учун бўғот тагидан чиқди. Ёмғир аралаш тушаётган қор учқунлари юзида эриб, унга ҳузур бағишлар эди.

Лекин бу қандай сир бўлди? Бу қанақа қиз? Уни ёмон қиз, дейишга кўнгли чопмас эди, чунки... чунки... ундай бўлиши сира мумкинмас. Бу жажжи, нозик қомат, бу илиқ нафас, нам сочларининг ҳиди... Кутилмаган, билмаган, астойдил кўрмаган бир зот ҳақида дафъатан бундай дейиш ғалати-ю, лекин бу юзсизликда қандайдир, хор бўлган ибо, бегуноҳ қўрқув, ноилож орсизлик кичкина бўлса ҳам ўтли журъат билан эзгулик ҳам бор эди.

Бобош унинг орқасидан бормади. Сўрамоқчи эди, ҳаммасини билмоқчи эди. Лекин негадир бормади, чақирмади, сўрамади. Бусиз ҳам алланечук роҳатда эди у. Уни барибир топади-ку, билади, ҳаммасини сўрайди, яхшилаб юзига қарайди... Булар ҳаммаси олдинда. Эртаги кунларни сезгандек, юраги орзиқиб кетди.

Шарға ҳам кичрайиб борарди. Бирдан нимадир шитирлади, синди, шув этиб шўр тупроқ тўкилди. Қиз ёруғ тушиб турган бир жойга етганда кимдир қамиш тўсиқдан ошиб, рўпарасига тушди. Бобош хавфни аниқ сезди, ўз жони хавфда қолгандек, ўша томон интилди. Тўсиқ бўйлаб борди.

Не кўзи билан кўрсинки, қизнинг рўпарасида турган — Қултой калла эди. Унинг катта сўпоқ боши чироқ ёруғида тебранди. Қиз қочмади, кўрқишни йиғиштириб қўйди шекилли. Улар эски танишларга ўхшарди. Бобош бирдан англадики, қиз мана шу махлуқдан қутулиш учун, танитай ўтиб кетармикан, деб Бобошга ёпишган. У бир чеккада тўхтади. Фақат қизга бир нарса қиладиган бўлса... Жойлашиб қоронғида писиб турди.

— Зумраша! Худога шукур, олам тор! — Қултойнинг

оғзи қулоғида эди.— Толемдан ўргилай, сени кечагина туш кўрувдим-а!

«Зумраша»си қамиш тўсиққа бошини тираб ҳўнграб йиғлаб юборди. Кейин бирдан йигини йиғиштириб, пўниса қилган бўлди:

— Қўйворинг, дод соламан!..

Қултой пинагини ҳам бузмади.

— Шундай типирчилашингга борман-да, офатижон... Уктам қаерда?

— Онамда. Уни унутинг, онам барибир болага яқин йўлатмайди!— деди «Зумраша».

— Унисини кўрармиз. Узинг қалайсан?

— Мени ҳам унутинг!

— Сени унутиб бўлармиди, Зумраш! Менга қара, бизни бир-биримизга худонинг ўзи рўпара қияпти, қовоғингни очсанг-чи? Омадимдан ўргилай, яна бирга-мизми?

— Қочинг йўлимдан, кўрарга кўзим йўқ!— Қиз ўтиб кетишга интилди. Қултой бепарво, йўлида тўнгакдек қо-тиб турарди. Лекин энди ялинишга тушди:

— Зумраш, муддатим оз қолди, шундай режаларим борки, етти ухлаб тушингга кирмаган. Қўғирчоқдай қилиб қўяман, нима топсам сеники, Зумраш, кафтимда кўтариб юраман...— Қултой паст, йўғон овоз билан шошиб гапираркан, қизга яқинлашиб келарди. Билагидан ушламоқчи бўлганида қиз пичоқ тигини кўргандек сесканиб чекинди:

— Йўқ, жирканаман! Ҳазар қиламан!..

— Зумраш!..

— Мен нафратимни қаёққа қўяман, ахир! Важоҳатингиз чиркин!— Қиз, бурун катаклари учиб, ўзини бошишга уринди.— Келинг, келишиб олайлик: йўлимни тўсмай-сиз. Безор қиладиган бўлсангиз, жонимга қасд қиламан. Боринг!

Қултойнинг чироқ ёруғида тебраниб турган нам юзи чўчигандек ўзгариб кетди.

— Йўқ, жонидан, сиз унисига шошманг. Қилтанг-пилтанг қиладиган бўлсангиз, зарур бўлиб қолганда унисини ўзимиз тўғрилаймиз!

— Аблахлигингни биламан. Лекин кўрқмайман! Қўрқмайман сендан!.. Майли, ўлдир!— ёшли кўзлари чақнади қизнинг.

— Шошманг, дедим-ку, буниси қочмайди. Менинг

бой берадиган нарсам йўқ, акаси, бой бериб бўлганман. Улармон ҳўкиз болтадан тоймайди. Бошқа гапни каллангдан чиқар, сен меникисан, тамом, оби дийдани йиғиштир! Истасам, гул қиламан, истасам — кул.

— Қўйвор!..

— Ерга кирсанг қулоғингдан, осмонга чиқсанг оёғингдан тортаман... Айтгандай, оёқчаларинг...— Қултой қизнинг лойга буланган эски ботинкаларига қаради. Қўйнидан анчагина пул чиқарди.— Мана, яхши боти олиб кий. Еки жажжигина сахтиён этикча олиб кий-да, сариқ мойдай сўлқиллаб, дўндиқ бўлиб юр...

«Зумраша» чиндан ҳам анча юпун кийинган, қулоғидаги шиша исирга худди бир парчагина чайнамай-шимингдек йилтиллаб турар, ўзи ёмғирда жунжикиб, бутун вужуди қалтирар эди.

— Қўйворинг,— деди у пулни лойга сочиб юбориб. Энди унинг овозида аянчли ёлвориш оҳанги эшитилди:— Мени иккинчи кўрмайсиз, менинг ҳам жонимдан бўлак нарсам йўқ. Сиздан қутулиш учун ўша жондан кечишга ҳам розиман...— У шундай ҳўнграб, титраб йиғлай бошладики, Қултой яна бир нима дейдиган бўлса, Бобошнинг сабри тугаган эди. Лекин Қултой бирдан шол бўлгандек, жойида туриб қолди, кичкинагина, букчайган, жунжиккан қиз қоқина-сурина кетиб борарди. Шапкасининг соябонидан, юзидан, бурнидан, елкаларидан томчиллаб сув оқаётган Бобош у кўздан йўқолгунча жойидан жилмади. Қултой ҳам лой аралаш пулларни йиғиб олиб, оёқ остидаги ниманидир жаҳл билан тепди-да, шалаб-бо, шумшайганча орқасига қайтди.

Заргаров ҳануз кўринмайди. Бобош кабинага чиқиб, ҳозиргина кўз ўнгидан ўтган ғалати воқеа таъсирида ҳамон ўзига келолмай ўтирарди. «Зумраш...» Лақаб бўлса керак. Лақаб бўлса ҳам чиройли эшитиларкан. Бобош уни такрорлаб, калласини чайқаб қўйди. Кичкинагина бир вужуднинг бошида қанча даҳшат. Қамоқда бўлгани етмаган, тагин бу шумшукнинг ваҳшиёна таъқиб... Уни албатта бир кўриб гаплашиш керак. Бу чиркин махлуқ унинг ҳимоясиз заифлиги билан, қора қисмати билан ўйнашиб, завқ топаётганга ўхшайди, бунақада бир кунмас-бир кун бошига етиши, бутунлай нобуд қилиши ҳеч гап эмас...

Оёқ товуши эшитилди. Ёмғир энди паққос қорга айланган эди. Бобош, Заргаров ҳам келиб қолди, деб

деразадан бош суққан эди, Қултойнинг мис товоқдек башарасига дуч келди.

— Ҳа, брат. Тойчоғинг шуми ҳали?— деди кабинанинг брезент сиртини шапатилаб. У деразадан бош суқди, товушида боягина бўлиб ўтган фожиали гапдан асар ҳам йўқ эди.— Чақки эмас, ишнинг қанттагини топибсан! Хўжайин бир жойга кириб кетади — сеники таралабеод. Чиқса, елдириб кетасан, бўлмаса ўтираверсан баришнадай ўзингни ойнага солиб. Баъзан кечгача...

Бобош унинг тиржайган башарасига тирсағи билан бир туширса, «Зумраш» учун ҳам, ўзи учун ҳам савобга қоларди-ю, ўзини яна босди. Қултойнинг чакаги тинмасди:

— Самосвалда тупроқдан боши чиқмай, яғир бўлиб кетган аҳмоқлар ҳам бор. Ҳожиматга ачинаман, пул деб юриб, бир куни ўпкаси узилиб ўлиб кетади. Мен мана бунақанги ишда пул бермаса ҳам ишлардим. Юр деса — юр, тўхта деса — тўхта, каллани ишлатмайсан, роҳати-жон, — у яна кабинани шапатилаб қўйди.— Қандингни ур, азамат!

Бобош тишини тишига қўйганча ўзини зўрға тийиб турарди. Бу аблаҳнинг сўзлари унга шундай алам қилдики, агар у маҳбус бўлмаса, кучи етмаса ҳам муштлашарди ҳозир.

— Менга қара...— деди Қултойнинг жаврашларига жавоб учун бошқа гап тополмай, — ҳалиги қиз ўзини бир нарса қилиб қўядиган бўлса, сени тутиб бераман.

Қултойнинг кўзи чақчайди.

— Қаёқдан эшитдинг?— Улар кўз тикишиб анча жим туришди.— Тўхта, тўхта... Ё донлашиб қолганмисан?

Бобош моторни юргизиб юборди. У Заргаровнинг оёқ товушини узоқданоқ таниган эди. Қултой, гапи бўғзида қолиб, бўзарганча деразадан калласини олди. Мотор гувиллаши орасида:

— Аристонларнинг ишига бурнингни суқма, хўпми! Яхшиликча айтаман...— деб, бензин дудига кўмилганча орқада қолиб кетди.

Йўлларни юпқагина қор қоплаган излардагина қум қизариб, фара шуъласида таёқдек тикка кўринар эди. Заргаровнинг боши кўксига эгилиб тушди, юзи ҳорғин, салқи. Бобош бу одамга ҳам ҳайрон: бир оғиз гапи билан-ку олам-жаҳон иш битеди, идорасида ўтириб буюраверса ҳам бутун саҳрони ҳаракатга келтириб туриши

мумкин. Йўқ, кечаю кундуз тиним билмайди, бошида доим ғалва, ҳамма ундан безовта, қўли етмаган, оёғи тегмаган жой йўқ...

— Шу чиқит пастқашлар билан шуғулланиб юргангизга ҳайронман, Мардонқул ака,— деди Бобош,— ашаддий бандитлар ҳам бор экан орада...

— Бор, бор,— деди Заргаров,— ўз хотинини уриб майиб қилган, ўғри-тўғри, бегуноҳ... Ҳар хили бор. Алексейдан эшитишимча, бир-икки йил яшаб, олтинга йўл топиш умидида юрганлари ҳам йўқ эмас экан...

— О-о-о!..

— Чиқит...— деб қўйди ўзича Заргаров.— Биласанми, Бобош, табиатда чиқит бўлмайди, мен сенга айтсам. Ҳамма нарса ишга солинади. Айниқса, бизнинг замонда чиқит йўқ. Илгари, мана, ғўза пўчоқ — бари ёқилар эди. Ҳозир буларни «яшил бойлик» дейишади. Ҳамма нарса бойлик. Ҳатто гўнг ҳам... энди, ўйла: одам нима учун чиқит бўлар экан? Кишининг ўзигина эмас, ҳаётининг ёки ишигина эмас, қувончи, ҳусни, ахлоқи, севгиси, ўлими — хуллас, ҳамма нарсаси одамлар хизматида бўлиши керак.— У Бобошдан ҳам кўра бу фикрни ўзига маъқуллаётгандек гапирар, тўғрироғи, бу тўғрида ошкора ўйламоқда эди. Бир оздан кейин яна давом этди:— Нега шуғулланасиз, дейсан. Сен Дмитрий Қазимировичдан сўра. Ҳар бир ёмон одамнинг ҳам, мана шу саҳроникига ўхшаш, олтин томири бўлади, дейди у. Ана шу томирини топиш керак. Бўлмаса увол кетиши мумкин.

Бу гап, Бобошга ёқди. Масалан, ўшалар орасида «Зумраш» ҳам бор. Бобош у шўрликнинг айбини билмайди-ю, лекин бугун унинг ўша «олтин томири»ни ушлаб кўргандек бўлди. Бор унда, албатта бор...

Лекин Қултой калла... Унинг қизга қилган пастқашликларидан ҳам кўра, ўзига айтган гаплари борган сари алам қиларди Бобошга. «Ишнинг қанттагини топибсан», дейди-я. Келиб-келиб шу бандитдан мақтов эшитадими?! Бу қандай бўлди?..

Шу жумбоқ, шу ғашлик Бобошга чангагини солиб ёпишиб олди. Заргаровни уйига олиб бориб қўйиб, ётоғига келиб ётди ҳам Қултойнинг кабина деразасидан тиржайиб турган башараси кўз ўнгидан кетмади. «Юр, деса — юрасан, тўхта, деса — тўхтайсан, каллани ишлатмайсан, роҳатижон!» Бу, нима, бировнинг кетидан юрган дастёр эканми? Заргаров катта давлат хизматини

одо этмоқда. Лекин Бобош-чи? Бу — унинг хизматида. Бамисоли, унинг бир қўли ёки бир оёғидек. Бир шахснинг хизматида... Йўғ-э, у оддий шахс эмас, ахир. Лекин, шундай бўлса ҳам. У ишламаса, бу ҳам йўқ-да. Унда яшашининг, умрининг мазмуни нимадан иборат бўлди? Бутун бир одамнинг, бутун бир гражданнынг умри! Кимгадир батамом, тобе, қарам. Кимнингдир бир қисми. Бир аъзоси... Епирай, даҳшат-ку, Заргаровнинг ўзи буни ҳеч ўйлармикан? Наҳотки, ҳалиги ярамас ҳақ гапни айтган бўлса? Йўқ, у Бобошга ҳасад қилади. Келиб-келиб шундай бир ифлос ҳасад қиладиган ишда юрибдими ҳали?

8

Заргаров саҳродаги ишларнинг миқёсини яхши тасвирлаб берди. Бош пудратчи бошқармадан ташқари, ўнлаб қурувчи ташкилотлар келиб жойлашгани, қурилиш кранлари, оғир автопоездлар, кучли портлашлар саҳрони асрий уйқусидан уйғотиб юборгани, ҳозир бу ерда баъзи кунлари юз минглаб маблағ ўзлаштириляётгани, ана шу азамат механизмнинг ҳамма мурватлари бир маромга солинамаса ёки жиндай хато кетилса, бу жуда қимматга тушиши мумкинлигини салмоқ билан гапириб, бутун улуғвор манзарани ҳамманинг кўз олдида намоён қилди-қўйди.

Конкрет-конкрет масалаларни муҳокама қилишга ўрганган бюро аъзолари, Ҳайдаровнинг ўзи ҳам аввал бу катта гапларнинг қаеридан ушлашни билмай турдилар. Ҳайдаров ўн тўққиз йилдан бери обкомнинг биринчи секретари, асаблари чарчаган кекса одам эди. У умр бўйи пахта билан шуғулланган. Бюро аъзолари ҳам кўпроқ ранслардан, пахтакор районларнинг секретарларидан иборат бўларди. Улар ҳосилдорлик ёки шўр ювиш масалаларини жуда амалий, билагонлик ва расамади билан муҳокама қилишарди. Ҳозир эса бюрода кўпроқ қурувчилар, Заргаровга ўхшаган «кит»лар ҳам ўтирибди. Лекин уларнинг қулочга сиғмайдиган катта, сира кўрилмаган, янги, мураккаб масалаларини ҳам қандайдир конкретлаштириб, амалийроқ муҳокама қилиш керак эди. Илмоқ ўзидан-ўзи чиқиб қолди. Ишчи кучларни қабул қилиш ва жойлаштириш масаласига келганда, бюро аъзолари Заргаровни саволга тута бошладилар.

Сахро қиши қиличини қайраб келяпти, посёлкалар қурилиши бошланмаган. Унинг ўрнига бинокорлик комбинати солинаётганмиш, шунча машаққат билан сафарбар этилган контингент тарқаб кетса нима бўлади...

— Тўғри, қурилишнинг адресига айрим шахслардангина эмас, бутун-бутун бригадалардан ҳам ариза келяпти,— деди Заргаров шошмасдан.— Турар жой йўқлиги сабабли биз уларни олиб келолмаяпмиз. Лекин, ўртоқлар, бу — келажакнинг жуда катта индустриал провинцияси. Бизга посёлкалар эмас, катта, обод шаҳар керак. У, эҳтимол, ҳали янги область маркази бўлиб қолар...

Сангинов қаттиқ ажабланганини билдириб, Ҳайдаровга қараб қўйди. Секретарнинг ҳам қовоғи уюлиб тушган эди. Заргаров давом этди:

— Ҳозир келган қурилиш коллективларининг деярли ҳаммаси ўз эшелонлари билан коммуникацияларга жойлашган, сув, газ, йўл энергия трассаларида. Биз ҳар бир муваққат объектда посёлка қуролмаймиз. Умуман, кўп нарсаларни бошқатдан кўриб чиқишга тўғри келади, ўртоқ Ҳайдаров. Мен ўтган йили туркман нефтчилари шаҳрида бўлдим. Улар менга енгил қурилмалардан атиги икки ҳафтада монтаж қилинган цехларни кўрсатишди. Кенг, ёруғ, баҳаво бинолар. Бу уларга жуда арзон тушибди. Бизнинг лойиҳаларимизда эса кран кўтаролмайдиган шундай темир-бетон сўлақмонлар мўлжалланганки, уларни монтаж қилишга на пул етади, на муддат. Кўп хусусда айрим мўлжалларимиз бор, умуман, менга бир оз эринлик беришларингизни сўрайман.

— «Эркинлик?» Обкомданми?— деди кимдир. Бу луқма Ҳайдаровни ҳам ўйлантириб қўйдими, у энгагини ушлаб столга бош эгиб ўтирарди. Энгагининг чапроғидаги катта сўгал соқол қиргандагина эмас, унга умуман халақит берса керак. Кўпинча, айниқса ўйланиб қолганида, қўли нуқул ўша сўғалига югурарди.

— Лойиҳалар масаласида ҳали ҳам анчагина бемаслаҳат ишлар бўлибди,— деди Ҳайдаров қоғозлари орасидан ниманидир қидириб.

— Ўзбошимчаликлар, деб атайвериш керак...— деди Сангинов. Ҳамма, ҳатто, шу ерда ҳам ором олгандек бамайлихотир ўтирган Аббосов ҳам, «Сенга нима бўлди?» дегандек, Сангиновга қараб қўйди.

— Муддатни тежаш учун журъатлироқ лойиҳалар керак, ўртоқ Ҳайдаров,— деди Заргаров.

— Мана,— деди Ҳайдаров излаган қоғозини топиб.— Мана бу ЛЭП лойиҳаси нега ўзгариши керак? Юқори вольтли линияни юз километр наридан олишни таклиф қилаётганмишсиз?

— Буни энергопроектдагилар яхши тушуннади, ўртоқ Ҳайдаров. Лекин ортиқча ташвишдан қўрқишяпти. Камчиликларини бўйинларига олиб, лойиҳани қайта тушишдан кўра, сизга шикоят ёзиш уларга осонроқ шекилли-да. Мен ундай линияларни кўрганман. Бунинг мураккаб ҳисоб-китоби бор. Гап шундаки...

Гап шундаки, доимий токни узоққа олиб бориш арзон тушади; унга иккитагина сим, оддий устунлар керак. Ўзгарувчан токни олиб бориш учун эса мураккаб конструкцияли симёғочлар, уч қатор сим талаб қилинади. Шунинг учун линияни узоқдан бўлса ҳам, випрямитель бор жойдан, яъни доимийга айлантириб олиб келиш фойдали.

Лекин Заргаров ҳозир бюрода буни тушунтириб беришга имкон топмади.

— Гап шундаки,— деб унинг фикрини бўлди Ҳайдаров,— умуман, шикоятлар кўпайиб кетяпти. Министрликларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳоллари ҳам...— Секретарь жилмайиб жимгина ўтирган Аббосовга савол назари билан қаради.

— Махсус монтаж ишлари министрлиги билан Геология министрлиги...— деб аста, беозор товуш билан эслатди Аббосов.

— Ҳа, бундай ҳоллар ҳам бизнинг шаънимизга... Эртага яна уларга ишимиз тушади.

— Ўртоқ Ҳайдаров,— гапни бўлди Заргаров,— гап министрликлар ҳам бошқармалар ўртасидаги муносабатларнинг янги системаси ҳақида кетяпти. Ҳозир ҳамон эскича, уларнинг ҳар бири ўз ноғорасини чалаяпти.

— Кечирасиз, биз бу ерда министрликларнинг ишини муҳокама қилаётганимиз йўқ, ҳурматли Мардонқул Заргарович...— Шоаҳмад Аббосовнинг табассум билан айтган бу танбеҳи Заргаровни гангитиб қўйди. Бу энди этагини ушлаётган қандайдир асосий фикрнинг белига тепган эди.

— Биз одатдаги йўлдан бормоқчи эмасмиз,— дея давом этди Заргаров.— Бунда на бирор шахс учун, на давлат учун хавф-хатар бор. Сарфланган маблағнинг

қопланиши хавф остида эканини била туриб, яхши ўрганилмаган районларда катта комплекслар қуриляпти. Биз-чи? Биз нега журъат қилмаслигимиз керак?— Заргаров гапирарди-ю, лекин фикри қандайдир чувалашиб кетганини, айтадиган асосий гапи бу эмаслигини пайқаб гузар, асабийлашар эди. Асосий фикрни қидириш, топиш ўрнига, бюрода ўзини қўллаши мумкин бўлган бирорта одамни изларди. Эшикка яқинроқда кичкинагина бўлиб ўтирган Тўмарис Жалпақовага кўзи тушди. Бу — чўрткесар, олов, адолатли хотин. Наҳотки қўлламаса? Заргаров фикрларининг асосий, катта фикр эмаслигидан қийналган ҳолда давом этди:— Мана, чорвадорлар билан ҳам тўқнашиб қолдик. Гоҳ яйловларни бузишга тўғри келади. Лекин, қоракўл ҳам олтин, дейишяпти. Улар ҳақли. Нима қилиш керак? Ўзлаштирдим, деб саксовул экиб кетавериш билан иш битмайди. Бу ер инсон яшайдиган жой бўлади, метил спирти билан сирка кислотасидан тортиб автомобилгача шу ерда чиқадиган бўлиши керак. Саҳрони комплекс ўзлаштириш масаласи...

Ҳайдаров қаламини пиёлага уриб гапни тўхтатди. Заргаров ишни пачава қилиб қўйганини англади. Миясининг қаерларидадир ётган бу майда гаплар нега лоп этиб юзага чиққанини ўзи ҳам билмайди. Улар асосий гапни бегона ўтдек босиб, яшириб қўйган эди. Бунинг устига, ҳалидан бери бесабр ўтирган Сангинов аини шу пайтда сўз сўраб қолди.

— Биз бу ерда қандайдир прожектёрлик билан тўқнашиб турибмиз, ўртоқлар,— деди у дўнг пешанасини рўмолча билан сидириб.— Заргаров ҳамиятбозлик қилиб, бюро аъзоларининг диққатини кун тартибдаги муҳим масалалардан, ўзининг хато ишларидан, ножўя хатти-ҳаракатларидан четга олиб қочишга бир неча марта уринди, кўрдинглар. У ишда ҳам худди шундай, ўзининг кундалик бевосита вазифаларидан эмас, кибри ҳаво билан хўжаликларимизни айланишдан бошлади, ўзини худди обком секретари ўрнида билиб, бизга кўрсатмалар беришга уринди. Бюро бошлади. Қўшни шаҳар, кон, совхоз ва қурилиш бошлиқларининг бирига пўписа қилиб, бирини алдаб, бирига ўз қурилиши ҳисобидан енг ичида нимадир узатиб, уларни ўз манфаатига кўндиришга ҳаракат қилди.

— Ўртоқ Ҳайдаров, мен бу ибораларга изоҳ берили-

шини истардим,— деди кутилмаган гапдан эсанкираб қолган Заргаров.

— Изоҳни берамиз,— деб давом этди Сангинов,— мендан планларимни ўзгартиришни талаб қилдингиз, қўрқитмоқчи бўлдингиз, маҳаллийчиликда айбладдингиз. Сабр қилинг, гапни бўлманг. Сайрамовга кабель-кран бериб, нимадир ундирдингиз, мрамар конининг директори Маткаримовнинг бўшанглигидан фойдаланиб, лақиллатиб, юқори ташкилотларга шикоят ёзишга кўндирдингиз. Қонни ўз қарамоғингизга олиш мақсадида. Сизга қолса, ёлғон-яшиқ, тўғри-нотўғри воситалар билан ҳаммамизни ўзингизга бўйсундириб олсангизу ҳаммамиз сизга хизмат қилсак! Уртоқ Ҳайдаров, бу ишларнинг қайси бири коммунист раҳбарнинг шаънига тўғри келади? У бизнинг бутун режаларимизни бузаяпти. Иш қилгани қўядими-йўқми? Давлат планларимизни ўз манфаатига мослашга кимнинг ҳақи бор? Бировнинг савоби билан жаннатга кирмоқчимиз?

«Жаннат сизга буюрсин. Афсуски, савоб дегулик ишингиз йўқ», Заргаров бу ўйни кўнглидан қувди. Ўзини оғир тўтиб, босиқ жавоб қилди:

— Уртоқлар, нима учун мен ўзимга алоҳида йўл солишим керак? Нима учун-мен ўзимга алоҳида сув олиб боришим керак? Нима учун мен ўзимга алоҳида газ йўлию алоҳида электр линияси қуришим керак? Ахир шу ишларни менинг жонажон қўшнилари, ўз ўртоқларим ҳам қиляпти-ку? Еки сиз бошқа бир давлатда яшайсизми, ўртоқ Сангинов? Биз ягона, бир бутун организм эмасми? Нега ўз давлатимизни ўзимиз талон-торож қилишимиз керак экан? Саҳрода айрим-айрим объектлар қуриш эмас, уни комплекс ўзлаштириш ҳақида гап кетаяпти-ку!

— «Комплекс», деганингиз қуруқ гап,— деди Сангинов,— биз ҳар ҳил министрликларга қараймиз. Уларнинг ҳар бирининг ишини қайта қуришни фақат сиз элашингиз мумкин...

Бу кинояга ҳеч ким, ҳатто Аббосов ҳам кулмади. Заргаров эса парво ҳам қилмади.

— Худди мана шунинг учун ҳам масала обкомда муҳокама қилиняпти-да,— деди у,— бунга партия ташкилоти бошчилик қилиши керак.

— Обкомга кўрсатма бериляпти...— яна пичинг қил-

ди Сангинов. Унинг бу тариқа енгил-елпи учуриқлари заифлик эканини сезган Заргаров ҳужум қилди:

— Сиздек ҳар бир «қирол» ўзича яшайверса, саҳрони қачон қўлга оламиз? Янги иқтисодий район ҳосил қилиш ҳақида гап кетяпти...

Ҳайдаров сўғалини эзғилар эди. Заргаров яна ўз айбидан, бугунги масаладан гапни четга олиб қочяпти, деб ўйлади у. Назарда, территориал комплекс, бўлғуси иқтисодий район, катта индустриал провинция сингари узоқ келажак ҳақидаги баландпарвоз гаплар Заргаровга ўзининг ноҳўя хатти-ҳаракатларини хаспўшлаш учун керак эди. Ҳақиқатан ҳам ҳукуматнинг миллиардлари билан ўз бийлигини оширишга, иккинчи обком бўлиб олишга уринмаяптимикиан бу?

— Сиз... фикр билдирмадингиз, Шоаҳмад Аббосович?— деди Ҳайдаров ўз ўйларига далил излаб.

— Мен нима ҳам дердим?..— мулойим жилмайди Аббосов.

— Бюро аъзосисиз-ку.

— Уртоқ Заргаровнинг ўзлари ҳам бюро аъзоси... Лекин бизнинг фарқимиз шуки, биз иш ҳақида ўйлаймиз, Заргаров эса... раҳбарлар ҳақида. Бошлиқлар, министрлар ва ҳоказо. Лекин у киши учун, умуман, яхши раҳбар йўқ.

— Сиз учун ёмон раҳбар йўқ, олам гулистон, илжаийб тураверасиз!— деб юборди Заргаров. Лекин шу ондаёқ ўзининг бундай енгилтаклик билан луқма ташлаганидан пушаймон бўлди. Умуман, ишни ўзи пачава қилди. У ўйлаган катта ўйлар қаёқда-ю, бу гаплар қаёқда! Нима бўлди ўзи? Асосий гап юзага чиқмади-ку, уни ҳеч ким тушунмади-ку? Ҳамма нарса пароканда. Тайёрланиб келса бўлмасмиди? Оддий масала эди-ку! Ё бу ўринда ҳам шу «оддий» деган рамкага сифмадими?

Энди Ҳайдаров гапирарди. Унинг кексаларча салмоқ билан қилган ўғитлари аввал Заргаровнинг қулоғига кирмади. У асабий, ўзининг аламли ўйлари билан банд эди.

— ...Сиз муддат, муддат дейсизу,— эшитилди секретарнинг овози,— тайёр лойиҳаларни рад этиб, кундалик ишларингизни бошламай, хомхаёллар билан ҳамма муддатларни ўтказиб юборяпсиз. Сиз масъул одамларнинг қўл-оёғини боғлаб, бир-бирига тобе қилиб қўймоқчисиз. Сангиновнинг плани барбод бўлса, кейин бунинг жаво-

бини сиздан сўраймизми? Мана, ўзингиз графикларни ҳозир издан чиқарибсиз, иш барбод бўлса, буни Сайрамовга тўнкаймизми? Еки министрларни айблаймизми? Йўқ, Заргаров. Менимча, қароримиз шундай бўлиши керак. Область партия комитетининг бюроси сизни биринчи галда қаттиқ огоҳлантириб, бугундан эътиборан ўзингизнинг бевосита ва кундалик вазифаларингизни бажаришга...

Қаттиқ огоҳлантириш... Қаттиқ огоҳлантириш... Заргаровнинг қулоғида фақат шу сўзлар янграб, секретарнинг товуши узоқдан эшитилгандек, бошқа гаплари шу сўзлар жарангига кўмилиб кетмоқда эди.

Заргаров қарор овозга қўйилаётганда ўзига келди. Қўллар кўтарилмасдан туриб, бир нима дейиш, гапириш, тушунтириш керак эди. Нима дейди? У тайёр эмас. Айтмоқчи бўлган гапи бирдан қаердадир — жуда узоқда, ўзига ҳам жуда кўп, катта кўришиб кетди. Борди-ю, ҳаммаси чиндан ҳам хом хаёл бўлса-чи?..

Бу ўйлар қийноғида ўтирганида бир-бир кўтарилаётган қўлларга кўзи тушди. Мана, гапга аралашолмай ўтирган икки раис, ёшгина бир завод директори... Кейин Сангиновнинг қоп-қора жундор қўли. Бир узоқ районнинг секретари ўз қоғозлари билан овора, бугун унинг ўз масаласи бор. У ҳам бир нарса ёза туриб, чап қўлини кўтарди. Кейин майингина ҳаракат билан бош узра чиқиб келган Аббосовнинг қўли... Столнинг охирида Жалпақова.

— Мен қаршиман,— деди у. Ҳамма қўлини тушириб ўша томонга қайрилди?

— ...Хўш? Нега?— деди ҳайрон бўлган Ҳайдаров ҳам анчадан кейин.— Бўлмаса нима учун индамай ўтирдигиз? Тушунтиринг.

— Билмайман.

Ҳамма кулиб юборди.

— Майли, кула туринглар-чи...— деди Жалпақова.

Чарчаб, кайфияти бузилиб турган Ҳайдаровнинг бу аёлнинг одатдаги қўрслигига жаҳли чиқди.

— Топишмоқнинг нима кераги бор, ўртоқ директор? Бюро бу.

— Бўлар экан-да,— деди аёл,— бюрода ҳам гоҳо бўлар экан... Менимча, Заргаровнинг ўзи топишмоқ. Қани, сиз уни биласизми? Графикни суриштирдигиз, лекин

Ўзини билмайсиз. Мен ҳам билмайман. Шунинг учун қарши овоз бердим, ёзиб қўйинглар.

Ҳамма мажлисни тугаган ҳисоблаб, аллақачон ўрнидан туриб олган эди.

— Қизиқ...— деди Ҳайдаров.— Лекин бу аҳволни ўзгартиролмайди. Мажлис тамом, ўртоқлар.

Тарқалдилар. Чиқибоқ ҳамма ўзини папиросга урди. Бирпасда тутун босиб кетган йўлакдан тез ўтиб, эшикка яқинлашиб қолган Жалпақова орқадан Заргаров келаётганини сезиб, қадамини секинлатди. Лекин Заргаров тўхтамади.

— Қўйинг, нима қилардингиз,— деди Тўмариснинг елкасига қараб,— мен ҳеч қандай топишмоқ эмасман. Мен нўноқман, холос.

У ўтиб кетди.

Кўчалар лўй, табиати хира, зах қиш кечаси ҳам унинг дйлидек қоронғи, рутубатли эди. Ҳеч ким билан гаплашгиси келмади, ёлғиз қолишни, фақат ёлғиз қолишни истар эди.

Бугун уйда қолиб Фотима билан бафуржа гаплашини мўлжаллаган эди. Энди, йўқ, бу аҳволда бориб бўладими! Бу аҳволда, аксинча, ишни паққос бузиб қўйиши мумкин. Нима дейди, хўш? Ичига чироқ ёқса ёришмайди-ю, ширин гапни қаёқдан олади. Фотима билан гаплашиш учун ҳозир бошқа ҳамма нарсани унутиши керак. Унинг кўнглида бўлса қаёқдаги ўйлар, ҳислар чувалиб ётибди: ўзига нафратми, пушаймонми, кимнингдир тубанлигими... нима бўлса ҳам ҳаммаси чиркин, чиркин. Унутиш, ёлғиз қолиш, қаёққадир кетиш, тун қўйнида йўқолиш керак...

Қаёқларда юрганини билмайди, ярим кечадан сўнг, Қумтовга жўнаб кетди.

Уни яқин орадан келаётган гўнғир-гўнғир овозлар уйғотиб юборди. Аввал дабдурустан ўзининг қаердалигини ҳам билолмай, ён-верига қаради. Билса, йўлчилар пикетидаги ўзининг ўша ёғоч ҳужрачаси, дераза негадир ланг очиқ. Энди ёдига тушди: тонг қоронғисида бу ерга машина сўраш учун рацияга кирган эди, эски креслода жунжикиб ўтириб, ухлаб қолган экан. Овозлар қаёқдан келяпти? Заргаров баданида қалтироқ сезиб, ўрнидан турди, деразани ёпиб қўйиш керак, Бобош эснаб кўзини йиртиб йўлга чиққунча ҳали анча бор шекилли.

Ҳароратсиз қиш қуёши уфқни энди қизартира бошлаган эди. Дераза тагига борганида ҳалиги овозлардан бири таниш туюлди. Заргаров деразани ёпиш ўрнига, бенхтиёр тинглаб қолди. Булар тонгда ишга олиб чиқилаётган маҳбуслардан экан шекилли, улар нима қилиб бу ерда юришибди? Бирин оҳакка беланган кийим-боши билан тачкага чўкиб ўтирибди оёқларини осилтириб. Иккинчиси, кунгайда деворга суянган. Заргаров шунисининг овозини таниди. Бу ўша чиноқ Мамат Яҳёев эди. У, одатича, кам гапирар, аҳёнда бир «хинг-минг» деб қўяр эди.

Нима гап? Бу ерда нима қилиб туришибди ўзи? Бошлиқнинг шу ердалигини билишадими-йўқми? Креслода ўтирганча ухлаб аъзойи бадани қақшаб кетган Заргаров, боши ғовлаб, ҳеч қандай қарорга келолмади. Тураверди.

— Қўй, Қултой, бу гапларингни...— деди Мамат ерчизиб. Заргаров унинг ёнгинасида эканини сезиб, дераза ойнасида қорасини кўриб турибди.

— Юрагингга қойилман шунча гапни ичингга сиғдириб юрган!— деди Қултой оёғини силкиб. Яна анча индамай қолишди. Қизғиш қуёшининг заиф нурлари баданларига хуш ёқар эди чоғи. Мамат миждовланиб яна нимадир дея ғўнғиллади.

— Аммамнинг бузоғи экансан!— деди Қултой.

«Бундан бошқа галва йўқми бошингда», деб нари кетмоқчи эди, кейинги сўзини эшитиб, яна тўхтади Заргаров. Қултой давом этди:

— Бераман деса қулига — келтириб қўяр йўлига, дейди. Худонинг ўзи рўпара қилиб турибди-ю...

Бунисининг гапи аниқ эшитилди. Лекин наригисининг, нима деб ғўнғиллаганини илғаб бўлмапти. Гап нима ҳақида ўзи? Буларнинг ҳам ўзларига яраша муаммолари бор экан шекилли-да. Мамат яна миждовланди, гази борга ўхшайди-ю. Қултойдан ҳайиққанидан айтолмапти.

— Мен сенинг ўрнингда бўлсам, аллақачон асфалософилни қилардим...— Қултой яна тачкадан оёқларини ликиллатиб гапирди:— Қимлиги билан нима ишим бор? Мен кекки ичимга сиғдириб юролмайман. Қасос кўнгилини тинчитади, оғайни.

Заргаров бадани нам тортиб, девор тагидаги скамейкага ўтириб қолди. Шартта олдиларига чиқиб борсамми-

кан? «Мана мен ўша фалончиман», деб? Йўғ-э, нима ҳожати бор улар билан пачакилашишнинг? Бу гапларни тингшаб туришнинг ўзи шаънига номуносиб! Бошқа ташвиши йўқми, обкомдаги гаплардан ҳам боши шишиб ётибди...

Негадир бадани жунжикиб кетяпти. Уйқусизликдан. Уйқу бўлмади. Уст-боши ҳам ёнжимланиб кетибди...

Бунгача ташқарида тўда-тўда маҳбуслар, кейин ишчилар ҳам шовқин-сурон билан трасса томон ишга ўтиб кетишди. Ҳалиги иккисининг ҳам овози ўчди, қўшилиб кетишган бўлса керак. Бу орада моторни вағиллатганча эрталабки тинчликни бузиб Бобош ҳам етиб келди. Заргаров ўзини бир оз тетик сизди. Ҳозир уйга боради, иснади, соқол қириб, ювиниб, иссиқ чой ичгандан кейин ўйлар нима ўй бўлса...

— Кетдик,— деди Бобошни ерга ҳам туширмай.

Лекин тетиклиги зўрма-зўраки эди, Бобош дарров сизди. Бунинг оддий толиқиш эмаслигини ҳам пайқадди Бобош. Шунинг учун уч кундан бери ўйлаб, оғиз жуфтлаб юрган гапларини, ўзининг дардларини айтмади ҳозирча. Бошлиқнинг ичига чўкиб кетган кўзларига, соқоли ўсиб қорайиб турган ёноқларига хавотир билан қаради. Боши оғиб кетяпти, ухлаб қолмаса бўлгани. Машинада мудраса, Бобош ачиниб кетади...

— Сизга хат бор, Мардонқул ака,— деди у бошлиқни бир гап билан алаҳситиш учун.

— Хат?! Қанақа хат?

— Шаҳардан. Келин оймдан бўлса керак, сизнинг фамилиянгиз...

Заргаровнинг ҳорғин юзига қон югурди. Кўзлари йиғлагандагидек ялтиллаб, жонланди:

— Қани, ҳайда-чи, Бебош. Олиб кета қолмабсан-да? Хатни айтаман.

— Кеча келарсиз, деб ўйлаган эдим. Эсипастлик қилиб, эшик тирқишига суқдимۇ қайтиб ололмадим...

Бобош уни қувонтирадиган гап топганидан хурсанд, эзиб ҳикоя қила кетди. Лекин бу гаплар энди Заргаровнинг қулоғига кирмас эди. Фотима, Фотима... Ахир ёзибди-да! Худди Заргаров ўйлагандек бўлиб чиқди: соғиниш жигаридан ўтиб кетганда ўзи ялиниб келади, демаганмиди! Бир оз қаҳри қаттиқлик қилди-ю, лекин майли. Унинг ўзига шафқат қилишяптими? Фотима ҳо-

зир унинг аҳволини кўрсайди, ичидаги гапларни билсайди...

Йўқ, билмагани ҳам яхши. Кеча уйга кирмагани тузук бўлган экан.

Заргаров сўлғингина жилмайиб қўйди. Бундан оғзи қулоғига етган Бобош олдида хижолат тортиб, ўйга толди: бутун вужудим билан саҳрони севаман, безовта, жанжалли, миқёсли ишларни севаман, деб юрса, бутун вужуди билан атиги шунчаки оддий бир хотинни, Фотимасини севаркан... Зиёни йўқ, ҳаммаси жойида бўлади. Уртоқ Ҳайдаров билан ҳам ҳали гаплашади. Чорасиз иш йўқ.

Қизариб чиққан қуёш юзини аллақандай ғалаёнли, серҳаракат булутлар тўсди. Бирини шаклини тез ўзгартириб, қуёш юзини сал очай деганда бошқа бири, яна ҳам қалин, яна ҳам қўнғироқ тусдагиси келиб, унинг ўрнини эгаллар, саҳронинг поёнсиз саҳнидаги шуъла-соя далғови дилга ҳаяжон солар эди.

Заргаровнинг руҳи енгил тортди. Эрталабки ўйлари, ҳалиги икки ярамаснинг гапи, уни тингшаб тургани, дилидаги ваҳима — бари ҳозир ўзига эриш туюлди. Вужудидан азоблар, уйқу ғафлати тамом аримаган пайт эди шекилли-да, чала тушдек гап...

— Келдик! Сиз энди дам олинг, Мардонқул ака. Мен бир жойга бориб келаман, хўпми?— деди Бобош.

— Ҳў, ўйинқароқ!— Заргаров шўхлик билан унинг елкасига туртди.— Эрталабданоқ қизларни ишдан қўйма,— деди кўз қисиб, ўз ётоғи томон шошаркан.

Йўл-йўлакай чўнтагидан калитларини олди. Омонатгина тахта эшикни очиш билан хат шип этиб ерга тушди. Заргаров уни қўлига олгач, адресига қарамай, қоронғи йўлакда бир зум тўхтаб қолди: Фотимадан эмас, бошқа бировдан бўлиб чиқишидан кўрқар эди.

Йўқ, хат Фотимадан эди. Заргаров уни столга қўйди. Юраги ҳовлиқмади, қайтага ажойиб бир осойиш топди, нега ҳаяжонланиши керак экан, у уйдан, хотинидан хат олди. Одатдаги гап. Оёғи увушганини эслаб, кечадан бери ечилмаган этигини торта бошлади. Уй исиб кетган эди, форточкани очди. Олдин чойни ҳам плитага қўйиб, чойнакнинг ёқимли, синашта вишиллашига қулоқ солиб, бемалол ўтириб хат ўқимоқчи эди, йўқ, сабри чидамади, конвертни олиб йиртди. Дераза ёруғига солиб, пайпоқчан тикка турганча ўқий бошлади.

Хатда одатдаги мурожаат ҳам йўқ, дуон салом ҳам, тўппа-тўғри аллақандай мулоҳазадан бошланган эди: «Турмуш биз ўйлагандан кўра мураккаброқ бўлиб чиқди...» Заргаровнинг аллақаери жимирлаб кетди. Хатни бир ўқидими, икки ўқидими — кўзи тиниб боши айлана бошлади. Ҳалиги тетик хушчақчақликлар сунъий, ирода зўри билан бўлган экан шекилли, ҳаммаси бехосдан йўқ бўлди-қолди. Чиркин ғашлик, асабий ҳорғинлик бирдан яна вужудини чулғаб олди. Заргаров юмшоқ шиппагини қидириб тополмади. Қаравотига келиб ўтирди. Хатни эҳтиёт қилгандан икки қўллаб ушлаган, худди ҳали ўқимаган, яна ўқиса бошқа маъно чиқадигандек эди. Каравот турган жойга ҳали ёруғ тушмаганми ёки кўз олди қоронғилашганми — бу сафар жуда қийналиб зўрға ўқиди, ўқиди-ю, тинкаси қуриб кетди, бошини қўллари орасига олиб, мажолсиз узоқ ўтириб қолди. Фотимани кўз олдига келтиришга уринар, лекин сира келтиролмас, нуқул хатдаги сўзлар қулоғи остида янграб эди: «Турмуш биз ўйлагандан кўра мураккаброқ бўлиб чиқди. Мен сизни ҳеч нарсада айбламайман. Тақдир шу экан шекилли. Бизнинг ҳаётимиз ҳеч қайси жиҳатдан бут бўлмади. Ҳали кеч эмас, уни ўзгартришга менинг ҳали имконим бор. Тушунарсиз. Узоқ ўйлаб, ўтмишни шартта қирқиб ташлашга узил-кесил қарор қилдим. Талоқ хатимни юборинг. Буни ноз-истиғно ёки бошқа у-ўу деб ўйламанг. Лекин нима деб ўйласангиз ўз ишингиз, менинг учун энди бунинг фарқи йўқ. Мен сўраган ҳужжатни кечиктирмай юборинг. Суд учун керак. Илтимос, ўтинаман, талаб қиламан... Кечирасиз, Фотима».

Фақат мана шу охириги «кечирасиз» деган сўздагина Заргаров билган илгариги Фотиманинг жиндак илиғи бор эди. Қолгани ҳаммаси ёт. Ёт! Бегрна! Совуқ, даҳшатли... Бир парча қоғоз ҳам одамнинг вужудини шундай музлатадими? Ё кечаги, эрталабки гаплар ҳаммаси бир бўлиб... Бало-қазо бир-бирини бошлаб келади, деганлари шу экан-да...

Заргаров ёруғлик борлигини унутгандек, қоронғида зўр бериб хатга тикиларди. Наҳотки Фотиманинг ўз қўли? Хатда-ку ўз қўли, лекин умуман, бу ишда бировнинг қўли йўқмикан? «...Менинг ҳали имконим бор. Тушунарсиз». Бундай шафқатсиз худбинлик қаёқдан юқди унга? Йўқ, йўқ, бу Фотима эмас. Нима қилиш керак? Бундай пайтларда нима қилинади?

Заргаров ҳали қаёққа боришини билмаса ҳам, шошиб этикларини кийди. Шарфини бўйнига ўраб, ҳовлига чиқди. Машина ҳам, Бобош ҳам йўқ эди. Кимнидир топиш керак. Кимни? Топса нима дейди? «Хотиним ташлаб кетяпти, ёрдам беринг», дейдими? Бунча аянч...

Лекин у ҳамон елиб борарди. Бобошнинг ётоғига қараб кетаётганини ўзи ҳам энди фаҳмлади. Ҳа, шаҳарга тушиши керак, Фотимани кўриши, гаплашиши керак. Шу бугуноқ! Ҳозир!

Лекин ётоқлар ҳувиллаб ётарди. Заргаровнинг ҳовлиқиб тақиллатишига четан остида ётган каттакон теват эрнинигина иккита ҳуриб қўйди, «Ҳамма ншда, сен нима қилиб юрибсан?» дегандек.

Ҳақиқатан, у нима қилиб юрибди? Бориши керак, кўриши, гаплашиши, тушунтириши, ялниниши... керак. Ялниниши? Заргаров тўхтаб қолди. Нега? Нега ялниниши керак? Гаплашишга муҳтож бўлса, аввал ўзи бир оғиз маслаҳат солса бўлмасмиди, қиз бола эмас. «Узоқ ўйлаб, узил-кесил қарорга келдим» дебди. Энди Заргаров унга тушунтирадими? Еки алдаб-авраб ниятидан қайтарадими? Суймаганга бориб суйкаладими?..

Заргаров гандираклаб орқасига қайтди. Калласида ҳеч нарса йўқдек, кўкси ҳам, бутун вужуди гўё бўмбўш. Қасридир қаттиқ зирқиради. Кеча тушдан бери туз татиغان эмас, кўкрагининг пастиди нимадир узилиб тушгандай пастга тортар эди.

Эшикни ёпишга ҳам мажоли келмай, ўзини каравотга ташлади.

— Бормайман!.. Бормайман!..— деб икки марта такорлади-ю, ҳушсиз уйқу чангалига тушди.

9

Заргаров одатдагидек ишга боради-ю, уйқусираб ўтириб ё тентираб юриб, қайтиб келади. Гоҳо жуда барвақт қайтади, гоҳо жуда кеч. Қурилишда нималар бўлаётганидан беҳабар, қўли ишга бормайди, кунлари қандайдир туман ичида ўтаётгандек. Кечалари уйқуми, босинқирашми, аллақабёқдаги чувалган ҳазин ўйлар қийнайди уни, бу ўйлар орасида эса ҳар сафар Фотима қалқиб чиқади-да, рўпарасида туриб олади. Заргаров тонгга яқин сал тўлғаниб тинганда унинг тиниқ, қорача бадаинини кўкси билан сезади-да, совуқ терга ботиб ўрнидан

туриб кетади. Бориб, остоидаги пақирдан совуқ сув ичади...

«Дунёда энг ёмон кўрган одамим!»— дейди ҳамон хотинини кўз ўнгида кўриб. Лекин шу ондаёқ кўнглининг қаеридандир акси садо келади: «Дунёда энг яхши кўрган одамим...»

Касалликдаги босинқирашга ўхшаган бу хаёллар гоҳо бирдан кўтарилиб, кундалик тирикчиликнинг оддий бир юмуши тиниқ эсга келади. Эртами-индинми Фотимага барибир сўраган ҳужжатини юбориши керак, пайсалга сололмайди-ку? Юбормасдан, батафсил бир хат ёзиб кўрсачи? Бутун қалбини, бутун ўйларини тўкиб солса! Йўқ, раҳм-шафқат уйғотиш ёки Фотимани фикридан қайтариш мақсадида эмас, қийналган юракни бир оз бўшатиш учун. Ушанда зора эркинроқ бир нафас олиб одам қатори оёққа турса. Бу азоб юкини қачонгача кўтариб юради?

Заргаров шундай бир хат ёзадиган бўлди. Шошмасдан, ҳеч нарсани яширмасдан, бутун ўйлаганларини, бутун дарду хаёлини батафсил ёзади, майли бир неча кун тер тўкса ҳам.

У хатни бир неча кунгача бошлаб олмай юрди. Кечалари ёзганини кундузи йиртиб ташлар, кечқурун ишдан келганида эрталаб ёзиб кетган варағи столда стимчадай мунғайиб ётган бўлар эди, у эсингдами, бу ёдингдами...

Йўқ, бу чучмал гаплар кетмайди. У хатни шунчаки кўнгилчанлик учун ёзаётгани йўқ.

Лекин бу ёзилмаган хат унга яна бир азоб бўлди. Нима деб ёзса ҳам кўнгли тўлмас, ҳеч қандай сўз тўғри келмас эди. Чунки ҳали у нимага бундай аҳвол юз берганини ўзи билмасди. Ўзика билмаса, Фотимага нима деб ёзади?

Шу ҳафталарда Заргаровнинг авзойидан огоҳ бўлиб юрган Дмитрий Казимирович бир куни тонг бўзармай, унинг уйига кириб келди. Заргаров қоронғида бурканиб ётар эди. Дмитрий Казимирович атайлаб этигини гурсурсурсурсураб, томоқ қириб кирди. Лекин уй эгаси уйғоқ эди. Меҳмон дераза пардаларини тортиб, унинг киртайган кўзларини, соқол босган заҳил юзини кўрди.

— Нима, тобинг қочдимми?

— Йўқ, соппа-соғман,— деди Заргаров жонҳолатда ўрнидан тураркан,— қурилишда нима гап?

— Соппа-соғ эканлигингни кўриб турибман, гапни

чалғитма,— деди Губанов кулдон тўла сигарет қолдиқларини деразадан улоқтириб.— Қурилишда иш илгаригича, обкомда нималар қилиб келганингни ҳали ҳеч ким билмайди.

— Дмитрий Қазимирович, мен...

— Ҳозир гап бунда эмас,— деб унинг сўзини бўлди Губанов.— Қани, ўрнингдан тур, начальник ҳам шунақа бўладими, ювин, таран. Мария Власовна қуймоққа чақирди.

Партия ташкилотчиси обкомдаги кўнгилсиз гапларни батафсил эшитган, лекин Заргаровнинг кўнглидаги тубсиз зимистоннинг ҳамма пастқам бурчакларини билмас эди. Шунинг учун унинг ранги рўйини кўриб ҳайрон бўлди. Заргаров эса бу аҳволини яширишга уриниб, ювинди, қиринди-да, пиёда йўлга тушганларида имкони борича ҳазиломуз иборалар билан Фотиманинг «илтмоси»ни, кейин унга ўзининг муносабатини сўзлаб берди. Губанов унинг «ҳазил» сўзлари ўзига арзонга тушмаётганини, ич-ичини таталаб чиқаётганини сизди, бир нима деёлмай қолди. Шу-шу уйига етгунча бир оғиз сўз тополмади.

Мария Власовна уларнинг келишидан беҳабар, ҳозиргина Бобош билан Алексейни қуймоқ билан сийлаб жўнатган эди, «Қайнанаси севган йигит экансизлар» деб, яна жизиллатиб товага мой солди. Бир зумда ликочаларни тўлатиб иссиқ қуймоқ келтирди, чой қўйди, столни гир айланиб, сергаплик билан қистаб сийлади. Шунда ҳам эркакларнинг гапи қовушмаганини кўриб, «ишга кетяпман»га тушди. У ертўлама-ертўла юриб, ёшлардан ўқилган китобларни йиғиб, аллақайси вагонда кутубхона очган, ҳар куни эрта туриб «ишга» жўнар, кечгача ўша ерда қолиб кетар эди.

Мария Власовна чиқиб кетгач, уй ичи анчагина жимжит бўлиб қолди.

— Ҳҳаа...— деди Дмитрий Қазимирович кўксини бўшатиб.

Анчадан бери ичига иссиқ кирмаган Заргаров мойли қуймоқдан кейин бўшашиб, бошини кафтларига олиб ўтирар эди.

Шафқатсизсан ўзингга, Мардонқул, ҳаётинг ўта шиддатли...— деди Губанов анчадан кейин.— Бунга ҳар қандай хотин ҳам чидайвермайди.

Аммо менинг ҳам ардоқли ҳисларим, эзгу ўйларим

бор эди. Барини йўл-йўлакай оёқ ости қилди...— Заргаров бош кўтармай гапирди.— Гап балки чидамда ёки менинг дайдилигимда ҳам эмасдир. Эҳтимол, орада муҳаббатнинг ўзи бўлмагандир. Айрилиқ, ахир, ишқни пиштади, дейдилар. Бизнинг ҳижронларимиз эса уни со-вутибди... Ойлаб, йиллаб бир-биримиздан узоқда яшаш балки ҳижрон эмас, совуқликнинг ўзи бўлганмикин... Ундай десам, мен уни доим соғинардим, кўмсардим. Ҳозир ҳам... Шу кунларда ўзим ҳам тушунмайман, ҳеч қачон бундай аҳволга тушган эмасдим. У-чи, кўксида қиттак қўр қолган бўлса шу ишни қилармиди?

Дмитрий Казимирович, темирдек бақувват, ғайрату журъати битмастуганмас деб ўйлаб юрган бу одамига биринчи марта чинакамига раҳми келди. Бошида шунча ғалва, зиммасида бир дунё юк, бир дунё ғам, масъулият кўтариб келаётган одамни илон чаққандек бўлибди. Қанақа ғаламис экан бу хотин...

У оғриқни ўз кўксида сезгандай ўрнидан туриб кетди.

— Ешлик чоғи, гул фаслида севмоқ-севишмоқ осон,— деди у тор уйда асабий юриб,— эпласанг, сен мени мана энди сев! Ешлик кучларимиз, ҳусну тароватимни дашту саҳроларда қолдирганимда, бор-йўғимни одамларга бериб бўлганимда сева бил!

Унинг қадамидан пол ғирчиллаб, орага чўккан жимлик яна ҳам нуқулай, бесабр кайфият касб этар эди. Губанов ўзи ҳам ўйлаб қолди: «Кимга дўқ қиляпман? Уларнинг нозик ишларига суқулаётган бўлмай тағин?»

Лекин, қараса, Заргаров бошини тутиб олибди. Кўзларида маъноли ифода. У энди қандайдир чалкаш, маъжум руҳий қийноқлардан қутулгандек, тиниқ ўй сура бошлаган эди.

— Дарвоқе, яхши кўришнинг ўзигина кифоя қилмайди шекилли...— деди у.

— Гап шунда-да,— қувватлади Дмитрий Казимирович,— одамлар борки, бир умр бир-бирларини яхши кўрадилар. Севгиларини қийнчиликлардан, синовлардан авайлаб-ардоқлаб, четлаб олиб ўтиб, беташвиш, фароғатда кун кечирадилар. Сен бўлсанг ўшандай тутаб-биқсиб яшай олмайсан. Сенга ўхшаганлар учун севганга яраша унда ёниб кул бўлган маъқул.

— Унчалик эмасдир, ошириб юбордингиз,— деди Заргаров совуқ чой ҳўплаб.— Лекин Фотима билан биз ҳаёт ҳақида ҳам, муҳаббат ҳақида ҳам, бошқа кўп нар-

салар ҳақида ҳам ҳар хил ўйлайдиган кишилар бўлиб чиқдик, бу рост. Уша хатини олганимдан бери бир воқеа ҳаёлимдан кетмайди. Биласизми, менинг «водопроводчи»лик тажрибамда... хотиним мени «водопроводчи», дер эди,— ерга қараб маъюс кулди Заргаров,— менинг тажрибамда бир ҳодиса бўлган. Саҳрода биринчи марта газ қувури ётқизганимизда узоқ участкада жуда катта авария юз берди. Ҳар замонда қувурлар уланган ердан ўт чиқиб, трассани аланга қоплар эди. Ҳамма ҳайрон, сабабини сира тополмаймиз. Ўт олавергач, бориб-бориб осмонга ўрлаган катта ёнғинга айланди. Одамлар ҳаёти учун хавfli бўлиб қолди. Бир неча ой овора бўлиб, компрессорларда газни зўрға тортдик, олов ўчди. Ўчди-ю, яна ёнмаслигига ишончимиз йўқ. Кейин, мутахассисларнинг аниқлашича, ҳалокатнинг сабаби нима экан денг? Участкада кимнингдир бепарволиги билан диаметри икки хил қувурлар пайвандлаб кетилаверган экан. Бирини кенгроқ, бирини торроқ... Фотима билан бизнинг авариямиз ҳам шунга ўхшамайдими?

Бу ўхшатиш Губановга жуда маъқул тушди. Жуда нашъа қилганидан пиқиллаб кулди, Заргаровнинг елкасига туртиб қўйди:

— «Водопроводчи!» Жуда топдинг лекин!— деди завқ билан.— Сизлар ҳақиқатан ҳам икки хил калибрдаги одамларсиз. Ҳалокатнинг сабаби ҳам шу миқёсларингизда.

— Калибр... миқёс...— деди Заргаров ҳам ҳорғин жилмайиб.— Мен сизни бирор маслаҳат берарсиз десам...

— Маслаҳат... Одам қаридими — демак, насихатгўйликдан бошқага ярамайди. Сизларнинг тушунчаларингиз шунақа. Майли, сен айтгандай бўлсин, мана сенга бирдан-бир маслаҳат: ҳозироқ бориб ётасан. Рангинг заъфарон, қандайдир бир дарднинг нуқси уриб қолибди.

Заргаров чиндан ҳам эти увушиб, зўрға ўтирган эди.

— Қари билганини пари билмас,— деди «қарилик» мавзуида ўчакишиб.— Ҳозир ётаман. Лекин шу ерда, сизникида. Майлими?

Губанов унинг кўзларидаги хаста бир йиғтиллашни янада яхшироқ пайқаб, унга шу ернинг ўзидаёқ жой тақлиф қилиш эсига келмаганига ўқинди: ахир унга ҳозир илқ хонаки бир вазият керак, суҳбатдош керак...

Заргаров печка орқасидаги ўзи яхши кўрган жойга кириб чўзилди.

— Сизга раҳмат, Дмитрий Қазимирович, ичимга чироқ ёқса ёришмаётган эди, сиз билан гаплашиб анча енгил тортдим.

— Бас, дамингни ол.

Шундай дедию ўзи чиқиб кетолмади, уни қандайдир чала-ярим ўйлар чирмаб олаётгандек эди. Самоварнинг патнисга тушган чўғидан тамаки тутатди. Бирдан хумори тутгандек, узун-узун, мириқиб тортиб анча ўтирди. Кейин остонага бориб-кела бошлади.

— Мардон...— деди анчадан кейин, сени,— ухлаяпсанми?

— Сиз унда пахса лой тепяпсизу, уйқу келармиди...— деб ҳазиллашди Заргаров. Аслида уйқу уни печа кундан бери тамом тарк этган эди.

— Менга қара, нима дейсан, ўша кунни обкомда бўлган воқеанинг ҳам сабаби ўша эмасмикан?

— Нима «ўша?»— бир нимадан кўрққандек дарҳол сўради Заргаров.

— Ўша... калибр, миқёс.

— У катта гап. Ҳазиллашманг. Нима деганингиз?

— Ҳазилнинг нимаси! Калибр масаласи ҳам жуда катта гап, мен сенга айтсам.— Дмитрий Қазимирович печканинг бу томонида ўтирар, суҳбатдошининг ҳам бу гандан ҳушёр тортиб каравотга ўтириб олганини кўрмас эди.— Сен, ётавер, дамингни ол. Менинг жаврашларимга эътибор қилма.

— Гапиравернинг.

— Ҳалитдан бери шу гап калламдан чиқмайди. Сенинг сарфони территориял комплекс усулда ўзлаштириш, ҳозир тўққиз министрликнинг тўққиз томонга тортиши, турли главкаларга бўйсунадиган субподрядчиларнинг жонга теккани ҳақидаги гапларнинг авваллари менга ҳам эриш туюлган эди. Буни ё ҳовлиққанидан, ёки асабийлигидан гапиряпти, деб ўйлардим. Энди тушунидимки, ҳақиқатан ҳам иш бу тариқа давом этиши мумкин эмас. Ана шу катта мураккаб территориял ишлаб чиқариш комплекси бир жойдан туриб бошқарилиши керак. Замона талаби шу. Бу амалга ошса, биз директив муддатни камида икки йилга қисқартира оламиз. Буни қатъийроқ қилиб, юқорироқ идоралар олдига қўйиш керак. Мен коллективда юриб, узил-кесил қарорга келдим.

Заргаров негадир индамай қолди. Йўқ, у уйқуга кетган бўлиши мумкин эмас.

— Заргаров, эшитяпсанми?

— Бу гапларни печканинг орқасида ўтириб гапириш осон,— деди секин Заргаров,— сиз буни бюрода гапиринг эди.

— Биласанми, сен бюродан хафа бўлмаслигинг керак. Улар ҳам ҳар йили саҳро ўзлаштириб юрган одамлар эмас. Область қадимдан пахтакорлик ўлкаси. Анъаналар ҳар ишда ҳам дарров ўз бийлигинга қўйиб беравермайди. Сенинг гапларинг уларга томдан тараша тушгангандек кўринган бўлиши мумкин.

— Мен ҳеч нима деёлганим йўқ.

— Ана, кўрдингми, бу ҳам бор. Бунинг устига... каллибр. Биласанми, Сангиновлар ишчан одам, лекин каллибри бўлак. Ҳар кимнинг ўз объекти, ўз плани, ўз масъулияти. Ахир ҳамма вақт шундай бўлиб келган: бу ерда биров қудуқ ковлайди, биров мол боқади, биров канал қазийди... Ҳозиргидек миқёс ҳеч қачон бўлган эмас. Бутун саҳро миқёсида ҳали ҳеч ким ўйлаган эмас. Ҳатто Ҳайдаров ҳам. Унинг областида одатдаги ишлар ҳам бошидан ошиб ётибди...

— Тўхтаг энди, Дмитрий Қазимирович, жуда гапга тушиб кетдингиз,— Заргаров печь ортидан чиқиб, унинг ёнига, скамейкага келиб ўтирди.— Нима демоқчисиз?

— Энди орқага қайтиш мумкин эмас, демоқчиман.

— Мен қаттиқ огоҳлантириш олдим-а? Уни нима қиламан? Қалибрим катта, деб обкомга қарши бораманми?

— Энди орқага қайтиб бўлмайди,— деб яна такрорлади Губанов.— Участкаларда, трассада сенга орқа қилиб катта машмашалар тайёрланыпти. Муддатни қисқартириш масласини барибир қўямиз.

— Бу бошқа гап-ку ахир.

— Йўқ, бошқа гап эмас, ўша гап: саҳрода бегона ташкилот йўқ. Асосий ишлар, айниқса йирик коммуникациялар биргаликда бажарилиши керак. Мен мутахассислар билан ҳисобладим: Сангинов ҳеч қандай шикастсиз бизга олти ой бериши мумкин. Сайрамов — тўрт ой, ЛЭПнинг янги лойиҳаси — яна тўрт ой... Бизнинг даврда бундай резервларни қўлдан чиқариш нодонлик бўларди. Барини жамғариб келаверсак, камида икки йил чўнтагимизда! Бутун бир комбинат осмондан туш-

гандай, давлатга текин ҳады қилинади. Ҳаммаси фақат бошқаришни такомиллаштириш ҳисобига! Территориал яқин объектларнинг кенг миқёсдаги ўзаро кооперацияси ҳисобига!

— Бу нутқни бир-икки жойда машқ қилдингиз дейман-да?

— Бўлди, униси ҳам бўлмади эмас.

— Уйқуни қочирдингиз.

— Қочадиган уйқу бўлсайкан сенда.

— Бу гаплар менинг уйқумни энди ўғирлаётгани йўқ.

Булар одамни жинни қиладиган гаплар. Лекин айтишга осон. Тушунадиган, тушунгандан кейин кўнадиган одамни топинг сиз. Сангинов икки диаметрли қувурини қучоқлаб дод солади. ГФРдан олиб келган эмиш! Бу фикр-ни мендан бошқа одам кўтариши керак экан. Мени манфаатдор шахс деб билишяпти.

— Чап бермоқчимисан? Фикр биздан — мана олинлар! Шунақами? Фикрни мен ҳам айтаман, букчайиб қолганим билан. Сен уни амалга ошир! Ушанда замонавий одам бўласан. Қалибр!

— Отимни «калибр» қўясиз шекилли?

— Сенинг калибринг ҳақиқатан ҳам катта. Сен одатдаги андозаларга сиғмайсан. Ҳеч қайси жиҳатдан. Ҳатто, мана... муҳаббатда ҳам.

Губанов яхши кўрган бу одамни мақтайман деб унинг ярасига тегиб кетганини билмай қолди. Дарров гапни бошқа ёққа буришга шошди.

— Бюронинг огоҳлантириши масаласига келсак, гап бундай,— деди ер чизиб,— бу сени ташвишлантирмасин...

— Виговор берса ҳам олавер, денг?

— Йўқ, ундай эмас. Мен сенга бошимдан ўтган бир воқеани айтиб берай.— Дмитрий Қазимирович оташкурак билан печкадан чўғ олиб самоварнинг ўтхонасига ташлади. Самовар ҳам дарҳол «уйғониб», куйлашга тушди. Губанов ўзига қадрдон шу «куй» жўрлигида хотирлай бошлади:— У кезларда ёш бетончи эдим. Фабрикани қуришга қуриб бўлдигу энди уни қўриқлашнинг ўзи бир азоб эди: босмачилар ҳафтада икки-уч хуруж қиларди. Ўзимиз бетон қорамизу елкамизда бешотар. Бир куни кўприкни бузиб, фабрикани рудадан ажратиб кетишди. Отишмадан кейин қарасак, директоримиз катта йўлда ўлиб ётибди. Чопиб кетибди газандалар. Яхши

бир мордва йигит эди бечора. Тожикчани худди тоғдан тушган маҷхойидек гапирарди... Нима бало бўлди-ю, одам қуриб кетган эканми ўша йиллари, шовқин-суронли узоқ бир мажлисда мени вақтинча директор қилиб кўтаришди. «Пастдан юқори» деган гаплар бўларди у пайтларда. Хўш... энди нима қилиш керак. Фабрика тақа-тақ тўхтаган. Халқ оч, Кайфият расво... Аввал кўприкни тиклаш керак. Бунинг учун бўлса, ишчининг қоринини тўйғазиш зарур. Бир қитмироқ ўртоғим бор эди. Ҳоруи Рашид деган. Ўзининг оти шунақами, лақабимиди — ҳалигача билмайман. Ушанинг ўргатган ҳийласи билан округга бориб ўн етти қоп ун олдик. Рухсатсиз. Уч аравага ортиб келдик, оғзимиз қулоғимизда, оқибати билан ишимиз йўқ... Бир ой ўтар-ўтмас начироднинг арзи билан менга ҳайфсан бериб ишдан олишди. Аввал сенга ўхшаб бошимни чангаллаб уйда ўтирдим. Садқан саримга дедик, кейин, ишдан олишса олишибди-да, ўзим ҳам «вақтинча» эдим ахир, дедим. Ора йўлда кўприк тузалиб, руда келди, фабрика юришиб кетди. Ҳайфсан ёнга қолди... Мана шунақа, чойингни ич.

Заргаров кулиб чой ҳўплади. Унинг юзига ранг кирган, эрталабқидан анча тетик бўлиб қолган эди.

— Нимага илжаясан?

Ҳозирги нарх-наво билан олганда кўприк қимматроқ тушибди албатта,— деди Заргаров.— Биласизки, бизники кўприк эмас, шунинг учун мен ишдан олишларидан ҳам қўрқмайман. Ҳатто агар... агар бизнинг ўша ўйларимиз амалга ошадиган бўлса, ҳар нарсага тайёрман... Ўзингизга маълум, биз мансабдагина эмас, дунёнинг ўзида ҳам «вақтинча»миз,— деб кулди Заргаров. Дмитрий Қазимирович унинг кўзларида илгариги чақнаш пайдо бўлганидан хурсанд эди. Улар кулиб тикилишиб турдилар.

— Ҳа, умрнинг ҳам паккау марраси бор...— деди чол ўйчан.

Мардонқул унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди.

— Бахтимга сиз борсиз, Дмитрий Қазимирович,— деди у сидқидилдан, аста.— Сиз иккиланиш нима эканини билмайсиз. Менимча, сиз янглишишни ҳам билмайсиз.

— Бекор айтибсан... Лекин ҳозир гап сенинг ҳақингда. Тадбирли, журъатли бўлиш яхши, лекин эҳтиёт ҳам шарт. Раҳбар бўлишнинг қийинлиги шундаки, унинг айтгани бажарилади.

Заргаров кейинги ҳафтада идорасига биринчи марта ишчан қиёфада, дадил елиб кириб келди. Қабулхонада одамлар кутарди. Илгари пайқамас эканми, у одамларга шу қадар зарур, иш ҳам шу қадар кўп эканки, тушликни ҳам тамом унутди. Идорада аини танаффус бошланганда эшик очилиб, катта кўзойнакли, ориқ йиғит жингалак сочли бошини суқди.

— Кел, кел, Эйнштейн!— деди Заргаров. Бошлиқ бу «беш минути кам инженер»ни эшитиб-кўриб юрарди-ю, бу унинг ўз фамилияси эмас, шўх дўстлари кулиб айтadиган лақаб эканидан беҳабар эди. Лекин Вайнштейн хафа бўлмади, у бунақа ҳазиллардан хафа бўлишни йиғиштириб қўйган. Эски тор шимини қоқиб яқинроқ келди. Кўзойнагининг қалин шишалари орқали нйманнброқ қараб турди.

— Хизмат, Эйнштейн? Ишлар қалай, ўқияпсанми?

— Уқияпман, Мардонқул Заргарович, Мария Власовна қўймади.

— Мария Власовна?

— Ҳа, у киши ҳар биримизнинг кори-боримиздан бохабар. Қаёқдан билади — тушунмаймиз. «Тайёрлан, ёзда бориб сиртқида имтиҳон берасан», дейди. Хўп, дедим...— Вайнштейн қўлидаги беретини гижимлар, гап туппа-тузук бошланиб кетган бўлса ҳам, мақсадга кўчолмай қийналаётгани сезилиб турар эди.— Лекин мен бошқа гап билан келган эдим, Мардонқул Заргарович.

— Хўш?

— Бир фикр туғилди...—«р» ҳарфларини чала айтиб, чайналди Вайнштейн.— Бетон хўжалигининг Тўрғай участкасида ҳисобдан чиқариб юборилиши керак бўлган бир бузуқ кран турибди.

— Тўрғайда? Ҳа, ҳа, кўрганман.

— Уч ойдан бери қаровеиз ётибди, Мардонқул ака, Минора кран.

— Хўш?

— Ушани бизга берсангиз.

— Кимга?

— Бизга-да, комсомолга.

Заргаровнинг эинди эсига тушди: Эйнштейннинг комсомол комитетига секретарь қилиб сайланганини Губанов айтган эди. Лекин иш ўрнига қаёқдаги гапни кўтариб юрибди-ку бу жингалак бош.

— Бузуқ кранни нима қиласизлар?
— Бир фикр бор. Ҳозирча назарий, лекин...
— Янги «нисбийлик назарияси»ми?— деб кулди бошлиқ.

— Телевизор минораси қурамиз, ўртоқ Заргаров.
— Телевизор?
— Ҳа. Ҳеч бўлмаса, бешта қочоқни ушлаб қоламиз-ку.

Заргаровнинг пешанаси тиришиб, ўсиқ қошлари бирлашиб кетди.

— Бу мумкинми?

— Мумкин, мумкин.— деди ҳовлиқиб Вайнштейн,— менда бунинг схемалари, шу ҳақдаги ҳамма китоблар бор. Ўзимиз қиламиз, ишдан бўш вақтларимизда.

— Ҳа-а..— дея ўйлаб қолди Заргаров; бўладими-йўқми — у ҳали буни билмас, ишонмасди, бу йигитчадан сўрашга ҳам бўйни ёр бермас эди. Болалик ўйини эмасмикан? Бунга бош қўшса-ю, кейин латифа бўлиб юрса..

— Мен нима қилишим керак?

— Битта қоғоз ёзиб берсангиз бас.

— Оғзаки рухсат берсам етмайdimи?

— У ерда СМУнинг бир чўтир прораби бор экан, жуда тўнг, бермайди.

Заргаров қоғоз ёзиб берди-да, боладек қувонган Вайнштейннинг орқасидан қараб қоларкан, унинг гапи эсига тушди :«Ҳеч бўлмаса бешта қочоқни ушлаб қоламиз-ку!» Эси жойидага ўхшайди, қўзғаб юрган иши галатиноқ бўлса ҳам.

— Ёрдам керак бўлса, менга айтинглар!— деб қичқирди деразадан. «Эйнштейн» шаталоқ отиб югурар эди, эшитмади.

Бу студентнинг қўзғаб юрган иши Заргаровнинг кўнглини кўтариб юборди. Кечаги руҳий зилзилалар сира бўлмагандек, иши илгаригича яна бошланиб кетган эди. «Чала инженер»дан кейин чиройли эрини етаклаб Гита кириб келди.

— Киравер, киравер, Геночка,— деб қистарди эрини, синашта уйга тақлиф қилаётгандек. Лабини қимтиб, оққуш сузишидек юриш қилди. Ипакдек майин сариқ сочлари елкасига таралган, эри келгандан бери бир оз тўлишиб, яна ҳам очилиб кетган эди. Эри ҳам, янги спорт костюмида, озода кийинган, қошлари ҳам терил-

ганми, хуллас, кўҳликкина йигит, итоатчан кулимсираб турарди.

— Бизга жавоб беришмаяпти, ўртоқ Заргаров, сизга келмас эдигу кечирасиз...— деди Гита бармоқларини ўйнаб.

— Жавоб?

— Ҳа, биз шаҳарга кетамиз, ушлаб туришга нима ҳақлари бор? Бир оғиз айтиб қўйсангиз уларга...

— Нега ахир, нима сабабдан кетяпсизлар?— Заргаров ҳайрон бўлиб тикилди бу икки чиройли, ёш одамга. Уларнинг чучмалроқ муносабатлари ғашига тега бошлади.

— Биз шундай қарорга келдик,— иккаласи учун фақат Гита гапирарди.— Кўп қийинчиликлар билан қовушдик. оила қурдик, б-боламиз бор... Сал бундай, одам қатори, шаҳарда ҳам турмоқчимиз Шундай қарорга келдик. Тўғрими, Геночка?

Эри кулимсираганча бош ирғади.

— Нима иш қиласиз?

— Сувоқчиман. Геночка кран машинисти, кунимиз ўтади.

— Шундай қарорга келдик, денг? Бу инсофдан эмас-ку?!

— Нима деяпсиз, ўртоқ Заргаров? Инсофсиз бўлиб нима қилибмиз?

— Бошқалар кунни ўтмаганидан келибдими қурлишга?

— Бошқалар билан нима ишимиз бо-ор?

Заргаров ўзини босиб олиш учун у ёқдан-бу ёққа юриб, Геннадийдан сўради:

— Сиз ҳам шундай деб ўйлайсизми?

— Мен... мен, нафсиламрини айтганда, Мардонқул Заргарович, Гитанинг олдида гуноҳкорман. Тўрт йил оталик бурчимни унутиб, қаёқларда дайдиб юрдим. У ёлғизликда қийналиб, ўғлимизни боқиб катта қилибди. Бош эгиб келганимда гуноҳимдан кечиб, очиқ чеҳра билан кутиб олди. Бир-биримизни яхши кўрамиз. Ҳеч бўлмаса энди яхшироқ яшайлик, ўзимизга шарт-шароит яратайлик, дейди, тўғри айтади...

«Э, хотинчалиш бўлмай ўл, эсизгина бўй-баст... Бир-бирини яхши кўрармиш. Нега? Яхшироқ яшайлик, ўзимизга шароит яратайлик эмиш. Нега? Буларни нима деб тушунишар экан? Буларнинг бир мазмуни бўлиши керак

ахир. Умуман, умрда, яшашда бир мақсад, бир мундарижа бўлмаса, «яхши яшаш» нимаси? Йигит чоғингда шуни ўйламанг, қачон ўйлайсан, ландовур?»

Заргаров стол орқасида анчагача юриб қолди. Эр-хотин ҳам нима тўғридадир им қоқишиб олдилар. Лекин шу вақт Заргаровни қатъий овози янгради:

— Сизларнинг қурилишдан кетишларинг учун ҳеч қандай сабаб йўқ.— Бошлиқ кўзлари бақрайган аёлга мурожаат қилди:— Сиз айтган «сабаб» билан рухсат берадиган бўлсак, бу ерда ҳеч ким қолмаслиги керак...

Заргаров уларнинг илтимосини рад қилиб чиқариб юборди-ю, кўнгли хира тортганича қолди. Кечаги, ўтган кунги ғашликлар яна қайтиб келгандек эди. Бу сингари «яхши яшаш» учунгина яшайдиганлар озмунчами?! Бошқа жойда бўлса: «Тўрт томонинг қибла, торт аравангни», деб жўнатаверар эди-ю, лекин бу ерда... Бу ерда меҳнат оғир, шароит оғир бўлгани учун ҳам одам қадри баланд. Аслида, одам қадри ўзи фақат меҳнат билан. Булар бўлса нимани қидириб юрибди, бу кўркем йигит ўша дайдилик йилларида ҳам керак нарсани қидирмаганга ўхшайди..

Бу ўйлар Заргаровга уйда ҳам Фотимага ёзаётган хатини давом эттиришга анчагача халал берди. Хатни умуман ўша куни Губанов билан бўлган суҳбат таъсирида қайта бошлаган эди. Бугун келиб унинг кўп жойини яна ўчирди. Давом эттиришга уринди, бўлмади. Худди ўтмишига хат ёзаётганга ўхшарди. Ўтмиш? Наҳотки Фотима энди ўтмиш? Ўтмиш нима ўзи? Ундан бамайлихотиргина воз кечиб бўладими? Ўтмишни унутсанг, қасос олади, дейдилар. У бир куни аламли пушаймон қиёфасида рўнарасидан чиқиб ёқасидан тутса-чи?..

Шу пайт эшик қоқилди. Ким экан бемаҳалда бундай қаттиқ асабий тақиллатган? Деразада қора тун, совуқ ёмғир севалар, шарпа ҳам кўринмас эди. Заргаров ҳеч қачон эшикни ичкаридан беркитмайдди. Саҳронинг хўжайини эшикни тамбалаб ўтирса уят.

— Киринг, эшик очиқ,— деди у.

Остонада Гита пайдо бўлди. Яна Гита. Бу сафар у чиройли кўринмади, қизарган кўзлари олазарак, бошидаги эски тивит рўмол шалаббо, йиғламоқдан бери бўлиб, ялина бошлади:

— Мардонқул Заргарович, бизга жавоб беринг, ўти-наман...

Кўриниб турибдики, одамлардан, балки эридан ҳам яширин келган. Шундай ҳавода, ярим кеча демай... Нима гап ўзи? Ҳалигина қатъий ҳал бўлган ўша гапни яна кўтариб нима қилиб юрибди? Бу ерда бир сир борга ўхшайди. Заргаров нима қилишини билмай қолди. Тунда бу ёлғиз хотинни ўтиришга таклиф қилса — ноқулай, таклиф қилмаса — остонада қалтираб, кўзлари билан ёлвориб турибди.

— Гита, мен тушунмадим. Сиз билан бафуржа гап-лашишимиз керак шекилли. Утиринг, шолингиз нам, дийдираб қолибсиз.

Гита итоатчанлик билан шолни қозикқа илди-да, темир печкага яқин курсига келиб ўтирди. Қандай давлат бу аёлнинг сочлари! Унинг бутун жозибаси шунда экан, рўмолини бошидан олди-ю, аёллик жамоли ярқ этиб очилди-кетди.

— Мана энди гапиринг,— деди Заргаров кўзини четга олиб.

— Бизга жавоб беринг, боламиз катта бўлади, бу ерда мактаб йўқ.

— Уғлингиз нечада?

— Учда.

— О, у катта бўлгунча бу ерда мактабгина эмас, стадионлар, яхмалаклар, пионер саройлари бўлади...

Гита ўздан-ўзи пиқиллаб йиғлаб юборди. Заргаров бирдан пайқадик, бу хотиннинг бу ердан сира кетгиси йўқ. Кетгиси йўғу нимадир мажбур этипти.

— Сиз мендан бир нимани яширяпсиз, Гита,— деди Заргаров самимий жилмайиб.

— Нимани?— қўрқиб сўради жувон.

— Кетмоқчисизу бунинг асил сабабини яширяпсиз. Бу ҳолда мен сизга қандай қилиб жавоб бера оламан?

— Айтаман... сабабини,— деди-ю, яна йиғлай бошлади Гита. Заргаров ноқулай аҳволда эди: йиғламанг, деб бошини силаб бўлмаса бу сулувнинг. Боринг, эртага келарсиз, деб чиқариб юборолмаса!

— Айтаман... Эримга айтмагани сизга айтаман,— деди Гита пиқиллаб йиғларкан.— Эрик, ўғлим... Геннадийдан эмас. Мана, юзимни йиртиб, сиримни сизга ишондим.

— Эрик... Эрик денг? Чиройли от топибсиз,— деди

Заргаров бу хувон учун оғир бўлган вазиятни юмшатишга уриниб. Лекин бехосдан қўпол савол бериб қўйди:— Бўлмаса, ким отаси?

— У... у менинг ҳаётимда мутлақо тасодифий одам. У — йўқ, десам бўлади. Геннадий бутунлай ташлаб кетди деб ўйлаган эдим. Топиб келди.

— Бор гапни очиқ айтсангиз бўлмасмиди?

— Келди-ю, болага ёпишди.

— Шундай бўлса ҳам...

— Мен уни яхши кўраман. Эрик ҳам.

— Орада ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлса, яна ҳам яхши эмасми?

— Йўқ! Йўқ! Йўқ!— йиғламсираб шивирлади Гита.— У яна кетади, мен ўзимни ўзим ўлдириб қўяман!

Мана ёлғон, мана ўтмиш. Энди у ёлғон бу шўрликнинг босган қадамида бир умр даҳшат солиб юрадими?

— Айтгандай, менга қаранг. Бу-ку сизнинг ўз... тарихингиз экан. Бу ердан кетиш масаласига нима алоқаси бор?

— Бу ерда... пайқаб юрганлар бор. Биз бригадамиз билан келганмиз. Бу ерда умуман ёмон одам кўп. Бир эмас бирда айтиб қўйишади-да... Тамом нотаниш, янги жойга кўчиб кетсак, ҳаммасидан қутуламан.

— Ўзингиздан-чи?

— Ўзим сир сақлашни биламан, жонимдай сақлайман.

— Буни «сир» дейилмайди, синглим, буни ёлғон дейилади.

— Нима бўлса ҳам, Геннадий билмаса бас, яшайверамиз. У яхши, шундай яхшики... Мен ўзимдан нафратланаман.

— Нафратланиб бўлдингизми ўзингиздан?

— ...Бир кун унутилади-ку. Вақт ўтиб ҳар нарса унутилади.

— Энди сиз Геннадийни эмас, ўзингизни алдаяпсиз. Ҳали идорада мени ҳам алдаган эдингиз. «Яхшироқ шароитда яшагимиз келади», деб. Ёлғондан ёлғон чиқиб, бутун умрингиз ёлғонга чувалашиб кетади-ку. Оғриси ҳам ярани ўз вақтида кесиб ташлаган яхши.

Гита буни тасаввур этишга уринди шекилли, Заргаровга тикилган кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Йўқ!— деб қичқириб юборди у. Кейин кафти билан оғзини тўсиб, яна уввос торта бошлади.

— Энг хунуги, сиз одамлар ҳақида ёмон фикрда экансиз, улардан қочмоқчисиз.

— Айтиб қўйишади. Биласизми бу ерда қандай безорилар бор! Эшитиб қолса, эрмакка ҳам валақлайди.

Заргаров катта коллективда тотув оилани кўролмайдиган ёмон одамлар бўлиши мумкинлигини билса ҳам, бу хотиннинг «башорат»ларини сингдиrolмади. Бу ердаги кишиларнинг келажак қиёфаси ҳақидаги ҳар қандай ишора унинг энг эзгу ҳисларига туташ эди. Бошқаларни ҳам ўзидек қалбаки деб ўйлашга бу хотиннинг нима ҳақи бор!

Заргаров унинг гапларига қулоқ солмай қўйди. У бўлса давом этарди:

— ...Одамларга ишониб бўладими. Айтгиси келмаса ҳам, бирор жойда оғзидан гуллаб қўяди...

— Биласизми, синглим, бу ерда ҳақиқатан ҳам оғир. Лекин бу ерда руда тўполдан тозаланади. Бу ернинг одамлари бора-бора ҳеч қандай қоришмасиз, соф металл бўлади. Сиз одамлардан қўрқманг. Ўзингиздан қўрқинг. Одамлар сизга эмас, сиз уларга бегона бўлиб қолишингиз мумкин. Ёлғон яхшиликка олиб бормайди.

— Айтасизми?— деб бирдан бақрайди Гита.

— Йўқ... бу сизнинг ўз бурчингиз. Бунни фақат ўзингиз иқрор этсангизгина пок бўласиз. Мени айтди денг,— қайтадан туғилгандай бўласиз. Геннадий яхши одам, деяпсиз-ку!

— Йўқ!

— Демак, унинг яхши одамлигига ишонмайсиз?

— Сиз бунни билмайсиз,— дея ўрнидан сапчиб турди Гита,— мен сиздан фақат жавоб сўрагани келганман. Жавоб берасизми, йўқми?

— Жавоб йўқ.

— Бир фожиа юз берса, сиз жавобгарсиз!— Гита эшикка қараб юрди. У бир ҳолатда эди.— Эссизгина, мен сизга сиримни айтиб ўтирибман!— Шолини судраб югурганча чиқиб кетди.

— Гита! Гита!— деб чақирди Заргаров. Ёпинчигини топиб чиққунча жувон қора тун қўйнида ғойиб бўлган эди. Заргаров кавушига лой тўлиб қайтиб кирди. Табиати тирриқ, кўнгли ғаш. Шунақа ҳам бемаза тун бўлади-ми? Аёл кишини бемаҳалда қўплоллик билан қувиб чиқаргандек қилгани учун ўзини койишни ҳам билмас, қилгиликни қилиб қўйиб, унга «жавобгарсан» деб дўқ

урган бу тунги «меҳмон»ни нима деб аташни ҳам билмас эди.

Стolni уриб, катакка қамалгандек у ёқдан-бу ёққа юриб, бир оз ҳовурдан тушгач, кўнглида биттагина занглаган мих изидек заҳарли юқ қолди: алдамоқчи; ҳаётнинг ўзини алдаб яшамоқчи...

Фотимага атаган хатини бугунча йиғиштириб қўйди, бугун уни давом эттирса, алланимабало гаплар ёзиб қўйишидан қўрқарди.

10

Кенг саҳро йўллариди хўжайиннинг машинасини елдириб, тинчгина хиргойи қилиб юрган Бобош ҳам ҳаловатини йўқотди. Қултой калла ҳақидаги ёқимсиз ўй елимдек ёпишиб, тинчлик бермас эди. У мараз нима учун Бобошнинг ҳаёти-ю, севимли касби масалаларига ифлос тумшўгини суқади? «Зумраш»дай ҳимоясиз, бахти қора бечораларни дўқ-пўписа билан жонидан тўйдирди? Умуман, виждонли одамлар юрган ерларда бу газанда нега судраллади? Бобош буларни ўйлайвериб, алами шу даражага етдики, охири қарор қилди: жаҳонда ё Қултой туради, ё у! Дилида Қултойга қандайдир адоватли нафрат сезар, бу унга ором бермас эди. Аввалига ҳеч бўлмаганда «Зумраш»ни унинг чангалидан қутқазмагунча кўнгли тинчимайдиган. Шунинг учун бугун хўжайиндан рухсат тегиши биланоқ (айтиш керакки, ўша ярамаснинг гапидан кейин «хўжайин» деган сўзни ҳам ҳар тилга олганда негандир кўнгли беҳузур бўладиган бўлди) ўша қамиш бўғотидан сариқ сумалаклар осилиб турган ошхонага қараб югурди. «Зумраш» ўша ерда идиш-товоқ юварди. Ҳозир кечки овқат тарқатиб бўлинди, ўша ерда бўлиши керак.

Лекин у ерда ҳозир Қултой ҳам ўралашиб юрган бўлиши мумкин. Бўлса бўлаверсин, кўрсин — унинг аҳмоқона пўписасидан чўчидиган одам йўқ. «Зумраш»га ўтказиб қўйибдим! Қўли калта, тинчгина юриб муддатини ўтасин.

Учоқбошининг пастаккина энли деразаси роми билан юқорига кўтарилиб, таёқ тираб қўйилган эди. Бобош девор бўйлаб бориб секин бош суқди. Иссиқ буғ билан ювинди ҳиди гуп этиб димоғига урилди. Ичкарида ҳеч ким йўқ, фақат бир букри кампир билан «Зумраш» ювилган алюмин товоқларни тарақлатиб, уюм-уюм қи-

либ тахлашаётган экан. Бобош бошқа деразага югуриб ўтди, бу ердан қиз чироқ ёруғида яхшироқ кўринарди: фартук бойлаган бели ингичка, енглари шимариглик, қулоғидаги шиша исирғаси йилтиллайди, жамалаги чаккасига ёпишган. Бобош уни эндигина яхшилаб кўриб олди. Мана шу арзон тақинчоғу гажакларга барҳам берилса, бу жажжигина қизнинг кўпларни маҳлиё қиладиган ҳусни бор. Иссиқ сувдан қизарган бўлиққина билаклари, доим нимадандир ҳадиксираб турадиган «ўғри» кўзларининг гоҳ ҳасрат таратиб, гоҳ учқун сочиб жаланглаши, қорамағиз узун бўйни тагидаги қорамтир чуқурчалар ўтган сафар Бобошнинг кўзига чапинмаган эди. Наҳотки шундай жозибали нарсга давосиз бир иллат илашган бўлса? Қултойдек ифлос бир махлуқ уни нечук ўзига тобе қилди экан?

— Зумраш...— деди Бобош шивирлаб. Қиз сесканиб кетиб, ёнидаги косалар уюмини ағдариб юборди. Узоқ бурчакда бўкри кампир ўзича қарғанди, Бобошни пайқамай, қаёққадир чиқиб кетди.

— Танидингми?— илжайиб сўради Бобош. Қиз бир сапчиб ўзига келган эди.

— Танисам нима?— деди бепарво.— Нега Зумраш дейсан? Менинг отим Зумрад.

— Зумрад... йўқ, «Зумраш» чиройлироқ. Менинг исмим Бобош. Зумраш — Бобош, отларимиз ҳам уйқаш экан.

— Уйқашингни билмайман, ким керак сенга?

— Сени қидириб келдим.

— Овора бўлибсан, деразани ёп,— деди Зумрад. «Гап тамом, мен кетдим», дегандек, фартугини бошидан ошириб ечаркан, Бобош унинг чиройли оёқларини тиззасидан юқорисигача кўриб, кўзини ерга олди.

— Нима, яхши ният билан ҳам келиб бўлмайдами?

— Яхши ният билан... қоронғи тушганда! Биламан ҳаммангининг яхши ниятларингни? Аравангни торт!

Бобош кетиш ўрнига, ўчакишиб, яна ҳам ичкарироқ суқулди, гавдасини дераза раҳига ташлаб, энгашиб олди.

— Зумраш... Ҳеч бўлмаса, ўша кунги битта ўпич ҳақи... жиндак гаплашайлик.

Зумрад хахолаб кулиб юборди, чит кўйлак ичида кичкинагина таранг кўкраклари силкинди. Бобош унинг бундай очилиб кулишини кўрмаган эди.

— Ушанда шундай бўлиши керак эди,— деди Зумрад жиддийлашиб,— сен бўлмасанг, симёгочни ҳам қучоқлардим... Ушани ўпич деб юрибсанми? Содда, гўдак экансан-ку...

— Йўқ, нега, тушундим ҳаммасини. Кейин гапларингни ҳам эшитдим.

Зумрадининг чеҳрасидан нур қочди. Буни кўриб Бобош гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди.

— Ушанда симёгоч ўрнида пайдо бўлганимга ҳам хурсандман... Ҳалигача... — у кулиб ёноғини ушлади.

Лекин энди Зумрадининг кўнглини очиш қийин эди чоғи. У қандайдир ўз кулфатлари ҳақидаги хаёлга чўмди.

— Сен ўша Қултойдан мунча қўрқасан?— деб сўради Бобош. Қиз биринчи марта унинг юзига тикилиб қолди.

— Сен-чи?— деди.— Сен мен билан гаплашгани қўрқмайсанми?

— Кимдан?

— ...Ундан,— деди қиз, Қултойнинг отини атагиси келмади шекилли.— У мени яхши кўради. У... қўймайди.

— Мен қўрқмайман,— деди Бобош ҳам тикка қараб,— ўлимдан эмас албатта. Ушанингдан.

— У меники эмас...

— Шунинг учун қўрқмайманки, мен унинг севги йўлида бирон ишга журъат қила олишига ишонмайман. Бунга жиндак бўлса ҳам инсон бўлиш керак. Унинг эса...

— У меники эмас...

— Кечир...— деди Бобош. У Зумрадининг Қултойга чексиз нафратини сезар, билар эди.— Бошқа ҳар нарса учун одам ўлдириши мумкин, аммо севги учун... эплолмайди.

Зумрад ўзгарди, ҳалиги чарсиллаши қолди, юмшади. Яқинроқ келиб, у ҳам дераза раҳига таянди.

— Сен нима учун ундан қўрқасан, жавоб бермадинг-ку?— майинроқ сўради Бобош.

— Нима қилай... боласига онаман.— Зумрадининг юзи тундлашиб, ўсмирларникидай жонли кўзлари ёнида майин ажин пайдо бўлди. У кўз ёшсиз, бутун вужуди билан йиғлаётгандек эди.

— Нечага кирдинг?— негадир ноўрин сўради Бобош.

— Биламан нимани сўрамоқчи бўлганимни,— Зумрадининг овозида бегона, ёввойи шаддодлик яна пайдо

бўлди!— Ун етти ёшимда зўрлаган... колонияда! Бўлди-ми, кўнглинг жойига тушдими? Боламиз бор! Икки яшар!

Бобош шу жойда тажрибасизлик қилди. Зумраднинг ҳозирги қалтис ҳолатини англамай, унга тасалли бериш, яхши сўз айтиш керак, деб ўйлаб, қўлига кафтини қўйди.

— Зумраш...— деди астойдил ачиниб.— Қандай қилиб бу ерга...

Зумрад эса ўзининг узоқ фожиалари хотироти билан банд эди, жонига теккан таниш саволни олдиндан сезиб, бирдан тутақиб кетди. Қўлини шартта тортиб олди. Кўзлари хунук олайиб, оғзини чеккага бурди.

— Мунча сўрайсан! Терговчилар сўраб бўлган! Алдаб-сулдаб ҳар нарса қилиш мумкин, кўчада ётган нарса, деб ўйлайсан! Йўқ, тошингни тер! Ҳамманг ҳайвонсан! Ифлос ҳайвон! Йўқол, кўзимга! кўринма!— Зумрад ўзини тутолмай юзларини чангаллаб оғзидан кўпик сочарди; ҳақорат сўзлар айтиб бақираркан, деразани тарақлатиб ёпиб ичкаридан беркитиб олди. Бу пайт эшикда букри кампир ҳам пайдо бўлиб, бегона йигитга шундай ўқрайдики, Бобош гангиб қолди. Ерга қараганча орқасига қайрилиб, устидан ювинди тўкилгандек, секин йўлга тушди. Нариги очиқ деразадан Зумраднинг ҳўнграган овози эшитиларди. Ўзи ҳам ичини бурдалаб келган номаълум бир аламдан йиғлаб юборишига сал қолди.

Заргаров билан Губанов қурилиш бошлиғининг тор кабинетини эрталабдан бери тутунга тўлатиб юборишган эди. Телефонлар, рациялар узилган, секретарь қиздан бошқа ҳеч ким, ҳатто узоқ объектдан келган муовинлар ҳам қабул қилинаётгани йўқ. Узун стол устида ҳужжатлар, ҳисоб-китоб, маълумот, рақам, лойиҳалар сочилиб ётарди. Бошлиқ билан партия ташкилотчиси бошланган курсдан орқага қайтмасликка қатъий қарор қилдилар. Уларга битта-яримта катта ташкилотнинг далдаси керак эди. Губанов бу масалани тўппа-тўғри Министрлар Советининг президиумига киритишни талаб қилиб туриб олди. Заргаров қарши эмас, лекин бунинг кўпгина қийин томондари бор эди. Аввало, ана шу ишни бир марта кўрган область комитетига нисбатан эҳтиром, меъёр масалалари, қолаверса, таклиф киритишнинг ўзи бўлмайди, унинг шакллари, далиллари, тафсилотлари

пухта тайёрланиши керак... Хуллас, бу бир-икки ҳафта-нинг ишига ўхшамасди. Мана бугун ҳам вақт тугаб, Заргаровнинг қабул соатлари яқинлашди. Қабулхонада олағовур кучайганда Заргаров соатига қараб, қоғозларни йиғиштира бошлади. Губанов форточкани очиб, эрталабдан бери қамалиб ётган тутунни чиқариб юборди. Ўзи қабул бошланганда ҳам кетолмай, бурчакдаги кичкина столга ўтириб, қандайдир ёзув-чизувлари билан овора бўлди.

Заргаров қатъий навбат билан қабул қиларди. Лекин бугун йўл қурилиши трассасидан, лойиҳа ташкилотларидан келганларни олдин ўтказиб юборди. Бир маҳал, маркшейдерлар, портлатувчилар чиқиб кетгандан кейин остонада Бобош пайдо бўлди.

— Сен нима қилиб юрибсан, навбатдагилардан чакир,— деди Заргаров.

— Навбат меники,— Бобош орқасидан эшикни ёпиб ўзига хос бўлмаган журъатсиз бир оҳангда такрорлади:— Навбат меники.

— Ҳазилнинг вақти эмас, Бобош. Биз бугун овқатни шу ерда қилдик... Ё бирон гап борми?— сўради бирдан бошлиқ шофёрининг ғайритабиийроқ ийманиб турганини пайқаб.

— Гап бор-да, Мардонқул ака. Арз бор.

Заргаров: «Сенда нима арз бўларди?» дегандек қия боқиб кулимсиради.

— Хўш-хўш?

— Мени бўшатамасиз.

— Ана холос! Бўшатамиз! Сўзсиз бўшатамиз. Бундай майнавозчилик қиладиган бўлсангиз, ҳозироқ кавушингизни тўғрилаб қўямиз. Нима гап ўзи, гапир?

— Мен самосвалга ўтаман, жавоб беринг,— деди Бобош ерга қараб.

Заргаров гапнинг жиддий эканини энди тушуна бошлади. Лекин, сабаб? Уни ким хафа қилди? Орала-рида ҳеч гап ўтмаган эди-ку? Доим иноқ, доим қувноқ...

— Мени... қўл-оёқсиз қилиб-а?— унга яқинроқ бориб сўради Заргаров.

— Мардонқул ака, сизга қўл ёки оёқ бўлиб юраверманми? Ўзим-чи? Ўзим борманми ё йўқманми? Запчастъ эмасман-ку, умрим бор, ҳаётим бор, уни мен нега хазон қилишим керак? Менинг умримнинг ҳам мустақил маз-

муни бўлиши керак эмасми? Мен ҳам сизга ўхшаб халққа, давлатга хизмат қилгим келади.

Заргаровнинг ҳам қош-қовоғи осилиб, боши эгилиб тушди. Ёмон жойидан оляпти-ку бола?! Бу хилда тағини суриштира, биров умрининг хазон бўлишида Заргаровнинг ўзи айбдор бўлиб чиқяпти. Бу гапларни унга ким ўргатди экан?

Бобош худди шу саволга жавоб бергандек давом этарди:

— Биласизми, манови колониядаги бир каллакесар мени масхара қилди.

— Нима дейди?

— Ишнинг осонини топибсан, дейди. Исмоил аканинг айтишига қараганда, бурун замонда бойваччаларнинг жиловдор мулозимлари бўлар экан. Отнинг жиловини тутқазиб қиморхонага кириб кетар экан-да, бир кунда қайтиб чиқадими, икки кунда қайтиб чиқадими, мулозим унга отни шай қилиб, ҳамиша жиловини ушлаганча эшикнинг тагида қоққан қознқдай маҳтал бўлиб туриши керак экан...

— Бас...— гапнинг тагига етган Заргаровнинг жаҳли чиқди.— Ким у — ярашмаган таққослар билан сенларни айнитиб юрган эртакчи?

— Эртакчи эмас, Исмоил ака бориб турган замонавий чоллардан. Ҳалиги саккиз кубали янги экскаваторнинг машинисти. Ахир, Мардонқул ака, ўзингиз пилотингизга ҳам жавоб берган экансиз-ку?— ялинишга тушди Бобош.— Ўзи ҳикоя қилиб берди. У узоқ ҳаво йўқларига ўтиб, катта лайнерларда учаман деганида, ҳатто самолёт бошқаришни ҳам ўзингиз ўрганиб, унга жавоб берибсиз. Бу «Газик» нима деган гап сизга? Гириллатиб ҳайдайверасиз.

— Ҳа, сенинг устозларинг кўпайиб кетибди, бер аризангни!— Заргаров беозор зарда билан тескари қараб қўлини чўзди.— Менинг ғамимни ема, сенга қараб қолганм йўқ.

Афтидан, у шофёрсиз қолишдан қўрқмайди, фақат Бобошдан ажралаётганини дилига сиғдиrolмас эди.

Бобош унинг узатиб турган қўлига аризани тутқазавермади. Ер чизиб, дудмалроқ гапирди:

— Мен... мен битта ўзим эмасман-да, Мардонқул ака.

— А?!

— Мен битта ўзиммасман, деяпман. Қурилишда биз қирқ уч киши эканмиз...

— «Биз» деганинг ким?

— Биз-да. Жиловдорлар...

— Оғзингга қараб гапир!— деб қичқириб юборди Заргаров. Бурчакда ўтирган Губанов тескари қараб ил-жаярди.

— Мен уларнинг йигирма биттаси билан келишиб қўйдим...

— Ҳали бу исён дегин?!

Бурчакда Губанов пиқ этиб кулиб юборди. Бобош унинг бу ердалигини энди пайқаган эди. Дадилланиб кетди.

— Исён эмас, ўртоқ Заргаров. Мен ўша йигирма битта ҳамкасабамнинг номидан музокарага чиқаман, Дмитрий Казимирович менга сўз беришга ваъда қилди. Мажлис қарор чиқарса, қирқ уч киши ҳаммамиз самосвалга ўтамиз.

Заргаров Губановга «ҳа, айёр!» дегандек чимирилиб қаради. Дмитрий Казимирович жилмайганча келиб унинг елкасига қўлини ташлади. Заргаров эса унинг қўлини зарда билан силкиб ташлаб, Бобошни бориб маҳкам қучоқлади. Қирпитикандек бошига манглайини қўйиб анча тургач, оталарча меҳр билан кўзига тикилиб сўради:

— Мендан нима керак?

— Бошлиқларни кўндирш...

— Бунисини менга қўйиб бер. Бошлиқларнинг иши осон. Мен улар билан пачакилашиб ўтирмайман: машинада юргинг келадими — рулга ўзинг ўтирасан, тамом! Буниси буйруқ билан ҳам бўлади. Фақат сеникилар... қирқ уч киши дейсанми? Ола чиқмайдими ораларингдан?

— Мен мажлисга ўн кундан бери тайёрланыпман! Мурожаат ҳам тайёр. Бутун қурилиш бўйича «Қирқ учлар ҳаракати»га айлантирамиз.— Бобош чарақлаб кетган, бўйи ҳам баландроқ бўлиб қолгандек эди.

— У ерда ҳам бояги гапларни гапирсанг, мени шарманда қиласан-ку?

— Қайси гап?

— Жиловдор... бойвачча...

— Йўғ-э, Мардонқул ака, сизга гапирдим-да бунӣ, соддароқ қилиб. Тушунарли бўлсин деб. Мажлисга ҳар

далилларни тахт қилиб қўйганманки, ҳар биттасини мих қилиб қоқаман!

Заргаров билан Губанов хаҳолаб кулдилар.

— Вой, Бебош-эй! Вой, Бебош-эй!— дерди Заргаров.— Бошдаёқ айтмайсанми шу гапларингни, интрига қилиб ўтирмасдан.

— Томдан тараша тушгандек қилиб бўладими! Мен буни ўртоқларимга айтишда ҳам арқонни узун ташлаб, секин айлантириб келаман. Чакана иш эмас ахир бу бизнинг ҳаётимизда. Бир оғиз «йўқ» деворсангиз борми, бир умрга ҳафсаламиз пир бўлиши мумкин. Сиздан ҳам, ўзимиздан ҳам.

Заргаров шофёрига, энди собиқ шофёрига, ҳавас билан қараб турарди. Бу йигитча унинг кўз ўнгида улғайиб бормоқда. Баъзан болалиги ҳали ҳам қалқиб-қалқиб чиқади-ю, лекин умуман шахс бўлиб етилаётгани кундан-кун кўзга ташланар эди.

— Қани энди бўлмаса, бизни охирги марта уйга олиб бориб қўй?

— Бўпти!— Бобош пружинада тургандек отилиб чиқиб кетди. Унинг кетидан Заргаров билан Губанов эргашди.

— Катта гап!— деди Заргаров Дмитрий Казимировичнинг қўлтиғидан олиб.— Ўзингиз бошчилик қилинг, ишкали чиқмасин.

— Хотиржам бўл.

Кунлар жуда қисқариб кетган, вақт унча кеч бўлмаса ҳам ярим тунга ўхшар эди. Аёз, осмон тўла юлдуз. Кечаги совуқ ёмғирдан кейин нам қумлоқ йўллар асфальтдек қотган. Бобош қувончини ичига сиғдиrolмай, қадрдон «Газиг»ини учириб кетди. Орқада унинг севимли отахонлари ўтиришибди. Бундан кейин балки уларни «Газик»да олиб юрмас, балки энди улар билан камроқ кўришадиган бўлар. Шунинг учун Бобош кўнгида улар билан хайрлашаётгандек, юзларига қарагиси, нима ҳақда бўлса ҳам бир оз гаплашгиси келар эди. Машинанинг ичи қоронғи, фақат олдинда чироқми-фара дуч келгандагина Заргаров билан Губановнинг ҳорғин юзлари бир зумга кўриниб қоларди.

— Сал ҳовурингни бос, Бобош,— деб ўзи гап бошлаб қолди Заргаров,— ё кетар жафоси қиялсанми, еб тўймаган ялаб тўймас...

— Атрофда ҳамма нарса шундай тезки, назаримда, ҳамиша, қаёққадир кеч қолаётгандайман. Мардонқул ака,— деб илиб кетди Бобош,— ё кеч қолдиммикан-а?

— Қаёққа кеч қолардинг? Энди бошланяпти қаё-тинг,— деди Губанов.

— Ана шу-да, энди бошланади-да... Кеч қолганим эмасми?

— Сенда одоб деган нарса борми ўзи?— Заргаров юмшоққина койиди.— Ҳеч бўлмаса бизларнинг юзимизга қараб шундай демаслигинг керак эди. Ахир биз билан бўлган вақтларинг маънисиз ўтдимми?

— Сизлар билан бўлмасам, мен балки ҳали ҳам... топмасдим...

— Нимани?

— ...Нимани десам... ўзлигимни-да. Мен ҳамма вақт бир хавотирда юрардим. Агар дарҳол ўзимни қўлга олмасам, мендан албатта бир бекорчи дарбадар чиқади-ю, ўзлигимни тамом йўқотиб қўяман, деб қўрқардим. Дадамнинг бир ўғити эсимдан чиқмайди. «Умрингни майда пулга чақма, гарданингда доим катта юк бўлсин», дерди у киши.

— Ҳа, мана энди юкнинг чакана бўлмайди, йиғирма беш тонна!— деди Губанов.

— Ушанақасидан берасизми, Мардонқул ака, ҳов, тумшуғида кумуш қўтоси бор «БелАЗ»дан!

Заргаров ўзи ҳақида ўйга кетиб қолган эди. Оғир юк, оғир масъулият... Унинг отаси бу тўғрида ҳеч насиҳат қилмаган. Уни турмушнинг ўзи шундай оғир юклар остига олиб бориб тықарди. Кўтарсанг, кўтардинг, кўтармасанг, ўзингдан кўр... Кечагина қаёқдаги мусибатлар билан, чироқ ёқса кўнгли ёришмай, боши берк кўчага кириб қолгандек, энди тамом янчилдим, деб тушкунликда ётганида қандайдир ташвишлар уни яна кутарди. Дардни, ваҳимани, Фотиманинг хатюю обкомнинг танбеҳларини, тунги қийноқларни унутиб, яна ўз-ўзидан ишга, бир-биридан баттар оғир муаммоларга берилиб кетди. Бугун тунни яна Губанов билан чигал ва таваккалли ҳисоб-китоблар устида ўтказди. Эртага яна бир беҳаловат дўсти Сандро Мкртчян келади. Уни ўз бошига ўзи чақирди. У ҳам қаноат билан олдидаги ошни еб, кўрсатган ишни қилиб кетаверадиганлардан эмас. У ҳам кундалик аҳволга кўна қолмайди, тит-пит қилиб юборади ҳали. Хуллас, шундай иш бошландики, у тоғдан

юмалаган тошдек, борган сари катта, суронли кўчкига айланмоқда, тўхтатиб бўлмайди. Бу Заргаровни гоҳо ҳовлиқтирар, қалтис журъатларига далда берар, гоҳо кўнглига қутқу солар эди.

Губановни кига етиб келдилар. Дмитрий Казимирович Бобошнинг икки елкасидан ушлаб, узоқ йўлга фотиҳа бераётгандек, кўзларига қаради.

— Агар ишнинг ўнгидан келса,— деди,— ўша қирқ учта шеринг билан ҳаммангни бир колонна қилиб, энг шарафли жойга, қурилишнинг асосий объекти — комбинат котлованига, кейин олтин карьерини очишга қўямиз.

— Мардонқул ақа кўнадимиз?!— қоронғида Бобошнинг катта қора кўзлари чарақлади. Заргаров уч қадам нарида турарди.

— Кўнади, кўнади,— деди Губанов.

— Бўлмаса, Исмоил аканинг экскаваторчилар бригадасини ҳам берасиз. У киши бизнинг отахонимиз.

— Бўпти, бўпти, бор,— Дмитрий Казимирович ўғлини жангга узатаётган отадек қучди-да елкасига эркакларча қаттиқ туртиб, Заргаров томон қайрилди.

Улар Бобошнинг юлдузли тунда галаёнли ўйлари билан қолдириб, пастак эшикдан эгилиб кириб кетдилар.

Эртасига Мкртчян келди. У сира ҳам атоқли монтажчи инженерга ўхшамасди. Аввало, мактабгача ёшдаги бешта боласию оғироеқли хотинини ҳам бошлаб келибди яланғоч саҳрога. Аэропортга маҳбусларни ишга ташийдиган устун брезент соябонли юк машинасини юборишга тўғри келди. Бўлғуси шаҳарнинг дастлаб битган бир хонали секциясини наридандан берди оқлаб, бу жўжабирдек оилани ўша ерга олиб боришди.

— Эсингизга, етти азамат скрепер машинистининг жойи эди-я, хусусий ясли бўлиб кетяпти,— дея гўнғиллади битаёзган иморатнинг прораби.

— Тсс... етмишта азаматнингнинг ишини қиладиган одам бу,— деб унинг оғзига урди Заргаров.— Сандро, Маро қани, бу ёққа бошланглар жужуқларни!

Мкртчян, қаерга жойлаштиряпти, яхшими-ёмонми, умуман, бу ерда одамларнинг бошпанаси борми-йўқми, ундай гаплар билан иши йўқ, бурни катта, боши елкасига чўккан, чуваккина, паришонроқ одам экан. Заргаров билан қўчоқлашиб кўришганда бир жонланди, ке-

йин, узун пальтосининг барини қилпиратиб, қаерга етакласалар кетаверди. Лекин Мароси жозибали, дуркун хотин эди. Шофёр йигит бир-биридан кичик, жингалак сочли болаларни «Чип-чип, жўжаларим»ни айтиб ичкарига етаклар экан, бу келишган жувон қизларча шўхлик билан хахолаб кулди. Ҳомиладор бўлишига қарамай, ҳамма унинг қадди-қоматига мароқ билан тикилиб, нега шундай кўримсиз эрни танлади экан, деган фикрга келарди.

Лекин эртасига, ишдан гап очилиши билан Сандро Мкртчян мутлақо бошқа одам бўлиб қолди. Янги костюмда, қирчиллама йигитдек, кўзлари тетик, паришонлигидан асар қолмаган, ҳатто гавдаси ҳам тикроқ кўринар, юзида эса кавказча мардона бир ифода пайдо бўлган эди. Заргаров ёйиб ташлаган лойиҳаларни ишчанлик билан, стол атрофини гир айланиб кўздан кечиран, бошлиқнинг тушунтиришларига бошини елкалари орасига тортиб диққат билан қулоқ солар, гўё унинг учун ҳозир оламда шу лойиҳалардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Заргаров унга бор гапни очиқ-ойдин ва батафсил сўзлаб берди. Қурилишдаги аҳвол, ўзининг бошлаган ишлари, обкомдаги гаплар...

— Ҳозир ҳамма гап сенга боғлиқ бўлиб қолди, Саня,— деди у,— агар комбинатнинг монтажида ярим йил ютиб берсанг, биз орқага қайтмай, масалани бошқатдан қатъий қўямиз. Бўлмаса...

— Сен менга аввал айт: ким билан ишлайман?— сўради Мкртчян.— Махсус монтаж ишлари министрлигида айтишларича...

Заргаров гапни бўлди:

— Ким билан бўлар эди, биласан-ку, ёшлар. Сахро ахир. Ургатасан-да... Бунинг ўз яхши томонлари бор: ёшларни ҳар қадамда янгилик билан илҳомлантириш мумкин. Уларнинг шайтонини қўзғатувчи энг зўр нарса — янгиллик.

— Менга қара, сен бу ерда қилғиликни қилиб қўйиб, энди мени чақирибсан-да, а? Суғур мени ботқоқдан, дегин?— қия қаради Сандро.

— Шундай пайтда қўл чўзмасанг, дўст бўлиб қаёққа бординг!— деди Заргаров.— Лекин ҳеч қандай ботқоқ йўқ. Қайтага, оёқ остингда олтин ётибди. Уни ё тўрт йилда оламиз, ё олти йилда. Гап фақат мана шуьда.

— «Фақат» дегин? Тўрт йилда олтин ола бошласанг

мана бу комбинатинг худди эртактаги мўъжизадан текинга тушади-ку?

— Садағанг кетай!

— Хом хаёлинг ўзингга тан, лекин мен сеҳргар эмасман.

— Сандро!

— Чақирдингми, комбинатингни монтаж қилиб бераман, мендан мўъжиза талаб қилмайсан. Макет борми?

— Бор.

— Индинга мени қурилиш жойига олиб чиқасан.

Инженер Мкртчян бир неча кун лойиҳа «ўқиди». Кейин икки ҳафтагача бўлғуси қурилиш жойини айланди. Бу ерга йўллар тушмоқда, техника ташиб келтирилар, майдонлар текисланиб, қурилиш материаллари тахланар эди. Бу пастгина тоғ этагида дўй кечиб, ўпқон ва тепаликлар ошиб, блоклар, шағал уюмлари оралаб юрган монтажчи инженерни узун пальтосидан ҳамма таниб қолган эди. Лекин Заргаров ундан сас чиқмаганидан хавотирда. Уйда меҳмон бўлиб Маронинг хушбўй чойини ҳам ичди, йўл-йўлакай Фотима билан бўлган можарони, бошига тушган савдоларни ҳам гапириб берди, қани энди дўсти сал очилиб бир нима деса. Баъзан кун бўйи макет атрофида айланади-да, катта бурни осилиб, дами ичига тушиб қайтиб кетади.

Ҳа-ҳу дегунча яна ойнинг оёғи келди. Гўё кунлар ҳам бетоқат эди. Бир куни, худо ярлақаб, Мкртчяннинг оғзидан икки оғиз гап чиқди:

— Котлованни ковлатмай тур, — деди у.

Заргаровнинг жони ҳалқумига келди.

— Мен сени вақтдан ютишга ёрдам беради десам, бир ойдан бери чурқ этмай имиллайсан. Бу ҳам етмагандек, аксига олиб, ишларни графикдан кечиктиришни талаб қиласан! Бас, оғайни. Ишлайдиган бўлсанг, одатдаги ишингни бажар, бўлмаса...

— Ўзинг одатдаги ишни қилиб қаноатланадиган одамга ўхшаб гапирасан-а! — деди-ю, чиқиб кетди Мкртчян.

Заргаров кўзларини пирпиратиб идорасида ёлғиз қолди. Одатдаги иш... Одатдаги ишнинг нима айбн бор-а? Директив муддатларни бажариш — одатдаги иш. Бобошнинг қадрдон «Газик»да юриши, Заргаровнинг Фотима билан тотувгина яшаши, обком бюросининг айтганини қилиш, Мкртчяннинг ўз жужуқлари билан гўзал

Свердловскда туриши — буларнинг бари одатдаги иш-ку. Нима учун одатдаги иш ҳақида беписанд гапириш керак экан?.. Ундай деса, Заргаровнинг ўзининг туриш-турмуши одатдаги иш билан қониқмай, ҳовлиқиб, қаёқдаги мушкулликларга бош билан шўнғишдан иборат бўлиб қолмоқда. Бу атворига бир танқидий назар ташлаб қўйиш керак эди чамаси.

Бироқ Заргаровнинг бундай ўз-ўзини таҳлил қилиш учун бемалолроқ вақти бўлмади. Тўрт кун деганда яна Мкртчян келиб, уни комбинатнинг макети турган хонага чақирди. Юз марта айланган ўша макет столи атрофида яна чурқ этмай узоқ юрди, сеҳр-жоду кўрсатаётган афсунгардек макетни айлантирди, юқоридан ўгирилиб қаради, ёндан қиё боқди. Оппоқ папье-машедан дид билан ясалган катта, мураккаб макет бўлғуси улғувор иншоотни рўй-рост гавдалантириб турарди.

— Лойиҳани институтга қайтаришга тўғри келади,— деди Мкртчян.

— Йў-ўқ!..— деб бошини чайқади Заргаров. Унинг қулоғида Ҳайдаровнинг овози янграб кетди: «Тайёр лойиҳаларни рад қиласиз! Муддатларнинг масъулиятини кимдан сўраймиз?» Умуман лойиҳалар ҳақидаги гап жонига теккан эди. Бу лаънати ўз қўлинда бўлса экан ёки лойиҳа институтлари сенга бўйсунса экан. Ялиниш керак, рухсат олиш, келишиш керак, вақт куяди, пул куяди... У монтажчининг енгидан ушлади:— Йўқ, Сандро, йиғиштир бу гапингни. Сен қима деяпсан? Мен худди мана шунинг учун, лойиҳаларни қайтараверганим учун калтак еб юрибман-ку! Бу энг катта, асосий объектимиз...

— Э, калтакламай, ишдан ҳайдаворишмайдим!— деди Мкртчян жиддий туриб.— Сени ҳайдар экан деб, бундай ажойиб фикрдан воз кечадиган аҳмоқ йўқ. Вақт тежайсан, дедингни — тежаймиз. Вақт — бойлик, дейишарди. Бу ерда бўлса чин маъноси билан олтин экан, ўйлаб қарасам!

— Хўш, нима учун лойиҳани қайтариш керак экан?— бўшашди Заргаров.

— Сен қўрқма, фақат тарҳини бошқатдан қилиш керак. Бу, ўзинг биласан, лойиҳачиларсиз бўлмайди.

— Сен менга нима учунлигини гапир. Мақсаднинг нима?— тоқатсизланди Заргаров.

Мкртчян аксига олгандек шошмасдан папирос қолди-

ғини кулдонга босиб аста эзди-да, кўкиш тутунни қўли билан елпиб макет ёнига борди.

— Мана, бери кел. Ҳозирги привязкада мана бу ёқ — шимол,— деди жазвар билан кўрсатиб.— Кран хўжалиги шу ерда бўлади. Хўш, мен уни қаерга жойлайман? Мана бу тоғни олиб ташлашим керак. Бу лойиҳачиларнинг биз қурувчилар билан нима иши бор? Лойиҳани қабул қилиб олдингми — қуравер, Тоғ бузасанми, боғ бузасанми, у боғда қандай мевадар ўсади-ю, бу тоғ қандай жинслардан таркиб топган —бу менинг ишим эмас!

— Қисқароқ қил.

— Хўп, майли, ҳозирги техника билан кичкина бир тоғни кўпориб ташлаш ҳам ҳеч гап эмас, дейлик. Лекин менга майдон керак. Бу тоғнинг эса пойдевори олти даража қаттиқликдаги харсанг, уни текис майдонга айлантириш учун камида уч ой керак. Энди мана буни қара,— Мкртчян енгил ҳаракат билан макетни чаппа орқасига айлантирди.— Агар мана бундай привязка қилинса-чи?

— Хом ашёга тескари бўлади, йўллар, коммуникацияларни қайта кўриб чиқиш керак бўлади.

— Кўрсин! Қайта кўрсин! Эвазига кран хўжалиги сарф-харажатсиз тайёр майдонга жойлашади.

— Нима ютамыз?

— Тўғри, кўп ютмаймиз. Лекин «берди»сини ҳам эшит. Мана бу тоғ, сен ҳали унга кўп раҳмат ўқийсан, шу ҳолича сақланиб, ҳимоячимиз бўлиб туради. Сен бу ернинг қаҳратондаги қирқ даражали изғиринларини, шимолдан келадиган шамолу бўронларини биласанми? У кранларни, юксакдаги пайвандчиларни, бетон ишларини хавф остида қолдириб, қишда ойлаб қўлни боғлайди. Сен билан биз эса бу тоғ панасида қишин-ёзин узлуксиз хавф-хатарсиз қураверамиз.

Тинглаб ўтирган Заргаровнинг неғадир пешанасидан тер чиқиб кетди. «Топиш қизиқ эмас, излаш қизиқ», деган эди бир вақт Губанов. Йўқ, Дмитрий Казимирович, топиш ҳам қизиқ. Тўғри, сенинг бутун умринг излаш билан ўтган, лекин мана бу Қумтов топилмаганда сен ҳам, умрим мазмунли ўтди, деёлмасдинг. Лекин излаш шу маънода қизиқки, изламай қўйдингми — умрим битди деявер...

— Нимани ўйлаб қолдинг, ёқмадимми?— деди Мкртчян кулиб. У келганидан бери ҳали бу хилда чиройли, кўзидан нур сочиб кулмаган эди. Унинг бундай кулиши-

ни сулув Марогина билса керак. Қўлларини ёзди.— Ҳозирча бундан ортиғига қодир эмасман...

«Ортиғига қодир эмасман...» Лекин унинг ваъда қилаётган нарсаси Заргаровнинг кутганидан ортиқроқ эди.

11

Заргаров ўзи рулга ўтиргандан бери бундай узоқ йўлга биринчи чиқиши. Электр узатиш линиясининг ўзи таклиф қилган янги трассасида икки кундан бери юрибди. Ўз фикрининг афзалликларини исбот қилиш учун трассанинг ландшафтини, унда бўлажак совхоз посёлкаларини, қидирувчиларнинг доимий базаларини, умуман, бу лойиҳани яна қандай хўжаликлар қўллаши мумкинлигини билиши керак эди. Сизот сувдан ботқоқ бўлиб, шўри чиқиб ётган тўқайларни айланиб ўтди, сира ўрганилмаган, ҳатто геологларнинг ҳам оёғи тегмаган кўчма қумларга, жонсиз кенгликларга чиқиб борди. Бу атрофдан яқин асрларда биронта карвон йўли ҳам ўтмаган бўлса эҳтимол.

Бугун албатта қайтиб бориши керак. Мажоли ҳам қолмади. Аъзойи бадани қақшаб, боши вазмин тортиб кетяпти. Бунинг устига, қош қорайиши билан ер бағирлаб совуқ шамол турди. У аввал қум юзидаги қировни ялаб кетди, кейин нам қумнинг ўзини ҳам кўчира бошлади. Ёндан урганда бир нави, кабинага тирқишлардан кирган рутубатли тўзонга чидаса бўлади; лекин йирик қум зарралари рўпарадан санчилганда ойналарнинг чирсиллашига асаб дош бермас экан, юзга келиб урилаётгандек эди. Кўзларига қум тиқилиб қолганидан қовоқлари очилмайди ҳам, юмилмайди ҳам. Фаралар шуъласида йўл эмас, юз-кўзга санчилаётган қум зарраларининг шиддатли оқими кўринади.

Заргаров тўхтаб, пастга тушди. Атроф зимзнё, бўрон қутуриб кўз очирмасди. Кабинага беркиниб тонг оттирса ҳам бўлади-ю, эрталаб ғилдиракларни ковлаб чиқаришга мадори етармикан? Йўқ, нима бўлса ҳам олдинга силжигани маъқул. У ҳали катта йўлнинг йўналишидан оғмай тўғри кетяпти, адашмайди.

Ҳозир саҳрода адашиб бўладими? Ана, ўйлаганидек, шуъла кўринди. Заифгина липиллаб турган шуъла. Бу жаҳаннамда шунинг ҳам кўзга чалингани катта давлатку. Сал чапроқ бўлса-да, қайрилишига тўғри келади,

бошқа иложи йўқ. Қаёққа ҳам боради? Ут бор ерда — инсон бор, инсон бор ерда — нажот.

Ун-ўн беш минутда етиб борди. Атрофида қумбўрон ғужғон ўйнаган гумбазли мозор, ундан нарироқда қадимий сардоба вайронасининг мудҳиш кўланкаси... Ҳалиги чироқ мозор биқинига туташган ҳужранинг ёнбош туйнугидан милтиллаб кўринмоқда эди. Заргаров машинани пана томонга бурди. Мотор товушига ичкаридан ҳеч ким чиқмагач тоб ташлаб қолган қулфсиз-тамбасиз ёғоч эшикни итарди. Энкайиб ичкарига кирди. Тезак, хом тери тери иси аралаш ачимсиқ бадбўй димоғига урилди.

— Ассалому алайкум,— Заргаров оғриқдан зирқираётган кўзини уқалаб ҳам, аввал ғира-ширада ҳеч нарса кўрмади. Қифтидан остонага шувиллаб қум тўкиларди.

Кул босган ўчоқ олдидаги пўстакда ўтирган девқомат одам ўрнидан турди. Туйнукдаги чўпчироғини қўлига ушлаб шошмасдан қироат билан алиқ олди:

— Ваалайкум ассалом.

— Қурилишданмиз. Заргаров. Ҳаво бузилиб қолди. Чироғингизни қора тортиб...

— Инжинир экансиз-да?— овози ҳирқираб эшитилди мезбоннинг, у кекса одам эди.

— Ҳа... Инженерларданмиз, ота. Саломатмисиз?

— Алҳамдулилло. Ким бўлсангиз ҳам... қадамжо бу, бандаси ҳамиша паноҳ топади...— Чол девор тагидаги пақирдан қора ёғлоғида сув олиб берди. Заргаров юз-кўзини чайиб олганидан кейингина ҳужра эгасининг қиёфасини кўрди: бу юзи буришиб кетган бўлса ҳам, чағир кўзлари тийрак, малла соқоли кўксига тушган, гавдаликкина қария эди.

— Қани, бу ёққа...— деди у жой кўрсатиб. Заргаров ўчоққа яқин, қуроқ якандозга чўккалади, чол фотиҳа тортиб, ўртада ўроғлик дастурхонни очди. Унда тош қотган бир неча бурда нон бор эди. Чол кўрдаги қора қумғон ёнида турган чойдишни олиб, меҳмоннинг олди-га қўйди. Шу пайт эшик очилиб, ташқарида аввал қорни қаппайган бақалоқ эшак кўринди. Сўнгра чоригини пўстлоқ билан танғиган ўн етти ёшлар чамасидаги ориққина сариқ бола кириб, эшикни ёпди. Елкасидаги икки боғлам саксовул ўтинни остонага гурс эткизиб ташлади-да, ингичка бўйинини чўзиб (бу бегона одам пайдо бўл-

ганидан ажабланган бўлса керак) салом берди. Чол эса яғири чиққан кулоҳини ечиб, қозиқдан салласини олди, жойнамозга чўкди. Яланғоч товонларини кўрсатиб сужудга кетди. Намоз аср энди ўқиляётган бўлса ҳали вақт эрта экан-да? Чиндан ҳам, бу оқшом зулмати эмас, қумбўрон зулмати эди. У ҳали ҳам ўкириб, эшикка, туйнукка ўзини урмоқда. Бу ерда вабою довуллар, қаҳратон изгиринларни саратон гармселлари ўтган, мазор эса турибди.

Заргаровнинг кўзи сал ўргангач, қумшувоқ деворда токчалар ўпқондек қорайиб кўринди. Бўйра, эски сандиқ, сопол идиш, хумқовоқ...

Заргаров бояёқ тахминлаб билган эди: бу ерни Эшон-қудуқ дейишади, чолни эса — Қудуқ-эшон. Ҳозир ўзини тарки дунё қилган бир хокисор қилиб кўрсатгани билан, даврида бутун саҳрони бийлаб ётган нуфузли эшон эди. Урушдан олдинги йилларгача чўпон-чўлиқда, дашту саҳролардан назру ниёз, инъом-эҳсон йнғиб, мазорнинг тупроғини ялаб ётар, ўзи саҳронинг қайси бир бурчагида ўтлаб семирган қўйларининг ҳисобига етолмасди...

Ҳозир ҳам Эшон-қудуқдан текинга сув ичмайдиган чўпонлар кўп. Сўнгги йилларгача худойи, қурбонликнинг кети узилмас эди. «Инжинир» деганда эшоннинг авзойи бузилиб, товуши ўзгарганини Заргаров сезди. Саҳрода бундайларнинг кўпайиши қандай офат эканини эшон яхши билади. Мурид-мухлиснинг камайиши ҳам шулардан. Булар ҳамма ердан «артизан» очиб, Эшон-қудуқдан путур кетди. Кимсан, Қудуқ-эшон, ҳозир ойда келган иккита хом терини ҳам дуои санлолло билан қабул қиляпти-да.

Заргаровнинг кириб келиши ҳам ўша «кафангадо бўлган» ўттиз саккизинчи йилларини эслатган бўлса керак. Саҳронинг мудовом тинчлигини бузиб, ташқаридаги қумбўронни ҳам шу бошлаб келгандек кўринди ҳойнаҳой. Шунинг учун бемаҳал, бетаҳорат бўлса ҳам, тескари ўгирилиб, дарров жойнамозига чўкди.

Бўйни узун, пешанаси дукки, қоши йўқ, қўсқигина бола меҳмонга чой қуярди. Заргаров унга ҳазиллашиб кўз қисиб қўйди:

— Отинг нима?

— Мусулмонқул,— деди ўсмир.— Мошинани ўзингиз ҳайдайсизми?

Заргаров бош силкиб, унинг қонсиз юзига жилмайиб қаради. Сояда қолган ниҳолга ўхшайди. Эшоннинг кими бўлди экан? Неварасими? Ё бегона, хизматқорими? Қим бўлса ҳам алданган, дунёдан беҳабар, саводсиз бўлса керак бояқиш. Бу мазор, бу сардобалар харобаси, бу кўҳна ёввойи дунё ўрнида нималар бўлади — биларми-кан?

— Бизнинг қурилишга бориб ишламайсанми, катта йигит бўлиб қолибсан, саводнинг борми?— деб сўради Заргаров. Намозини тугатиб чол ҳам дастурхонга силжиб ўтирди, «бисмилло», дея нон тишлади.

— Саводим бор, чўпон болалардан олиб газит ўқийман,— деди Мусулмонқул. Чолнинг ранги қув ўчди. У болани қўлдан чиқаришдан қўрқади чамаси.

— Мен бўривойларнинг радиосини ҳам эшитганман,— давом этди бола («бўривой» дегани буровой бўлса керак),— улар кетиб қолишибди. Сизлар нима қуряпсизлар?

— Биз кўп нарса қурамыз. Сенга қандай тушунтирсам экан... Мана худди шу ерда асфальт йўлдан комсомол қизлар велосипед миниб ўтадиган бўлади...

Мусулмонқулнинг кўзлари чақнади. Ўтган йили буровойда у худди шундай бир қизчани кўз остига олган эди. Анчагача кечалари уйқуси қочиб, паришон бўлиб юрди.

Лекин Қудуқ-эшон бу одамнинг гапларига ишонмасди. Саҳрода у бунга ўхшаганларни кўп кўрган. Ун йил исковучдай сакиллагани билан ҳеч нарса тополмай қораси ўчганлар ҳам бўлди. Бу ерларни бийлайдиган ҳамон эшоннинг ўзи бўлиб турибди.

Эшон билмас эдики, саҳрони бийлайдиган ҳозир мана шу кўзлари қизариб кетган ҳорғин одам; олтин сандиқларнинг калити шунинг қўлида; билмас эдики, саҳрони энди бошқа «эшон» сўрайди, унинг ўз йўллари, ўз заводлари, самолёти, қудратли техникаси, минглаган коллективлари, ярақлаган миллионлари бор.

— Бизда одам етишмайди. Аллақаёқдаги бир кавакда ётаверасанми?— деб давом этди Заргаров болага қараб.

«Худонинг жойи кўп,— деб ўйларди Қудуқ-эшон,— ҳаммасига ҳам одам етказолмайсан».

У Заргаровнинг ўсиқ қошларига, бақувват елкаларига тикилиб чамаларди: бунинг ҳукму сиёсати қаергача

етар экан? Сахрога бошлаб келган маломати каттами?

— Болани йўлдан урманг, мулла,— деди Қудуқ-эшон.— Болагинани кўнглини бўлманг. Мачит иншо қилмадим, равот солмадим, аммо лекин фарзанд боқдим...

— Энди ўзингиз ҳам бу латта-путтани йиғиштирсангиз бўларди, тақсир...— Заргаров бўйрага оёғини узатиб, сандиққа суянди. Учоқ тафтида аъзойи бадани бўшашиб, уйқу тошдай босиб келаётган эди. Ташқарида бўрон ҳамон чиябўридек улыб, қумни эшикка чирсиллатиб урмоқда.

— Мен одамларнинг густоҳлигидан қочиб юрибман бу ёқларда...— Эшоннинг товуши мозордан эшитилгандек узоқдан бўғилиб келди-ю, тинди.

«Битта ўзингиз қолган экансиз-да... фаришталардан», Заргаров хаёлига келган бу сўзларни айтадимийўқми — билмайди, чарчаган вужудини уйқу зулмати қамради. Эшоннинг яна қандайдир бўғиқ сўзлари қулоғига чалинди, аммо нима деганини англамади, товушининг машъум, қутсиз руҳини сизди, холос... Ухладими, йўқми, бир маҳал қараса, туйнукдан тонг шуъласи тушиб турибди. Ўрнидан шартта туриб ташқарига чиқди. Бўрон тинган, ҳаво мусаффо эди. Ўзини қўйиб бир керишган эди, тонг салқини кечаги чарчоғу ланжлигини кўтариб кетди. Кунгай девор этагига ёпишганча қуёшнинг илк нурини кутаётган калтакесак лип этиб шўра тагига кириб йўқолди. Эшикда Мусулмонқулнинг нимранг юзи кўринди.

— Кетяпсизми?— деди кавушини судраб чиқаркан.

— Ҳа,— деди Заргаров, кейин боладан катта йўлни аниқлаб сўраб олди.— Боргин, ишчи бўласан, попукдек жонон қизлар бор бизда,— деб ҳазиллашиб, моторини қизитди.

Мозорнинг терс томонида қумғон тутган эшоннинг ўзи ҳам кўринди. Заргаров мотор гулдуриси орасидан унинг ерга қараб гўнғиллаганини эшитди:

— Мунча жонон, жонон дейди, эрсираган, синглиси борми, нима балол!..

Таомилга кўра бошпана учун раҳмат айтмоқчи бўлиб турган Заргаров индамай қўл силтади-ю, рулга чиқиб ўтирди. Юриб кетар экан:

— Хайр, сен билан балки кўришиб қолармиз,— деди совуқда дийдираса ҳам илжайиб турган йигитчага.

Соқоли ҳам, бутун юзи ҳам тупроқ рангига кирган эшонни мозор муюлишида сўнги бор кўрди. У яна бир нималар деб қолди. «Дўзахда кўришасан...» — деди-ёв.

Заргаров барханлар бўйлаб машинасини ғизиллатиб кетди. «Газик»нинг брезент соябонидан ҳамон шувиллаб қум тўкилар, ойналарни қайта-қайта артишга тўғри келар эди. Орқадан қуёшнинг қизил доираси кўтарилди. Бу ерларда ўзи қуёшдан бўлак чўтга оладиган нарса ҳам йўқ шекилли. Кечаги бўрон ҳамма йўлу сўқмоқларни супуриб, текислаб кетган. Фақат тахмин ва таваккал бидан юриш мумкин эди.

Заргаров бир соат, бир ярим соат юрди ҳамки, катта йўлдан дарак йўқ. Йўл кўндаланг келиши керак эди ё пайқамай ўтиб кетдими? Орқага қайтиб ҳам ўз изидан бўлак нарса тополмади, яна ҳайдади. Уч соат айлангандан кейин адашганига астойдил ишониб, маъюс жилмайди. Мунча ношуд, мунча тажрибасиз бўлмаса? Бобошнинг қадри ўтди шу топда: ҳақиқатан ҳам Бобош унинг бир бўлагидай, беминнат ёрдамчиси бўлиб қолган экан. Унга ишониб, йўл юришни ҳам унутиб қўйибди. Бошга тушган билади, деб шуни айтади-да. Кун қисқа, қуёш оғиб кетяпти, наҳотки яна эшоннинг сассиқ хужрасига икки букилиб кириб борса? Бу хаёл дилига қора булутдек соя солиб ўтди. Шимол томон уфқ ҳам хўмрайган эди. Сахро ҳам қандайдир бегона кўриниб кетди. «Азбаройи шифо, нима қиляпман ўзи! Моторни бир оз совутай-чи. Саросимада айланавериб, бензинсиз қолмайин тагин», деб тўхтади-да, қапотни очди. Атрофга бесабр кўз ташлади. Қорайиб турган уфқ чизигидан бўлак бир белги йўқ биёбонда. Мотор юриб турганда ҳам бир нав экан. Улик сукунат руҳини эза бошлади; кечаги чарчоқ яна қайтиб келдими, ҳозир рулга ўтирса, кўзи тиниб кетадигандек туюлди. Ёлғизлик одамни жинни қилади, дейишарди, бу гапда жон бор шекилли-да. Заргаров ҳеч қачон бунақа ёлғиз қолмаган, ўзини бу қадар ожиз ҳис қилмаган эди. Ҳаво ҳам, бадани ҳам совиб кетаётгандек. Фақат моторнинг кўз илғар-илғамас ҳовури далда бериб турибди.

Бехосдан ён томонда, ўзоқда бир қора нуқта кўринди. У тобора яқинлашавергач, машинага айланди. Худди Заргаровникидек «Газик». Ажабо, наҳотки ўз машинаси иккита бўлиб кўринаётган бўлса, эс-ҳушини йўқотгани йўқми ишқилиб?

Заргаров тикилавериб ёшланган кўзларини уқалади. Машина ҳамон яқинлашиб келар, чўзиб-чўзиб сигнал берар эди. Бутун сахро янграб, қулоқлари шанғиллаб кетгандек бўлди-да, келаётган машинага томон жилди. У кўзи кўриб, қулоғи эшитиб турган нарсаларга ҳали ҳам ишонгиси келмасди, машинадан аёл киши тушганда эса ишончини бутунлай йўқотиб, кўзларини чирт юмиб олди.

— Сахро ўзингизники бўлса ҳам ёлғиз юрмаслигингиз керак, Мардонқул ака...

Таниш туюлган бу шўх овоздан Заргаров кўзини ялт этиб очди. Бир зум боши айланди. Кўз ўнгида Зиёда турарди. Тавба! Уша қорамағиз, ўша дуркун Зиёда! Сочларининг устидан қирғиз телпакни бостириб, шим ҳам кийиб олибди. Ёпирай, туш деган ҳам мунча тотли бўлмайди.

— Салом, алхимик, салом, агар кўзимга кўринаётган бўлмасангиз,— деди Заргаров ночор аҳволини яширишга уриниб. Бошлиқнинг ҳазиллашганига Зиёда ҳам қувонди-ю, лекин унинг толиқиб, карахт бўлиб қолганини сезган эди. Ёнбошига осиб олган зангори термосни очиб, қопқоғига иссиқ кофе қуйиб берди.

— Сиз мени қаёқдан топиб келдингиз?— деб сўради кофени ичиши билан танасига иссиқ югурган Заргаров.

— Бу ерда институтимиз ходимлари ишлаяпти. Мен намуналар олгани келган эдим,— деди Зиёда.— Сизни болалар дурбинда кўриб қолишибди. Қарасак — бир айландингиз, яна ўша йўлдан қайтдингиз... Адашган одамнинг саросимаси бизга таниш...

Вой шаддод қизгина-ей, юзига солиб нима қиларди, ўзи-ку бусиз ҳам ерга кириб кетгудек изза бўлиб ўтирибди. Лекин Зиёдани учратганидан қанотланиб кетгандек дили ҳовлиқарди.

— Зиёда...— товушида яқинлик оҳангини ўзи ҳам сезиб, бир зум тўхтади.— Бировга айтиб юрмайсиз-да... Кимсан, начальник, ўз ерларида адашиб қолибди, дейишса...

— Бўпти, орамизда қола қолсин, хўпми?— деди Зиёда кўзлари чўғланиб. Кейин у машинаси томон югурди. Почаси тор одмигна қора шим баркамол қоматини, бақувват оёқларини бор жозибаси билан кўрсатар эди. Машъум ёлғизликдан қутулган Заргаров ўзини тиймай

қўя қолди, рўй-рост тўйиб қаради. «Орамизда қола қолсин, бўптими?» дея ўйнаб айтган сўзлари негадир қулоқларидан кетмас эди. Зиёда шофёри билан машинасини қайтариб юборди.

— Мен сизни олиб бориб қўяман, чарчабсиз,— деди қайтиб келиб.

Кап-катта одамга қиз боланинг бундай ёрдамига муҳтож бўлиб ўтириш унча муносиб иш эмас эди, ундан йўлни яхшилаб сўраб олиб жўнайверса ҳам бўлар эди-ю, ҳозир Зиёда кетиб қолса, ёлғизликда кўнгли қай даражада ўқсиб қолишини олдиндан сезгандек беихтиёр «хўп» деб юборди. Зиёданинг ҳам бу таклифи чин кўнгилдан эканини пайқаган эди у.

— Қани чиқинг, кечгача етиб оламиз,— деди Зиёда рулга ўтириб. У ҳабас қиларли даражада бақувват, дидил эди. Рулга ярашиб тушган ўтиришларига ҳадеб қарайвермаслик учун Заргаров шофёри Бобошнинг «қилган қилиғи»дан гапира кетди. Зиёда роҳат қилиб кулди: «Азамат бошлабди амалдорларингизни, мендан салом деб қўйинг!»— деди хахолаб.

— Сиз яхши биласизми бу йўлларни?— сўради Заргаров.

— Қайси йўлларни? Ҳа, бу йўллар бугун бор, эртага йўқ... Уларни билиш шарт эмас. Саҳрони билиш керак. Сиз ҳам кўникиб кетасиз.

— Бобош қурғур полапондек чирқиллатиб ташлади-кетди,— деб кулди Заргаров ҳам.— Компас олиб юрсам бўлар ёкан.

— Компас шарт эмас, соатингиз борми?

— Қанақа соат?

— Оддий қўл соат-да.— Зиёда машинани тўхтатди.— Соатингизни беринг, мен сизга осон бир йўлни ўргатиб қўяман,— деди-да, Заргаровнинг билагидан катта ялпоқ соатини еча бошлади. Кичкинагина қорача бармоқлари чаққон, иссиқ эди.— Мана, ёдингизда бўлсин, буни ҳар бир саҳройи билиши керак,— деди у кафтидаги соатнинг циферблатини синчилоғи билан кўрсатиб. Заргаров томонга силжиброқ ўтирди, соатни ерга тушириб юбормаслик учун шимни таранг тортиб турган йўғон оёқларини жипслаштирди,— хўш, циферблатни горизонтал ҳолатга қўйиб, соат миллини қуёшга тўғрилайсиз, бундай қилиб. Соат марказидан мана шу бурчакни, «12» рақами билан соат милли ўртасида ҳосил бўлган бурчакни ке-

сиб ўтган чизик шимол билан жанубни аниқ кўрсатади. Тушундингизми?

Заргаровнинг хаёли аллақаяёқда бўлиб, тушуна олмаган эди, очигини айта қолди. Зиёда бошқатдан тушунтирди.. Заргаров унинг бармоқларига тикилар, ҳамон тушунолмас, лекин «ҳа-ҳа», деб бошини қимирлатар эди.

— Милнинг шу туришида соат 12 гача жануб қуёшдан ўнг томонда бўлади, 12 дан кейин эса чап томонда. Тушундингизми?

— Тушундим...— деди Заргаров унинг кўзига жуда яқиндан ғалати қараб. Шу зумдаёқ ўзини ўнглаб:— Тушундим, тушундим,— дея такрорлади тушунмаган бўлса ҳам.

— Мана шуни билиб олсангиз, сира адашмайсиз,— дея машинага газ берди Зиёда.

— Буни Дмитрий Казимирович ўргатганми?

— Айтгандай, келган куним Дмитрий Казимирович билан сизнинг ҳақингизда узоқ гаплашган эдик, қулоғингиз қизигандир?— Зиёда узун киприклари остидан олисларга тикилиб, машинани ўйинчоқдек пилдиратиб борар, шўх-шўх гапиришлари чаққон ҳаракатларига монанд эди.

— Қулоқ қизиш қаёқда; совуқ суягимдан ўтиб, дийдираб юрган эдим,— дея бошлаб, бутун сафарини, мазорда тунаб қолганларини, «жонон» деганда Мусулмонқулнинг синиққан юзига қон югурганларини кулгили қилиб гапириб берди.— Сизлар менинг хамиримни пиштибсизлар-да.

— Сиз ҳам чўлда яшаган экансиз... Уша Мусулмонқулдай бўлганмисиз, нима бало!— Зиёда хандон ташлаб кулди.— Болалигингизда хўжайиннинг қўйларини ҳаром ўлдириб, қочиб кетган экансиз. Дадангиз анҳордан паншаха билан олти кун излабди. Чўлда бир ҳолатда ётганингизда туякаш топиб, парвариш қилибди. Кейин... дадангизни бўри... Кейин уруш, Политехника институти...

— Роса ғалвир қилибсизлар-ку, миримдан-сиримгача...

— Қийин кунларни бошингиздан кечирган экансиз... Оғир қисмат. Яна кейин дилхираликлар ҳам бўлибди,— Зиёда, беандишалик қилиб юбормаяпманмикан, дегандек Заргаровнинг юзига қараб қўйди.

— Қариганда эзма-чурук бўлиб қолибди папангиз,

сизга шуидай лоф урган бўлса,— деди Заргаров Губановдан хафа бўлиб. Аслида Зиёданинг ўзи ҳақида бундай қизиқиб суриштирганидан ҳаяжонда эди. Иккинчи томондан, «кейинги дилхираликлар» Фотима ҳақидаги гап бўлса керак, буни эслаб, кўнгли чўкди. Лекин буни билдиргиси келмади.

— Булар ҳаммаси — икир-чикир ташвишлар. Мен ҳаётни яхши кўраман, Зиёдахон. Ҳар қанақасини!..

Зиёда анчадан кейин, гўё биров эшитмасин, ўзингизгагина айтаман, дегандек, осойишта таъкидлади:

— «Икир-чикир» дейиш... сизга муносиб эмас.

Шундан кейин икковлари ҳам узоқ индамай қолишди. Орага кимдир рахна солгандек, нимадир яна гап бошлашга йўл бермас эди.

— Менинг кирдикорларимни билиб олибсиз,— деди Заргаров кулиб.— Мен бўлсам, сизнинг ҳақингизда ҳеч нарса билмайман...

Зиёда юзлари ловиллаб кетаётганини сезди-ю, ҳеч нима деёлмади. Яхшики, шу пайт йўлда қандайдир сурон эшитилиб, диққатларини тортди. Улар кичкина бир овулга яқинлашган эдилар. Яккам-дуккам лойшувоқ япасқи уйлар пастгина тиканак ихота билан ўралган, этагида кўчма қумлар тўлқинланиб ётар эди. Овулга кираверишда бир тўда одам тортишаётгандек ўдағайлаб шовқин солар эди.

Заргаров машинадан тушиб уларнинг олдига боргач, шовқин бир оз босилди. Булар гидрогеологлар билан шу овулда яшайдиган чорвадорлар экан. Техникага ишла-тиладиган сув трассаси шу овулга келиб тақалибди, йи-гирматача уйи бузиш керак экан. Чорвадорлар: «Буз-майсанлар, ҳақларинг йўқ», деб оёқ тираб туриб оли-шибди. Ади-бади айтишиб, оғизларидан боди кириб, шоди чиқар эди.

— Подумаешь, оқ уй — ола-баргак!— деди шундай совуқда похол қалпоқ кийиб олган топограф.— Энди се-нинг бурга-канангни аяб қўл қовуштириб ўтираминизми?

— Ўзинг бургасен! Нашайлигинг келсин, сўйлаша-миз,— деб қўл силтади бир оқсоқол.

Заргаровни ҳамма қуршаб олди. Тутақиб турган то-пограф трассанинг муҳимлигию овулдагиларнинг калта-бинлигидан койиб кетди. Кекса кўзлари мўлтиллаган оқсоқол бошлиқнинг оғзига тикилиб турарди. Заргаров нима дейишини билмай, негадир овулни айланмоқчи,

уйларни кўрмоқчи бўлди. Иморатлар ҳақиқатан ҳам ночор, битта бульдозер ярим соатда текислаб ташласа бўладиган. Лекин қўраларга ёпирилган, четанлардан мўралаб турган, хотин-халаж, бола-бақра, арқонга осилган кир, қоқилаётган палос, уюм-уюм таппи, пичан... ҳаммасида бу ерларнинг ўзига хос бир файзу қути кўри-ниб турар, ҳозир нима ваъда қилсанг ҳам бу ердагилар-га малол келиши аён эди. Заргаров гангиб қолди. Ўз одамларига бир нима деб маслаҳат бериши ҳам қийин. Улар мутахассислар, ўз ишларини билишади.

Шу пайт ёнида Зиёда пайдо бўлди.

— Мардонқул ака...— деди у бошлиқнинг юришига қадамни мослаб. Улар қумга кўмилаёзган қамиш ихота бўйлаб борар эдилар. Заргаров одимини секинлатди. Зиёда қумга ботаётган оёқларини ажиб бир енгиллик билан олиб, ердан кўз узмай гапирди:— Сиз уларга маслаҳат беринг, овулга тегишмасин, фойдаси йўқ. Бу ернинг қаттиқ қатламлари жуда узоқ, сув турмайди. Трассани пастдан қидиришсин.

— Бейсбот, оғзаки буйруққа кўнишармикан?

— Заргаровсиз-ку... Қолаверса, бу оғзаки бир гап эмас,— деди Зиёда,— район яхши ўрганилган, мен аниқ биламан. Сизга архивдан ҳужжатларни топиб беришим мумкин. Ваъда қилаверинг.

Заргаров анча ўйлаб турди-да, Зиёданинг ишчан қиёфасига миннатдорлик билан қараб, мутахассислар томон кетди. Кўп ўтмай иккала тарафни ҳам тинчитиб, қайтиб келди. Кеч кириб келаётганидан хавотир олган Зиёда моторни юргизган, кутиб ўтирар эди.

Четан ёнида қатор турган овул қариялари марҳаматли бошлиққа таъзим қилишди. Гидрогеологлардан баъзилари Зиёдани ҳам таниб олишган шекилли, орқадан қўл силкиб қолишди. Машина шамолга қарши физиллаб борар эди.

— Раҳмат, Зиёда... Бугун иккинчи марта жонимга ора кирдингиз,— деди Заргаров унинг рулдаги қўлини ушлаб. Зиёда ҳам бир нимадан қўрққандек машинани беихтиёр секинлатди. Деразани очиш баҳонаси билан қўлини унинг иссиқ кафтидан секин тортиб олди. Деразадан кирган оқшом салқини ловиллаган юзига ҳуш ёқар эди. Заргаров юраги дукиллаганини сизди. Хайриятки, машина тўхтамади. «Нима қиляпман ўзи?»— деди ичида, дарров гаини расмий томонга бурди:

— Хужжатларни эсдан чиқармайсиз-да, илтимос...— ўзини яна сал босиб олиб, давом этди:— Шунинг учун айтаман-да, ҳамма иш бир кишининг қўлида бўлса эди, деб. Юзта ташкилот юз хил иш қиляпти саҳрода, ҳаммаси бири биридан беҳабар, ҳаммаси ўз билгича. Мана, энди ҳар кун керак бўладиган ҳужжатлар кимнингдир архивида ётибди...

— Саҳрога «ҳокими мутлақ» бўлмоқчи экансиз, бу осон иш эмас...— деб кулди Зиёда.— Обкомда ҳам таъзирингизни ебсиз, эшитдик.

— Жуда синчков экансиз-ку!— тундроқ жилмайди Заргаров.— «Ҳокими мутлақ» эмиш. Буни ҳам Губанов айтгандир? Зап тушунган экан-ку менинг ниятимни!

Йўлларда қуюн чарх уриб, қамғоқ, хору хасни пилдирата бошлади. Шамол кучли бўлмаса ҳам заҳри бор эди. Кўп ўтмай у совуқ ёмғир бошлаб келди. Бундай ёмғирнинг қорга айланишини саҳрода ҳамма билади. Кечаги бўронлар бекорга қутурмаган экан, ҳавонинг турқи ўзгарадиган бўлиб турибди. Қора совуқлар тугайдиганга ўхшайди.

Улар вагон шаҳарчаларига яқинлашганда қоронғи тушган эди. Заргаров рулга ўзи ўтди. Кечагина ҳамма бошлиқларни рулга ўтқазган одам бугун ўзи ўнг қўлда керилиб ўтирса, ярашмас эди. Шунинг учун Зиёда ҳам:

— Анча ўзингизга келиб қолгандирсиз,— деди-да, жойини бера қолди. Унинг ўрни ҳам, баранка ҳам иссиқкина эди. Заргаров нозиккина қорамағиз қўлларнинг тафтидан ўзида аллақандай куч сезгандек бўлди.

— Бўлмаса-чи!.. Лекин сизни толиқтириб қўйдим-да...

Улар бир-бирлари билан маслаҳатлашиб ўтирмасданок тўғри Губановларникига бурилишди. Саҳрода кўплар бу уйга ўз уйларига келгандек кириб бораверардилар. Нега бундай, безовта қиламиз-ку, деб ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Гўё оддий бир таомил. Саҳродаги ҳамма мушуқларга шу Губановлар радди бадалдек... Заргаровга ҳам ўз ётоғидан кўра шу ер кўпроқ ўрганш бўлиб қолган. Чунки бу уйда доим ўчоқда олов, иссиқ сув, иссиқ чой, ширин суҳбат, файзу ором топади.

Губанов ҳали ишдан келмаган экан. Заргаров аврасиз нимча пўстинини ечиб, дарров ўзини иссиқ сувга урди: мозорда тунаганини ўйлаб ижирғанар, йўл губори-

дан қутулишга ошиқар эди. Икки челақда иссиқ-совуқ сув кўтариб ташқаридаги умивальникка чиқди. Мария Власовна ичкарида «Азочка»си билан чақчақлашиб тўймас эди. Дарров унинг сочларини тўзғитиб, ҳафсала билан бошқатдан ўришга тутинди, йўл-йўлакай сахро қишига боп қандайдир кремларни тавсия қилди. Уларнинг дарз кетган тошойна олдидаги кукулашишлари, гоҳо Зиёданинг хандон отиб кулиши Заргаровга яхши эшитилиб турар, ҳар замонда диққатини бўлар эди. Уларнинг суҳбатига қараганда, Зиёда ҳозироқ қайтиб кетиши керак экан. Мария Власовна:

— Ухламасдан, бу совуқда кечаси билан йўл юриш зарур келдими? Ётиб қол,— деб қистарди.

— Ҳозир машина базага нон олиб кетади. Иссиқ нон,— қувониб гапирарди Зиёда,— кўз олдингизга келтиринг: атроф жимжит, ҳеч нарса ҳеч ким йўқ, фақат совуқ, соф ҳавою иссиқ нон ҳиди... Маза қилиб мизғиб кетаман.

Заргаров Зиёданинг қувноқ овозига берилиб, буни кўз олдига келтирди. Келтирди-ю, негадир маъюс тортиди.

— Довулдай елганинг елган-да, Азочка,— дерди Мария Власовна зорланиб,— худо ярлақаб, битта-яримгани яхши кўриб қолсанг, балки сал қуйилармидинг...

Зиёда ширали янгроқ товушини тийиброқ кулди:

— Қўйинг, Мария Власовна, муҳаббат — тентак. Шундай дарёдай тошиб юрганим сизга ёқмайdimи?..

— Дарё ҳам тентак,— дея насиҳатомуз уқтирарди кампир,— аммо электр станцияларни юргизади, ҳа! Эплаб олсанг иситади ҳам, ёритади ҳам...

Заргаров ювиниб, артиниб ҳам бўлди, лекин ичкарига кириб, гапни бўлишга ботинолмай, зинапояда турарди. Мария Власовна яна ётиб қолишга қистай бошлади. Заргаров Зиёданинг нима деб жавоб беришини кутарди. Бунга у нима учундир жуда қизиқиб қолди. Нима учунлигини ўзи ҳам билмасди. Ҳақиқатда, Зиёда бу ерда ётиб қолди нимаю базага бориб ётди нима? Қурилиш бошлиғига барибир эмасми?

— Эртага Тошкентга қайтиб кетишим керак.— Зиёданинг овози эшитилди.— Намуналарни оламану уча-ман. Болаларимни соғиндим...

«Болаларим...» Катта хотинлардай гапирарди-я. Ўзи бўлса... ўзи бўлса боладеккина. «Муҳаббат — тентак»

эмнш. Бу эса турмуш кўрган тажрибали одамнинг гапига ўхшайди. Борган сари жумбоққа айланяпти бу қиз. Заргаров у билан яхши танишиб олдим, деб юрса, шунча гаплашгани билан ҳам кимлигини билолмаган экан. Яна минг хил савол туғияпти. Ундан ботиниб ҳамма гапни сўраб ололмаётганига ҳайрон. «Бировнинг салобати» деган нарсадан ҳайиқмайдиган одам-а! Бу, эшик орқасида дийдираб туриши-чи!

Заргаров томоқ кирди-да, «юрак ютиб» ичкарига кирди. Уртада уйни тўлдириб Зиёда турарди. Ҳозиргина ўзига далда берган Заргаровнинг тили галдираб қолди.

— Зиёдахон... қайтиб кетмоқчи экансиз...— деди қарга қарашини билмай. Зиёданинг қалин ўриб бошига турмаклаган сочлари узунчоқроқ қорача юзига шундай жозоба бағишлаган эдики, Заргаров уни эндигина биринчи марта кўраётгандек довдираб қолди. Бўй-бастни ҳам илгаригидан баландроқ кўринди кўзига, қошига ҳам бўёқ тортганми, кўзларининг чақнаши, ёноқларининг лов-лов ёниши хира чироқда аён кўриниб турарди.— Бугуноқ қайтиб кетишингизни билганимда... сизни бундай овора қилмас эдим,— дея дилидагини айтолмай, гапни бўшаштириб юборди Заргаров.— Айтмабсиз-да...

Заргаровнинг паришонлигини пайқаган Зиёда шўхликни қўйиб, босиққина хайрлашди. Аста чиқиб кетди.

У кетгандан кейин Заргаров уйга сиғмади. Жағиллаб турган самовар атрофида бир-икки айланди-ю, елкасида унутилган сочиқни қозикқа илиб, яна ташқарига чиқди. Қор учқунларди. Сахро тўла қор, осмон тўла қор. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Қандайдир ўзга бир планетага ўхшайди. Бирон сойми, дарахтзори ҳам йўқки, шундай пайтларда соҳил ё сўқмоқ танлаб, лоқайд бир кезсанг... Заргаров биринчи марта «Катта ер»ни кўмсаб эслади.

«Болаларимни соғиндим...» Зиёданинг товуши янгради қулоғида. Узининг Саодатини кўрмаганига ҳам ярим йилдан ошибди. Соғиниб қийналгани йўқ. Наҳотки унда оталик туйғуси шундай суст бўлса? Наҳотки у энди шу қадар ёлғиз, соғиниб-кўмсаб эслайдиган ҳеч кими йўқ?..

Заргаров кимсасиз тун қўйнида айланар, оппоқ қор уни бошдан-оёқ буркаб олган эди. Бир-бирига боғланмаган кўп ўйлар чувалиб келди бошига. Нимани ўйласа, кўз ўнгида Зиёда турар эди. Бу унга халал бера бошладди. Узоқ сафардан кейин уйда ўтириб дам олишига, ўй

Ўйлашига, умуман, юриш-туришига халақит бера бошлади, ҳаловатини кетказиб қўйди. «Нима бўлди ўзи?.. Худо сақлаб қолди шекилли. Ушанда машинада ёниб турган ёноғига шундай юзимни қўйгим келдики, қўрқиб кетдим. Ҳушимни йиғиб ололмай бағримга боссам нима деган одам бўлардим? Худо бир асради... У шод эди, кўнгли пок, чексиз. Мана шу қор бўралаган оппоқ осмондай...»

Заргаров ҳозир шу ўйлари билан узоқ қолишни истарди. Ҳамма вақт атроф шундай сокин, ҳазин бўлишини истарди.

Қизиқ. Кимдир уни бу саҳрога юбормай, этагига осилади. Кимдир шу саҳрода адашган жойидан қутқазиб олиб келади...

Йўқ, йўқ, бу ўй яна Зиёда ҳақида-ку! Наҳотки у энди Заргаровни ҳаф қадамда шундай таъқиб қилаверса?

12

Заргаров бир куни ишдан келиб ўз ётоғини танимай қолди. Наҳотки янглишиб бировникига кйриб қолган бўлса? Зинапоягача поллар ювилиб, пояндозлар солинган, дарпардалар дазмоллаб осилган, уйда донм сўлиб ётадиган биттаю битта чиннигулнинг эски тувағи чиройли кўк қоғоз билан ўралиб, дераза рафига қўйилган, донм тамакидан сарғайиб ётадиган кулдон ярақлаган, столда оқ дастурхон, бурчаклардан ўргимчак уялари супирилиб, чанг-тўзон артилган, китоблар тахлоғлиқ — ёғ томса ялагудек... Ёпирай, нима гап ўзи, ким қилди буни?

— Дад-да...— деди секин шкаф орқасидан кимдир эркаланиб. Заргаровнинг эти жимирлаб кетди. Қизининг товушини дарров таниган эди. Дадасига ҳазиллашиб шкаф орқасига яширинган экан, чидамади шекилли, отилиб чиқди.

— Саодат!.. Қизим!— Бағрига босди уни Заргаров. Қўзидан тирқираб ёш чиқиб кетишига сал қолди. Саҳро тўзони сингиган кўксин кўпдан буён бундай меҳрибон, жонга яқин, қондош ҳароратни ҳис этмаган эди. Саодат ўн еттига тўлай деб турган, кичик жуссали, тикмачоқдеккина пучуқ қиз. Оппоқ юзи ойдек юмалоқ, жиндак сепкили бор. Иккита қилиб ўрилган калта сочи диккайиб турарди. У оёқ учида чўзилиб, дадасининг кўкариб турган тиканакдек соқолли юзларини силади, бошини

дам у ёққа, дам бу ёққа қийшайтириб чеҳрасига узоқ тикилди, кичкинагина иссиқ қўлларининг сирти билан унинг кўз тагидаги намини артди. Отаси унинг жажжи бошини икки ўрим сочи билан қўшиб кафтларига олди-да, яна кўксига босди.

— Вой, шайтон-эй! Ким экан бу ерда хўжайинлик қилган, десам сен экансан-да! Қандоқ келиб қолдинг?

— Вой, дада! Шунақа уйда турасизми? Бошлиқ десалар, мен сизни...

— Мени қўй, қани ўзингдан гапир?..— Заргаров чойга уринмоқчи эди, платада қайнаб турган кастрюлкадан қўлини тортди. Товада ҳам бир нима жизиллар эди.

— Чой тайёр, дада, ювининг!— Саодат зум ўтмай, дастурхон тузади. Ширин таом ҳидлари анқиб кетди. Заргаров ҳам бошгача совуқ сув сачратиб ювинди-да, оқ кўйлагининг энгларини шимариб, дили ёришганча келиб ўтирди. Ота-бола икки чеккада жилмайиб бир-бирларига тикилиб қолдилар.

— Уқишларинг қалай?

— Нега мунча ориқлаб кетдингиз?

Бир-бирларига шундай жавобсиз, иккинчи даражали, гоҳо эса аҳамиятсиз саволлар бериб ўтирдилар. Иккаласи ҳам қандайдир асосий гапни кутар эди. Қани, ким бошлайди, ким журъат қилади? Бу масалага кимнинг қандай қарашини иккаласи ҳам билмас эди. Бу ҳақда айтилган гап нимага бориб тақалади — дардми ё изтиробга, аламми ё бепарволикка... эҳтиёт шарт.

— Ойнингни кўрдингми?— совиятган шўрвага қараб туриб сўради Заргаров.

Саодат дадаси овқатини емаётганини кўрса ҳам, туриб яна товадан тухум қўймоқ олиб қўйди, чой дамлади.

— Кўрдим,— деди кейин,— ойимнинг ғамини емансангиз ҳам бўлади. У киши тинч...— совиган чойни янгилади. Дадасининг овқатни ковлаштириб ўтирганини кўриб, унинг бу хонадаги оч-наҳор ёлғизлик кечадарини бирдан тасаввур этди-да, югуриб бориб бўйнидан қучди. Ешли кўзларини ёноғига босиб, дағал юзларидан ўпди. Қайта-қайта ўпди.

— Энди мен сизнинг ёнингиздан сира-сира кетмайман, дада! Донм сиз билан бирга бўламан, ишга келаман шу ерга!

— Нима бало, менга раҳминг келиб кетдим, қизим?

— У кишининг ғамини емай, ўзингизга қаранг. У киши юрибдилар...— Саодатнинг товушида зардали, аламли йиғи оҳанги аниқ эшитилди,— Шоаҳмад акалариникида...

— Ҳҳи-и... Нима дединг?

— Ҳа. Ойим ўша ерда турибдилар.

Заргаров буни дарров тушунмади. Анчадан кейингина ичида бир нима узилиб кетгандек товушсиз ингради. Сўнг оқаринқираб, бирдан қаригандек, -юзи салқиди. У бугун қизи билан узоқ мириқиб гаплашмоқчи эди. Лекин оғзидаги оғзида қолди. Саодат ҳам ўкинди. Бу гапни ҳозир айтмаса бўларкан. Эҳтимол, бошқачароқ қилиб айтиш керакмиди?

Заргаров, бирдан тинкаси қуриб, қизининг сумкаси, дарсликлари сочилиб ётган эски диванга чўзилди. Исланиб кетган пастак шифтда қизғиш чироқнинг хира шуъласи доира бўлиб турарди. Ҳозир у Заргаровга Шоаҳмад Аббосовнинг чучмал табассумини эслатди.

— Қизим...— деди у кўзини чирт юмиб.

Саодат индамади. У тузоғлик стол олдида бошини ушлаб ўтирганча қолган эди.

— Ойимдан қаттиқ ранжидингизми, хафа бўлдингизми, дада?— деб сўради кейин аста.

Хафами, ҳайратдами — буни Заргаровнинг ўзи ҳам англаётгани йўқ. У ҳар нарсани кутган бўлса ҳам, бундай хабарни кутмаган эди. Наҳотки Фотима шунчалик паст кетган бўлса?.. Тамом нест-нобуд бўлмаса гўрга эди. Ахир Шоаҳмад Табассум... бунчалик сохта одам...

— Хафа бўлишнинг фойдаси йўқ, қизим,— деди у хотиржамроқ бўлишга уриниб.— Биласанки, ҳар кимнинг инон-ихтиёри ўзида. Лекин ойинг билан бизнинг жуда яхши турган пайтларимиз бўлган. Биз бир-биримизни қадрлардик. Сен туғилдинг. Қўмсаб эслайдиган йилларимиз бор... Хафа бўлдингизми, дейсан. Афсуски, биз оламда ёруғлик борлигини чироқ ўчгандагина пайқаб қоламиз. Ҳаётда мусибат бўлмаса — қувончнинг нима эканини билмасдик...

— Фалсафани қўйинг, дада! Икковларингиз ҳам тенгаксизлар!.. Ойим у ёқда қилиб юрибди номаъқулчиликни, сиз бу ёқда...

— Саодат!— ўрнидан туриб кетди Заргаров. У қизининг катталар иши ҳақида бундай гапиршини истамасди.

— Шундай экан, нима қилардинглар турмуш қуриб? Заргаров қизининг катта бўлиб қолганини энди фаҳмлагандек, кўнглига келган танбеҳдан воз кечиб, ҳазилга йўйди:

— Вой тентаг-эй, биз турмуш қурмасак, сени қаёқдан топиб олардик?

— Асосий масала мен эмас, асосий масала — муҳаббат!

— Сен қаёқдан билиб олдинг бу гапларни, пучуқ?

— Биламиз-да. Сизларнинг тажрибаларингиздан ўрганиб.

— Тўғри, қизим, бизда ўрганадиган нарса йўқ...— деди Заргаров ўтирган жойида бош эгиб.— Танбеҳингни қабул қиламан. Лекин изза қилаверма.

— Хатингизни ҳам ўқиб олдим. Анча ғалати гаплар бор экан.

Заргаров Фотимага ёза бошлаган хатини унутиб юборган эди. Бу шайтон уни қаердан топиб ола қолибди?

— Масалан, қанақа ғалати гаплар?— деди у столдан хатни топиб майда-майда қилиб йиртаркан.

— Масалан, муҳаббат ҳақидагилари...

— Яна муҳаббатми? Сен...

— «Катта муҳаббатга ҳамма ҳам қобил эмас...» деб ёзибсиз. Муҳаббатнинг катта-кичиги бўладими?

— Бўлади!— деди Заргаров ёшгина қизи билан гаплашаётганини ҳам унутиб. Саодатга эса бу мавзу қизиқ, айни муддао эди.— Каттаси ҳам бўлади, кичиги ҳам! Муҳаббат, қизим, бизга ҳаётимизнинг миқёсларига қараб ато этади. Габаритларимизга қараб, яъни масалан...

— Сизни «водопроводчи» деганларича ҳам бор экан. «Габарит»миш. Муҳаббатни гапиринг.

— Айтяпман-ку... Сен кичкиналигингизда кўчамизда бир Мушель деган йигит бўларди. Муюшдаги дўкончасида этик мойи, ботинка ипи сотарди. Этик мойларди. Ҳар куни дўкончасининг олдини тозалаб, супуриб қўярди, иккита ботинка ипини сотиб, чўткаси билан ногора қоқиб, «Яллама ёрим»ни хиргойи қилиб ўтиргани ўтирган эди. Умри шу билан ўтди. Хотини, бола-чақаси бор эди. Унинг муҳаббати ҳам шу ҳаётига яраша бўлган албатта.

— У шўрликнинг бошқа ишга кучи етмаган бўлса-чи, айби нима?

— Мен кучга тўла йигит кишининг ҳаётдек бебаҳо нарсани майда пулга чаққанини гапиряпман... Айтгандай, енгил машинада мени олиб юрадиган шофёр бола йигирма беш тоннали самосвалга ўтиб кетди. Яна битта ўзи эмас... Ўзига ўхшаган ўттиз саккиз йигитни бошлаб карьерга кетди.

Саодат ишонмагандек қошини чимириб бирпас ўйлади-да:

— Йўқ, сиз менга катта-кичигини тушунтиринг,— деди:

— Кичиги — доимо тотли, тўғрироғи, чучук, осон, беташвиш, салга дарз кетадиган мўрт... Каттаси — серимтиҳон, беқиёс, масъулиятли.

— Лекин гап бунда эмас, сиз оймни ташлаб кетгансиз,— деди Саодат.— Тўғри, судга аризани ойм берган, аммо, мен биламан — уни сиз ташлаб кетгансиз.

— Сен катта қиз бўлиб қолибсан, қизим. Билиб қўй, кеч қолинганда, узоқ юриб келинганда: «Нега кечикдинг, қаерда эдинг?» бўлаверса, бу ҳали муҳаббат эмас. Севган одам кутади. Ой кутади, йил кутади. Балки бир умр...

— Бир умр азоб чекиш керакми? Мен севишни — бахтли бўлиш, деб тушунардим.

— Бахтлиманми-йўқми, деб бош қотиришга фурсат тополмасанг — ана шунда чинакам бахтлисан, қизим. Ойнинг менинг интилишларимни, иштиёқларимни тушунмади. Биз бу ерда катта ишлар қиляпмиз. Одам ўзи қурган уйни яхши кўради. Атрофда ўзинг қилган ишларинг кўзга лоп этиб ташлангани учунгина эмас. Ҳамма нарсани ўзи яратса, одам ўзини худодек ҳис қилади. Мана, китобларинг ётибди. «Эпос»ларни ўқиётган экансан. Биласанми эпос нимади? Дунёнинг яратилиши — мана эпос! Дунёни одамлар яратади. Инсоннинг эпик ҳолати — унинг меҳнат қилаётган пайти. Уқдингми?.. Мен катта, оғир ишни яхши кўраман. Бу, одамнинг ўзига ҳурматини оширади. Ойнинг бўлса... «Елкаси яғир ҳам-мол...» деб таҳқир этди. У кишининг сўнгги сўзи шу бўлди. Нима қилай?.. Кел, ойингни ёмонламайлик, қизим. Мен сендан кечирим сўрайман...

Лекин Заргаров Фотиманинг гапларидан куюётгани йўқ, унинг кейинги иши, келиб-келиб Аббосовни топгани алам қиларди. Биларди-ку, Заргаровга ўчакишиб қилмадимикан?

У жимгина ўтирган Саодатнинг елкасидан келиб қучди; қизи унинг изтиробли юзини кўрмайди.

— Дада, мен кўрдим одамларнинг қандай ишлаётганини. Сиз айтган эпосга ҳеч ўхшамайди. Турар жойлари қоронғи, зах, шароит йўқ, сув етишмайди, совуқ...

— Сен кенгроқ манзарани кўз олдинга келтир, қизим, бугуни, эртаси билан... Бир оз хаёлпараст ҳам бўлиш керак. Қийинчиликлар, алам, қувонч, ҳатто ҳаёт билан ўлим ҳам — хуллас, одамга нимаики хос — ҳаммаси хизматда.

— Ёмон одамлар ҳам бор экан. Ҳатто маҳбуслар... Сизни излаб юрганамда биттаси менга шундай тикилдими, капалагим учиб кетди.

— Ҳа, олтмиш минг одам. Унинг ичида ҳар хили, бир танишим айтгандек, «чиқити», ҳам бор. Бу ҳақда менга кўп гапирйшади. Лекин аминманки, ҳар қандай ёмон одам ҳам бир ковш рудадек гап, унда бир мисқолгина бўлса ҳам олтин зарраси бўлади.

— Менда ҳам борми, дада?— болаларча ҳовлиқиб сўради қизи.

— Сенда албатта бор, пучуқ,— Заргаров кенг кафти билан Саодатнинг кифтига уриб қўйди.— Одам, меҳнат, хулқ-атвор — ҳамма нарса, ҳатто «чиқит» ҳам иш учун, иш учун! Уқдингми? Кенг ўйлаш, хўжайин бўла билиш керак. Қаҳрамон бўлолмасанг ҳам, кўнглингда хўжайинлик туйғуси бўлсин. Совет Иттифоқининг хўжайини! Ихтиёр менда бўлса, шундай фахрли унвон таъсис этардим.

Заргаровнинг иштаҳаси энди очилди. Совиб қолган тухум қуймоқни икки ямлаб, Саодатнинг пазандлигини мақтай кетди, чойни қайтадан плитага қўйди.

Қиров босган деразаларда ой нури жилваланди. Атрофдаги саҳро тунининг вазмин сукунати алламаҳал бўлиб қолганини билдирарди. Заргаров бугун энг азиз киши билан мириқиб гаплашганидан мамнун бўлиб, Саодат солиб берган жойга кириб ётди. Уйда иссиқ жон борлигиданми, руҳи енгил, қандайдир азобдан қутулгандек, кўнгли ажаб бир осойиш топган эди.

— Менга қара, сен, бу ерда қоламан, дедингми?

— Ҳа, дада,— деди чироқни ўчириб диванга чўзилган Саодат.

— Битиришингга бир йил қолганда-я?

— Ҳа.

— Институтга кираман, марказга кетамиз, Академияда ишлайман, деб катта гапирган ким эди?

— Ҳозир институтлар ҳам, Академия ҳам қурилишингизга хизмат қилаётган экан-ку?

— Улар-ку, хизмат қиляпти, сен нима қиласан?

— Менга яраша ҳам иш топилади.

Қандай яхши бўларди! Бир кунда уйга шунча файз киргизди бу пучуққина, бағрини тўлдирди. У ёнида бўлса, Заргаров бу совуқ, қаровсиз баракда ёлғизлик азобларидан қутулар, руҳи ўсиб, кучига куч қўшилар эди. Саодатнинг ўзи ҳам тирик етим бўлиб, ўксиб қолди. Бирон иш билан овуниб, шу ерда юрса ёмон бўлмасди... Заргаров, қизи ювиб дазмоллаган чойшаб баданига хуш ёқиб, кўпдан бери биринчи марта роҳат қилиб ётаркан, Саодатнинг жажжигина гавдасини, ўсмирларга хос, суяклари билиниб турган кучсиз елкаларини кўз олдига келтирди.

— Бекор айтибсан!— деди қатъий.— Бу нима енгилтаклик? Бир йил ўқишинг қолганда! Ҳукумат сени ўқи-таман деб бекорга шунча пул сарфлабдими?

— Ҳечқиси йўқ, оқлайман.

— Ўзбошимчаликни қўй! Қурилишда ҳозир сенинг заруратинг йўқ. Бизга медицина ҳамширалари керак. Поликлиника соляпмиз. Бир йилдан кейин, марҳамат, гуллар билан кутиб оламиз:

— Гулсиз ҳам бўлаверади.

— Кетасан, дедим, бас! Ухла!

«Ухла», деди-ю, ўзи яна ухлай олмади. Уйқуга бир қаттиқ ёқмайди, бир юмшоқ, деганларидек, ҳаяжону изтироблар босилиб, энди дардли оғир ўйлар ҳар томондан қамраб келмоқда эди.

Эртасига ишнинг охирида Дмитрий Қазимирович бир рўйхат олиб келди. Заргаров бу рўйхатни тузишни бундан бир ҳафта аввал илтимос қилган эди.

— Анчагина-ку. Қомендант билан келишдингизми?

— Рўйхатни бирга туздик. Тўрт кун ҳужжат кўрдик, ҳамма томонлари ҳисобга олинган.

Заргаров қурилишда яхши ишлаган маҳбуслардан қирқ-элликтасига характеристика бериб, уларни енгилроқ режимга кўчиришни, балки, иложи бўлса, баъзиларининг муддатларини қисқартиришни илтимос қилмоқчи эди. Прокуратурага юбориш учун тайёрланган ҳужжат-

ларни имзолаш кечикиб кетди. Бу рағбатлантириш, бу ишонч кўпларнинг ўз ўрнини топиб, катта коллективга қўшилиб кетишига ёрдам беражагини асослаш, ишотлаш керак эди. Заргаров ҳужжатларга кўп ўзгаришлар киритди, ўзи таҳрир қилди. Энди, мана рўйхат. Уни ҳам имзолашдан олдин астойдил кўриб чиқиши, ўрганиши, ўйлаши зарур эди. Бунинг устига, Заргаров рўйхатни олиши билан Мамат чиноқ, Қултой каллаларнинг фамилияларига кўзи тушди. «Мен яна бир кўздан кечирай», деб ишдан кейин рўйхатни уйга олиб кетди.

Саодат «Дугоналар бормисиз»ни айтиб чамадонини, китобларини йиғиштирарди. Отасини дарров овқатлантирди-ю, яна ишига киришди.

Заргаров ёзув столида рўйхат устига мукка тушди. У ҳамон ҳалиги икки фамилиядан кўзини ололмасди. Рўйхатни қайта ўқиб, яна ўша ерда тўхтар, фикри шу нуқтада чувалашиб, сира олдинга юрмас эди. Мамат чиноқнинг ерга қадалган ёниқ қорачиқлари, олазарак Қултойнинг катта тошдай дўнг калласи кўз ўнгига келади, бўғиқ овозлари қулоғига эшитилади: «Аммамнинг бузоғи... Худонинг ўзи рўпара қилиб турибди. Мен сенин ўрнингда бўлсам, аллақачон... Қасос виждонни тинчитади, сўтак...»

Заргаров сесканиб, рўйхатни нари суриб қўйди. Уша пайтдагидек бадани увушиб, нам тортиб кетди. Бу фамилияларни бир қалам тортиш билан ўчириб ташласа ҳам бўларди-я. Ҳукму ихтиёр ўзида. Бу рўйхатни ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким билмайди ҳам. Лекин...

— Дада, мени кузатиб юрманг, ўзим...— деб қолди Саодат.

•Кўз косаси унниққан Заргаров, юраги орқага тортиб, ўрнидан туриб кетди.

— Кетяпсанми?!— деди қизининг кетишини энди билаётгандек.

Унинг қиёфасида қўрқувми, ҳайратми, аллақандай ғалати ифодани кўрган Саодат таажжубланди.

— Во-ой, кетасан, деб дўқ урган ўзингиз эмасмидингиз?! Ишчилар қайтадиган автобус еттида шу ердан ўтади, аэропортга етиб оламан...

— Ҳа, ҳа, қизим, етиб ол... етиб ол,— деди-ю, қизининг ҳозироқ жўнаб қолишидан қўрққандек бағрига босди. Ҳозир қўйворса, ёлғиз, бутунлай ёлғиз, ожиз, ҳимоясиз қоладигандек, унинг кичкина жуссасини маҳкам

ушлаб турарди.— Яхши ўқи, алақсима...— Бу насиҳатларнинг ўринсизлигини ўзи ҳам биларди, лекин кўнглида тўлганиб ётган муҳим гаплар сира тилига келмади.— Бедарак бўлиб кетма... ойингдан ҳам... хабар олиб тур.

Саодат унинг намтоб юзидан чўлп этип ўпди-да, чамадонини қўлига олди. Заргаров бахт қушини қўлдан чиқарган одамдек, гангиб остонада қолди. Орқасидан чиқса, Саодат аллақачон катта йўлга тушиб олибди. Узоқдан қўл силкиди.

Заргаров қайтиб кириб столига ўтирди. Рўйхатдаги яна ўша фамилиялар лоп этиб кўзига кўринди. Ҳозир имзо чекиб юборса, булар шартли озод қилиниши ҳам мумкин. Умумий баракка кўчирилиши мумкин. Қурилишда бемалол кезиб юрадиган бўлишади...

Бирдан чўккан оғир жимликдан чўчигандек, кўзи билан уйни сузиб чиқди. Ҳувиллаб қолган қоронғи хонада қизининг товушини эшитгиси, шарпасини, ҳеч бўлмаса изини кўргиси келгандек, диққатини йиғди. Йўқ, ҳеч гап йўқ... У яна қоққан қозиқдек ёлғиз.

Бехос ўрnidан туриб, этиги билан дук-дук юра бошлади. Юракни эзадиган жимликка қарши исён эди бу. Қороздаги мана бу лаънати фамилияларни бир қалам тортиш билан ўчириб ташлашга ҳам қурби етади. Изму ихтиёр ўзида. Бу рўйхатни ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким билмайди ҳам...

Лекин ўзи-чи? Виждони-чи? «Ўзимдан хавотир олиб ўчирдим-а», деган хира ўй илашиб юрмайдими кетидан? Бу Маматни-ку қолдириши мумкин. Заргаров унинг олдида ўзини негадир жиндак айбдордек сезади. Гарчанд у ҳам хавфли шахс. Лекин мана буниси — Қултой калла — ғирт газанда...

Хонада, барча баракларда чироқ ёнди, ҳовлида болачақа қувонганича уввос солиб югурди. Уларнинг қийчуви аралаш, узоқдан дизелнинг гуп-гупи эшитилди. Даставвал лампочка оппоқ оқариб жуда равшан ёнади, ҳар сафар шунақа. Заргаровнинг ҳам кўнгли бир оз ёришди. Ҳалиги ўйлар, иккиланишлар бемаъни туюлди. Энди аниқ сездик, бу фамилияларга қалам тегизса, номардлик бўларди. Рўйхатга имзо чекиб юборди.

— Ҳурматли президиум, ҳурматли раис, министр ўртоқлар!— деб бошлади Заргаров сўзини.— Кейинги йилларда «АН» самолётига ўтириб, сахро устида учган

бўлсангиз, кўргандирсиз: ҳар куни совхозлар, комбинатлар, конлар, шаҳарлар, йўллар, каналлар, коммуникация қуриляпти, табиат...

— Уртоқ Заргаров,— деб унинг сўзини бўлди раис,— президиум аъзолари қурилиш раҳбарлигининг доклади ҳам ҳисоб-китоблари билан яхши таниш. Масаланинг моҳиятини айтаверинг.

— Хўп. Хуллас, Қумтовда территориал ишлаб чиқариш комплексининг ҳамма компонентлари мавжуд. Территориал яқинлик туфайли уларнинг манфаатлари ҳар томонлама чапишиб кетган. Бу шунчаки қўшничилик эмас, фанний қилиб айтганда, ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш ва барча ҳаётий проблемаларнинг, борингки, ҳатто экологик муаммоларнинг ҳам зиддиятли бирлигидир. Масаланинг моҳияти шундаки, бу қурилишларни лойиҳалаш ва бошқариш тажрибасида ҳозир катта хато ва етишмовчиликлар тобора кўпроқ ошқор бўляпти. Саҳрони ўзлаштириш шу кетишда бизнинг ҳисобимизча давлатга ўттиз-қирқ процент қимматга тушади. Ҳукуматимиз нақадар бадавлат ва қудратли бўлмасин, сиз билан биз, айниқса, биз ўзлаштирувчилар, бунга йўл қўя олмаймиз, ўртоқлар!

Ўтирганлар бир-бирларига саросимали қараб қўйишди. Министрлар Совети президиуми мажлисида бугун Гасстрой, Госплан вакиллари, кўпгина молня, планлаштириш ва хўжалик ходимлари қатнашмоқда эди. Кўплари «жуда теран кириб кетди-ку, қани, қаёқдан бориб чиқар экан?» дегандек, синчков бир қизиқиш билан қулоқ сола бошлади. Раис ёнида ўтирган Марказком секретари — эски таниши Заргаровни эндигина кўриб ҳавас билан ўрганаётгандек, ҳаяжонли юзига кулимсираб қараб турарди. Фақат доим ҳорғин Ҳайдаровгина бошини кўтармайди: масала унга маълум эди. Заргаровнинг товуши ҳам, афти ҳам, далиллари ҳам таниш, ҳатто сал жонига ҳам теккан... Фақат, мана бу казо-казолар нима дейди бу гапларга? Ҳайдаров шуни аниқлашга уринарди.

Заргаров давом этди:

— Биз бутун бир саҳрони ўзлаштиряпмиз, ўртоқлар. Аммо энг муҳим ишлар, йўл, энергетика, коммуникация, шаҳар қурилиши сингари жуда кўп масалаларни ҳал қилишда ўзлаштириляётган провинция ягона бир бутун территория эканлиги ҳисобга олинмаяпти. Ҳар бир соҳа, ҳар бир тармоқ ўз объектига зўр беради, менинг заво-

дим, менинг қувурим, менинг йўлим, менинг посёлкам... Бу табиий, ҳамманинг ўз плани, муддати ва ўз масъулияти бор. Ҳамма вақт ҳамма жойда шундай бўлиб келган. Аммо Қумтов тажрибаси — биринчи. Биз саҳро шароитида бундай миқёсда иш олиб борган эмасмиз, бу ишда ҳали эътиборли тавсияларга ҳам эга эмасмиз. Ишимизда кераксиз параллеллар жуда кўп, бир ишни икки иш қиламиз, ҳар томонга тортиш, асабийлик. Бир жойда завод қад кўтарса — ёнида албатта посёлка пайдо бўлади, нарироқда кон очилса — яна посёлка ўсиб чиқади. Қарабсизки, коммуникация билан бир-бирига боғланган, ҳеч қандай қулайлиги бўлмаган вақтинча посёлкалар уймалашиб, катта «саноат қишлоқлари» пайдо бўлади. Булар бизга табиий туюлади, чунки муваққат қурилишлар сметада ҳам кўрсатилган. Лекин бир куни бориб оғзимизни очиб, ағрайиб қоламиз: бу аҳвол қандоқ юз берди? Гигант завод бору ҳозирги замон ишчиси яшайдиган жой йўқ — ҳамма жўнаб қолиш пайида. Йўллар вақтинча, бетон узеллари вақтинча, ҳатто вақтинча темир йўллар, саноат базалари ҳам бор. Чунки ҳар ким ўз объектини битириб олгунча! Кейин бари бузилади. Вақтинча йўллардан яйловлар оёқ ости бўлиб кетган. Совхозлар дод соляпти. Қўшни чорва совхозни маҳсулотини шаҳарга ташийди, мен уни ўз посёлкам учун қайтиб олиб келаман. Менга қўшни мрамар конининг икки минг километр нарида заказчилари бор, плани барбод бўлиб ётибди, мен қурилиш материалларини Россиядан ташийман; ёнимдаги комбинатга сув келган, мен сув деб яна дарёга боришим керак, чунки комбинат сувни фақат ўзи учун олиб келган: йўл, канал, электр линиялари ҳам шундай. Бу объектлар ҳар хил тармоқларга қарайди, ўнлаб турли бошқарма ва министрликларга бўйсунувчи жуда кўп субпорядчилар билан ишлаш борган сари мушкуллашмоқда. Бир нарсага тузатиш киритиш учун нечта ташкилот, нечта раҳбар билан баҳслашиш, исботлаш, келишиш керак, умумманфаат йўлида ҳамманинг бошини бир жойга қўшишни ўйламаяпмиз. Бир территорияда бир хўжалик ишини қилаётган тармоқларнинг келишиб олишини мунча мураккаблаштирмасак, ўртоқлар? Савол туғилади: ўзлаштирилаётган саҳрода ягона хўжайин бўлиши маъқул эмасми? Токи у бутун ишларни бош-оёғи билан ўз измига олса! Бу ролни ҳовир ким бажармоқда? Тажриба кўрсатяптики — ҳеч ким.

Ваҳоланки, сўнги йилларда, кўп жойларда комплексларнинг барча тизгинлари ягона бош подрядчи қўлига ўтган. Биз ҳам территориал ишлаб чиқариш комплекси ҳақида кўп гапиримиз. Аммо қурилишларни лойиҳалаш ва бошқариш масаласида комплекс деганимиз қуруқ гап бўлиб қоляпти. Бизнинг фикримизча, янги ўзлаштирилаётган Қумтов провинциясида барча территориал-хўжалик манфаатларини координация қилувчи мустақил, ягона, бақувват ташкилот бўлиши керак. У Комплекс проблемалар бўйича махсус дирекция деб аталадими, Координацион марказ деб аталадими, Территориал бирлашма дейиладими — гап номда эмас. Гап шундаки, у тармоқлараро келишмовчилик, узоқ гиш-гиша, ортиқча дистанция ва қоғозбозлик, маҳаллийчилик ва парокандалик каби тўсиқларни йўлимиздан олиб ташлаб, ишимизга уйғунлик киритиши керак. Бунинг учун территориал комплекс бутун ҳолича давлат планида махсус жой эгаллаши, яъни ҳозиргача турли тармоқларга тарқатиб келинган капитал маблағларни марказлаштирувчи, комплекснинг генерал лойиҳаси учун жавобгар бир органга айланиши зарур.

Мажлис аҳли қимир этмай тинглар эди. Ҳатто Ҳайдаров ҳам бошини кўтарди, салқи юзи жонланиб кетди. У масаланинг бу хилда батафсил ва жиддий қўйинлишини кутмаган эди. Заргаровнинг гаплари, ташаббуси область комитетига унча мақтов бўлиб тушмаса ҳам, айрим иборалари ўзига тегиб-тегиб кетаётган бўлса ҳам, Ҳайдаров җотиққа хавотирли бир қизиқиш билан қулоқ солди. «Нима бало, саҳрода бошқа бир область тузиш ҳақида гап кетяптими?» — деб қўярди гоҳо ўзича. Гоҳо эса Заргаровнинг имодли идрокига ҳавас қилар, масалани обкомдаёқ шу тарзда қўймаганига ўкинар эди. У Заргаров ҳақида узоқ ўйлаб кетди. Бу қанақа одам? Жуда катта ташкилотчими ё авантюрист? Катта гапларни баландпарвоз қилиб гапирадиган амалпараст бўлиб чиқмасин тагин? Кечагина оддий қурувчи эди, бугун министрларни оғзига қаратиб ўтирибди. Обкомда огоҳлантирилгандан кейин ҳам ўчакишгандек қилаётган ўжарликлари, бюронинг бошидан ошиб ҳукуматга маърузанома ёзишлари... Ундай деса, маърузаномасида обком бюроси ҳақида бамаъни фикрларни айтган. Ё бу ҳам йўлимикан?.. Хуллас, Ҳайдаров ана шу муаммони ўзи ечолмади. Шунинг учун у президиумда ўтирганлар-

нинг юз ифодаларига разм соларди. Қараса, ўтирганлардан ҳеч бири зерикмаяпти. Заргаров ўз таклифининг иқтисодий ҳисоб-китобларига киришиб кетди. Оғзидан миллион кириб миллион чиқар эди, ҳали бутун область экономикасида ҳам бундай рақамлар бўлган эмас. Лекин унинг янги территорияларни ўзлаштириш ва капитал маблағларни иқтисод қилишга комплекс ёндашиш давлатга нақадар фойда келтириши ҳақидаги далиллари ишонарли эди. Шу жойда Ҳайдаров ўзини ўйлаб кетди. Ҳаёт қанча янгиликлар, қанча катта миқёслар олиб келяпти. Умр ўтиб бормоқда, Энди буларнинг ҳаммасини билиш, қўзғаш учун куч йўқ. Областда Заргаровдек одамнинг пайдо бўлиши балки катта омаддир... Лекин ўта дадил, ўзига ортиқча ишонч билан гапиряпти-да, шунанча ўзига бино қўйиши баъзида ғашга тегди. Мана ҳозир келажак манзараларига ўтди. Заргаров хаёлидаги янги координацион орган, янги совхозлар, янги яйловлар очишга ёрдам бериши, янги саноат марказларини таъминловчи яшил минтақаларда боғ, сабзавот, резавор хўжаликларни ҳосил қилажаги ҳақида гапира бошлади. Булар — ҳаммаси амалга ошса — асрлардан бери кўпинча пахтачилик билан шуғулланиб келган областнинг қиёфаси бутунлай бошқача бўлиб кетар, унга замонанинг янги оқимларини олиб кирар, одамлар психологиясини, раҳбарлик усулларини ўзгартириб юборар эди. Ҳайдаров буларни ўйлаган сари ўзини кексалик олдида таслим бўлаётгандек ҳис этиб, ҳовур чиққан намчил юзларини силаб қўяди, ўзини тетик тутишга урниб, қаддини ростлайди. Муҳокамага аралашиб вақти етган эди. Ҳамма қизгин-қизгин гапиряпти, энг манфаатдор обком секретари эса индамай ўтирибди. Нима дейиши керак?

Лекин гапиршига тўғри келмади. Раис масалани пишган ҳисоблаб, ундан бир оғиз фикр сўради, холос.

— Менинча, ўртоқ Заргаровнинг таклифлари ҳаётини заруратдан келиб чиқяпти, — деди Ҳайдаров ўрнидан туриб, — агар саҳрода у киши тавсифлаган ягона территориял орган юзага келса, область комитетининг ишига жуда катта ёрдам бўларди.

Раис ҳам муҳокамани шу руҳда якунлади. Президиум Қумтов комплекс қурилиш бирлашмаси ташкил этишни маъқул топди.

Кейинги масалаларга алоқаси бўлмаган одамлар ўринларидан дув кўтарилиб, йўлакдан сиқилишиб чиқи-

шаркан, Заргаров билан ёнма-ён келиб қолган Ҳайдаров унинг қўлини қисди:

- Табриклайман.
- Қўллаганингиз учун раҳмат, ўртоқ Ҳайдаров.
- Бугун кетамизми?
- Мен эртага.
- Менга қачон учрашасиз?
- Ҳафтанинг охирида,— деди Заргаров ўйлаб туриб,— шу фурсат сизга қулай бўлармикан? Албатта кираман.

13

Заргаров ёлғиз қолгиси келди. Меҳмонхонага пиёда кетди. Қиш қуёшида шохлардаги кумуш игначалар дув тўкиларди. Бундай манзара, шаҳар кўчалари унга шитқ. Юраги орзиқди.

Астойдил ўйлаб қараганда, жуда катта масала ҳал қилинди. Энди саҳрода иш мутлақо бошқача бўлиб, юришиб кетиши мумкин. Тезроқ жўнаб кетишга кўнгли талпиниб турса-да, нимадир ушлаб қолди уни, сезардики, ҳозироқ дилидагини кимгадир айтиб, қувончини ўртоқлашиши зарур. Бу — «кимдир» — Зиёда, албатта. Лекин дилига яшириниб, тилига келмай турарди. Ҳайдаровга: «Мен эртага кетаман», деб юборганининг сабабини ўзи ҳам энди тушунди.

Зиёдага телефон қилган эди, қиз боланинг чинқироқ овози келди:

— Опам ҳўлла!..

— Ҳўллар?

— Ҳа. Сочлариям, оёқлариям...

Заргаров пиқ этиб кулиб юборди. Трубкани кафти билан тўсишга улгурмаган экан, бола сўради:

— Нима дедингиз?

— Амаки келар эканлар, деб қўй опангга, хўпми?

— Хў-ўп.

Заргаров кула-кула телефон дафтарчасидан адресни ёзиб олди-да, меҳмонхона майдончасидан такси тутиб Академшаҳарчага жўнади.

Зиёда бешинчи қаватда тураркан. Эшикни ўзи очди:

— Э-э, «амаки» сиз экансиз-да... — деди ҳаяжонини яширишга уриниб. У кийиниб-таранган, астойдил ҳозирланган, чамаси, ким келишини дилдан сезган эди. Зар-

гаров унга биттагиқа чиннигул тутқазди-да, дафъатан келганимга ҳайрон бўлмасин, деб, аввало, дарров бор воқеани, ўзининг қувончини, ташрифининг сабабини гапириб-берди.

— Ундай бўлса, бу ғалаба гули сизга муносиб экан!— деб Зиёда ёниб турган чиннигулни қайтариб узатди. У Заргаровнинг қувончига дилдан шерик, бахтиёр эди. Меҳмон гулни қайтиб олмади-ю, эгилиб қўлини ўпди.

Зиёда уни ичкарига бошлади.

— Ойи, чой қўйиб юборинг,— деди йўл-йўлакай ошхона томонга қараб. У ердан Зиёданинг ўзига жуда ўхшаш, лекин унинг ярмидеккина келадиган нуроний кампир чиқиб меҳмон билан сўрашди.

— Мумкин бўлса, ортиқча ташвиш тортмасангиз,— деди Заргаров алик олгач.

Зиёда ҳали барвақтроқ бўлса ҳам чироқ ёқди. Хилхил шишали қандил шуъласида орастагина меҳмонхонанинг шинамлиги, саришталиги кўзга ташланди. Ҳамма нарса шу катта хонада эди — буфет ҳам, кийим шкафи ҳам, овқат столи-ю, диван-каравот ҳам... Қолган икки хона қоронғи бўлса ҳам, очиқ эшиклардан Заргаров кўз ташлаб улгурди; уларнинг бири — китоб жавонлари билан, иккинчиси — минерал коллекциялари билан тўла эди.

Кампир патнис кўтариб кирди, у билан бирга иккита қизча ҳам пайдо бўлди. Уларнинг эгизаклиги бир қарашданоқ билиниб турарди. Иккаласи ҳам бувиларининг фартугидан ушлаб, унинг соясига яширинганча меҳмон «амаки»га мўралашарди.

— Қани-қани, берироқ келинлар-чи? Буларнинг отинима?

— Гуля!— деди бири.

— Диля!— деди иккинчиси.

Овозларини ҳам ажратиб бўлмасди. Тўрт-беш яшар оппоқ, лўппи қизчалар, малла ранг майин сочларидаги тасмаларигача бир хил. Заргаров улардан кўз ололмай қолди. Ўйлаб қараса, кўп вақтлардан буён бола-бақра билан гаплашмаган экан.

— Дилора билан Гулнора булар. Ҳозир бувилари билан хиёбонда ўйнагани чиқишади,— деди Зиёда. Унинг юз-кўзида қизчаларига меҳр балқиб турарди. Бувилари топшириқни тушунди, дастурхон тузаб бўлгач,

қизчаларни етаклаб хиёбонга чиқиб кетди. Заргаров уларнинг бедана қадам юришларига қараб, хаёли кетиб қолган экан. Зиёда билан ёлғиз ўтирганини эслаб, бирдан юраги ҳовлиққанини сизди.

— Бир тилагингизга эришибсиз, сизни табриклайман, Мардонқул ака,— деди Зиёда чой узатиб.

— Табриклашга вақт эрта, ташвишнинг каттаси энди бошланади. Ўз ишларингиз қалай, кимёни топдингизми?

— Ҳа, кўнглим сезяпти, топаман шекилли...— деди Зиёда ёниқ кўзларини яширишга уриниб. Лабораториядаги «кимё»ни айтдим, бошқа нарсани кўзда тутдим— Заргаров иккиланиб қолди. Шунинг учун ковлаштиришни эп кўрмай, бошқа мавзуга ўтди.

— Зиёда, бир нарсани сўрасам хафа бўлмайсизми?

— Сўранг.

— Гулнора билан Дилоранинг дадаларига нима бўлган?

— Уларнинг дадалари ҳалок бўлган,— соддагина жавоб қилди Зиёда.

— Ҳа...— деди Заргаров ўнғайсизланиб. Лекин гап бошлагандан кейин охиригача сўраши керак эди.— У киши ким бўлганлар?

— Мустафо менинг шофёрим эди. Етти йил бирга ишладик. Тенги йўқ одам эди раҳматлик. Машина ҳалокатида ёшгина хотини билан бир кунда ўлиб кетди...

Заргаров бақувват нягини аста кўтариб, киприклари ни пирпиратганча Зиёдага тикилиб қолди.

— Ажабо...— Унинг бу ҳайрати аслида рўпарасида ўтирган шу олижаноб, меҳрибон, қалби соф аёлга қаратилган бўлса ҳам, буни билдирмаслик учун қўшиб қўйди:— Уларни ҳеч ким сизнинг ўз болаларингиз эмас, деб айтолмайди.

— Аввал бир йилгача жуда қийин бўлди. «Ўзинг эгизак туғсанг осонроқ кўчарди», дерди ойим,— кулди Зиёда.— Энди ўрганиб кетишди, мен ҳам ўзимни уларсиз тасаввур қилолмайман.

— Ажойиб ширин қизалоқчалар...— деди Заргаров. Унга узоқ хотиржам қараб туролмаслигини сезиб, ўридан турди. Зиёда уни зерикди деб ўйлаб, ичкариги хонага таклиф қилди.

— Коллекциямни кўрсатайми?— У қоронғи эшикдан кириб чироқни ёққанда хона чарақлаб товланиб кетди. Девор бўйлаб тизилган ойнабандли шкафларда юзлаб

минерал намуналари тизилган эди. Катта, кичик, қир-
рали, текис, ғудур, тарашланган, синдириб олинган, ях-
лит, зарра-зарра кристалл ҳолидаги — аломат шакл-
даги минераллар, руда бўлаклари. Ҳаммаси ҳар хил
рангда товланар, қия тушган чироқ шуъласида йилтил-
лар эди. Заргаров музейга кириб қолгандек, нафасини
ичига ютиб, оёқ учида яқинлашди. У ҳайратда эди. Ҳар
минералнинг бир четига кичкина қоғоз ёпиштириб, номи,
топилган жойи, йили ёзилган. Мис, кул ранг колчедан,
марганец зарралари, олтин рудаси, қизил барит, молиб-
ден, темирли хромит. Заргаров сеҳрланиб қолгандек,
шкаф бўйлаб аста силжир, гоҳо кўп қиррали кристаллар
олдидан қўзғалолмай қолар эди. Нарироқда қимматбаҳо
тошлар кўзини қамаштирди — рудадан тозаланган кўм-
кўк апатит, ичидан ёниб турган турмалин, ниллий бор-
нит... Бу ерда пемзадан тортиб рангли мрамаргача бор
эди.

— Бутун республикани жамлабсиз...— деди Зарга-
ров.— Шундай тупроқни босиб юрибмизми-я!— деб
эшикка суяниб турган Зиёдага қаради.

— Дадамнинг совғаси,— дея маъюсгина жилмайган-
ча шкафлар олдига келди Зиёда.— Мана буларни ўзим
тўлатаяпман. Бу бурчакдагилари ҳаммаси сунъий: мана
олмос, сапфир, ҳамдамит... Буниси дадамнинг номлари-
га қўйилган. У кишининг отлари Ҳамдам эди. Ўзим син-
тез қилганман.

Заргаров Зиёданинг ҳаётини кўпроқ билган сари
ўзини ундан узоқлашаётгандек ҳис қилиб, баъзан хаво-
тирга тушар, унга, унинг жавоҳирларига муносиб сўз
тополмаганига ўкинар эди.

— Бўш турган жой сунъий олтингами?

Бу саволи ҳам ўринсиз пичингдек, қўпол чиқди. Баъ-
зан ёқимсиз бир ўй миясига чирс этиб урилади, нима
қилиб юрибди бу уйда? Ёши бир жойга борган, ишдан
бошқасини билмайдиган саҳройи... Бу ёш, пок, олижа-
ноб, истеъдодли олима у билан шунчаки, соқолиннинг
ҳурмати учун гаплашаётган бўлса-чи? Заргаров бунга-
гина қаноатланмаслигини энди яхши биларди.

— Зиёда Ҳамдамовна...— деди у қўлини оларкан.

— Вой, мунча расмий?— кулди Зиёда. Қўлини тортиб
олмади.— Қоллекциям ёқдимми?

— Хазина!— деди Заргаров кафтларида салқин но-
дир тошларнинг салмоғини сезиб. Кўзларида ҳам крис-

талларнинг товланиши бордек эди.— Ҳақиқатан ҳам, қимматбаҳо коллекция бўлса керак?

— Менинг ўзимдан кўра қимматроқ...— деб кулди Зиёда. Қўли иссиқ эди. Заргаров уни қўйиб юбормади. Зиёда нима қилишини билмай, нариги хонага бошлади. Заргаров унинг қўлини ушлаган ҳолда эргашди.

— О-о! Буниси ундан ҳам катта хазина-ку!— деди Заргаров шифтгача терилган китобларни кўриб.

— Йўқ, унчалик эмас. Оддий кутубхона.

— Сиз бу ерда хаёл сурасиз...

— Ҳа. Қаёқдан билдингиз?— деди Зиёда очилиб.

— Жимжитлик. Баланд шифт, оёқ остида юмшоқ гилам. Қадимий сахтиён муқоваларда қалин китоблар. Уларни очиб бир бет ўқигандаёқ одам хаёлга толса керак. Мен бундай муҳитни баъзан орзу қиламан...

— Мен, масалан, кеча шу ерда сизни ўйладим,— деди Зиёда ерга қараб.

— Қандоқ? Нима учун?

— Менинг севган қаҳрамоним Амосов...— Зиёда рафга чўзилиб қора коленкорли қалин китобни олди.— У одамларни иккига бўлади: «лидерлар» ҳам «функционерлар». Бу мансаб ҳақида эмас, хулқ-характер ҳақидаги, шахснинг эҳтиёжлари ҳақидаги гап. Биров ўзига тегишли ишни бажариш билан қаноатланади, у бошчилик қилишдан кўра бўйсунуш осон эканлигини билади, унинг эҳтиёжлари, интилишлари ҳаминша реал: «Бажариб турибмиз, кетяпти». Тамом. Бошқа бировлар бор — уларнинг эҳтиёжлари, интилишлари идеалга яқин, уларнинг асаблари доим таранг, улар бахтни қаноатсизликда, беҳаловатликда, интилишда, излашда кўрадилар. Булар... лидерлар.

— Мен болалигимда шунақа эдим,— деб кулди Заргаров.— Ҳамма нарсани ўзим бошлашни, она боши бўлишни яхши кўрардим. Қолаверса, хаёлпараст эдим.

— «Лидер» деган сўз — маънавий, ақлий, жисмоний беҳаловатлик, тигиз ҳаёт, бетиним характерни ифодалайди. Амосов ўзини «лидер»лар қаторига қўшади. Мен Толстойни, Корчагинни, яна кўпларни қўшаман...

— Мен ҳамма раҳбарлар «лидер» бўлади, деб юрардим.

— Йўқ, раҳбарлар орасида қайтага «функционер»лар кўпроқ бўлади.

— Ҳамма ё у ёққа, ё бу ёққа кириши керакми? Мен-

чи, унда мен қайси брига кираман?— деб ҳазиллашди Заргаров.

— Мен кеча худди мана шуни ўйладим-да,— Зиёда пастки лабини қимтиб, болаларча ишонч билан жиддий гапирди. Заргаров эса бунда болаликдан бўлак нарсани кўрмас эди. Зиёда оёқ учиди чўзилиб китобни жойига қўяётганида у яна яқинроқ келиб, ёрдам бериш баҳонаси билан аввал тирсагидан тутди, кейин муштчаларини кафтига олди.— Ўйлаб нима қарорга келдингиз?

Зиёда индамади. У бундай яқинликдан ҳаяжонда эди.

— Сиз... «лидер»лардансиз,— деди Зиёда секин.

— Билмадим. Зиёда, ким бўлсам ҳам... менинг ҳақимда ўйлаганингиз... шу менга етади.— Заргаров яна ҳам яқинроқ келиб, билагидан тутди, юзида хушбўй соч толаларини сизди.— Хаёлпарастлигим қолмаганга ўхшайди, мен ҳам кейинги вақтда кўпинча сизнинг тўғригизда ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Юзи қизнинг ёноғига текканда, ҳарорати бутун вужудига ўтиб кетди.

— Энди саҳрода адашмаяпсизми?..— шу туршида қимирламай сўради Зиёда.

— Бошқатдан айтиб беринг соатни. Ўшанда хаёлим... бошқа ёққа оғиб, тушунмаганман.

— Шайтон... ҳозир ҳам тушунадиган эмассиз...

— Сиз-чи?

— Мен ҳам...

Бу гап бўсага рухсатдек бўлиб эшитилди. Икковларининг ҳам юзлари лов-лов ёнар эди. Вужудларни денгиз тўлқини қучгандек бўлди. Лаблари бир-бирини излаб топиб, энди яқинлашганда Зиёда ўзини четга тортди.

— Мардонқул ака...— дея шивирлади титраб.— Мен... сизнинг ҳукмингиздаман. Ҳар нарсани қилсангиз қила оласиз, сизга кучим етмайди... Ҳозир мени фақат сиз қутқаришингиз мумкин. Агар бу аҳволимни сунистеъмом қилсангиз... кейин бир-биримизнинг кўзларимизга қандай қараймиз?..

Заргаров унинг кўзларида ёш филтиллаганини кўрди. Ўзининг юраги дук-дук ураётганини сизди. У бахтиёр эди. Тиз чўкиб Зиёданинг бўшашган қўлларини ўпди, нозик бармоқларини юзига тутди. Кейин ўридан турди-да, хонага сизмай қолаётгандек, шошиб чиқиб кетди.

Зиёда қўрқиб, орқасидан югурди-ю, эшикда тўхтаб

қолди. Ёниб турган пешанасини эшикнинг кесакисига босиб, шивирлади: «Нима қилдим? Нима қилиб қўйдим! Наҳот тушунмаган бўлса! Ўз бахтимни ўзим ўтга ташла-мадиммикан? Англамаган бўлса, уни сира кечирмай-ман...».

У тўйиб-тўйиб йиғлади. Йиғининг бу қадар ширин ором бағишлашини энди кўриши эди.

Қурилишдаги оддий кунлардан бири эди.

Дарвоқе, сиртдан қараганда, ҳамма кунлар ҳам одатдагидек бўлиб туюлади. Министрлар Советининг президиумида саҳро тақдирига оид катта масала ҳал қилинган кун ҳам оддийгина эди. Лекин Заргаров ҳаётида бу шиддатли туғён бўлди. Ҳар ишга одам ўзи манфаатдор бўлиб яқиндан аралашса, оддий объектдаги оддий кун ҳам ғалати ҳаяжонлари-ла дилга ўрнашиб қоларкан.

Эрталаб Заргаров қўл остидаги юзлаб объектлардан бирига кириб борди. Олти қаватли корпус қурилишида Сандро Мкртчян монтаж ишларини бошқараётган эди. Заргаров иш билан бўлиб, кўпдан бери дўстидан хабар ололмади. Унинг ишлари ҳақида орқаворатдан эшитиб юрибди. Ўтган ҳафта унинг иккитадан ҳалқани биратўла кўтариб, башняни ҳеч қандай машқсиз монтаж қилганини айтишган эди. Мана ҳозир келиши биланоқ шунини суриштирди: инженер чиндан ҳам ҳалқаларни жойига тушириш учун эговлаб-созлаб, такрор машқ қилиб ўтирмадан, уларнинг қишки совуқда торайганидан фойдаланиб, бир кўтаришдаёқ монтаж қилибди. Бу қалтис ишни ёқтирмагандек хўмрайиброқ турган бошлиқ танбеҳ бермоқчи эди, Сандро илжайиб, ҳамма гапни «болалар»га тўнкади:

— Вах-ва-ах!.. Ўша кунини бу болаларни кўрмабсан!— деди у завқланиб.— Мен улар билан худди атакага боргандай бўлдим-да!

Бошлиқ индамай қолди.

Бугун Заргаровга шу «болалар»нинг яна бир оддий иш кунини кўришига тўғри келди.

Улар будкада тузукроқ гаплашиб ҳам улгурмаган эдиларки, телефон қаттиқ жиринглаб қолди. Бу телефон тўппа-тўғри минорали кран кабинасига уланган эди. Машиностнинг овози мембранада хирқираб, ваҳимали эшитилди. Мкртчян трубкани тарақлатиб қўйиб, югурганча эшикка отилди. Ағдарилган хурсини жойига қў-

йиб, Заргаров ҳам шошиб ташқарига чиқди: нима гап? Олти қаватли бинонинг каркаси металлдан ясалган схемадек, гўё тошдан либос кийгизишларини кутиб турар, совуқ қўқ осмонни парча-парча қилиб тилкалаб кўрсатар эди. Мкртчян шапкасини қўлига олиб, бошини орқага ташлаб, баланд қаватларга қаради-ю, оёғини керганча жойида туриб қолди. Каркас стунлардан ва балкалардан иборат эди. Стунлар ҳар икки қаватга бирдан «звено усули»да кўтарилаётган экан. Тўртинчи ҳам олтинчи қават орасида саккиз метрча узунликдаги оғир колонна краннинг илмоғидан чиқиб кетиб, ригаль устида тикка, муаллақ туриб қолибди. Бинонинг қоқ ўртасидаги пештоқ томонда. Одатда бундай колонналар икки учидан болт билан мустақкамланиб, конструкция бурчаклари ўлчангандан кейин пайванд қилинади. Кранчи машинист стунни олиб келганда тўсинни миниб олган икки монтажчи болтни бурай олмабди, чунки тешиклар мос келмаганмиш. Улар кранчига им қилишибди, кранчи эса юкни юқорироқ кўтариш ўрнига сал пастлатибди, илмоқ чиқиб кетибди. Монтажчилар ўзларини четга отишибди, балкалардан эмаклаб бориб бурчакка пусишибди.

Заргаров чиққанда колонна одамларга ҳам бутун бинога ваҳима солиб омонат ригаль устида тикка турарди. Агар ҳозир жиндак шабада эсса борми... Хайриятки, ҳаво сокин. Пастки қаватларда ишчилар бетон қуйишяпти, ёшлар опалубка чизмаларини ўрганишяпти, ҳар бир қаватда ўнлаб пайвандчи, ҳаммаси ҳам бир зумда тамом мажақланиб кетиш хавфидан беҳабар, шовқин-сурон солиб ишлашар эди. Олтинчи қават тепасида кабинадан бошини чиқарган машинист Геннадийнинг юзи докадек оқариб кетган, пастга аланглаб, нима қилишини билмай, буйруқ кутади. Мкртчян бўлса, оёғини тираб, қотганича турибди. Заргаров даҳшатга тушди. Нега индамайди? Нимага турибди қоққан қозиқдек?! Колонна жиндак қилт этса, қаватларнинг арматураларини янчиб пастга тушгунча катта фожиага сабаб бўлиши турган гап-ку!

Заргаровни совуқ тер босиб кетди. Мкртчяннинг тупроқ рангидай туссиз юзига қаради. Дарров тревога эълон қилиб, одамларни қутқазиб наҳотки ақлига келмаса? Энг хатарли жойда ўзи нимага қаққайиб турибди? Ё даҳшатдан мияси фалажга учрагандек ишламай қол-

дими? Авария сигнал системаси қаердалигини Заргаров билмасди, бақирай деса эшитилмайди — ёнгинасида, аксига олгандек, компрессор вағиллаб турибди, югурай деса — қаер хавфсиз — аниқлаш қийин, бошлиққа шу топда ҳамма жой хатарли эди... Сандрони айблай деса ўзи ҳам шу аҳволда. Наҳотки фожиа муқаррар бўлса?

Шу тариқа қанча вақт ўтганини билмайди, бир маҳал қараса — ҳалиги қочиб кетган монтажчилар ўрнида Саттор пайдо бўлди. У Геннадийга нималарнидир имо қилипти. Бола бўлса ҳам такелажчи эмасми, тепада бақрайиб турган машинист унинг имоси билан илмоқни яқинлаштирди. У ҳали Сатторнинг нима қилмоқчи эканини билмасди, лекин шу ваҳимали дақиқада кўзини лўқ қилиб туравермасдан, нима бўлса ҳам, қимирлаган маъқул, деб ўйлади шекилли. Саттор илмоқдаги блокка бир сакраб ўтди-да, ҳалиги лаънати устун томонга ишора қилди. Ўзи блокка миниб олган, пастдаги даҳшатли темир ўргимчак уясига қарашдан қўрқиб, юрагини ҳовучлаганича ҳаволаб борар эди. Геннадий уни даҳшат солиб турган устун ёнига олиб бориб тўхтатди. Саттор бўлса бирпасдан кейин юқорига кўтаришни талаб қилди, «Вира!» «Вира!» деб қичқира бошлади. Машинистнинг сочи тикка бўлиб кетди: қандай қилиб кўтаради, Саттор блокда ўтирган бўлса! Ҳамма трослар пастга, юқорига қараб ғизиллаб юра бошлайди, биронтасини билмай ушлаб қўйса — тамом, чирмашиб чигриққа кириб кетади! Нима қилиш керак? Пастдагилар биронтаси индамайди, Мкртчян ҳам майдонда чақмоқ уриб кетган дарахтдек қорайиб турибди. Саттор бўлса бўйин томири ўйноқлаб, нуқул, «Вира!», «Вира!» деб бақиради. Геннадий мундоқ разм солса, Саттор тушмагур ўртадаги тросни ушлаб турибди. Боланинг эси жойида — топибди. Геннадий машинист бўлса ҳам ўртада бирдан-бир қимирламайдиган трос борлигини ўйламаган экан. Энди у такелажчининг нима қилмоқчи бўлганини фаҳмлаган эди, унинг буйруқларини эҳтиёт ва пухталиқ билан бажара бошлади. Бир ишқал чиқмаса, хато ўтмаса ёки шамол юриб қолмаса бўлгани. Саттор эгилиб олиб урина-урича бадбахт устун ҳалқасига илмоқни илди. Геннадий юкни сал кўтарди. Колонна салмоқ билан силкинди-ю, қотди: даҳшат жиловланган эди.

Заргаров юзини рўмолча, билан сидириб артди. Кўзи Сатторда эди. Бола қурмагур ўзи бўйсундирган, энди

хавфсиз ўша устунга маймундек тирмашиб пастки қаватга тушди-да торгина ригаль устидан худди тротуарда юргандек керилиб зина томонга ўтиб кетди.

Мкртчян билан Заргаров яна бригадир будкасига кириб анчагача бир-бирларига сўз қотолмай нафас ростлашди. Мкртчян йиртиқ газета ёзилган шалақ столига мукка тушиб ўтирар, Заргаров бўлса каттаққа қамалгандек у ёқ-бу ёққа юрар эди.

— Сочимнинг ҳар бир тукигача оқариб кетди, назаримда...— деди у ҳамон юз-кўзини артиб. Пешонаси ёқимсиз ҳовурдан аримасди.— Такелажчи болага мукофот тайинлаш керак. Оти нима эди — Сатторми? Газетага хабар беринглар! Онасига хат ёзиш керак!

— Бекор айтибсан! Мен ҳали унинг онасини кўрсатиб қўяман!— деди Мкртчян.

— Нима деясан ўзинг?— ҳайрон бўлиб унинг рўпарасида тўхтади Заргаров.— Саросимага тушмай, ўзини йўқотмай, дархол тадбирини топган бирдан-бир одам ўша бўлдию ораларингда! У бўлмаганда! У билмадим, ҳали нима фалокат юз берарди-ю, сен билан менинг аҳволим нима кечарди?

— Гап шунда-да, у бўлмаганда ҳеч нарса юз бермасди,— деди Мкртчян энди сал ўзига келиб.— Менга қара, сен уни «саросимага тушмаган бирдан-бир» нажоткорга чиқаряпсан, бошқалар-чи? Мен-чи, масалан? Ўзингни йўқотиб қўйдинг демоқчимисан? Қаёқдан олдинг бу гапни?

Заргаров қуюқ қошларини чмириб қаради. Дўсти мақтанчоқ эмасди-ку, нима бўлди бунга?

— Қамтарлигиндан ўргилай! Бола юзлаб одамни ҳалокатдан қутқазаётганда, шол бўлиб қолгандай, бир жойда қотиб турган ким эди? Уят эмасми довярак бир ўспиринга бундай ғайирлик қилиш? Сенга нима бўлди?

— Довюракликни ҳозир тушунтириб қўяман мен сенга,— Мкртчян графинни кўтариб сув ичди-да, қолганини бшидан қўйди. Сув томчилари йилтиллаб турган юзига энди сал ранг кирган эди.— Машинист телефон қилганда отилиб чиққанганими кўрдинг-а? Қарасам — колонна муаллақ турибди. Қовурғаси билан ташқарига қаратиб қўйилган. Монтажчилар уни тескари қўйишган, бу азаматинг бўлса уни шундайлигича илиб бераверган, шунинг учун тешиклари мос тушмаган. Фаҳмладингми? Шу туришда устун фақат орқа томонга, яъни бинонинг ич-

карисига ёки, аксинча, пештоқ томонидаги мен турган майдонга ағдарилиши мумкин эди. Ичкарига қуласа унунча хавфли эмас, у ерда уч қатор блок, шундоққина ёнбошлаб, қўя қолиши мумкин эди. Биронтасини қарсиллатиб синдириши, қаттиқ сурон кўтариши бор, лекин пастгача ўпириб тушолмас эди. Энди, ташқарига, мен турган томонга ағанаса-чи! Фалокат мана шу томонда эди. Шунинг учун мен ўша ерда туришим керак эди. Бекорга серрайиб турганим йўқ, ахборотинг учун. Мен ҳисобладим: қирқ метр баландликдан колоннанинг тушинини мен камида уч секунд олдин пайқайман. Бу вақт ичида ўзим ҳам қочиб қутулишим, бошқаларни ҳам огоҳлантиришим мумкин эди.

— Уч секундда?

— Ҳа, уч секундда. Ҳарбийда уч секунд ичида танк люкидан чиқиб сафга тизилардик. Сен пиёдалар пайтавани ҳам беш минут ўрайсан,— деб кулди Мкртчян. Жангдан енгиб чиққандай, юраги ҳали ҳам ҳовлиқиб турар эди.— Энди бу ёғини эшит: жойимдан қимирласам, майдонга одам кириб келиши мумкин. Кўзим устунда-ю, бутун умидим монтажчиларда. Наҳотки ҳозир нима қилиш кераклигини билишмаса, хумпарлар! Йўқ, анграйганча туришибди. Аксига олиб, ёнимда компрессор гувиллайди. Телефонга югурай десам, бу ўлим майдонини бир зумга ҳам ташлаб кетиш мумкин эмас.

— Тревога эълон қилиб, одамларни хавфли жойдан олиб қочсанг бўлмасмиди?

— Ҳайриятки, бу номаъқул фикр биронтанинг ёдига келмади. Ҳаммадан ҳам сенинг аралашувингдан қўрқиб турган эдим, чунки ўша дақиқада нима қилишни фақат мен билардим. Мен фалокатнинг хавфини ҳам, сабабини ҳам бир қарашда пайқаганман. Тревога эълон қилиш бемаънилик бўларди. Чунки саросимада юзлаб одам ўзини катта эшикка, худди устун қулайдиган майдонга урарди. Умуман, саросиманинг ўзи устун қулашидан ҳам каттароқ фалокатга олиб келиши мумкин...

Худди ана шунда сени Саттор қутқазди.

— Ҳа, қарасам, бешинчи қаватнинг зинасидан пилдираб чиқиб кетяпти зумраша. Нима қилиб бўлса ҳам ўзини оқли моқчи-да, у ҳам анойи эмас. Нима қилмоқчи эканини тушундим. Краннинг ўқидан ўрмалаб бориб колоннани илмоққа илади, деб ўйладим. Сал енгил тортдим. Қарасам, бу шайтон блокка миниб олди, арғимчоқ

учгиси келганми бебошнинг, дейман. Яна асабларим тарафга бўлиб кетди. Майдонга одам яқинлашса, ўшқириб турибман... У ёғни нима бўлганини ўзинг кўрдинг.

— Ҳа...— деди Заргаров енгил хўрсиниб. Унинг юзи ёришиб кетган эди. Дўстининг кўзларига қаради.— Мен сени, жуда осойишта одам, деб ўйлардим. Ҳали ҳам билмас эканман.

— Мен чиндан ҳам боқи беғамман.

— Ҳозиргина ичингда бўлиб ўтган ғалаён... Умуман, кўп нарса сиртдан осойишта бўлиб кўринади. Мана сенин объектнинг ҳам. Бутун саҳро ҳам. Ҳар кун — одатдаги иш куни...

— Ҳа, одатдаги... агар фақат томошабин бўлсанг. Лекин агар ичига кириб борсанг —ларза! Ларза! Ларза!

— Ҳар ҳолда, Сатторни хафа қилма, Сандро,— деди Заргаров ўйларини яқунлаёлмай. Дўстининг қўлини сиқиб ташқарига чиқди.

Ташқарида, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, иш давом этар, пайвандчиларнинг чақмоқлари йилтиллаш, компрессор ўша-ўша гувиллаган, арматура каркаслари билан тилинган осмонда кран найзалари силжири эди.

Заргаров нарироқда ҳалиги кран машинисти Геннадийни кўрди. Унинг ёнида тўр жалтада кефир кўтарган Гита боласи билан турарди. Заргаров бу Геннадийни биринчи кўрганда ҳезимкашроққина бир олифта экан, деб ўйлаган эди. Йўқ, бугун вазиятни тепадан кўриб ранги қув ўчган бўлса ҳам, саросимага тушмай, яхши синовдан ўтди. Хотини ҳам дуркунгина, эрининг бўасабий синовдан кейинги ҳорғин юзидан кўзини олмай турибди. Яхши оила. Орада ўша лаънати ёлғон ҳам бўлмаса эди...

Заргаров улар билан бориб кўришди. Геннадий, бошлиқ ҳозирги воқеадан гап очади, деган хавотирда жавобга ҳозирланиб турган экан шекилли, Заргаров шунчаки:

— Аҳволлар қалай?— деб, боланинг майин малла сочларини бармоқларига ўраб ўйнади.

— Яхши, Мардонқул Заргарович!— деди Гита.

Заргаров унинг юзидан уқди: «Яхшиликка олиб келмайди, деган эдингиз. Мана, худога шукр!»

— Ҳой, Эрик, салом бермайсанми амакига?— деди кейин. «Одамлар ҳақида ёмон ўйламасангиз бўлгани», деган писандани уқди у Заргаровнинг юзидан.

— Катта бўлиб қолибди-ку саҳронинг хўжайини!— деди Заргаров Эрикни яна эркалаб.

— Яна меҳмон кутяпмиз...— деди бу оддий суҳбатдан эриб кетган Геннадий. Гита уялган бўлди. Заргаровнинг гавдаси юмалоқроқ тортиб яна ҳам очилиб кетганини энди пайқаб, кулиб қўйди:

— Маъқул, маъқул. Баҳорга чиқиб квартирлик ҳам бўласизлар.

— Раҳмат.

Заргаров корпус қурилишидан узоқлашиши билан энгил қор аралаш қумни супуриб гирдибод айланди. Бундай совуқ қуюн фақат саҳродагина бўлиши мумкин. Заргаров карьерга рельс ётқизаётган темирйўлчилар олдига бориши керак. У ерда бугун «Кумуш қозиқ» маросими. Йўл икки тарафдан қуриб келинаётган эди. Трассада икки томон учрашганда, қурувчилар одатига биноан, сўнги шпал кумуш қозиқ билан мустаҳкамланади. Бу ўзига хос тантана нима биландир ёдда қолиши керак. Шунинг учун бу шарафли қозиқни қоқиб бериш учун қурилиш бошлиғини таклиф қилишган. Заргаров шарфи билан юз-кўзини ўраб, узун гавдасини бир оз эгиб, шамолга қарши тикка юраркан, совуқ ҳаводан ором топиб ўйлар эди: «Ҳайма нарса чигал. Мураккаб. Лекин яхши...»

14

Шоаҳмад Аббосовнинг ишлари юришмай қолди. Илгари обрўси билан, номини аташ билан битиб кетадиган ишлар ҳозир мажлисга қўйилса ҳам, ҳатто унда ўзи иштирок этса ҳам, қайтага баттар чигаллашяпти. Баҳсларнинг кўпайгани-чи! Раис ўзи ўтирибди, демай, бири у ёққа тортади, бири бу ёққа. Ўз қўлида ишлайдиган одамларнинг ўзларини бундай мустақил сезишлари галати эди. Муаммосиз яшашга ўрганган одам гоҳо ҳатто асабийлашадиган ҳам бўлиб қолди.

Бир ишни қўлига олди дегунча, иккинчиси чокидан кетади. Аввал ўзини ортиқча ташвишдан эҳтиёт қилиб, фурсат ўтишини кутмоқчи ҳам бўлди. Чунки фурсат ўтиши кўп нарсага малҳам эканини умрида кўп марта синая кўрган. Вақт деган нарса доимо хотиржам одамнинг, асабини эҳтиёт қиладиган одамнинг фойдасига ишлайди, деб биларди у. Лекин ҳозирги замонда хотиржам бўлиб қолишнинг ўзи учун ҳам қимирлаш, безовта бўлиш керак экан шекилли-да...

У Ҳайдаровнинг кабинетига биринчи марта табассумсиз кириб келди.

— Бу Қумтовда Совет ҳокимияти борми, йўқми, Маҳмуд Ҳайдарович?— деди у кира солиб.

Ҳайдаров саломлашиб, креслодан жой кўрсатди:

— Буни сиздан сўраш керак — борми, йўқми? Ҳокимият — сиз.

— Йўқ, бу гал буни сиздан сўрамоқчиман. Биз бюрода қабул қилган ўз қароримизга ўзимиз амал қилмаяпмиз. Юзимизга оёқ қўйиб марказга арз билан борганида, унинг ҳовлиқишлари ҳақида бюронинг фикрини айтмай, қўллаб-қўлтиқлаб, бошимизга чиқариб келдингиз. Мана энди саҳро область ташкилотларининг таъсиридан чиқиб кетяпти. Нима гап бўлса — «Заргаровдан сўраш керак», «Заргаров айтди», «Заргаров нима дер экан?», Сиз билан биз гўё оламда йўқмиз. Биронтаси айтса-чи, «Маҳмуд Ҳайдарович нима дер экан?» деб!

Аббосов бу хилдаги гапларни авваллари ҳам гапирган. Лекин бу сафар у анча асабий эди. Ажабо, шундай оғир карвон, тепса тебранмас одамни ҳам мувозанатдан чиқарган бўлса, Заргаровда ҳақиқатан ҳам кўп гап борга ўхшайди. Бу одамнинг тутаққанича ҳам бор-да ўзи. Заргаровлар бор жойда Аббосовлар кун кўра олмайди.

— Жойингизни олиб қўйяпти, деб мени қўрқитгани келдингизми, нима бало?..— деди Ҳайдаров кулимсираб.

— Қўрқитишим нимаси? Ўзингиз кўриб турибсиз — областнинг ярмини қўлимиздан юлиб олгандай, иккинчи обком бўлиб ўтирибди-ку!

— Эви билан, эви билан, Шоаҳмад Аббосович. Гапингиз ифвога ўхшаб кетяпти. Заргаров қурилиш бошлиғи. Фақат у сиз билан биздан кўра ташаббускорроқ.

— Анави янги ташкилот-чи? Саҳрони Комплекс ўзлаштириш бирлашмаси?

— Биз Заргаров ҳақида гаплашяпмиз,— савол назари билан қаради Ҳайдаров.

— Содда экансиз!— дея Аббосов тескари қараб олди.— Бу ташкилот Заргаров учун бир босқич.

— Унга Заргаров бошлиқ бўлади, деб ким айтди?

— Ана холос!— деди самимий ҳайрат билан Аббосов.— У бекорга уриниб юрибдими ярим йилдан бери? Ҳозирги замонда мансабпарастлар ўзига жой сўрамайди, уни ўзи зимдан тайёрлаб олади.

Бу фикр Ҳайдаровнинг хаёлига келмаган экан. У негадир бирлашмага албатта марказдан одам юборишади, деб ўйларди. Бу Аббосовдан яхши фикр чиқиб қолди-ку,

ҳақиқатан ҳам бу ўринга Заргаровдан зўр номзод йўқ!

Аббосов давом этарди:

— Ҳозирданоқ қанча одамларни ўзига оғдириб олди. Бунинг хаёлпарастликларига тиш-тирноғи билан қарши бўлиб юрган туппа-тузук ишлаб чиқариш командири Сангиновнинг айниганини айтмайсизми! Заргаровнинг бир оғиз гапи билан ГФРдаги буюртмаларини ўзгартириб, ишни ағдар-тўнтар қилиб юрибди. Анави Жалпақовани-ку, қўяверасиз. У ҳам ўзича малиқа бўлмоқчи. Айтгандай...— Аббосов овозини пасайтирди,— айтгандай, тасодифан телефонда гапларини эшитиб қолдим. Жуда бошқача...— юзида таниш табассум пайдо бўлиб, кўзининг оқи бир ёққа оғиб кетди,— маликам, дейди. «Бенилюкс маликаси». Бу нима дегани экан — билмадим. Қандайдир шаҳар зонасидаги совхозлар трести, чорвачилар шаҳарчаси, плёнкали кўчатхонаю актив вентиляцияли омборлар ҳақида гаплашишди. Кўрдингизми, бу гаплардан сизу бизнинг хабаримиз йўқ. У ерлар аллақачон ўзига алоҳида давлат бўлган, деса м шонмайсиз...

— Сиз уларнинг суҳбатини қаёқдан эшитдингиз?

— Эшитдим-да. Сиз бу ёғига қулоқ солинг, Маҳмуд Ҳайдарович. «Маликам, сиз севишингиз керак, севги ажойиб нарса, кеч қолманг», деса, униси ноз қилиб, «Сизни севсам ҳам майлими?» дейди...

Ҳайдаров ўнғайсизланиб, ўрнидан турди:

— Сиз бировларнинг аллақаёқдаги хусусий гапларини бу ерга кўтариб келманг, Аббосов. Кейин, кимларнингдир бундай хуфия суҳбатига қулоқ солиш ҳам...

— Агар... менга иғво қилишмаса икки дунёда ҳам қулоқ солмасдим бу бачкана гапларга, ўртоқ Ҳайдаров. Энди бунга ҳам сизга айтишга тўғри келиб қолди. Зинҳор арз деб ўйламанг. Шунчаки факт. Бир вақт трубкани олсам, иккаласи чақчақлашяпти. Буларнинг гапи қандай қилиб менинг телефонимга уланиб қолган — билмадим. Ўз отимни эшитмасам трубкани шу зумдаёқ тарақ этиб қўйиб қўярдим, ўлай агар. Мунақа ҳодиса кўп бўлади. Хўш... Аввал сафсатадан бошлашди. Бир-бирига хушомад, карашма, хуллас, ғирт ҳалигиндай гап. «Сиз романтиксиз», деса, буниси: «Ҳамма ҳам жиндак романтик бўлади», дейди камтарлигини пеш қилиб. «Сиз нима учун ўзингизни бахтли ҳисоблайсиз?» деса, униси ўнинчи синфда ўқийдиган қизчадай қилиқ билан: «Мен ҳамма нарсани яхши кўраман. Ҳаётни, одамларни. Биз

баъзан одамларга меҳру ҳавас билан қарай билмаймиз. Менга қолса, ҳатто Аббосов ҳам яхши. Битта табассумининг ўзини айтмайсизми!» дейди. Иккаласи роса калака қилиб кулишди. Мен тишимни тишимга қўйиб чидаб турдим. Фақат сизга айтяпман, Маҳмуд Ҳайдарович. Маҳрам гап, дейсиз. Ифво бу!

— Гапни мана шундан бошламайсизми,— дея Ҳайдаров четга қараб кулимсиради.— Бир-бирингизни кўрарга кўзингиз йўқ, биламан. Мен сизларни яраштиролмайман, яраштироқчи ҳам эмасман. Сиз бўлсангиз обком дейсиз, мени қалқон қилмоқчи бўласиз...

Ҳайдаровнинг иккинчи марта ўрнидан туриб кетиши тушунарли эди, суҳбат тамом, дегани, бундай пайтда чиқиб кетишни ўйлаш керак.

— Мен сизга тушунтиролмадим,— деди Аббосов кетишга отланиб.— Лекин, мени айтди дерсиз, куйсангиз шу одамдан куясиз. Кейин пушаймон қилиб юрманг. Мен сизга буни олдинроқ исбот қилишга уринаман.

Аббосов чиқиб кетди. Ҳайдаров уни биринчи марта бундай безовталиқда кўриши эди. Юмалоқ юзида доим барқ уриб турадиган қизиллик ҳам йўқ. Илгарилари у кетгандан кейин хонада сезилар-сезилмас атир ҳиди, кўнгулда бўлса мамнунлик ва хотиржамлик асарини қоллар эди. Ҳозир эса йўқ. Ҳозир ҳамма нарса ўзгаряпти...

Заргаров яхши ишлаган маҳбуслардан бир неча гуруҳини аста-секин энгил режимга кўчиришга эришди. Бунга у кўп вақтнинг сафарлар, баъзилари билан шахсан шуғулланар, қочганлар ўзи қайтиб келса олар, тутиб келтирилса қабул қилмас эди: «Кўриб турибсан, биродар, бу — сендақаларнинг жойи эмас».

Ички ишлар министрлигидаги таниши, подполковник баъзан уни эҳтиёт бўлишга чақирар, ошиқмай иш кўришга маслаҳат берар эди.

— Кўп аралашяпсан, начальник...

— Иван Иванович, азизим, уларга фақат маҳбус деб қараш сенинг вазифанг албатта, лекин бу менинг гашимга тегяпти,— дерди у ошнасига.— Мен коллектив барпо қилияпман, тушуняпсанми? Улар менинг учун қурувчи, пайвандчи, машинист, гиштчи, сувоқчи...

— Уларнинг зиммасида муддати бор, унутма.

— Бу — одам бўлиш муддати. Унутмайман, хотиржам бўл,— деб аста трубкани қўйиб қўярди Заргаров.

Лекин ўзи хотиржам бўла олмасди. Бу ҳар хил тақдирли одамлар чиннакам меҳнаткаш қурувчилар билан аралашиб кетган ётоқхоналарда нималар бўляпти экан? Аввал кўплар порози кўринди, бировлар бу «тенглик»дан ор қилди, чиқишмаслик, дунёқарашлар ҳақида даҳанаки жанг, ҳатто очикдан-очик душманликлар ҳам бўлди. Заргаров, «меҳнат ҳаммасини тенглаштиради, яхшилар кўп, уларнинг таъсири барибир устун чиқади», деган ишончда эди.

Лекин у истаган ўзгарини тезда юз бера қолмади. Айниқса Қултой, Мамат сингарилар, илгаригидек тупшатузук ишлашса ҳам, кўпчиликка эл бўлолмай, чет-четда юришар, қош-қовоқлари, важоҳатлари ўша-ўша эди. Улар енгил режимдан хурсанд бўлишмади, буни алдаб ишлатиш, деб қарашар эди, чамаси. Заргаровнинг мана шулардан кўнгли тинч эмас. Мамат билан ҳали ҳам очикчасига гаплаша олгани йўқ, ундан доим хавотирда.

Заргаров шулар билан бир мавриддини топиб гаплашиш ёки ўз-ўзининг безовта кўнглига далда бериш учун тоҳо улар турган ётоққа кириб боради. Бугун ҳам кечга яқин, шартли озод қилинган уч йигитни жойлаштириш баҳонаси билан ўша «Гранд отель»га ўзи кириб келди. Ётоқ энди жуда бошқача бўлиб кетган эди. Йўл-йўл гул қоғоз ёпиштирилган тувакларда ўсган чирмовуқ шифтгача ўрмалаган, қўли гул усталар стол-стул ясаб ташлашган, кенг ёруғ деразалар, тўрда телевизор экранни зангори нур сочиб турибди. Вайнштейн ўшанда ташландиқ кран минорасини сўраб олгандан кейин, шериклари билан йигирма кунгача сменадан кейин қолиб ишлаб, релейли эшиттиришларни йўлга қўйиб олган эди. Ҳозир «Эйнштейн»нинг обрўси яна ҳам ошиб кетди, унинг «ҳаваскорлик» минорасидан ўн километр атрофдаги ҳамма ётоқхоналар фойдаланади.

Ётоқда одам кўп, ёшлик руҳи, шовқин, ғала-ғовур ҳукмрон эди. Бу ерда порозиликни ҳам фақат шўхлик билан билдиришади.

— Бир умр денгиз ёқасида яшаган одамман, сув чангисида рекорд қўйган эдим мен шўрлик, — дерди ўз бўлмасининг эшиги тагида кимнингдир магнитофонини тузатаётган Геннадий. — Мана энди, шу Гитани деб, биёбонда юрибман.

— Гитанг ҳам денгиздеккина ўзи. Бир шўнғисанг... —

магнитофоннинг эгаси, ёшгина йигитча, гапани тугатолмади, Геннадий унинг паҳмоқ калласига мушт туширди.

— Сочларининг тўлқинини айтаман-да...— деди бола паст тушиб.

— Мана, умумий ётоқ,— деди Заргаров янги олиб келган йигитларини таништириб,— «бош устида ягона осмон, ўша-ўша порлоқ юлдузлар», деган экан шоир. Коллектив дегани мана шу бўлади.

Ётоқ шовқинга тўлди, уларни ҳар ёқдан ўраб олишди.

— Яна қанақа дарди бедаволарни бошлаб келдингиз, Мардонқул ака?— деб сўради Саттор.

Заргаров янги келганларни унча танимасди. Лекин буни айтишга бўйни ёр бермади-да, ҳар бирининг афти башарасига, қўлига қараб тахминлай бошлади:

— Мана бу йигит — шофёр. Бензиндан тирноқлари қорайиб кетган,— деди у рўпарасидаги қулоқчинли найнов йигитга қараб.— Елкаси чангдан оппоқ. Умри рулда ўтган. Бир лалайган йўловчи касрига қолиб, севган касбидан айрилиб ўтирибди, шундоқми? Осон дейсизми шофёрга бекор ётиш? Азоб! Машинасини берсанг, ҳозир текинга бўлса ҳам ҳайдарди, тўғрими?

— Жуда ҳам унчаликмас, начальник,— деди найнов,— текинга ҳеч кимни олиб юрмаймиз. Лекин меҳнат десангиз — биз тайёр!

Унинг беозор дағаллигидан ҳамма кулиб юборди. Заргаров нарироқда ётган Қултойни, бурчакда пайпоқ ямаб ўтирган Маматни кўрди. Булар шу хушчақчақ даврада ҳам худди бегонадек эдилар.

— Қани, ким зўр экан?— деди Заргаров қаравотда сочилиб ётган шахмат доналарини кўриб.

— Эйнштейн! Эйнштейн зўр! Бир ўйнанг у билан, Мардонқул ака!— деб шовқин солишди ёшлар. Бир нафасда стол қўйиб, шахмат доналарини теришди. Вайнштейн кўзойнагини қаншарига қўндириб, жиддийлик билан келиб ўтирди. Исмоил ака атрофни бетартиб қуршаб олган ёшлар орасидан ёриб ўтиб, столга газета ёзди-да, майиз, туршак тўкиб, чой олиб келди.

— Хўш,— деди Заргаров шарфни, плашни ечиб курсига ўтираркан,— испанча ҳимояга қалайсиз, инженер?

— Ҳимояни билмайди у, ҳужумдан гапиринг,— дейишди шериклари. Улар бошлиқнинг студентга тан беришини исташар, столга ёпирилиб бош суқишар эди.

Вайнштейн кўзойнагини бурнидан олиб, мутолаадан чарчаган кўзларини ишқалади.

— Уйда тинч кечалари ўқирдим. Бу ернинг тинчлиги ҳам қандайдир ўлик...— деди доналарга тикилиб.

— Ия, ҳой!— деди Ҳожимат жундор кўкрагини тирнаб келиб.— Дастурхонга майиз тўкибсанлар, ҳаётнинг мазмуни қани?

— Ҳаётнинг мазмуни дўконда!— деди Саттор.

Шу пайт чуваккина бир бола эшикка отилди. Шахматчилар икки юриш қилгунча у яримта кўтариб кирди.

— Иш мана бундоқ бўпти-да! Эшонзода бугун ойлик олганлар,— деди очкўз Ҳожимат кафтларини ишқалаб.— Қани, бир шайтонни хурсанд қилайлик!

Заргаров бошини кўтариб қараса — Ҳожиматнинг ёнида чиндан ҳам ўша. Чуваккина, рангпар, ясси башара «эшонзода» илжайиб турибди.

— Мусулмонқул!— деди Заргаров эски қадрдонини кўргандек қувониб.— Ахир келибсан-да, а?

— Келдим, ўртоқ начайлик.

— Пийри комил қайдалар? Халққа восил бўлганлари йўқми?

Заргаровга ҳозир, очиғи, ҳазрати эшоннинг тақдирларидан ҳам кўра, мана бу чеккадаги пиёданнинг эндиги юриши муҳимроқ эди. «Эйнштейн» сиқиб келяпти, пиёданнинг йўлини очиб, фарзинга чиқиб олиш пайида. Лекин Мусулмонқул бошлиқнинг саволига жавобан ҳикоя қила кетди. Чорвачи муридларнинг футури кетгандан кейин пири катта хуржунни эшакка ортиб, шаҳарга жўнабди. У ерда унинг ҳовли-жойли, ҳатто машинали чайқовчи ўғиллари бор экан. Мусулмонқул-чи? Эшонга «офтобда қатиқ ялашган» узоқ қариндош бўларкан, холос. Отаси раҳматлик Қудуқ-эшоннинг ашаддий мухлисларидан бўлиб, ундан қандайдир қарзини узолмай ўлиб кетган. Кейин эшон етимчага ҳамият кўрсатиб, ўз хизматига олган, эмчи эшон қаёққа борса, бола ҳам кетидан юриб кавшбардорлик қилган, албатта туз ҳақи бадалига. Эсини таниганидагина «бўривой»лар билан ошна бўлиб, ўз аҳволини тушуна бошлаган.

— Жуда бошлабсан бу ерга келиб, оғайни Мусулмонқул,— деди Заргаров яна пиёданнинг қалтис юрганини сезиб. Энди енгилишига кўзи етди шекилли, қўл силтаб, бепарво бўлиб олди.— Аммо лекин, мана бу ишинг менга ёқмайди,— у столда турган шишани кўрсатди.

— Сизга усиндим, ўртоқ начайлик... Бугун биринчи марта ойлик олдим-а!..

— Йўқ, шундай бўлса ҳам бу ншинг маъқул эмас,— деди Заргаров тахтадан бошини кўтармай.

У ўсмирнинг ўзи ишлаб топган пулларни икки қўллаб санаши, шошиб-пишиб пайпаслашни кўз олдига келтирди: хайр эмас, эшонники эмас. Ўзиники, пешона тери...

— Бунга мана бу «собиқлар» таъсир қиद्याпти,— деди нарироқдан кимдир. Бу — ишга ҳам гулдор галстук тақиб борадиган, гапга чечан, олифтароқ бетончи эди. Заргаровнинг қулоғи динг бўлди: «собиқлар». Демак, ётоқдагиларни иккига бўлиш, айирмачилик ҳали ҳам бор экан-да? Яна алайна-ошкора. Исмоил ака буларга шу мавзуда кўп гапирса керак, яна жаврай кетди:

— Ҳой, «собиқ» деганингга бало борми? Балки улар мутлақо собиқ эмас, балки улар мутлақо шу бугунгидир! Эҳтимол эртагидир! Сен қаёқдан биласан? Бор, ана, ахлатни тўкиб кел.

— Ахлат... Келгусида болаларимга нима дейман?— деди ҳалиги покдомон.— Эркак одам ахир қаҳрамонлик учун туғилади. Қултой, тур, бугун сенинг навбатинг. Мунча ётавермасанг! Қариб қолдингми, нима бало?

Қултой инқиллаб ўрнидан турди.

— Биз бу ерда тез қариймиз, акаси. Сен ҳали янги-сан,— деди у ахлат тўла пақирга ялингандек қараб. Ҳалиги йигит олдида бўйи пак-пакана бўлганидан «акаси» деб гапиргани кулгили эди.— Мана, сен болаларингдан, келажакдан гапирдинг, кинода айтганидай, ҳамма нарса одамларга қолади, демоқчисан — шундайми? Қани айт-чи, мен нимага қолдирар эканман одамларга? Ким улар? Мен уларни танимасам, улар мени танимаса... Ҳаёт нима ўзи — биласанми? Ҳаёт — икки рақам орасидаги бир чизиқ, акаси жонидан. Шундай дерди менинг бир ошнам, жуда тўғри айтган...— У пақирни ижирғанганча кўтариб чиқиб кетди. -

— Мана энди мен шу шахс билан бир ётоқда турибман-да,— деб тутатди Саттор.— Ахир ўзларинг ўйлаб кўринглар, биласизларми, бу — саратонда қовжираб кетган саҳрода яшаш билан тенг. Бу одамнинг атрофида гўё ҳаёт йўқ, атрофи гўё шундай яп-яланғоч саҳроки, унда қуёшнинг ўзи ҳам куйиб тамом бўлаётгандай ҳозир

абдий тун бошланадигандай, ўлай агар. Гапларини қаранг, қандай мукаммал аҳмоқ-а!

— Ҳой, сен ғазабингни бос, ғазаб билан иш битмайди,— деди Исмоил ака.— Сен одамга меҳр-оқибатли бўл, одамни яхши кўра бил, мана шунда гап кўп.

— Ушани нимасига яхши кўришим керак?

— Нимасига яхши кўрганинг балки кейинроқ маълум бўлиб қолар.

Вайнштейннинг ютиши аниқ бўлиб қолган, мушук сичқон билан ўйнашгандек, у Заргаровни жўрттага айлантирар эди. Ишн енгиллашгач, орқадаги баҳсга овоз кўшиб қўйди;

— Бизнинг ишимиз
Хашак тўплашдир.
Қашшоф келар-да,
Ёндирар гулхан...

— Бу ўзингданми ё Гётеданми?— деб сўради олифта бетончи.

Вайнштейн шеърни ё ўзидан, ё Гётедан ўқирди.

— Бу — Гётедан,— деди у ва керишиб туриб сўнгги шахни берди. Заргаров пешанасини артиб, рақибининг санъатига қойил бўлгандек, тахтадан ҳамон кўз ололмай турарди. Исмоил ака эса салмоқ билан давом этди:

Умуман, инсоннинг яхшилигига ишонини савоб иш.

— Ишончини оқлаш керак!

— Яхши гапга чўтир ҳам гулдай очилиб кетади, дейди. Мана, илгариги замонларда фан орқада эди, кўпинча одамни яхши гапу меҳр-оқибат билан даволар эдилар. Меҳр-оқибат ҳозир ҳам жуда керак. Буни, мана, начальникдан сўранглар, у киши билади. Ҳар хил дорию аппаратлар кўпу, лекин меҳр-оқибат ҳамон керак. Балки шунақа замон ҳам келарки, одамларни ҳар қандай иллату, ҳар қандай дарддан фақат меҳр-оқибат аритар.

— Эскиб қолган гаплар бу, Исмоил ака!

— Гандизм!

— Уртоқ начальник; бир қултумгина бўлса ҳам ччинг...— деб ялинарди Мусулмонқул мунғайиб столдаги шишага қараркан.

Заргаров кулиб туриб имлади-да, унинг қулоғига шивирлади: «Жонон масаласи қалай?» Буни эшитиб қолганлар кулишди. Мусулмонқулнинг юзига қон югурди.

Етоқдаги бетиним шовқин, тўғри-нотўғри гаплар, ўткир, аччиқ баҳслар Заргаровни ҳам ёшартириб юборгандек бўлди, студентлик йилларини ёдига солди. Бу шўх олағовурда нималар тилга олинмайди? Синчков ёшлик ҳаётнинг тинмас моторидек ишлаб тураркан. Неча хил одам, неча хил хулқ-атвор, неча хил фикр доимо қайнаб, ўзини дам у ёққа, дам бу ёққа уриб, лойдек пишаркан. Иложи бўлса, у мана шу суронли, турфатуман одамлар орасида жон-жон деб яшарди. Мана бу рўпарасида ўтирган кўзойнак-чи, унинг миясида нималар йўқ! Зеҳни ҳар нарсага чангакдек ёпишади. Заргаровнинг шахматда ёд бўлган неча хил ўткир ҳийлаларини, жумбоқларини бирпасда ёнғоқдек чақиб ташлади.

— Хўш. Телевизорни бошлабсиз. Уқишлар қалай, Ботвинник?— деди Заргаров, тап бериб қўл сиқишгач.

— Ботвинник деганингизча бор, бу ҳам техника фанлар доктори бўлади, ҳозир диссертация ёзаяпти,— деди Геннадий.

Оддийгина бу ҳазилга тагин ҳамма шарақлаб кулиб юборди. Кўпчилик бор ерда яхшига ҳам, ёмонга ҳам бирон лақаб дарҳол ёпиша қолади. Бу ерда лақабчи устаси фаранглар бор. Кейинги вақтларда бир қизиқ иши учун Вайнштейнни яна «Чанг-тўзон фанлари доктори» деб ҳам атайдиган бўлдилар.

Бу воқеа шундай бўлган эди.

Янги электр линияларида ҳар куни эрталаб темир тирговучларнинг учида қандайдир шуъла пайдо бўладиган бўлди. Бирини ўчиришса — иккинчиси, иккинчисини ўчиришса — учинчиси чирсиллаб учқунлайверарди. Бу ҳам хавфли, ҳам сирли эди. Ҳамма таажжубланиб, қизиқиб қолди. Нима гап ўзи? Электр узатиш линиясидагилар ўзлари ҳам бундай ғалати ҳодисани энди кўриб турганликларини айтишарди. Нима бало, саҳронинг ажи-наси борми? Шаҳардан келган мутахассислар изоляторларни ўзгартириб ҳам кўришди. Йўқ, ҳар куни эрталаб тирговучларнинг тепасида шамдек шуъла пайдо бўларди.

Вайнштейн ишдан бўш вақтларида нуқул шу атрофда ўралашди. Саҳронинг тушуниб бўлмайдиган ҳодисаси унинг уйқусини қочирди. Энергетика дарсликларида, назарияда ва справочникларда бунга ўхшаш ҳодиса ҳақида ҳеч нарса йўқ эди. Вайнштейн сирни билишга астойдил

қизиқиб, ўчакишиб қолди. Қонуниятларини топишга уринди. Учқунланишнинг ҳамма вақт фақат эрталаб, со-вуқ, қировли эрталарда юз берити уни ўйлантириб қўй-ди. Демак, қиров, шабнам доналарини бир-бирига туташ-тирувчи нимадир бор. Нима? Саҳрода нима бўлиши мумкин? Қум зарралари, чанг-тўзон... Вайнштейн элект-рик ўртоқлари билан вақтинча линиядаги бир участка-да изоляторларни чангдан тозалаб кўрди. Эртасига пой-ладилар. Сирли шам шуълалари кўринмади!

Вайнштейннинг «эврика»си шу тонгдан бошланган эди. У яна кўп синаб кўриб қатъий хулосага келди: де-мак, шамол кўтарган шўрхоқ тўзоннинг қалин қатлами изоляторларни, траверсларни қоплайди-да, тунги қиров ёки шабнам ёрдамида ток занжири ҳосил бўлиб, «шам»-лар ёнади. Умуман, бу шўрхоқ тўзон мотор, машина ёки бошқа бирон механизм билан ишлайдиган одам борки, ҳаммасининг жонига текканини Вайнштейн илгаридан биларди. Мана энди энергетиклар ҳам азобга қолишди.

— Мен бу лаънати тўзоннинг касофатини ўрғана бошладим, Мардонқул ака,— деди Вайнштейн,— диплом ишимда ҳам шунга тақдим қилмоқчиман. Булар бўлса «Чанг-тўзон фаълари доктори» деб, калака қили-шади.

Дўстларининг ҳазилкашлигидан сира хафа бўлмаган-лиги кўриниб турар эди. Заргаров бу катта кўзойнакли, ориққина, жингалак сочли йигитчага ҳаваси келиб, атрофдагилар билан баробар, самимий кулди.

— Кейин нима бўлди, энергетикларга қандай тав-сиялар бердингиз?— сўради у.

— «Юмшоқ латта билан изоляторларни артиб ту-ринглар, агрегатларнинг ҳаракатдаги қисмларидан гард-губорни пуфлаб тозалаб туринглар», дедим.

Ҳамма ётоқни бошига кўтариб кулиб юборди. Вайн-штейн: «Ана кўрдингизми у бачканаларни?» дегандек жилмайиб Заргаровга қаради.

— Умуман, менинг вазифам учқунлашнинг сабабини аниқлаш эди,— деди,— бу ёғига нима қилишса энерге-тикларнинг ўзлари билишади.

— Бу синчков йигитнинг бу билан қаноатланиб қол-маслиги аниқ эди. Умуман, унинг узоққа бора олишига Заргаров яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

У хайрлашаркан, ёшлар бир-бирларига навбат бермай ҳазиллашишди:

— Келиб туринг. Мардонқул ака, шахматга бундан зўрларимиз ҳам бор...

Мияси говлаб кетган бўлса-да, булар даврасида анча кўнгли яйраган Заргаров эшикка яқин «Хуш кўрдик», деб қўл қовуштириб турган Исмоил акани тирсагидан олди. Гап борлигини сезган қария бошлиқни ўз хужрасига бошлаб кирди. Бу хужра сершовқин узун ётоқнинг пойгагида бўлса ҳам, жуда файзли, ёруғ, озодагина эди. Қўлбола стол-стул, тўсиқ ортида ва эшик ёнида тахта каравотлар, ёзиглиқ дастурхон, қозикдаги сочиқлар сутдек оқ. Жавонда Катта энциклопедиянинг уч томи, бири ўртасидан очиқ.

— Қалайсиз, қария?— деди Заргаров курсига ўтириб.

Исмоил ака термосдан чой қуя туриб, одатдагича эзмаланиб жавоб берди:

Оламда йўқ нарса бор бўлмайди, бор нарса йўқ бўлмайди. Мана, худога шукур, бормиз...

— Йўқ бўлмаймиз, ўлсак ҳам бирон шаклда яшаймиз, денг!— унинг бу гапини ёд билган Заргаров ўзи давом эттирди:— Учинчи каравот кимники?

— Мусулмонқулники. Келган куни каравот қўйгани жой топилмай, денг, шу ерга олувдим, кейин чиқариб юборишга кўнглимиз бўлмади-ю, шу ерда қола қолди. Очиғини айтсам, Мардонқул ука, кампир ҳам жуда «болам-бўтам» қилиб эси кетади. Етимча экан шўрлик, ўзи ҳам эсликкина, унаса, шу ерда қолдирмоқчиман, нима дейсиз?

— Сиз Сатторни ҳам ўғил қилган эдингиз... Ҳозир эслайдими ишқилиб?

— Ҳа энди... уни элаштиролмадим. У пайтларда кампир йўқ эди, денг. Лекин униси ҳам қатнаб туради. Айниқса бирон ташвишими, ҳаяжони бўлса, югуриб шу ерга келади шайтон. Тунов куни, ҳов, корпус қурилишида сизнинг олдингида бир ҳодиса бўлган экан... Юрагини ҳовучлаб келиб, кечаси билан миқ этмай ўтирди қошимда. Сиздан ҳайиқиб, юраги пўкиллаб юрибди. Иложи бўлса болага қаттиқ жазо берманг. Ўзидан ўтганини ўзи билади.

— Ҳа, шайтон!— деди Заргаров негадир қувониб.— Иштонини ечиб саваласа арзир эди-ю... Майли энди, ўзини оқлади. Қаҳрамонлик кўрсатди, очиғини айтсам... Бундай ишга қодир одамларнинг қадрига етиш керак,

гарчи хато қилса ҳам. Чунки бундай иш қилиш учун мардликдан ташқари, қандайдир ички бир эркинлик, мустақиллик ҳисси ҳам керак. Фақат ўзига айтманг буни.

— Биламан...— дея оғзининг таноби қочди Исмоил аканинг.— Бунисига кампир жуда кўнгил боғлаб қолди да лекин. Икки фарзанднинг биттаси ҳам пешанамизга сиғмади. Уша мусибат билан бўлиб умр ўтиб кетди. Кўпдан бери гапирамиз, бир ўғил боқиб олсак, деб. Дала-даштда юриб, насиб қилмади. Биттагина тирноққа зормиз...

— Ниятингиз яхши, лекин оғир бўлади. Ёши ўтиб қолгану лекин саводи йўқ ҳисоб. Саҳродаги бир ковакда эзилиб, ёввойи бўлиб ўсган... Очкўз эшоннинг тарбияти нима бўларди?

— Хавотир олманг, эси бутун. Ери жўра орттириб, кўксига шамол тегиб қолди. Мана бу китобни бирга ўқиямиз, туппа-тузук ақли етаяпти. Электр пайвандчига шогирд қилиб қўйибман. Нега «Э» йўқ бу китобда, «Э»сини топиб беринг, дейди. Эрмакка оляпти, деб ўйламанг, ҳунар эгаси бўлади... Хўп, денг, кампиримнинг жони кириб қолди.

— Ҳозир қаерда у киши?

— Э, Марияси билан иш тикишяпти. Тўгарак эмиш. Олтмишга кирганда бизнинг кампир пионер бўлган, тўгаракка қатнашпти.

— Бўлмаса, Мария Власовнадан илтимос қилсин: Мусулмонқулни кечки мактабга тайёрлаш керак. Унда ҳамма ташвишлари ўз бўйиниғизда бўлади.

— Жоним билан. Раҳмат, Мардонқул ука, ниятимиз, мен сизга айтсам, астойдил. Қариган чоқда бор меҳримизни шу болага берсак, деймиз. Ўзи эсликкина, эл бўлиб қолди. Қани, чойга қаранг, ё жиндак, овқатга уннаб юбормайми, қорин қалай? Сиз ҳам сўққабошсиз...

— Йўқ, сиз бундоқ ўтиринг, Исмоил ака, гап бор. Ҳужра эгаси китоб ўқийдиган чироғини, ҳам ёқиб, столга келиб ўлтирди. Ташқарида одам оёғи сепсилган, ёшларнинг шовқини анча тинчиб қолган эди, лампочканинг зириллагани эшитилди.

— Бир нарсани кўздан қочирган эканмиз, Исмоил ака, партбюрода аниқланиб қолди,— деди Заргаров.

— Нима экан у?

— Йигирма кундан кейин бош корпусга бетон кела

бошлайди, уни қабул қилишга тайёр эмасмиз, йўл йўқ. Асосий объектмиз. Шарманда бўлмасак, дейман.

— Ия, нима учун? Йўлдан кўпи йўқ-ку?

— Мен ҳам шундай деб ўйлаб, хато қилган эканман-да,— Заргаров партбюрода гап эшитганини айтиб ўтирмади.— Бор йўлларнинг энг яқини ўн етти километр. Ҳозир қиш. Самосвалчилар жанжал қилишди: ҳар тепага салом бериб, ҳар қояга таъзим қилиб, ўн етти километрни айланиб келгуниimizча бетон қотиб қолади, дейишяпти. Улар ҳақли. Бош объектда бундай таваккал қилолмаймиз.

— Ҳа, тикка йўл бор довондан!— қўли билан дераза томонни кўрсатди Исмоил ака.

— Биламан. У ҳам бўлмас экан-да, ҳамма гап шунда!— деди Заргаров.— Нега десангиз, бетон самосвалларда ташилади — довонга чиқиш-тушишда чайқалиб тўкилиб тугайди. Суяқ бетон, тушуняпсизми?

— Э-ҳа-а!— Исмоил ака бош тебратиб қолди. Бошлиқнинг қаттиқ ташвишга тушганича бор эди. Тажрибасизлик ўзидан ўтибди, муддатларни қисқартираман, деб ҳамма катта тадбирларни кўрибди-ю, оддий бир нарсани ўйламабди. Энди қишнинг кунни ҳавонинг исиниши кутиб, шундай катта объектда ишни тўхтатадимми?

Хўп, аҳвол шундай экан, нима учун энди бу дардни бирон ҳал қилувчи, каттароқ одамга эмас, Исмоил акага кўтариб келиб ўтирибди. Қариянинг хаёли мана шунда эди. Бундан бир оз ғурурланиб ҳам қўйди-ю, лекин боши қотди. Нима маслаҳат бериш керак? Анча жимликдан кейин, Исмоил ака бошини аста кўтариб қараса, бошлиқ унга мадад тилагандек тикилиб ўлтирибди. Демак, қариядан фақат маслаҳат кутаётгани йўқ.

— Сиз...— деди кўзини олмасдан Исмоил ака.— Сиз... менга мунча тикилмасангиз?..— У ўзидан нима талаб қилинаётганини тахминан тушуниб, ўрнидан туриб кетди. Асабий юра бошлади. Бориб, темир печкадаги қўрни ковлаштирди. Совиб қолган чойни ичиб юборди.

— Пул бермайсиз, албатта?

— Пул йўқ,— деди Заргаров.

— Вақт ҳам бермайсиз?

— Беролмайман. Қаёқдан оламан, Исмоил ака, ўзингиз ўйланг.

Уй эгаси баттар асабийлашиб, қўлини орқасига қил-

ганча букчайиб хонанинг у бошидан бу бошига бориб келарди.

— Намунча лўкилламасангиз қари туядай, кўзим тиниб кетяпти, ўтирсангиз-чи,— деди Заргаров. Ақл бовар қилмайдиган гапни кўтариб келгани, оғир таклифни ўртага қўяётганини ўзи ҳам тушунди шекилли.

— Довонни олиб ташлаш... Шундайми?— деди Исмоил ака.— Оғизнинг бир чеккасидан чиқиб кетади-я! Хом хаёл бу, начальник. Текин ташаббус даврлари ўтиб кетган. Бизнинг замонамизда эди у — ўтга кир деса — ўтга кирардик, сувга деса — сувга. Ҳозиргилар...

— Менинг давримда ҳам кексалар ёшлар ҳақида худди шундай дерди. Лекин биз кирган ўт оддий ўтлардан эмас эди, биласиз...

— Сен мансуб бўлган авлодга бир нима деяётганим йўқ,— деди Исмоил ака четга қараб. Унинг бирдан сенлаб юборгани Заргаровнинг кўнглида бир илиқ ҳис, умид туғдирди: бу отадек киши оғир пайтда ёлғиз ташлаб қўймайди.— Ўзимнинг иккита нордек укам ўша сен айтган ўтда қирққа кирмай қирчинидан қирқилди,— дея давом этди чол,— мен учун ўша ўт ҳали ҳам ёнади... мана шу ерда,— деб кўксига иккита муштлаб қўйди.

Гапнинг бу томонга бурилиб кетганидан Заргаровнинг кўнгли бузилиброқ турган эди, кампир кириб келди. Нимаси биландир дугонаси Мария Власовнага ўхшаб кетадиган бу кекса аёлнинг ёруғ чеҳраси ҳозиргина ўтган кўнглисиз гап таъсирига дарҳол барҳам берди.

— Вой ўлай, меҳмонни қуруқ гап билан сийлаб ўтирибсизми?— деди у белигача ўранган катта рўмолини ечаркан, жуссаси кичкинагина бўлиб қолди. Нимжонгина бўлса ҳам, гавдали, қўпол экскаваторчини измида тутати шекилли, Исмоил ака унинг танбеҳидан шошиб қолди. Ҳазилга бурди:

— Ўзингиз свидайнидан мунча кеч келмасангиз, кўзидан?

— Мусулмонқул қани?— деди кўз ёнларида оналиқнинг дардли ажинлари пайдо бўлган кампир.

— Қаерда бўларди, кўчада, етти хуфтонгача ўйнайди бўз бўйдоқ, ўғлинг борми — уйлантириб қўймагунча тинчимайсан, дўндиқ.

Буларнинг оилавий гаплари бошланиб кетганидан ўнғайсизланган Заргаров узр сўради:

— Исмоил ака, ҳалиги гапни бир ўйлаб кўрарсиз, кейин яна гаплашамиз, мен борай.

— Йў-ўқ,— деди Исмоил ака чўзиб,— бу масалани пайсалга солиб бўлмайди. Хўжайка келганда кетишингиз нимаси, мени балога қўйиб?

Кампирнинг келиб қолиши ҳамма ишни ҳал қилгандек, у ўзи ҳам ғайратга кирди. Столга шиша, бодринг қўйди, кампир ҳам жиз-бизини бошлаб юборган эди.

— Прожектор бўладими?— деди Исмоил ака шкафдан нимадир излай туриб.

Стол олдида ёлғиз, ўнгайсизланиб ўтирган Заргаров тушунмади:

— А?..

— Прожектор, деяпман, бўладими?

Заргаров сакраб туриб, у томон юрди, кўтариб келаятган рюмкаларини қўлидан олди.

— Бўлади, ўн кеча десангиз — ўн кеча!

— Неча кечалигини билмайман. Олдин ҳисоб-китоб қилиш керак, тахминан неча минг куба бўлади...

— Ҳисоб-китоб тайёр, Исмоил ака!— Заргаров қувонганидан рюмкаларга ароқни қўйиб юборди.— Иччимизми, бригадир?

— Майли, ичамиз, таваккал!

Тикка туриб ичиб юборишди-да, ошхона томонга аланглаб қўйиб, тузланган бодрингни карсиллатишди.

— Тўхта, мен-ку, экскаваторчиларни қўзғайман, бундан кўнглинг тўқ бўлсин. Лекин самосвалчиларчи?

— Бобошни танийсиз-а?

— Ҳа, тунов куни кандидатликка олдик. Ёмон шаддод экан-е, қурмағур.

— Ана ўша йигирмата самосвалчи билан келади.

— Ҳа, унда... унда яна битта отсак бўларкан!— Чол плита томондан димоққа урилган тотли ҳидлардан илҳомланиб кетди.— Бетон йўлидаги довоннинг йўқ бўлиши учун!

Ичдилар. Икки бўлак гўшт қовуриб кампир ҳам келди. Ойда-йилда бир рюмка-ярим рюмка ичадиган Заргаров бутун баданида ажиб бир роҳат сезди. Бундай оилавий, файзли ўтиришни кўпдан кўрмаган эди. Ароқдан ҳам кўра мана шуниси кайф қилди. Довонгина эмас, қандайдир тоғлар олиб ташлангандек бўлди йўлидан. Икковлари ҳам жуда очилиб кўп нарсалар тўғрисида; саҳро, фарзандлар, прожектор ёруғида, экскаваторлар-

нинг тунги иши, манфаат ва ташаббус тўғрисида узоқ гапдашдилар. Муҳими — атиги олти километрли энг қисқа йўл довонни кесиб ўтиб, бетон темир кузовларда равон билқиллаб ўз вақтида етиб келадиган бўлди.

Заргаров энгил тортиб, ярим кечада баракдан чиқди. Аёзда қор учқунлари кўкимтир кўринади. Юлдузлар паст. Етти оғайни шундоққина бош устида турибди. Ана думи, тўрт бурчаги... Болаларнинг варрагига ўхшайди. Ипидан тортиб-тортиб ўйнаса бўладигандек...

Ётоқнинг эшиги олдида шарпа кўринди. Биров ёлғиз турибди, қоронғида учқунлатиб тамаки чекапти. Пана жой, тим қоронғи бўлишига қарамай, Заргаров уни таниди. Кўз билан кўриб ёки бирон белгисидан эмас, қандайдир ички сезги билан таниди. Турган Мамат эди. Шубҳасиз, ўша. Ҳозир қайтиб бориб, юзма-юз гаплашадиган хонаси эди-ю, Заргаров қайтмади. Озгина бўлса ҳам ичган. Ҳиди келса... Яхши эмас. У тезлаб кетди.

Кетди-ю, ҳалиги руҳий энгиллик, ҳалиги кайфият ҳам, кайф ҳам бирдан йўқолди. «Нега элдан бурун теримга сизмай юрибман?» деган ўй келди калласига. Ҳали довон ҳам ўрнида турибди, ҳали Исмоилнинг одамлари нима дейди, ҳали Бобошнинг шериклари унайдими, йўқми, экскаваторда, самосвалда сменадан кейин қолиб, кечаси тоғ ағдариш учун ташаббуснинг ўзи етармиди! Бу бўлса ҳамма нарса ҳал бўлгандек, ароқ ичиб, ҳовлиқиб юрибди... Мамат нима қилиб турган экан кечаси эшик тагида? Ё у эмасми? Йўқ, ўша, индамас. Бошқа бўлса, ақалли, салом берарди-ку, қурилиш бошлиғи ўтганда...

Шу мингаймаснинг ниятини билишни керак эди-да. Қачонгача ҳар кўрганда юраги қалқиб, ҳадиксираб юради?..

15

Бобошнинг не машаққат билан ундирган учрашуви барбод бўлаёзди. Қизлар ётоғининг гарновига тирмашиб икки марта «Зумраш! Зумраш!» деганида, хайриятки, форточкани Зумрашнинг ўзи очди.

— Эртага деган эдинг-ку? — шивирлади у.

— Эртага қиёмат-қойим бўлади, ҳозир чиқ, — деди Бобош.

Ёсизгина, янги дазмоллаб кийган шимида тарновнинг қизил бўёғи қолди. Ҳа, майли. Ишқилиб, Зумрашни топди-ку. Бир ёққа чиқиб кетган бўлса, нима қиларди? Ке-

ийн үн беш кунгача кўролмайд юрарди. Зумрашни ҳозир узоқ ёлғиз қолдириб кетиб бўлмайд.

Ана, ўзи ҳам югуриб чиқди.

Ишчилар ётоғига кўчганидан бери Зумрад уст-бошига қарайдиган, ювиниб-тараниб юрадиган, лекин негадир ўйчанроқ бўлиб қолган эди. Икки кўзи чашмадек, гоҳ қоп-қора, гоҳ мовий кўринади. Гўё бир нимани ёддан чиқаргану сира эслолмаётгандек, паришон.

— Нима қилаётган эдинг?— деди Бобош дарров икки кўлидан ушлаб.

— Ойимга хат ёздим, Уктамни олиб келмоқчиман. Сен нима дейсан?

Уни ёлғизлик эзаётганга ўхшайди. Қимнингдир меҳри, яқин бир кишининг далдасига муҳтож.

— Етоққа ўрганиб қолдингми? Қизлар билан қалайсан?— деб сўради Бобош уни йўлга бошлаб.

— Қизлар яхши... Лекин мен барибир ёлғизман-да. Улар бошқа, мен бошқа...

Бобошнинг кўнгли бузилиб кетди. Қачон у ўзига келлади, қачон руҳи тетик бўлади, нега доим кўнгли синиқ? Ҳозир кичкинагина жуссасини бағрига босиб суйгиси келиб кетди. Хафа бўлмаслигини аниқ билса, шундай қиларди ҳам.

— Зумраш, ҳозир мен сени саҳро уфқларига олиб кетаман! Узоқ, узоқ, узоқ юрамиз, майлими?

Қош қорайган. Қиш оқшомининг уфқи олис эмас, сал нарироқда қорайиб турибди. Ҳаво булут бўлганидан совуқнинг ҳам заҳри йўқ, саҳрога салқингина сокин тун кириб келмоқда. Зумрад, балки ўз бахтига, маъюс жилмайди, кўз чашмалари қорайиб кўринди.

— Айтмоқчи, эртага қанақа қиёмат бўлади? У нима деганинг?

Бобош эртага доводна бошланадиган тунги ишни худди ҳозир кўзи кўриб тургандек шавқ билан гапириб берди. Ҳикоясида қайси бир кинодаги кучли прожекторлар ёрдамида артиллериянинг Берлинга ҳужуми манзараларининг таъсири билиниб турарди. Аниқроғи, доводдаги тунги манзараларнинг шунга ўхшадини жуда истарди. У «ялиниб келган қурилиш бошлиғини ўзига жуда яқин киши қилиб кўрсатди, ўша тунги ишда манглайда қўтос рамзи бор «БелАЗ» минганларнинг, яъни «ўз йигитлари»нинг қандай ўрин тутишини ҳам гапирди, бир оз мақтанганини ўзи ҳам сезиб, ишдамай қолди.

Улар қўл ушлашиб, нам тортиб босилиб қолган кум-да юмшоқ қадамлаб, бошлари оққан томонга борар эдилар. Бобош унинг жажжи бармоқларини иссиқ кафтида битта-битта санаб ўйнарган, сўради:

— Эсингдами?

— Нима?

— Упиб олганинг...

Зумрад юзини четга бурди, тунги шабада юз-кўзига, бўйниларига хуш ёқарди.

— Ҳали ҳам сени кўрсам уяламан... Жуда қўрқоқ эканман, ўшанда.

— Энди қўрқмайсанми?— қўлини сиқди Бобош.

— Кимдан?

— Қултойдан.

— Қўрқмайман. Лекин у энди мени нима қилса қўлидан келади, негаки, эркин юрибди. Аммо мен Ўктамни барибир олиб келаман...

Бу кичкинагина нарсанинг дадил ишларни ўйлаб юргани Бобошга ёқди.

— Қўнглинг нимани истаса шуни қил!— деди у.— Қани, биронтаси ёнинг деб кўрсин-чи! Сенга очигини айтсам, «Зумраш» дегани рухсат берганингдан буён мен ҳеч нарсадан қўрқмайдиган бўлиб қолганман.

— Сен... катта одамсан, эшитганман. У номард ҳам шуни сезиб, пусиб юрибди.

— Бу шунақа жойки, Зумраш, бу ерда ҳар бир одам катта, мавқели, муҳим... Шу қаторда сен ҳам.

— Мен биламан... Сенинг ёнингда кўриб, ётоқдаги қизлар ҳам менга бошқача қарайдиган бўлиб қолишди. Ўз дугоналаридай билишади, бирга нонушта қиламиз, маслаҳатлашишади...— Зумрад йиғламсираб, тўхтади.— Мен аҳмоқ ўзимни, ўз ўтмишимни қаёққа яширишни билмайман...— У бошини Бобошнинг кўксига қўйиб, сассиз йиғлади. Довдираб қолган йигит уни ёш боладай юпатар экан, сочларига, ёш оққан юзларига юзи тегиб, қаттиқ кучганини ўзи ҳам билмай қолди. Бўшашган гавдасини бутунлай бағрига олиб, шўртак лабларидан босиб ўпди-ю, қўрқиб кетди. У шафқатсиз тақдир аямаган бу ширин жонни хафа қилиб қўйишдан доим қўрқарди.

Лекин Зумрад бу гал хафа бўлмади. Ёшини артди.

— Мени кечир, Бобош... ҳаммаси учун кечир. Мен сенинг бу муносабатларингга арзимаيمان. Лекин нима қилай?.. Аввал менга шунчаки бир меҳрибондек кўрин-

динг. Кейин, таваккал қилиб, чақирсанг чиқдим. Менга бир сўзлигинг ёқди. Энди бўлса қийноқдаман. Сенга жуда ишонаману, лекин... мен кимман?

Вокзал ресторанининг ифлос буфети, унинг шалпанг қулоқли, қари, шилпиқ мудирини кўз ўнгига келди. Ёшгина сотувчи Зумрад бу одамнинг ҳар қандай пастликдан қайтмаслигини билар, кунига тайинлаган беш сўмини қанда қилмай етказиб бериб турар, бунинг учун харидорларни алдашга ўрганган эди. Бора-бора бу иш унга жиноят эмас, кундалик ишдай туюладиган бўлиб қолди. Бобошнинг ҳаяжонли товуши хаёлини қочирди.

— Сен жуда ширин, ақлли қизсан, Зумраш,— дерди Бобош терисига сиғмай.— Истасанг, сени катта бир дунё билан, ҳамма билан таништираман! Фунчанинг қандай очилишини ҳамма кўрсин...

— Унақа катта кетма, мен қўрқаман.

— Мен катта кетаётганим йўқ, ҳаммаси ўзингга боғлиқ,— Бобош икки қўли билан унинг бошини ушлаб, қоронғида чақнаб ётган тинқора кўзларига боқди.— Кул, жилмай, Зумраш,— дея шивирлаб, лабига лабини тегизди, қизнинг лаблари бўсага жавоб берди.— Энди буниси ёлғондакам эмасми?— кулиб сўради йигит.

Зумрад жилмайди: «Йўқ, буниси ростакам».

— Мен бахтсизлигимни гоҳо унутиб қўйяпман, бу яхшими, Бобош?

— Сенинг ёнингда мен бутун дунёмни унутиб қўяман...— деди Бобош жавоб ўрнига.— Истайсанми, бир жойга борамиз?

Зумрад қўрқиб қаради:

— Қаёққа?

— Она тенги бир меҳрибон кишимнинг топшириғи бор. Шунини ўринлатамиз.

Мария Власовна бир неча ёшлардан кутубхона учун китоб йиғишни илтимос қилган эди. У ташкил қилган жамоатчилик асосидаги кутубхона ҳозир икки вагонни эгаллаб, бутун қурилишга татиб қолган. Китоб фондиди бойитиш, тартибга солиш, картотека тузиш давом этарди. Ишдан кейин ўнлаб ёшлар Мария Власовнанинг топшириғи билан ётоқма-ётоқ, уйма-уй юриб, китоб йиғишар, биров битта, биров иккита китоб топар, биров қуруқ қайтар, лекин шулар баҳонаси билан қурилишда бойгина кутубхона пайдо бўлиб қолганлигини ҳамма билганди.

— Биров ўз китобини текинга берадимизми?— деб сўради Зумрад.

— Уқиб бўлганини беради-да, эвазига умумий кутубхонадан қанча-қанча бошқа китобларни олиб ўқиса бўлади! Сен юравер, бирон сахий топилса топилди, топил-маса — одамлар билан танишасан.

— Мен комсомол эмасман...

— Бўласан, юравер!

Бу аломат машғулот Зумрадни жуда қизиқтирарди-ю, лекин ортиқча намойишкорона иш экан-да. Бобош билан юрганини ҳамма кўради. «Подумаешь, гўзал! Сенга севгини ким қўйибди, муддатингни ўтасанг-чи», дейдиганлар топилмайдими!

— Бу, аслида, сенга ўхшаган қизларнинг иши,— деди Бобош уни қўярда-қўймай етаклаб.— Мен сени Мария Власовна билан ҳам таништираман. Биласанми у қандай ажойиб хотин! Ленинни кўрган!

— А?..

— Ҳа, ҳа, юравер!

Улар қўл ушлаганча ётоқ чироқларига қараб югурдилар. Қаердадир дизель гупиллар, шўх қийқириқлар эшитилар эди. Қурилишларга яқинлашган сари қор парчалари пайҳон, губорли. Ҳаво жуда пасайиб, намиқиб келяпти, бир нарса ёғмаса бўлгани. Зумрад қандайдир сершовқин, катта дунёга кириб бораётгандек, Бобошга бутун тақдирини ишониб, унинг қўлини ушлаганча югурар эди. Юраги ҳовлиқиб, ҳансираб сўради:

— Бобош, у киши ростдан ҳам Ленинни кўрганми?

— Ўзидан сўрайсан, юравер.

Улар ётоқларга етиб бордилар. Ҳамма деразаларда чироқ, ёпиқ дарчаларнинг тирқишидан шуъла тушиб турибди, очиқ форточкалардан ҳовур чиқиб, магнитофон товушлари эшитилади. Бобош суронли бир эшикка шўнғиди. Зумрад ийманиб, остонада қолди. Кўп ўтмай Бобош каноп билан танғилган учта китоб кўтариб чиқди. Зумрад бу бойлик текиндан-текин қўлга кирганига ишонмагандек, «Вой ўлай!» деб, титилиб кетган китобларни қоронғида пайпаслади-ю, номларини ўқий олмади.

— Ҳар қандай китоб ҳам бўлаверадими?

— Ҳар қандайи бўлаверди. Биласанми, ухлаб тушишда кўрмаган китоблар чиқиб қолади. Бир кун мана шу ўзимизнинг Қумтов ҳақида бир минг саккиз юз тўқсон учинчи йил чиққан китоб топилди қолди. Молдавиядан келган бир маркшейдерникида. Афсус, французча экан, Мария Власовнадан бошқа ҳеч ким ўқиёлмади.

— Бобош... Мария Власовна мен билан гаплашарми-кан?

— Нимани?

— Мен унга бутун ишларимни гапириб берардим...

— Ҳаммасини билади, мен айтганман.

— Вой. ўлмасам...

— Онамдек яқин кишим, деяпман-ку. Мен ундан ҳеч нарса ни яширмайман. Сени яхши кўрганимни ҳам...

Зумрад тўхтаб қолди. Дармони қуриб, ўтирадиган жўй қидирди. Жўй йўқ эди.

— Зумраш...— Бобош чўчиб уни қўлтиғидан оларкан, бутун баданидан ҳовур чиқиб кетаётганини сезди. Қизлар ётоғига яқинлашишган эди. Зумрад:

— Мен бормайман, Бобош... хайр,— деди-да, чопқиллаганча ётоғига кириб кетди.

Бобош деворга суяниб қолди. Қўлида ҳалиги учта китоб. Ҳозиргина шундай қадрли эди бу эски китоблар, қандай қувонган эди уларнинг топилганига! Энди бўлса, ташлаб юборгиси келди.

Нима қилиш керак? Яна тақиллатиб орқасидан кирса... Йўқ, энди эҳтиёт бўлиш керак. Ҳали ҳам тилидан куйиб ўтирибди. Гапнинг меъёрини билмади-билмади-да. Умуман, қизлар билан муомала қилишни эплолмайди у. Улгудай тўпори. Мана энди ўзидан кўрсин, ландавур!

Зумраш нима қилиптийкин? Ёстиғига юзини босиб йиғлаптими? Юрагида жароҳати бор. Сал бир нарса тегиб кетса, дард чекади. Битиб кетармикан бу яра? Гоҳо Бобошнинг ўз юрагида ҳам қайсидир бир жўйни ачиша бошлайди. Мана шундай аҳвол давом этаверса-я?

Ҳаммаси Қултой газанда касофатидан. Бузоқбошидай ўрмалаб ўтиб қолса, қиз бечорадан ўша кунни овқат ҳам ўтмас экан. Жирканса керак-да. Бобошнинг мана шундай қони қайнаган пайтда рўпарадан чиқиб ҳам қолмайдики, қоронғида дўнг пешонасини қумга ишқаса...

Ётоқ эшиги очилиб, Зумрад югуриб чиқди, қўлида битта китоб. Дам ўннга, дам чапга югуриб, аланглади.

— Зумраш...— деб чақирди кўзи чақнаган Бобош. Қиз унга қараб отилди. Бобош уни бир йўқотиб, яна топгандек, бағрига оларкан, бир қоп қувончни қучгандек бўлди.

— Сен билан бирга бораман... мана, китоб олиб чиқдим,— деди Зумрад қувончдан қалтираб.— Сени, кетиб қолдимикан, деб жуда қўрқдим. Кетиб қолганингда кечаси билан йиғлаб чиқардим...

— Бу ўзингнинг китобингми?

— Ҳа. Биттаю битта китобим. «Монте-Кристо». Икки йилдан бери олиб юраман. Уч марта ўқиб чиқдим. Етоқдаги бдшқа қизлардан ҳам китоб олиб бераман. Ахир бу жуда қулай: битта китоб бериб, бутун бир кутубхонага эга бўласан. Истаган китобингни ўқийсан.

— Ташвиқотга чакки эмас экансан-ку! Мария Власовна сени албатта ёқтириб қолади.

— Кетдик.

— Кетдик. Аввал мана бу «Гранд отель»га ҳам кириб китоб оламиз. У ерда Эйнштейнга ўхшаган китобхўрлар бор.

— Эйнштейн?

— Ҳа. Уртоғим. Кунига учта китобни туширади. Каравотининг тагига эгилиб қарасанг, гиж-гиж китоб: олий математикадан тортиб Афанди латифаларигача бор. Мен ундан тўққизта нодир китоб олганман, яна ваъда қилган.

Улар қоронғи йўлакда қандайдир этикларга қоқиласуқила ичкарига киришди. Етоқ дим, кимдир ҳозирдан бурканиб ухлаган, кўплар ўйнагани чиқиб кетган, Вайнштейн ҳали келмаган, одам кам эди. Узоқ бурчакда хира чироқ тагидаги каравот устида Ҳожимат билан Қултой карта ташлашиб ўтиришибди.

Зумрад уларни кўриши билан эшикка отилмоқчи бўлган эди, Бобош қўлидан маҳкам ушлаб қолди. Улар каравотлар оралаб ичкарироққа юрдилар, жавдираган Зумрад тўртта китобни икки қўллаб кўксига босганча, Бобошнинг соясида турибди.

— Китоб борми, йигитлар? Китобга келдик,— деди Бобош.

— Ана, Ҳожиматнинг омонат дафтарчасини сўра, беради. Бир неча том бўлиб қолган,— деди кимдир кўрпа тагидан.

Нариоқда Зумрадни кўриб, Қултой ўрнидан турди. Секин яқинлашиб келди.

— Китоб ўқийдиган бўлибсиз-да, онаси?— деди баланд овоз билан, кейин Бобошни ияги билан имо қилиб кўрсатди:— Бу, китобхонликка берилсангиз, бузуқликни қачон қиласиз?

Етганлар бошларини кўтаришди. Етоқда машъум бир жимлик чўкди. Зумрад китобларни кўксига тутганича Қултойга аста яқинлашди-да:

— Уқиймиз,— деди секин. Кейин юзига шартта ту-
пуриб, яна ҳам паст овоз билан сўзнда давом этди:—
Бундан кейин, омон бўлсангиз, ҳар бир қалин-қаттиқ
гапингизга мана шундай жавоб оласиз, хўпми?

— Хўп, лекин мен қамоқда чирисам чирийманки, хо-
тинимнинг бузилиб кетишига йўл қўймайман,— деди
Қултой.

— Сен аллақачон чирий бошлабсан шекилли, вужу-
дингдан қўланса ҳид келяпти,— деди Зумрад.

Кимдир, қўланса ҳид чиндан ҳам анқий бошлаган-
дек, шартта туриб форточкани очиб юборди.

Бу пайт эшик ғирчиллаб, бурчакдаги тахта тўсиқ ор-
тидан Исмоил ака кўринди. У Бобошни кўриб койиди:

— Ҳой, сен қачон ухлайсан! Эртанги ишдан хабаринг
борми? Ун олти кеча ухламаймиз, билиб қўй! Чидаганга
чиқарган! Кечаси билан дайдишларингни йиғиштир.—
Исмоил ака Бобошнинг ёнида чиройли қизни кўриб, қў-
шиб қўйди:— Вақтинча, албатта...

— Дайдиётганимиз йўқ, Исмоил ака,— деди Бобош,—
китоб йиғиб юрибмиз. Сизга ҳам кирмоқчи эдик.

— Ҳа, қани, марҳамат, киринглар, булардан олиб
бўлдингларми?

— Ҳа,— деди Бобош Қултойнинг башарасига қараб
қўйиб,— олиб бўлдик!

Кейин улар ҳужрага кирдилар. Исмоил аканинг бор-
йўқ китоби қаёқдандир қўлига тушиб қолган Катта эн-
циклопедиянинг уч томи эди — биринчи, йигирма еттин-
чи, қирқ учинчи томлар. Исмоил ака уларни бир бошдан
худди роман ўқигандек ўқир эди. «Оламда гап кўп экан-
да, битта сўз ҳақида шунча гап!»— дерди бошини чай-
қаб. Яна, ҳар нарсага болаларча қизиқиш билан ўқишга
киришиб кетарди. Кутубхонадан энциклопедиянинг бош-
қа жилдларини ҳам олиб ўқиш шарти билан бир кито-
бини тақдим этди. Зумрад буни ҳам каноп билан танғиб
олди. У бу ёқимтой қария берган китобнинг оғирлигидан
хурсанд эди.

Бобош уй эгаси билан бир нималарнидир гаплашиб
бўлгунча, Зумрад Мастура хола билан танишиб олди.
Уни ўз онасига ўхшатиб, кўнглидаги анчагина гаплари-
ни ҳам айтиб юборди. Қизнинг ошхонада ишлашини эши-
тиб, ошпаз Мастура хола ҳам уни ўзига яқин олди, паль-
тосига учта тугма топиб берди.

Мастура хола асли Истра Дмитриевна эканини ал-

лақачон унутиб юборган, ўзбекчада, соф жонли тилни мақол-маталлар билан бежаб-бежаб гапирарди.

— Пальтонгиз қизил экан, мана, қизғишни тақиб олинг, қизим, ана у магазин ўлгурники ярашмабди.

Бобош гапини тугатгач, бирдан фавқулодда қувноқлик билан Зумраднинг қўлидан тутди. У қизни негадир доим ёш боладек етаклаб юргиси келарди. Шовқин-сурон билан хайрлашиб чиқиб кетдилар.

— Сен биз рабочийларнинг одатини тушунишнинг керак, Зумрад,— деди Бобош кўчага чиққандан кейин, шюшиб кутубхона томон боришаркан.— Хафа бўлмайсан, мен бор гапни Исмоил акага ҳам айтдим.

→ Яхши одам эканлар.

— Ҳа-да. Мен сени бу ерда кечаларни Қултой калла ёнида ёлғиз қолдирмайман. Исмоил ака билан келишдик. Биз билан довонга жўнайсан.

— Нима қиламан у ерда?

— У ерда ҳам ошхона бўлади. Мастура хола билан бирга кечқурунлари овқат пиширасизлар.

— Менга рухсат беришармикан?

— Рухсатни мен ўзим сўрайман.

Зумрад довонда қандай иш бўлишини Бобошнинг ҳикоясидан тасаввур этарди. «Бу қурилишнинг энг долзарб жойи, буни ҳали газеталарга ёзадилар!»— деган эди Бобош. Совуқ шабададан сахро тебрангандек бўлди. Зумрад узоқларга тикиларди. Булут тарқаб, тун бирдан ёришиб кетган. Зумрад ўзи ҳақида ўйлайди. У бир оқшомда катта йўл босиб ўтгандек эди. Ҳали Бобош билан олдларида қанча оқшомлар турибди.

Улар тахта зинадан ёруғ вагонга чиқиб бордилар. Бу ерда полда ҳам, рафларда, столларда, деразаларда ҳам уюм-уюм китоблар тартибсиз сочилиб ётарди. Улар орасидан аранг йўл топиб, энсизгина якка чўп орқали иккинчи вагонга ўтдилар. Бу ерда ҳам катта чироқлар ёнар, поллар янги ювилган, иссиқ, китоблар эса қатор рафларга хиллаб терилган, вагоннинг ярмини эгаллаган узун столларда тўрт-беш одам газета-журнал варақлар, Мария Власовна баланд шкафдан тагидаги столида кичкина-кичкина тўртбурчак қоғоз парчаларига нималарнидир ёзиб ўтирар эди. Китоб кўтариб келган ёшларни кўриши билан ўрнидан турди.

— Баракалла! Баракалла!— деди жуда хурсанд бўлиб. Оқиш кулча юзидаги майда ажинлар кулгисидан

таралган нурларга ўхшарди. Зумрад уни қандайдир тасаввурлар тақозоси билан Надежда Константиновна Крупскаяга ўхшатди.

— Қелтирган китобларингни рўйхат қилинглар.

— Қани, ўтир, Зумраш!— деди Бобош. Зумрадни бу ёруғ, озода, жимжит жойнинг эзгу салобати босган эди, курсига омонатгина ўтириб ёза бошлади. Бобош китобларнинг сарлавҳасини айтиб турди.

Мария Власовна уларнинг бир-бирларининг кўзларига сирли ёшлик туйғуси билан ялт-юлт қарашларини ҳавасланиб кузатар эди. Зумрад дегани шу экан-да? Қандеккииши ширин қиз. Бобош тушмагурнинг айланиб-ўргилганича бор экан. Қим айтади уни кўпни кўрган, алданган деб? Одам боласи доим шунақа экан — ёшликда тажрибасиз, энди тажриба орттирдим деганида, ёшлик таровати сўла бошлайди...

— Боринглар, энди ўйнанглар,— деди Мария Власовна рўйхатни оларкан.

— Мама, биз сизга қарашворсак деган эдик— деди Бобош бармоқларини қарсиллатиб. Зумрад ҳам кетгиси келмагандек илтижо билан қаради.

— Бўпти,— деди Мария Власовна.— Унда нариги хонага ўтамиз.

Иккинчи хонада полдаги даста-даста китоблар орасига кириб ўтирдилар. Булар ҳаммаси адабий асарлар бўлиб, барини алфавитга қараб саралаш керак эди. Зумрадга бу иш жуда кўнглили туюлди. Мария Власовнанинг рўпарасига бемалол ўтириб олиб, ҳар бир китобдан нимадир кутгандек, номаълум бир ширин ҳис билан битталаб қўлига ола бошлади. Уларни ҳозир бирдан ўқиёлмаса ҳам бу сирли оламлар энди гўё уники эди.

— Ҳозир нима иш қиляпсан, қизим?

— Идиш-товоқ юваман...— деди Зумрад бошини кўтармай.

— Ўзимизнинг ишчи болаларнинг идишими, ахир? Орқиладиган жойи йўқ, болам, улар меҳнатининг қадрига етишади,— деди Мария Власовна қизнинг ўнгайсизланганини кўриб. Китоб муқовасига тикилган кўзларининг атрофи қорамтир тусга кирди. Сояда ажинлари чуқур-чуқур бўлиб кўринарди.— Бу касбни мен ҳам қилганман ёшлигимда. Лекин мен текинхўр савдогарнинг ҳаром товоғини ювардим...

Бу содда аёл олдида Зумрад кўп ўтмай ўзини анча

эркин сеза бошлади. Қитоблар устундай уйилар, Бобош уларни юқори рафларга териб турар эди.

— Ленинни кўрганингиз ростми, Мария Власовна?— деб сўради Зумрад дадилланиб.

— Кўрганман, Зумрад. Лекин у вақтда гўдак эдим. Бобош келиб, уларнинг ёнига чўккалади.

— Нуқул шунақа дейсиз. Қайтага яхши эмасми, бола вақтдаги ҳамма нарса яхши эсда қолади. Мама, гапириб беринг...— деб ялинди у.

— Аммо тўғри айтасан,— деди Мария Власовна ҳор-гин кўзларини бир нуқтага тикиб.— Ёнида уч минутгина ўтирган бўлсам ҳам, худди ҳозиргидай, бир умр ёдимда. Фақат, бунни камдан-кам одамга гапирганман. Сўзлай бошласам, қандайдир ноёб зарраларни йўқотиб қўяётгандай бўламан. Азиз хотираларни одам гоҳи дилида ардоқласа ҳам яхши бўлар экан. Ҳа майли, сизлар учун айтсам, айта қолай. Ҳар нарсага ташна пайтинглар...

Ота-онам вабодан ўлгандан кейин, Самара яқинидаги Батраки қишлоғидан яланг оёқ чиқиб, пойтахтга бориб қолдим. Катта ҳовли-жойли извошчи бойларнинг идиш-товоғини ювиб, даҳлизда ётиб юганимда, ҳар кунни шу ердан ўтадиган бир хотин отимни сўраб қолди. Жуда юпун эдим, оёқларим ёрилиб кетган, ўн бир яшар етимчаман, урган уради, тепган тепади, лекин ўша хонадонда беминнат югурдак-дўстёр эканимни бу хотин ҳам билар экан шекилли: «Мен билан юрасан, бошқа иш топиб бераман», деб қолди. Менга ачинган одамга дарров кўнгиш қўядиган одатим бор эди. Бу хотин қора костюм, узун кўнжли баланд пошнали ботинка кийган, юзи ўзимизнинг қишлоқ хотинларидек содда, ёноғи ҳам, пешонаси ҳам кенг, одамнинг дили тортадиган аёл эди.

Мени етаклаб кетди. Ишлайдиган идорасига олиб бориб, бир диванни кўрсатди: «Шу ерда ёта турарсан» деб. Иккинчи кун оёғимга ботинка билан пахталик нимча олиб келди. Кийинтириб бўлгач, нима иш қилишим кераклигини тушунтирди. Бу ер газета идораси экан, ҳамма хоналарда столлар, ёзадиган машинкалар, даста-даста тикилган газеталар, говур-гувур одам, бири бурнунини чимчилаб кетади, бири тегажаклик билан «пучуқ» деб чақиради. Ҳаммаси яхши одамлар, иш буюришса жон деб югураман. Фақат Маша хола мени «Машенька» деб чақиради. Мен асосан Маша хола берган қоғозларни босмахонага олиб бориб, у ердан янги босилган газета

саҳифаларини олиб келишим керак. Бунга дарров ўрганиб олдим, босмахонага кунига ўн марта югурсам ҳам чарчамайман. Маша холага ҳам ёқиб қолдим, гоҳо бирга нонушта қиламиз...

Шундай қилиб, «Правда» газетасида курьер бўлиб ишлай бошладим. Маша хола, Мария Ильинична, газетанинг масъул секретари эди. Унинг Лениннинг синглиси эканини кейин билиб олдим.

Бир куни Мария Ильинична: «Машенька, бир жойга борамиз», деб қолди. У ўша кунлари жуда хафа, серташвиш кўринар эди, дарров отлана қолдим. Дўконда қиммат-қиммат мевалардан саватга тўлдириб олдик. Аввал файтонда, кейин поездда бориб Герасимово деган жойда тушдик. Анча пиёда юрганимиздан кейин бир баландликда олди томони олтита мармар устунли бипоқ иморат кўринди. Йўлкалар кураб қўйилган экан, икки томони бўй баробар қор. Янги пиймаларим билан топ-тоза қорни ғарч-ғурч босиб, саватчани кўтарганча гизиллаб кетяпман. Фақат Мария Ильиничнанинг чиройи очилмайди. Бунинг сабабини мен ичкарига кирганимдан кейин билдим. Ленин қаттиқ касал экан, биз уни кўргани борган эканмиз. Мен қувонишни ҳам билмайман, хафа бўлишни ҳам. Даҳлизда, залда савлатли, катта одамлар бир-бирлари билан гаплашишмай, дераза тагида, устунлар орқасида жафаҳол туришибди. Уларни Лениннинг олдига киритишмас экан шекилли, на кетишни, на қолишни билмай, ниманидир кутишарди. Ҳамма жим. Эшикдан эшикка ошиқиб, шипиллаб ҳамширалар юришибди, холос.

Бизнинг киришимизга дарров рухсат беришди. Ҳеч кимни киритишмас экану, бизга рухсат беришди. Пиймаларимизни яхшилаб қоқдигу кирдик.

Мен Ленинни у вақтда, жуда катта одам, деб эшитган эдим. Шунинг учун унинг мана шундай оддий темир каравотда мажолсиз ётиши мумкин бўлган, ранги кетгай-оқ, чўққи соқолли бир оддий касал киши эканини, агар ҳозир кўриб турмасам, сира кўз олдимга келтиролмасдим. У ётган жойида синглиси билан ўпишиб кўришди. Мария Ильинична унинг гапириши мумкин эмаслигини билар эди, чеҳрасига меҳр билан қараб, манглайини силади ва кулимсираган кўзларидан «Яхшиман, хавотир олма», деган маънони уқди-да, мени бемор ёнига ўтқазиб, ўзи меваларни чайгани кетди. Мен ўтирибман. Ёнимда Ленин ётибди. Қимирлагани ё бир нарса

дегани юрагим дов бермайди. Унинг ёнига ҳеч кимни яқинлаштирамаганлари ҳолда, мени бу ерга ўтқазиб қўйганлари, афтидан шундан эдики, мен билан жиддий гапларни гаплашиб бўлмайди, мен уни безовта қилмай, ёлғиз қолдирмай ўтиришим мумкин.

Бир вақт қарасам, менга кўз қисяпти. Яқинроқ силжиб ўтирдим.

— Отинг нима?— деди шивирлаб.

— Машенька,— дедим. У куч йиғаётгандай индамай олди. «Машенька», деди пичирлаб. Бу номни яхши кўраркан шекилли. Синглиси ҳам Машенька эмасми! Яна такрорлади. Отимни бу буюк одам шундай меҳр билан айтдики, унинг ожизона ётганига ачиниб, кўзимдан ёш чиқиб кетди:— Сизга душманлар ўқ уздими?— деб сўрадим.

— Ҳа, Машенька, душманлар мени отмоқчи бўлишди,— деди. Ўзи, докторлардан хавотир олиб бўлса керак, эшикка қараб қўйди. У қаердадир оғриқ сезганиданми, кўнглига ғазабли фикр келганиданми, қошларини чимирди.— Лекин биз уларни йўқотамиз. Сен бахтли бўласан, Машенька. Биз ўзимиз ўлсак ҳам, уларни йўқотамиз...

У аниқ шундай деб айтдики, бошқачароқми — эслолмайман. Лекин у мендай бир бола билан ҳам шу мазмунда, энг катта масала ҳақида гаплашгани ёдимда.

Шу пайт Мария Ильинична келиб қолди, ликопчадаги ювилган меваларни Ильичнинг столига қўйиб, мени ташқарига имлади. Унинг кўзлари қизариб кетган эди.

Ушандан кўп ўтмай, Владимир Ильичнинг вафот этганини эшитдик. Бутун дунё мусибатда-ю, менинг бутун ғамим: Мария Ильиничнага дуч келмасам, дейман. Негадир унинг йиғлаб қизарган кўзларини кўришга юрагим бетламасди. Отам билан онам икковлари бир кунда ўлган. Ушанда ҳам шундай қақшаган эмасман...

Кейин мен кўп марта, деярли умр бўйи, энг қийин дамларда Лениннинг ўша сўзларини эсладим. «Биз ўзимиз ўлсак ҳам, уларни йўқ қиламиз. Сен бахтли яшайсан, Машенька». Бизни деб, балки мени ҳам деб, Лениндек одам, яна қанча-қанча буюк кишилар бевақт ҳалок бўлди, биз уларга муносибмизми?.. Баъзан — ҳа, дегинг келади, баъзан — йўқ.

— Ма-ма!..— деди чўзиб Бобош, «Нега бундай дейсиз?» деган оҳангда, Мария Власовнанинг елкасидан қучиб.

— Мен фақат ўзимни гапирётганим йўқ, болаларим,— деди Мария Власовна Бобошнинг саватдек жингалак сочини панжалари билан тўзғитиб.— Биз авлод-ма-авлод ҳаммамиз бир занжир. Биринки — мингга, мингники — туманга, деган гап бор. Катта сафларингдан қолманглар. Кўпчиликда нимаки хайр-саховат бўлса, барчаси сизларники. О, сизлар жуда бойсизлар!..

— Нега, мама?..

— Нега бўларди... Мана, Зумрадни севасанми, ахир?

— Мен-чи, очигини айтсам, фақат у билан учрашиш учун туғилгандайман,— деди Бобош... Зумрад лоладек қизариб ўтирарди, қўлидаги китоб билан юзини тўсди. Мария Власовна ҳазиллашди:

— Вой, мен сени тупроқдан олтин элаб олиш учун туғилгансан, деб ўйларканман.

— Йўқ. Зумрадни учратиш учун туғилганман. Фақат, бу ҳақда гапирилмайди. Сизгагина айтяпман, ма. Ахир яшаш учун нафас оляпман; демайди-ку одам...

Улар гап билан бўлиб, вақтнинг ўтганини билмай қолишган экан, бирдан дизель тўхтаб, чироқлар ўчиб қолди. Ёшлар кутубхонани қулфлаб, Мария Власовнани уйингача кузатиб қўйдилар. Зумрад йўл-йўлакай чурқ этмади. Хайрлашаётганда бирдан Мария Власовнанинг қўлини ўпиб, йиғлаб юборди. Эна ҳам индамай, бошини силаб қўя қолди. У биларди: бу — бахт кўз ёшлари...

Қайтишда Зумрад бутун ихтиёрини севгилисининг қўлига топширди.

— Мен билмадим, Бобош...— деди у бўшашиб,— сизларнинг гапларингизга ўргана олармиканман...

«Сизлар». Демак... ҳали бу қувонч ёшларигина эмас. У ҳамон нимадандир хавотирда, гараддудда...

— Сизлар-бизларинг нимаси? Уялмайсанми!..— деди Бобош уни елкасидан қучиб йўлга бошларкан.

16

Заргаров Аббосовни йўлакда учратиб қолди. Индамай ўтиб кетса бўлмасди. Саломлашиб ўтирмаслик учун дарҳол ишдан сўз очди:

— Маткаримовнинг ҳужжатларини тўхтатиб қўйиб-сиз, Шоаҳмад Аббосович, биз кутиб туролмаймиз...

Аббосов, ишни шу ерда гаплашамизми, дегандай ёйиқ жилмайди-да, чиройли ишора билан кабинетига бошлади. Заргаров область ижроня комитети раисининг кабине-

тига ҳеч кирмаган экан, саҳронинг бутун лою тўзонини бошлаб келгандек, оёқ босгани ийманиб, ўнғайсизланиб қолди. Аббосовнинг кабинетида ҳам, худди уйдагидай, шафтоли гули рангли дарпардалар туширилган, ташқарида эндигина қизариб тонг отаётгандек тасаввур берар эди. Бу роҳатбахш, кўзга беозор рангни топганини!

— Кон директорининг маърузаномасини айтяпсизми?— деб сўради Аббосов меҳмонга жой кўрсатиб.

— Ҳа, бизга мрамр керак.

Аббосов хотиржам жилмайди.

— Қизиқсиз, Мардонқул. Ишчиларингиз вагонда қишлашяпти, посёлка қурилишлари тўхтаб қолган, сиз бўлса мрамр қасрлар ҳақида хаёл сураеиз.

— Хаёл яхши-да,— деди Заргаров.— Уни қоғозга ўхшатиб галадонга яшириб бўлмайди. Очигини айтсам, ҳужжатларни шунчаки сўрадим. Яширсангиз яширма-сангиз, мрамр кони запасларини саҳрода қуриладиган янги шаҳарлар учун барибир оламиз.

— Менга деса бутун саҳрони олинг. Сизга ҳукмронлик керак бўлса, бутун областни олинг, Мардонқул. Фақат менга нега дағаллик қиласиз? Биласизки, мен сизга энди ҳеч нарса деёлмайман, афсуски, шундай бўлиб қолди, тилим қисик...

Заргаров, қалбида қилдек бир нарса узилиб кетгандек, аллақадерини дард ёғимлаб, бошини кўтаролмай қолди.

— Соғлиғи тузукми?..— деди синиқ оҳангда, секин.

— Яхши, раҳмат,— деди Шоаҳмад табассум билан.

Ажабо, қиёматлик душмани билан гаплашганда ҳам дилидан бахт-саодат ёғилиб туради-я, қанақа одам ўзи бу!

— Очигини айтинг,— таваккал қилиб сўради Заргаров,— яхши кўриб тегдими?

Аббосов ўрнидан туриб уни аста тирсагидан ушлади, ўзича яхши, юмшоқ муомала билан ҳар кимни ҳар нарсага кўндириш, ҳар қандай ғазабу изтиробни босиш мумкин, деб ўйласа керак. У Заргаровнинг шиддатли одам эканини билар эди, лекин, унингча, ширин сўз ва табассум олдида шиддатли одам йўқ.

— Ҳа, яхши кўради...— деди Заргаровни қўлтиқлаб олиб юмшоқ гиламни аста босаркан.

— Ўзингиз-чи?

— Мм... мен ҳам яхши кўришни яхши кўраман,—

дея, сўз ўйинини бошлаб юборганига ўзи ҳам қойил бўлиб, яйраб кулди Аббосов.

Заргаров ичидан қайнаб кетди. У Фотимани ўйламас эди, Фотиманинг дардида қайнаб-тошиб бўлган. У мана шу ўзини қўлтиқлаб олган одам ҳақида ўйларди. «Яхши кўраман», деган сўздан қочиб, ҳазилга бурди. «Яхши кўради»ни оғиз тўлатиб айтди. Заргаров уни эндигина хиёл тушуниб келяпти. Аббосов, «Севаман», дейдиганлардан эмас, «У мени севади», дейдиганлар хилидан. «Яхши кўришни яхши кўрар»миш. Фожиани ҳам эрмакка айлантиради.

Аббосов Заргаровнинг бу ерга ишга келган кунлариёқ у билан муроса қилолмаслигини, «ё сен, ё мен» бўлиб қолишини билар эди. Шунинг учун Фотиманинг хатоси унга қўл келди. Тоби айниб юрган вақтда уни ўзига қарата олди. Чунки бу кейин иш юзасидан Заргаров нима деса ҳам, «хотини учун қасос оляпти», дейишга баҳона бўларди. Заргаров энди тушуняпти. Шоаҳмад Табассум шунисигача ўйлаб қўйган экан. Унинг ўзинигина эмас, муҳаббатини тушуниш учун ҳам анча зукколик керак.

— Сизни кўпдан бери бир кўриб гаплашмоқчи эдим,— деди Аббосов тасалли оҳангига кўчиб.— Хафа бўлмаслигингиз керак, ёш бола эмасмиз. Ҳис-туйғу деган нарсага тизгин солиб бўлмас экан. Турмушда мундай ҳодисалар кўп бўлади.

— Ҳис-туйғуни қўй. Кел, энди ўртоқларча бир гаплашайлик бўлмаса,— деди Мардонқул унинг атир ҳиди келиб турган бағридан тирсагини суғуриб олиб.

У Шоаҳмадни ташқарига бошлаб чиқди. Бинонинг орқа томони катта боғ, яланғоч дарахтлар орасидаги асфальт йўлкалар катта йўлга олиб чиқади. Улар кимсасиз сўқмоқларда ўтган куздан қолган япроқларни шитир-шитир босганча ёнма-ён юрдилар. Шоаҳмад унинг тўсатдан «сен»лаб қолганидан хавотир олса ҳам, сир бермай жилмаяр, «Бир гаплашмоқчи эдим», деб ўз тилидан илинганини ўйлар эди.

— Жуда яхши биламан,— деди Мардонқул,— сен менинг ўзимга ҳам, ҳамма қилган ишларимга, режаларимга ҳам қаршисан.

Шоаҳмад ажаблангандек кифтини учириб, қўллари йиди:

— Мен бирор жойда сенга қарши гапирдимми?

— О-о! Менга қарши гапирган одам курашни бўйнига олиши керак. Сен узоқ яшамоқчисан. Эҳтиросларини ҳуда-беҳудага исроф қилмасдан, аста-секин судралиб юрганидан тошбақа ҳам санг пўстида уч юз йил яшаркан. Лекин сен тошбақа эмас, одамсан. Сенинг сайғ пўстинг — табассум. Газеталарда буни, мешчанликнинг бир тури, деб ёзишади. Бизнинг давримизда тошбақа яшайверади, лекин мешчан — йўқ... У яшаш учун жой қидириши керак, қидириш эса турган-битгани ташвиш. Шунинг учун сенинг фалсафанг тугади, Шоаҳмад. Кечирасан, энди сенга ҳам жиндак ҳаяжоңланишга тўғри келади. Қалқонингни кўтариб, очиқчасига курашга чиқ, бўлмаса йўлдан четлан:

Шоаҳмад индамай қолди. Унинг табассуми эндигина сал сўла бошлаган эди.

— Ҳар ким ҳар хил ишлайди,— деди у оҳиста. Ажаб-ки, унинг товушида ҳамон эътироз асари сезилмас эди.— Биз ҳаммамиз ҳам, одам яхшилик кўрсин, деб курашамиз. Аммо одам сал дурустроқ, хотиржам яшай бошласа — дарров мешчанга чиқарамиз.

— «Курашамиз» дедингми?

— Хўп, сен айтганча бўла қолсин, фақат сен курашасан. Лекин сени уйқусиз, лойға-чангга ботиб, азобда яшашга ким мажбур қиляпти? Қаерда ташвиш, жанжал, ишқал бўлса — ўзингни урасан, қаёқдаги хаёлий гапларни қўзғайсан, ўз терингга сиғмайсан. Сени ким мажбур қиляпти? Оламда шундай нарсалар борки, уларни кўрмаган маъқул. Кўрмадингни — улар йўқ. Босмасанг, бақа ҳам «вақ» этмайди. Уни босишга сени ким мажбур қиляпти? Менми? Нега мендан аламингни оласан?

— Билмадим,— деди Мардонқул тинкаси қуриб. Шоаҳмад унинг бўшашганини кўриб, давом этди:

— Бу дунёнинг ташвиши деб ўлайликми энди? Отабобо, аждодларимиз ҳудди шундай, умргузаронликни орзу қилиб яшаган. Инсон табиасти менинг тарафимда. Биз рисоладаги, таомилдаги одамлармиз. Хўш, сенга ўхшаганлар-чи? Сенлар бизнинг анъаналаримиз ўрнига нималарни олиб келяпсанлар? Сектантликними, сўфизмними, олам лаззатларидан воз кечишними?.. Булар бари эскиб қолган-ку, биродар?

— Ҳаёт бор — мудрашдир, ҳаёт бор — кураш! Қадим замоннинг бир буюк шоири шунақа деган. Иш, ҳа-

ракат, интилиш — булар бари азалий ҳам абадий. Ҳаёт — шунақа. Биз — бутун бир жамиятмиз?

— Биз кирмаймизми у жамиятга?

— Афсуски, сен ҳам кирасан... Биз саҳрони уйғотдигу сени уйғотолмаймиз шекилли.

Заргаров суҳбатдошини яланғоч боғ ўртасидаги сўқмоқда, ярим йўлда ташлаб, шартта жўнаб қолди. Йўл-қада унинг изидан қуруқ хазон гўжғон ўйнарди.

У саҳрони бир-икки ойдан бери самолётдан кузатмаган эди. Бугун ҳаво ўта тиниқ келиб, қурилишларнинг юзлаб километрлик кенг манзараси худди кафтдагидек кўз ўнгидан ўтди. Тақирлар ўйдим-чуқур бўлиб кетган, пастак тепаликлар бағридаги илон изи йўлларда занжирдек тизилган шатакли машиналар контейнерда ускуна ташийди, қаердадир янги котлованлар портлатилди; онда-сонда оппоқ иморатлар ер бағридан ўсиб чиққандек кўзга ташланиб қолади. Қувурлар, темир йўллар, каналлар саҳро сатҳини эни бўйига чизиб-тилкалаб ташлаган. Бир жойда — қишқи қуюнлар пастлаб ўрмаласа, бир жойда — булутдек тутун кўтариб ковул ёнади, шимол уфқига кўз солсангиз — узун-узун қўтонлар, қўй қишловлари, оқариб ётган қор парчалари, тоғлардан жилдираб тушаётган, эртами-индин қуриб қоладиган жилғалар, атрофи эса баҳордагидек ям-яшил.

Ҳеч қаерда қилган ишинг саҳродагидек «манаман» деб кўришмайди-да. Узинг эккан дарахт кўзга яқин кўринар экан. «Қандай яшаш мумкин бу ерда? Ҳамма нарса қум устида-ку. Бутун ҳаёт қум устида?..» деган эди Саодат анави келганида. Ҳаётни қаёқдан билсин у шумтака? Ҳаёт бу ерда мустаҳкам заминини топган. Заргаровнинг ўз ҳаёти ҳам энди тамоман унинг йўриғига тушибди. Шу саҳро борки, у ҳам бор. Аббосов эса даврга чап бериб узоқ яшашга уриниб юрибди. Асли, узоқ яшаш — мана шу қайноқликда эмасми? Шунинг учун Заргаров умри қисқа бўлиб қолишидан қўрқмайди. У мана шу беҳаловат борлиққа шу қадар киришиб-чатишиб кетганки, бу бетиним гулдурсода унинг ўз конкрет ҳаёти қаерда бошланадию қаерда тугайди — бунинг аҳамияти йўқ. Саҳро азалдан мангулик рамзи ахир. Эндиликда эса бу мангулик ажаб мазмунли. Олтин кўриқ — бу ер. Саҳро тирик, у одамларга, замонга лоқайд эмас, унинг дардли, қувончли тақдири бор. Буни одам

барпо қилди, унга ўз нафасини уфурди, ўз ҳаётини боғлади. Унинг ҳаёти шу ободлик билан абадий. Ҳаёт — ўлим — абадийлик — мана одамнинг формуласи, ҳурматли Шоаҳмад Аббосович! Сиз бўлса қўлдан кетган эски, патриархал мажмағил толени қўмсайсиз. Сокин идеал, танбал ақидалар...

Заргаров шу ўйлар билан ўз кўнглини кўтариб, манзилга етиб келди. Қўнган жойида бугун эрталабдан довул бўлиб ўтган экан, ҳамма жойда сув бочкалари, палаталар, чодирлар, қапа-чайлаларнинг қамиш томчалари, учиб келган тахта, тунукалар сочилиб ётар эди. Юқори қувватли сим тирговучларини кўтараётган энергетиклар тракторлар соясида, гулхан атрофида ёстаниб ётиб... шампан виноси ичишарди. Ҳамманинг олдида шаша Заргаров ҳайрон бўлди. Бу нима? Вайронада базм?

— Келинг, начальник, қиттак-қиттак отайлик! — деб кулишди ширакайф йигитлар.

Заргаров сурштирса, довул сув бочкаларини тўнтариб, буларнинг сўнгги запасини қумга сингдириб юборган экан. Чанқаганлар сув келгунча чидамай, омбордан шампан виносини яшиги билан кўтариб чиқишибди.

— Ташналикни босарканми-а? — дея Заргаров ҳам шўх бир улфат ёнига ўтириб, икки бокални кўпиги билан шимирди. Ҳар бир кўнгилсиз ҳодисани ҳам ўйин-кулгига айлантирадиган бу йигитлар даврасида яна димоғи чор бўлди.

Қурилиш материаллари комбинатида бир бефаросат дуч келмаганда, Аббосов билан учрашувдан қолган дилхиралик тамом кўтарилиб кетадиган эди-ю, бўлмади.

Комбинатда пойдеворга бетон қуюшаётган экан, қумга пойдевор ўрнашгунча бетонни роса шиббалаш керак. Заргаров вибратор билан ишлаётганлар ичида иккита-учта аёлни ҳам кўриб қолди. Иккитаси йигитлардек барваста, шим кийиб олган, эркакларнинг гап отишларига дадил-дадил жавоб бериб, гоҳо чинқириб кулар эди. Учунчиси эса нимдошгина, қизил камзул кийган қишлоқи жувон, уч-тўрт ойли ҳомиласи билиниб турарди. Бетон ичида баланд кўнжли этигини базур судраб вибраторни силжитар экан, юшқагина жуссаси қалтирар эди. Бунни кўрган Заргаровнинг газабдан пешонасига тер чиқиб кетди. Жувонни чақирди. Жувон ҳам вибратор билан этигини қолдириб, каскасини қўлига олди-да, юзини арта-арти етиб келди.

— Сизни ким қўйди бу ишга?— деб сўради Заргаров.

Заҳил юзи бўғриқиб турган жувон ерга қаради. Индамади.

— Отингиз нима?

— Жамила.

— Жамила, сизни бу ишга қайси бекфаросат қўйди деяпман?

Жувон отини айтиб чақирган бошлиқ олдида ўзини тамом йўқотиб қўйди, қоматини яширишга урингандек ўнғайсизланди, юзига қон тепди. Макканинг сўтасидай чўтир прораб йўрғалаб етиб келди.

— Биз билмаймиз, ўртоқ начальник, бизда, уни олинг, буни олманг, деган кўрсатма йўқ.

— Ишдан ҳайдаб юбораман, прораб! Гарчи қурилишда ҳар бир одам бўйи баробар тилладан қиммат бўлса ҳам, мен сени ҳайдайман!— деди Заргаров уни четга тортиб.— Виждон борми сенда?

Можарога одам тўпланиб қолган эди.

— Буни эри қўяди бу ишга! Уша ярамасдан сўраш керак!— дейишди атрофдан.

— Эри ким?

— Ҳожимат қурумсоқ!

— Вибраторда пулни кўпроқ ишлайди-да. Узи сувоқчи эди: Жамила!

— Эри мажбур қияпти! «Пул ишла», деб ҳоли жонига қўймайди шўрликнинг.

— Бир тийиннинг устида ўлиб қолади, зиқна! Аллақаери билан қисиб олишга тайёр.

— Ифлос одам. Ушани ҳайдаш керак, начальник!

Жамила аллақаёққа жўнаб қолган эди. Заргаров дарров машинага чиқди-ю, карьер очиш жойига қараб кетди. Давангир, сочлари патак бўлиб кетган Ҳожиматни қидириб топди. У самосвалда ишлар, бу ерда ўзининг зарур одам эканини яхши билар, ҳақини таниган эди.

— Менга қаранг, биродар,— деди Заргаров уни кабинадан тушириб.

«Кўриб қўйинглар, бизга бошлиқнинг ҳам иши тушиб туради», дегандай, атрофдаги экскаваторчи шерикларига гердайиб қараб, Ҳожимат катта қўлқопини аста белига қистирди. Заргаров унинг гавдасини чамалаб, Жамилага роса учта келишини ўйлади.

— Сиз, акаси, бизнинг қурилишга ярамайсиз!— деди қатъий.

— Қандай қилиб?— дея қoшнини чимириб, чанг қўнган киприкларини пирпиратди Ҳожимат.— Сиз ярайсизу биз ярамаймизми? Ёки мана бу карьерни газигингиз билан сиз кўтариб ташладингизми, ўртоқ начальник?! .

— Майнавозчиликни йиғиштириб, ариза ёзинг!

— Нимага? Ё нормани бажармаяпмизми?

— Одамгарчиликни нормалаштириб бўлмайди,— деди қизишмасдан Заргаров.— Оғироёқли хотинингиз пул ишлайди, сиз туфлаб тугасиз! Вибраторда эртага ҳомиласи нобуд бўлади-ку, ноинсоф! Мана бу йигитлар ор қилади сиз билан ёнма-ён ишлагани. Йигит номига, эр номига, ота номига иснод! Нафс шунақа ваҳшийми? Шундай ювош, дилбар жувоннинг муҳаббатини пулга чақибсиз. Кўзми ё икки чақалик пулни бу пешонада?

Ҳожимат ўртоқларни орасида ерга кириб кетаётган бўлса ҳам сир бермади:

— Ерга ураверманг, мансабим бор деб...

— Менинг энг юксак мансабим — одамийлик,— деди Заргаров қизишганча.— Мен, сизга инсонча гапиряпман, кўриб турибсиз, бақираётганим йўқ. Биз бу ерда коллектив тузаяпмиз, бундай ваҳшиёна ахлоқингиз билан сиз бизга эл бўлолмайсиз, гап шу.

Бу пайт қаёқдандир Жамила етиб келди, у четроқда ер остидан қараб, қулоқ солиб турарди. Ҳожимат у томон интилганда, Заргаров, овози ўзгара тушиб, ганини тугатди:

— Уйлаб кўринглар...— дея кескин қайрилиб машинаси томон йўналди.

Кечқурун Жамила уйда ўртоқларни олдида мулзам бўлган эрининг кўнглини олиш йўлини изларди. Ҳожимат бўлса, дили қоп-қоронғи, ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам, хотинидан ҳам нафратланиб, ич-этини еб ўтирди, ювиниб-таранган Жамила унинг оғзини пойлаб, маътал бўлди. Эрининг қош-қовоғидан ҳайиқса ҳам, майин қараб яқинроқ келди, суйкалди. Сездики, ҳозир Ҳожимат уни силтаб ташламайди. Бундай паллалар улар орасида онда-сонда бўлса ҳам рўй бериб турарди.

— Ўзингиз ҳам шу... шу пул ўлгурни мунча йиғавермасангиз,— деди Жамила ялингандек,— маломатга қолиб. Ўлмас эдик, юрардик ҳамма қатори. Ҳамма балоқазо шу одатингиздан.

— Ҳап тур!— деди Ҳожимат.— «Бошқалар қатори» эмиш! Сен хомкалла, ўша «бошқалар»ни биласанми? Нимаси бор уларнинг? Устида пўшаги йўқ, остида тўшаги, дегандай, ҳафтада қаён қозону чакса унсиз қўш танур. На уй-жой, на орзу-ҳавас, на жонининг роҳати... Эрта туради, кеч ётади, иш, таралла, кун ўтса бўлгани! Сен билан бизнинг бўлса, йўригимиз бўлак!— У ўтирган жойида хотинининг белидан олиб, кичкина жусса сини яқинроқ тортди:— Бизнинг ҳамма нарсамиз тўкис бўлади. Чангакда гўшту. пойгакда кавуш, ўрада сабзю қўрада кўмир, ана чойдиш, худога шукр, ана қопқоғи... Нимаси ёмон, айт-чи, бахтинг бут, тўрт кўз тугал. Эртаниз ҳам, эркимиз ҳам, тинчимиз ҳам, тилимиз узунлиги ҳам... Бунинг бари — мапа шу пул. Мен ҳали улар билан кейинроқ гаплашаман. Хўп, ҳозир айтганини қилиб турайлик. Сен, майли, эртадан бошлаб сувоғинга чиқавер.

Жамила унинг қучиши, овозининг мулойимлигидан кўнгли бузилиб, йиғламсираб шивирлади:

— Мен пулингизга қарши эмасман, фақат бола...

— Бола ҳам пул, эси паст. Уни боқиш керакми?

— Шунақа-ку, гоҳо урганларингиз...— Шундай пайтда беозор таъналар қилиб олишга журъат этди Жамила.

— Вой жинни,— деди Ҳожимат ҳам. Унинг бундай рўйхуш бериб қоладиган пайтлари сийрак бўларди.— Вой жинни, сени урган кунларим ўзимнинг чеккан азобларимни билсанг эди! Уради-ю кетади, деб юрасанми? Сендан баттар қийналаман, ҳа! Ҳаммаси ўтиб кетади, Жамила... Мўлжалдагини жамғариб олайлик-чи! Бери кел, мунча иссиқсан? Начальник ҳам пайқабди.. «дилбар» дейди...

Яна ўша. Яна ўша лаънати тугун. У Жамилага доим таҳдид солиб турарди. Лекин бесўнақай эрининг бағрида у бунга қарши ҳеч нарса деёлмади.

Бу вақт Заргаров ётоғида, серҳаяжон кундан сўнг уйқу ололмай, хаёли ҳар ёқларга кетиб ёлғиз ётарди. Бутун куннинг завқини сўндирди ҳалиги Ҳожимат деган сўхта. Унинг мижаросидан асаби нима учун мунча қақшади — ўзи ҳам билмайди. Муштипар Жамиланинг новдадеккина қадди ҳали ҳам кўз ўнгида қалқиб турибди. Аёл кишини эъзозлаб, унинг ҳусни кўркига таъзим қила билиш одамийликнинг бир нормаси экан шекилли-да. Йигитликнинг бу олижаноб фазилатларини шу қадар оёқ ости қилган бир пулпараёт хўрлигини келтириб, дилни хира қилди.

Ташқарида нимадир шовилларди. Ёмғирми, шамол деразаларга қум зарраларини олиб келиб уряптими, хуллас, одатдаги тун. Саҳронинг кўнгилсиз туни. Заргаров қоронғида қулоқ солиб ётиб, бирдан Зиёдани кўз олдига келтирди. Худди ўша сўнгги учрашувларида кўрганидек, оёқ учида туриб қўлларини юқори рафдаги китобга чўзган ҳолда гавдаланди Зиёда. Шу ҳолатда уни қучиши мумкиң эди. Лекин бундай саодатли лаҳза чақмоқдай уради одамни, журъат этолмади ўшанда.

• Ҳозир кириб келса, нима бўларди? У дафъатан келиб қолиши ҳам мумкин, у шундай қиз. Қора тунда кириб келиб қора бахмалдай майин товуш билан: «Вой, нима қилиб ётибсиз?» деса чўзиб... Заргаров туриб кетишига сал қолди. Уйқуси бутунлай қочиб, Зиёданинг қандай қиёфада кириб келишини тасаввур этишга уринди. Бу ажойиб лаззатли машғулот эди. Борди-ю, ҳозир пайдо бўлса, қандай кириб келардийкан? Қалта кўйлақда, ёш боладек қаҳ-қаҳ отиб кириб келса! Йўқ, узун оқ кўйлақда, қорача юзида ибо, сирли саволлар билан, кўзлари чарақлаб остонада аста пайдо бўлса. Ҳа, шу тасаввур қолди, капалакдек учмади. Ана, Зиёда турибди. У мағрур, баланд бўйли, Заргаровга ўзининг шоҳона кўркини ҳада қилмоқчидек... Йўқ, балки у бош эгиб кирар? Кўзлари ёшланиб, ийманиб, уялиб турар? «Сизни қийнамай, деб келдим...»

Шу пайт эшикда оёқ товуши эшитилди. Ўнгу туши аралашиб кетгандек, ширин хаёл оғушида ётган Заргаров бир сесканиб, қимир этмай қолди. Қулоқ осди. Балки унга шундай туюлгандир. Ундай деса — зум ўтмай эшикнинг бир тавақаси ғийқ этиб секин очилди. Лекин буни, тасаввур кучи, деб, ишонмай ётаверди. Эшик ғирчиллаб ёпилгандагина сергак тортди: хонага биров кирган эди.

— Ким?

Овоз анчадан кейингина, узоқдан келгандек эшитилди:

— Мен... Менинг отим Мамат, гражданин начальник.

Заргаров бир зум қимирлолмай, вужуди музлаб кетганини сезди-ю, яна бир дақиқадан сўнг ўрнидан туриб ўтирди.

— Мамат? Яҳёевми?

— Ҳа...

Ҳозир қаерга турибди у, пойгакдами ё Заргаровнинг

тепасидами? Ҳалигина ўз тасаввурларини ҳар хил рангда кўраётган Заргаровнинг кўзлари тиниб кетди. Йўқ, йўқ, кўзи тингани йўқ, хона қоронғи, ҳеч нарса кўринмаяпти. Ташқарида шамол ҳам тинди шекилли, жимжит. Заргаров яланг оёқ, пижамада ўтирарди: каравотдан туриши керакми-йўқми? Турса қаёққа боради, нимага бориб урилади? Нима қилиб юрибди бу одам бемаҳалда? Кўзларини бир кўрса, биларди.

— Чироқ ўша ерда... чап қўлингизда,— деди Заргаров хотиржамроқ бўлишга тиришиб.

Чироқ ёнди.

Мамат чиноқ остонада букчайиброқ турарди. Ҳўл пешматининг энглари узун, тиззасигача осилиб тушган; кўзи одатдагидек — ерда.

— Келинг,— деди Заргаров, чувәгини оёғига илиб ўрнидан турди, калтагина аврасиз барра пўстинини елкасига ташлади.— Келинг, ивиб кетибсиз-ку...

Мамат кепкасини қўлига олиб, бошини кўтарди, Заргаровнинг юзига қарадию яна кўзини ерга олди.

— Кечаси бемаҳалда келганим учун кечирасиз... Сиз билан гаплашишим керак эди,— деди.

Заргаров унга жой кўрсатди. Очиги, ўзининг тезроқ ўлтиргиси келар, ҳаяжонини босиб олган бўлса ҳам; негадир, тиззалари дармонсиздек туюлар эди. Мамат пешматини ечиб рўпарага ўтирди.

— Чой ичасизми?

— Ичаман, гражданин начальник,— деди Мамат сал дийдираб.— Сиз ҳам ёлғиз экансиз-да?

— Ҳа, ёлғизман...— Заргаров ўчоқни сал ковлаб, плитадаги иссиқ чойдан қуйди, чақмоқ қанд қўйди.— Исиниб олинг. Ёлғизлик буюкларнинг қисмати, дейишадди,— деб кулди у қайтиб ўтираркан.— Ёлғизлик ҳам яхши-ю, лекин унинг яхшилигини айтиш учун ёнингда биронта одам бўлиши керак экан.

— О, жуда керак, гражданин начальник! Керак бўлганда қандоқ! Баъзан атрофим бетон девор, қудуқда ўтиргандай бўламан, аслида — ён-верим тўла одам. Одамларнинг ичида юрасану, дардингни айтгани дардаш тополмайсан. Ёлғизлик мана шунақа, гражданин начальник.

— Сен мени «гражданин» деяверма, Мардонқул менинг отим, эсингдами?

— Эсимда.

— Мени дарров танидингми?

— Дарров танидим.

— Ғазабинг келдими?

— Умр ўтди... Мардонқул ака. Ғазаб ҳам ўтди. Ҳам-ма нарсанинг муддати бор...— Унинг кейинги сўзи муд-ҳиш ҳукмдай совуқ эшитилди.

— Ундай дема, ёшсан, муддатинг бўлса тугаб қолди, изтиробдан фойда йўқ. Мен, агар қўлимдан келса...

— Биламан, сезиб турибман,— деди Мамат стаканда кафтини иситиб.— Сиз ҳаракат қиляпсиз. Шартлига кўчирган ҳам — сиз. Билдим. Ўзингизни оқламоқчи бў-ласиз...

Заргаров ундан кўзини олиб, маъюс бўлиб қолди.

— Лекин сиз айбдор эмассиз,— деди Мамат,— мен сизга шунни тушунтиргани узоқ пайт пойлаб юрдим: Мана бугун, ниҳоят...

— Гап менинг айбимда эмас, мен нега ўзимни оқлар-канман? Гап қонунда эмас, ука. Одам ўлгани ростми? Рост... Сен ўзингни гапир...

— Тўғри, менинг нòмим — қотил. Мана, неча йилдан бери кўтариб юрибман бу тавқи лаънатни... Ҳозир сиз инсонлик номимни қайта тиклаш учун ёрдам беряпсиз, раҳмат. Лекин сиз менинг олдимда ўзингизни оқлашга уринманг. Сизнинг айбингиз йўқ. Шунингизга батафсил тушунтириб бермасам, виждоним олдида азоб чекапман.

— Қани, гапир бўлмаса!

Мамат ҳикоя қила бошлади:

...Зилзиланинг биринчи кунларидаёқ Заргаров чўл-даги қурувчиларини бошлаб, бутун бир эшелон билан Тошкентга борди. Шаҳарда тартиб ўрнатиш керак эди. Қурувчилар милицияга ихтиёрий ёрдам дружиначилари тузиб, ишдан кейинги соатларда қоронғи вайроналарда патруллик қилардилар. Дастлабки оғир кунлари бу группаларни Заргаровнинг ўзи бошқарди.

Мамат у пайтларда ўн тўққиз яшар чавандоз, ип-подромдан ҳар кунни кеч қайтар, бўш вақтларини тутун-ган акаси Сотволди билан суҳбатда ўтказар эди. Сот-волди жўжабирдай жон, кўпни кўрган солдат, лекин аллақасерида ўқ қолиб кетган касалманд одам эди.

Бир кунни шомдан кейин улар икковлари шаҳар вай-роналарини оралаб юришди. Эски омонат касса биноси-нинг орқасида, бир шубҳали одамга тўқнаш келишди. Мамат уни танир эди, урушдан кейинги оғир йиллари

болалар уйда хўжалик мудирн бўлиб ишлаб, болаларга тегишли озик-овқатлардан ўғирлаб сотгани учун қамалиб кетган бир очкўз, текинхўр эди. Мамат дарров шубҳага тушди — ярамаснинг қўйнида нимадир бор, бу ерда бекорга ивирсиб юрмагани ўғри мушукникидек йилтиллаган кўзларидан маълум эди. Оғир йиллари етим болаларнинг оғзидагини тортиб олиб еган бу аблаҳнинг одамлар бошига қора кун тушганда вайронада қузғундек пайдо бўлгани бежиз эмас. Мамат унинг кимлигини Сотволдига икки сўз билан тушунтирди-да, секин шипшиди: «Тутиш керак буни!»

— Тўхта, қўйнингдаги нима?— деб қичқирди у шу зумдаёқ.

Безори қоронғи муюлишда аланглаб қолди.

— Нарироқдан айланиб ўт!— деди у, қўлида йилт этиб пичоқ пайдо бўлди.

— Қаёққа айланаман йўл бу ёқда туриб?— деди Мамат унга тикка қараб бораркан.— Қўйнингдагини чиқар, талончи! Қайси шўрликнинг вайронасини шилдинг!

— Нарироқдан ўт деяпман!— Унинг олдига сакраб тушди ўғри. Бутларини керганча букчайиб пичоғни ўқталди. Мамат бораверди. Яқинлашиб, пичоқ тутган қўлига бир тепаман деганиди, оёқ остидаги ғишт кўчиб ағдарилиб тушди. Ўғри унга ташланди. Бу пайт Сотволди ака қоронғида нима бўлаётганини аниқ кўролмади, лекин ўғрининг болани пичоқлаб қочиши ҳеч гап эмасди. Шунинг учун тупроқда учи чиқиб ётган таёқни даст суғуриб, бандитнинг елкаси аралаш бошига бир туширди. Шундан кейин чуқурда тупроқ тўзғиб, иккаласи ҳам жим бўлиб қолди. Ўғри шилқ этиб тушган эди. Мамат аста қўзғалиб, унинг тагидан оёғини суғуриб олди. Гугурт чақиб қарашса — ўлиб қолибди. Сотволди аканинг таёқ дегани темир экан, қизик устида оғирлигини пайқамабди.

Энди нима қилиш керак? Одам ўлдириб қўйишди-ку? На қочишни, на мурдани кўтаришни билмай, қоронғида туришарди.

— Бошни еди, аблаҳ...— деди Мамат.

— Аттанг... Нима қилиб қўйдим-а?— ёниб кетаётгандек ёқаларини ечди Сотволди ака.— Бир камим шу эди...

Нарироқда одамлар кўринди, қўл фонарининг нури

тер-чангдан кир бўлиб кетган юзларига келиб урилди.

— Ким бор у ёқда?— деб қичқирди патруль.

— Сиз индамайсиз, ҳамма гапга ўзим жавоб бераман,— деди Мамат акасига.

Енгларига алвон тасма боғлаган йигитлар етиб келишди. Олдинда мана шу Заргаров турарди.

Фожиа юз берган жойда текшириш бошланди. Уликнинг қўйнидан бир кило маржон чиқди. Улиб кетишга арзийдиган нарса ҳам эмас. Эвоҳ, инсон боласи умрини қадрламагани туриб-туриб юракни тилгандай қаттиқ алам қилади...

Буларни элтиб милицияга топширишди.

Мамат Сотволдини икки кеча қийнаб, авраб кўндирди: «Аблаҳни мен ўлдирдим, сизга алоқаси йўқ, билдингизми? Жим ўтиринг, етти жонни ташлаб қаёққа борасиз? Шундай ҳам умрингиз оқопа, госпиталда ўтди, бас, қахрамонликни йиғиштиринг! Мени ҳеч нарса қилолмайди, мен бандитни ўлдирдим, пичоғи бор эди. Гапни бўлманг, мен сўққа бошман, соғломман. Майли, қонундагисини берсин... Сиз... сизнинг ишингиз бўлган эмас, тамом».

Мамат кечаси билан гапирди, дўқ урди, ялиниб кўрди, ҳатто йиғлади ҳам. Сотволди аввал бир кўнди-ю, эрталаб яна айниди:

«Йўқ, мен виждонни қаёққа қўяман, сен бу ёқда ётганингда у мени сйди-ку?»

— Етти болани-чи? Уларни қаёққа қўясиз? Кейин... у ерда сиз ўлиб қоласиз, ранг-рўйингизни қаранг!

Иккинчи кечаси яна ҳамма гап бошдан бошланди. Улар муштлашишгача бордилар. Сотволдиннинг дарди тутиб қолди. Ўзига келганда: «Майли билганингни қил», деб йиғлаб юборди...

— Бу ёғи ўзингизга маълум,— деди Мамат совуқ стаканни ҳамон кафтлари орасида тутиб. Заргаров кўз ўнгида бутунлай бошқа одамга айланган бу маҳбусга узоқ тикилиб қолди. Заргаров ўша кўнгилсиз кунлари киши ўлдириб, одамлар дилга ваҳма солган бу шахснинг қамалишини қаттиқ талаб қилган, бу рост. Унинг учун бу ўша пайтда қотил эди. Шу пайтгача ҳам қотил эди. Энди-чи? Энди... худо билди ким...

— Кейин Сотволдидан хабар топдингми, у нима бўлди?

— Урушда еган ўқни олиб кетди уни,— деди Ма-

Мамат.—Шунисига ҳам шукр, «қамоқда ўлди», деган гап ёмон. Солдат одамга ярашмасди!..

Оғир, фожиали дамларда ҳам виждон софлигини йўқотмаган бу қўримсизгина йигит Заргаровнинг қад-бидан жой ола бошлади. Инсонда софлик эътиқоди нақадар чуқур ўрнашган бўлади-я! Унинг иродасини қамоқ ҳам синдиролмабди. Асаблари қақшаган, руҳи шикастланган бўлса ҳам, тиниқ кўл тубидек софлик бор аллақаерида.

— Мамат, очиқ айтинг,— қайта сизлаб гапирди Заргаров,— қандай кечирдингиз бу йилларни? Бу ер сизга қалай?

— Болалар уйидалигимизда бир ўйинимиз бўларди,— деди Мамат маъюс жилмайиб,— ҳали-ҳали бутун ваҳимаси, ҳаяжонлари эсимда. Довюракликка басмабас ўйнаб, поезд йўлига ётардик-да, состав ўтишини пойлардик. Бир кичкинагина, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган чайир бола бўларди, «Фитна» эди лақаби. Ўша бошлаган бу ўйинни. «Фитна» билардики, поезд тепаликка чиқадиган жойда вагонлар орасидаги занжирлар таранг тортилади, шунинг учун хавфсиз. Икки рельс ўртасига ерга қапишиб ётардик. Бир неча дақиқали даҳшат... биласизми, ерга кириб кетгудай ёпишиб, шу қўрқувни енгиш керак. Ғалати. Одам бошини кўтаргиси келади, бу истакни енгиш ҳам осон эмас, зўр ирода керак. Тепангдан тонна-тонна темир гумбурлаганча физиллаб ўтаётганини сезиб турасан, у сени ердан қўпориб олаётгандай, илиб олиб, эзиб-янчиб, судраб кетадигандай. Темирларнинг фирчиллаши нақ суяк-суягингдан ўтади. Поезд ўтиб кетгандан кейин ҳам, бошингни кўтаришга юрагинг бетламай, анча ётасан. Поезд сени сургаб кетаётгандай, кейин ғавданг узунчоқ бўлиб, чўзилиб, поезд орқасидан сузиб кетаётгандай бўласан. Пардай енгил тортиб турасан, учиб кетгинг келади. Бадада роҳатижон бир илиқлик... Биласизми, бу — ҳаёт; ҳаёт илиқлиги қайтадан баданга оқиб кира бошлайди... Кейинги йилларда мен мана шуларнинг ҳаммасини бошдан кечиргандайман. Лекин болаликда эмас, катта бўлганимда. Дақиқалар эмас, йиллар давомида...

Мамат чойни ҳўплар экан, қўллари қалтирар эди.

— Бизда сал енгил тортган бўлсангиз, сал илиқлик сезган бўлсангиз, мен хурсандман,— деди Заргаров, барвақт чарчаган бу одамга қандайдир яхши сўз айтгиси

келар, лекин гап тополмас эди. У йигитнинг ҳолатини астойдил тушунди, ёрдам қилгиси келар эди: Лекин — яхши гап айтишдан бошқа нима қилиши мумкин?

— Сизнинг қизингиз бор экан, Мардонқул ака, анов келганида кўрдим,— деди Мамат кета туриб.

— Ҳа, ҳа, бор. Техникумда ўқийди.

— Биладан. Бирга турсанглар бўлмайдими?

— Битирганда кейин келади. Албатта ёнимга келадан.

— Унинг ҳам фамилияси Заргаровами?

— ...Ҳ-ҳа. Заргарова Саодат. Хат ёзасизми, адресини берайми?

— Адресини биладан,— деди Мамат.— Лекин хат ёзмайман, яъни ҳозир эмас. Балки бир кун келиб ёзарман. Биз у билан жуда яхши гаплашдик, ақлли қиз экан.

— Ҳа, ҳа. Фақат, жиндак шумтакароқ,— деб кулди Заргаров.— Сиз келиб туринг. Мен кечқурунлар уйда бўладан. Келинг, хўпми?

Мамат тун қўйнига кириб йўқолди. Унинг сўнгги қараши ҳам аллақандай шу тун сингари теран эди. Заргаров шундан кейин уни қайтиб кўролмади...

17

Зумраднинг Уктами бутун бригадага овунчоқ бўлди. Бир кўтариб бағрига босади, бири осмонга иргитиб ўйнатади, хуллас, бутун бир концерт. У билан овора бўлиб тушликдан ҳам қолиб кетишади. Бола ҳам ўзи қўғирчоқдеккина, тили энди чиқиб, сергап бўлган пайти, учраган одам билан эл бўлиб, етаклашиб кетаверади. Келган кун ошхонада момик қулоқчинни ўчоққа таштабди, роса кулги бўлди. Кечки совуқ тушганда Исмоил канинг жун қўлқопини бошига кийдириб қўйишди. Укам бўлса, кийдию ечгани унамади. Шундан бери чўққайтириб, қўлқоп кийиб юрибди.

Бригада ишдан келгунча ошхона атрофида питиллаб юриб, зерикади, қўллари совуқда қизариб кетса ҳам ичкари кирмай, амакиларнинг келишини кутади. Зумрад баъзан қўрқади: бу амакиларга ўрганиб, онасидан безиб қолса-я? Кейин ўйлаб, жилмайиб қўяди, боласини бегона одамлардан қизғангани ўзига нашъа қилади. Экскаваторчи, автоскреперчи, самосвалчилар лой-чанг уст-бошлари, мойли қўллари билан келиб болани кўтарган-

да ҳам Зумрад индамай, эркакларнинг қўпол болажонлигига жилмайиб тураверади.

Бобош бу муносабатларни, кичкинагина она-боланинг кўпчилик қатори ўйнаб-кулишини чет-четдан кузатади. Гурурини яширади-ю, уларга жиндак бир хавф-хатар сезилса ҳушёр тортиб, ёнларида ҳозир у нозир. Кечқурунлари саватдек сочини сув билан йилтиллайтиб, ошхона олдида пайдо бўлади. Зумраднинг атрофида айланади; билдирмай, Уктамга конфет бериб кетади.

Довонда иш тугаган куни кечки овқат вақтида Сатторнинг бир ҳазили билан говур бошланиб кетди.

— Уртоқлар, биз Уктамдан энди ажралолмаймиз, «полк ўғли» бўлиб қолсин бригадамизда!

Бу гапдан кейин олаговур кўтарилди. Бировлар қичқириб маъқуллади, қарсак чалди. Бировлар бунга қарши чиқди: яхши эмас, туққан онаси бўла туриб... «Кўчада қолган болам йўқ!»— деб хафа бўлса-чи? Саттор, Мусулмонқул сингарилар: «Полк ўғли бўлсин, қарга борсак бирга олиб юрамиз», деб туриб олишди. Бола уларга аввало эрмак эди.

Исмоил ака ўрта йўлни топиб берди.

— Ундоқ ҳам эмас, мундоқ ҳам, йигитлар,— деди бригадир салмоқ билан,— биз Уктамжон катта бўлгунча уни ўз оталиғимизга олиб, онасига қарашиб турайлик. Қийим-кечак, сут қатиқ, ўйинчоқ важдан... Токм ёлғиз қўл Зумрадхон қийналмасин. У ҳам бизнинг синглимиз бўлиб қолди, ҳам сариштали, ҳам фариштали. Яхши пазанда.

Яна шовқин кўтарилди. Бу таклиф икки томонни ҳам қаноатлантиради. Мажлис ёппасига қарор қилди. Уктамнинг тарбияси учун бригада моддий ёрдам бериб турадиган бўлди.

Зумрад Мастура холанинг соясида фартуғининг боғичини титкилаб, қизарганча ерга қараб турарди. У «йўқ» деёлмади, Уктамни боқишга ўзининг қурби етишини билса ҳам, «йўқ» деёлмади, чунки бу одамларнинг меҳригисини унинг учун жуда азиз эди.

Бобош ҳам индамади. Уктам ва Зумраднинг бу қувноқ бригада билан боғланиб қолиши уларни ҳар қандай хавф-хатардан халос қилар эди. Бобош уларнинг ҳимоясизлигидан қўрқар, Қултой калла ёдидан чиқмас, унинг сарғиш курак тишлари кўз ўнгидан кетмас эди. Чунки у ярамас ҳамон шу ерда, дилида қандайдир ниятлари борлиги башарасидан маълум.

Чиндан ҳам, бригада базага қайтгандаё кейин, иккинчи куниеқ Қултой Зумраднинг йўлини тўсди. Кечқурун эди. Ётоқ орқасидаги пастқам бутазор. Бу боғчадаги кўчатларни ёшлар кузда тажриба учун ўтқазилган: қани ўсармикан, деб. Кўчатлар пастликка, кузги ёгинда сув тўпланадиган жойга ўтқазилган эди, тутиб кетадиганга ўхшайди — новдаларида нам бор. «Боғ» пастликда бўлганидан, тун яқинлашган сари чуқурроқ кўринар эди. Қултойнинг ердан қалқиб чиққандай тўсатдан пайдо бўлиши, ҳансираши, хирқираб гапириши Зумрадни аввал қаттиқ таҳликага солди. Лекин шу заҳоти ўзини тутиб олди. «Мен бу одамдан қўрқиб бўлганман», деди дилида. Қултой бригадада бўлган гапни эшитган экан.

— Олма уларнинг пулини, гадомисан, ғурурнинг қани? — деди у.

— Нима ишингиз бор?

— Бола етим эмас. Мен ўлибманми?

— Ўлганмисиз, тирикмисиз — менга барибир. Йўлни бўшатинг!

— Йўқ, — деди Қултой йўлга кўндаланг туриб, — сен юзга туфлаш билан қутулолмайсан. Мунақасини кўп кўрганмиз, енг омон бўлса артамиз-кетамиз. Келиб-келиб тупукдан қўрқдимми энди. Калта ўйлабсан.

— Мен биламан нимадан қўрқишингни! — деди Зумрад, овозида ишонч, ғурур янгради. — Менинг одам бўлишимдан қўрқасан. Ўзингдай паст махлуқ бўлишимни истайсан. Чунки фақат ўшанда мен сенинг измингдан чиқмаслигим мумкин.

— Одам бўлиб бўпсан! — деди Қултой курак тишлари орсидан чирт этиб туфуриб. — Ипак пайпоқ кийдим у одам бўлдим, деб ўйлаяпсанми! Бригададан пул олсанг — пайпоғинг билан бўғиб кетаман, билиб қўй!

— Йўлни бўшат!

— Зумраш... — Қултойнинг овози бирдан юмшади. Дўқ-девора билан иш чиқмагандан кейин ялинишга тушди. — Зумраш... Хайр-эхсонни нима қиласан? Уктамга мен шундай нарса тайёрлаб қўйибманки... — овозини пасайтиб гапирди, — шундайини тайёрлаб қўйибманки, бир умр этиб еган билан тугамайди. Бу бригадангнинг садақа пули эмас.

— Нима?

— Пул десанг — пул, тилла десанг — тилла қилиб

бераман. Менга керак эмас. Бари Уктамга. Хоҳласанг,
номига омонат дафтарча ёздириб бераман.

— Қаёқдан олдинг?

— Узумини егину боғини сўрама!

— Ҳаромдан ҳазар қиламан!— Унинг юзига қараб
бақирди Зумрад. Кейин қандайдир йўл топиб, унинг
ёнидан лип этиб ўтдию елдай учди.

— Зумраш... сўяман,— деб тишларини қайраганча
ғижиниб қолди Култой. Жағининг пайлари ўйнар эди.
Нарироқдаги чироқ тагида одам товуши эшитилди-ю,
орқасидан боролмади. Аъзойи бадани қизиб, бир жой-
да анчагача ер депсаб типирчилади...

Қишнинг захри кетди. Осмоннинг, новдаларнинг, ҳат-
то қумнинг ҳам туси ўзгарди. Қаердадир, табиат қаъри-
да баҳор уйғонаётганини дилдан сезади киши. Қўп
ўтмай, бу шабнамли эрталар унутилади. Қуёш заб-
тига олиб, ернинг намини тамом суғуради-да, қум усти-
да шўрхок кристаллар йилтиллайди. Баҳор қовжироғи —
сахронинг энг ғамгин фасли. Уч ҳафтада кўккам сўлиб
қолади. Шўртак гармсел гиёҳларга азоб бера бошлайди.

Шуларни ўйлаганда ҳозирги намгарчиликнинг ҳам
қадри ўтади кишига. Заргаров йўлчиларнинг узоқ маз-
гилдан қайтиб келаркан, янги тушган асфальт йўллари-
нинг тонг шабнамида ялтиллашидан кўзлари қувонар,
объектма-объект ўйдим-чуқурларда чайқалиб юриб то-
лиққан қўли бу равон йўлда баранка устида осойишта
ётиб гўё ором олар, бутун вужуди роҳат қилар эди.

Комбинат корпуси яқинидан ўтаётганида бежирим-
гина бир аёл йўл ёқасида, «Олиб.кетинг!» деб қўл кўтар-
ди. Жонон экан, гаплашиб кетарман, бир киракашлиқ
ҳам қилай, дея шўхлиги тутиб, тўхтади. Қараса, Гита!
Йиғлай-йиғлай, қовоқлари шишиб кетибди. Тўхтаган
оддий шофёр эмас, Заргаров эканини кўриб, «Кечира-
сиз», дея изтиробда қўл силтади, яна йўлга тикилди.

Заргаров пастга тушди. «Яна эри билан ўрталарида
бир можаро бўлганга ўхшайди-да», деб ўйлади.

— Нима гап, Гита?

Гита ҳўнграб юборди.

— Эрик! Эрик...— дерди икки гапнинг бирида. Ук-
сиб, ўпкасини аранг босиб гапираркан, бошқа сўзларини
тушуниш маҳол эди. Заргаров ахир англади: бахтсиз-
лик. Эрикни мотоцикл уриб кетибди. Оғир аҳволда касал-
хонага тушиб қолибди.

— Чиқинг машинага!— деди Заргаров. Гита коржомасини ҳам ечишга улгурмаган эди. Оҳак юқини қоқа бошлади.

— Чиқинг!— деди яна Заргаров қаттиқроқ. Аёл кўз ёшларини муштуми билан артиб, чиқиб ўтирди.

— Геннадий қаерда?

— Уша ерда. Улар кеча дам олиш куни канал қурилишидаги бир ўртоғиникига ўйнагани кетишган эди. Эрталаб... шунақа хабар келди,— деди Гита аъзойи бадани титраб.

Канал қурилишида касалхона бор эди, тўғри, лекин жуда жўн бўлса керак. Яхшилиқни пулга чақиб кун кўрадиган Сайрамовнинг қурган нарсаси нима бўларди. Ишқилиб, болани нобуд қилишмаса бўлгани! Бу хотиннинг ўзига ҳам ҳусндан бергану омаддан бермаган экан. Бошида нуқул можаро шўрликнинг.

Заргаров воқеанинг тафсилотини ҳам, бошқа гапларни ҳам суриштириб ўтирмади. «Йиғламанг», деди-да, газни босди. Сал кам тўқсон километр йўл, бир соатда олиб бориши керак. Кўнгилсиз хабарларданми, тезликданми, жунжикиб кетди. Бугун: «Машинада бораману келаман», деган ўй билан, аксига олиб, костюмда чиққан эди. Деразани ёпди. Орқада Гитанинг нималарнидир пичирлаётгани эшитилди. Эрикка омонлик тилаб, йиғламосираганча худога илтижо қиялти шекилли. «Раҳмат, ўртоқ Заргаров», «Кечирасиз, ўртоқ Заргаров», деб қўярди дра-сира. Яна бўзлаб йиғлар, қандайдир тасодифлардан койинар, кеча қилган қандайдир ишларидан пушаймон чекар эди: «Нимага ҳам унадим?», «Нимага ҳам ундай дедим?» Бу хотин, Заргаровнинг назарида, нуқул афсус билан яшарди. Шу куюнчаклигига, ичида чиркин бир ёлғонни олиб юролганига ҳайрон бўласан. Ичтини емасмикан?

Заргаров бусиз ҳам ўтда ёнаётган она ҳақида ёмон ўйламасликка ҳаракат қилиб, бошини силкиб ташлади. Фикри зикрини йўлга қаратиб, яна босди. Машинани ҳеч қачон бундай тез ҳайдамас эди. Уқдек тўғри йўл қуриб қўйганларидан ғурурланиб кетди. Уйлаб қараса, қизиқда: саҳро эди, на ўлик, на тирик. Энди бўлса дард бор, шодлик бор; одамлар шошилади, йиғлайди, сир сақлайди, ҳаяжонда ёнади, қайнайди. Ҳамма жойдагидек воқеалар, ҳамма жойдагидек мураккаб ҳаёт...

Гита ҳам шивирларди. Жиндек художўй ҳам шекилли.

ли-да. Шўрлик. Худо кўрсатмасин, дунёда энг даҳшатли нарса — хотин киши бошига тушган мусибат...

Улар касалхонага югургилаб кириб, Геннадийни йўлакда юзини деворга тираганча қарахт бўлиб қолган ҳолда учратдилар. Хотинига аста қайрилиб қаради, кўзида ҳеч қандай маъно йўқ. Жимжит касалхона Гитанинг фарёдидан янграб кетди. Ҳамширалар етиб келиб, уни диванга ўтқиздилар, бир нималар ҳидлатдилар. Шунданми, ҳуши кетибми овози тинди. Заргаров Геннадийни елкасидан олиб, нарироққа бошлади. Бахтсизлик бу келишган йигитни бирдан букчайтириб қўйибди. Эрикнинг фожиасини икки оғиз сўз билан зўрға айтиб берди. Бола қаттиқ шикастланиб, кўп қон йўқотибди. Геннадийга шошилинч қон беришга тўғри келибди. Лекин... қутқазиб қолишолмабди.

Геннадий хотини ёнида бирпас ўтириб, ялиниб-ёлворди, юпатишга уринди. Гита таскин топмаса ҳам, бир оз тинчиди, тўғрироғи, фарёдга ортиқ мадори етмай қолган эди. Сўнгра Геннадий гангиганча юриб, ҳужжатларини расмийлаштирди. Заргаров бу вақтда бош врач билан суҳбатлашар эди.

— Жуда хунук иш бўлди. Жуда, жуда!— деди Заргаров бу эр-хотинга энди қандай тасалли беришни ўйлаб эзиларкан.— Наҳотки бирор чорасини тополмаган бўлсанглар?

— Бундай ҳоллар учраб туради, ўртоқ Заргаров, нима қилайлик,— бош врач юзи тиниқ, ёш кўринса ҳам, анчага борган, тажрибали одам эди. Кифтини учириб, қўлларини ёйди. Қўлларини ёйди-ю, бир нафасдан кейин Заргаровни чеккароққа тортиб:— Ўртоқ Заргаров...— дея шивирлади, полдаги гулдор линолеумга тикилганча узоқ ўйланиб қолди.— Боланинг ота-оналарини яхши биласизми?

Заргаров ҳайрон бўлиб, у томонга ўгирилди, кўзига тикилди.

— М-м... биламан. Нима эди?

— Болани боқиб олишган эмасмиди?

Заргаровнинг миясидан минг хил ўйлар ўтди бир зумда. Бу нима дегани? Ё улар ўртасидаги ўша бадбажт сирдан хабардормикин? Бўлса ҳам, бунинг бугунги мусибатга нима алоқаси бор?

— Йўқ, боқиб олишган эмас. Бу гапни нега қўзғаб қолдингиз ҳозир, шундай пайтда?...— деди Заргаров.

Бошқа биров бўлганда Заргаров бу гап учу жеркиб ташларди. Лекин доктор жуда ёқимтой, ақлли, одамга қалин-қаттиқ гапиришга ботинмас эди.

— Гап шундаки... бола ўлмаслиги керак эди,— деди у Заргаровнинг пиджак тугмасини ушлаб.— У қон қўшилмаслигидан ҳалок бўлди. Биз унга ота қонини қуйган эдик.

Заргаров киприкларини пирпиратиб, қошини уйди. — Касалимиз, сизга нима деб тушунтирсам экан, универсал пациенат деймиз, қони АВ группасидан,— дея давом этди врач,— бундайларга зарур вақтда соғлом отанинг қонини анализсиз қуйиш мумкин. Лекин бу сафар ота қони бизга панд берди... Алдади.

Заргаровнинг юраги орқасига тортиб кетди. Докторнинг «панд берди... Алдади» деган сўзлари қулоғидан кетмасди. Қулоғи остида такрорланар, тинмай янграб эди: «Алдади...», «Алдади!...» Бу ўша аёлнинг машъум ёлғони! Мана унинг касофати қаерга келиб тегди! Мана унинг бутун даҳшати! Лекин у ҳали-ҳамон тирик. У ҳали ҳам темир қафасда қамалиб ётибди. У ҳали чиқариб юборилмаса, бундан кейин яна қандай фалокатларга олиб бораркан? Нима қилиш керак? Афсуски бегона бу ёлгон. Афсуски бировнинг маҳрам ёлғони. Агар ўзиники бўлса, бутун мудҳиш бадбўйлиги билан ситиб чиқариб ташлаган бўларди.

— Доктор, бўлар иш бўпти, энди у-бу гап қўзгамай қўя қолайлик,— деди Заргаров.

Шу пайт қайсидир палатада Гитанинг чинқириғи эшитилди. У ҳушига келиб, аламли изтиробда врачларга ташлаётган эди:

— Сенлар ўлдирдинг! Текинтомоқлар! Қўлларингдан келмаса, нима қиласан? Вой болам, онагинанг ҳам ўлади, ёнгинангга кириб ётади!

Унинг товуши шу қадар хунук эдики, Заргаров ачишиш ўрнига, энсаси қотди. Назарида, унинг гулдай ҳусни хазон бўлган, кўз ёшлари кир юзларини ювиб, йўл-йўл из солган, тўзғинган малла сочлари юлқиб ташлангандек бирдан сийраклашиб қолган эди.

Қайсидир ҳамширанинг сочига ёпишишига сал қолганда Заргаров уни ташқарига, очиқ ҳавога олиб чиқди. Қун анча кўтарилиб; ҳаво исиб кетган эди. Офтоб тафти жулжиккан Заргаровнинг ўзига ҳам хуш ёқди.

— Ўзингизни босинг, Гита. Эҳтиёт бўлиш керак, оғир

оёқсиз. Зиён қилади,— деди Заргаров, уни скамейкага ўтқизиб.— Бирини йўқотдингиз, энди янги меҳмон ку-таётганингизда сутингиз қочиб кетмасин. Омон бўлсанг-лар, ёшсизлар...

Гита тинчиганидан кейин, Заргаров давом этди:

— Докторларга аччиқ қилиш ҳам бефойда. Бунақа бесабрлик сизга турган-битгани зиён, Гита. Қолаверса, улар эмас, ўзингиз айбдорсиз...

Гита қизариб кетган кўзлари билан ялт этиб қаради. Заргаров бош врачнинг гапини ётиғи билан айтиб берди. Гита ағрайиб, кўзи ола- кула бўлди-ю, яна ҳушини йўқот-ди. Заргаров уни шошиб-пишиб елпиркан, бу гапни айт-ганига пушаймон ерди. Иккинчи томондан, билгани ҳам тузук-да, ёлғоннинг бутун даҳшатини пайқаб етмаса, са-боқ бўладими! Буни бари бир айтиш керак эди. Борига тўла куйиб қўя қолса, кейин ярасини янгилаб юрмайди.

Гита ҳушига келиб, хунук товуш билан ўқирди:

— Нима қилай, айтинг, отамсиз?..

— Бирдан-бир йўл — ўзингизни босинг.

— Геннадий биладими?

— Мендан бошқа ҳеч ким билмайди.

— Доктор...

— Доктор ҳам билмайди... Ҳамма гап боягидай: бу-тун ихтиёр ўзингизда.— Заргаров ўйлаб туриб, давом этди:— Фақат, айтиб қўяй. Эсингиздами, одамлардан хавотир олардингиз. Кўриб турибсиз, одамлар ўзини оқ-лади. Улар имтиҳондан ўтишди. Сиз ишонса бўладиган коллективдасиз. Сизни бу мусибатга одамлар эмас, ёл-ғон деган машъум бир нарса олиб келди, Гита. Одам-лар тотув онлани кўриб, сизни ардоқладилар. Аммо қон ўзини фош этди... Ҳамширани ҳам бекор хафа қилдин-гиз. Одамлардан қўрқмангу ўзингизга эҳтиёт бўлинг.

Гита сувдан чиққан балиқдек, оғзини каппа-каппа очиб, нафас олар эди.

Эрикни кўмиб, Қумтовга кечаси қайтдилар. Кечга яқин намхуш совуқ тушди. Қоронғи машина ичида, эрининг бағрида Гита унсиз йиғлар эди. Геннадий гунг бўлиб қолгандай, куни бўйи индамади. Заргаров дийди-раб кетди, машина тез юрган сари деразаларнинг тир-қишидан совуқ шамол ғўриллаб кирарди. Эр-хотин му-сибат билан бўлиб, буни унча сезишмади, аммо яланг пиджакда Заргаровнинг суяк-суягидан совуқ ўтиб кет-ди. «Этиб қолсам, хунук бўлади-да...» дерди у қалтираб...

«Гранд отель»да юз берган фавқулодда воқеа кечасиёқ бутун қурилишга маълум бўлди. Карьерда, комбинат қурилишида, сув қузури ётқизиш трассасида, йўлчилар орасида, ҳатто энг олисдаги ләпчиларнинг вагон-посёлкаларида ҳам эрталабдан бери дув-дув гап. Миш-миш тилдан тилга кўчиб узоққа борган сари чигал ва йўл-йўлакай қўшилиб-чатилиб, баъзан даҳшатли, баъзан кулгили тусга кирар, гоҳо афсонага айланар, хуллас, учта одам бир жойга тўпланса гап шу ҳақда эди.

— Бошланди, десанг-чи?

— Моҳоватдир-э, абасдир?

— Турган-битгани фольклор!

— Нега олмас экан оёғининг тагида ётса?

Еттинчи ётоқнинг ўзида эса гап бир оз конкретроқ бўлса ҳам, барибир олағовурнинг зўри шу ерда эди. Утган-кетган ҳам шу ерда тўхтаб анқаяр, воқеа аллақачон бўлиб ўтган бўлса ҳам, гап бир-бирига уланиб, ҳаммон биқсиб-тутаб, алангадек ёйилар эди:

— Шунинг ҳам йўлини топишибди-да, а?

— Жамки каллакесару қулфбузарларни шу ерга тўплаб келишган бўлса, топмайди дейсанми! Ҳали бу ҳолва!..

— Ҳаммага таъна тақма, мунча сасийсан, палағда тухум ютганмисан, нима бало! Одамларни булғама!

— Мен нега булғар эканман?! Ана ўша аблаҳ булгаган, отиш керак!

— Қонунга тўғри келса, отади ҳам. Олтин билан ҳазиллашиб бўладими!

— Отса ажабтовур ибрат бўлади. Токи ҳар ким ўзининг қанақа муқаддас жойда ишлаётганини билиб қўйсин!

Кечаги сафардан кейин туни билан иситмалаб, идорасига аранг етиб келган Заргаровга ҳам бу совуқ хабар занглаган миҳдай қадалди. Унга ҳали тафсилотлари етиб келмаган бўлса ҳам, бу хунук воқеа, унинг ўз юзига мағзава тўкилгандек таъсир этди, руҳини сўндирди.

Кўп ўтмай, Алексей билан Губанов кириб келиб, лойга ботган, нам кўн халтачани унинг столига қўйдилар. Кўн халтачанинг оғзи бурмали бўлиб, бўйнига осадиган қайиши ҳам бор эди. Намда ётиб билчиллаб кетган халта очилганда қум аралаш, чала ювилган олтин зарраларини кўриб, Заргаровнинг синиққан юзи баттар заҳил тортди. У уйқусиз тунлари орзу қилган

биринчи концентратни бундай шармандали аҳволда, бутун қурилишга, неча ўн мингли коллективга иснод келтирган бир пасткашнинг ифлос халтасида кўришни хаёлига келтирганмиди?!

— Ким экан?— дея хаста товуш билан сўради у.

— Яҳёев Мамат,— деди Алексей блокнотига қараб,— эркин режимга кўчирилганлардан...

Алексей гапани тугатолмади, Заргаров титроқ қўли билан унинг ёқасидан олган эди.

— Ким дединг? Қани яна бир такрорла! Ҳой найнов, билар-билмай гапираверасанми? Нима ҳаққинг бор, қани исботинг? Исботингни олиб кел менга!

Заргаровни бундай вазоҳатда биринчи марта кўраётган Губанов ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Алексей эса бошлиқнинг бақириб-чақирishi босилишини кутиб бир оз чекинса-да, ўзига ишонч билан, астойдил, босиқ қараб турарди. Заргаров ҳансираб ўтирди.

— Мана — исбот,— деди Алексей, яна столда суви силқиб ётган халтани кўрсатиб.

Заргаров уни энди кўраётгандек жирканиб қаради.

— Сен нима деётганингни биласанми?! Ахир Мамат Яҳёев...— кейин ўйлаб қолди: нима Мамат Яҳёев? Унинг тўғрисида Заргаров нима билади? Ҳар кимни ўзи ҳақида ўзи айтган гапига қараб баҳолай берсанг... Наҳотки ҳаммасини тўқиган бўлса? Елгонни бу қадар рост қилиб гапира билиш учун нақадар айёр бўлиш керак! Йўқ, йўқ! Заргаров ўша кечаси унинг кўзларида инсон виждонини кўрди. Ҳа, ҳа, эзилган, лекин сўнмаган виждонни кўрди.

— Йўқ, Алексей,— деди Заргаров ҳорғин ҳолатда. Кейин нафас ростлагандек бир оз турди-да, сўради:— Бунни қаердан олдинглар?

— Мамат Яҳёевнинг каравоти тагидан. Уборшица тасодифан кўриб қолибди. Қайилиб ётган пол тахтасини шундай кўтарса, тагида ётганмиш.

— Яҳёев ҳозир бунни биладимми?

— Бунни ҳозир билмаган одам борми дегин...— гапга аралашди жим ўтирган Губанов.

— Дмитрий Казимирович...— Заргаров иситмадан қизарган кўзлари билан унга ялингандек қаради-да, Мамат ҳақида билганларини, у билан суҳбатларини бир бошдан сўзлаб берди. Унинг ҳикоясидан кейин учовлари ҳам ўйга чўмиб қолишди.

— Унга нисбатан бирон чора-тадбир қўллашларингга мутлақо қаршиман,— деди Заргаров анчадан кейин.

— Лекин воқеа аён, овозаси ёйилиб кетган. Мамат ҳамманинг тилида, бўрининг еса ҳам оғзи қон, емаса ҳам. Маҳбус деган оти бор. Ҳар қалай...— деди Дмитрий Казимирович. Лекин ўзи ҳам бир нарса таклиф этолмади.

— Қўлга олиш керак! Факт қўлимизда, яна нима учун қараб ўтиришимиз керак экан?— деди Алексей.

— Сендақа чаққонни қара-ю!— деб столга урди Заргаров. Кейин раъйдан қайтгандек юмшади.— Бу унинг учун ўлим билан тенг, фожиа! Биляпсанми? Бу коллектив учун ҳам фожиа. У бола бизнинг яхши коллектив туза олмаганимизнинг бир нишонаси эди. Маҳбуслар орасидан қанча заҳматкашлар чиқиб қаторимизга қўшилди! Мамат кўз тиккан яшил куртагимиз эди, энди уни синдириб ташласак, энди уни яна қамаб қўйсак...

Заргаров дармони қуриб кетаётганини пайқаб, креслода бошини орқага ташлади, кафти билан манглайини сидирди. Иситмаси яна хуруж қила бошлаган эди.

— Мардонқул Заргарович,— деди Алексей,— мен сизга ишонаман, борингки, Яҳёев сиз айтгандай виждонли одам дейлик, гарчи бунга исботлаш учун ҳозирча қуруқ сўздан бўлак далилимиз йўқ...

— Сўзни беқадр қилманг, Алексей,— деди Губанов секин.

— ...Ҳозирча бунга сўздан бўлак исботимиз йўқ, аксини исботлаш учун эса — мана моддий далил... Хўп, далилни ҳам қўййлик. Қабиҳлик билан бўлак бир одам шуғулланаётган бўлса, биз уни чўчитмаслик учун ҳам Яҳёевни вақтинча қамашимиз керак. Токи асл ўғри тинчисин, ишини давом эттирса, биз уни кузатиб бориб, албатта қўлга тушираемиз.

— Бари бир Маматни қаматгани қўймайман!— деди Заргаров ҳарсиллаб.— Ўғрини қандай тутсанг, тутавер. Бу сенинг вазифанг. Тамом.

— Буниси қандай бўлди?— деб елкасини учирди Алексей.— Факт бошқа, кўнгилчанлик бошқа, Мардонқул Заргарович. Бизнинг ишимизда... умуман, ишга ҳақиқат бермаслигини сўрайман.

Заргаров сапчиб туриб, зарда билан бир нимадир айтмоқчи эди, гандираклаб кетди. Унинг қайта ўлтиришига ёрдам берган Дмитрий Казимирович:

— Вой-бў!— деб юборди.— Ёниб кетяпсан-ку! Қайи, жўна. Уйингга жўнаб қол-чи, ишни бу ерда ўзимиз бар-тараф қиламиз.

— Йўқ, менсиз ҳал қилмайсизлар. Фикримни айт-дим. Хўп демасанглар, ҳеч қаерга бормайман,— деди Заргаров.

Губанов секретарь қизга айтиб, врач чақиртирди.

— Врач чақирмай, милиция чақирсанглар ҳам гап шу,— деди Заргаров.

Сўнгра Дмитрий Қазимирович иккаласининг ҳам ел-касига қўлини ташлаб, хотиржам гапирди:

— Гап бундай. Масала кўнгилчанликда ҳам эмас, фактда ҳам эмас. Мантиқда. Мантиқ шундан иборатки, бу иш билан шуғулланган одам,— у столдаги кўн хал-тани кўрсатди,— албатта геологиядан оз-моз бўлса ҳам хабардор. Бунни мен сизларга геолог сифатида айтяпман. Бизнинг конлар — иккиламчи, сочиқ конлар, дейилади. Кварц томирларини майдалаш оғир, азобли иш. Саҳро-да бунни гоҳо табиатнинг ўзи қилади. Мана бундай сочиқ зарралар фақат кварц томирларига яқин жойларда бў-лиши мумкин. Бунни билиш учун камида...

— Ана, ҳовлиқма, кўрдингми?!— деди Заргаров Алексейга бармоғини бигиз қилиб.— Ҳушёрсану калта-фаҳмсан.

— Шунинг учун,— деб давом этди Губанов,— ме-нингча, ишни шубҳали одамларнинг биографияларини ўрганишдан бошлаш керак. Жиндек илинадиган жойи бўлса ҳам — бу аниқ белги. Маҳкам ушласанг бўлади-ган ип.

Бу вақт врач етиб келиб, уларнинг гапини бўлди. У Заргаровнинг қовоқларини очиб кўриб дарҳол ётишни буюрди. Уйига ўз машинасидаёқ олиб кетадиган бўлди.

— Тушундингми, найнов, болага тегма!— деди Зар-гаров Алексейга, доктор билан чиқиб кетаётиб. У тетик, қувноқ гапиришга уринарди-ю, заҳил юзидан аҳволни ёмонлиги билиниб турар эди.

Врач уни уйига олиб бориб, дори бериб ётқизди-да, ёнида ҳамширани қолдириб, ўзи кетди. Ҳамшира, кекса аёл, унинг тер босган юзига юмуқ кўзларига қараб ўти-раркан, бу катта одамнинг шундай ҳужрада ёлғиз яшашини ўйлаб ҳайрон эди. Нимқоронғи хона, зах нуқ-си уриб турибди. Аста, шовқин солмасликка уриниб, дарпардаларни очди. Печкадаги қўрни ковлаб тараша

ташлади. Бемор уйқуга кетган, иситмаси безовта қилар эди. Бирпасдан кейин алаҳлай бошлади:

— Ҳа, зилзила... У қизимга хат ёзмоқчи эди... Мен барибир...

Чўчиб кетган энага унинг бошқа сўзларини тушунмади. Иссиқ чой дамлаб бошига келди-да, кўзини очишини, уйғоншини кутди. Ташқарида қатнов тиниб, оқшом тинчлиги чўккан, саҳрони тун чулғаб келарди...

18

Кечаги дориларнинг таъсири билан бугун аҳволи анча тузук, вужуди роҳат топиб, тургиси келмай ётарди Заргаров. Эрталаб доктор, Мария Власовна, Бобош, яна аллакимлар келиб кетди ҳам, жўрттага кўз очмай, меҳрибонликларига яйраб қулоқ солди, шундай эркаланиб, ўй-хаёлсиз ётиш маза бўлар экан! Шу иситма бўлмаса, у қачон ҳам бундай ёта оларди?

Ёлғизликдан шикоят қилиб, қийналиб юрарди, ёлғиз эмас экан, ўнлаб таниш-нотаниш одамлар, ҳатто қурилишга келиб қолган икки министр ҳам ров кириб ҳол сўраб чиқишди. Улар жўнагандан кейин хона яна жимжит бўлиб қолди.

Энага радиони қўйиб чиқиб кетган экан, қандайдир ёқимли куй узоқдан келаётгандек оҳиста янграр эди. Деразадан пур қуйилмоқда. Саҳрога баҳор ораламоқчи. Гижжак билан най навоси жуда ширални, майин, Мардонқуднинг худди кўнглида туғлиб, атрофга таралаётгандек эди. Заргаров одатда музыкага унчалик иштиёқманд бўлмаса-да, лекин баъзан мана шундай пайтини топиб дилини қитқлайдиганларини эшитиб қолса, тиниқиб ҳузур қила олар эди. Кўпдан бери музика тингламаган экан ўйлаб қараса. Узининг бу беҳаловат тирикчилиги билан бўлиб, кўпгина мана шундай нарсалардан бебаҳра бўлаётгани йўқмикан? Нуқул, саъй-ҳаракат деб, маънавий пуч ўтаётгани йўқми ҳаёти? Қандайдир ғарибнамолик бор албатта. Айниқса сўнгги йиллар...

Лекин дилида таассуф туйғуси йўқ. Назарида, унинг сўнгги йилларини осонгина ўчириб ташлаб бўлмайди. «Инсон — унинг ишларидир... Яшаш — моддийлашишдан иборат». Заргаров буни аллақачон қаердадир ўқиган эди. Ушандан буён шу фикр юрагига чипна ёпишган. Бировларнинг унча-мунча ҳикматли фикрларини писанд қилмайди-ю, мана шу сўзлар унга жуда ёққан,

табиатига мос эди, чамаси: Бу кўпинча қуруқроқ ўта-
диган кунларини оқлаш учун ҳам иш бериб турарди.

Йўқ, унинг бу йилларини осонгина ўчириб ташлаб бўлмайди. Фақат, мана бу чўзилиб ётиш ўта беъмани бўляпти. Сахро қайнаб-тошаётган, баҳор гуркираб келаётган бўлса-ю, бу ерда у шу аҳволда ётса!.. Соқоли олинмаган, юзи ҳам заҳил, салқиган бўлса керак. Вилади узоқ ётса шундай бўлишини. Ёши ўтяптими, идорада кўплаб узоқ ўлтириб қоляптими, юз пайлари мўрт, Бир вақтлари қайишдай чайир эди... Уша кунги жиндек елвизакка тумов бўлиб, мана бу ётишни қара! Зиёда кириб қолмасин-да, ишқилиб. Унинг ҳозир отрядга қатнайдиган кунлари, тоби келишмай қолганини эшитса, албатта кириб келади.

Заргаров унга шу аҳволда кўрингиси келмасди. Зиёда — унинг бахт учун дил-дилига яшириб қўйган шодлиги. Унинг кўзлари зорланиш, дард, заифлик учун эмас, улар фақат гулувли ишлар, катта қувонч, узоқ йўллар, қуёш, баҳор, сахро ва орзулар учун яратилган! Бу шундай эзгу, катта давлатки, Заргаров ҳали у ҳақда астойдил ўйлашга ҳам журъат этмайди. Фақат орзу учун, келажак учун ардоқлаб юрибди...

Саватчада қатиқ, сут, қаймоқ шишалари кўтариб энага келди. Заргаров иситма билан бўлиб, уни ҳали тузук-қуруқ кўрмаган ҳам эди. Жуда куюнчак кампир экан.

— Мана, болам, сизга ҳам, ўзимга ҳам ола келдим, — деди у саватни бўшата туриб. — Сиз қимирламай ётинг, томир уришингиз маромсизроқ эмиш, доктор айтди, барака топгур хўп билимдон йигит-да!

— Оламда нима гап, энага? — сергап кампир билан бир оз гаплашиб, ёзилмоқчи бўлди у.

— Нима гап бўлса, энди бу сизнинг ишингиз эмас, болам! Васпалин лўкки деган билан ҳазиллашиб бўлмайди, мен кўп ўтирганман сиздақаларнинг бошида.

— Хўп, ўтираверинг. Фақат, ташқарида нима гаплар бўляпти, дейман-да?

— Нима бўларди, ҳамма шов-шув ўша тилла ўғрининг устида. Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан, роса кўпиртиришди-я кечадан бери. Бола ўзини нобуд қилганмиш, деб эшитдик, энди, худо хоҳласа, шу билан гап-сўз ҳам тугайди.

— Нима-нима? Қим ўзини нобуд қилади?

— Уша-да, ўғри бола. Одам ўлдириб қамалган экан-ку. Энди боши бориб тошга теккандан кейин, бошқа пложини тополмагандир-да.

— Нима қилибди?

— Жонига қасд қилганмиш-ку.

— Ким?

— Уша ўғри. Узини, ўзи осиб қўйибди.

Заргаров кўрпани улоқтириб этигини кия бошлади.

— Нима деяпсиз ўзи, қаёқдан эшитдингиз бу гапни, азбаройи худо, шунча чўзмасдан бояроқ айта қолсангиз бўлмасмиди? Қани менинг шарфим?

Энага унинг кийимларини дарров тортиб олиб, бағрига босди.

— Йўқ! Йўқ, ҳеч қаёққа қимирламайсиз! Рухсат йўқ!— деди кампир қатъий. «Васпалин лўкки»ларнинг бошига уйи қўйишлари бежиз эмас экан, айтганини қиладиган қаттиқ қўл кампирга ўхшайди. Заргаров унинг турғизмаслигини дарҳол тушунди.

— Ахир, менга қаранг, одам ўлибди деяпсиз-ку, мен бошлиқман-а.

— Билмайман, сиз беморсиз,— деди энага. Кийимларни яширди.

— Оти нима, Мамат Яҳёевми ўша... ўғрининг? Аниқ эшитдингизми?

— Ўғрим-тўғрим, билмайман, жойингиздан қимирламайсиз!

Заргаров ўзи ҳам бўшашди, бу шум хабардан эти увушиб, дармони сусая бошлаганини сизди. Оёқларини поилож кўрпа ичига олиб, ётиқроқ сўради:

— Гапиринг ахир, энага, очикроқ айтинг — нима бўлибди? Мишмишми ё аниқ гапми?

— Бўлган гапни айтдим, болам.— Кампир халат енгини шимариб плитада сут қайнатишга киришган эди.— Ажаб бўпти, дейишяпти, қилмишларига яраша жазосини топибди. Бировлар бўлса, ачиниб бош чайқашади.

Заргаров инграб юборди. «Нима қилиб қўйдинг-а, Мамат, «Қилмишларига яраша...» Ана, одамлар нима деб ўйлаяпти, нодон. Нима қилиб қўйдинг, бадном кетдинг-ку, бола!..»

Беморнинг иситмаси ошиб, кўз косаси унниққанди, нафаси тезлашди. Энага унинг манглайини артиб, дори берди.

— Айтмадимми, болам, мен кўп кўрганман бу ка-

қални, қимирладингиз — бўлмайди... Вой, худойим-эй, қаёқдан гапирдим шу гап ўлгурни!.. Мунча куюнчак бўлмасангиз, начайлик болам. Улеа бир ярамас ўлибди-да... Мана буни ҳам ичиб юборинг.

— Ундай деманг, жон хола,— деди Заргаров ўраниб, қалтираб,— у ўғри ҳам эмас, қотил ҳам эмас эди...

— Турмага нега тушади бўлмаса?

— У гуноҳини ювиб, жазо муддатини ўтаб бўлаёзган эди. Олтинга бўлса, сира дахли йўқ, мен уни биламан, жигарбандимдай бўлиб қолган эди.

— Вой ўлай!

— Уша мишмишларнинг иснодини кўтаролмаган. Номусига чидаёлмай ўзини ўлдирган, хола. Олдимга келган эди, мана шу ерда ўтириб гаплашгандик. Ишончимизни энди қозонганда кимнингдир туҳмати... У бизнинг юзимизга қарашдан кўрқди, назаримда. Энди булар ишонишмайди, деб ўйлади... эси паст!

Заргаров бошини ушлаб, ёниб кетаётгандек тўлғанди. Кампир шошиб қолди. Бир томондан, ўзини-ўзи нобуд қилган бегуноҳ бола ҳақидаги гап даҳшатли янгилик эди, иккинчидан, беморнинг аҳволи бирдан... Кампир эсанкиради. Яхши ҳамки шу пайт Алексей келди.

У кела солиб Заргаровнинг манглайини ушлади. Кампир билан кўз уриштириб олди. Энага дарров чиқиб кетди. Докторга югурди шекилли.

— Ростми?— деб сўради бемор кўзини очиб.

Алексей тушундики, бошлиқ ҳамма гапдан хабардор, «ҳа», деб бош ирғаб қўйди.

Кейин узоқ индамай қолдилар.

— Қаерда?— деб секин сўради Заргаров.

Алексей бир-икки тафсилотни айтди-ю, асосан безовта бўлмаслик, бемалол ётиб даволаниш ҳақида одатдаги насихатомуз гапларни айтди. Лекин у Заргаровнинг бундай пайтда «бемалол» ётолмаслигини ўзи биларди.

Алексей Заргаровнинг ёстиғи остига бир қоғоз қистирди-да:

— Маматнинг нарсаларини ичидан...— деб, худди киргандагидек, физиллаганча чиқиб кетди.

Заргаров иситмага ён бермасликка уринарди. Билардики, иситма енгиб алаҳлатса, кўз олдига Мамат келарди. Заргаров ҳозир буни истамасди.

Қўлини чўзиб, ёстиқ остидан Алексей қолдириб кетган қоғозни олди. Қизариб ёшланган кўзларига ҳарфлар

айқаш-уйқаш бўлиб, сакраб кетаётгандек кўринар эди, Сал ғижимланган дафтар қоғозга, анча уриниб, чиройли қилиб ёзилган эди:

«Саодатхон!

Бу хатни сизга юбораманми, йўқми — ҳали билмайман. Лекин сизни кўргандан бери уни жуда-жуда ёзгим келаверди. Биламан, сизга хат ёзиш учун мен ҳали кўп ишлар қилишим, кўп ўйлар ўйлашим керак. Сизни кўргандан кейин мен анча-мунча ишларга жазм этдим ҳам. Очиги, ўзимга бир оз ишона бошладим. Билмадим, ўша кунги кўришганимиз сизнинг ёдингизда қолдим, йўқми. Сиз учун бу йўл-йўлакай бир суҳбат, холос. Мен учун эса — балки тақдирдир. Икки оғиз ширин гапингиз мени бутунлай бошқа одам қилиб қўйди. Ҳатто дадангиз билан танишишга журъат қилдим. Қурилиш бошлиғининг яхши муомаласи мени жуда ҳам дадиллантирди, у киши, яна бошқалар ҳам менинг одам бўлишимга ишонаётганга ўхшаб кўринади. (Агар адашаётган бўлмайсам.) Бу менинг учун қанчалик муҳим эканини сиз билмайсиз. Менга шу керак эди. Неча йилдан бери фақат шу керак эди. Энди шундай бир орзуга журъатим етпти: сизга, қачон бўлмасин, бир куни ёруғ юз билан кўринсам, дейман. Кўнглингизга бошқа гап келмасин. Менинг шундан улғур орзум йўқ. Агар сиз ишонсангиз, мен бунга албатта эришаман. Лекин агар эришолмасам, билмадим нима бўлишимни...»

Хат шу жойга етиб чала қолган эди.

Зарғаровнинг мактуб тутган қўллари шилқ этиб кўкрагига тушди. Радиодаги бояги куйни эшитгиси келди. Қани энди... Куй тинган эди. Шундай яхши куй нега давом этмайди, нега узилиб қолди? Тугамайдигандек эди-ку. Шундай яхши куй узилса-я!..

Баҳор келяпти. Пастак тоғлар этагида уч-тўрт кунли жилғалар жилдиради. Қирмизи либосини кўз-кўз қилиб тонг ёришяпти, саҳро уфқида бўзарган булутлар ўрма-лайди. Бу Зумрад билан Бобош баҳори эди. Сўнгги пайтда уларнинг учрашмаган тонги йўқ, уйқу қочган, юраклари доим талпиниб турарди. Нимадир пишиб келяпти. Ҳозир ҳам улар шўх-шатир шабадада сочлари тўзғиб, саҳар мардондан қаёққадир шошиб кетишяпти. Бобош қўпол қавилган пахталик шимдан қутулиб, енгил кийиниб олган, Зумрадининг оёғида жажжигина сахтиён

этик, қадамларн гүе ўзиники эмас, Бобош ҳам уни ор-
тиқча эркалатиб қўйяпти. Бу этикчани ҳам ўтган бозор
ўзи олиб келди устига бир жўра атлас қўйиб. Тагин
«қичиқ» нусхасидан...

— Мени нега олиб кетяпсан, комсомол эмасман-
ку...— дерди Зумрад Бобошга аранг етиб юраркан.

— Юравер, бу ҳамма ёшларнинг иши. Мусулмонқул
сўпоқ ҳам комсомол эмас.— Бобош унинг қўлидан маҳ-
кам ушлаб олган, сира қўйиб юборгиси йўқ эди.

Улар Мусулмонқулни қутқазгани кетишяпти. Бетав-
фиқ иш қилиб қўйибди, ландовур. Янги келган ёшгина
бир қизга зўравонлик кўрсатибди, башарангга ҳуснбу-
зар тошмай ўл, бўз бўйдоқ. Ёшгина бўлса ҳам шўх,
ўйинчи қиз экан-да, ўйнаса вужуди симобдек қилқил-
лармиш. Сўпоқ ҳам бир кўришда эси оғиб қолибди. Ав-
вал «жонон-жонон» деб юриб, холи учратганда бетоно-
мешалканинг орқасида деворга қисиб қолибди шўринг
қурғурни. Капалаги учиб кетган қиз бечора дод солиб-
ди, тумонат тўпланибди, шармандалик. Ўзини оқламоқ-
чи бўлиб, «ўлай агар, фақат ўпмоқчи эдим», дермиш
пайтавақулоқ. Эпласанг осилгин-да! Энди бригададан
ҳайдаворишмоқчимиш ошиқи нотавонни. Бобош тезроқ
бориб орага тушмаса, комсомол номидан кафилга олиш-
маса, чатоқ бўлади. Энди йўлини топган эди-я, нима қи-
лардинг, эси паст! Бошингда ёру жўранг шай бўлса,
маслаҳат солмайсанми? Э, атала дандон синдирар, деб
шуни айтади-да. Ҳайдаб юборишса, яна эшоннинг осто-
насиға бош эгиб борадими? Шўрингга шўрва тўкилгур!

— Исмоил ака йўл қўймас, ўғил қилиб олган-ку?—
деди Зумрад Бобошнинг таъсирида астойдил қайғуриб.

— Оҳ-ҳо, Исмоил акадан кўргин-да қаттиққўллик-
ни! Покизалик деса, отасини аямайди!

— Шўрлик, нима бўлади энди...— Зумрад кўзларини
Бобошга тикди. У ҳозир жуда маъсума кўриниб кетиб,
Бобош ҳам бағрига тортди.

— Зўрликка нима бор-а?...— деди қиз бўшашиб.

— Ҳа-я,— деб Бобош унинг юмшоқ лабларидан ўпиб
олди...

Кун ёйилиб қолган эди... Улар бўлғувси шаҳарнинг
биринчи иккита оппоқ биноси ёнидан ўтдилар. Бобош
даставвал келганида биринчи қоқилган қозиқни кўрсат-
ди, фанерга қизил бўёқ билан ёзилган сўзлар ҳали ҳам
турарди: «Бу ерда шаҳар қурилади».

Бобошнинг эсида, ўша вақтлар ана шу ёлғиз қозқиқа сахро шамоли гизиллаб тегиб ўтар, фанерга қум зарралари чирсиллаб урилар, гоҳо кўчма барханларга кўмилиб қолганида ўтган-кетган қўли билан ковлаб, яна қаққайтириб қўяр эди.

— У вақтда ўзимиз ҳам жуда бошқача эдик,— деди Бобош,— оқ уй атрофида эрталабки зарядкага тизилган уч-тўртта ёш-ялангга хаёлчан кўз ташлаб.— Ҳозир сутдек оппоқ кўйлак кийган йигитлар ҳам пайдо бўлибди...

«Оқ кўйлак кийган йигитлар...», бу — Бобош учун катта гап эди, чамаси. Зумрад унинг кўнглидагини ссзди. «Қум, қавилган қоп ичида ётиш, бултурги макарон... Жонингга тегмайдами?» Бир вақт Зумрад унга шундай деган эди. Ҳозир шу гапларини эслаб ўнғайсизланди.

Улар карьерга яқинлашиб қолган эдилар. Усти очилиб, айланма йўллар солинган улугвор карьер узоқдан қадим юнон амфитеатрининг вайроналарига ўхшарди. Бу ерда янги бақувват роторли экскаваторлар ишга тушган. Узундан-узоқ конвейерлардан оқиб келган тупроқ тепадан дарёдек қуйилиб тоғ барқбар, ним яшил тепаликлар ҳосил қилмоқда. Бу гиёҳсиз тепаликлар худди суратдагидек текис, чўққиси шартта қирқилгандек ясси, қуёш нурининг қаёқдан тушишига қараб гоҳ яшил, гоҳ қўнғир тусда товланар эди.

Зумрадининг хаёли ўша тоғ яратаётганларда, улар қанақа одамлар, Мусулмонқулнинг тақдирини қандай ҳал қилишади, уларга Бобошнинг гапи ўтармикан?

— Зўрликка нима бор-а?..— деди у яна Бобошга қараб. Ёноқ билан қош орасида қисик кўзлари чуқур жилғадек йилтиллади. Гунгурт тепалик панасида Бобош уни яна бағрига тортди... «Зўрликка нима бор?.. Зўрликсиз қандай яхши...» Лаблари лабига чиппа ёпишди. Ҳузурли жимирлаш кифт орасидан силжиб бориб, қаердадир жиз этиб, эриб кетди...

Зумрад Бобошнинг ёнида бораркан, ўзини ўйларди. Вақти келиб, ўзини севгилиси билан тенгма-тенг ҳис этадиган бўлармикан? Бадбахт бир кечанинги жимжит қўйнида ўғирланган юз ёруғлиги йўқки, ҳады қилса... Гоҳо Мария Власовнани, Губановни, Исмонл акани, Бобошни, буларнинг катта дунёсини ўйлаб, ҳайратда қоларди. Ўзи-чи, ўзи ким? Бобошга қизлар қуриб кетганми? Бировнинг қоғоздаги қанддай асраб юрган қизига оғиз солдирса ҳадди сиғади. Зумрадининг нимаси бор? Болали

жувон. «Ўтмас буюм, эшак мунчоқ, яна тағин ёнида етови билан», деб кулишади оғзига кучи етмаганлар.

Улар карьерга етиб келишди. Исмоил аканинг саккиз кубали экскаватори атрофида автоскреперлар ғивир-ғивир айланарди. Бобошнинг эсида, дастлабки кунлар бу букри машиналарда биринчи классли шоферлар ҳам зўрға нонини топиб еганди. Ёмғирли кунлари ромлари синиб, машинистлар дуддан бўғилиб, катта суронли майдонда асабий сўкинишлар эшитилар эди. Исмоил аканинг ўжарлиги билан ҳамма нарса ўзгарди: Моги-лёв заводига хат ёзиб, маслаҳат олишди, дуд қувурларини ўзгартиришди. Грейдерларга цистерналар ўрнати-либ, йўллар сув билан шиббаланди. Қовшларга ҳам ўткир бурчакли тиш қўйиб, олтинчи даражали заранг ерда ҳам ишлайдиган қилинди!

Исмоил ака ҳозир ҳам тепаликда Губанов билан гаплашиб турарди.

— Пайвандчилар ўзимизга керак, ўртоқ Губанов,— дерди пастликни кўрсатиб,— энг яқин маршрутлар ишлаб чиқдик, тўртинчи, бешинчи тезликда ташияпмиз. Фақат икки кунгина бажармадик, холос.

— Нега?

— Қора тупроқ чиқиб қолди. Бир қатлам. Етоқ ёнидаги гулзорга ташидик, болалар қўйишмади.

Дмитрий Казимирович оғзининг бир чети билангина жилмайиб қўйди.

Бобош билан Зумрад бу суҳбатни аранг бўлиб, Мусулмонқулдан гап очганларида Исмоил ака кулди.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, шумтакага,— деди у,— уйда ўтирибди, ғирромнинг оғзи қулоғида. Болалар ўртоқлик суди қилиб, бир додини беришмоқчи эди, қиз ўзи келиб, «даъвом йўқ, яхши кўраман», дебди. Кечиришди, яхши кўриши рост экан, бир нима деб бўладими?

Қувониб кетган Зумрад билан Бобош югуриб уйга боришса, «ғирромбоқи» йўқ, Мастура хола ёлғиз, чий-ратма ипакдан дўппига қатим тортиб ўтирибди. Қимга ёрилишини билмай турган экан, «ўргилиб кетай, қўранг тўлгурлар, ота-онанг тўйингни кўргурлар!» дея парвона бўлиб қолди. Мусулмонқулдан гап очилганда яна ҳам яйраб кетди.

— Қўнгли сув ичиб қолибди-да, болагинамнинг, айланай. Келин ҳам новдадеккина. Уйинчи бўлса ҳам, камсухан, шикасталигини айтмайсизм! Бир-бирига тол-пе-

чакдай муносиб. Еш бўлса, майлига. Нон пишгунча, кулча, куюди, ҳа. Ҳозиргилар ҳаммаси шунақа, кўринганга оғиз солдириб, эшик санаб юрмайди.

— Қачон сабзи тўғраймиз, хола?— деб сўради Бобош.

— Ҳа, тўй қиламиз, болам. Сизлар ҳам гапни чўзиб юраверманглар ахир, ўтган ишдан туш яхши. Бир қошиқ оби ёвғон билан миёнагина тўй қилу. Бир-бирингга қувониб яшайвер, тўкис-тугаллик бўлсин.

Бундай гаплардан кўнгли юмшаб кетган Бобош билан Зумрад Мақсура холани жаврашдан зўрға тўхтатиб, «Куёв болани топайлик», деганча чиқиб кетишди. Чиқишдию қоронғи даҳлиздаёқ бир-бирларининг бағрига отилишди. Қаердандир ялпиз ҳиди келарди. Мақсура хола тувакда ўстирадими, нима бало! Ялпиз ҳидидан ҳатто оғизлари музлагандек бўлди. «Баҳор»,— деди Зумрад йнғитнинг бағрида шивирлаб...

Алексей неча кунлар «собик»ларнинг делоларини, архивдаги ҳужжатларни титиб, биронтасининг биографиясида геологияга дахлдор белги тополмади. Бора-бора Дмитрий Казимировичнинг маслаҳати кулгили кўри-на бошлади унга. Жиноятчини тутиш ўрнига чанг тўзғитиб, қоғоз титиш... Узидан, тажрибасизлигидан хафа бўлиб кетди Алексей. Губановга қулоқ солиб ўтирибди-я: у қаёқдан биларди... Иш бўлса баттар мураккаблашиб, қурилиш шаънига ярашмайдиган хунук воқеалар кўпайиб кетяпти. Бу Мамат деган латта ҳам иш-ни расво қилиб кетди. Айбинг йўқ экан, нима қиласан шошиб? Борасан-да.

Шундай пайтларда Алексейга Зумрадининг маълумоти етиб келди. Бу ҳар ҳолда ишга янги бир йўналиш берар эди. Қултойни кўз остига олдилар. Лекин бу ҳам, ўша Зумрад деган жувон билан қасдлашиб қолганини айтмаса, оддий «собик»лардан эди, ҳамма қатори ишга боради, ишдан қайтади, жазо муддати шартлига айлан-тирилиб, очиқда ишлаб юрибди. Зумрадга айтган гапи ҳам қуруқ гап, факт, далил йўқ, шунчаки уни авраш учун мақтанган бўлиши мумкин: «Ясантириб қўймац, хазинам бор, у-бу». Қуруқ гап билан иш битармиди, жиноят устида қўлга тушириш керак ахир.

Алексейнинг боши қотган эди. Иш ланж. Шундай бўлса ҳам Қултойни кузатиш тўхтатилмади. Алексей

Ўзи унинг қоғозларини бошқатдан қўлга олди. Қараса, илгариги қамоқ муддатини, ундан олдин Сибирда қандайдир қидирув отрядидан қай йўсинда қочганини ҳамма қоғозларда астойдил хаспўшлашга уринган. Бир жойда «дайдилик йилларим» деса, бир жойда «уйдан қочганимда» деб ўтарди, фақат бир жойда, йўл-йўлакай, у ҳам эътиборсизликдан бўлса керак, «қидирув отрядидан қочиб» деган ибора ёзилган эди. Калаванинг учини топган Алексей Қултойнинг оз-моз бўлса ҳам қидирувчилар тажрибасидан хабардор эканини билиб олди.

Лекин Қултой ювош тортиб қолган эди. Еттинчи ётоқдаги хатардан қутулиб олгунча ҳамма «иш»ни йиғиштириб, хавотирда, нафасини ичига ютган эди шекилли. Ишдан кейин ҳеч қаёққа чиқмайди, узоққа бормади, бўш қолса айиқдай дўмпайиб ухлайди. Топилган олтиннинг «эгаси» ўз жонига қасд қилиб, бу билан айбни бўйнига олганидан кейингина Қултойга жон кирди. «Қутулдим,— деб ўйлади у,— мени оппоқ қилиб ўзи асфаласофилингга кетди мижғов». Қўп ўйлайвергани учун Маматни «мижғов» дерди.

«Мана энди можаро босилди. Энди аста-секин қимирлай бошласам ҳам бўлади», деган тўхтамга келди у.

Тонг. Осуда фурсат. Очилган карьернинг узоқ чеккасида геологлардан қолган техника суви ўзанларига Қумтовдан эрта баҳор жилғалари тўпланиб оқар, жилдираб бориб, асрий қумларга сингиб кетар эди. Тонг қоронғиси сал тебранганда қумлоқ соҳилда уч киши пайдо бўлди. Бирини сув ёқасига чўккалаб ўтириб, қўлида тунука патнисни жомашовдек ушлаган, элак элагандек айлантирар эди. У тонг совуғида майкачан, бўйнига кўн халтани қайиш билан қўлтиғидан ўтказиб осиб олган, кунда қорайган чармдек елкасининг ўйноқлаб турган мушаклари лопиллар, бақувват гавдаси ўрганиш бўлиб қолган майин айланма ҳаракат билан тебранар, шопирилган сувнинг шилдираши эса тонг сукутини бузар эди. Бу Қултойнинг ўзи.

Нарироқда курак тутган давангирдай биттаси — Ҳожимат. У нокасталигидан охири Қултойнинг қўлига тушди. Жомашовда олтиннинг йилт этган зарраларини биринчи кўрганида кўзларининг пахтаси чиқиб, оғзини йиғиштиролмай қолди. Шундан бери Қултой калла нима деса, кўнади, қулмисан — қул.

Қумлоқ тепага чиқиб, атрофга аланглаётган бақалоққина, ясси бурунли Дадақўзи деган бола таъминот бўлимига қарашли гастрономнинг юкчи шофёри. Қоянинг орқасида машинаси ҳам турибди. Қултой ҳам қоровулни зап топган экан, чумчуқ пирр этса, юраги ширр этади. Сув шовилласа ҳам, калтакесак сакраса ҳам қулоғи динг. Дадақўзи энди ўзи ҳам пушаймон. Қуёндай қалтираб ўзини койийди: жин уриб бу ерга келадими? Бу Калланинг элаганини одамига пулда-аб, бамайлихотир юрган эди-ку тараллани ванг қўйиб! Кимники эди, билмадим — вассалом. Нима қилар эди бу ерда машина билан сув кечиб, кечалари қалтираб? Жониди ҳаловат йўқ... Ундай деса, Калла ҳам уни энди тинч қўядиганга ўхшамайди, «кемага тушганининг жони бир, Қўзи, питиллама!» деб бир олайса, Дадақўзининг жони ширинлик қилиб қолади. Ҳа, ганиматга эмас, фалокатга рўпара бўлганга ўхшайди Қўзи!

— Кўзингга қара, Қўзи, анқайма!— деди Қултой пастдан. Катта ларзалардан кейин биринчи овга чиқиши, ҳали машъум бир сезги унинг ичини таталарди.

Қулоғини шунча диккайтирса ҳам хавфни Дадақўзи эмас, Ҳожимат сезди. Қултой сапчиб ўрнидан турди. Тонг ёриша бошлаган бўлса ҳам чор атрофда ҳеч қандай шарпа кўринмас эди. Ваҳима қилган Ҳожиматга ўқрайдию яна чўкка тушди. Лекин энди иши юришмади, кўнгли бежо бўлиб қолган эди.

— Ана!— деди Ҳожимат тагин.

Қултой нафасини ютиб қулоқ солди, ҳақиқатан ҳам гувиллаган овоз келарди.

— Мотоцикл!— деди у синашта сезгирлик билан дарров тахминлаб. Асбоб-ускунасини дарҳол йиғиштириб, одатдаги жойга кўмди.— Қўзи, аравани чиқар!— деб буюрди саросимада.

Шериклари Калланинг бундай саросимага тушишини энди кўришлари. Ҳожимат ҳам изини текислаб, қум сочиб, тош бостириб машина турган томонга югурди. Мотоцикл ўзи кўринмаса ҳам, узоқдан тоғ-тошни янгра-тиб тариллар эди. Бир вақт Дадақўзининг хунук чинқириғи эшитилди. У машинадан тўрт қадам нарида, қумда ёстаниб ётарди.

— Оҳ, болдирни еди!— деб инграб юборди.

Шериклари уни, тепаликдан ноқулай сакраб, оёғи синди, деб ўйлашди. Ҳожимат югуриб тепасига келди,

қараса, қон! Қумга қон сирқиб ётибди. Эгилиб, қумга санчилиб, занглаб ётган эски парма тишини суғуриб улоқтирди. Сакраганда боланинг болдирини паққоғ ти-либ кетган экан, қип-қизил гўшти айрилиб ётибди.

— Қўтар!— деб ғазаб билан бақирди Қултой. Узи мотоцикл овози келган томонга аланглар эди. Ҳожимат Дадақўзини бир амаллаб машинага солди. Энди машинани ҳайдаш ҳам ўзига қолган эди. Дадақўзининг инграшидан Қултой баттар тутақиб кетди.

— Хез бўлмасанг, қозиққа сакрайсанми, сўтак!— деб, ўласи бўлиб ётган болага мушт ўқталди.— Ҳайда!

Ҳожимат ҳайдаб кетди. Улар саҳро ичкарисига қараб юрдилар. Машина яхши, лекин йўл йўқ эди. Бу Қултойга далда берди, мотоцикл билан қувиб етиб бўпти! Ҳозир ғира-шира саҳро қаърига кириб ғойиб бўлишади, ана ундан кейин —тутиб бўпсан буларни!

— Мана!— деб қўйди Қултой бошмалдоғини икки бармоғи орасидан чиқариб, ўзига далда бериш учун.— Ҳайда, бос! У ёғи катта йўл, булар пайқагунча етиб оламиз. Ундан кейин овора бўлади; қаерда эдинг — шу ерда эдик, туя кўрдингми — йўқ. Бос, зиқна!

Ёнда Дадақўзи ҳам инқиллаб инграр, пичоқ егандек хирқирар эди. Оёқ ости қон бўлиб кетди.

— Боланинг аҳволи чатоқ-ку,— деди Ҳожимат титраб кетаётган баранкани асабий айлантириб.— Занглаб ётган темир бўлса, қони заҳарланиб ўлиб қолмасин.

— Улмайти. Ҳайда!— деди Қултой орқа ойнадан кўз узмай.

Олдинда йўл-пўл кўринмайди, бу кетишда қаёққа боришади, атроф юзлаб километр кимсасиз саҳро!

— Уни қара...— деди Ҳожимат Қултойга оёқ остида кўлоблаб қолган қонни кўрсатиб.

— Оёғингни боғлаб ол, қалтироқ хумса!— деб бақирди Қултой оқ докадек бўлиб инграб ётган Дадақўзига.

— Менга қара, қайтайлик, ўлиб қолади!— деди Ҳожимат.

Қултойнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди:

— Нима деяпсан?! Узингни тутиб бермоқчимсан, кечаги воқеалардан кейин-а?

— Улиб қолади, қон кетяпти,— деб ялинди Ҳожимат.

— Ҳайда!

— Ҳайдамайман,— Ҳожимат машинани орқага бура бошлади.

— Қаёққа?!

— Уғри, деса, десиң, қотилликка юрмайман.

Қултой шартта пичоқ суғурди, Ҳожиматнинг биқиннига ўқталди:

— Мен айтган томонга ҳайда!

Ҳожимат бураётган жойида на у ёққа, на бу ёққа юролмай тўхтаб қолди.

— Одам ўляпти... Ёрдам бериш керак.

Орқадан Дадақўзининг заиф товуши эшитилди-ю, нима дегани англашилмади.

— Ҳайда, ёрдам мана шу бўлади.

— Ҳайдамасам-чи?— деб Қултойнинг кўзига тик қаради Ҳожимат.

— Ҳайдамасанг. Кўзидан олдин сен жўнайсан!

Ҳожимат биқинига тақалган пичоққа қия қараб, имиллади.

— Во алайҳиллаъна... Шунча ботқоқ туриб, қирғоқда нима бор, деган экан қурбақа.

— Нима?

— Кўнглим озиб, қулоғим шанғиллаб кетяпти.

— Тез!— хириллаб бақирди Қултой.

Ҳожимат олдинга юришга мажбур бўлди. Бу махлуқдан ҳар нарсани кутиш мумкин эди.

— Ҳайвоннинг ҳам даҳшатлиси экансан...— деди олдинга қараганча. Олдинда ҳам ўша бийдек саҳро эди. Мотоцикл овози ўчдимиз, орқада қолдимиз ё мотор овозидан эшитилмай кетдимиз — Ҳожимат асабийлик билан шунга ўйлар эди.— Кўзи! Кўзи! Тирикмисан?— дея қичқириб сўраб қўйди у. Машинада мурда олиб қайтиши кўз ўнгига келди. Дадақўзининг аянчли товуши қулоғига элас қоқилди. Бу сўнги товушидек туюлди-ю, Ҳожимат энги билан пешана терини сидирди.

— Ҳайда!— деди бундан чўчиган Қултой. Унинг товуши сал ўзгарди, пасайди:— Бош ёрилса бўрк ичида, кимга ачиняпсан, зиқна?!

Унинг ҳайиқа бошлаганини сезган Ҳожиматга нимадир далда бердию пичоқ тутган қўлини билагидан шартта ушлаб олди. У гавдасига яраша бақувват эди. Қултойнинг чап қўли билан мўлжал олиб боши аралаш бир зарб уришидан ҳам ўзини йўқотмади. Машина қийшаийиб тўхтаган эди. Улим талвасасида ётган шериклари-

нинг устида қонга беланиб олиша кетдилар. Бўғиқ хирқираш, тепки эшитилди. Хайрият, пичоқ тушиб қаёқададир ўриндиқ остида йўқолган эди, ҳеч бирининг қўлига темир-терсак ҳам илинмади. Ҳансираган Ҳожимат ниҳоят кийимлари дабдала бўлиб кетган Қаллани пастга судраб тушди. Уғрининг қўлтиқ остидаги қайиши бошига етди: шу қайиш узилиб кетдию Ҳожимат у билан Қултойнинг калта қўлларини бир амаллаб илгакка олди-да, маҳкам тортди. Намиққан қайиш чандилиб, тугилиб қолди. Оқариб, юзи қонга, мойга беланган Қултой ожиз эди, шилқ этиб ёнбошга тушди.

— Мана, огайни,— деди Ҳожимат Қултойни боғлагандан кейин бир оз тинчитиб,— қочиб қутулиш мумкин, лекин мен бировнинг ўлими ҳисобига жон сақламайман!

Қултойнинг лунжи кўкариб, шишиб кетган, гапирмас эди. «Бўлмаса ўзинг ўласан», дегандек кўзини лўқ қилиб турди.

— Мен бир жирканч махлуқ бўлмасам, сендақанинг этагини тутаманми!— деди Ҳожимат Қултойни худди тўнгат сингари машинага ағдариб. Кейин қизғиш туфугини туфлаб ташлади-да, рулга ўтириб, машинани орқага бурди. Ун минут юргандан кейин барханлардан ошинб, судралиб келаётган мотоциклга дуч келдилар.

Мотоциклдан Алексей билан икки йигит тушди...

19

Заргаров тузалиб кетди, деса бўлади. Етавериб, ўз хонаси кўзига ёмон кўриниб қолди. Аллақандай зах. Ташқарида ҳозир қайтага ҳаво илиқроқ. Деразадаги баҳор булутлари, узоқдаги дизелнинг бетиним гупиллашию қандайдир портлашлар ташқарига талпинтиради кишини. Лекин доктор чиққани қўймаяпти, яна камида бир ҳафта ётишни буюрган.

Нақ бир йил ётгандек зерикди ўзи ҳам. Қелган-кетган уни аяб, енгил-елпи ҳазил-мутойиба қилади, жуда бўлмаса касалликлардан, об-ҳаводан гапиради. Ҳаммасини Губанов қилипти. «Ишдан гапирманглар», деб тайинлади барчасига. Ҳатто, ишдан бўлак гапни билмайдиган Мкртчян билан ўзи бирга келиб, уни ҳам комбинат қурилишидан оғиз очтирмади. «Болаларингдан гапир», деб биқинига туртади. Кошки Сандро унақа гапни эпласа. Маронинг мошдай қора ўғил туққанини оёқ учига қараб туриб зўрға айтиб берди.

— Саҳрода туғилди, энди бизни ҳам шу ерда олиб қоладиганга ўхшайди, илинжимизни ошириб қўйди,—деди кенжаси ҳақида гап кетганда сал очилиб. Кенжа ширин бўлади-да.

— Доғда қолмайсан,— деди Заргаров.— Свердловскингга ўхшаган шаҳар бўлади бу. Айтгандай, мрамар кони ҳал бўлдими?— деб Губановга қаради у.

— Шошма-да энди,— деди Дмитрий Қазимирович.— Бирлашма ташкил бўлибди-ку. Саҳрода ўн иккита катта қурилишнинг бошини қўшадиган ташкилот...

Шундай қилиб, беихтиёр ишдан гап очилиб, Заргаров ўзини бир оз тоза ҳаво олгандек ҳис қилди. У тетик эди. Ҳатто докторнинг ўзи билан ҳам баъзи янги воқеалардан, Дадақўзи деган шофернинг ўлимдан олиб қолингани каби фавқулодда ҳоллардан гаплашиб ўлтирди. Заргаровнинг куни бугун худди бошқармада, қурилишларда ўтгандек мазмунли бўлди. Фақат, докторнинг «Кечқурун сал иситмангиз ошар», дегани рост чиқди. Бунинг устига, кечқурун, кутилмаганда Шоаҳмад Аббосов кириб келди.

Ажабо, бу нима қилиб юрибди? Заргаров туриб чироқни ёқди. Аббосов ўша-ўша, боши ёрғоқ, юзи юмалоқ, ўзи қип-қизил, бурун тагидаги капалак мўйлови жилмайганида учиб кетадигандек туюлар эди.

— Келинг, келинг, қайси шамол учирди?

— Саҳро шамоли,— деб ўзича жуда ўткир ҳазил қилди Аббосов илжайиб.— Сизни қанақа бурга тепди, ётиб олибсиз?

— Жиндак тобим келишмай қолди,— деди Заргаров, пиджагини елкага ташлаб ўлтириб. Чой қўйди.

— Хабар олгани келибсиз, раҳмат.

— Ҳа, мен хафа бўлишни билмайман, очиги,— деди Аббосов анчагина ғариб ҳужрага менсимайроқ кўз ташлаб.— Оз милтиғи бор экан, яхши. Ҳозир баҳор келяпти, Қумтов жилғаларида қирғовул кўп бўлади...

— Ана шу бизнинг ишимизни қийинлаштиради-да,— деди Заргаров.

— Нима, қирғовулми?

— Йўқ, хафа бўлишни билмаслигингиз. Бундай одам билан курашиб бўлмайди. Хафа бўлиш — тандаги оғриқдай гап. Докторларнинг айтишича, оғриқ медицинанинг жуда катта ёрдамчиси экан. Оғриқ бўлмаса касалнинг қаердалигини билиб бўлмайди, дейишади...

Аббосов жилмайиб турди-да, Заргаровнинг заҳил юзига ачиниб тикилди.

— Сизники нуқул кураш экан-да,— деди.— Ўз аҳволингиз бу бўлса, қурилишда аҳвол бу бўлса! Мен билан курашиб нима қиласиз?

— Қурилишга нима бўлибди?— деди Заргаров сал асабий товуш билан қош тагидан қараб.

— Хунук гаплар кўпайиб кетди-ку... Бу ўлимлар, бу ўғрилиқлар. Қоллектив соғлом эмас. Ўзингиз ҳам касал ётибсиз, балки хабарингиз йўқдир, балки сизни эҳтиёт қилганларидан бу гапларни етказишмас... Мен бу мавзунини бошлаб чакки қилдим шекилли, кечирасиз. Атайлаб шунинг учун келгандан кейин бир оғиз гап билан олдингиздан ўтмасам бўлмас, деб... Ҳа, майли, дамингизни олинг, тузалинг. Ғам еманг, бу ишлар билан обком бюросининг ўзи шуғулланади.

— Қоллективга нима бўпти? Обком нима билан шуғулланаркан?— дея ўрнидан туриб кетди Заргаров.— Сен обком номидан гапирма, ўзинг нима билан шуғулланиб юрибсан, шунини айт?

— Сенламаг, Мардонқул.

— Сенлайман, сўкаман, қурилишдан ҳайдавора ман, барибир хафа бўлишни билмайсан, сенга нима?

— Менга қолса,— деб жилмайди Шоаҳмад,— сен билан апоқ-чапоқ бўлишга тайёрман. Лекин обком...

— Мен сен билан апоқ-чапоқ тугул, бир планетада яшаб юрганимга хафаман,— деди Заргаров иситмаси яна кўтарилганини сезиб. Катта чойнакдаги суyoқ чойни меҳмон қолиб нуқул ўзи ичарди.

— Планетани бошқа қилолмайсану областни иккига бўлиб олмоқчи бўлганинга Ҳайдаровнинг ҳам кўзи этиб қолди.

Заргаров бутун баданидан сув қуйиб, ёнбошлади. Негадир кўнгли айниб, ижирғанди. Дармон йиғиб гапирди:

— Область саҳро ҳисобига тараққий этиб, келгусида иккига бўлиниб кетса, бу — объектив қонуи, Аббосов. Сен буни менга тақама, бундан иғво чиқаришинг қийин.

«Ана, ниҳоят, ўз оғзидан илинди,— деб ўйлаб қўйди Аббосов,— областни бўлиб олади, десам Ҳайдаров кулган эди». Заргаров баданида занфлик сезиб, суҳбатдан ҳафсаласи қочди. Кўнглининг бир чеккасида: «Аттанг, бу ўзини-ўзи фош қилаётган пайтда — суҳбатнинг ўткир бир жойида тузукроқ зарба беролмай, бўшашиб қол-

дим», деган фикр айланарди. Яна аллақаерида эса, «Бу билан олишдим нимаю олишмадим нима, қолган-қутган дармонни сарфлашга арзимайди», деган ўй ҳам ўралашарди. Нафас олиши сусайиб, ётди. Аббосов буни наст келганга йўйди.

— Менга қара,— деди у тескари ётган Заргаровнинг елкасига қўлини қўйиб,— мен қурилишингдаги можароларни кўпиртириб юбориш тарафдори эмасман. Назаримда, ўзингнинг болаларинг кўпиртиряпти.

— Қайси болалар?

— Анави, Алексейми, нимади?..

— Нима қилибди?— деворга қараганча тўнғиллади Заргаров.

— Яна бир нечасини қамабди. Бир ўғри-ку бўйнига олиб, ўлишга ўлиб кетибди, итга ит ўлими, жазоси шу, яна бошқаларни жувонмарг қилиб нима қиларкан?

— Қандай қилиб?— Заргаров туриб ўлтирди.— У бола туҳматдан, исноддан ўлди!..

— Э, қўйсанг-чи. Ёпиғлиқ қозон — ёпиғлиқ. Бу гапларни кўпиртиришдан ким наф кўради? У дунёдаги одам ўғри бўлди нимаю тўғри бўлди нима?

— Э, ҳа-а... ўшанинг бўйнида кетаверсин дегин? Улганининг забони йўқ-да, а?— Заргаров касаллигини унутиб, яна ўтириб олди.

— Менга қара, Мамат Яҳёев коллективимизнинг бир меваси эди. Биз унинг шаънига доғ туширгани қўймаймиз. Мана бу кечагилар эса... менга қара, сен кимни ҳимоя қилияпсан ўзинг?

— Сени ҳимоя қиламан, сени!— деди Аббосов.— Бу бандитларнинг ҳаммасини нозик жойга олиб келган сен ўзинг! Нобуд бўлган бир шўринг қурғурнинг номини оқлаган билан айбингни бари бир юволмайсан-ку?!

— Бу обкомнинг фикрими?— деб сўради Заргаров.

— Йўқ, бу менинг шахсий фикрим. Можарони кўпиртирма.

— «Шахсий» фикр деб ҳар қандай гапни менга айтавериш мумкин деб ўйлайсанми?

— Ҳа, айтавераман. Сен менга қарши ҳеч нарса деёлмайсан. Десанг, «Хотинини тортиб олгани учун шундай қилипти», деб сендан кулишади. Дадақўзини бўшатиб юборишсин, айтиб қўй. Ғалва камроқ бўлсин десанг, ана унисини ҳам...

Заргаров унинг нима учун «бемордан хабар олгани»

келганини энди пайқай бошлади. Фақат, бу жиноятчилар унга нима учун зарур бўлиб қолди экан?

— Шуни бошдаёқ гапирмайсанми? Дадақўзи сенга ким бўлади?— сўради Заргаров мумкин қадар босиқлик билан.

— Ҳеч кимим бўлмайди. Шунчаки, борди-келди, олди-берди, дегандай. Лекин гап унда эмас...

— Олтин олганмисан?

— Ундан эмас, бир заргар орқали. Арзимаган бир тақинчоқ.

— Нима кераги бор эди!..

— Шуни айт. Гап-сўз, гийбатга арзимамайди.

— Сен қўрқма,— деди Заргаров. У ўтирган жойида чўкиб қолган эди, кўзини бир нуқтадан ололмасдан гапирди.— У болани сўроқ қилиб бўлмайди, жароҳати жуда оғир. Доктор айтди. Ҳозир эса, сен бор, жўна. Иситмам'ошиб кетяпти... Сен айтгандай, бировлар олдида бир нима дея олмасам ҳам, ўзингга айтишим мумкин: жуда пасткаш одам экансан!..

У ҳолсиз бориб ётди. Қасали чиндан ҳам худди илгариги шиддат билан қайталаган эди. Аббосов унинг бўшашганидан мамнун илжайиб, аста чиқиб кетди.

Чиқиб кетди-ю, бир минут ўтмай оёқ учида қайтиб, кирди:

— Менга қара, ўша арзимас тақинчоқларни Фотима олган эди. Пулини мен берганман, албатта... Кўнглини овлаш учун... ўзинг тушунасан. Лекин гап шундаки, Фотима ҳозир бетоб. Оғир ётибди. Бу гаплар қулоғига етмаса деб қўрқаман, дарди кучайиб кетиши мумкин.

— Қасал? Оғирми?

— Жуда оғир. Қасалхонада. Шунинг учун бу ерларда куйманиб юрибман... Ҳамма гап шунда...

Заргаров иродасини йиғиб яна турди. Кўз олди қоронғилашиб, қўлларини силтади:

— Чиқиб кет, худо ҳаққи, кет!..

Шундан кейингисини билмайди. Доктор келганда ёлғиз, костюмчанг ётар, иситмадан пўрсилдоқ боғлаган лаблари шивирлар эди:

— Сен ҳали уни... мендан тортиб олдингми?.. Мендан тортиб олиб бўлмайди... У касал...

Заргаров устма-уст дори ичиб иссиғини туширди-да, ўша кечасиёқ шаҳарга етиб борди. Қасалхонага уни тонг-

га яқин киритдилар. Фотимани аввал танимади. У сарғиш девор тагидаги иккинчи койкада муштдеккина бўлиб ётар, илгариги Фотимадан нақ ярмигина қолган эди. Заргаров қаради-ю, ғалати бўлиб кетди, рўпарасида худди ўзи уриб ўлдирган одам ётгандек... Ёшликлари, учрашувлари, у билан беозор тотувлик йиллари кўз ўнги-дан ўтди. Наҳотки, ҳаммаси бекор, ҳаммаси маъносиз эди? Наҳотки, ҳаммасидан фақат мана шу ҳасратли хотирагина қолган бўлса? Кечагина гуркираб юрган Фотима, ўз олами, ўз ўйлари бор эди. Бутун бир ҳаёт лип этиб беҳуда ёндию кул бўлдимми?

—Фотима!.. —Заргаровнинг овози ўзинга бегона эшитилди.

Фотима чуқур ботиб, илгаригидан ҳам катта бўлиб кетган кўзларини очди-ю, қаттиқ чўчигандек узоқ қараб турди.

— Мардонқул?..— Жуда секин сўради.— Тушим эмасми?

— Мен, мен...— деди Заргаров.— Нега йиғлайсан, йиғлама.

Фотима қимирламади, кўзинга қалққан ёш чаккасига оқиб тушди.

—Шукур худога. Энди кўрмасман, деб ўйловдим...— Катта, лекин нурсиз кўзларида ноумид бир ёлбориш, йўқлик дунёси кўринди.— Кўрмасман, деган эдим...— яна шивирлади:

— Қалайсан, нима бўлди?— аҳволни кўриб турса ҳам, шунчаки, гапни улаш учун сўради Заргаров.

— Мени қўяверинг... Ўзингиз қалайсиз? Рапгингиз сушт? Орамизда адоват йўғу бир-биримиз билан хабарлашмай қўйдик...

— Ҳа, негадир шундай бўлди...

— Уйландингизми? Ишингиз...

Заргаров ёлғизлик дардларини, бошидаги можароларни, касаллигини ҳам яшириб, аҳволини яхши қилиб кўрсатмоқчи бўлди, шунда Фотима камроқ ҳаяжонлар, деб ўйлади чоғи.

— Ҳа, уйланганман, ишларим юришиб турибди...

Ўзи ҳам кутмаган ҳолда бу гап Фотимага малол келди. Заргаров ҳам бунинг сезди, ёлғон гапирганига пуншаймон қилди. Одамнинг табиати қизиқ: Заргаров уйланмаган бўлса, шу ҳолда ётган хотинга гўё бунинг бир нафи бўладигандек... Энди унга нима аҳамияти бор экан?

— Яхши қилибсиз... Бахтли бўлинглар...— деди Фотима инграгандек.

— Раҳмат, сен ҳам тезроқ тузалиб кет...

— Мен энди турмайман, Мардонқул.

— Нега ундай дейсан? Ё менга аччиқ қиляпсанми? Нима бўлса ҳам... орада қизимиз бор...

— Сизга бордими?— деб сўради Фотима.

— Бир борган эди, ёқимтойгина бўпти, шайтон. Сендан хабар олиб турибдими?

— Хат ёзади. Қасаллигимни билдирмаган эдим. Кеча чақиртирдим. Кўргим келяпти...— Фотиманинг кўзлари яна ёшланди.— Узингиз қандай келиб қолдингиз?

— Шоаҳмад айтди тобинг йўқлигини.

Фотима кўзини юмди. Грим билан ранги бузилган озгин юзида бемаҳал кексалик аломатлари аён кўринди. Юмуқ кўзидан силқиб чиққан ёшларини жонсиз бармоқлари билан артаркан, чаккасида оқара бошлаган соч толалари тўзғиди. Юзини қўллари билан яширганча бирдан ўқсиб йиғлаб юборди.

— Фотима... Тонг-саҳарда йиғлаш яхши эмас,— деб юпатмоқчи бўлди Заргаров.— Кўнглингни бузма...

— Ҳамма тонг-саҳарларим қон йиғлаш билан ўтяти...— деди Фотима.— Мен бадбахт, тақдирим тошдан битган экан, ёмон куйдим, Мардонқул. Гоҳо ўлим тилайман... Фақат, ниманинг қурбони бўлганимни тушунсам эди...

— Бас қил...

— Тўрт ойдан бери ётибман, касалхонанинг остонасига қадам босгани йўқ...— Баттар ҳўнграб юборди бемор.— Унинг кесакдай совуқлиги ўзига, менга меҳри шафқати керак эмас, ўз қадримга йиғлайман.

Заргаровнинг хаёли Шоаҳмад Табассумга кетди. «У-бу кўнгилсиз хабарлар етиб бормасин, Фотимага қийин бўлади», эмиш. Худди унинг ғамини еб юргандек гапиради-я! Хотинидан қўлни ювиб қўлтиққа урган экан-да: «Улиб-нетиб қолса ҳамма гапни шунга тўнкайман», деб. Мана, «муаммосиз» одамнинг муаммолари! Мараз ҳам шунақа беозор кўрина олар экан-да!»

Лекин оғир беморга ҳозир нима деб бўлса ҳам таскин бериш, тинчлантириш керак эди.

— Жуда ундай демагин. У аҳволингдан хабардор, менга айтди...

— Телефонда «Ўлмадими?» деб сўраб турса керак.—

Фотима бу суҳбат билан бўлиб чарчаганини пайқамай қолди. У сўнги дармонини йиғиб гапирарди.— Сиз мени юпатманг. Мактабдошингизнинг кимлигини сиздан яхши биламан. Афсуски, кеч билдим. Ҳа, энди ҳаммаси ўтди-кетди... Санъатга муҳаббатини кўрсатиш учун энг истеъдодсиз ўйинларимни, ўртачадан ҳеч маҳал юқори кўтарилмаган ролларимни лоф уриб мақтар эди, мен эси паст, бадбахт бўлмасам, шунга учаманми... Э, қўйинг-чи, кўришамизми, йўқми, энди айтишим керак: сиздан кейин на эҳтирос, на ҳаловат, на бир қувонч учқунини кўрдим, Мардонқул. Ботқоқ тортиб кетди.

— Мени кечир, Фотима.

Беморнинг кўкси титрарди-ю, кўзидан ёш чиқмади. У бўзариб кетган эди.

— Фотима, нима бўлди?

— «Кечир» деган сўзингиз...

Бу вақт шошқалоқ доктор кириб беморнинг аҳволини кўрибоқ Заргаровга «Вақтингиз тугади», деб қистай бошлади. Заргаров Фотиманинг кўксига ётган ҳолсиз қўлини ушлаб, хайрлашди.

— Келаман, тетик бўл!

— ...Қўлингиз мунча иссиқ, тобингиз йўқ шекли?— деди Фотима савол назари билан.

Чиндан ҳам Заргаров бемор билан бўлиб, ўз аҳволини унутган эди. Ҳазилга олмоқчи бўлди:

— Ўзим шунақа ўтман, билар эдинг-ку...— Унинг ҳазили азадагидай ўринсиз, ҳазин бўлиб чиқди.

Доктор Заргаровнинг тирсагидан ушлаб, эшик томоқ бошлади. Остонага етганда орқасидан Фотиманинг шошган, лекин жуда заиф товуши эшитилди:

— Мардонқул...

Заргаров қайтиб борди.

Фотима киприклари пирпираб унга узоқ қараб турди-да:

— Мени кечиринг...— деди,— кўнглингизни оғритган бўлсам...— Бу товуш ер остидан чиққандек, Заргаровни титратиб юборди. Бу ётган хотин қандайдир бегона, ёт одамдек кўриниб кетди кўзига.

Эшикка чиққанда у бу таъсирни ўз аҳволдан кўрди, Иситмани босадиган дорининг кучи тугаган эди...

Ёмғиргарчилик бошланиб кетди. Қиш бўйи зах тортиб ётган қум дунёси яна ҳафталар давомидаги сурункали ёмғирларни ҳам кўрдим демай ютиб юборарди. Ҳа-

во очиладиган эмас. Ҳар замонда бутун саҳро бўйлаб юмалагандек гумбурлаб момақалди роқ келади, тунд гумбазининг аллақайси бурчакларини ёритиб кўрса-тади.

Заргаров кеча шаҳардан жуда эзилиб қайтди-ю, яна ётиб қолди. Зотилжами такрорланиб, иккала ўпкаси ҳам яллиғлабди. Шошиб қолган докторлар уни ижозатсиз чиқиб кетгани учун койишни ҳам билмадилар, чунки Заргаровга ҳозир ҳамма нарса барибирдай, ҳатто ўзининг оғир аҳволига ҳам бепарво, шифтга тикилиб ётар, Фотиманинг бегона юзи кўз ўнгидан кетмас эди. Унга ҳеч нарса таъсир қилмайди, на укол, на танбеҳ, фақат момақалди роқ ойналарни зириллатганда ҳар гал бир чўчиб тушгандек бўлади.

Аввал хонада ёлғиз қолгиси келди. Лекин доктору ҳамширалар ҳам, ҳол сўрагани келганлар ҳам чиқиб кетишгач, ёлғизлик уни эза бошлади. Нима бўлди ўзи? Негач бу аҳволга тушди? Шу ишларнинг қай бирига ўзи айбдор, хато нимада эдию бу йўлларни танлаб у нимага эришди?.. Нима эвазига? Қилган иши арзийдими бу фидойилик, бу маҳрумият, бу қурбонларга? Ҳаётнинг ҳамма мураккабликларини ақл мезонига солиб бўлса экан?.. Одам ўз умридан мантиқ излайди, ҳаёт бўлса, ўз шиддати билан давом этади.

Тағни хонани титратиб момақалди роқ гумбурлади. Заргаров саҳрода яшин чақнаган тунларни яхши кўрар, ётган жойида томоша қилар эди. Ҳозир бўлса, йилт этган чақмоқ кўзини оғритади, кўнглини тинчитмаяпти.

Кун ҳам, тун ҳам шундай ўтди. Заргаров иситма хуржидан уйқусиз қийналгани сингари, саҳро ҳам момақалди роқ силсилаларидан тўлғанар, беморнинг назарида, у туни билан тити-пити бўлиб кетгандек эди. Учинчи куни тонгга бориб, осмон яна бир зирилладию эшик ланг очилиб, гўё яшин-чақмоқ билан баробар отилиб Саодат кириб келди. Унинг сочлари тўзғиган, кўзлари қизарган, газабли эди. Ётган отасига қараб останада туриб қолди:

— Саодат?— деди Заргаров бир нимани кўзгилдан сезиб.

Саодат бўздай оқарганча ҳамон турарди. Отаси:

— Онанг...— дейиши билан, деворга ёпишиб, ўкраб йиғлаб юборди.

— Нима қилиб ётибсиз! Сиз ўлдирдингиз!— дея чинқириб юборди қиз. Ориқ шалаббо елкалари титрар эди.

— Қизим қачон?— деди анчадан кейин, Саодатнинг ноласи юрак-юрагига ўтиб кетган Заргаров. Унинг товуши ўзи кутгандан ҳам баттар заиф, аянчли бўлиб чиқди. Онасининг азасига ҳам бормай, бепарво ётган отасига ғазаб билан ташланмоқчи бўлиб турган Саодат бирдан ёшларини артиб, каравотга яқинлашди. Отасининг заҳил рангини, базўр нафас олиб ётганини кўриб, қучоғига ташланди.

— Дада... сиз...

Ота индамади. Қизининг чуваккина елкаларини силди. Фақат, анчадан кейингина:

— Қачон қизим?— деб яна сўради.

Саодат унинг кўксига ҳўнграб турганича бор воқеани айтиб берди.

Фотима кеча касалхонада тўсатдан қизининг қўлида вафот этибди. Саодат қаттиқ қўрққан, бир неча марта ҳушидан кетган. Ҳар ҳушига келганда отасини кутган...

Отаси эса, бу аҳволда экан. Ҳозир унинг яна ҳам мазаси қочди. «Вой, худойим-эй,— дерди. қути ўчган Саодат,— нима гуноҳим бор эканки, қичкинагина бошимга шунча кўргилик?!»

— Қимлар келишди?— тин олиб сўради Заргаров.

— Театрдагилар кўмишди...

— Отанг... ўғай отанг...

— Мен у кишини танимайман,— деди Саодат. У отанининг кўкрагини силарди.— Мен аҳмоқ, сизни юмдалайман, деб келибман. Дадажон, оизга нима бўлди?

— Менга ҳеч нима бўлгани йўқ, болам, сал тобим қочди, тузалиб кетаман. Сен билан биз тирикмиз. Фақат онанг...— У қизининг бошини силади. Қизи эса, муштчалари билан унинг қуруқ кўзини артар эди. Чунки унга отаси ўқсиб йиғлаётгандек туюлди.

— Энди нима қиламиз, дада?

— Сал дармонга кирай, тураман. Кейин гаплашармиз.

У нафасини ростлаб олмоқчи бўлиб, жим қолди-ю, кўксига қизининг қалтираши вужудини ёндиради эди. У шаҳарга ўтган кунинга борганини, онаси билан яхши гаплашганларини айтиб берди.

— Кўп йиғладингми?— бошини силаб сўради кейин.

— Йўқ... Дада, сиз ёниб кетяпсиз!

— Сен мени айблайсанми, қизим?..

— Йўқ,— деди Саодат яна. Бошини кўтариб калта

сочларини тузатди — Фақат, ҳеч миямга сигмайди, нима-лар буляпти?

Буни Заргаровнинг ўзи ҳам билмас эди. Лўқ-лўқ ёнган бошида чувалган чала фикрларини чамалаб, тахминлаб гапирди.

— ...Балки катта... катта ҳаётга ёриб чиқиш... шундай мураккаб, оғир ишдир... У гоҳо дард беради, гоҳ фожияли...

Буни Саодат тушунмаслигини билади, лекин у ўзи учун гапирар эди. Сўнгра эслаб қолиб, ёстиқ остидан Маматнинг чала қолган хатини олиб берди. Саодат аввал ўқиб ҳеч нарса тушунмади. Қайта ўқигач, сўради:

— Ким бу, менинг олдимда юзи шувут бўлишдан кўрққан?

Заргаров Мамат ҳақида гапириб берди.

— Ҳа, мен у билан бир гаплашган эдим. Лекин бу нимади?— деб қиз қўлидаги хатни кўрсатди.

— Бу... менингча, бу — туғилмай ҳалок бўлган муҳаббат...

Саодат дадасининг пешонасини ушлади. Унинг тушуниб бўлмайдиган бу мулоҳазалари қизчага алаҳлашдек туюлган эди. Дадаси сўзида давом этди:

— Сен жуда ҳам ғўрсан ҳали. Бир вақт бориб тушунасан — одамлар катта ҳаётга чиқиш учун интиладилар. Бу жуда оғир кураш... Биров бунинг йўлини билади, биров билмайди, биров манзилга чиқиб боради, биров но-буд бўлади...

— Сиз биласизми, дада?

— Мен ҳам интиламан. Лекин бу дардли, азобли бўляпти. Демак, мен ҳам тугал билмайман...

— Ана, мен худди шундай деб ўйладим дарров. Бўлмаса, каттакон, ақлли одам шу аҳволда ётармидингиз? Ёлғизсиз, шароитингиз, турган жойингиз...

— Йўқ, қизим. Бу муаммо эмас ҳаётда. Уй-жой... Эртага бу ер катта обод шаҳар бўлади, истаган қасрингни танлаб ол. Бироқ одамнинг тақдири бу билангина ҳал бўлмайди-да... Сенга ҳаёт ато этилган. Бу бебаҳо тухфа, уни шунчаки сарфлаб ўтиш...

Иситма яллиғлатган кўзлари ўнгида Аббосов пайдо бўлди. Заргаров инграркан, унга гапира бошлади:

— Сен эса семиз қуртдай яшадинг... хўш, кимга фойда?

«Яшаганим фойда.-- Аббосовнинг жавоби янгради,—

Нима дейсан, сенга алам қиялпими? Яшадим, яхши яшадим, тинч, беозор яшадим, тамом».

— Ҳаёт қасос олади...

«Энди кечикди»,— деди Аббосов қаёққадир узоқлашаётиб.

— Эҳтимол кечикмас...— деб қичқирди Заргаров ётган жойида. Бирдан сесканиб кетди. Қараса, пешонасида совуқ ҳўл латта, қўлида Саодатнинг кичкинагина бармоқлари қалтирамоқда. Кўзини очганда қути ўчган қизининг қўрққан кўзларини, нимадир сўраётган лабларини кўрди.

— Ким рухсат берди?

Саодатнинг лаблари қимирлар, лекин говуш уники эмас, докторники эди.

Доктор саволни унга берган эди. Йиғлаб-сиқтаётган Саодатни четга суриб, бемор тепасига борди-да, шприцдан чарсиллатиб четроққа дори сачратди. Бу кўзга кўринаётган шарпа эмас, чинакам доктор эди.

— Биз боришимиз керак, доктор,— деди Заргаров.— Қабрига боришимиз керак...

Доктор бунни одатдаги алаҳлаш деб билди. Лекин мунча нафаси совуқ? «Энди чиқиб бўлсиз,— деди у ичида,— бир карра ижозатсиз чиқиб кетиб, бизни шунча ташвишга қўйдингиз етар...»

20

Шоаҳмад Аббосов сўнгги кунларда кўпроқ Ҳайдаров билан бирга, унга суҳбатдош, ақалли унинг кўз ўнгида бўлишга уринди. Мажлисларда ёнма-ён ўтирди, бўш вақтини топиб кабинетига кирди, бирга овқатга чиқди, ҳатто якшанба оқшом уни футболга ҳам таклиф қилиб, стадион ложасида элга кўриниш бериб ўлтирди. Ҳайдаровга унинг ҳаяжонсиз мулоқим суҳбатлари ёқар, Аббосов ҳатто баҳсли гапларнинг ҳам кескинлашишига йўл қўймас, у билан бўлганида бамайлихотирлиги толиққан асабларига анча дам берар эди.

Аббосов ҳозир ҳам биринчи секретарнинг кабинетидаги юмшоқ креслода оёқларини чалиштириб ўтирар, ўтириши биланоқ суҳбатнинг маромини вазминлаштириб, хонага осойиш бағишлар эди. Улар ҳар хил бахмалдан, унинг товланадиган бир тури машина ўтирғичига яхши ғилоф бўлиши, фамил чойнинг юракка даво бўла-

диган навларидан ҳангамалашиди. Кейин барг кеса- диган янги хил қайчи ҳақида гап очилганда, Ҳайдаров столдаги қоғозларини тита туриб бошқа мавзуга ўтди.

— Ҳайронман,— деди у беозор оҳангда,— шу Заргаровни кўргани кўзингиз йўқ, Шоаҳмад Аббосович. У бошқа одам бўлса, сиз бошқа одам бўлсангиз, ундан нима керак сизга.— тушунолмаман.

— Қизиқсиз, Маҳмуд Ҳайдарович, кўргани кўзим бўлмай, мен унга қарши бирон адоватли иш, кори бад қилиб қўйдимми?

Ҳақиқатан ҳам, Ҳайдаров қаёқдан олди бу гапни? У Аббосовнинг Заргаровга қарши бирон кескин хатти-ҳаракатини сезганмас.

— Бюро қурилишдаги ишлар билан қизиққан экан, деб давом этди Аббосов,— мана, одатдаги фактлар, рақамлар, процентлар. Шундай пасту баланд вазият ҳамма корхоналарда ҳам бўлиши мумкин. Мен ўйлаб чиқарганим йўқ бу гапларни, худо ҳаққи, Маҳмуд Ҳайдарович. Ё бу Заргаровга қарши кураш бўлиб кўриняптими?

— Ундай эмасу...

— У киши билан курашиш эмас, эҳтиёт қилиш керак у кишини,— майингина давом этди Шоаҳмад Аббосович.— Ўзи бир аҳволда ётибди, шўрлик. Ишлайди, ишлайди, ҳаловати йўқ, омади келмаган йингит экан.

— Қасали оғирми?

— Гап касалида эмас,— деди Аббосов ҳасратли оҳангда,— коллективдаги хунук гаплар бутун областга ёйилиб кетибди. Биласиз-ку, бир ўғирлик бўлса —«бандитизм», бир ўлим бўлса —«қирғин бўлганмиш», уч киши қамалса —«шайка чиққанмиш» бўлиб болалаб етиб боради. Маслаҳатингизга қулоқ солмай, одам керак деб, суриштирмай ҳар хил қаланғи-қасанғини ҳам олаверди, нозик жойга маҳбусларни олиб борди, кўпини ҳовлиқиб енгил режимга кўчирди, мана энди бечора пушаймон, нима қилсин, ич-этини еб ётибди. Катта коллектив ичидан айниқса ёмон бўлади, чок-чокидан кетяпти, этагини йиғиб ололмайдиганга ўхшайди. Бунинг устига... келинг, бошингизни қотирманг, ўзининг партия ташкилоти бор, аниқлаб, бир ёқлиқ қилиб берар. Ушандан кейин, кўрар-миз.

Қизиқ, бу одам шунча муаммо гапни гапириб, тагин ўзи бир чеккага чиқиб турмоқчи.

— Заргаров муҳим масалаларни қўзғаб, катта иш бошлади, ғайратли одам,— деди Ҳайдаров жуда кўпайиб кетган қоғозларни ҳафсаласиз варақлаб.— Партия ташкилоти буларнинг ҳаммасини, Заргаровнинг шахсий иши, деб қарашни керак эканми?

— Шахсий иши ҳам бор да, бояқишнинг, Омад бир кетса кетар экан,— деди Аббосов ачиниб.— Уша, айтган эдим-ку, анави қора қиз ҳақида.

— Уни чақириб гаплашдим, Шоаҳмад Аббосович,— деди Ҳайдаров.

— Хўш, кўрдингизми акамнинг дидини?— шўхлик билан кулди Шоаҳмад Аббосович.

— Мен қариб қолганман, лекин, очигини айтсам, шундай аёл менга кўнгил қўйса, ҳамма нарсадан воз кечардим.

Аббосов қиқир-қиқир кулди. Секретарнинг ҳазилни юксак баҳолаётганини кўрсатиб, яна қайта-қайта хахолади. Кейин бирдан тўхтаб:

— Ўзидан ўн саккиз ёш кичик-а, одоб ҳам керак-ку! Ўн саккизга қадам қўйган қизи бор одам... Раҳбарнинг ахлоқи...

— Кўнақасига ёш бўлади, Аббосов?— сўзини бўлди Маҳмуд Уайдарович.— Шунча ишни қилиб қўйибдики ўша сиз айтган «қора қиз», сиз билан биз ҳали мунча иш қилдик, деб мақтанолмаймиз. Саҳронинг шамоли билан офтоби вужуд-вужудига сингиб кетган. Қап-катта хотин, сиз нима деяпсиз? Ёши билан нима ишимиз бор, тегадиган у, оладиган Заргаров-ку! Унга худди мана шундай қарчиғай керак, назаримда.

— Оладиган у, тўғри,— деди Аббосов. Ҳозиргина бир нимасини йўқотгандек, сал безовта бўла бошлаган эди.— Лекин оладими, денг! Ташлаган хотини ўлганига бир ой бўлмай туриб, ёшгина нарса билан етаклашиб юрса... Олдида бўй етиб турган қизи бўлса!.. Коллектив нима дейдию раҳбарнинг обрўи нима бўлади?

— Илгариги хотини нима бўлиб ўлди? Кейинги вақтда у билан ўзингизнинг ҳам мулоқатингиз бор экан, деб эшитган эдим?— деб сўради Ҳайдаров.

— Ҳа, энди... Кўндан сўққабошман, биласиз. Бир тинчисам, деган ният бор эди-ю, бўлмади-да.

— Касал эдими?

— Ҳа.. чиройли хотиннинг ё оёғи эгри бўлади, ё фаросатсиз, дейишарди, рост экан шекилли-да,— ҳасрат

қила бошлади Аббосов.— Артистка бўлса ҳам, бузуқ эди деёлмайман, асосим йўқ, лекин эси пастроқ эди, раҳматлик. Ясан-тусан, безакка муккасидан кетган... Улганлар ҳақида бундай гапириб бўлмайди, ўзингиз гап очдингиз, ростгўйлигим қурсин...

Ҳайдаров суҳбатдошига бирдан жирканиб қараб қўйди. Аббосов ҳам ўйламайроқ гапира бошлаганини пайқаб, тилини тишлаб қолди.

Телефон жиринглади. Маҳмуд Ҳайдарович трубкани олди. Мембранда жаранглаган овоз тинч хонада бемалол эшитилиб турарди. Телефон қилаётган киши Тошкентдан, Фанлар академиясининг президенти экан.

— Бизнинг бир қизимиз сизда йўқолиб қолди, ўртоқ Ҳайдаров,— деди у,— Зиёда деган. Қайси базада эканини билолмаяпмиз. Шошилишч топнишга ёрдам берсангиз.

Аббосов ўрнидан туриб кетди, бармоғи билан трубкани кўрсатиб, бир нималар пичирлади. «Ана, кўрдингизми, ишни ташлаб аллақакларда илиқиб юрибдиг, раҳбарлари уни қидириб ҳалак!»— деди шекилли, Ҳайдаров икки томонни бир йўла эшитолмади.

— Ҳа, ходимангиз чатоқроқ, ўртоқ президент,— деди Ҳайдаров ҳазиллашиб.— У мўйсафидларимиздан бирини йўлдан уриб юрибди бу атрофларда...

— Агар тилла қизимизнинг бошидаги бирор туки хато бўлса — жавоб берасизлар, Маҳмуд Ҳайдарович!— деди президент ҳам шу оҳангда.— Ҳозир унинг туриш-турмуши олтин-а!..

Кейин президент Зиёда бошлиқ лабораторияда қандайдир фавқулодда янгилик юз берганини айтиб, у бугуноқ етиб келиши кераклигини яна бир бор таъкидлади. Ҳайдаров тезлик билан бир тadbир топиб, «тилла қиз»ни бугуноқ, пойтахтга жўнатишга ваъда қилди.

Телефондаги хушчақчақ гап тугагандан кейин, бу ерда ҳалидан бери давом этаётган суҳбат бирдан маъносиз бўлиб туюлди, индамай қолишди. Ҳайдаров негадир жуда жўн ўтган кунини ўйлаб, кўнгли хира тортди. Рўпарада ўтирган эски таниши ҳам бирдан бачкана кўриниб кетди. Унинг марҳума актриса ҳақидаги тубан гаплари эсига тушиб яна жирканди, Аббосовнинг тезроқ чиқиб кетишини истаб қолди.

Аббосов бўлса ҳамон оёғини чалиштириб ўтирар, капалак мўйловида қотиб қолган жилмайиши қоғоз гулдек сунъий, совуқ кўринад эди. Эшик очилиб, ишчан қиёфали

кекса рус киши — ташкилот бўлимининг мудирлари кирди, Ҳайдаровнинг столига бир қоғоз қўйди:

— Телефонграмма. Марказий Комитетдан.

Ҳайдаров қоғозни қўлига олиб: «Заргаровнинг ҳозир бўлишини таъминланг. Соат ўн олтию ўттизда», дея секин ўқидию мудирга савол назари билан қаради.

— Тасдиққа чақиришяпти, Маҳмуд Ҳайдарович,— деди мудир,— ўзингизнинг тавсиянгиз билан ўртоқ Заргаров Қумтов Комлекс қурилишлар бирлашмасининг генерал директори қилиб тайинланган.

Ҳайдаров телефонграмманинг оғирлигини салмоқлагандек, уни қўлида тутиб, ўйга толди.

— Хў-ўп... нима ҳам деймиз. Ҳозир бўлишларини таъминланг,— деди анчадан кейин мудирга.

— Чақиртирганмиз, ўртоқ Ҳайдаров, у киши шу ерда,— деди мудир.

— Шундай демайсизми!— негадир ҳаяжонланиб қолди Ҳайдаров.— Чақиринг, кирсин.

Мудир бош силкиб, чиқиб кетди.

Аббосов бу пайт ўрнидан туриб, дераза тагига бориб олган эди. Ҳайдаров биринчи бор унинг юзида шумшайиш ифодасини кўрди. Ажабки, илжаймаса юзи анча совуқ, қаримсиқ кўринаркан. Сўлди-қолди. Ҳайдаров уни, узоқ яшайди, сира қаримайди, деб ўйларди. Наҳотки оддий табассумгина уни ёш кўрсатиб турган бўлса...

— Мана, Шоаҳмад Аббосович... Сизга қийин бўладиган бўлди,— деди Ҳайдаров жиддий.— Очигини айтсам, у энди сизни сиғдирмайди, аминман.

— Сиз ўзингизга эҳтиёт бўлинг, Ҳайдаров!

Аббосовнинг товушида нотаниш бир оҳанг янгради. Маҳмуд Ҳайдаров унга ялт этиб қаради-да, одатдаги ҳорғин жилмайиши юзига аста ёйилди. Бу унинг кўнгли осойишталигини кўрсатарди.

Заргаров кириб келди. У яна ҳам новчароқ, туташ қошлари яна ҳам ўсиқ, озғин юзида эса беморликдан кейинги заҳиллик асорати билиниб турарди. У Ҳайдаров билан кўришгач, таклиф этилган жойга ўтирди, четроқда, дераза олдида турган Аббосов билан саломлашмади, уни гўё кўрмади ҳам. Аббосов эшикка қараб юрди, у чиқиб кетгунча суҳбат бошланмади.

— Кечирасиз, Маҳмуд Ҳайдарович, мен у кишига қўл беролмадим,— деди Заргаров Аббосов чиқиб эшик ёпилгандан кейин.

— Мендан узр сўрашингизнинг ҳожати йўқ, Заргаров, тўғри қиласиз.

Орада бир нафас ўнғайсиз жимлик ҳукм сурди.

— Майли энди, жуда ҳам эзманг,— деди илтимос қилгандек Ҳайдаров,— ижроқўмга муовин-пуовин қилиб қўярмиз, юраверсин, беозор одам...

Заргаров секретарга қараб қўйиб, кўзини четга олди. Бир нуқтага тикилди, унинг ҳали дармонсизлиги сезилиб турарди.

— У неча йилдан бери шу ишда?

— Саккиз йил. Нега сўрадингиз?

— Назаримда, ижрокомларнинг ишига бўлган баъзи муносабатларимиз... мана шундай амалдорларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади шекилли...

— Муносабат? Қандай «амалдорлар»ни айтасиз?

— Мана шундай-да... ишга жонини бераётгандек, аммо масъулият юклаб безовта қилишмаса бўлгани. Биз эса, шуларни ҳам ижрокомда ишлайверса бўлаверадим, деб ўйлаймиз.

Улар баҳсга киришдилар. Лекин уларнинг баҳси баҳсга эмас, бир нарсанинг тагига етиш учун зўр бериб уринишга ўхшар эди. Ҳайдаров иягидаги сўгални бармоқлари билан эзгилаганча ўйланиб қолди. У Заргаровни Аббосовга тиш-тирноғи билан қарши, бир чеккаси унга кеки ҳам бор, у кетса тинчиб қолади, деб юрса, бу томонлари ҳам бор экан-ку ҳали. Ҳайдаров ўзини мулоҳазакор одам ҳисобларди, бу бўлса унинг хаёлига келмаган томонларга ҳам кириб бормоқда: «Ижрокомларга муносабатимиз...»

— Гапимни кўнглингизга олманг. Бу бир мулоҳаза,— деб Заргаров ўрнидан турди.— Мен жўнашим керак.

— Гапингизда жон бор, ука. Мен мулоҳазаларга чанқоқ бўлиб қолганимни сезяпман. Нима фикрингиз бўлса очиқ айтаверинг. Қайтиб келганингизда гаплашамиз. Ҳозир эса, оқ йўл!

— Раҳмат, сиздан «оқ фотиҳа» олгани кирган эдим,— Заргаров унинг қўлини сиқди.

— Қўлингиз бақувват, кечагина касалдан турган одамга ҳам ўхшамайсиз...— дея, бошини кўтариб самимият билан унинг юзига қаради Ҳайдаров. Хона ўртасида сал букчайганча туриб, чанг этиги билан оғир одимлаб чиқиб кетган қурувчининг бесўнақай гавдасини ҳоргин

кўзларида ҳавас билан кузатиб қолди. Кўнглини биринчи марта ширин бир ҳасад ўртаб ўтди.

Ҳаяжонга ўрганмаган 'Шоаҳмад Аббосов уйига боргунча дафъатан вужудда нохуш бир дармонсизлик сезди. Умр бўйи ардоқлаган азиз нарсасини йўқотгандек эди. Шафтоли гули рангли дарпардалар ҳам, хоналардаги ним қоронғи сокинлик ҳам оромини қайтиб беролмади. Ҳар иш билан келиб-кетаверадиган, йўл-йўлакай бозорини қилиб, уйига кириб чиқадиган муовинлари ҳам бугун ғашини келтирарди. Илгари ёлғизлик нималигини билмайдиган одам танҳолик истаб қолди.

Лекин ёлғизлик баттар эзди. Уйдан фаришта қочган, табассум учган эди. Бурчакда креслога чўкиб ўтираркан, Аббосовга олам бегона кўринди. Ташқарида гўё бўрон қутурарди-ю, шу кимсасиз ғира-шира хона — унинг сўнги паноҳи эди. Гўё саҳрода қуруқ чакалак ловиллаб ёнарди-ю, у пусиб ўтирган жойида ёнғин тафтида қовжирашдан қўрққан шовулдек қалтирар эди.

Нима гап ўзи, у нима ёмонлик қилди одамларга?

«Гап шунда-да, на ёмонлик, на яхшилик қила олдингиз...» — деган товуш келди.

Астойдил қулоқ осиб қараса, Фотиманинг овози. Ажабо, у ўлган эди-ку?!

Асаб, асаблар... Тепса-тебранмас, дейишарди уни, анча заиф экан-да, дарров асаби қақшаб қолди.

«Асабларни эҳтиёт қилинг, лоқайд бўлинг...» — ҳалиги овоз яна келди. Қараса, оппоқ ички кўйлақда, узун қўлларида олтин безаклар кўтарган Фотима келяпти рўпарасига.

У буткул оппоқ, сочларигача... Узатган қўлларидаги қимматбаҳо безаклар ергача осилган:

«Тақинг, тақинг бўйнингизга, — дейди Фотима, унинг бўйнига оғир тақинчоқларни осадди, Аббосов бўғила бошлайди... — Осинг бўйнингизга, бу меники, бировга берманг...»

Овоз эгаси Фотима эмишу ўзи Фотима эмас, ундан олдинги хотини Эътибор эмиш. Эътибор букчайган кампир бўлиб қолибди, анча бўлган эди ўлганига. Ёш ўлган эди, у дунёда ҳам қарир экан-да одам? Қизиқ, ташвиши бўлмаса... Ё у ерда ҳам ташвиш бормикан? Эътибор ҳам қуруқ қўлларини чўзиб келяпти, қўлининг баъзи жойларида суюги кўриниб турибди... Нима қилмоқчи, нима

керак унга?.. Аббосов бақирмоқчи бўлди-ю, овози чиқмади. Муддаоси нима? Аббосов уни оғир кунга қолганида ҳимоя қилмаган эди, туҳматга учраб қамалиб кетди, Аббосов орқасидан юрмади, ташвишидан кўрқди. Лекин ёмонлик қилгани йўқ, ўша ёқларда касалга чалиниб, кейин узоқ ётиб ўлиб кетганида болаларини боқди... Нима қилмоқчи, ўч олмоқчимиз?

— Эътибор! Эътибор! — Аббосов ўрнидан ҳам жиллолмади, овози ҳам чиқмас эди. Кампир суякли қўллари билан уни бирдан қучоқлаб олди, бағри юмшоқ эмишу гавдаси совуқ, ўлик эмиш...

«Лоқайд бўлинг, энди менга керак эмассиз...» — деб шивирлармиш ўлик...

Аббосов бир нима деб бақириб юборганида овози ёриб чиқиб, уйғониб кетди. Совуқ терга ботган, креслоннинг бахмал лўласи ҳам нам, совуқ эди. Уликнинг юмшоқ қучоғини шундан кўрган Аббосов, лўлани отиб юборди. Негадир «Хайрият!», «Хайрият!» дея манглайини ушлаганча бориб, ечиниб жойинга ётди. Утирган жойда ухланинг оқибати шу-да, ёмон туш, босинқираш... Аббосов камдан-кам туш кўрар, кўрганда ҳам қандайдир рангли, роҳатихон тушлар кўрар эди. Бугун бўлса... Дарвоқе, бу — Эътибор нима қилиб юрибди тушида? Унут бўлиб кетган гаплар...

Лекин кўзи кетиши билан Эътибор қиёфасидаги кампир яна пайдо бўлди. Энди у Аббосовнинг бошига келиб ўтирганмиш.

«Кетмайман, ҳар кун келаман, мен сизнинг виждонингизман!» — дермиш.

— Мен-чи, мен ётавераманми? — сўрармиш Аббосов.

«Ҳа лоқайд ётаверинг, мен ҳар кун келаман, мен виждонингизман...» — деб такрорлармиш кампир. Суяги чиққан бармоқлари билан юзини силамоқчи бўлармиш.

— Йўқ! — деб бақирганча, яна туриб кетди Аббосов. Пешонасини артиб ўлтириб олди. Қоронғи уйда нимадир шитирлар, юмшоқ гиламда биров юргандек эди.

— Фотима? — деди Аббосов. Шу зумдаёқ ўнгида ҳам босинқираётганини пайқаб, кўрпани отиб юборди. — Нима бўляпти менга ўзи! Жинни бўлиб қоляпманми?

Туриб, яланг оёқ у ёқ-бу ёққа юрди. «Чиндан ҳам ҳар кун келаверса-я!» даҳшат билан ўйлади у. Энди ётгани юраги бетламасди. Арвоҳ ўнгида ҳам пайдо бўладигандек, шоша-пиша кийиниб ташқарига чиқди. Зинапоянинг

ёнгинасидаги ўрик гуллаган эди. Аббосов уни қучоқладию кўзидан дув ёш тўкилди. Ҳаммасига ўша Мардонқул давангир сабабчи. Қаёқдан ҳам пайдо бўлди бу саҳрода! Энди саҳродагина бўлса ҳам кошкийди. Ҳозир Тошкентнинг гуллаган хиёбонларида ўша қорамағиз дилбарни бағрига босиб юрибдими ҳали. Азоб чеккани сари яшаради... Буни бўлса, кўз юмди дегунча, кампирнинг арвоҳи қучоғига тортади. Ҳар куни келаверса-я?..

Заргаров бу пайтда чиндан ҳам Зиёданинг титроқ, жссиқ қоматини бағрига маҳкам тутиб турарди.

Улар академгородок хиёбонининг қизил қум сепилган йўлкасида учрашдилар. Катта бир ички қувончдан Зиёданинг кўзлари ёниб, ўзи эса сабреиз талпиниб турарди.

— Шўрлик алхимикларни оқладик, Мардонқул ака!— деди у саломлашншдан ҳам олдин.— Топилди, сунъий олтинли порода, зарафшон тупроқ топилди!

Шундай бахтиёр эдики, Заргаров:

— Табриклайман, жонгинам!— деб қучоқлаб олганида, унча қаршилик кўрсатмай, унинг саҳро ҳиди келиб турган кенг бағрига сингди-кетди. Заргаров ҳам бир умр кетган, бир умр интилган азиз, эзгу бир ҳароратга энди етгандек, уни кўксига босганча ҳамон турарди. Хиёбонда кечки салқин, шўх-шатири шабада барвақт гуллаган бодом, қизил акация гулбарглариининг сезилар-сезилмас ҳидларини анқитган, тараб сепилган қизил қум устида сийрақкина излар намиқиб, қорайиб кўринар эди.

— Өзиб-тўзиб кетибсиз... Мунча қўпол суякларингиз?— дея шивирлади Зиёда. У оқ халатда биринчи йил бодроқ бўлиб гуллаган ўрик ниҳолига ўхшарди. Саҳрода узоқ бемор ётиб, илк баҳорга илҳақ бўлган Заргаров бу хушбўй, илиқ оқшомни бутун машаққатли умри учун ато этилган туҳфа деб билди. Авайлаб бағридан бўшатди. Қиз ерга қараб, сочларини тузатди.

— Энди батамом соғайиб кетдингизми?

— Оғир кунларда бориб хабар олмади, деб сиздан гина қилиб юрибман, бу ерда оламшумул воқеалар юз берган экан-ку...— деди Заргаров кўнглидаги ўша ҳеч ким воқиф бўлмаган гиналари учун узр сўрагандек.

— Мен бордим,— деди Зиёда,— икки марта бориб... кечаси деразангиз олдидан айланиб қайтдим. Чақмоқ чаққанда кўриб қоласизми, деб, юрагимни ҳовучлаб...

— Ёгин-сочинда-я?— деб сўради Заргаров. У Зиёданинг шундан шу ёққа бориб, индамай қайтиб келаверга•

нини кўз олдига келтирди. Яна бағрига олиб ёш боладек суйди. «Меҳрибоним», деди шивирлаб, Зиёда уни темир одам деб билар, бундай нафис, мулойим бўлиши мумкинлигини тасаввур этолмас эди.

— Нега кирмадингиз ахир? Мен сизни кутдим...— деди Заргаров.— Келса, шу аҳволимда қандай кутаман, деб қўрқардим, лекин ҳамон икки кўзим йўлда эди...

— Кирсам... бошингизда маърака... у кунлари мен сизга қандай сўзлар айтишим мумкин, қандай сўзлар айтишим керак эди?

Заргаров унинг ўнғайсиз аҳволини тушунди. Фотиманинг вафот этган кунлари эди. У бориб нима ҳам дейди, таъзия билдирадими ё...

— Унда мен сизга қўпол гап айтиб қўйишимдан ҳам қўрқдим,— деди Зиёда.

— Қандай қўпол гап?

— Ҳақиқатан баъзан дағалроқ эшитилади. Беморлигингизда ботинмадим.

— Энди айтинг бўлмаса?

— Айтаман,— деди Зиёда. Улар йўлкада аста ёнмаёن борар эдилар.— Айтаман. Сиз Фотима учун курашмадингиз. Севмагани учунгина одамдан қўл силтаб қутулиб бўлмайди.

— Биладан, Зиёда,— деди Заргаров. Оқшом қоронғисидан унинг юзи ҳам сўнинқиради. Биладан,— деб такрорлади у.— Бу умримнинг битмас яраси бўлиб қолишини ҳам биладан. Ана шундай таънани кимдандир кутган эдим. Саодат айтар, деб қўрққан эдим, негадир айтмади. Ақли етмади. Энг яқин одамимдан кутган эдим... Фақат ўзинг билиб, азобини тортиб юриш ҳам қийин-да... Раҳмат сизга. Уртоқлашдингиз. Ушандаёқ кирсангиз, очиқ гаплашсангиз, ҳеч малол келмасди.

— Кирмаганимнинг бошқа сабаблари ҳам бор,— деди Зиёда.— Мен гап-сўздан қўрқмайману эл оғзида сақич бўлиш, мишмишчиларни ўчакиштириш ҳам ҳавас эмас. Ҳали ҳам обкомдагилар таклиф қилиб, гаплашишди.

— Нима дейишди?

— «Танишишмоқчи» экан... Сизни мендан қизганишадими дейман,— кулди Зиёда.

Заргаров вазиятни тахминлаб кўз олдига келтирди. Ҳа, бу ўзига боғлиқ можаро, шу кунларда унинг ишлари, хатти-ҳаракати, аҳволи баъзиларни қизиқтирган бўли-

ши мумкин. Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси жойида... у панжаларини қисиб, қоронғида жилмайиб қўйди. Оёқлари остида қум шитирлади. Қизиқ, шу ерда ҳам қум! Пешанага битгани шуми нима бало!..

— Айтгандай, жужуқлар қалай?— дея бирдан сўраб қолди у.

Зиёда яна кулиб юборди.

— Биласизми, обкомда мен уларнинг ўзимники эмаслигини айтмадим,— деди у шўхлик билан.— Боплабманми? Ёш экан, хом экан, деб ўйлашмасин!

Заргаров ҳам кулди. Унинг болали хотин бўлиб кўришишга интилиши чиндан ҳам кулгили эди.

— Очиғини айтсам,— деди Зиёда бирдан ўйга чўмиб,— уларни «ўзимники эмас» дейишга тилим бормади. Бунинг қийин бўлишини сира ўйламаган эканман. Чиндан ҳам, ўзингиз ўйлаб кўринг, қандай айтаман? Ахир, қувонсам ҳам, хафа бўлсам шуларни қучаман.

Заргаров Гулнора билан Дилорани қўшалоклаб қучган Зиёдани, унинг бир онадек қувонганини кўз олдига келтирди. Бу унинг кўнглига илиқ бир сабрсизлик туйғусини солди. Иложи бўлса узоқ-узоқ суҳбатлашгиси келарди.

— Энди қачон айтиб берасиз... Қўлбола олтин тупроқни? Мен тагига етолмай, тушунолмай ҳайронман, Зиёда, наҳотки бу мумкин бўлса?

— Юринг, уйга борайлик,— деди қувониб Зиёда,— чой ичамиз, мен сизга ҳикоя қилиб бераман.

— Йўқ, ҳозир эмас...— деди Заргаров соатига қараб,— кейинги сафар, бапуржа. Хўпми?— Кейин шўх мақтаниб қўшиб қўйди:— Мен энди жуда зўр одамман, ахир. Генерал директор қилиб тасдиқлашди.

— Вой, айтмайсиз ҳам, бу жуда ваҳима-ку! Табрикласам майлими?— Зиёда бўйнини чўзиб унинг юзидан ўпмоқчи эди, Мардонқул икки ёноғидан икки қўли билан чаққон ушлаб лабидан ўпиб олди. Қиз, лаби куйгандек, қўлининг сирти билан оғзини тўсиб ерга қаради.

— Мен албатта келаман!— дея Заргаров шошганча жўнади.

...Лекин бир ҳафта ўтар-ўтмас Қумтов Комплекс қурилиш бирлашмасига Зиёданинг ўзи етиб борди. Баҳор авж олиб келмоқда эди. Қум сақлаган намликдан гиёҳлар қизариб ниш урар, шунинг учун бутун саҳро, айниқса

эрта тонгда, ёппасига бўзариб товланар эди, у баҳор нафасига кўксини тўлатиб, бекатдан Бирлашмагача пиёда келди.

Бирлашма уч қаватли янги бинода эди. Ҳали атрофлар ўйдим-чуқур, қурилиш материалларию йиғиштирилмаган техника қисмлари билан ивирсиб кетган, чала бузилган кранлар, бетон қорувчи барабанлар юмалаб ётибди. Бу ерга яқинда катта автомобиль йўллари, марказий телефон кабеллари келса керак, ахир саҳрода неки қурилиш бўлса, энди ҳаммаси шу Бирлашмага қарайди. Қелажаги билан олганда, бу комплекс территория жиҳатидан ҳам, хўжалик потенциали жиҳатдан ҳам эски областнинг ўзидан кўра мавқлироқ бўлади.

Идора олдини машина босиб кетган эди. Зиёда, кенгаш бўляптими, деб зинадан юраги бетламайроқ чиқди-ю, генерал директорнинг эшигини топганига дадилланди.

Заргаровнинг қабулида белбурма бахмал камзул кийган дилбаргина бир жувон ўтирарди. Зиёда кирганда у дарров ўрнидан турди-да, негадир қизаринқираб, қўл берди:

— Тўмарис Жалпақова.

— Зиёда.

Заргаров уларни бир-бирларига мақтаб таништирди. Жалпақова ҳам аёл кишига хос сезгирлик билан вазиятнинг пайқади-да, гапини қисқа қилиб, хайрлашди.

— Нима бўлди, Зиёда? Бугун учмоқчи эдим.

— Узим келдим. Сабрим чидамади!— деди Зиёда. Улар ўпишиб кўришдилар-да, диванга ёнма-ён ўтирдилар... Зиёда унинг рангпар юзларига бармоғини тегизиб:

— Ишингиз кўп, биламан, Нима қилай— деб сўради.

— Биласизми нима қиласиз? Кўчиб келинг,— деди Заргаров.

— Узимда ҳам шу ўй йўқ эмас. Ҳозир... шу ният кўнглимда бирданига яна ҳам қатъийлашди,— деб эшикка қаради Зиёда. Заргаров унинг ҳалигина чиқиб кетган Тўмарисга шама қилаётганини тушуниб, кулди. Ҳадеб юзида ўйнаётган бармоқларини ушлаб лабига босди.

— Саҳродан қўрқмайсизми?

— Энди қатиқни ҳам пуфлаб ичарсиз?— деб кулди Зиёда.— Биласизми, менинг бир неча йиллик муҳим ишим бор: лабораториямиздаги кашфиётнинг барча тажрибалари билан батафсил илмий баёнини ёзишим керак. Бу менинг докторлик ишим бўлади.

— Бўлмаса шундай қиламиз,— Заргаровнинг пешанаси тиришиб, туташ қошлари кўзини босиб тушди.— Кампир билан жужуқларни ҳам олиб келасиз. Саодат ҳам уч-тўрт ойда техникумни битириб шу ерга ишга келади. Ҳозир уйлар битяпти, тўрт хоналик жой оламиз. Катта оила, катта хонадон, катта ишлар! Яхши кўраман!

— Катта саҳро!— дея кулди Зиёда.

— Катта бахт...— деб қучоқлаб олди уни Заргаров. Зиёда истиҳола қилди. Ҳарқалай, расмий жой...

— Мен розиман!

— Жуда соз,— яна ўйлаб қолди Заргаров,— айтгандай, «хазина»ни нима қиласиз?

— Ҳа, «хазина» масаласи қизиқ бўлди,— деди Зиёда эслаб.— Мен уни ўлкани ўрганиш музейига таклиф қилдим. Бир ходим келиб кўриб, «Йигирма минг!» дейди.

— Нима йигирма минг?

— Коллекциянинг баҳоси шунақа эмиш. «Биласизми, коллега,— дедим.— Текинга олиб кетинг, ҳозир ҳаётимда жуда қувончли катта воқеа бўлиб турибди, шунинг ҳурмати, ола қолинг, манзират эмас», дедим. Зўрға кўндирдим. Кекса одам экан, икки гапнинг бирини «ҳай, эсизгина-я», деб, рўйхатга олиб, муҳр босиб, давлат номидан йигирма минг сўмга тилхат бериб кетди.

Зиёда кулиб ҳикоя қиларкан, Заргаров унинг бармоқларини ўйнаганча, бошқа нарсаларни ўйларди. У ўзини янги севги учун кекса деб ҳисоблар эди, янги севги эса — мана... наҳотки шу гуркираб келаётган янги севги бўлса...

— Бу қўллар...— деди у Зиёданнинг бармоқларини ҳамон қўйиб юбормай.— Сиз балки мендек кесакдан ҳам олтин зарралари қидираётгандирсиз? Лекин бу ўринда алхимиклигингиз кетмайди.

— Сиз тентаксиз...— дея эркаланди Зиёда.— Одамлар сиздан кутяпти олтинни.

— Сизга раҳмат,— деди Заргаров, кўнгли ҳеч қачон бундай ёришмаган эди.— Мен қайта туғилгандайман...

— Жуда катта туғилибсиз,— дея ҳазиллашди Зиёда ва ярим жиддий қилиб қўшиб қўйди:— Катта туғилган боланинг тақдири оғир бўлади, дейишади...

— Ҳа. Лекин биласизми, Зиёда, менга хотин бўлиш ҳам жуда оғир иш...

Зиёда унинг кўзларига тикилиб шивирлади:

— Билама...

1973—74 йиллар

МУНДАРИЖА

Давр менинг тақдиримда. <i>Роман</i>	5
Бўронларда бордек ҳаловат. <i>Ҳисса</i>	373

На узбекском языке

Асқад Мухтар

Собрание сочинений в 4-х томах

ТОМ II

ВРЕМЯ В МОЕЙ СУДЬБЕ

Роман

КАК БУДТО В БУРЯХ ЕСТЬ ПОКОЙ

Повесть

Редактор *Ж. Насриддинова*
Рассомлар *Ш. Булгаков, В. Плехин*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *М. Абдусаломова*

ИБ № 1476

Босмахонага берилди Б.И.81. Босишга рухсат этилди. 15. 2. 82. Формати 84×108^{1/8}.
Босмахона қогози № 3. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 33,02+0,3
вкл. Нашр л. 35,42+0,16 вкл. Тиражи 40 000. Заказ № 448. Ваҳоси 2 с. 40 т.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 700129, Тошкент, Навои
кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат коми
тетининг Тошкент „Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. 1-босма
хонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.